



АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ ТИМСОЛИ



Жумабой Раҳимов




АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ ТИМСОЛИ



„ОҚИТУВЧИ“
НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ – 2017

26149



Тахрир хайъати:

АБДУРАҲИМ МАННОНОВ, МИРСОДИҚ ИСҲОҚОВ, ХУРШИД ФАЙЗИЕВ,
АБДУМАЖИД МАДРАИМОВ, ҒАФУР ШЕРМУҲАММАД, ПОКИЗА АЪЗАМОВА,
РУСТАМ МИРЗАЕВ, РУСТАМ ХУДАЙКУЛОВ

Ижодий гуруҳ раҳбари: *Рустам МИРЗАЕВ*

Масъул муҳаррир Абдумажид МАДРАИМОВ — тарих фанлари доктори, профессор.

Тақризчилар:

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ — тарих фанлари доктори, профессор;

Дилафрўз ҚУРБОНОВА — тарих фанлари номзоди, доцент;

Озода РАҲМАТУЛЛАЕВА — тарих фанлари номзоди, доцент;

Ғафур ШЕРМУҲАММАД — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг
ўринбосари, адиб.

Фотосуратлар муаллифи ва дизайнер: *Баҳодир ИБРАГИМОВ*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА

ЭҲТИРОМ

Бугун биз ўзбек халқи ҳаётида унутилмас тарихий бир воқеанинг гувоҳи ва иштирокчиси бўлиб турибмиз.

Биз яшаб турган шу муқаддас заминда буюк бир давлатга асос солган, оламни тебратган, номи етти иқлимда машҳур бўлган улўф бобокалонимиз Амир Темур ҳайкалини очиш маросимига йиғилдик.

Бугун Шарқда тенги йўқ саркарда мустақиллик, истиқлол шарофати билан ўз Ватанига қайтди.

Узоқ йиллар мобайнида мустамлака исканжасида кун кечирган халқимиз ўз ватандошини қадрлаш, унинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имконидан маҳрум эди. Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий гурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аجدодларини, баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади.

Муҳаммад Тарафай баҳодир ўғли Амир Темур ёшлик чоғидан мард, довюрак, гурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди. Турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди. Ҳадис илмини ўрганди. Имон-эътиқодли, ҳалол, пок инсон бўлиб етишди.

У ёшлигидан бошлаб ўз олдига она юртини мўғул босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат қудратини ҳар соҳада юксакликка кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Фарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморлик, тасвирий санъат, musiқа, шеърият беқиёс ривож топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўрсатган чексиз меҳр-муруввати, айниқса, ибратлидир.

Кўҳна тарих саҳифалари буюк бобомизнинг миллат ва эл-улус манфаати бобида чеккан мислсиз заҳмат ҳамда кўрсатган шижоатларига гувоҳлик беради.

Инсоф-имон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига ҳукмронлик қилган жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.

Бугун бунёд этилган улўф бобокалонимиз ҳайкалида теран рамз бор — гўёки жаҳонгир тулпорининг жилловини тортиб турибди, қиличсиз қўлини олдинга чўзиб, жаҳон халқларига омонлик соғинмоқда. „Куч — адолатдадир!“ демоқда.

Донишманд аждодимизнинг мазкур сўзларини мана шу муҳташам ёдгорлик пойига зарҳал ҳарфлар билан битар эканмиз, замонлар тажрибасидан ўтган бу бебаҳо ҳикматнинг қалбларимизда доимо акс садо бериб туришини орзу қиламиз.

Бу кунга етганлар бор, етмаганлар бор. Шунинг учун ҳам озодликни соғиниб, озодлик йўлида курашиб ўтган аждодларимизни дуолар билан эслашимиз ҳам қарз, ҳам фарздир. Аждодларимизнинг пок руҳлари шод бўлсин, уларнинг орзуларига муносиб ва садоқатли бўлайлик.

Истиқлол муборак, азиз ватандошлар! Озодлигимиз абадий бўлсин! Икки йиллик истиқлол даврида жонажон диёримизда бўлаётган ўзгаришлар халқимизга ишонч ва умид бағишламоқда.

Буюк айём арафасида Амир Темури бобомиз ҳайкалининг очилиши ўзига хос рамзий бир маънога эгадир.

Ватанамиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаън-шавкати юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир.

Биз орзу этган буюк давлатни бунёд қилиш барчамиздан мустаҳкам ирода, имон-эътиқод, миллий ғурури туйғуси, буюк аждодларимиздан мерос қолган маънавий бисотга эга бўлишни талаб қилади. Билаклари-мизда куч, қалбларимизда келажакка ишонч бўлмоғи шартдир.

Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гузал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улур бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурури бахш этмоғи муқаррар!

Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, имон-оқибатли бўлишда, қудратли келажакимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди.

Барчамизга шу йўлда Аллоҳ мададкор бўлғай!

*Тошкентда Амир Темури ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзланган нутқ,
1993 йил 31 август*

Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг „Адолат ҳар бир ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!“ деган чуқур маъноли сўзлари ҳар биримиз учун ҳаётини эътиқодга айланиши зарур.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

СЎЗ БОШИ

Ушбу китоб Султони Соҳибқирон Амир Темур (1336—1405) ҳаёти ва фаолияти тўғрисида бўлиб, мазкур асар эҳтиросли олим, педагог ва публицист Жумабой Раҳимов қаламига мансуб. Асар буюк ватандошимиз тўғрисидаги ўша давр ёзма манбалари, кейинги замонларда яратилган тарихий солномалар, замонавий тадқиқотлар, бадий-публицистик нашрлар асосида яратилган бўлса-да, уни соф илмий тадқиқот эмас, балки бугунги тарихчи олимнинг бундан етти-олти юз йил аввал яшаб, фаолият кўрсатган ёрқин тақдир эгаси тўғрисидаги тарихий манбаларга асосланган оммабоп — барча севиб ўқийдиган асар деб аташ мумкин. Шунинг учун китоб бир ўтиришда уни ўқиб чиқадиган асарлар сирасига киради.

Амир Темур нафақат бизнинг Ватанимиз, эл-юртимизни мўғулларнинг бир ярим асрлик мустамлакачилик зулмидан халос этган буюк давлат арбоби ва саркарда, ардоқли тарихий шахс сифатида эътироф қилиниб қолмай, балки заиф Европа дунёсининг халоскори ва бу халқларга Уйғониш даврини бошлаб берган бетакрор шахс сифатида ҳам жаҳон халқлари учун бағоят қадрлидир. У ўз даври йирик драматурглари Кристофер Марло (1587) ва Жак Прудоннинг (1691) пьесалари, машҳур композиторлар — Алессандро Скарлатти (1706) ва Жорж Фредерик Генделнинг (1724) опералари, 1809—1849 йилларда яшаб, ижод этган Американинг йирик прозанависи, шоири ва адабиёт назарийчиси Эдгар Аллан Поинг (1827) шеърлари романтик қаҳрамони сиймосида намоён бўлган эди.

Жаҳон халқларининг сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётига улкан ўзгартиришларни кiritган, миллатимиз тақдирида ўчмас из қолдирган адолат ва жасорат тимсоли бўлган буюк давлат арбоби, улуғ саркарда сифатида танилган Амир Темур ҳақида янги асар битиш учун жуда катта шижоат керак. Ул зотнинг тенгсиз яратувчилик, бунёдкорлик фаолиятини ёритиш вазифаси ҳар қандай муаллиф зиммасига оғир масъулиятни, кўплаб қўлёзма ва чоп қилинган китоблардаги воқеа-ҳодисаларни ўрганиб, улардаги энг муҳим жиҳатларини бугунги кун нуқтаи назаридан қайта англаш вазифасини кўндаланг қўяди. Чунки, буюк бобокалонимиз яшаб, фаолият кўрсатган давр Ватанимиз ва жаҳон тарихида рўй берган кўплаб ижтимоий-сиёсий воқеалар кўлами, уларнинг аҳамияти жиҳатидан ғоят нозик ва маълум даражада ўта муҳим замон ҳисобланади.

Амир Темур туғилганида юртимиз чингизийлар зулми остида бўлган. Ёш Темурбек мустабид тузумга нафрат руҳида ўсди, улғайди. Ватанни озод қилиш ғояси уни мавжуд истибдодга қарши курашга ундади. Унинг мақсади ганимлардан ўз юртини озод этиб, юртидаги шаҳарларни обод қилиш, беназир иморатлар — сарой, мадраса, масжид, мақбара, хонақоҳ, карвонсарой, работлар қуриш, мамлакатни жаннатмисол боғу роғларга буркаш, жаҳоннинг энг машҳур шаҳарлари — Бағдод, Париж, Дамашқ каби обод қилишга, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга эришди. Натижада йигирма етти давлат бирлашган улкан салтанат бунёд этилиб, Буюк ипак йўли мутлақ қайта тикланди, тадбиркор ва



савдогарлар учун қулай шароитлар яратилди, карвонлар ва барча аҳоли хавфсизлиги таъминланиб, энг аввало, иқтисод ва савдо-сотиқ ривожланган эди.

Дин ва миллат шарафи Шарафуддин Али Яздий ибораси билан айтганда, юртимиз ҳудудида жуда катта иқтисодий тараққиёт юз бериб, оддий кишилар хорижий мамлакатлар беклари каби бойбадавлат бўлган, шаҳарлар ободонлаштирилганда бирор-бир парча ер эътиборсиз қолдирилмаган. Тўй ва байрам маросимлари ҳозирги замонавий фестиваль даражасида нишонланар эди.

XIV—XV асрлар тарихи тўғрисида таниқли муаррихлар кўплаб асарлар яратганлар. Бу даврда юз берган воқеалар ҳақида, биринчи навбатда, Амир Темур ўз „Тузуқлар“ида баён этган эди. Бу ибратли китоб улкан салтанатнинг қандай қилиб тиклангани ва уни бошқариш тизими, тамойиллари баён қилинган ўта ноёб манба ва раҳбарлар учун дастуруламал ҳисобланади. Жумабой Раҳимовнинг фикрига кўра бу асар бугунги кунда „Конституция“ деб аталмиш асосий қонунлар мажмуасининг Ўрта асрлар давридаги илк кўринишидир. Мазкур асарда муаллиф томонидан „Тузуқлар“нинг салтанат Конституцияси мақомида бўлгани ўз исботини топган. Бунинг амалдаги исботи шундан иборат бўлдики, юртимиз мўғулларнинг бир ярим асрлик зулми оқибатида дунёнинг энг таназзулга учраган мустамлакачилигидан жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий, маданий жиҳатдан энг гуллаб яшнаган, юксалиш бемисл рўй берган мамлакатига айланди.

Тузук сўзининг маъноси — урф-одат, тартиб, қонун-қоида, ойин, кодекс, доктрина, конституцияни англатади. У подшоҳларнинг таржимаи ҳоли, сиёсий фаолияти, давлатни бошқариш қонун-қоидалари, ҳақ-ҳуқуқлари баёни, туриш-турмуши, ахлоқ-одоби, давлатни идора қилиши, турли мансаб эгаларига белгилайдиган ҳуқуқ, бурч, вазифалари, халқ билан муомала-муносабати, хайр-саховати, адолатли солиқ

сиёсати, халқ ва мамлакатни душманлардан муҳофаза қилиш, ҳарбий юришлар ўтказиш ва бошқа қонун-қоидалар ёзилган рисоладир. Шарқда ҳар қандай касб-ҳунарнинг ўз рисоласи бўлганидек, подшоҳликнинг ҳам ўз рисоласи, қонун, ҳақ-ҳуқуқлар мажмуаси бўлиб, у **тузук** деб аталган. Тузук ёзиш жуда қадимдан анъана бўлган. Гарчи турли даврларда шу мазмунда ёзилган рисоалар „тузук“ деб аталмай, бошқача номлар билан юритилган бўлса-да, моҳият жиҳатидан тузук вазифасини бажарган. Масалан: Турк хоқонларининг „Қонуннома“си, Юсуф Хос Ҳожибнинг „Қутадғу билиг“и, Абулқосим Фирдавсийнинг „Шоҳнома“си, Амир Хусрав Дехлавийнинг „Ойини Искандарий“, Бобурнинг „Вақоеъ“ („Бобурнома“) — „Тузуки Бобурий“си, Гиёсиддин Хондамир ёзган „Қонуни Ҳумоюн“, Абулфазл Алломийнинг „Ойини Акбарий“, Нуриддин Муҳаммад Жаҳонгирнинг „Тузуки Жаҳонгирий“, турли муаллифлар томонидан яратилган „Насиҳат ул-мулук“, „Низом ул-мулук“, „Сулук ул-мулук“, „Тухфат ул-мулук“ (Подшоҳларга йўл-йўриқлар) каби асарлар шулар жумласидандир. Ана шундай подшоҳлик рисоаларидан бирини Соҳибқирон Амир Темур ҳам ёзган. У „Темур тузуқлари“ („Тузуқоти Темур“) номи билан юритилади. „Темур тузуқлари“ дастлаб, туркий (мумтоз ўзбек) тилда ёзилган, сўнгра форс, инглиз ва бошқа тилларга ўтирилган.

Ўзбекистонда мустақилликка эришганимиздан сўнг Амир Темур ва темурийлар даврини ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. „Темур тузуқлари“ асарини Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов жуда қадрлаган ва бу асарга юксак баҳо берган эди.

Амир Темур тўғрисида унинг топшириғига кўра олим Гиёсиддин Али Яздий „Ҳиндистон сафарномаси“ асарини ёзган бўлиб, бу асар тарих ҳақиқатидан бир оз чекиниб, воқеаларнинг ёритилиш баёнида „бўяб-бежаш“ устуворлиги мақтовлар жабҳаси-





га ўтиб қолган. Шунинг учун асар Соҳибқиронга маъқул келмаган эди. Шундай бўлса ҳам бу китобдаги далил, воқеа-ҳодисалар кейинги даврда яратилган деярли барча асарлар учун асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Ўша даврда яратилган тарихий асарлардан бири моҳир тарихнавис Низомиддин Шомийнинг „Зафарнома“ асаридир. Бу китоб ҳам Амир Темурнинг бевосита кўрсатмасига биноан ёзилган. Тарихчи шахсан Соҳибқирон билан биринчи марта 1393 йили Бағдод шаҳрида учрашган. Сўнгра Амир Темур Низомиддин Шомийни ҳузурига чорлаб, ўзининг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида йирик асар яратишга ундаган. Амир Темур муаррихга мавжуд анъанавий тарихий асарлар тили ва услуби уни қониқтирмагани, ёзиладиган китоб тарихий ҳақиқатни рўй-рост ва бежовларсиз очиб берадиган, оддий халққа тушунарли, содда, равон тилда ёзилиши билан бирга фозил кишилар эътиборига ҳам лойиқ тарзда бўлиши кераклигини таъкидлаган. Амир Темур деди:

*Низомиддин Шомийга юзлашиб шоён,
Бўлғайсиз бизга энди котиби даврон.
Жаҳон майдонида не иш қилдик аъмол,
Ҳақиқат юзидан кўрсатсин жамол.
Ғиёсиддин Али каби бежаманг,
Ўқиган кишилар бўлмасинлар ганг.
Сиз шундай ёзингки тарихимизни,
Ҳаддидан оширманг асло таърифимизни.
Сиз шундай ёзингки, кўрсинлар лойиқ,
Ҳақиқат тарихимиз билсин халойиқ.
Рағбат бериб Низомиддин Шомийга
Юзини қаратди унинг мозийга.
Дунёнинг сайқали экан Самарқанд,
Ҳақиқат тарихдан улус бўлсин баҳроманд.
Тарихи бой миллат улуг миллатдир,
Унинг ҳар бандаси азиз хилқатдир.
Азиз хилқатларига суянган Ватан
Салоҳиятига олам берар тан.*

Низомиддин Шомий Амир Темур ҳаётини яхши билган, унинг саркардалиги ва давлатчилик қобилияти, дунёвий ва диний илм-фанларга муҳаббати ҳақида кенг тасаввурга эга бўлган. Шу боис ўша давр воқеа-ҳодисаларига адолат нуқтаи назаридан ҳолисона баҳо беришга интиланган. Унинг асарида воқеалар баёни 1404 йил баҳорида тугалланган. Кейин Амир Темур вафотигача, яъни 1405 йил 18 февралгача кечган воқеаларни муаррих Ҳофиз Абру „Зафарнома“га „Илова“ тарзида ёзган.

Низомиддин Шомийнинг „Зафарнома“ асари 1996 йили ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилиши маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа бўлиш билан бирга Соҳибқироннинг 660 йиллик таваллуд кунига халқимиз учун муносиб тухфа ҳам бўлди. Шунингдек, бу қимматли асар ушбу мавзуга оид ҳар қандай тадқиқотчи ва мухлислар учун ноёб манба вазифасини ўтайди.

Яна Соҳибқирон билан замондош бўлган муаллифлар: Ҳофиз Абру, Руи Гонсалес де Клавихо, Ибн Арабшоҳ ҳам ўша давр тўғрисида ҳикоя қилганлар.

Кастилия (Испания) қироли Генрих III нинг элчилари таркибида 1404–1406 йиллари юртимизда бўлган Руи Гонсалес де Клавихонинг „Самарқандга, Амир Темур саройига саёҳат кундалиги“ асарида Соҳибқироннинг бунёдкорлик фаолияти, ўша давр маданий ҳаёти ёритилган.

Ёшлигида Самарқандда бўлган араб муаррихи Ибн Арабшоҳ 1436 йили „Амир Темур тарихидаги тақдир ажойиботлари“ номли асар ёзган бўлиб, унинг китобида жуда қимматли маълумотлар билан бир қаторда, ғаразли фикр ва мулоҳазалар ҳам ўрин олган.

Йирик муаррихлардан Муъиниддин Натанзийнинг 1413 йилда ёзилган, ҳукмдор Мирзо Искандар Мирзо Умаршайх ўғлига бағишланган „Мунтахаб ат-таворих“ асарида Амир Темур даври тарихи ёритилишида бошқача муносабатни кўрамыз.

Фақат шу асарда муаррих Самарқанддаги сарбадорларни Шомий ва Шарафуддин Али Яздийдан фарқли равишда ватанпарварлар деб атаган.

Шарафуддин Али Яздий (ваф. 1454 й. Тафт) нинг „Зафарнома“ асари ёзма манбалар ичида энг мукаммали бўлиб, унинг асосини Шоҳрух Мирзонинг ўғли Иброҳим Султон ўз ташаббуси билан бобоси Амир Темури ҳақидаги маълумотларни жам қилдириб, китоб шаклида мукаммал ҳолга келтиришга эришган. У 1419–1420 йиллари турли котиблар — бахши ва муншийлар томонидан ўз вақтида битилган Амир Темури ҳақида ўзбек ва форс тилларида ёзилган мавжуд барча маълумотларни тўплаш ҳақида фармон чиқарган эди. Аввалда жамланган маълумотлар воқеаларини ўз кўзи билан кўрган кишилар ҳикояси билан таққослаб, кейин Шарафуддин Али Яздийнинг улар билан танишиши ва бу ҳақда Иброҳим Султонга ахборот бериши топширилган эди. Маълум бўлишича, Амир Темури ҳақида ўзбек ва форс тилларида баён этилган ҳикояларнинг барча шеърий ва насрий таҳрирларини бир жойга тўплаб бўлгач, улар билан танишиш учун учта гуруҳ тузилган. Ўзбек ва форсий тилларнинг билимдонлари икки гуруҳни, воқеаларни ўз кўзи билан кўрганлар эса яна бир гуруҳни ташкил этган. Дастлаб Амир Темури ҳақидаги ҳар бир ҳикоя ўқилгач, агар у воқеа баёни ўз кўзи билан кўрган кишининг талқинига тўғри келмай қолиб, шу воқеалар ҳақида бирон-бир гумондорлик пайдо бўлса, Иброҳим Султон ҳақиқатни аниқлаш учун турли шаҳарларга махсус чопарлар юборган. У мазкур воқеани бевосита воқеа иштирокчиларидан суриштирган ёки қўшимча маълумотларни тўплашга ҳаракат қилган. Бошқа гувоҳларнинг ҳикояларини ҳам эшитгач, асарнинг дастлабки хомакни таҳрири қаламга олинган. Ана шу тўпланган ноёб манбалар асосида Шарафуддин Али Яздий ўзининг „Зафарнома“ номли қимматли асарини яратган. Иброҳим

Султоннинг буйруғига мувофиқ китобни битиш вақтида ундаги саналар, жой номлари, улар орасидаги масофа ҳақидаги барча маълумотлар жуда синчиклаб текширилиши шарт бўлган.

Шарафуддин Али Яздий олдига бу асарни жонли, балоғатли тилда ҳамда тушунарли қилиб ёзиш талаби қўйилган. Шунингдек, унинг ҳужжатларга қатъий риоя қилиши, Иброҳим Султоннинг бевосита назоратида амалга оширилган дастлабки хомакни таҳрир ёзувидан четга чиқмаслиги ҳамда ҳеч нарсани бўяб кўрсатмаслиги шарт қилиб қўйилган. Шунини таъкидлаш жоизки, бу асарни ёзишда Шарафуддин Али Яздий ўз кузатишларидан ҳам унумли фойдаланган, ўзининг шоирлик иқтидорини намойиш этгани шубҳасиз.

Фасиҳ Аҳмад Жалолиддин ўғли Ҳавофий (1375–1442)нинг 1441 йили ёзган „Мужмали Фасиҳий“ номли маълумотнома характеридаги асари ҳам Амир Темури ва темурийларга оид муҳим воқеалар тарихи — санаси баён этилгани билан қимматлидир.

Ўрта асрларда яшаган бошқа муаррихлар ҳам бу давр тарихини ёритганлар. Уларнинг аксарият асарлари ўша давр шароити талабидан келиб чиқиб ёзилган бўлса, Клавихо ва Ибн Арабшоҳ китобларида Амир Темури тўғрисида қимматли маълумотлар билан бир қаторда, асоссиз фикр-мулоҳазалар ҳам учрайди.

XV асрдан буён ўтган вақтда бутун дунёда Амир Темури ҳақида турли тилларда кўплаб асарлар яратилган бўлиб, уларнинг бир қисми Э. В. Ртвеладзе ва А. Саидовнинг „Амир Темури жаҳон тарихида“ (Париж, 1996) ва „Амир Темури жаҳон фани нигоҳида“ (Тошкент, 1999, рус ва инглиз тилларида) номли тадқиқотларида ёритилган. Мустақиллик даврида амалга оширилган тадқиқотлар О. Раҳматуллаеванинг „Амир Темури салтанати тарихнавислиги“ (Тошкент, 2010) рисолида тарихнавислик нуқтаи назаридан таҳлил этилган.



Амир Темур буюк бунёдкор ва санъат ҳомийси бўлгани, унинг бу соҳадаги анъаналарини авлодлари Мирзо Улуғбек, Бойсунғур Мирзо, Султон Хусайн Мирзо, Заҳрирдин Муҳаммад Бобур ва бобурийлар давом эттирганини 1987 йили Америкада юксак матбаа усулида чоп этилган, Томас Ленц ва Глен Лаурининг тўрт йиллик меҳнати самараси бўлган альбом-тадқиқоти: „Амир Темур ва шахзодалар қараши: XV аср санъат ва маданияти“ номли фундаментал асарида жуда ёрқин ифодаланган. Бу асар темурийлар даври санъати ва маданияти жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшганини яна бир қарра тасдиқлайди.

Сўнгги йилларда Амир Темур тўғрисида Б. Аҳмедовнинг „Амир Темур“. Тарихий роман (Тошкент, 1995), Е. Березиковнинг „Буюк Темур. Роман, бадиа“ (Тошкент, 1996), Ҳаким Сатторийнинг „Ҳазрат Соҳибқирон“ (Тошкент, 2005), Муҳаммад Алининг „Улуғ салтанат“. Тарихий роман. 4-китоб (2006–2013), Пиримқул Қодировнинг „Амир Темур сиймоси“ (Тошкент, 2007), Хусан Иброҳимовнинг „Амир Темурни англаш“ (Тошкент, 2014) ва шу йўсиндаги бошқа асарлар яратилди.

Жумабой Раҳимовнинг номи халқимиз шонли ўтмишини холисона ва ҳаққоний ёритишдек масъул вазифага ўз ҳиссасини қўшиб келаётган иқтидорли тарихчи олимлар қаторида жамоатчиликка маълум. Бир неча йил давомида академик Б. Аҳмедов билан Амир Темур жамғармасида ҳамкорликда ишлаган. Т. Файзиевнинг „Темурий маликалар“ китобининг масъул муҳаррири бўлган. Сўнгги йигирма йиллар давомида олим бир қатор илмий, илмий-оммабоп ва ўқув адабиётларини яратиб, уларда тарихнинг турли муаммоларига ўзига хос методологик ёндашув тамойилларига эга муаллиф эканини исботлаган. Жумладан, „Ўзбекистон тарихи дарсларида архив манбаларидан фойдаланиш“ асари етти тилда нашр этилган. Хусан, унинг „Ватаннинг шерюрак баҳодир“ (Жа-

лолиддин Мангубердига бағишланган) китоб-альбоми жамоатчилик томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Қўлимиздаги „Адолат ва қудрат тимсоли“ (Амир Темур) номли китобида эса Жумабой Раҳимов бугунги кун нуқтаи назаридан Амир Темурни қайтадан кашф этмоқда ва бунда у тарихий манбаларнинг илмий тадқиқотини эмас, балки ўзи мутолаа қилган қўплаб ёзма манба, кейинги талқинлар ва замонавий асарларни айнан қайтармай, бир ижодкор сифатида буюк бобокалонимизнинг ҳаёти ва фаолиятини баён этган. У ўрта аср тарихчиларидан фарқли ўлароқ, „юриш“, „уруш“ каби сарлавҳалар остида Амир Темурни жангу жадаллар тавсифи орқали улуғлашга интиланларга қарши ўлароқ, Буюк ипак йўлини қайта тиклаган буюк давлат арбоби ва улуғ саркарда сифатида тақдим этмоқда. Бу асарнинг асосий фикр, ғоялари баҳс-мунозара қўзғашга табиий. Шуниси аниқки, китоб ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Унда Амир Темур таваллудидан аввалги Ватан аҳволи, Соҳибқироннинг ҳаёт йўли, буюк салтанатни барпо этиши ва Буюк ипак йўлини тиклашга интилиши, юртини беназир гўзал ва тенгсиз сарой, мадраса, боғу роғ, масжид, хонақоҳлар билан обод этиши, ул зот пахсадан қурилган иморатлар ўрнига кошинкорлик билан зийнатланган пишиқ гиштлар ва тошлардан бунёд этилган Оқсарой, Бўстонсарой, Кўксарой, Бибихоним номи билан аталган жоме масжиди, Шоҳизинда мажмуасидаги мақбара, масжид, Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси каби беназир меъморий обидалар яратганининг гувоҳи бўламиз.

Жумабой Раҳимов ўтмишимизнинг энг залварли мавзуси Соҳибқирон Амир Темурнинг мураккаб ва шарафли ҳаёт йўли, эл-юрт озодлиги, мустақил давлатчилигимизнинг теран томирларига қайта жон бағишлашга бел боғлаган буюк жасорат эгасининг машаққатли кураши саҳифаларини яна бир бор жонлантиришга жазм қилди.



Бу залварли иш устида муаллиф узоқ давр — салкам ўттиз йил машаққатли изланишлар олиб борди, ҳатто Москванинг қўл етмас архивларида фаолият кўрсатди. Қўлимиздаги ушбу асар бу изланишларнинг самарасидир.

Аввало, муаллифнинг биз фикр юритаётган мазкур асари жанр эътибори билан ҳам ажойиб. Бу асар бир нафас билан ўқиладиган бадиийликка ҳам бемалол даъво қилса қилгудек. Ўта чигал тарихий вазиятлар ҳақида том маънода манбавий асосларда эркин ўқиладиган тарихий асар ёзиш унча-мунча тажрибали ёзувчининг ҳам қўлидан келармайти. Чунки бадиий асар машқида устун ёзувчи айни бадиият талаби ила тарихга ўз „бўёқлари“ билан кириб келади. Тарихчи эса, ўзи қаламга олган мавзунинг асл тарихий моҳиятини билган ҳамда ўша тарихий вазиятлар ҳақидаги манбаларнинг мағзини чаққан ҳолда воқеа-ҳодисаларни айни уларнинг бевосита иштирокчисидек „кўради“, идрок этади ва ҳаққоний тасвирлашга эришади. Муаллифнинг Амир Темури тарихини бу қадар чуқур, қалбан идрок этиши, аксар ҳолларда, ҳаяжонли сатрларда баён

этилган сон-саноксиз лавҳаларда ўз ифодасини топган. Бу ҳол асарнинг ҳажмидан қатъи назар қайноқ қизиқиш билан ўқилишини таъминлаган.

Асарнинг муҳим жиҳати шуки, унда бугунга қадар яратилган хоҳ илмий, хоҳ бадиий асарларда эътиборга тушмаган кўплаб тафсилотлар усталик билан сингдириб борилган. Муаллиф бадиийлашган оҳанглардан ҳам усталик билан фойдаланади. Лекин бу бадиийлик шунчаки қандайдир тарихий бўшлиқни тўлдириш учун эмас, тарихий манба маълумотларини ҳикояга сингдириш орқали далилу исбот учун хизмат қилган. Шу жиҳатдан ушбу китобни хронологик доирада тарихий жараёнлар эпопеяси деб баҳолаш мумкин.

Асар таркибида, аввало, хронологик тизим бўйича жойлашган материаллар чизиғи мавжуд. Ушбу китобда бадиийликка хос хусусият етакчи ўринга чиққан ҳолатлар бисёр. Матн енгил ўқилади. Ушбу китобнинг нашр этилиши халқимиз учун гўзал бир туҳфа, ёш авлод учун Ватанга чинакам садоқат, шунингдек, ҳарбий ватанпарварликнинг юксак ибрати сифатида ғоят эзгу ишдир.

Абдураҳим МАДРАИМОВ





**МУҒУЛЛАР ИСТИБДОДИНИНГ
ТАНАЗЗУЛИ ВА БУЮК САЛТАНАТНИНГ
БАРПО ЭТИЛИШИ**





XIV АСРНИНГ 2-ЯРМИ — XV АСРНИНГ БОШЛАРИ



BAPILO 3TPIYIPII





**ОЗОДЛИК ВА ЭРКИНЛИККА
ЗОР ЮРТ ФАРЁДИ**



ЖАБР-ЗУЛМДАН ИНГРАГАН ЮРТ

XIII асрнинг 20-йилларидан 30-йиллари бошларига қадар юрт ўғлони Хоразмшоҳ Ануштегинлар сулоласининг сўнгги буюк вакили Жалолоддин Мангуберди кўтарган озодлик ва мустақиллик байроғи ғанимлар юрагига даҳшат ва қўрқув солиб, ўн бир йил мағрур ҳилпираб турди. Бу Шарқ ва жаҳон тарихидаги буюк бир қаршилик ҳаракати бўлди. Қарийб мўғуллар томонидан таназзулга учратилган Хоразмшоҳлар салтанати энди Турондан ташқарида Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Жанубий Кавказ, Ироқ ва Кичик Осиёнинг айрим ҳудудларини қамровига олиб Султон Жалолоддин тобелигига ўта бошлагач, ундан хавфсираган Араб халифалиги, Кичик Осиё ҳукмдорлари, Миср Султонлиги барчаси мўғуллар хоқони тарафида туриб Хоразмшоҳ Жалолоддин Мангубердини тамомила йўқ қилиш учун қудратли иттифоққа бирлашдилар. Бунга катта қийинчилик билан эришдилар ҳам. Шу тариқа Марказий Осиё халқларининг асосий қисми, жумладан, Туронзаминга ҳам мустамлакачилик ва қуллик кишанлари кийдирилиб, раппа-расо бир ярим аср унинг азоб-уқубатлари остида кун кечирди, зулмат ҳукмронлигининг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жабру жафоларини чекди. Натижада имон-эътиқод ҳукмрон, тараққиёт гуллаб яшнаган, фан-маданият равнақ топган, дунёга олиму уламолар, фозиллар, санъатнинг буюк вакиллари етиштириб, дунё тамаддунига пойдевор бўлган юрт бойқушлар, вайроналар ҳукмронлиги тантана қилган, халқи қириб ташланганлиги боис туман ва вилоятлар ҳудудларида экинзор, боғ-роғлардан кўра қабристонлари йирик майдонларни эгаллаган маҳзун ва мотамсаро либосга бурканган заминга айлантирилди. Бир вақтлар сайёҳларни, олимларни ўзига

мафтун қилган ва Буюк ипак йўли ўтган Марказий Осиёнинг жаҳонни лол қолдирган Қуббат ул-ислом ёки Бухорои Шариф, дунё сайқалини ўзида мужассам этган замин чиройи Самарқанд, дунёнинг келинчак шаҳри — Кўҳна Урганч, Шарқда донг таратган — саййидларни вояга етказган Термиз шаҳарлари вайронага айланди. Термиз ва Кўҳна Урганчда эса ҳаёт уни бутунлай ўчди. Бухоро эса узоқ йиллар вайрона ва харобалик остида сукунат ҳукм сурган маконга айланди. Туронзамин узоқ йиллар ҳуқуқсизлик, адолатсизлик ва хунрезлик чегара билмаган, олиму фозиллари, ҳунар соҳиблари золим ва жоҳил мўғул мансабдорига отбоқар қул, имон булоғига чўмилган, шарм-ҳаё либосига бурканган аёллари, қизлари эса ғанимларига чўри қилиб берилган юртга айлантирилди. Бунга қарши озодлик шами бир ёнди-ю, дарҳол ўчирилди. Бу Маҳмуд Торобий кўзғолони эди. „Ясоқ“ деб аталмиш ваҳшиёна тартиб-қонунлар эрк, озодликни қўмсаган инсонларни афсоналарда таърифланган одамхўр девлардек лаҳзаларда жодига тортиб, жисмонан йўқ қилиб топтади. Ўлимсевар, қон истовчи хоқон бошида турган жаллодхоналар кечаю кундуз тиним билмай ишлади. Йўқотишлар ҳадсиз-ҳисобсиз бўлди. Ватан, Туронзамин баҳодир шерлари, паҳлавонларидан ажралди, мисли куни битган касалманд чол каби мункайди. Қудрати синдирилди. Босқинчи мўғулларнинг асрий голиблик тантанаси ҳукмронлиги бошланди. Натижада ёвузликдан хор, эркинликка зор Ватан фарёди еру заминни титратар эди. Бу офат ва зулматдан қачон, ким келиб эл-улусни қутқасади, бунга Яратгандан ўзга ҳеч ким билмасди.



ЧИНГИЗИЙ СУЛОЛАЛАР ИЧИДА УНГАН НИФОҚ УРУФИ

Чигатойга шахсий мулк қилиб берилган Мовароуннаҳр замини унинг ноиби Чингизхоннинг ишончли амалдорига айланган Маҳмуд Ялавоч томонидан идора қилинди. Унинг зиммасига ўлкадаги тирик қолган аҳолини қуллик исканжасида сақлаш, барча аҳоли табақаларидан оғир солиқларни муддатидан аввал йиғиб, хоқонлик Қароргоҳи — Қорақурумга жўнатиб туриш, энг муҳими эса қулликнинг жирканч, ваҳшиёна кўринишларига қайси вилоят аҳли бош кўтарса, ўша ҳудудни қирғинга учратиб, қайта бош кўтармайдиган ҳолатга келтириш вазифаси юкланган эди. Отаси Чингизхон билан жуда яқин бўлган Маҳмуд Ялавочни Чигатойхон ёқтирмас эди. 1238 йилда Бухорода кўтарилган Маҳмуд Торобий кўзғолонида Чигатойхон Маҳмуд Ялавочнинг катта айби борлигини очиқ билдириб, уни жазолаш учун Ўғадой пойтахти — Пекингга жўнатди. Аммо Ўғадой Чигатой талабларини бажармай Маҳмуд Ялавочни Пекин Губернатори қилиб тайинлайди. Ўғли Маъсудни эса отаси Маҳмуд Ялавоч ўрнига Мовароуннаҳр ноиби қилиб жўнатди. У шу мансабда то умри поёнига қадар (1289 йил) ўлкани идора қилди. Янги ноиб Маъсуд ақлли, гарчи Чигатойга тўғридан-тўғри бўйсуниб яшаса-да, аммо ўзининг мустақил фикр ва мақсадларини мўғул ғанимлари кўзини шамғалат қилиб, собитқадамлик билан амалга ошириш йўлларини яхши биларди. У отаси Маҳмуд Ялавочдан ижобий сифатларига кўра фарқ қилиб, мўғул босқинчиларига кўр-кўрона бўйсунмас, ўз халқи кечириётган оғир ҳаётга ичи ачир ва виждони қийналар эди.

Мўғуллар империясининг буюк хоқони Гуяохон (1246 — 1249) давридан бошлаб Чингизхон томонидан ўғил ва невараларию чевараларига қилинган „Ўзаро иноқ бўлиб, мен тузган салтанатни „Ясоқ“ қонунларимга қатъий риоя қилган ҳолда низо-нифоқсиз бошқаринглар, шунда мен сизлардан рози бўлиб, у дунёда тинч, осойишта ётаман“, қабилидаги

васиятларини унутиш бошланди. 1251 йил барча забт этилган мамлакатларда ҳукмронлик қилувчи кичик хонлар Ботухон ва Беркахоннинг қўллаб-қувватлашлари билан Чингизхоннинг кичик ўғли Тўлихоннинг катта ўғли Мункэни улўф хон деб Қурултойнинг Олий ҳукмини эълон қилдилар. Ана шундан бошлаб Чигатой улуси тугатилган деб эълон қилиниб, унинг ҳудуди иккига бўлинди, бир қисми Ботухон, иккинчи қисми Мункэ тасарруфига ўтди. Аммо Чигатойхоннинг невараси Олғухон Чигатой бобосининг улусини қаттиқ курашлардан кейин қайта тиклашга эришди.

Шу тариқа Олғухоннинг ҳукмронлиги (1261 — 1266) даврида Чигатой улуси билан Олтин Ўрда хонлиги ўртасида ўзаро кураш — тахт талашуви авжига чиқди. Олтин Ўрда хони билан Эрондаги хулагулар ва улар билан Мовароуннаҳрдаги хонлар ўзаро келишмовчиликлардан энди ашаддий ғанимларга айлана бордилар. Улар катта бобоси Чингизхон васиятларини бирор марта эсламадилар ҳам. Айниқса, хулагулар ҳужумидан Бухоро бутунлай вайрон бўлиб, салкам ўн йил ҳаёт уни яна ўчди. Шунингдек, Кеш, Наҳшаб шаҳарлари ҳам талон-тарож қилинди.

Бу оғир ҳаёт, вайроналик ва ўлканинг қашшоқликка тушиши, қирғинликлар нафақат энди мўғуллар билан тил топишиб турмуш тарзини қайтадан йўлга қўяётган маҳаллий зодагонлар, руҳоний, савдогар, ҳунарманд, деҳқон ва чўпонларгагина эмас, балки маҳаллий халқдан ўтроқ ҳаёт кечириш тажрибасини олаётган, маҳаллий аҳолига яқин яшаётган, ҳатто ислом дини афзалликларини кўриб, унга борган сари ихлоси ортаётган мўғуллар, айрим йирик зодагон, ҳарбий саркардаларга ҳам катта-катта зиён келтираётганини тушуна бошладилар. Бу вазиятни яхши англаб етган ноиб Маъсудбек тинчлик вазиятига бир оз ижобий кўз билан қараётган мўғулларнинг Мовароуннаҳрдаги ҳарбий зодагон





амалдорлари мадади билан Мовароуннаҳрда зулм, ўзаро ички сулолавий курашлар ва босқинчиликлар туфайли халқ кўзда тутилган ўнлаб турли солиқларни тўлашга мутлақо қурби келмаётгани, шунга кўра солиқларни ўз вақтида Буюк хоқонга жўнатиб туриши учун айрим иқтисодий, чекланган ислохотлар ўтказишига рухсат сўраб, Пекиндаги Буюк хоқонга мурожаат қилди. Бу билан ноиб Маъсудбек, гарчи мўғул босқинчилари таркибида Мовароуннаҳрга келган бўлса ҳам, ўз халқи олдида бутунлай виждонини ютиб юбормаганлиги, бир оз бўлсада имконияти даражасида ўз юртининг иқтисодий

фаровонлигига ҳиссасини қўшиш истагидан йироқ эмаслигини исботлади. Мўғул хоқонлари олдидаги отаси ва ўзининг катта сиёсий обрўидан фойдаланиб, мустамлакачи маҳаллий халқларга жирканч, қулдорлик кўзи билан қарайдиган, ўзига нисбатан ҳасадда бўлган мўғул ҳарбий зодагонлари чақимчилигидан қўрқмай, бошини гаровга қўйиб бўлсада, ота юрти Мовароуннаҳрни қашшоқлик, вайроналик, қулликнинг жирканч кўринишларидан қутқаришга астойдил киришди. Халқнинг қора қозонини сувга ташламай, қайнатиб туриш йўллари излади.

ЭЛ-УЛУСНИ ҚАШШОҚЛИКДАН ҚУТҚАРИШ ЙЎЛИДА

Охир-оқибат Пекиндаги Буюк хоқон жуда назик сиёсат йўлини тутган ноиб Маъсудбекнинг Мовароуннаҳрдаги чекланган иқтисодий ислохотларни ўтказиш таклифини анча мулоҳазалардан кейин қабул қилди ва уни ўтказишга рухсат берди. Негаки, хазинанинг асосий манбаи деҳқончилик, хунармандчилик ва савдодан келадиган даромад туфайли бўларди. Қуллик меҳнати ва ғоят оғир жабр-зулм туфайли аҳоли қашшоқлик жарига қараб кетар экан, бу усул билан хазинани доимий тўлдириб бўлмаслигини Маъсудбек Ўқтойхонга уқтира олди. Ниҳоят, Бош Қароргоҳнинг рухсатини олган ноиб Маъсудбек Мовароуннаҳрнинг иқтисодий ҳаётини илгари силжитадиган, бозор муносабатларини қайта тиклайдиган анча ижобий тадбирларни амалга оширишга киришди. Бунинг учун, аввало, босқинчилик урушларида вайрон бўлган қишлоқ ва шаҳарларни тиклаш, солиқларни хоҳлаганча ўзбошимчалик билан ундиришларга чек қўйиш, унинг миқдорини қатъий ва аниқ белгилаб қўйиш, савдо, хунармандчилик ва деҳқончиликка ноиблик ҳокимиятининг ҳомийлигини амалга ошириш, бунинг учун, аввало, пул ислохотини ўтказиш лозим эди. Маъ-

судбек хоқонга таъсир ўтказиб, солиқ ва ҳашарларни тартибга солишга доир, ёмлардаги¹ тартибсизликларни тугатишга дахлдор махсус фармонларни чиқартиришга муваффақ бўлди. Натижада ёмларга хизмат кўрсатиш ва солиқ ундиришдаги бошбошдоқликлар, шахсий манфаатни кўзлаб ҳаракат қилувчи мўғул амалдорларининг аҳолини қийин аҳволга солиб келаётган очкўзлик ҳаракатларига маълум даражада чек қўйилди. Маъсудбекнинг узоқни кўзлаб ўтказган иқтисодий ислохоти ва сиёсати қарийб барҳам топган товар-пул муносабатларини қайта тиклаш имконини берди. Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги савдо алоқалари анча жонланиб, Мовароуннаҳр аҳли очлик, вайроналик, қашшоқликдан секин-аста қутула борди. Хароб ўлкада ҳаёт куртаклари ниш ура бошлади.

Маъсудбек, бу ислохотларни янада жадаллаштириш учун Буюк хоқон ва мўғулларнинг Мовароуннаҳрда ўтроқлашаётган йирик вакилларининг қўллаб-қувватлови билан 1269 йилда Талас Қурултойини чақиртиришга эришиб, энг асосий тадбирлардан пул ислохотини ўтказишни тасдиқлатиб олди. Молиявий ислохот туфайли бир хил қийматга эга

¹ Ём — элчи, солиқ йиғувчи, чопарлар дам олишлари учун ва чарчаган отларни янгилари билан алмаштирадиган йўл бўйларига қурилган махсус қисқа дам олиш бекатлари.



кумуш тангалар муомалага чиқарилди. Уларни зарб қилиш Мовароуннаҳрнинг 16 вилоят ва йирик шаҳарларида амалга оширилди. Маъсудбек ўлка иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида Бухоро шаҳри ўйнайдиган ролни англаган ҳолда уни қайта тиклашга шахсан ўзи бош бўлди. Ўз номи билан аталган Олий мадраса қурдирди. Бу тадбирни Бухоро аҳли хурсандчилик билан қабул қилди ва қўллаб-қувватлади. Ғаламис мўғуллар Маъсудбекнинг ушбу тадбирларини тўхтатишга уриниб, уни ноибликдан олиб ташлаш таклифи билан Буюк хоқонга бир неча бор мурожаат қилишди. Аммо улар қора ният ва мақсадларини амалга ошира олмадилар. Шу тариқа Маъсудбек умрининг охиригача бошлаган эзгу ишларини амалга ошириб, халқи хотирасида яхши ном қолдиришга эришди.

1289 йил Маъсудбек вафот этгач, бу ишларни давом эттиришни истаган ва ўтроқлашиш ҳамда ислом маънавий-ахлоқий ҳаётининг ёввойиларча мўғул ҳаётидан афзаллигини англаб етган мўғул ҳарбий зодагонлари қўллаб-қувватлаган Чигатой хонлари Маъсудбек бошлаган ислохотларни давом эттирдилар. Янгича ҳаётни қабул қилаётган мўғул хон ва зодагонлари маҳаллий халқларнинг миллий-анъанавий турмуш тарзини, ҳатто ислом динини қабул қилишга кириша бошладилар. Шу билан мўғулларнинг маҳаллий аҳолига қўшилиб кетиши — туркийлашиш, исломлашиш жараёни бошланди. Бунда мўғул-чигатой хонларининг ўзлари ва йирик зодагонлари қавмдошларига намуна бўлдилар.

МОВАРОУННАҲР ЯНА БОШБОШДОҚЛИК ГИРДОБИДА

Қозонхон ҳокимиятда собит туриш учун мўғул-турк қабилаларидан асосан: орлот, жалойир, қавчин ва барлос уруғларининг ҳарбий-сиёсий куч-қудратига таяниб, Мовароуннаҳрдаги ҳукмронлигини сақлаб қолишга интилди. Шунини таъкидлаш лозимки, Чингизхон замонидан бошлаб юқорида қайд

Шундай мўғул ҳукмдорларидан бири Кебекхон (1309—1326) эди. У Насафга кўчиб ўтиб, янги пойтахти — Қарши шаҳрини бунёд этди. Кебекхон маъмурий ва молиявий ислохот ўтказди. Унинг ўлимидан кейин ҳокимиятга келган укаси Тармаширин (1326—1334) акасининг сиёсатини охирига етказишга ҳаракат қилди. Ислом динини қабул қилди. У бу динни улуснинг асосий мафкуравий қуролига айлантиришга интилди. Вақф мулкни қонун билан мустаҳкамлади. Йирик мадраса, хонақоҳлар фаолиятига қайтадан рағбат берди. Аммо ўтроқлашувга мададни кучайтирган Тармашириннинг маҳаллий аҳоли билан этник сингишиб кетишни кўзлаб амалга ошираётган ишлари кўчманчиликка маҳкам ёпишиб олган мўғул зодагон ва ҳарбийларига мутлақо ёқмади. Натижада улар фитна йўли билан Тармаширинни 1334 йилда йўқ қилдилар. Сўнгра 1343 йилгача ҳукм сурган хонлар Тармаширин сиёсатини давом эттиришдан чўчиб, ўтроқлашиш сиёсатини қўллаб-қувватламадилар. Ниҳоят, Кебекхон ва Тармаширин йўлини қўллаб-қувватлайдиган Чигатой хонларининг сўнгги вакили Қозонхон (1343—1346) ҳокимиятни қўлга олди.

У Тармашириннинг фожиали тақдири ўзининг ҳам бошига тушмаслиги учун кўчманчи мўғул ҳарбийлари ҳужум ва исёнларига қарши курашиш мақсадида мустаҳкам Занжирсарой қалъасини бунёд этди. Шу тариқа Туронзаминда ўтроқлашаётган мўғуллар билан жете, яъни кўчманчи жоҳил мўғул қабилалари ўртасида ўзаро кураш авж олиб кетди.

этилган жангари қавм қабилалари орасида барлосларнинг ҳарбий мавқеи доимо баланд бўлиб, Соҳибқирон Амир Темурнинг катта бобоси Қорачар нуён Чингизхоннинг йирик қўшинлари Бош қўмондонни лавозимида хизмат қилган. Сўнгра Чингизий чигатой сулолаларда катта ҳарбий ла-



возимларда хизмат қилган унинг ўғли Ижил нўён, унинг ўғли Илангиз нўён, сўнгра Амир Беркал нўёнлар хонларнинг Бош қўмондонлари лавози-мида фаолият юритганлар. Аммо Беркал нўён вафотидан сўнг Чигатой хонларидаги Бош қўмондонлик бошқа бир йирик қавм, жумладан, жалойирларга ўтган. Бироқ Амир Беркал ўғли Муҳаммад Тарағай баҳодир жанглarda баҳодирлик ҳарбий унвонига эга бўлса-да, юқори лавозимлардан кўра, нисбатан, тинчроқ ҳаётни маъқул кўрган. У юзбоши даражасидаги мансабга қаноат қилиб, кўпроқ фарзандлари келажаги йўлида қайгурган. Шунинг учун у Хўжа Илғор қишлоғидаги ер-сув мулкларига қаноат қилди. Юқори мартабаларда улур аждодлари изидан боришни хушламаган Муҳаммад Тарағай баҳодир Қозонхон хизматидан тобора четлашар экан, қариндоши Ҳожи Барлоснинг вилоят ҳокими бўлишига йўл очиб берди. Отаси Амир Беркалнинг катта мансабдаги жанговар дўст-биродарлари кўмаги билан Ҳожи Барлосни гарчи шу мансабга унчалик лаёқати бўлмаса-да, Кеш ҳокимлигига ўтқиза олди.

Ана шу вақт оралиғида Қозонхонни тахтдан ағдаришга интилган кучлар барчаси Бош қўмондон Амир Қазаған атрофида пинҳоний йиғилиб, пайт пойлай бошладилар. Улар шундай кун келишини интиқ бўлиб кутдилар. Аммо Бош қўмондон Қазаған ўзидан заррача шубҳа-гумон қилмаслиги учун хон ҳокимиятини мустаҳкамлаш йўлида ҳар қандай хавф-хатар, олов майдонида жонини таҳлика остига қўйиб бўлса-да, Қозонхоннинг тўла ишончига кирди, ҳарбий истеъдоди ва салоҳиятини намоён этди. Қозонхон унинг бу хизматларидан гоят мамнун бўлиб, ҳокимиятнинг жиловини Бош қўмондон Қазаған инон-ихтиёрига топшириб қўйди. Ўзи сарой маишатида берилди.

Бунинг оқибатида Қозонхон ҳокимият ишларидан анча узоқлашиб кетди. Қазағанга хоннинг бу ишлари айни муддао эди. Қўғирчоқ ҳукмдор нима деса айтганини худди вазир ўрнида бажариб турса, Бош қўмондон мамнун бўлмай ким ҳам мамнун бўлсин. Бир оз вақт ўтгач, Бош қўмондонга қўғирчоқ ҳукмдор ҳам ортиқча кўриниб, ўзи ягона ҳокими мутлақ салтанат соҳиби бўлиш истаги унга на уйқу, на тиним берди.

Бош қўмондон Қазағаннинг қалбига шайтон оралаб, ҳокимият васвасаси тушганлигини сезган Қозонхон ҳокимиятдаги рўй берган мушук-сичқон ўйинига чек қўйиш учун бор кучи, имкониятини ишга солди. Аввало Қазағаннинг сарой кенгашларидаги биринчилик мавқеига зарба бериш, сўнгра тамомила уни йўлдан олиб ташлаб, якка ҳокимиятини ўрнатишнинг турли жабҳаларини излай бошладди. Хон кенгашларида Бош қўмондоннинг айтгани айтган, дегани деган бўлиб, шунга ўрганган хон ва унинг кенгаш аъзолари навбатдаги йиғинда Қозонхон Қазағанга қарата бирор маъқуллатиш аломатини кўрмагач, сарой аҳли дарҳол Олий ҳукмдор билан Бош қўмондон ўртасидан ола мушук ўтганлигини ангадилар. Энди пинҳоний зиддиятлар ўзини ошкор этган эди. Шундан бошлаб сарой аҳли ва саркардалар вилоят, туман ноиблари ким томонда қолиш-қолмасликларини ўз яқинлари билан пана-пастқам жойларда шивир-шивир тарзида келиша бошладилар. Сарой ичидаги бу курашлар, келишмовчиликлар Мовароуннаҳрни ўзаро низолар, бошбошдоқликнинг оловли майдонига айлантирди. Шу тариқа Маъсудбек, Кебекхон ва Тармаширинхонлар бошлаган ислоҳот ва ривожланиш куртаклари бошланган аланга оловида ёниб кул бўлди, кули кўкка совурилди. Иқтисодий таназзул ўлкани жарлик томон судради.



НАЖОТ ВА ИҚБОЛ ФАРЗАНДИ

Тарих ва мозий илми шундан гувоҳлик берадики, буюк шахслар бирданига буюк бўлиб туғилмайдилар. Фақат уларнинг буюклик истеъдодлари ҳаётда намоён бўла бошлагачина, уларнинг туғилишига ёки туғилиши билан боғлиқ ҳодисаларнинг соф ҳаётий жиҳатлари билан бир қаторда ғайритабиий, ҳатто илоҳий ҳодисалар билан боғлиқ жиҳатларига бўлган қизиқишлар кескин оша боради. Биз бундай воқеа ва ҳодисаларга Пайғамбар, авлиёлар, буюк тарихий шахслар, жумладан, тарихда чуқур из қолдирган давлат ва ҳарбий йирик арбоблар, улуғ алломайи замон тафаккур эгаларида кўпроқ дуч келамиз. Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезарь, Муқаддас Август, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, фан, маданиятнинг улуғ даҳолари, тасаввуфий буюк алломаларнинг туғилиши бунга мисолдир. Негаки, уларнинг дунёга келиши-ю, жаҳоний миқёслардаги амалга оширган буюк ишлари фақат тарихий соф воқеалар доирасига сифмай, сутдек тошиб, ҳодисалар мавжлануви афсоналар, ҳатто илоҳий мақоматлар билан мужассамлашади. Қайсидир буюк даҳо тафаккур эгаси бўлсин ёхуд жаҳоний аҳамиятга эга сиёсий, ҳарбий майдонда ҳаракат қилган арбоблар бўладими, бирор қалтис дамларда Ҳазрати Хизр назарига тушади ёки илоҳий бир куч унга тўғри — ғалабага, улуғ ишларга элтувчи йўлни кўрсатган бўлади. Хулоса шуки, туғилишдан то умри поёнига қадар амалга оширган барча ишлари ҳаётий, ботиний ва илоҳий ҳодисалар билан чамбарчас боғлиқликда кечади. Ана шу уч йўналиш оралигида рўй берган воқеа ва ҳодисалар, аввало, шахсан Соҳибқирон Амир Темурнинг ўзи битган „Тузуқлар“ида ишончли тарихий манба сифатида эътироф этилган, шунингдек, дунё тан олган асари орқали биз ҳам идрок қиламиз. Чунки Соҳибқирон ўз сўзи билан воқеа-ҳодисаларни ҳақиқат ва адолат тарозисида тортади. Иккинчидан, Амир Темурдаги битмас-туганмас ғайрат ва шижоат, куч-

қудрат илоҳий ҳодисалар билан боғлиқ кечишини унга замондош бўлган, буюк аллома даражасидаги муаррихлар, унинг ҳузурига элчи бўлиб келган давлат арбоблари, шунингдек, Соҳибқирон билан ёнма-ён жанг ва сиёсий майдонда жанговар сафдош амиру саркардалар ҳам тасдиқлайдилар. Шулардан келиб чиқиб, биз ҳам бу ҳақиқатларни эътироф қилган ҳолда оддий тарих битмай, унинг борлиқ ҳаётидаги воқеаларни илоҳий ҳодисалардан узиб қўймаган ҳолатда унинг туғилишидан ҳаёти интиҳосига қадар ҳам тарихий, ҳам илоҳий ҳодисалар муштараклигида баён этишни айни муддао дея маъқул топдик. Акс ҳолда, буюк бобокалонимиз ҳаётини, ҳарбий, сиёсий фаолиятларини очиш тўлақонли кечмаган бўлур эди. Агар моддиончилик нуқтаи назаридан баҳо берилса, Соҳибқироннинг нафақат буюк сиймолигининг ташқи сурат манзараси, балки энг муҳими, ботиндаги имоний сийрати ундан фаввора бўлиб отилиб чиқадиган жисмий-руҳий қудратлари яна мавҳум тарзда очилмай қолаверади. Бундай буюк куч-қудрат эгасининг ҳар жиҳатдан улуғлиги тарихий, ботиний-руҳий ва илоҳий ҳодиса манбаларига таяниб ёритилганда ҳаққоний очилади. Улардан бирортаси ушбу воқеаларни ёритишда қатнашмас экан, ушбу улкан тарих яна чала ва бўшлиқлар эғаллаб олган майдондан чиқиб кета олмайди. Бу бўшлиқ ва кемтиклар Соҳибқирондек улуғ инсон сиймосига соя ташлайди. Унинг даври бўйича мавҳумлик ҳудудларининг кўпайиши воқеа-ҳодисаларнинг хира тортишига сабаб бўлади.

Ўтган салкам бир ярим асрлик мўғуллар босқини, давом этган мустамлакачилик зулм сиёсатидан Ватан ҳансираб, ҳолдан тойиш ва заифлашиш палласига етган бир даврда сиёсий обрў-эътибори хон дейишга лойиқ бўлмаган, ҳарбий зодагонлар қўлида қўғирчоқ бўлган Бўзанхон (1334–1338) мамлакатни идора қиларди.

Бу вақтда Мовароуннаҳр яна заифлик ботқоғига ботган бир давр эди. Ўшанда яратган Парвардигор Мовароуннаҳр аҳолисининг узоқ жабр-зулм чекиш бобидаги сабру қаноати, имону эътиқодда, исломий ахлоқда собит қолиб, жонидан кечса ҳам, инсоний фазилати ва дину диёнатидан кечмаганлигини ижобат қилиб, гарчи ғанимлари қўли остида бўлса-да, ўзининг миллий қадриятларидан асло кечмай, келажакка умид ва ишонч билан қараб, Наврўзи олам қувончи билан бир оз бўлса-да ўзларига далда бериб, ризқ-рўз уруғини „Шоҳ мойлаш“ удуми билан далаларга сочаётган кунларнинг бирида Қашқадарё воҳасининг Хўжа Илғор қишлоғига илоҳий назарини ташлаб, бир ўғлоннинг таваллуд топишига изн берди. Шу билан Наврўз байрами шуқуҳи қувончи устига Хўжа Илғор аҳлига иккинчи бир шодлик туҳфасини инъом қилди. Қишлоқ ҳамал ойида Ватаннинг бўлажак яна бир баҳодир билан бойиди. Бу қўшалок қувончли ҳодиса 1336 йил 8 апрелдан 9 апрелга ўтар кунда содир бўлди.

Амир Беркалнинг ўғли Муҳаммад Тарағай баҳодир ва Такина Моҳ бегим оиласи вақт-иқболи етиб тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз соатда бу бўлиқ чақалоқ фарзанд туғилишидан чексиз шодмон бўлдилар. Унинг яна бошқа сабаблари ҳам бор эди. Негаки, бу фарзанднинг дунёга келишидан аввалроқ ота томонидан ҳам, она тарафдан ҳам ғайритабиий ҳодисаларга уланадиган ажабтовур ҳолатлар хоҳ уларнинг тушларида бўлсин, хоҳ бошқа томондан бўлсин ҳайратомуз шов-шувга сабаб бўлувчи гап-сўзлар айлана бошлаган эди. Бундай ғайритабиий ҳодисалар, буюк шахсларнинг туғилиши билан боғлиқ воқеалар, жумладан, жаҳоннинг биринчи буюк саркардаси Искандар Зулқарнайн, Рим императори Юлий Цезарь, Муқаддас Август, шунингдек, ўз қонхўр босқинчилиги билан ном қозонган мўғул хоқони Чингизхон ҳамда унинг ашаддий рақиби, юрт ҳимоячиси ва қаҳрамони Жалолиддин Мангуберди ва бошқа буюк тарихий шахсларнинг

дунёга келишида ҳам бир-бирларидан бир оз фарқлар билан юз берганлигидан тарихий манбалар гувоҳлик беради.

Шу воқеаларга доир айрим ҳодисотлардан ми-соллар келтиришни лозим деб топдик.

Чунончи, милoddан аввалги даврларда яшаб ўтган юнон тарихчи олими Плутарх жаҳонгир Искандарнинг туғилишидаги илоҳий ҳодисани кейинги авлодларга етказишга қарор қилиб, жаҳонгирнинг отаси Филипп билан гўзаллик рамзи Олимпиаданинг никоҳ тўйлари илк кечасида рўй берган воқеани тилга олади. Келин бўлиб шоҳ саройига узатилган Олимпиада ўша кеча туш кўради. Осмон узра даҳшатли яшин чақнаб, момақалдироқ қўрқинчли гумбурлайди. Унинг кучли тўлқин ва чақноғи Олимпиада қорнига урилиб, ҳосил бўлган аланга ён-атрофни қолайди. Ҳамма ёқни қамраб олган аланга анча вақт ўтиб бирдан сўнади. Бу тушнинг таъбири кейинчалик қуйидагиларда намоён бўлади. Саройда феъл-атвори бошқа фарзандлардан кескин фарқланувчи бўлажак фотиҳ дунёга келади. У йи-гитлик палласига етгач, ўз отаси Филиппни йўқ қилувчилар тарафида исёнкорларни қўллаб-қувватлайди. Отасига суиқасд уюштириб, унинг тахтини эгаллайди. Нисбатан қисқа даврда дунёни забт этувчига айланади. Бундан бошқачароқ ўхшаш тақдир Искандардан кейин Ясуғай баҳодир оиласида Темучиннинг дунёга келишида Ҳофиз Таниш Бухорийнинг „Абдуллонома“ асарида ҳам қайд этилади: 549 ҳижрий йилда Улун энага Чингизхонга ҳомиладор бўлган эди. Ўша йили Чингизхон қутли бахт ва муборак толе билан йўқлик пардасидан борлиқнинг бош манзилига қадам қўйди. У бир қисм миқдорда жигарпорадек ивиган қонни ўнг қўлининг кафтида тутамлаган ҳолда олам саҳнига тушди. Бу маъни оқиллар олдида қон тўкилишига далил бўлади. Бас, унинг ўзгаларнинг қонини тўкиши давлат эгаси бўлган кунлари ва ҳукумат тепасида турган замонда бир мартабага етдики, оқибатда қон ичувчи Баҳром (яъни, Марс сайёра-



си) Ноҳид юлдузи чодирининг остида яширинди. Бунда „бузуқлик қиладиган ва қон тўкадиган шахсларни давлат тепасига қўясанми“ ояти (Қуръони Карим, 2-сура, 30-оят) мазмуни юзага чиқади.

Энди ўрта асрлар даврида Амир Темурга замондош бўлган муаррихнинг Соҳибқироннинг туғилишига доир таъкидини келтирамиз: „Темурбек туғилган кечаси ҳавода қандайдир учиб юрган темир қалпоқчага ўхшаш бир нарса пайдо бўлган. Кейин у кенг бўшлиққа тарқалиб, ер юзига ёйилиб кетган. Ундаги чўғ ва учқунга ўхшаш нарсалар ҳар томонга сачраган, ҳатто ўтроқ ва бадавий жойларни ҳам тўлдириб юборган. Яна айтишларича, Темур туғилганида унинг қўллари қонга буланиб туғилган экан“.¹ Бу фикрларни ёзаётган ўрта асрлар тарихчиси Ибн Арабшоҳ халқ орасида афсоналашган оғзаки ижод намуналаридан олганлиги аниқ. Негаки, Ибн Арабшоҳ Амир Темур тўғрисидаги тарихий ва, шунингдек, бадий оғзаки ижод манбаларини ўсмирлик ёшидан, айнан Самарқандга олиб келинганидан кейин тўплашга киришган эди. Ибн Арабшоҳни икки сабаб: биринчиси, ўз она юрти Дамашқнинг Соҳибқирон қўшини томонидан қаҳр-заб билан эгалланиши гувоҳи бўлса, иккинчи сабаб, Амир Темурдай буюк ҳукмдорнинг жаҳонгирлик фаолияти билан кўплаб бетакрор воқеа ва ҳодисаларнинг айнан гувоҳи ва иштирокчиси бўлганлиги тарихнавислик сари етаклади. Ибн Арабшоҳ Соҳибқирон Амир Темур шахси ва ҳарбий ҳаракатларига доир кўплаб тарихий манбалар билан бир қаторда хилма-хил ривоят ва ҳикоятларни ҳам ўзининг ҳужжат асров хазинасига тўлади. Бунинг натижасида „Темур тарихида тақдир ажойиботлари“ (Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур) асари дунёга келди. Ибн Арабшоҳ ўз китобида

Амир Темурнинг туғилишига доир маълумотларни келтиришда ҳақиқатдан кўра афсоналарга кўпроқ ўрин берган. Шунга кўра ушбу асарни ўқиган китобхон Соҳибқироннинг ҳарбий ҳаракатлари, шаҳарларни қамал қилишга доир воқеалар баёнида Ибн Арабшоҳнинг тарих ҳақиқатидан чекиниши ва Амир Темурни шафқатсизликда айблашларини тўғридан-тўғри қабул қилмасдан, муаррихнинг хусумати ва ҳиссиётининг юзага чиқиши деб қараши лозим.

Шуни унутмаслик лозимки, қадим замонлардан то ўрта асрлар даврининг сўнгги босқичларигача, буюк шахслар ҳақида ёзилган тарихий асарларни ҳаққоний воқеалар билан бир қаторда афсонавий, ғайритабiiй ҳодисалар билан боғлаб, омухталаштириш кўпинча анъанавий услубга айланганлигининг гувоҳи бўламиз. Бунинг асосий боиси ҳам халққа илмий билимларни етказишдаги воситаларнинг бир оз тақчиллиги, буюк шахсларнинг оддий халқдан улар мавқеининг ғоят баланд туриши, ёхуд улар феъл-атвор хусусиятларининг халқ оғзаки ижодига кўчиб ўтишидаги бўрттиришлардир. Натижада буларнинг барчаси хилма-хил ривоятларнинг вужудга келишига сабаб бўлган.

Худди шу масалада буюкликка кўтарилмоқчи бўлган ўша давр қаҳрамонлари ҳаётига назар солинса, воқеалар иштирокчилари муқаддас китоблардан иқтибос келтириб, рўй берадиган воқеалар оқибатларини олдиндан билиш, шунга қараб амалий ҳаракатлар қилишга ишончлари жуда кучли бўлганлигини кўрамиз. Бундай воқеа ва ҳодисаларнинг рўй бериши ҳамда илоҳий, шунингдек, ғайритабiiй ҳис-туйғуларга қаттиқ ишониш шубҳасиз, Соҳибқирон Амир Темур ва унинг оиласи ҳамда пири комил устозларини ҳам мутлақ четлаб ўтма-

¹ Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг қафтидаги қон унинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун аёвсиз олиб бориладиган жангларда тўкилиши билан боғланиб кетганлигига изоҳ бермаганлиги боис унинг ушбу ҳолатда дунёга келишини кейинчалик айрим муаррихлар Соҳибқиронни Чингизхонга қиёслашдек, ҳақиқатга зид, ғайриилмий таърифлар бериб, асарлар битишларига сабаб бўлган эди.



ган. Улар бундай воқеа-ҳодисаларни ҳаёлий тасаввур деб эмас, аксинча, ҳаёт ҳақиқати тарзида идрок қилганлар. Негаки, ҳар қандай воқеа-ҳодисалар якуни оқибати муқаддас китобларда келтирилган ҳукмий ҳулосаларга тамомила мос келган. Натижада Соҳибқирон Амир Темур умри поёни, ҳатто сўнгги нафасга етганида ҳам илоҳий оятлар ҳикматларига таяниб, воқеаларнинг кейинги ривожини қандай натижа билан тугагини аниқ-равшан билиб турган. Амир Темурнинг ўзгалардан фарқи (бу Соҳибқироннинг доимий эътирофи) рўй берадиган воқеаларнинг олдиндан тушида аён бўлиши ҳодисасидир. Бундай огоҳлантириш ё пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.¹ ёки Ҳазрати Хизр, ё Парвардигор элчиси Расулуллоҳнинг авлодлари саййид, улуғ шайх, авлиё, ҳеч бўлмаганда рўё кўринишидаги инсонлар томонидан содир этилган. Воқеа-ҳодисаларнинг бундай ривожланиши шундан далолат берадики, буюк шахслар фақат ижтимоий муҳит тарбиясининг маҳсулигина эмас, уларни буюклик чўққисига кўтаришда илоҳий кучларнинг ўрни, аҳамияти ҳаётдаги юз берадиган реал воқеалар кучи ва омилидан албатта устун туришидир. Бунинг яна бир исбот-далили шундаки, ўлат келтирувчилик миссиясини жаҳонда бажармоқчи бўлган фашизм енга олмаган салтанат — Шўролар тузуми, яъни Худони етмиш йил рад қилиб келган ва дунёга худосизлик жамияти қуришга жидду жаҳд қилган СССРдек империянинг йўқликка юз тутиши ҳам илоҳий ҳақиқат, илоҳий адолатнинг абадийлигидан далолатдир. Бу жамиятни йўқликка итқитган кучлар — илоҳий қонун билан тарих қонунлари ҳамоҳанг ва ҳамжиҳат келишидир, дейиш мумкин.

Вақт келиб, ўсиб-улғайиб тахтга ўтирган Соҳибқирон „Куч — адолатдадур“ ҳикматига сўнгги нафасигача амал қилганида ҳам бир илоҳий ҳикмат мавжудлигини ҳис қилиб яшаганлиги шундандир. Адолат ва олий ҳақиқат илоҳий ва тарих ҳақиқати-

дан иборат тушунчадир. Шўро тузуми тушунишга қодир бўлмаган бу ҳикматнинг маъно-маъзини Амир Темур йигитлигидаёқ алақачон тушуниб етган эди.

... Илоҳий ҳақиқат таъсирида тушларига кўчиб, ҳаёт ҳақиқатини шу орқали тафаккур чизигидан ўтказиб, уни ўзига дастуруламал қилган Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаётини ўзи қайд этган ҳолатларда қабул қила олсаккина, бу улуғ инсоннинг сурат ва сийрати кўз олдимизда тўлақонли намоён бўлади. Ўша давр қамровида идрок эта олсак, ўшанда бобокалонимиз тўғрисида тарих ҳақиқатига таянган, холис илмий фикрларга эга бўламиз. Шундагина бизнинг собиқ иттифоқ мактаби партасида ўтириб қаттиқ алдовлар билан ноқисланган онгимиз, шууримизда миллий мустақиллик нафасидан баҳраманд бўлиб шакланган истиқлол дунёқараши тоза палак ёзади. Натижада, Амир Темурни англаш ўзликни англашнинг жанговар қуроли бўлади.

Мана шу фикр-мулоҳазаларимиздан келиб чиққан ҳолда Амир Темур туғилишининг ўзи оламжаҳон воқеаларга уланишига доир бир-биридан ҳайратомуз ривоятларни келтириб ўтаемиз. Негаки, буюк инсонлар фақат тарихий таъриф-тавсифлар доирасига сифмайдилар. Улар тарих қайнови қозонидан сутдек тошиб афсона, ривоят ва ҳикоятлар занжирларига уланиб узоқ-узоқ йўллар бўйлаб эл-улуслар ҳудудлари сари йўналади. Ҳар қандай афсоналар замирида маълум бир ҳақиқат ётади.

...Кунлардан бир кун Соҳибқирон ҳали дунёга келмаган, унинг онаси Такина Моҳ бегим унга ҳомиладор пайтида Хўжа Илғор қишлоғидан ўтадиган йўл бўйлаб қўшни қишлоққа маъракага кетаётган саййидзодалар Шайх Амир Муҳаммад Тарағай баҳодир уйи олдидан ўтар экан, пири комил бирданига уловининг жоловини тортиб тўхтади. Ёнида йўлдош ҳамсафар бўлиб бораётган шогирдлари, пири комил устозимизнинг мазалари қочди шекилли, деган фикрда сўрайдилар: „Пиримиз, тинчликми, нега

¹ с.а.в. — саллаллоҳи алайҳи васаллам — Унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!



бирдан тўхтадингиз, чарчаган бўлсангиз бирпас йўл чеккасида дам олайлик, ҳали анча йўл юрамиз“, дейди шогирдлар. Шунда борлиғини бир нуқтага тикиб қолган шайхи шариф зот бирпасдан сўнг шогирдларига юзланиб: „Эслаб қолинглар, шу кўришиб турган хонадонлардан бирида бир чақалоқ дунёга келади. У катта бўлганида овозаси оламга ёйилади. Шу ҳомиланинг ҳидини сезяпман ва ундан сархуш бўляпман. Сизлар ҳам диққат қилинглар-чи, балки уни сезиб оларсизлар?“ Шогирдлар қанчалик уринишмасин, пири комил устозига бундай ҳидни сезмаганлигини айтадилар. Пири комил устоз эса „мен айтган ҳодиса рўй беришини хотиранишда яхшилаб сақлаб қолинглар“, дея яна йўлида давом этади. Кейинчалик орадан узоқ вақт ўтмаёқ, Муҳаммад Тарағай баҳодир оиласида дунёга келган фарзандни улуг шайх муборак қўлларига олар экан, инсонга ном қўйиш дуоларини ўқиб бўлгач, чақалоқнинг ўнгу сўл қулоқларига уч мартадан қичқириб, бу фарзанднинг номи Темурбек бўлсин, келажакда бу ном бутун оламни кезсин, дея илоҳий нафасларини унинг юзига йўналтирадилар.

Шу ўринда Амир Темурнинг онаси ҳақида ҳам билишимиз лозим бўлган айрим маълумотларни келтириб ўтаемиз. Такина Моҳ бегимнинг отаси садр аш-шариъа Убайдуллоҳ ал-Бухорий дин сайқали — иккинчи Макка номи билан машҳур бўлган Бухородаги йирик уламолардан эди. Демак, отабоболари тарафдан Такина Моҳ бегим пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. га бориб тақалган. Манбаларни қиёсий солиштириб таҳлил қилишимизча, Муҳаммад Тарағай баҳодир Такина Моҳ бегимга 1330 йилда уйланган. Амир Муҳаммад Тарағай Такина Моҳ бегимдан тўнғич қиз қутлуғ Туркон оқа, ўғил фарзанд Темурбек ва унинг синглиси Ширинбека фарзандларни кўрган.

Ўрта асрлар даврининг машҳур тарихчиси Шарафуддин Али Яздийнинг „Зафарнома“ асарида (Алишер Навоий машҳур муаррихга баҳо берар экан, уни дин ва миллат шарафи, деб улуғлаган

эди) Амир Темурнинг онаси ҳақида қисқа бўлсада, маълумотлар учрайди. Такина Моҳ бегимнинг Бухоронинг йирик уламоларидан бири Убайдуллоҳ ал-Бухорий оиласида туғилиб вояга етиши, исломий ахлоқий маърифатдан баҳраманд роят оқила, покиза хулқ-атворли қиз бўлганлиги таъкидланади. Шунинг ўзиданоқ мактаб ёшига қадар Амир Темур онасининг таъсирида исломий илмларнинг илк босқичини пухта эгаллаганлигига амин бўламиз. Бу ҳақда Амир Темур мактаб ёшида шунга бир неча бор ишоралар қилгани ҳам шундандир. Шундай бўлмаганда ўзи ҳақида Амир Темур: „Мен мактаб давримда Қуръон илмларини тез ўзлаштириб мактабдаги дўстларимдан анча илгарилаб кетдим“, деб таъкидламаган ва тезда домлаларнинг назарига тушмаган бўлар эди.

Амир Темурнинг опаси Қутлуғ Туркон оқа манбаларда келтирилишича, укасидан беш ёш катта бўлиб, у бўйи етганда нуфузли шахс Амир Довуд Дуғлотга узатилган. Синглиси Ширинбека эса Амир Муайядга турмушга берилган.

Манбаларда қайд этилишича, Амир Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағай баҳодирнинг иккита аёли бўлган. Биринчиси Йўқун хоним, иккинчиси эса Такина Моҳ бегим эди. Йўқун хонимдан фарзанд кўрмаган Тарағай баҳодир Такина Моҳ бегимга уйланади. Ҳаддан ташқари рашкчи, бунинг устига фарзанд кўрмаган Йўқун хоним йўқ жойдан жанжал чиқариб, Такина Моҳ бегимга кун бермайди. Ҳалиям сабр-тоқатли, исломий-ахлоқий тарбия кўриб ўсган Такина Моҳ бегим бу фарзандсиз аёл — Йўқун хоним аҳволини тушуниб, унинг хархашаларини эшитса ҳам, эшитмаганга олади, уйдаги воқеаларни кўчага чиқармай сабрга эрк бериб, оиланинг тотувлиги учун ақл билан иш кўради. Муҳаммад Тарағай баҳодир ҳам кенг феълли инсон бўлганлиги учун фарзанд кўрмаган хотинининг кўнглига қарайди. Йўқун хоним замзама ва жанжаллари орасида мураккаб ҳаёт кечириб, унинг дийдиёларини ичига ютган Такина Моҳ бегим 1354 йилда

вафот этади. Орадан бир йил ўтиб Муҳаммад Тарағай баҳодир Қадоқ Хотунга уйланади. У болалари тарбиясини Йўқун хонимга эмас, кейинги, учинчи хотини Қадоқ Хотунга ишониб топширади. Қадоқ Хотунга унинг уйланиши бежиз эмасди. Бу аёл жуда ажойиб оилада ўсиб-улғайган, меҳрибон, шунингдек, оилапарвар инсон эди. Қадоқ Хотун Муҳаммад Тарағай баҳодирнинг ишончини ортиғи билан оқлади, садоқатини намоён этди. Гарчи эридан фарзанд кўрмаганлигига қарамай, марҳума Такина Моҳ бегим фарзандларини қандай суюб ардоқласа, худди шундай унинг ўрнини босишга ҳаракат қилди, бутун оналик меҳрини етимларга берди. У Муҳаммад Тарағай баҳодир оиласига меҳр-муҳаббат олиб келди. Шу боис 1360 йилда ҳаёт билан, оиласи билан видолашаётган Амир Муҳаммад Тарағай баҳодир Қадоқ Хотунга эр сифатида ундан минг бора рози эканлигини айтиб, меҳрибон аёли қўлида жон берди. Бу эрнинг ўз хотинидан абадий миннатдорчилик белгиси ҳам эди. Негаки, Муҳаммад Тарағай баҳодирнинг болалари ишончли ва садоқатли она бағрида қолаётган эди-да.

Бу оила бахтига Қадоқ Хотун ўғай она ўрнида эмас, ҳақиқий она ўрнида узоқ яшаб, ўзи тарбиялаган уч фарзанднинггина эмас, ўғли Амир Темур-

дан бўлган фарзанд невараларнинг ҳам бахту иқболи, ташвишларини кўрди, барчасига шерик бўлди. 1390 йилда ўғли Темурбекнинг буюклик даражасига кўтарилгани, фарзанд ва невараларнинг баҳодир, юрт ҳукмдорлари, ноиблари ҳамда машҳур саркардалар бўлиб етишганлигига гувоҳ бўлгани ҳолда Яратганга беадад шукроналар айта-айта бу фоний дунёни тарк этди.

Кези келганда Темурбекнинг опаси ва синглиси тақдирларига дахлдор ибрат бўларли маълумотларни келтириб ўтиш фойдадан холи бўлмас. Негаки, Муҳаммад Тарағай баҳодирнинг оиласи ва тарбиясидан остона ҳатлаб ҳаётга йўлланма олган фарзандларнинг барчаси ўзлари яшаб ўтган жамиятнинг ижтимоий бўғинида ўз мавқе ҳамда даражаларида таъсирга эга бўлишган. Темурбек укаси, ёхуд сингил бўлса акасининг юксакликка кўтарилишида ўз ҳиссаларини қўшишган. Шунингдек, вақтида ҳукмдордан бениҳоя мурувват ҳам кўрганлар. Уларга жуфти ҳалол бўлган бек куёвлар ҳам худди шу курашлар қайновида Соҳибқирон, яъни бўлажак етти иқлим ҳукмдорининг хизматиغا белни маҳкам боғлаб, зарур ҳолатларда эса ўлимни писанд қилмай, Темурбекни ғанимлардан садоқат билан ҳимоя қилганлар. Буларни биз ушбу мавзу қамровига мужассам этдик.

ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

Туркий ҳукмдорларнинг кўпчилигида, айниқса, оилада қиз туғилса жозибали, шунингдек, эшитганда мавқеи юксак поғонада ва аслзодаликка урғу бериб турадиган номларни танлаш анъанага айланган. Бу ҳолатни қадим Бухорхудот, Хоразмшоҳ ва теурийлар силсиласида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Бу анъана Муҳаммад Тарағай баҳодир оиласида ҳам давом этди. Бек кўз очиб кўрган қизи, яъни Темурбекнинг опасига яхши тилаклар билан

Қутлуғ Туркон оқа номини берди. Биринчи хотини Йўқун хонимдан фарзанд кўрмаган Муҳаммад Тарағай баҳодир Яратгандан насли давом этишини сўраб, Бухоро саййидларидан Убайдуллоҳ ал-Бухорийнинг қизи Такина Моҳ бегимга уйланган эди.

Такина Моҳ бегим келинчакнинг қадами бу хонадонга ғоят ярашиқли келиб, унга бахту иқбол келтирди. Бу июят илк қалдирғоч фарзанд Қутлуғ Туркон оқанинг дунёга келиши билан бошланди.



1331 йили дунёга келган Қутлуғ Туркон оқа Муҳаммад Тарағай баҳодир ва Такина Моҳ бегим оиласида 14 йил шодон ўсди, яхши тарбия олди ва ниҳоят қиз бола бировнинг ҳасми удуми бўйича камолга етгач, турмушга берилди. Унинг умр йўлдошини ҳам ота — Муҳаммад Тарағай баҳодир танлади. Танланган куёв баҳодирлик мартабасига етган машҳур Дуғлот қавмидан Довудбек Дуғлот эди. Бу қавм келиб чиқиши жангари мўғул қабиласининг бир уруғи бўлса-да, мусулмончиликни қабул қилиб, туркий қавмлар билан қуда-анда бўлиб мўғул-турк этноними шаклланаётган жараённи бошидан кечирмоқда эди. Довудбек ана шу қавм фарзанди бўлиб, исми жисмига муносиб мард ва жасоратли, айтган сўзида турадиган йигит эди. Унинг оиласи Муҳаммад Тарағай баҳодир оиласи билан қалин дўст бўлиб, уни ёшлигидан яхши билганлиги ва Қутлуғ Туркон оқанинг йигитга ихлоси борлигини сезган ота буни ҳам инобатга олиб, икки ёшнинг бахту иқболли келажак ҳаётига изн бериб, дуога қўл очдилар. Шу билан Довудбек ва Қутлуғ Туркон оқанинг ҳаётда мустақил оила қурган даври бошланди. Бу пайтда Чигатой улуси ҳукмронлиги путурдан кета бошлаб, ниҳоят у икки қисмга ажралиб кетаётган таназул жараёнини бошидан кечирарди. Чингизийлар сулоласи пойдеворига асос солган Чингизхон фарзанд ва невараларига ҳаётининг сўнгги дамларида низо ва зиддиятларга бормай яшашни васият қилганига қарамай, катта ўғил Жужи ва Чигатой авлодлари ўртасида бошланган нифоқчилик уларнинг ворислари даврида кул тағида қолган чўғдек яна аланга ола бошлади. Ана шу вазиятдан фойдаланган Дуғлот жангари қавмлари Иссиққўл ҳудудидан Мовароуннаҳргача, ундан Кошнар вилоятларига қадар ҳудудларни ўзига бўйсундириб, Дуғлотлар амирлигига асос солиш учун ҳарб майдонига отилдилар. Улар сиёсий ва ҳарб курашининг авж палласида ўз мақсадларига эришдилар ҳам. Соҳибқирон Амир Темур ҳокимият тепасига келиб, уларнинг сиёсий мавқеини синдириб,

ўзига содиқ бек ва баҳодир даражасига туширгунча ҳокимиятдаги сиёсий мавқеини сақлаб қолдилар.

Ана шу ҳарбу зарб жараёнларида Довудбек баҳодир ўз жанговарлик маҳоратларини янада такомиллаштириб қайниси Темурбекнинг ҳарбий-сиёсий мавқеи юксалишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бунда укаси Темурбекни ҳимоя қилишга ундаган Қутлуғ Туркон оқа опасининг хизматлари катта бўлганлиги шубҳасиздир. Туркийлар оилаларида ақлли ва доно аёлларнинг эрга ижобий таъсири ҳамда шунга яраша обрў-эътиборлари ҳам юқори бўлганлиги ҳақида қадим-қадимги манбалар кўплаб хабар беради. Бундан Қутлуғ Туркон оқанинг эри Довудбек баҳодирга ўтказган ижобий таъсири ҳам мустасно эмас.

1360 йиллар бошларидан Темурбек Мовароуннаҳр ва Хуросондаги бошланган ижтимоий-сиёсий ҳаракатларга фаол қатнашаётган даврда Довудбек Дуғлотнинг ҳарбий мавқеи, баҳодирлиги ёвлашаётган гуруҳлар томонидан эътироф қилинган бўлиб, уни ўзига иттифоқчиликка тортмоқчи бўлган хайрихоҳлар кўпайган давр эди. Бу вақтга келиб Довудбек баҳодир йирик ҳарбий унвони амир даражасига кўтарилган ва яхши қуролланган, мард йигитлардан ташкил топган ўз қўшинига ҳам эга эди. Бу пайтда унинг суюкли аёли Қутлуғ Туркон оқа ўз эрига, айниқса, сиёсий жараёнлар моҳият-мазмунини янада тиниқроқ англашга кўмаклашувчи ишончли содиқ дўст эди. Жисман ғоят кучли шахс бўлган эри Довудбек Қутлуғ Туркон оқани ғоят яхши кўрган ва унинг ақли теранлиги боис маслаҳатларига юрар эди. Шундай қилиб Довудбек ҳаётда кам бўлмади, юксалиш пиллапоялари сари интилди. Оқибат Амир Темурнинг ишончли ва садоқатли амирларидан бирига айланди. Курашларда кўплаб қаҳрамонликлар ва жангу жадаллардаги жасоратлар унинг номи билан боғланди.

Қутлуғ Туркон оқа ғоят оқила, иродаси мустаҳкам аёл бўлгани нафақат эри Довудбек баҳодирга, балки энг оғир кунларда унинг маслаҳатлари, укаси

Амир Темурга ҳам жуда асқатган. Бундай вазиятларда эрига ва укасига кўрсатган таҳсинга сазовор хизматларини турли воқеаларда уларнинг иштирокига қараб очишда давом этамиз.

Эндиги қисқача маълумотлар Ширин деса дегулик номига муносиб Темурбекнинг синглиси Ширинбека оқа хусусидадир.

Темурбекнинг синглиси Ширинбека оқа отанинг ҳам, онанинг ҳам дийдорига тўймади. Буни яхши англаган ўғай она Қодоқ Хотун Темурбек ва синглиси Ширинбека етимлик азоблари, руҳий-маънавий зўриқишларини сезмасликлари учун аёллик меҳрини, борлигини уларнинг бенуқсон, кемтиксиз ўсишларига сарфлади. Етим қолганда тўрт ёш бўлган Ширинбека Қодоқ Хотуннинг иссиқ бағрида ором олиб ўсди, улғайди. Шу боис Қодоқ Хотун Ширинбека оқага ўғай эмас, ҳақиқий онага айланган эди. Бундай муносабат Темурбекка ҳам хос бўлди. Натижада Темурбек буюкликка кўтарилган пайтларда бу онасининг меҳрибонлигини юз бора ортиқ қилиб қайтарди, эъзозини ўрнига қўйди. Етимларнинг етимлигини билдирмаган Қодоқ Хотун хизматларини нафақат буюк ҳукмдор Амир Темур, балки яратган Парвардигор ҳам ижобат қилиб, унга узоқ умр берди. Нафақат неvara, ҳатто эvara, чеваралар кўриб етти иқлим ҳукмдорининг онаси, шаҳзодаларнинг суюкли энаси, бувижониси, моможониси сифатида бахтли ҳаёт кечирди. Сарой ардоғида бўлди. Буни ҳам Худонинг ўзи севган бандасига кўрсатган бир инояти, меҳру карами деса арзийди.

Қодоқ Хотун қўлида тарбия топиб бўйи етган Ширинбека чамаси ўн беш ёшларида Амир Муайяд Орлотга турмушга берилган. Орлотлар 92 туркий уруғлардан бири бўлиб, уларнинг Мовароуннаҳр худудида муқим ўрнаша бошлаши Чингизхоннинг Марказий Осиёни босиб олиши ва Чигатоёхонга Мовароуннаҳрнинг улус қилиб берилганидан бошланади. Орлотлар ҳам Дуғлотлар қавми қаторида Чигатоё улуси ҳарбий-сиёсий ҳаётида муқим ўрин тутган туркий жангари уруғлардан бўлган.

1360 йилларда Мовароуннаҳрда мураккаб сиёсий вазият юзага келаётганда, орлот, жалоийр, қавчин ва барлос қабилалари сардор ҳамда амирларининг ўзаро яқинлиги бошланиб, улар бу яқинликни қиз олиб қиз бериш — қуда-андачилик муносабатлари билан мустаҳкамлай бошладилар. Бу тақдири озодлик ва мустақиллик сари қадам ташлаб, шу улўф кунларга яқинлашиб бораётган Мовароуннаҳр халқларининг келгуси ҳаётида катта ижобий ва сиёсий аҳамият касб этди. Қариндошчилик, қуда-андачилик бу пайтда ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузилишидаги асосий омиллардан бири бўлиб, охиrhoқибат бу ҳаракат Соҳибқирон Амир Темурни ҳокимият тепасига келтириш ва ушбу ҳудуд халқларининг муғуллар асрий қуллик зулмидан қутулишига замин яратди.

Ана шу жараёнда Темурбекнинг синглиси Ширинбека ва унинг умр йўлдоши Амир Муайяднинг оилавий мавқеи ҳамда иштироки кўламини аниқлашга ҳаракат қиламиз. Ана шундай қўллаб-қувватлаш ва иттифоқчиликлар, беминнат садоқатли инсонлар Амир Темурнинг ён-атрофида турмаганида бир инсон қанчалик истеъдод ва лаёқат соҳиб бўлмасин, „Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас“ ҳикмати тўқилмаган, Соҳибқирон ҳам буюклик чўққисига кўтарила олмаган бўларди.

Ширинбека оқанинг эри Амир Муайяд қалтис дамларда доимо Амир Темур томонда туриб жанг қилади. Ундан садоқатини ҳечам дариф тутмайди. Жумладан, Пули Сангинда Амир Муайяд катта қўшин қўмондони сифатида мардона жанг қилиб Амир Темур таҳсинига сазовор бўлди. 1365 йилда Илёсхўжага қарши „Лой жанги“да Амир Темур асосий қўшини билан гулда жанг олиб бораётганида Амир Муайяд Амир Аббос билан жавонғор хировулида туриб Соҳибқиронни чап томонидан ҳимоя қилади. Чап томондан Илёсхўжанинг гул қўшинига ёриб ўтишига имкон бермайди. Аммо Амир Муайяд қўшини томондан ёриб ўта олмаган



Илѣсхўжа баронғордан, яъни ўнг томонидан ҳимоя қилишга ваъда берган Амир Ҳусайн қўшинига қарши ҳужум қилди ва Амир Ҳусайн қўшинлари билан биринчи ҳужумдаёқ қочишга мажбур бўлди. Натижада Амир Ҳусайн пароканда бўлган қўшинини жанг майдонидан олиб чиқиб, Соҳибқиронга нисбатан соф хоинлик қилди. Оқибат Соҳибқирон Амир Темурнинг ўнг томони бўш қолганидан фойдаланган Илѣсхўжа Амир Муайяд, Амир Аббос ва Амир Темурнинг гул ва жавонғорига қаттиқ зарба берди. Амир Темур ва унинг юқорида номлари зикр этилган икки амири катта мардлик, жасорат эвазига қўшинини бутунлай қирилиб кетишдан базўр сақлаб қола олди. Аммо бу катта талафот эвазига бўлди. Бўлиб ўтган ишлар сабаб Амир Темур ёшлиқдан яқин дўсти бўлган Амир Ҳусайндан кўнгли қолдигина эмас, унинг ушбу хоинлигини ҳеч қачон кечира олмади. Дўстликка Амир Ҳусайннинг соф хоинлиги рахна солган эди. Амир Темур хоинлардан нафратланар, аксинча, гарчи душмани бўлса ҳам юзма-юз жангларда мардлик кўрсатиб, жангу жадал олиб борган ғанимларини эса эътироф қилар эди. Жангларда жасорат ва баҳодирлик кўрсатган жангчи ва саркардаларидан Амир Темур ҳеч нарсани аямасди, улар Соҳибқироннинг асосий таянчи эдилар.

Амир Темур бир вақтлар муғуллар ҳукмдорлари учун қурилган пойтахт шаҳар Қаршини ўз ҳукмига олишга тўғри келганда унинг ғаними Амир Мусо Соҳибқироннинг бу режасига тиш-тирноғи билан қарши чиқиб, уни ўзи учун мустаҳкам қалъага айлантирган эди. Қалъада 12 минг жангчи Амир Темурнинг оз сонли қўшинига ажал ўқлари ёмғирини ёрдиради. Аммо ўлимни писанд қилмаган Соҳибқирон қалъани эгаллаш фикридан қайтмайди. Амир Довудбек баҳодир ва Амир Муайядларнинг садоқатига ишониб, уларни шаҳарнинг бош дарвозасини ишғол қилишга жўнатади. Соҳибқироннинг ўзи эса гўё шаҳарнинг орқа тарафидан асосий ҳужум уюштирадигандек қилиб ҳаракат

қилди. Натижада Амир Мусо асосий қўшинни шаҳар орқа томон ҳимоя чизигига олиб ўтди. Худди шу аснода Амир Довудбек ва Амир Муайяд бош дарвозани ҳимоя қилаётган Амир Мусо жангчиларига шиддатли ҳужум уюштиради ва бош дарвозани эгаллаб олишга муваффақ бўладилар.

Муаррих Натанзий ана шу ҳужумда Амир Муайяднинг жасорат ва мардлигини ўз асарининг саҳифаларига муҳрлаган эди.

Бирор-бир воқеа чаппа айланадиган бўлса, албатта, унинг ё сабаби, ёхуд баҳонаси тайёр бўлади. Қаршини эгаллашдан кейин ғалабани нишонлаш тадбирида Амир Муайяд Амир Ҳусайннинг яқин одамларидан бирини ўлдириб қўяди. Бу пайтда Амир Ҳусайннинг Амир Темур ва унинг садоқатли амирларига нисбатан ғанимлик ҳиссиёти учқунланаётган, Соҳибқироннинг истеъдод қирралари очилаётганлигидан ичини ит тирнаётган эди. Аммо Амир Темур ёшлиқда шакланган дўстлик ҳурмати унинг ғаламисликларини кўриб кўрмаганга, билиб билмаганга олар, бағрикенгликни янада зиёда қилиб, бир кунмас бир кун Амир Ҳусайннинг инсофга келишига умид қиларди. Аммо бу умидларнинг оқибати сароб эканлигини ҳаёт исботлади. Ҳатто Амир Ҳусайн Амир Муайядни қамокқа олиб, унга зиндонда шафқатсиз тарзда жисмоний азоблар бера бошлагани ва жуфти ҳалолли Ширинбекани Балхга чақиртириб, эрининг зиндон азобларини яқиндан ҳис қилиб эзилишини истаб, шу орқали Амир Темурнинг тилини қисик қилиб туришга астойдил ҳаракат қилганида ҳам Амир Темур тишини тишига қўйиб, унинг ғайринсоний, аслида ошқора душманлик қилиқларига чидади. Бу жараёнда синглиси Ширинбека оиласи тақдирини ўйлаб қаттиқ эзилди. У тузалмас дардга чалинди, ҳаётининг энг гуллаган даврида, 30 ёшдан бир оз ўтгач омонат ҳаётини Яратганга топшириб, Амир Ҳусайннинг маънавий-руҳий эзишларидан абадий қутулди. Ундан Али исмли фарзанд қолди. Уни Соҳибқирон ўз тарбиясига



олди. У тоғаси кутганидан ҳам зўр йигит бўлиб ўсди. Хали ўспиринлигидаёқ тоғаси Соҳибқироннинг ишончини қозониб, баҳодирлик мартабасига эришди. Ўзига берилган қўшин билан жангларда Соҳибқирон Али ибн Муайядга қандай оғир вазифалар юклагасин, барчасида ёруғ юз билан зафар туғини кўтариб, тоғасининг топшириғи тўла бажарилганлиги хабарини етказди.

Хуросондаги Пушанг қалъаси, Сабзавор қамали ва Калот қалъаларининг забт этилиши Соҳибқироннинг суюкли жияни Али ибн Муайяднинг жасоратга тўла жанглари натижаси бўлди. Шу хизматлари, мардликлари учун Соҳибқирон Али баҳодирга Сабзаворни мулк қилиб берди. Амир Темурнинг хусусиятларидан бири хоҳ ўғли, хоҳ невараси, хоҳ қариндоши бўлсин, қаҳрамонлик ва мардликларини кўпчилик эътироф қилмагунча бирорта-

сига на ҳарбий унвон, на сиёсий амал бермас эди. Улардан барчага намуна бўладиган фақат битта нарса, у ҳам бўлса мардлик ва жасорат талаб қиларди. Таниш-билишчилик, маҳаллийчилик, мансаб учун пора олиш-бериш каби жамиятни емирувчи иллатлар, қусурлар эшиклари Соҳибқирон Амир Темур томонидан ҳеч кимса оча олмайдиган қилиб тамбалаб ташланган эди. „Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич, жангчимисан мардона жанг қил, саркардамисан жангчиларингни зафар жангига бошла, амалдормисан адолат билан иш юрит, фуқаронгни ҳимоя қил, тинчлигини таъмин қил“, удумлари ҳар куннинг амалдаги шиори эди. Ундан тескари ишга қўл урганлар ё жазога тортилар, ёхуд Соҳибқирон назаридан қоларди. Соҳибқирон учун доимо адолат бош мезон бўлди. Сўнги нафасигача шу ҳақиқат уни тарк этмади.

БУЮКЛИКНИНГ ИЛОҲИЙ КУРТАКЛАРИ

Тўғма қобилият, истеъдод мавжудлиги, келажакги буюк инсонлар бўлиб етишуви башорат қилинган ҳолатлар ҳақида тарих ва адабий-бадиий асарларда манбалар кўплаб учрайди. Соҳибқирон Амир Темур ҳам шу рўйхатдан ҳақли суратда жой олган шахслар қаторига киради. Ундаги шунини тасдиқлайдиган хатти-ҳаракатлар мактабгача ва мактаб давриданоқ яққол кўзга ташлана бошлаганлигига далиллар етарличадир.

Эс-ҳушини таниб улгурган фарзанди Темурбекни ёнига чорлаб отаси Муҳаммад Тарағай баҳодир қўйидаги фикрларни маълум қилди ва шунга яраша сабъ-ҳаракатлар қилиб улугликка интилишга даъват этди: „Эй, жондан азиз фарзандим, ушбу сўзларимни қулоғинга маҳкам қўйиб ол ва хотирангда узоқ сақла. Бир куни менга уйқумда бир рўё кўриниб, қўлимга қилич берди. Мен қилични қўлимга олиб, уни ҳавода бир неча бор ўйнатдим. Пулат қиличнинг ялтирашидан жумлаи олам

ёришиб кетди. Мен пирим Амир Кулолдан бу тушимнинг таъбирини билиш учун унинг ҳузурига бордим. Амир Кулол Шамсуддин: „Бу тушингда келгусида буюк воқеаларга боғланадиган олам-жаҳон ҳаётини ҳодисотлар мужассам. Аллоҳ сенга бир ўғил берадики, у бутун дунёни забт этади, дунёни турли бидъатлардан, зулмат ва адашиш, адолатсизликлардан халос этади“, деди. Ҳақиқатан туш тўғри чиқиб, Аллоҳ менга сени ато қилди.

Сўнгра ақиқа вақтида сени Шайх Шамсуддин ҳузурига олиб бордим. Мен шайхнинг олдига кирганимда у Қуръони Каримдан ушбу оятни ўқийдиган эди: „Амантум манн фиссама ан-йўхифа бикума-л арда фа иза ҳийа Тамуру“. Қуръони Каримнинг ушбу ояти „Тамуру“ сўзи билан тугалланганлиги учун биз сенга Темур исмини бердик“.

Отам Муҳаммад Тарағай баҳодирдан бу ҳикояни эшитиб, ундан қандай шароитда менга исм берилганлигини ва исмим Қуръони Каримдан олин-



ганлигини билганимдан сўнг Аллоҳга шукроналар айтиб, Қуръони Каримнинг „Таборака“ сурасини ўқидим.¹

Темурбекнинг фавқуллодда қобилиятлари 6–7 ёшларидаёқ очила бошлаган эди. Унинг ёшлигига оид манбалар тарихчилар томонидан гарчи кам маълумот берилган бўлса ҳам, мавжудларининг ўзиёқ унинг ҳақида етарли тасаввур беришга кифоя қиларлидир.

Аввало, Темурбекнинг кенг мулоҳаза ва мушоҳадали фарзанд бўлишини астойдил истаган отаси Муҳаммад Тарағай баҳодир нуфузли доираларда бўлиб турадиган дўстлари даврасидаги суҳбатларга ўзи билан олиб борди. Ушбу давра доирасида сиёсат ва ҳарбу зарб масалаларига оид қизғин баҳс-мунозаралар давом этарди. Суҳбатлар йўналиши фақат шу соҳалар билан чекланиб қолмай, катта ижтимоий-маънавий муносабатларга дахлдор, жумладан, дўстлик, мардлик, жасорат, инсонийлик ва унга эид бўлган сотқинлик, хиёнат, шунингдек, иккиюзламачилик ҳамда улардан етадиган зарар оқибатлари муҳокама ва мунозара қилинарди. Ҳаётнинг оғир синов ва қайновларида тажриба орттирган бу инсонларнинг фикр-мулоҳазалари табиатан жуда зийрак бўлган Темурбекнинг дунёқарашини юксак даражада шаклланиб, ёшига ва тенгдошларига нисбатан анча илгарилаб кетишини таъминлаган эди. Негаки, бу инсонлар ҳаёт тажрибасини мустаҳкам оғаллаган сиёсий, ҳарбий арбоблар бўлиб, улар Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий жабҳаларида ўз ўрни, мавқеи мавжуд нуфузли шахслар ҳисобланарди.

Темурбекнинг камолот босқичи ва маънавий оламнинг юксалишида юқоридагилардан кам бўлмаган яна бир омил бор эдики, бу унинг келажакда оламшумул миқёсли сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва маънавий соҳада мураккаб вазифаларни уйдлашига имкон берган эди.

Муҳаммад Тарағай баҳодир ўғлининг етук инсон бўлиши йўлида қўлидан келган барча имкониятларни ишга солди. Хонадонига таклиф қилинган инсонлар фақат ҳарбий-сиёсий арбоблар бўлмай, ўз даврининг етук ва атоқли шахслари — пирлар, авлиё, фозиллар, халқ орасида обрў-эътибори баланд, жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида мустаҳкам мавқели нуфузли шахслар эдилар. Бу шахслар ҳаётда мактаб яратган улуғлар сирасидан бўлиб, суҳбатида иштирок этувчиларни симобдек эритиб юборадиган исломий, маърифий, шунингдек, ахлоқий маърузалар қилганида ҳар қандай одамни мафтун қиладиган, Худонинг назари тушган шайх-шариф зотлар эдилар. Уларнинг сўз қудрати ва ҳофизаи нутқ ироди Темурбекни сеҳрли дунё кенгликларига етаклар, ҳар бир шундай учрашув унинг учун бир дорилфунун даражасида эди. Бу суҳбатлар Темурбекнинг қалбини бир умрга забт этди. Бундай улуғ инсонларни пири комил устоз сифатида эъзозлаш инсонни юксакликлар сари парвоз қилдириб, ҳаётда дуч келинадиган калаванинг учини топишда уларнинг пурмаъно ҳикматлари албатта асқатишини қалбига муҳрлади. Шу-шу бўлдики, Темурбек Тойободий, пир Шамсуддин Кулол ва пир Саййид Барака каби бобарокот зотлардан тортиб, хоҳ ўтган буюк маънавият юлдузлари бўлсин, хоҳ қайси шахар ва мамлакат ҳудудларида яшаб турганлари бўлсин, ўтган улуғларнинг хотирасини, мавжудларининг эса иззат-ҳурматини қойилмақом қилиб ўрнига қўйди. Бу жиҳатдан Амир Темур нафақат фуқаролар, балки вақти келиб жумлаи жаҳон ҳукмдорларига намуна бўла олади. Буларнинг барчаси тошга муҳрланган битик каби ёшлиқда қўйилган меҳроқибат, тарбия натижаси эди. Бу олинган сабоқлар, ёшлиқдан улуғлар илму ҳикматидан баҳраманд бўлиш, бўлажак буюк ҳукмдорнинг улуғ ишларга қўл уриб, уларни муваффақиятли яқунлашига имкон берарди. Улуғлар берган илму ҳикмат сабоқлари

¹ Таборака — Мулк сураси, Қуръони Карим.

оддий устозлар ўғитидан тубдан фарқ қилиб, Темурбекни олами сағир¹ сир-синоатларидан янада мураккаб фазовий кенгликлар — олами кабир² ҳақидаги ҳудудий кенгликлар майдони ва улар ўрта-сидаги муносабатлар коиноти сир-синоатларини англаш сари етаклади. Бу юксалиш ва юксакликларга етишда пири комиллар хизматлари мавзуларга дахлдор саҳифаларда очила боради.

Темурбек истеъдодининг ёшликда очила борган қирраларидан бир лавҳани ўрта асрлар даврининг етук муаррихларидан бири Давлатшоҳ Самарқандийнинг тазкирасида қуйидагича келтирилади: „Дейдиларки, Соҳибқирон етти ёшлигида отаси билан бир қариндошиникига боради. Ул киши бадавлат, нуфузли киши эди ва фаровонлик билан кун кечирарди. Унинг етмишта турк ва ҳинд қули бор эдики, унинг моллари кўплигини шундан ҳам билса бўларди. Ўша киши Соҳибқироннинг отасига имконият қилди. „Худо менга кўп молу давлат берди, лекин уни сақлашга тамоман ожизман. Қулларимиз сабр-тоқатли эмаслар, фарзандларим эса салоҳиятсиз. Шу сабабли молу дунёмга нуқсон етмаса деб қўрқаман“.

Шунда суҳбатни диққат билан тинглаб ўтирган Темурбек гапга аралашиб, ўзининг муаммони ҳал қилишга доир мустақил фикрини билдириб, шундай дейди: „Эй амакижон, фарзандларингизга молларингизни бўлиб беринг ва ундан сўнг уларни ўз молу мулкига дохил қилингким, улар ўзи билан ўзи овора бўлсинлар. Яъни, улар ўзларининг фойда-зарарини ўйлаб, ғайрат камарини боғлаб, даромад ва буромадлари хусусида бош қотира бошласинлар. Сўнгра турк қулларни ҳинд қулларнинг тепасига қўйингки, улар ҳиндларни ўз амри фармонига бўйсундирсинлар. Кейин ҳар уч қулни улар-

дан ақллироқ бир қулнинг ихтиёрига топширинг. Сўнгра, уларнинг ҳар биттасини еттигадан қулингизнинг амири қилинг. Кейин етмиш қулга бош бўлган ана шу еттига қулни бир-бирининг таъзим ва ташрифига буюринг. Уларни кўздан қочирманг, чунки улар бир-бирлари билан кўп суҳбатлашадилар“.

Шуни айтадилар-да „ақл ёшда эмас, бошда“ деб, халқимиз ҳикматларида. Бу сўзларни ёшгина болакай айтганига ҳайратдан ёқа ушлаган хонадон соҳиби Муҳаммад Тарағай баҳодирни бағрига босиб қутлар экан: „Сизнинг бу фарзандингиз жаҳонга ҳукмдор бўлади, чунки унинг сўзлари айнан шу ҳодисотдан дарак бериб турибди. Мен эса шу юз берадиган воқеани шу лаҳзаларданоқ яққол қалб қўрим билан сезиб турибман. Келажакда бу ўғил подшоҳ бўлиб, бутун ер юзини бошқаради. Ҳа худди шундай бўлади, Худо шоҳид, мен кафил“.

Ўша сўзларни қатъий айтган уй соҳиби ичкари хонадан сиёҳ ва бир саҳифа қороз олиб чиқиб, чинакамига уни ҳуқуқий аҳамиятга молик ҳужжат қилиш учун Темурбекдан тилхат ёздириб олади. Тилхатнинг мазмуни қуйидагича: „Менким, Темурбек Муҳаммад Тарағай баҳодир ўғли, менинг келгусида улуғ ҳукмдор бўлишимни Худо шоҳидлигида башорат қилган хонадон соҳиби ва унинг фарзандлари, зурриёти ва яқинларидан хирож ва солиқнинг ҳар қандай тури олинмасин, жиноятга қўл урсалар, қозию қуззот уларнинг гуноҳларидан ўтиб афу қилсинлар. Ушбу қавм мен ва менинг авлодларим ҳукмронлиги даврида ер-сув, мол-мулк жиҳатидан Туркистон диёрида тархон³ дурлар. Иқбол қушимиз ҳукмдорлигимизни ўз қаноти остига олган кунданоқ ушбу тилхат тархонлик ҳужжатига алмаштирилиб, кучга кирган ҳисобланади“. Шу

¹ Олами сағир — кичик олам, яъни тасаввуфий оламда инсон тушунчаси (индивид).

² Олами кабир — илоҳий олам, яъни коинот олами.

³ Тархон мулкидан солиқ олинмайди. Бу мулк ҳукмдор томонидан тархон мулк эгасига умрбод берилади. Давлат олдидаги катта хизматлари учун бериладиган имтиёздир.



замон ўн йиллар ўтиб-ўтмай келди ҳам, аммо шу тилхат ўз кучида қолди. Бу пайтга келиб тахтга ўтирган Амир Темур шу ваъдасини унутмади. Афғон ва Шарқий Эрон сафарига чиқаётиб, ўша соҳиби хонадон қишлоғида тўхтаб, етти ёшида меҳмон бўлган уйга ташриф буюрар экан, сарой котибига тархонлик хужжатини Соҳибқирон ўзи айтиб ёздирди ва хурсанд бир ҳолатда унга подшоҳлик олтин муҳрини босди.

Келишилганидек, ўз қўли билан болакайлик пайтида ёзилган тилхатни хонадон соҳибидан сўраб олди. Авайлаб тўрт буклаб чўнтагига солар экан: „Ана энди барчаси қонуний кучга эга бўлди, бу воқеага ҳаммангиз гувоҳсизлар, ҳаётда шунақа теша тегмаган воқеалар ҳам бўларкан“, дея Соҳибқирон ўзи ҳам, бошқаларни ҳам қулдириб, яхши кайфият билан асов тулпорига минганича қўшинни Осиёнинг жануби-шарқ ҳудуди сари бошлаб кетди. Музаффарият байровини қилпиратган қўшин тархон қилинган ҳудуддан шу тариқа олис эллар томон равона бўлган эди. Соҳибқироннинг бу саъй-ҳаракатини чинакамига аҳдга вафо, сўзга содиқлик намунаси деса арзигуликдир. Ушбу тилхатга келсак, Соҳибқирон учун ёшлигидан ноёб хотирот бўлиб қолди. Негаки, тилхатда битилган ҳукмдорлик тўғрисидаги оддий битик вақти келиб чинакам тожу тахт эгаллиги билан алмашган эди. Амир Темурга бу тилхат шуниси билан азиз, шуниси билан қиммати баланд эди. Шунга кўра бу битик энг нодир бойлик сифатида нафис матодан тикилган ғилофчада Амир Темурнинг юрагига яқин чўнтагидан доимий ўрин топди. Шу тилхат боис Соҳибқиронга унинг болалик чоғлари ҳам у билан сояма-соя эргашиб, сафарларда ёнма-ён юргандек эди, гўё“.

Амир Темурнинг ёшлиги билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар „Малфузоти Темурий“ номли асарда ҳам келтириб ўтилгандир.

Юқорида келтирилган мисолимиз оддий бир қариндоши билан кечган ҳолат бўлса, навбатдаги воқеа пири комил устози Шайх Шамсуддин Кулол

башорати ҳамда вақт келиб буюк ҳукмдорлик унинг қисматидаги тақдири азал битигига айланганлиги тўғрисидадир.

Агар шу қисмат Шайх Шамсуддин Кулолнинг илоҳий башорат кўзгусида ўзини намоён этган экан, акс ҳолда тақдир битиги ҳақида бу пири ҳикмат эгаси Темурбекнинг жаҳоний миқёсдаги ҳукмдор бўлишидан хабар бермаган бўлур эди. Таъбир қуйидагича янгиликни очишга йўналтирилган эди: „Бир куни Темурбекни Шайх Шамсуддин Кулол тўхтатиб еттита нон ва уч юз етмиш дона ёнғоқ тухфа қилади. Бу Темурбекнинг келажақда етти иқлим ҳукмдори бўлишига рамзий ишора бўлиб, темурийлар авлод шажараси эса асрлар оша салтанат соҳиблари сифатида тождорлик қилишини билдирар эди“. Ҳаёт ҳақиқати бу башоратни тўла исботлади.

„Қуш тилини қуш билади“ деганларидек, Темурбекнинг онаси ҳам оддий қавм ва қабиладан эмас, балки пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг бақувват томирларига туташган, садр аш-шариъа номи билан шуҳрат қозонган Убайдуллоҳ ал-Бухорий хонадошида камолот ва балоғатга етган зукко қиз бўлиб, Шайх Шамсуддин Кулолнинг бу тухфаси келажақнинг ёрқин уфқлари даракчиси эканлигини ботинан ва қалбан ҳис қилади. „Малфузоти Темурий“ да бу воқеа қуйидагича ёритилади: „Ва чунун мен (Темурбек) бу воқеани онамга арз этдим, онам менинг бошимни икки қўллари била тутиб дуо қилдилар. (Яъни „пиримизнинг сен ҳақингда айтганларини Парвардигор ижобат қилган бўлсин“ тарзида.) Ва сўнги кун онам Шайх Шамсуддин Кулолнинг хонақоҳига бордилар. Шайх Шамсуддин Кулол, таважжух кўргузиб, дедиларким: „Эй хотун, ушбу ўғлингизнинг авлод ва аҳводининг давлат ва салтанати уч юз йил даволат бўлмай ва анинг авлодидан етмиш киши салтанат мартабасига етушмайлар... Чун Шайх Шамсуддин Кулол сўзин онам менга эшитдурди“, дейилади.



Демак Шайх Шамсуддин Кулол Амир Темурнинг нафақат миллат тарихида, балки жаҳон тарихида чинор илдизи янглиғ бақувват шажараси яратилишини олдиндан кўра олган. Яъни бобурийлар ҳукмдорлигига қадар ботиний тафаккур қудрати олис даврни идрок қилган. Бу шайхнинг ҳақиқий илоҳийликка туташган авлиёлик мақомининг қуввати даражаси эди.

Темурбек беш ёшларига етганида онаси ва онасидан ёзиш ва ўқишни ўрганди. Унга, айниқса, онасининг маърифий-маънавий кучли оилавий муҳитда ўсганлиги катта ёрдам берди. Маълумки, эски мактабда ўқитиш усулига кўра синф-дарс, яъни ёши тенг ўқувчиларга таҳсил бериш тизими жорий қилинмаган ибтидоий таълим босқичи (бу ҳозирги бошланғич синфлар)да таҳсил олувчи ўқувчиларнинг ёши беш ёшдан, ҳатто ундан ҳам юқори ёшдаги катта болалар аралаш ўқитилаверарди. Аъло ўқиганлар, агар имкони келса, ибтидоий мактабни тугатиб, мадраса таълимидан ўқишни давом эттирган. Темурбек етти ёшидан ўн икки ёшига қадар ибтидоий (бошланғич) сўнгра мадраса таҳсилани олди.

Амир Темурнинг ўзи ҳақидаги ёшлик хотираларига таянадиган бўлсак, зеҳни ўткирлигидан мактабдаги барча ўқувчилардан ўзиб кетганлиги, унинг ахлоқ-одоби юқори даражада бўлганидан ўқувчиларга бошлиқ қилиб тайинланганлигини таржимаи ҳолида келтириб ўтади: „Мен етти ёшга тўлганимда мени мактабга беришди ва қўлимга сўзлар жадвалини тутқазишди; мен ўқий бошладим ва эришган муваффақиятларимдан гоят севинчга тўлдим.

Мен тўққиз ёшга тўлганимда беш вақт намозни ўргандим ва мактабдаги барча ўқувчиларга бошлиқ бўлиб олдим. Мен қатнашган барча йиғинларда уламолар яқинига ўтиришга ҳаракат қилдим ва тиз чўкиб ўтирардим, катталарга нисбатан шундай ҳурмат бажо келтиришни ўзимга одат қилиб олдим“.

Темурбекнинг ушбу таъкидларидан шуни аңлаш мумкинки, у илм олишга зўр иштиёқ ва ғайрат

билан киришган, мадрасада ҳам билим олишда барча ўқувчилардан ўзиб, домлаларнинг назарига тушган, шунингдек, ҳурматига сазовор бўлган. Демак, Темурбек ёшлигидан қайси ишга қўл урмасин, гоят масъулият билан ёндашиб, ўз бурчи, вазифасини аъло даражада аңлаган ва шахду шиддат билан ҳаракат қилган.

Темурбек ҳарбий ва бошқарув ишларига ҳам ҳали мактабдаги болалик пайтиданоқ жуда қизиққанлигини таъкидлаб шундай дейди: „Кўчада мен болалар билан ўйнардим. Болалар билан уруш-уруш ўйнаб, ўзимни амир этиб тайинлардим-да, ўйинни бошқарардим ва болаларнинг бир гуруҳини иккинчи гуруҳи билан „уриштириш“ни машқ қилардим“.

Амир Темурнинг ушбу сўзларига чуқурроқ разм солинса, унинг буюк саркарда ва давлат арбоби бўлиб етишув йўлига болалик давридаёқ тамал тошини қўйганлигига амин бўламиз.

Темурбекдаги жасурлик, ўзини ҳарбий ўйинларда худди йирик лашкарбошилардек қатъият билан ҳарбий ўйинларни бошқариши, „душман қўшинини мағлуб қиладиган хилма-хил усул ҳамда ҳийлаларни ўйлаб топиши худди уни жанговар машқлар олиб боришнинг сардор ва саркардаси даражасига кўтарилишини таъминлаганлигини кўраимиз.

Бу саъй-ҳаракатлар Темурбекдаги ҳарбий истеъдод ва бошқарув лаёқати ғунчалари очилишининг илк босқичи бўлди. Кейинчалик болаликдаги „жанговар“ сафдошлари Амир Темурнинг музаффар байроғи қитъалараро ҳилпираб ўтишига катта ҳисса қўшдилар. Демак, ўйин-ўйиндан бошланган, Темурбек ташкил қилган „Кичик ҳарбий академиянинг кичик зобитлари“ Амир Темур салтанатга асос солган даврда жангу жадалларда жанговар қобилиятлари, маҳоратларини янада ошириб, 313 йирик қўмондонларни тарбиялаган ва уларнинг ҳужумларига жаҳоннинг бирорта манаман деган доврўқли қўмондонларию қўшини бардош бера олмаган катта Ҳарбий академия вужудга келти-



рилган эди. Бу чинакам Амир Темур вужудга келтирган Ҳарбий санъат академияси эди.

Амир Темурнинг илк ўсмирлик давриданоқ ҳарбий ўйинларга жон-дили билан қизиқиб, астойдил шуғуллана бошлаганлиги француз шарқшунос ва темуршунос олими Л.Лянглининг „Темур ҳаёти“ номли асарида қуйидагича тасвирланади: „Темурбекнинг ўйинлари гўё жанг майдонларидагидек ўтарди. Унинг танаси кун сайин ўсиб, мустаҳкамланиб, онги ҳам ниҳоят даражада тараққий этиб борди, унда муҳим лойиҳалар¹ вужудга кела бошладики, бу дўстларни ҳаяжонлантириб ҳайратга соларди“.

Соҳибқироннинг ёшлик даври, яъни ўсмирликдаги ҳарбий ўйин-ўйинлари унинг ҳаракатларидан келажакда улуг инсон, етук саркарда бўлиб етишувидан дарак берганлигини қуйидаги мисраларда ифодалаган эди:

*Ўйин бўлса-да, унинг фақат,
Лекин нияти эди тож ила тахт.
Буюрмоқликка эди у тетик руҳ,
Ёнида болалар бир неча гуруҳ.
Бир бола эди сипоҳига амир,
Бошқаси тайинланган эди вазир.
Чўп ва қамишдан бир одам ясарди,
Ўзи ҳар томонга қараб чопарди.*

Шундан кўринадики, Темурбек ёшлигиданоқ дўст-ўртоқ сафдошларини гуруҳларга бўлиб, бири-ни амир, бошқасини вазир қилиб тайинлаб, ўзи ҳукмдорлик мавқеини эгаллаб, гўё давлатни бошқаргансимон ҳаракатларни содир этган. Ниҳоят, вақт ўтиб ёшликдаги орзу-умид воқелик ҳақиқатига айланди. Бу жиҳатдан Темурбекнинг ёшлигидаги шиддатли ҳаракатлари ҳам ҳозирги ёшларга ибратдир.

Шуниси диққатга сазоворки, йирик руҳоний ва тасаввуфий уламо, тарихчилар ҳамда огоҳ ва зийрак одамларнинг Темурбек ҳақида башоратомуз, олдиндан кўриб билдирган фикрлари, қолаверса, ота-онаси тушида кўрган сир-синоатли ҳодисаларнинг барчаси унинг буюк инсон бўлиши тўғрисидаги ишоратларини вақт ўтиб рўёбга чиқарди. Хўжа Илғор қишлоғини дўстлари билан чангитиб, қийқириқлар билан ҳарбий ўйинлар қамровида ўсган шўх-шодон ҳамда шиддаткор болакайларнинг бири вақт-соати келиб бўлажак ҳукмдор Темурбекнинг ҳақиқий вазири, бири доврўқли саркарда, яна бири машҳур қўмондон амалларига кўтарилиб, пойтахт Самарқанддаги саройини безадилар, жанг майдонларида ғаним лашкарларининг додини бердилар, Олий Девонда турли юқори амалдорлик вазифаларида фаолият кўрсатиб, Амир Темур давлатининг таянч давлат ва ҳарбий арбобларига айландилар. Энг оғир ва машаққатли кунларда бу жанговар сафдошлар қўлни қўлга бериб ёшликда ичган қасамларига охиригача содиқ қолдилар, Соҳибқиронга таянч ва суянч бўлиб, собит турдилар. Уларни Темурбек ёшлигидан ўзига садоқатли, ўзаро ишонч руҳи ва эътиқодида тарбиялаган эди. Бу ҳам Амир Темурдаги ҳарбий истеъдод ва қобилиятнинг Парвардигор назар солган инсонлардан эканлигининг бир кўриниши бўлганлигининг нишонаси дейишга асос бўла олади. Акс ҳолда бир инсонда ақлга сифмас тафаккур кучи ва ноёб қобилиятларнинг қалқиб юзага чиқиши, бунчалик мавқега кўтарилиши роят қийин кечарди. У нимага эришса, шиддатли ғайрати билан эришарди. Ўткир ақл кучи ва темир иродаси билан муаммо ечимини топарди.

¹ Шарқшунос тарихчи олим Л. Лянгле „муҳим лойиҳалар“ сўзини қўлаганда Темурбекнинг душман тараф устидан ғолиб чиқиш учун ҳақиқий саркардалардек турли режалар тузиб, уни амалга ошириш мақсадида ранг-баранг усуллар қўллаганлигини таъкидламоқчи бўлади. Демак, Темурбекда тактика ва стратегия ҳарбий санъатига қизиқиш ўспиринлик давридаёқ куртак отган дейиш учун асослар етарличадир.



Бу яна бир мисол билан Темурбекнинг тез етила бошлаган ҳаракатларида ҳам яққол кўзга ташланади. У ўн икки ёшида тенгдошларидан ажралиб, ўспирин ёшлардан ўзига муносиб дўстлар орттира бошлаганлигини қайд этган эди. Бу унинг баловат ёшига тенгқурларидан эрта ўсиб ўтганлигини тасдиқлайди.

Темурбек ўн беш ёшга тўлганида моҳир чавандоз, мерган суворий бўлиб етишади. Бу вақтда у Ватан, дўст ва душман, инсон эрки, умуман олганда, давлат, жамият, фуқаро ва улар ўртасидаги мураккаб муносабатлар тўғрисида етарли илмларни эгаллаб, дунёқарашида туб ўзгаришлар содир бўлиб, шулар тўғрисида мустақил фикр юритиш палласига киритган жараёни бошидан кечиради.

Комил Хоразмий қаламига мансуб „Қиссаи Темур“ асарида келтирилишича, ана шу ёшида Темурбек зўрлигу зўравонликнинг қурбонига айланган, номуси топталган ҳамда шу фожиадан қон йиғлаб, дод солган бир ҳимоясиз аёлнинг зўрланаётганлигига дуч келди. Темурбек „зўравон ўз разил мақсадини менинг кўз ўнгимда амалга ошириб,

бир аёлнинг номусини поймол этди“, дейди. Ана шу ерда аёл номусининг барбод этилиши қандай мудҳиш жиноят ва ахлоқсизлик эканлигини ҳис қилган эди ёш Темурбек.

Ўспирин Темурбекнинг ўй-фикрларини бу воқеа остин-устун қилиб ташлади. Ўз-ўзига саволлар бериб унга жавоб излади. Бу саволлар барчаси давлат, жамият ва фуқаро ҳуқуқи муаммоларига бориб тақалаверди. Демак жамият жисмонан кучли ва кучсиз инсонлардан, бой ва камбағал ҳамда ўрта бўғин табақалардан ташкил топган. Булар ўртасидаги муносабатлар тенглигини ким ташкил қилади, ожизлар ҳимояси-чи? Темурбек ўспиринлик даврида минг йиллардан бери ҳукмдорлару, файласуфлар ўртасида ечими топилмаётган муаммога дуч келди. Бу — инсон ҳуқуқи ва эрки муаммоси эди. Бу муаммони адолат асосига қурилган давлатдан ўзга ким ҳам таъминлай олади? Темурбек шулар ҳақида чуқур фалсафий фикр юритди, жавоб излади. Шу билан унинг фикрида инсон ҳуқуқи ва уни таъминлаш муаммоси ғужғон ўйнади.

ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ИЛК ЎЙЛАР

Ҳимоясиз ожиза аёл мисолида унга нисбатан қилинган тажовуз ва ахлоқсизлик Темурбекни ижтимоий, ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий масалалар ечими сари мушоҳада ва мулоҳаза уммони қаърига етаклади. Ўн олти ёшида бу мураккаб ҳодисага дуч келган Темурбекнинг ақл тафаккури ушбу масалага янада қаттиқ боғланди. Бу муаммолар ечими давлат дея аталмиш сиёсий-ҳуқуқий тушунчаларга келиб тақалдики, унинг тартиб-қоидалари адолат асосига қурилиши керак; акс ҳолда оддий меҳнаткаш халқ, ижтимоий табақа ва гуруҳлар ҳуқуқлари поймол этилаверар эди. Темурбек шу билан ижтимоий ҳаёт, турмуш масалаларини идрок ва таҳлил қилишга чоғланган ёш сиёсатчи, файласуфга айланиб бораётганлигини, бу илм илм-

лар ичида энг мураккаб ҳамда оғир илм эканлигини унинг бўсағасига қўйган илк қадамидаёқ англагандек бўлди. Мураккаб ижтимоий тизим ва жамият манзараларини кўз олдига келтирар экан, давлат дея аталмиш тушунча ичида бу муҳташам бино ички ва ташқи муҳитига назар солиб, унинг марказида ҳуқуқ тушунчаси, унда ҳукмдор мавқеидан тортиб, сарой амалдорлари, лашкарбошилар, шунингдек, саройдан ташқарида ҳукмдор, қозию қуззотлар, ҳоким ва раислардан иборат ҳокимият тузилмаларидан адолат, ҳақиқат истаб умид кўзларини тикиб турнақатор турган қуйи табақа вакиллари кўрди. Озод бўлмаган Ватан, озод бўлмаган фуқаро, мустамлакачилик ва қуллик кишанлари кийдирилган халқ мавжуд экан, унинг



хукмдоридан ҳам, амалдору ҳоким, раисларидан ҳам адолат истаб бўлмайди. Тинчлик ҳам, эркинлик ҳам талаб қилиб бўлмайди. Халқнинг қора қозони кутилганидек қайнамайди, зулм занжири унинг қаддини букади. Бу мустамлакачи, зулмкор давлатнинг асл башараси ва моҳиятидир.

Хуллас, бахт, фаровонлик, тинчлик бу юртдан юз ўгириб, кўз илғамас ҳудудларга бош олиб кетади. Халқ қашшоқлик, нотавонлик, жоҳиллик исканжа-сида жонсарақ яшаб, ҳаёти ғурбатда ўтади. Бу бедодлик. Хаёллар дарёсида шуларни ўйлаб ўз-ўзи билан баҳс-мунозарага киришиб кетган ёш файласуф ва сиёсатчи Темурбек шундай ҳукмий хулосага келди, оқибат жамиятда адолат ва ҳақиқатни қарор топтирмақ учун, аввал, Ватан ғанимлардан мутлақ тозаланиши керак. Сўнгра адолатни эл-юрт узра ўрнатадиган одил, ҳақиқатпеша ҳукмдор керак. Бунинг учун мамлакат бўйлаб амал қиладиган, биринчи навбатда, меҳнаткаш халқни ҳимоя қилишга қодир қонун-қоидалар керак. Ана шундагина зўравонлар, халқнинг ҳақиқага қўл узатувчилар тийиладилар, улар одил жазоларга тортиладилар. Жазога лойиқлар жазодан четда қолмаслиги, жиноятчилар албатта жазосини олишлари лозим ва шарт. Акс ҳолда қонунлар қоғозда қолиб кетади. Демак, озод, мустақил ҳамда қудратли давлат барпо қилиш лозим.

Темурбек қўйидаги битикларни „Таржимаи ҳол“ асарида ёзилаётган янги саҳифага қатъият ва ишонч билан битиб қўйдики, бу унинг албатта эл-юртидан барча балои қазоларни даф қилишга, халқига бахт-саодат йўлини очиб берадиган одил ҳукмдор бўлишга азму қарор қилганлигини кўрсатар эди.

Ўн олти ёшда Темурбек елкасига қандай оғир, залварли юкни олганлигига назарингизни қаратамиз: „Мен ёшлигимдаёқ кўп ёвуз ва разил одамларнинг ғайриинсоний ва ёмон ишларга қўл урганлигига гувоҳ бўлдим. Улар бу ишларни кўз ўнгимда амалга оширдилар. Ана шундан бошлаб мен бутун дунёдаги ёвуз ва разил золимларни илдизи билан қуритишга қарор қилдим. Мен шу ёшимдаёқ

дунё илон ва чаёнларга тўла бир олтин сандиқ эканлигини англадим, шу сабабли менда тилло ва мансабга нисбатан нафрат турилди ва мен масжидда қолиб, ўша ерда яшадим“, сўзлари унинг „Таржимаи ҳол“ида қайд этилиши бежиз эмас эди. Бундай фикрга Темурбек шундай жўн тарзда келмаган эди ҳам. Негаки, мўғул босқинчилари Туронзаминда шундай бир ахлоқсиз, маданиятсиз ва қонунсизлик ваҳшиёна тартибларини ўрнатган эдики, улар жабр-зулм орқали қўрқув даҳшатини солиб, мол-дунё, олтин, кумуш йиғиш, талаш сиёсатини олиб борар, уларнинг йўлини тўсадиган куч йўқ эди. Ҳуқуқсизлик ҳукмрон эди бу юртда. Темурбек ўзининг ахлоқий-маънавий, иродавий хусусиятларини ошириш, то ҳақиқий жангчи лашкарбоши бўлгунга қадар сабр отига миниб, шунга қадар ватанпарвар уламолардан сабоқлар олиб, ҳаётда асқатувчи билимларга эга бўлиш учун аҳд қилиб, сўнгра босқинчилар билан ҳисоб-китобни ўрнига қўйишга қасд қилган эди: шундай қарорга ўз-ўзидан келинмаган, албатта. Мана бир ўспирин йигитдаги инсонийлик, Ватанга, халқига садоқат, душманга чексиз нафрат уни қандай ҳукмий қарорга келишига сабаб бўлган эди. Шерюрак ва бемисл жасур инсонгина Ватан тақдирига даҳлдор тоғдек оғир юкни зиммасига олиши мумкин эди. Ўсмирлик ғайрати ва шиддати уни шу машаққатли, аммо жаҳон тарихида номи абадий қоладиган муқаддас ишга қўл уришга ундаган эди.

Бундай масжид ва мадраса илмидан ташқари отаси Муҳаммад Тарағай баҳодирнинг васият ўрнидаги ҳикматли сўзлари қалбидан жой олиб, умри давомида бу жавоҳир ўрнидаги насиҳатлар Темурбекка маънавий куч, озуқа берди. Ота берган ушбу маслаҳатларга амал қилди. Бу маслаҳатлар пир ва авлиё инсонларнинг доно ва илоҳий ўғитлари билан мужассам топиши Темурбек ақлининг қиличдек ўткир бўлишини таъминлади. Бу ақл ҳаёт тажриба ва сабоқлари билан доимо мукаммаллашиб, тўлишиб борди.



ПАДАР ВАСИЯТИ – ДИЛ ЗИЙНАТИ

Отадан қарғиш олишдан Яратганнинг ўзи ас-расин, ундан олқиш олишга эса не етсин. Ота насиҳати ва васиятларига астойдил амал қилган Темурбек эл-улусда азалдан давом этиб келаётган урф ва удумга қатъий риоя қилди. Натижада улуғлар ва падари маслаҳатларига кириб ҳаётда зиёда бўлса бўлди, ҳечам кам бўлмади.

Муҳаммад Тарағай баҳодир фарзанди Темурбекка „Аввало ўзлигингни яхши англамоқ учун камида аждодларингдан еттитасини яхши билишинг, томирингнинг бошланиш илдизларини билиб, ундан гурурланишинг лозим.

Иккинчидан, ўғлим Темурбек, сенга васиятим шуки, ота-боболарингдек имон-эътиқодли бўлай десанг, шариат бўйича иш тут.

Расулulloҳнинг авлодларини ҳурмат ва эҳтиром қил, сенга тобе халққа раҳмдил ва меҳрибон бўл.

Учинчидан, ёдингда бўлсинким, барчамиз ҳам Аллоҳнинг бандаларимиз, унинг амри билан кўк остида юрибмиз. Шунинг учун Аллоҳнинг сенга юборган неъматларига шукур эт. Унинг марҳаматига ҳамду санолар айтиб, номини доим тилга олиб такрорла, унинг ягоналигига эътиқод қил, амрига итоат эт ва ёвуз, иллат нарсаларга асло қўл ура кўрма.

Тўртинчидан, қариндош-уруғлардан қўл узма, бировга ёмонлик қилма, ҳар қандай жонзотга нисбатан раҳмдил бўл. Ўшанда ишинг равнақ топгай, иншооллоҳ!“ деб маслаҳатлар берган эди.

Темурбекка бу маслаҳатлар ҳаёти давомида кўп бора асқатди, мураккаб муаммо ва тўсиқларни енгилда қўл келди. Ота панд-насиҳати энг оғир дамларда маънавий-руҳий далда бўлди.

Шунингдек, у онасининг сўзларини ҳам ҳеч қачон ерда қолдирмади. Она ҳам фарзандининг имон-эътиқодли инсон бўлиб ўсишида катта тарбиявий таъсир қилди. Онаси Такина Моҳ бегим отаси

Бухоронинг машҳур уламози бўлганидан оиласида олган яхши фазилатларнинг барчасини ўғлига сингдирган эди. Шу боис ёшлиқдан Темурбекда имон-эътиқод бутунлиги устувор бўлди.

Ана шундай инсонларнинг қўлида тарбия топиб, имон-эътиқод булоғига чўмилиб ўсган ва мактаб-мадрасада ҳаммани ҳайратда қолдириб, аъло ўқиган инсон Темурбекни Шўролар тузумининг бир гуруҳ гаразгўй олимлари „саводсиз, тарбия кўрмай ўсган ўспирин йигит ўзини қароқчилар тўдасига урди ва бозор йўлларида карвонлар ҳамда одамларни талаш билан йигитлик даврини ўтказди“, дея унинг шаънига бўлмағур сохта тарих битганларида уларнинг виждонлари тарих ҳақиқатига хиёнат қилиб, гуноҳи азимга ботишларига ким уларни шунчалик мажбур этганлигини илмий ҳазм қилиш нақадар қийин.

Ўша даврдаги Амир Темурни бўҳтон ва тухматлар хирмониға кўмиб ташлаган жилд-жилд китоблар, номзодлик, докторлик диссертациялари мустақиллик шарофати билан шамолларга совурилдики, энди уларнинг қиймати яроқсиз матоҳға айланди. Бу истиқлол қудрати, озодлик тантанаси шарофатидандир. Шукурким, Темурбекнинг ёшлигию унинг буюк Соҳибқиронлик мавқеиға кўтарилиб одил ҳукмдор, бемисл саркардалик фаолиятиға дахлдор ҳақиқат тарихини ўқиб, ўзбек халқи шундай фарзанди яшаб ўтганлигидан фаҳрга тўладиган кунларға етиб келдик. Бу чинакам улуғ ва тарихий ҳодисадир.

Дарахт илдизсиз отмайди томир,

Инсон ўз тарихисиз топмағай қадр.

Ҳақиқат тарихимизни ўрганиш бизға ўзликни англаш имконини берди. Темурбекнинг ота-онаси ва устозларидан олган тарбияси ҳамда уларға нисбатан Соҳибқироннинг садоқати, чексиз ҳурмати,



фарзанднинг оила шаъни, ор-номуси учун кураши ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Негаки оила мустаҳкамлиги, устоз-шогирдлар ўрта-сидаги ҳақиқий инсоний ва касбий муносабатлар-

нинг ижобий ҳал этилиши жамият равнақига катта таъсирини ўтказди. Шуниси билан Амир Темури оиласи ва устозларининг ҳаёт мактаби бугунги ва келгуси авлодлар учун ҳам ибрат, ҳам фахрдир.

ҲАРБУ ЗАРБ ИЛМИГА ЭҲТИЁЖ – ҲАЁТ ТАЛАБИ

*Аёнким, Ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар то имкони бор.*

АЛИШЕР НАВОИЙ

Туркий қавмнинг барлос уруғидан бўлган Муҳаммад Тарағай баҳодир оиласи аждодлари азал-азалдан йирик ҳарбий бошлиқлар бўлганлигини аввалги мавзуларда таъкидлаб ўтган эдик. Муҳаммад Тарағай баҳодир эса бу анъанани соф ҳолатда ушлаб қола олмади. У доимий уруш-уруш ва сарой тўнтаришларидаги қон тўкишлар, ўч, қасос олишлар билан давом этаётган талатўп ҳаётдан узоқлашиш йўлини қидира бошлади, ярим ҳарбий турмуш тарзли ҳаётни афзал кўриб, хўжалик юриштишнинг чорвачилик тармоғи билан кун кечириш унга маъқул бўла бошлади. Чунки ҳаётида унга таниш, биродарларидан сарой тўнтаришларию ўзгаришларда қатнашиб мағлуб бўлганларнинг ҳатто оила, бола-чақаларигача қириб, йўқ қилиб ташланганларни кўрди. Ундан кўра Муҳаммад Тарағай баҳодир ширингина икки қиз ва Парвардигор пешанасига ато қилган яккаю ёлғиз фарзанди Темурбекнинг камолини кўриб осуда, қон тўкишларсиз, борига барака ва шукрона айтиб яшашга азму жазм қилди. Бундай ҳаёт ва турмуш тарзи тобора Муҳаммад Тарағай баҳодирга ёқиб тушди. Ота бахтига ягона меросхўр ўғил фарзанд ўзи ўйлаганидан кўра ҳам ақлу идрокли, уддабурон ва серғайрат чиқди. Буни ҳам Муҳаммад Тарағай баҳодир Худонинг бир инояти ва марҳамати деб қабул қилди. Темурбек ҳали етти ёшлик пайтидаёқ қариндошникига меҳмонга борганда ўғлининг берган маслаҳатларидан ғоят хурсанд бўлиб қайтар экан, фар-

занди оилапарвар, хўжалик юриштишнинг ҳадисини олганлигидан бениҳоя хурсанд бўлиб, келажаги порлоқлигига қатъий ишонган эди.

Шу ёшда қариндошига шунча оғир иқтисодий муаммонинг ечимини топиб бердими, демак Темурбекнинг хўжалик бобидаги ақлу фаросатидан эрта-роқ фойдаланиш ва оиланинг тўкин-сочин фаровонлигига бемалол эришиш мумкин деган қарорга келган эди, Муҳаммад Тарағай баҳодир. Айнан чорвадорлар қавмларида „От ўрнини той босар“ ҳикматининг тез-тез қўлланадиган иборага айланиши бежиз эмаслиги айнан шундандир, балки. Темурбек 10—15 ёшлар палласидаёқ отасининг чорва хўжалигига доир (улар оиласида йилқи, қўй ва қорамоллар анчагина бўлган) аниқ-тиниқ фикрлар беради. Бу фикрлар тобора ижобий натижалар бериб сурув туёқларига янада барака эна бошлайди. Қўйлар сурувининг барака эниб тез кўпайиши кексайиб бораётган Муҳаммад Тарағай баҳодирга анча муаммоларни келтириб чиқарди. Уларни қишда омонликда сақлаш, баҳорда насл қолдириб, қўзилатиш мавсумидаги ишлар тифизлиги, ем-хашак ғами ва ҳоказолар. Хуллас ҳар фаслнинг чорва учун қатъий тартиб ва қоидалари ҳамда ташвишлари бор. Буларга вақтида амал қилмаслик, айниқса, чорвачилик соҳасида катта иқтисодий зарарга айланиши мумкин. Чорвачилик шундоқ ҳам қаттиқ тартиб-интизомни талаб қилади. Худди ҳарбий тартиб ва интизомдагидек. Шунинг учун

ҳам кўчманчи туркий қавмлар ҳам чорвачилик хўжалигини, ҳам жанговарлик ҳарбий ишларини тенгига олиб бориб, ўтроқ халқларга нисбатан жангари, ёшлиқдан чавандоз-суворийликда илғор ва устун бўлганлар. Темурбекнинг оиласини ҳам бу жанговар руҳ четлаб ва чеклаб ўтмаган эди.

Темурбек хўжалик юритишнинг янги усуллари чорвачиликнинг оиладаги ривожига қўллар экан, бу тартиб-интизомнинг ҳарбий тартиб-интизомларга ўхшашлигини сезиб қолди.

Буни вақтида илғаган Муҳаммад Тарағай баҳодир фарзанди Темурбекни ўн олти ёшида ҳузурига чорлади ва хўжалик юритишнинг инон-ихтиёрини унинг елкасига юклаб, ўзи эса қолган умрини ибодатда тинч, осойишта ўтказажаклигини ўғлига маълум қилди. Шундан маълум бўладики, Темурбек 16 ёшда тўла мустақил хўжалик, чорвачилик юритишнинг барча оғир юкини елкасига олган: „Шундан кейин, — дейди Амир Темур, отам ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Барча масъулият менга ўтди. Шунда мен отамнинг барча йилқи ва молларини тўладим, қўйларни юзта-юзталаб ажратдим. Кўчқорларни совлиқлардан ажратдим. Отамнинг ҳар ўн хизматкорига бирини бошлиқ қилиб қўйдим“.

Сўнгра Темурбек Шайх Шамсуддин Кулол ҳузурига бориб, дуосини олиб, ишларига ривож беришини сўрайди. Кетиш чоғида пири комил унга етгита нон ва ҳолва беради. У баракот ва улуғликка очилган кенг йўлни англатиш рамзий маъносини билдирарди. Авлиёлик ҳиссиёти жунбушга келиб, етгита нон бу қут-барака манбаи эканлигини, келажакда етти иқлимга ҳукмдор бўлишини башорат қилади. Уни Темурбек отасига маълум қилганида пирнинг ихлоси халос бўлиб, айтганлари албатта ҳаётда муқаррар рўй беришини ўғлига таъкидлайди. Шундан кейин Темурбек ҳаёти давомида рўй берадиган яна бир нечта илоҳий-муъжизавий хусусиятли ҳодисалар содир бўлади. Амир Темурнинг „Таржимаи ҳол“ида бу сирли ҳодиса

қандай рўй беришини у шундай таърифлайди: „Бир куни отам Муҳаммад Тарағай баҳодирнинг хонасида Қуръони Каримнинг „Таборака“ сурасини ўқиб ўтирган эдим, тўсатдан олдимда сочлари узун бир саййид пайдо бўлди ва менга „Буюк ҳоким бўласан“, деб айтди. Мен бу кўрганимни дарров отамга айтдим.

Отам мунажжимлардан тақдирим қандай бўлишини айтиб беришларини сўради. Улар менинг дунёда мислсиз қудратли ҳоким бўлишимни айтдилар. Шундай буюк келажак тақдир мени кутаётганлигини эшитиб, ғоят қувондим ва йўқсилларга кўплаб садақа қилдим“.

Шундан кейин Темурбек хўжалик, чорвадорлик ишларини йўлга қўйиб, катта натижаларга эришди. Оиланинг моддий эҳтиёжларини, даромад ва буромад манфаатларини кўнгилдагидан ҳам зиёда ҳолатга келтириб олди. У юқоридаги қайд этилган буюклик шарпасини чинакам ҳаёт ҳақиқатига айлантириш учун тинимсиз тер тўкиш, баданни чиниқтириб, уни мустаҳкам қалъага айлантириш, темирдек иродани тарбиялаб уни жисмий муҳофаза ни таъминлайдиган ҳолатга келтириш учун изчил бадантарбия машқларини олиб бориш, жанговар тайёргарлик мактабини ўташ лозимлигини яхши биларди. Негаки, тожу тахт бир мамлакатда фақат битта, унга интилувчилар эса мингта. Кимдир унга мардона йўл билан ҳалол курашиб эришмоқчи бўлса, кимлардир, асосий кўпчилик эса қинғир, разилик, золимлик, хиёнаткорлик макрининг минг хил шайтоний воситалари билан унга интилади. То шу масофани босиб ўтгунга қадар жанг майдонидан сарой бўсағасига қадар кўпинча қон талаб қилади. Унга адолат қиличини чекиб етиб бориш эса энг оғир, сермашаққат йўлдики унга ҳам ақл, ирода ва руҳий-маънавий, жисмоний кучлар бирлиги, муштараклигида мардлик ва жасоратнинг бетакрор кўринишларини намоеён қилиб эришган баҳодирни элулус эътироф этади. Акс ҳолда фирром, ҳаром йўллар билан тожу тахт эгаси бўлганларга улуснинг ишончи



бўлмайди. Фақат зулм ва зўрликни восита деб унга таяниш билан ҳам узоққа бориб бўлмайди. Темурбекнинг буларнинг барчасига ақл-идроки етиб турарди. Энг чигал пайтлар бўладики, ҳокимият талашувида сўнг сўзни айтиш фақат қилич ва ақл қуролига қолади. Бу жанговар қуролларни мувозанатга келтириб, фаолият юритиш калитини топиш зарур. Темурбек масалани шу тарзда қўйди. Ҳа, шундай қатъий қарорга келди. Фақат ҳокимиятга эришишнинг асосий омили қилич дегувчилар ҳам, ёхуд фақат ақл дегувчилар ҳам ҳақ эмас. Фақат қиличга таяниб, ақлни четга суриб унга эга бўлиш муз устига бино қуриш кабидир, у узоққа бормайди. Демак, ягона йўл — ақл ва шамшир қудратини бир мақсадга йўналтириш лозим. Бу кураш услуби — энг мақбул йўл.

Шу боис Амир Темур етти ёшидан то умри ниҳояси — етмиш ёшига қадар улурлар ўғити, ҳикмати, маслаҳатидан уламолар билан фикрлашувдан бирор кун айрича иш қилмади, унга амал қилди, ўзини, гарчи буюк салтанат соҳиби даражасига етганида ҳам уларга шогирд ўрнида мулоқот қилиб, ҳурмат-иззатларини ортиғи билан ўрнига қўйди.

Темурбек чорвачиликни ривожлантиришни жадал йўлга қўяр экан, бу билан фақат оила иқтисодини кўтаришнигина мақсад қилмади. Унинг қўл остида отасига хизмат қилиб келаётган жанговар йигитлар ҳам бор эдики, Муҳаммад Тарағай баҳодир мол-мулклари қаторида уларга ҳам бош бўлишни фарзандига топширган эди. Ўн саккиз ёшига етган чоғда уларнинг сони қирқдан ортиқроққа етиб қолганди. Темурбек бу ёшда ўзининг овга берилганлигини қайд этади. Маълумки, подшоҳ саркардалар, умуман, ҳарбий хизматдаги турли даражадаги зобитларнинг тинч даврдаги жанговарлигини сақлаб туришнинг асосий машғулоти ов ташкил қилиш эди. Ҳарбийларнинг ов машғулоти оддий овчиликдан тубдан фарқ қилиб, мардлик, тезкорлик, чопиб бораётган оху ёки бўри, сиртлон, қўйинг-чи, барча йиртқич ҳайвонларга мисоли ганимнинг чекинаёт-

ган, қочаётган ёхуд ҳужум қилаётган лашкарий гуруҳи сифатида қаралиб, тезлик билан чопаётган от устида ёйдан нишонни аниқ олиб унга ўқ узиши, яқинлашиб бориб найза билан уриб ярадор қилиши, ўлдириши ва ҳатто тириклайин ҳолатда бўйнига 30—40 метр масофадан арқон ташлаб, йиртқични ўлжа олиши лозим эди.

Айрим ҳолларда айиқ, шер, йўлбарс, сиртлон ови жангдаги ҳолатдан мутлақо фарқ қилмасди. Ҳар бир ҳарбий бошлиқ тўқай ёки чўлда ўз ҳарбий қисми билан маълум бир йиртқичлар тўдасини ўраб оларди. Худди шу ерда ўраб олинган тўда қуршовга олиниб, уларнинг ҳудудий майдони доиравий сиқувга олиниб, бирор йиртқич чиқиб кетишига йўл қўйилмас, доира тобора торайтирилиб, темир совут, дубулғалар кийилиб йиртқичлар билан баҳодирлар яккама-якка ёки гуруҳ-гуруҳ олишуви ўтказиларди. Баҳодирга ўзи ролиб чиққан шер, айиқ, сиртлон мукофот қилиб берилардики, бу мукофот жангчи учун энг зўр соврин ҳисобланган. Шуниси диққатга сазоворки, бу жанговар ов усулини, аввало, Чингизхон энг такомил босқичга етказди. Амир Темурнинг еттинчи бобоси Қорачар нўён нисбатан қисқа вақтдаги тинчлик даврларда хоқон топшириғи билан Бош қўмондон сифатида қўшинни чўл ё дашт кенгликларига олиб чиқарди. 200—300 километрли майдонда минглаб гуруҳ йиртқичлар подаси қуршаб олиниб, бир жойга тўпланган. Биринчи бўлиб олишувни жасур баҳодирлар бошлаб берган. Шер, айиқ, йўлбарс билан олишиб ролиб чиққан баҳодир Чингизхоннинг бош совринини хоқоннинг ўз қўлидан қабул қилиб оларди. Мўғуллар Мовароуннаҳр ҳудудларини босиб олгач, бу анъана Чигатой улусида ҳам сақланиб қолган эди.

Амир Темур Қорачар нўён — еттинчи катта бобосининг жанговар ов усули анъанасига содиқ қолди. Қўл остидаги жанговар йигитларини мард ва жасур баҳодирлар қилиб тарбиялаш учун бутун вужуди билан ҳарбий машқларга катта ўрин берди. Бундай ҳарбий машқлар, кўп вақтни оладиган

жанговар ов ташкил қилиш катта сармоявий ва иқтисодий тайёргарлик захираларини талаб қиларди. Жанговар гуруҳнинг сафларини кенгайтириш асло бунингсиз амалга ошмасди. Темурбекнинг нима учун оиланинг чорвачилик соҳасини ривожлантиришга жидду жаҳд қилишининг асосий сабабини муҳтарам китобхон энди тушуниб олиши муқаррар. Демак, Темурбек бойликка ҳирс қўйиш маъносида эмас, балки шу иқтисодий таянч орқали кичик ҳарбий гуруҳни катта лашкарий қисмга, суворий қўшин тузилмасига айлантириб, оқибатда Ватанни, эл-улусни ёғийларнинг асрий давом этаётган қуллик жабр-зулмидан озод қилиш, Туронзамин аҳлини бахтли, фаровон, эркин инсонларга айлантириш каби муқаддас ишга қўл уришдан иборат эди. Яққол кўринадики, мақсад улуғ, ният пок ва эзгу. Бундай эзгу ниятни нафақат узоқ мустамлакачилик қабохати остида азоб чеккан халқлар, балки уларни оғир имтиҳон майдонига ташлаган Парвардигорнинг ўзи қўллаши ҳам муқаррар. Темурбекдаги шу ишонч ҳам унга кун-бакун далда ва таянч бўлди. Натижада ўз фаолиятини янада қизғин тарзда нимага бағишлаганлигини Темурбекнинг ўзидан, „Таржи-маи ҳол“ ига мурожаат қилиб билиб олиш янада яхшироқдир: „Йигирма ёшга тўлганимда чавандозликни севиб қолдим (бу Темурбекнинг келажакда абжир суворий жангчига айланишида асосий омил бўлди). Тенгдошларим билан тез-тез уруш машқларини ўтказиб турдим, бунда уларни икки гуруҳга бўлиб, бирини иккинчиси билан „жанг“ қилдиришни машқ қилдим“.

Темурбек: „Мен йигирма бир ёшга тўлдим. Мен камолот ёшига етдим ва ўзимни етук йигит деб сездим. Мен ўз хўжалигимни тартибга солишга киришдим. Ҳар ўн хизматкор орасидан катта — қўлидан иш келадиганини ажратдим, ҳар йигирма бош йилқини бир тўдага ва ҳар ўн тўдани битта хизматкорга топширдим. Ҳар ўнта туя билан мингта қўйга қараб туриш учун ҳам бир хизматкорни ажратдим. Бутун мулкимни бошқариб боришни ало-

ҳида ишончга сазовор хизматкорга топширдим“, дейди. Ана шундан кейин Темурбек моддий асосларни мустаҳкамлаб олгач, Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ишларига аралаштириш учун мард ва садоқатли йигитларни ўз атрофига тўплаш ишлари билан шуғулланишга киришди.

1354 йил Темурбек онаси Такина Моҳ бегимни Аллоҳнинг инсонлар учун сўнгги йўл — абадиёт дунёси — қора тупроққа топширди. Бу ота ва ўғил учун ҳам катта йўқотиш бўлди. Энди Муҳаммад Тарағай баҳодир ягона вориси Темурбек фарзандини кўзи очиклигида уйлантириб қўйиш учун муносиб келин танлашга ҳаракат қилиб, ниҳоят ўзига қариндош Жоку Барлос қизини танлади. Шунитан таъкидлаш керакки, Жоку Барлос ҳам Муҳаммад Тарағай баҳодир шажарасининг олтинчи авлодига мансуб бўлиб, ҳар иккисининг аждодий силсиласи Қорачар нўён (Чингизхоннинг Бош қўмондони)га келиб тақаларди. Фақат Муҳаммад Тарағай баҳодир шажарада Қорачар нўённинг Эйжил ўғлидан, Жоку Барлос эса нўённинг Ширға ўғлидан тарқалиб, уларнинг ҳар иккиси амакивачча эдилар. Улар бунини қуда-андачилик билан мустаҳкамлаб қўйишди. Яна бир жиҳати Жоку Барлос Қашқадарё воҳасида таниқли амирлардан бўлиб, мустаҳкам иқтисодий таянч, шунингдек, жанговар ҳарбий қисмга эга мард ҳарбий бўлган. Бу жиҳати билан ҳам келажакда куёви Темурбекни ҳар жиҳатдан қўллаши турган гап эди.

XIV асрнинг 40—50-йиллари Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ҳаёти тожу тахт талашувларига бой йиллар бўлди. Бу даврнинг ўзига хос хусусияти шундаки, туркий қавмлар амирлари мўғуллар зулми ва унинг мустамлакачилик тартиб-қоидаларига қарши ошкора бирлашиб ҳаракат қилишга уринаётган бир палла эди. Қазаған Қорауннос, яъни ўтроқлашаётган мўғул-туркийларнинг Қўнғирот уруғидан бўлиб, жетеликлар эса босқинчиликни касб қилган, Чингизхон сиёсатининг давомчилари — тажовузкор мўғул уруғларидан эдилар. Улар ҳоки-



миятнинг ўтроқлашаётган ва мусулмонлашаётган туркий-муғул уруғлари тарафига ўтишига қарши, шунинг учун Қазағаннинг тахтга чиқишини асло истамасдилар. Қазағанга бундай шароитда Жоку Барлос ва Тарағай Барлос ўғли Темурбек каби мард, садоқатли таянчлар ёрдами жуда-жуда зарур эди. Бундай шахслар ёрдамига таянмаса, тахтни сақлаб қолиш узоққа бормаслигини Қазаған яхшигина англаб турарди. Хаёти давомида кўплаб ўзи каби ҳукмдорларнинг алмашилиб, у дунёга равона бўлганлигига гувоҳ бўлган эди. Кўпчиликка вафо қилмаган тожу тахт уни ҳам бир кунмас бир кун ўлим билан юзма-юз қилмаслигига ҳеч ким кафолат бермасди. Аммо тожу тахт шундай оҳанрабоки,

у ўлим шарпаси кезиб юрадиган саройнинг қоқ марказида савлат тўкиб турганлиги учун ўлимига рози бўлиб бўлса-да, тожу тахтда кўр тўкиб ўтириш ва эл-улусга қонун ҳужжатларини тилло муҳрада тасдиқлаб, турли вилоят ноибларини ҳокимларига жўнатишнинг лаззатли гашти унга эгалик қилишга тинимсиз ундайверарди. Тахтда ўтириш учун фақат содиқ, ғоят ишончли иттифоқчи амалдор ва лашкарбоши, амирлар зарур. Шундайлардан бири сифатида кунларнинг бирида ёш ва кўзи бургут кўзидек ўткир, танаю жисмидан паҳлавон ва баҳодирликнинг барча кўринишлари яққол сезилиб турган серғайрат йигит — Темурбекни Амир Қазаған ҳузурига чорладилар.

СИЁСАТ МАЙДОНИ САРИ ИЛК ҚАДАМ

Амир Қазаған ўз саройида муҳим бир масала, яъни жетеликлар¹нинг фитна-фужур ва навбатдаги босқинлари олдини олиш ҳамда уларга қарши зарба бериш учун кучларни ўзаро ҳамжиҳатликда тайёрлаш юзасидан кенгаш чақирди.

Тупланганлардан шу ҳақдаги фикрларини ошқора билдиришни сўради. Кенгашда Амир Қазаған қайси амалдор ва саркарда, амирлардан аниқтаниқ фикрлар чиқишига эътиборини қаратди. Гарчи бундай сарой муҳитидаги кенгашда илк бора қатнашуви бўлса-да, Муҳаммад Тарағай баҳодир ўғли Темурбекнинг чиқиши ҳукмдорга ғоят мақбул бўлди. Бу йигит унда шундай таассурот қолдирдики, бундайларни қўлдан чиқармай ақл кучидан ҳам, жисмоний қувватларидан ҳам доим унумли фойдаланиб, саройда муҳофазаланган, хавфсиз ҳолатни вужудга келтирса бўлади. Уни ўзи томонга оғдириб олишнинг энг мақбул йўли Темурбекни гузал набираси, ўғли Абдулланинг қизи Ўлжой Туркон оқага никоҳлашдир, деган фикр миясига келди. Айрим

масалаларда фикрлашиб олиш учун тез-тез саройдаги хос хизматчиларини Муҳаммад Тарағай баҳодир уйига жўнатиб, Темурбекни чақиртириб оладиган бўлди. Амир Қазаған ўғли Абдуллага ҳам ўз ниятини ошкор қилди. У ихтиёр тўла отасида эканлигини айтиб рози бўлди. Кунларнинг бирида саройга чақирилган Темурбекка хизматкорларни эмас, балки атайлаб Ўлжой Туркон оқани, яъни бўлажак қайлиғини унинг хизматида қўйди. Темурбек ҳам бу қилинган меҳмоннавозлик ортида бир синоат яширинганлигини сезгандай бўлди. Унинг ҳаракатларидан ўзича фикрга келган Темурбек бу гузал қиз бирор-бир йигит оиласини бахтли қила олишини кўз олдига келтирди. Темурбекка қилинган мурувватли дастурхонлар йиғиштирилгач, Амир Қазаған пайдо бўлди ва сир ошкор бўлди. Амир Қазаған Темурбекка мақсадини маълум қилди. Давлатни бошқаришда унга таянч бўлиши, кўпчиликка ишониб бўлмаслиги, ишонган одамлари ҳам кўп ҳолларда ғанимлари тарафга ўтиб

¹ Жетеликлар — Муғулистон ва Етгисув ҳудудида қадимий ота-боболари урф-одат ва анъаналарига қатъий амал қилган соф кўчманчи муғул қабила ва уруғлари эдилар.



кетаётганлиги ва ҳоказолар тўғрисида қуйиниб гапирган ҳукмдор: „Сени мен ҳам куёв, ҳам фарзандим ўрнида кўришни истайман. Тўйнинг харажатлари тўғрисида ҳеч нарсани ўйлама. Буни Муҳаммад Тарағай баҳодир билан ўзимиз келишиб оламиз. Суюкли набирам Ўлжой Туркон оқа инонихтиёрини сенга топшираман. Албатта сизларнинг иқбол қуёшингиз порлаб чиқишига ишониб, ота ўрнида шу сўзларимни ирод этдим. Яна бир гапдан воқиф бўлишинг лозим. Ўғлим Абдулла ҳақида айтмай. Унда сендаги ғайрат-шижоатни, зийраклик, зарур пайтларда шердек шиддатли ҳаракатларни содир эта олиш вазоҳатларини ҳозиргача пайқамадим, кўрмадим ҳам. Бу сифатларнинг сенда мавжудлигини англадим. Натижада шундай қатъий қарорга келдим. Набирамда сенга муносиб ёр бўладиган аёллик сифатларининг барчаси мужассам. Бунга ўзинг кейинчалик иқрор бўласан“. Темурбек оиласига келиб Қазоғаннинг фикрларини оқизмай-томизмай отаси Муҳаммад Тарағай баҳодирга етказди.

Ниҳоят, Амир Қазоған набирасининг ҳукмдорларга хос тўй-тантаналарини ўтказиб, Муҳаммад Тарағай баҳодир оиласига келин қилиб топширди. Келин кетидан жуда катта ва қимматбаҳо совғасаломлардан ташқари, пода-пода туя, қўй-қўзи сурувлари жўнатилди. Муҳаммад Тарағай баҳодир оиласи шу тариқа Қашқадарё воҳасидаги йирик мулкдорлардан бирига айланди. Бу ҳақда Темурбек Ўлжой Туркон оқани ўз никоҳига киритиши ҳақида шундай маълумот қолдирган эди: „Қазоған билан суҳбат қилдим. Сўзларим таъбига мос тушди ва у мен билан узоқ гаплашди, сўнг тўсатдан менга ўз набирасини никоҳлаб беришга қарор қилганлигини айтди. Бундай шарафдан мен қаттиқ ҳаяжонландим. Амир Қазоған менга кўп нарсалар ва қорамоллар ҳадя қилди“.

Ўз ўғилларининг давлат бошқарувидаги уқувсизлигига ишонч ҳосил қилган Амир Қазоған Темурбекка Амир унвонини бериб, унинг кенг ҳарбий, сиёсий фаолият майдонига чиқишига йўл очади.

Буни Амир Темурнинг ўзи ҳам, ўша давр муаррихлари ҳам бир неча бор қайд этадилар.

Шуни эътироф этиш лозимки, Амир Темур Амир Қазоғанга куёв бўлгунга қадар ва Амир унвонини олгунча сиёсий фаолиятга тортилмаганлиги боис унинг ғанимлари қарийб йўқ эди. Бироқ Амир Қазоғаннинг набираси Ўлжой Туркон оқани уйланиб, ҳукмдорнинг энг ишончли одамига айланиши билан Амир Темурнинг ғанимлари ҳам етарли даражада кўпайди. Амирлардан кимлардир Ўлжой Туркон оқани ўзига хотин қилиб, кимлардир келин қилиш илинжида мансаб поғоналарини кўзлаётган бир пайтда саройдаги йирик амалдорларнинг бу мақсадлари саробга айланиб, унда асосий гуноҳкор дея Амир Темурни ҳисобладилар. Кимлар эса ҳукмдор Қазоған тарафидан битилиб, Амир Темурга берилган ҳужжат: „Мендан сўнг Турон мулкининг инонихтиёри фарзандим ўрнида кўрилган Амир Темур ихтиёрига ўтади“, дея муҳр босилган ваколатлардан қаттиқ норози бўлди. Ўшандан эътиборан Амир Темурни ғанимим деб ҳисоблаганлар ҳам анчагина эди.

Кўпчиликда бу вақтга келиб амалпарастлик касали авж олди. Ҳатто Амир Темурнинг амакиси Ҳожи Барлос ҳам ўша воқеалардан кейин жияни Темурбекка нисбатан унинг ғанимлари томонга ўтиб, Амир Қазоғанни даф этувчи суиқасд тарафдорларининг олдинги сафини эгаллаган эди.

Ана шуларни ҳисобга олган Амир Темур: „Олтин тахт атрофи илону чаёнларга тўла эканлигини англадим“, деганда ўша давр шароитини аниқ таърифлаганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Бундан унинг сиёсат майдонига кирар экан, кўп ҳодисотлар сабаблари юзасидан мантиқий хулосалар чиқара олганлигини англаш мумкин. У сиёсат майдонини жанггоҳга ўхшатган эди: „Унинг интиҳосида мағлуб ва ғолиб бор. Кимнинг қисматига қайси бири ёзилиши фақат Парвардигоргагина аён“.

Амир Темур жасур ва ғайратли, шунингдек, улуспарвар, яхшилик, эзгу ишларга мойиллиги ус-



туналиги боис ҳукмдор Амир Қазағанни ўз таъсирига олишга фаол киришиб, муғулар даврида бир асрдан ортиқ тинка-мадори қуритилган халқни оёққа турғазига ундайди. Натижада бу ўз самарасини бериб, халқ эл-улус иқтисодий ҳаётида ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлайди. Буни ўша даврнинг таниқли муаррихларидан бири Муъиниддин Натанзий асарида битилган саҳифа мазмунидан яққол билиш мумкин: „Қазағаннинг адолатли бошқаруви туфайли мулки миллат ишлари шу даражада мустаҳкам устувор бўлдики, бўри билан қўй бир сув-

лоқдан сув ичиб, дарвеш кулбаси бехатарлигидан нажот уйига айланди. Оддий одамлар ва улуглар, мусофирлар ва муқимлар, каттаю кичик, хосу авом — ҳеч кимнинг дилида рўзғор гардишидан шикоят ғубори қолмади“. Бу берилган баҳода, албатта, Амир Темурнинг хизматлари нечоғлиқ эканлигини ҳис қилиш қийин эмас. Бу даврда Амир Темур Амир Қазағаннинг давлат сиёсатидаги асосий маслаҳатгўйига айланиб бўлган эди. Унинг натижаси эса муаррих таърифида яққол кўзга ташланиб турибди.

ҲУКМДОР ВА СУЮКЛИ КУЁВГА ҚАРШИ ФИТНАЛАР ТҮРИ

Баёнқулихон қўғирчоқ хон бўлиб турадиган бўлса, аввалда ўлим топган хонлар каби бир кунмас бир кун Амир Қазаған вазабига учраб қатл этилишини сеза бошлагач, бу хавfli ҳолатдан қутулиш йўллари қидира бошлади. Амир ул-умаро Қазаған ҳам унинг ўзидан хоннинг тобора совиб бораётганини англаб етди. Амир Қазаған, аввало, давлат ва тожу тахтни олиб берган, сўнгра ўзи қатлга жўнатган хонларни қўғирчоққа айлантиришдек усуллари яхши эгаллаб олган эди. Худди шу усул билан хонларнинг тилини қисиқ қилиб, жilовини қўлга оларди. Натижада сарой эгаси хон эмас, қўшинлар Бош қўмондони бўлиб, хон унинг етакловига юришдан ўзга иложи қолмасди. Чунки ҳарбий куч Бош қўмондон қўлида бўлади.

Баёнқулихон ҳам тожу тахт эгаси бўлишга Амир Қазағаннинг уддабуронлик марҳамати билан муяссар бўлган эди. Рўй берган фожиалар тизгини Амир Қазаған томонидан қандай амалга оширилишига назар ташлаймиз.

1346 йил Чигатой авлоди Қозонхон Амир Қазаған томонидан фитна йўли билан қатл этилди. Шу йили амир ул-умаро унинг ўрнига Донишмандчакхонни қўлидан ушлаб тахтга етаклаб олиб келди ва тожни унга кийдирди.

Орадан икки йил ўтди. Донишмандчакхон унга

мақбул бўлмай қолди. Хонни яна йўқотиш лозим, унинг ҳам баҳридан ўтишга тўғри келди. Амир Қазаған уни ҳам ўлдиртириб юборди. У ўғдой Қоон уруғидан эди.

1348 йил яна Чигатой улусидан номзод қидиришга тушди. Номзод топилди. Тожу тахтни Баёнқулихонга олиб берди. Орадан маълум вақт ўтди, Баёнқулихон ва Амир Қазаған муносабатларига зил кетди. Амир ул-умаро ўзи қўйган учинчи хон — Баёнқулихонни йўқ қилишга азму жазм қилиб, қатл қилинувчилар рўйхатига киритиб, уни мақтул қилиш режасини ҳам тузиб қўйди. Сезгир ва огоҳ Баёнқулихон билан амир ул-умаро ўртасидаги пинҳоний бошланган кураш „ким кимни“ қабилдаги мушук-сичқон ўйинига айланди. Баёнқулихон нима қилса ҳам аввалги хонларнинг хатоларини такрорламасдан бу сиёсий кураш ўйинида ютиб чиқиш учун ўта зийраклик билан қадам босди, қатиқни ҳам пуфлаб ичишга ўтди. Барибир хон хонлик имкониятидан унумли фойдаланиб, амир ул-умаросининг босган ҳар бир қадамини қаттиқ назоратга олишга эришди.

Авваллари хатога асло йўл қўймаган амир ул-умаро жиддий бир хатога йўл қўйди. Гўё хонга содиқлигини намойиш қилгандай бўлиб, бир ой ов қилиб келишга Баёнқулихондан рухсат сўради.

Бунинг устига овга кетишдан бир ҳафта-ўн кунлар олдин рухсат сўраб кириши бирин-кетин иккинчи хатони такрорлаб, хонга олдиндан унга қарши жосусларни тайёрлаш ва натижада унинг ўзини овлаш имкониятини бериб қўйди.

Амир Қазағаннинг тинчлик пайтларда қаерда узоқ ов билан машғул бўлишини билиб олган Баёнқулихон уни овлоқ жойда йўқ қилиш энг қулай имконият эканлигини фикридан ўтказар экан, уни қўлдан чиқармай қимматли ўлжага эга бўлишни кўзлаб Жайхуннинг чап қирғоғидаги Арҳанг сарой тўқайзори томон махфий гуруҳ жўнатди. Гуруҳ бошлиғи қилиб Амир Қазаған билан рақобатда бўлган Амир Қутлуғ Темурни тайинлади. Унга ёй отиш ва қиличбозликда унча-мунча мард баҳодир тенглашиши амри маҳол эди. Баёнқулихон Амир Қазағаннинг қатл этилиши лозим бўлганлар рўйхатининг учинчи навбатида унинг ўлжасига айланганини истамай, ташаббусни қўлга олиб, бу топшириқни ҳар қандай шароитда удалайдиган Қутлуғ Темур зиммасига юклаган эди.

Қазаған Бош қўмондон ва тажрибали овчи сифатида яна бир қондани унутган эди. „Энг сокин ва тинч кўринган ўрмонда ҳам писиб ётган шер шиддат билан хужумга ташланиши, овчи унинг ўлжасига айланиши мумкин“, тарзидаги тажрибали овчилар айтиб кетган огоҳликни эсдан чиқарган эди. Тулпорининг учқур ва бақувватлигига ишониб, ўлжа олиниши мўлжалланган тўнғизни қулаб, ўзини ҳимоя қилувчи соқчиларидан узоқлашиб кетди. Шу билан ўзига қўйилган пистирма тузоққа дуч келди. Бундай тузоқ тўқайзорнинг икки-уч жойига ўрнатилган эди. Ниҳоят, тўнғизни нишонга олган Амир Қазаған ўқ-ёй ипини тортиб уни қўйиб юборишга улгурмай, нақ кўкрак қафасини тешиб ўтиб, юрагига қадалган ёй ўқидан тил тортмай жони узилди. Қутлуғ Темур мергандан унинг нишонига тўғри келган ҳар қандай инсон тирик қолмаганлиги шу ерда — сокин ўрмон қаърида ўз исботини яна бир марта топди. Исботи учун унинг боши кесиб

олиниб матога ўралганича, қопда Баёнқулихонга тортиқ қилинди. Шу тариқа тўнғиз ови амир ул-умарони овлаш фожиаси билан якун топган эди. Бу вақтда Амир Қазағаннинг ўғли Абдулла Самарқандда эди. Хон хабаргирлари рўй берган фожиадан марҳумнинг ўғлини хабардор қилар эканлар, Баёнқулихоннинг рўй берган гоят нохуш хабардан қаттиқ изтиробда эканини айтиб, Абдуллани хоннинг Қаршидаги саройига тезлик билан олиб келиш топшириғи берилганлигини етказдилар. Хон Баёнқули уни саройида кутиб олар экан, дафн маросими ва ундан кейинги тадбирларни саройда ўтказиб беришини билдириб, чуқур таъзия изҳор қилди ва жинойтчиларни қидириб топиш ҳамда уларга шафқатсиз жазо беришини ҳам таъкидлади. Юпатишнинг энг мақбул йўли уни отасининг амир ул-умаро — Олий Бош қўмондонлик юқори мансабига тайинланганлик фармонини сарой аҳлига эълон қилишни сарой қутволи — эшик оғасига топширди. Бу Абдуллага отасининг ўлими учун сийлов эди. Бир вақтда бу мансаб ота жасади учун Баёнқулихон томонидан хун тўлови деса тўғри келарди. Шу билан дафн маросими ва мансабга тайинланиш тадбирлари хамирдан қил суғургандек силлиқ ўтди. Бироқ бир кунмас бир кун бу фитнанинг сирини очилмасдан қолмасди.

Эндигина қайнотасининг қўллови билан сиёсий-ҳарбий пиллапоёга қандай йўл очилган бўлса, Темурбек яна аввалдагидек оддий ҳарбий зобитлик даражасига тушиб қолди. Энди барчасини янгидан бошлаб, бу ёвга қисматда ёзилган оғир ҳаётнинг барча машаққатларига пешвоз чиқиб, „майдонга чиққан мард манглайини қашламас“, деган халқ дониш ҳикматига амал қилиб, таваккал отининг жиловини маҳкам ушлаганча олға интилиши лозим эди. Орттирган кўплаб рақиблари, йирик амалдорлар, кимсан доврўкли Бош қўмондон Қазағандек қайнотадан айрилган Темурбекнинг аҳволини кўриб, „бузоқнинг югуриши сомонхонагача, энди суюкли куёвнинг аҳволини томоша қиламиз“, дея



хурсанд бўдилар. Кимга тўй, кимга аза деб шуни айтсалар керак-да. Ҳаёт буни Мовароуннаҳрда тез-тез исботламоқда эди.

Темурбек ҳам ҳамма қатори инсон эди. Аммо ирода кучи, тафаккурининг тиниқлиги билан кўпчиликдан фарқланиб турарди.

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ деганларидек қувонч, ғам-аламли кунлар айни йиғитлик палласига кирган даврларда ҳаётнинг аччиғию чучугини татиб кўришга, йўлнинг гоҳ текис, гоҳ тиканли масофаларидан ўтишга тўғри келди.

Темурбек айни ўн саккизинчи баҳорни қаршилар экан, меҳрибон, жондан азиз онаси Такина Моҳ бегимдан ажралиб, уни ерга топширди. Бу воқеадан сўнг қарилек остонасида турган, жисман ва руҳан чарчаб бораётган ҳамда фарзандлар тақдирини ўйлаган Муҳаммад Тарағай баҳодир ўй-рўзғор, оила моддий таянчи бўлган оғир чорвачилик ҳўжалигини бус-бутун ўғли Темурбекнинг елкасига юклади. Орадан бир оз вақт ўтиб, Амир Қазағандек олий амалдор ўғли Темурбекни куёвликка танлаганда бошига бахт қуши қўнғандек бўлган Муҳаммад Тарағай баҳодир оиласидан узоққа бормай бу бахт қуши ўз парвозини бошқалар хурсандчилиги, асосан, ғанимлари шодлиги тарафга буриб юборди. Муҳаммад Тарағай баҳодир оиласи сиёсий таянчлардан маҳрум бўлиб, ғаним ва уларни кўра олмайдиганлар қуршовида қолди. Ҳаёт зарбаларидан эсанкираган Темурбек тезда ўзини қўлга олиб, темир ирода ва Худо берган ақл кучига таянганча фақат олдинга юришга аҳд қилди.

Бошқа йўл йўқ! Темурбек бу фалсафий ғоясининг амалга ошуви йўлида бор умрини сарфлашга аҳд қилди. Тушкунлик, иккиланиш ҳис-туйғуларини танаси, қалбидан чиқариб ташлашга бўлган ғайрати жунбишга келди. „Оғзинг қонга тўлса ҳам, уни душман олдида туплама ва ғанимга сир бой берма“ ҳикматидан руҳий мадад олган Темурбек ўзини ғанимлари, ичи қора амалдорлар орасида иродаси синган, тушкунликка тушган одам қилиб

кўрсатмасликка ҳаракат қилди. Ҳолдан тойган, чарчаган ва вужудлари ҳаёт бевафоликларидан руҳий зўриққан дамларда сабр-тоқат соҳилига ўтиб тана-сига дам берди, куч йиғди, ёмон кўзлардан узоқлашиб шароит юзасидан ўзини панага олган пайтлар ҳам бўлди. Мавридсиз, кераксиз, ҳовлиқиб ўзини ўтга-сувга уришлардан сукут афзаллигини яхши англари эди. Бу ақлли одамнинг иши. Шернинг хусусияти ҳам шу, кам наъра тортади, аммо наъра тортганда эса ўрмондаги жамики жонзотни даҳшатга солади. Доимо нимани кўрса ҳужумга ташланавермай, аммо ҳужум қилиш, ғаними ўлжасини мағлуб этиш лаҳзаларида унинг ташланишидан ҳеч ким омон қолмайди. Шернинг шиддати барчани даҳшатга солади, унинг хавф-хатарга тўла феъли шундай. Темурбек шернинг ушбу феъл-атворидан ҳам ўзига зарур хулосалар чиқарди. Уни ҳали шерлар жангу жадалини олиб борадиган кенг майдонлар кутиб тургани аниқ. Темурбек ўзини панага олди деганда, панада туриб даҳшатли ҳужум зарбасига тайёрланаётган шердек ўзининг энг содиқ, ҳеч қачон ташлаб кетмайдиган дўстлари билан ҳолдан тойгунча қўл жанги, қиличбозлик, найзобозлик, ёйдан аниқ нишонни олиш, яъни ибтидоси Тўмарис, Алпомиш, Жалолиддин Мангуберди, Паҳлавон Маҳмуд ва бошқа туркий баҳодирлар бошлаб берган, келажакда ўзбек жанг санъати деб ном оладиган жанговар жувонмардлар машғулотларини такомил босқичига етказиш, шу йўлда кеча-кундуз кўздан пинҳон пана-пастқамларда жиққа терга ботиб жанг маҳоратларини ошириш билан банд бўлди. Жангу жадаллардан олдин жанговар маҳорат қанча мукамал бўлса, ғалаба ҳам шунча кам талафот эвазига бўлади.

Амир Қазаған ўлимидан сўнг Мовароуннаҳрнинг таназзул ва қора кунлари тобора ўзининг авж палласига кирди. Буни ит эгасини танимаган давр деса дегуликдир.

Дўст дўстга хиёнат қилган, кимлардир душманга ялтоқланиб, ўз қариндош-туққанларини ғанимга

тутиб берган, қондошлик бурч ва удумларига сот-қинлик қилиб, имонидан айрилган, кимлардир душманнинг важоҳатидан қўрқиб-қақшаб ор-номусни унутиб, уларнинг оёғига йиқилган, хулоса қилиб айтганда, халқни, оддий меҳнаткаш фуқарони ҳимоя қиладиган мард топилиши анқонинг уруғини қидиришдек бошбошдоқлик кунлар қайта бошланди. Халқ жабр-зулмдан бели букчайиб, кўпчиликда қора қозон сувга ташланган ёки ташланиш арафасидагилар ҳам улардан кам эмасди.

Халқ ёруғ кунлар келишини Худодан эрта тонгдан сўрагани-сўраган, дуо қилгани-қилган эди. Халқнинг кун-бакун сабр косаси тўлиб борарди.

Шундай вазиятда амир ул-умаро Мовароуннаҳр пойтахтини кўчиришга Баёнқулихонни ундайверди. Чунки Абдулла Самарқанднинг жуғрофий паст-баланди, табиий шароитини беш қўлдек билар, тунда кўзини боғлаб юрса ҳам ҳар гўшасини топиб бора оларди. Самарқандда ишончли одамлари ҳам анчагина етарли даражада эди. Абдулланинг Баёнқулихоннинг Самарқандга келишини қисталанг қилиш сабаблари шунда эдики, у отаси Амир Қазаннинг ўлдирилиши Баёнқулининг фитнаси эканлигини аллақачон аниқлашга муваффақ бўлиб улгурган эди. У „Қаршидан кўра Самарқанд ўзининг қадим-қадимдан олис давлатларга ҳам овозаси кетган, мамлакатни бошқаришга ҳам ҳудудий қулайлиги учун сиздек улўғ ҳукмдорга Самарқанддек машҳур шаҳар пойтахт бўлса ярашади“, қабилада маслаҳат беришдан чарчамади.

Ниҳоят хон рози бўлиб, сарой кўч-кўронини Қарши шаҳридан олиб Самарқанд сари йўналди.

1357 йил шу тариқа пойтахт яна Самарқанд шаҳрига кўчирилди. Ана энди амир ул-умаро Абдулла Баёнқулихонни йўқ қилиш учун қулай куннинг келишини интиқ ва сабрсизлик билан кутди.

Ниҳоят бунга эришиладиган кун ҳам аниқ белгиланди. Саройнинг соқчилари ҳам амир ул-умаро одамлари билан алмаштирилиб бўлинган эди.

Шундан кейингина „ал-қасос ул-минал Ҳақ“ (мазмуни: „Қасос олиш Аллоҳдан фарз қилинган“) режасини саройнинг нақ ўзида амалга оширишга азму қарор қилган Абдулла Самарқанд аҳли энг ширин уйқуда пайтида суиқасдни бошлашга буйруқ берди.

У фитнани шундай шафқатсиз тарзда тез уюштирдик, Баёнқулихоннинг бутун оиласи — ёшу қари, хотин-халаж, ҳатто фарзандлару набираларини ҳам аяб ўтирмай, қатл эттирди.

Амир ул-умаро давом этиб келаётган анъанани бузгиси келмай чингизийлар шажараси Чиватойнинг узоқ қариндоши — ҳали болакай бўлиб ўйнаб-чопқилаб юрган Темуршоҳни хон деб эълон қилдирди. Ҳали у хон, сарой тўғрисида тушунчага эга бўлмай, бу муҳитдан анча узоқда соф қўғирчоқ хон эди. Маҳаллий туркий амирлардан Баён Сулдуз, Боязид Жалойир, Кеш амири Темурбекнинг амалкиси Ҳожи Барлослар фитна тепасида турдилар.

Тожу тахт учун курашнинг шафқатсиз жиҳатлари шундаки, йўқ қилиш лозим бўлса, чақалоқми, ёш болами, катта ёки кичик, ажратиб ўтирилмайди. Барчасининг баҳридан ўтилади. Тахтни хаёлига ҳам келтирмаган Темуршоҳ ва унинг „ҳомийси“ амир ул-умаронинг ҳам боши кесилди. Абдулла ўзи билан болакай Темуршоҳни ҳам у дунёга олиб кетди. Болакай нима учун ўлдирилаётганига ҳам ақли етмай, тожу тахт учун курашлар қурбони бўлди. Эвоҳ, норасида гўдакда не айб?!

Боши ва охири кўринмаган суиқасд ва фитналар Мовароуннаҳрни оёқдан йиқилиш чорраҳасига келтирди. Энди бу юртда чингизий шажара сулоласидан кўзга кўринарли номзод қарийб қолмаган эди. Шу сабабдан бундан кейин Туроннинг тақдири кўпроқ Мовароуннаҳр туркий амирларининг қандай сиёсий йўлни танлашига боғлиқ бўлиб қолган эди. Ҳали Темурбек вилоят амир ва ҳукмдорларига ўз сўзини ерда қолдирмай ўтказиш даражасидан узоқроқ бўлиб, нуфузли ва обрўси, кучқудрати бақувват амирлар билан ҳал қилувчи жанг-



лар олиб бориш даражасига етмаган эди. Шунинг учун мураса-мадора йўлини тутиб яна бир неча йил тишини тишига қўйиб, сабр соҳилида ҳарбий маҳоратини тинимсиз ошириш талабида бўлиб туришни энг мақбул йўл, деган тўғри қарорда турди. Ўз кучини бемаврид ишга солмади, сабр отига минганича вазиятни жиддий кузатди.

Ниҳоят Мовароуннаҳр амирлари ошкора ўз ҳудуд ва чегараларини белгилаб, ўлкани майда бўлақларга бўлиб ташлаб, мазкур ҳудудларда мустақил ҳукмдорлик байроғини кўтаришга киришиб кетдилар. Қорачар нўён авлодлари, яъни барлосларга Қашқадарё воҳаси, Кеш, Шаҳрисабз мулклари тегди. Унинг катта қисми Ҳожи Барлосга, кичик қисми эса Муҳаммад Тарағай баҳодир оиласига улуш бўлди.

Боязид Жалойир Хўжандни ўз мулки деб эълон қилди. Балх ва унинг атроф ҳудудларида Ўлжой Буғо Сулдуз ўз ҳукмдорлик туғини баланд кўтарди. Шибирғонда Муҳаммадхўжа Аперди, Хутгалонда Кайхусрав, Арҳанг саройда Ўлжойту Апердилар мустақил бўлганлигини билдириб, чегара тўсиғи тортиб, бож-хирож олиш учун бож ва хирож ундирувчи ҳарбий гуруҳларини жўнатиб, йўлларда назорат ўрнатишга киришдилар. Энди савдогарлар ўнлаб бундай бож-хирож тўсиқларига дуч келар экан, уларга бу соҳадан келадиган даромад кескин пасайиб кетди. Натижада, аввало, Туронзамин ташқи савдодан узилса, сал ўтмай бу иқтисодий узилиш ички савдога дарҳол ўзининг салбий таъсирини кўрсата бошлади. Бу энди куртак отай деб турган бозор муносабатларига жуда ёмон таъсир қилди. Оқибат деҳқонлар билан ҳунармандларнинг турли гуруҳлари ва савдогарлар ўртасидаги узвий ва бир-бирини тақозо қилувчи табақалар ўртасидаги иқтисодий боғланишлар риштаси узила бошлашига сабаб бўлди. Бу муносабатларнинг дарз кетиши эса иқтисодий таназзул кучайишига олиб келди. Деҳқон, ҳунарманд, чўпон ва савдогарлар гуруҳи ва табақалари ўртасидаги иқтисодий муносабат-

ларнинг бир меъёрда туриши бу мамлакат ривожини омили бўлса, унинг бузилиши эса мамлакат ҳўжалигининг вайрон бўлишига сабаб бўлади. Мамлакат сиёсий жиҳатдан парчаланса, албатта „бўлинганни бўри ер“ ҳикмати ўзини салбий томондан кўрсатиб, бундан ўша минтақа аҳолиси қаттиқ иқтисодий зарар кўради. Бу эса ўша парчаланган мамлакатнинг ташқи душманлар олдида заифлашиб, яна қанча йиллардир ўзгалар қуллик сиртмоғи остида эзилиб яшашига шароит ҳозирлайди. Вилоят ҳукмдорларидан бирортасининг на йирик қўшин туза олиш салоҳияти ва лаёқати, на сиёсий жиҳатдан мамлакатни бирлаштира олиш тажриба ва истеъдодлари йўқ эди. Аммо улар ўзларини кўп нарсасига қодирмиз, ҳатто Мовароуннаҳрни ҳам тўла идора қила оламиз, деб ўзларига, ўзларининг ақлига кам тош қўйишни истамас, сал нарсани баҳона қилиб қўшни ҳудуд ҳокимига ҳаволаниб, дўқ-пўписаси билан худди девларни ҳам ҳуркитадигандай ваҳимали юришлар уюштиришга интилардилар. Лекин ҳеч бири шу ҳолатда турганимизда даҳшатли ёв ёпирилиб келса, қандай қилиб уни тўхтата ёки даф қила оламиз, деган фикрни ўйламас, агар шундай бўлса, нари борса юртни ташлаб қочиш ёки ғанимга эгилиб-букилиб боришдан ўзга чора топмасдилар. Гарчи Амир Темурда ўзларида бўлмаган Худо берган ақл ва ҳарбий лаёқатни сезиб, билиб турсалар-да, юрт жоловини унга беришдек хайрли, умумхалқ манфаатига мос иттифоқчилик келишувини ҳам истамасдилар.

Бу вилоят ҳукмдорлари ана шундай оёғи учидан нарини кўролмайдиган мансабпараст сиёсий гуруҳ эдилар. Шу ҳолатда забунлашган ва заифлашган Мовароуннаҳр ҳолдан тойган юрт сифатида 1360 йилга иқтисодий ночор ҳолатда етиб келди. Халқ оч бўрилар изғиган майдонда чўпонсиз қолган бир ҳолатда ҳимоясиз қолди.

1360 йил Амир Темур оиласи учун ҳам, Мовароуннаҳр аҳли учун ҳам катта йўқотишли, мотамсаро йил бўлди. Темурбекнинг отаси Муҳаммад



Тарагай баҳодир оғир дардга чалинди. Ўлим фариштаси унинг жонини олиш учун оҳиста баҳодирнинг елкасига қўниб, дорулбақо оламига тайёргарлик кўриш хабарини берди. У бу нохуш хабарни тани-баданини совуқ тер босганича қабул қилишдан ўзга чораси йўқлиги боис ўлимни бўйнига олди. Абадият дунёси тайёргарлигини кўрди.

Отасининг тобора ҳаёт қувончларини ташвишлари дунёсидан қўл силтаб абадиятга кетаётганини сезган Темурбек падари бузругининг ёнидан бир қадам жилмади. Отанинг руҳ қуши танани тарк этиши ва Арши аъло парвозига тайёргарлиги ниҳоялаб борарди. Лекин Муҳаммад Тарагай баҳодир ўлими олдидан бир нарсадан, яъни яккаю ягона ўғлининг келажақда буюк шахслар қаторидан ўрин олишига ишончи қатъийлигидан кўнгли тўқ эди. Ана шуларни ўйлаб, Муҳаммад Тарагай баҳодир сокин ва секин ҳолатда омонат жонини Парвардигорнинг ўлим элчисига топширди. Шу билан гўё оиланинг таянч устуни қулади. Мотам ва мусибат бу оилани тарк этар-этмас, Темурбекка янги шум хабар келтирдилар. Хабарчидан апил-тапил мактубни олиб ўқир экан, унинг авзойи ўзгариб, янада тундлашганлигидан мотам ва таъзия маъракасига келиб ўтирган эл оқсоқоллари: „Яна қандай хабар, Темурбек, ишқилиб тинчликми?“ дея хавотирланиб сўрадилар. У жавоб берди: „Қани сизлар айтгандек тинчлик бўлса, мўғул хони Туғлуқ Темурхон сон-саноксиз қўшини билан Туронзамин юртини фораг қилиш учун босқинчилик юришини бошлаб, шиддат билан мамлакат ичкараси томон келаётган экан. Яна эл-улуснинг бошида шамшир ўйнаб, калтак синадиган кунлар бошланади.

Шу билан мотам яна бир мотамсаролик қайғусига уланди. Барчанинг боши қуйи эгилиб, оила, бола-чақа, хотин-халажлар тақдирини яна қандай фожиалар кутаётганлигини ўйлаб, йиғилганлар қаттиқ таҳлика остида қолдилар. Улар умид кўзларини жавдиратиб Темурбекдан нажот нидосини кутдилар. Чунки нафақат Хужа Илғор қишлоғи ва бу-

тун Шаҳрисабз мулкида, балки Қашқадарё ва Сурхон воҳасида ҳам ундан мард, ундан жасоратли ва сиёсатни ундан-да яхши идрок қиладиган жасур, ёш амир йўқлигини эл-улус биларди. Эл-улуснинг таянчи ҳам, суянчи ҳам, қолаверса, бирдан-бир паҳлавон алпомишсифат ботир йигити ҳам Темурбек эди. Хавф-хатар сел булутидек босиб келаётган ҳолатни тўғри англаган Амир Темур ўнлаб хабаргирларини атрофдаги турли қишлоқларга жўнатиб, тезда ғаним ҳаракатларидан бохабар қилиш ва тўғилиб, униб-ўсган қишлоғи, оиласини ҳимоя қилишга бел борлаган ор-номусли йигитларни қишлоқ масжиди олди майдонига тезликда от-улови билан етиб келиб, тўпланишларини буюрди. Тўпланиб улгурган жанговар гуруҳ билан кеча-кундуз йўл босиб, тезда Қаршига етиб олишга шошилдилар.

Ана шу хавф-хатарга лиқ тўла Мовароуннаҳрдаги сиёсий инқироз ҳолати ва ундан фойдаланган Туғлуқ Темурхоннинг босқинчилик юриши учун яратилган шароитни Муъиниддин Натанзий „Мунтахаб ут-таворихи Муъиний“ асарида афсус билан қуйидагича баён қилган эди:

„Амир Хизр Ясовурий бошқа барча амирлардан кўра, очиқ-ойдин ҳукмдорликка ўзини асосий даъвогарлардан деб биларди. Ушбу фикри туфайли халойиқ ўртасида ҳар кун бир фитна ва ҳар лаҳза бир ғалаён кўзгарди. Мамлакатда тартибсизлик шу даражага етдики, ҳар лаҳзада юз минг турли балолар юз бериб, ҳар бир фарсанг йўлнинг юз жойида ўғри, қароқчилар пистирма қўйишарди.

Бало оташи алангаси баланд кўтарилиб, одамзод орасидаги шайтонлар қутқуси ғавғоси олам аҳли орасидан аҳилликни кўтарди ва турк амирлари қиличи ва ўқи ваҳмидан Мовароуннаҳрни бутунлай тарк этиб, Мўғулистонга кетган мўғуллар барчаси биргаликда подшоҳ Туғлуқ Темурхонни Мовароуннаҳр фатҳига ундай бошладилар. У ушбу вилоятга сон-саноксиз лашкар тортди ва даҳшат ила манзилма-манзил йўл босиб, ҳумоюн Қароргоҳни мамлакатга киритди ҳамда Мовароуннаҳрнинг



қоқ ўртасида жойлашган Чаноқ булоқда хонлик тахтини ўрнатди. Амир Боязид Жалойир остона ўниш давлатига мушарраф бўлди. Туғлуқ Темурхон Амир Ҳожи Эркнот ва Амир Бекичакни бош қилиб, Шаҳрисабз ва Самарқанд устига жўнатди“.

Отасининг дафн маросимини шошилинич тарзда ўтказган ва Қарши тарафга жадал йўлга чиққан Амир Темур яна фикридан қайтди, яхшиси қийин дамларда оғирини енгил қилиб, аниқ маслаҳатлар берадиган пири комилга мактуб ёзиб, ундан жавоб келмагунча кутиш ва шундан кейингина аниқ тўхтамга келиб, қатъий ҳаракат қилишни мақбул топди.

Барча ташвишли воқеалардан хабардор пири комил унга йўлни вазият тақозосига кўра тўғри белгилаб олишнинг аниқ кўрсатмасини берди. Жавоб мактуби ҳам етиб келди. Мактубда ушбу қатъий йўриқ таъкидланиб, ҳазрат Алининг фалсафий фикрлари билан лўнда тарзда яқунланган жумлалар мавжуд эди: „Тўртинчи халифадан мисол келтириб қисқа сўзимни баён этаман. Унинг мағзини яхшилаб чақ: Агар осмон — камон, тақдир — ўқ бўлса, камончи Парвардигорнинг ўзидир, ундан қаерга қочардинг? Шунинг учун ўзинг ҳал қил ва яхшиси Туғлуқ Темурхонга қўшил, чунки у шу кунларда Тангрининг соясидир“.

Амир Темур шайхнинг сўзларини тушуниб: „Менинг хоқон Туғлуқ Темурхонга қўшилишим Парвардигорнинг амридир ва тезда Хўжанд яқинида Сайхун бўйида учрашишга аҳд қилиб ўша тарафга йўл олдим“, дейди.

Аввало, шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темур ва отаси Муҳаммад Тарағай баҳодир оиласи билан ўз даврининг буюк диний арбоблари, авлиё ва пир мақомидаги улуғ инсонларнинг яқин муносабатлари Соҳибқироннинг буюкликка юз тутиши, жаҳон сиёсат майдонида ўзининг муносиб, ҳатто биринчилик мавқеини эгаллашида Шайх Шамсуддин Кулол, пир Саййид Барака ва пайғамбар авлодларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Буни Амир Темурнинг ўзи ҳам доимо эъти-

роф қилиб борганида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Соҳибқирон Амир Темур пирининг маслаҳатига амал қилар экан, Туғлуқ Темурхон билан муносабатни ижобий томонга буриб, жуда тўғри иш қилганлигига яна бир бор ишонди.

Унга агар енгилгина тош қўйиб баҳо берсак, Амир Темурни душман билан ҳамкорлик қилишда бемалол айбласа бўлаверади. Мавридсиз, узоқни кўра олмай сиёсат юритган Мовароуннаҳр амир ва бекларидан Туғлуқ Темурхонга душманлигини ошкор қилганлар эл-юртга фойдаси тегмай қатл қилиндилар. Кўпчилиги эса мол-мулкни, оиласини олиб кетишга улгурмай юртни тарк этиб, дарбадар бўлди. Амирлар орасида фақат Амир Темур ва унинг маслаҳатига кирганларгина Туғлуқ Темурхондек даҳшатли хон билан „қаловини топсанг қор ҳам ёнади“ қабилида ҳаракат қилиб, келажакда Ватанни озод қилишга қодир кучларни, лашкарни ва бир вақтда халқини ҳам хоннинг шафқатсиз қўшини талон-тарожидан асраб қолди. Туғлуқ Темурхон худди катта бобоси Чингизхон Туронзамин юртининг қулини қандай кўкка совурган бўлса, ана шундай қаҳр билан бир эмас, кетма-кет икки марта ҳарбий босқинчилик юришини уюштирди. Худо кўрсатмасин, Амир Темурдек моҳир дипломат бўлмаганида Туронзаминни янгидан ёпирилган тўфон келтирадиган вайроналикдан асло сақлаб бўлмасди. Чунки Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳр амирларининг бундан кейин мўғул хонларига бўйсунмай ўз мустақил давлатини тузишга бел боғлаётганлигини эшитиб, ғоят дарғазаб ҳолатда беҳисоб қўшинни бошлаб келаятган эди. Кўпчилик Мовароуннаҳр амирларида Ватанни, халқни мўғуллар зулмидан қутқозиш орзуси етилаётган эди. Аммо уни ташкилий жиҳатдан яқдил куч қилиб бирлаштириш учун камида ўн йиллар вақт талаб қилинарди. Амирда шахсий манфаат, айниқса, тожга эга бўлишга интилиш устун бўлиб, улар тожу тахтни бир-биридан қизғанар, бу қизғаниш ўрталарида



ўзаро ғанимлик уруғининг сепилишига сабаб бўлиб, бу уруғдан душманлик куртаклари униб чиқаварди. Худди шу ўзаро низолар амирлар бирлигига рахна солиб, Туғлуқ Темурхондай қудратли душман олдида уларни заифлик ботқоғига боттирарди. Амир Темурнинг ҳам уларни мажбурий чоралар билан бўлса-да, тийиб қўйишга ҳали кучи камлик қиларди. Ягона йўл — заҳарли илонни ҳинд сеҳргарлари қандай қилиб ўз йўлига юргизиб зарарсизлантирса, Амир Темур ҳам мўғул хони Туғлуқ Темурхонга шундай усул билан яқинлашиб борарди. Бу энг ақли дипломатия усули эди.

Ҳолбуки, бу оғир ишнинг уддасидан чиқиб кетиш учун ўша инсонга отнинг калласидек келадиган шижоат, мардлик, жонини жабборга бериш билан баробар жасорат, хон ҳузурига етишиб боргач эса, у баджаҳл, жаҳли бурни учида жизиллаб турган золим ҳукмдорни ўз таъсирига олишнинг уддасидан чиқа олишга лойиқ ўткир ақл ва заковат, яна ишонтириш санъати каби қобилиятларни ишга сола олиш лозим эди. Салгина хато қатл демак эди. Амир Темур йўл-йўлакай ҳукмдор ҳузурига етиб боргунча ўзини ана шу оғир мулоқотга тайёрлаб, руҳий, ақлий ва жисмоний кучларини бир мақсад йўлида тўплашга қаратди. Ана шу жараённинг ўзиёқ Амир Темур учун катта дипломатия мактаби бўлди. Бош масала халқини қирғин ва хунрезликдан сақлаб қолишнинг уддасидан чиқиш эди. Бунинг учун эса омон-эсон талафотсиз душман Бош қароргоҳига етиб, Туғлуқ Темурхон ҳузурида бўлиш лозим. Бунга етиб бориш ҳам азоб ва хавф-хатарнинг нақ ўпқони эди.

Хўжандга етиб келган Туғлуқ Темурхон қўшинини бир ҳафта-ўн кунча лашкарга дам бергач, Турон марказий ҳудудларига селдек босиб кириш мақсадини амалга ошириш учун ғоят содиқ амири Ҳожибек ва қанғли уруғи сардори Бекичакни ҳузурига чорлаб, алоҳида муҳим топшириқ берди. Улар илғор қўшинни бошқариб, Мовароуннаҳр юраги

Самарқандгача йўлни шамол тезлигида босиб ўтиши, шу оралиқда маҳаллий амирлар қаршилик қиладиган бўлса, уларни аёвсиз қириб ташлаш ва бу шаҳарда Туғлуқ Темурхон учун доимий Қароргоҳ бўладиган жойни ҳозирлаш вазифаси юклатилди.

Хоннинг махсус топшириғини олган кучли илғор қўшин кечаю кундуз йўл босиб келар экан, узоқда бир гуруҳ отлични кўрди. Дарҳол Ҳожибек жосуслар гуруҳини жўнатиб, уларнинг кимлар эканини аниқлашни топширди. Жосуслар гуруҳи зимдан кузатиб, ўша номаълум ҳарбийларнинг нима мақсадда келганларини сўрадилар. Бу Хўжанд ҳокими Боязид Ясовурий эди. Устига-устак унинг Амир Темурга муносабати яхши эмасди. Боязид Ясовурий Амир Темурнинг Мовароуннаҳр тахтига энг муносиб амирлардан бири эканлиги учун Соҳибқирон билан ошкора душман бўлиб, бир кунмас бир кун ҳисоб-китоб қилич билан бўлишини кўнглидан ўтказиб юрарди. Агар имконияти келиб қолса, ими-жимида Амир Темурдек рақибини жанггоҳсиз, пана-пастқамда йўқ қилиб юборса, ундан ҳам яхши бўларди, дея ўша кунларнинг келишини истаб, пайт пойларди ҳам. Боязид Жалойир жосуслар гуруҳининг бошлиғига „мени қўшин қўмондонингиз ҳузурига элтинг“, деди. Унинг илтимоси қондирилиб, Боязид Жалойир Ҳожибек билан юзмаюз қилинди. Учрашгач, дарҳол мақсадга ўтди, ўзини қўмондонга таништириб: „Хўжанд ҳокими Боязид Жалойирман, Туғлуқ Темурхоннинг садоқатли хизматкори бўлишга азму қарор бердим. Ўла-ўлгунча садоқатимни хонимизга намойиш этиб, отган ўқлари бўлиб ғанимига қадалишга онт ичдим“, деди. Ҳожибек эса: „Агар ниятингиз амалий ишингизга мос келса, албатта хонимизнинг сийлов ва илтифотларидан қуруқ қолмайсиз. Агар қасамингиз билан ишингиз ўртасида заррача ғализлик бўлса, бошингиз ўзингизга сийлов қилиб берилади, шунини яхши билдинг, амир“, дея уни огоҳлантирди. Сўнгра котиби-



га Боязид Жалойирга хон билан учрашишга рухсат этилган мактуб ёзиб беришни топширди ва хон билан учрашиш учун Хўжанд сари илгарилаб кетди. Шу тариқа Боязид Жалойир Мовароуннаҳр амирларидан биринчи бўлиб Туғлуқ Темурхон тарафига ўтди. У шу йўл билан осонгина Амир Темурга ўхшаш тахтга даъвогарлик қилувчи ички майдондаги амирлардан қутулмоқчи бўлди. Орадан бир неча кун ўтиб, Хोजибек ва Амир Бекичак илғор лашкарига Амир Темур ҳам дуч келди. Бу пайтда муғул қўшини Хузорга яқинлашиб қолган эди. Бу қалъа Қарши—Кеш йўли устида жойлашган эди. Қўшиннинг манглай қисмида келаётган мингбоши ясовурий Амир Темур ва унинг йигитлари йўлини тўсиб тўхтатдилар. Муғул мингбошиси, „Гуруҳ бошлигиниз ким, не юмуш, не мақсадда йўлга чиққанингизни ошкор этинг“, дея қатъий оҳангда улардан сўради. Амир Темур: „Менман гуруҳ бошлиғи, биз Туғлуқ Темурхон олампаҳо ҳузурида ундан нажот топиш учун йўлга чиққанмиз. Қолаверса, менинг бобом ҳазратларининг боболари билан дўст-биродар бўлишган. Отам Муҳаммад Тарафай баҳодирни танишлари керак, ёшлигида бобом билан уларникида бир неча бор меҳмон бўлиш шарафига муяссар бўлган“.

„Ҳа, энди бошларингиз устида хонимизнинг қиличи ўйнай бошлаганда қариндош-биродарлик туйғуси эсга тушибди-да“, кесатиб жавоб қайтаради Маҳмудшоҳ Ясовурий.

Амир Темур ҳам қатъий оҳангда: „Агар алдаган бўлсак, бошимиз гаровда-ку, мен ҳам бошқа кўпчилик амирларга ўхшаб кўч-кўронни олиб Эрону Хуросонга қочсам ким ҳам йўлимни тўсарди. Биз ҳеч кимнинг мажбурловисиз хон билан учрашишга аҳд қилдик. Қолаверса, Мовароуннаҳр ҳудудининг паст-баландини, кўплаб амирларнинг феъл-атворини ҳам яхши билган биз каби одамлар хонингизга кўп ҳолда асқатади-ку“.

Ана шундан кейин ҳарбий сафар машаққатла-

рини кўп кўриб, оғзи пишган бу мингбоши ҳовуридан тушиб, Амир Темурнинг сўзларида жон борлигига ишонди.

Уни ўзининг қўмондони Амир Хोजибек ҳузурига олиб боришга рози бўлди.

Амир Хोजибек ақлли, ҳар қандай одам билан суҳбат қурар экан, у одамнинг қув ёки кўнгли тозалигини тез англай биларди. Амир Темур биринчи суҳбат чоғидаёқ ўзининг қатъиятли ва ақлли йигит эканлиги билан Амир Хोजибекда яхши таассурот қолдирди. Айнан шундай ўктам ва баҳодир йигит Хोजибек ҳам хон олдида обрў-эътиборининг янада юқори кўтарилишига ишонч ҳосил қилгач, „Мен, бунга битта яхшилик қилсам, у менга буни ўн ҳиссаси билан қайтаради. Буни ўзим томонга оғдириб олишим учун Қароргоҳимда унга яхшилаб дастурхон ёзиб, суҳбат асносида унга хон билан учрашишга албатта шароит яратиб беришга ваъда беришим керак. Сўнгра унга шу тўғрида қатор маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериб, уни ўзимга яқинлаштиришим зарур“, деган фикрларни кўнглидан ўтказди. Амир Темурбекнинг ишончига кириш ва уни ўзига яқинлаштириш учун энг иззатли меҳмонларга қилинадиган дастурхон ёзиб, узоқ суҳбатлашди. Суҳбат чоғида Амир Хोजибек шунга амин бўлдики, ақли янги чархланган қиличдек ўткир, кўзлари бургутдек чақноқ, қараган пайтида қаршисидаги инсоннинг кўзларидан унинг кўнглидаги ўй-фикрларини ўқийдиган, келажаги албатта юксак марраларга етиб боришга қобил навқирон амир турганлигини англади. Амир Хोजибек яна бир карра ёш амирни сиёсат бобида имтиҳон чиғириғидан ўтказиш, унинг Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий аҳволига доир фикрларини билиш учун гапга солиб кўрди. Унинг бу ўй-фикри суҳбатдошининг сиёсат соҳасидаги билими ва Туғлуқ Темурхонга бўлган муносабатини яна бир бор текшириш эканлигини дарҳол илғаб олган Амир Темур Амир Хोजибекка ёқиб тушадиган жавоб берди: „Мовароуннаҳр-



юв келди. Амир Темур чўкка тушиб пешанасини юмшоқ гиламга босганича бир лаҳзадан сўнг бошини кўтарди ва ҳукмдордан сўз кутиб жим қолди. Туғлуқ Темурхон бошдан-оёқ унга разм солар экан, деди: „Эй амир, ўмоқинг не, қайси ўмоқдин бўлурсан?“

— Барлос ўмоқидин он ҳазрат.

— Ҳа, барлосларданман дегин, — такрорлади хон.

— Худди айтганингиздай, хоқоним. Ҳожи Барлосга тегишли жойинг борму, амир? — унга қаттиқ тикилганча сўрайди Туғлуқ Темурхон.

— Ҳа, Олампаноҳ, у киши менинг амаким бўладилар.

— Шундай дегин.

— Худди шундай улур ҳукмдор.

— Мени кутиб олиш ўрнига қай гўрларда санчиб юрибди, ўша амакин? Хуросонга кетибди, деб эшитдим.

— Сизнинг келаётганингизни айтиб, ҳукмдор олдига пешвоз чиқиш лозимлигини айтдим, кўндиришга уриндим, аммо у унамади.

— У кўнмади, дегин, — деди хон. Унинг қочди сўзини айтишга ботина олмаганлигини дарҳол кўнглидан ўтказиб қўшиб қўйди. Сўнгра Туғлуқ Темурхон Темурбекка бундай деди:

— Сенинг ҳақингда Амир Ҳожибек бизга етарли маълумот йўлаган, менга содиқ хизматга шай бўлиб келганинг мақтовга лойиқ. Энди Ҳожибек амиримизнинг сен тўғрингдаги яхши фикрларини амалда оқлашинг лозим. Биз унинг маслаҳатларини инобатга олиб, сенга ҳарбий лавозим тақдим этурмиз. Фармонни олишинг билан ишга киришурсан. Бўшсан, чиқавер, эшик оғаси сенинг қаерда макон тутишингни айтадур.

— Ҳиммат ва бағрикенглигингизнинг чеки йўқ, Олампаноҳ. Сизга борлигим билан хизмат қилурман, улур ҳукмдор, — дея таъзим қилиб, Темурбек саройдан орқаси билан юриб чиқади. Учрашув хамирдан қил суғургандек ўтганига жуда хурсанд

бўлган Амир Темур йигитларининг тўрткўз бўлиб турганлигидан улар ушланиб турилган жойга шамол бўлиб учди. Амири ва ўзларининг тақдирини ўйлаб, минг хил хаёлда турган йигитлари амирининг соғу саломатлигини кўриб беҳад шодландилар.

— Энди Худо хоҳласа марра бизники, хавф ортда қолди, бу ёғига ҳаммаси яхши бўлади, йигитлар, — дея Амир Темур уларнинг хурсандчилигига шерик бўлди.

Кўп ўтмай хон фармони ҳам эълон қилинди. Фармонни Амир Темурга эшик оғаси берди. Унда Амир Темурга мингбоши ҳарбий унвони берилгани ҳамда Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудлари ҳокимлиги мансабига тайинланганлиги Туғлуқ Темурхон муҳри ва имзоси билан тасдиқланган эди. Бу катта ва масъулиятли вазифа эди. Бу вазифадаги ҳокимнинг, биринчи навбатда, каттагина қўшини бўлиши, уни тез ташкил қилиб, хон хизмати ва буйруғига шай туриши лозим эди. Амир Темур ваколатига кўра тез ишга киришди. Шу билан таҳдид булути ҳам тарқалди.

Шу ерда „Амир Темурнинг асосий хизмати нимадан иборат бўлди“, тарзидаги савол кўндаланг туради.

Биринчидан, Амир Темур дипломатик устмонлигини ишга солиб, йигирма тўрт ёшида бир ўқ билан икки зафар нишонини қўлга киритди. Туғлуқ Темурхон ишончига кириб, Самарқанд ҳудудидан то Қашқадарё, Сурхондарё ва Жайхун соҳили ҳудудларигача шаҳар ва қишлоқларни Туғлуқ Темурхон ҳужумларидан, талон-тароажликдан асраб қолди. Иккинчидан, уни йўқотиш пайида юрган ғанимларидан энг қалтис дамларда мўғул ҳукмдори паноҳида рўй бериши мумкин бўлган суиқасдлардан ишончли муҳофазада бўлди. Уларни тийиб қўйиш ҳарбий-сиёсий ваколат ҳуқуқига эга бўлди.

Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳрда бебош амирларни тинчитиш ва уларга жазо тайинлаш ишлари



билан машғул бўлган пайтида Амир Темур ўз ваколатига кирган ҳудудларда лашкарий қисмлар тузишга киришди.

Туғлуқ Темурхон Мовароуннаҳда бир оз тартиб ўрнатгач Хўжандга, ундан эса Мўғулистонга қайтиб кетди. Бундан фойдаланган қочоқ амирлар яна Афғонистон, Хуросон ҳудудларидан қайтиб келар экан, ўтмишда қандай низолашган бўлсалар, эски „яра“ни тирнашга киришдилар. Кул остидаги чўғ яна пуфлаб ёқилди. Кимда кимнинг қасди, ўчи бўлса, олиб қолишга киришдилар. Шу билан Мовароуннаҳдаги ички низони, яъни кул тагидаги чўғни пуфлаб қайтадан аланга олдирдилар. Амир Темур ўз қўшини билан Хизр Ясовурий лашкарига қўшил-

ди. Хизр Ясовурийнинг инисини Амир Баён Сулдуз қатл қилгани сабабидан унинг қасосини Сулдуздан олиш учун юришга ҳозирлик кўрарди.

Амир Хусайн куёви Амир Темурнинг бу юришда Хизр Ясовурий тарафида туриб жанг қилишига розилик берди. Баён Сулдуз бундай бирлашган кучларга қарши тура олмаслигини англаб, Бадахшонга чекинди. Тоғу тошларда уни тормор этиш қийин кечарди. Бир неча амирлар иттифоқ бўлиб амирлар амири қилиб Амир Хусайнни тайинлашга қарор қилдилар. Шу тариқа Мовароуннаҳр ҳудудида туркий амирлар иттифоқи вужудга келаётгандек эди. Аммо бу birlik жуда заиф эди.





**ҲАЁТНИНГ ЭНГ ОФИР ВА
МАШАҚҚАТЛИ СИНОВЛАРИ**





АМИР ТЕМУРНИ ЙЎҚ ҚИЛИШ ЙЎЛИДА ФИТНА

Амир Хусайн амирлар ичида катта нуфузли мавқега эга бўлгач, унда тахтга мутлақ эга бўлиш ҳирси ҳам тобора кучайди. Амир Темур дастлаб унга хизмат қилиш учун сидқидилдан ҳаракат қилди. „Унинг синглиси қайлигим, ўзи эса қайноғам, бегона эмас, бу эса оиламизнинг мустаҳкамлигига гаров бўлади“, тарзида ёндашди. Аммо Амир Темурнинг бу олижаноб саъй-ҳаракатларини Амир Хусайн хушламади. Қачондир йўлига ров бўлишидан қаттиқ хавфсирарди.

Бошига оғир кунлар тушиб иши юришмай қолса, куёви билан яқинлашиш, ялтоқланиш йўлини тутди, иши юришиб турса бегонасираш, унинг мардона ҳаракатларидан ҳасад туйғуси кучайиб, душманлик ҳиссиётлари жунбишга келадиган бўлди. Шу тариқа унинг бу ҳаракатлари Амир Темурни қатиқни ҳам пуфлаб ичиш ва огоҳ бўлишга ундади. Уни „яхшилигимни барибир билар, жуда виждонини ютиб юбормас“, қабилда иш тутиб, кўриб-кўрмаганга олди, яхшилигини ундан аямади. Ҳатто Амир Хусайннинг синглиси, суюкли рафиқаси Ўлжой Туркон оқага ҳам Соҳибқирон: „Акангизнинг сиёсат бобидаги хатолари уни оқибат оғир аҳволга олиб келмаса деб кўрқаман“, дея унинг фаолиятдан ташвишланаётганлигини билдириб қўйишни лозим топган. Шунда Ўлжой Туркон оқа эри Амир Темурга деди: „Амирим, менинг ҳурматим учун уни шунчалик қўллаб турганлигингизни билурмен, сиз олижаноб, мард инсонсиз. Шуларни ҳам билмай Сизга нисбатан ғайирлик қилса, унинг бу қилигини на бандаси, на яратган Парвардигор кечиргай. Ҳар ким экканини ўради, арпа экиб, ким ҳам бундой ҳосилини олган. Мен сизнинг доим адолат томонда туришингизга ишонаман, амирим“. Бу жуда ақли, доно аёлнинг эрига бўлган садоқати ва вафодорлигининг ифодаси ҳам эди.

Амир Темурнинг лашкарий кучлари ошиб бораётганлиги боис Амир Хусайнда куёвини заиф-

лаштириш майли тобора кучайди. Ҳам зари, ҳам зўри кучидан фойдаланиб, Амир Темур лашкари ичидаги айрим амирларнинг ундан ажралиб кетишига эришди. Яхшиликка яхшилик эмас, ёмонлик қайтди. Қайноғасининг ошкора ғанимлик ҳаракатидан Амир Темурнинг қалби қаттиқ оғриди. Кўнгил — шиша деганлари шу бўлса керак, бир дарз кетдими, уни аслига келтириб бўлмайди. Амир Темурнинг шундан кейинги гумондорлиги ва унга ишонмаслиги, айрим ҳоллардаги вақтинчалик шароитнинг тақозосига кўра яқин иттифоқчиликни ҳисобга олмаганда Амир Хусайннинг то қатлга тортилгунга қадар ғанимлиги сақланиб қолишига сабаб бўлди.

Амир Темур ҳам Амир Хусайннинг бу ғаламис ишига қарама-қарши бориб Хуросондан қайтиб келган амакиси Ҳожи Барлос билан қўшинини бирлаштирди. Амир Боязид Жалойир ҳам Ҳожи Барлосни қўллаб-қувватлаб, бирлашган қўшин билан Амир Хусайнга қарши юриб, уни мағлуб қилдилар.

Бунинг эвазига Боязид Жалойир қўлдан кетган Хўжанд ҳокими, Ҳожи Барлос эса отамерос мулки Кеш эгаси бўлди.

Амир Хусайн Амир Темурнинг баҳридан ўтмаса охир-оқибат ўзи ҳукмдорликка қанча интилса ҳам улоқни ўша барлосларнинг энг уддабурон вакили илиб кетишини ўйлаб тинка-мадори қуриди: „Бўлди, етар. Шундай бир режа тузайки, мен бу воқеадан умуман хабарим бўлмаган бўлиб чиқай“.

Амир Темур билан гоҳ келишиб, гоҳ келишмай юрган амирлар ўртадаги билиб-билмай шу кунгача рўй берган келишмовчилик ва тушунмовчилик, шунингдек, гина-кудуратларни унутиб, дўстлик ипларини умумий мақсад йўлида бирлаштириш учун бир дастурхон атрофида ярашув кечаси ўтказишни режалаштирдилар. Амир Темур унга таклиф қилинадиган бўлди. Режа пухта ишланди. Амир Темур шу тадбирдан тирик чиқмаслиги керак эди. Бу тадбир-



га Амир Темур боришга розилик берди. Амир Хусайн ўзи четда туриб, бу ишнинг муваффақиятли чиқаётганидан анча хурсанд эди. „Энди барлос амири Темурбек, мен қўйган тузоқдан чиқиб бўлсан, эсинг бўлса, мендек амир билан мушук-сичқон ўйини қилсанми“, тарзида тўйдан бурун ногора қоқиб, ўзини овунтирди ҳам. Бироқ Амир Темур бу тунги базмга улардан ҳам яхши муҳофазаланиб келди.

Ғанимлар базми жамшид авжига чиққач, „суиқасдни бошлаш фурсати келди“, дейишиб уни амалга ошириш арафасида буйруқ кутиб турганларида хашпаш дегунча Амир Темурнинг паҳлавон йигитлари томонидан Амир Хусайннинг соқчилари лаҳзаларда тинчитилди. Бу воқеа қандай кечганлиги ҳақида Муъиниддин Натанзий қуйидагича маълумот беради: „Амир Темурнинг муборак чеҳрасида абадий давлат ёғдуси ва мангу саодат нишони қуёшдан ҳам ёрқинроқ ва ойдан ҳам нурлироқ тарзда зоҳир ва намоеън бўлгач, инсон афъолига хос бўлган ҳасад Амир Хусайнни самовий қисматни ўзгартириб, кутилмаганда ҳеч бир асоссиз Амир Темурни йўқот-

моққа ундади. Амир Темур ногоҳ унинг ботинидаги қабоҳатдан огоҳ бўлди ва хиёнаткорона хатти-ҳаракатларидан баъзи нарсаларни англаб олди. Дарҳол бурнидан қон келганини баҳона қилиб, енги билан бурнини беркитган ҳолда амирлар ҳалқасидан чиқиб, ташқарига югурди ва елдек учиб бориб отига минди. Ғоятда шошилганидан айл бандини чопиб кетаётган ҳолда боғлади ва чақмоқ мисол ушбу фитна ва бузғунчилик маконини тарк этди“. Амир Хусайннинг Хизр Ясовурий қўли билан Амир Темурни йўқ қилиш режаси шу тариқа барбод бўлди. Унинг оқибати шу бўлдики, сал ўтмай, иккинчи марта Мовароуннаҳрга Туғлуқ Темурхон юриш қилиб келар экан, Амир Темурнинг ғанимлари, жумладан, Хўжанд ҳокими Боязид Жалойир ва Самарқанд ҳокими Хизр Ясовурийларни қатл қилдирди. Шу тариқа Амир Темурнинг ғанимлари бўлган ҳар икки амирлар бу дунёни тарк этдилар. Амир Хусайн яна яккаланиб қолди. Лекин барибир, ҳеч қачон Амир Темурни йўқ қилиш фикридан қайтмади.

АМИР ТЕМУР ҚАТЛ РҲЙХАТИДА

Муғул хони Туғлуқ Темурхон Дашти Қипчоқ ва Муғулистондаги ижтимоий-сиёсий беқарорликни бир қадар йўлга қўйгач, Мовароуннаҳр амирларининг „Ясоқ“ тўра-тузуқларига бўйсунмасдан ўзаро тахт илинжида кураш бошлаганлиги тўғрисида маълумот олиши билан янгидан бу ҳудуд сари юришга қарор қилди. У Мовароуннаҳр амирларидан қаттиқ норозигина эмас, балки дарғазаб эди. Эндиги мақсади салгина айбдор бўлиб, унинг амру фармонларидан четга чиққан амир ва бекларни аёвсиз жазолаш, қайта бош кўтарганларга узоқ йиллар хаёлига келмайдиган ҳолатни таъминлаб, ўғли Илёсхўжага Туронни бутунлай мулк қилиб беришдан иборат эди.

Мовароуннаҳр амирлари орасида Туғлуқ Темурхоннинг Амир Темурга ишончи катта эди. Аммо тергов ва қаттиқ суриштирувлар натижасида ҳўлу

қуруқ баравар ёнадиган вазият содир этилиши боис хоннинг газабли рўйхатига Амир Темур ҳам тушиб қолди. Бироқ унинг бахтига Туғлуқ Темурхоннинг энг ишончли амири Ҳамид Тархон Амир Темурнинг хонга содиқлигича қолганини айтиб, унда айб йўқлигини қатор далиллар билан исботлайди: „Ғақат ўрнингизга қолдирилган ўғлингиз Илёсхўжа сиёсатда ёшлик қилиб Амир Темурнинг хизматларини тўғри баҳолай олмаганлиги боис Илёсхўжадан хафа бўлган Амир Темур бир оз ундан узоқлашиб, сизнинг айрим ғанимларингиз билан яқинлашгандек кўринган, холос. Мана менинг гапимнинг исботи: уни бир оғиз сўзингиз билан ўзингиз чақиртиринг, у дарҳол етиб келиб хизматингизга бел боғлаб турмаса, ўрнига мени жазолайверинг, у албатта келади.

Сиз Мовароуннаҳрдан жунаб кетганингиздан сўнг топшириқларингизни сидқидилдан бажарган Амир Темурдир. Шу жиҳатдан маҳаллий амирлар сизга содиқлиги учун уни йўқотмоқчи бўлганлар.

Илёсхўжа аксига олиб бу содиқ амирингизнинг хизматларини алқаб, унга Самарқандни бериш ўрнига бузғунчилик ва ялтоқлик қилиб, ўғлингиз паноҳига ўтиб олган Боязид Жалойирга инъом қилган.

Аслида Боязид Жалойир бебошликлар сабабчисидир. Мана сизга воқеалар тафсилоти. Ҳали Амир Темур сизга жуда катта хизматлар қилади. Уни азл қилинувчилар рўйхатидан ўчиринг, хон ҳазратлари“, дея Ҳамид Тархон узундан-узоқ далиллар келтирди. Оқибат хон уни қатл рўйхатидан ўчиртириб, Боязид Жалойир ва Хизр Ясовурийларни жаллод ихтиёрига топширди. Хон жаллоди зўр ҳафсала билан уларнинг калласини танидан жудо қилиб, хонга тортиқ қилди. Қонга беланган қопдаги икки амирнинг калласини очиб кўрсатар экан, Ҳожи Барлос ва Амир Ҳусайнларнинг ҳам бошларини шу ҳолатда кўришга муштоқлигини айтиб, Бош қўмондони Бекичак нўёнга уларни таъқиб қилиб ҳатто дунёнинг нариги чеккасидан бўлса-да тутиб олди келтиришни буюрди ва ҳарбий юришни тез бошлашга рухсат берди. Шу тариқа, аввало, Амир Ҳусайнни таъқиб этиш бошланди.

Туғлуқ Темурхон ўғли Илёсхўжани Мовароуннаҳрга ҳукмдор қилиб тайинлар экан, аслида Мовароуннаҳрнинг тақдири унинг оталиғи Амир Бекичак қўлига ўтган эди. Илёсхўжа гарчи хон деб эълон қилингани билан у аста-секин Бекичакнинг қўғирчоғига айланиб бўлган эди. Бекичакнинг айтгани айтган, дегани деган эди. У ўта шўратпараст ва мол-дунёга тўймас олий амалдорлардан бўлиб, устига-устак Амир Темурдек ақлли ва халқпарвар инсонни жини ёқтирмасди. Ўзининг мавқеидан фойдаланиб, Амир Темурдан хато-камчилик қидирар, унга берилган ҳокимиятдаги учинчи ўринлик мавқе ваколатларини ҳам ундан тортиб

олмоқчи бўларди. Бекичак Илёсхўжадан кейин Амир Темурни ҳам қўғирчоқ амалдорга айлантиришга интилди. Илёсхўжа узоқни кўра олмаган, мустақил фикрга эга бўлмаган шахс бўлса, Амир Темур эса унинг тамоман акси эди.

Мўғул хони Туғлуқ Темурхон ўғлидаги бу қусурларни билгани учун Амир Бекичакка катта ваколатлар бериб, ўғлининг унинг сўзидан чиқмаслигини Мўғулистонга кетиши олдидан қатъий тайинлаши бежиз эмасди. Бекичак Амир Темурни сиқувга олиш билан ҳам чекланмади. Унга ўз қўл остидаги бўйсунувчи амирлари билан жабр-зулм эвазига ҳар бир туман ва вилоятлардан солиқларни топшира олмаган аҳолини жазолаш ва бор-будини шилиб олиб, Илёсхўжа хазинаси ва ўзига келтириб топшириш вазифасини қўйди. Унинг талаби бўйича Амир Темур ва унинг ихтиёридаги лашкар ўз халқининг жазоловчисига айланиши, бунинг эвазига Илёсхўжа саройи амалдорлари куну тун айш-ишратда яшашлари, айниқса, Бекичак борган сари ҳаддидан ошиб, туман ва вилоятлардаги гўзал қиз ва жувонларни ҳам уларга тақдим қиладиган, уларнинг ахлоқий бузуқ ишларига воситачилик қилувчи махсус хизматкор гуруҳга айлантиришга уриниши Амир Темурнинг виждонини қаттиқ қийнади. Ахир Амир Темур шунинг учун Туғлуқ Темурхон хизматига кирганимиди? Йўқ, эл-улусни мўғуллар жабр-зулмидан, адолатни қўлимдан келганча ҳимоя қиларман, бутун борлигим билан ҳаракат қилиб халқимни талон-тарожликдан сақлаб, Туғлуқ Темурхонга ўз таъсиримни ўтказарман, қабалидаги мақсад билан жонини гаровга қўйиб сарой хизматига келган эди. Энди эса Бекичак ва ғанимлар Амир Темурнинг иззат-нафсониятига тегиб, унинг мақсадларига қарама-қарши бориб, уни ўзларининг югурдак хизматкорига айлантириб устидан кулмоқчи, унинг ақл-идрокидан халқига қарши пасткаш, ахлоқсиз ва бузуқ ишларини амалга оширишда фойдаланмоқчи, уни жирканч ишларнинг ижрочисига айлантирмоқчи эдилар. Амир Темур оғир виждон азобига дуч келган эди.



Уларга қарши очиқ кураш бошлай деса, мўғулларнинг даҳшатли қўшинига қарши туришга ҳали кучи етмас эди. Амир Темур Бекичакнинг топшириқларини тобора пайсалга солаётганлиги учун уни Илёсхўжа ва Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхонга чақа бошлади. Илёсхўжа ҳам тиш-тирноғи билан Амир Темурга қарши туриб, отасига Амир Темурни қатл қилишга фармон юборишларини сўраб мактублар ва ишончли одамларини Қорақурумга жўната бошлади. Энди Амир Темур учун Мўғуллар хони Илёсхўжа саройидаги эшиклар ёпила бошлади.

Шу тариқа Амир Темур боши устида таҳдид ва хавф-хатар булути кун-бакун қуюқлаша бошладди. Унинг мўғулларга қаҳр-ғазаби туғғени чарсиллай бошлаган ўша кунларда ганимлар Самарқанд шаҳрининг ўзидан улар билан айш-ишрат уюштириш учун биратула тўрт юз қизни олиб кетдилар. Бу ваҳшиёна қилиқларига қарши саййидлардан етмишта мовароуннаҳрлик фозил инсонлар норозилик билдирадилар. Илёсхўжага арз қилиб, уларни оилаларига қайтаришини, адолат билан иш қўришини талаб қиладилар. Аксига олиб хон адолат талаб қилган саййидзодаларнинг барчасини қамоққа олдиради ва қийноққа солади.

Амир Темур Илёсхўжанинг Мовароуннаҳр аҳолисини қийноқ ва азобларга солганлигини шу тарзда таърифлаган эди: „Илёсхўжа илгари ҳеч ҳоким бўлмаган ва бунинг учун керакли сифатларга эга эмасди. Унинг аскарлари ва амирлари Мовароуннаҳр аҳолисини турли қийинчиликларга дучор қила бошладилар.

Бир куни улар зўрлик билан Самарқанддан тўрт юз қизни олиб кетдилар. Тез орада уларнинг муттаҳамлиги шу даражага етдики, улар бу қилмишларидан қаноат қилмай, етмишта саййидзодаларнинг қўлини боғлаб қамаб қўйдилар. Шунда

мўмин мусулмонлар кўпчилик бўлиб йиғилишиб, ҳузуримга келдилар ва бегуноҳ саййидзодаларни озод қилишни мендан сўрадилар ва:

— Бундай шижоат кўрсатиш қудратли кишиларга хосдир ва жонни фидо қилиш — бу ҳаёт манбаидир, — дедилар.

Бу сўзлар мени шу қадар руҳлантирдикки, мен ҳеч ким билан маслаҳатлашмай, самандар янглиф жанг ўтига ташландим ва аввалига „дашт ўзбеклари“¹нинг қамоғидаги етмиш саййидзодаларни озод этдим.

Шу куни кечасиёқ тушимга Расулulloҳ кириб деди:

„Сен менинг авлодларимдан етмиш кишини тутқунликдан қутқардинг, шу жасоратинг учун сен мукофотланасан. Аллоҳ мўъжизакордир. Энди сенинг етмиш авлодинг ҳоким бўлади. Мен бундан бағоят шодландим“.

Амир Темур ушбу кунлар ўзининг мўғуллар саройидаги фаолиятининг сўнгги куни эканлигини англади, ўша кечадан эътиборан бир умр қалбидан чиққан нидога таяниб, мўғуллар ва уларга иттифоқчи бўлганларга уруш эълон қилди ва бутунлай улар билан алоқани узди. Мўғулларнинг ашадий душманига айланди.

Ўшандан эътиборан унинг томонидан мустақиллик ва озодлик ҳамда эрк учун кураш ялови кўтарилди. Бу кураш олий мақсадга айланди. Бу офир кечадиган жангу жадаллар, қийинчиликларнинг барча азоб-уқубатларига бардош беришга энди Амир Темур руҳан ва жисмонан тайёр эди. Пичоқ суякка ботиб бўлган эди. Бундан кейин энг асосийси ўша олий мақсадни охиригача амалга ошироқ учун фақат бир нарса ҳали қиёмига етмаган эди. У ҳам бўлса, ёвдан қайтмай суронли жанглар қилишга шай қўшин тузиш ва унинг таъминотини вужудга келтириш эди. „Майли, унинг ҳам улдаси-

¹ Дашт ўзбеклари — Олтин Ўрдага қарашли ҳозирги Қозоғистоннинг шимоли-ғарбий, Урал дарёсидаги Каспий денгизи шимоли-шарқий ҳудудларининг кўчманчи аҳолиси эдилар.

дан чиқаман албатта, яна маълум бир вақт ўтсин, Худонинг ўзи бунга йўл очади“, дея қатъий ишонарди Амир Темури.

У ўша куни қуёшнинг ботишини орзиқиб кутди. Ниҳоят, кун тунга ўрнини бўшатиб бергач, содиқ йигитларини йиғди. Уларга асосий вазифани лўнда тушунтирди. Мўғулларга бўйсунини истамай орномус учун бош кўтарган аслзодаларни ва зўрлик билан олиб кетилган қизларни тутқунлик, қамоқ азобларидан қутқаришга бел боғлаганлигини ошкор этди. Амир Темури мўғуллар томонидан кучли қўриқланаётган қамоқxonанинг хавфсизлик даражасию ҳолатини аввалроқдан ўрганиб юрган эди. Хужум режаси аниқ тузилди. Дастлаб соқчилар ими-жимиди тезди йўқотилди. Сўнгра уйқудаги навбатчилик алмашинувиги қолдирилган мўғул аскарларига товуш чиқарилмай шиддатли хужум уюштирилди. Уйқу аралаш улар қандай ўлаётганларини англашга имкон берилмади. Барчаси саноқли дақиқаларда амалга оширилди.

Фақат ўткир ханжарларнинг баданларга санчилаётгандаги шиф-шиф овозию айримларнинг ўлим олди: „ухх“ дея инграб жон беришлари тун жимлигини бир оз бузарди, холос. Шу тариқа қисқа муддатда уюштирилган хужум қарийб талафотсиз, қамоқдаги саййидзодалар, сиёсий маҳбуслар ва қизларни озод қилиш билан тугалланди. Шу ердаги воқеаларни Амир Темурга ғализ муносабатда бўлган ўрта аср ва ундан андоза олиб тарих ҳақиқатидан кўз юмган айрим Шўро тузуми тарихчилари Соҳибқирон Амир Темурнинг „йигитлик давридаги ташкил қилган гуруҳи қароқчи, йўлтўсар тўдалардан ташкил топган эди“, тарзидаги уйдирмаларни ёзган эдилар. Аслида қамоқдан озод қилинганлар (улар жиноятчилар эмас) нинг кўпчилиги нафақат ўзларининг, балки оилаларининг, эл-улуснинг эрки, инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилганлари учун ҳибс қилинган мард инсонлар эди. Ўша „тарихчи“лар тарих илмига уйдирма методларни олиб кириб, тарих ҳақиқатини шу тариқа сохталаштириб, Соҳибқиронга

нисбатан жаҳон аҳлининг нафратини уйғотишга жадал ҳаракат қилган эдилар.

Натижада тарих китобларидаги саҳифа сохтакорликлари чоризм ва шўро даври рассомларини илҳомлантирди. Сохталик шу билан нафақат тарих дарсликлари, балки тасвирий санъат соҳасининг лойқаланиши ва ёлғон бўёқлар ифодасига қадар кўчиб ўтди. Бу мустамлакачилик мафкурасининг халқ онгини заҳарлаш йўлидаги алдов усуллари нинг мукамал тарғиботчилик кўринишларидан бири эди.

Аммо собиқ иттифоқнинг бу алдов машинасидан Русь маърифатпарварларидан бирининг қуйидаги доно ҳикмати одилликни ҳимоя қилиш жабҳасида устунлигини яна бир бор исботлади: „Россия улуг, аммо ундан ҳам тарих ҳақиқати улугроқдир“.

Амир Темур ўз сиёсий фаолиятини собиқ тузум маддоҳ мафкурачи файласуфлари, шарқшунос тарихчилари, айрим виждонига қарши борган тарихий асарлар битувчи ёзувчилари таъкидлаганидек, қароқчи тўдалар билан эмас, мўғул зулмига қарши ўлимга тик боққан марду майдон йигитлар билан бошлаганлиги айни ҳақиқатдир. Ва шу йўлда боши узра ўн йиллар ўлим шарпаси чарх уриб айланиб, бало-офатларни бошидан кечирганлигини тарихий далиллар ўзи эътироф этган кечинмалар манбалари орқали очиб борамиз. Негаки, собиқ тузум алдов ва бўҳтонларидан Амир Темур ҳақиқати юз чандон кучлидир.

— Мен, — дейди Амир Темур, — қамоқдаги саййидларни қутқарганимдан сўнг душманларим хоқон Туғлуқ Темурхонга мактуб ёзиб, унда гўё мен халқни Туғлуқ Темурхонга қарши қўзғатганим ва Мовароуннаҳони қўлга киритмоқчи бўлганлигимни зикр этган эдилар. Ундан ташқари, гўё Туғлуқ Темурхоннинг ўғли Илёсхўжани ўлдирмоқчи бўлиб, махфий фитна уюштирганим ҳақидаги сохта айблар ҳам менга тақалган эди. Туғлуқ Темурхон душманларимнинг айтганларига ишонди ва унга мактуб етказган кишиларга мени ўлдиришни бу-



юрди. Лекин бахтимга бу буйруқ менинг қўлимга келиб тушди ва мен қотиллардан ўзимни асраш чораларини кўрдим. Бундан сўнг Жете амирлари мени ўлдириш тўғрисида Туғлуқ Темурхондан яна уч марта буйруқ олдилар; лекин қотиллар бу ишни тўғридан-тўғри бажаролмай, қулай фурсат кутиб турдилар.

Кўринадики, Амир Темур жуда хавfli тус олган бу воқеаларни оддий ҳодиса-саргузаштлар каби тилга олган, шунингдек, жўнгина айтиб қўя қолган. Бироқ, бу воқеалар замирида ҳар дақиқа ва лаҳзаларда уни ўлим таъқибга олган, Илёсхўжа ва Бекичакнинг жосуслари унинг босган қадамларини пойлар, заҳарли илондек уни қатлга тортиш учун унга соядек эргашарди. Уч марта айнан мана шу сафар Амир Темур асло тирик қолмаслиги керак, тарзидаги уринишлари ҳам барбод бўлаверди. Аслида бу уринишлар барбод бўлиши замирида „Сенлар шохиди юрсангизлар, мен баргида юраман“, қабилидаги пинҳоний олишувларда Амир Темур уларни доғда қолдирадиган жанговар курашлар устаси эканлигидан дарак беради. Амир Темурга курашчанлик, мардлик, ҳар бир воқеаларни зийраклик билан кузатиш ва ўзига қарши қилинаётган суиқасдларни олдиндан ҳушёрлик билан илғаб, уларни тайёрловчи жосусларнинг ўзлари қазиган чоҳини ўзларига қабр қилиш учун қанча куч, ақл-идрок ва матонат керак эди. Бу махфий тарздаги фитнасифат курашлар Амир Темур учун очиқ майдонда жангталаб бўлиб саф тортган юз минглик ғаним қўшинидан кўра хатарли эди. Жанг майдонида душман яққол кўз олдинда бор бўйи билан кўриниб туради. Яширин тарзда ўлимга маҳкум этилган жангчи ёки саркарда бўлсин, қачон ҳужумга учрайди, бу ҳужум қайси йўналишдан — эртами, кечми, уйқудами ёхуд кутилмаганда орқадан урилган ханжарданми, бу зарбалар йўналиши инсон кўзи ва онгидан ташқари — кутилмаганда берилиши энг хавфлисиси ҳисобланади. Амир Темур жангчи ва саркардага хос сифатларининг барчасини сафарбар қилиб,

бу ҳужумларни барбод қилди. Уларни бирин-кетин, кези келганда эса икки-учталаб, улар бир гуруҳ бўлиб пана-пастқам, пистирмадан туриб ҳамла қилсалар, қиличбозликда моҳир ва тенгсиз жанг устаси эканлигини исботлаб, уларни ер тишлатди. Шу жасур сифатларга эга бўлмаганида эди, Амир Темур олдинги суиқасдлардаёқ йўқотилган хон ва қатл этилган амирларга ўхшаб аллақачон, ёши ўттизга етиб-етмай, бу аёвсиз сиёсат курашлари майдонида ғанимларнинг биринчи ҳужумларининг қурбонига айланган бўлиши муқаррар эди. Қолаверса, унга асосий далда бўлувчи бир орзу илинжи бор эди, у ҳам бўлса Ватанини озод кўриш, халқи, эл-улусни зolimлар зулмидан қутқариш истаги. Бунинг учун у ўлмаслиги, то олий мақсади ушалмагунча ғанимларга тутқич бермаслиги, ўлимларни доғда қолдириб, халқининг, Ватанининг озодлиги, эркинлиги ва мустақил, тинч, осуда яшаётганлигига ишониб, уни ўз кўзи билан кўриб, ана ўшандан сўнг омонат жонини эгасига бемалол топширса — бу бахтли ўлим бўлар эди.

„Менинг юрт озодлиги ва халқимнинг бахту фаровон ҳаётини кўришда ва шу йўлда сўнгги нафасим қолгунча кураш майдонида от суришда, юртнинг жамики ғанимларининг барчасининг ёвузлик билан кўтарилган қиличларини қўлларидан уриб туширгунимга қадар куч ато қил, сабр бер, бардош бер, эй, Аллоҳим! Мен сенинг ер юзидаги адолат қиличинг, ердаги соянг бўлай, Парвардигори олам. Жабр-зулм, ҳақорат остида хору зор бўлган жамики фуқароларнинг ҳимоячиси ва халоскори бўладиган ҳукмфармолик ваколатини мендан дариф тутма эй, Аллоҳим, ўзинг яғонасан, сенга бу оламда таъриф йўқ. Сендан ўзга паноҳим йўқ!“

Ғанимлари томонидан Амир Темурни ўлдиришга қасд қилиш асосий ўринга чиққанлиги унинг пири Шайх Шамсуддин Кулолга илоҳий зоҳир бўлди. Пири комил Шайх Шамсуддин Кулол Амир Темурга сарой муҳитини кучлар тенг бўлмаганда зудлик билан тарк этиб, узоқ-узоқларга кетиш мас-



лаҳатини берди. Бу улуғ инсон Амир Темурга қуйидаги мактубини жўнатган эди: „Агар сендан кучли бўлган душманларингни енга олмасанг, қочиб қутулиш йўлини изла: буни Расулulloҳ айтган. Унинг нима учун Худо элчиси бўла туриб мушриклардан узоқлашиб, Мадинага ҳижрат қилганлигини эслаб кўр. Аллоҳ элчиси душманларидан кучсиз бўлгани учун Маккадан Мадинага кетиб, куч йиғгач, у ердан қайтиб келиб, ўз мақсадини амалга оширишга киришган эди. Сенга ҳам шуни маслаҳат бераман. Кучинг оз пайтида ўзингни чеккага ол, кучга тўлгач, ўзингни жанг майдонига ур!“

Амир Темур пирининг маслаҳати бўйича ҳаракат қилиб муқаддас Қуръони Карим китобини очди. „Қуёш ўзига қарор қилинган манзилга оқиб борадур: бу азиз ва олимнинг қароридур“ (Ёсин сураси 37-оят) оятига дуч келади.

Шундан кейин Амир Темур узоқ ҳудудларга жўнаб кетиш зарурлигини тушунди: „Демак Қуёш

бобо Шарқдан кетиб Ғарб томонга беҳудага бош қўймайди, мен ҳам Қуёшдан ўрнак олиб олис манзилга тез кетмоғим лозим“.

Амир Темур бақувват отига шахт билан минар экан, бир гуруҳ содиқ одамлари билан, шу кечасиёқ узоқ йўл босиб, Бекичак одамлари қўли етмас ҳудудлар сари от сурди. Ўзлари ва отлари ҳам ҳолдан тойгунча йўл юриб, қисқа дам олишларни ҳисобга олмаганда Қизилқум барханлари оша чўл ичкарисига кириб, инсонлар кўзидан йироқ уммонда кетиб бораётган якка-ёлғиз кемадек, тобора бепоён саҳро қаърига кириб, оқибат барханлар орқасида кўздан ғойиб бўлишди. Энди уларни Бекичак нўённинг олғир жосуслари тугул Қашқадарё ва Сурхон воҳаси, Самарқанду Бухоро оралиғи ҳудудларини ов қилишда тенгсиз исковуч итлар билан титигини чиқариб изласа-да, тополмайдиган жойга етиб олишди, бу ўлимга ҳукм этилган мақтуллар.

ХОРАЗМ, ТАҚДИР КЕМАМИЗ СЕН ТОМОН СУЗМОҚДА

Қизилқум ва Қорақум — Марказий Осиёнинг энг катта саҳроси. Турон ва Хуросон халқлари бу чўл тўғрисида қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуяди, дея беҳуда таърифламаган. Айниқса, ёзнинг жазирамасида бу чўллардан ўтаман дегувчилар ўлимини бўйнига олиб, сўнгра сафарга чиққанлар. Айниқса, от ва одамларга минглаб чақирим йўл юрганларида ҳам бир қултум сув анқонинг уруғидек топилиши мураккаб эканлигини ҳисобга олсак, Амир Темур ва унга ҳамроҳ бўлувчиларнинг тўртбеш ой кимсасиз чўлу биёбон оша сарсон-саргардон йўл юришлари қандай машаққатларга уланиб кетишини кўз олдига келтиришнинг ўзи инсон зотини сескантириши табиий бир ҳолдир. Айниқса, бир томчи сув олтидан қиммат, ҳаёт-мамот даражасига тенглашиб турганда чўл ичкарисига кириш.

Ҳатто ҳар бир саксовул бўйларининг бир-би-

ридан салгина баланд-пастлигини ва барханларнинг қанчалик бир-бирига ўхшаш бўлмасин, бирининг иккинчисидан фарқини топа оладиган моҳир овчилар ҳам бу саҳролар ичкарисига киришга ботина олмаган. Негаки, анча юрилгандан сўнг чўлбиёбон исталган одамни адаштириб, келган йўлини аниқлаш имконини бермайди. Чўлнинг энг хатарли жиҳати ҳам шундадир.

Амир Темур аввалда гоҳ фирромлиги, гоҳида душманлигини бирда яширин бўлса, бирда ошкор намоён этаётган қайноғаси Амир Ҳусайн билан шароит тақозосига кўра муғулларга қарши якдил курашиш масалаларида махфий яқинлашиш, иттифоқлашиш тўғрисида ишончли одамлари орқали алоқа боғлаган эди.

Фақат Амир Ҳусайн Амир Темурдан олдинроқ Хоразм чўллари ичида пинҳон бўлгач, таъқиб кучайган ҳолатда у билан бирлашиб ҳаракат қилиш-



Амир Темур ҳайкали.

Шаҳрисабз.







ОҚСАРОЙ МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИГИ

Оқсарой шаҳарнинг шимоли-шарқидаги бош майдонда жойлашган. Муҳташам, ҳашаматли бўлган бу сарой емирилиб, бизгача хароба ҳолга келган улкан пештоқи, икки чеккасидаги минораси, сарой пойдеворининг бир қисмигина сақланган. Пештоқ равоқининг эни 22,5 метр, баландлиги 40 метр, умумий баландлиги 50 метрдан ошади. Манбаларда қайд этилишича, бинонинг баландлиги 70 метрдан ортиқроқ бўлган.

Ёзма манбаларга кўра Оқсарой турар жой ва жамоат биноти сифатида қурилиб, хоналар ҳовли атрофида жойлашган. Шоҳ ва шоир, давлат арбоби ва буюк саркарда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг маълумотига кўра, ҳовли ўртасида ҳовуз бўлиб, тўғрида гумбазли катта хона — девонхона, ёнларида маслаҳатчилар учун кичик хона, ҳашаматли равоқли бостирмалар, ички томонида ҳарам ва амирнинг хонаси жойлашган. Девонхона пештоқида арслон ва қуёш тасвири ва Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат рамзи — уч ҳалқа шаклидаги нишони бўлган. Гумбаз ичи ва ёнларига, бурчаклардаги минораларга кошин-ғиштлардан қалқон шаклидаги гириҳ нақшлар ишланган. Бу нақшлар силлиқланган ғишт ва ферузарангли сиркор парчиндан ёзилган куфий хатлари замини йўғон кўк белбоққа ўхшаш мужассамотни ташкил этган. Оқсарой деворидаги ранглар жилоси, тарихий, фалсафий ва диний мавзудаги куфий, сулс ёзувлари, кошинкор безаклар, ислимий, гириҳ нақшларнинг ўзаро уйғунлиги бинога ажойиб ва сеҳрли мазмун бағишлаган. Ушбу саройнинг ранглари ой ёруғида жилоланиб оқариб кўринишидан Оқсарой деб номланган.

Саройнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — том тепасига ишланган ҳовуздир. Ҳовузга сув Тахтақорача довонидан қўрғошин қувурлар орқали оқиб келиб, ундан шаршара ҳосил қилган ҳолда пастга тушган.

Амир Темур Оқсаройга ўз салтанати қудрати тимсоли сифатида қараб:

„Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурдирган биноларга боқинг“ — деб бино пештоқида битик қилдирган.

Оқсарой. XIV аср.

Шаҳрисабз (Кеш).





**Соҳибқирон Амир Темурнинг пири
Шайх Шамсуддин Кулол сағанаси.**

*Манбаларда қайд этилишича,
Соҳибқироннинг падари бузруквори
Муҳаммад Тарағай баҳодир ҳам
ушбу мақбарага дафн этилган.*

Дор ут-тиловат мажмуаси.

Шаҳрисабз.







**Жаҳонгир Мирзо мақбараси.
Умумий кўриниши.**

Амир Темурининг биринчи сағанаси.

Жаҳонгир Мирзо сағанаси.

Умаршайх Мирзо сағанаси.

Дор ус-саодат мажмуаси.

Шаҳрисабз.





АМИР ТЕМУРНИНГ БИРИНЧИ ХИЛХОНАСИ

Хўжа Илғор қишлоғида таваллуд топган Амир Темурнинг ёшлик йиллари унга яқин бўлган (Кеш) Шаҳрисабзда ўтди. Бу шаҳарда Соҳибқироннинг отаси Амир Муҳаммад Тарағай баҳодир, онаси Такина Моҳ бегим, ўғиллари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо ва бошқа яқинлари абадий қўним топганлар. Шу боис Амир Темур ҳам Кешда ўзига атаб хилхона бино қилдирган эди. Аммо суронли ва долғали замон Амир Темурнинг бу ният ва мақсадларига ўзгаришлар киритди. Соҳибқирон умри поёнига етиб, ўзи дунёга машҳур қилган салтанат пойтахти Самарқандда мангуликка ором олмақда.

Маълумки, Амир Темур вафотидан кейин то чоризм ва шўро мустамлакачилигига қадар ёвлар Мовароуннаҳрга ўнлаб марта қаҳрли босқинлар уюштирди. Бундан нафақат шаҳар ва қишлоқлар, ажойиб мадрасалар, тарихий гўзал обидалар, балки Амир Темур хилхоналари ҳам қаттиқ зарар кўрди. Айниқса, Умаршайх Мирзо ва Соҳибқирон хилхонаси устига қурилган маҳобатли мақбаралар ҳам яқсон бўлди.

Натижада бу мақбаралар харобалари орадан салкам етти аср ўтиб, ер остида қолиб кетди. Ҳатто бу муқаддас жойда Умаршайх Мирзо ва Амир Темур хилхонаси борлиги одамлар ёдидан кўтарилди. Хилхоналар усти бир неча метр тупроқ қатлами билан қопланди.

Бахтли тасодиф, яъни теп-текис жойда қувлашмачоқ ўйнаб юрган болалардан бири кичкина тешикчадан сирғаниб, қандайдир чуқур ўра тубига тушиб кетади-ю, шу ҳодиса Амир Темурнинг Дор ус-саодат мажмуи яқинидаги хилхонаси очилишига сабаб бўлади.

Ҳайратга тушган маҳаллий аҳоли пала-партиш қазишни бошлайдилар. Улар бир оз ковлаш, қазиш ишларини давом эттирар эканлар, катта тош тобутга дуч келадилар. Номалум қабр тўғрисида шамолдек миш-мишлар тарқалади. Бу ҳатто Бухоро амири Музаффархоннинг қулоғига етиб (XIX асрнинг 60- йиллари ўрталари), амир ўз шахсий сарбозлари билан хилхона атрофини ўраб олади. Бу ерда катта хазина бўлса керак, дея тарқалган гапларга ишониб, хилхона атрофларини ғалвирдан ўтказди. Бойлик топа олмагач, афсонавий хазина тош тобут ичида бўлса керак, деган фикрда тобутни очишга фармон беради. Бироқ у ердан сариқ чақа ҳам топа олмайди. Аммо маҳаллий аҳоли орасида „Амир Музаффар хилхонадан беҳисоб бойлик хазинасини Аркига олиб кетганмиш, тош тобутнинг қопқоғига қадар соф тилладан ясалган экан“, тарзидаги миш-мишлар Бухоро хонлигида яшин тезлигида тарқалиб кетади.

1933 йилда ўзбек археологи, академик Я. Фуломов илк бор хилхонани археологик тадқиқ қилишга киришади. 1942 йилда эса машҳур археолог М. Массон хилхонада қайта қазилма ишларини бошлаб, „Сулс“ услубидаги ёзилган тош битиклар устида тадқиқотлар олиб боради. Археолог хулосасига кўра сулс битиклари ҳадислардан кўчирилганлиги аниқланади. Олимлар орасидан сағанани учинчи бўлиб текширган олим М. С. Андреев бўлиб, у хилхонанинг меъморий услубидан ҳайратга тушади ва тош тобутни Тошкентдаги Санъат музейига кўчириш гоёсини кўтаради. Аммо бу фикрни юқори доирага ўтказа олмай, хайрият у ўз ўрнида қолади.

XV аср бошларида салтанат пойтахти Самарқандга элчи бўлиб йўлга чиққан Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо йўл-йўлакай Кешда тўхтаб, Амир Темурнинг отаси Муҳаммад Тарағай баҳодир ҳамда онаси, ўғиллари Жаҳонгир Мирзо, Умаршайх Мирзо ва ўзи учун ҳам маҳобатли мақбара, сағаналар қурдирганлиги, уларни зиёрат қилганлиги, сўнгра Самарқанд сари йўлга чиққанлигини ўз „Кундалик“ саёҳатномасида таъкидлайди.





Амир Темурнинг ўрта асрлардаги
миниатюраларда ифодаланиши.

Муаллифлар:
Т. Болтабоев ва Ғ. Камолов.

Амир Темур номли моддий-маданият
тарихи музейи фондидан.

Шаҳрисабз.



Мўғуллар қишлоқларга ўт қўймоқда.

Муаллифлар:
А. Сатторов. И. Валихўжаев.

Амир Темур номли моддий-маданият
тарихи музейи фондидан.

Шаҳрисабз.





Амир Темур оилавий тарбия муҳитида.

*Муаллифлар:
Д. Жўраев, А. Сатторов.*

•
Амир Темур номи моддий-маданият
тарихи музейи фондидан.

Шаҳрисабз.



**Амир Темур Шайх Шамсуддин
Кулоддан сабоқ олмоқда.**

*Муаллифлар:
В. Прошена, А. Сатторов.*

•
Амир Темур номи моддий-маданият
тарихи музейи фондидан.

Шаҳрисабз.





„Лой жанги“.

Муаллифлар:
Т. Намозов, А. Сатторов,
Д. Жўраев, Й. Сатторов.

Мўғуллар солиқ йиғишмоқда.

Муаллифлар:
Н. Жўраев, А. Сатторов.

Амир Темур Саййид Баракадан давлат рамзларини қабул қилмоқда.

Муаллифлар:
Т. Намозов, А. Сатторов,
Ф. Ҳайдаров, С. Раҳимов.

Амир Темурнинг Тўхтамишхон устидан ғалабаси.

Муаллифлар:
Д. Жўраев, А. Сатторов.

Амир Темур номли моддий-маданият тарихи музейи фондидан.

Шаҳрисабз.









„Лой жанги“.

Муаллифлар:
Т. Намозов, А. Сатторов,
Д. Жўраев, Й. Сатторов.



Амир Темурнинг Ибн Холдун билан суҳбати.

Муаллифлар:
У. Неъматов, А. Сатторов,
Н. Пирназаров.

Амир Темур ва Боязид Йилдирим.

Муаллифлар:
Т. Намозов, Ф. Ҳайдаров,
А. Сатторов.

Амир Темур шатранж ўйнамоқда.

Муаллифлар:
Т. Намозов, А. Сатторов.

Амир Темур номли моддий-маданият тарихи музейи фондидан.

Шаҳрисабз.





АБУ УБАЙДА ИБН АЛ-ЖАРРОҲ ЗИЁРАТГОҲИ

„Бу улуг инсон „Расулуллоҳнинг ўнг қўли“, „Энг ишончли кишиси“ ва „Умматнинг омонатдор кишиси“ каби мақоматлар даражасига кўтарилган. Бу муборак сўзлар пайгамбаримиз Расулуллоҳнинг саҳобалари тилларидан сифатланган.

Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ Расулуллоҳнинг тансоқчиси ва қўшинининг Бош қўмондони сифатида Аллоҳ элчиси (с.а.в.) билан мушрикларга қарши барча жангларда иштирок этиб, ислом оламида шуҳрат қозонган. Мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб, Расулуллоҳ таҳсинига сазовор бўлган.

634 йилда Абу Бакр Сиддиқ вафот этгач, ўрнига Умар ибн Хаттоб тахтга келди. Бу даврда қудратли Шарқий Рим империяси (Византия) билан халифалик ўртасида Сурия, Иордания, Ливан, Фаластин ҳудудлари учун даҳшатли жанглар давом этди. Урдун яқинида Ислом лашкари Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ Бош қўмондонлигида византияликлар билан оғир жанг бўлди. Бу жангда византияликлар мағлуб этилди. Бунда Бош қўмондон янги ҳарбий тактика қўллаб ва шахсий жасорат кўрсатиб, ислом лашкарига намуна бўлди.

Ислом оламида катта шуҳрат қозонган Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ 639 йилда Урдуннинг Бийсон мавзеида 55 ёшида вабо касалидан вафот этди.

Ғоят жасур ва мард, адолатпарвар ҳамда тўғрисиўз бўлган бу ажойиб инсон тарихини ўрганган Амир Темур Урдун яқинида Бийсон мавзеидаги Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ қабрини зиёрат қилар экан, хокидан олиб келиб юртида рамзий қабр ва маҳобатли мақбара барпо қилдирди. Шундан буён Абу Убайда ибн ал-Жарроҳ зиёратгоҳи муқаддас маконлардан бирига айланди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳар бир юришларидан ғалаба билан қайтар экан, бу улуг инсон ҳақида дуо ўқиб, етим-есир, бева-бечораларга эҳсонлар улашган.

Мустақиллик даврида Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И. А. Каримов ташаббуслари билан зиёратгоҳ майдони кенгайтирилиб, катта ободончилик ишлари амалга оширилди. Зиёратгоҳ қошида ноёб китоблар, жанговар қуруллар ҳамда турли хил нодир экспонатлар (буларнинг аксарияти шу масканда археологик қазишмалар жараёнида топилган) тўпланиб, музей барпо этилди.







Сардоба
XIV аср.

Қарши.





ни мураккаб шароитнинг ўзи тақозо қилмоқда эди. Чўлда яшаб қолиш яқдил бирлашишни талаб қиларди.

Амир Темур билан сафарда энг сара ва жанговар йигитларидан ташқари жанглarda шерлардек олишадиган Амир Туғай Буғо Барлос, Ҳожи Сайфуддин Никударий, Амир Доимчи ва Амир Садрлар ҳам Амир Темурга ҳамроҳлик қилаётган эдилар. Улар урхо-ур, дея хайқириб жанг майдонига кирганларида ҳар қандай ғанимларнинг ва жоҳатидан оёқ-қўли бўшашган душманлари юрагига гулгула соладиган баҳодир жангчилар эдилар.

Амир Ҳусайнни топиш ва у билан ихтиёридаги кучларни бирлаштириш Амир Темур учун сув ва ҳаводек зарур эди. Бундай учрашувга Амир Ҳусайн ҳам Темурбекдан кўра зарурат сезмоқда эди. Кўзлари тўрт бўлиб куёвини кута-кута ҳолдан тойган, Хива яқинидаги овлоқда жойлашган қишлоқ яқинида ўз одамлари билан чодир тикиб, бу ёғига нима қилишни билмай боши қотган эди, қайноғанинг.

Бухоро тарафдан Чоржўй тарафга йўл олиб, унинг атрофларидан қайноғаси дарагини топмаган Амир Темур чўл ва йўл азобининг неки машаққатлари бўлса, барчасини бошларидан кечириб, Хоразм ҳудудига кириб келдилар. Бу қадим машҳур юрт ҳудуди бўсағасида аҳвол яна оғирлашди. Элчи баҳодир Туғай Буғо Барлос ва Ҳожи Сайфуддиннинг отлари йиқилганларича ўрнидан турмаган, уларни сўйиб гўштини емиш қилиш учун олиб кетаётган десалар, қолган отлар ҳам, одамлар ҳам тамомила ҳолдан тойган. Ортиқча бир килограмм юк ўн ботмондан оғир. Тириклайин ташлаб кетилса, саҳро қашқирларига ем бўлади. Агар бир неча соат ичида бўриларга ем бўлмай ҳолдан тойган жониворлар ўзларига келсалар, орқамиздан етиб олар, деган фикрда улар қолдириб кетилди.

Хазорасп қалъасига етиб келган Амир Темур ва унинг ҳамроҳлари бу ердан ҳам Амир Ҳусайннинг изини топа олмай хуноб бўлган чоғда улар-

нинг хоразмлик эмаслигини билган қалъа карвонсаройи бошлиғи улардан „йўл бўлсин“, деб сўради. Амир Темур ўзларидан бир неча ҳафта олдин Хоразм тарафга йўл олган шерикларини излаётганлигини билдирди. Ҳамма янгиликлардан ўша пайтларда биринчи бўлиб хабар топадиган жой карвонсарой бўлгани учун саройбон уларни кўргани ва Хевак тарафга жўнаб кетганлигини таъкидлади. Амир Темур ўз гуруҳини дарҳол ўша томонга бошлади. Анча изланиш ва сарсонгарчиликдан кейин калаванинг учи топилди. Хазорасп Хива йўли қалъа этагидаги Поёб қишлоғига яқин жойдан Амир Ҳусайннинг дарағи топилди ва ниҳоят улар тиккан чодирлар ҳам яққол кўринди.

Амир Ҳусайн ва Амир Темур бир-бирларини кўришлари билан шамол тезлигида отдан ирғишиб, бир-бири томон талпиндилар. Узоқ юрилган азобуқубатли йўллар, бошдан кечирилган оғир дардаламли кунлар бирпасда унут бўлиб, чарчоқлар ёзилди.

Бунинг барчасига қувончли учрашув сабаб бўлди. Инсонларнинг табиати шундай, ҳар қандай қувончни тасодифий ғам ва фалокат йўққа чиқаришга қодир бўлганидек, ҳар қандай ғамни қувончли ҳодиса бартараф қилишга қодир.

Ўша тунда катта гулхан ёқилиб, ҳар икки томон бошларидан кечирган воқеа-ҳодисалар ҳақида гурунгу суҳбатларини олов янглиғ узоқ қизитдилар. Қувончли учрашув учун Яратганга ҳамду сано айтишди ва шукроналик келтирдилар.

Аммо Поёб қишлоғи этагидаги шодлик узоққа бормади. Хурсандчилик ошига пашша тушгандек орадан икки-уч кун ўтар-ўтмас Хевак ҳокими Таваккал ўз ҳукмидаги мулкида пайдо бўлган чақирилмаган меҳмонлар — ҳар икки амирнинг адабини бериб қўйиш учун мингта аскар билан Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг бор-йўғи олтмиш жангчиси устига тўсатдан ҳужум бошлади.

Яхшиямки қоровуллар ҳушёр турган томондан ҳужум бошланганлиги боис соқчи ўз бурчини ба-

жариб, амирларни огоҳ қилиб қолишга улгурди. Зудлик билан ҳаракат қилиниб, чодир атрофида қаттиқ мудофаа жангини олиб боришга киришилди. Шунини таъкидлаш лозимки, туркийларда қадим-қадимдан аёллар ҳам от чопиш, қиличбозлик, ёйдан ўқ узиш ва ханжар билан яқинлашиб келган ганимни нишонга олиб, ундан ҳимояланиш каби жанговар усуллардан хабардор бўлишлари шарт бўлган. Чунки аёллар эркаклар жангда ёхуд дала ишлари билан банд бўлганда хонадонга тасодифий бостириб кирган талончи, ўғри-муттаҳам кабилар билан олишиб, уйи, болалари ва ўзини тажовузлардан қўлдан келганча ҳимоя қилишлари лозим эди.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Ҳар икки амирларнинг аёллари эрлари ёнида жанговар совутларини кийганича жангларда охирига қадар иштирок этдилар.

Уларнинг бири Амир Ҳусайннинг хотини Дилшод оқа, иккинчиси эса унинг синглиси, яъни Амир Темурнинг суюкли хотини Ўлжой Туркон оқа эди.

Ҳар икки амир бошлари устида ўлим шарпаси таҳдид солаётган қочиш, қувилиш азобларини тортаётган бир вақтда уларнинг аёллари ўз эрларининг дарду аламларига шерик, айни дамда, уларга малҳам бўлишга аҳд қилган эдилар.

Хевак ҳокими Таваккалнинг катта лашкари ҳужумини бор-йўғи олтмиш одам билан қайтариш ақлга сифмайдиган иш. Айни пайтда, бу бор ҳақиқатдир.

Айниқса, Амир Ҳусайн Таваккалнинг лашкари ҳаддан ортиқлигини кўргач, руҳий тушкунликка тушди. Амир Темур эса, аксинча, жасур жангчигина эмас, барчани ўз кетидан эргаштиришга қодир қўмондон сифатида баҳодирларини шиддат билан жангга бошлаб, Таваккалнинг ўзи бошлаб келаётган Марказий қисм лашкарига шиддат билан ташланди. Ханжардек ёриб кириб, олдида учраган ганимни жаҳаннам қаърига жўнатиб, ниҳоят Таваккалнинг ўзи билан юзма-юз келди.

Амир Темурни ҳимоя қилаётган жасур жангчилар Таваккалнинг хос қўриқчиларига ғазаб ота-

шини чақнатиб, майдонда Рустами Достон мисоли жанг оловини алангалатдилар. Бундан фойдаланган Амир Темур Таваккалнинг ҳолини танг қилиб, бутун маҳоратини ишга солиб, Хевак ҳокимини ниҳоят ҳолдан тойдирди. Амир Темур юзма-юз турган ганимининг аҳволи ҳолатини юз-кўзи ва қилич ҳаракатларидан ботиний жиҳатдан ўқий оларди. У билдики, яна бир неча бор қуюндек ташлансам, Таваккал адо бўлади. Амир Темур ўйлаганидек ҳодиса рўй берди, яъни Соҳибқирон қиличи зарбини Таваккал зўр-базўр қайтарар, ҳар қилич зарби келиб тушганда ўз мувозанатини йўқотиб, отдан ағанашига бир баҳя қоларди. Ниҳоятда ғазаб билан урилган қилич зарби ўз ишини оқибат амалга оширди. Таваккалнинг қалқони пачоқ бўлиб, унинг қалқон дегулик жойи қолмади ва у елкасидан ярланди. Охирги зарбада Таваккал том тепасидан тош ташлагандек гурсуллаб йиқилди. Амир Темурнинг Таваккални сафдан чиқариши жангчиларининг руҳига қаттиқ салбий таъсир қилди. Аксинча, Амир Темур ва Амир Ҳусайн жангчиларининг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилиб, жанг майдонини ларзага солиб, ганимларини ер тишлатдилар.

Натижада Таваккалнинг олдинги сафдаги жангчиларидан жуда кўпчилиги қириб ташланди. Орқароқдаги жангчилар эса энди жанг қилишдан ҳеч қандай наф йўқ, деган фикрда отлари жиловини орқага буриб, жонини қутқариб қолишни афзал билдилар.

Бироқ Амир Темур ва Амир Ҳусайннинг шундоқ ҳам кам жангчиларининг асосий қисми ҳалок бўлди. Ҳар икки амирнинг тирик қолган жангчилари ўн кишидан сал ортиқ эди, холос. Не илож, жанг қурбонсиз бўлмайди. Жанг майдони талаби ва ҳосиласи ўлим, қон ва танани тилган оғриқ зарбига бардош беролмаган, бера олмаётган ярадор жангчиларнинг оҳ-воҳлари ва ана шунинг эвазига келадиган ғалаба.

Бир-бирига қарши душманлик туғини кўтарган ҳудудда қолиш мумкин эмас, нима қилиш ке-



рак? Аксига олиб ярадорларга дори-дармон зарур, акс ҳолда яралар газак олиб, хунук воқеалар юз бериши аниқ эди.

Амир Темур ва Амир Хусайн ҳозирги шароитда Самарқанд ва Кешга ҳам, Қаршига ҳам бора олмаймиз, негаки у ердаги аҳволни умуман билмаймиз. Шунинг учун Бухоро ва унга яқин овлоқ, кўзга ташланмайдиган маҳалла ёки чеккароқ бир қишлоққа бориб, Бухорога келадиган карвон савдогарларидан Мовароуннаҳр сиёсий ҳолатини билайлик, шундан сўнг бир оз ўзимизга келиб олгач, аниқ бир қарорга келиб ҳаракат бошлаймиз, дея келишиб олдилар.

Аммо Хоразм воҳаси билан Бухоро орасидаги масофа ҳам адоқсиз чўлу биёбон, шу масофада кўчманчи туркманлар, йўлтусарлар, қароқчи-қасанғилар изғиши, замон зайлига кўра яхшилардан кўра ёмон тўдалар барханлар орасида уя қуриб олганлиги, бу аҳволни баттар оғирлаштиради. Алғовдалғовлик даврида уларни тийиб турадиган, тартибга соладиган Марказлашган кучли давлат бўлмагандан кейин шундай ёвуз гуруҳларнинг пичоғи мой устида, ҳеч ким уларнинг мушугига пишт дея олмайди.

Бунинг устига-устак кимсасиз чўлда уруш-талашдан, жангу жадалдан кейин яна узоқ сафарга тайёргарликсиз, дори-дармонсиз ва озиқ-овқат танқислиги шароитида саҳрони кесиб Бухорогача етиб бориш, бу ҳам азоб-уқубатнинг ўзидир.

Бироқ бошга тушганини кўз кўрар, қабилида иш тутиб, таваккал қилишдан ўзга илож йўқ. Хиванинг янги ҳокими ҳам Таваккалнинг юришини такрорлаб ҳужум уюшгирса, ҳаётдан умидни узишдан ўзга илож йўқ. Ҳар қандай шароитда ҳам бу ерни тарк этиш шарт.

Амир Темур ва Амир Хусайн ҳамда унинг жангда тирик қолган бармоқ билан санарли ҳамроҳлари ўзида минг хил сир-синаотни пинҳон сақлаган бепоён саҳро ичкарасига кириб, ниҳоят барханлар орқасига ўтиб, қишлоқ аҳли кўзидан узоқла-

шиб борар экан, тун ҳам заминга ўзининг зулмат ҳукмронлиги сепини ёйган, чўлда саҳро ҳашаротларининг чириллаши, чиябўри ва бўриларнинг увуллаши каби ўзига хос тун муҳитида илгарилаб бормоқда эдилар.

Жангдан сўнг узоқ йўл босиб, оч-наҳор келаётган гуруҳ катта саксовул олдида тўхтаб ҳордиқ чиқариб, тонг отишини кутишга қарор қилди. Чўлда йиртқич ҳайвонлардан ҳимояланишнинг ягона йўли олов бўлиб, барча эркаклар саксовул кесишга тушишди. Ўткир қиличларда уни кесиш унчалик қийин иш эмас. Аммо ўзлари зўр-базўр судралиб ҳолдан тойган инсонларга бу ҳам осон эмасди. Ниҳоят, гулхан ёқилиб, навбатчи соқчилардан бошқа барча бир нафасда пинакка кетди. Шу лаҳзаларда бу инсонлар учун ана шу уйқудан ширин нарса йўқ эди, дунёда.

Эрта тонгдан яна йўлга отланилди. Тушда бир оз тамадди қилинганча, барханлар оша илгарилаш давом этди. Фақат тушдан кейин кўчманчи туркманларнинг ёнма-ён тикланган чодирлари кўринди.

— Бу кўчманчилар овули, — деди Амир Темур қайноғаси Амир Хусайнга.

Кўчманчи туркманлар жуда жангари бўлишини Амир Темур қайноғасига уқтирди. Ҳақиқатан кўчманчи туркманлар жуда эпчил, жанговар, овули атрофида пайдо бўлган ҳар қандай бегоналарни ишончсизлик билангина эмас, ганимлик жабҳасида тиш-тирноғигача қуролланган ҳолатда кутиб олганлар. Кўпинча бундай бегоналарни асир олиб, ўтаётган карвон эгаларига сотиб юборардилар. Учрашув ёвсирашлик билан бошланиб, оқибати жангга айланиб кетди. Яхшиям, тасодифни қарангки, тез-тез Бухоро ва Кеш бозорларига бориб турадиган кўчманчи туркманлар овули сардори Амир Темур билан таниш чиқиб, жанг энди авж палласига етганда, бир-бирини таниб қолдилар. Биринчи бўлиб Амир Темур бунга эътибор бериб: „Қардош Ҳожи оғо, сизмисиз?“, дейди унинг зарб билан урган шамширини қиличи билан тўсиб тўхтатар экан.

— Қайси шамол сизни бу ёқларга учуриб га-
лер Темурбек?

Бу ҳолатдан барча ҳангу манг бўлиб, бошлан-
ган жанг таққа тўхтади. Фанимлик тугаб, „Азиз
меҳмонлар, хуш келибсизлар, танимасни сийламас“,
деб одобсизлик қилиб қурол кўтарганлиги учун узр
сўради барча йигитлари номидан Ҳожи Муҳам-
мад сардор. Амир Темур ҳам ҳаётда бундай анг-
лашилмовчиликлар бўлиб туришини айтиб, „хижо-
лат тортманг, бек оға“, дея тасалли берди Ҳожи
Муҳаммад сардорга. Кўчманчиларда шундай яхши
одатлар ҳам бор эдики, агар қариндош ёки дўстлар
бир овулдан бошқа бир овулга меҳмон бўлиб кел-
салар, мезбон уч кунгача меҳмондан қачон кетиши
ҳақида ҳеч нарса сўрамаган. Иззат-хурматини қо-
йилмақом қилиб ўрнига қўйганлар, бу урф амалда
эди.

Ҳожи Муҳаммад катта кўчманчи туркманлар
овули сардори бўлгани учун моддий томондан жуда
бақувват, сурув-сурув қўй, мол, йилқи подалари бор
эди.

Ҳожи Муҳаммад Амир Темур ва Амир Ҳусайн
ҳамда уларнинг ҳамроҳларига кетиш олдидан от-
улов, озиқ-овқат маҳсулотларидан бир неча кунга
етадиган қилиб уловлари хуржунларини тўлдириб,
катта ёрдам кўрсатди. Амир Темур ва унинг йи-
гитлари жуда миннатдор эканлигини билдириб, яна
йўлга тушдилар. Улар бу адоқсиз чўлдан қутулиб,
кўм-кўк яшнаган дарахтзорлар соясида дам олиш
насиб қиладиган кунларни жуда ҳам соғиндилар.
Ҳар бир нарсанинг қадри уни қўмсаганда янада
ошади. Неча ҳафта бўлдики, уларнинг кўрган-бил-
гани поёнсиз саҳро, унинг рамзи эса ҳар жойда
қаққайган саксовулар, от-улов учун фақат янтоқ,
баъзида эса иссиқдан қутулиш учун тезда югуриб,
ини ёки саксовул соясига ўзини ураётган калтаке-
сакдан ўзга жонзот йўқ. Ниҳоят ўнлаб чақирим
йўл юрилгач, гуруҳ яна бир туркман кўчманчилари
овулига яқинлашиб келди. Қумдан ҳосил бўлган
тепаликда икки одам ҳориб-толиқиб йўл азобидан

қийналиб келаётган одамларнинг узоқлардан йўл
босиб келаётганини англадилар шекилли, дарҳол
биттаси кўздан ғойиб бўлди.

— Шунга қараганда бу ерда бир нохуш воқеага
дуч келмасайдик, — деди Амир Темур қайноғасига
қараб. Амир Ҳусайнбек ҳам: — Менинг кўнглим
ҳам қандайдир хавф-хатарни ҳис қилгандай бўляпти,
деб куёвининг гапини маъқуллади. Уларнинг хавф-
сираши бежиз бўлмади. Орадан сал фурсат ўтмай,
ўша тепаликка отлиқ ва пиёдалар тўпланиб чиқиб
келишди.

Демак, ҳалиги икки одамнинг бириси бошлаб
келган уларни. Бунинг устига улар жанговар ҳолатда
эдилар. Тумонат кўчманчи туркманлар Амир Те-
мур ва Амир Ҳусайн гуруҳини ўраб олдилар ва
қаршилик кўрсатсалар ҳаш-паш дегунча қириб таш-
лашларини айтиб огоҳлантирдилар. Улар шу ердаёқ
қуролсизлантирилиб, овул сардори олдига олиб бо-
рилди. Овул сардори Жони Қурбоний асир ва
ўлжаларни кўриб хурсанд бўлди. Унинг кўриниши
басавлат, кўз қарашларида қувлик аломатлари яққол
сезилиб турар, одамларга меҳр кўрсатишдан кўра
мол-дунё талабида нафси тийилмаган одамлигини
салгина сезгирроқ одам дарров илғаб оларди.

Асирларга бир оз тикилиб турган Жони Қур-
боний ўзини таништирди: „Мен Моҳон ҳокими
бўлурмен, сизларнинг кимлигингизни то ўзим аниқ-
ламагунимча қамоқда сақланасизлар. Амир Темур
ҳам, Амир Ҳусайн ҳам:

— Сўрайверинг, биз ўзимиз ҳақимизда хоҳла-
ганингизча маълумот берамиз, — дейишди.

— Ҳар қандай ҳоким фуқаронинг ҳақ ва адо-
латли сўзини тинглаши керак-ку, Сиз эса ҳе йўқ, бе
йўқ қамоқ тўғрисида гапирасиз. Бу инсофдан эмас-
ку ахир, — деди Амир Темур жаҳли чиқиб. Шун-
да Жони Қурбоний ғазаб ва писанда билан ўз
одамларига қараб: „Бунисининг тили узун экан,
кимсан Моҳон ҳокимига ақл ўргатяпти“, деди.

Сўнгра Амир Темурга истехзо билан: „Сен
муғаллимга ўхшайсан, мен сендақаларнинг ақлига



зор жойим йўқ“, дея йигитларига буйруқ берар экан, „уларнинг ақлини киритиб қўйинглар, ана шунда калласи тиниқлашиб, йўлларида адашмайдиган бўлишади. Зиндонга олиб бориб тиқинглар буларни“, деб буюрди. Энг ёмони шу эдики икки мўмина аёл — Амир Хусайннинг суюкли маликаси Дилшод оқа билан Амир Темурнинг хотини Ўлжой Туркон оқа амирларнинг ҳамроҳлари билан бир зиндонда тунашга мажбур этилди. Зиндон дегани — чуқурлиги чамаси тўрт метрлар қилиб қовланган, бурга, қурт-қумурсқа босган исқирт ва зах ертўладан иборат қамоқхона экан.

Қамалганлар бирин-кетин нарвондан пастга туширилиб, сўнгра нарвон чиқариб олинди.

Шу тариқа Моҳон ҳокими Жони Қурбонийнинг зиндонидаги ўтган кунлар ҳар икки амир ҳаётидаги энг қора кунлар бўлди. Айниқса, аёлларга жуда қийин бўлди. Дунёнинг ҳеч бир жойидан бу қамоқдагидек бузилган ҳаволи, инсон соғлиғини кун-бақун емирадиган зиндонни топиш мушкул эди. Биринчилардан бўлиб бу ерда Амир Темурнинг хотини Ўлжой Туркон оқа касалланди. Шу гайринсоний маконда Амир Темур ва Амир Хусайн ҳамроҳлари билан раппа-расо 62 кун дунёнинг энг қўланса, дўзахсифат жойида ақдан озиш даражасига яқинлашиб, жаҳаннам азобида яшадилар. Инсон зотини бундан ортиқ хўрлаш бўлмас. Яхшиямки, улар бахтига Жони Қурбонийнинг акаси укасидан хабар олгани меҳмон бўлиб келади. Амир Темур ва унинг ҳамроҳлари азобли зиндон ҳибсида ётганлигини шу ерда эшитиб, укасига уларни тезда озод қилишни маслаҳат беради. Аммо ўжар ука аканинг ҳам маслаҳатларига қулоқ солмай, билганидан қолмайди. Ҳатто укасининг тош бағри юмшар, дея Амир Темурнинг катта боболари Қорачар нўён ва Қочули баҳодирлар барчаси бизнинг арғун уруғимиздан тарқалган қавмимизга доимо ёрдам бериб келган ва бизнинг бугунги авлод, яъни бизлар улардан қарздор бўлиб келяпмиз, шунинг учун уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйиб, юр-

тига совға-саломлар билан жўнатишга бурчлимиз, деса ҳам пинагини бузмади. Укаси Жони Қурбонийнинг бу ишидан хафа бўлган Ҳожи Муҳаммад Моҳоннинг доврўқли эшони Муборакшоҳ Санжарий овулига отининг жиловини буриб, Амир Темур ва унинг дўстларини ўша обрўли инсон орқали озод қилишга жазм этди. Эшон нафақат Моҳондагина эмас, балки Марв, Чоржўй, Карки каби вилоят ва қалъаларда ҳам машҳур руҳонийлардан эди. Ҳатто вилоят ҳокимлари ҳам унинг маслаҳатларига қулоқ соларди. У билан Ҳожи Муҳаммаднинг яқинлиги бор эди. У бу ҳақда Ҳожи Муҳаммаддан бор ҳақиқатни билгач, ярим саҳифалик мактуб битиб: „Катта боболаринг бошини силаб келган Амир Темур аждодларининг руҳини чирқиратишинг, бизнинг уруғ ва қабиладош аждодларимиз руҳини чирқиратиш билан тенг. Сенга маслаҳатим шуки, ушбу мактуб бориб қўлингга тегиши билан уларни озод қил ва бирор ҳафта егулик, от-улов кабилар билан таъминлаб, улар Карки қарвон йўлига тушиб олгунларича йўл кўрсатувчи одамингни қўшиб юбор“.

Эшон Муборакшоҳ Санжарий, дея имзоси устига бармоғи босилган мактубни икки буклаб: „Укангизга етказинг“, деб Ҳожи Муҳаммадга тайинлади. Мактубни олган Жони Қурбоний ҳовуридан тушиб хизматкорни чақиртирди.

— Эшонимиз илтимосини қайтариб бўлмай-дур. Маҳсубларни зиндондан чиқаринг-да, менинг олдимга келтиринг, — деб буюрди.

Афтода ва қоқ суякка айланаёзган маҳбуслар икки ойу икки кунлик жаҳаннам азобидан шу тариқа озод бўлишди. Ҳожи Муҳаммад: „Эшонимизга узоқ умр тилангиз, унинг номини доимо дуои аҳдингизга қўшиб умрбод бу ишидан миннатдор бўлинглар“, деди.

Моҳон ҳокими чин дилдан бўлмаса-да, бу англашилмовчилик бўлди меҳмонлар, инсон борки хом сут эмган банда, ҳатто Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳам хато қилганлар, дея „кечиринглар“, сўзини ай-

тишга тили бормаёй, одамзод ибтидоси камчилигини эслатиш билан ўзининг ғайриинсоний ва шафқатсиз қилмишларини ихота қилмоқчи бўлди. Сўнгра: „Сафарингиз олис, яхшилаб тамадди қилиб олгач, кейин йўлга тушасизлар. Йўл анжомларингизни ҳам шунгача тайёрлатиб кўюрман“, деди Жони Қурбоний. Кетиш чоғи йўл бошловчисини чақириб, то Карки карвон йўлигача уларни кузатиб қўйишини ишончли одамига тайинлади. Қайсики кўчманчиларда буларга нисбатан таҳдид аломати сезилса, Эшон Санжарийнинг одамлари эканлигини айтиб, мактубини далил қилиб кўрсатишини таъкидлади. Кетишолди хайрлашув чоғида Амир Темур Ҳожи Муҳаммадга қараб: „Оға биздан қайтмаса, Худодан қайтсин, бу яхшилигингиз ҳеч унут бўлмайди, — дея унинг елкасини меҳр билан силаб, бағрига босди. Ҳаммаси учун катта раҳмат. Ҳозирча шу сўзимиздан бўлак бисотимизда ҳеч нарса йўқдир оға“.

Бу қалбдан отилиб чиққан сўзлардан ғоят таъсирланган Ҳожи Муҳаммад савобли ишидан ўзида йўқ хурсанд бўлиб, анча йўлгача чексиз азобларни бошидан кечирган бу инсонларни кузатиб, ўзини қушдек енгил ҳис қилганича орқасига қайтди. Кетаётиб ўқтин-ўқтин орқасига қараб кўяр экан, Амир Темур ва унинг дўстлари барханлар ортига ўтиб кўринмай кетгач, отига қамчи уриб, шамолдай учишига эрк берди. Эшонга келиб ҳамма иш силлиқ кўчгани ва улар Карки карвон йўли томон жўнаб кетганлигини айтди.

— Баракалла, Ҳожи Муҳаммад, хўб савоб иш қилдингиз. Бошига ғам-ташвиш тушганларни ҳимоя қилишдан кўра яхшироқ савоб бўлмас.

— Мен эмас, аслида бу сизнинг хизматингиз бўлди Эшон бобо.

Икки бағрикенг инсон бир-бирининг кўнглини шу тариқа овладилар.

Амир Темур ва Амир Ҳусайнга уларни бошлаб келган туркман: „Карки карвон йўлидан бир оз бериоқда яна бир туркман чорвадорлари овули бор, унга яқин қолдик. Унинг сардори ҳам Эшони-

мизнинг яқин одами, мен сизларни ўша сардорга рўбарў қилиб орқамга қайтаман“, дея уларни огоҳлантирди. Яна бирор соат йўл юргач, ўша айтилган овул ҳам кўринди. Айтган сўзи устидан чиққан йўл бошловчи овул сардори билан уларни учраштириб: „Булар Эшонимизнинг яқин танишлари, уларни дам олдириб, кўноқ бергач, карвон йўлига чиқариб қўйишни у киши сизлардан илтимос қилдилар“, деди.

Сардорга меҳмонларни топширгач, йўл бошлаб келган туркман орқасига қайтиб кетди. Шу кечаси меҳмондорчилик қуюқлигидан билдиларки, туркман кўчманчилари эшон зотини пир ўрнида кўришлари, қаерда бўлсалар-да, уларнинг сўзи ерда қолмаслиги, ҳатто уларнинг қораси кўриниши билан улар олди-дан йўлни кесиб ўтмаслиги, ҳурматини барча бирдай жойига қўйишининг яна бир бор гувоҳи бўдилар.

Эрталаб туркман овулини тарк этиб йўлга отланган амирлар катта карвон йўлига чиқиб олдилар. Шу ерда Амир Темур қайноғаси Амир Ҳусайнга мурожаат қилди: „Синглингизнинг аҳволи оғир. Мен ҳар қандай шароитда ҳам Бухорога етиб олиб, яхши табибларни топиб, уни даволатишим зарур. Қолаверса, Бухорои Шариф менинг онаизоримнинг туғилган юрти. Аждодларим ва пиру авлиёлар мазоротларини зиёрат қилиб кетишни ният қилганман. Сизнинг бундан кейинги режангиз қандай?“

Амир Ҳусайн Хуросон тарафга кетиб қўшин йиғиши, айниқса, Гармсир ва Хурманд вилоят ҳудудларида ишончли одамлардан жанговар кучлар ва захиралар йиғиб туришга топшириқ бериб кетганлигини билдирди.

— Ундай бўлса йўлимиз шу ердан иккига ажралади, — деди Амир Темур қайноғасига.

— Мен эса, худди шундай жанговар гуруҳ тузишни Мовароуннаҳрда амалга ошироқчиман. Сўнгра яна алоқа боғлаб, кучларни бирлаштириб Мовароуннаҳр ва Хуросон заминидан мўғуллар зулмини илдизи билан суғуриб ташласак дегандим.



— Худо шоҳид, биз бирлашсак, албатта ғанимларга бас келадиган кучга айланамиз, — деди Амир Хусайн.

— Халқимиз, қолаверса, ўзимиз ҳам инсон зоти кўрмаган азоб-уқубатларни тортганча тортдик. Қачонгача шундай ғурбатда ҳаёт кечирамиз, бундай адолатсизликка албатта чек қўйишимиз лозим, — дея Амир Темур унинг сўзини маъқуллади.

— Бу сўзларни ҳужжат қилай десак, ҳар иккимиз ҳам муҳримиз йўқ амирлармиз, — деди Амир Хусайн. Шунда Амир Темур:

— Муҳр йўқлигидан ўқсинманг, оғажон. Ундан-да зўр ҳужжат қиламиз. Ана шу катта карвон йўли не-не улуғларни Мовароуннаҳр ва Хуросонга элтмаган, не-не Ватан, эл-улус тақдирини ҳал қилувчи воқеаларга гувоҳ бўлмаган дейсиз, — дея белидаги ханжарини сопидан суғуриб олар экан, қадим туркий аждодларимиз удумига амал қилиб, — мен қариндошчилик ва дўстлигимиз ҳурмати синглингиз, яъни менинг суюкли маликам Ўлжой Туркон оқа гувоҳлигида қасам ичиб, уни қоним билан мустаҳкамлайман, кафтимиз саҳифа, қалам ўрнида ушбу қўлимдаги ханжаримдир, — дея чап қўли кафтини очиб уни тилди, тизиллаб қон отилиб чиқди. „Мен Сизга ваъда бераман, иттифоқликда ғанимларни Ватандан ҳайдаб чиқармагунча ўлсам ўламанки, қайтмай жанг қиламан. Энг оғир кунларда ҳам сизга ҳеч қачон хиёнат қилмайман, содиқ қоламан“.

Худди шу мазмундаги сўзларни Амир Хусайн ҳам баланд овозда такрорлаб, „Амир Темурга сўнги нафасимгача хиёнат қилмай, садоқатимизни бир-биримизга намоёйиш этишга қасам ичаман, сўзимга охирги нафасимгача собит қоламан“, дея ханжарини олиб, у ҳам чап қўли кафтини кенг очиб тиф тортди. Қон дарҳол кафтини бўяди. Иккала амир қўлини бошларидан баландроқ кўтариб бир-бирларига қўл ташлашдилар ва уларни маҳкам сиқиб уч марта қасамёд қиламиз, дея баланд овозда такрорладилар. Бу қасамёд овози катта карвон йўли чорраҳасида чул бўйлаб узоқларга ёйилди.

— Бу қасамимиз, — деди Амир Темур, — подшоҳлар муҳридан-да кам эмас, чунки уни биз қон билан мустаҳкамладик.

Амирларнинг бундай ҳолатдаги қасамидан уларнинг аёллари ҳам ҳайратдан ёқа ушладилар, ҳам шундай мағрур эрлари борлигидан ва уларга суюкли малика бўлганларидан масрур бўлиб, фахрландилар. Яратганга минг бор шукрона айтдилар. Бир-бирларини бағирларига босганларича хайрлашар эканлар, амирлар икки гуруҳга ажралиб, Амир Темур Жайхун сари Бухоро йўналишига ва Амир Хусайн эса Хуросонга томон ажралиб йўл танобини олдилар. Ҳар икки ҳудудда ҳам бу амирларни ҳаёт синовлари ва курашларининг навбатдаги босқичи — сиёсий зиддиятли майдоннинг янада таҳдидга тўлган жабҳалари кутмоқда эди.

Қон билан мустаҳкамланган қасамёд эҳтироси, иккинчи томондан ўз она юртига бўлган соғинч туйғуси тезроқ ҳаётбахш Жайхун дарёсига етиб олиш шиддатини кучайтирди. Дарёга етиб эсон-омон ўтиб олсалар бас, биринчи қадам Ватан ҳудудига қўйилади.

Она юрт ҳавоси ва ерининг ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олиш, айниқса, бегона эларда сарсон-саргардон юрганлар учун нақадар катта бахт демакдир. Уларнинг барчасида битта ўй, битта фикр — она юрт тупроғига тезроқ қадам қўйиш. Негаки, қочиш-қувилиш азоб-уқубатлари ҳамманинг жонига теккан ва тинкасини қуритган.

„Шу кўрган-кечирган кўргуликлар Жайхуннинг нариги тарафида қолиб кетгани рост бўлсин. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлган зулмат зимистони тарафида ғурбат ва заҳарли ҳаёт кунларини ортиги билан тотдик, энди, унинг ёруғлик ва эзгуликка йўғрилган тарафи бу Ватанимиз сарҳади бўлсин. Эй яратган Эгам, бизларни ўзинг яхши кўрган бандаларинг қаторида кўриб, уларга оғир машаққатларни раво кўргандирсан, аввалимизни оғир имтиҳон синовларига юзма-юз қилиб, охиримизни бахт-иқбол, осойишта ҳаёт сийловига етказгайсан,

Аллоҳим. Биздан лутфу карамингни дариф тутмасан, эй Аллоҳим“.

Неча ою кунлар жазирама чўл азобларида бир томчи сувга неча бор зор бўлган ва лаблари қақрашлардан ёрилган, юзлари эса тандир оғзидан чиққан оловга менгзаган иссиқдан қуруқшаб жизғирган бу инсонларнинг Мовароуннаҳрга ҳаёт бағишлаб турган Жайхун сувига етиб келгандаги кўзларидан чиққан қувонч ёшлари тасаввурга сирмас бир ҳолат эди. Негаки, бир томчи сувга зор бўлиб, тани-бадани оловга айланаётиб, чанқаб ўлиш арафасида тирик қолиши учун сўнгги куч, имконини йиғиб сувга

талпинганлардан унинг қадрини сўранг, зар қадрини эса заргардан.

Ниҳоят, шу алпозда ҳаёт учун курашган Амир Темур бошчилигидаги гуруҳ ястаниб ётган қирғоқларга жўш уриб оқаятган Жайхунга етиб келишди.

Жайхун — Туронзаминга ҳаёт бағишлаётган энг йирик дарё. Мозий яралгандан буён халқнинг гам ва шодлигига гувоҳ. Барча ўзини сув бўйи ва унинг соҳилида ўсаётган туранғи дарахти соясига урди. Жазирамада симобдек эриб, терлаб-пишиб келаётган инсонлар учун бундай соя-салқин жой жаннатда ҳам топилмасдек туюлди.

ЖАНГОВАР КУЧ ТЎПЛАШ ЙЎЛИДА

Дарё кечувидан ўтиб олган Амир Темур аёли ва содиқ навқари билан Қорақўлга, у ердан Бухорога йўл олди. Қадимдан машҳур бўлган Зандана қишлоғига келиб тушишди. Бу қишлоқ Бухоро шаҳри биқинида бўлиб, аҳли ҳунармандчилик билан танилган эди. Қишлоқ шаҳардаги айроқчилар кўзидан анча хавфсизроқ бўлгани учун Амир Темурга шу ер мақбул бўлгандай бўлди. Ҳам Ўлжой Туркон оқа аёли учун ҳам бу ер шаҳарнинг шовқин-суронли маҳаллаларидан кўра тинчроқ эди. Амир Темур бу ерда эски танишларидан бирини учратиб, бошидан кечирган воқеаларни лўнда тушунтирди. Хотинининг касаллиги ва толиққанлиги учун у тузалмагунча йўл машаққатлари уни янада оғир аҳволга олиб келишини ўйлаб, Ўлжой Туркон оқани соғайиб кетгунча шу ерда қолдиришга келишдилар. Хонадон соҳиби, албатта, унга яхши қарашни, жуда билимдон табиблардан таниши борлигини айтиб, „Сиз кўзлаган ишларингизни битириб келгунингизча Худо хоҳласа соғ-саломат бўлиб оёққа турғазиш учун дўстлигимиз ҳурмати қўлимдан келган барча ишларни қиламан“, дея Амир Темурни ишонтирди. Унга оғирлиги тушмаслиги учун Амир Темур оғир кунлар учун асраб қўйган ҳамёнидаги бир ҳовуч тиллони хонтахта устига қўйди.

— Ҳозирча бу хамир учидан патир, кўп ўрнида кўринг, қўлим узайганда қарзимни ортиғи билан узаман, инсонийлигингиз олдида эса икки дунё қарздорман, — деди миннатдорчилик билдириб Амир Темур. Хонадон соҳиби ўртача даражада моддий таъминланган бўлишига қарамай, инсонийлиги бир дунё бўлгани учун: „Қўйинг, жон дўстим, инсон бошига ҳаётда не кунлар тушмайди, дейсиз, инсон савоб ишлари учун тама қилиши гуноҳдир.

Шундай экан, савобдан тўйган жойимиз йўқ. Қора қозонимиз Худога минг шукур, қайнаб турибди. Сиз йўл одами, буни ўзингиз ишлатинг, акс ҳолда қийналиб қоласиз“, деб ҳамённи Амир Темурга узатди. Аммо Амир Темур барибир қайтариб олмаслигини айтгач, дўсти ноилож шаштидан қайтди.

Кун тунга улангач, Ўлжой Туркон оқа ва хонадон аъзолари билан хайрлашар экан, тез орада аёлини олиб кетишини айтиб, Амир Темур Хузур йўлини танлаб содиқ навқари билан тун қоронғилигида тезда кўздан ғойиб бўлди.

Ниҳоят, фақат кечадан-кеча тун қоронғилигида йўл юриб, ўз хавфсизлигини таъминлаб бораётган икки нафар ҳамроҳлар орадан тўрт-беш кунлар ўтгач, ярим тундан ошганда Хузурга етиб келди-



лар. Амир Темур Хузорнинг паст-баландини яхши билгани учун ким билан учрашиш кераклигини яхши биларди. Бундан унинг содиқ навқари ҳам мустасно эмасди. Энг муҳими, бу туманни ким бошқараётганини билиш, сўнгра шунга қараб ҳаракат режасини тузиш керак эди. Амир Темур содиқ навқарига туманда ҳокимлик кимнинг қўлида эканлигини билиб келиш топширигини берди. Эпчил ва топқир навқар Амир Темур топширигини қийинчиликсиз бажариб, ҳатто ўзларига ёрдам берадиган ишончли одамни ҳам бошлаб келди. Барчаси Амир Темур кутганидан ҳам аъло даражада бўлди. Не кўз билан кўрсинки, Амир Темурдан кўп яхшиликлар кўриб, унинг мансабга кўтарилишига йўл очиб берган одам туман ҳокими Тамуқа навқарлари қуршовида шоша-пиша у беркиниб турган жой томон келардилар. Келиши билан: „Бек оға, сизни кўрар кунлар бор экан, Худога беадад шукур, дийдорлашув насиб этган кунни қаранг“, деди. Ҳар иккиси бир-бирининг қучоғига отилдилар. Амир Темур: „Хузорга келишга оёқ изим ярашишини кўнглим сезганди, Худо хоҳласа бу ишларимизнинг ўнглашиб кетиши даракчиси бўлса не ажаб“, деб ўйлади. Бу ҳақиқатан унинг ўз юртига келиб илк бор самимий тарздаги хурсанд бўлиши аломати эди. Тамуқа аждодлари Темурбекнинг боболарига сулолавий садоқатли хизматкорлари бўлиб келган эдилар. Шунинг учун улардан энг оғир кунларда ҳам бирор хиёнат қилувчи чиқмаганлигига Амир Темур амин эди.

Амир Темур Тамуқадан она юрти Кеш ва Қаршидаги сиёсий аҳвол ҳамда вазиятни ҳар томонлама билиб олгач, Хузорда то ўзига келиб олгунча ўн кунга яқин яшади. Ўзига келиб чарчоғи чиққач, ота юрти Кешни қанчалик соғинмасин, ҳалибери туғилган гўшасини кўра олмаслигини яхши англаб, Тамуқа ёрдамида қанча навқар йиғса уларни олиб, Амир Хусайнни топиб, унга қўшилиш энг мақбул деган қарорга келди. Чунки Хузордан бошқа Қашқадарё ва Сурхон воҳаси ҳудудларида ё ганим

мўғуллар, ёки ишониб бўлмайдиган уларга малай бўлган амалдорлар назоратида эканлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг Амир Хусайн турган Хилмандга қайси ҳудуд бўйлаб етиб боришнинг хавфсиз йўллари қидирилди. Оқибат, аввало, Занданага одам юбориб, Ўлжой Туркон оқани олиб келгач, дарё соҳили бўйлаб Афғон ҳудудига кириб, ундан Амир Хусайн куч йиғайтган Хилмандга етиб бориш ва у билан кучларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Амир Темур Хузорда бош бўлган юздан ортиқ йиғилган жанговар қисм белгиланган йўналишда сафарга отландилар. Айниқса, Амир Темурни хурсанд қилган воқеа, бу суюкли аёли Ўлжой Туркон оқанинг йўл-йўлакай омон-эсон, соғ-саломат ўз ҳузурига етиб келиши бўлди.

Куз бошланганда овлоқ Ачиғи қишлоғига кириб келган Амир Темур ва унинг жанговар йигитлари ўша жойда чодир қурдилар. Бу ерда ўзларига ҳам, от-уовларига ҳам дам бердилар. Бу ерда узоқ йўл тадориги учун озиқ-овқат, ем-хашак захиралари тўплашга бирмунча қулай эди. Шунингдек, навбатдаги фасл — қиш эшик қоқмоқда.

Бу ердаги салкам эллик кунлик қишга тайёргарлик тадоригидан ташқари Ачиғи қишлоғини тарк этиб энди бир неча чақирим йўл босар эканлар, Амир Темурнинг дарагини топган эски сафдошларидан Темурхўжа ўғлон ва Баҳром Жалойрлар ҳарбий қисмлари билан келиб қўшилдилар. Улар аввалда бошланган аниғи Туғлуқ Темурхон давридаги талатўпда рўй бераётган сиёсий оғир вазиятда Амир Темурни ҳам, Амир Хусайнни ҳам ташлаб кетган эдилар. Гарчи уларга ҳам тўла ишониб бўлмаса-да, қўшин сонини кўпайтириш ва яна синовдан ўтказиб кўриш имконияти берилиб, Амир Темур уларнинг қўшилишига розилик берди. Уларнинг сардорлари ва навқарларига яхши муносабатда бўлди. Аввалдаги салбий ҳаракатларини билиб-билмаганга, кўриб-кўрмаганга олди. Барибир,



лар. Амир Темур Хузорнинг паст-баландини яхши билгани учун ким билан учрашиш кераклигини яхши биларди. Бундан унинг содиқ навқари ҳам мустасно эмасди. Энг муҳими, бу туманни ким бошқараётганини билиш, сўнгра шунга қараб ҳаракат режасини тузиш керак эди. Амир Темур содиқ навқарига туманда ҳокимлик кимнинг қўлида эканлигини билиб келиш топширигини берди. Эпчил ва топқир навқар Амир Темур топширигини қийинчиликсиз бажариб, ҳатто ўзларига ёрдам берадиган ишончли одамни ҳам бошлаб келди. Барчаси Амир Темур кутганидан ҳам аъло даражада бўлди. Не кўз билан кўрсинки, Амир Темурдан кўп яхшиликлар кўриб, унинг мансабга кўтарилишига йўл очиб берган одам туман ҳокими Тамуқа навқарлари қуршовида шоша-пиша у беркиниб турган жой томон келардилар. Келиши билан: „Бек оға, сизни кўра кунлар бор экан, Худога беадад шукур, дийдорлашув насиб этган кунни қаранг“, деди. Ҳар иккиси бир-бирининг қучоғига отилдилар. Амир Темур: „Хузорга келишга оёқ изим ярашишини кўнглим севгани, Худо хоҳласа бу ишларимизнинг ўнглашиб кетиши даракчиси бўлса не ажаб“, деб ўйлади. Бу ҳақиқатан унинг ўз юртига келиб илк бор самимий тарздаги хурсанд бўлиши аломати эди. Тамуқа аждодлари Темурбекнинг боболарига сулолавий садоқатли хизматкорлари бўлиб келган эдилар. Шунинг учун улардан энг оғир кунларда ҳам бирор хиёнат қилувчи чиқмаганлигига Амир Темур амин эди.

Амир Темур Тамуқадан она юрти Кеш ва Қаршидаги сиёсий аҳвол ҳамда вазиятни ҳар томонлама билиб олгач, Хузорда то ўзига келиб олгунча ўн кунга яқин яшади. Ўзига келиб чарчоғи чиққач, ота юрти Кешни қанчалик соғинмасин, ҳалибери туғилган гўшасини кўра олмаслигини яхши англаб, Тамуқа ёрдамида қанча навқар йиғса уларни олиб, Амир Хусайнни топиб, унга қўшилиш энг мақбул деган қарорга келди. Чунки Хузордан бошқа Қашқадарё ва Сурхон воҳаси ҳудудларида ё ганим

мўғуллар, ёки ишониб бўлмайдиган уларга малай бўлган амалдорлар назоратида эканлиги маълум бўлди.

Шундан сўнг Амир Хусайн турган Хилмандга қайси ҳудуд бўйлаб етиб боришнинг хавфсиз йўллари қидирилди. Оқибат, аввало, Занданага одам юбориб, Ўлжой Туркон оқани олиб келгач, дарё соҳили бўйлаб Афғон ҳудудига кириб, ундан Амир Хусайн куч йиғаётган Хилмандга етиб бориш ва у билан кучларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Амир Темур Хузорда бош бўлган юздан ортиқ йиғилган жанговар қисм белгиланган йўналишда сафарга отландилар. Айниқса, Амир Темурни хурсанд қилган воқеа, бу суюкли аёли Ўлжой Туркон оқанинг йўл-йўлакай омон-эсон, соғ-саломат ўз ҳузурига етиб келиши бўлди.

Куз бошланганда овлоқ Ачиғи қишлоғига кириб келган Амир Темур ва унинг жанговар йигитлари ўша жойда чодир қурдилар. Бу ерда ўзларига ҳам, от-уловларига ҳам дам бердилар. Бу ерда узоқ йўл тадориғи учун озиқ-овқат, ем-хашак захиралари тўплашга бирмунча қулай эди. Шунингдек, навбатдаги фасл — қиш эшик қоқмоқда.

Бу ердаги салкам эллик кунлик қишга тайёргарлик тадориғидан ташқари Ачиғи қишлоғини тарк этиб энди бир неча чақирим йўл босар эканлар, Амир Темурнинг дарагини топган эски сафдошларидан Темурхўжа ўғлон ва Баҳром Жалойирлар ҳарбий қисмлари билан келиб қўшилдилар. Улар аввалда бошланган аниғи Туғлуқ Темурхон давридаги талатўпда рўй бераётган сиёсий оғир вазиятда Амир Темурни ҳам, Амир Хусайнни ҳам ташлаб кетган эдилар. Гарчи уларга ҳам тўла ишониб бўлмаса-да, қўшин сонини кўпайтириш ва яна синовдан ўтказиб кўриш имконияти берилиб, Амир Темур уларнинг қўшилишига розилик берди. Уларнинг сардорлари ва навқарларига яхши муносабатда бўлди. Аввалдаги салбий ҳаракатларини билиб-билмаганга, кўриб-кўрмаганга олди. Барибир,

оқибат ким яхши бўлса ошини, ёмон бўлса бошини ейди, дея Амир Темуру ўз бағрикенглигини намоёниш этди. Шундан сўнг анча йириклашган куч бўлиб Шибирғон йўлига тушиб олдилар. Ниҳоят, бир ҳафтала йўл юргач, Хилмандга ҳам яқинлашиб келдилар. Амир Темуру лашкари Амир Хусайнни топа олмай овора бўлмаслиги учун, аввало, ўз хабаргирини жўнатди. Амир Хусайн Қароргоҳини қийналмай топган тажрибали хабаргир хушxabар етказиб: „Куёвингиз ва синглингиз бир соатлар атрофида хузурингизда бўлади“, деган маълумотни берди.

Амир Хусайн хушxabар етказувчи хабаргир устидан кумуш танга сочиб, унга суюнчи сийлов қилди. Дарҳол отланиб, куёви Амир Темуру ва синглисига пешвоз чиқишга шошилди. Бу навбатдаги учрашув ҳар икки амир учун энг қувончли лаҳзалар бўлди. Гўё жаҳоннинг шодлиги Хилмандга йирилгандек эди. Агар Карки карвон йўлидаги ажралишолди қасамига кўз тегмай, томонлардан бири унга хиёнат қилиб бузмаса, уларнинг бирлашуви Турон ва Хуросон тақдирида катта аҳамият касб этиши муқаррар бўларди. Бироқ, аксинча бўлса, бу халқларнинг кўргуликлари, зулм, парокандалик яна неча йилларгадир чўзилиб кетиши ҳам ҳеч гап эмасди. Ишқилиб охирига қадар амирлар қасамида собит турсинлар. Негаки, халқ парокандалик оқибатларидан кўрадиган азобларини ортиғи билан бошидан кечирарди.

Хилманд воқеаларининг ижобий бурилиш ва ўзгаришлари бир қараганда барчаси яхши ҳамда силлиқ кетаётгандек. Воқеаларнинг кейинги боришини билгувчи фақат ўн саккиз минг олам яратувчисидир, бандалари эмас. Шундай экан, бу бирлашувнинг ожиз ёки қудратли кучлигини кўрсатувчи ҳакам вақтдир. Ундан бу икки нуфузли амирлардан қайси бири ўз иқтидори ва сиёсий, ҳарбий лаёқатларини намоён эта олса, ўша амирни келгуси авлодлар алқар, улардан бири буюклик шоҳсупасига кўтарилса, шуниси жаҳон тарихининг олтин са-

ҳифасига абадий битик бўлиб ёзилар. Бу ҳам келажакка дахлдор иш. Китобхон эса воқеалар ривожини кузатишдан ўзга иложи йўқ. Шундай экан, икки амирнинг сиёсий-ҳарбий фаолиятларини мазий саҳифалари воситасида кузатишда давом этиб, Хилманд иттифоқи бўйлаб тафаккуримизни шу воқеаларга қайта қаратишда давом этамиз.

Амир Темуру ва Амир Хусайн Хилмандда бирлашгач, улар Мовароуннаҳрни озод қилиш хусусида жиддий бош қотирдилар. Мовароуннаҳрда қиш қаттиқ келиши боис қишни шу ерда ўтказиб, юришни баҳор фаслида бошлашни мақсадга мувофиқ, деб топдилар. Қишнинг сўнги ойи охириги ўн кунлигини икки амир лашкарни Мовароуннаҳр юришини бошлаш тайёргарлиги билан ўтказдилар. Аммо Баҳром Жалойир иттифоқликка хиёнат қилганлиги учун бу режа амалга ошмай, шу пайтда собиқ Сейистон ҳокими Малик Қутбиддиндан ёрдам сўраб хабарчи чопар келди.

Сейистон Эрон билан Афғонистон оралиғида жойлашган қадимий катта вилоят. Унинг бир қисми Эронга, иккинчи қисми Афғонистонга қарашли бўлган. Қадимий номи Дрангиана деб аталган.

Сейистоннинг икки амира Малик Қутбиддин ва Малик Шужоҳлар рақобатлашиб, оқибат улар чинакам ганимга айландилар. Малик Шужоҳ 1362 йили Сейистон пойтахти Зуранжга ҳужум қилиб, Малик Қутбиддиндан Сейистон ҳокимлигини тортиб олди.

Малик Қутбиддин Амир Темуру ва Амир Хусайндан ёрдам сўради. Амир Темуру ва Амир Хусайн зудлик билан Зуранж қалъаси томон отландилар. Душманларнинг қалъага ҳужуми ҳақида хабар олиниши билан атроф қишлоқ аҳолиси озиқ-овқат ва қишки кийим-кечак каби энг зарур нарсаларини олиб, унинг ичига кўчиб ўтар ва дарвозалар беркитилиб, шу тариқа қалъа ҳимоячилари узоқ мудофаа жангини олиб бора оларди. Шунингдек, ички қалъада чуқур қазилган қудуқлар сув таъминотини яхши ташкил этарди.



Режага кўра Амир Темур қалъанинг энг мустаҳкам ва кўп талафот талаб қиладиган шарқий дарвозасидан ҳужум бошлашни ўз зиммасига олди. Шимолий ҳудудда жойлашган дарвозадан Амир Хусайн жанговар гуруҳи билан ҳаракат қиладиган бўлди. Жануби-ғарб тарафдан Малик Қутбиддин лашкари қамал ҳалқасини ҳосил қилишга келишдилар. Ҳужумни Амир Темур жанговар йигитларини жангга солиш билан бошлаб берди. Сўнгра Амир Хусайн ва Малик Қутбиддинлар ўзларига белгиланган жойдан ҳужумга ташландилар. Мудофаачилар ҳам бўш келмадилар. Ҳар куни қамал қилувчиларнинг қайта-қайта ҳужумларини матонат билан қайтариб турдилар. Қамал узокқа чўзилиши аниқ-равшан бўлиб, ҳар икки тарафларнинг талафоти борган сари кўпайиб, ҳужум қилувчиларнинг ҳам, мудофаада турган зуранжликларнинг ҳам аҳволи танглашиб борди.

Қамалнинг биринчи оғи якунига етганда мудофаачилар озик-овқатида танқислик бошланди. Ярадорларга дори-дармон етишмовчилиги яққол сезилди. Қамалнинг иккинчи оғи ўн кунлиги орасида аксига олиб қудуқ сувларининг ҳам таги кўриниб қолди, очлик азобига чанқоқлик кулфати қўшилиб, мудофаачиларнинг аҳволини янада оғирлаштирди.

Буни илғаган Амир Темур тунда девор остини ковлаб шаҳар ичига олиб борувчи ерости йўлакчаси ҳосил қилиш гуруҳи бошлиғидан уни тезроқ тугаллашни қаттиқ талаб қилди. Улар ярим кечадан ошганда, дарвоза қўриқчиларини шовқин-суронсиз йўқ қилиб, дарвозани очиб жангчиларнинг шаҳар ичига киришларини таъминлаши лозим эди. Амир Темур лашкари ниҳоят шундай усулларни ладил қўлаб, ички қалъа остонасига етиб олишга эришди. Бироқ шу пайтда Амир Темур ўнг қўли тирсаги ва ўнг оёғи тиззаси настига кетма-кет ёй ўқи келиб санчилди ва жанг майдонида йиқилди. Уни ўнга яқин паҳлавонсифат навкарлари ўраб олдилар, визиллаб ҳар тарафдан учиб келаётган ўқлардан асраш чораларини кўриб, қийинчилик билан

бўлса-да, ташқи қалъанинг хавфсиз жойига олиб чиқишга эришдилар. Амир Темур анча қон йўқотганидан ҳолсизланиб, аҳволи жиддий тус ола бошлайди. Шунда у асосий эътиборни унга қаратмай, ишончли ва тажрибали ёрдамчи амирларига Малик Шужоҳ қароргоҳига шиддат билан ҳужумни давом эттириш зарурлигини уқтирди. Амир Темур жангчиларининг Малик Шужоҳ қароргоҳига қуюндай ҳужуми жанг тақдирини ҳал қилди. Қаршилиқ кўрсатиш бефойдалигини билган ҳоким бир гуруҳ содиқ йигитлари билан фақат ўзларигагина маълум бўлган яширин йўл орқали қалъадан чиқиб жонини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Қолганлар асир олинди.

Малик Қутбиддин шу тариқа икки амир ёрдамида Сейистон ҳокимлигини қайта қўлга киритиб, ўз фаолиятини яна давом эттирди.

Аммо манбалар гувоҳлик беришича, Малик Қутбиддин бу яхшиликларни унутиб, Амир Темурнинг ғанимлари билан тил топишган, яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтара олмаган. Кейинчалик Амир Темур Сейистонни иккинчи марта куч билан эгаллашга мажбур бўлган. Унга ўқ узиб бир умр мажруҳлик тамғасини босганлардан қасосини олишга муваффақ бўлган эди.

Амир Темур Амир Хусайн иттифоқлигида Сейистон можаросини қилич зарби билан ҳал қилгач, Бустга қайтди. Бустда яхши табиб топиб даволанмагунча бундан кейин жангу жадал режасини амалга ошириб бўлмасди, иккинчидан Сейистон жангида қўшин қамал хуружида бир ярим ой ҳаракат қилиб тинка-мадори қуриган ва талафотлар ҳам оз бўлмаган эди.

Бустда даволаниш учун анча ушланиб қолган Амир Темур жароҳат кўлами ва зарбаси мураккаблигидан ҳамма ҳавас қиладиган паҳлавон ва алпомишсифат жисмий тана тузилиши, залварли ва маҳобатли қадам ташлашлари бир умр нуқсонли бўлиб қолишини англаб етди. Шу билан бирга ёнида дори-дармон ҳамда табибга бўлган доимий эҳтиёжни сез-

ди, шунингдек, инсон саломатлигининг нақадар бебаҳо бойлик эканини янада чуқур ҳис қилди.

Бу унга ғаним ва муҳолиф бўлганларнинг унинг номини камситиб, ҳақоратли лақаблар билан юриштишларига сабаб бўлди. Бу камситиш ва ҳақоратомуз таърифларни айрим шарқшунос олимлар тарихий адабиётларда салбий талқин — „ланг“ ибораси билан ифодалайдиган бўлдилар. Бироқ замон ҳақиқат ва адолат тарафига ўзгариб, XIV асрда Амир Темури қандай буюклик шоҳсупасига кўтарилган бўлса, мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, янада маҳобатлироқ кўриниш олди. Унинг жисмоний нуқ-

сонини, уйдирма қилиб тўқиб-бичилган мафкура талқинича „жаллодлик қиёфаси“ни шовинистик сиёсат кучи воситасида дунёга оқсоқ Темури ва Темуриланг образини адолатсиз жамиятнинг шакли қийшиқ кўзгусига солиб, буюк аждодимиз — бемисл давлат арбоби ва тенгсиз саркардамизни ёвузлик рамзи сифатида қонхўр ва вайронакор Чингизхон ҳамда инсонларнинг ўлимидан роҳат олувчи ўлимсевар Гитлер билан битта тарозига қўймоқчи бўлганлар ҳам топилди. Бироқ тарих бу тухматлардан ларзага келди. Оқибат мозийнинг одил тарозиси ғаразгўйлар устидан одилона ҳукм чиқарди.

БОШ ҚАТТИҚМИ, ТОШ ҚАТТИҚ

Дунёга бир марта келишини яхши англаган мард инсонлар эркин ва озод яшашнинг мазмунмоҳиятини бошқалардан кўра яхшироқ англайдилар.

Шоирлар султони ҳазрат Алишер Навоий бунинг бемисл аҳамиятини икки мисра шеърида ифода лаб берганлиги бежиз эмас:

*Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмуш.*

Амир Темури Сейистон можароларидан кейин, кўшини билан ғалаба қилган бўлишига қарамай, буни татийдиган даражада, деб бўлмасди. У қуролдош жанговар дўстлари, навкарларининг кўпчилигидан ажралди. Уларнинг аксарияти ўлимни писанд қилмай ёвга тик боқиб қилич серпайдиган баҳодирлар эдилар. Ўзи ҳам бир умрга татиғулик тан жароҳати олди. Қилични икки қўлида бир хил ўйнатадиган Темурибек айни ўнг қўлида қилич серпашдан маҳрум бўлди. Аксига олиб ўнг оёғининг оғир лат ейиши жанговарлик ҳаракатига салбий таъсир кўрсатди. Бу азоб устига лашкаридаги талафотни ўйлаб, Амир Темурининг кайфияти тушиб кетди. Ахир ўлимга тик боқиб жанг қиламан, деб турган мард жангчиларни қидириб топиш жўнгина бир иш бўлсайдики, ҳаш-паш дегунча сафни тўлди-

риб кетаверса. Саркарда учун, айниқса, юрт ва бошинг устида қудратли душманинг қилич ўйнатиб турса ёки сенга атаб қароргоҳи олдидаги катта чинорда даҳшатли дорни тайёрлаб сени тинимсиз, изма-из таъқиб қилиб турса. Шунингдек, душманга тутқич бермай унинг кўзини шамғалат қилиб гоҳ қочиб, гоҳ чекиниб пана-пастқам ёки чўл ичкарисидан паноҳ топиш, унинг билан боғлиқ машаққатлар, уни бартараф этиш, бу ҳар қандай метин одамни ҳолдан тойдириб қўйиши тайин. Кетингдан эргашаётган юзлаб ва минглаб навкарни кунига уч марта озик-овқат ва тўрт фаслга мос кийим-бош билан таъминлаш муаммоси қўшилиб, бу Амир Темурининг елкасидаги ўн йиллар кўтариб юриши лозим бўлган залварли оғир юк эди. Буларнинг барчаси маблағ ва яна бир бор маблағ билан боғлиқ мураккаб ишлар эди. Ватан озодлиги, эрки учун, эл-улусни жабр-зулмдан озод қилиш учун Амир Темури кимнингдир бурнини қонатмаса, ким шунча катта миқдордаги маблағни ихтиёрий олиб келиб беради? Ким ҳам буғдой ёки шולי хирмони унга тортиқ қилиб, ким иссиқ кийим-кечак беради? Бундай муаммолар ҳал бўлиши учун қўшин сонун миқдори ошиб, каттами ёки кичик ғалабаларга эришмори лозим. Қилич кучинг сусая борар экан, имкониятлар ҳам камайиб, узоққа етадиган қўлинг



ҳам қисқариб, ҳатто сўзинг кучи, қадри ҳам сусая боради. Чунки давлатинг, куч-қувватинг борида барча бегоналар ҳам сенга талпинади. Ҳаммаси орқага кетса, ҳамма сендан узоқлашади. Ҳаётнинг ёзилмаган қонуни бу! Амир Темур ҳаёт дорилфунунининг бу ҳикматларидан Бустдаги оғир кечган ойларида жиддий хулосалар чиқарди. Тан хасталиги инсон руҳиятига ўзининг салбий таъсирини ўтказади. Аммо саркарданинг узоқ ётиб қолишга асло ҳаққи йўқ. Бу қўшинда тартиб-интизомнинг бўшашиб кетишига олиб келади. Натижада унинг жанговарлик ҳолати сусаяди. Бундай лашкар билан ҳал қилувчи жанглар олиб бориб бўлмайди. Амир Темур ана шулар ҳақида ўйлар экан, мулозимига отини сафарга тайёрлашни буюрди.

— Амирим, ҳали тузалиб кетганингиз йўқ, соғайиб олгунингизча сафар ҳақида ўйламаслигингиз керак, — деди мулозими.

— Агар ҳаракат қилмасак, нафақат навкарлар, ҳатто отларимиз ҳам ишдан чиқиб, жанговарлигини йўқотади. Ётафонлиги тутиб, яқовлашади. Йўлга отланамиз, вассалом. Қўшин ҳам оёққа турсин!

Амир Темур турнақатор бўлиб йўлга чиққан ҳарбий қисмга назар ташлади. Бу оз сонли аскар билан мўғулларнинг сон-саноксиз қўшинларига қарши қандай қилиб жангга кирсин? Бир ҳужумдаёқ фанимлар уларни битта қолдирмай қириб ташлаши мумкин. Саркарда ёки қўмондон учун энг оғир азобли ҳолат, бу душмандан кучинг кам бўлиб чекиниб, қочиб-қувилиб юриш азобидир. Шуларни ўйлаб, Амир Темур жарчисига оз сонли лашкарининг йўлини Қаҳмард йўлига буришни топширди.

Бу йўлдан бир оз масофа босиб ўтилса, Арсивга олиб борарди. Ана шу йўлни босиб ўтилса, қайноғаси Амир Ҳусайндан дарак чиқишига умид қилди Амир Темур.

Аввалда айғоқчи-жосуслари йўл қўйган хатони такрорлаб фанимнинг тасодифий ҳужумига учрамаслик учун ўнг ва сўл, олд ва орқа тарафлар жиддий текшириб борилди. Бир вақтда Амир Ҳусайн

турган жойни топиш ҳам улар зиммасига юкланди. Қаҳмарддан бир оз ўтилгач, Амир Ҳусайннинг дараги чиққандай бўлди. Хабарчилар орадан ярим кун ўтмай, яна бир ҳарбий қисмга дуч келишди. Сўраб-суриштирув шуни тасдиқладикки, улар ҳам Амир Темурга қўшилиш истагида эканлигини билдирдилар. Бу гуруҳ бошлиғи Қозончи баҳодир эди. Амир Темур ва Қозончи баҳодир бир-бирини яхши танир эдилар. Қисқа вақтда икки жанговар гуруҳнинг Амир Темурга келиб қўшилиши саркарданинг кайфиятини анча чоғ қилиб, ҳатто азоб бераётган жароҳати ҳам эсидан кўтарилгандай бўлди. Бу воқеаларнинг яхшиликка томон бурилаётганлигидан дарак берарди. Қисқа дам олингач, Амир Темур қўшинини Дарайи Суф томон бошлади.

Шу ерда Амир Ҳусайннинг ўзи куёви томон келаётганлиги хушxabари олинди. Орадан бир-икки кун ўтмай Амир Ҳусайн Амир Темур Қароргоҳига кириб келди ва икки амир яна дийдор кўришиб, Арсив ва Дарайи Суф ҳамда узоқ-яқин ҳудуд бекликларига чопар йўллаб, мактублар битиб, унда мўғулларга қарши яқин орада катта уруш бошлаб, Турон ва Хуросондан фанимларни битта қўймай ҳайдаб чиқаришга қарор берганлиги ва бу ҳаракатга ҳудуд беклари ҳар томонлама — ким озиқ-овқат, ким навкар ва яна бирлари имкониятига қараб ақча, кийим-бош, от-улов, хашак кабилар билан улушини қўшишлари таъкидланган эди. Тарқоқ қўшинларни бирлаштирмасдан бирор ижобий натижага эришиб бўлмасди.

Шундай бекликлардан Менгли Буғо сардори ошкора улар талабини рад этди. Ўзининг икки амирга ҳам ёрдам бермаслигини маълум қилиб, Амир Темур одамларини қайтариб юборди. Қолган беклар нуфузли амирлар билан пачакилашиш яхшилик келтирмаслигини тушуниб, Амир Темур ва Амир Ҳусайн одамларини қуруқ қайтармадилар. Бу тadbирнинг қўлланилиши яхши ижобий натижалар берди. Лашкар сафи ҳам анча кенгайди. Озиқ-овқат, хашак захираларига эга бўлинди.

Бирлашган қўшинга дам берадиган манзил этиб Дарагез қишлоғи танланди, унинг Дарайи Суфдан афзал ва қулай жиҳатлари анча юқори эди. Аввало, бу каттагина қишлоқ ўзининг оромбахш жуғрофий хусусиятига кўра сувлари зилол, ҳавоси мусаффолиги билан тилга тушган эди. Бу ерда қўшин тез оёққа туриб оладиган барча имкониятлар бисёр эди.

Шунга кўра бу ер Амир Темур ва Амир Ҳусайн учун айни муддао бўлди. Бу қишлоқнинг яна бир муҳим томони, у Буюк ипак йўлининг жанубий чорраҳасида, яъни Эрон, Мовароуннаҳр ва Афғонистон орқали Ҳиндистонга қадар бориладиган тармоқ шохобчалари айнан шу ерда бўлиниб кетарди. Бу чорраҳа яқинида катта карвонсарой ва унинг биқинида бозор ҳам мавжуд эди. Бу эса икки амирга бирваракайига икки вазифани ҳал қилиш имконини берарди. Биринчиси, қўшин таъминотидаги камчиликни бутлаб олиш бўлса, иккинчиси эса турли томонлардан келган, келаётган карвонбоши ва савдогарлардан қўшни мамлакат ҳамда узоқ-яқин шаҳар, ҳудудларда кечаётган турли янгиликларни карвонсарой ҳамда бозордан билиб олиш мумкин эди. Шунингдек, бу янгиликларни яна бир бора аниқлаб олмоқ учун ушбу карвонларга қўшиб айғоқчи жосусларни ҳам йўллаш қулай эди. Шундай жосуслар гуруҳларидан бири Мовароуннаҳрға жўнатилган эдики, Амир Темур улар йўллаган хабардан ғоят хурсанд бўлди. Иккинчи тарафдан эса хафа бўладиган хабар ҳам изма-из етиб келган эди. Ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу дегани ҳам шу бўлса керак-да. Хушxabар шу эдики, мўғуллар хуружидан чекинган бир неча сардорлар Термизда тўпланиб, Амир Темурга қўшилишга азму қарор бериб, уни топиш чораларини излаётган эканлар. Шум хабар эса Илёсхўжа ва Бекичакнинг очқўз нўёнлари жабр-зулмни ҳаддан ошириб, Мовароуннаҳр ҳудудида талон-тарожликни авжига чиқараётганлиги, юрт ҳимоясиз қолиб, халқнинг охуноласи фалакка кўтарилаётганлиги тўғрисидаги маълумотлар эди. Буни эшитган Амир Темур эл-

улуснинг дардига дармон бўлишга қўли калталиқ қилаётганидан қалби ўртанди. Соҳибқирон сабр отига минди ва ёруғ кунлар келишидан асло умидини узмади. Амир Ҳусайн Амир Темурга „Балхга кетиб куч тўплаш энг мақбул йўл“, дея оқибат уни шунга кўндирди.

Мўғуллар билан йўл асносида қонли жанглар содир бўлиб, Соҳибқироннинг тадбиркорлиги туфайли ғанимларнинг бир неча йирик ҳарбий қисмлари тор-мор этилди. Бироқ мўғуллар ҳам қасос олишга муваффақ бўлди. Жайхун яқинидаги овлоқ жойда жангдан ҳолдан тойган жангчиларга уйқуда ётган пайтида мўғулларнинг Очули баҳодир бошчилигидаги қўшини қаттиқ зарба берди. Аввало, бу Амир Темур айғоқчиларининг хатоси бўлиб, қолаверса, тунги соқчиларнинг ўз бурчларини бажармай ухлаб қолиши оқибатида шундай талафот кўрилган эди. Бу фалокат Амир Темурга бир умр сабоқ бўлди.

Амир Темур қўшини оч-наҳор, от-уловсиз омон қолган аскарый қисмлари билан Хулмга етиб келди. Соҳибқирон Ватан озодлиги ва мустақиллик учун кураш ўз-ўзидан бўлмаслиги, йўқотишлар, мағлубиятлар албатта бўлишини ўйлаб, ўз-ўзига Хулмда у эришган ва йўқотганларининг ҳисоботини берди. Ниҳоят шундай хулосага келди:

„Ҳаммасига бардош бериб, одамларни ишонтириб, қўлга қурол олиб курашга даъват этайлик, озодликнинг кенг, нури йўлига чиққунча курашайлик, шу йўлда Ватанга азиз жонлар фидо бўлсин, қурбонлар берайлик, молу мулкимиз, борлигимиз шу мақсадга бахшида бўлсин. Зулм занжирини кескир қиличимиз билан парчалаймиз, орқага йўл йўқ! Фақат олға босмоқ лозим“. Соҳибқирон ўзини ўзи овутиди ва тасалли берди.

Хулмда турган вақтда Амир Темур аскарларига бор меҳрини берди, ярадор жангчиларнинг кўнглини кўтарди. Шу жой атрофидаги табибларни ҳарбий қисмига сафарбар қилди. Уларга дори-дармон ва озиқ-овқатдан тақчиллик сездирмаслик учун бор кучини ишга солди. Ўзига яхши шароит



қидирмади, бир томонида ярадорлар, иккинчи тарафида ҳориб-чарчаган жангчилари орасида отининг агарини ёстиқ қилиб ётди, улар орасида бўлди, ўзига алоҳида шароит яратмади. Хулмлик зодагонларнинг меҳмондорчилик ва меҳмоннавозлигини рад қилди. Жангчи аскарлари билан қалбан яқинлиги учун шундай йўл тутди.

У деди: „Агар мени сийламоқчи экансизлар, менга атамоқчи бўлган яхшилигингизни навкарларимга сийлов қилинг, шунда мен сизлардан миннатдор бўлур эдим“.

Амир Темур навкарларига яхши ота ўз фарзандларига қандай меҳрибонлик қилса, худди шу зайдда муносабатда бўлди. Негаки, жангчиларсиз саркарда ҳеч ким, жангчилар ҳам, ўз навбатида, қўмондонининг мардлиги, ғалабаларга ишонч билан бошлаб бориб, энг қалтис дамларда барчага руҳий мадад бериб, баҳодирона майлда шахсий намуна кўрсата олгандагина уни кўкрагини қалқон қилиб ҳимоя қилади. Ҳар қандай қийинчиликларга бардош беради, ҳатто ўлимни ҳам жанг майдонида қисматига битилган тақдир битиги сифатида қабул қилади. Амир Темур навкарларидаги шу руҳий кечинмаларни қалбан ҳис қила борган сари жангчилари билан ўзининг тақдири жанг майдонида ҳам, машаққатли сафарларда ҳам муштараклигини аллақачон англаб етган эди.

Ҳар икки амир 1363 йил баҳорига қадар янги жанговар сафар олдидан анча дам олган қўшинни бўлажак жангларга тайёрлаш учун бир неча ҳафта давомида қиличбозлик, найзабозлик, ёйдан ўқ узиш ва яккама-якка кураш машқларини қизғин бошлаб юборишди. Суворийлар ҳам тулпорларини елдириб найза улоқтириш, гоҳ олдинга, гоҳ орқага ва ён томонларга кетма-кет ёйдан ўқ узиш, нишонни аниқ уриш усулларини такомиллаштирдилар. Энг моҳир қиличбоз, найзабоз ва нишонни энг аниқ урган юлиблар, баҳодир жангчилар қимматбаҳо совринлар билан тақдирландилар. Икки амирнинг алоҳида ташаккурига сазовор бўлдилар. Бу эса машқ-

ларнинг жуда жиддий ўтганлигидан дарак берарди. Машқда қанча оғир бўлса, жангда ғанимни қулатиш шунча осонроқ кечади. Негаки, жангнинг оқибатини жангчиларнинг шахсий ботирлиги, маҳорати ва жисмоний ҳамда руҳий устунлиги билан боғлиқ иродавий хусусиятлари ҳал қилади.

Амир Темур лашкари дам олиш ва ҳарбий машқлар туфайли ўзини анча ўнглаб олар экан, айғоқчилари мўғулларнинг катта кучлари Пули Сангинда тўпланиб, ҳужум тадоригини кўраётганлигининг хабарини етказди. Амир Ҳусайн бу жангдан турли баҳоналар қилиб ўзини олиб қочди. Амир Темур эса ҳаялламай жангга отланди.

Амир Темурнинг шамолдек етиб келишини кутмаган мўғуллар бамайлихотир ҳолатда эдилар. Амир Темур қулай пайтни кутди. Мўғуллар Амир Темурнинг етиб келиб, орқа томонга ўтиб олганидан хабарсиз. Шундай бўлмаганда байрамона тарзда дошқозонлар тагига олов қўйилмасди. „Яна ярим соатлар сабр қилиш керак. Ана шунда уларнинг овқатини заҳарга айлантирамиз. Тўсатдан момақалдиरोқдек гумбураб, уларни саросимага солиб, барчасига қирон келтирамиз“, деди Амир Темур саркарда ва мингбошиларига қатъий оҳангда. Ҳамма Амир Темурнинг буйруғини кутарди. Вақт етилгач, Амир Темур кумушдан нақш бериб ишланган қамчисини шахт билан олдинга чўзди. Бу ҳужум белгиси эди. Баҳодир жангчилар мўғуллар устига мисли қуюндек от қўйдилар. Овқатни энди оғзига олиб, ютишга улгурмаган мўғуллардан кўпчилигининг бўғзи ўткир шамширлар билан кесилди. Яна кўпчилиги ёғоч қошиқларда еб улгурганларини қон аралаш қусиб, ер тишлади. Мўғулларга қақшатқич зарба берилди.

Пули Сангинга келган мўғуллар овқат ўрнига ўлим шарбатини ичдилар. Улар тайёрлаган овқатлар парранда, йиртқич ҳайвонлар, қурт-қумурсқаларга насиб этди. Бу ўлим майдонидан қочиб қутулган ғанимлар кўпчиликни ташкил қилмади.

Амир Ҳусайн бу ерга етиб келганда даҳшатли манзаранинг гувоҳи бўлди. Амир Темурни бу ғалаба

билан зўрма-зўраки табриклаб, тезда Балхга кетиши зарурлигини айтди. Куёви билан юзакигина хайрлашиб Пули Сангиндан тезда узоқлашди.

Амир Темур навбатдаги асосий вазифа қилиб туғилиб ўсган ота-Ватани — она шаҳри Кешни озод қилишга жазм қилди.

ОФИР МАҒЛУБИЯТ АЛАМИ ВА ҚИММАТГА ТУШГАН ХИЁНАТ

Қабаймитан қишлоғи ёнидаги жангда мағлуб бўлган Илёсхўжа ўғлон Муғулистондан Хўжандгача бўлган ҳудуд шаҳар ва қишлоқларида сафарбарлик эълон қилиб, жуда катта қўшин тузишга эришди. Мағлубият қасосини олиш учун 1365 йилнинг мартада Мовароуннаҳр ҳудудларини талон-тарож ва хароб қилувчи юришини бошлади. Бу кучли лашкари ҳужумини Мовароуннаҳр ва Хуросон амирларидан бирортаси қайтара олмаслигига ишонарди. Барча саркардаю сарҳанглар Амир Темур ва Амир Хўсайндек нуфузли амирлар атрофида яқдил бўлиб, бирлашсалар, Илёсхўжа ўғлон янгидан юришини бошламасди. Ана шу ноиноқлик туфайли Илёсхўжа бу юришда, албатта, галаба қилишига шак-шубҳа қилмасди. Муғул хони: „Шундай зарба берайки, ушбу ҳудуд халқлари то умримнинг охиригача менинг вазоҳатим, қиличим тигидан титраб-қақшаб яшайдиган бўлишсин“, деди. Ана шу газаб олови муғул хонини унга муҳолифликда турган амирларни уларнинг қўшини билан кулини кўкка совуриш сари ундади. Унинг сон-саноксиз қўшини ҳаракатини кўрган амирлардан баъзи бирлари Илёсхўжа ўғлон оёғига йиқилиб, хизмат камарини боғлаб келганлигини маълум қилдилар. Улар оиласи ва мол-жонини шу йўл билан сақлаб қолишни афзал билишди. Натижада то Тошкандгача бўлган масофада унинг қўшини деярли қаршиликка учрамай келди.

Амир Темур ўз юрти Кешда муғуллар зулми ва талон-тарожи туфайли рўй берган офир аҳвол оқибатларини тугатиш учун шаҳар, қишлоқ кадхудо, зодагонларини йиғиб кенгаш ўтказаётган маҳалда унга соқчилар бошлиғи Хўжанддан шошилинч чопар келганлигини маълум қилди. Чопарни Хўжанд ҳокими Шайх Муҳаммад йўллаганлиги маълум

бўлди. Унинг мактубида Илёсхўжа ўғлон Мовароуннаҳрга мўр-малахдек, чигирткамисол лашкари билан кириб келаётганлиги хабар қилинган эди. Амир Темур, биринчи навбатда, ўзининг лашкарини оёққа турғазиб, Шаҳрисабз, Қарши ва уларнинг теvarак-атрофидаги қишлоқ ва қалъаларга хабаргир йўллаб, қўлга қурол олиши мумкин бўлганлар бек ва ҳокимлари бошчилигида изма-из ўзининг кетидан етиб келишларини топширди. Самарқанд Дизак йўлидан Сирдарё томон кечаю-кундуз тўхтовсиз йўл босиб, дарёни кечиб ўтди.

Чинос яқинидаги ялангликка келиб кўчма Қароргоҳини тикишга кўрсатма берди. Кешдан отланаётиб, Балхга Амир Хўсайн ҳузурига шамол тезлигида хабаргирини жўнатган эдики, чопардан шошилинч хабарни олиши билан Балх ҳокими ҳам барча қўшинини олиб тезроқ Амир Темур билан иттифоқда Илёсхўжага қарши жанг қилиш учун йўлга чиқди. Муғул хони Илёсхўжа ўғлон Тошкандда қўшинларини катта жанг олдидан дам олдириб, озиқ-овқат, от-улов захираларини ғамлаб олиш мақсадида шаҳар чеккасида анча ушланиб қолди. Бу эса Амир Хўсайннинг Амир Темур қўшинлари билан бирлашиб олишига имкон яратди.

1365 йилнинг 20 майида Илёсхўжа қўшини Чинос томон отланиб, ғанимлари жанг майдонини эгаллаган масофадан 350 — 400 метр шарқроқда ясол тузишга киришди. Улар ҳали жанг майдонига келмасидан олдин Амир Темур ва Амир Хўсайн муҳораба тадоригини тугаллаб, душманни кутиб олишга шай бўлиб, ташаббусни жанг олдидан ўзлари томонга оғдириб қўйишга эришган эдилар. Жанг режаси икки кун ҳар томонлама пухта тузилиб, ҳужум ва зарур ҳолда мудофаада туриш, ҳар икки амир



жанг давомида баронғор ва жавонғор қўшинининг ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлаб, мустаҳкам алоқада бўлиш, душман қўшини ёриб ўтиб, иккала амир қўшинига пона бўлиб ёриб кирмаслиги учун фул — марказ қўшинига ғоят тажрибали саркардаларни тайинлаш ва ғанимнинг орқа томондан айланиб ўтишига йўл қўймаслик каби ҳарб масалалари атрофлича муҳокама этилди. Шунга биноан Амир Хусайн жанг майдонининг ўнг тарафида ясол оладиган, Амир Темур лашкари чап қанот жавонғорда оёғини маҳкам тираб душманга ҳамла қиладиган бўлди. Ўнг қанот баронғорини ғаним тўзритиб юбормаслиги учун Амир Хусайннинг нақ биқинидан Тилончи Орлот, иккинчи тарафдан у билан бақамти тарзда Балх ҳокими баронғорини хировул қўшин қўмондони Ўлжойту Аперди, уни ҳимоя қилиб Шер Баҳром ва уларни ҳимоя қилиб Пўлод Буғо, Фарҳод Аперди ва Малик баҳодир ҳарбий қисмлари бир вақтда жангга кирадиган бўлди. Агар бу сардорлар ўз бурчларини жанг қоидаларига кўра охиригача бажарсалар, Илёсхўжанинг қўшини баронғордан жангга кирадиган Амир Хусайн қўшинини умуман ёриб ўта олмасди.

Амир Хусайн Илёсхўжа қўшинлари сонини кўргач, юрагига фулғула тушиб, ўз баронғорининг ҳимоясини таъминлаш учун ўзини гўё жангнинг асосий оғирлигини елкасига олаётгандек кўрсатиб, тажрибали саркардаларни ўзини ҳимоя қилишга жалб этди. Гўё қўшин кўп талафот кўрса, кўп қирғинликка учраса, Амир Темур қўшини балои қазога йўлиқади, деб ўйлади. Амир Темур унинг бу адолатсизлигига қарши чиқмасдан жанг олдида ноқ ўзаро зиддиятли ҳолат вужудга келишини истамади. Аммо унинг бу қилиғидан кўнгли оғринди. Номардлик ва ғирромлик ҳаракатини Амир Хусайн жанг бошланмасдан олдинроқ бошлаган эди.

Жанг авж палласида эса Амир Хусайн Амир Темурни нақ ажал оғзида қолдириб, хиёнатга тенг ҳаракатни содир этди. Унинг қандай рўй бергани жангнинг ҳал қилувчи дамларидаги вазият мисолида очилади.

Амир Темур чап қанот ҳимоясини ўз зиммасига олар экан, Илёсхўжа қўшинининг ўнг қанотига қарама-қарши майдонда қўшинига ясол тартибини берди. Муғул хони асосий зарбдор кучларини Амир Темур жавонғори қўшинига муқобил тарзда сафлади. Буни англаб ва кўриб турган Амир Хусайн асосий зарба Амир Темур қўшинига қаратилишига қарамай, дарҳол канбул ва хировулидан ҳарбий қисмларини зарурат юзасидан Амир Темур чап қаноти ҳимоясига жўнатиши зарур эди. Атайлаб Амир Хусайн буни кўрмаганга олиб, пинагини бузмай, Амир Темур жавонғори устига ёпириладиган даҳшатли ғаним ҳужумини кутди. Жанг бошланиши арафасида Амир Темур қўшинининг жанговар саф олиши қўйдаги тартибда жойлаштирилган эди.

Фул — марказ қўшин чап тарафидаги майдон жавонғорини Амир Темур ўзининг баҳодир навкарлардан тузилган садоқатли ҳарбий қисмлари билан тўлдирди. Уни шахсан ўзи жангга бошлаб борадиган бўлди. Чап қанот қўшинни душманнинг ўнг томон канбули айланиб ўтишига йўл қўймаслик учун чап томони биқинига канбулини жойлаштирди. Унга Сори Буғо сардорни қўмондон қилиб тайинлади. Қўшинининг илғор қисмини ҳимоя қилиб борувчи махсус қисми хировул қўшинига қўмондон қилиб Темурхўжа ўғлонни тайинлади. Фул — марказ қисмига эса уч қатор лашкарий фавжларини жойлаштирди. Биринчи қаторга Жоку Барлос (у Амир Темурнинг амакиси ва қайнотаси эди) ни қўйди. Унинг орқа тарафи иккинчи қаторига мард ва жасур саркардаларидан Амир Сайфуддинни, учинчи қатор ҳимояга энг моҳир, жангларда суяги қотган Аббос баҳодирни қўйди. Душманнинг асосий қўшини ҳужумини кутмай, Амир Темур Илёсхўжанинг баронғор қўшинига биринчи бўлиб ҳужумни бошлади. Ундан кейин амирнинг хировул ва канбул, шифовул ва манғлай лашкарий қисмлари олға юрдилар.

Амир Хусайн томонда сафланган баронғор унинг қаршисида турган муғуллар қўшинлари жавонғори қўмондонлари Даланжика Ширам ва Ҳоким



жанг давомида баронғор ва жавонғор қўшинининг ўзаро ҳамжиҳатлигини таъминлаб, мустаҳкам алоқада бўлиш, душман қўшини ёриб ўтиб, иккала амир қўшинига пона бўлиб ёриб кирмаслиги учун фул — марказ қўшинига ғоят тажрибали саркардаларни тайинлаш ва ганимнинг орқа томондан айланиб ўтишига йўл қўймаслик каби ҳарб масалалари атрофлича муҳокама этилди. Шунга биноан Амир Ҳусайн жанг майдонининг ўнг тарафида ясол оладиган, Амир Темур лашкари чап қанот жавонғорда оёғини маҳкам тираб душманга ҳамла қиладиган бўлди. Ўнг қанот баронғорини ганим тўзғитиб юбормаслиги учун Амир Ҳусайннинг нақ биқинидан Тилончи Орлот, иккинчи тарафдан у билан бақамти тарзда Балх ҳокими баронғорини хировул қўшин қўмондони Ўлжойту Аперди, уни ҳимоя қилиб Шер Баҳром ва уларни ҳимоя қилиб Пулод Буғо, Фарҳод Аперди ва Малик баҳодир ҳарбий қисмлари бир вақтда жангга кирадиган бўлди. Агар бу сардорлар ўз бурчларини жанг қоидаларига кўра охиригача бажарсалар, Илёсхўжанинг қўшини баронғордан жангга кирадиган Амир Ҳусайн қўшинини умуман ёриб ўта олмасди.

Амир Ҳусайн Илёсхўжа қўшинлари сонини кўргач, юрагига фулғула тушиб, ўз баронғорининг ҳимоясини таъминлаш учун ўзини гўё жангнинг асосий оғирлигини елкасига олаётгандек кўрсатиб, тажрибали саркардаларни ўзини ҳимоя қилишга жалб этди. Гўё қўшин кўп талафот кўрса, кўп қиринликка учраса, Амир Темур қўшини балои қазога йўлиқади, деб ўйлади. Амир Темур унинг бу адолатсизлигига қарши чиқмасдан жанг олдида ноқўзаро зиддиятли ҳолат вужудга келишини истамади. Аммо унинг бу қилиғидан кўнгли оғринди. Номардлик ва гирромлик ҳаракатини Амир Ҳусайн жанг бошланмасдан олдинроқ бошлаган эди.

Жанг авж палласида эса Амир Ҳусайн Амир Темурни нақ ажал оғзида қолдириб, хиёнатга тенг ҳаракатни содир этди. Унинг қандай рўй бергани жангнинг ҳал қилувчи давларидаги вазият мисолида очилади.

Амир Темур чап қанот ҳимоясини ўз зиммасига олар экан, Илёсхўжа қўшинининг ўнг қанотига қарама-қарши майдонда қўшинига ясол тартибини берди. Муғул хони асосий зарбдор кучларини Амир Темур жавонғори қўшинига муқобил тарзда сафлади. Буни англаб ва кўриб турган Амир Ҳусайн асосий зарба Амир Темур қўшинига қаратилишига қарамай, дарҳол канбул ва хировулидан ҳарбий қисмларини зарурат юзасидан Амир Темур чап қаноти ҳимоясига жўнатиши зарур эди. Атайлаб Амир Ҳусайн буни кўрмаганга олиб, пинагини бузмай, Амир Темур жавонғори устига ёпириладиган даҳшатли ганим ҳужумини кутди. Жанг бошланиши арафасида Амир Темур қўшинининг жанговар саф олиши қўйдаги тартибда жойлаштирилган эди.


Фул — марказ қўшин чап тарафидаги майдон жавонғорини Амир Темур ўзининг баҳодир навкарлардан тузилган садоқатли ҳарбий қисмлари билан тўлдирди. Уни шахсан ўзи жангга бошлаб борадиган бўлди. Чап қанот қўшинни душманнинг ўнг томон канбули айланиб ўтишига йўл қўймаслик учун чап томони биқинига канбулини жойлаштирди. Унга Сори Буғо сардорни қўмондон қилиб тайинлади. Қўшинининг илғор қисмини ҳимоя қилиб боровчи махсус қисми хировул қўшинига қўмондон қилиб Темурхўжа ўғлонни тайинлади. Фул — марказ қисмига эса уч қатор лашкарий фавжларини жойлаштирди. Биринчи қаторга Жоку Барлос (у Амир Темурнинг амакиси ва қайнотаси эди) ни қўйди. Унинг орқа тарафи иккинчи қаторига мард ва жасур саркардаларидан Амир Сайфуддинни, учинчи қатор ҳимояга энг моҳир, жангларда суяги қотган Аббос баҳодирни қўйди. Душманнинг асосий қўшини ҳужумини кутмай, Амир Темур Илёсхўжанинг баронғор қўшинига биринчи бўлиб ҳужумни бошлади. Ундан кейин амирнинг хировул ва канбул, шиғовул ва манғлай лашкарий қисмлари олға юрдилар.

Амир Ҳусайн томонда сафланган баронғор унинг қаршисида турган муғуллар қўшинлари жавонғори қўмондонлари Даланжика Ширам ва Ҳоким

1365 ЙИЛ МАЙ ОЙИДАГИ ЛОЙ ЖАНГИ.

Чиноз яқинида рўй берган.


Амир Темур ва Амир Ҳусайн қўшинларининг жанголди ясол тартиби:



*Амир Ҳусайн мўғулар жанг бошлашиданоқ жанг майдонини ташлаб қочиши натижасида Амир Темур мўғуларнинг жавонғори қуршовига тушиб қолди



Илӛсхўжа бошчилигидаги мўғулар ясол тартиби:



Амир Ҳусайннинг баронғор қўшини ҳужуми ва унинг мўғулар қўшини томонидан тор-мор этилиши, Жайхун тарафга қочиши.

Бу жанг Амир Темурнинг жангдаги биринчи ва охири мағлубияти бўлган. Бу мағлубиятнинг асосий сабабчиси Амир Ҳусайннинг саркардалик жабҳасидаги лаёқатсизлиги бўлган эди.



нўёнлар ҳар иккисининг лашкаридан сон жиҳатдан анча ортиқ эди. Аммо Амир Хусайн бу нисбий устунликдан ҳам фойдаланмади.

Ҳолбуки, жанг айни бошланган паллада унда икки имконият ва икки устунлик нақд бўлиб турган эди. Шундоқ ҳам душмандан сон жиҳатдан анча кам бўлган Амир Темур Илёсхўжа қўшинларининг асосий хуружларини мардона қайтарибгина қолмай, уларнинг баронғор қисмини чекинишга мажбур қилаётган эди. Илёсхўжа аввалдан Амир Хусайн энг хавфли рақиб, истеъдодли лашкарбоши эканлигини яхши билгани учун, бор кучини Амир Темур лашкарини биринчи навбатда мағлуб қилишга қаратган эди. Ғанимнинг бу режаси тўғри қарор эди. Баронғор қўшинида аҳволнинг тобора оғирлашаётганлигини кўрган Илёсхўжа Амир Хусайнга қарши жанг қилаётган жавонғор қўшинининг бир неча фавж қисмларини олиб Амир Темурнинг хужумларини қайтаришга ташлади. Энди Амир Темур анча оғир шароитда қолди. Қўшимча ёрдамчи кучлар юборилганлигидан руҳланган мўғуллар қўшини баронғори қўмондони Шанкули нўён Амир Темурнинг хужумини тўхта-тиш ва қарши зарба беришга жон-жаҳди билан уринди. Аммо Амир Темур ғанимнинг қўшини сон жиҳатдан анча кўплигига қарамай, баҳодир навкарларини жангга илҳомлантириб, қирғин-барот жангининг олдинги сафида гоҳ у лашкарий қисмлари ва унинг саркардаларини, гоҳ канбул, гоҳ чиговул қўшин сардорларини, хужумни бир нафас ҳам сусайтирмасдан, ёвга қирон келтиришга ундади. Натижада, Амир Темурга қарши жанг қилаётган мўғуллар баронғор лашкари оғир аҳволга тушиб қолди.

Амир Темур: „Мен тишимни тишимга қўйиб душманнинг асосий кучларини ўзимга жалб қилиб турсам, бундан фойдаланган Амир Хусайн ўзидаги қўшинларнинг сон жиҳатдан катта устунлиги боис фурсатни қўлдан бермай, ғаним жавонғорини тормор келтирар“, деган фикрда жангнинг энг оғир ва

даҳшатли жойида бўлди. Ҳар қандай саркарда бундай вазиятда Амир Хусайннинг ўрнида бўлганида Амир Темур ўйлаган режани амалга ошириб, ғаним жавонғорини мағлубиятга учратган, сўнгра бор кучини тўплаб иттифоқчиси бўлган Амир Темурга ёрдамга шошилиб, душман кучларини қуршаб олган ёхуд қочишга мажбур қилиб, ўз ғалабаларини таъминлаган бўлув эди.

Бу ҳарбий вазият ва жанг ҳолатини мантиқий фикрлаб, қўшинни ҳаракатга келтириш учун жуда истеъдодли лашкарбоши бўлмаган саркарда ҳам „икки карра икки тўрт“ қабилидаги ҳарбий санъат усулидан зудлик билан фойдаланган бўларди. Амир Хусайн жанг бошланиш ибтидосиданоқ ташаббусни Илёсхўжа қўшинининг жавонғорини бошқараётган қўшинлар қўмондонларидан Даланжика Ширам нўён ва ҳоким саркардаларга бериб қўйди. У жангда душман олдида довдираб, йирик лашкарий кучларни мардона бошқара олмай, чекинишни лозим топди. Амир Темурга ўхшаб ўлимларни доғда қолдириб, шахсий намуна кўрсатишдан ҳам ожиз қолди. Бу билан ўзининг истеъдодсиз саркарда эканини яна бир бор катта жангда исботлади. Натижада унинг баронғор қўшини руҳий тушкунликка юз тутиб, кўплаб жангчиларининг қирилиб кетишига сабабчи бўлди.

Аксинча, унинг чекиниш билан бошланган жанги оқибатда қочишга айланди. Амир Темур қўшинлари, айни пайтда, ғалабага жуда яқин турган эди. Амир Хусайннинг жанг майдонидан қочиши билан боғлиқ воқеалар қўлга киритилай деб турган ғалабани тамомила йўққа чиқарди.

Амир Темур Амир Хусайнни неча бор бардам туришга кўндирмоқчи бўлиб, ўз хабаргирларини йўлласа-да, амир уларни ҳақоратлаб қайтариб юборди. Амир Темур Худонинг зорини қилиб, Амир Хусайнга ҳеч бўлмаганда душманнинг жавонғор кучларини бир неча соат ушлаб, мудофаада бўлса-да, жангни бой бермасликка ундади, аммо бу ҳам наф бермади.



МУСТАҚИЛЛИК УЧУН КУРАШ



ТЕМУРБЕКНИ РУҲИЙ СИНДИРИШ ЗУҒУМИ

Амир Хусайн сарбадорлар ҳаракати ва ҳокимиятини йўқ қилиб, унинг етакчи раҳбарларини қатл қилгач, ўзини ҳокими мутлақ ҳис қила бошлади. Навбатдаги асосий вазифа эса, сарбадорларга қандай зарба берган бўлса, Хуросон ва Мовароуннаҳрдаги унга ғанимлик кўзи билан қараган амир ва саркардаларга ҳам худди шу тарзда зарба бериб, улардан халос бўлиш сиёсатини амалга ошириш эди.

Амир Темур ва унинг қариндош-уруғларини руҳий ва иқтисодий синдириш учун ҳокимияти кучидан фойдаланиб, солиқ девони орқали тафтиш ўтказдириб, катта жаримага тортди.

Амир Хусайнга ошқора қарши туриш ёки уни ҳукмдорликдан мутлақ азл этиш фурсати етмаганлиги, айниқса, кўпчилик амирлар қай бирининг тошу тарозиси оғир келишини пайт пойлаб турган бундай қалтис дамларда Амир Темур огоҳликни қўлдан бермай, қатиқни ҳам пуфлаб ичадиган кунларда ҳарбий-сиёсий фаолият юритишга мажбур эди. Қайноғасига садоқат билан хизмат қилишда давом этаверди.

Амир Хусайн ҳокимият унинг измига ўтгач, наҳанг ўз ўлжаларига ташланиб, уларни тириклайин ютгандай бутун борлиғи билан олтин-кумуш, мол-дунё тўплаш ва айш-ишратга берилди. Бундай мол-дунёга ўзи ёқтирмаган зодагон, амир, ҳоким, савдогарларнинг йирик гуруҳларини қақшатиш эвазига эришишни мақбул кўрди. Бундай иқтисодий зўравонликка учратилувчилар рўйхатининг бошидан Амир Темур ва унга яқин одамлар жой олди. Бу ҳақда Амир Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида энг ҳаққоний тарих битган муаррихлар пешвоси машҳур тарихнавис олим Низомиддин Шомий Амир Хусайннинг шайтоний нафси қанчалик бойликка ружу қўйган, кўпчилик гуруҳ вакиллари қон қақшатган, иқтисодий таназзул ботқовига ботирганлигини, улар қаторида Амир Темур ҳам қариндош-уруғлари билан шундай адолатсиз зулм сиё-

сатини бошидан кечирганлигини ишончли манбалар орқали баён қилган эди: „Амир Хусайн ҳокимиятга ўрнашиб олгач, унинг табиатидаги хасислик ролиб келиб, мол тўплашга берилиб кетди. Уни деб бошини хавф-хатарга қўйган жамоатни ўзидан нафратлантирди, уларнинг молини тортиб олишга қасд қилди. Унинг ҳокимиятга келишида хизмати катта бўлган Амир Темурнинг яқинлари — Амир Жоку Барлос, Амир Сайфуддин, Оқ Буғо баҳодир, Элчи баҳодир ва Давлатшоҳ баҳодирлар катта товон тўлашга мажбур этилди.

Бу амирлар бошидан турли савдолар кечганлиги натижасида аксар моллари йўқ бўлиб кетганлиги боис Амир Хусайн талаб қилган молни тўла йиғиб бўлмади. Амир Соҳибқирон уларнинг ишига бош қўшиб, мадад ва ёрдам кўрсатди. Уларнинг муаммоларини ҳал этиш учун кўп олтину кумуш сарфлади. Жумладан, ўзининг никоҳида бўлган Амир Хусайннинг синглиси Ўлжой Туркон оқанинг тилла зираги ва билагузугини ҳам олиб, амирларнинг мусодара этилган моллари ҳисобида топширди... Сўзнинг қисқаси, талаб қилинган маблағга яна уч минг динор етмас эди. Амир Соҳибқирон унинг эвазига ўзининг хос отларини пешкаш қилди. Амир Хусайн отлар унга тегишли эканлигини билиб, қабул қилмади ва қайтариб юборди. У „мен Соли саройга кетяпман, олтинга эҳтиёжим бор, мадад бер ва ёрдам қил, менинг молларимни тўлдир, ўша нақд уч минг динорни ҳам юборгин. Мен уни Хусайн Сўфига (Хоразм ҳукмдори) қизининг қалин моли сифатида юбораман“, деди.

Низомиддин Шомийнинг ушбу далилларидан шуни билиш мумкинки, Амир Хусайн ҳатто синглиси Ўлжой Туркон оқа, яъни Амир Темурнинг хотинига тегишли тилла билагузук ва исирғаларни таниса ҳам, уни ўзлаштиришдан акалик виждони заррача қийналмайди. Ҳолбуки, бу совға қилинган тилла узукларни синглисига никоҳ тўйи куни тўёна



сифатида тақдим қилган эди. Очқўзлиги янада ҳакалак отиб, яна уч минг динор топиб беришни қатъий талаб қилади. Ушбу далиллар шуни тасдиқлайдики, Амир Темур ушбу катта миқдордаги маблағни топиш учун бор-будидан ажралди. Бу моддий аҳволи инқироз ёқасига келган одамга лашкар сақлаб туриш тугул, оиласининг моддий таъминоти ҳам оғир муаммога айланганлигидан дарак берарди. Амир Хусайннинг асл мақсади ҳам Амир Темурнинг ҳарбий, сиёсий мавқеини шу тарзда синдириш эди. Унинг бу номардларча иши Амир Темурга жуда оғир ботди.

Аммо мард ва жасур инсон бўлган Амир Темур Амир Хусайн билан мумкин қадар орани бузмаслик, қариндошчилик муносабатларига зид иш қилмай инсонийлик кўрсатганлигини „Тузуқлар“ ида бундай таъкидлайди. „Қазаған набираси Амир Хусайнни давлатимга шерик деб элга эшиттирдим ва у билан муросою мадора қилдим. Гарчи у ташқи кўринишидан менга дўстлик билдирса ҳам, аммо ичидан ҳамиша ҳасад ва нифоқ мақомида турди. Унинг ўзи Мовароуннаҳр салтанати тахтига ўтиришни орзу қиларди.

Амир Хусайн билан орамизда қариндошчилик бор бўлганидан унга ҳар хил мурувват кўрсатиб, муросою мадора қилдим, лекин дўст бўлмади. Иш шу даражага бориб етдики, Балх ва Хисори Шодмон вилоятларини мендан тортиб олди. Мен эсам унинг сингиси ҳарамимда эканлигининг хотирини қилиб, Амир Хусайнни сиқувга олмадим. Лекин Амир Хусайн ҳамиша мени мағлуб этиш пайида фириб бериб келарди“.

Амир Темурнинг мардлиги, адолатпарвар ва бағрикенглигини билганлар Амир Хусайн уни иқтисодий таназзул ботқоғига ботираётган оғир кунларда ҳам ёлғизлатиб ташлаб кетмадилар.

„Дўст бошга кулфат тушганда билинади“ ҳикматининг кучи ва аҳамиятини Амир Темур ўша дамларда янада теран ҳис қилди.

Амир Хусайн кундан-кунга ҳаддидан ошиб,

Амир Темурга Қуръони Каримни ўртага қўйиб куёвига нисбатан ғанимлик жабҳасида турмаслик қасамларини неча бор ичган бўлса-да, ғайирлиги устун келиб, ичган онтларидан қўз юмган эди.

— Амир Хусайн, — дейди Амир Темур „Тузуқлар“ ида, — мен қўлга киритган ғалаба ва ютуқларимни кўра олмай, ҳасад ичини кемириб, менга ва ҳарамимдаги ўз сингисига кўп озор берди.

Оқибат хусумат шунчаликка бориб етдики, сингисига: „Агар мени акам дейдиган бўлсанг, эринг Амир Темурни заҳарлаб ўлдирасан“, дея ғоят ишончли жосуслари орқали истеъмол қилган одам тил тортмай ўладиган заҳри қотилни бериб юборган. Эрига бўлган садоқат ҳисси, акаси Амир Хусайннинг бу ғайриинсоний хатти-ҳаракати Ўлжой Туркон оқага қаттиқ руҳий таъсир қилиб оғир касалликка чалинади. Чунки бу оқида малика ўн йиллар давомида биргаликда кечирган ҳаётини синовларда эри Амир Темурнинг келажаги порлоқ, шижоатда тенгсиз баҳодир, метин иродали ажойиб инсон эканлигига ишонч ҳосил қилиб бўлган эди. Амир Темур ҳам бу суюкли маликасига меҳри жуда баланд эди. Улардаги бу эзгу олижаноб инсоний муносабатлар, қочиш-қувилиш давридаги барча азоб-уқубатли сарсон-саргардонликларни эр-хотин биргаликда елкама-елка тортиб бир-бирига суянч бўлган дамларда шаклланиб бўлган эди.

Агар Амир Темур жуда кўплаб амир ва сардорларни одамийлиги, бағрикенглиги, кечиримлиги ва мардлиги билан аста-секин ўзининг қўшинига чин дилдан келиб қўшилиувини кутган бўлса, Амир Хусайн эса уларни мажбурийлик, зўравонлик, дўқпўписа, жабр-зулм воситасида бошқаришга интилди. Унинг бундай салбий қусурларини ҳар томонлама чуқур ўрганган Амир Темур Амир Хусайн хусусида шундай таъриф берган эди: „У Мовароуннаҳрни мендан тортиб олишга, мени ўлдириб тахтга ўзи ўтиришга бел боғлаган эди. Ўртамизда неча бор урушлар бўлиб ўтган бўлса-да, барчасида енгилди. Унинг адолатсизлиги, инсофсизлиги чегара-

дан ошган, мени енгиш ва ўлдиришига оз қолган вақт ҳам бўлди. Айнан шу вақтда қўрслиги, ёмон йўл тутиши туфайли амирлари ундан юз ўтирдилар. Хутгалон ҳоқими Амир Кайхусравнинг инисини сабабсиз (арзимаган баҳона топиб) қатл эттирди. Оқибатда, Амир Кайхусрав ҳам унга душман бўлиб қолди. Амирлари анчадан бери ундан норози бўлиб, адоват сақлар эдилар, у бўлса, уларни ўз тарафдори дея ишониб юрарди“.

Амир Ҳусайн Амир Темурни ҳар томонлама заифликка юз тутдириш мақсадида Соҳибқирон амирлари, юқори мансабдор шахслари ўртасида жанжал, низолар уруғини сочишга интилди.

Ниҳоят шундай фожиалардан бири юз берди ҳам. Амир Ҳусайн томонидан қутқуга солинган Соҳибқироннинг жовурчиси ва унинг ўғли бир ўтиришда, ичкилик меъеридан ортиб Амир Муайяднинг нафсониятига тегадилар. Жаҳли чиққан Амир Муайяд жовурчининг ўғлини ўлдириб қўйди. Амир Муайяд Амир Темурнинг жуда содиқ амирларидан бўлиб, шу боис Соҳибқирон сингисини унга хотинликка берган эди. Ичкилик оқибатида жиноят содир этилиши Амир Ҳусайнга яхшигина баҳона бўлди. Ўзини Туронзамин ҳукмдори деб билган Амир Ҳусайн тезда жиноятчини қатл этиш учун ишончли ҳарбий гуруҳларини жўнатди. Амир Темур бундан хабар топиб, сингиси Ширинбека аҳволи нима кечишини ўйлаб, ғоят танг ҳолатга тушиб қолди ва Амир Муайядга „Нега вазиятни шунчалик оғирлаштирдингиз, шу иш шартмиди“, деганида у: „Ҳар икки ота-ўғиллар сизга содиқлигим учун атайлаб менинг жигимга тегиб, ҳаддиларидан ошдилар: „Қайноғанг ҳам, сен ҳам бўлмағур одамсизлар. Шунинг учун биз Амир Ҳусайн хизматига кетамиз“, дея оғзига келганни валақлашди. Хоин, дея ўғлига ташланиб, жаҳл устида ўзимни тутолмай уни чопиб ташладим“.

Устига-устак Амир Темур оғир вазиятда турганида Амир Ҳусайн унга дўқ-пўписа қилиб: Амир Муайяд қўлга олиниб, қатл этилгунча сингиси

Ширинбекани гаров ўрнида Балхга — унинг ҳузурига юборишини қатъий талаб қилди.

Бир томондан куёви Амир Муайяднинг ўлимга маҳкум этилиш фармони, иккинчи тарафдан Ширинбекани Амир Ҳусайннинг ҳузурига жўнатиш дағдағаси икки амир ўртасидаги сиёсий кураш чуғининг алангага айланишини янада кучайтирди. Бу билан ҳам чекланмаган Амир Ҳусайн ўз назоратида ушлаб турган вилоятларнинг жамики бойлари, калантарлари ва таниқли кишиларини Балхга кўчириб юбориш фармонини бериб, бу оғир вазифани ҳам Амир Темур зиммасига юклади.

Муъиниддин Натанзий, „Шу тариқа, бир ҳафта ичида неча бор фитна ва адоват аралаш фармонлар келди. Барча амирлар ва қолган аҳоли Амир Ҳусайннинг бу сиёсатидан дилгир бўлишди, дея вазиятни тўғри баҳолаган эди.

Укаси Амир Темурнинг оғир аҳволдан хабар топган опаси Туркон оқа, ғоят ақлли ва билимли аёл бўлганидан, унинг жонига оро киради, куёви Амир Муайядни қаттиқ ҳимоя қилиб, уларни сингиси билан, Амир Ҳусайн тополмайдиган жойга яширишни маслаҳат беради.

Амир Муайяд ва Ширинбекалар махфий тарзда фақат кечалари йўл юриб, кундузлари инсон кўзидан пинҳон жойларда яшириниб келиб, Туркон оқа уйида жон сақлайдилар. Туркон оқанинг эри Амир Довудбек Дуғлот бу даврга келиб Мовароуннаҳрнинг ҳарбий зодағони, машҳур ва баҳодир саркардаси сифатида танилаётган эди. Амир Довудбек чинакам саркарда, ҳарб иши учун туғилган инсонлардан бўлиб, Амир Темурни энг қийин дамларда ганимлардан ҳайиқиш нималигини билмай ҳимоя қиладиган, жонини жабборга бериб бўлса-да, қилич серпайдиган саркардалар сирасидан эди. Амир Муайяд ва Ширинбекани ҳимоя қилиш учун истасан ганим билан олишишга у доимо тайёр эди.

Амир Темур Амир Жоку Барлос, Амир Довуд, Амир Сайфуддин, Амир Муайяд ва бошқа содиқ амирлари, шунингдек, Амир Ҳусайндан кўнгиллари



совиб, унинг ғанимига айланаётган бир неча амирларнинг ўзини қўлаб-қувватлашларига ишониб, Амир Хусайннинг ҳеч қачон ўзига чинакам дўст бўла олмаслигига амин бўлди. Шунинг учун Мовароуннаҳр мулкини унинг таъсиридан мутлақ чиқариб олиб, ўз ҳукмига олиш мақсади энди пишиб етилган, пичоқ суякка етиб бўлган эди. Энди бу ёғига яна Амир Темур Амир Хусайндан ҳайиқиб, бош эгиб яшайдиган ва унинг фармонларини кўр-кўрона бажаришга киришадиган бўлса, ундан кўрқиб-қақшаган ижрочи-малай ва вассал даражасидаги ўртамиёна амирлардан фарқи қолмасди. Биратўла Амир Хусайн билан орани очиқ қилиб олишга биргина тўсиқ бор эди. Бу тўсиқ шу эдики, Ўлжой Туркон оқа Амир Хусайнга сингил бўлса, Амир Темурга малика эди. Акасининг бемисл озорлари оқибат, бу

ор-номусли маликани оғир дардга чалинтирди. Натижада улар ўртасида узилай-узилай деб турган қариндошлик риштаси узилишини яратган Парвардигор якунига етказиб, Ўлжой Туркон оқани дорулбақога жўнатди. Унинг акадан азоб чеккан руҳи Арши аъло эркинлигидан қўним топди.

Шу билан Амир Хусайн ва Амир Темур ўрта-сидаги қилтиллаб турган қариндошчилик кўприги қулаб, икки амирни бу ёғига боғлаб турадиган ҳеч нарса қолмаган эди. Икки соҳилда бири иккинчисини тезроқ йўқ қилишдан манфаат кўрадиган икки амир бир-бирига ёғий бўлиб турарди. Яра патос бойлаб, гап жарроҳлик пичоғига, яъни қиличга қолаётган эди. Шу билан Соҳибқиронда унинг синглиси ҳурмати туфайли унга қарши қинидан чиқмаган қиличига эрк бериш имконияти вужудга келган эди.

ЧАКЧАК ДАРАСИДА ТАЙЁРЛАНГАН НАВБАТДАГИ ФИТНА

Энди Амир Хусайн Амир Темурнинг баҳридан бемалол ўтиб юборса бўлаверарди. Уларни боғлаб турувчи охирги нажот риштаси узилиб бўлган. Амир Хусайн бу сафар шайтоний шумлик усулини қўлаб, Амир Темурни қарийб талафотсиз, қўлга тушириб йўқ қилишга қасд қилди.

Амир Темур саркардаларидан бири Хожидин Сайфуддинни Амир Хусайннинг хатти-ҳаракатларини кузатиб туриш учун манғлай қилиб жўнатди.

Амир Жоку ва Аббос баҳодир Амир Темурга маслаҳат берар экан, Амир Хусайн ҳеч қачон ваъдасида турмайдиган қасамхўр эканлигини айтиб, у билан муносабатларни мутлақ узиш, элчиси Малик баҳодирни ҳибсга олишни маслаҳат бердилар. Аммо Амир Темур „Элчига ўлим йўқ, у фақат ҳукмдорининг буйруғини бажаради, шунга кўра уни ҳибс қилиш адолатдан бўлмайди“, деб амирларини ниятларидан қайтаришга ҳаракат қилди. Шу боис Малик баҳодирнинг элчилик ҳурматини жойига қўйиб, қайтариб юборди. Элчиси Малик баҳодир олиб келган маълумотлардан кўнгли тўлмаган Амир

Хусайн саройининг энг ишончли мансабдори — хазиначиси Хизрни Амир Темур билан учрашиш учун жўнатди. Хизр хазиначига топширилган вазифа Амир Темурни Чакчак дарасига қўшинсиз келишини, ўша ерда дўстона музокаралар ўтказиб, аввалги ва шу кундаги силқиб турган гина-кудуратларни ҳар иккиси унутиб, Мовароуннаҳр ва Хуросонни тинч-тотувликда идора қилишга қўндиришдан иборат эди. Аслида эса, Амир Хусайн Чакчак дарасида Амир Темурни тузоққа тушириб, шу ерда унинг баҳридан ўтиб, сўнгра ўзини Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шериксиз ҳукмдори деб эълон қилмоқчи эди.

Ана шундай қалтис вазиятда Амир Хусайн қўшинида хизмат қилаётган Амир Темурнинг айғоқчиси шамол тезлигида Амир Хусайннинг қалтис режаларидан хабар бериш учун Деҳнавда қолдириб кетган Амир Темур ҳарбий гуруҳига етиб келиб, воқеадан хабардор қилди. Бироқ бу хабарни олиб келган чоғда Амир Темур бу ердан анча узоқлашиб кетган эди. Амир Хусайн эса қора ни-

ятини амалга ошириш учун барча тайёргарлик ишларини бошлаб юборган эди. Муъиниддин Нантанийнинг маълумот беришича, Амир Хусайн Амир Темурнинг қўшинига пистирмадан туриб қаттиқ зарба берган. Уйқудаги икки юздан ортиқ аскарини қиличдан ўтказишга муваффақ бўлган. Амир Темур ва унинг содиқ лашкарлари тун пардаси остида қуршовни ёриб ўтиб, Моҳон сари йўл оладилар. Моҳонга етгач, Хирот, Калот ва Мовароуннаҳрға кетадиган карвонларни тўхтатиб қўйдилар. Амир Хусайн уларнинг шу ердалигидан хабардор бўлмаслиги учун бундан бошқа чора йўқ эди.

Карвонлар кўрган зарарни Амир Темур қўли узайганда албатта тўлашини карвонбошиларга ваъда берди. Амир Темурнинг берган сўзининг устидан чиқишини билган карвонбошилар Амир Темур талабига қўнди ва карвон аъзоларидан ҳеч ким карвонни ташлаб берухсат ҳеч қаёққа жилмаслиги уқтирилди.

Агар Амир Темурнинг бир ҳовуч навкарлари билан қолганидан Амир Хусайн хабар топадиган бўлса, Султони Ғозийнинг оғир аҳволи янада баттар ёмонлашар эди. Моҳонда Амир Темурни ҳимоя қиладиган содиқ одамлари бор эди. Аввал ҳам энг оғир аҳволда Жони Қурбоний уни оиласи ва Амир Хусайн билан бирга қўлга олиб зиндонга ташлаганида Муҳаммадбек Жони Қурбоний ва унинг пири катта ёрдам қилган эдилар. Моҳоннинг нуфузли кадхудоларидан Муборакшоҳ Санжарий яна Амир Темур жонига оро кирди. Амир Темур бола-чақа, оиласини шу содиқ дўстиникида сақлади.

Амир Темур Моҳонда ўзига келиб куч йиғиш билан машғул бўлар экан, Мовароуннаҳрнинг жанубий вилоятларида Амир Хусайн таъсири ортиб, яна унинг ҳукми юра бошлади.

Аксинча, Амир Темурнинг имкониятлари янада чекланиб, барчасини янгидан бошлашга тўғри келди.

Амир Хусайн Амир Темурдан Мовароуннаҳрға кириш учун калит вазифасини ўтайдиган Қарши шаҳрини тортиб олиб, унинг мудофаасини мустаҳ-

камлашга киришади. Таниқли амирларидан Амир Мусони қалъа ҳокимлигига тайинлайди.

Бу пайтда эса Амир Темур карвонларни назорат қилиш учун Шўробга кўчиб ўтди. Катта карвонлар худди шу ерда керагича дам олиб, сўнгра Шарқ мамлакатларининг турли шаҳарларига йўл олардилар. Шунинг учун лашкарини Шўробдаги йирик карвонсарой ёнига чодир тикиб жойлашуви-га кўрсатма берди. Амир Темур Хилот ва Калот томонлардан бирор ёрдам олиш умидида ўзининг ишончли одамларини элчи қилиб ўша ҳудудлар ҳокимлари ҳузурига юборди. Бахтга қарши юборган одамларидан икки ойдан ортиқ вақт ичида дом-дарак бўлмади. Уларнинг келишини кутиб тоқати тоқ бўлган Амир Темур бирор-бир қарорга келолмади. Устига-устак Мовароуннаҳр томондаги шаҳар ва вилоятлар билан ҳам алоқа узилган эди.

Ортиқ кутиш вақтни бой бериш эканлигини тушуниб етган Амир Темур таваккал қилишга қарор қилди. Энди навбатни тадбир ва ҳарбий ҳийлага берди. У янги режада ҳийлани пухта ишлаб чиқди. Амир Хусайннинг ҳарбий кучлари олдида унинг аскарлари кучи ёмғирдан томчидек гап эди. Амир Темур ўзини ошкор этиб, ўз одамлари билан Хиротга отланган қилиб чалғитувчи гап тарқатди. Карвонларнинг барчасига шу гапни овоза қилиш топширигини берди. Улар Амир Темурга Қуръони Каримни ушлаб топшириқни қандай берилган бўлса, шундай адо этишга сўз бердилар. Ўша даврларда карвонлар ва, қолаверса, элчилар биринчилардан бўлиб янгиликни бир мамлакатдан иккинчисига, бир вилоятдан бошқаларига етказувчи асосий восита эдилар. Карвонларга рухсат бериб, ўзи эса фақат тунлари йўл юриб, Қаршига равона бўлди. Қалъа остонасида тўхтаб барча ишлар олдиндан режалаштирилган йўсинда жуда тез бажарилди. Кимга нарвон келтириб белгиланган жойга ўрнатиш, кимларга илмоқли арқонда ҳаракат қилиш, довюрак ва чапдаст баҳодирлар ими-жимиди қоровулларни тинчитиш, яна баъзи бирларига дарвозаларни очиш



каби вазифаларни қисқа ва жуда аниқликда бажариш вазифаси топширилди.

Амир Темурнинг оз сонли қўшини ярим тунда Қарши шаҳрига тўсатдан ҳужум уюштириб, Амир Мусонинг 12 минглик қўшинига зарба бериб, шаҳарни эгаллади.

1366 йилда Қаршини қўлга киритган Амир Темур 1367 йилнинг қиши чиққунча ўша ерни ўзига Қароргоҳ қилиб турди. Шу давр ичида Соҳибқирон ўзининг оз сонли лашкарий кучларини қўпайтириш билангина чекланмади. Мовароуннаҳрда ўз таъсир доирасини мустаҳкамлаш учун бор имкониятини ишга солди. Сиёсий ҳокимиятини барпо қилишнинг қўлдан келган ҳаракатларини амалга ошириш чораларини кўрди. Ўзига тобелигини билдирган туман ва вилоятларда аҳоли тинчлиги, озоишталиги ва экин-тикин, ҳунармандчилик, савдосотиқни эмин-эркин амалга ошириш, хотиржам фаолият юритишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ўзи тайинлаган ҳоким, шаҳар раисларига кўрсатмалар берди. Амир Темурнинг бундай халқпарварлик, юртпарварлик тадбирларидан халқ ғоят хурсанд бўлди. Агар Соҳибқирон юртбошлик мавқеида доимо турадиган бўлса, халқ бек ва ҳокимларнинг ўзаро низоларидан қутулиб, юрт, эл-улус обод бўлишига ишонч ҳосил қила бошлашди. Унинг адолатли тартиб ўрнатиб, амалда аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишга киришганлиги халқ орасида тилга туша бошлашига сабаб бўлди. Аммо бошланган бу эзгу ободончилик ишлари охирига етмай қолди. Амир Темурни маҳв этишни истаган энг қудратли рақиби бўлмиш Амир Хусайн Соҳибқирон Темурбекнинг бу ижобий ишларини ичини ит тирнаган ҳолатда кутиб олди. У Амир Темурни Мовароуннаҳрда мустаҳкам ўрнашиб олмай туриб йўқ қилиб ташлаш учун кеча-кундуз ёвузлик тўрини тўқишдан, уни сиқиб чиқаришдан бир лаҳза ҳам воз кечмади. Агар бу ишни пайсалга солса, Амир Темурнинг сиёсий ва давлат арбобилик обрўсигина эмас, балки ватанпарварлик, халқпарварлик ҳамда

инсонийлик мавқеи кўтарилиб, барча у томонга оғиб кетишидан ғоят хавфсирарди. Амир Темурнинг ҳокимият учун курашидан асл мақсади ҳам шу эди. Амир Хусайннинг мақсади эса бунга тамомила тескари бўлиб, у Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдорлигини қўлга киритса, умри давомида бойликка кўмилиб, айш-ишрат завқи ва кайфу сафо гаштини суриб, камчисидан қон томизиб яшашдан иборат эди. Ана шу мақсадлар йўлидаги тўқнашув икки амирни охиригача курашга ундамоқда эди.

Мовароуннаҳрни тезроқ тортиб олиб ўз мулкига айлантириш учун Амир Хусайн Балх, Хутталон ва Бадахшон ҳоким ҳамда ҳукмдорларига қўлига қурол ушлаши мумкин бўлган барчани ҳарбий хизматга чақириб, ўз қўшинига келиб қўшилиши тўғрисида фармон йўллади.

Амир Темур эса, аксинча, халқ фаровонлигини ўйлаб, баҳорги деҳқончилик ишларига ривож бериш учун Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз ва Самарқанд ҳокимларига ариқларни, зовурларни тозалаш, бозорлардаги олибсотар, қароқчи ва ўғриларнинг пайини қирқиш, от-уловдан, уруғликдан камчилик сезган деҳқонларга ёрдам бериш каби эзгу иқтисодий сиёсатга урғу берди.

Бу пайтда Амир Хусайн шундоқ ҳам оғир ҳаёт кечираётган аҳолига қўрқитиш, ҳарбий хизматига келмаганларни қатл этиш, аҳолининг уйларидаги захира дон-дунларини зўрлик билан тортиб олиб, ҳарбий хизмат солиқларини ошириш каби зулм сиёсатини қўлламоқда эди. Икки амир ана шу тарздаги икки хил сиёсат юритаётган бир вақтда 12 минг миқдордаги қўшин бошлиғи Амир Мусо Амир Хусайн Қароргоҳига ғоят афтода бир ҳолатда келиб, унинг пойига тиз чўқди ва: „Мен гуноҳкорни ҳозироқ жаллодингизга рўбарў қилинг. Мен шунгагина лойиқман. Ҳарб одамига энг муносиб жазо шу“, деди бошини хиёл кўтариб. Шунда Амир Хусайн „Сизни жазога торта олмайман. Уч отабоболар авлодимиз олдида катта хизматингиз бор. Ҳозир ади-бади қилиб айтишиб ўтиришдан наф





йўқ. Ўзингизни қўлга олиб, аввалги шиддатли Амир Мусо ҳолатига қайтинг, бу мағлубиятнинг ўчини биргалашиб оламиз. Мен сафарбарлик эълон қилиб, сиз йўқотган кучлардан икки-уч баробар катта қўшин йиққанман. Шу қўшин билан Амир Темур устига чақмоқ бўлиб ёпирилиб, ҳужум қиламиз. Албатта қасос оламиз, амир, дадил бўлинг. Ана шу бўлажак жангда ўзингизни баҳодир Амир Мусо қилиб, ҳарб санъатингизни кўрсатасиз“, деди.

Бунга жавобан Амир Мусо: „Сизга минг бора таъзим, — деди бошини эгиб, — албатта бу мағлубият қасосини оламан. Имкон берганингизга минг шукур. Мени ҳужумда жангнинг илғор ёки манглай қисмига ташланг. Гуноҳимни қоним билан ювман“. „Ана энди ўзингизга келдингиз амир, имкониятдан фойдаланинг. Энди ўзим чақирмагунимча яхшилаб жанг олдидан дам олиб, кучингизни тўплаб олинг, бўшсиз“, деди Амир Хусайн Амир Мусога рухсат бераркан.

Амир Хусайн қўшини йиғила бошлагач, Соли саройдаги Қароргоҳида ҳарбий кенгаш чақирди. Унда тобе вилоятлар ҳокимлари, саркарда ва сарҳанглар, мингбошилар иштирок этди.

Ҳарбий кенгашда, асосан, бир масала — Амир Темурни тўла-тўқис тор-мор келтириш ва уни мағлуб этишда қўлланадиган ҳарбий усул масаласи муҳокама қилинди. Кенгаш ҳал қилувчи қарор қабул қилди. Амир Темурнинг оз сонли қўшинини бир зарба билан ҳужум қилиб қақшатқич мағлубиятга учратиш режаси маъқулланди. Зарба икки йўналишда бериладиган бўлди.

Амир Темур айроқчилари орқали Амир Хусайннинг режасидан хабардор бўлди. Бундай катта куч билан қалъа қуршовида мудрофаа жанги олиб бориш бу ўлимни ёки мағлубиятни олдиндан эътироф этиш эканлигини билган Амир Темур Амир Хусайн лашкарининг заиф томонини топиб, очиқ майдонда қуршов ҳосил қилинмасдан чиқиб кетиш ва ихтиёридаги кучларини омонлик майдонига олиб ўтишни мўлжаллади. Бу энг тўғри жанг услуби эди.

Амир Темур ўз айроқчиларининг берган маълумотлари тўғрилигини яна бир бора тасдиқлаш учун душман аскарларидан тил ушлаб келиб, уни шахсан ўзи сўроқ қилиши лозим эди. Баҳодир йигитлардан тузилган тил ушлаб келтирувчи гуруҳ ярим тундан ўтганда чодир олдидаги қоровуларни гумдон қилиб тил олиб келдилар. Амир Темур уларни тирик қолдириш шarti билан аниқ маълумот беришни талаб қилди. „Агар берган маълумотларингиз тўғри бўлиб чиқса, тўрт томонингиз қибла, хоҳлаган тарафга кетаверинг, агар маълумотларингиз нотўғри чиқса, бошингиз билан жавоб берасизлар“, деди уларга.

Улар ўзларининг ҳақ гапирганларига амин бўлишиб: „Биз ҳеч қаёққа кетмай сизнинг навкарларингиз сафида қолиб, садоқат билан хизмат қиламиз“, дея қасам ичдилар. Шундан кейин Амир Темур навкарларнинг сўзларига ишонди. Амир Темурда шундай ноёб қобилият бор эдики, у инсонларнинг кўзи ва юз ифодаси ҳамда товуш ҳолатига қараб рост ёки ёлғон гапни дарҳол илғаб олиши тарихий манбаларда эслатилади.

Амир Темурнинг йўллаган айроқчилари билан олиб келинган тил маълумотлари тўғри келди. Улардан олинган маълумотларга кўра Амир Хусайн бошчилигидаги асосий қўшин Чакчак дарасидан ўтиб, Жигдалиқда тўпланаётганлиги, иккинчи йўналишда ҳаракат бошлаган қўшин Оқ қияга томон йўл олганлиги маълум бўлди. Улар Амир Мусо, Ўлжойту Аперди саркардалар қўмондонлигида ҳаракат қилаётган эдилар. Уларнинг қўшинида ўн мингдан ортиқ суворий ва пиёдалар мавжуд эди.

Кучлар нисбати мутлақо тенг бўлмаган бундай шароитда Амир Темур учун жанг мутлақо бефойдагина эмас, балки ҳалокатли эди. Шунинг учун Амир Хусайннинг қуршов қозонига тушмай, икки йирик лашкар кучларига ем бўлмай, тузоқдан айланиб ўтиб, омонлик соҳилига чиқиб олиш зарур эди. Амир Темур минг бир азоб ва сабр-тоқат билан ўпқондан базўр чиқиб кетишга улгурди. Бир ишонч ва илинж Бухородан эди. Бу шаҳарнинг мудрофаа деворлари



мустаҳкам эди. Фақат Амир Темур юборган Жоку Барлос Бухоро ҳоким ва саркардаларидан Маҳмудшоҳ ҳамда Али Ясовурийлар ҳамжиҳатликда, бир жон, бир тан бўлиб мудофаани ташкил қилсалар бас. Агар уларда ҳам оғзи олачилик бўлиб „бўлингани бўри ер“ қабилда иш тутсалар, унда шаҳарнинг девори қанчалик мустаҳкам бўлмасин, ғаним уни осонлик билан эгаллаб олиши аниқ.

Ўрта аср машҳур тарихчилари асарларида таъкидланишича, Амир Ҳусайн Бухоро забтига қанча зўр бермасин, оқибат катта талафотлар билан орқага чекинишга мажбур бўлган. Ниҳоят, ҳолдан тойган Амир Ҳусайн қўшини ҳужуми барбод бўлганига ишонч ҳосил қилгач, мудофаачилар Маҳмудшоҳ ва Али Ясовурий қарши ҳужумга ўтиб Амир Ҳусайн лашкарларини чекинишга мажбур қилган. Эртасига қилинган ҳужум аввалгисидан ҳам кучли бўлиб, душманни танг аҳволга солгач, Амир Ҳусайн батамом мағлуб бўлишдан қутулиб қолиш учун Бухорони ола олмаслигига кўзи етгач, келган тарафига кетишдан ўзга иложи қолмади. Аслини олганда Самарқанд сарбадорлари Илёсхўжага қандай қаршилиқ қилган бўлса, Бухоро аҳли ҳам улардан намуна олиб, шу руҳда ғанимга қарши жанг олиб борган эди. Бухоро сарбадорлари Амир Темурнинг Самарқанд сарбадорларига муносабатлари илиқлигини яхши биларди. Шунинг учун улар Амир Ҳусайн тарафида эмас, адолатпеша Амир Темур тарафида туриб сарбадорлар мардлигини тақрорлаб, ғанимга қарши жасурана майлда жанг қилдилар. Шунингдек, улар Самарқанд сарбадорлари йўлбошчиларининг хоинона тарзда Амир Ҳусайн томонидан қатл этилиши учун қасос олдилар. Бу шаҳарнинг Амир Ҳусайнга таслим бўлмаганлиги оқибатида ғаним Мовароуннаҳрда тўла ўрнашиб қолишига имкон берилмади. Аксинча, кейинчалик Амир Темурнинг яна Мовароуннаҳр ҳудудида Амир Ҳусайнга қарши кураш олиб боришига имкон яратдилар.

Амир Темур учун 1367 йилдан 1370 йил бош-

ларига қадар энг оғир синовлардан ўтиш даври бўлди. Шу давр орасида муваффақият ва муваффақиятсизлик худди кеча ва кундуз алмашганидек алмашиниб турди. Амир Ҳусайндек тулкисифат ғаним билан олишмоқ учун Темурбекка кучли қўшин ва иқтисодий захира сув ва ҳаводек зарур эди. Бу муаммони бир оз ижобий ҳал этишда Моҳон ҳокими унинг жонига анча оро кирди. Аммо бу етарли эмасди. Сўнгра йирик амирлардан Кайхусрав Соҳибқиронни қўллаб-қувватлашга ваъда берди. Шунингдек, Сайрам ҳокими ҳам Амир Темур томонда эканлигини билдирди. Улар ташаббуси билан Амир Темур Тошкентга келиб куч йиғишга киришди. Натижада Амир Темур Тошкентда ўтган кунларидан жуда мамнун бўлди. Бу кунлар Амир Темур учун инқироздан чиқиб олиш даври бўлди.

Аҳмад Яссавийни тушида кўрган Амир Темур шу муқаддас жойни зиёрат қилиб, яна ота юрти Қаршига қайтди. Шароит юзасидан Амир Ҳусайн билан вақтинча яраш сулҳи тузди. Амир Ҳусайн Бадахшон ҳукмдорини ўз кучи билан мағлуб қила олмай, Амир Темурга иттифоқчилик қилишни таклиф қилди. Соҳибқироннинг тадбири ва қиличи билан Бадахшон тобе этилгач, шу муносабат билан Амир Темур шарафига тақдирлаш маросими ўтказилиб, Соҳибқиронни шу кечаси йўқ қилиш режаси Амир Ҳусайн томонидан пухта тузиб чиқилди.

...Бадахшонни бўйсундирган Амир Темур шарафига Амир Ҳусайн ва унинг қўғирчоқ хони Қобулхон тантанали қабул маросими уюштирди. Голиб шарафига унинг сарой девони Соҳибқиронга олқишлар ёғдирди. Ўша куни кечқурун жуда катта шоҳона дастурхон тортилиб, Амир Темурга аталган инъом ва совға-саломлар топшириш маросими тайинланди, шунга қадар Соҳибқирон узоқ ҳарбий юришлардан чарчаб келгани ҳисобга олиниб, ўз Қароргоҳида дам олишига рухсат этилди.

Амир Ҳусайн шу бугун энг қулай фурсатни қўлдан чиқармаслик учун ғоят жиддий тайёргарлик кўрди. Шу сафар бирор хатога йўл қўймасдан

Амир Темурни даф этиш учун жуда ишончли ва ўктам навкарларини сарой эшиклари олдига қоролликка тайинлади. Уларнинг ҳар бирига имижимида қачон ва қандай қилиб Амир Темурни йўқ қилиш ҳақида аниқ-тиниқ кўрсатмалар берилди. Галабани нишонлаш учун шароб ва майнинг ўткир хиллари дастурхонда атайлаб сероб қилинди.

Соқий эса хушомад сўзлар билан Амир Темур шаънига мадҳиялар шодасини йўллаб, унга лутфан қадаҳни тўлдириб узатди. Амир Темур ўзини негандир ёмон ҳис қилаётгани учун узрини билдирди. Фақат олий мартабали мезбонлар ҳурмати учун номига бир ҳўплам олгандай бўлди-да, сўнгра умуман рад қилди. Бундан Амир Хусайннинг тобора ҳафсаласи пир бўлиб, авзойи бузила бошладики, Темурбек ҳолатини кўриб ўзича „Наҳот шунча махфий тайёрлаган ишимдан хабардор бўлган бўлса“, дея ичини ит тирнади. Унинг хавотири бежиз эмасди. Амир Хусайн тўғрисида Амир Темур яқдил фикрга аллақачон келиб бўлган, унинг муғамбирлиги тузалмас касалдек, бу қусурни фақат ўзи билан гўрга олиб кетгачгина ундан қутулишини яхши биларди. Амир Темур Қароргоҳида ўша қуюқ зиёфат заҳарга айланмаслиги учун минг хил хаёлларга бориб, ундан фожиа юз бермай чиқиб кетиш йўлларини ўйлар, шахмат тахтаси устида дона сураётган шатранжчи каби тафаккур дунёсида фарқ бўлган эди. Айни шу маҳалда, Амир Хусайн саройидаги хуфя одами йўллаган „Эҳтиёт бўлинг“ деган мазмунда мактубча олди. Мактубдаги бу қисқа сўзлар уни яна ҳам хушёрликка ундади. Шу боис қуюқ зиёфат тантанаси бошлангунча паҳлавон ва баҳодир йигитларидан танлаб, ҳарбий даста тузиб қўйди. Улар ўзбек жанг усуллари, яккакураш, қиличбозлик, ўн-ўн беш метр масофалардан туриб ханжар улоқтирганда нишонни бехато урадиган ғоят чапдаст жангчилар бўлиб, улар жанг майдонининг шер ва арслонлари эдилар. Уларнинг ҳар бири ғаним навкарларининг олти-етти навқари билан олишиб, ҳаш-паш дегунча уларни бир ёқлик қиладиган даражада моҳир эдилар.

Ана шу эпчиллик ва моҳирликлари зиёфат авж палласида яхшигина иш берди. Амир Хусайннинг тайинлаган одамлари ва соқчиларини қисқа олишувда қуролсизлантирдилар. Амир Темур қон тўкмасдан амалга оширишни тайинлаганлиги учун уларни оёқ-қўлларини боғлаб, оғзига латта тиққанлари ҳолда бир хонага олиб кириб қамаб қўйилди. Ниҳоят, бу воқеа икки амирга икки хил таъсир қилди. Кутилмаганда ишнинг тескарисига бурилиб кетиши Амир Хусайнни тамомила ҳангу манг ҳолатга туширади. Унинг хушвақтлик ҳолатидан асар ҳам қолмай, юз-қўзлари тутқаноқ тутган одам ҳолатидагидек ғалати кўриниш олди. Амир Темур эса аксинча, соқчилик ўзининг ишончли йигитлари қўлига ўтгач, гўё ҳеч бир воқеадан хабарсиздай вазминлик билан ўтирар эди.

Бу катта зиёфат Амир Темурнинг ўлими, унинг тарафдорларининг мотами билан тугашига астойдил ишонган Амир Хусайннинг ошига шу тариқа пашша тушди. Зиёфат ярмидан ўтгач, унинг қолган қисми мотамсаро маросим тадбирига айланиб, катта тангана дегулик шуқуҳдан ҳеч нарса қолмади. Буни жиддий кузатиб турган Амир Темур кўрдик, бутунги қора иши барбод бўлган Амир Хусайн аламини майдан олди, кетма-кет сипқоргач, мастлиги ошқор бўла бошлади. Бундан фойдаланган Амир Темур Амир Хусайннинг саройбонига хайр-маъзур айтиб, „Амир Хусайнга унинг соқчилари чарчаганлигини ҳисобга олиб ўзимнинг соқчиларим билан ўрин алмаштирганлигимни айтиб қўясиз“, дея саройни тарк этди, шу кечанинг ўзида Амир Темур барча лашкарий кучлари билан Кеш сари тинимсиз от сурди. Шу билан Амир Хусайн томонидан сохтакорликка асосланиб қурилган пойдеворсиз дўстлик иморати муз устига қурилган бинодек йўқликка юз тутди. Бу ёғига бир-бирига мулозамат қиладиган ҳеч нарса қолмади ҳам. Айтилган ёлғонлар, қасамлар ва қилинган қатор фитналар тўри барчаси ўзини ошқор этиб бўлган эди. Амир Хусайннинг кети кўринмас ғализликка тўла қора ишлари, ғанимликлари, сохтакорлик-



лари ҳиқилдоғига келган Амир Темур ҳам энди у билан фақат жанг майдонидагина учрашишга азму қарор қилди. Бу ёғига уларнинг бир-бирига айтадиган битта сўнгсўзи қолган эди. Энди мушук-сичқон уйини тугади. Сўнгсўз ўткир қиличга қолган эди. Энди уларнинг бир-бирига мактуб ҳам, элчи ҳам йўллашига ҳожат йўқ. Ҳар иккиси ашаддий ганим сифатида — Амир Ҳусайн юзидаги ниқобини ечиб, Амир Темур эса ўзи қандай баҳодир ва забардаст суворий бўлиб ўсган бўлса, шу тарзда от ўйнатиб, олишув майдонига кириб келишлари қолган эди, холос. Эртами ёки индин жанг майдони икки саркардани интиқ бўлиб кутарди.

Амир Темур Амир Ҳусайнни тинчлик ва ҳамкорликка чақириб салкам ўн йилни сабр-тоқат билан ўтказди. Аммо Амир Ҳусайн унинг билан ҳокимият талашар экан, кўзи сўқир, қулоғи том битганича қолди. Амир Темур унинг билан биргаликда кучгайрат сарфлаб Турон ва Хуросон заминидан муғуллар зулм кишанларини парчалаб, Ватанини озод ва мустақил қилишни, халқига эса фаровон ва осойишта ҳаётни таъминлаб беришни астойдил хоҳлаганди. Аммо Амир Ҳусайн Соҳибқироннинг бу эзгу мақсадлари амалга ошувига бир неча йиллар тўсиқ бўлиб, унинг олижаноб орзуларининг рўёбга чиқишини кечиктирди. Ўзаро уруш, низолар уруғини сепишда давом этди. Ана шу аччиқ қисмат улар иккисини ашаддий душман сифатида учрашишдан ўзга чора йўқлигига оқибат уларни ишонтирди.

Шамширлар тақдир хизмати учун қайта ўткирланишдан ўзга ҳожат қолмаганидан огоҳлик берди. Халқимиз ҳикматлари донолик даракчиси — „Бир қозонда икки қўчқор калласи қайнамайди“. Турон ва Хуросон навбатдаги бўлажак жангда ё Амир Темурни ёки Амир Ҳусайнни танлаш бўсағасида турарди. Бу замин учун Амир Темур унинг мутлақ халоскори бўлишга лойиқ эканлигини ҳаёт тажрибаси ва синовлари аллақачон ажрим қилиб улгурган эди.

Амир Ҳусайн томонидан Амир Темурга тай-

ёрланган энг пухта фитна ҳам барбод бўлгач, унинг ўзи чув тушиб, юзи шувут бўлди, кўч-кўронини олиб Балх томон юзланди. Энди тамомила ора очиқ бўлиб, жанг қилишдан ўзга йўл қолмаган эди.

Томонлар 1369 йилдан 1370 йил март ойи охиригача қадар, яъни салкам бир ярим йил уруш тадориги билан банд бўлишди. Ана шу давр ичидан Амир Темур ҳам, Амир Ҳусайн ҳам кунни тунга улаб имкон-ихтиёридаги кучларни йириш, иттифоқчиларни ўзларига жалб қилиш, тобе туман ва вилоятлардан навкарларни сафарбар этиб, йирик қўшин ва лашкарий фавжлар тузишга қаратишди.

Бу ишларни амалга ошириш учун Амир Темур Кешни ўзига муваққат пойтахт қилиб белгилади. Ўша вақтда Амир Ҳусайн ҳам Балхни пойтахт ва Бош Қароргоҳга айлантирди. Ҳар икки тараф ҳам турли йўллар билан бир-бирининг қўшини, ҳудуддаги вазиятнинг бориши ҳақида узлуксиз маълумотларга эга бўлиш учун жосуслар гуруҳини жўнатиб турдилар. Тайёргарликлар ҳар икки тарафда шиддатли бормоқда эди.

Амир Ҳусайн ўз режасига кўра, даставвал Хуросон ҳудудида қаттиқ ҳарбий тартиб ўрнатди. Халқига оғир солиқлар солди. Амир Темурга қарши уруш олиб бориш учун ҳарбий солиқлар миқдорини ошириш билан чекланмай, Балх шаҳрини олиб бўлмайдиган мустаҳкам истеҳком қалъага айлантириш мақсадида, ҳар бир оила қалъа деворларини таъмирлаш ва баландга кўтариш учун битта ишчи кучи, от-улови ва ўз озукаси билан келиб, камида бир ярим ой ишлаб бериши каби мажбурий ишларга тортилди. Агар одам юбора олмаса, ўша оила белгиланган пул миқдори ёки қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар ўз маҳсулотидан ўшанча пул миқдори қийматида бериши шарт бўлиб, ҳунарманд, савдогар, чўпон ва бошқаларга шу тарзда солиқ солинди. Тартиб-қоидага салгина норозилигини билдирувчилар халқ кўзи олдида қаттиқ жазоланди.

Амир Ҳусайннинг ҳарбий-сиёсий режаси эса оммавий сафарбарлик ўтказиб, қўшинни жанговар



ҳолатга келтириш, Мовароуннаҳрони ўзига бўйсундириб, оёғига темир тикан каби санчилиб келаётган Амир Темурни қатл этиш ва бу улкан ҳудудни тамомила ўз мулки таркибига қўшиб юборишдан иборат эди.

Амир Темур эса мўғуллар томонидан узоқ вақт жабр-зулм остида қолган Амир Ҳусайн ва бошқа ғаламисларнинг халқ ғамини ейиш ўрнига нуқул тахт учун кураш, тоғ-тоғ бойлик йиғиб халқнинг шўрини қуритиш ва мол-дунё тўплаб уни айш-ишратга совуришдан ўзга мақсади йўқлигини сеза бошладигина эмас, балки шунга тўла ишонч ҳосил қилди.

Амир Ҳусайннинг Балхга кўчиб ўтгандан кейинги фармонлари, унинг халққа қарши сиёсати қандай бўлганини ўша давр тарихчиси Муъиниддин Натанзий қўйидагича баён этади: „Шу аснода яна бир фармон етиб келди. Бунга биноан Амир Соҳибқирон вилоятидаги жами бой ва калантарларни кўчириб, гўёки рўйхатга олиш учун Балхга жўнатмоғи лозим эди. Шу тариқа бир ҳафта ичида неча бор фитна ва адоват аралаш фармонлар келди. Барча амирлар ва қолган мўғулу тожик Амир Ҳусайндан дилгир бўлишди“.

Мана шунданок кўринадикки, Амир Ҳусайн бир неча фармонларни жўнатар экан, бир вақтда Амир Темурнинг ўзига бўйсунлигини ҳукм қилиш ва фармонлар бериш орқали ундан ўз устунлигини намоиш қилмоқчи бўлса, иккинчи тарафдан, Амир Темурни молиявий-иқтисодий қўллаётган бой ва зодагонларнинг мулкани тортиб олиб, ўзларини жазоламоқчи бўлиб, адолатсиз сиёсатга зўр бераётган эди. Шунингдек, Амир Темурни бой ва зодагонларнинг қўшин йиғишда унга ҳомийлик қилишларидан маҳрум қилмоқчи эди. Бунда Амир Темурнинг оддий меҳнаткаш халққа оғирлигини туширмай, мулкдорларга мурожаат қилиши Амир Ҳусайнда ташвиш ва ҳадик уйғотарди. Камбағаллардан, меҳнаткаш аҳолидан солиқ олмаётган экан, Соҳибқироннинг халқ ўртасида обрўси кун-бакун ортиб бораётганидан Амир Ҳусайн ғоят хавфсирамоқда эди. Аксига олиб

оддий халқигина эмас, ўзининг анча-мунча ишончли саркарда, сардорлари ва амалдорлари ҳам ундан кўнгиллари совиб, мард Амир Темур томонига ўтиб кетиш учун пайт пойлардилар.

Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг қудратли ҳукмдорига айланишга бор вужуди билан киришган Амир Ҳусайн ўзининг адолатсиз сиёсати туфайли халқ мададидан маҳрум бўлиб жарга яқинлашиб қолганлигини ўзи ҳам сезмаётган эди. „Қаерда пайдо бўлсам, менга барча қўл қовуштириб, ҳурматимни жойига қўяди, таъзим бажо қилади“, деб ҳаволанарди.

Амир Темурга нисбатан эса халқнинг муносабати тобора яхши томонга оғиб, нафақат оддий халқ, балки аҳолининг барча қатлам ва гуруҳлари, бой ва камбағаллар, ўртаҳоллар ҳамда бой зодагонлар табақалари ҳам унинг сиймосида халқпарвар, адолатпеша, шунингдек, Ватанини қудрат чўққисига олиб чиқишга лойиқ ҳарбий ва давлат арбобини кўраётган эдилар. Бу Амир Темурнинг Амир Ҳусайнга нисбатан кучли ва имкони беқиёс томони эди. Шунга кўра унинг ишлари қудратли тўлқин каби авжига чиқиб, унга ўз хизматлари ва ёрдамларини таклиф қилувчилар сони тобора ошиб бормоқда эди.

Амир Темур режаси ўз моҳиятига кўра жуда халқчиллик мазмуни билан Амир Ҳусайн режасидан тубдан фарқ қиларди. „Халқни оёққа турғазиб, Ватанни қудратли ҳолга келтириш учун, аввало, яхлит, марказлашган ҳудудий давлат ҳокимияти бўлиши зарур. Унинг тартиб ва қонун-қоидалари фақат адолат ва ҳақиқат тамойилига суяниши лозим. Унинг учун мамлакатни бошбошдоқлик, ўзаро низоларга сабаб бўлувчи, қўлидан келса-келмаса ҳокимиятга интилувчи ҳокимиятпарастлар жиловини тортадиган, таянчи одиллик, манфаати халқни ўйлаган ҳукмдор ва унинг ҳақиқат қуроли бўлган девони фаолият юритиши зарур. Уни моддий-молиявий тўқис таъминловчи хазина ҳам мавжуд бўлиши керак. Салкам ўн йилги Туронзаминда давом этган хунрезлик ва исёнлар турли қора гуруҳларнинг ўзаро низо-жанжаллари эл-улусни тамомила инқироз



ботқоғига ботирди. Уларнинг барча-барчасига чек қўйиш вақти етди. Бунинг учун Амир Ҳусайнни сиёсат ва ҳарб майдонидан азл этиб, сўнгра ўша улуввор мақсадларнинг ижросига киришиш керак. Буларсиз мамлакатни иқтисодий ва сиёсий инқироздан олиб чиқиб бўлмайди.

Аввало мамлакатнинг оғир ва залварли юкини ким кўтаради? Амир Ҳусайнми, йўқ, унинг аҳволи бу. Вилоят ва ўлкадаги бек ва ҳокимларми, уларнинг кўпчилиги ким кучлироқ бўлса, ўша томонга ўтиш ва исёнларга, низоларга ёғ қўйиш билан овора. Ўзим юртга бош бўлиб халқнинг, Ватаннинг дардларига дармон бўламан. Унинг учун, ўйлаган орзу-мақсадларим амалга ошмоғи учун тожу тахт эгаси бўлиш лозим. Акс ҳолда бу орзу-мақсад хаёлпарастлар ўй-фикридай саробга айланади“.

Ватанни дунёда энг қудратли мамлакат даражасига олиб чиқиш учун унга муносиб ҳукмдор сув ва ҳаводек зарур. Буларнинг барчасини ўз тафаккур даҳоси ва Парвардигор ато этган ақл кучи билан тўла англаб, уни ҳаётий тажрибаларининг ҳосиласи маҳсули сифатида хулосага келган Соҳибқирон Амир Темур Амир Ҳусайнга инсоф тилаб, унга бўйсуниб келган туйғулардан воз кечди. Қатъий мустақил йўл танлаб ғанимга ҳал қилувчи зарба бериш тайёргарлигига шитоб билан киришди. У бу курашда албатта ғолиблик шоҳсупасига кўтарилиши шарт эди. Бошқа йўл йўқ!

Шундай экан, биринчи ғолибона юришни Балх ҳукмдори Амир Ҳусайнни синдиришдан ва унинг ҳукмдорлик даъвосига мутлақ чек қўйишдан бошлаш керак. Шундай синдириш зарурки, у ҳеч қачон ҳокимият майдонига кела олмасин ва қайта олмасин. „Бунинг учун мен бу ёғига енгилиш, мағлуб бўлиш нималигини ҳеч қачон билмайдиган, фақат жанг майдонларидан Туронзамин қудратини ўзида мужассам эта олган, дунёнинг турли ҳудудлари узра музаффарият байроғини кўтариб ўтишга қодир қўшинга эга бўламан“. Унинг ҳарбий даҳоси ана шундай буюклик ҳарбий санъат чўққисини забт

этиш сари йўналди. Умри поёнига қадар уни такомил босқичига кўтаришда давом этди.

Туркистон ва Хуросонда рўй берадиган буюк бурилиш воқеаларига ана шу ерда пойдевор қўйилган эди.

Амир Темур Амир Ҳусайн билан бўладиган ҳал қилувчи жангу жадалга тайёргарликни бошлаган бир пайтда гоҳ уни қўллаб, гоҳ ундан юз ўтириб юрган Тошкент тарафдан Шайх Муҳаммад Сулдуз, Олой ўлкасидан Амир Кайхусравлар унинг хизматига қўшини билан келиб: „Биз бундан кейин сизнинг отган ўқингиз бўламиз, қайси ғанимни бос десангиз, уларга қарши боришга тайёرمىз“, деб таъзим бажо келтирдилар. Амир Темур бу эски ғанимларига ҳеч бир гуноҳ ишларию хоинликка тенг қилган хатти-ҳаракатларини юзига солиб, эски хирмондан чанг чиқариб ўтиришни лозим топмади. „Тош билан урганни ош билан ур“ қабилида иш тутиб, орадан ҳеч гап ўтмагандай иззат-ҳурматини жойига қўйди. Негаки уларга даргоҳидан жой бермаса, бунинг қасдига Амир Ҳусайн ёхуд Соҳибқиронга ғаним бирор қудратли амирлар хизматига жўнаб қолмаслигига ҳеч ким кафолат бермасди. Яна битта томони шу эдики, уларнинг жанговар от-яроғи, уст-боши бус-бутун, ҳолбуки Амир Темур бунча қўшинни аҳоли орасидан ҳарбий хизматга чақирадиган бўлса, уларнинг таъминотига хазинаси бас кела олмас эди.

Амир Темур уларга шундай деди: „Сизларни мен ўзимнинг дўстларим деб келганман, айрим тушунмовчиликлар балки мендан ўтгандир, хато-камчиликсиз одам бўлмайди. Қўлим узайиб, имкониятим кучайганда, сизларнинг хизматларингизни қандай ардоқлашни яхши биламан. Бунга яқин кунларда ўзларингиз гувоҳ бўласизлар“.

— Бағрикенглигингиз олдида бош эгамиз, — деди бараварига унинг илтифотига сазовор бўлган иккала амир, ҳамоҳанг яна таъзим қилар эканлар.

Сўнгра амирлар шарафига катта зиёфат уюштирган Соҳибқирон: „Эртага, — деди Шайх Му-



хаммад Сулдузга юзланиб, — Амир Жоку Барлос қўшини билан жанговар машқ жангини уюштириб „жанг“га кирасиз. Сиз эса, — деди, — Олой амири Кайхусрав сардорга Сайфуддин Барлос қўшини билан ўз қўшинингизни машқ майдонида беллашишга ҳозирлайсиз. Машқлар жанг майдонидан қарийб фарқ қилмайди“.

Эртасига Кешнинг атрофидаги кенг ялангликлар бўлажак жангга тайёрланаётган қўшин билан лиқ тўлди. Бу ерда ҳарбий-музиқий дасталарнинг сурнай, карнай, ногора, довул каби музиқий асбоблардан эртадан-кечгача жангга чорлаган гумбургумбур овозлари ва жангчиларнинг „урҳо-ур“лари, отлар дупурию кишнаб ҳар томонга чопишларидан машқ эмас, ҳақиқий жангнинг манзараси яққол намоён бўларди. Узоқ-яқиндан ўтиб кетувчилар ҳам шундай фикрда ҳайратомуз воқеанинг гувоҳи бўлмоқда эдилар. Амир Темур эса қўшин бошлиқларига турли кўрсатма, йўл-йўриқлар бериб, қамчисини жанг бораётган майдоннинг гоҳ ўнг, гоҳ чап томонларига чўзганича ниманидир таъкидлаб кўрсатмалар берар, буйруқни олиши ҳамано саркардалар шамол тезлигида Қароргоҳдан узоқлашиб, навбатдаги амирлардан бири Соҳибқирон топшириғини кутарди. Суворий, пиёдаларнинг шиддатли ҳаракатланишидан „жанг“ майдони ларзага келарди.

Машқ жанглар гоҳ яккама-якка қиличбозлик, найзабозлик тарзида давом эттирилса, маълум бир соатдан кейин гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб, пиёдалар отлиқ қўшин ҳужумини тўхтатиш, мудофаада туриб суворийлар ҳужумини қайтариш усуллари билан „жанг қилар“ эдилар. Сўнгра марказ қўшини ҳужумини кучайтириш мақсадида уни чап ва ўнг тарафдан отлиқларнинг йирик қўшини пиёдаларни ҳимоя қилиб душманга ҳал қилувчи зарба бериш режасини синовдан ўтказардилар.

Амир Темур қалъа деворларини эгаллаш машқларини пишитиш учун шунга ўхшаш тўсиқлар ўрнаттириб, ilmoқли арқонларга тирмашиб баландликка қисқа муддатларда ёпирилиб чиқиш машқларини кўп марталаб амалга оширишни талаб этди. Нега-

ки, Амир Ҳусайн пойтахт Балх деворларини янада баланд кўтартираётганлиги хабари олинган эди. Қишнинг қаттиқ совуқларида ҳам бундай жанговар машқлар бир кун ҳам тўхтамади.

1370 йил мартнинг иккинчи ҳафтаси якунида (ҳижрий 771 йил шаъбон ойи ўрталари) машқ жанглари тўхтатилди.

Амир Темур жангчилари ва саркардаю сарҳанглари ҳар томонлама чиниқиб, ўз жанговар маҳоратларини оширганлигига ишонч ҳосил қилди.

Фақат маълум муддат — буйруқ берилгунча жангчилар ўзаро кураш тушиш, чавандозлик, пойга ўйинлари ва кўпқари каби умумхалқ байрамларига дахлдор ўйинларни ўнбоши, юзбоши ва мингбоши каби ҳарбий зобитлар бошчилигида давом эттиришга кўрсатма берилди. Ўн минг ва ундан ортиқ йирик қўшинлар қўмондон ва сарҳанг ҳарбий бошлиқлар Қароргоҳга чақирилди. Улар билдики, муҳим бир вазифалар улар гарданига юклатилса керак ё мудофаа жангларига тайёргарлик бўлар, ёхуд ҳарбий сафар тадориги масаласи муҳокама қилинар, деган фикрда Соҳибқирон Қароргоҳига кириб келишди.

Ҳарбий машқдан кейин кўрдиларки, Соҳибқирон уларни очилдастурхон тадбирига чақирган экан. Саркардаларини ғоят самимий кутиб олган Амир Темур уларнинг ҳарбий машқларда „тер тўкиб“, „ҳужум ва мудофаа“ жангларида фаоллик билан ҳаракат қилганлигидан мамнунлигини билдирди. Яхши дастурхонга яхши ва ширин сўз ярашади, қабилда иш тутиб ҳар бирларининг ижобий фазилатларини номма-ном тилга олди.

Қароргоҳдаги муҳит бирдамлиги ва вақтихушлик ўзини тобора намоён қилиб авж паллага кўтарилганда, Соҳибқирон барча йиғилганлар диққатини тортадиган сўзни ўртага ташлади. Барчанинг диққати Амир Темурга қаратилди: „Биродар амирларим, шу икки ҳафта ичида кетма-кет олган ишончли маълумотлар бўйича Амир Ҳусайн жамики йиққан қўшини билан Мовароуннаҳрни тўла забт этиб, барчамизни қатл майдонига ҳайдамоқчи. Биз уни шу ҳудуд остонамизда кутамизми ёки Жайхун со-



ҳилида оёқни маҳкам тираб ҳал қилувчи жангни дарё бўйида ўтказамизми? Шу ҳақда ҳар бирингизнинг эркин фикрингизни эшитмоқчиман.

Сизлардан яхши, доно ва ақлли фикрлар чиқишини биламан. Менга сизларнинг шу тўғридаги холис маслаҳатларингиз зарур, сизларнинг фикрларингизни эшитганимдан сўнг кенгаш интиҳосида мен ўзимнинг якуний қароримни айтмоқчиман. Менимча, аввало тажрибали, ҳаёт мактабида, жанг суронларида дийдаси қотган сарҳангларнинг маслаҳат ва фикрларини эшитсак, улар жанг майдони диловарларидир.

Биринчи бўлиб жангда ҳам, тинч даврда ҳам ўзининг шиддаткор ва ошқора дадиллиги билан танилган Сори Буғо амир ўрnidан даст туриб: „Оғалар, агар ғанимнинг бостириб келишини кутиб ўтирсак-да, мудофаани Кеш деворига ишониб уюштираксак, Амир Ҳусайнга ҳужум имконини берган бўламиз. Худди унинг ҳужумидан қўрқиб, девор орқасига яшириниб олгандек. Бу уларнинг нафақат жанговар, балки руҳан устунлигига ҳам имкон яратади. Аксинча, биз унинг пойтахтига тўсатдан ҳужум уюштираксак, устунликни ўз қўлимизга олган бўламиз. Менинг фикрим, ҳужум қилмоқнинг афзаллиги устун ва каттадир“.

Иккинчи бўлиб сўз навбатини Амир Муайяд ўғли Али Муайяд сардор олди ва деди: „Ҳосуслар бизга Амир Ҳусайн қўшинлари билан Жайхундан ўтишга яқинлашганлигини билдиргач, ғаним Кешгача бор кучи билан босиб келар экан, улар шу вақт орасида ҳужумолди нафас ростлаш чодирини тикадилар. Биз худди шу пайтда ҳужумга ўтиб ташаб-

бусни улардан тортиб оламиз ва уларнинг додини берамиз“.

Сўнг амирлар бири олиб, бири қўйиб Сори Буғони ҳимоя қилиб унинг фикрини қўллаб-қувватласа, бошқа бирлари Али Муайяднинг фикрини ҳимоя қилиб чиқдилар. Ниҳоят, кенгаш якуний қисмга яқинлаб қолганда, Соҳибқирон энг мақбули Сори Буғо кўтарган фикр бизга энг маъқулдир, шу бонс душманнинг босиб келишини кутиш, аввало, барчанинг тоқатини тоқ қилиб, қўшинга руҳан салбий таъсир қилади. Яхшиси, ғаним устига бўрон бўлиб ёпирилиш кўп афзалликлар беради. Ҳар бир саркардадан тортиб жангчиларгача ўз баҳодирликларини эркин намойиш этиш устунлиги биз томонда бўлади. Моддий жиҳати ғолиблар мағлубларнинг ўлжаларини йўқотилган талафотларга яраша ундиришни ўйлаш ҳам муҳим. Энг асосийси эса ғаним юртимиз ичкарисига кирар экан, чекиниб кетадиган бўлса, оёғи теккан жойларни вайронага айлантириб, тинч аҳолига ҳам катта зарар еткази. Шунинг учун биз Жайхунни кечиб ўтиб, улар юртида ҳужумкор жанг олиб борамиз, — деб Амир Темур сўзини далиллар билан асослаб якунлади. Шу боис Амир Темур қарорини барча маъқуллади. Балх сари ҳарбий сафарнинг барча жиҳатларини яна бир бора атрофлича назоратдан ўтказиш учун қўмондон ва саркардаларга кўрсатма берилди. Шунга дахлдор амалдорлар мавжуд муаммоларни ҳал этишда (қурол-яроғ, от-улов, озиқ-овқат захиралари кабилар) ижобий ечимини топишда уларга камарбаста бўлдилар. Ҳамма бирдек оёққа қалқишга тайёр турар, фақат Соҳибқироннинг ҳарбий сафар буйруғини кутиш қолган эди.

ҲАРБИЙ САФАР ОЛДИДАН ЯРАТГАНГА ИЛТИЖО

Ҳижрий 771 йил шаъбон ойининг 17-куни (милодий 1370 йил март ойининг қоқ ўртаси) эрта тонгда саҳар намозини ўқиган Амир Темур унинг якунида яратган Парвардигори оламга илтижо дуосини қилди: „*Ун саккиз минг олам яратувчиси ўзингсан, сендан нажот сўрайман ва кутаман, хал-*

қим, эл-улусни узоқ, оғир синов гирдобига раво кўрдинг, бу ёғига ундан лутфу караминг, марҳаматингни аяма, уларнинг эркин ва озод яшашига ўзинг изн бер. Мен эзгу ният билан халқим асл ўғлонларини эрк, адолат учун кураш майдонига олиб чиқмоқдаман, шу улуг йўлда шаҳид бўлган баҳодир



навкарларимни жаннатинга дохил айлагин. Мустақиллик учун тиг ва байроқ кутарганларни шердил қил, токи ғанимни кўрганда оёғи қалтирамасин, шамширни уйнатганда ғаним қалбига титроқ ва кўрқув ин курсин. Душманам байроғи эгилишига, менинг музаффар байроғим хилпираб қолишига ўзинг мадад бер, бутун умидим, ишончим, борлиғим ўзингсан, халқим, қўшиним — барчамизни ўзингнинг ихтиёринга топширдик. Дуоимни ўзинг ижобат қил, мени ўзингнинг ердаги соянг деб бил, қиличимга адолат қисматини чек. Умрим поёнигача шу қиличим ҳақ-ҳақиқат ҳимоячиси бўлиб, ер юзидаги золимлардан мазлумларнинг ҳаққини олиб берувчи бўлсин. Менинг тақдиримга шу йўлда фақат зафар қисматини чек, Аллоҳим! Ла-илаҳа илalloҳу Муҳаммадур Расулуллоҳ, Аллоҳу акбар!¹

Амир Темурнинг Аллоҳдан ўтиниб сўраган шу нажот дуоси тўла ижобат бўлди. Агар мустажоб бўлмаганида, у қолган умри давомида ер юзининг етти иқлим ҳукмдорига айланмаган, 150 йил мўғуллар қора тупроққа қориб ташлаган тўла вайрона юрт, хонавайрон халқ нисбатан жуда қисқа вақт ичида дунёнинг энг тараққий қилган ва барча давлатлар, мамлакатлар ҳамда халқлар учун йўлбошловчилик жиловини қўлга ололмаган, дунёни лол қолдирган етакчи салтанат даражасига кўтарилмаган бўлур эди.

Ушбу дуоси ижобат бўлганига ишонч ҳосил қилган Амир Темур мисоли қушдек енгил тортиб, шахт билан ўрнидан турди ва Қароргоҳ котибига мурожаат қилди: „Сарой тавочисига одам юборсин, тез ҳузуримга кирсин, унга қадар қўшинни ҳаракатга келтирувчи буйруғимни ёз, мазмуни: Барча вилоятлар ва шаҳарлардаги қўшинлар қурол-яроғи, озиқ-овқат, от-улови — жамики сафарбарлик билан боғлиқ зарур ашёлари тугал таъминланган ҳолда Термиз яқинидаги Жайхун соҳили яланглигида туплансинлар. Ҳар бир сарҳанг ва қўшин бошлиқлари ўз лашкари жанговар ҳолати тўғрисидаги кўриққа шошилишч тайёрлансин. Кечиккан ва буй-

руқдан буйин товлаганлар қўшиннинг Бош қози аскарлари (қўшин ҳарбий суди ва тергови) ҳузурига элиб жазо берилиши таъминлансин“.

Бармоқ Қўшин Бош қўмондони
Амир Темур.

муҳри: Бош қўмондон ўринбосари
Амир Жоку Барлос.

Бу буйруқ бутун Мовароуннаҳонинг оёққа қалқилини таъминлади. Негаки, ўша замин халқлари неча йилги жабр-зулм ва қолаверса яқин ўн йил ичидаги давом этган тахт талашувлар, қон тўкишлардан барча гуруҳлар, табақалар тортадиган азоб-уқубатларни ўн чандон ортиқ қилиб тортган эдилар. Эркинлик, осойишталик, мустақилликни барча истар эдигина эмас, балки интиқ бўлиб, соғиниб кутарди.

Амир Темурнинг ҳокимият учун курашдаги асосий мақсади эрк ва озодлик худди шу халқ тилидан дилига, унинг туб-тубига кўчган олий орзутилакни Ватан бўйлаб амалга оширишдан иборат эзгу ният эди.

Шу кунга қадар Амир Темур қўшини шу ўтган ўн йиллар давомида бундай шукуҳли ва маҳобатли кўринишда эмасди. Кешдан чиқиб бораётган бу лашкарни кўрганлар барчаси Мовароуннаҳр бутун Туронзаминда ҳам байрамлар катта тантана, халқ тўйларига айлана олишига ишониб, кўзларига қувонч ёшлари қалқиди. Бу қўшинга зафар тилаб, шаҳар каххудоларидан тортиб то дарвешларигача дуо қилиб кузатдилар. Халқ бир муштдан урса ўлдиради, биттадан берса тўйдиради, деганларидек ҳар бир оила бир дигир¹ қатиқ, қайсисидир сут, нон, тандиркабоб, хуллас, ким нима топса илинж билан аскарлар тўйсин, кийсин, жанговар ҳолда қуроллансин деб, ҳатто охириги миригача қўшинга ихтиёрий ҳадялар қилдилар. Бутун Кеш ва йўлда учраган шаҳару қишлоқ аҳолиси: „Илоё зафар қучиб қайтинглар, Худонинг ҳимоясида бўлгайсизлар, олинглар, олдирманглар барчан-

¹ Дигир — сут, қатиқ, ёғ каби маҳсулотларни сақлашда фойдаланиладиган кулолчилик идиши.





гизга фақат ғалаба ёр бўлсин, ой бориб омон қайтинглар, дея алқаб анча йўлгача лашкарнинг ҳар икки тарафида уларни кузатиб бордилар. Ҳали қўшин билан халқнинг бу даражада мужассам ва муштараклигини узоқ йиллардан бери, аниқроғи Жалолiddин Мангубердиннинг Чингизхон ва чингизий босқинчиларга қарши олиб борган курашидан бери ҳеч ким кўрмаган ва эшитмаган эди.

Бироқ йўлга чиқиб бир тун ўтгач, Амир Мусо ва унинг лашкари қўшин умумий сафида кўринмади. У навбатдаги хиёнатни катта жанг олдида содир этиб, ҳарбий сафар тартибларини бузганича тун қўйнида қаёққадир даф бўлган. Кўтаринки руҳда илдам кетаётган Амир Темурга бу ҳақда маълум қилишди. Бу воқеа Соҳибқирон кайфиятига анча ёмон таъсир кўрсатди.

Йўл босиб Жайхунга яқинлашиб қолган қўшин Термиз яқинидаги Баё қишлоғида нафасни ростлаш учун тўхтатилди. Қўшин навкарлари чодирларини тикишга киришган бир пайтда Амир Темур Қароргоҳи томон Термизнинг улуғ уламолари, шунингдек, руҳонийлар пешвоси Саййид Барака ўзининг бир гуруҳ шогирдлари билан Соҳибқирон ҳузурига келатганлигини маълум қилдилар. Амир Темур буни эшитгач, ўз яқинлари билан пири комил устози олдида пешвоз чиқди ва уни Қароргоҳига таклиф қилди. Уларнинг иззат-ҳурматлари зиёда қилиниб ўрнига қўйилгач, Саййид Барака Маккатуллоҳ тарафга юзланиб „Зафар“ дуосини ўқиди. Сўнгра тахту тож рамзи сифатида Соҳибқиронга ногора ва байроқ тақдим қилди ва: „Сен ушбу рамзий маънодаги икки нарсани то умринг ниҳоясигача ёнингда авайлаб асра. Унда илоҳий сир-синоат ва сеҳр бор. Эй, Муҳаммад Тарағай баҳодир ўғли, бўтам Темурбек, шуни эсингда тут, менинг сенга йўл бошида айтадиган сўзим шулки, Кешдан йўлга отланар экансан, ўтган кеча Пайғамбаримиз с. а. в. тушимга кириб, мени қисталанга олиб шу сўзларни айтдилар: „Менинг авлодим бўлган Саййид Барака, Мовароуннаҳр юртини оёққа қалқитаётган Темурбек ўғлонга раҳнамолик қил, у энг оғир ишлар бошида турибди, унга сенингдек маслаҳатгўй,

юракларига маънавий-руҳий қувват берувчи пири комил керак. Шу вазифани сенинг зимманга юклайман. „Зафар“ дуоингни қудратли ва шиддатли Жайхун бўйида менга, Маккатуллоҳ даргоҳимга қараб ўқи! Уни забун ва оёқости бўлган юрт ва золимлар хор қилган эл-улусларни оёққа тургазувчи йўлбошчи, золимларни адолат қиличига дучор қилувчи етти иқлим ҳукмдори бўлишига изн бердик. Биз танлаган ушбу инсон юрагига меҳр-шафқатни, одиллик ва ҳақиқатни, халқ манфаати ҳамда Ватан равнақи йўлида шер шиддатини, бемисл мардлик туйғусини жунбишга келтириб турувчи оташ оловини жойладик. Бу ўт-олов оташи илоҳий қувватланган ва ундан насибадор қилинган зотлар томонидан эзгулик мақсадлари сари йўналтириб турилмаса, бу куч тизгиндан чиқиб кетиши мумкин. Негаки, инсон зотидаги хатоликлар бани башар илк ибтидоси ҳисобланмиш Одам Ато замонидан буён давом этиб келатган ҳодисотдир. Шу боис пири комил бўлиш ваколати ва мақоматини сенинг масъулиятингда қолдирамиз“, деди. „Агар шу руҳонийона майлда менга юклатилган вазифамни қалбан қабул қилсанг, доимо зафар байроғинг музаффарият билан етти иқлим аро ҳилпирашига мадакдор бўлурман. Агарда уни чин дил ила эмас, фақат тилда қабул қилсанг, яна келган тараф — орқамга қайтурман“.

Шунда Амир Темур пири комил Саййид Баракага таъзим қилиб: „Мен сиздай раҳнамоим бўлишини Аллоҳимдан доим тилаганман. Сизни Худонинг ўзи менга йўладики, уни орқасига қайтариб юборсам, мен Яраттанинг қаҳрига қоламан, ахир. Сиз менинг Худо йўлаган пири комил устозим бўлурсиз. Олий Мажлис ва кенгашларимда доимо тож тахтим ўнг тарафи сизнинг ўрнингиз бўлур. Ҳар қандай хато ва камчиликларимни юз-кўзим демасдан айтиш ваколати доимо сизнинг ихтиёрингизда қолажак. Бунинг, учун мен сиздан доим миннатдор бўлурмен. Ҳар қандай ҳукмдор ҳам гарчи ақли ўткир бўлса-да, оғир муаммоларни ўз ақл тафаккури билан ҳал қилолмагай. Негаки бу ишлар барчаси эл-улуснинг келгуси тақдирига дахлдор ишлардир“.



Саййид Барака Темурбекнинг бу сўзларидан кўнгли тўлди. Темурбек пири комилнинг кўнгидаги сўзларни топиб устозини хушнуд қилар экан, ўзининг ҳам вужуди ғоят яйраб, енгил тортиб руҳоний кенгликларга парвоз қилгандай ҳис қилди ўзини.

Бу пири устоз ва шогирдларнинг азалий мақсад-орзулари ва бундан кейинги сиёсий фаолиятларининг Ватан, халқ мустақиллиги йўлидаги қарашларининг ҳам мужассамлашув лаҳзалари бўлди. Бу тақдир уларнинг қисматида бор бўлган мўъжизанинг зоҳир бўлиши даракчиси эди. Ана шу мажлисда бошланган муносабатлардан бошлаб Саййид Барака то қазои қадарга қўл очгунгача Темурбекнинг ёнида доимий таянч маслаҳатгўй ва мафкуравий-маънавий йўлбошчи бўлди. Энг қирғин-қиёмат жангларда ғоявий таянч, руҳий мадад бўлди. Устоз ва шогирдлар — Саййид Шамсуддин Кулол ва Соҳибқирон Амир Темур иккаласи шу тариқа руҳий ошиёни илоҳийлик манбалари билан ихота қилинган мустаҳкам ва муҳташам қасрни бунёд қилдилар. Бу муносабатлар замоннинг оғир синовларида сайқал топиб, машаққатли дамларда тобланди. Бу улур сабоқ ҳозиргача ва келажакда ҳам барча соҳадаги устоз-шогирдлар учун тарбия мактаби бўлиб қолаверади. Унинг сарчашмаларидан баҳраманд бўлган оила, жамият ва давлатчилигимиз бирлиги пўлат ҳалқа мужассамлигини ҳосил қилади. Шу жиҳатдан бу буюк инсонларнинг устоз-шогирдлик муносабатлари барча замонлар учун тарбия ва ибрат мактаби бўлиб қолажак.

Шу тариқа Амир Темур ушбу дақиқаларда унинг дилини яйратган яна бир воқеани хотирга олди. Падари бузруквори Муҳаммад Тарағай баҳодир ўлимолди васиятида ажал билан олишаётиб шундай

деган эди: „Ўғлим, қулофинга қуйиб ол, Пайғамбаримиз авлодларини қаерда учратсанг, уларнинг иззат-хурматини ўрнига қўй, уларнинг дуосини ол, ўғитларига доимо амал қил, ўшанда ишларинг албатта ўнгидан келгай. Улар эл-улус тақдири ва қисматлари, шунингдек, сенинг келгусинг билан боғлиқ воқеа-ҳодисотларни олдиндан кўра билурлар. Шу боис улар этагидан маҳкам тут“. Падарининг ушбу сўзлари Соҳибқироннинг қулоғи остида худди бугун, шу лаҳзаларда акс садо бергандай бўлди. „Падари бузругим, васиятларингизга бир умр амал қиламан“, дея ваъда берганди ўшанда Темурбек. Ҳа, ота ўғил васиятга амал қилади-да, отага берилган ваъда қасамдан кучли бўлур. Ота рози — Худо рози. Отани рози қилмаган қайси фарзанд иши ўнгидан келган, мабодо ўнгидан келгандай кўринса-да, аслида мазмун-матра ва барака бўлмаган. Негаки ота фарзандни Яратганнинг амри билан Арши аълодан ерга олиб тушади, устоз эса уни ердан илму ҳунар сирларини ўргатиб, унинг қудрати билан яна бандликлар сари парвоз қилдиради.

Амир Темурнинг ҳам сиёсий фаолият ва ҳарбий ҳаракатлар муваффақияти шу шиддаткор Жайхун дарёси тўлқинидай жўш уриб, худди шу ердан Ватан тарихининг янги саҳифаси Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги шажарасига мустаҳкам бир тарзда ўрин бераётган эди. Бу жаҳонда салтанатлар ичида энг қудратли ҳукмдори ва шаҳаншоҳлиги тонги отаётганлигининг даракчиси ҳам эдики, айнан унинг ҳукмдори уйқудаги шердек уйғониб, ҳаракатга келганлигини дастлаб Машриқ, сўнгра Мағриб оламига маълум қилди. Бу Ватан солномасида буюк воқеанинг янги саҳифаси очилишидан дарак берар эди.

МУСТАҚИЛЛИК ПОЙДЕВОРИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Жайхун соҳили бўйидаги тадбир-тадориги тугагач, кўчиш ноғораси қоқилди, яна қўшин кўч-қўрони от-уловларга ортилиб, дарё бўйлаб Чағониён сари йўл олинди. Бу ерда бир муддат тўхтаб, Чағониён

ва Хутгалон, шунингдек, унинг атрофларидан Амир Темур қўшинига кўнгилли бўлиш истагида келаётганлар лашкар сафига қўшилди. Айниқса, Сулдуз қавмидан жанговар йигитлар кўпчиликни ташкил



қилиб, унга таниқли Амир Баён Сулдузнинг паҳлавон ўғли Шайх Муҳаммад етакчилик қилиб келмоқда эди. Шу тариқа лашкар кучи тинимсиз ортиб борарди.

Дарёнинг қулай кечув жойига етиб келинган, ҳар бир жанговар гуруҳга талафотсиз ва пухта тарзда кечиб ўтиш топшириғи берилди. Биринчи бўлиб кечиб ўтувчилар гуруҳлари зиммасига душманнинг тўсатдан бўладиган ҳужумларига қарши соҳилда шай бўлиб, шунингдек, бир вақтда кечиб ўтувчиларнинг ҳам ҳимоясини таъминлаш масъулияти юклатилди. Шу тариқа кўпириб, пўртана бўлиб оқаяётган дарёдан ҳам омон-эсон нариги соҳилга ўтиб олинди. Айвож кечуви ҳам ортда қолиб, қўшин Хулм остонасига келиб тўхтади.

Қўшинга буюрда ҳам лашкарий қисмлар келиб қўшилди. Қундуз ҳокими Ўлжойту ва Бадахшон шоҳи Шоҳ Муҳаммадлар Амир Хусайнга бўйсунмаслиги, мард ва адолатли ҳазрат Соҳибқирон хизматида бўлишни афзал кўрганликларини билдиришди.

Бир оз вақт ўтиб-ўтмай доимо Амир Хусайнга қарши муҳолифат байроғини кўтарган Амир Кайхусрав ўз қисми билан етиб келиб, Амир Темур пойига тиз чўкди. Келиб қўшилувчилар бундан кейин фақат доимо Амир Темурнигина тан олажаклари ва унинг буйруғи билан ҳар қандай ғанимга қарши жанг қилишни жамики қўшин олдида онт ичиб тасдиқладилар. Амир Темур уларга:

— Агар онтларингизга содиқ қолиб, жангларида жасорат кўрсатиб, шу сўзларингизни исботлар экансиз, мартабаларингиз зиёда бўлур, сизлар учун Қароргоҳим доим очиқ бўлади, — деди. Улар бир овоздан: „Албатта ишончингизни оқлаймиз“, деб таъзим қилиб, Соҳибқиронни алқадилар: „Бағри кенг, адолатпарвар Соҳибқиронга шарафлар бўлсин, шарафлар бўлсин!“

Амир Темур кўнгилли бўлиб қўшилган сардор ва амирларга байроқ ва ноғора тортиқ қилди. Бу уларнинг шу қўшиннинг таркибига тўлақонли қабул қилинганлигини билдирар эди.

Амир Темур Хулмдан Балхоб соҳилидаги Элбурз қалъасига етиб келиб қўшинга яна тўхташ буйруғини берди. Бу фикр ҳам Саййид Баракадан чиққан эди. Худо назари тушган бу инсон ҳайит байрами муносабати билан Балхга ҳужумни бир неча кун кечиктиришни маслаҳат берди. „Ислом оламининг улуғ кунлари — ийд Рамазонда ўзаро қон тўкиб саваш Аллоҳга хуш келмайди, ҳатто ғаним тараф ҳам бу байрамни оиласи, қўни-қўшни ва ёр-биродарлари билан тинчликда ўтказсинлар“, деди.

Бу барчанинг дилидаги гап бўлдики, фақат Балх йўналишидаги ва унинг атроф ҳудудларидаги барча жойлар назорати қаттиқ кучайтирилган, соқчиларгагина бу байрам орасида бўлиш насиб этмади, холос.

Қўшин Рамазон ийдини миллий урф-одатлар бўйича байрам кайфиятида ўтказди. Байрам ўтказиб бўлинган, Қурултой чақирилди. Унда бир муҳим масала кун тартибида турди. Бу Олий Ҳокимиятни тартибга келтириш ва қонунлаштириш масаласи эди. Чигатой улусига қарашли ҳудудда марказлашган давлатни қарор топтириш ва ички низоларни таг-туғи билан барҳам топтириб, мамлакатдаги ўн йиллардан буён давом этиб келган бош-бошдоқликка мутлақ барҳам беришдан иборат эди. Кўпчилик бу ишга бош бўлишга муносиб номзод дея Амир Темурни эътироф қилдилар. Шундан кейин Термиз шайхлари, уламо ва саййидзодалар, сардор ҳамда саркардалар Қурултой ҳайъатига аъзолар сайлаб, уларнинг қарорини кутишга келишиб олдилар.

Саййид Барака ҳайъат раислигини бошқарар экан, Амир Темур фикрини эшитиб, сўнгра бир якуний тўхтамга келиш зарурлигини билдирди. Амир Темур Чигатой улусида узоқ давр Олий ҳокимият хон қўлида бўлиб, бундай бошқарув анъанага айланиб, халқ онгида бошқарувнинг шу кўриниши ўрнашиб қолганлигини таъкидлади. „Қўшиним сардорлари турли туркий ва туркий-мўғул қавмлари, қабилалари бирлашмалари вакиллари бўлгани боис, яна низоларга йўл очилмаслиги учун туркий-мўғул ва туркий қавмлари ўзаро муштарақли-

гини тарафкашлик қилмай янги қонунлар жорий қилгунимизга қадар „Ясоқ“ тартибларига мувофиқ эл-улусни идора этиб турмоқ учун барчага мақбул жаноб Суюрғатмиш ўғлонни хонликка тавсия қилман, қолаверса, унинг аждодлари қадимдан хонлик сулоласига изчил мансуб бўлиб келишган. Менинг аждодларим эса саркарда Қорачар катта бобомдан буён қўшин Бош қўмондонлари ва вазиру вазаро амалларида хизмат қилганлар. Шунинг учун ҳар томонлама муносиб номзод, яъни хонлик Олий мақомини жаноб Суюрғатмишхонга топширсак, энг тўғри йўл тутган бўламиз. Фақат энг кўзга кўринган кадхудо, сардор, саркардалар, уламо ва саййидзодалардан иборат доимий нуфузли кенгаш тузилиб, қабул қилинадиган қонун ва қарорлар ваколатли вакиллар¹ билан келишиб, Аркони давлат, шунингдек, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсат масалаларига оид олий ҳужжатлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлур эди. Давлат кенгашида ҳар бир масала пухта кўриб чиқилгач, қарор қабул қилиниб уни хонимиз тасдиғига ҳавола қилсак, дуруст бўлур“.

Шу билан Амир Темури сўзини тугатди. Саййид Барака, амир ва термизийзода шайх ҳамда уламоларига мурожаат қилиб: „Темурбек жуда оқилона фикрларни баён этди. Шахсан мен ва менинг салафларим ҳам шу фикрдамиз, агарда кимдир мулоҳаза билдирса, албатта, фойдали фикрларни инобатга олишни ҳайъат аъзоларига билдиради“, деди. Кўпчиликка Амир Темуридек узоқни кўриб иш қилувчи амирнинг сўзлари маъқул бўлди. Натижада оқ кигиз келтирилиб, унинг бир учини биринчи бўлиб Саййид Барака, иккинчи учини Амир Темури ва қолган томонларини йирик саркардалар ва бошқа вакиллар даст ушлаб Суюрғатмишхонни оқ кигиз устига ўтқизиб, Жоку Барлос ва иккинчи тарафидан Амир Довудбеклар тирсагидан ушлаганича олиб кирдилар. Суюрғатмишхонни Саййид Барака ташаббуслари билан „Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм, қани бир, икки, уч — олдик, дея барава-

рига уч марта ердан юқорига даст кўтардилар. Сўнгра барча уни хон бўлиши муносабати билан муборакбод қилдилар. Кейин эса Саййид Барака Давлат кенгаши қарорларига зид ҳаракатлар содир этмаслиги, фақат адолатли ҳукмлар чиқариши ва буни Қуръони Каримни кафтида ушлаб барала эшиттириб қасам ичиши лозимлигини таъкидлади. Суюрғатмишхон худди шу йўсинда онт ичди. Шундан кейин Саййид Барака Суюрғатмишхонни ҳайъат аъзолари ҳамроҳлигида қўшин олдиға олиб чиқиб, қўшин олдидан бир марта гир айлантирди. Ҳайъат аъзолари ҳам улар орқасидан эргашиб, табрикларни қабул қилдилар. Бутун қўшиннинг қилич ва қалқонларини юқорига кўтариб „Ҳукмдоримизга шон-шарафлар бўлсин, Соҳибқирон амиримизга содиқмиз!“ деган шодон ҳайқириқлари майдонни тутди. Шу тариқа Элбурз қалъаси олдидаги майдон яна бир муҳим тарихий воқеага гувоҳ бўлди. Қурултой ўз ишини якунлар экан, ҳокимиятнинг Вазирлик ва Олий Девонларини шакллантиришни Балх олингандан кейинги Қурултой ихтиёрига қолдирганлигини маълум қилди. Давлат кенгаши вакиллари ва аъзолари, номзодларини танлаш Саййид Барака, Амир Темури, Жоку Барлос, Амир Довуд ва Амир Муайядлар зиммасида қолди. Бу асосий куч Саййид Барака, Амир Темури ва унинг содиқ тарафдорлари томонда қолди, дегани эди. Суюрғатмишхон доимо ўша гуруҳ маслаҳати, кўрсатмасидан чиқмаслиги ва улар измида бўлишини билдирар эди. Амир Темурига марказлашган давлатни тула шакллантириш учун яна оз вақт қолган эди. Эндиги асосий вазифа Амир Ҳусайннинг Балхда мудофаа жангига тайёрланаётган қўшинини мағлуб этиш, бу билан унинг ҳукмдорлик даъвосига бутунлай сўнгги нуқта қўйишдан иборат эди. Давлат бошқарувининг шу йўсинда вужудга келтирилиши бу айнан Конституциявий монархия кўринишидаги бошқарувга асос солинганлигини кўрсатарди, дейиш мумкин. Бир вақтда халқнинг энг доно ва эътироф этган

¹ Аслида бу ташкил топаётган Олий орган — Парламент фаолияти пойдевори яратилишининг даракчиси эди.



вакилларининг ҳокимият барпо этишдаги бу кенгаши ҳозирги Парламент фаолияти кўринишига яқин келади. Шу боис ушбу Кенгаш ишини Амир

Темур давлатининг парламентчилик фаолиятидаги Олий Мажлиснинг илк қадами дейилса, ҳақиқатга мутлақ эид бўлмайди.

АМИР ҲУСАЙН ҚАТЛИ

Амир Темур Элбурз қалъаси олдидаги майдонда сўнги тайёргарлигини якунига етказиб, қўшинни шиддатли ҳужум жанги учун жанговар ҳолатга келтирди. Бош ҳужум олдидан Амир Ҳусайнга мактуб ёзди. Бу собиқ қайноғасига ёзилган охирги хати бўлди. Мактуб қисқа бўлиб, унга тубандагича икки мисра огоҳлантирувчи байтни битиб жўнатди:

*Ёрга еткар сабо, ким макр қилмишдир манға,
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анға.*

Мактубнинг ниҳояси қуйидагича яқунланган эди:
„Хурматингни ун йиллар ўрнига қўйиб келдим, аммо менга ёмонликдан ўзгани раво кўрмадинг. Ҳатто менинг суюкли аёлим, сенинг эса синглинг иккимизга берган азобларингни кўтара олмай бу дунёни эрта тарк этди. Шафқатсизлигинг уни адо қилди, мени қақшатди, мен чидаганча бардош бердим. Ниҳоят пичоқ суякка етди. Энди бу чоҳга ўзинг тушгайдирсан. Шу йўлни ўзинг танладинг, ўзингдан кўр. Сени йўлдан олиб ташлашдан ўзга чорам қолмади. Мен остонанга келдим. Хоҳласанг, қўшининг қирилмасин десанг, бош дарвозангни оч-да, майдонга чиқиб кел. Яккама-якка, юзма-юз мардона олишайлик. Халқ ва қўшинда нима айб. Турон ва Хуросон замини ё сенга, ё менга бўлсин. Ким қолибу ким мағлуб, қисматида борини танласин. Бу ёғи Яратганга аён. Майдонга биринчи бўлиб мен таклиф қилдимми, ўзим чиқиб келаман. Сени майдонда қилич билан кутиб оламан.

Иккимиздан биримиз омонат жондан кечадиган вақт келди, вассалом!“

...АМИР ТЕМУР

Қурултой ўз ишини тугатиб якунига етгач, эртасига Темурбек қўшинни ҳаракатга келтирди. Амир

Темур қўшини бошида туриб унга разм солди. 1360 йилларнинг қочиш-қувилиш саргардонликларида гоҳ етти киши, гоҳ 200 нафар, баъзан минг нафарга етмаган навқари билан Балхга ҳужумга отланган бугунги кундаги кети узоқларга бориб тақалган қўшинини таққослар экан, Яратганга беҳад шукроналар келтирди. Қўшин ҳазрат Соҳибқироннинг бир оғиз отланиш тўғрисидаги буйруғи билан мисоли метин оқим сингари Балх томон шиддат билан оқарди.

Шарафуддин Али Яздий ўзининг „Зафарнома“ асарида ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур қўшинининг Балхга томон тўғон оқимидек боришини тасвирлар экан: „Қўшиннинг савлатидан тоғу тошлар, дашту биёбонлар ларзага келди“, деб ёзиши бежиз эмасди. Энди бу қўшин куч-қудратидан Амир Ҳусайннинг аҳволи не кечишини кўринг. Амир Ҳусайн ҳазрат Соҳибқироннинг ҳужумини ҳеч бўлмаганда Балхнинг мустаҳкам деворлари, метиндек дарвозалари ва унинг гир айлана атрофлари чуқур доиравий сув тўлдирилган хандақлари воситасида тўхтатиб қолишига ишониб, салкам бир йил уни олиб бўлмас қалъага айлантириш учун Хуросоннинг қанча шаҳар-қишлоқларидан одамларни от-улови, аравалари, озиқ-овқати билан мажбурий меҳнатга жалб қилган эди. Ундан ташқари, Балх ичида ички мудофаа қалъасида ўзи учун олиб бўлмайдиган алоҳида истеҳком бино қилдирди.

Амир Ҳусайн ана шу қурдирган мудофаа марраларига қаттиқ ишонар, Амир Темур тугул яна неча шундай саркардалар иттифоқлашиб ҳужум қилса-да, унга шикаст етказа олмайди, деган фикрда мағрурланарди. Бу ўзига ўзи тасалли бериб, ўзини овунтириш эди, холос.

Амир Темур Балхга бориладиган йўлнинг ярим масофасини босиб ўтганда, Шибирғон вилояти ҳокими Муҳаммадхўжа Апердининг ўғли Зинда Чашм ўз ҳарбий қисмлари билан келиб Балх ҳужумида Амир Темур томонда туриб жангда иштирок этишини маълум қилди.

Рамазон ойининг олтинчи куни (милодий 1370 йил 5 апрель куни) кўшин Балх шаҳрини тўрт тарафдан ўраб олди. Бу ваҳимали хабарни Амир Хусайнга етказдилар. Амир Хусайн қалъанинг ташқи девори бош дарвозаси устидаги мудофаа истехкоми билан ихоталанган — мустаҳкам буржу бораларидаги ўқ отиш (ёй ўқи) шинаклари орқали чиқиб кузатар экан, Амир Темурнинг денгизда турган бўрондай тўлқинланган кўшинига кўзи тушди, юраги орқасига тортиб, кўз олди қоронғилашиб кетди. Наҳот, Амир Темур шунча беҳисоб лашкар билан келган бўлса, шуларни хаёлига келтирар экан, атрофида ажал кезиб юрганлигини ҳис этди. Тўрт ўғли, уларнинг гўзалликда тенгсиз оналари, яъни маликаларнинг аҳволи не кечади? Уларни ўн йилги юришлари чоғида Турон, Хуросон пари-пайкарлари орасидан танлаб-танлаб тўплаган эди-я, уларнинг кейинги қисмати нима кечади? Шуларни ўйлаган Амир Хусайн жанг бошланмаёқ адойи тамом бўлгулик ҳолатга тушди. Бунинг устига-устак Амир Темур тарафига ўтган сардорлари, калантар-кадхудоларга берган азоблари-чи, уларнинг орасида ноҳақ айбланган қайси биринингдир ўғли, отаси, укаси ва акаларини қатл эттирган, улар хун ва қасос алами билан Соҳибқирон кўшини таркибига кирганлар. Барча-барчаси қонга-қон алами ва қасди билан ёниб келгандир.

¹ Академик Бўрибой Аҳмедов „Амир Темур“ китобида „Амирзода Жаҳонгир Мирзо Ҳиндувон дарвозасини эгаллашга масъул қилиб тайинланди“, дейди. Бироқ бу ерда воқеалар бошқачароқ содир бўлган эди. Негаки, Жаҳонгир Мирзонинг онаси Ўлжой Туркон оқа Амир Хусайннинг синглиси эди. Шунга кўра амирзода Жаҳонгир Мирзога Амир Хусайн тоға бўлади, у эса жияндир. Шуларни ҳисобга олган Амир Темур миллий-ахлоқий удумларга қарши бормаи, ўғли Жаҳонгир Мирзо ва Амир Хусайннинг, яъни тоға ва жияннинг бир-бирига душманлашиб, қилич яланғочлашини, Амир Хусайннинг синглиси, ўзининг эса суюкли маликаси, амирзода Жаҳонгир Мирзонинг онаси руҳини безовта қилишни ҳамда исломий анъаналарга зид иш тутишни истамайди. Шу боис Жаҳонгир Мирзонинг ушбу жангда қатнашувини асло маъқул топмай, уни муҳорабага киритмайди. Бу ҳам Амир Темурнинг имон-эътиқоди мустаҳкамлиги, нозик қалб эгаси бўлганлиги, шунингдек, қариндошчилик ва миллий урф-одатлар ҳамда исломий ахлоққа бўлган ҳурмати бениҳоя кучли бўлганлигининг бир белгиси эди.

Наҳот, куним битишига саноқли соатлар қолган бўлса? Йўқ! Мен, Амир Темурнинг оёғига йиқилсам-да, ўлмай қолишим зарур. Ахир энди қирчиллама қирқ ёшга кирдим, ҳаётимнинг энг гуллаган даврида кундага бошни қўйиш, бу даҳшат. Қалъани қўриқловчи мудофаачилар жонини жабборга берсалар, балким шаҳарни ололмай қайтиб кетмасмикан? Бир-икки кун қаттиқ мудофаани олиб кўрай, зора ҳеч қаердан ёриб ўта олмасалар, бу нур устига аъло нур. Агар вазият қалтислашса, Амир Темурнинг оёғига йиқилиб, ўзим ва оилам ҳаётини сақлаб қоларман, дея орзу-умидга эрк берди. Унинг бир ишончи бор эди, у ҳам бўлса, Соҳибқироннинг ғоят бағрикенглиги, негаки у ўн марталаб қасам ва онт ичишларини бузганида барчасини кечирган, буни ҳам кечириб юборар, деган умид унга сўнгги далда бўлиб турарди. Унга хом хаёл охириги илинж бўлди.

Бу паллада Амир Темур ҳар бир саркарда ва сарҳангарига ким қайси тарафдан қалъани қамал қилишининг аниқ кўрсатмаларини бериб бўлаётган эди. Балхни забт этиш режаси жуда пухта ишлаб чиқилган эди.

Биринчи навбатда, ташқи қалъа (бу қалъа Ҳиндувон номи билан қадимдан машҳур бўлган) ташқи оламдан узиб ташланди. Қалъанинг асосий дарвозаси бўлган Навбахорни эгаллаш Умаршайх Мирзо ва Жоку Барлосга топширилди. Шаҳарнинг шарқий тарафида жойлашган Ҳиндувон дарвозасини бузиб ўтиб шаҳар ичкарасига ёриб кириш эса Амир Сайфулдин ва Амир Оқ Буғога топширилди¹. Шунини таъкидлаш лозимки, айрим



тарихшунос олимларимиз, жумладан, устозимиз, академик Бўрибой Аҳмедов ҳам шарқий дарвозани забт этиб, шаҳарга кириш йўлини очиш амирзода Жаҳонгир Мирзога топширилганлигини „Амир Темур“ асарида (167-бети) келтириб ўтади. Бироқ ўрта аср муаррихларининг ишончли манбаларида эса Амир Темур ўғли Жаҳонгир Мирзони Балх жангида қатнаштирмаслиги қайд этилади. Боиси эса қуйидагича.

... Амир Темур шаҳарнинг гарбий қисмида жойлашган Дарби дарвозасига Амир Довудбек ва Амир Муайядни масъул қилиб тайинлади. Шимолий дарвозани эгаллаб шаҳарга ҳужум қилишни эса Сори Буғо билан Ҳусайн баҳодирга юклади.

Амир Темур Балхни эгаллаш режасига кўра барча амир ва амирзодаларга тегишли вазифаларни бериб бўлгач, қамални бошлашга буйруқ берди. Тўрт томондан ўраб олинган шаҳар деворларию дарвозалари томон шиддат билан ҳужум бошланди. Ўз ҳарбий навкарлари билан Навбаҳор дарвозасига яшин тезлигида етиб борган Амир Темурнинг энди 16 баҳорни кўрган ўғли амирзода Умаршайхнинг шердек жангга ташланиши ҳаммани ҳайратга солди. У юзлаб ва минглаб ёй ўқлари ўзи ва ҳарбий қисмига қараб ёмғирдек ёфилаётганлигини писанд қилмай, дарвоза остонасига етиб келди. Ҳаёти қил устида туришига қарамай дарвозани синдириб, шаҳарга ёриб кириш учун шердек ташланди. Биринчилардан бўлиб, дарвозани қўриқлаётган Амир Ҳусайн навкарларини олишувда тутдек тўкди. Шунингдек, жангларда ботирлик яловини кўтариб, Амир Темурнинг ишончини қозонган Амир Жоку Барлоснинг ушбу жангдаги жасорати таҳсинга лойиқ бўлди. Амир Темур ўз ўғли Умаршайх Мирзонинг бу жасурлигини кўриб, ундаги саркардалик қобилияти кучли эканлиги, келажакда улуглик поғонасига кўтарилма олишига қатъий ишонди, ғоят мамнун бўлди. Ўғилларидаги истеъдодининг илк ғунчаси очилаётганлигидан дили яйради. Нега хурсанд бўлмасин ахир, Соҳибқиронга таянч ворислар

сифатида етилиб келаётган ўсмир амирзода ҳали йигитлик палласига етиб-етмай баҳодирлик отига миниб жавлон урса, ганим юрагига гулгула ва қўрқув солиб турса. Умаршайх Мирзонинг жасоратини Низомиддин Шомий ўз асарида қуйидагича ёритган эди: „Ўн олти ёшли Умаршайх баҳодир қалъа дарвозаси томон юрди. Уни бу ишдан ҳар қанча қайтармасинлар, фойда бермади. Шу ёшда ҳақиқий мардоналик кўрсатиб, душманларни тўхтатди. Аммо жанг охирида оёғига ўқ тегиб, мажруҳ бўлди. Уста жарроҳлар ярали жойни боғладилар. (Бу ерда ўрта аср Шарқ тиббиётида жарроҳлар қонни тўхтатишда яраланган жойни тикиш ўрнига лаққа чўғ қилинган темирни босиш усулидан фойдаланганлар. Бу беморга чидаб бўлмас қўшимча оғриқ берарди. Аммо ўша пайтда Умаршайхнинг темир иродасига тан берган муаррих ушбу ҳолатни шундай тасвирлайди. „У камоли ғайрати ва мардоналиғидан қизитилган темирни босганда оҳ ҳам демади, ҳатто қошни ҳам чимирмади“.)

Умаршайх Мирзонинг жангдаги қаҳрамонлигини Шарафуддин Али Яздий асарида ҳам учратамиз. Бу Умаршайх Мирзонинг бемисл шижоатига эътирофдир. Шунингдек, Амир Темурга куёв бўлиш Довудбек Дуғлот ва Амир Муайяд ҳам ўлимни писанд қилмай, Дарби дарвозасини ишғол қилиш учун ёвга даҳшат соладилар. Йўлда учраган Амир Ҳусайн сарбозларини ер тишлатиб, гарбий дарвозани ишғол қилишга киришадилар. Бошқа бир томонда, яъни Сори Буғо билан Ҳусайн баҳодирлар шимолий дарвозани ҳимоя қилувчи ганимларга қирон келтирадилар. Шу тариқа улар зўр жасорат кўрсатиб, Хиёбон дарвозасини эгаллашга киришадилар. Натижада асосий тўрт дарвозага қилинган тўфондек шиддатли ҳужум ўз самарасини бера бошлайди. Амир Ҳусайн лашкарлари бу ҳужумларнинг бирортасини қайтара олмай шаҳар ичкарасига чекина бошлайди. У қўшинини чекинмасликка қанчалик ундамасин, Амир Темур лашкарининг дарё тошқинидек ҳужумини қайтаришдан

ожиз қолиб, ниҳоят ҳар бир навкар ўз ҳаётини сақлаш учун дуч келган жойга бошини яширишга паноҳ излайдилар.

Амир Хусайн ўз лашкарининг тариқдек сочилиб кетганлигига ишонч ҳосил қилгач, ўз ўғли Хон Саид ва яқин одами Одил Султонни Амир Темур Қароргоҳига жўнатади. Улар Соҳибқиронга ички қалъада Амир Хусайн оиласи билан кейинги тақдири ҳақида қайғуришиб, таслим бўлишдан ўзга чора йўқлигини тан олганлигини билдирадилар. Шунда Амир Темур: „Ундай бўлса, нега тахтдан воз кечганлиги, бундан кейин тахтга ҳеч қачон даъвогар бўлмаслиги, ўн йиллар давомида ички низолар бош сабабчиси бўлганлигини ўзи мулозимлари билан Қароргоҳимга келиб маълум қилмади, шу масалада сизларга қандай ваколатлар берди?“ деди.

„Ваколатимиз шуки, — деди Амир Хусайн элчилари, Амир Хусайн бундан кейин ҳеч қачон Соҳибқирон Амир Темур йўлига тўғоноқ бўлмаслиги, тожу тахтдан бутунлай воз кечганлиги ҳамда кейинги умрини оддий фақиру фуқаро ҳолатида кун кечириб, Каъбатуллоҳга зиёратга кетишга рўхсат берилишини Сиздан ўтиниб сўрадилар.“

Шунда Амир Темур: „Амир Хусайннинг бу илтимосини ижобат қилурман, аммо у жуда кўп марта қасамхўрлик қилган, неча марта қасамини бузган. Бундан кейин ҳам шу қасамини бузмаслигига қандай кафолати бор экан, унинг. Мен худди шуни Амир Хусайннинг ўз оғзидан эшитмоқчиман. Барибир у ҳузуримга келсин“, деди. Элчилар Соҳибқирон талабларини етказиш мақсадида жавоб олиб орқаларига қайтдилар.

Ўзидан бошқа ҳеч кимга ишонмаган, бойлик ва тожу тахтдан ўзга ҳеч нарсани тан олмаган Амир Хусайн юборган одамларидан Амир Темурнинг талабларини эшитгач, яна қалбига шайтон эгалик қилиб: „Мени Амир Темур ўз оғим билан унинг Қароргоҳига бориб, ихтиёрим билан бошимни дорга тикишимни талаб қилмоқда“, деган фикрга борди ва юрагига даҳшатли қўрқув ин қурди. Шу

куни, яъни 1370 йил 9 апрель тунида Амир Темур Қароргоҳига бориш фикридан қайтди. Тилло ва жавоҳирларини олиб, ҳатто хотин, бола чақаю невараларини ҳам ташлаб, тун қоронғилигида шаҳардан йўл топиб, қочишга азм қилди. Аммо „Шошганда лаббай топилмас“ ҳикмати ва қасамхўрликлар унинг ёқаси ва гирибонидан олди. Тун қоронғилигидан бир қадам нарини ҳам кўриб бўлмас эди. Ховлиққан ўрдак тагидан учар, деганидай Амир Хусайн ҳам бутунлай ваҳима ва қоронғилик зулматида мияси говлаб, бир неча бор яна айланиб, ўзи тарк этаётган Қароргоҳи қаршисидан чиқаверди. Яна оёғи куйган товукдек зулмат қўйнига сингиб ғойиб бўлди. Аммо адашиб у кўчадан бу кўча бошигача зир югуриб адо бўлади. Шу лаҳзаларда машриқ тарафдан ғира-шира уфқ шафақлана бошлайди. Олдидан ташландиқ вайрона минора чиқади. Ваҳима ва васвас гирдобида адо бўлаётган Амир Хусайн чўкаётган одам сомонга ҳам ёпишади деганларидек, вайрона минора унга сўнгги ва охириги бошпана бўлди. Туронзаминда салкам ўн йил жабр-зулм, жаллод кучига таяниб не-не гуноҳсиз ва кучли ҳамда мард амирларидан гумонсираб, уларни пинҳоний қатлга жўнатган, халқининг қонини зулукдек сўриб бойлик тўплаган бу тождор ўлими олдидан ана шундай харобалик ва вайроналик ҳукм сурган ташландиқ миноранинг бир бурчагида бир хуржун тилло ва жавоҳирни бағрига босганича уйқусиз тонгни қаршилаётган эди. Энди бу бойликнинг бир мири ҳам уни ҳаётдан асраб қола олмасди. Аммо чиқмаган жондан умид, бироқ бахтга қарши воқеалар жараёни ривожланиши унинг ўлимини тезлаштириш сари олға интилар, ўзининг шайтоний ниятлари ҳам унга бу фожианинг тезроқ содир этилишига кўмаклашиб юбормоқда эди. Бунга туякашнинг туясини йўқотиб қўйиб, уни минора тепасига чиқиб топиш илинжида чор атрофни кузатиш ҳаракати сабаб бўлди. Туякаш ховлиққанича минорага кўтарилга бошлайди. Қўрққанга қўша кўринар, деганларидек Амир Хусайн бу дарвешси-



фат одам Амир Темурнинг изтопар жосуси бўлса керак, деган гумонда унга жавоҳир ва тилло инъом қилади ва билиб-билмай ўзининг кимлигини ошкор қилиб қўяди. Туякашга ёлвориб, яна бир ҳовуч марваридни олишга қисталанг қилиб, эвазига ҳеч кимга ҳеч нарса демаслик ваъдасини олади. Бироқ туякаш Амир Темурнинг ҳақиқатгўй ва адолатпеша амир эканлигини, Амир Хусайннинг эса, аксинча, золимлигини билганлиги учун тўғри Амир Темур Қароргоҳига чопади. Воқеадан Соҳибқиронни хабардор қилади. Амир Темур туякашни йўл бошловчи қилиб бир гуруҳ навкарларини минора томон жўнатади.

Туни билан мижджа қоқмаган Амир Хусайн тонгги уйқуга таслим бўлганича, унга вафо қилмаган бир хуржун марварид ва тиллоларга бош қўйганича пинакка кетган эди. Таъқиб қилувчилар уни уйғотадилар ва қўлига кишан солганларича бир зумда Амир Темур Қароргоҳига олиб келадилар.

Амир Темур унга қараб: „Ниҳоят, қасамлар тугади, алдовлар ҳам. Энди Турону Хуросонда тугаяжак ички низолар. Адолатсиз бошқарилган салтанат муз устига қурилган бино кабидир. Сенинг эл-улусга қилган ишинг ва сиёсатинг жабр-зулм, қон тўкиш ҳамда ўзгаларнинг бойлигини тортиб олиш бўлди. Қарғиш остида яшадинг ва ҳаётингни шу эвазига маишатда ўтказдинг. Мен тахтни халқнинг талаби билан сендан тортиб олдим. Мен халқим, Ватаним қўриқчиси, посбони бўламан, менинг шиорим адолат асосига қурилган жамият барпо этиш бўлади. Бу халқ, эл-улусни бундан буён ҳеч кимга талаш, талатиш, жабр-зулм қилишга изн бермайман. Туронзамин аҳли дунёда энг бахтли, фаровон ҳаёт кечиришга тўла ҳақли.“

Бу Ватан жаҳонда энг қудратли мамлакат бўлур. Худо хоҳласа шунга азму қарор қилганман.

Не қилсанг ўзингга ўзинг қилдинг, ўзинг билан чекланмай фарзандларинг, оилангга ҳам жабр қилдинг. Эй амир. Бошга тушганини кўз кўрар, дея қисматингда нима ёзиқ бўлса кўрурсан.

Охирги сўзим шулдир. Қасамларингдан тўйдим, тўйдим минг марталик ёлғонларингдан. Бироқ бугина эмас, бир қориндан талашиб тушган синглингнинг ҳаётини барвақт сўлдирдинг. У сендай номард акага сингил бўлганидан минг бир пушаймон бўлиб, қўлимда жон берди.

Энди у дунёда унинг олдида абадий бошинг эгикдирки, ҳозиргача уни тушуна олмадинг. Энди эса тушунишдан наф ҳам йўқ. Тақдиринг менинг эмас, балки Турон қадҳудо, аслзода, саркардалари ва Девони Олий, қолаверса хон қўлидадир. Менга ёлборишдан сира наф йўқ. Қисмат олдида бандаси ожиз турур. Олиб чиқинглар уни“.

Буйруққа кўра Амир Хусайн Суюрғатмишхон билан юзма-юз қилинди. Унинг ҳузурда Амир Хусайндан норози ва жабр кўрган, адолатсизликка учраган саркарда ва амалдорлар ҳам кўп эди. Суюрғатмишхондан биринчилардан бўлиб Амир Кайхусрав Амир Хусайн тақдирини ҳал этишни ўзига топширишни сўради. Хон боисини сўради. Амир Кайхусрав унинг укасини ўлдириб, мол-дунёсини ҳамда аёли ва қизини зўрлик билан тортиб олганлиги учун хун талаб қилди. Хон Амир Кайхусравдан сўраганида у хун ўрнида Амир Хусайннинг бошини сўради. Иккинчи бўлиб даъво қўлини Амир Муайяд кўтариб: „Мени ўлимга ҳукм қилган эди, ундан кўрган азоб-уқубатларимнинг чеки бўлмади. Мард қайнотам билан иккимизни неча бор қатл қилмоқчи бўлди, аммо бу золимдан бизни Худонинг ўзи сақлади. Шунинг учун унинг хуни мен учун унинг бошидир“, деди.

„Бизга уни топширинг“, дейишди, икки амир бараварига. Хон ҳукм чиқариш учун Қозикалонга юзланди. Қозикалон хунини сўровчи амирлар талаби шаръий бажарилиши вожиб фатвосини берди. Икки амирга рухсат берилгач, бахти қаро Амир Хусайнни соқчилар ёрдамида мақтул сифатида олиб чиқдилар. 1370 йил 12 апрель кунини ҳар икки амир уни қатл майдонига элтишди. Амир Хусайн Амир Кайхусрав ва Амир Муайядга тиз чўкиб ялинди,



фат одам Амир Темурнинг изтопар жосуси бўлса керак, деган гумонда унга жавоҳир ва тилло инъом қилади ва билиб-билмай ўзининг кимлигини ошкор қилиб қўяди. Туякашга ёлвориб, яна бир ҳовуч марваридни олишга қисталанг қилиб, эвазига ҳеч кимга ҳеч нарса демаслик ваъдасини олади. Бироқ туякаш Амир Темурнинг ҳақиқатгўй ва адолатпеша амир эканлигини, Амир Ҳусайннинг эса, аксинча, золимлигини билганлиги учун тўғри Амир Темур Қароргоҳига чопади. Воқеадан Соҳибқиронни хабардор қилади. Амир Темур туякашни йўл бошловчи қилиб бир гуруҳ навқарларини минора томон жўнатади.

Туни билан мижжа қоқмаган Амир Ҳусайн тонгги уйқуга таслим бўлганича, унга вафо қилмаган бир хуржун марварид ва тиллоларга бош қўйганича пинакка кетган эди. Таъқиб қилувчилар уни уйғотадилар ва қўлига кишан солганларича бир зумда Амир Темур Қароргоҳига олиб келадилар.

Амир Темур унга қараб: „Ниҳоят, қасамлар тугади, алдовлар ҳам. Энди Турону Хуросонда тугаяжак ички низолар. Адолатсиз бошқарилган салтанат муз устига қурилган бино кабидир. Сенинг эл-улусга қилган ишинг ва сиёсатинг жабр-зулм, қон тўкиш ҳамда ўзгаларнинг бойлигини тортиб олиш бўлди. Қарғиш остида яшадинг ва ҳаётингни шу эвазига маишатда ўтказдинг. Мен тахтни халқнинг талаби билан сендан тортиб олдим. Мен халқим, Ватаним қўриқчиси, посбони бўламан, менинг шиорим адолат асосига қурилган жамият барпо этиш бўлади. Бу халқ, эл-улусни бундан буён ҳеч кимга талаш, талатиш, жабр-зулм қилишга изн бермайман. Туронзамин аҳли дунёда энг бахтли, фаровон ҳаёт кечиришга тўла ҳақли.“

Бу Ватан жаҳонда энг қудратли мамлакат бўлур. Худо хоҳласа шунга азму қарор қилганман.

Не қилсанг ўзингга ўзинг қилдинг, ўзинг билан чекланмай фарзандларинг, оилангга ҳам жабр қилдинг. Эй амир. Бошга тушганини кўз кўрар, дея қисматингда нима ёзиқ бўлса кўрурсан.

Охирги сўзим шулдир. Қасамларингдан тўйдим, тўйдим минг марталик ёлғонларингдан. Бироқ бу-гина эмас, бир қориндан талашиб тушган синглин-нинг ҳаётини барвақт сўлдирдинг. У сендай номард акага сингил бўлганидан минг бир пушаймон бўлиб, қўлимда жон берди.

Энди у дунёда унинг олдида абадий бошинг эгикдирки, ҳозиргача уни тушуна олмадинг. Энди эса тушунишдан наф ҳам йўқ. Тақдиринг менинг эмас, балки Турон кадхудо, аслзода, саркардалари ва Девони Олий, қолаверса хон қўлидадир. Менга ёлборишдан сира наф йўқ. Қисмат олдида бандаси ожиз турур. Олиб чиқинглар уни“.

Буйруққа кўра Амир Ҳусайн Суюрғатмишхон билан юзма-юз қилинди. Унинг ҳузурда Амир Ҳусайндан норози ва жабр кўрган, адолатсизликка учраган саркарда ва амалдорлар ҳам кўп эди. Суюрғатмишхондан биринчилардан бўлиб Амир Кайхусрав Амир Ҳусайн тақдирини ҳал этишни ўзига топширишни сўради. Хон боисини сўради. Амир Кайхусрав унинг укасини ўлдириб, мол-дунёсини ҳамда аёли ва қизини зўрлик билан тортиб олганлиги учун хун талаб қилди. Хон Амир Кайхусравдан сўраганида у хун ўрнида Амир Ҳусайннинг бошини сўради. Иккинчи бўлиб даъво қўлини Амир Муайяд кўтариб: „Мени ўлимга ҳукм қилган эди, ундан кўрган азоб-уқубатларимнинг чеки бўлмади. Мард қайнотам билан иккимизни неча бор қатл қилмоқчи бўлди, аммо бу золимдан бизни Худонинг ўзи сақлади. Шунинг учун унинг хуни мен учун унинг бошидир“, деди.

„Бизга уни топширинг“, дейишди, икки амир бараварига. Хон ҳукм чиқариш учун Қозикалонга юзланди. Қозикалон хунини сўровчи амирлар талаби шаръий бажарилиши вожиб фатвосини берди. Икки амирга рухсат берилгач, бахти қаро Амир Ҳусайнни соқчилар ёрдамида мақтул сифатида олиб чиқдилар. 1370 йил 12 апрель кuni ҳар икки амир уни қатл майдонига элтишди. Амир Ҳусайн Амир Кайхусрав ва Амир Муайядга тиз чўкиб ялинди,



ёлборди, аммо қасос қиличи унинг бошида кўтарилган, ўлим кундаси боши остида турарди. Бир неча лаҳза ҳар икки амирлар қатлни мақтул ижросига айлантириш хусусида тортишдилар. Амир Кайхусрав Амир Хусайнга: „Ўлим шарбатини сен номардга жонимнинг дармони, сенинг буйруғинг билан қатл этилган укажоним учун ичираман, сўнгги нафасларингни чуқур қилиб олиб ол“, деди.

— Мен эса, — деди Амир Муайяд, — унга қўшимча қилиб, менга берган ваҳшиёна азоб-уқубатларинг учун, осонроқ ўлишингга ёрдам бериб юбораман, мана менинг сенга охириги мурувватим, „ал-қасос ул-минал Ҳақ“, — деди.

Амир Кайхусрав яна унга руҳий-маънавий азоб бериш ва ўлмасидан бурун ўлдириш учун: „Сен малъун дўстим, шермисан-шер Шер Баҳромни қандай қатл қилиб, мазах қилгансан, майли уни ҳам эслаб, аччиқ ва фожиали хотираларингни кўз олдингга келтириб ол! Мана сенга ўлимолди бераётган имкониятларимиз“, деди. Шундан сўнг айти баҳор қуёши Балх узра чарақлаб турган дамларда Кайхусравнинг қасос қиличи ярақлаб Амир Хусайннинг боши узра кўтарилди ва яшин тезлигида пўлат тиф юмшоқ новдани чирт узиб туширгандек бошни танадан осонгина ажратиб ташлади. Амир Хусайннинг боши бир зумда жасаддан мосуво ҳолатда пастга думалаб кетди. Ҳали жони чиқиб улгурмаган тана бир неча сония елка, қўл ва оёқлари дирдир титраб, сўнгра абадийлик дунёсига тайёрлигини тан олгандек тезда тинчиб қолди. Уни Балх шаҳрига яқин бўлган Хожа Акоша қишлоғидаги қабристонга элтиб дафн қилдилар. Унинг касофати нафақат ўзига, балки ўғиллари Хон Саид ва Турур


Султонларга ҳам тегди. Улар ҳам қатлга етказилди. Учинчи ва тўртинчи ўғиллари қочиб улгурди. Ҳиндистоннинг қўл етмас чангалзорлари тарафга қочиб, ватангадолик азобида яшадилар. Бу қасоскор кун қайсидир ҳукмдорлар шажарасига мағлублик муҳрини босса, бошқасига эса ғолиблик тақдирини битди. Балх жанги Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар силсиласини жаҳон сиёсати майдонига олиб чиқишини таъминлади. Шу тариқа Ватан ва жаҳон тарихида чинор илдизидек бақувват янги шажарага пойдевор қўйилди. Бу Соҳибқирон Амир Темур асос солган, энг узоқ давом этган темурийлар шажараси эди.

Амир Темурнинг ҳокимият учун қарийб ўн йил мобайнида олиб борган узлуксиз кураши Балх жангида охир-оқибат ғалаба билан тугади. Бу ҳодиса Ватанимиз тақдирини ва тарихида, жумладан, мўғуллар зулмидан чек-чегара билмаган эзилишлардан, қолаверса, Амир Хусайн жабридан, азобларидан қутулиб эркин ва озодликка чиқиши — бу чинакам буюк ҳодиса бўлди. Эл-юрт, мамлакат Амир Темурнинг даҳо тафаккур кучи ва оқил сиёсати билан тинчлик ва тараққиёт ҳамда фаровон жамият яратиш имкониятини қўлга киритди. Қадди букилган халқ, оёқдан йиқитилган Ватан Амир Темур ҳукмронлиги даврида тарихан қисқа вақтда энг қудратли давлат ва салтанатга айланишини ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмасди. Шундай давлат барпо бўлаётганлигини на Шарқ, на Ғарб дунёсидан ҳеч ким тасаввурига сиғдира олмасди. Амир Темур ўз истеъдоди ва бемисл салоҳият қирраларини сафарбар қилиб, сиёсий ҳокимият эгаси бўлишдек азалий орзусига эришган эди.





СОҶИБҚИРОН ВА МАЛИКАЛАР





МАЛИКАЛАР ҚИСМАТИДАГИ ТАҚДИР БИТИКЛАРИ

Юқорида қайд этилган таъриф у тавсифларни келтириш билан Амир Темурни барча жиҳатларига кўра авлиё шахс эди, демоқчи эмасмиз. Асосий мақсад унинг бетакрор ва ноёб қобилиятли буюк тарихий арбоблиги, мислсиз ишларга қодир инсонлигини очишдан иборатдир. Унинг айрим шахсий сифатларида айнан ўрта аср даврлари ҳукмдорларининг айрим қараш ва зиддиятлари ҳам мавжуд эди. Амир Темур ўрта аср муҳитидаги фаолият юритган ҳукмдорларнинг анъанавий урфларига баъзида зид иш қилмади, балки уни давом эттирди. Бу нарса унинг оилавий ёки ҳарамига тўпланган малика ва канизаклари билан боғлиқ муносабатларда кўзга ташланади. Соҳибқироннинг шаръий никоҳидаги хотинлари тўртта бўлиб, канизаклари ҳам бисёр эди. Аммо уларни эъзозлаш ва ҳурматини ўрнига қўйишда ўтган ҳукмдорлардан ҳеч бири у билан тенглаша олмасди. Унинг оилавий муҳити маънавий-ахлоқий ва миллий қадриятларга риоя қилиши жиҳатидан юксак даражада ўзаро ҳурмат асосига қурилган. Иккинчидан Амир Темур йирик зодагон, сиёсий арбоблар, ҳукмдор ва уларнинг набира қизлари билан никоҳга кирар экан, сиёсий мақсадларни кўзлаб, салтанат тотувлиги хавфсизлиги манфаатлари юзасидан қуда-андачилик дипломатиясини юргизарди. Бунда халқ тинчлиги ва салтанат манфаати асосий ўринга чиқарди.

Амир Темур оила, фарзанд ва маликалари хусусида исломий маънавият, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифда қайд этилган талабларга оғишмай амал қилган. Бу хусусда Соҳибқирон дунёвийлик масалалари муносабатларининг шаръий муштарак ва мутаносиблиги мужассамлигига эриша олган. Унга ўз ақли, тафаккури, ўзидаги жамики бетакрор ижобий сифатлари билан ривож берди. Бу унинг бошқа ўзигача ва ўзидан кейинги салтанат соҳибларидан илгарилаб кетган фазилатлари

эди. Бундай фазилатлар унда бемисл даражада эдики, унинг ақлий тафаккур кучининг миқёсларини ўша давр машҳур муаррихлари чексиз уммон кенгликларига қиёс қилганларида улар ҳақ эдилар. Бу хусусиятлари ва юксак инсонийлик фазилатларидан Соҳибқирон оила ва унинг тарбиясида ғоят унумли фойдаланар экан, жасурликда тенгсиз фарзанд ва неваралар, ақлий тафаккур денгизи ақл бовар қилмас олиму донишлар вояга етиб, бу силсила охир-оқибат темурийлар шажарасининг жаҳон узра энг узоқ давом этган қудратли салтанат силсиласига айланиши билан якун топди. Унда шубҳасиз, ақлда тенгсиз ва фаросат бобида Аллоҳ инъом этган ноёб қобилиятлар эгаси бўлган маликаларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва ҳиссаларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Негаки, Шарқ оқида, ор-номусли, ахлоқан пок, инсоний гўзал хулқ-атворли, халқпарвар, меҳр-оқибатли аёллар ва маликаларни тарбиялашда дунёнинг бошқа қитъа ва ҳудудларига асрлар давомида намуна бўлган. Бунда ҳам бир илоҳий сир-синаот бордир. Шундай бўлмаганида дунёнинг биринчи олимаси, муаррихи, давлат арбоблари ва етук шоирлари Шарқ, жумладан, хоразмшоҳлар ва темурийлар ҳамда унинг узвий давоми бобурийлар силсиласидан етишмаган, шунингдек, дунё эътирофига тушмаган бўлур эди.

Шулардан келиб чиққан ҳолда Амир Темурнинг маликалари, ҳарамидидаги ҳукм сурган турмуш тарзи жиҳатларини ёритиб ўтишни зарур деб ҳисоблаймиз. Негаки, темурийлар даврининг юксак таъриқоти хоҳ сиёсат, хоҳ иқтисод ёхуд фан-маданият равнақида дунёнинг етакчи салтанатига айланишида Амир Темур оиласи асосий омил, йўл бошловчилик ҳамда уларга ҳомийлик миссиясини бажарган эди. Маликалар ва улар вояга етказган фарзанду набиралар Соҳибқиронга нафақат маънавий-руҳий, балки унинг жаҳон сиёсий майдонига



чиқишида ҳам таянч бўдилар. Зеро Амир Темур шундай фидойи, садоқатли ор-номусли, иффат булоғи фаввора кучидек, жасоратда тенгсизлиги каби оиладаги бетакрор қобилиятларнинг ягона ва метин қоядек бирлашуви, жипслашуви оқибатида, шунингдек, оилага содиқ жанговар дўстларнинг мададида баландликнинг нигоҳ етмас чўққисига чиқиш шарафига эришди. Бу ноёб тарихий, шунингдек, жаҳоншумул ҳодисадир. Ундан тўғри ва мантиқий хулосалар чиқариш нафақат оилаларни, балки жамият ва мустақил давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий ва фан-маданият соҳасидаги ютуқларни мустаҳкамлайди, тараққиётини тезлаштиради.

Амир Темур оиласига муқаддас тушунча сифатида қаради. Унинг аҳиллиги, осойишталиги ва мустаҳкамлигини давлат сиёсати билан муштарак олиб борди.

Ул зотнинг яна бир энг муҳим жиҳатини айтиш ўринлидир. Соҳибқирон ҳарамига тўпланган маликаларни фақат уларнинг жисмий гўзал ва лобарлигига қизиқиб ёки эркакларча нафси устун келиб уларни ўз шахвониятига қурбон қилмади. Уларнинг ҳар бири, биринчи навбатда, ақлий етуқлиги, сиёсий муаммоларни еча олишдаги нодир қобилиятлари, тарбияда беназир ва вафодорлик фазилатлари мужассамлашганлиги боис Соҳибқиронга саройнинг мураккаб муҳитида чинакам ёрдам бера оларди. Кўнгли чўккан оғир дамларда Соҳибқирон дилига йўл топиб, руҳий зўриқишлардан халос қилиб, ҳукмдорнинг тез ўзига келиб, сиёсат майдонига киришиб кетишига фавқулодда маънавий қувват бера олардилар. Маликаларининг ҳар бирида ўзига хос гўзаллик билан уйғунлашиб кетган латофатли саъй-ҳаракатлар мавжуд бўлиб, улар Амир Темурнинг руҳий ҳолатига қараб, сўз сеҳри ва ғоят гўзал боқишлари, самимий хусусиятлари билан шундай таъсир қилардиларки, Соҳибқирон ўзидаги оғир толиқиш ва чарчоқдан қисқа лаҳзаларда халос бўлиб, жисми жони роҳат топарди. Сароймулкхоним, Ту-

ман оқа ва Тўқал хоним каби маликаларнинг: „Соҳибқироним ёки Улуғбегим, тура қолинг, уйғонинг, сизни буюк салтанатингиз ишлари кутмоқда“, қобилидаги мулоғим ва сеҳрли муомалалари Амир Темурга бемисл маънавий куч бағишлар эди. Эрта тонгда қушдек енгил тортиб, ҳорғинликларидан бутунлай фориг бўлиб кетар ва буюк ишларга бел боғлар эди. Айниқса, энг долзарб сиёсий, ҳарбий иш режаларини ғоят кенг қамровли, пухта тузишга шўнғиб кетардики, бунда маликаларнинг илҳом манбаи вазифасини бажариши алоҳида аҳамият касб этган.

Амир Темур ҳарамидagi маликаларга шундай бир шароит ва имкониятлар яратдики, натижада улар Соҳибқироннинг истеъдодлари очилишигагина эмас, балки ўзларининг ҳам ноёб қобилиятлари булоқдек отилиб чиқиб, салтанат ва жамиятга катта манфаат келтиришга хизмат қиларди. Шарт-шароит ва имкониятлар мавжуд бўлишига қарамай, улар бошқа бир ҳукмдорлар томонидан бўғилганда зўравонликка таянган сарой ҳарамидagi истеъдодли маликаларнинг қобилиятлари ҳеч кимга наф бермай, тўрт девор ичида жимжитлик дунёсида қолишини Амир Ҳусайннинг хотин-қизлари ва канизаклари мисолида кўришимиз мумкин. Негаки, айнан Амир Ҳусайн қатл этилгач, ушбу маликалардан бир нечасининг қисмати бевосита Амир Темур тақдири билан чамбарчас боғланган эди. Ҳаёт мураккабликлари ва чархпалаги бу маликаларга босқичма-босқич икки ҳукмдор ҳарамида навбат билан ҳаёт кечириш ёзигини раво кўрди.

Бу маликаларнинг Балхда Амир Ҳусайн саройидаги ҳаёти улуғ мутафаккир Алишер Навоий мисраларидан қидирилса, уни бор бўйи билан очади:

*Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмуш.*

Амир Ҳусайннинг сарой муҳитига нисбатан Амир Темурнинг пойтахт, қолаверса, Самарқанд



сарой муҳити ўртасида ер билан осмонча фарқ мавжуд эди. Бу ердаги вужудга келтирилаётган қонунқоидалар IX—XII аср Шарқ уйғонишини XIV аср 70-йилларида янги тамаддун босқичига кўтарётган тараққиёт бўсағаси ҳолатида парвозга шайлантирмоқда эди. Ҳар бир табақа ва гуруҳлар ўзларида мавжуд бўлган қобилиятларни хоҳлаганча рўёбга чиқариши мумкин бўлган эшиклар ланг очилмоқда эди. Бундай ижобий ҳолатдан Амир Ҳусайн саройининг тўрт девори ичида ташқи дунёдан узилган малика ва канизаклар ҳам четда қолмадилар. Амир Темур ҳазратларининг бу тутқунларга берган озодлик ва эркинлик тухфаси уларга кенг йўл очди.

Бу қуйидагича содир бўлган эди. Амир Ҳусайн Турон ва Хуросон ҳукмдорлигидан азл этилгач, пойтахти Балхдаги гўзал маликалар тўпланган ҳарам ўз фаолиятини тўхтатди. Ўрта аср анъана ва удумларига кўра (бунга мувофиқ марлуб томоннинг оилавий тақдири ғолиб ҳукмдор ихтиёрига қолдириларди) Амир Ҳусайн ҳарами тақдири Амир Темур ихтиёрига ўтди.

Амир Темур ўлжалар қаторига ўтган маликалардан тўрттасини — Бибихоним, Улус оқа, Ислом оқа ва Тоғай Туркон Хотунни ўз тасарруфига олиб, ҳарам рўйхатига киритди. Амир Ҳусайннинг қолган малика ва канизакларини қаҳрамонлик, жасорат намуналарини кўрсатган саркарда ва амирлари, содиқ барлос дўстларига тортиқ қилди.

Шу билан Балх саройи ҳарами ҳеч қачон очилмайдиган қилиб эшикларига тамба ташланди.

Амир Темурнинг алоҳида ҳурматини қозонган, бош малика даражасига кўтарилган ҳамда Сароймулкхоним номи билан шубҳасиз тарих зарварақларидан жой олган Бибихонимнинг Соҳибқирон билан кечган салкам ўттиз беш йиллик ҳаёти ибратомуз ва садоқат тимсоли бўлди. Бу умргузаронлик фақат шахсий муносабатлардан иборат бўлмай, жамият, давлат равнақи ва қудрати юксалишига,

ҳалқ фаровонлиги гуллаб яшнаши, шунингдек, фанмаданият ривожига сафарбарликдан иборат мужассамлашув намунаси дейилса, унда бирор муболаға йўқдир. Дунё салтанатлари ичида бундай ҳаётнинг халқ ва жамият манфаатлари, осойишталигига сафарбар бўлган ҳукмдорларнинг оилавий бирлигини ҳужжатгоҳлардан қидириш, топишга интилишнинг ўзи муаррихга энг оғир ва мушкул ишдир.

Сароймулкхонимнинг Амир Темур билан ҳаётининг иккинчи босқичида дуч келишининг ўзи (ҳаётининг биринчи босқичи Амир Ҳусайн саройидаги маҳзунлик даври) илоҳий тақдир ва қисмат ёзиғи бўлиб, шубҳасиз буюк тарихий ҳодисалар билан узвий боғлиқликда кечди.

Тақдир ёзиғи уларни умрбод ва оилавий ҳамнафаслик ришталари билан боғлаган чоғларида Соҳибқирон энг куч-қудратга тўлган ва адолат қиличидан ўт чақнаган даври бўлиб, ёши ўттиз тўртда эди. Сароймулкхоним эса гўзалликда тенгсиз, худди ўн беш кунлик ойдек тўлишган йигирма тўққиз ёшга кирган моҳичеҳра, дилбар аёл бўлиб етилган эди. Бўлажак буюк давлат арбоби ва улф саркардага унга муносиб, худди тилла узукка гавҳар кўз қўйгандек маслаҳатгўй, маънавий қувват бўлгуси малика зарур эди. Балх жанги шу муаммони ҳал қилиш эшигини очиб берди. Бу маҳалда Соҳибқирон кўз ўнгида турган шу асира гўзал аёл бундан кейин буюк салтанатнинг Сароймулкхоним мавқеига кўтарилиб, Самарқанд осмонининг порлоқ юлдузига айланишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз.

Муғул хони Қозонхон 1346 йилда давлат тўнтарыши боис тахтдан ағдарилиб, қатлга тортилганида унинг набираси Бибихоним эндигина беш ёшга тўлган қизалоқ эди. У ўн тўрт ёшигача Амир Ҳусайн оиласида яшаб, 1355 йилда унинг никоҳига кирди. Ниҳоят, аёвсиз тахт талашув майдонига айланган Турону Хуросондаги кураш Амир Темур ғалабаси билан интиҳо топиб, бу воқеалар Бибихоним ҳаётини дунё сайқалига айланиш ибтидосида турган



Самарқанд ва Соҳибқироннинг ҳаёти билан умр-бод боғлади. Туронзамин унга бахт йўлини керагидан зиёда қилиб очди. Соҳибқирон учун бу муъжизавий топишиш нафақат оилавий, балки сиёсий аҳамият касб этди. Бу билан Амир Темур отаси Муҳаммад Тарағай баҳодирнинг улўф боболари, яъни Қорачар нўённинг Чингизхон давридаги бир ярим асрлик оилавий мавқеини қайта тиклаб „Хон куёви“ шарафига эришди. Бу ўша давр талабига кўра жуда аҳамияти катта сиёсий мавқега кенг йўл очадиган даража — мақом ҳисобланарди. Бу даража Амир Темурга нисбатан бундан кейин тиш қайрайдиган мухолиф амалпараст гуруҳлардан маълум даражада ҳимояланувчи сиёсий қурол ҳам эди.

Энди ўз вақтида Бибихоним мавқеининг аёллар ва сарой доирасидаги аҳамиятига кўра улўфворлигига назар солинса, уни сарой жавоҳири, салтанат фаҳри дейишга барча асослар етарли. Бу номнинг ўзи салтанат ва саройнинг безаги ва зийнатига айланганлигини кўрсатади. Бу номга сазовор бўлиш учун маликалардан кўплаб инсоний фазилатлар эгаси бўлиш талаб этиларди. Шу инсоний гўзал хусусиятлари билан саройнинг, ҳатто ҳукмдорнинг ҳам обрўсини нафақат салтанат доирасида, балки Шарқ, жумладан, дунё миқёсида кўтаришга лойиқ бўлиши лозим эди. Яратган Парвардигор Бибихонимдан инсоний фазилатлар шодасини дариф тутмаган, балки бисёр қилиб берган эди. Натижада Сароймулкхоним хулқ-атворидаги инсоний фазилатлар билан жисмий гўзаллиги уйғунлашиб, унинг овозаси Европани зир титратган Султон Йилдирим Боязид ва у орқали Миср Султони Барқуқ ва Европанинг қудратли қироллари, шунингдек, Чин салтанати ҳукмдори Мин сулоласи императорларининг сарой аҳллариғача етиб борган эди. Албатта, бундай машҳурлик ва эътироф ҳаммага ҳам насиб қилмаслиги аниқ. Бунинг учун фақат ташқи гўзаллик кифоя қилмайди. Балки фариштасифат ҳусни янада баркамол қилиб безайдиган

аввало ақл, заковат, тафаккур доирасининг фикр кучига куч бера оладиган омиллари бисёр бўлиши лозим. Латофат бобига янада жозиба берадиган фаросат, юксак идрок, ақл-заковат сифатлари мужассамлашиб, улар ўзини табиий равишда ботиний туйғулар билан омихталашиб кетишини таъминлай олгандагина бир инсонда шундай беназир жисмий, маънавий-ахлоқий уйғунлик юзага келиши мумкин. Бу маънавий-ахлоқий туйғуларнинг барчаси унга инъом этилган эди. Сароймулкхонимдаги яширин сир-синоатлар булоғи Амир Темур яратган шарт-шароитлар боис Самарқанд сайқалига ҳамоҳанг кўз очди. Ундаги энг олий фазилатлардан бири халқини, айниқса, оддий аҳолига бўлган меҳр-муҳаббат, Ватанига бор вужуди билан садоқат ҳиссиётининг уфуриб, жўшқинланиб туриши ва мамлакат қудрати кун-бакун ортиб бораётганлигидан самимий завқлана олиши, болаларча беғуборлик, эри Соҳибқироннинг ҳар бир ғалабасидан дунё қувончи даражасида гурурланиб, оғир дамларда Амир Темурга садоқатли ёр сифатида маънавий таянч бўлиб тура олиши эди. Амир Темур ҳам Сароймулкхонимдаги ноёб хусусиятларни юксак қадрлаб, унинг ҳурмат ва иззатини жойига қойилмақом қилиб қўярди. Узоқ ҳарбий сафарларга йўл олар экан, аввало, пирлари Шамсуддин Кулол ва Саййид Баракалардан зафар дуосини олар, сўнгра Сароймулкхонимга юзланиб: „Парвардигоримиз қўлаб юборса халқим ва сенинг ҳузурингга музаффарият байроғини мағрур ҳилпиратиб, албатта қайтаман“, дерди Соҳибқирон. Шунда Сароймулкхоним ҳам: „Ой бориб, омон келинг, Соҳибқироним, музаффар байроғингиз эгилмай, узоқ-узоқлардан ҳилпираб келишини кўриш ҳаммамизга насиб этсин. Зафар тантанаси билан лашкарингизга бош бўлиб кириб келишингизни бедор ва интиқ бўлиб кутурмиз, адолат қиличингиз ҳеч бир ғаним қиличидан қайтмағай, ҳукмдорим“, дея кузатиб қоларди. Саройда у бор экан, Соҳибқироннинг кўнгли хо-



тиржам ва осойишта эди. У гарчи фарзанд кўрма-са-да, бошқа маликалардан туғилган шахзода ва невараларга меҳридарё она ва буви эди. Шунга кўра катта оиланинг бош тарбия берувчиси ҳам, зафар тантаналари ташкилотчиси, ҳатто олий имо-ратлар қурилишининг рағбатлантирувчиси, меъморлар, мударрису толиби илмларнинг, ғарибу ғурабо, бева-бечораларнинг ғамхўри, ҳолидан хабар олувчиси ҳам Сароймулкхоним эди. Инсоний хислатлари, халқ-парварлиги, Ватанига бўлган чексиз муҳаббати ту-

файли Сароймулкхоним юксак номга сазовор бўлди. У давлат арбоби даражасидаги малика эди.

Сароймулкхоним мамлакатнинг ташқи ва ички сиёсатида фаол иштирок этар экан, унинг тадбир-корлиги, давлат арбобига хос зукко ва ҳозиржавоб-лиги кўпчилик томонидан эътироф этилган. Турли муаммоларни ҳал этиш чоғида унинг ўткир ақли ва фаросати масаланинг ечимини ижобий ҳал қилиш-да қўл келган. Сароймулкхоним ақл-фаросатда бе-назир, ватанпарвар, халқпарвар қиролича эди.





САМАРҚАНДА ҚҰЙИЛГАН БУЮК САЛТАНАТ ПОЙДЕВОРИ





ВАЙРОНАЛИКДАН БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Мустабид тузум харобаларидан мустақил озод давлат ва Ватанни қад ростлаш ҳолати тараққиёти сари буриб юборган давлат арбоби чинакамига буюк тарихий шахсдир. Бундай тарихий бурилишни содир этган йўлбошчи эса Ватан тарихи олтин саҳифасидан ўрин олади.

Амир Тему́р ҳокимият тепасига келган пайтда мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий жиҳатдан тўла синдирилган ва топталган, Ватан шуқуҳи мутлақ сўниб, ғариблашган бир ҳолатда эди. „Ўлганнинг устига чиқиб тепиш“ ибораси Турону Хуросонга хос бўлиб, муғулар илигини бир ярим аср зулукдек сўрган юртни яна ўн йил халқ аҳволини заррача ўйламаган амирлар, жумладан, Амир Хусайн ички низолар билан яна силласини қуритди, қақшатди. Натижада бу юрт жаҳон тараққиётидан мутлақ узилиб қолган эди.

Танаазулнинг нақ гирдобига чуқтирилган юрт ва унинг халқини ушбу пароканда ҳамда афтодалиқдан чиқариб тараққиётнинг кенг йўлига олиб чиқишдек оғир муаммони Ватаннинг алпомишсифат ўғлони Соҳибқирон Амир Тему́р ўз зиммасига олди. Бундай залварли юкни елкага олиши лозим бўлган инсонда мавжуд бўлган ақл-заковат, пўлат ирода ва жисмоний бемисл кучдан ташқари яна бир куч бўлиши лозим эди. Бу куч ҳаммага эмас, фақат Парвардигор ёрлақан ва назарини солган, илоҳий қувватлантирилган инсонгагина насиб қиларди. Агар шундай куч инъом қилинмаганда эди, Соҳибқиронга тайёрланган ўнлаб суиқасд ва фитналар, қиёмат қирғинларда ҳечам омон қолмасди, бутун чиқмасди, фитналар, суиқасдлар сири ошкор бўлиб, ҳар сафар қутулиб қолишга муваффақ бўлмасди ҳам. Амир Тему́р ҳокимият тепасига келгунича Ватандан йироқ бегона юртлардаги бундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган дарбадар қочиш-қувилиш, оч-наҳор ва юпунликлар, илон-чаёнли зиндонлардаги хор-зорликларга чидаш ва бардош бериш

мумкин эмасди ҳам. Амир Тему́р ана шу зиндонда оилавий азоб-уқубатларни бошидан кечирди, аммо танлаган йўлидан асло қайтмади. Кана, қурт-қумурсқалар, заҳарли ҳашаротлар ҳукмронлик қилган ерости зиндондаги олтмиш икки кунлик тутқунлик ҳаёти унинг кўзини мошдек очди. Инсон эркинлиги ҳамма нарсадан устунлиги, унинг шаъни-шарафи тенгсиз олий қадрият эканлиги, унга тажовуз қилиш ёки камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини эрксизлик шафқатсиз ҳукм сурган даврда тўла англаб етди. Агар шу нур тушмас зиндонлардан қутулиб чиқса, фақат ва фақат инсон эрки учун курашга, Ватан озодлиги учун умри давомида бўлсада адолат қиличини кафтда мустаҳкам бир ҳолатда сиқиб, ёвузликка қарши муқаддас урушни охирига етказишга азму қарор қилган эди. Ниҳоят, қалбининг тўрида сақлаб келган кун келиб, Балхдаги жанг унинг ғалабаси билан тугаши бу орзуларнинг амалга ошувига кенг йўл очиб юборди.

Ота юртига кириб падари бузруквори ва волидаи муҳтарамаси ҳамда ўша ердаги улуғлар мазоротларини зиёрат қилар экан, мискин ва етимларга қилич зарбидан қадоқ бўлган қўлларини кенг очиб эҳсон ва ҳадялар улашиб, ниҳоят қатъий бир қарорга келди. Салтанатим пойтахти учун Самарқанд энг қулай маскан. Довруғи Искандар Зулқарнайн замонидан олдин Эрон шоҳларини кўрган шаҳар, тўғри, унинг шон-шавкати кўпчилик машҳур шаҳарлар қаторида босқинчи муғулар даврида харобага учратилди. Аммо уни яна қайтадан дунёнинг сайқали, тенгсиз шаҳри — пойтахтига айлантираман, деган қарорида собит турди.

„Шундай қилайки, Қароргоҳим, салтанатим саройи олдида жаҳоннинг манаман деган салтанат ҳукмдорлари, қироллари, императорлари, элчилари қабулимга навбат кутиб турсинлар. Буни кўриб халқим қаддини мағрур кўтарсин, хорижликлар Ватан, салтанатим қудратини Самарқанднинг Олий имо-



ВАЙРОНАЛИКДАН БУНЁДКОРЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ САРИ

Мустабид тузум харобаларидан мустақил озод давлат ва Ватанни қад ростлаш ҳолати тараққиёти сари буриб юборган давлат арбоби чинакамига буюк тарихий шахсдир. Бундай тарихий бурилишни содир этган йўлбошчи эса Ватан тарихи олтин саҳифасидан ўрин олади.

Амир Темур ҳокимият тепасига келган пайтда мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий жиҳатдан тўла синдирилган ва топталган, Ватан шукуҳи мутлақ сўниб, ғариблашган бир ҳолатда эди. „Ўлганнинг устига чиқиб тепиш“ ибораси Турону Хуросонга хос бўлиб, мўғуллар илигини бир ярим аср зулукдек сўрган юртни яна ўн йил халқ аҳволини заррача ўйламаган амирлар, жумладан, Амир Хусайн ички низолар билан яна силласини қуритди, қақшатди. Натижада бу юрт жаҳон тараққиётидан мутлақ узилиб қолган эди.

Таназзулнинг нақ гирдобига чўктирилган юрт ва унинг халқини ушбу пароканда ҳамда афтодалиқдан чиқариб тараққиётнинг кенг йўлига олиб чиқишдек оғир муаммони Ватаннинг алпомишсифат ўғлони Соҳибқирон Амир Темур ўз зиммасига олди. Бундай залварли юкни елкага олиши лозим бўлган инсонда мавжуд бўлган ақл-заковат, пулат ирода ва жисмоний бемисл кучдан ташқари яна бир куч бўлиши лозим эди. Бу куч ҳаммага эмас, фақат Парвардигор ёрлаққан ва назарини солган, илоҳий қувватлантирилган инсонгагина насиб қиларди. Агар шундай куч инъом қилинмаганда эди, Соҳибқиронга тайёрланган ўнлаб суиқасд ва фитналар, қиёмат қирғинларда ҳечам омон қолмасди, бутун чиқмасди, фитналар, суиқасдлар сири ошкор бўлиб, ҳар сафар қутулиб қолишга муваффақ бўлмасди ҳам. Амир Темур ҳокимият тепасига келгунича Ватандан йироқ бегона юртлардаги бундай кўз кўриб, қулоқ эшитмаган дарбадар қочиш-қувилиш, оч-наҳор ва юпунликлар, илон-чаёнли зиндонлардаги хор-зорликларга чидаш ва бардош бериш

мумкин эмасди ҳам. Амир Темур ана шу зиндонда оилавий азоб-уқубатларни бошидан кечирди, аммо танлаган йўлидан асло қайтмади. Кана, қурт-қумурсқалар, заҳарли ҳашаротлар ҳукмронлик қилган ерости зиндонидаги олтмиш икки кунлик тутқунлик ҳаёти унинг кўзини мошдек очди. Инсон эркинлиги ҳамма нарсадан устунлиги, унинг шаъни-шарафи тенгсиз олий қадрият эканлиги, унга тажовуз қилиш ёки камситишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини эркисизлик шафқатсиз ҳукм сурган даврда тўла англаб етди. Агар шу нур тушмас зиндонлардан қутулиб чиқса, фақат ва фақат инсон эрки учун курашга, Ватан озодлиги учун умри давомида бўлсада адолат қиличини кафтда мустаҳкам бир ҳолатда сиқиб, ёвузликка қарши муқаддас урушни охирига етказишга азму қарор қилган эди. Ниҳоят, қалбининг тўрида сақлаб келган кун келиб, Балхдаги жанг унинг ғалабаси билан тугаши бу орзуларнинг амалга ошувига кенг йўл очиб юборди.

Ота юртига кириб падари бузруквори ва волидаи мухтарамаси ҳамда ўша ердаги улуғлар мазоротларини зиёрат қилар экан, мискин ва етимларга қилич зарбидан қадоқ бўлган қўлларини кенг очиб эҳсон ва ҳадялар улашиб, ниҳоят қатъий бир қарорга келди. Салтанатим пойтахти учун Самарқанд энг қулай маскан. Довруғи Искандар Зулқарнайн замонидан олдин Эрон шоҳларини кўрган шаҳар, тўғри, унинг шон-шавкати кўпчилик машҳур шаҳарлар қаторида босқинчи мўғуллар даврида харобага учратилди. Аммо уни яна қайтадан дунёнинг сайқали, тенгсиз шаҳри — пойтахтига айлантираман, деган қарорида собит турди.

„Шундай қилайки, Қароргоҳим, салтанатим саройи олдида жаҳоннинг манаман деган салтанат ҳукмдорлари, қироллари, императорлари, элчилари қабулимга навбат кутиб турсинлар. Бунни кўриб халқим қаддини мағрур кўтарсин, хорижликлар Ватан, салтанатим қудратини Самарқанднинг Олий имо-



ратларига қараб билсинлар, ҳайратдан ёқасини ушласинлар. Пойтахт халқ, Ватан ва салтанат қудрати ифодаси ва тимсоли экан, уни дунёнинг энг обод, энг гузал, фан, маданияти гуллаб яшнаган ўчоғига айлантирганим бўлсин!“ Ана шу улғу ниёт билан Амир Темур салтанат пойдеворига ўз қўли билан илк гишти қўйиш учун 1370 йилнинг айни баҳор кунларида Шаҳрисабдан Самарқанд сари отланди. Келиб тушгач, ҳоким ва девон аъзолари, ўзининг машҳур саркардалари, амир ва яқин кишилари, меъмор ва усталари билан Олий иморат ва вазиру вузаро, девонлар, адлия, мудофаа девонлари учун алоҳида кўркам бинолар қуриладиган майдонларда тўпланди. Натижада ярим вайроналикка юз тутган Самарқанд Амир Темур кўч-кўрони билан келиб тушгач, бутунлай ўзгача ҳолатга ўта бошладди. Ҳар тарафдан энг яхши меъморлар, усталар, гишт терувчилар, кошинпазлар, бинога нақш берув-

чилар, деворга Қуръони Карим оятларидан нусха кўчирувчи машҳур хаттотлар чақирилди. Масжидлар, мадрасалар, касалхоналар (чунки Соҳибқирон ўқ еб яралангач ҳамда тез-тез муолажага эҳтиёж сезиб тургач, табиб ва касалхоналарнинг зарурлиги, аҳамиятини бошқалардан кўра яхши тушунган эди), карвонсаройлар, мискинлар учун хонақоҳлар, катта бозорлар, расталар, кўприклар ва ҳоказо қурилишларни бошлаб юборди. Айниқса, Самарқанд буюк қурилишлар майдонига айлантирилдики, уни кўрган, Ипак йўли бўйлаб узоқ юртларга қатновчи карвонлар шаҳар довуғини оламга таратдилар. Бир вақтда Соҳибқирон ота юртини обод қилишни ҳам назаридан четда қолдирмади. Шаҳрисабз ва Кешда ҳам маҳобатли қурилишлар авж олди. Волидан муҳтарамаси вояга етган Бухорон Шариф ҳам Соҳибқирон Амир Темур саховату марҳаматидан четда қолмади.

САЛТАНАТНИНГ МУҲТАШАМ БИНОСИ

Амир Темур қалбининг тўрида сақлаб келаётган улкан мақсадни амалга ошириш учун кенг йўл бўсағасида турарди. Бу мақсад жаҳоннинг тенгсиз салтанатини яратиш, Ватан, халқ қудратининг буюк кучини ва Туронзамин аҳлининг боши қовуштирилиб, бир муштга айлантирилганда, бу юртнинг нималарга қодирлигини дунё халқларига намоиш этишдан иборат эди. Буни амалга оширувчи йўлбошчида шернинг шиддати, ақлий тафаккур даҳоси, метин ирода ва ўша халқнинг кучи ва салоҳиятига чинакам ишонч зарур эди.

Ана шундагина Туронзамин муғуллар қолдирган вайроналик орасидан бўй чўзиб, унинг харобалари устига салтанат биносини барпо қилиш мумкин бўларди. Бунинг учун Соҳибқиронга марказлашган давлат ва унинг Олий кошонаси Сарой, яъни қонунлар яратувчи Бош Қароргоҳ ва уни ижрога киритувчи Девони Олий даргоҳи зарур эди. Шунга кўра Балхни эгаллаш олдидан тузил-

ган муваққат ҳокимият органларини доимий ишлайдиган Марказий Олий Ҳокимият билан барқарор қилиш лозим эди. Бу масала ижобий ҳал этилгач эса, марказлашган давлатнинг ҳал этилиши зарур бўлган ички ва фаол ташқи сиёсати билан қаттиқ шуғулланишни талаб қиларди. Бу масалалар бир-биридан долзарб эди. Соҳибқирон масаланинг ечимини ташқи сиёсатдан бошлай деса, давлати эндигина атак-чечак илк қадамларини ташлаётган шаклланиш босқичида эди.

Турон чегарасидаги давлатларнинг кўпчилиги Мовароуннаҳрга ўзлари учун тайёргина емишлик кўзи билан қарарди. Айниқса, муғул ҳукмдорлари бир юз элик йил ўлжага айлантирилган Мовароуннаҳрдан ажралиб қолишни асло истамас эдилар. Шу боис фанимлар ўлкага йиртқичларча кўз тикиб, ҳар бир фурсатда Мовароуннаҳрга босиб киришга шай турарди. Устига-устак Соҳибқирон ҳокимияти ўзини ўнглаб олмаганлигига умидвор бўлган, уни



тахтдан ағдариб, қатлга тортишни хомхаёл қилиб юрган мансабпараст амирлар ҳам Турон ва Хуросонда анчагина мавжуд эди. Амир Темур тахтга чиқишининг дастлабки йилларида юз бериши муқаррар бўлган воқеа ва ҳодисотлар ҳалқаси ичида турарди. Бироқ ақл бовар қилмас қийинчилик ҳамда машаққатлар чек-чегара билмаслигига қарамай, Амир Темур ғайрат ва бемисл шижоат билан мамлакатни, халқни оёққа турғазига аҳду паймон қилган эдики, йигит сўзидан, арслон изидан қайтмас, деган мақолни ўзига қатъий шиор қилган эди.

Амир Темурнинг сиёсий тафаккур даҳоси сарой ва мамлакат узра Зухро юлдузидек чарақлаб турди. Бу нурдан фуқароларнинг барча гуруҳ ва табақалари бирдек баҳраманд бўлди. Чунки бу нур илоҳий адолат ва ҳақиқатдан тўйинган эди. Сарой ва Қароргоҳ ана шу қувватларга таяниб, одиллик қонун-қоидаларини яратиш ва уни амалиётга жорий қилишга жидду жаҳд қилиб, ўз вазифаларини адо қилишга киришдилар. Бу қонун-қоидалар эса Амир Темур сиёсий ва илмий-маърифий тафаккурининг доҳиёна маҳсули эди.

Хонлик тахтига ўтирган Суюрғатмишхон, унинг ўлимидан кейин эса ўрнига келган ўғли Султон Маҳмудхон (1388–1402 йиллар) Амир Темур томонидан берилган буйруқ, кўрсатма ва фармойишларнинг барчасини маъқуллаб, хонлик муҳрини босарди, бироқ бирон марта бўлса-да, рад қилмади. Иккинчи томондан, Амир Темур ўзининг мавқеини мустаҳкамлаш учун хонлар авлодидан бўлган аёл маликаларни ўз никоҳига киритди ва „Кўрагон“ деган шарафли номга сазовор бўлди. Шу билан Амир Темур ғоявий ва сиёсий ҳар томонлама муҳофазаланишнинг уддасидан чиқишга эришди.

Амир Темур давлатида марказий маъмурият — Девони Олий бўлган, унинг бошида девонбеги турган. Унинг ҳузурида эса маросимларни бошқарувчи аркбеги фаолият кўрсатган. Бош вазир эса Амир

Темур чиқарган фармонларни салтанат миқёсида ҳаётга, амалиётга татбиқ этиш, солиқларни жорий қилиш, ййғиш, хазина назорати ва чегара ҳудудларидан ўтадиган йўлларда бож солиш, уни хазинага кирим қилиш ишларига масъул бўлган. Иккинчи вазир, асосан, қўшин хизматига кирган аскарлардан то юқори мансаб ҳарбий саркардаларига қадар барча қисмлар таъминоти, маоши ҳамда озиқ-овқат етказиб берилишига жавобгар бўлган. Ҳарбийларнинг баҳодирлик ва жангдаги жасоратларию қаҳрамонликларини ҳисобга олиб, қўмондонлар унвонларини ошириш, уларга тегишли меросларни тақсимлаш, кексалиги боис нафақага чиққан саркарда, катта, кичик зобитларнинг аҳволдан хабардор бўлиб, ёрдамга муҳтожларга ғамхўрлик кўрсатиш кабилар учинчи вазир зиммасида бўлган.

Тўртинчи вазир молия ва хазинага масъул бўлган.

Салтанат тобелигига кирган ҳудудлар Амир Темурнинг ўғиллари, набиралари ҳамда машҳур саркардаларга суюрғол тарзида тақсимлаб берилган. Суюрғол давлат олдидаги хизматлари учун инъом этилган ер-мулклардан иборат бўлган.

Салтанат жуда катта ҳудудларни қамраб олган бўлишига қарамай, марказий ҳокимият жуда ихчам қилиб тузилган, аммо ғоят самарали ҳамда ўта аниқликда фаолият юритган. Долзарб муаммолар пайсалга солинмаган, уни ҳал этиш, бажариш чоғида сансалорлик тушунчаси мутлақо бегона бўлиб, ишлар тез ва соз бажарилган. Бу девонларнинг барчаси устидан қатъий назорат Амир Темур зиммасида эди.

Шуни таъкидлаш керакки, узоқ давр вайроналик ва харобаликка айлантирилган Турон ва Хуросон заминини қисқа бир муддат ичида дунёнинг энг қудратли давлатларидан ҳам олдинга олиб чиқиш бошқа мамлакатлар тарихида жуда кам учрайдиган ҳодисадир.



ШИМОЛИ-ШАРҚ ВА ШИМОЛИ-ҒАРБДАН ЙУНАЛГАН ТАҲДИД



БОШИ БЕРК КЎЧАГА КИРГАН ДИПЛОМАТИК МУЗОКАРАЛАР

Амир Темури собиқ Чигатой улусига тегишли бўлган ерларни марказлашган давлати ҳудудига киритгач, Хоразмнинг жануби-шарқий тарафига даъвогарлигини билдирди. Аммо, Соҳибқироннинг Бадахшон, Фарғона, Балх ва Мовароуннаҳр қамровида ўз ҳокимиятини ўрнатиш учун курашлар олиб бораётганлигидан фойдаланган Олтин Ўрда хонлари тобелигида бўлган Қўнғирот уруғидан чиққан Амир Нонгадойнинг ўғли Хусайн Сўфи Хоразмни эгаллаб, бу ерда сўфийлар сулоласига асос солган эди. Соҳибқирон тахтга келгач, анча пайт мамлакат ички сиёсати билан борланиб, Хоразмда ўз ҳукмронлигини ўрнатишга улгурмаганлигидан бу воҳа ҳудудига Олтин Ўрданинг таъсири кучайиб, унинг тобелигига ўтиб кетишига сабаб бўлган эди. Бу эса Мовароуннаҳрга Хоразм ҳудуди тарафдан Олтин ва Оқ Ўрданинг ҳужум хавфи сақланиб қолиши демак эди. Соҳибқирон шу боисдан Хоразмнинг Олтин Ўрда учун Мовароуннаҳр ҳудудига хоҳлаган пайтда босиб кирадиган ҳарбий плацдарм йўлаги вазифасини бажаришини асло истамасди. Аввало, Амир Темури Хоразмнинг жануби-шарқий, яъни тенг ярим ҳудудларини Чигатой мулкининг таркибий қисми деб қараб, уни ўз давлатига қўшиб олиш мақсадини билдириб, дипломатик йўл билан ҳал қилишга аҳд қилди. У жанглarda ҳар икки томондан одамларнинг ҳалок бўлишини ва шаҳару қишлоқлар вайрон этилишини асло истамади.

Бундан ташқари, Хоразм учун урушга киришиладиган бўлса, сўфийлар сулоласини ҳимояга олувчи Олтин Ўрадек қудратли давлат билан Амир Темури уруш ҳолатига келиб қоларди. Иккинчи тарафдан куч-қудрати тўла синдирилмаган Муғулистондаги кўчманчи жетеликлар Мовароуннаҳрдек чингизийлар давридан буён мулкый мерос бўлиб

келаётган ўзларининг бойлик орттирувчи ўлжа манбаи деб қараган ерларининг ҳали ҳам бўлса, қўлдан чиқиб кетишини асло истамай, ҳазинаси камайди дегунларича бу юртга кўз олайтиргани-олайтирган эдилар. Мовароуннаҳрнинг серҳосил ҳудудлари юз элик йилдан буён муғулар учун бойлик тўплаш ва даромад манбаи бўлиб келарди. Амир Темури давлати ҳали бешикдаги гўдак ҳолатидалиги учун ҳам Муғулистондаги уришқоқ жетеликлар босқинчилик ва уруш-талашни асосий касбига айлантириб олган йиртқич давлатлар билан бир вақтда икки жабҳада катта уруш олиб бора олмасди. Ана шу сабабларга кўра Амир Темури ташқи сиёсатда эҳтиёткорлик билан қатиқни ҳам пуфлаб ичишга мойиллик билдирди. Шербачча йиртқич бўрилар қуршовига тушмай ўзини муҳофаза қилиши лозим, акс ҳолда қашқир ва бўриларга ем бўлиши ҳеч гап эмас. Катта бўлгач эса, шер уларни бир панжа зарби билан уриб, белини синдира олади. Хоразмни ўз давлатининг қонуний таркибий қисми деб билган Амир Темури дастлаб дипломатик қурол — сулҳпарварлик сиёсатини ишга солди. Олий Девон ҳам шу сиёсатни қўллаб-қувватлади. Қолаверса, Хоразм Амир Темури илк сиёсат майдонига кирган ва Туғлуқ Темурхон уни ўлимга маҳкум этган XIV асрнинг 60-йиллари бошларида унга бошпана бўлган ҳам эди-да¹, нима бўлганда ҳам, Соҳибқирон шу воҳанинг нон-тузини тотган. Шундай экан, бирданига қўшин тортиб бориш адолатдан ҳам, мардликдан ҳам эмас, ахир. Беҳудага қон тўкиш инсофдан ҳам, мусулмончиликдан ҳам эмас.

1371 йил илк баҳор ойи бошларида Соҳибқирон уddaбурон ва эпчиллик сиёсатини ишга солиб, ўзига ганим амирларнинг анчасини курашдан воз кечдириб, ўз хизматига жалб этишни бир неча бор уддалаган амир Алуфа тавочи (қўшинни ҳарбий юриш-

¹ Бундан Хива ҳокимининг Амир Темурига офир дамларда ёрдам бериш ўрнига ҳужум уюштириши мустаснодир.



га тайёрловчи вазифасидаги амалдор)ни Хоразмга элчи қилиб жўнатишга фармон берди. Унга Хусайн Сўфи номига чиройли хуснихатда битилган мактуб ҳам берилди. Бу Амир Темурнинг ташқи сиёсат фаолиятидаги илк мактуби бўлиб, унда дўқ-пўписа эмас, балки Хоразм ҳукмдорининг ҳурмат-иззатини ўрнига қўйиб, сулҳпарварлик мазмуни устуворлик қиларди: „Кот, Ҳазорасп, Хевак аслида Чигатой улусига дахлдордур. Аммо кўп муддатдан бери уни эгасиз билиб, бошқалар ўзининг тасарруф қабзасига киргизиб олмишлар. Энди, инсоф юзасидан, уни барча тобегъ ерлари билан қўшиб Чигатойхон хонадони мулозимларининг илкига топширилиши адлу инсоф намунаси бўлур эрди. Биз шундай бўлиб қолишига умид билдириб қолурмиз“.

Қизилқум чўлидан узоқ йўл босган Алуфа тавочи Қўнғирот сўфийлари пойтахти Кўҳна Урганчга етиб келиб, Хусайн Сўфи девон котибига мактубни топширди. Мактубни ўқиган Хусайн Сўфи Амир Темур элчисининг топширган мактубини олмаган ва ўқимагандек тутиб, ўзини гўлликка солди. Ё ҳа, ё йўқ сўзини айтмай элчига келдингми, келмадингми қабалида беписандларча муносабатда бўлди. Элчи Алуфа тавочи оқибат Хусайн Сўфидан элчилик ҳурмати учун мактубга жавоб беришини сўради. Шунда Хусайн Сўфи элчининг иззат-нафсига тегадиган пичинглар билан жавоб қайтариб: „Амир Темуринг ким бўлибдики, менга дўқ-пўписа қилади“, дея элчини жеркиб ташлайди. Элчи Алуфа тавочи жуда қийин аҳволда қолди. На кетишга рухсат бор, на жавоб мактуби. Шу тариқа Амир Темур элчиси Хоразм ҳукмдори Хусайн Сўфи тарафидан атайлаб беҳурмат қилинди. Самарқандда эса Амир Темур хабар келишини орзиқиб кутиб, Бухоро—Хоразм йўлига кўзлари гирён бўлди. Ниҳоят уч ҳафта бекорчиликдан хит бўлиб жавоб кутган элчи саройга чақирилиб, Хусайн Сўфининг жавоб мактуби унинг қўлига тутқазилди. Мактуб ўқиб берилди. Ундаги битиклар ҳукмдорлараро ахлоқ доирасига сифмайдиган ҳақоратлар билан тўлдирилган эди.

... Интиқ бўлиб кутган Соҳибқирон элчиси орадан тўрт ярим ой ўтиб, Хоразмдан Самарқандга кириб келди. Элчи Алуфа тавочи Соҳибқирон қабулида бўлар экан, вазият яхши эмаслиги ва Хоразм ҳукмдори мактубга беписандлик руҳида жавоб мактуби битганлигини билдирди. Бу мактуб соф урушга чақириқ, ундан ўзгаси эмас. „Хоразмга уруш очилсин, уруш тарафдоримиз,“ дегувчилар аксарият кўпчилиكنи ташкил қилдилар.

Амир Темур Хоразм устига ҳарбий юришга шошилмади. Аммо ҳақоратли мактуб унинг кайфиятига ёмон таъсир қилгани аниқ эди. Бироқ, битта мактубдаги ҳақорат деб халқ уруш дахшати остида азоб чекмаслиги уни обдан ўйлашга мажбур қиларди. Амир Темур машҳур шайхулислам Жалолиддин Кеший ҳазратлари билан бу хусусда яна бир бора фикрлашиб олмоқни афзал кўрди. Бу кенг қалб эгаси „Бошим кетса кетсин, халқ урушга тортилмасин, халқда нима айб. Хоразм ҳукмдори билан ўзим юзма-юз мулоқот қилиб, Сизнинг шартларингизга кўндиришга ҳаракат қилурман“, деб Соҳибқирондан ўзини Хоразмга жўнатиш ҳақида фармон беришни сўради. Унинг номи Мовароуннаҳр ва Хуросонда жуда машҳур эди, буни Хусайн Сўфи ҳам инобатга олар деган илинжда эди, мавлоно шайхулислам. Жалолиддин Кеший шу тариқа Соҳибқирон рухсати билан Хоразмга жўнаб кетди. Аммо шундай улф инсон барча элчилик аъзолари билан бирга ҳе йўқ, бе йўқ сассиқ ва заҳ-зулмат зиндонида азоб чекишга маҳкум этилди. Буни эшитган Амир Темур ва Олий Девон — барчанинг сабр косаси тўлиб, сўнгги нажот қиличга қолганига иқроор бўлишди. Амир Темур шиддат билан Хоразм сари қўшинини отлантирди. Энди бошқа чора қолмаганди.

Соҳибқирон мавжуд қўшинларини икки катта қисмга ажратди. Биринчи қисм қўшин Хоразм юришига отланадиган бўлди. Иккинчиси эса жетеликлар ҳужумларини даф этиш учун Мовароуннаҳрда қолдирилди.

1371 йил ёз чилласи. Самарқанддан чиқиб Бухорода озиқ-овқат, қурол-яроғ захираларини жам-

лаб, бир оз дам олган Амир Темур бошчилигидаги қўшин Қизилқумнинг қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган жазирама иссиғида йўлга тушди. Қўшинни Бухоро ҳокими ва унинг девон аъзолари, то улар барханлар орқасига ўтиб кўздан ғойиб бўлгунга қадар кузатиб қолдилар. Олдинда адоғи йўқ бепоён саҳро ястаниб ётарди. Бу пайтдаги жазирама зўридан саҳродаги қизиган қумга тухум қўйилса, ўн-ўн беш дақиқадан кейин дарҳол пишарди. Жизғанак қиладиган иссиқдан юз-кўзларни асраш мақсадида барча сипоҳга бошни ҳимоя қилиш учун оқ мато улашилган. Одамлар тугул бақувват отлар ҳам зўр-базўр қамчи зўри билан илгарилаб борар, сояланиб оладиган нажот йўқ эди. Фақат саҳронинг ягона бардошли тимсоли бўлган ўсимлиги — қуришга маҳкум бўлгандек қўтирсифат рангдаги саксовуларгина яшашга бўлган иродасини кўз-кўз қиларди, холос. Ана шундай кимсасиз чўлни кесиб ўтиш ва урушга кириш машаққатлари, фақатгина азоб-уқубат чекишлар йўл босиб кетаётган адади йўқ сипоҳ ва унинг амиру қўмондонларигагина аён эди.

Амир Темур иложсиз Хоразмга қўшин тортишга мажбур бўлди. У ҳарбий юришни асло ис-тамаган эди. Негаки, Хоразм Соҳибқирон давлати таркибига кирмас экан, Оқ Ўрда ва Олтин Ўрда хонлари қаршиликсиз Бухоро ва Мовароуннаҳр ҳудудларига хоҳлаган вақтларида босиб кириб, юртни талон-тарож қиларди. Уларни мамлакат ташқари-сида тўхтатиб қолиш учун муҳим стратегик воҳа бўлмиш Хоразм марказлашган Темур салтанати таркибига кириши зарурат, сиёсий эҳтиёж эди. Буни кейинги воқеаларнинг ривожини ҳам бир неча бор тасдиқлайди. Олтин Ўрда ва Оқ Ўрда Амир Темурнинг Шимоли-ғарб оламидаги энг ашаддий душманига айланиб, салтанат биқинига қадаладиган ўткир ханжар хавфини туғдирган эди.

Ниҳоят, Жайхуннинг ўнг соҳилидаги ҳозирги Туямўйин яқинида ҳолдан тойган қўшинга дам олиш учун рухсат этилди. Нафақат сипоҳ, балки отлар ҳам чўл азоби — сувсизлик ва саҳронинг аждаҳо доми-

дан чиққан олов чўгини сочишидан мажолсиз ҳолга келиб қолган эди. Ойлаб чўлда йўл босган қўшинга Жайхун соҳилидаги бир неча кунги дам олиш роҳат бағишлаб, лашкар куч-қуввати аслига қайтди. Сўнгра қадимда Хоразмнинг пойтахти бўлган, мустаҳкам қалъа ҳисобланган Котга томон юриш давом эттирилди. Ниҳоят, Хусайн Сўфининг қоровул қисми билан Амир Темурнинг илғор қисмлари Сепоя деган манзилда илк бора тўқнашдилар. Жанг узоқ давом этмади. Биринчи ҳамладаёқ Соҳибқироннинг манғлай қоровули Хоразм лашкарини тўзғитиб ташлади. Хусайн Сўфининг қочган қўшини Кот қалъасидаги лашкарга Амир Темур қўшини қалъага яқинлашиб қолгани ва тўқнашув юз берганлигини маълум қилди. Қалъадагилар дарҳол мудофаа жангига тайёргарликни бошлаб юбордилар.

Қалъа ҳокими Хоразм ҳукмдори Хусайн Сўфининг укаси Фулом Хусайн Сўфи эди. У жасур ва бир вақтда қайсар саркарда бўлиб, Амир Темурнинг қалъани топшириш шarti билан келган элчиларини ҳайдаб юборди. Кот қалъасининг деворлари жуда баланд, ўрта асрлар даврининг мудофаа воситалари энг мустаҳкам қилиб таъминланган қалъалари сирасига кирарди. Гир айлана атрофлари чуқур мудофаа хандақлари билан ихоталаниб, сув тўлғазилган, шунинг учун уни эгаллаш анча қийин, кўп талафотлар талаб қиларди.

Амир Темурнинг қалъани топшириш талаби рад этилгач, уни қамал йўли билан олишдан ўзга чораси қолмади. Натижада қаттиқ жанг бошланиб, иккала тараф ҳам кўп талафот кўрди. Кот бир кунлик тинимсиз ҳужумга бардош беролмай, дарвозалари пачақланиб, Соҳибқирон сипоҳлари қалъага ёриб кирдилар. Кўпчилик асир олинди, мудофаа ташкилотчилари қатл этилди. Оддий аскарлар эса уйларига қўйиб юборилди. Амир Темур уларга зиён-заҳмат етказишни тақиқлади. Фақат мудофаа ташкилотчиларигагина жазога тортилди.

Жангдан кейин лашкарга бир неча кун дам берган Амир Темур қўшинни оёққа турғазиб Жайхуннинг тор, кечиб ўтишга қулай Қипчоқлар қиш-



лоғи тарафига кечиб ўтиб, Гурлан ариғи¹ бўйлаб юришни давом эттирди. Гурлан ариғидан унчалик узоқлашмай, яна Хусайн Сўфининг илғорига дуч келди. Шу ерда хоразмликларнинг Минглихўжа ва Калак баҳодир бошчилигидаги қўшини Амир Темур қўшинининг йўлини тўсишга қаттиқ ҳаракат қилдилар. Соҳибқирон бу ердаги жангга ихтиёридаги барча кучларини киритмади, балки уларни Кўҳна Урганчдаги бўладиган ҳал қилувчи жангга асраб турди. Жангларда чиниққан учта амирини Гурлан ариғи яқинида бошланган жангга сафарбар этишни маъқул кўрди. Шулардан Найманлар қавми сардори Гиёсиддин Тархонни тўлғама (душман орқа тарафига айланиб ўтиш усули) ҳарб усулини қўллашга жўнатди. Фаним билан юзма-юз жангга эса улуғ амирларидан Юсуфхўжа ва Ўлжойту Апердини манғлай қилиб ташлади. Жанг авжида Гиёсиддин Тархон бошчилигидаги қўшин орқа тарафдан кутилмаганда зарба бериб, Минглихўжа ва Калак баҳодир бош бўлган қўшинларига катта талафот етказди. Хоразмликларнинг ҳар икки қўмондони жанг бой берилганлигини англаб, қолган-қутган қўшини билан Кўҳна Урганч тарафга қочишдан ўзга чоралари қолмади. Шу тариқа Гурлан қалъаси яқинидаги жанг бу сафар ҳам Амир Темур фойдасига ҳал бўлди. Гурлан беклигидан жангда фаол қатнашган жангари қавмлардан бир қанча қишлоқ ва овулликлар аҳолиси Самарқанд атрофидаги бўш ҳудудларга кўчирилди. Уларнинг авлодлари ҳозиргача аждодлари обод қилган жойларда умргузаронлик қилиб келмоқдалар.

Йўл-йўлакай жангларда ғалаба қозонган Соҳибқирон қўшини Кўҳна Урганч—Хоразмнинг бош шаҳри остонасига етиб келди. Шаҳар чор атрофидан ўраб олиниб, қамал тайёргарлиги бошлаб юборилди.

Хоразм ҳукмдори Хусайн Сўфи жисмонан жуда бақувват паҳлавон эди. Куч-қудратига ишониб, ав-

вал бир неча кун мудофаанинг боришини кўрай, сўнгра Амир Темурни яккама-якка жангга чақираман, зора менинг алпқомат жисму танимни кўриб, курашдан воз кечиб қайтиб кетса, деган фикрга борди. Унинг фикрида жон бор эди. Ҳақиқатан унинг девқомат гавдасини кўрган одам унга қиличбозликда ҳам, найзабозликда ҳам бас келиб бўлмаслигини англаб етарди.

Жангчиларнинг ҳар икки тарафдан нобуд бўлишини истамаган Соҳибқирон енгил шартлар билан Хусайн Сўфини таслим бўлишга чақирди. Шартнинг биринчи банди собиқ Чиватоё улусига қарашли Хоразмнинг жануби-шарқий ҳудудини Амир Темур тобелигига қайтариб бериш, иккинчи банди эса моҳир усталар ва машҳур Хоразм меъморларини Самарқанд, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида барпо этиладиган олий иморатлар қуришга жўнатишдан иборат эди. Томонлар рози бўлишди. Бироқ уни ҳар икки тарафнинг муҳрлари билан тасдиқлашга навбат келганда пайсалга солиш бошланиб, Хусайн Сўфи шартномани расмийлаштиришдан узоқлашиб, уни келишув асосида якунлашдан тона бошлади. Бунинг сабаби кейинчалик маълум бўлди. Амир Темурга бир неча бор фанимлик жабҳасида туриб, сўнгра унинг хизматига бош уриб келган Амир Кайхусрав йўл топиб Хусайн Сўфини айнитиб, шартларни бажармасликка ундайди: „Сен яхшиси Амир Темурни яккама-якка жангга чақир. Сен зўр паҳлавонсан, албатта, у сен билан қиличбозликка чиқиб мағлуб бўлиши аниқ. Бунинг устига унинг қилич серпайдиган қўли яхши ишламайди“, тарзида мактубини қалъа ичига ўтказиб юборди. Мактуб қўлига теккан Хусайн Сўфи мақтовга учиб, Амир Темур томонга девордан ошириб ёйдан ўқ узди. Ўқ учига қисқа мактуб боғланган бўлиб, унда: „Иккимизнинг келишмовчилик деб, ҳар икки томондан жангчиларимиз нобуд бўлмасин, яхшиси масалани иккимиз яккама-якка ҳал қилайлик, ким голиб чиқса, шартни ўша голиб чиққан қўяди“, деб ёзилган эди.

¹ Бу ариқ Жайхун дарёсидан бошланиб, Гурлан беклиги ҳудудидан шимоли-ғарбга томон оқиб ўтар эди.



Аммо вазият Хусайн Сўфи ўйлагандек бўлиб чиқмади. Амир Темур айтилган вақтда шиддат билан тулпориди майдонга мағрур кириб келди. Бироқ Хусайн Сўфи ўзи таклиф қилиб, ўзи майдонда кўринмаётган эди. У чиқиб келадиган дарвоза очиқ эди. Анча пайтда унинг чиқишини кутиб қолган Амир Темур гижинглаб сувлигини тишлаб, жангталаб бўлиб турган оти жиловини тортиб-тортиб уни олдинга ташланишдан аранг тўхтатиб турарди. Шунда иккиланиб, чиқиш-чиқмаслигини билолмай аросатда қолган Хусайн Сўфи чиқиб келадиган очиқ дарвоза томонга қараб Соҳибқирон хайқирди: „Эй номард, Хусайн Сўфи. Ўзинг талаб қилиб, ўзинг чиқмас экансан, нега жангга чорлайсан“. Бу сўзга ғурури бардош беролмаган Хусайн Сўфи қалъа ичкарасидан отилиб чиқди ва отини тўхтатди. Шунда Амир Темур: „Эй Аллоҳим, мени бундай номард билан юзма-юз қилма, мени мардлар билан юзлаштир“, дея бор овози билан Яратганга мурожаат қилди. Амир Темурнинг бу гумбурлаган хайқириги баланд қалъа деворига урилиб, акс садоси самоларга ёйилди. Унинг бу гумбурлаган хайқиригидан Хусайн Сўфининг оти бирданига ҳуркиб орқага қаттиқ тисарилдики, натижада Хоразм ҳукмдори отидан ағдарилиб тушди. У ўрнидан тура олмагач, мулозимлари дарҳол уни кўтариб, қалъа ичига олиб кетишди ва дарвозани беркитишди. Амир Темур майдонда туриб қўшинига „Олға“ ишорасини қилди. Унинг қўшини қалъага довулдек ёпирилди. Икки кун қаттиқ жанг бўлди. Иккинчи куни Хусайн Сўфининг жони узилиб, ўрнига укаси Юсуф Сўфи ҳукмдорлик тахтига ўтирди. Устига-устак қабристон қалъа ташқарисида эди. Амир Темур нима бўлганда ҳам мусулмончилик урф-одатларига қатъий риоя қиладиган ҳукмдор бўлганлиги учун жасад ҳурмати, мотам маросимига бемалол имкон бериш мақсадида қўшинини қалъадан икки-уч чақирим узоқроққа олиб чиқди. Мотам ва дафн тугамагунча ҳеч бир сипоҳга ўқ узмас-

ликка кўрсатма берилди. Бу Соҳибқироннинг мардлиги, одамийлиги, қолаверса, исломий одатларга қаттиқ риоя қилишидан далолат берарди.

Амир Темур мотамсаролик оғушида турганларнинг мудофаачиларига ҳужум қилиш „ўлганнинг устига тепиш“ бўлмасин деб, бир ҳафта-ўн кун қамалдан воз кечиб туришни маъқул кўрди. Қалъанинг шимоли-шарқидан оқиб ўтадиган сув бўйида қўшинига дам беришга қарор қилди. Шунда билдики, Хусайн Сўфи отдан йиқилганда бўйин суяги синиб, оғир аҳволда вафот этган экан. Амир Темур Хусайн Сўфи дафн этилаётган пайтда қўмондонлар билан маълум масофа сақлаган ҳолда туриб, гарчи унинг ғаними бўлишига қарамасдан мусулмончилик юзасидан жаноза удумини бажарди.

Ниҳоят акасининг ўлиmidан кейин дарҳол ҳукмдорликни қабул қилган Юсуф Сўфи Соҳибқироннинг Кўҳна Урганчни эгалламагунча кетмаслигига ишонч ҳосил қилгач, тўхтаб қолган музокарани қайтадан бошлашга мажбур бўлди. Иккинчи шартга улар кўнмагани боис, Амир Темур энди учинчисини қўшимча қилиб киритди. Ўрта асрларда ғаним тарафлар шартнома тузадиган бўлсалар, сулҳ ишончли таянчга эга бўлиши учун томонлар қуда-андалик ришталарини боғлашар эди. Амир Темур ҳам шу усулни қўллашга қарор қилди. Ўз элчисидан қуйидаги мазмунда мактуб жўнатди: „Бинобарин мен билан сулҳ тузишга майл билдирган экансиз, бу оқилона иш бўлибдир. Мен бу тутган йўлингиздан бағоят хурсандман. Менинг фикримча, бу ишларни фақат сиёсат билан боғламай, уни қариндошчилик ришталари билан мустаҳкам боғласак, низо ва ишончсизлик губорларию нафратлари ўртадан кўтарилиб, бу муносабатлар халқимиз учун ҳам, юртимизнинг гуллаб яшнаши учун ҳам хизмат қилган бўлур эди. Сизда бўйи камолга етган ёш ниҳол қиз борлигини эшитдик. Менда эса навқирон фарзанд, яъни менинг валиаҳд меросхўрим бор. Бу икки сарой навниҳолларининг никоҳ тўйларини



салтанат пойтахтлари бўлмиш Гурганжу азим Самарқандда ўтказиб, элга дошқозонларда ош торт-сак. Ур-йиқит, тўс-тўполон қаерда-ю, Самарқанд ушшоқлари ва майдонни тўлдириб, Хоразм „Лазги“си билан дилларни хушнуд этиш, шунингдек, Хоразмнинг дилтортар мақомларини сел бўлиб эшитиш қайда. Шунингдек, халқимизнинг: „Тенгини топсанг текин бер“ ҳикмати ҳам шунга мос келмоқда“.

Амир Темурнинг бўлажак келини энди ўн тўртни тўлдириб, ўн беш кунлик ойдек тўлишиб, ўн бешинчи баҳорни қаршилаётган оқила ва ғоят гўзал қиз эди. Уни Амир Темур катта ўғли шаҳзода Жаҳонгир Мирзога мўлжаллади. Ҳақиқатан ҳам Хоразм ҳукмдорининг бу қизи Севинбека (Хонзодабегим)га Худонинг ўзи гўзаллик ва ақл инъомларини беназир қилиб берган эди. Амир Темур Хоразмга иккинчи юришидан сўнг Жаҳонгир Мирзонинг Хонзодабегим билан тўйларини доврўқли қилиб ўтказишга киришди. Аммо белгиланган вақт ҳам ўтди. Келинни Хоразмдан олиб келиш дараги бўлмади. Амир Темур бу ҳолатдан жуда кайфияти бузилди. Бу кўнгилсиз воқеаларнинг ҳақиқат юзи очилгунча анча вақт сарсонгарчилик ва кўнгил хиралиги давом этди. Ниҳоят турли ғаламис, исёнчи гуруҳлар бошини айлантирган Юсуф Суфи тўнини тескари кийиб, аввалда келишилган шартларнинг барчасидан бош тортгани, тўйни ўтказиш учун қилинган ваъдалардан тониб, қудалар кириб келадиган эшикларга тамба ташлаганлиги ҳақидаги хабар Самарқандга етиб келди. Амир Темур учинчи марта шиддат отига минишга мажбур бўлди.

Шарафуддин Али Яздий „Зафарнома“ аса-рида Соҳибқироннинг учинчи юришини қўйида-гича баён этган эди: „Ҳазрат Соҳибқирон ўз бахтиёр давлатининг илҳоми ва узоқни кўрувчи ҳамда

оқибатини мулоҳаза этувчи раъйининг тадбири асосида

*Хоразм сари юриш қилмоққа шайланмиш,
Куч-ғайрати жангни базмга айлантирмоққа
шайланмиш.*

Амир Оқ Буғони Самарқандни бошқариб туриш учун қолдирди; амир Сори Буғо, Одилшоҳ Жалойир, Хитой баҳодир, Элчи Буғо ва бошқа ҳазора амирларини ўтгиз минг отлиқ билан Жете томонга жўнатди ва уларга қандай бўлмасин Қамариддинни қидириб топиб, йўқ қилишни буюрди.

Жайхун суви бўйидаги Сепоя мавзеи осмонни мажолсизлантирувчи байроқнинг ойчаси билан учрашгач, тўртинчи осмоннинг рашкини келтирди.¹

Аъло ҳазрат Жете томонга юборган амирлардан Сори Буғо ва Одилшоҳ мамлакатни эгасиз кўргач, хато ўйлаб, Хитой баҳодир ва Элчи Буғони банд қилдилар. Ҳазрат Соҳибқирон Андижонда доруға қилиб қолдирган Ҳамадий ҳам улар билан бирикди. Улар ўз эли — жалойир ва қипчоқларни йиғиб, Самарқанд сари юрдилар ҳамда етиб келгач, шаҳар кўргонини ўраб олдилар. Шаҳар аҳолиси кўзга қадалувчи ва ҳалок этгучи ўқ билан уларни шаҳарга яқинлаштирадилар. Шаҳар ҳокими амир Оқ Буғо бу ҳақда салтанат тахти пойи ҳозирларига хабар юборди.

Ҳумоюн мавкаб Кот шаҳридан ўтиб, Хосга етган пайтда ул хабар унинг олий ҳузурига етиб борди. У ўша ердан қайтиб, амирзода Жаҳонгирни манғлай тарзда олдинроқ жўнатди. Ўзи эса лашкарнинг қўли билан унинг ортидан борди. Бухорога етиб борганда оламини забт этувчи аскарларни тартибга келтириб сафлаб, у ердан йўлга отланди ва Работи Маликка келиб тушди. Шаҳзода [Жаҳонгир] Кармана мавзеида душманга тўқнаш кел-

¹ Тўртинчи осмон Қуёшга тегишлидир. Матнда Амир Темурнинг ярим ой тасвири туширилган байроғи Сепояга етиб боргач, ул жойнинг ҳашамати Қуёш осмонининг рашкини келтирди, деган мазмун берилган.



ди. Иккала томон сафларини тиздилар ва жанг бошланди...

Амирзода Жаҳонгир мудом ушбу давлатнинг фатҳу нусратини таъминлаган ва таъминловчи, Аллоҳ нақадар яхши мададкордир, деган оятда тасдиқланган ёрдам туфайли ёв устидан зафар қозонди. Улар қочиб, Дашти Қипчоққа кетдилар ва Ўрусхон ҳузурида паноҳ топиб, ул даргоҳга мулозим бўлдилар. Демак, Амир Темурнинг Хоразмга учинчи юриши тугалланмай қолди. Мўғулистон томонда жетеликларнинг қудратли амири Қамариддин қайтадан куч тўплаб Фарғона вилояти шаҳар-қишлоқларини талон-тарож қилишни бошлаб юборди. Жетеликларни тор-мор этиш учун ўттиз минг қўшинга бош қилиб жўнатилган Сори Буғо ва Одилшоҳлар шайтоний васваса билан Соҳибқироннинг Хоразм муаммосига банд бўлиб қолганидан фойдаланиб, Амир Темурнинг пойтахти Самарқандни қамалга олди. Бу исёнга Андижон ҳокими ҳам қўшилиб вазият янада оғирлашди. Бироқ Самарқанд ҳокими Оқ Буғо ихтиёридаги қўшиндан ташқари шаҳар аҳолисини ҳам мудофаага фаол жалб қилиб, қатъият билан кураш олиб борганлиги учун исёнчилар қора мақсадларига ета олмадилар. Иккинчи тарафдан Амир Темур давлатига Оқ Ўрда ва Олтин Ўрданинг душманлиги кучайиб Саброн, Ўтрор, Хўжанд вилоятлари ҳокимлари билан махфий алоқалар ўрнатиб, бу ерларни Оқ Ўрда мулки тасарруфига ўтказиш режалари борлиги, худди шундай мақсадда Хоразм ҳукмдорлари билан Соҳибқиронга қарши иттифоқликда курашиш учун ганим элчилари бўзчининг моксидай бир-бирлари томон бориб келаётган эдилар. Амир Темур бирваракайига икки исённи бартараф қилиш ва бошқа томондан душманларнинг бирлашиб ҳаракат қилишларини йўққа чиқаришдек мураккаб сиёсий-ҳарбий жараён гир-

добидан моҳирлик, ҳушёрликни қўлдан бермай чиқиб кетиши лозим эди.

Жаҳонгир Мирзо исёнчи Сори Буғо ва Одилшоҳнинг бирлашган кучларига Карманда етиб олиб, қаттиқ жанг бошлади. Бу Жаҳонгир Мирзонинг мустақил йирик жанглардан бирини муваффақиятли бошқариши бўлди. У ўзининг ажойиб лашкарбошилиқ истеъдодини намойиш этди. Шундан кейин Соҳибқирон ўғлининг жасур инсон бўлиб, лашкарбошилиқ қобилияти бемисл очилиб бораётганлигидан гоят завқланди, уни ўзининг муносиб вориси деб эълон қилди. Энг оғир вазифаларни ишониб топширадиган бўлди. Амир Темур бу ўғлидан ҳақли равишда кўнгли тўқ бўлиб, у ёш бўлишига қарамай саройнинг фаҳрига айланиб улгурган эди. Ниҳоят 1374 йил 13 майда бир ярим йилдан бери олдинга силжий олмаган тўйга йўл очилиб, Жаҳонгир Мирзо билан Ўзбекхоннинг набираси Севинбеканинг никоҳ тўйлари бўлиб ўтди. Кейинчалик Амир Темурнинг бу суюкли келини салтанатда давлат арбоби, Соҳибқироннинг маслаҳатчиси бўлиб, Фарбий ҳудудлар бўйича (Кичик Осиё, Араб, Ажам ва Европа) Амир Темур номидан дипломатик ва ташқи сиёсат ишларини юритди. Салтанатни мустаҳкамлашга катта ҳиссасини қўшди. Аслида бу оғир сиёсий дипломатик ишлар Мироншоҳ Мирзо зиммасида эди. Аммо ёшлигидан бобоси Ўзбекхон саройида (Олтин Ўрда) сиёсатни яхши эгаллаган Хонзодабегим ҳар қандай қирол ва элчилар билан ташқи сиёсат бобида юрти ва давлати манфаатини ҳимоя қилиб, муносабатга кириша оларди. Севинбека келин бўлиб тушгандан сўнг ана шу сифатлари учун Амир Темур уни Хонзодабегим дея ҳурмат билан чақирадиган бўлди. Натижада Хонзодабегим ўз ақли, гўзаллиги, айниқса, ўткир сиёсатчилиги билан Амир Темур саройида катта обрў-эътибор топди.





МАРКАЗЛАШГАН ДАВЛАТДАН БУЮК САЛТАНАТ САРИ





ХАЗОН БЎЛГАН ЁШЛИК, САРОЙДА МОТАМ. МОЗАНДАРОН ВА МОҲОНДА ИСЁН

Амир Темур ҳар қандай шароитда ҳам Хоразм муаммосини бир ёқлик қилмасдан Мўғуллар жетесига яқунловчи зарбани бера олмасди. Илоннинг ёғини ялаган мўғул ҳукмдори Қамариддин Амир Темурнинг Хоразм ва Оқ Ўрда масалалари билан бандлигидан фойдаланиб, Фарғона, Тошкент, Ўш, Хўжанд ҳамда унинг атрофидаги овул, қишлоқларни талон-тарож қилиш каби босқинчилик юришларини амалга оширди. У ўзини Чингизийлар ҳукмдорлигининг ворисий давомчиси деб биларди. Мовароуннаҳродек бой ҳудудни ўзининг доимий хазинасини осонгина тўлдирувчи манбага айлантиришни орзу қиларди. Қамариддиннинг Мовароуннаҳр томон ҳужум ва босқин уюштириш жазаваси кучайишига рағбат берувчи янги бир сабаб ҳам тез топила қолди. Амир Темурга нисбатан тил учиди тилёғламалик қилиб юрган амирларидан Одилшоҳ Жалойир ва Буғо Қипчоқлар пайт пойлаб, вазият етилиши билан Қамариддин тарафга ўтишни режалаштириб юрардилар. Хоин сарҳанглар Қамариддин билан махфий алоқа боғлаган эдилар. Водий томон муҳофазасини кучайтириш учун Соҳибқироннинг бу икки амири ўзларининг хиёнаткор ва сотқинликдан иборат ниқобларини ечиб, ошкора мўғул ҳукмдори томонга ўтиб, унинг кўрсатмаси билан 1376 йилнинг январини бошларида Андижонга ҳужум қилди, халқни аёвсиз талади! Қаршилик кўрсатганларни тигдан ўтказди. Фарғона водийсини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган амирзода Умаршайх Мирзо Қамариддин ва хоин амирларнинг кучларидан қўшини бир неча баробар камлиги боис қаҳрамонона қарши турса-да, бироқ улар ҳужумини тўхтатиб қолишдан ожиз эди. Устига-устак қўшини ичида ҳам хиёнат юз бериб, амир Сори Буғодай Шайх Муҳаммад Сулдуз ҳам Қамариддин Қароргоҳига қочиб бориб, садоқат билан унга хизматга келганлигини айтиб, ер ўпдилар. Бу

юз бераётган сотқинлик ва хиёнатлар Амир Темур кайфиятига жуда ёмон таъсир қилди.

Қамариддинга қарши ҳарбий ҳаракатлар бораётган бир паллада нохуш хабар олинди. Амир Темурнинг ўғли Жаҳонгир Мирзо мажоли кетиб, ҳатто отига чиқишга ҳам кучи етмаётгани маълум бўлди. Шу боис Жаҳонгир Мирзо Самарқандга жўнатиб юборилди. Шундан кейин Амир Темур Қамариддинни таъқиб этишни давом эттирди. Йиқилган курашга тўймас деганларидек, Қамариддин талафотга учраган лашкарини бир оз тўлдириб, Санғочда қароргоҳ қурганлигини аниқлаган Соҳибқирон изма-из фаним орқасидан етиб келди. Қўшинига дам бермай жангга кирди. Аммо Қамариддиндан бу сафар бахт юз ўгирди. Жанг унинг мағлубияти билан тугади. Шундан кейин Амир Темур Қамариддинни топиб, мутлақ сиёсат ва ҳарб майдонидан юлиб ташламоқни астойдил истарди, аммо негадир Жаҳонгир Мирзонинг юз синиқлиги, уни Самарқандга жўнатаётгандаги отасига сўнги бор нигоҳ ташлаб, худди видолашгансимон қарашларини кўз олдига келтириб, таъқибдан воз кечди. Ўғли Жаҳонгир Мирзо отани илҳақ кутиб жон бера олмаётгандек кўнгли нохушлиги Соҳибқиронни кеча-кундуз демай Самарқанд сари йўл босишга ундайверди. Ҳа, бу бежиз эмасди. Шундай дамлар бўладикки, ақл илғай олмаган онгдан ташқари ҳодисаларни инсон қалби ғайб ва илоҳий куч воситасида қабул қилади ва тегишли манзил ҳамда маконга етказди. Ҳиссий қувватлар бир қалбдан иккинчи қалбга узоқ масофадан туриб орқада қолувчи инсонга абадиятга кетувчининг кўнгли ва видолашув сўзларини етказди.

... Амир Темурнинг Самарқандга келаётганлигини эшитган сарой мулозимлари, йирик амалдор, вазиру вузаролар ва Сароймулкхоним бошчилигидаги суюкли маликалар кутиб олишга чиқишди.





Соҳибқиронни сарой даргоҳи доимо карнай-сурнай мусиқа садолари остида кутиб олардилар. Бу сафар на карнай, на сурнай нағма-навоси эшитилмасди. Соҳибқирон дарҳол сездики, бир кор-ҳол бўлган. Фожиа руй берган. Бу ҳолат ўғли Жаҳонгир Мирзодан айрилиб қолганлигининг даракчиси эди. Ҳамма мотам либосида. Мана маликаларнинг дод-фарёди ҳам эшитила бошлади. Бир оздан сўнг бу фарёдга Амир Темур ва амир ҳамда сипоҳиларнинг йиғиси қўшилиб, мотам фарёди оламни тутди. Халқимиз бундай фожиани душманнинг ҳам бошига солмасин, дегани ҳам шундан. Фарзандлар ота-она кетидан йиғлаб қолиши дуога қўшиб Худодан сўралади. Бу исломий урф ва миллий қадриятимизнинг ажралмас қисми. Бироқ ҳеч бир ота-она „фарзандим“ деб йиғламасин экан. Жаҳонгир Мирзо кетидан Амир Темурнинг ота сифатида йиғлашига нафақат Самарқанд аҳли, балки осмону замин ҳам йиғлади, десак муболаға бўлмас. Бу кўргилик ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Жаҳонгир Мирзонинг дафн маросими бемисл қайғу-алам билан ўтди.

Мотам муносабати билан етиму есир, камбағаллар, мазор бозор, имом хатиблар иштирокида кўчакуй, маҳаллаларга садақалар улашилди. Самарқанд ва Кеш мотамга бурканди. Амирзода жасади Кешга олиб кетилиб, Гумбази Саййиддинга дафн этилди. Унинг маъракаси билан боғлиқ ҳамма удумлар тўла адо этилди. Жаҳонгир Мирзодан икки фарзанд қолди. Биринчиси Хонзодабегимдан туғилган Муҳаммад Султон бўлса, иккинчиси эса Пирмуҳаммад айни отасининг қирқи маросими куни дунёга келди. Унинг онаси Илёс Ясовурийнинг қизи Малик Оқа бегим эди. Муҳаммад Султон Соҳибқироннинг суюкли аёли Сароймулкхоним тарбиясига берилди. Фарзанд кўрмаган Сароймулкхоним Муҳаммад Султонга бор оналик меҳрини бериб тарбиялади.

Амир Темурни тахт вориси бўлиш Жаҳонгир Мирзонинг ўлими қаттиқ қайғуга солади. Соҳибқироннинг тарихчиси Низомиддин Шомий унинг фарзанд доғидаги юрак-бағирларни эзиб юборув-

чи қайғусини шундай таърифлайди: „Амир Соҳибқирон бу азада навжувону паҳлавон камрон фарзанди фироқида кўзи гирён, бағри бир ён, айрилиқнинг аччиқ шарбатидан коса-коса ичди, мотам ва мусибат либосини кийди“.

Шарафуддин Али Яздий: „Соҳибқирон дил жароҳатларини яхши ва олижаноб ишлар билан даволашга киришди, камбағалларга, етим-есирларга кўп неъматлар, назр-ниёзлар улашди“, деб ёзади.

Жаҳонгир Мирзо йигирма йилгина умр кўрса ҳам, ана шу давр ичида келажаги порлоқ, забардаст қўмондон ва отаси Амир Темур ишончини оқлай оладиган валиаҳд шаҳзодалигини ҳар томонлама исботлади. Гарчи у шаҳзода фарзанд бўлса-да, мурракаб ва зиддиятли ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг ҳаётда олган биринчи оғир зарбаси — ўн ёшида онаси Ўлжой Туркон оқадан ажралиб, етим бўлиб қолди. Тоғаси Амир Хусайн билан падари Амир Темур орасида зиддиятлар таранглашган дамларда эса Балхда тутқун гаров ўрнида ҳаёт кечирди.

Жаҳонгир Мирзонинг ўлими фақат Амир Темургагина қаттиқ руҳий таъсир қилиб қолмай, унинг энг ишончли ва жасур саркардаси Амир Сайфуддинбек ҳамда бошқа амирларнинг кайфиятларини кескин тушириб, руҳий синиш даражасига етказди. Шарафуддин Али Яздий Амир Темурнинг болаликдан содиқ дўсти Сайфуддинбекнинг ушбу ҳолатини шундай тасвирлайди: „Шу воқеадан кейин Сайфуддинбекнинг қаҳри қаттиқ дунё ишларига ишончи қолмади, ҳамма нарсадан қўлини ювиб, руҳсат олди-да, Каъбага жўнаб кетди“. Шундай бўлгач, ота Амир Темурнинг аҳволи қандай ҳолатга тушгани ва ўзини тиклаб олиш учун қандай метин иродани сафарбар этганлигини ҳис қилиш мумкин. Ўғилларининг энг муҳим хусусияти шуки, улар маиший ҳузур-ҳаловатга берилмади. Ҳар бири ўз даврининг жангу жадалларида муҳораба майдонининг шер, арслонлари эдилар. Шунингдек, улар Ватан ғанимларига нисбатан нафрат ва она юртга эса садоқатда барчага ибрат эдилар. Улар ҳарбий-сиёсий пилла-поляр сари дадил қадам ташлаб борар эканлар, хоҳ

бирор вилоятга ҳоким бўладими ёхуд жанг майдонида қилич серпайдими, ганимлар сафига шердек ташланиб ёриб кирар, бошқарувда эса адолат улар-

нинг тошу тарозиси, халқнинг фидойиси эдилар. Ота Соҳибқирон уларга ана шундай тарбия берган, ана шундай талабни қўйган эди.

ЖАНУБИЙ ХУДУДЛАР ДАРВОЗАСИ. КУН ТАРТИБИДА ХИРОТ МУАММОСИ

Соҳибқирон Хоразм ва Жете муаммоларини ҳал этиб, бу жабҳада анча муваффақиятларга эришгач, бир вақтда Дашти Қипчоқ, Оқ Ўрдада кечаётган сиёсий жараёнларга ҳам бефарқ бўлмади. Уларнинг Хоразмни ўз таъсирларига олишга астойдил интилиши Амир Темур давлатига қарши шимоли-ғарбий чегара ҳудудлари тарафдан жиддий хатар туғдириши муқаррар эди. Шунинг учун Амир Темур Хоразмда ўз тобелигини ўрнатиш билан чекланмай, Дашти Қипчоқ ва Оқ Ўрдага ўзининг яқин одамнинг ҳокимият тепасига келишидан жуда ҳам манфаатдор эди. Акс ҳолда унинг давлати уч томондан ганимлар мамлакатлари қуршови доирасида қолиб кетарди. Бундай бўлмаслиги учун давлатни йирик салтанат даражасига кўтариш зарур. Шу боис душманларнинг, ганимларнинг юртга босиб келишини кутиб ўтириб бўлмайди. Зафарли ғалабалар учун зафарли юришлар керак, буни мамлакат ҳудудларидан ташқарида амалга ошириш, мамлакатга хавф туғдирувчи узоқ-яқин ҳар қандай ганимларнинг бирлашувига йўл қўймасдан, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида тор-мор этиш зарур. Йўқса Ватан озодлигини ҳам, не-не азоб-уқубат билан тузилган давлатни ҳам сақлаб қолиб бўлмайди, жангу жадаллар фақат мамлакат ташқарисида олиб борилиши керак, шундагина юрт вайроналиклардан сақлаб қолинади. Мамлакат ичида тинч ҳаёт бир маромда давом этади. Ҳамма касб эгалари осойишта ва хотиржам ўз ишлари билан бемалол шуғулланаверади. Амир Темурнинг

улкан сиёсат режаси ва кураш доктринаси шу асосга қурилди.

Соҳибқиронга душманнинг босиб келишини кутиб ўтириб мамлакат ичида жанг қилиш сиёсати мутлақо ёт эди. Бу Амир Темур давридаги шароитга айни мос ва бирдан-бир тўғри сиёсат эди. Бу жиҳатдан Соҳибқирон узоқни кўзлаб, сиёсий жараёнлар тизгинини аста-секин ўз қўлига олишни мақсад қилди. Шу йўлдаги дастлабки қадамлардан бири бу Хиротни эгаллаш учун бошланган ҳаракат бўлди. Бу Соҳибқироннинг сиёсий-ҳарбий фаолиятидаги дастлабки юриши эди. Хиротлик тарихчи Фасиҳ Аҳмад Ҳавофий ўзининг „Фасиҳийнинг қисқача тарихи“ асарида Хиротни эгаллашдан аввал Соҳибқирон ўзининг пири Абу Бакр ат-Тойободийдан маслаҳат олганлигини шундай келтириб ўтади: „... Амир Соҳибқирон улғувор шайхулисом Зайниддин Абу Бакр ат-Тойободийни зиёрат қилишга жўнади ва унинг суҳбатига муяссар бўлди. У амир Соҳибқиронга насиҳат қилди ва ўз насиҳатида: „Хиротни забт этганинда, халқни олиб кетма, шаҳарни вайрон қилма ва унинг аҳолисига жоҳилик қилмагин“, деди.

Амир Соҳибқирон унга савол берди: „Нега сиз Малик Ғиёсиддинга ҳам шундай насиҳат бермаган эдингиз?“ Улғувор шайх жавоб қилди: „Мен Маликка айтган эдим, у гапимни қулоғига олмади ва сени ундан юқорига қўйишди¹, энди мен сенга насиҳат қиляпман, қулоқ солмасанг, бошқасини сендан юқори қилиб қўйишади“.

¹ Шайхнинг бу сўзи тагида маъно-маҳзан шу эдики, „Аллоҳ бу ишни амалга оширишни сенинг зиммангда қолдирган“, демоқчи.



Амир Темур улугвор шайхнинг олдидан чиққанида, „Мен Ҳиротни эгалладим ҳисоб, чунки Ҳирот аҳолисининг хоҳиши улугвор шайхулисломнинг тиллари билан айтилган эди“, деб ўйлади.

Бу учрашув Амир Темурнинг бундан кейинги юришлари, салтанатни бошқариш ва уни мустаҳкамлаш ишлари муваффақиятли бўлишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Амир Темур Шайх Абубакр Тойободийнинг маслаҳат ва ўғитларидан жиддий хулосалар чиқариб, Ҳирот юриши бу салтанат ташқи сиёсатида Хуросон ва Форсга дахлдор кўп мураккабликларни ечиш билан боғлиқ масалаларга тааллуқли оғир иш эканлигини назарда тутиб Кешга қайтди ва 1379 йилнинг баҳорида Қурултой чақириб, салтанат ташқи сиёсати ва ҳарбий юришларни чуқур муҳокамадан ўтказишни лозим топди. Ана шу чоғдаги рўй бериши мумкин бўлган қаршилик, тўсиқлар, кўрилиши эҳтимол тутилган талафот, улар билан боғлиқ моддий харажатлар ҳамда амир, саркардаларнинг ҳарбий юришлар тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари, шунингдек, бу юришлар чўзилиб кетадиган бўлса, мамлакатнинг ички аҳволига салбий таъсирлари ҳам четда қолмади. Буларнинг барчаси атрофлигича кўриб чиқиладиган бўлди.

Хулоса шу бўлдики, масалани тинч йўл билан эмас, қилич билан ҳал этишдан ўзга йўллар беркирилди. Пир Али Ҳирот аҳолисини мудофаа деворларини мустаҳкамлаш ва атрофини чуқур хандақлар қаздириб сув тўлдириш ишларига жалб этди. Қалъани олиб бўлмас истехком ҳолатига келтириш учун нима қилиш лозим бўлса, барчасини амалга оширишга кучларни оммавий сафарбар қилди. Узоқ мудофаани уюштириш мақсадида озиқ-овқат, қуроляроғ, сув таъминоти захиралари, катта миқдорда ғалла ғамлашга киришди. Ички қалъанинг мустаҳкамлигини оширишга янада жиддий эътибор қаратди.

Соҳибқирон ҳам Ҳирот муаммосини фақат уруш билан ҳал қилишдан ўзга чора топмагач, барча вилоятларга хабаргирларини жўнаттириб катта жангга

тайёргарлик ишларини бошлаб юборди. Бу ишлар авж олиб турган бир маҳалда Амир Темурнинг эски ганими Жони Қурбоний унинг оёғига бош уриб келди. Соҳибқироннинг палосини ўпишга рухсат сўради. Бу золим одам вақт чархпалаги Амир Темур фойдасига ишлай бошлаб, салтанат куёши уфқдан бош кўтара бошлаганлигини эшитиб, ўзининг Амир Темур олдида қилган гуноҳлари ҳар қандай жазога лойиқлигини эслатиб, ялтоқланишнинг минг хил усулларини ишга солди. Соҳибқирон эса унинг бу номақбул ишлари эсидан кўтарилгани, инсонда бундай хатолар бўлиши мумкинлигини айтиб, Жони Қурбонийни шоҳона дастурхон билан меҳмон қилди. Ундан бошқа ҳукмдор бўлганида, уни шу заҳотиёқ жаллодга рўбарў қиларди. Аммо Соҳибқирон ундай қилмади. Энг ҳурматли элчи ва меҳмонларнинг иззат-ҳурматини қандай жойига қўйса, шулар қаторида меҳмоннавозлик кўрсатди, ўзига яқин олди. У, албатта, тирик қолиш илинжида туя-туя турли хил бойлик ва совға-саломлар келтиришдан ташқари ўн тўрт-ўн беш баҳорни кўрган ёш ниҳол қизи Хон Султонни ҳам Соҳибқиронга тортиқ қилди. Амир Темур хурсанд бўлиб, бу ёғига қуда-анда, қариндошчилик ришталари билан муносабатлар боғланса, ҳар икки томон жуда катта наф кўришини таъкидлади. Хон Султонни Жаҳонгир Мирзонинг ўғли, яъни невараси Муҳаммад Султонга никоҳлаб берди. Аммо шундай одамлар ҳам бўладикки, вақти келиб ҳар қандай яхшиликларни унутиб, махлуқдай эгасини қопади. Жони Қурбоний ҳам Амир Темурнинг яхшиликларини унутиб, неча бор хиёнатлар кўчасига киришда давом этди. Ҳатто қизи тақдирини ҳам ўйламади, қуда-анда, қариндошчилик удумларидан кўз юмди. Амир Соҳибқиронга қарши ганимлар билан тил бириктиришда давом этаверди. Амир Темур Ҳиротни забт этса, бутун Хуросондек катта ҳудуднинг эгаси бўлиб, уни салтанат таркибига киритган ҳисобланарди. Мироншоҳ Мирзо отасининг кўрсатмасига кўра Ҳиротга юришини бошлади.

Аммо Мироншоҳнинг юриши муваффақиятсиз чиқди. Бу эса Соҳибқироннинг шахсан ўзи бошчилигида юриш бошлашни тақозо қилди. 1381 йил баҳорда Амир Темур барча қўшинларини тўплаб Ҳирот юришига ўзи отланди.

Соҳибқироннинг қўшини еру осмонни ларзага келтириб, Сарахсга яқинлашиб қолганидан хабар топган Бодхиз ҳокими Пир Алининг укаси Малик Муҳаммад Амир Темурга қаршилик кўрсатмай қалъа дарвозалари калитини топширди. Шундан кейин Жом, Фушанж қалъалари ҳам забт этилди. Ҳирот малики Пир Али шаҳарни мудофаа жанги учун оёққа тургазди.

Бир неча кунлик жанглардан сўнг шаҳри берун — ташқи қалъаси эгалланди. Энди ички мустаҳкам қалъа ўзини қаттиқ мудофаа қилишга киришди. Ташқи шаҳарни ҳимоя қилувчи мудофаачилар қурол-яроғларини ташлаб курашдан воз кечса, омонлик берилиши кафолатланди. Мудофаадан натижа чиқмаслигига қўзлари етиб, икки минг мудофаачи жангчилар ихтиёрий асир тушди. Уларга зиён-заҳмат етказилмади. Шу тариқа Соҳибқирон тадбири иш бериб Пир Али кучлари тарқалиб кета бошлади.

Энди Гиёсиддин Пир Алининг сулҳдан бўлак чораси қолмади. Сулҳ Боғи Зоғонда тузиладиган бўлди. Пир Али бутун оиласи, фарзандлари ва сарой амалдорлари билан Амир Темур ҳузурига келди. Соҳибқироннинг Пир Алига „сизга ва оилангизга икки шартдан бирини қабул қилиш шarti билан омонлик бераман“, деган ҳукми эшиттирилди. Пир Али ё Каъбатуллоҳ зиёратига, ёхуд туғилиб ўсган юрти Ғурга жўнаб кетиши лозим эди. У Ғури танлади.

Ҳиротнинг бўйсундирилиши бу Хуросоннинг бўйсундирилиши бўлиб, бу галаба Эронни эгаллашда калит вазифасини бажарарди. Шундай бўлди ҳам. 1381 йилда Хуросон ҳудудларининг шарқий қисмидаги қалъа ва вилоятлар салтанат таркибига киритилди. Самарқандга қайтаётиб Соҳибқирон

Амир Темур Сабзаворни ҳам тобелигига киритди. Сўнгра пойтахти Самарқандга томон йўл олди.

Амир Темур Самарқанд ҳокими ва сарой амалдорлари Олий Девон ҳамда вазирларидан салтанат кирим-чиқими ҳамда Мовароуннаҳрдаги ички ҳаётнинг ҳолатига оид ўзини қизиқтирган маълумотларни олгач, 1381—1382 йилнинг қишини онаси Такина Моҳ бегим юрти Бухорои Шарифда ўтказишни ихтиёр қилди. У ерда пир ва авлиёлар, улуг инсонлар мазорини зиёрат қилиб, руҳияти ва танидаги Хуросон замини юришидаги чарчоқ, шунингдек, зўриқишлардан халос бўлмоқчи эди. Хуросон Форс ўлкасидаги тинкани қуритувчи шаҳар ҳамда қалъаларни қамал қилишлар Соҳибқиронни анча толиқтирган эди. Аммо Амир Темур Бухорода ҳам қишни ўзи ўйлагандек осойишта ўтказа олмади. Унинг суюкли қизи Тоғайшоҳ оқа бегим оғир дардга чалиниб, яшаб қолишига тобора умид йўқлигини табиблар эътироф қилаётганлиги, ҳеч қандай муолажалар ёрдам бермаётганлигидан хабардор қилдилар. Тоғайшоҳдан ажралар экан, бу айрилиқ Амир Темурни руҳан қаттиқ эзди.

Бироқ не қилсинки, мамлакат хавфсизлиги, тинчлигини сақлаш учун олдида тордек тўсиқлар турибди. Мамлакат ҳудудининг гир атрофи ганимлар. Уларни маҳв этмоқ учун ҳарбий юриш зарур. Мотам тутиб Самарқандда узоқ ўтиравериш бу фалокат ва таҳдид кучайиши демак. Соҳибқирон Амир Темур шиддат отига миниб, Форс ҳукмдори Шоҳ Шужоҳ мулки сари отланди.

Йўл-йўлакай Туршиз қалъаси ҳам забт этилди. Бу мустаҳкам қалъа қўлдан кетганлигини эшитган Форс ҳукмдори Шоҳ Шужоҳ дарҳол Умаршайх воситачилигида ўз элчисини Амир Темур ҳузурига юборишга шошилди. Бу воқеалар шуни кўрсатмоқда эдики, Соҳибқироннинг жаҳонгирлик музаффарият байроғи жануб узра кўтарилиб, унинг номи аста-секин Хитойдан Мисргача ва Дашти Қипчоқ ҳамда Олтин Ўрда ҳудудларидан Ҳинд заминига қадар ёйилган мамлакатлар ҳукмдорла-



рини хушёр торттириб, унинг карвонлари, элчилари билан яхши муносабатда бўлиш топшириқларини ўша юртлар хукмдорлари чегара худудлар амалдорлари, ҳокимларига юбора бошладилар. Бу Марказий Осиё минтақасидан забардаст давлат арбоби ва улуг саркарда етишиб чиқаётганлигининг эътирофи эди. Амир Темур жаҳонгирлик майдонига илк қадамларини қўяётган бир паллада бошқа мамлакатларидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар бир томонда чингизийлар, бошқа бир тарафда усмонийлар, шимоли-ғарб томондан эса қудратли Олтин Ўрда салтанати босқинлари боис издан чиқиб, иқтисодий, сиёсий алоқалар мувозанати бузилган эди. Бу жаҳон муаммосини аслига қайтариб изга туширишдек тарихий буюк ҳодиса ҳам Соҳибқирон зиммасига юкланишига оз вақт қолган эди. Бир оз ўтиб тарих қонуни ила бу миссияни бажаришни, яъни Буюк ипак йўлини қайта тиклашдек шарафли вазифани даврнинг ўзи унинг елкасига юклади.

... Шоҳ Шужоҳ элчиси олиб келган жавоҳир, тилло, ҳарир мато, қимматбаҳо тошлар ҳар қандай одамни лол қиладиган даражада эди. Ундан ташқари зотдор отлар, сафар анжомлари ва ғоят гўзал чодирлар бўлиб, ўртача бир мамлакатнинг голиб давлатга берадиган бир йиллик солиғи ўрнини босарди.

Амир Темур Шоҳ Шужоҳнинг элчисига ўз элчисини қўшиб юборар экан, мактубида амирзода Пирмуҳаммадга Форс хукмдорининг қизини келин қилиб, муносабатларни қуда-анда, қариндошчилик алоқалари билан мустаҳкамлаш нияти борлигини алоҳида қайд қилган эди. Форс хукмдори тобелик камарини боғлашга аҳд қилганлигини эшитгач, Калот ва Родгон ҳам таслимлик оқ байроғини кўтарди. Шундан кейин зафар байроғини ҳилпиратган Соҳибқирон қўшини Кобуджома йўлига тушди ва ундан ўтиб Шосмондга етишди. Энди доимо Жони Қурбоний билан бирлашиб Амир Темур йўлини тўсишга интилган Мозандарон

ҳокими Валибек билан ҳисоб-китобни ҳал этиш лозим эди. Амир Темурнинг қатор ғалабаларини эшитиб, ҳафсаласи пир бўлган амир Вали ўз бошига не кунлар тушишини ўйлаб, ярашиш йўллари қидиришга тушди.

Амир Темур Мозандарон ҳокими Амир Вали билан музокаралар олиб бораётган манзил Родгонда унга Калот қамали тугаганлиги хушхабарини етказдилар. Амир Темур энг мураккаб ҳисобланган муаммодан халос бўлган эди. Бу томонда Мозандарон ҳам унинг тобелигини қабул қилай деб турибди. Бу қўзланган режалар амалга ошиб бораётганлигидан нишона эди.

Амир Темурнинг бу ердаги кўчма Қароргоҳига Шайх Али баҳодир киришга рухсат сўраётганини билдиришди. Соҳибқирон бир лаҳза ҳам ҳаяллатмасдан уни қабул қилишини маълум қилди. Амир Темур қабулига кириш тартиблари тўла адо этилгач, Шайх Али баҳодир Калотни таслим этганлиги, хукмдорнинг топшириғи тўла бажарилганлиги ҳақида маълумот берди. Сўнгра: — Жони Қурбоний яна қочишга улгурдим, — дея сўради Амир Темур баҳодирдан. — Сиз хукмдоримизга олиб келган қимматли тортиғимни топширишга рухсат қилгайсиз, — деди Шайх Али баҳодир. Сўнгра „совға“ни олиб киришни соқчиларига айтишни сўради Қароргоҳ бошлиғидан. Орадан сал вақт ўтар ўтмас соқчилар узун қопга солинган юкни олиб киришди ва қопни юкдан озод қилишди. Қўли боғлиқ, бўйнига ўзининг қиличи осилган бир одам турар эди. Қоп ечилиши билан Жони Қурбоний Соҳибқирон билан юзма-юз турганлигини кўрдида, унинг пойига юзтубан ётди. Жони Қурбоний бутунлай жонидан умидини узиб, тақдирга тан берган эди. Саройдагилар ҳам унинг юзини кўришни истамаган Соҳибқирон дарҳол жаллодига рўбарў қилади, деган фикрда унинг оғзидан чиқадиган хукмни кутардилар. Бу азалий рақибининг нечанчи алдаши, қасамлари, амалга оширмоқчи бўлган фитна-фужурлари ва Соҳибқиронни ўлдириш учун неча

бор йўлларига қўйган пистирмаларини хотирлаётган ҳукмдор ниҳоят унга мурожаат қилди: „Бошингизни кўтаринг қуда, омон етиб келдингизми? Ҳар қалай бизни йўқлабсиз, Худога шукур“.

Амир Темур: „Нима бўлганда ҳам ахир қудандамиз, фарзандларимиз, неваралар тақдири, камолини ўйлаш ўрнига нифоқлашиб юрсак, бунга эл не дейди, қуда? Қизингизни соғингандирсиз, унинг билан дийдорлашинг, асло сиёсатга аралаша кўрманг. Бу ёнига шундай тинч, осойишта яшанг. Инсонга

ҳисоб-китобли умр берилган. Боринг, хоҳлаган томонингизга кетаверинг. Менинг Сизга айтадиган бошқа гапим йўқ. Кўзингизни очиб юринг, вассалом! Шундан кейин Жони Қурбоний сиёсат ва ҳарб майдонида анча вақт қайта кўринмади. Аксинча, Амир Темур эса жаҳон сиёсати майдонига тобора залварли қадам ташлаб кириб боришда давом этаверди. „Ҳар ким экканини ўради ёки феълига яраша насибасини олади“, деган ҳикматнинг амалдаги тасдиғи шу бўлса керак.

САРОЙ ЭШИГИНИ ТАҚИЛЛАТГАН НОМАЪЛУМ ОДАМ

Жони Қурбоний билан суҳбат якунига етай деб қолганда, Қароргоҳ бошлиғи Соҳибқиронга салтанат хавфсизлигига тегишли муҳим сирли маълумотлар борлиги ва уни Амир Темурнинг ўзидан бўлак ҳеч кимсага айтмаслигини айтиб, номаълум бир одам тихирлик қилиб турганлигини билдирди. Амир Темур рухсат берди. Номаълум одам Соҳибқирон ҳузурига олиб кирилгач, ҳукмдор ундан „Йўл бўлсин“, дея сўради. У сарой бошлиғига қараб: „Уни чиқариб юборинг“, дегандек қилди. Соҳибқирон дарров тушунди ва имо қилиб: „Бизни ёлғиз қолдир“, дегандек қараш қилди. Номаълум одам Амир Темурга ва салтанат хавфсизлиги учун бор кучи, тажрибаси ва ақлини ишга солиб хизмат қилмоқчилигини айтди. Соҳибқирон: — Айнан менинг хуфия ишларим гуруҳида хизмат қилишдан асл муддаоингиз не турур, бунга бир сабаб бўлмаса, бундай қарорга келмасдингиз. Боиси недур? — дея сўради жиддий тарзда.

— Унда мени эшитинг, — дея сўз бошлади ўз хизматини Соҳибқиронга таклиф қилаётган одам. Малик Фиёсиддинни мендан кўп биладиган одам йўқ, унинг эшигида неча йиллардан бери хизмат қилиб келганман. Мен ўзим айтаётган сўзларимга бошимни гаровга қўйиб жавоб бераман. У одам тузни оқламайдиганлар тоифасидан, ҳозир ҳам ёвуз режаларини амалга ошириш учун вақт ва имкон

келишини кутмоқда. Саройингиз ва ўзингиз тинч, омон бўлишингиз учун қўйингизда сақлаётган заҳарли илондан қанча тез қутулсангиз шунча яхши. Унинг ичига йиғилган заҳари шунчалик куч олган, ўткирки, Худо сақласин, у чакқан ҳеч қандай одам омон қолмайди.

Амир Темур бу номаълум одамдан Малик Фиёсиддиндан ташқари унинг билан пинҳоний ёвуз режалар тузган, фитна тайёрлаётганлар ҳақида далилий маълумотларга эга бўлди. Улар Жони Қурбоний, Малик Фиёсиддиннинг укаси Малик Муҳаммад ва унинг ўғли амирзода Ғурийлар бўлиб чиқди. Соҳибқирон бу шубҳа остидаги тўрт амирларининг босган ҳар бир қадамларини жуда махфий кузатиш тўғрисида хавфсизлик гуруҳига топшириқ берди. Бу ишга ер тагида илон қимирласа, шундан огоҳ бўлувчи айғоқчилар жалб этилди. Номаълум одам берган маълумотлар оқибат тўғри бўлиб чиқди. Бу тўртала фитначилар ҳибсга олинди ва қатл қилинди. Соҳибқирон номаълум одамда хуфия ишларга алоҳида қобилият борлигини билгач, унинг давлат хавфсизлигига ўз ҳиссасини қўша олишига астойдил ишонч ҳосил қилиб, ҳарбий вазирига унга зобитлик унвони бериш ва алоҳида муҳим ишлар юзасидан айғоқчилик гуруҳи тузишига рухсат беришни топширади. Номаълум одам номи остида чақирилувчи бу айғоқчи гуруҳлар зоби-



ти қисқа муддатда ўз қобилиятини намоёниш этиб, Амир Темурнинг махфий хизматида обрў-эътибор қозонди, энг мураккаб вазифаларни бажариб, салтанатда ўз мавқеини мустақамлади, унинг ишончини қозонишга эришди. Фитначилар махфий қора ишлари билан шоҳида юрса, у баргида юриб уларни фош этиб, қуролсизлантирар эди.

Амир Темур навбатдаги назарини Сейистонга қаратди. Номаълум одам айғоқчи гуруҳлари тожир, дарвеш ва гадо сайёҳлар қиёфасида Сейистонни ўрганиш ва у ердаги ҳолат ҳақида энг зарур маълумотлар йиғишга сафарбар этилди. Орадан бир оз ўтиб, маълумотлар оқими хуфий ишлар бўйича махсус котибиятга келиб туша бошлади. Бу ўта муҳим маълумотлар амалга оширилиши зарур бўлган навбатдаги юришларда ғоят асқатди.

Соҳибқирон Амир Темур Сейистон юришига жиддий тайёргарлик кўраётган дамларда жондан азиз кўрган опаси Қутлуғ Туркон оқа бегим вафоти ҳақидаги нохуш хабарни етказдилар. Бу фожиа ҳам Соҳибқирон ҳали ўғли ва қизининг мотами таъсиридан қутула олмаган бир вақтда юз берган эди.

... 1383 йил ёзида Самарқандда 52 ёшида вафот этган Қутлуғ Туркон оқа ҳақида ўрта асрлар муаррихи қуйидагиларни ёзиб қолдирган: „Амир

Соҳибқироннинг опаси Қутлуғ Туркон оқа бу фоний дунёдан боқий дунёга рихлат қилди... Амир Соҳибқирон унинг вафотига дилтанг бўлиб, қайғуга тўлди. Унинг фироқида ғамгин ва гирён бўлди. Равшан дилига ва муборак хотирига ваҳшату нафрат йўл топди. Бир неча кун оромсизлигу изтироби ортиб борди. Мамлакат ва давлат ишлари билан шуғулланмай қўйди. Охирида саййидлар, уламо, машойих ва солиҳ кишилар Амир Соҳибқирон ҳузурда тўпланиб, насиҳат бериш ва ваъз айтиш вазифаларини адо этдилар“.

„Амир Соҳибқирон опаси учун азадорлик удумларининг барчасини ўз ўрнида адо қилди. Опаси Қутлуғ Туркон оқа ғоят оқила, давлат сиёсатини ҳам яхши тушунадиган аёл бўлиб, оғир дамларда унинг энг яқин маслаҳатгўйи ҳам эди. Соҳибқирон Амир Темур билан Қутлуғ Туркон оқа бир-бирларини жуда меҳр билан яхши кўрардилар. Опасининг ҳузурдаги суҳбат ва маслаҳатлардан Соҳибқирон доимо дили ёришиб, жуда хурсанд бўлиб чиққан. Узоқ сафарлардан қайтганида у опаси Қутлуғ Туркон оқани, опа эса укасини кўришга муштоқ бўлиб, кўпинча Соҳибқирон келаётганлигини эшитгач бир неча фарсаҳ масофа йўл босиб уни кутиб олиш ва табриклашга шошарди“.

СЕЙИСТОНГА ҲАРБИЙ ЮРИШ ВА УНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Амир Темур Хуросон замини, Нишопур ҳамда унинг атрофларини ўз тобелигига ўтказгач, навбатдаги юришини Сейистонга қаратди. Сейистон ҳудуди Амир Темурга аввалдан таниш юрт эди. Бундан 21 йил олдин Соҳибқирон қайноғаси Амир Ҳусайн билан Сейистоннинг ўша пайтдаги ҳукмдори Малик Фахриддиннинг уларни ёрдамга чақириши муносабати билан бу юртга ҳарбий сафар уюштирган эди. Аммо Сейистон ҳокими Туроннинг бу икки амиридан фойдаланиб, ўз мухолифларидан қутулгач, миннатдорчилик ўрнига бир йўла Соҳибқирон ва

Амир Ҳусайндан ҳам қутулишга ҳаракат қилди. Бу худди „ит қутурса, эгасини қопади“ мақолининг ҳаётда тасдиқланиши бўлди. Амир Темур ушбу жангда ўнг қўлидан бир умрга жароҳат орттирди. Устига-устак ўқ еб, йиқилиб оёғига ҳам оғир шикаст етди. Шу тариқа Сейистон унга бир умрлик жароҳат муҳрини босган ўлка сифатида салбий таассурот қолдирди. Аммо Амир Темур гарчи бир оёғи ва қўли мажруҳ бўлишига қарамай, ўз даврининг метин иродали кишиси бўлиб қолар экан, у жисми соғлом бўлган жамики дунёнинг шоҳлари,

императорлари амалга ошира олмаган жаҳон аҳамиятига эга сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва маданий-маърифий, ободончилик ишларини амалга оширди.

... Сейистонлик жангари қавмлар Соҳибқирон Амир Темурнинг Турон ва Хуросон заминига сиймай жаҳон майдонидаги ҳаракатга дахлдор ҳукмдор эканлигини тан олиш у ёқда турсин, улар Хуросоннинг Амир Темур тобелигига ўтишини асло ҳазм қила олмадилар. Агар улар Хуросонни Соҳибқирондан куч ишлатиб тортиб оладиган бўлсалар, Мовароуннаҳрни ҳам тинч қўймасдан, аввало, Соҳибқироннинг тинкасини қуритиб, сўнгра бутун Туронни ўзларига бўйсундириш мақсадлари ҳам йўқ эмасди. Амир Темур бу жангари қавмлар феълени жуда яхши биларди. Шунинг учун 1383 йилнинг қиши тугамаёқ баҳор келишини кутмасдан Сейистонни забт этишни вазифа қилди. Сейистонда ҳарбий ҳаракатларни бошлаб Амир Темурнинг қўшинларини Хуросонда янчиб ташлаш тайёргарлиги қизгин бошлаб юборилган эди. Натижада Соҳибқирон отни улардан олдин қамчилашга қарор қилди. Эртага эса кеч бўларди.

Соҳибқирон Мовароуннаҳрнинг барча вилоятларига хабаргир ва тавочиларни жўнатди. Улар Термизда жам бўлиб, сўнгра унинг зафарли қўшини Сейистон сари йўл оладиган бўлди. Айғоқчилик хизмати хабарига кўра Амир Темурнинг Қобулистонда ҳоким қилиб тайинлаган амири Жоку Барлосни ағдариб, ғанимлари Сейистон ҳукмдори билан бирлашиб, Соҳибқиронга қарши курашиш ҳаракати борлиги ҳақида маълумот бердилар. Шундай ёқимсиз ва нохуш хабарлар Гармсир ва Сабзавордан ҳам олинди. Гармсир ҳокими Навмин Гармсирий ва Сабзавор ҳокими Шайх Довуд Соҳибқиронга бўйсунмаслигини билдириб, исён кўтарган эди. Айни Сейистон юриши арафасида Хуросон ана шундай мураккаб вазиятни бошидан кечирарди.

Термиздан йўлга чиққан Соҳибқирон қўшини Балхда бир муддат тўхтаб, қўшинга нафасни рост-

лаб олишга рухсат берди. Дам олган қўшинга Фирузкўх сари йўл олишга буйруқ берилди. Яхшиямки, бу ерда Соҳибқиронга тасалли берадиган воқеа содир бўлиб, Сори ҳокими Саййид Камолиддин ўғли Саййид Фиёсиддин ўз қўшини билан Соҳибқирон қўшини сафини тўлдирди. Аммо бир оз вақт ўтмай яна совуқ хабар олинди. Кичик Луристонга Соҳибқирон қўйиб кетган ҳоким Малик Изиддин ўзига билдирилган ишончини оқламай, ҳудуди орқали Хижозга бориладиган йўлда қароқчилар Мовароуннаҳр ва Хуросон карвонларига ҳужум қилиб, талон-тарож ҳамда босқинчиликни авж олдирсалар ҳам, ҳеч қандай чора кўрмай, ўз маишати билан шуғулланган. Демак, адолат бузилган, халқ арз-додини тингламаган ҳоким ва карвонларни қон қақшатиб йўлтўсарлик қилаётганларни зудлик билан йўқ қилиш керак. Қароқчи ва йўлтўсар жиноятчиларни, биринчи навбатда, жазолаш зарур. Амир Темур энг жирканадиган ва нафрат билан тилга оладиган кимсалар, бу қароқчи-йўлтўсарлар эди. Уларни одамларнинг тинч меҳнатини бузувчи қашқирлардан фарқи бўлмаган йиртқич ваҳшийлар деб биларди. Қўшин қароқчиларни таъқиб қилиб, тўғри Лури Кучакка қараб юрди. Қароқчилар Хуррамободни ўзларига қароргоҳ қилганлигини аниқлаган Соҳибқирон тунда уни ўраб олди. Қароқчилар талаб олинган мол-мулкларни шу ерда сақлар, Қароргоҳи ҳам, каллакесар бошлиқлари ҳам ана шу ерда қабиҳ режалар тузиб карвонлар қайси тарафдан қайси тарафга кетишлари аниқланиб, кимлар Каъбатуллоҳ зиёратига, яна кимлардир карвон билан сафарга қайси мамлакатлар сари отланади, шуларни аниқлаб сўнгра ҳужум амалга оширилган. Зич ўраб олинган Хуррамободдан бирорта қароқчи чиқиб кетолмаслигини қатъий топширган Соҳибқирон эрталабдан уларни қўлга олишни бошлади. Уларнинг дастлаб бошлиқлари, сўнгра фаол иштирокчи ҳамда қатнашчиларининг барчаси аҳоли кўзи ўнгида қатл этилди.



Сейстон мудофаасидагилар умидини узиб таслим бўлишдан ўзга чораси қолмади. Амир Темур асирларни кўздан кечирар экан, улар орасида юзлари тунд, кўзлари газабли нигоҳ билан боқиб турган йирик гавдали одамга кўзи тушди. Амир Темурга унинг башараси негадир таниш кўрингандай бўлаверди. Сўнгра хотирасини жамлаб, уни эслашга уринди. Соҳибқироннинг ўткир хотираси воқеаларни ниҳоят қайта тиклашга муваффақ бўлди. Бундан йигирма бир йил олдин айнан ана шу мудофаа девори устида Соҳибқиронга яқин масофадан туриб ўқ отган мерган билан яна юзма-юз турарди. „Тоғ тоғ билан учрашмайди, одам одам билан учрашади“, деганлари шу бўлса керакки, яна икки ғаним орадан неча йил ўтиб бир-бирига ҳам нафратомуз, ҳам ҳайрат билан тикилиб, ўтмишдаги учрашувларини хотирламоқда эдилар. Ҳақиқатан, шу турган сейстонлик жангчи Соҳибқиронни ўлдиршига бир баҳя қолган, Амир Темурнинг ўнг қўлини бир умр қилич ушлашдан мосуво қилган рақиби бўлиб чиқди. Соҳибқирон эски ғанимини олдига олиб келишни қоровулларига буюрди. Тансоқчилари уни асирлар орасидан ажратиб, Соҳибқироннинг олдига олиб келтирдилар. Ғаним жангчиси ўлимни мардона кутиб олишга шайлиги унинг юзкўзи ва хатти-ҳаракатларидан шундоқ сезилиб турарди. Худди шундай бўлиб чиқди. Соҳибқирон эски ғанимини сўз мулоқотига тортди: „Янглишмасам мени ўлдирмоқчи бўлиб, менга мана шу девордан ўқ узган сен бўласан, мен худди шу (қамчиси билан кўрсатиб) дарвозага яқин келиб қолган эдим, тўғрими?“

Асир жангчи: „Жуда тўғри, минг афсус, ўшанда нақ қалбингизни нишонга олган эдим, бироқ ўқ билагингизга санчилган эди. Ҳозиргача ўлдирма олмаганимга ачинаман“.

— Сен мард ва жасур аскар экансан, мен ҳукмдор бўлсам-да, жаллодга топширишимдан заррача кўрқмай, ҳақиқатни сўзлаяпсан. Мен сени ҳам, манави асир тушган сафдошларингни ҳам ўлдирмай-

ман. Тўрт томонингиз қибла, қайси тарафга хоҳласангиз кетаверинглар, сизлар озодсизлар.

Ўлимлари яқин қолиб, ҳаёт билан видолашиб турган бу асирлар Соҳибқироннинг сўзларидан ҳайрон бўлиб турганларида, у лашкарига буйруқ бериб: „Асирларнинг йўлини очиб қўйинглар, ҳеч ким уларга зиён-заҳмат етказмасин“, деди.

Ҳаётлари қайтиб берилган асирлар адолатли ҳукмдор Амир Темурнинг бу ишидан барчаси қувониб, дуо қилиб, унга бир овоздан: „Халоскоримизни Худонинг ўзи паноҳида асрасин“, дея юзларига фотиҳа тортдилар. Улар Амир Темурнинг мард ва одиллигига таҳсинлар айтиб, лашкар бўшатган йўлдан чиқиб шаҳардан узоқлашдилар.

Шу тариқа Сейстон пойтахти шиддатли ҳужум билан 1383 йил охирида тўлиқ эгалланди.

Зуранж шаҳрининг мудофааси ташкилотчи ва фаоллари барчаси Фарахга кўчирилди. Шоҳ Қутбиддин ва унинг ёрдамчилари Самарқандга сургун қилинди. Қалъа деворлари бузиб текислаб ташланди. Соҳибқирон Сейстонни унинг Шоҳ Қутбиддин томонидан ағдариб ташланган ҳокими Шоҳонга топширди.

Сейстоннинг яна бир муҳим ва мустаҳкам қалъаси Буст эди. Бу стратегик қалъа муҳим савдо йўллари чорраҳасида Ахоманийлар салтанати даврида қурилган бўлиб, Буюк ипак йўлининг Мовароуннаҳрдан Ҳиндистонга, ундан яна икки йўналиш Панжоб ва Мултонга ажраладиган қулай жойда жойлашган Аргондоб дарёси Хилмандга шу ерда келиб қуйиларди. Икки тарафга карвон йўли шунинг учун айнан шу ердан иккига ажралиб кетарди.

Амир Темур қўшини Бустни, сўнгра йўл-йўлаккай Қандаҳорни эгаллаб, тоғлар орасида одамларни қон қақшатиб юрган қароқчилар тўдаларини йўқ қилди. Шу пайтгача тоғ йўли орасида карвон ва саёҳатчи ҳамда ҳаж сафарига борувчиларнинг мол-мулкани талаб, ўзларининг жонини суғуриб олганлар ҳам даф этилди.

НАВБАТ ФОРС ЎЛКАСИ (ЭРОНЗАМИН)ГА

Фирдавсийнинг „Шоҳнома“ асарида ва эронлик тарихчи ҳамда шоирлар ўз асарларида ушбу юртдан чиққан афсонавий шоҳлар ва баҳодирларга ҳеч қайси юрт қаҳрамонлари бас кела олмаслигини мадҳ этиб, Турон баҳодирлари устидан доимо ғолиб чиқиб, улар юрти кўп ҳолларда Форс — Эронга қарам бўлиб келгани ҳақида тошбитиклар қолдиришган. Амир Темур ҳарбий юришлардан қўли бўшади, дегунча, қиссахонларидан юқоридагига ўхшаш ҳикоятларни кўп эшитган. Бу воқеаларга Амир Темур бошқача қарарди. Турон баҳодирларининг кучи нималарга қодирлигини амалда исботлашга киришди.

Соҳибқирон 1384 йилда Форс ўлкасига юришини унинг йирик вилояти Мозандарондан бошлашга азму жазм қилди. Бу пайтга келиб Амир Темурнинг йўлига тўғоноқ бўлиб турли даражадаги катта-кичик туман ва вилоятларнинг ғанимлик жабҳасида турган ҳокимларни, яхши сўз билан илон ҳам инидан чиқади, ҳикматига таяниб, ўзига яқинлаштириб, йирик кучларга айлантиргач, Соҳибқирон ҳарб йўлини Форс ўлкаси сари бурди. Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдори Амир Темурнинг баҳридан ўтиб юборишга астойдил бел боғлаганлардан бири бу Амир Вали эди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг тарих илмига ғоят масъулиятли ёндашувини қай тарзда қўйганлигини ва машҳур тарихчиси Низомиддин Шомийга ўзининг тарихчиси, тарихчиси бўлганда ҳам воқеа, ҳодисаларни ғоят адолат ва ҳақиқат тарозиси ўлчовига амал қилиб ёзишга қатъий амал қиладиган муаррихи бўлиш шarti билан унинг тарих битишига кўрсатма берган. Бу талаб тарих битишга бел боғлаган муаррихлар учун ҳам дастур бўлиб хизмат қилиши лозим.

Давлат сиёсатидан тортиб барча соҳаларда ҳам, шунингдек, фуқаро хусусида ёхуд тарих илмида бўладими, адолат ва ҳақиқат Соҳибқироннинг амал қилиш тамойили, дастури бўлган.

Тарих — ҳақиқат чироғи, бу илм халқ ва миллатнинг таржимаи ҳолидир. Халқ ва миллат таржимаи ҳолида мумкин қадар чалкашлик бўлмаслиги зарур. Бу илм фақат ҳақиқатга таянсагина, миллатни тарбиялашнинг жанговар қуроли бўла олади.

Соҳибқирон Амир Темур Форс ўлкаси — Эрон юришини асло босқинчилик мақсадида эмас, балки Буюк ипак йўлини тиклаш, Ҳажга борувчилар йўлини муҳофаза қилиш, иқтисодий алоқаларга йўл очиш мақсадида бошлаган. Уни бу юришга ундаган ташқи сабаблар мавжуд эди. Қолаверса, Эрон бу вақтда ноибларнинг ўзаро ички низолари туфайли кураш майдонига айланиб қолган эди. Нега унга Эрон ҳудудини салтанат таркибига киритиш ташқи сиёсатнинг долзарб муаммосига айланди? Бунини тезлаштиришга сабаблар етилган эди. Асосийси шу эдики, Осиё ғарбидаги қудратли усмонийлар Европа билан ҳисоб-китобни тугал якуний босқичга етказгач, Эрон Ироқи, Форс (Эрон) ва асосийси тобора кучайиб бораётган Амир Темур давлатини бир ёқлик қилиш Анқара саройида тез-тез тилга олинмоқда эди. Шунга кўра Амир Темур усмонийларнинг Европани забт этиш сиёсати билан ўралашиб қолаётганлигидан унумли фойдаланиб, отни Форс ўлкаси (Эрон) ҳудуди сари тезроқ қамчилашга шошилди. Агар Эрон куч-қудрати ортиб кетган Йилдирим Боязид тобелигига ўтиб кетса, Амир Темурнинг Жануби-ғарбдаги олиб борадиган сиёсати ғоят мураккаб ҳолатга тушиб, ташаббус унинг ғанимлари бўлмиш турк султони ва Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон томонга оғиб кетарди. Тўхтамишхон Шимолий Кавказдан Жанубий Кавказга ўтиб, Озарбайжон, Форс ва Араб мамлакатларини эгаллаб Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаракатланиш йўлини тўсиб қўйиш режаларини тузаётган эди. Бу эса Амир Темурни бу ҳудудларда фаол ҳаракат қилишга мажбур қиларди. Эрон ва Эрон



Ироқи, шунингдек, Ироқи Ажам ҳудудлари Амир Темур давлати таркибига киритилишининг юқорида қайд этилган сиёсий тарафидан ташқари иқтисодий тарафи ҳам манфаатли эди. Мовароуннаҳрдан Эрон орқали Араб халифалиги ва Ўртаерденгизи соҳилидаги Шимоли-шарқий Африка мамлакатларигача борадиган карвон йўллари Амир Темур давлати назоратига ўтарди.

Иккинчи тарафдан Эрон ва афғонлар юртдан Ҳиндистонга олиб бориладиган Буюк ипак йўлидан тушадиган бож даромадлари Соҳибқирон хазинасини бойитарди. Ҳолбуки, Амир Темурга қудратли ғанимларни тор-мор этиш учун албатта кучли, ҳар томонлама жанговар воситалар билан таъминланган қудратли қўшин зарур эди. Бунингсиз давлатни сақлаб қолишнинг иложи йўқ эди. Бу уч қитъада издан чиққан сиёсий, иқтисодий муаммолар баттар чигаллашиб, мамлакатлараро қирғин урушлар давом этарди. Бунинг натижасида ўша мамлакатлар халқларининг ҳаёт тарзи моддий қашшоқланиш сари юз тутарди. Золим ҳокимлар, мамлакатлар ҳукмдорларининг босқинчилик шамширини қўлларидан зарб билан уриб тушириш ва халқларнинг ўзаро тотувликда ва иқтисодий, сиёсий ҳамда маданий алоқаларнинг эркин шароитларини яратишдек масъулият ҳам Амир Темурдек буюк сиёсат арбоби зиммасида турарди. Эрон ҳудудини салтанат таркибига киритиш зарурлигининг учинчи муҳим сабаби ҳам бор эди.

XIV асрнинг 80-йилларида Эронда аҳвол анча мураккаб эди. Унинг ҳар бир катта-кичик вилоятларида мустақил ҳукмдорлар сиёсат юритиб, мамлакат бир-бирига қарама-қарши, ғанимлик кайфиятида ҳудудий бўлақларга ажралиб, тарқоқлик ҳукм суради. Уларнинг ўзаро ҳудуд талашувидан бу халқнинг тинка-мадори қуриди. Бу вазият Амир Темурга уларни бирин-кетин қийинчилик билан бўлса-да, ўз салтанати таркибига киритишга анча шароит яратиб берарди. Ўзаро рақобатлашаётган вилоятлар ноибларининг ҳокимият талашувидан

ҳимояланиш учун ёки рақобатдаги гуруҳлар зўравон ҳукмдорни ағдариб ташлаш мақсадида Эрон халқининг кўплаб вакиллари Амир Темурдан ёрдам сўрай бошладилар. Албатта, Соҳибқирон ўз вақтида қилинган бундай мурожаатни жавобсиз қолдирмасди. Бу сиёсий вазият Амир Темур учун айна қулай имконият эди ҳам. Эрондаги сиёсий жараёнларга аралашиб арафасида Соҳибқирон ҳарбий кучларини жанговар ҳолатга келтиришнинг барча талабларини бажара бориб, ҳарб ишларидаги ислохотларни жадал ўтказишга киришди. Ҳар бир ҳарбий қисм ва фавжлардаги жанговар тартиб ва интизом жиддий тарзда, ҳар қачонгидан кучайтирилди. Ўнбошидан то йирик лашкарбошиларга қадар уларнинг мудофаа, ҳужум, ҳарбий сафар чоғларидаги масъулияти кескин оширилди.

Эрон юришининг Балх йўналиши бўйлаб амалга оширилиши Амир Темур Ҳарбий кенгашида тасдиқланди. 1384 йил баҳорида Соҳибқироннинг ўзи бошчилигидаги лашкар Жайхунни кечиб ўтиб, Балхга етиб келди. Амир Темурнинг Балхга келганлигини эшитган Жалолиддин Шоҳ Шужоҳ ваъдасига содиқ қолиб, Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султон амирзодага фотиҳа қилинган қиз набирасини сарой мулозимлари, маликалар ва никоҳда иштирок этувчи қуда-андалар билан қўшиб жўнатганлигининг хабарини берди. Уларни кутиб олиш учун Туман оқа бошчилигидаги куёв томон ҳам йўлга отланди. Шу тариқа Форс подшоси билан Амир Темурнинг қуда-андачилик муносабати риштаси боғланиши тўй-томоша билан бошланди. Тўй-томошалар якуний босқичга етар экан, Балх, Тоҳаристон ва Бадахшоннинг бирлашган лашкар қисмлари фармонга мувофиқ етиб келганлигини Соҳибқиронга маълум қилишди. Натижада Соҳибқирон лашкарининг куч-қудрати янада ортди. Шундан кейин қўшин буйруққа кўра Мурғоб сари йўл олди. Қўшинга ўша ерга етиб боргач, бир оз дам олишга рухсат этилди. Шу пайтда Мироншоҳ Мирзо Хоразм ҳукмдорининг қизи




Хонзодабегим¹ билан никоҳидан туғилган чақалоқни Соҳибқиронга туҳфа қилди.

Амир Темур Хонзодабегимга набира тортиқ қилгани учун катта совға-саломлар ҳадя қилди. Набира чақалоқ — Халил Султонни Амир Темур Туман оқа тарбиясига топширди. Туман оқа ҳам Соҳибқироннинг Сароймулкхонимдан кейинги ўринда турувчи суюкли маликаси эди. Туман оқа Амир Мусонинг қизи бўлиб, аммаси Сароймулкхоним жиянини ўн икки ёшида Амир Соҳибқиронга никоҳлаб бериш ташаббускори бўлади. Туман оқанинг отаси Амир Мусо Сароймулкхонимнинг тоғаси эди.


Туман оқа Мироншоҳ Мирзо ва Хонзодабегимнинг ўғли Халил Султонга ўз фарзандидек қараб, бор меҳрини берди. Аммо кажрафтар замон зайлини қарангки, Халил Султон Самарқанд ҳукмдорлигини қўлга киритгач, уни она ўрнида катта қилган Туман оқани хор қилди. Туман оқа умри давомида Халил Султонга берган нон-тузига рози эмаслигини айтиб бўзлади, разилона ишларини асло кечирмади. Тутинган онани меҳрсизлик ботқоғига отган ва Соҳибқирондек бобосининг руҳини чирқиратган набирани оқибат бу дунё ҳам шафқатсиз хор-зор қилди. Қайтар дунё деганлари ҳам айнан шу бўлса керак.



¹ Жаҳонгир Мирзога (Амир Темурнинг биринчи фарзанди) Хонзодабегимни никоҳлаб берилгач, улар фақат бир йилдан ортиқ турмуш кечирдилар. Жаҳонгир Мирзо вафот этгач эса етти йилдан кейин Соҳибқирон Хонзодабегимни Мироншоҳ никоҳига киритди. Ундан набираси Халил Султон дунёга келди.



**УФҚЛАРИ УЗОҚЛАРГА
ЎЙИЛАЁТГАН САЛТАНАТ**



НАВБАТДАГИ ЗАФАРЛИ ЮРИШЛАР

Эронни бўйсундириш йўлидаги икки йиллик урушда гарчи унинг бир қанча вилоят ва қалъалари эгалланган бўлишига қарамай, бу мамлакатнинг бўйин эгмаган ва бўйсуннишни истамаган вилоят ҳамда шаҳарлари ҳам талайгина эди. Қолаверса, 1384—1385 йилларда тобеликни елкасига олган ҳокимлар ҳам Амир Темур давлати таркибида қолиб кетишни истамай, пайт пойлаётган эдилар. Соҳибқирон жануби-ғарб ва шимоли-ғарб тарафларда салтанатнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ҳали кўп тер тўкиши, ўз сарҳадини ўша қайд этилган йўналишларда кенгайтириши, ҳеч ким таҳдид қила олмайдиган ҳолатни таъминлаши лозим эди. Бунинг учун, аввало, Эрон, Озарбайжон ва Ироқи Ажамда мустаҳкам ўрнашиб, уларни салтанатининг ғанимлар ўтиб бўлмас истехкомларига айлантириш давр талаби эди.

1386 йилга келиб мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти Осиё қитъаси жануби-ғарбида олиб бориладиган уч йиллик урушга тайёр ҳолатга келган эди. Амир Темурнинг Ватан ва халқ иқтисодиёти ҳаётини кўтариш соҳасидаги халқчил ислохотлари ўз самарасини бера бошлаганлиги, натижада Турон йигитларининг билак ва қилич зарби ҳар қачонгидан кучайиб, Соҳибқироннинг: „Фарзандлари кучли юртнинг Ватани ҳам қудратли бўлу“ ҳикмати ўзини намоён этаётганди. Уларда мустақиллик ғурури мустаҳкам шаклланаётган шонли, орномус палласи бошланган даврга кирган дамлар эди. Туронзамин аҳли ўзлигини англаган, уйғониш дамларини қайта бошлаган бир ажойиб доврқли замонга етиб келганди. Бу вақтда мўғулларнинг бир юз эллик йиллик қулликка асосланган мустамлакачилик занжирини узиб ташлаб, туркий халқнинг куч-қудрати нималарга қодирлигини дунёга кўрсатишдек оламшумул тарихий ҳодисаларнинг кашшофи бўлишдек улуғ воқеалар тепасида буюк аждодимиз Амир Темур турган эди. Амир Темур

бу пайтга келиб жаҳоннинг сиёсий харитасини янгилашдек буюк воқеалар чорраҳасига яқинлашган эди.

Амир Темур 1386 йил баҳорида салтанат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Тўхтамишхоннинг йўлини Эрон ва Озарбайжон томондан тўсиб чиқиш учун сафарга отланди. Соҳибқироннинг бу ҳарбий юриши уч йиллик зафарли юриш номи билан тарих зарваридан жой олди. Озарбайжон халқи Амир Темурни Тўхтамишхон босқинидан қутқарувчи халоскор сифатида кутиб олди. Дастлаб улар Озарбайжон ҳудудида халқ фаровонлигини кўтариш йўлида Амир Темурда қандай инсонпарварлик ғоялари борлигини кўз олдларига келтира олмасдилар. Уни бир оз кечроқ англаб етдилар. Соҳибқирон бу юртни ўз тобелигига киритиши биланоқ, бу заминни обод қилишга доир фармонлар берди. Сув чиқариб, экин экса бўладиган ерларга каналлар қаздирди. Юзлаб бўш ётган катта майдонларни халқ дастурхони тўкинчилигига хизмат қилдириб, янги-янги қишлоқлар пайдо бўлишини, бозорларда арзончилик бўлишини таъминлади. Ўша забот этилган мамлакатларда тоғ, ўрмон ва чўл, қир-адирлар ҳамда пана-пастқам жойларда одамларни қақшатаётган қароқчи тўдалар, ўғри, муттаҳам ҳамда порахўр каби жамият осойишталигини бузувчи кимсаларни мамлакатдан бадарға қилди. Олим ва ҳунар, санъат эгалари ҳурмат-иззатини ўрнига қўйди. Меҳнат аҳли эмин-эркин ўз машғулотини давом эттирадиган шароит яратилди. Қопқоронғи тунлар ҳам осойишта, хавф-хатарсиз ўтадиган бўлди. Бу халқ ҳаётида туб иқтисодий, маданий, ҳуқуқий ўзгаришлар содир бўлганидан дарак берарди.

Озар халқи устига биринчи юришда Амир Темурни Тўхтамишхон билан бир хил босқинчи сифатида баҳолаган айрим кимсалар ҳам вақт ўтган сари бу ҳукмдор мавжуд жой ёхуд тобелик кама-

НАВБАТДАГИ ЗАФАРЛИ ЮРИШЛАР

Эронни бўйсундириш йўлидаги икки йиллик урушда гарчи унинг бир қанча вилоят ва қалъалари эгалланган бўлишига қарамай, бу мамлакатнинг бўйин эгмаган ва бўйсуннишни истамаган вилоят ҳамда шаҳарлари ҳам талайгина эди. Қолаверса, 1384—1385 йилларда тобеликни елкасига олган ҳокимлар ҳам Амир Темур давлати таркибида қолиб кетишни истамай, пайт пойлаётган эдилар. Соҳибқирон жануби-ғарб ва шимоли-ғарб тарафларда салтанатнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ҳали кўп тер тўкиши, ўз сарҳадини ўша қайд этилган йўналишларда кенгайтириши, ҳеч ким таҳдид қила олмайдиган ҳолатни таъминлаши лозим эди. Бунинг учун, аввало, Эрон, Озарбайжон ва Ироқи Ажамда мустаҳкам ўрнашиб, уларни салтанатининг ғанимлар ўтиб бўлмас истехкомларига айлантириш давр талаби эди.

1386 йилга келиб мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти Осиё қитъаси жануби-ғарбида олиб бориладиган уч йиллик урушга тайёр ҳолатга келган эди. Амир Темурнинг Ватан ва халқ иқтисодиёти ҳаётини кўтариш соҳасидаги халқчил ислохотлари ўз самарасини бера бошлаганлиги, натижада Турон йигитларининг билак ва қилич зарби ҳар қачонгидан кучайиб, Соҳибқироннинг: „Фарзандлари кучли юртнинг Ватани ҳам қудратли бўлур“ ҳикмати ўзини намоён этаётганди. Уларда мустақиллик ғурури мустаҳкам шаклланаётган шонли, орномус палласи бошланган даврга кирган дамлар эди. Туронзамин аҳли ўзлигини англаган, уйғониш дамларини қайта бошлаган бир ажойиб доврқли замонга етиб келганди. Бу вақтда мўғулларнинг бир юз эллик йиллик қулликка асосланган мустамлакачилик занжирини узиб ташлаб, туркий халқнинг куч-қудрати нималарга қодирлигини дунёга кўрсатишдек оламшумул тарихий ҳодисаларнинг кашшофи бўлишдек улуғ воқеалар тепасида буюк аждодимиз Амир Темур турган эди. Амир Темур

бу пайтга келиб жаҳоннинг сиёсий харитасини янгилашдек буюк воқеалар чорраҳасига яқинлашган эди.

Амир Темур 1386 йил баҳорида салтанат хавфсизлигини мустаҳкамлаш, Тўхтамишхоннинг йўлини Эрон ва Озарбайжон томондан тўсиб чиқиш учун сафарга отланди. Соҳибқироннинг бу ҳарбий юриши уч йиллик зафарли юриш номи билан тарих зарварағидан жой олди. Озарбайжон халқи Амир Темурни Тўхтамишхон босқинидан қутқарувчи халоскор сифатида кутиб олди. Дастлаб улар Озарбайжон ҳудудида халқ фаровонлигини кўтариш йўлида Амир Темурда қандай инсонпарварлик ғоялари борлигини кўз олдиларига келтира олмасдилар. Уни бир оз кечроқ англаб етдилар. Соҳибқирон бу юртни ўз тобелигига киритиши биланоқ, бу заминни обод қилишга доир фармонлар берди. Сув чиқариб, экин экса бўладиган ерларга каналлар қаздирди. Юзлаб бўш ётган катта майдонларни халқ дастурхони тўкинчилигига хизмат қилдириб, янги-янги қишлоқлар пайдо бўлишини, бозорларда арзончилик бўлишини таъминлади. Ўша забт этилган мамлакатларда тоғ, ўрмон ва чўл, қир-адирлар ҳамда пана-пастқам жойларда одамларни қақшатаётган қароқчи тўдалар, ўғри, муттаҳам ҳамда порахўр каби жамият осойишталигини бузувчи кимсаларни мамлакатдан бадарға қилди. Олим ва ҳунар, санъат эгалари ҳурмат-иззатини ўрнига қўйди. Меҳнат аҳли эмин-эркин ўз машғулотини давом эттирадиган шароит яратилди. Қопқоронғи тунлар ҳам осойишта, хавф-хатарсиз ўтадиган бўлди. Бу халқ ҳаётида туб иқтисодий, маданий, ҳуқуқий ўзгаришлар содир бўлганидан дарак берарди.

Озар халқи устига биринчи юришда Амир Темурни Тўхтамишхон билан бир хил босқинчи сифатида баҳологан айрим кимсалар ҳам вақт ўтган сари бу ҳукмдор мавжуд жой ёхуд тобелик кама-



рини боғлаган ҳудудда адолат, осойишталик, фуқаролар ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя этилишини кўрдилар ва ишонч ҳосил қилдилар. Тўхтамишхоннинг босқинига учраган Фарбий Эрон ва Озарбайжоннинг вилоят, қишлоқ ва шаҳарлари фанимлар босқини боис талон-тарожликка, вайроналикка учраб, бу ерларнинг тикланиши учун яна ўн йиллар вақт керак бўлишини кўрдилар. Бироқ Соҳибқирон уларнинг оқибатларини тезликда бартараф эттирди.

Амир Темур Озарбайжоннинг юраги бўлмиш Табризда мустаҳкам ўрнашиб, сўнгра забт этиш лозим бўлган ҳудудлар учун ундан таянч сифатида фойдаланишни назарда тутиб, бу шаҳар ҳокимлигини суюкли набираси, Жаҳонгир Мирзонинг ўғли Муҳаммад Султонга топширди. Табриздаги қилиш лозим бўлган ишларни йўлга қўйиб, юриш навбатини Нахичеванга қаратди.

Амир Темур гуржи ва арманларнинг ҳужумлари ва талон-тарожликларига батамом чек қўйиш

учун уларнинг ҳудудларини салтанат таркибига киритишни зарур деб ҳисоблади.

Соҳибқирон Жанубий Кавказда ўз салтанати қонун-қоидаларини жорий этиш учун 1386—1387 йил қишни Тоғли Қорабоғда ўтказди. Шу ерда турганида унинг ҳузурига Ширвоншоҳ ҳукмдори Шайх Иброҳим жуда катта ва қимматбаҳо совға-салом ҳамда турли хил ноёб ҳадялар билан ташриф буюрди. Шайх Иброҳим Амир Темурга тўла тобе бўлиб, садоқат қилишга сўз берди. Натижада Амир Темур унга ўз юртини идора қилишга изн берди. Ана шу пайтда чегара ҳудудидаги хабаргирлар Тўхтамишхоннинг Озарбайжон ва Фарбий Эронни босиб олиш учун Кура дарёси бўйлаб катта қўшинга бош бўлиб, шиддат билан келаётганининг хабарини етказди. Соҳибқирон Кура дарёси бўйида Тўхтамишхоннинг йўлини тўсиб, жангга кирди. Натижада Олтин Ўрда қўшини шикаст топиб, орқасига қайтиб кетишга мажбур бўлди.

ТУТИНГАН ЎФИЛ ХИЁНАТКОРЛИК БОТҚОҒИДА

„Ит қутурса эгасини қопади“

ХАЛҚ МАҚОЛИ

Амир Темур саройидан юборилган шошинч ва ташвишли тарзда йўлланган мактубни муншийсидан ўқишни сўрайди. Соҳибқирон уни жуда хижил ва кайфияти тушган ҳолатда тинглади. Мактуб қўйидаги мазмунда битилиб, Соҳибқирон муншийсидан амирзода Умаршайх аҳволига дахлдор жойини топиб ўқишини сўрайди. Мактубда амирзода Умаршайх лашкари мардона туриб фаним ҳужумларини қайтариб турганлиги ҳақида баён этилган эди.

Тўхтамишхон Соҳибқироннинг Туркистон ҳудудини ҳимоя қилишга қолдирган ўша саркарда ва лашкарбошиларига катта талафот бериб, ҳимоя қилиш лозим бўлган қалъа ва шаҳарларни ташлаб чиқишга мажбур бўлган. Бироқ мактубнинг якунидаги

Тўхтамишхон ҳужумни авж олдириб, Амир Темур пойтахти Самарқандни қамалга олгани, Хоразм тарафдан Сулаймон Сўфининг қўшини билан бирлашган Тўхтамишхоннинг бошқа бир катта лашкарлари Бухорони қамалга олгани, ҳатто Қозонхон қурдирган Занжирсаройга ўт қўйиб, ёқиб юборганлиги тўғрисидаги ёқимсиз маълумотлар Соҳибқироннинг руҳий ҳолатига ғоят ёмон таъсир қилди. Демак, Тўхтамишхон Амир Темурнинг Эрон, Озарбайжон, Гуржистон, Арманистон ва Ироқи Ажам мамлакатларида уч йил ушланиб, Мовароуннаҳрда асосий қўшинлар йўқлигидан яхшигина фойдаланиш режасини пухта тузиб, уни амалга оширишга киришган. Аммо Самарқанд ва Бухородаги лашкар аҳолининг мадади билан мудофаани қаттиқ



ушлагани боис Тўхтамишхон Мовароуннаҳрнинг таянч шаҳарларини босиб ололмаганлиги алоҳида қайд этилган эди. Амир Темурга ана шу нарса анча таскин берди.

Тўхтамишхон ҳужумларини тўхтатиб, уни юртдан ҳайдаб чиқариш учун Амир Темур Тахти Қорачадаги жойлашган асосий лашкар қисмлари орасидан танлаб, жанг майдони шерларидан саралаб, алоҳида йирик қўшин тузди. Унга жанг майдонида ғанимни тўзғитиб ташлайдиган забардаст лашкарбошиси Аббос баҳодирни бош қўмондонликка тайинлаб Мовароуннаҳр муҳофазасига шошилишч жўнатди. Унга турли ҳудудларда Тўхтамишдан енгилб чекинаётган лашкарларни ҳам ўз қўшинига бирлаштириб, Тўхтамишхон лашкарлари билан аёвсиз кураш олиб бориш вазифаси юклатилди. Ўзи эса ният қилган муҳим бир ишни амалга ошириб, сўнгра Самарқандга қайтажагини билдирди. Аббос баҳодир Соҳибқирон топширигини олиб шиддат билан Мовароуннаҳрга етиб борди. Амир Темур топширигини бажара бориб, йўлида учраган Дашти Қипчоқ саҳройлар қўшинига қирон келтирди ва Туронзаминдан уларни ҳайдаб чиқаришга муваффақ бўлди. Аббос баҳодир лашкари жанг майдонига ҳайқариб кириб келганида нафақат ғанимнинг оёғи қалтирарди, балки еру замин ҳам титрарди. Тўхтамишхонга энди бу юртни ташлаб чиқиб кетишдан ўзга чора йўқ. Аббос баҳодир ана шундай душман юрагига ғулу соладиган саркардалар сирасидан эди.

Уч йиллик юришнинг асосий натижаларидан бири фақат салтанат ҳудудини кенгайтириш ва олтин, қимматбаҳо моддий бойлик учун эмас, балки Хуросон ва

Эрон, Озарбайжон, Ироқи Ажам, Жанубий Кавказ ҳудудида сочилиб юрган тафаккур, ҳикмат эгаларини маданий марказда тўплашдан иборат бўлди. Бу юришни Соҳибқирон фан, маданият ва санъат, ҳунарнинг машҳур арбобларини кашф этиш йўлидаги, шу соҳа тараққиётига замин ҳозирлаш бобидаги маданият равнақи учун қилинган юриш деса ҳам мантиққа зид келмайди. Демак, ҳарбий юришдан кўра унинг хусусияти маданий-маърифат эгаларини тўплаш учун юриш дейилса, ҳақиқатга яқин бўлади. Ана шу соҳада қилинган ҳаракатлар темурийлар даври фан ва маданияти, меъморчилик ва санъат тараққиётининг гуллаб яшнаши, Шарқ уйғонишининг янги даври бошланишини таъминлади. Бу уйғониш бир неча йиллар ўтиб Европага кўчиб ўтди.

Бу сиёсатнинг амалга оширилиши Амир Темур салтанатининг обрў-эътиборини юксак мавқе­ларга кўтарилишини таъминлабгина қолмай, умум­башарият тамаддуни янги тўлқини бошланганли­гининг намойиши бўлди. Бу Амир Темур ва тему­рийлар сулоласининг жаҳон халқлари олдидаги буюк хизмати дейилса, тарих ҳақиқати ва адолатига асло зид келмайди. Шунга кўра Самарқанд фан-ма­даниятнинг жаҳон узра маркази ва машъали сифати­да унинг маърифат нурлари дунё бўйлаб таралди, тароват бағишлади ва жаҳоний аҳамият касб этди. Жаҳоний илмлар ютуқлари дунё бўйлаб шу дорул­салтанатдан тарқала бошлади.

Амир Темурнинг бундай улуғ ишларга қўл уришини асло тасодифий бир ҳодисага йўйиб бўлмайди. Соҳибқирон мамлакат равнақи ва тараққиётида илм, ҳунар эгаларининг аҳамиятини жуда яхши тушунарди.

АЛОҲИДА ВАКОЛАТЛИ ТАФТИШ ГУРУҲИ

Амир Темур фан-маданият ва олимлар масала­сидаги кўзда тутилган тадбирларни тугатиб, 1388 ҳижрий йилнинг феввали бошларида Самарқанд шаҳрига қайтди.

Шероз Тахти Қорачасидан Самарқандга қайт­ган Соҳибқирон уч йил ичида „Тузуқлар“ да қайд этилган Давлат бошқарув тизимларида фаолият юритувчи мансабдорларнинг барчасини сиёсий



текширишдан ўтказишга қарор қилди. Ўрни уларнинг ўз бурчларини ва вазифаларини қай даражада ҳалол бажаришларини тафтиш қилдирди ва барча шикоятни Девони Ярғуга топширди. Унинг ваколати жуда катта бўлиб, бу ташкилот аслида Бош тергов бошқармаси вазифасини бажариб, унга жалб қилинганлар адолат, ҳақиқат ва қонундан ўзга ҳеч нарсани тан олмайдиган ғоят одил қозилар эди. Қайси соҳа текшириляётган бўлса, чунончи ҳарбий ишлар, молия, хазина каби шу соҳанинг ғоят тажрибали касб эгалари унинг таркибига киритилган эди. Тафтиш ва тергов ишларининг боришини шахсан Амир Темурнинг ўзи назоратга олди. Соҳибқирон кўрсатмасига кўра жуда қаттиқ текшириш кучи, биринчи навбатда, Тўхтамишхоннинг Самарқанд, Бухоро ва Занжирсаройгача ҳудудларга бостириб киришигача йўл қўйиб берган ҳоким, доруға, саркардалар ва вилоятнинг тегишли девон амалдорлари, бир сўз билан айтганда „Ҳарбийларни“ га, сўнгра хазина, молия ва солиқ йиғишга дахлдор амалдорлар фаолиятига қаратилди. Айниқса, Тўхтамишхон қўшинидан Жўқлик мавзеигача жангда оғир мағлубиятга учратилган сарҳанг ва саркардаларнинг тактик ва стратегик хатолари миридан-сиригача ўрганилиб чиқилдики, бу хато ва масъулиятсизлик ҳеч қачон такрорланмаслиги ва ҳарбийларга сабоқ бўлиши учун жазо қатъий тайинланди. Жўқликдаги мағлубиятга асосий айбдор деб Баротхўжа Кўкалтош топилди. У барча саркардаларни чақириб, Тўхтамишхон қўшинларини тормор этиш хусусида ҳарбий кенгаш ўтказмаган, вазият қалтислигига қарамай душман қўшинларининг қайси йўналишдан, қанча кучлар билан келаётганлигини, қўшинлар Бош қўмондони бўлишига қарамасдан, бу масалага бепарво ёндашган. Жосуслик гуруҳларига қатъий ва тегишли йўриқларни бермаган. Энг муҳими тунги соқчилар ўз вақтида бурчларини қандай бажараётганлиги текширилмаслиги туфайли, олдинги жабҳада турган ғаним қўшинларининг ҳужумкорлик ҳолатига бепарво бўлиб, шу-

нинг натижасида қўшин тунги шабхун ҳужуми остида қолиб, асосий жангдан олдиноқ катта талафот кўрган. Асосий жангда эса марказ, ўнг ва чап қанотлар бир-бирини ҳимоя қилмай, ҳар бир саркарда ўз ҳолича жангга пала-партиш киришга мажбур бўлган. Шу хатолар боис, Жўқликдаги жанг Баротхўжа сарҳанг бошчилигидаги қўшиннинг Тўхтамишхон қўшинидан мағлубиятга учраб, ғанимларнинг лашкари Мовароуннаҳр ичкари ҳудудларига қадар кириб, шаҳар ва қишлоқларнинг талон-тарож этилишига асосий сабаб бўлган. Девони Ярғу Баротхўжа Кўкалдошни барча ҳарбий унвонларидан маҳрум қилиб, соч-соқоли олдирилиб, яримьянғоч ҳолда кўчалардан сазойи қилиб олиб ўтилди. Токи, ҳеч бир ҳарбий амалдор, қўшин қўмондони ҳарбий ҳаракатларда ҳеч қачон, ҳарб низомидаги қатъий қоидалардан четга чиқмасин. Негаки, битта қўмондоннинг жиддий хатоси мамлакатнинг қанча шаҳар ва қишлоқлари талон-тарожига ҳамда аёлларнинг номуси ғаним лашкари томонидан топталиши, гуноҳсиз инсонларнинг ўлимига сабабчи бўлди, қанчаси эса асир қилиб олиб кетилди. Жазо беришлар билан бир вақтда жасорат ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатган баҳодирларни Девони Ярғу катта инъом ва мукофотларга тавсия қилди. Юзбоши Кўча Малик ўн уч йигити жангда тирик қолганига қарамай, Анқо Тўра (Тўхтамишхоннинг мингбошиси)нинг Хўжанд яқинида уч юз кишилик ҳарбий қисмига тўсатдан ҳужум қилиб, уларнинг додини берганлиги учун унинг ўн уч жангчисига бир йўла баҳодирлик нишони шахсан Соҳибқироннинг ўз қўли билан топширилиб, катта совға ҳамда ҳар бирига қишлоқлар суюрғол қилиб берилди. Шунингдек, улар Амир Темурнинг махсус ҳарбий қисмига қабул қилинди. Бу қисм жанг вақтида Амир Темур Қароргоҳи ҳузурда жанговар захирани ташкил қилиб, фақат Соҳибқирон кўрсатмаси билан зарурат туғилгандагина жангга ташланар эди. Бошқа пайтда Қароргоҳнинг муҳофазасини кўз қорачигидек оғоҳлик билан таъминларди.

Найзабозлик, қиличбозлик, ёй отиш ва гурзи ўйна-тиб жанг қилишда бу махсус қисм баҳодирларига тенг келадиган жангчи топилмасди. Уларнинг тинч-

лик дамлардаги ҳарбий-жанговар машқларини кўрганлар бу ерда чинакам жанг кетяпти, деган фикрда бўлишган.

СЎФИЙЛАР СУЛОЛАСИНИНГ ТУГАТИЛИШИ

Соҳибқирон ҳокимият тепасига келгандан кейин Мовароуннаҳрдаги ички зиддиятларни барҳам топтириш, ўз давлатини мустаҳкамлаш билан сал кам бир йил жиддий шуғулланди. Сўнгра эътиборини Хоразм масаласига қаратди. Бу масалага тўхтаб-тўхтаб сал кам йигирма йил вақт сарфланди. Нега Амир Темур учун сиёсатда Хоразм анча йиллар ечимини топмаган тугун бўлиб қолаверди? Ҳатто ҳозиргача ҳам воҳа аҳолисида Хоразмга Соҳибқирон бир эмас, икки эмас, тинимсиз беш марта юриш қилиши учун нима сабаб бўлган экан, деган салбий фикрлар мавжуд. Бу ўринсиз фикр эканлиги, бунинг учун Амир Темурдан асло хафа ва норози бўлмасдан, ҳақиқат чироғи бўлмиш тарих адолатига мардона боқиш, уни эътироф этиш кўникмасини ўзида ҳар бир инсон тарбиялаши лозим. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислоҳ Каримов ҳам маҳаллийчилик иллоти салбий ҳодиса эканлиги, айниқса, мураккаб ўтиш даври босқичида халқимиз монолит бирлиги мустақилликни мустаҳкамлашда ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарблигини кўплаб чиқишларида бир неча бор таъкидлаганларининг аҳамиятини эслаб туриш зарур.

Амир Темурнинг ягона марказлашган давлат қуриш мақсадига мўғулларга ён босган Хоразм ҳукмдорларининг адолатсиз хатти-ҳаракатларини тарихий манбалар орқали атрофлича билиб олсаккина, Соҳибқироннинг беш марта Хоразм сари қўшин тортиши тарихий зарурат бўлганлиги англаб олинади. Шундан кейин асло гиналарга ўрин қолмайди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темур уруш-ни асло Хоразм халқига эмас, уни мўғуллар Олтин Ўрда салтанати ва унга муте сўфийлар сулоласи

сиёсатига қарши олиб борган. Соҳибқирон Хоразмни ёвлардан озод қилиш учун курашган эди холос, асло босқинчилик мақсадида юриш қилмаган.

1388 йил бошларида Хоразм ҳукмдори Сулаймон Сўфи саройига Олтин Ўрда хони бўлиб олган Тўхтамишхон элчиси кириб келди. Элчи келтирган мактубда Сулаймон Сўфига тез орада Хоразм ҳудуди устидан Амир Темурга қарашли Мовароуннаҳр ерларига Бухородан бошлаб талончилик юришларини бошлаши, шунинг учун юришга отлари эгарлоғлиқ, қилич ва найзалар тиглари ўткирланган ҳолда тайёр бўлиб туриши топширилган эди. Бундан ташқари Амир Темур билан тузилган Хоразм шартномаси — тинчлик сулҳининг икки тараф зиммасига олган шартлар ҳужжатларини ёндириб ташлаш кўрсатмалари ҳам берилган эди. Шунингдек, Севинбека (Хонзодабегим)ни чақириб олиш ва қуда-андачилик ришталарини мутлақ узиш, агар у келмайдиган бўлса, ундан бутунлай воз кечиб юбориш талаблари қўйилган эди.

Сулаймон Сўфига Тўхтамишхон қандай таклифлар қилса, у барчасини қабул қилди. Тўхтамишхонга тамомила мутелигини билдирган Сулаймон Сўфи қудаси Амир Темурга ўзининг тамомила мўғул хони тарафида эканлигини намойиш қилиб, унинг ёвуз босқинчилик мақсадига батамом қўшилди. Фақат сўзда уни қўллабгина қолмай, мўғул хони Тўхтамишхон билан ёнма-ён Бухоро ҳамда Мовароуннаҳр ички шаҳар ва қишлоқларини талаш сари отланди. Бу пайтда Амир Темур Эронда бўлиб, бу хабарни эшитиб Самарқандга қайтар экан, Сулаймон Сўфининг Мовароуннаҳр шаҳар ва қишлоқларини хонавайрон қилишда Тўхтамишхон билан ҳамнафас ҳаракат қилганидан қаттиқ ғазабга кел-



ди. Энди қуда-андачиликнинг сариқ чақача аҳамити қолмаган, улар ашаддий душманга айланган эдилар. Ўзаро ганимлик оловига ёғ қуйган, душманлашиш сабабчиси Сулаймон Суфи бўлди. Қуда-андачиликка рахна солиб, қариндошчиликни мутелик қуллиги билан алмаштириб, мўғулардек ёвуз кучларга иттифоқчи бўлиб ҳаракат қилган сўфийлар сулоласининг сиёсати ўз халқига хиёнат йўли эди. Бу воқеаларнинг қонли ҳодисаларга айланишининг асосий айбдори ҳам шу боис сўфийлар сулоласи бўлади. Ҳолбуки, воқеалар қуда-андачилик асосида ривожлантириб борилганида, воҳадаги ҳаёт гуллаб яшнаши янада тезлашиб, ўзаро зиддиятлар умуман қон тўкишлик даражасидаги ҳодисаларга уланиб кетмаган бўларди. Амир Темур эса Худонинг зорини қилиб сўфий ҳукмдорларни шундан огоҳлантирган, қариндошчилик дипломатиясини ёқлаган эди.

... Шу тариқа 1388 йили Хоразм устига сўнги бешинчи юришини бошлаган Амир Темур поёнсиз чўлни катта машаққатлар билан босиб ўтиб, ниҳоят Кўҳна Урганчга етиб келди ва уни забт этди.

Шу билан ўн етти йил ечимини топмаган Амир Темур билан сўфийлар сулоласи ўртасидаги сиёсий можаро якунига етди ва Хоразм Амир Темур салтанати таркибига киритилди. Шунингдек, сўфийлар сулоласи барҳам топди.¹

1391 йил куз охирларида Тўхтамишни тор-мор келтирган Амир Темур Русия ҳудудлари бўйлаб қочиб юрган Олтин Ўрда ҳукмдорини таъқиб қилиб, сўнгра ўз пойтахти Самарқанд сари юзланди. Сафардан қайтиб келаётиб Қавчин баҳодирнинг ўғли саркарда Мусо акани ҳузурига чорлаб, унга топшириқ беради: „Қўл остингиздаги қўшинларингиз билан эртагаёқ йўлга отланинг. Гарчи биз Тўхтамишхонни қўлга туширганимизча йўқ. У ҳам куч тўплаб тор-мор бўлганининг қасосини олиш учун ўз ҳунарларини кўрсатиши аниқ. Шунинг учун

Кўҳна Урганчнинг бузилган жойларини таъмирлаб, мудофаа деворларини мустаҳкамлаб, ганимлар қамалига бардошли, уни олиб бўлмайдиган қалъаларимиздан бирига айлантириб келишни сизга ишониб топшираман. То ишларни пухта ва пишиқ қилиб тугатмагунингизча шу ишларга охиригача бош ва масъулсиз. Бу вазифани ишониб сизга юклаётганлигимни тушунгандирсиз“.

Тарихий далилларга таянсақ, Мусо ака Кўҳна Урганчдаги Амир Темур топширигини сал кам тўрт ойда муваффақиятли тугатиб қайтар экан, Амир Темурга бу ҳақда атрофлича ҳисобот берганлигининг гувоҳи бўламиз. Агар ҳақиқатан ҳам Амир Темур томонидан Кўҳна Урганч шаҳри текисланиб, Ибн Арабшоҳ ёзганидек арпа эктириладиган даражада вайронага айлантирилганида эди, Мусо ака уни тўрт ойда эмас тўрт йилда ҳам аввалги ҳолатига келтира олмасди. Демак, Ибн Арабшоҳнинг айтгани мантиққа зид фикр бўлиб чиқади. Ҳолбуки, катта бир шаҳарнинг мустаҳкам айлана деворини қуриб битириш ўн йилларда амалга ошириб бўлмайдиган энг оғир ишлардан ҳисобланади. Бундай давом этган узоқ йиллик қурилишларга тарихда далиллар етарлидан ҳам ортиқдир. Мустаҳкам шаҳар мудофаа девор ва истехкомларини барпо этиш элик, юз йилларни талаб қилган.

Кейинги далил тубандагичадир.

XV аср бошлари, яъни 1411 йил Олтин Ўрда хони Темурхон билан унинг бош қўмондони (амир ул-умаро) ўртасида тахт талашуви бошланиб, оқибат хон тарафдорларининг қўли баланд келади. Қўшин Бош қўмондони Идику Ўзбек Хоразмга бошпана излаб келади. Унинг таъқибига Олтин Ўрда хони Темурхон икки йирик саркардасини қўшин билан таъминлаб, Хоразм тарафга отланишга буйруқ берди. Натижада Ужуқ баҳодир ва саркарда Ғозон бошчилигида қўшин Кўҳна Урганчга беркинган Иди-

¹ Амир Темур ва Хоразм муносабатларига доир тарихий ҳақиқат.



куни тутиш ва унга бошпана берган шаҳарни бо-
сиб олиш, талон-тарож этиш учун шаҳар остонаси-
га келиб, ҳокимдан исёнчи Идикуни тутиб беришни,
акс ҳолда шаҳарни эгаллаб, қирғин уюштиришля-
рини билдирдилар. Шаҳар олти ой ўзини ёвдан
ҳимоя қилди. Аммо улар шаҳар деворининг бирор
жойини бузиб, шаҳар ичига кира олмай, яна келган
тарафларига катта талафотлар кўриб қайтиб ке-
тишга мажбур бўлдилар.

Навбатдаги далилимизда соф тарихий манба-
ни келтириш орқали Амир Темур бешинчи юри-
шида ҳам Кўҳна Урганчни хароб қилмаганлигини,
унинг қамалда айрим жойларигина талафот кўрган-
лигининг исботини келтиришни лозим топдик. Зеро,
шу орқали Хоразм хусусида Амир Темур бешинчи
юришда ҳам бағритошлик сиёсатини юритмасдан
уни обод қилиш чораларини кўрганлигини тарих
ҳақиқати асосида кўрсатиш ва Соҳибқирон елкаси-
га ағдарилган бўҳтонларни олиб ташлашга интил-
дик холос.

Хоразм воҳа аҳли Амир Темур тўғрисида
Шўролар даврида тарқатилган ғайриилмий маълум-
отлар ва тарих дарсларида берилган телба-теска-
ри онгга сингдирилган сохта уйдирмалардан воз
кечиб, тарих ҳақиқати руҳидаги асл манбалар би-
лан қуролланар экан, Амир Темур ва теурий ҳукм-
дорлардан Шохрох Мирзо ва Улуғбек Мирзолар-
нинг Хоразмни иқтисодий, маданий тараққий қил-
диришдаги ижобий саъй-ҳаракатларини фақат
миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилган ҳолда
хотирлашлари табиий бир ҳолдир, ўзгача бўлиши
мумкин эмас. Негаки тарих ҳақиқати қуёш нури

булутларни тарқатиб юборганидек, онгдаги нотўғри
шаклантирилган фикрларни ювиб ташлайди. Та-
рихий адолат кучи ҳам айнан шундадир. Хоразм
Амир Темур ва Шохрох Мирзо даврида қай да-
ражада гуллаб яшнаган ўлкага айланганлигини ўша
даврнинг забардаст тарихчиси Шарафуддин Али
Яздийнинг машҳур „Зафарнома“ асарига муро-
жаат қилиб билиб оламиз.

...Соҳибқирон Амир Темур Хоразм воҳасида-
ги маънавий ҳаётни кузатар экан, Ал-Хоразмий,
Абу Райҳон Беруний, Маҳмуд Чағминий, аз-За-
махшарий, Паҳлавон Маҳмуд, Нажмиддин Кубро
Валитарош, буюк давлат арбоби ва улуғ саркарда
Жалолиддин Мангуберди каби халқ қаҳрамони ва
бошқа минглаб буюк олимларни, мутафаккирлар,
санъат ва ҳунарнинг бетакрор арбобларини етиш-
тириб берган дунёга машҳур юртнинг мўғулар
жабр-зулмидан кейин иродаси синиб, дўконларда
инсонларни лоқайдлик ва бепарволик ҳамда авлод-
ни жисмоний заифликка йўллайдиган ичкилик тур-
ларини сотиш ва шу орқали даромад қилувчилар
кўпайганлигининг гувоҳи бўлади. Хоразм салтанат
таркибига киритилгач, амири Мусо акага шундай
кўрсатма беради: „Жаҳонга шундай улуғ зотларни
берган юрт нега ичкиликка ружу қўйиши керак,
дўконлардан давлат хазинасига тушадиган солиқ-
лар майли камайса камайсин, Хоразмда ичкилик
билан савдо қилувчи дўконлар ёпилиб, унинг ўрни-
да халққа зарур бўлган савдо ишларига ривож
берилсин“. Бу Амир Темурнинг Хоразм маъна-
вий ҳаётини юксалтириш йўлидаги энг эзгу иш-
ларни амалга оширганлигининг далилидир.





ЖАҲОНГИРЛИККА ДАЪВОГАРЛИКДАН ЧИҚҚАН ОЛОВ



ҚИЁМАТ УРУШ АРАФАСИДА

1382 йил Руснинг юраги ҳисобланган Москва-нинг Тўхтамишхон томонидан вайрон этилиб, шаҳарга ўт қўйилиши бутун Русиянинг ўндан ортиқ князлари, Тверь, Владимир, Рязань, Галич Волин, Киев, Смоленск, Суздаль, Новгород ва бошқаларни даҳшатга солди. 1380 йилги Дмитрий Донской томонидан Куликово майдонида эришилган ғалабани бутунлай йўққа чиқарди. Чунки Тўхтамишхон Москва князи Дмитрий Донской учун бардош беролмайдиган балои қазо офатининг ўзгинаси эди. Шунга қўра Руснинг бу машҳур князи қўшин йиғиш баҳонасида узоқ-узоқларга бош олиб кетишдан ўзга чораси қолмаган эди. Шундан кейин Олтин Ўрда хонига юқоридаги қайд этилган барча князликлар итоат камарларини маҳкам боғлаб, мутелик, қарамлик садоқатини изҳор қилишдан ўзга чоралари қолмаган эди. Ана шундан бошлаб вақт чарх-палаги бепоён Шарқий Европа ва Осиёнинг катта қисмини қамровига олган Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон фойдасига ишлай бошлади. У энди ўзини дунёдаги йирик салтанат соҳибларидан бири дея ҳисоблашга ҳақли эди. Негаки Тўхтамишхон Русь князликларини мутлақ тиз чўктиришга эришгач, босар-тусарини билмай қолди. Агар Амир Темурни ҳам синдиришга эриша олса, у ўзини жаҳоннинг биринчи ўриндаги салтанат соҳиби деб эълон қилишдан ҳам қайтмасди. Шундай бўлишига асослар мавжуд бўлиб, ихтиёридаги куч-қудратлар имкониётлари уни шу йўлда янада ҳаволантирарди. Бунинг учун, албатта, Амир Темур салтанатини йўқ қилиб ташлаш лозим эди. Шу йўлдаги асосий вазифа Тўхтамишхон учун ҳам, Соҳибқирон учун ҳам бир-бирининг саройи ва ҳарбий Қароргоҳларидаги ҳарб сирларини, қўшинлар сони, жанговар тайёргарликларини хабаргирлар ёрдамида аниқлашдан иборат бўлиб қолди. Тўхтамишхон бу масалада уддабуронликда шоҳида юрса, Амир Темур баргида ҳаракат қилиб устунликни шу соҳада ундан тор-

тиб олишга бор маҳоратини сарфлади. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳнинг ҳаққоний тасвирлашларидан бири қўйидагича: „Темур тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали киши бўлиб, унинг тафаккур денгизининг қаъри йўқ ва унинг тадбири тоғига на текислигу, на ғадир-будур орқали йўл топиларди. У ерларнинг барча томонларида ўз хабаргирларини тарқатиб, қолган мулкларида эса хуфиялар қўйган эди. Улар (жосуслар) жумласидан, унинг амалдорларидан бири Амир Отламиш бўлса, яна бири фақиҳ Масъуд ал-Қўҳоний — у Амир Темур Девони асҳобларининг кўзи эди. Хабаргирларнинг буниси Қоҳирада, Муизинда бўлса, униси Дамашқда, Шамисониядаги сўфийлардан бири эди. Уларнинг бири чаканафуруш бўлса, иккинчиси йирик савдогар, бадхулқ полвон ва ҳунарманд, мунажжим ва ўз табиатича иш қиладиганлар, гапчиноз қаландарлару саёқ дарвешлар, зарофатли мешкоблар, латофатли этикдўзлар, алвасти ва ҳийлакор Далла мисоли фирибгар кампирлар, тажрибаси бўлиб, илм талабида мағрибу машриқни кезган, пайига тушган мақсад йўлида макр-ҳийла маконида камолига етган, ўзининг нозик фириби ва даҳоси билан сув билан олов, тўғрилиқ билан эгрилик ўртасида униб-ўсган, макру ҳийлада Сосон ва Абу Зайддан ҳам ўтиб кетган, ўз ҳикмати ва баҳсида Ибн Синони ҳам мулзам қилган. Қачонки ўйлаган ишлари ўзларига тескари натижа бергач, улар ўз сўзамолликлари билан юнонликларни сукутга солган, икки мухолифни бир-бирига бириктириб, икки душманни бир-бирига қўшган уддабурро кишилар эдилар. Натижада улар чоратрофда бўлаётган ҳодисалар ва уларнинг хабарларини Амир Темурга етказиб, ўзлари афзал кўрган ишларини унга баён қилардилар. Улар вазнлар, нарх-наволар тўғрисида унга зикр қилиб, манзилу шаҳарларни тавсифлардилар. Уларнинг текис ва нотекис жойларининг суратини келтириб, уйлари ва диёрлари ўринларини чизиб кўрсатардилар, шулар



орасида у жойларнинг яқин ёки узоқ, тор ёки кенглигини, уларнинг қайси теварак-атрофда, Ғарб ёки Шарқдами эканлигини, шаҳар ва қишлоқларнинг номларини, манзил ва паноҳ жойларнинг номларини, ҳар жойнинг аҳлию бошлиқлари, амирлари, улуглари, фозиллари, шарифлари, бойларию фақирларини, уларнинг ҳар бирининг исми ва лақабларини, шуҳрати ва насабини, уларнинг ҳунарини ва эга бўлган воситаларини тўла-тўқис баён қиладилар. Натижада Амир Темур ўз фикри билан шу нарсаларни яққол кўриб, тафаккури воситасида ўз ерларидан, хориж жойлар устидан ҳам тасарруф юришарди“ („Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур“ асаридан).

Бундан шундай хулоса чиқадики, Амир Темур юриш қиладиган мамлакат ёки вилоят, ўлкаларнинг шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси, маконларнинг иқтисодий-сиёсий ҳамда табиий географиясига оид барча саволларга жавоб берадиган яхлит маълумотларга эга бўлган.

Соҳибқирон асосий қўшин тўпланадиган лашкаргоҳ қилиб Тошкентни танлади. Бунинг боиси шаҳар ва унинг атроф қишлоқлари озиқ-овқатга бой, қолаверса, ўқ-ёйлар ва жанговар қурооларни ясайдиган сулолавий ҳунармандлари билан машҳур бўлиб, улар силсиласидан кўчалар ва маҳаллар номлари келиб чиққан эди. Мамлакатнинг турли вилоятларидан фармонга кўра фавж-фавж қўшинлар учун карвон оқими бўлиб, шаҳар атрофида ўз чодирларини тика бошлашди. Тошкентга келиб тушаётган ҳарбий қисмларга барча кам-кўстлари, иссиқ кийим-бошлар, захира озиқ-овқатлар, яъни узоқ ва ғоят оғир сафарга нима зарур бўлса, барчасини бутлаб олиш кўрсатмаси берилди.

Лашкарлар вилоят амирлари бошчилигида тўхтовсиз келишда давом этарди. Тўхтамишхон Қароргоҳидан Соҳибқиронга хабаргирлари юборётган маълумотлар ҳам бир-биридан хатарли ва таҳликали эди. Унинг тўплаётган қўшини хабарларда чигирткамисол бўлиб, кеча-кундуз жанговар

машқлар қилаётганлиги таъкидланарди.

Аммо Амир Темур фурсатни бой бермай ўз қўшинларини Тошкентда тўплаб, тезда қозоқ чўллари кесиб ўтиш тараддудини бошлаётган айни чоғда бахтга қарши яна оғир касалликка чалинди. Ҳатто қўшин орасида унинг тўшакка михланганча оёққа туролмаслиги тўғрисида шум хабарлар ҳам тарқала бошлади. Бунинг устига Соҳибқирон ҳали валиаҳд ҳам тайёрлаб қўймаган, унинг ўрнини қайси фарзанд ёки набира босиши мумкин? Айнан улар борасида Соҳибқирондек истеъдод ва лаёқатлиси ким? Қўшинда шу ҳақдаги пичир-пичирлар айланиши кучая борди. Бу каби ваҳима, миш-мишлар қўшиннинг жанговарлик руҳига жуда салбий таъсир кўрсатарди. Табибларнинг жонкуярлик билан қилаётган муолажалари ҳам ижобий натижалар бермаётган эди. Орадан бир ой ўтди. 1390 йилнинг охири тугаб, янги йил қиши бошланди. Ҳали ҳам Соҳибқирон бери қарамаяпти. Амир ва сарҳанглар ҳам ғоят безовта, кўнгли нотинч, Худо кўрсатмасин, бир гап бўлиб қолса, яна қайси амирлардир тахт учун нафси ҳакалак отиб, исён байроғини кўтариб қолмаслигига ҳеч кимда кафолат йўқ эди.

Мамлакат энди оёққа туриб, тинч-омонлик ҳаётига ўрганаётган бир пайтда яратган Парвардигорнинг ўзи минг йилларда бир дунёга келадиган бу ҳукмдоридан эл-улусни жудо қилмасин, дея ҳар куни Соҳибқироннинг соғайишини тилаб фуқаролар дуога қўл очардилар. Ишқилиб Соҳибқирон соғайиб, юртнинг ишончли қалқони ва посбони бўлиб, ўз тахти ўзига буюрсин. Олтмиш ёшга чиққан бўлса, шундан оз эмас қирқ йилини Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳолисини эмин-эркин ҳамда озод яшаши учун қўлида қилич ушлаб, ҳаловат нелигини билмай, тулпорини ғанимга қарши олға сурди.

„Эй, яратган Парвардигори олам, Соҳибқиронимиз Амир Темуримизга шифо бер, ўзинг қўлла!“, дея у билан ёшлигида жанговар ҳаракатларни бирга бошлаган содиқ амирлар ва саркардалари ҳар куни неча марталаб Худога илтижо қилиб, юзларига

фотиҳа тортиб дуо қилдилар. Аллоҳ уларнинг дуосини ижобат қилди ва қирқинчи куни Соҳибқирон ўзига келди. Соҳибқирон тузалгани ҳақидаги хабар лашкар ўртасида яшиндек тез тарқалди. Уларнинг қувончи оламни тутди.

Амир Темури Тошкентда тўпланган қўшинларни гуруҳларга бўлиш, қайси қисмларни қайси амирлари ихтиёрига бериш ишлари билан шуғулланаётганда Хуросондаги лашкари ҳам Мироншоҳ Мирзо бошчилигида етиб келди.

Юриш олдидан кенгаш чақирилди. Кенгашда икки салтанат ўртасида бошланадиган уруш кўлами жиҳатидан жуда оғир бўлиши ва босиб ўтиладиган йўл, асосан — бепоён чўлу биёбонлардан иборатлиги, лашкарга кўзда тутилмаган, энг оғир машаққатли йўлни босиб ўтиб, сўнгра доимо узоқ йўлдан чарчаб келган қўшинга яшиндек зарба беришга тайёр турган Тўхтамишхон қўшини билан жанг осон кечмаслигини назарда тутиб, босиб ўтиладиган масофада рўй берадиган қийинчиликларни бартараф этиш икир-чикирларигача муҳокама қилинди.

Қўшин кўчиш олдидан, Соҳибқирон маликалардан фақат Ҳожибек Муғулнинг қизи Чўлпон оқа бегимни ёнида олиб кетадиган бўлди. Боиси от чопишда ғоят абжир ва шаддод бу малика ёшлигидан тулпорда елдек учиб юришни яхши кўрар, чарчаш нималигини билмасди. Соҳибқирон Чўлпон оқа бегимнинг ҳар қандай йўл машаққатларига бардош бера олишини яхши биларди. Бошқа маликалар эса Самарқандга қайтарилди.

Шу тариқа 1391 йил 19 январь куни Соҳибқирон қўшини Тошкентдан бўрон кўчгандек ҳаракатга келди. Икки юз эллик минглик қўшиннинг бирданга қўзғалишидан шаҳар замини ларзага келди. Ҳар бир амир ўзларига белгилаб берилган кўрсатма ва сафар қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда йўлга чиқишди. Амир Темури қўшинининг кўчиш ҳайбати буюк кўчишдан сира фарқ қилмасди.

Туркистонда фақат бир нафас тўхтаб авлиё Хожа Аҳмад Яссавий қабрини зиёрат қилган Со-

ҳибқирон дарҳол Ўтрор томон қўшинни бошлаб уни орқада қолдирмагунча йўлда дам олишга руҳсат бермади.

... Етиб келинган жой манзили Қорасомон деб аталарди. Ҳатто Чингизхон босқини даврида ҳам бу манзил бундай сон-саноксиз қўшиннинг гувоҳи бўлмаган эди. Худди бу ерга катта бир шаҳар аҳли кўчиб келгандек манзара ҳосил бўлди.

Қорасомонга етиб келганида осмон авзойи бузилиб, қалин қор булути қолади, ҳаво совиши кучайди. Сўнгра учқунлаётган қор паға-паға ёғишга ўтди. Бутун лашкар гуруҳларга бўлиниб, ўн-ўн икки кишилиқ чодирлар ичига кириб паналандилар.

Соҳибқироннинг кўчма Қароргоҳи энди қуриб битириляётганида Амир Темурига янги хабарни етказдилар. Бу Тўхтамишхондан жўнатилган элчи етиб келгани ҳақидаги хабар эди. Элчини Амир Темури ҳузурига олиб киришди. Элчи Тўхтамишхоннинг Амир Темури номига битилган мактубини топширди. Ҳукмдор мактубни муншййси мавлоно Шамсуддинга узатиб, ўқишни буюрди. Мавлоно Шамсуддин Соҳибқирон топшириғи билан мактубни ғоят ёқимли овозда шошмасдан, маънодор қилиб ўқий бошлади: „Кўпдан бери икки ўртада ота-болалиқ муносабатлари давом этиб келар эди, лекин кейинги пайтларда нодонлик ва гурури димомизни фатҳ этиб, бир оз йўлдан адашдик, туз-намаклик ҳаққига хиёнат қилдик. Оқибати эрса хайрли бўлмади. Икки орани ишончсизлик ва ёвлашиш пардаси қолади. Натижада қилмишимиздан пушаймонлиғ тортиб турурмиз. Худо шоҳид, бундан бу ёғига ҳад доирасидан асло чиқмасмиз, итоат ва хизматкорлик мақомида турурмиз, албатта. Ҳазрат Соҳибқиронга банда эрурмиз, ҳар қандай фармонлариға бўйин эгурмиз. Шу боис иноятларини биз бандаларидан дариг тутмай, онинг густоҳлик ва жарималари устиға афв чизигини тортсалар“.

Мактуб ўқиб бўлингач, Соҳибқирон: „Мен Тўхтамишхонни Оқ Ўрда хони қўлидан тўрт марта ўлимдан олиб қолдим. Уни тор-мор этиб хонликни



Тўхтамишхонга олиб бердим. Хўш, эвазига нима яхшилик кўрдим? Менинг Жанубий ҳудудларга жўнаб кетганимдан фойдаланиб, Мовароуннаҳрда хароб қилувчи босқинчилик юриши олиб борди. Энди эса бизнинг юртимизга ҳал қилувчи юришни бошлаб, бизнинг салтанатимиз устига ўлим чизигини тортиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон мулкани Олтин Ўрдага қарам ҳудуд қилиб, унинг илигига қадар қоқиб олмоқчи. Мажлис аҳли, айтинг, нима дейсизлар, шу хатга ишонч билдирсак бўлурми?” Ҳамма иштирокчилар: „Йўқ, Тўхтамишхон сўзида турмайди, у вақтдан ютмоқчи, юришни давом қилдирамиз. Бизни юришга бошланг, Тўхтамишхон устига юришга, Олампаноҳ!“, дедилар.

Сўнгра Соҳибқирон элчига юзланиб, деди: „Мана кўрдингизми элчи жаноблари, саркардаларимиздан бирортаси Сизнинг хонингиз сўзларига ишонмайди, Сиз яна биздан нимани истайсиз, вазиятни ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз.“

Элчи эса: „Икки салтанат уруш бошласа шуни биламанки, икки тараф қўшини қони дарё бўлиб оқади, балки бундай даҳшат ва қирғин жангни олам яралиб кўрмаган бўлиши мумкин, шу боис сулҳ тузсак, юз минглаб инсонларнинг ҳаёти сақланиб қолган бўлур эди.“

„Элчи жаноблари, мен ҳам бундай қирғин-қиймат жангни асло истамайман, бироқ хиёнаткорона ҳужумлар, сотқинлик ҳаракатлари Тўхтамишхон айби билан неча бор содир бўлмоқда. Майли, шу мактубга ишониб Сиздай ёши улуғ ва мўътабар элчининг ҳурматини қилиб, ҳарбий сафарни тўхтатаман, аммо бир шарт билан, у ҳам бўлса, хонингизнинг бутун Дашти Қипчоқда ҳурматли энг яқин одами бор, исми Алибек. Ўша кишини мактуб кафолати учун менинг ҳузуримга жўнатсин, бошқа ҳеч нарса талаб қилмайман. Ана шу вақтда хонингизнинг сўзларига ишонаман, акс ҳолда, бу хатдаги сўзлар сохтакорликдан иборат эканлиги аёнду. Сизларга ярим ой муҳлат, шу давр ичида менинг ҳузуримга Алибек жўнатилса, ҳаммаси Сиз айтгандай сулҳ билан тугайди“.

Шу тариқа элчига қимматбаҳо совға ва ҳадялар берилиб, Дашти Қипчоққа жўнатиб юборилди. Берилган муддат ҳам тугади, аммо на талаб этилган Алидан, на рад қилиб жўнатилган навбатдаги элчидан дарак бўлмади. Тулкининг шумлиги Соҳибқирон огоҳлиги олдида иш бермади.

Уруш муқаррар, энди бир-бировни алдаш, чув тушириш найранглари ҳам ортда қолган эди. Қиш қиличини роса яланғочлаб, қор бўрони янада авж олар экан, Амир Темур қўшини 1391 йилнинг февралда охирларида Ясси, Қорачиқ ва Сабронни орқада қолдириб, инсон зоти учрамайдиган поёнсиз саҳро ичига кирди. Шу билан ҳарбий юришнинг энг оғир ва машаққатли даври бошланиб, Тўхтамишхоннинг асосий қўшин кучлари турган жойни топгунча Соҳибқироннинг икки юз эллик минглик қўшини нақ беш ой дастлаб ганим лашкари билан эмас, чўл, чексиз саҳро, сувсизлик, оч-наҳор қолиш ва оқибат қаҳатчилик азоблари билан шафқатсизона майлда олишди.

Муншийси мавлоно Шамсуддинни ёнига чақириб қўшимча кўрсатма берди. Ҳар манзил орасидаги қўшин ҳолатини, озиқ-овқат миқдори ҳақидаги маълумотларни тавочи, гажарчи ҳамда қўшин таъминоти амалдорлари амирларидан олишини тайинлайди.

Мавлоно Шамсуддин бу буюк сафарга Соҳибқирон топширигидан кейин сафар кундалиги махсус дафтарини очди. Соҳибқирон бу дафтарни туттириши бежиз эмасди. Озиқ-овқатлар захираси фақат уч ойга мўлжалланган эди. Қишнинг қаттиқ келиши, қор-бўронлар тез-тез бўлиб туриши мўлжалланган даражада бепоён саҳрони кесиб ўтиш имконини бермасди. Аммо энди орқага қайтиб ҳам бўлмасди. Қўшин кимсасиз чўл қаъри сари илгарилаб борарди. Олдинда эса кўз кўриб қулоқ эшитмаган даҳшатли йўл азоби — гўр азоби қийинчиликлари чексиз эди. Биринчи навбатда, суворий қўшин тақдири таҳдид остида қолди. Уни ем-хашак билан таъминлаш энг оғир муаммога айланди.

1391 йил март ойининг саккизинчи куни лашкар Сарик Узенга келиб тушди. Соҳибқирон мавлоно Шамсуддиндан тавочи, ғажарчи, озиқ-овқат таъминоти амалдорларидан олган маълумотлар билан таништиришни сўради. Маълумотларни эшитган Амир Темур хурсанд бўлмади, аҳвол тобора жиддий тус олиб борарди. Холсизланиб, тинкаматори қуриб бораётган қўшин жанговарлиги пайсаиб бораверишда давом этса, ўз юртида дам олиб, кучга тўлиб турган даҳшатли ғаним қўшини билан қандай жанг қилади. Ботир, баҳодир жангчи қилич уйнатиш, найза улоқтириш, ўқ-ёй ипини маҳкам тортиши учун унга кучли озиқ-овқат керак, оч одам темир совут, қалқон, гурзи ва оғир қилич ҳамда найзани эртадан кечгача қандай серпаб уйнатади ва кўтариб юради. Оч одам нафақат жангда, балки тинч ҳаётда ҳам ҳафсала билан меҳнат қила олмайди. „Бўш қоп тик турмайди“ мақолининг мазмуни ҳам шудир. Ички зиддиятлар курашидан ғамнок Соҳибқиронни хурсанд қиладиган битта хабарни айтишди. Бу ерда ичимлик суви мавжуд экан. Қўшин ўзига келиб олиш учун тўхтади. Холдан тойган лашкар бу ерда уч-тўрт кун тўхтаб туришига тўғри келди. Амир Темур хурсандчилигини селдек ювган воқеа шу бўлдики, буни Соҳибқиронга айтмаслик асло мумкин эмасди. Ўтган уч-тўрт кун ичида саркарда Идику Ўзбекнинг жангчилари тун ярмидан ошганда Тўхтамишхон турган томонга қочиб ўтганлиги маълум бўлди. Демак, оч-наҳор қўшин тарафда туриб жанг қилгунча белни бақувват қилиб, ғаним томонда туриб жанг қилишни афзал билган хиёнатчилар яна пайдо бўлсалар, унда қўшиндаги жанговарлик йўқолиб, шунча йўл босиб чекилган азоблар қиймати шамолга совурилади, вассалом. Бу айни мағлубият дегани. Бу шум хабар Соҳибқиронга жуда ёмон таъсир қилди. Жангчининг қорнини тўйдирмай, устунни бут қилмай унга ҳукм ўтказиб, жазо бериш билан иш битмайди.

1391 йил мартининг охирида қўшин Кичик тоғ манзилига етиб келди. Орадан икки кун ўтиб, ап-

релнинг биринчи куни Улуғ тоғ этагида манзил қуриш учун қўшин тўхтатилди.

Сарик Узендан бу ёғига қўшинга кўриниш бераётган Соҳибқирон Улуғ тоғда жам бўлган қўшиннинг барча фавж — пиёда, суворий ва муҳандислик техника қисмларига кўриниш берди. Уларнинг руҳларини кўтарадиган сўзлар билан рағбатлантирди. Ғалабадан сўнг барча жангчиларга кутилмаган совға — ҳадяларим бор, бунга ўзларингиз албатта гувоҳ бўласизлар, дея уларнинг кўнглини кўтарди. Жангчилар шуни билардиларки, Соҳибқирон уларни ҳеч қачон алдамаган, сўзининг устидан доимо албатта чиққан. Қолаверса, ушбу сўзларни ишонч ва қатъият билан айтмоқдаки, жангчилар ҳукмдори оғзидан чиққан сўзга нега ишонмаслиги керак?

Амир Темур тушгача қўшинни айланиб, уларнинг руҳини кўтаргач, бир оз дам олиб, энг яқин ва йирик саркардалари билан тоғ тепасига кўтарилгиси, у ердан ўзи босиб ўтган ва энди босиб ўтиши лозим бўлган кенгликларни томоша қилгиси келди. Ахир унга беҳудага Улуғ тоғ номи берилмаган-ку, Соҳибқирон ҳам буюк, аммо тоғлар ундан-да буюк, у ўз маҳобатига, улуғворлигига кўра абадиятга дахлдор. Буюк инсонлар билан залварли тоғлар учрашганида, албатта, улуғ инсонлар ҳам кичрайиб кетади, ҳатто унинг пастида турган икки юз мингдан ортиқ қўшин ҳам унинг салобати олдида ҳеч нарса эмас. Бироқ Соҳибқирон буюк тоғлар чўққиси олдида довдираб қолмади. Аввало, баҳор нафаси туфайли уйғонган табиатнинг гўзаллигидан баҳраманд бўлиб, кўзи тўйгунча минг хил рангдаги турфа гуллар оламидан завқланди, руҳлари куч олиб яқин турган осмон кенгликлари билан мужассамлашгандек ҳис қилди, ўзини. Ана шу гўзаллик оламидан маст бўлган Амир Темур буюк сафаридан мозий учун улуғ жанг олдидан ёдгор бўлсин, келгуси авлодлар бу ерларга йўли тушиб ўтсалар, аждодларини ёд этиб, буюк инсонларнинг буюк ишларга қодирлигини, қолаверса, туркий эл-улуснинг қудрат кучи тимсолини шу



тарихий ёдгорликда кўрсин деб, бир Фармони олийни нақ тоғ юксаклигидан туриб эълон қилди. Атрофни кузатган Соҳибқирон ўзи турган жойда икки супа жойлашадиган текисроқ майдончани танлади. Дарҳол тоштарош ва сангтарош ҳамда муҳандисларни чақириб, майдонда барпо этиладиган Улуғ тоғнинг Улуғ минора ёдгорлиги тарҳини тайёрлашни буюрди. Сангтарош ва муҳандислар лойиҳа ишларини бошлаб юборгач, Соҳибқирон муншийси мавлоно Шамсуддинни чақириб қуйидаги сўзларни айтиб ёздирди: „Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм! Марҳаматли ва мурувватли Худованди Каримга шукроналар бўлсинким, Турон мамлакатининг Султони ҳазрат Амир Темур Кўрагон икки юз минг кишидан иборат қўшин билан Тўхтамишхонга қарши жангга бораётиб, ҳижрий 793 йил жумодилаввал ойининг йигирма учинчи куни (1391 йил) шу ердан ўтдилар ва ўзидан ёдгор бўлсин деб, ушбу минорани бунёд этдилар“.

Муҳандис, сангтарош ва меъморлар тегишли кўрсатма олгач, қўшинга жарчилар ушбу янгиликни эълон қилдилар: „Эй Соҳибқироннинг музаффар қўшини жангчилари, эшитмадим деманглар, улуғ жанг олдидан, ёдгор бўлсин, ҳам келажак авлодларга хотирот қолсин, деб баланд минора қуришга амр бўлди. Келажак авлод йўли тушиб ўтганида буюк ишларга қодир аждодларини шу ерда ёд этиб, руҳларимизни шод этгай, албат! Эртадан бошлаб қўшиннинг оддий жангчисидан саркардаларигача шу ишга жалб этилажаклар. Бизнинг бу ишларимиз бити-

ладиган ушбу тошбитик мозийдан то абадга жой олур, иншооллоҳ!“

Икки юз мингдан ортиқ жангчи минора учун кесилаётган харсанг тошларни эртадан то кечгача тер тўкиб, тепага олиб чиқар экан, раппа-расо бир ҳафтада иш тугалланди. Тоғ тепасида бундай маҳобатли минора қурилиши ҳали тарихда бўлмаган эди. Минора битгач, Соҳибқирон Зафар Нишон қўшинига шундай бир нутқ ирод этдики, бу қудратли овоздан Улуғ тоғ чўққилари силкингандек кучли акс садо берди. Соҳибқирон ўз даврининг ҳақиқий буюк нотиғи эканлигига ҳеч кимда шубҳа қолмади: „Эй, Туроннинг паҳлавон, баҳодир, шеру арслон жангчилари! Биз туркийлар куч-қудратда Парвардигор ҳиссамизни зиёда қилиб берган халқмиз, улусмиз. Юксакликдан-да юксакликка бўй чўзган бу улуғвор минора музаффар байроғимизнинг доимий тимсолидир. Буни биз Тўхтамишхонга қарши жангда албатта исботлаймиз, иншооллоҳ! Биз зафар қучамиз, омин, Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар!“ Бу ҳайқириқ осмон сари ўрлади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг бу сўзларини икки-уч бора икки юз минглик лашкар Улуғ тоғ этагида қайта такрорлашидан тоғу тош, еру осмон титради. Бу Осиё заманидаги бетакрор бир ҳодиса бўлди. Шундан сўнг ҳукмдор шахсан ўзининг ҳисобидан қўшинга ош тортди. Буюк аждодлар эсга олинди. Руҳларини шод этувчи дуоларга қўл очилди. Бу тадбирлар қўшиндаги барча жангчиларнинг маънавий-руҳий ҳолатига катта ижобий таъсир қилди.

ТУРОН АРСЛОНИГА ДАШТИ ҚИПЧОҚ ТУЛКИСИНИНГ АЙЁРОНА ТУЗОҒИ

1391 йил май ойининг биринчи куни. Тўхтамишхон Дашти Қипчоқнинг Қирққул манзилида таниқли саркардалари иштирокида Турон арслонига Дашти Қипчоқ тулкисининг айёрона тузоғини қандай амалга ошириш хусусида ҳарбий кенгаши-ни чақирди. Кун тартибида „Яқинлашиб келаётган

хавfli фаним — Турон шери Амир Темурни қандай қилиб енгамиз, кам талафот кўриб, ғалабани ўз тарафимизга оғдириб оламиз“, мавзуи асосий вазифа қилиб белгиланди. Тўғри қарор чиқариб олмоқ учун Тўхтамишхон шайтонга дарс берадиган ва ер тагида илон қимирласа биладиган жосуслар сардо-

ри ва бош амири Элийғмишга сўз навбатини бериб, Амир Темури қўшинининг айни шу кунлардаги ҳаракатланиш ҳудуди, яқинлашиб келиш тезлиги, озиқ-овқат захираси ва жанговар ҳолатига доир муҳим маълумотлар юзасидан хабардор қилишни талаб қилди. Ана шундан кейин ғанимни тузоққа туширишнинг аниқ ва пухта режаси ишлаб чиқилди. Жосуслар бошлиғи бераётган маълумотлар энг муҳим ва охириги янгиликлар сирасидан бўлиб, бошланишиданоқ Тўхтамишхон Қароргоҳида иштирок этувчиларни, айниқса, Олтин Ўрда ҳукмдорини ғоят шодлантирадиган маълумотлар эди. Элийғмиш ошириб-тошириб айтишга, маълумотларни хаспўшлашга ҳам асло ҳаққи йўқ амалдор эди. У нотўғри маълумот берса, боши кетишини яхши биларди. Шунинг учун у ҳар қандай оғир вазиятда ҳам, воқеаларнинг асл ўзидан келиб чиқиб фақат ҳақиқатни маълумот беришдан ўзга иложи йўқ эди. Унинг битта хатоси бутун қўшин тақдирига ҳалокат муҳрини босарди. Шунга кўра қатикни ҳам пуфлаб ичиши, биринчи навбатда, жосуслар бошлиғи учун зарурат ва одатга айланган бўлиб, масъул вазифаси уни шунга ундаган ва ўргатган эди.

Унинг маълумотича, Амир Темурнинг саркардаси Идику Ўзбекнинг ўнбоши ва юзбоши бўлган зобитлари куни кеча улар қўшинини тарк этиб қочиб келган. Асосий сабаб лашкарнинг озиқ-овқат захиралари тугай бошлаган. Ҳар куни қўшин жангчиларига бериладиган озиқ-овқат камайтирилиб борилаётгани натижасида жангчи аскарлар кунбакун мадорсизланиб, бу эса қўшиннинг тинка-мадори қуриб, жанговарлик қобилияти кескин пасайишига сабаб бўлаётганидан далолат беришини Элийғмиш аниқ таърифлаб берди.

„Агар маълумотларим юзасидан бир оз тушунмовчилик бўлса, нариги хонада қочоқ гувоҳларни чақиртириб саволларингизга аниқ жавоб оласиз, олампадох ҳукмдорим“.

Тўхтамишхон эса: „Бунга ҳожат йўқ“, деб уни маъқуллади.

Тўхтамишхон ўзи қабул қиладиган махфий режа янада сир сақланишини кўзлаб, жосуслар қўмондонни Элийғмиш ва бармоқ билан санарли энг сирдош ва содиқ лашкарбошиларини ҳузурида қолдириб, қолган барчасига кетишларига рухсат берди. Сўнгра жосуслар бошлиғига юзланиб, энг эпчил ва садоқатли ҳамда мард юзбоши ёрдамчиларидан бирини қолдиришни сўради.

Элийғмиш Ўқтой юзбошисини танлади. У махфий кенгашнинг энг амали паст даражали зобити эди. Аммо Ўқтой жосуслар бошлиғининг ишончига кириш учун ўзини не ўт, не сувларга урмади. Ниҳоят у бунга эришди ҳам. Яхшиямки, Амир Темури қўшинидан қочиб келган икки қочоқ зобитнинг бахтига кенгашга олиб кирилмади. Уларни ими-жимиди даф қилинмаса, Ўқтойни таниб қолиб иш чаппасига айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Уни Тўхтамишхон Қароргоҳига хабаргир қилиб юбориш учун Амир Темури разведкаси бошлиғи Масъудбеклар биргалашиб неча йил тер тўқдилар, ахир.

Тўхтамишхон ўзининг энг яқин маслаҳатчиси Амир Али ҳамда тор доирадаги кенгашдаги содиқ қўмондонлари билан узоқ маслаҳатлашиб, Амир Темурнинг икки юз мингдан ортиқ қўшинини очарчилик ва қаҳатчиликка йўлиқтириб, Дашти Қипчоқ йиртқичларига туганмас емишга айлантириб ташлашни энг мақбул режа сифатида қабул қилдилар. Мабодо, ғаним қўшинининг ярмини шундай тузоқ билан йўқ қилсак, оч-наҳор қолган ярмини эса қилич ва найзаларимиз зарби билан у дунёга осонгина равона қиламиз, сўнгра жангчисиз қолган Туронзаминга бўрондек ёпирилиб ҳужум бошлаймиз.

Ана шу жангларда бош байроқдорим бўладиган номдор одамнинг менга рўбарў қил, дея жосуслар бош амири Элийғмишга мурожаат қилди Тўхтамишхон. У ёнида олиб қолган муносиб номзод — Ўқтойни Бош байроқдорликка айни муддао, дея таърифлади. Шундай қилиб, Амир Темурнинг юзбошиси Ўқтой Тўхтамишхон қўшини ва Қароргоҳининг Бош байроқдори лавозимига тайин этил-



ди. Амир Темур Қароргоҳида унга топширилган махфий топшириқ ўта муҳим бўлиб, жанг энг авж палласига етганда уни ижро қилиш шарт эди. Ўқтой бошида ўлим чарх уриб турганида ҳам уни бажариб ўлиши зарур эди. Ҳозирча унинг бажарадиган ғоят оғир иши китобхонларимиз учун ҳам ўз махфийлигини сақлаб қолиши лозимки, бу сирни қиёмат жангнинг учинчи якуний кунида очамиз.

Ёдгорлик қуриб битказилган куни Улуғ тоғ этагида тунаган қўшин эртаси эрталаб дастлаб шимолга, тушдан кейин эса шимоли-ғарбга қараб йўл олди. Илончиқ сойдан кечиб ўтилгач, ўша йўналиш бўйича ўн кунга яқин йўл юрилди. Хабаргирларнинг манзиллар номини аниқлашларича, етиб келинган жой Она Қарғавий деб номланаркан. Ана шу ерга келганда уч ойга мўлжалланган озиқ-овқат тугаб, қисман захирага мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулоти қолган бўлиб, унга тегиниб бўлмасди.

Ўрда бозорда (бу қўшин ортида юриб савдосотиқ қилувчи карвон ёки кўчма бозор эди)ги нарх ҳам осмонга тармашиб, бир бош қўйнинг баҳоси юз динар, ўн олти манн буғдой нархи ҳам шу баҳога чиқди. Бу дегани қаҳатчилик қўшин ҳаётини забт этди, дегани эди.

Амир Темур ўзининг хатоси қимматга тушиб, жангсиз чўл-биёбон ўртасида икки юз мингдан ортиқ шундай бир жанговар қўшин очарчилик домига тортилган вазиятда турганлигини кўрди. Тўхтамишхоннинг жанг олдидан Амир Темурни чув тушириб устунликни тортиб олгани Соҳибқиронга жуда ёмон таъсир қилди ва қаттиқ алам қилди. Кимсасиз чўлу биёбонда оч қолиш ва ўлимни кутиш бу инсон учун энг фожиали қисмат. Икки юз минг қўшинда не-не паҳлавон, баҳодир жанг майдонининг шерлари бисёр, аммо очлик уларни ҳам уч-тўрт кун ичида қилич кўтариш у ёқда турсин, ҳатто қимирлашларига ҳам имкон қолдирмайди. Биров ўрnidан суяб турғизмаса, туришга ҳам мажоли келмайди.

Тўхтамишхон Амир Темур ва унинг қўшинини ана шундай аҳволга тушириш учун Соҳибқирон келиши мумкин бўлган чўл ва даштлардаги барча чўпонлар, қўй, мол, туя бозорларини ўз қўшини орқа томонидаги узоқ шимолий ҳудудларга кўчириб, Амир Темурни улар орқали озиқ-овқат захираларига эга бўлишдан маҳрум қилди, энг муҳим устунликни ундан тортиб олишга муваффақ бўлди. Тўхтамишхон Амир Темур кутмаган ишни амалга оширган эди. Бундай оғир қаҳатчиликда қўшин овқат топиш ва жон сақлаш илинжида ҳарбий интизомни бузиб, истаган тарафига йўл олиши мумкин. Амир Темурга хабаргирлари ва тавочилари қочоқлар сони орта бошлаганлиги тўғрисида ёқимсиз маълумотни айтишга мажбур бўлдилар. Бу нохуш ҳодисага чек қўйилмаса, барчаси тамом.

Қисқа кенгаш ўтказиб, Амир Темур унда саркардаларига энди бу ёғига нима қиламиз, деган саволни бермади, мунозара билан бирон иш битмасди. У барча саркарда ва қўмондонларга буйруқ берди. Нон ва дон маҳсулотларидан ҳеч ким фойдаланмайди, иссиқ овқат пишириш тақиқланади. Фақат захирадаги, жангчилардаги мавжуд ундан жуда кам ишлатилиб, барча учун бир хил хоразмча буламуқ пиширилади. Ун жуда кам бўлса, унга турли кўкат қўшиб қайнатилса, суюқ кўкимтир овқат тайёр бўлади. Амир Темур Хоразмга беш марта қилган юришида қамалдаги хоразмликлар қалъа мудофаасини шундай буламуқ еб узоқ вақт ушлаб турганлиги эсига тушди. Шу усул воситасида озгина ун билан кўпчиликка иссиқ овқат тайёрлаб берса бўлади. Аслида хоразмликларнинг севимли таомларидан бири буламуқ бўлиб, уни тайёрлашда оқ жўхори уни, сарийёғ ва овқат тайёр бўлгач, қатиқ керак бўлади. Аммо очарчилик ва қаҳатчиликда эса арпа, буғдой, сули каби ун билан кўкат аралаштирилиб, тут пишиққа қадар чидашга тўғри келган. Амир Темур ҳам буламуқнинг ана шу очарчилик даврига мос услубини танлашга мажбур бўлди, бошқа йўли йўқ эди. Шу тариқа икки юз минг қўшин

жангчилардан саркардаларгача буламук овқатига мослашди. Олти манн унга кўкатни кўпроқ қўшиб пиширилса, олтамиш жангчига олтамиш коса овқат тайёр. Уни пишириш оддий ва кўп вақт талаб қилмаганлигидан жангчи ошпазлар қийинчиликсиз тезда ўрганиб олишди.

Шу тариқа икки юз минглик қўшин буламук овқатининг бир кунда бир косасига қаноат қилиб, Она Қарғавий манзилени тарк этдилар.

1391 йилнинг май ойи биринчи ўн кунлиги охирларида ўт-ўланлар билан қопланган майдонга етиб келган қўшинга тўхташ буйруғи берилди.

Амир Темур шу ерга келганда бошига бир фикр келди. Бу жирға шикор усули эди. Бундай ҳудудларда ёввойи ҳайвонлардан оху, қавзан, ёввойи эчки ва бошқа шунга ўхшаш турлари бўлиши муқаррар. Шундай экан, жуда катта қўшин тўрт тарафга қараб бир неча соатлаб йўл олади ва улар катта майдонда доира ясаб, бир-бирларига зич бўлиб яқинлашиб келадилар, ҳатто улар орасидан битта қуён ҳам қочиб чиқмаслиги керак. Жирға шикор қадимдан туркий-мўғул қавмларида ҳарбий-жанговар машқларнинг бири сифатида душманларни қуршаб олиш усуллари такомиллаштириш, эпчиллик, нишонга аниқ уриш маҳоратлари ҳам ушбу жанговар ов усулида ривожлантирилган. Бундай жанговар ов тадбирида қўшин ғоят мазали гўшт захирасига эга бўлса, бир вақтда эса жангчиларнинг жанговарлик ҳолати сақлаб турилади. Бу айни муддао тадбир эди.

Амир Темурнинг жирға шикор овини ташкил этиши шу қадар муваффақиятли чиқдики, жангчилар оҳуларнинг, паррандаю даррандаларнинг кўпчилик кўрмаган турларини ўша ерда илк бор кўрдилар. Анча пайт гўшт нималигини билмаган қўшин жангчилари энг мазали гўшларни шу ҳудудда тановул қилиб, анча кучга кирдилар. Шундай қилиб яқинлашиб турган очлик фалокатининг олди олинди.

Ҳолдан тойган қўшин ўзига келиб олиши учун икки-уч кун шу манзилда туришга тўғри келди.

Амир Темур қўшинга дам бериш баҳонасида уни ташвишга солган бир нарсани аниқлаб олмоқчи ва қўшиннинг умумий ҳолатини билмоқчи бўлди. Ўша очарчилик ва қаҳатчиликдаги энг оғир кунларда қанча жангчи ўз сафарларини ташлаб кетганлигини аниқламоққа жазм этди. Катъий буйруққа кўра Соҳибқирон Қароргоҳи олдидан ҳар бир минглик, ўн минглик, йирик қўшин ва лашкарий қўшин хоҳ пиёда, хоҳ суворийлар фавжлари бўлсин сафма-саф ўз саркарда ва қўмондонлари билан ўтишлари ҳамда Соҳибқирон турган жойга келиб, аввал қўшинида одам сони қанча эди-ю, ҳозирги тадбирда қанчаси иштирок этмоқда, қисқа ва лўнда Амир Темурга ҳисобот бериб ўтиши зарур эди. Танлов-кўрик юришини амир Бердибек бошлаб берди. Унинг Сулаймоншоҳ, Аббос баҳодир, Амир Худойдод, Шайх Темур, Шайх Довуд, Кунча ўғлон ва бошқа амирлари қўшинига бош бўлиб саф тортиб ўта бошладилар. Кўрик тадориғи қуёш мағриб тарафга бош қўйиб, осмон шафақланиб турган пайтда тугади. Амир Темур хотиржам бўлди. Эртасига эса амирлар, саркардалар ва жангчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбири ўтказилди. Уларнинг барчасига яхши истаклар билдириб, ҳарб ишларида муваффақиятлар тилашди.

1391 йил 12 майда навбатдаги сафар юриши олдидан Амир Темур набираси Муҳаммад Султон Мирзога манғлай қўшинни бошқаришни топширди. Бу ёғига Тўхтамишхон қўйган пистирмаларга дуч келиб, кутилмаган талафотлар рўй бериши мумкинлигидан Амир Темур хавотирланиб, барча амирларини огоҳлантирди. Муҳаммад Султоннинг қўшинини кучайтириб, жасур, тажрибали саркардалардан бир нечтасини унинг ихтиёрига ёрдамчи қилиб берди.

Манғлай қўшин икки кун юргач, шу кечаси ҳар жой-ҳар жойда гулханлар ёндирилганлигининг гувоҳи бўлдилар. Аммо бу гулханлар кимга тегишли, ёғийнинг огоҳлантириш белгисими ё чўпонлармикин, ёхуд кўчманчи қавмлар манзилида ёқилган гул-



Амир Темур җайкали.

Самарқанд.



АМИР ТЕМУР МАҚБАРАСИ

1403 йил мартада Кичик Осиё юриши даврида Амир Темурунинг суюкли набираси Жаҳонгир Мирзонинг ўгли Муҳаммад Султон вафот этади. Соҳибқирон набирасига атаб маҳобатли мақбара қуришга фармон беради.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур „Бобурнома“ асарида таъкидлаб ёзишича, Муҳаммад Султон Мирзо Самарқанд жанубида Тошқўрғон — Чақарда мадраса қурдирган. Амир Темуру шу мадраса ҳовлисининг тўрига набираси хотирасига мақбара қурдиради. Муҳаммад Султон жасади дастлаб мадраса ҳовлисига қўйилган. Мақбара битгач эса қайта дафн этилган. Сўнгра Соҳибқирон Амир Темурунинг пири Саййид Барака ҳам шу ерга дафн этилади.

Амир Темуру дастлаб Шаҳрисабз (Кеш)да — ўзи туғилиб ўсган, отаси Муҳаммад Тарағай баҳодир абадий қўним топган макон яқинида ўзига махсус қабр тайёрлаттиради. Аммо кейинчалик вазият ўзгариб, ўзининг суюкли набираси Муҳаммад Султонга атаб барпо этилган хилхона Соҳибқироннинг ҳам абадият маконига айланади. Сўнгра Мироншоҳ Мирзо, Шоҳрух Мирзо ва Улуғбек Мирзолар ҳам шу ерга дафн этилиб, бу мақбара темурийлар хилхонасига айланади.

Археологик тадқиқотлар натижасида Муҳаммад Султон қурдирган мадраса ва хонақоҳ қолдиқлари топилди. Мадраса ва хонақоҳ чорси ҳовлининг шарқий ва ғарбий томонларини эгаллаган. Ҳовлининг жанубида гумбазли мақбара жойлашган. Мақбарага жанубдан Мирзо Улуғбек қурдирган далон (1424 йил) орқали кирилади. Мақбаранинг чортоқ тарҳли зиёратхонаси баланд тоқи равоқли, тепаси ёзув ҳошиялари ва ички гумбаз билан қопланган. Ташқи гумбази 64 қовурғали, баланд пойгумбаз диаметри 15 метр, баландлиги эса 12,5 метрни ташкил этади.

Зиёратхона ўртасидаги мрамр панжара билан ўралган муробба ҳазира саҳнига қатор қабртошлар қўйилган. Юқорида Амир Темурунинг ҳарбий юришларида унга ҳамроҳ бўлган ва унинг юксак ҳурматини қозонган Мир Саййид Барака сағанаси жойлашган. Саййид Барака оёқ томонига эса Амир Темурунинг ўзи дафн этилган. Уч томонида эса Муҳаммад Султон, Мироншоҳ Мирзо, Шоҳрух Мирзо ва Улуғбек Мирзо қабрлари мавжуд. Қабртошлар ҳам тартиб билан жойлаштирилган.

Амир Темуру сағанасига қўйилган кўк нефрит тошни Улуғбек Мўғулистон юриши пайтида олиб келтирган. Тошдаги лавҳада Амир Темуруни улуғловчи сўзлар, унинг шажараси ҳамда марсиялар ўймакорлик ва юксак хаттотлик маҳорати билан битилган.

Барча сағаналар Мирзо Улуғбек томонидан яхлит ўйма мрамр панжара билан ўралган. Зиёратхонанинг шарқий қисмидаги равоқдан зина орқали остки қаватидаги хилхонага тушилади. Хилхона саккиз қиррали бўлиб, ундаги сағаналар юқори қаватда қандай жойлашган бўлса, бу ерда ҳам айнан шу тартибда жойлашган. Зиёратхонадаги қабртошларнинг ҳар бири юксак санъат асаридир. Зиёратхона серҳашам безакларга бой. Бўртма безак кундаллар заминига ложувард рангли гуллар ишланган. Изораси яхши тошдан гириҳ шаклида тизилган. Тўртта чуқур равоқлардаги дарчаларга ўша вақтда рангли ойна ўрнатилган. Олтин ва қумуш қандиллардаги шамлар ёнганда зиёратгоҳ ичкараси улўвор ва афсонавий тус олган. Ташқариси сиркор ғиштчалар билан безатилган. Гумбаз ва унинг пойидаги безаклар, турли арабий ёзувлар алоҳида кўзга ташланади.

Мақбара дарчаларида ёғочдан ишланган нафис панжаралар, эшикларида эса мураккаб қўш заминли ўймакор безаклар бўлган. Мақбаранинг ғарбий томонига баланд пештоқ ёндашган.

Амир Темуру мақбараси.

Умумий кўриниши.

Самарқанд.







АМИР ТЕМУРНИНГ ҚАБРТОШИДАГИ ЁЗУВЛАР

„Бу қабр — султони аъзам, хоқони акрам осойишталик ва ҳимоя йўловчи, Амир Темур „Кўрагон“ ибн Тарағай, ибн Амир Барқул, ибн Амир Айлангир, ибн Амир Ижияи, ибн Амир Қорачар Нўён, ибн Амир Суғужжини, ибн Амир Ирдамчи барлос, ибн Амир Қочулай, ибн Амир Туманай, сўнгра Чингизхон ибн Амир Ясуғай баҳодир, ибн Амир Бартан баҳодир, ибн Амир Қобулхон, ибн Амир Бойсунқур, ибн Амир Қайду, ибн Амир Туманай, ибн Амир Бука, ибн амир Бузанжирниқидир.

Бу ёзувлардан сўнг, қабристоннинг пастки қисмида 51 қаторли арабча битикда Қуръон сураларидан кўчириб ёзилган:

„Ё раббий, сен мендан бўлак бандани топарсан, мен эсам қилган гуноҳу айбларимни афв қиладиган сендан бошқа Эгамни топа олмайман. Эй Ғафур, эй Раҳим, эй Карим. Менинг гуноҳларимни ўз караминг ила кечиргин. Муҳаммад Алайҳиссалом ва унинг жами қавмларига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин.




Амир Темур қабри.

Амир Темур мақбараси.

Самарқанд.





1. Амир Темур
(1336–1405 й.).
2. Мирзо Улугбек
(1394–1449 й.).
3. Муҳаммад Султон
(1374–1403 й.).
4. Мир Саййид Барака
(1404 й. вафот этган.).
5. Саййид Умар.
6. Шохрух Мирзо
(1377–1447 й.).
7. Мироншоҳ Мирзо
(1366–1407 й.).
8. Абдулло Мирзо
(1420 й. вафот этган.).
9. Абдурахмон Мирзо
(1421–1432 й.).

**Амир Темур ва темурийлар-
нинг рамзий хилхонаси.**

Амир Темур мақбараси.

Самарқанд.



БИБИХОНИМ (САРОЙМУЛКХОНИМ) ЖОМЕ МАСЖИДИ

Масжид қурилиши шахсан Соҳибқирон Амир Темурнинг ташаббуслари билан бошланди. 1399 йил масжид қуриладиган майдонни ҳам ҳазратнинг ўзи танлади, лойиҳасини бош меъмор билан бирга тайёрлади. Низомиддин Шомийнинг „Зафарнома“сида жоме масжид қурилиши ҳақида шундай баён этилади: „Барча айблардан холи улур тангри илоҳий калом ва осмоний фармон бўлмиш Қуръони мажидда: (Аллоҳга сажда қилинадиган ерларни Аллоҳга ва охират кунига ишонган кишигина курсин), деб буюрган. Яна коинот саййиди (Муҳаммад пайғамбар), — у зотга Аллоҳнинг саломи бўлсин, — (Кимда-ким Аллоҳ йўлига масжид курса, гарчи у масжид ўрдак уясидек бўлса ҳам, Аллоҳ унинг учун жаннатдан бир уй бино қилади), деган.

Амир Соҳибқирон ҳазрат кофирлару мункирларни йўқотишдан ва бузқчиларга қарши жиҳоддан фориг бўлиб, ҳумоюн узангирлару диёрдан Самарқанд томон равон бўлгач, дорулмулк Самарқандда бир жоме масжид қуриб, бу хайрли иш билан қудрат эгаси (Аллоҳ)га яқинликка эришиш ниятини қатъийлаштирди. Бир мавзени танлаб, муборак рамазон ойининг тўртинчисида моҳир усталар, бинокор муҳандисларга буюрди, токи улар у муборак иморатнинг тарҳини тузгайлар. Унинг асослари ва арконларини тошдан кўтардилар. Олий ҳазрат эса иштиёқининг зўрлигидан шахсан ўзи иморат тепасида ҳозир бўлар ва унинг тез битишига бутун ҳимматини сарфлар эди. Охири у иморатнинг баланд кунгуралари унинг қурувчиси қадридек осмонга бош тортди, етишиб бўлмас остоналар буйруқ берувчисининг қудрат даражаларидек фалаклар чўққиларига қадам қўйди ва унинг фазаси жаннат кенлигидан ҳикоят қилар, ҳавоси эса мушки азфар исининг ёқимли таралишидан ривоят қилар, Садди Искандардек мустаҳкам, Қуббан Ҳарамондек улғувор; минбар ва меҳроби энг нозик санъатлар билан ораста, тоқи равоқлари Хусрави Нўширавон тоқини (аёқдан) йиққан, унда тасбеҳ айтувчилар садоси малоикалар оламига гулгула таратган, таҳлил айтувчилар овози осмон гумбазига садо солган.

Тангри таоло бу Амир Соҳибқиронни ва бу ҳазрати Яздон соясини шундай хайрли ишларни шойе этиш ва эзгуликларни тарқатиш ишида кўп йиллар боқий ва пойдор сақлағай...

Мақбара дарчаларида ёғочдан ишланган нафис панжаралар, эшикларида эса мураккаб қўш заминли ўймакор безаклар бўлган. Мақбаранинг ғарбий томонига баланд пештоқ ёндашган.

Бибихоним масжиди.
XIV–XV асрлар.

Самарқанд.









ҚУРЪОНИ КАРИМ

Мазкур Қуръон ҳажми ва тахланиши жиҳатидан Марказий Осиёда энг нодир нусхалардан бири ҳисобланади. Бу нусха Самарқанд қозикалони Мир Низомиддин Хўжа ибн Мир Абдулғаффор Хожанинг маълумотига кўра ҳижрий 1271 (милодий 1854—55 й.й.) йилда Бухоро ҳукмдори Амир Насруллоҳ буйруғи билан самарқандлик котиб Мулло Ҳасан Самарқандий томонидан кўчирилиб, Бибихоним масжидига вақф қилинган.

Қуръоннинг ўлчами, энига 1 м 4 см, баландлиги 1 м 56 см бўлиб, 32 варақдан иборат. Китоб унвони биринчи бетида бўлиб, зарҳал билан ишланган. Ҳар бир бети бир-бирига уланган варақлардан иборат бўлиб, ёғочдан ясалган тўрт-бурчакларга ёпиштирилган.

Мармар лавҳ.

Бибихоним масжиди
ҳовлиси.


Самарқанд.

Қуръони Карим.

Ўзбекистон маданияти тарихи
давлат музейи.

Самарқанд.





Бибихоним мақбараси.
XIV–XV асрлар.

Бибихоним мақбарасида
Бибихонимнинг онаси,
Бибихоним ва энг яқин
канизақлари дафн этилган.

Самарқанд.





Амир Темури ва теуурийлар даврига оид тангалар.

•

Амир Темури ва теуурийлар давридаги хунармандларнинг металл эритиш устахонаси.


•

Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи.

Самарқанд.







• **Бинокорликда ишлатиладиган меъморий безаклардан намуналар.**

• **Сопол идишлардан намуналар. XV аср.**

• **Қурилишда қўлланилган тош шовунлар.**

• **Самарқанд қоғозининг жаҳонга тарқалиши. XIV–XV асрлар.**

• **Хаттот.**

• **Самарқанд олий навли қоғоз тайёрлаш устaxonаси.**

• **Хаттотлик намуналари.**

• **Ёзув ашёлари. XIV–XV асрлар.**

• **Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи.**

• **Самарқанд.**



АМИР ТЕМУРНИНГ САМАРҚАНДА БАРПО ЭТГАН БОҒЛАРИ

Амир Тему́р буюк давлат арбоби ва улуғ саркарда бўлиши билан бир қаторда бемисл табиат шайдоси, жаннатмонанд боғу бўстонлар яратиш йўлида ҳам жонбозлик кўрсатар, салтанат пойтахти атрофини Боғи Эрамнинг бир қисми сифатида кўришни истар эди. Соҳибқирон жонбозлиги ва фидойилиги боис бу орзу-истаклари ҳақиқатга айланди ҳам. Қуйидаги яратилган боғлар айнан шу ҳаракатларнинг исботи бўлди.

1. **Боғи Нақши жаҳон** — Чўпонота тепалиги этагида XIV асрнинг 70- йилларида барпо этилди.
2. **Боғи Беҳишт** — шаҳарнинг ғарбий томонида жойлашган бўлиб, Амир Тему́р уни 1378 йили ўзининг суюкли маликаси Туман оқа учун барпо қилдирди.
3. **Боғи амирзода Шоҳрух** — бу кенжа фарзандига аталган бўлиб, Самарқанднинг 9—10 чақирим шарқида, 1394 йил Шоҳрух Мирзонинг Кавказ юришидан муваффақият қозониб қайтиши шарафига атаб барпо этилди.
4. **Боғи Дилкушо** — Самарқанддан 6 чақирим шарқда, Ўрта Пўлотчи қишлоғи яқинидаги Хончорбоғ мавзесида, Кониғил ўтлоғининг чеккасида 1396—1398 йилларда қурилган. Боғ ўртасида уч баланд тоқили қаср қурилган. Боғ Амир Тему́рнинг энг кичик маликаси Мўғулистон хони Хизрхўжа ўғлон қизи Тўкал хонимга атаб қурилган.
5. **Боғи Бўлди** — Самарқанднинг шарқ тарафида. Панжикент йўлида, **Боғи Дилкушодан** 1,5 чақирим нарида 1398—1400 йилларда қурилган.
6. **Боғи Шамол** — Амир Тему́рнинг набираси, Мироншоҳнинг қизи Бека Султон учун 1397 йилда барпо этилган. Боғнинг қасри мрамар устунли бўлиб, саҳнига Нурота мрамартошларидан ётқизилган. Қаср деворлари нақш ва суратлар билан безатилган.
7. **Боғи Зағон** — Самарқанднинг шарқида Кучайн Хиёбон мавзеида қурилган.
8. **Боғи Баланд** — ушбу боғ ҳозирги Чўпонота мақбарасининг атрофида жойлашган бўлиб, Мироншоҳнинг иккинчи қизига атаб барпо этилган.
9. **Боғи Давлатобод** — Самарқанднинг жанубида, Шовдор ариғи бўйида, Амир Тему́рнинг Ҳиндистон юришидан қайтишида ғалаба шарафига атаб бунёд этилган.
10. **Боғи Нав** — Самарқанднинг жануби-ғарбида, Дарғон ариғи бўйида — ҳозирги Хожа Кавшар қишлоғи ёнида бунёд этилган.
11. **Боғи Беҳишт** — Самарқанднинг ғарбида, ҳозирги шаҳар боғи ўрнида қурилган. Унга Чорраҳа дарвозаси орқали борилган. 1404 йилда Самарқандга келган испан элчиси Клавихо бу боғ ҳақида батафсил маълумот беради: боғ тўртбурчак шаклида, деворлари баланд, ҳар бир бурчагида миносаси бўлган. Боғ ўртасида катта қаср олдида мрамардан ясалган ҳовуз бўлган.
12. **Боғи Жаҳоннамо** — Анҳор туманида тоғ этагида қурилган. Манбаларда унинг 1398 йил баҳорида Самарқанддан 42 чақирим узоқликда жойлашганлиги қайд этилган. Ҳозир боғ ўрнида Қоратепа қишлоғи жойлашган.
13. **Боғи Майдон** — Афросиёб обидасининг шимолида, Чилсутун қишлоғида барпо этилган.



Темурийлар даврида боғ яратиш муайян тартибда ягона тарҳ асосида қурилган. Ҳақ даврда боғдорчилик ишлари илмий асосда барпо этилиб, турли мева ва манзарали дарахтларни экиш, парвариш қоидаларига амал қилинган. Шундай асарлардан бири боғдорчиликка оид Фозил Ҳаравийнинг „Экин экиш йўриқлари ва деҳқончилик илми“ китоби эди. Унда Шарқ оламидаги дарахтлар, гулларни ўстириш ва ишлов бериш усуллари ҳар томонлама чуқур асослаб, боғ яратишнинг барча сир-саноатлари мукаммал кўрсатиб берилган.

Гулларнинг турфа олам турларининг ҳар бирини ўстириш қоидалари атрофлича баён этиладики, Амир Темури боғбонлари ҳақ китобдаги боғ яратиш тартибига риоя қилиш билан бирга ўз тажрибаларидан ҳам унумли фойдаланганлар. Буларнинг барчаси шунинг исботлайдики, Амир Темури чинакамга йирик боғбон, табиатсевар, гуллар шайдоси, боғ-роғларнинг йилма-йил барқ уриб ўсиши, уларнинг ривожланишидан олам-олам қувонч, руҳий озиқа олувчи, гўзаллик дунёсига ошuftа инсон бўлганлигидан далолат беради.

Амир Темури боғларининг тарихий жойлашуви қуйида келтирилган харитадаги номларининг бугунги кундаги топонимик номлари билан аралашган ҳолда берилган. Шу боис матндаги боғларнинг жойлашуви асл ўрта аср муаррихларининг таърифу тавсифига мос келади.





АМИР ТЕМУР САЛТАНАТИ ДАВРИДА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ ҚАЙТА ТИКЛАНИШИ

Буюк Ипак йўлига милoddан аввалги II асрда асос солинган. Ғарб билан Шарқ дунёси мамлакатлари бу карвон йўли воситасида нафақат савдо, балки сиёсий ва маданий алоқалар олиб борганлар.

XIII аср бошларида Чингизхон ва чингизийларнинг даҳшатли босқини дунё халқларини асрлар оша боғлаб турган Буюк ипак йўлидан маҳрум қилди. Жаҳон савдосида муҳим ўрин тутган шаҳарлар вайронага айланди. Натижада жаҳон иқтисодий, маданий ва сиёсий тараққиёти таназзулга юз тутди.

Тўхтаб қолган ва инқирозга учратилган Буюк ипак йўлини қайта тиклашдек жаҳоншумул вазифани Амир Темур ўз зиммасига олди. Буюк салтанатнинг уч қитъани боғлайдиган Буюк ипак йўлининг ши-моли-ғарбий, жануби-шарқий ва жануби-ғарбий тармоқ йўллари бўйлаб тоғлар, чўллар, ўрмонлар, дала-даштлардаги йўлтўсар гуруҳлар — қароқчиларга барҳам берилиб, карвонлар ва улар билан Хаж сафари-га кетувчиларнинг ҳам хавфсизлиги ўн минглаб чақирим масофаларда тўла қайта тикланди. Амир Темур „Менинг салтанатим ҳудуди йўлларида машриқдан мағрибга ва мағрибдан машриққа қадар бир бола бошига тоғорада тилло қўйиб айланиб келса-да, бир мисқолини йўқотмасдан соғ-саломат оиласига қайти-ши шарт“, қабилдаги талабни қонун даражасига кўтарди.

Жаҳондаги ўтган давлат арбобларидан Амир Темурдек дунё тараққиётини янги юксалишлар сари буриб юборишга қодир бўлган куч-қудратни Тангри таоло ҳеч кимга ато қилмаган.





ханми? Шуниси борган сари шубҳаларни кучайтирдик, уларни кимлар ёқиб, қаёққа кетганлигини билиш қийин кечди. Яна анча йўл юрилгач, дарёга дуч келдилар. Муҳаммад Султон ғажарчидан дарёнинг номи нима деб аталишини сўраганда ғажарчи (йўл бошловчи) уни Тоболь дарёси деб аталишини айтди. Манғлай қўшин дарёдан ўтиб, нариги соҳил бўйида асосий қўшин келишини кутишга қарор қилинди. Тун бошланиши билан гулханлар узоқда яна бир неча жойда милтилаб кўринди. Манғлай қўшин турган жойга Амир Темурнинг асосий қўшини етиб келгач, гулханлар воқеасини Соҳибқиронга амирзода Муҳаммад Султон батафсил айтиб берди. Амир Темур бу ҳолатдан таажжубланиб, сўнгра қаттиқ ўйга толди. Нега гулханлар ёқилди-ю, уни ёқувчиларни топиб бўлмайди? Қаттиқ мулоҳазага берилган Амир Темурнинг Тўхтамишхон навбатдаги хавfli тузоқни тайёрлаётганлигига ҳеч қандай шубҳаси қолмаган эди. Демак бу тулки Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон мени аҳмоқ қилиш учун тобора бепоён шимолий ҳудудлар ичкарисига киритиб, оч-наҳорликдан тинка-мадоримни қуритиб, аҳволимга маймунлар ййғлайдиган кунни солмоқчи. Шунини ўйлади-да, Соҳибқирон Амир Темур зудлик билан барча амир ва саркардаларига буйруқ йўлади: „Қўшинлар, пиёда ва суворий — барчаси бир-биридан узоқлашиб кетмай, бақамти ҳолга келсинлар, қайси бири душманнинг кутилмаган қўшини ҳужумига дуч келсалар, дарҳол унга ўнг ва чап тарафидаги қўшин зудлик билан етиб келиб жангга кирган қўшинни ҳимояга олиб жангга кирсинлар. Тундаги қоровулар сони кўпайтирилиб, ҳушёрлик ҳар қачонгидан оширилсин. Қоровулар устидан назорат кучайтирилсин!“

Тўхтамишхоннинг ҳийласини Амир Темур ўз вақтида англаб улгурди: „У бизни мумкин қадар олдинга — ҳаёт сўнган ҳудуд — шимолга илдам юришга мажбур қилиб, озиқ-овқатимиз тугагач, пашшадек қириб ташламоқчи. Унинг режаси бизни олдинга юбориб, ўзи эса асосий қўшини билан орқа

тарафимизга чиқиб олмоқчи“. Тўхтамишхоннинг режаси ғоят қалтис эди. Агар бу режа амалга ошадиган бўлса, унинг тузоғидан ҳеч ким тирик чиқиб кетолмас, икки юз минглик қўшин тақдирини ғоят ачинарли яқун топган бўларди.

Амир Темур бундай қалтис шароитда қўшинларни зич қилиб бирлаштиришни лозим топиб, барча қўшинни Муҳаммад Султон манғлайи олдида ййғди. Эндиги вазифа эса ҳар қандай шароитда ғаним қўшини қайси ҳудудда яшириниб, қулай фурсатни пойлаб турганлигини аниқлашдан иборат эди.

Барча тарафларни ғоят синчковлик билан аниқлаб чиқиш учун хабаргирларнинг энг тажрибали гуруҳлари жўнатилди. Уларга ҳар қандай шароитда „тил“ ушлаш вазифаси ҳам юклатилди.

Ғаним ҳаракатларини аниқлашга жўнатилган Шайх Довуд сийрақроқ ўрмон бошланган жойга келиб гуруҳини кўздан пана-пастқам ерга қапишган ҳолда то тунгача кузатиб ётдилар. Тунда ой ёруғида ҳам мижжа қоқмадилар, фақат тонг саҳарда одам шарпаси пайдо бўлиб, улар шимоли-ғарб тарафга тез илгарилай бошлаганлигига гувоҳ бўлдилар. Билдирмасдан, эҳтиётлик билан уларни кўздан қочирмай кузатишди. Ўша одамлардан биттаси бир неча дақиқалардан кейин келган йўли билан нимадир кўтариб орқасига қайта бошлаганда пистирмадагилар уни ҳаш-паш дегунча қўлга олдилар. Асир сўроқ қилинганда ўн отлиқ аскар тўғрисида маълумот берди. Улар Тўхтамишхон қўшинининг жосус кузатувчилари эканлигини айтди.

Уларни зудлик билан тутиб келтириш топширилди. Маълум бўлдики, Тўхтамишхоннинг илғор қисмлари гулхан ёқиб тезда шимолга атайлаб йўл олиб, бу билан Тўхтамишхон асосий қўшини билан Амир Темур қўшинининг орқасига ўтиб олишига шарт-шароит яратиб бермоқчи бўлган. Олтин Ўрда хони бу имкониятни қўлдан бермай, тезда қўшинни Ёйиқ дарёси тарафга олиб ўтган. Амир Темур бу маълумотга эга бўлгач, 1391 йил 29 май куни Тўхтамишхоннинг асосий қўшини изидан тушиб, тиним-

сиз йўл юриб, Ёйиқ дарёсига етиб келди. Йўл бошловчи (гажарчи)лар Амир Темур талаби билан дарёни кечиб ўтишга қулай жойларни излашди. Тўхтамишхон Амир Темурнинг ўзини тинимсиз таъқибга олганлиги учун кечув жойларига мерган ёйчи ва паҳлавонлардан иборат ҳарбий қисмларини пистирмага қўйиб, кечиб ўтаётган Соҳибқирон қўшинини дарё ўртасига етганларида ўқ ёмғирини ёғдириб, сувга фарқ қилиб юбормоқчи бўлди. Гажарчи топган кечув жойлари синчиклаб текширилганда хабаргирлар уч кечувда ҳам ажал посбонлари сабртоқат билан Амир Темурнинг қўшинлари дарё кечувларидан ўтишларини кутиб ётганлигини аниқладилар. Амир Темур эса ўз қўшинини Тўхтамишхон қўшинидан атайлаб узоқлашган қилиб кўрсатиб, гўё ғаними қўйган тузоққа тушаётгандай, шимолга қараб олиб кетаётгандай қилиб кўрсатди. Соҳибқирон унинг қўшини ҳаракатини изма-из кузатаётган Тўхтамишхон жўнатган жосусларининг биттасини кўздан қочирмай қўлга олиш учун пистирмалар қўйдирди.

Бир кунлик масофа йўл юриб, Тўхтамишхоннинг асосий қўшинидан узоқлашгач, Амир Темур қўшинини бирданига Ёйиқ дарёсининг юқори оқими томон бурди ва дарёнинг хавфсиз, пистирмадан анча узоқ кечувини топиб, дарёнинг ўнг соҳилига бирон талафотсиз кечиб ўтишга муваффақ бўлди. Шу тариқа қисқа тўхталишлар билан салкам бир ҳафта йўл юриб Соҳибқирон қўшини Самара дарёси бўйига етиб келишди.

Теварак-атрофни текшириш учун қоровул қисм жўнатилди. Бир оз дам олингач, қўшин қатъий тартиб асосида яна илгари юришда давом этди. Юз чақиримча йўл босиб ўтилгандан сўнг асосий қўшин 1391 йил 6 июнь куни Айбак дарёси бўйига чиқдилар. Тезлик билан кўприк қуриб дарёдан ўтилди. Олдинлаб кетган қоровул қисм шу пайтда Тўхтамишхоннинг лашкаридан учта жангчисини қўлга тушириб Соҳибқирон ҳузурига олиб келди. Улар дастлабки сўроқда маълумот беришдан бош

тортдилар. Тавочи қийноқ усулини қўллагандан сўнг булбулигўёдек сайрадилар.

Тўхтамишхоннинг асосий қўшини турган жой энди маълум бўлган эди. Амир Темур учун навбатдаги муҳим иш — ғанимларнинг захира қўшини яширинган жойини аниқлаш қолган эди. Натижада уч-тўрт тарафга зудлик билан хабаргирларини жўнатиб, уларга Тўхтамишхон захираси ҳақидаги аниқ маълумотни билиб келиш вазифаси юклатилди. Улар маълумотлар олиб келгунича Соҳибқирон қўшинининг ҳол-аҳволи, жангчилар кайфияти билан қизиқди. Азоб-уқубатли юришлар поёнига етиб, эндиги навбат ҳал қилувчи жангда эканлигини айтиб, уларни руҳларини кўтарувчи сўзлар билан алқади. Шундан кейин қоровул қисм маълум қилган ботқоқлик айланиб ўтилди. Бу ҳам икки кунни олди. Учинчи куни икки тараф илғор ва қоровул қисмлари тўқнашувлари тез-тез содир бўла бошлади. Бу катта урушнинг даракчиси эди. Дастлабки тўқнашув, дастлабки талафотлар шу тариқа бошланди.

Бу тўқнашувда Амир Темур қоровул қисм тариқасида жўнатган таниқли амирлари Идику Темур, Ҳарий Малик, Рамазонхўжа ва Муҳаммад Барлосдан ажради. Буни эшитган Амир Темур қоровул махсус қисми билан воқеа содир бўлган жойга етиб келди. Ҳали бу пайтда жасадлар танаси совиб ҳам улгурмаган эди. Жасур амирларининг кўзлари очиқ эди. Гўё ҳукмдори Амир Темур билан кўришишга муштоқ бўлиб, йўлига кўз тикиб ётгандай. Соҳибқирон дуои такбирини пичирлаб айтар экан, бу сафдош биродарларининг ҳали очиқ, аммо бу дунёга тўймаган кўзларини оҳиста беркитиб: „Сизлар учун қасос оламан, албатта“, дея қатъий айтди ва сўнгра ўз қўллари билан Идику Темур кўкрагидаги ўқларни авайлаб олиб ташлади. Мулозимлари эса бошқа амирлар танасидаги ўқларни олишга киришдилар. Амир Темур Идику Темурнинг нақ қалбига санчилган бешинчи ўқни юлиб олар экан, нафрат ва ғазаб кучи билан душман асосий қўшини тарафга



улоқтирди. Бу унинг Тўхтамишхонга: „Сенинг лашкарининг бошига ҳам худди шу аҳволдан баттарини соламан“, деган „Ал-қасос ул-минал Ҳақ“ нафрат ишораси ва ифодаси эди.

... 1391 йил 16 июнь кечқурун Амир Темур Идил (Волга) дарёси ўнг соҳилидаги Чистополь билан ҳозирда Самара номи билан юритилувчи шаҳар орасида жойлашган Қандурча (Қундузча) планглиги майдонига қўшини билан етиб келди. Шу кун ушбу майдоннинг катта қисмида икки юз мингдан ортиқ лашкарни қулай марраларга жойлаштирди. Тўхтамишхоннинг энди Амир Темурни чааритадиган ҳеч қандай йўли қолмаган эди. Энди улоқ давом этган „мушук-сичқон“ ўйини тугаган эди. Аксинча, энди ушбу майдонни эгаллаш билан Соҳибқирон Тўхтамишхоннинг шимолга ҳам, ғарб ва жанубга ҳам чекиниши имкониятларини беркитиб, девор ҳосил қилган эди. Ғарбга чекинаёй деса, Идил (Волга) дарёси аждаҳодек унинг қўшинларини ютишга тайёр. Ғарб тарафга ўтиш учун эса, аввало, Амир Темур қўшинини ёриб ўтиш лозим эди. Демак, Олтин Ўрда хонининг энди ўзга илоҳини йўқ. Қайтанга асосий ва захира қўшинни Амир

Темурдан яширин, қамишзор ичида сақлайман, деб қулай ва текис бўлган майдонни ўз ғанимига осонгина топшириб қўйганини алам билан ҳис қилди. Беш ой Амир Темурни чарчатиб, сўнгра синдириб ташлайман, дея қилган барча ҳаракатлари, энг охириги вазиятда имкониятни душманига бериб қўйгани, жанг бошланмасдан оқ орзуларининг қарийб ярмини йўққа чиқарди. Шу тариқа Тўхтамишхоннинг ярим йил давомидаги Амир Темурни чув тушириб, бутун лашкарини қириб ташлаш режаси тамомила барбод бўлди, ўзи эса унинг қўшини қуршовида турарди. Амир Темур алақачон унинг режалари ҳақида тўла маълумотга эга бўлиб, жанголди ноқулай вазиятни Тўхтамишхонга совға сифатида тайёрлади. Бундай вазиятга тушишини Тўхтамишхон асло кутмаган эди. Амир Темур жанг олдида унга шоҳ берди. Ташаббус ундан тортиб олинди. Тўхтамишхон Амир Темурнинг шундай оғир вазиятдан чиқиб, аксинча, ўзини тўсатдан мураккаб жанголди ҳолатига келтирганлигини ҳеч ҳам ҳазм қила олмади. Истасин-истамасин жанг қилишга мажбур қилиб унинг нақ қаршисида даҳшат солиб турар эди.

СОҲИБҚИРОННИНГ „ЯСОЛ“ ТАРТИБИ

Замон ва давр руҳи талабларини ҳисобга олган Амир Темур бу улкан ва даҳшатли жангга ўзига хос замонавий жанг олиб бориш услубини қўллаш орқали тайёргарлик билан киришга азму қарор қилди. Бу ҳарбий тактика жаҳон ҳарб санъатида чинакам шигилик бўлиб, урушлар тарихида ҳали ҳеч бир саркарда бу усулни қўлламаган эди. Бу хусусда Амир Темур бундан беш ой аввал Тошкентда қўшинларини тўйлаб, Тўхтамишхонга қарши бўладиган қирғин-барот уруш кўлами ва миқёсида узлуксиз тарзда фикрлаш тафаккурида яратаётган „Ясол“ тартиби лойиҳасини яна бир бора пишитгандан пишитарди. Тўхтамишхон эса тайёргина катта бобоси Чингизхоннинг „Ясол“ усули — марказ (ғул)ни

ўнг ва чап томондан ҳимоя қиладиган йирик лашкарий қисм ҳамда изофа, яъни захира қисм қилиб „Ясол“ тартиб беришни афзал билди.

Жанг олдида ташаббусни қўлга олган Амир Темур жанг майдонининг қулай имкониятга эга жойларида қўшинига „Ясол“ тартиби беришни жанг бошланишидан бир кун олдин, яъни 17 июнь куниек бошлаб юборди. Тўхтамишхон эса иккиланиб асосий ва захира қўшинини яшириб қўйилган қалин қамишзор ичидан олиб чиқди. Амир Темур атайлаб майдоннинг ноқулай қисмини ўз ғанимига „Эҳсон“ қилиб қолдирган жойига тушдан кейингина етиб келди ва „Ясол“ тартибини беришга киришишдан ўзга илоҳи қолмади. Энди Тўхтамиш-

хонга афсус ва надоматдан бирор наф йўқ эди. Тақдирга тан бериб уруш тадоригини кўрди. У жанголди ташаббусини ғаними Соҳибқиронга бериб қўйганлигини жанг бошланишига бир кун қолгандагина билиб қолди. Шу билан стратегик ғалаба ўзининг жиловидан чиқиб Амир Темурга ўтганлигини, ўзича эркин ҳаракат қилиш имконияти қолдирилмаганлигини тушунгандан кейингина Тўхтамишхоннинг ичини ит тирнади. Аччиғини кимдан олишини билмади. Амир Темур уни майдонда даҳшатли қақшатқич жангга чорлаб турарди.

1391 йил 17 июнь. Самара ва Чистополь орасида жойлашган Қундузча яланглик майдони ўз тарихида ҳали ҳеч қачон рўй бермаган ҳодисанинг илк бора гувоҳи бўлмоқда. У ўзининг бағрига ҳар икки ғаним ҳукмдорнинг қарийб ярим миллионлик пиёда ва суворий қўшинларини сиғдира олмай қийналмоқда эди. Гуё бу кенг яланглик ўзининг табиий ҳолатини танимаётгандек. Худди дунёнинг барча жонзотларини қандайдир қудратли куч шу ерга тўплаб, тиқиштириб ташлаган. Ярим миллиондан ортиқ одамлар ва отларнинг дам у ёққа, дам бу ёққа югуришларидан ер зириллайди. Шу даврларгача тинчлик ҳукмрон бўлган Қундузча яланлигида одам ақли бовар қилмас воқеалар содир бўлишига оз фурсат қолган. Дунёни ларзага келтирадиган қиёматқойим эртадан рўй беради. Ҳали қиличлар қинидан чиқмаган, гурзи ва бошни сапчадек узадиган ойболта, инсон танасини михлаб ва сихлаб ташлайдиган мисоли типратикан найзаларидан-да зич, бир-бирига омонлик бермас юз минглаб жисму баданларни ғалвир қилиб тешишга тайёр турган найзалар шодалари ҳамда осмону фалакни зулматга айлантириб, ғанимларига ўлим элтишга шошиб учадиган ажал элчилари бўлмиш ёй ўқлари, қаҳр-ғазабдан титраётган қўллар қон тўкиш ҳукмини кутмоқда. Доимо қор ва ёмғирдан тўйинган Қундузча эртадан бошлаб, юз минглаб жангчиларнинг танасидан отилиб чиққан қонлар дарёсини қандай ҳазм қилади? Бу гуноҳсиз, тилсиз майдон бўлса. Айб

одамзод яшасин, яйрасин, тинч меҳнатини қилиб фаровон ҳаёт кечирсин, дея яратилган Қундузча заминида эмас-ку, ахир. Уни яратувчи Парвардигор ерни қон билан тўйинтириш ва суғориш учун эмас, чўпон қўйини тўйдирсин, боқсин, деҳқон ризқ-рўзини терсин, деб яратган. Аммо инсонлар, сиёсат ва давлат арбоблари эзгу ниятлар билан яратилган ерни қонли халқоблар билан тўлдирадилар. Буни эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги абадиятга қадар давом этадиган кураш оқибатига йўямиз-қўямиз. Буни тан олмай илож қанча? Эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги курашлар абадиятга қадар давом этадиган ҳодисадир. Шу ерга тўпланган икки ҳукмдор лашкарининг бири ёвузлик ҳукми ижроси учун жангга кирса, иккинчиси эса эзгу ва адолат учун жангга киради.

Энди майдонда оёқни заминга маҳкам тираб, ғаним бошида қилич серпашдан ўзга йўл қолмаган. Мени қон тўкишга ўзинг мажбур қилдинг. Энди ўзингдан кўр. Эй, ақли қирмаган Тўхтамишхон, сени тинчликка чақириб чарчадим, энди уруш важоҳатини мендан сўр, эй чўлу дашт ҳукмдори! Тиф кўтарилган жойда қон тўкилмай иложи йўқ. Шоир айтганидай:

*Эрк учун тўкилган қонлар қутлуғдир,
Замин юрагига бағишлар ҳаёт.
Курашиб олинган шонлар улуғдир,
Шонли инсонларни олқишлар ҳаёт.*

Амир Темур қўшинини шон-шараф, ор-номус жангига шиддат билан тайёрлади. У ҳаёт-мамот жанги бошланиши олдидан „Ясол“ тартибини қўйидагича олди. Етти қўл услуби — жанг майдони биринчи сафида хировулнинг ўнг ва чап тарафида қоровул, қоровулнинг орқасида жавонғор ва баронғор хировуллари, жавонғор хировули орқасида жавонғор — чап қўл йирик лашкарый қўшин, баронғор ўнг қанот хировули орқасида баронғор қўшин, уларнинг барчаси бир неча ўнлаб сафлардан иборат бўлиб, бир-бирини ҳимоялаб борарди. Бу саф-



ларнинг ҳар бири ўн икки минг кишилик лашкардан иборат қилиб тузилар, улар минглик, юзлик ва ўнликларга бўлиниб бошқарилар, ҳар бир бўлимнинг ўз бошлиқлари бўларди.

Хировул орқасидан манғлай қўшин жой олди.

Жавонғор ва баронғор йирик биринчи қатор қўшинни ташкил қилди. Улардан кейин чап ҳамда ўнг қанот қоқ марказида гул қўшин жойлаштирилди. Бу қалб деб ҳам юритиларди. Чап ва ўнг томон лашкар қисмга ғаним ён томонидан зарба уюштиришининг олдини олиш учун ёрдамчи канбуллар жойлаштирилди. Бундан ташқари Амир Темур марказ (гул) қуршовга тушиб қолмаслигини кўзда тутиб, унинг бир томонига иттифоқчилар қўшини, иккинчи ён тарафига амирзода ва набираларининг лашкар қисмларини тайинлади.

Марказ қўшинлар орқасида Қароргоҳ ихтиёрида камида эллик мингдан кам бўлмаган йирик захирани жойлаштириб, бу қўшинни жангнинг ҳал қилувчи палласида ташлашга шай қилиб қўйди. Ушбу усулда тузилган етти қўл лашкарни мағлуб этиш ёки жавонғор, баронғор ва марказий гул қисмларини қуршаб олиб, алоҳида-алоҳида тор-мор этиш ғаним қўшини учун ғоят мушкул эди.

Тўхтамишхон салкам уч юз минглик қўшинига катта бобоси Чингизхон услубида „Ясол“ тартибини берди. Манғлай ва қоровул қисмлар олдинда саф тортди, улар кетидан ўнг ва сўл қанот, ҳар иккала қанот оралиғида гул (марказ) қўшин ҳамда Қароргоҳи ҳузурида захира қўшин жой олди. Бу қудратли қўшинларнинг минглик, ўн минглик (туман) ва юз минглик қисмларига атоқли ва суяги жангу жадалларда қотган нўёнлари, сарҳанглари ҳамда мингбоши, юзбошилари қўмондонлик қилдилар. Уларнинг барчаси Чингизхоннинг „Ясол“ жанг услубини яхши ўзлаштирган Жўжи улусининг атоқли қўмондон ўғлонларидан энг машҳурлари Тоштемир ўғлон, Бекёруқ ўғлон, Бекпўлод ўғлон, Али ўғлон, Жунаид ўғлон Элийғмиш ўғлонлар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўттиз-қирқ минглик йирик қўшин-

ларни бошқарар эдилар. Амирлари эса улардан кейинги ўринда турувчи қўмондонлар бўлиб, буларга Али Ясовурий, Сулаймон Қўнғирот, Наврўз Қўнғирот, Исабек Манғит, Кўка Буға ва бошқа жангари қавмлардан ташкил топган лашкар қисмларига қўмондонлик қилар, улар ўн минглик туманларни жанг асносида шитоб билан бошқарардилар.

1391 йил 17 июнда шу тариқа ҳар икки тараф қўшинлари қўмондонлари ўз лашкарларининг „Ясол“ ўрнини белгилаб олгач, 18 июнь эрта тонгдан тезлик билан жанггоҳда саф тизиб, жанг майдонини даҳшатли қирғин-барот тўқнашувига тайёр ҳолатга келтирдилар.

Амир Темур Бош қўмондонига ғира-шира тонгда майдонни ҳарбий мусиқа дасталарининг гумбургумбур оҳанглари остида қўшинларининг ўз ўринларини эгаллашига Фармони олий берди. Ҳарбий-мусиқий даста юз, юз эллик кишилик гуруҳлардан ташкил топган бўлиб, Қароргоҳ жойлашган баландроқ жойда бирданига жўровозлик билан карнай-сурнай, боламон, бурғу, довул (бу овози узоққа етиб борадиган зарб билан уриб чалинадиган қалин теридан доирасимон қилиб тайёрланган мусиқий асбоб), дўмбира, ноғоралар жангчиларни жанггоҳга чорлар эди. Соҳибқироннинг икки юз мингдан ортиқ қўшини мусиқа садолари чақириғи остида жанг ва ўлим майдони сари ўзларига белгилаб берилган майдон сафини тўлдиришга жон-жаҳди билан отландилар. Сафланиш учун икки соатга яқин вақт кетди. Ҳар бир йирик қўшин қўмондонлари ўз қўшинини сафлаб бўлгач, Соҳибқиронга лашкарининг жангга шай эканлигини билдириб турдилар. Ҳар икки томон қўшинларининг жангга сафланишининг важохати ва ҳаракатланиши қирғин-барот жангнинг нақадар даҳшатли тус олишини кўрсатарди. Ниҳоят, пиёда ва суворийларнинг ўз ўрнини топиш учун ари уясидек ғувуллашлари, чопачоплари тугаб, икки тараф ҳам Олий қўмондонларининг бир ишорасини кутиб турарди. Бу жангни бошлаб юбориш тўғрисидаги ишорат эди.

Икки тараф ғаним қўшинлари бир-биридан юз эллик-икки юз метрлар чамаси очиқ майдон қолдириб, сарфланиб бўлди. Қўшиннинг руҳини кўтариш учун Соҳибқирон Амир Темурнинг пири комил устози Саййид Барака ўзининг шогирдларини жангчиларнинг олдинги сафидаги майдонга чорлади. Улар пири комил кўрсатмасига амал қилиб, майдонда жазава билан ҳайқиришиб рақсга тушдилар ва „Хувв-ҳақ ё Аллоҳ, Амиримизга ғалаба! Хувв-ҳақ ё Аллоҳ, Амиримизга ғалаба!“ зикрини бор овоз билан муסיқа оҳангларига мослаб ижро этдилар. Бу Саййид Бараканинг жангчиларни ғалабага руҳлантирувчи жанговар тасаввуфий зикри эди. Бунга икки юз минглик қўшин ҳам жўр бўлиб ҳайқирдилар. Қундузча майдони осмон кенгликлари бу ҳайқириқдан момақалдироқ гумбурлашига қиёс товуш тўлқини кучидан ларзага келди. Бундан ҳайрат бармоғини тишлаган ғаним тараф ҳам унга жавоб тариқасида бир неча бор қуроллари, қалқону найзаларини зарб билан юқори кўтариб муғулча жанговар ҳайқириқлар қилдилар. Икки томоннинг ярим миллиондан ортиқ жангчилари ҳайқириқлари самоларга туташди. Сўнгра бир лаҳзалик сукунат жимлиги ҳукм сурди. Икки тараф лашкарий қисм жангчилари қон тўкувчи қилич, найза қуролларини жангга нафратомуз тарзда ғазаб билан ҳозирладилар. Суворий жангчиларнинг жанговар тулпорлари туёқлари билан тупроқни орқага сачратиб, сувлиқларини чайнаганча „яхши отга бир қамчи“ насибасини олишга шай бўлиб, майдон марказига шамол бўлиб учишга муштоқ бўлиб турар эдилар. Бу жонивор тулпорлар ҳам ўз суворий жангчиларининг шу қирғин арафасидаги душманга нафратию қалбида кечаётган ҳис-ҳаяжонларини ҳамнафас бўлиб, тақдирларини уларнинг ҳаёти билан аллақачон боғлаб бўлган эдилар. Худди кемага тушганнинг жони бир қабилида тулпор билан суворий ғанимга қарши тенгма-тенг жанг қилар, хўжасини ҳимоя қилиб рақибнинг отини тишлар, тепар ва қорни билан уриб душман тулпори ва суворийсини ағдаришга ҳаракат қилардилар. Жанг-

ларда фаол қатнашиб келаётган бу жониворлар ҳам мисоли бир жангчи эдилар. Улар хонадонларда боқилаётган отлардан тубдан фарқ қилиб, жанговар муסיқий дасталар жангга чорловчи оҳанглари янграгач, жангталаб бўлиб ғаним қўшини тарафга ташланишга гижинглаб турар, хўжаси суворий жангчи қамчисини кўтариши ҳамано ғанимлар қўшини томон учарди. Жанг тулпорлари ҳам жангчилар қатори катта талафот кўриб, тирик қолганлари жиққа терга ботиб, то эртадан кечгача на бир сиқим хашак ер, на бир қултум сув ича олмасдилар. Бу жониворлар тақдири жанг майдонида жангчи суворийлар тақдири билан туташиб, мужассамлашиб кетарди.

1391 йилнинг 18 июнь эрта тонги ...

... Амир Темур ниҳоят, жанг яловини кўтарди. Унинг бош байроғи жанг майдонида мағрур хилпирай бошлади. Хабаргирлар қоровул ва хировул қисмларга жангни бошлаб юборишга фармон берилганлигини қисм қўмондонларига зудлик билан етказдилар. Олдинги сафдагилар буйруқ олиниши биланоқ ҳаракатга келдилар. Уларни ҳимоя қилиб, сўл қанот қўшини ва ўнг қўл қўшин шиддат билан олға интилди. Душман билан биринчи бўлиб юзмаюз жангга кирган Умаршайхнинг жавонғор қўшини қоровул ва хировули бўлди. Умаршайх қўшини жавонғорнинг ўн икки минглик йирик лашкарий қисми қўмондони Бердибек уларни ҳимоя қилиб, катта жангни бошлаб берди. Ғазаб отига минган Бердибекнинг ўн икки минг лашкари Олтин Ўрда қўшинининг ўнг қўл баронғор қўшинига найзадек санчилди. Бир вақтда эса ўнг қўл қўшин Қўмондони Мироншоҳ Мирзо ўринбосари Муҳаммад Хуросоний бошчилигидаги ўн икки минглик туманни Тўхтамишхоннинг жавонғор чап қанотини синдиришга ташлади. Ўнг қанот канбули қўмондони машҳур амир Ҳожи Сайфуддинни ўн икки минг қўшинга бош қилиб, Муҳаммад Хуросоний қўшинини ҳимоя қилиб жангга киришга жўнатди.

Чап қанотда биринчи бўлиб душманга шердек ҳамла қилган Амир Бердибекни ҳимоя қилиш учун



унга бақамти канбул қисмини жавонғор қўшин бош қўмондони Умаршайх Мирзо, Амир Шайх Али баҳодирнинг ўн минглик қўшинини жангга киритди. Шу тарзда Қундузча майдонида уруш олови тобора алангаланиб, оқибат бу майдон бир зумда дўзахнинг бир қисмига айланди. Уруш олови пайдо бўлган жойда ўлим фаришталари ғужғон ўйнаб, дўзах оловини қизитгандан қизитиб ўлим маъракасига тобора рағбат берардилар. Бу ерда тиг зарбидан танани тарк этган инсон руҳлари Арши аълога йўл олса, иссиққина танадан оққан қонлар қора ерни қипқизил рангга бўяди, қон халқоблари даҳшатли тарзда бири иккинчиси билан қўшилиб, кўлмаклар ҳосил қилишда давом этади. Уруш майдони қонуни шу.

Ҳар икки томоннинг жавонғор ва баронғори қирғинли урушга киргач, жангнинг авж пардасига кўтарилиши ғул — марказий қўшинлар томонидан амалга оширилди. Шу билан жангнинг ақл билан бошқарилиши ўз ўрнини ғазаб ва нафрат кучига бўшатиб берди. Бундай пайтда Амир Темур тана-сию жисмига руҳий зўриқиши сифмай, асаб тизими томирларини ёриб юбориш даражасига етганида, Аллоҳдан мадад сўраб, Қуръони Каримнинг „Зафар“ оятларини такрорлайди, қўшин тақдирини Яратган паноҳига топшириб, пири Саййид Барақанинг илоҳиёт орқали таъсир қиладиган сўзларидан маънавий озуқа олади. Руҳий-асабий ҳолдан тойиш азобидан шундай ҳимояланади. Бу ҳам қил сифмаган кўнгилни бир оз тинчйтишнинг маънавий-руҳий воситаси.

Айниқса, асосий қўшинини қирғинли жанг майдонига йўлагач, Соҳибқирон даҳшатли жангдан бир неча соат бўлса-да диққатини чалғитиш учун пири Саййид Барақанинг қисмат тақдирини илоҳий пардалар ортида сир-синоат топган қабилдаги руҳий таскин бериб тинчлантирувчи сўзлари уни кўз олдида намён бўлаётган даҳшатли ҳодисалардан хаёлан узоқлашиб туришида ғоят асқатади. Ана шундай ғоят оғир пайтларда вазият инсон жиловидан чиқай деб, турган жанг майдонидаги ҳаракатларни ақл билан

бошқаришга барибир ўзида куч-қудрат топади. Акс ҳолда, минглаб чақирим масофага устозини бепоён чўлу биёбонларда қийнаб ўзи билан олиб юришдан не наф? Пирига: „Ғалабамнинг тенг ярми Сизники, қолган ярми мен ва қўшинимники“, дея устозидан икки дунё миннатдор ва қарздорлигини ўша қиёматқойим майдонда таъкидламаган ва қайта-қайта изҳор қилмаган бўларди. Пири Саййид Барақа жанг асносида Қуръони Каримнинг „Зафар“ дуосини очиб, Маккатуллоҳ тарафга юзланиб, Парвардигордан умидвор ҳолатда оятларни такрор-такрор ўқиб турди. Бу ҳолат уч кунгача — жанг ғалаба билан тугагунча давом этди.

... Амир Темур Муҳаммад Султон ва унинг ўринбосар қўмондони Сулаймоншоҳнинг ҳузурига хабаргирларини йўллаб ғул — марказ қўшинларини жангга киритишга буйруқ бергандан сўнг жанг олови чарсиллаб осмону фалакка ўрлади. Биринчи кунги жанг нисбатан Тўхтамишхон қўшини устунлигида олиб борилди. Умаршайх Мирзо қўмондонлигидаги жавонғор — чап кўл қўшинларини яксон қилишни мўлжаллаб 18 июндаги жангда ўнг қанот мўғулар қўшини селдек ёпирилиб, Умаршайх Мирзо қўмондонлигидаги қўшинни қириб ташлашга кун бўйи ҳужум қилди. Бунини Қароргоҳида кузатиб турган Амир Темур Умаршайх Мирзо қўшинини ҳимоя қилиш учун марказ қўшинларидан хировул ва канбул қисмини олиб жавонғор тарафга ташлашга кўрсатма бериб, хабаргирини жўнатди. Марказ қўшинидан етиб келган канбул қисмлари Умаршайх Мирзо қўшинларига мададга етиб келиб, жангга кирдилар. Умаршайх Мирзо қўшинига қўшимча мадад кучлари етиб келганлигини кўрган Тўхтамишхон захирадан икки туман лашкар фавжларини олиб, ўнг қанотдаги қўшинлар қўмондони Жунаид ўғлон лашкарини кучайтиришга ташлади. Энди канбуллар қўшини билан кучайтирилган ўнг қанот қўмондони Жунаид қўшимча мадад кучлар келиб қўшилгач, Тўхтамишхон Олтин Ўрданинг таниқли саркардаси Али Ясовурийга

Умаршайхнинг жавонғор қўшинларини ёриб ўтиб, Амир Темурнинг марказ қўшинларининг орқа тарафига ўтиб олишга қатъий кўрсатма берди.

Умаршайхнинг жавонғор қўшини кун бўйи оғир жанглар олиб бориб, ҳар бир жангчиси ғанимнинг кўп сонли устун қўшинларига қарши шердек олишиб, бир неча бор ғанимнинг аждаҳодек ёпирилиб келаётган ўнг томон қўшинларининг қутуриб қилган ҳужумларини қаҳрамонона жасорат билан қайтариб турдилар. Гарчи қаҳрамонона жанг олиб бораётган амирзода Умаршайхнинг қўшинлари катта талафот кўраётганлигини кўриб турган бўлса-да, Амир Темур жангталаб бўлиб турган захирасидаги кучлардан бир қисмини олиб унга ёрдамга ташламади. Тишни тишга қўйиб, захирани жангларнинг ҳал қилувчи охириги куни учун сақлаб туришга қарор қилди. Аксинча, Умаршайх Мирзони ён ва орқа томондан муҳофаза қилиб турган қўшинларни (канбул қисм) амирзоданинг олдинги сафда тобора сийраклашиб қолаётган қисмларини тўлдириш билан чекланди холос. Амир Темур буйруқ бердики, Умаршайх Мирзо ҳар қандай шароитда ўз маррасида метиндек туриб, сўнгги нафасгача жангни давом эттирсин. Бу ёғига амирзода ёрдамчи кучлар юборилишига мутлақо умид қилмай жангни жасорат билан олиб борсин. Канбуллар қисми Бердибек амирнинг сийраклашиб қолган қўшини сафини тўлдириб, оёқларини заминга маҳкам тираб жасорат намуналарини кўрсатиб, мўғулларга қарши жанг қилдилар, жон олиб-жон бердилар. Амир Бердибек ва унга марказ қўшинидан ёрдамга жўнатилган канбул ва хировул қўшин жангчилари мўғуллар ўнг қанот қўшин қўмондони Амир Жунаид ва Али Ясовурий қўмондонлигидаги туман қўшинларига қарши шундай тенгсиз жанг қилдиларки, улар мисоли жанг майдонининг шер ва арслонларига айландилар. Ғаним томон қўшини уларнинг жангшиддатини кўриб, ҳайрат бармоқларини тишладилар. Натижада асаблари бардош бера олмаган Тўхтамишхон барибир Умаршайх қўшини томон-

дан ёриб ўтишни қатъий мақсад қилди. У ўнг тарафда муваффақият қозониш ва ташаббусни қўлга олиш фикридан асло қайтмади ва ўз захирасидан яна катта бир қисмини олиб, Умаршайх Мирзо қўшинини тамомила мағлуб қилиш учун ҳужумни кучайтирди ва жон-жаҳди билан олдинга ташланаётган амири Али Ясовурий ихтиёрига жўнатди. Захира кучлари билан кучайтирилган Тўхтамишхон амири Амир Ясовурий Умаршайх Мирзо қўшинига ўнглаб бўлмас зарба бериш учун ялпи ҳужумга ташланди. Амир Темурнинг асл мақсади ҳам аслида шу бўлиб, биринчи куннинг ўзидаёқ Тўхтамишхонни ўз захирасидан фойдаланишга мажбур этиш эди. Амир Темур айнан кутган ҳодиса содир бўлди. Умаршайх даҳшатли тарзда бошланган биринчи кунги жангда катта талафот кўрса-да, отаси Соҳибқиронга стратегик ғалабани таъминлайдиган имкониятни вужудга келтириб, отасининг таҳсинига лойиқ мислсиз жанг қилган эди. Умаршайх Мирзони таҳликали ҳолатидан бир оз бўлса-да халос қилиш учун қўшини катта талафотга учраб, Тўхтамишхоннинг йирик лашкарий кучларини банд қилиб турганлигини назарда тутган Амир Темур ўғли Умаршайх Мирзога ўзини ўнглаб олиш учун тартиб билан янги маррага чекинишга ниҳоят рухсат берди. Янги маррада Умаршайх Мирзони ҳимоя қилиб жангга кириш учун мард ва жасур саркарда Амир Худойдод Соҳибқирон буйруғига биноан шамолдек суворий қўшинлари билан етиб келди ва жангга кирди. Шундан кейин Умаршайх қўшини чекинишдан тўхтаб, мустаҳкам мудофаага ўтди. Шу билан кучлар нисбати Умаршайхнинг жавонғор қисми билан ғанимнинг ўнг қаноти қўмондони Амир Жунаид ва унинг ёрдамчи амири Али Ясовурий кучлари қарийб мувозанатлашишига эришилди. Бу пайтда Мироншоҳ Мирзонинг ўнг қаноти ғанимнинг чап қаноти жавонғорига қарши аёвсиз жанг олиб бормоқда эди. Бу қанотнинг олдинги сафида жанг олиб бораётган машҳур саркарда Ҳожи Сайфуддин қўмондонлигидаги жангчилар пиёда ва су-



ворийларнинг ҳамнафасликдаги олиб борган кураш ва марду майдонликлари, матонатини ёритишга ҳар қандай муаррихнинг қалами ожизлик қилади. Тўхтамишхоннинг чап қанот жавонғорига Амир Сайфуддин шердек ташланиб, бу тарафдаги жангни унинг шахсан ўзи намуна кўрсатиб қилич яланғочлаб бошлаб берди. У гоят мард қиличбозлик жангу жадалининг ҳақиқий баҳодирлиги бўлиб, бирданига фанимнинг икки-учта паҳлавонига битта ўзи қарши кураша оларди. Фаним жангчисининг бири қилич урса, уни қалқони билан тўсиб, иккинчисини қиличи билан бир зарбда уриб йиқитар, лаҳзалар ичида бир неча фанимини жаҳаннамга йўллаб, оти жиловини навбатдаги фаними устига буриб, жанг майдони диловарига айланарди. Амир Темур асосий диққатини ана шундай баҳодир, кўрқмас саркарда ва жангчиларни тарбиялашга қаратган эди. Бундайлар унинг қўшинлари орасида минглаб топиларди. Мироншоҳ Мирзо ўнг қанотдан фанимнинг чап қанотига бўрондек ташланиб, ёвни аёвсиз қиргин қилди. Шу тариқа аёвсиз ва қиргин-барот жанглар биринчи кунги муҳорабада ўнг ва чап қанот томонидан олиб борилди. Бу қанот жангчилари оммавий қахрамонлик кўрсатдилар. Душманнинг қутуриб қилган ҳужумларини то қоронғи тун бошлангунча ўн марталаб қайтардилар. Ҳеч ким майдондан орқа ўтормади. Жанг майдонида оёғини заминга маҳкам тираб Турон паҳлавон баҳодирлари жасоратда бемисл эканлигини амалда исботлай олдилар.

Соҳибқирон марказий (ғул) қўшин қўмондони Муҳаммад Султон ўринбосари Сулаймоншоҳни Тўхтамишхоннинг ғул қисмига қарши жангга киритди. Сулаймоншоҳнинг мардлиги қўшинда тилдан-тилга кўчарди. У неча бор жангларда иштирок этган бўлса, барчасида Амир Темурнинг миннатдорчилигига сазовор бўлиб, унга жангдаги ҳар бир жасорати учун солиқ олинмаслик шarti билан мулк эълон қилинган. Бундай баҳодирларнинг кўпчилигини Амир Темур мана шундай сийловлар билан тақдирлар эди. Баҳодирлик ва жасорат

кўрсатган бирор жангчи ёки суворий бўлсин, тақдирланиш рўйхатидан асло тушириб қолдириш мумкин эмасди. Уларга давлат олдидаги буюк хизматлари учун суюрғол ва тархон мулклар берилар эди.

Муҳаммад Султоннинг жасоратига келсак, Соҳибқирон ва барча саркардалар уни шерлар шери — арслонга қиёслаган. У ёв учун офатнинг нақ ўзи бўлган. Муҳаммад Султон айнан жанг майдони учун туғилган суворийлар қўмондони эди. Соҳибқирон бу набирасининг 12–13 ёшларидаёқ жангталаб бўлиб туришига қойил қолиб, унга алоҳида меҳрини берди. У ўзидаги ҳарбий қобилиятнинг барчасини набираси Муҳаммад Султон Мирзода кўра олди. Шунинг учун унга 15–16 ёшидаёқ қўшиннинг марказ қисми юрагини ишониб топширган эди. Бу дегани 16 ёшли ўспиринга етмиш ёки юз минглик қўшинни ишониб топшириш демак эди. Демокчимизки, ёшларимиз буюк аждодларимиз жасоратлари ва ватанпарварлик жабҳасидаги баҳодирликларидан ибрат олиб, уларга муносиб ворис фарзандлар бўлишлари, шунингдек, оиласи ва Ватанига боқиманда ҳамда лоқайд бўлмай, она юрт тақдирига жавобгарликни ҳис қилиб, мустақил юртимиз учун жонини фидо қилишга ҳар дақиқада тайёр бўлишлари уларнинг чинакам фарзандлик бурчидир. Бу ўспиринлар учун жасур аждодларимиз ватанпарварлиги ибрат намунаси.

...Муҳаммад Султон эса ўша ўспиринлик ёшида ҳозирги ҳарбий унвон даражаси билан қиёслаганда армия генерали ёхуд маршал унвонида Бош қўмондонлик вазифасида фанимларга даҳшат солиб жангга кирган эди. Агар Тўхтамишхоннинг асосий таянч кучи бўлган унинг қалб (марказ)да ҳаракат қилаётган юз йигирма минглик қўшинига қарши ёвқур Муҳаммад Султон ўзининг тўқсон-юз минглик қўшинининг олдинги сафида қиличини баланд кўтариб, тулпорини елдириб боришини кўз олдимизга келтирсак, унинг бу ҳолатига шернинг ўз ўлжасига даҳшатли бир тарзда ёпирилишидан ўзга қиёс топиб бўлмайди. Икки томон марказ қўшин-

ларининг тўқнашувидан-да қон тўкишли ва талафот кўриш қўламининг бемисллиги эса таърифга ожиз. Муҳаммад Султон икки томон қалб қўшинларининг икки юз мингдан ортиқ лашкарининг қоқ ўртасида уч кун эртадан-кечгача қилич серпади ва марказ қўшинига бемисл руҳий мадад бағишлади. Душман баҳодир ва паҳлавонлари билан шон-шарафга бурканиб жанг қилди, шерлар шерига айланиб, наъра тортиб олишди. Бир вақтда Соҳибқирон қўшинининг асосий кучи — марказ қўшинини бошқариб, Тўхтамишхоннинг зирҳли қўшинига рахна солди, уни икки қисмга ажратиб ташлаш учун ғаним қўшини ичкарасига қоқ марказдан ёриб чиқиб, олдинга силжиди, бир қадам ҳам орқага жилмади. Ўлимни писанд қилмади. У Соҳибқирон қўшинининг жасорат кўрсатиш бобидаги фахри эди. Салтанат осмонининг ҳарб санъатидаги порлоқ юлдузига айланиб улгурган ҳам эди. Бош қўмондон Амир Темур Қароргоҳидан туриб суюкли набирасининг шерлар жангини кузатар экан: „Пирим, арслонимнинг жанг суронига қаранг, бу набирам менинг шон-шарафим, салтанатим қуёши“, дерди пир Саййид Баракага қараб. „Кўз тегмасин денг бўтам, туфалам қилиб қўйинг, шунинг учун уни валиаҳд қилиб адашмадингиз. У салтанат байроғини баланд кўтаришга қодир фарзанд“, дейди пир Саййид Барака. Соҳибқирон эса: „Валиаҳд қилиб танлашда сизнинг маслаҳат ва ҳикматларингизга таяндим, Пирим“, деди.

18 июнь Қундузча жанги шу тариқа томонларнинг бир-бирининг бўғзини кесиш, бағрини тилиш ва нақ қалбидан дарча очиш, урҳо-ур, қирҳо-қир қичқириқлари, ярадорларнинг оҳ-воҳлари, қорнидан найза, тиг зарбини олган отларнинг ичаклари осилган ҳолда жон-жаҳди билан ўлимолди кишнашиб, жанг майдонида тартибсиз чопишлари қўшилиб, инсон идрокига сифмас даҳшатли ҳодисалар рўй бериши билан ўтди. Майдон эса қирмизи қон билан суғорилгандек лоларанг тусда, бошсиз гавдалар, танасидан ажралган бошлар ва гавдасидан мосуво

қўллар ҳамда оёқлар — барчаси шу қирғин жангнинг кеч киргунча етиштирган „махсули“ бўлди. Инсониятнинг шу қирғин-барот фожиаларини кузатишга бардоши етмай қуёш Ғарб сари шошиб, тун пардаси билан бу мудҳишликни ёпишга шошилди. Томонлар ғазаб ва нафратларини бир-бирига сочганича ажралдилар. Жангни тўхтатиш буйруғи ҳарбий-муסיқий даста оҳангларида ҳам ўз ифодасини топди. Фақат жанг тугагач, энди тўстўполон, ҳайқириқ ва бақир-чақирлар ўрнини тунда ярадор жангчиларнинг оғриқ зарбидан оҳ-воҳлари, инграшлари эгаллади. Бу вақтда ғаним томонлар ўз ярадорларини олиб кетишда бир-бирларига асло халал бермайдилар. Урушнинг ёзилмаган қонуни шундай. Энди тонггача ухламай, ўн минглаб ярадорлар бошида парвона бўлиб чиқиш навбати татибларники. Холдан тойган жангчилар кечки овқатни емасдан ухлашга ҳам рози, аммо эртадан-кечгача омонат жонларини гаровга қўйиб қилич серпашлари боис ундай қилолмайди. Апил-тапил овқат тановул қилиб, сўнгра таппа ташлаб уйқуга кетади. Бу пайтда Соҳибқирон Амир Темур барча юзбоши ва мингбошилардан қанча одам талафот кўрди, ўлганлар ва ярадорлар сонини билиши шарт. Аниқланганда эса аҳвол анча ачинарли эди. Айрим ўнликларда юзликларда жанг қиладиган одам қолмаган, барчаси ўлган ёки ярадор. Минглик бўлинмаларда ҳам шу ҳолатга яқин йўқотишлар анчагина. Ташвишлиси шу эдики, агар пиёда ва суворий жангчилар кутилганидан ортиқ талафот кўрса, захирани жангга киритишдан ўзга илож қолмайди. Захиранни эрта жангга киритиш эса яхшиликка олиб келмайди. Соҳибқирон саркардаларини йиғиб, қисқа кенгаш ўтказди. Ундан ортиқ йирик саркардалар, айниқса, олдинги маррадаги жанг қилаётган сарҳанглар захира қўшиндан мадад берилиши, агар жанг эртага шу тахлитда давом этса, ҳеч бир жангчиси тирик қолмаслигини билдирдилар.

Соҳибқирон саркардаларининг мурожаат ва талабларини эшитиб бўлгач, шундай деди: „Ҳеч



кимга захирадан битта ҳам жангчи берилмайди. Юзлик ва минглик ҳамда ўн минглик лашкарлардан тенг ярми қолганлар қўшнисидаги камроқ талафот кўрган лашкар минглик ва ўн минглик қўшин билан қўшилсинлар, мингликлар мингликлар билан қўшилсинлар. Эртага ҳужум жангини ҳеч ким олиб бормаёди. Барча қўшинлар мудрофаа жангини олиб бориб душманнинг тинкасини қуритсинлар. Бунга тишни тишга қўйиб чидашга мажбурмиз“.

Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердининг Чингизхонга қарши „Парвон“ ва „Нилаб“ даги жангини эслайлик. Хоқоннинг уч юз минглик қўшинини бор-йўғи қирқ беш минглик қўшинини билан уч кун қирғин-қиёмат жангдаги ҳужумини қайтариб турди. Бундай тенгсиз жангни Султон Жалолиддин Хоразмшоҳдан ўзга дунёнинг қай бир саркардаси олиб борган, ҳеч ким! Эртанги жангда фақат бир кун Жалолиддин Хоразмшоҳнинг „Ёяндоз“ усулини қўллаб, чидаб беринглар. Энг оғир жанг эртага бўлади. Хоразмшоҳ шу жангида фанимининг уч юз минг қўшининининг ҳужумини уч кун қайтариб, Чингизхонни лол қолдирган эди. Мен сизлардан уч кунни эмас, фақат бир кунни, ақалли бир кунни сўраяпман, холос. Демак, барча саркардалар диққатига, Жалолиддин Хоразмшоҳнинг ёяндоз услуби билан ярим доирасимон мудрофаа жанги олиб борасизлар, вассалом! Суворийлар зарур ҳолатда пиёдага айланиб, зич бўлиб фаним суворийларининг ёриб ўтишига асло йўл қўймасин“.

19 июнь. Эрта тонгдан, ҳар қачонгидек, ҳарбий-мусиқий дастанинг оҳанглари жангчиларни жанг майдонига чорлаши билан бошланди. Ҳар икки томон ҳам қасос аламига ташна ҳолда саф олдилар. Қуёш уфқдан бош кўтариб бўлганда „Ясол“ олиниб томонлар бир-бирига юзма-юз турар эдилар. Ким биринчи бўлиб ҳужум бошлашини бир оз кутишгач, Тўхтамишхон Бош байроғини кўтаришга буйруқ берди, кетидан „Ҳужумга“ ишоратини берувчи қўлидаги тилла таёқчасини шиддат билан фаним қўшинини гули тарафга чўзди. Мудрофаа жан-

гига тайёр бўлиб турган камончилар ерга қўйиб паналанадиган махсус қалқонлар билан ҳимояда турган ҳолда дастлаб паҳлавон ёйчилар (улар оғир камонда душманга узоқдан туриб ҳам шикаст еткази олардилар) зарб билан ялписига ўқ узиб, душманни мардона қарши олдилар. Маълум дақиқа ўтгач, ўрта масофадаги барча жангчилар бир йўла камондан ўқ узишни бошладилар. Осмонда ажал ўқлари сон-саноксиз қушлар галаси учаётгандек душман томон учарди. Натижада душманнинг суворийлари эрталабки ҳужумда катта талафот кўрди. Ёяндоз услуби бўйича отлиқлар ҳам пиёда қўшин сафини тўлдириб жанг қилади. Тўхтамишхон буни Соҳибқирон Амир Темур кечаги ҳужум қайта такрорланса, қўшиним тор-мор бўлади, ундан кўра қарши ҳужумдан воз кечиб, фақат мудрофаа жангини танлабдики, мен ҳужумга зўр беришим керак экан, қабилда Соҳибқироннинг ёяндоз мудрофаа усулини кўрққанга йўйди. Бу атайлаб Тўхтамишхон қўшинини ҳолдан тойдириб, учинчи кунги жангда қарши ҳужум учун шароит яратиш тактикаси эканлигини Тўхтамишхон ўйламади. Шунинг учун босар-тусарини билмай, бор кучини ёппасига ҳужумга ташлади. Натижада шу бугуннинг ўзида ғалабани ўз тарафига оғдириш билан банд бўлди, шунга қатъий ишонди. Амир Темур саркардалари мудрофаада метиндек туришда давом этди. Борган сари асабларини таранглашган Тўхтамишхон шу куни то тушгача гоҳ зарбдор қисмларини гоҳ Умаршайхнинг чап қўл жавонғори, гоҳ Мироншоҳ Мирзонинг ўнг қўл баронғорига томон навбати билан қуюндай ташлаб турди. Аммо Соҳибқирон қўшинининг на ўнг, на чап қанотини янчиб ташлашнинг уддасидан чиқа олмай жиғи-бийрон бўлган Тўхтамишхон саркардаларини ялқовлик ва кўрқоқликда айблаб, ҳақоратлашга ўтди. Саркардалари шусиз ҳам мардона, ўлимни писанд қилмай олға ташланар, аммо қанча уринмасин гўё тебранмас харсанг тошга урилгандек олдинги қисмлар ўлиқларини қолдириб орқага чекинишдан ўзга иложлари қолмасди.

Амир Тему́р эса пири Саййид Барака билан атайлаб баландроқ, Тўхтамишхон бемалол кўра оладиган жойни танлаб, икки-уч ракаат намозини ўқиб, сўнгра захирадаги аскарларига ўтин келтиртириб, юз-юз эллик жойга катта дошқозонларни ўрнатирганча, оловни баланд олдириб, ўзини ганимга ҳеч нарсани ўйламаган одамдек кўрсатарди. Бу билан у Тўхтамишхоннинг асабига баттар тегар, жазавасини оширарди. Бундан ғазабга келган Тўхтамишхон: „Ўша пишираётган ошларингни захарга айлантормасам Тўхтамишхон отимни бошқа қўйганим бўлсин“, дея захира қўшинлари қўмондонни Амир Сулаймон Қўнғиротни ғазаби қайнаган ҳолда чақирди. Сулаймон Қўнғирот ҳозир бўлиши билан: „Ўринбосарларинг Наврўз Қўнғирот ва Исабек Манғитларга айт, улар ўттиз минг қўшинни захирадан олиб, Амир Тему́рнинг марказ қисми қўмондони Муҳаммад Султон ва уни ҳимоя қилаётган Сулаймоншоҳлар устига мўр-малахдек ёпирилиб, уларни икки бўлакка ажратиб қириб ташласинлар. Ҳукмдорнинг буйруғи билан Наврўз Қўнғирот ва Исабек Манғит дарҳол захира қисмларидан кўрсатилган йирик қўшинни олиб марказ томон ҳужумга ўтди. Мўғулларнинг қутуриб қилган ҳужумларини Муҳаммад Султон ва Амир Сулаймоншоҳ катта қийинчиликлар билан қайтарди. У икки машҳур қўмондон ва улар таркибида минглик ва ўн минглик лашкарий қисмлар сарҳанглари бемисл матонат билан ганим ҳужумларини даф қилиб турдилар. Ҳатто енгилроқ ярадор бўлган жангчилар орқага ўтиб яралари боғлангач, яна сафга қайтдилар. Барча жангчилар баҳодирларча олишиб, ушлаб турган маррасидан жон берса бердики, бир қадам ҳам чекинмадилар. Уларнинг жанги оммавий қаҳрамонлик курашига айланиб кетди. Баъзи ўнлик ва юзлик бўлинмаларнинг жангчилари ўзларидан икки-уч баробар кўп душманлар жангчилари билан жонини жабборга бериб олишдилар. Умаршайх Мирзо қўмондонлик қилаётган жавонгор чап қанот ва баронғорда ўнг қанотни бошқара-


ётган Мироншоҳ Мирзо ҳам агар қайси биридир чекинадиган бўлсалар, марказ қўшинининг аҳволи янада хавф остида қолиши боисидан талафотлар ортиб боришига қарамай, ёв билан савашни бир дақиқа ҳам пасайтирмадилар ва чекинишни хаёлларига келтирмадилар ҳам. Аксинча, қора булутдек босиб келаётган душман лашкарини бир неча бор улоқтириб ташладилар. Бундан тутақиб кетган Тўхтамишхон сабр-бардоши тутаб, охириги қирқ минглик захирасини ишга солди. Шу билан жангнинг энг қирғинли саҳифасини очди. Натижада олдинги сафдаги қисмлар талафотлари янада кучайди. Жанг кўлами эса инсон ақлига сирмас тус олди.

Амир Тему́р ўз қўшинининг аҳволи энди жиддий ёмонлашувидан гоят хавфсирай бошлади. Чап ёки ўнг қанотнинг қайсинисидир мудофаани ушлаб туришга бардоши етмаса, бу фалокатнинг олдини олиш учун захиранинг бир қисмини жангга солишга тўғри келади. Асаблари таранглашгандан таранглашган Соҳибқирон жангнинг энг қалтис дамларини кузатар экан, метин иродаси ҳам дош беролмай қолишидан ҳадиксираб, пирига мурожаат қилди: „Пири бузрук, Қуръони Каримнинг „Зафар“ дуосини ўқинг, токи фалокат офзи очилиб, қўшиним ганим қўшинининг домига тушмасин“. Пири Саййид Барака: „Сабр отига мининг бўтам, бу ёғини Худога солинг“, дея тасалли бериб, Маккатуллоҳ тарафга қараб „Зафар“ дуосини тиловат қилди ва „Соҳибқирон қўшинини паноҳингга ол, эй Аллоҳим“, дея юзига фотиҳа тортди. Ундан Соҳибқироннинг қалби анча таскин топди. „Захирага бугун тегинманг бўтам, Худо хоҳласа Турону Хурсон баҳодирлари яна бир оз бардош берсалар, марра бизники, Аллоҳга шукроналар ва ҳамду санолар келтиринг. Адолат Сиз томонингизда, Сиз ёвузликка қарши жанг қилмоқдасиз“, дея унга руҳий мадад берди, пири Саййид Барака.

„Хабаргирни чақиринг“, деди. Амир Тему́р Қароргоҳ бошлиғига ёяндозда қапишиб бир-бирини маҳкам ҳимоя қилган ҳолда яна бир-икки соат



СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУРНИНГ ЎН ИККИ МИНГ ТУМАН ФАВЖ ҚЎШИН ТУЗИЛИШИ




1391 йил 18 июнь.

ҚУНДУЗЧА (ҚАНДУРЧА) ЖАНГИ.


Жанг Чистополь ва Самара оралигидаги Қундузча яланлигида бўлиб ўтди.

Амир Темур қўшинининг етти қўл ясол тартиби:






Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон лашкарининг ясол тартиби:





Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон лашкарининг ясол тартиби:




1391 йил 20 июнь.

ҚУНДУЗЧА (ҚАНДУРЧА) ЖАНГИ.

Жанг Чистополь ва Самара оралиғидаги Қундузча яланлигида бўлиб ўтди.


Жангнинг яқунловчи босқичи.

Амир Темур қўшинининг жанголди ясол тартиби:





Олтин Ўрда хонн Тўхтамишхон лашкарининг жанголди ясол тартиби:



чидаб берсинлар, Умаршайх, Муҳаммад Султон ва Мироншоҳ амирзодаларга шуларни етказсинлар. Қароргоҳ қутволи Соҳибқирон буйруғини адо қилишга дарҳол киришди. Орадан ярим соат ўтар ўтмас Бош қўмондон ва ўнг ҳамда чап тараф қўшин қўмондонларига бу буйруқ етказилганлигини Соҳибқиронга маълум қилишди. Хабаргирлар жангнинг кейинги дақиқалардаги боришида Тўхтамишхон қўшинининг хужумкорлик шашти тобора пасаяётганлиги ҳақидаги хабарни етказдилар. Амир Темурнинг сараланган паҳлавон ва баҳодирлардан ташкил топган махсус изофаси эртанги бўладиган жангга интиқ бўлиб, куч-қувватини тўла сақлаган ҳолда битта буйруқ билан майдонни ларзага келтириб, сўнгги зарбани беришга шай. Амир Темур энди эркин нафас олиб, эрта тонгда бошланадиган ҳал қилувчи жанг режасини тузса ҳам бўлади. Бу пайтга келиб тун ўз пардасини Осиё худуди бўйлаб ёпиб улгурган эди.

Шу билан ғаним қўшинларнинг ҳар бири иккинчи кундаги бошланган жангга яқун ясадилар. Ҳар икки тараф қўшинларига жангни тўхтатиш буйруғи берилди.

Амир Темурнинг қўшинларини шу бугунги жангда албатта тор-мор этишни астойдил истаб, бор имкониятларини, ҳатто захирасини ҳам ишга солган Тўхтамишхон мақсади пучга чиққанидан ҳафсаласи анча пир бўлди. Энг муҳими Тўхтамишхонда ишонч билан сўнгги зарбани берадиган изофа (захира) энди йўқ. Ҳарбийларда эса „Захирасиз қўшин мағлубиятга маҳкум“ ибораси бежизга айтилмаган. Мавжуд қўшини ҳам ҳолдан тойдирилган. Амир Темур эса захирасини тўла сақлаб қолиб, гарчи қийинчилик билан бўлса-да, ғалаба калитини душманидан тортиб олишнинг урдасидан чиқди. Аммо хотиржамликка асло ўрин йўқ. Дашти Қипчоқ шери яраланган, яраланган шер эса соғлом йиртқичдан ҳам хавфли бўлади. Тўхтамишхон ҳам худди шундай ҳолатда, у дарғазаб, ғазаби чекчегара билмайди. Унинг жисмида нафрат ва қасос

учқуни чарсиллаб, ўз қўшинини Амир Темур қўшини устига бало-қазодек йўналтириб, Қундузча майдонида кулини кўкка совуриш оташида ёнарди. Бундай ҳал қилувчи дамлар эшик қоқиб турганида, ғаним томонлар нималарни ўйламайди, ғазаб қандай мудҳиш воқеаларни кашф этмайди, дейсиз. Бу ёвуз томон мақсади бўлса, эзгу томон ҳаққоний воқеалар ривожига ҳамоҳанг нима режалар тузиб, уни қандай амалга оширади? Бунга аниқ жавобни эртага — учинчи кунги жанг услуби амалиёти беради. Ҳозирча жангда силласи қуриган ҳар икки тараф жангчилари қисқа, аммо қаттиқ уйқуга кетган. Яна бирор соатдан кейин уларни карнай-сурнай садолари ўлим маъракаси майдонига қайта чорлайди. Уйқуга тўймаган жангчилар апил-тапил қуролини қўлга олиб жанг — ўлим майдонига чопади, от қўяди. Дунёга ҳам тўймай абадият дунёсига абадий уйқуга кетиш учун жанг майдонида улардан қанчалари шаҳидлик шаробини ичганича борса келмас тарафга кетадилар. Бу чинакам мангулик уйқусидир. Бу уруш улар жангининг ҳам, қолаверса ҳаётининг ҳам яқуни ва интиҳосидир.

1391 йил 20 июнь. Қундузча қиёмат домида. Жанг олови кўкка туташди.

Яланглик майдони даҳшатли тусга кирган. Икки кунлик жангда ўлдирилган, қиймаланган, бошсиз, оёқсиз, қўлсиз ётган жасадларни йиғиштириб олишга фурсат ҳам, вақт ҳам йўқ. Барчаси ғалабадан кейинга қолдирилган. Ҳар икки тарафнинг мақсади ҳам фақат ғалаба қилиш ва уни зўр тантана билан нишонлаш. Уруш, қирғинларда дийдаси қотган одамларга дўнглик ҳосил қилиб, айқаш-уйқаш бирининг устига иккинчи, учинчи ва кейингилари йиқилиб, икки ғаним бир-бирига қилич ва найзани тенг санчишиб, уларнинг биргаликда йиқилишидан жасаду мурдалар хирмони ҳосил бўлган. Айрим жасадлар шундай даҳшатли ва қўрқинчли ҳолдаки, ғанимлардан кимга, қайси тарафга тегишли эканини билиш амри маҳолдир. Орадан икки кун ўтиб, қип-қизил қон халқоблари тўпланган кўлмаклар



қорамтир ва жигарранг-қизғиш тусга кириб, жанг суронидан кўтарилган чангни сўриб, янада қўрқинчли ажабтовур кўринишга ўта бошладики, қонни ҳазм қилиб юборишга Қундузча замини дош беролмаган ҳолатда. Унинг номи шу уч кунлик қирғин-қиёмат жанги бўлган макон сифатида ҳақиқатан фожиали саҳифаларни ўзида мужассам этиб, жаҳон тарихига кирди.

Якуний ва тарихий жанг 20 июнь куни шундай бошланган эди.

Томонлар эрта саҳардан жанг тараддудини сўнгги бор кўриб бўлдилар. Тўхтамишхон бор умидини шу кунги жангга тиккан эди. „Агар Амир Темур қўшинини тор-мор қилишнинг урдасидан чиқсангизлар, оддий жангчидан то саркардаларимгача ўлжанинг барчасини сиз голиб жангчиларимга тақсимлаб бераман. Қолаверса, бутун Турону Хуросон, яъни Амир Темур салтанатига дахлдор ҳудудларни ҳаммангизга мулк қилиб берайки, бундан кейин барчангиз етти пуштингизгача бой-бадавлат яшагайсизлар. Бунинг учун менга фақат галабани таъминлаб беринг. Шу йўлда сизу бизни катта бобомиз енгилмас Чингизхон ва Ботухон, Жўжи боболаримиз руҳи қўлласин. Шундай ёпирилишги, бу ҳужумингиз зарбидан ҳу анави тоғлар, ҳайқиригингиздан ўрмон, еру осмонлар титрасин. Ахир биз чингизийлар, енгилмас мўғуллар авлодимиз, олинлар, олдирманлар, ҳужумга!“ . Фақат босқинчилик билан бойлик орттиришга ўрганган мўғуллар оддий аскарларидан то саркарда ва қўмондонларгача барчасининг бирдек иштаҳаси очилиб, ўзларини дунёнинг энг бой-зодагон одамларидек ҳис қилдилар.

Амир Темур эса: „Ватан бизларнинг музаффар байроғимизнинг Самарқанд узра ҳилпираб кириб келишини интиқ бўлиб кутиб турибди. Бу жафокаш юртимиз юз элик йил азоб-уқубат тортди. Мўғуллар зулми юртимиз, халқимизни қандай хору зорликларга мубтало қилганини ота-боболаримиз, жумладан, биз ҳам гувоҳи бўлдик. Биз яна улар-

нинг зулм-азоблари, хору зорликлари остида яшашни асло истамаймиз. Уларнинг бундан бир йил аввалги босқини Мовароуннаҳрога қандай хонавайронликлар олиб келганини кўрдик.

Биз юртимиз, Ватанимиз, халқимиз, қолаверса, бола-чақаларимиз эрки ва озодлиги, номуси учун жангга кирамиз. Шу муқаддас жангда ўлганлар шаҳид, тириклар ғозийдир!“

Барча отлиқ ва пиёда жангчилар: „Душманга ўлим, Соҳибқиронимизга галаба“, деб ҳайқирдилар.

Майдон ҳайқириқлардан ларзага келди. Якунида пир Саййид Барака яна „Зафар“ дуосига қўл очди. „Арслону шерларим, Худо сарвари пайғамбаримиз биз томонда. Биз зафар қучамиз. Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар!“ Бутун қўшин жангчилари уни бир неча марта ҳайқириб такрорладилар. Шундан кейин пирнинг дуолари остида улуғ ва якуний жангга саф-саф бўлиб йўл олдилар. Зум ўтмай икки тоғ тўқнашгандек томонлар тўқнашдилар. Бу тўқнашувдан замин титради, қудратли гумбурлаган ҳайқириқлар ўрмонларда акс садо берди.

Икки томоннинг ҳам қатъий мақсади ва орзулари бор. Мўғуллар Мовароуннаҳр ва Хуросондай катта ҳамда жаннатмакон юртларда ерлик халқларни қуллик сиртмоғида сақлаб жангга ташландилар. Соҳибқирон Амир Темур лашкари эса яна узоқ давр мўғулларнинг ғайриинсоний, ғайрихлоқий жабр-зулмига тушмаслик, озод Ватанда эркин яшаб фарзандларининг камоли, бахт-саодатини кўриш туйғуси ва мақсади билан музаффарият жангига отландилар.

Жанг авж паллага етганда пир Саййид Барака ва Амир Темур Қароргоҳ олдида икки ракаат намоз ўқидилар. Намозни ўқиб бўлган Соҳибқирон беихтиёр аёвсиз жанг бўлаётган томонга назар ташлади ва ташвиш билан пирига юзланиб: „Пирим, ана қаранг, жанг тўзонидан кўтарилган чанг булути биз томон яқинлашмоқда, наҳот Тўхтамишхон қўшини бизнинг қўшинимизни чекинишга мажбур қилса, Пирим, ўша жанг сурони томонга яқин бо-

райлик, вазиятни аниқ билмасак бўлмайди“, деди. Мулозимлар устоз-шогирдларга тулпорларининг жиловини тутқазиб, уларнинг отга минишларига қарашиб юбордилар. Фул қисми жон олиб, жон бераётган жойга яқинроқ туриб пир Саййид Барака тезда отдан тушди-да, ердан бир сиқим тупроқ олиб: „Шунқорларим, ёв қочмоқда, музаффар жангчилар, олға, ана, ғанимлар қочмоқда, шунқорлар, олға“, дея бор кучи билан ғаним томонга қараб, ердан олган бир сиқим тупроқни сочди ва: „Ана ёв қочди, ғанимни қувинг, Турон шерлари“, дея жангчиларга мурожаат қилди. Шу сўзларни бор вужуди билан ҳайқириб такрорлади. Худди шу пайтда Тўхтамишхоннинг Бош байроқдори Ўқтой Қароргоҳ тепасидаги байроқни аста эгди. Бу Амир Темур жосусларининг ниҳоятда узоқни кўзлаб, амалга оширган ишларининг натижаси эди. Байроқдор Ўқтой Амир Темурга садоқат билан хизмат қилишга қасам ичган ва ўша ғаним байроғини эгиш махсус топшириғини жанг авж палласига чиққанда амалга оширилиши қатъий келишилган эди.

Мўғуллар Бош байроғининг эгилиши бу жангда қўшиннинг чекинишига ишора эди. Байроқ эгилдими, барча саркардалар ҳеч кимдан сўрамай, буйруқ кутмай қўшинни орқага олиб чиқиши шарт. Байроқ эгилишидан хабарсиз Тўхтамишхон бирданига вазият ўзгариб кетишини тушуна олмади. Ҳозиргина даҳшат солиб, олдинга ташланиб, ҳатто Амир Темур қўшинини орқага тисарилишга мажбур қилаётган қўшини нега орқага чекинишни бошлади. Вазият бирданига салбий тарафга ўзгариб кетаётганлиги сабабини Тўхтамишхон анча пайтгача тушуна олмади. Буни аниқлагунча қўшинида ўпирилиш юз бериб бўлган эди. Лаҳзаларни қўлдан бермай, айнан шу пайтда Амир Темур қарши ҳужумга ўтиб, барча қўшинини ёппасига оёққа турғазди. Майдонда тўфон тургандек ҳолат содир бўлди. Гўё қиёмат-қойим юз берди.

Шу пайтда Амир Темур Қароргоҳ орқасида уч кундан бери жангга киришга иштиёқманд захи-

радаги элик минглик баҳодир ва паҳлавонлардан тузилган махсус қисмини ўзи бошчилигида Тўхтамишхон қўшинининг орқа томонига айланиб олиб ўтди ва қутилмаганда Олтин Ўрда хонининг Ўрду ва Қароргоҳига ҳужум бошлаб юборди.

Натижада, Тўхтамишхон талатўп ҳодисанинг сир-синаотини англаб етгунча, воқеалар шиддат билан ривожланиб, жанг майдонининг назорати мўғул ҳукмдори жиловидан чиқиб кетди. Тўхтамишхон зум ўтмай қуршов домига туша бошлади. Бир вақтда бобоси Амир Темурнинг душман орқасига чиқиб олгани хабарини олган фул қўшин қўмондони Муҳаммад Султон, унинг ёрдамчи саркардаси Сулаймоншоҳ, жавонғор қўшин қўмондони Умаршайх Мирзо, баронғор қўшин қўмондони Мироншоҳ Мирзо ва унинг ёрдамчи амири Ҳожи Сайфуддинлар ғаним қўшинларига бутун кучларини йиғиб яшиндек ҳужум бошлашди. Шайх Темур канбули Умаршайх Мирзони чап томонидан ҳимоя қилиб, у ҳам душман устига ёпирилди. Мироншоҳ Мирзо ва Муҳаммад Султон қўшинлари туташган мурчалдан Амир Худойдод ва Шайх Нуриддин ҳужумга қўшилди. Бир вақтда Шайх Али баҳодир Шайх Темур ва уларнинг ҳужумларини янада кучайтириш учун қўшини билан Тўхтамишхоннинг ўнг қанотига ён томондан ҳужумга ўтди. Шу билан Тўхтамишхоннинг ўнг қаноти қаттиқ шикаст топди ва тартибсиз чекинишга, сал ўтиб эса қочишга шайланди. Ғанимнинг ўнг қаноти қочишни бошлагач, Умаршайх Мирзо Шайх Али ва Шайх Темур қўшинларини Муҳаммад Султон Мирзонинг фул қўшинига мадад беришга жўнатди. Бу пайтда Тўхтамишхоннинг Қароргоҳини қўлга олишнинг тезда уддасидан чиққан қўшин, яъни захирадаги махсус қисм Соҳибқирон фармони билан Мироншоҳнинг ўнг қаноти ҳужумини янада кучайтириш учун жўнатилди. Бир вақтда Амир Темур захира қўшин зарбдор қисмини шиддат билан жангга олиб кириб, Тўхтамишхоннинг Қароргоҳ қўшинларини тор-мор қилишга киришди.



Омад ўзидан тула юз ўгирганига ишонч ҳосил қилган Тўхтамишхон бир ҳовуч хос соқчилари ҳимоясида қуршов ҳалқаси беркилишидан ўн беш-йигирма дақиқа аввалроқ чиқиб олишга эришди ва отининг жилловини сарсон-саргардонлик водийси — Шимоли-ғарбий кенглик ҳудудлари сари бурди. Ўн олти йиллик ҳукмронлиги даврида Русь князликларини тиз чўктириб, Мовароуннаҳр халқларини талон-тарож қилиб, Озарбайжон ва Дашти Қипчоқ ҳудудларидан тўплаган жамики бойликларини ҳамда ўша йиллар мобайнида тузган қўшинини ташлаб орқа-олдига қарамай қочар экан, айнан шу кун унга сичқоннинг ини минг танга турар эди. Шу мағлубияти боис Олтин Ўрда ҳукмдори тентирашларнинг минг хил азобларини бошидан кечирди. Амир Темур уни тутиш учун Руснинг тенг ярим ҳудудлари, Дашти Қипчоқ, Қуйи ва Ўрта Волгабўйи, Урал дарёлари бўйлаб таъқиб

этувчи қўшинларини унинг изидан жўнатди. Аммо Тўхтамишхон қочишда шердан қочган оҳудай ҳечам тутқич бермади. Амир Темур роят оғир ҳарбий юришида олдига қўйган мақсадига эришди. Туронзамин шимоли-ғарбдан вайроналик келтирувчи ҳужумлардан ушбу ғалаба туфайли бир неча йиллар эркин нафас оладиган бўлди. Бу буюк ғалаба сифатида Ватан тарихини беади. Бу ҳодиса Европа ва Осиё қитъасида катта акс садо берди. Соҳибқирон номини узоқларга ёйди. Ҳатто Миср султони бу ғалабани эшитиб, кайфияти анча тушиб кетди. Негаки, Султон Йилдирим Боязид Тўхтамишхон билан биргаликда Соҳибқиронга қарши ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузишни режага киритаётган эди. Амир Темур салтанати куч-қудрати тобора ошиб, ортиб бориши бу учала ҳукмдорга келажакда албатта катта муаммо турдириши муқаррар эди.

ИДИЛ (ВОЛГА) ДАРЁСИ СОҲИЛИ БЎЙИДАГИ ЗАФАР ТАНТАНАСИ

Амир Темурнинг голиб қўшини Идил бўйидаги Уртўбага келиб тушди. Бу ер Тўхтамишхоннинг ёзги Қароргоҳи эди. Дастлаб сайхонликнинг ҳамма ери бемалол кўриниб турадиган қулай жойга Соҳибқироннинг тилла ипларда тикилган чиройли кўчма чодир, унинг ёнига маликаси Чўлпон оқа бегим ва канизакларига мўлжалланган гўзал чодирлар тикилди.

Амир Темур чодирдан унча узоқ бўлмаган унинг атрофларида Бош қўмондон, қўмондон ва саркардалар мингбоши, юзбоши ҳамда ўнбошилар чодирлари тикилди. Улар атрофида қаҳрамон жангчилар ўрнашдилар. Сўнгра катта томошагоҳ майдонига жой қолдирилиб, баҳодир, паҳлавон жангчиларнинг чодирлари айлана ҳосил қилиб тикилди. Бу ишлар охирига етгач, Амир Темур чодир олдига Тўхтамишхоннинг Уртўба ва жанггоҳ майдонида қўлга олинган тилло, кумуш, ноёб жавоҳир,

гавҳар ва қимматбаҳо тошлардан тайёрланган нодир ва бебаҳо буюм ўлжалари катта хирмон қилиб тўкилди. Ундан ташқари Олтин Ўрда ва Дашти Қипчоқнинг саркарда, қўмондонлари, сарой вазирлари, амалдорларга қарашли сурув-сурув қўйлар, моллар, биялар, тулпорлар подалари, ҳисобсиз туяларнинг ҳисобини олиш, рўйхатини Соҳибқиронга олиб кириш тадбири бир неча кунларни олди. Аввалда ғалабадан олдин Амир Темур ўлжаларнинг барчасини голиб жангчиларимга тақсимлайман, дея ваъда берган эди. Лекин бу бойликлар ҳаддан ташқари кўп бўлгани учун амирлар, саркардалар Соҳибқиронга ўз ҳиссангизни олмасангиз, бу ўлжалар бизга ҳам татимайди, деб туриб олишгач, Амир Темур рози бўлди. Сон-саноксиз ўлжаларнинг учдан икки қисми саркарда, қўмондонлар, амирлар ва жангчилар ўртасида тақсимланди. Қўшинда камбағал ва ўртаҳол одам қолмади. Жанг ишти-

рокчилари барчаси бой ва бадавлат одамларга айландилар. Амир Темур, аввало, жангда мардлик ва жасорат тимсолларига айланган баҳодирлар, паҳлавонлар, саркарда ва амирларга алоҳида ўлжадан ҳиссаларини улашди. Уларнинг суюрғол, тархон мулкларини белгилаб берди. Жангда ҳалок бўлган жангчиларга тегишли ҳақларига дахлдор рўйхатлар тавочилар зиммасига юкланиб, улар марҳумлар ҳиссасини оилаларига етказиб беришга масъул қилинди. Ярадорлар ҳам рўйхат қилиниб, давлат хазинасидан ва вилоят девонларидан маблағлар ажратилди, оиласи, фарзандлари Давлат ҳомийлигига олинди. Қўшинга ёши ўтиб хизматдан озод қилинган кекса жангчилар ўз вилоятлари ҳарбий девон ёки тавочилари ихтиёрига жўнатилиб, маҳаллий ҳокимият тизимларида жангчиларни жанговар руҳда тайёрлашда уларнинг тажрибалари, жанг маҳоратларидан фойдаланиш, уларни доимо моддий ҳомийлик назоратига олиш тўғрисида тегишли кўрсатмалар берилди. Натижада давлатга фидойи хизмат қилган инсонлар давлат ва жамият фамхўрлигини доимо ҳис қилиб ҳаёт кечирдилар. Шу тариқа Амир Темур кекса жангчи ва саркардалар иззат-ҳурматини ўз ўрнига қўйди, уларнинг оилалари қашшоқлик кўрмай ҳаёт кечирдилар.

Ниҳоят, Тўхтамишхоннинг қўлга туширилган ўлжалари тақсимлаб бўлингач, навбат асирларга келди. Маълумки, рус князлари ҳам Қундузча жангида Тўхтамишхоннинг вассал, тобе князлари сифатида салкам юз минглик қўшини билан Олтин Ўрда хони тарафида туриб охиригача Амир Темур қўшинига қарши жанг қилдилар. Уларнинг қўлаб князлари, саркардалари, Тўхтамишхон амирлари, нўёнлари қаторида асир олинган эдилар. Князлар, саркардаларнинг оилалари, аёллари, қизлари жанг бораётган жойдан анча олисроқдаги ўрмонда яшириб қўйилган эди. Амир Темур буйруғига кўра махсус хизматдагилар улар турган жойни аниқлаб, Волга сайхонлиги томошагоҳига олиб келдилар. Амир Темур уларнинг сонини аниқлатганида олти

мингга яқин чиқди. Уларга Соҳибқироннинг топшириғи шундай бўлди: „Мен ғолиб жангчиларимга „Зафар“ тўйи бераман, тантаналар неча кун давом этса, қаҳрамон қўшинимга шунча кун, эрталабдан то кечга қадар, белни маҳкам боғлаб, барчангиз хизматда тургайсизлар. Шундай елиб-югуриб хизмат қилинганки, токи қаҳрамон жангчиларим ҳеч нарсадан камчилик сезмасинлар. Дунёда бундай тўй-тантанани шу кунга қадар ҳеч бир ҳукмдор ҳаёлига келтирмаган бўлсин“.

Сўнгра: „Санъатда, курашда, масхарабозлик, дорўйини, рақсда, чавандозлик, улоқ (кўпкари), шеърхонликда барча лашкарий қисмлар ўз ҳунарини кўрсатсин“, дея Фармони олий бўлди. Қадим эртакларда подшоҳлар қирқ кеча-кундуз тўй берган бўлсалар, Соҳибқирон қирқ беш кун тўй-томоша беришга аҳд қилди. Амир Темурнинг ўзи ҳеч ким ўйламаган тўёна билан иштирок этиб, „Зафар“ тантанаси саҳна асарини қўядиган бўлди. Тўхтамишхоннинг асир олинган саркардаларидан бирига Тўхтамишхон ролини ўйнашни топширди. Амир Темур саҳналаштиришнинг боришига доир ишларни бажаришни ўз зиммасига олди.

Тўхтамишхоннинг Амир Темур ҳузурига қочиб келиб, тутинган ўғил қилиб олишларини зорланиб илтижо қилганлиги, отаси Тўйхўжани Ўрусхон қатл қилгани ва унинг қасосини олиш учун қўшин беришини сўраб Соҳибқирон оёғига йиқилишлари, тутинган ота хизматида умр бўйи содиқ қолиб, қасам ичиш эпизодларини мўғул саркардаси (шу дамларда эса асир — Тўхтамишхон ролидаги „актёр“) га юклатилди. Шуларни катта саҳна орқали ҳаққоний ижро этиш жангчиларга бу урушга ким сабабчи бўлганлигини яққол тасвирлаб беради. Амир Темур асир олинган Русь, Дашти Қипчоқ, мўғул саркардаларига мустақил ижро этиладиган ролларни тақсимлаб берди. Ролларни ижро қилаётганда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларнинг моҳияти ва мазмунини яхши очиш, ижронинг ҳаётийлигини таъминлаш учун саҳна воқеаларининг бо-



ришига қараб най ва ғижжак, қубиз, думбира, шунингдек, дашт ва чўл қабил ва қавмлари мусиқий асбоблари ижроси таъминланарди. Амир Темур Тўхтамишхонни Дашти Қипчоқ ҳукмдори қилиб тайинланганлик фармонини ўқиб бериш орқали саҳна воқеалари бошланадиган бўлди. Тўхтамишхонни Дашти Қипчоқ элига хон қилиб тайинлаш тўғрисида Фармони олий: „Дашти Қипчоқнинг хони Ўрусхон тахтидан азл қилинганлиги муносабати билан фарзанди аржумандимиз Тўхтамишхон ўғлон Дашти Қипчоқ ҳукмдори қилиб тайинлансин. Унга бизнинг номимиздан Жўжи улусига дахлдор ерларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳарб ишларини тўла идора қилиш ҳуқуқи берилади.

Бож-хирож, солиқдан тушган даромадларнинг бир қисмини дориссалтана Самарқандга йилда икки марта белгиланган вақтда жўнатиш ҳам Дашти Қипчоқ ҳукмдори зиммасидадур“. Бу Амир Темур томонидан Тўхтамишхоннинг тахтга чиқишини ифодалар эди.

Фармони олий хижрий 788 йил шаввол ойининг ўн еттисидида битилди.

Соҳибқирон Амир Темур муҳри билан муқаррар этилди.

Дориссалтана Самарқанд.

Амир Темур Тўхтамишхоннинг манманлик, жиззакилик, қасамхўрлик ва ҳаволанишга мойиллик хусусиятларини, ўзига бино қўйган ҳукмдорлигини очадиган феъл-атворларига доир мисолларни кўрсатиш ва очиш учун унинг ролини ижро қиладиган „ҳукмдор-артист“га эпизодик деталларнинг аниқ таърифини берди. Шулардан бири Русь князларидан Рязань, Владимир, Киев, Тверь, Владимир-Суздаль, Полоцк ва бошқа князларни тавбаларига таянтириб, Тўхтамишхон уларга Қундузча жанги олдидан қасам ичиргани учун Амир Темурга қарши охиригача жонини жабборга бериб жанг қилишга уларнинг ваъдасини олди. Соҳибқирон қасам ичириш эпизодик саҳна кўри-

нишини асир олинган рус саркардаларидан воқеа қандай рўй берган бўлса, шундай ижро этишни қатъий талаб этди. Ҳақиқий саҳна кўринишини намойиш этишдан олдин саҳна машқ жараёнини (репетиция) Амир Темур шахсан ўзи кўришини таъкидлади. Бу кўринишда Тўхтамишхоннинг даҳшатли ҳукмдор сифатидаги қирралари ўзини намоён эта оларди: Тўхтамишхон Қароргоҳига рус саркардалари ва уларнинг епископлари ҳамда Москва митрополити жам қилинади.

Христиан олий руҳонийлари муқаддас Инжил китобларини пешаналарига теккизганча Тўхтамишхон олдида тиз чўкиб, Олтин Ўрда ҳукмдорининг қўйидаги сўзларини қулоқларига қўрғошиндек қўйиб олишлари талаб этилди. Тўхтамишхон: „Биласизми, Ботухон бобом сизларнинг боболарингиз, яъни ўн бешга яқин Русь князларининг бўйсунуш қасамларини шу тариқа қабул қилган. Мен, Олтин Ўрда Улуғ хони Тўхтамишхон, боболаримнинг бир юз элик йил илгариги анъаналарига риоя қилиб, сизларнинг менга қанчалик содиқлигингизга яна бир бор илоҳий китобларингиз гувоҳлигида ишонч ҳосил қилмоқчиман. Қолаверса, шуни эслатайки, Русь князлари, мен сизларга машҳур князингиз Дмитрий Донскойдан енгилган Олтин Ўрда хони Мамайхон эмасман. Куликовадаги оламга жар солиб қичқирган ғалабангизни 1382 йил Москва билан қўшиб кулини кўкка совуриб ташладим. Ўзларингиз бунга гувоҳсиз. Шунинг учун Амир Темурга қарши курашда менга садоқатингизни исботлашингизни кўрмоқчиман“. Шунга кўра Олий руҳоний ва Русь князлари Тўхтамишхоннинг кўр тўкиб ўтирган кўчма тахти олдида келиб тиз чўкиб, ҳар бир князь навбати билан уч бора олампаноҳ Тўхтамишхонга содиқ қулман, тобеман, жанг давомида ҳам шу сўзимга собит ва содиқман, дея унинг оёғига бош қўйиб, пешанасини босиши лозим эди. Бу эпизод қайта машқ қилинади. Амир Темур саҳна машқидан қониқиш ҳосил қилди. Шу кеча Соҳибқирон эртага бўладиган саҳна кўриниши устида бош қотирди.

Ўлжа олинган Русь князлари ва Олтин Ўрда ҳамда Дашти Қипчоқ муғул қўшинлари байроқлари, туғ ва туғролари асир олинган қисмларга тарқатилиб, улар жанг олдидан Қундузча жанги майдонида қандай саф олган бўлсалар, шундай сафга тизилиши лозим эди. Фақат асирларга жанговар қилич ва найзалар ўрнига ёғоч қилич, учи тўмтоқ таёқ берилди. Қалқон, жанговар ҳарбий кийимлари ўз ҳолида қолиб, уларни кийишларига рухсат этилди.

Амир Темур ҳам ўз жангчиларидан жангда қандай бўлса, шу ҳолатда „ясол“ тузишни маъқул кўрди. Фақат унинг жангчилари асл жанговар қуролларда жанг қилиб, Тўхтамишхон қўшинларини азалда бўлганидек Идил дарёси тарафига чекинтириб, сўнгра қочишга мажбур қилиши лозим эди. Бу қочишда Идил дарёсини кечиб ўтган асирларга эса озодлик инъом қилинадиган бўлди. Бироқ Идилни кечиб ўтиш ҳамманинг қўлидан келадиган иш эмасди. Амир Темур Тўхтамишхон қўшинининг бу чекинишини отида туриб, саркарда ва Қароргоҳ аъзолари билан томоша қилиб ҳордиқ чиқаргиси келди.

Амир Темур яна бир эпизодни саҳна томошасига киритди. Бу Русь князлари, саркардаларининг асир олиниши ва улар билан, яъни ғолиб ва мағлуб томонларнинг учрашуви жараёни эди. Унда Амир Темур уларнинг насл-насаби, оилавий ҳолати, Соҳибқирон тўғрисида уларнинг тасаввурлари ҳақида суҳбат ўтказадиган бўлди. Унда Қозон татарлари таржимонлик қилдилар. „Агар Тўхтамишхон қутқусига учмаганларингизда, — дейди Соҳибқирон Амир Темур, менинг Русь князларига ва халқига нисбатан бирон ғаразим йўқ эди. Олтин Ўрданинг душманлиги ва сиз Русь князларининг Тўхтамишхонга иттифоқчи бўлиб, менинг қўшинимга қарши ғанимлик жабҳасида турганлигингиз мени Русь ерларида ҳарбий сафар қилишга мажбур қилди.

Оқибати мана сизлар менинг асиримга айланиб, сизларга ҳам мағлублик муҳримни босишимга ўзларингиз мажбур қилдингизлар. Мен сизлар-

нинг ҳатто мушугингизга ҳам пишт демадим. Буни қайси бир Русь князи ва саркардаси рад қилади? Айтинглар! Ҳаммамиз ҳам ҳарб кишиларимиз. Бу хусусда сиз Русь князлари, қаттиқ хатога йўл қўйдингиз, оқибати эса кўриб турганингиздек ачинарли аҳволдасизлар“.

Сайхонлик майдонидаги саҳнада жанг майдонининг ўзидагидек ғаним қўшинлари юзма-юз саф оладиган бўлди.

Бунақа ҳарбий кўринишдаги театрлашган томошани дунёнинг ҳеч бир мамлақату салтанатларида ҳеч ким уюштира олмаган эди. Шунини таъкидлаш керакки, Амир Темур тарихидан яхшигина хабардор бўлган И.В. Сталин Гитлер Германиясининг тор-мор этилиши ва Қизил Армия ғалабасига бағишлаб 1945 йилнинг 24 июнь куни худди Соҳибқирон Идил дарёсига яқин сайхонликда ўтказган ғалаба тўйига замонавий тус ва ҳашам бериб, ғалабани Кремль майдонида ҳарбий тантанали парад ҳолатида нишонлашни лозим топди. Амир Темур бобокалонимиздан нусха кўчириб, Сталин Гитлернинг Берлин Қароргоҳида ўрнатилган Бош байроғи ҳамда немис қўшинларининг армия ва дивизиялари байроқларини Кремль девори остонасига ташлаттирди (Соҳибқирон Тўхтамишхон Бош байроғи ва йирик саркардаларининг байроқларини тантаналар чоғида Қароргоҳи олдига ташлаттирган эди).

Гарчи жини ёқтирмаган бўлса-да „Кремль даҳоси“, дўппи тор келганда буюк саркардаларимиз Жалолиддин Мангуберди ва Соҳибқирон Амир Темур бобокалонларимизнинг ҳарбий санъат стратегиясига мурожаат қилиб, Россиянинг юраги бўлган (Ленинград) Санкт-Петербург ва Москвани сақлаб қолди. Ҳарб санъати юлдузлари — буюк аждодларимизнинг ҳарбий стратегия ва тактикасини қўлаб (Сталинград) Волгограддан Берлингача бўлган жангларда (Иккинчи жаҳон уруши фронтларида) ғолибона бурилиш ясаган ҳам эди.

Аммо на 1941 йил 7 ноябрдаги парадда (гарчи



тарихда ўтган рус саркардаларига олқиш ёғдириб хотирасини ёд қилса ҳам), на 1945 йилги ҳарбий парадда ғалабага ҳарбий тактикаси билан катта ҳисса қўшган, бизнинг халқ қаҳрамонларимиз бўлган буюк аждодларимиз Жалолиддин Мангуберди ва улур саркарда Амир Темури номлари мутлақо тилга олинмади. Байналмилал тарбия ва мафқурани Бош байроғига шиор қилган Сталиннинг агар тили билан дили бир бўлганида эди, бизнинг юқорида қайд этилган иккала буюк аждодларимизни (Жалолиддин Мангуберди Русни Чингизхон ҳужумидан 1223 йил май ойида ва Амир Темури 1391—1395 йиллар Тўхтамишхон вассаллигидан қутқариб қолган эдилар) алқаб, хотираларини ёд этганида тарих ҳақиқатидан асло чекинмаган бўлур эди. Аммо Кремль „дахоси“ яхшиликка ёмонлик билан жавоб бериб, улар устига бўҳтон ва қаҳр чизигини тортди. Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темуридек халқ қаҳрамонларини Шўро тузуми мафқуравий тарғиботчилари, тарихчи, адабиёт намояндаларига хоҳлаганларича таҳқирлаш, ёмонотлиқ қилишга махсус ва махфий кўрсатма берди.

Халқимиз Жалолиддин Мангуберди ва Соҳибқирон Амир Темури отларининг дупури ва баҳодир аждодларимизнинг суронли жанг майдонларидаги ҳайқириқлари акс садолари ҳамда мустақиллик берган ўзликни англаш имкониятлари билан уйғонди. Жасоратда тенгсиз бобокалонларимиз бизга Мустақил Ватанни ғанимлардан қандай ҳимоя қилиш йўл-йўриқларини сабоқ учун қолдириб кетдилар. Эндиги масала уларга муносиб садоқатли ворис бўлиб қолишдир.

Амир Темури бобокалонимиз ҳарбий ватанпарварлик тарбияси мактабини яратди, уни маънавий меросимизнинг ажралмас таркибий қисмига айлантириб, келажак авлод меросхўрларига бой хазина қолдириб кетди.

Амир Темури лашкарининг мириқиб дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун, ғалаба тантанасини шуқуҳли, маҳобатли ўтказиш учун ҳеч нарсани аямади.

Уч кунлик жанг учун олти ойга яқин йўл азоблари, айниқса, Қундузчадаги қиргин-барот жангида ҳар лаҳзада ўлим билан юзма-юз туришлар, руҳий-жисмоний зўриқишлар буларнинг барчаси қўшилиб, жангчиларнинг кўплари ухлай олмаслик, қўрқинчли алаҳсираш ҳодисасидан азобланарди. Табиблар жангчиларни бу руҳий зўриқиш ҳолатларидан халос этмасалар, жангчиларнинг анчаси руҳий касалликка учраши эҳтимоли ва аломатлари борлигини Соҳибқиронга етказишди. Амир Темури пир Саййид Баракадан руҳсат олиш учун ягона йўл гарчи шариат талабларига кўра, шунингдек, ҳарбий интизом бўйича ҳам лашкарнинг шароб ичиши қатъий тақиқланган бўлса-да, уни шифо учун озгина истеъмол қилишга розилик беришини сўраб, бу биринчиси ва охиригиси бўлишига қатъий ваъда берди. Шу тариқа маст бўлмаслик шарти билан ва руҳий зўриқишга барҳам бериш миқдориди кайфиятни кўтариш учун шароб ичишга руҳсат олинди. Пир Саййид Барака тиббий дори ўрнида истеъмол қилиш шарти билан розилик берди.

Дашти Қипчоқдаги Тўхтамишхон амирлари, вазирлари, сарой амалдорлари, Олтин Ўрда зодагон бойларига қарашли сурув-сурув қўйлар, моллар ва йилқилар юзлаб дошқозонларга солиниб, турли-туман овқатлар тайёрланди. Жангчилар қувватга киришлари учун ҳамма нарсалар сафарбар этилди. Санъатқору ҳофиз ва машойихлар тўю томошанинг кўркига кўрк қўшдилар.

... Ғалаба тантаналарининг раппа-расо 26-куни қимматбаҳо тўёналар билан Тўхтамишхоннинг элчилари бошларини эгган ҳолда майдонга кириб келдилар ва ғалаба билан Соҳибқиронни табрик-лаб, Тўхтамишхоннинг мактубини Амир Темурига топширдилар. Мактубда Олтин Ўрда хонининг кўрнамаклик қилиб, тузлуққа тупургани ва осий банданинг ишини қилгани, бунинг учун ғоят пушаймон эканлиги, яна бир марта бағрикенглик билан унинг гуноҳлари устидан афу чизигини тортиб, сояи давлатлари паноҳига олсалар ва Олтин Ўрда-



ни ҳадя қилиб берсалар, умрбод тобелик хизматини елкасига олиб, асло хиёнат ботқовига ботмай, Соҳибқироннинг отган ўқлари бўлиши, унинг ғанимларига қарши омонсиз курашга тайёрлиги ифодаланган эди.


Соҳибқирон Амир Темур Тўхтамишхон элчиларининг иззат-ҳурматини ўрнига қўйиб, қимматбаҳо тортиқлар билан сийлади. „Биз ҳеч қачон Олтин Ўрда хонига ёмонлик қилган эмасмиз, отаси қилмаган, қила олмаган яхшиликларни қилдик. Уни Ўрисхоннинг бир неча қатлидан сақлаб қолдик, аммо бу яхшиликларни у фақат ёмонлик билан қайтарди. Майли, бу сафар ҳам кечирамиз. Бизга тўсиқ ва

ғаним бўлишни қалбининг туб-тубидан чиқариб ташласин. Ўзининг куч-қудратига тўғри баҳо беришни ўргансин. Ана ўшанда ўзига жабр бўлмайди. Аммо яна кўрнамаклик қилиб, яхшилигимизни унутадиган бўлса, унда ўзидан кўрсин. Ана шуларни оқизмай-томизмай хонингизга етказинглар. Энди бу ёғига ақл билан иш тутсин“. Соҳибқирон шундай деб, элчиларнинг жўнаб кетишига рухсат берди. Тўхтамишхон ҳозир қаерларда тентираб юрганлигини Амир Темур бир оғиз ҳам қизиқиб сўрамади. Шу билан Олтин Ўрда масаласи бир неча йиллар Амир Темур ташқи сиёсатининг кун тартибидан тушди. У қаттиқ шикаст топган эди.





БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ ТИКЛАШ ЙЎЛИДА ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАР



МУЗАФФАР ҚЎШИН САЛТАНАТ ПОЙТАХТИ САРИ ОТЛАНДИ

Амир Темур 1390—1391 йиллар давомидаги Шарқ ва Шимоли-ғарбга қилган ҳарбий ҳаракатларида кўзда тутган мақсадларига асосан эришди. Доимо йўлига ров бўлаётган Анқо тўра, Хизрхўжа Ясовурий ва Қамариддин каби фанимларини Мовароуннаҳрдан узоқлардаги тоғу тош ва чўл-биёбонларга қараб қочишга мажбур қилиб, улар аҳволини танг қилди. Мўғулистоннинг анчагина ҳудудларида ўз таъсирини ўтказди ва тобелигини ўрнатди ҳам. Иккинчидан, Олтин Ўрда хонлиги анча вақт ўзига келолмайдиган даражада майиб-мажруҳ қилинди. Шу боис салтанатга шимоли-ғарб ва шимоли-шарқ томондан доимо таҳдид қилиниб келинган босқинчилик ҳаракатларига анча чек қўйилди.

Шу вазифаларни муваффақиятли бажарган Соҳибқирон қўшини Идил дарёси бўйида куч-қувватини тиклаб олгунча, шунингдек, ҳатто ярадор жангчилар ҳам оёққа тургунча ҳордиқ чиқариб, сўнгра пойтахт Самарқанд шаҳри сари юзланди.

Ниҳоят, бепоён чўл-биёбонлар оша минглаб чақирим йўл юриб, милодий 1391 йил октябрнинг 15-куни голиб қўшин Ўтрор қалъасига кириб келди.

1392 йил баҳорида табиат ўзининг кўрку тароватини намойиш қилиб, чарчаган таналарга дилхушлик ҳадя этишни бошлаган кунларида, Сайхунни кечиб ўтиб Самарқанд томон йўл олдилар. Ипор қўриғига етганда Соҳибқирон набираси Пирмуҳаммад Мирзони қўшини билан Афғонистон сари жўнашига буйруқ берди. Шу билан XI асрда ғазнавийларга мутлақ итоат қилган Кобул, Ғазна ва Зобулистон Пирмуҳаммадга мулк қилиб берилди.

БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ ТИКЛАШ САРИ

Амир Темур Буюк ипак йўлини тиклашнинг Жануби-ғарбий Осиё йўналиши бўйлаб издан чиққан иқтисодий муносабатларни йўлга қўйиш учун беш йиллик юриш ҳарбий режасини амалга оши-

Пирмуҳаммад Мирзога ўша ўлкаларни бошқаришда ёрдам бериш учун ўнга яқин амирларни Сулаймон шоҳ бошчилигида амирзода ихтиёрига берди. Сўнгра Соҳибқирон қўшинни оёққа турғазиб, пойтахти сари илгарилади. Ниҳоят, узундан-узоқ йўллари орқада қолдириб, Кониғилга келиб тушдилар. Буни эшитган Сароймулкхоним ўз канизақлари билан бу ерга етиб келди. Салкам уч йиллик айрилиқдан кейин Соҳибқирон бу маликасини кўриш ва учрашиш бахтига муяссар бўлди. Сароймулкхоним ҳам ҳукмдорни интиқ бўлиб кутарди. Сўйган инсонларнинг дийдорлашувидан ортиқ шодлик борми, бу дунёда.

Сароймулкхоним ташаббуси билан Пирмуҳаммад Мирзо ва Рустам Мирзоларнинг никоҳ тўйларини ўтказдилар. Улар Ғиёсиддин Тархоннинг қизлари билан никоҳландилар. Тўйга тўй уланиб Абу Бакр Мирзо Амир Сайфуддин қизи Робия бегимга никоҳланади. Шу билан Амир Темур тўй ва салтанат масалаларида фаолият кўрсатиб, уч ой вақтини Самарқандда ўтказди. Аммо мамлакат ички ишлари сиёсатини тегишли Вазир ва Девонлари ихтиёрига топшириб, „Тузуқлар“ қондаларига қатъий амал қилишни талаб этгани ҳолда Соҳибқирон бутун диққат-эътиборини ташқи сиёсатда Осиёнинг жануби-ғарбий ҳудуд мамлакатлари билан бўладиган муносабатларга қаратди. Амир Темур олдида жуда катта миқёсли сиёсий ва ҳарбий вазифаларни ҳал қилиш турарди. Булар Амир Темурдан жуда узоқни кўзлаган дипломатик маҳорат, ақлли ва доно сиёсат, зарур ҳолатларда эса шиддатли ҳарбий ҳаракатлар олиб боришни талаб қиларди.

ришга киришди. Бу режа 1392—1396 йиллар давомида эгалланиши лозим бўлган ҳудудларни ўз қамровига олди. Унга Ғарбий Эрон, Ироқи Ажам, Кавказга қилинадиган юришлар киритилди. Бу



юриш бошланишида яна бир омил бор эдики, ушбу қайд этилган ҳудудлар фуқаролар вакиллари маҳаллий ҳоким ва ҳукмдорлари жабр-зулми, қароқчилар ҳаракатларидан безор бўлган ва натижада Амир Темурдан нажот кутар эдилар. Энг асосийси Жануби-ғарбий ва Шимоли-ғарбий Осиё томонидан ўтадиган Буюк ипак йўлида Чингизхон ва чингизий ҳукмдорлар босқини туфайли уч қитъа ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар бутунлай издан чиққан эди. Буни қайта тиклашдек оғир ва мураккаб вазифалар ҳам Амир Темур олдида кўндаланг турарди. Бу эса Соҳибқиронни уч қитъа савдо алоқалари ва иқтисодий интеграциясини вужудга келтириш учун жанговар ҳаракатлар сари ундади. Шунга қўра, бу йўлдаги барча тўсиқларни олиб ташлаш вазифаси Соҳибқирон зиммасига тушди. Бу оғир вазифа беш ва етти йиллик юришлар давомида бажарилди.

Шу тариқа биринчи босқичда Амир Темурнинг ҳарбий фаолиятига дахлдор беш йиллик юриши бошланди. 1392 йил 23 июнь куни қўшин Бухоро сари йўлга чиқди. Илғор қўшин Жайхунга, асосий қўшин эса Амир Темурнинг ўзи бошчилигида Бухорога яқинлашганда Соҳибқироннинг аҳволи тўсатдан оғирлашиб, тўшакка михланиб қолди. Бу жой Жўйи наҳр манзили эди. Қўшинда саросималик бўлмаслиги учун касаллик сир тутилди.

Табиблар пешвоси Муҳаммад Табризий бор маҳоратини ишга солиб, энг яхши доривор ўсимликлардан қайнатмалар тайёрлатиб, кеча-кундуз Соҳибқирон ёнидан жилмади. Ўн етти кун деганда, Амир Темурда соғайиш аломатлари юзага келиб, ўрнидан турди. Орадан бир ҳафта ўтиб, Соҳибқирон асли ҳолатига қайтди. Сафарни давом эттириш имкониятига эга бўлди. 27 июлда қўшин Амуя манзили томон жўнади.

1392 йилнинг 11 сентябрида қўшин Астрободга кириб келди. Жўржон дарёси бўйида тўхтаб, чодирлар тикилди. Астробод вилоят ҳокими Пир подшоҳ Амир Темурни меҳмондўстлик билан кутиб олди ва

Соҳибқиронни хурсанд қилиш учун қўлидан келган ҳамма имкониятларни ишга солди. Амир Темур унинг садоқатидан мамнунлигини билдирди.

Сўнгра қўшин Астрободни тарк этар экан, йўлда жуда катта ботқоқлик ва қамишзорга дуч келди. Бутун қўшин пичан ўриш билан шуғулланди ва атроф аҳолиси ҳам қамиш ўришга жалб этилиб, ботқоқзор устидан йўл очилди. Сўнгра қўшин Омуга қараб йўлга тушди. Унга яқин қолганда қалъага дуч келинди. Қалъага элчи жўнатилади, аммо Соҳибқирон шартларини рад қилиб, ҳоким жанг яловини кўтарди. Қаттиқ қамал жанги бошланди. 1392 йилнинг 19 октябрида қалъа оқ байроғини кўтаришга мажбур бўлди. Шарт шу бўлдики, ҳоким ва саййидзодалар оилаларидан бир фарзанд гаров учун Самарқандга жўнатилиши лозим эди. Бу қўшин жўнаб кетгандан сўнг исён туғи кўтарилмаслигига кафолат эди.

1392–1393 йилнинг қишида Амир Темур Форс ва Ироқни бўйсундиришни мўлжаллади. Навбатдаги юриш янада оғир кечишини назарда тутган Соҳибқирон қўшинда бир оз ўзгариш қилди. Қоровул ва манғлай қисмларнинг аввалгисига нисбатан жанговарлигини кескин оширди.

Амир Темур Форс ва Ироқи Ажам ҳамда уларга қўшни бўлган мамлакатларга ўз одамларини жўнатиб, албатта яқин орада ўз қўшини билан бу ерларга етиб келишининг хабарларини шаҳар ва қалъа ҳокимларига етказишни топширди. Бунинг билан чекланмай, мингбоши, туманбоши ва амирларига қайси бир шаҳар ёки қалъа қамалидан олдин тинчлик билан сулҳ тузиб, Соҳибқирон талабига кўнсалар, уларга шафқат қилиб, фақат белгиланган моли омон солиғи жон бошига олиниши билан чекланишини маълум қилишларини талаб қилди. Шунингдек, оддий халққа ўша шаҳар ҳокимлари озор бериб, эзиб, жабр-зулм қилаётган бўлса, ундай зolim ҳокимларни жазолаб, одил, халқпарвар ҳоким ва раисларни тайинлашларини ҳам маълум қилди. Бундай муомала Амир Темурга кўплаб ўлка ва

вилоятларни қон тўкмасдан тобеликни қабул қилиб, салтанат таркибига ўтиш истагини билдиришларига сабаб бўлди. Натижада бундай сиёсат юритилиши Озарбайжон, Луристон, Хузистон, Қазвин, Султония каби шаҳар вилоятларининг тинч йўл билан салтанат таркибига киришини таъминлади. Қалъалардан Ова, Найварогиз, Пилгард, Вуружирд, Наҳованд ва Хуррамобод аҳолиси ҳам сулҳ тузиш билан муаммонинг қон тўкмасдан ечимини топиб, тобеликни ихтиёр этишди. Бироқ шарт ўз кучида қолди, аҳоли моли омон солиғини тўлаши мажбурий эди. Сўнгра Шуштар ҳокими Амир Шамсуддин ҳам Амир Темурга қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини билиб, ўрнатилган тартибда аҳолисидан моли омон солиғи тўплаб берди.

Юқорида тилга олинган вилоят ва шаҳар қалъаларини ўзига тобе этиш давомида тоғу тошларда, чўлларда ўша ҳудудлар аҳолисини талон-тарож қилаётган қароқчи гуруҳлар ва йўлтўсарларни ҳам қуролсизлантириш, жазолаш тадбирлари ҳам Амир Темурнинг анча вақтини олди.

Форс мамлакатини XIV асрда салкам саксон йил музаффарийлар сулоласи (1314—1393 йиллар) — асосчиси Шарафуддин ал-Музаффар (Элхон) идора қилди. Амир Темур бу сулолани Форсга қилган дастлабки юришларида ўзига тобелигини тан олдириб, фақат йилига тўланиши лозим бўлган солиқларни тўлаш шarti билан музаффарийларнинг ҳокимият бошқарувини тугатиб юбормасдан сақлаб қолган эди. Аммо бу шартларга улар амал қилмай, тобора саркашлик йўлига ўтдилар. Оқибат, бу салбий ҳолат Амир Темур ғазабнафратининг алангаланишига олиб келди. Ҳар икки тарафдан кўп талафотлар бериладиган давомли уруш бошланишига сабаб бўлди.

1393 йил 9 мартда Амир Темур Форс мамлакатига қарши шиддатли юришини бошлади. Асосий қўшин лашкари Дамдона сувидан ўтиб 15 мартда Ромхўрмўзга етиб келди. Шу ерда уни Лур ҳокими Отабек Пир Аҳмад пешвоз чиқиб кутиб

олди. Қимматбаҳо совғалар тортиқ қилди. Ўзининг Соҳибқиронга содиқлигини билдирди. Унинг сулҳпарварлик сиёсатидан кўнгли тўлган Соҳибқирон ўз қўшинини яна олға сурди.

Амир Темур Саҳройи Зумра, Оби Арғувон, Хуббихон, Шуштар Кажҳавас каби қалъа ва мавзеларни эгаллаб, 1393 йил 23 мартда Сафед қалъаси остонасига етиб келиб, қўшинини тўхтатди. Бу ердаги қалъа қутволи Шоҳ Мансур томонидан қўйилган Саодат исми киши бўлиб, у тўғрисида олинган маълумотларга кўра ўта баджаҳл ва қайсар эди. Сулҳ тузиш тўғрисидаги элчи таклифларини эшитгиси ҳам келмади. Элчи тушунтирмоқчи бўлиб: „Соҳибқирон Амир Темур қўшини билан асло тўқнаша кўрманг, Сиздан ўн баробар қудратли кучларни неча бор тор-мор этган. Сизга маслаҳатим, энг тўғри йўл, бу сулҳ тузиб, тобеликни қабул қилиш, шунда бошингиз, молингиз, қолавера, қалъа аҳли ҳаёти ҳам омонлик гаровини топади, акс ҳолда, Худо кўрсатмасин, ёмон бўлади“, деди. Қутвол: „Ундай бўлса фалокатдан ўзинг сўз очдинг, уни ўзингдан бошлаганим бўлсин,— дея қалъа деворига чиқариб,— отинг билан юриб келдинг, сени Амир Темурнинг томонга қушдек учуриб парвоз қилдирганим бўлсин“, деб қалъа деворининг минораси устидан улоқтиришга буйруқ берди. Элчисига бундай шафқатсизликнинг қўлланилишини кутмаган Соҳибқирон дарҳол қалъани камал қилиб, қутвол Саодатни тириклайин олдига келтиришни буюрди. Икки кунлик жангдан кейин қалъа эгалланди. Қутвол Саодат ва унинг ёрдамчилари Амир Темур ва Султон Маҳмудхон ҳузурига келтирилди. Отдан тушса-да, узангидан тушмаган қутвол ўзини мардларча тутишга интилиб, Амир Темурнинг: „Элчини нега ўлдирдингиз?“ — деган саволига: „Агар сен бўлсанг, сени ҳам шундай қилардим“, дея кўрслик билан жавоб қайтарди. Соҳибқирон Султон Маҳмудхонга юзланиб: „Бу жавобга не деюрсиз хоқонимиз“, дея мурожаат қилди. „Бу одам ўзини жуда осмону фалакда ҳис қилар экан. Орзусини амалга



ошириб, мавқеига яраша парвоз қилдирамиз, не илож". Ясовулбошига Сафед қалъаси яқинидаги тоғ чуққисини кўрсатиб имо қилди. Элчидан кейин Саодат ундан кўра ҳам юксакликдан парвоз қилиб, у дунёга равона бўлди. Элчи учун шундай қасос олинди. Одил ва мард ҳукмдору ҳокимлар ҳеч қачон элчи зотини ўлдирмаганлар. Аммо қутвол Саодат бу халқаро ҳуқуқни заррача ҳурмат қилмаганлиги учун унга ҳам аччиқ ўлим шарбати сийлов қилинди.

Сафед қалъасига биринчи бўлиб ёриб кирган, жангларда шердек олишиб жасорат кўрсатган Малик Муҳаммад Сафед қалъаси ҳокимлигига тайинланди.

Қўшин яна йўлни давом эттириб, 1393 йил 25 мартда Жуям мавзеига келиб тушди, қўшинга шу ерда дам олишга рухсат берилди.

Шу ердан Шоҳ Мансурнинг қаердалиги ва унинг тахминан қанча миқдорда лашкарий кучлар тўплаганлигини аниқлаш учун тўрт тарафга хабаргирлар жўнатилади. Улар берган маълумотга кўра, Шоҳ Мансур Шерозда туриб Форснинг барча тарафларидаги кучларини шошилиш тўплаётганлиги аниқланди. Айниқса, асосий кучи ҳисобланган суворийлари ва отларигача зирҳли жанговар ёпинчиқлар билан муҳофаза қилиниб, ғалаба қилишларига шубҳа қилмай ишонч билан жангга тайёргарлик кўраётганлиги маълум қилинди.

Амир Темур қўшинни Шероз тарафга йўналтирди. Шероз остонасига етиб келиши биланоқ икки тараф қўшини жангга кирдилар.

Негадир шу сафар Соҳибқирон Амир Темур ўз Қароргоҳини ҳимоя қилишга унчалик эътибор қилмай, қоровул қўшин қисмларини ҳам жангга киритиб юборган эди. Натижада, буни кўриб турган Шоҳ Мансур бутун жисми зирҳли жанговар кийимлар билан ихоталанган катта кучларини яшиндек олға бошлаб, Амир Темур Қароргоҳига бостириб кела бошлади. Соҳибқироннинг асосий қўшини Қароргоҳидан анча узоқроқда алақачон шиддатли жанг

олиб борар, Шоҳ Мансурнинг Амир Темур Қароргоҳига энг ишончли ва сараланган ҳарбий қисмини ҳужумга ташлаганлиги Амир Темур аҳволини қаттиқ хавф остида қолдирди. Бунинг устига-устак Соҳибқирон захира қўшинининг орқа томонидан ҳужум қилган ғаним қўшини захира қўшиннинг Қароргоҳ билан алоқа қилиш имкониятини қарийб йўққа чиқарган эди. Бу эса Қароргоҳнинг жуда камчил бўлган қоровул қисми ва Амир Темурнинг ҳаётини бутунлай хавф остига қўйди. Энди Шоҳ Мансур Соҳибқиронни ўлимдан қочиб қутула олмайди, дея қаттиқ ишонарди. Негаки, уч юзга яқин паҳлавон зирҳли суворийлар билан ўн беш Турон баҳодирининг тенгсиз олишуви оқибати нима билан туташи барчага аён. Ҳар қандай марду майдон баҳодирнинг ҳар бири ўн-ўн беш ғаним ботир суворийлари билан қанча вақт бардош бериб олишишлари мумкин? Амир Темурнинг шахсий соқчилар гуруҳи мисоли арслондек олишдилар. Улар Соҳибқиронни доирасимон шаклда зич бўлиб ўраб олар экан, мислсиз жанг қилдилар. Аммо селдек келаётган душманнинг кучини тўсиб қолиш тобора оғирлашиб, улар жасоратнинг ҳамма қирраларидан охиригача фойдаланиб, бурчларини ўн баробар бажариб, бу олишув чоғида ўнга яқин баҳодир жангчилар жон бердилар. Туришга мажоли келмаган ярадорлар эса чуқкалаб туриб, ярадор ҳамда қонларига беланганича курашгани мардона давом эттирдилар.

Амир Темур ҳалокат комига тушишига бир баҳя қолиб турарди. Унинг ўзи ҳам сийраклашиб қолган шахсий қоровуллари сафида туриб жангга киришдан ўзга иложи қолмади. Шоҳ Мансурнинг паҳлавон жангчиларидан бири Амир Темурга ён томондан ҳужум қилиб, унга ташланди. Бу вақтда Соҳибқирон олд томондан қилич кўтариб ҳужум қилаётган паҳлавон ғаним жангчиси зарбасини даф қилиш билан банд эди. Нақ Амир Темурнинг бўйни бўйлаб йўналган ғаним қиличи зарбини Одил Ахтачи қайтариб қолди. Сўнгра тирик қолиб жангни давом эттираётган Маҳмудшоҳ, Таваккал Бо-

вурчи, Омоншоҳ баҳодир Соҳибқиронни уч тарафдан доиравий шаклда ўраб олиб, шердек олишдилар. Жанг яна шу зайлда давом этса, бу ердаги барча жангчилар жасадга айланиши муқаррар бўлиб, улар энди ўлимни бўйнилариغا олганича, шарафли ўлим топишдан ўзга йўл қолмаганига ишондилар. Аммо чиқмаган жондан умид қабалида иш тутишдан ўзга чора йўқ эди. Ғанимга таслим бўлиб, қилични ерга улоқтиргунча мардона ҳалок бўлиш, бу ҳақиқий эр йигитнинг иши. Ватан, эрк, озодлик учун курашганлар шаҳиддилар. Муқаддас китоблардаги ҳикматлар уларга сўнгги маънавий-руҳий ўлимолди мадад бўлиб, бири иккинчисига елкама-елка туриб жангни давом эттирдилар.

Амир Темури ўзининг Қароргоҳ муҳофазасини кучсизлантириб қўйишдек битта хатоси боис фожиага йўлиқишига бир баҳя қолди. Яхшиямки кимдир Соҳибқирон Қароргоҳидаги даҳшатли воқеалардан хабар топиб, бу ҳақда Амир Сулаймоншоҳга хабар беради. У зудлик билан қўшинларининг бир неча фавжларини олиб шамол тезлигида етиб келади. Соҳибқироннинг Қароргоҳини ҳимоя қилиб жангга киради ва Амир Темурга ҳужум қилаётган Шоҳ Мансур жангчиларини қириб ташлайди. Шу тариқа Соҳибқирон бахтли тасодиф билан фалокатли ўпқон оғзидан омонликда сақлаб қолинишига эришилади.

Бу вақтга келиб, Муҳаммад Султон бошчилигидаги қўшин ғанимларнинг ўнг қанотига қарши шиддатли ҳужум қилиб, уларни тор-мор келтирди. Сўнгра бир неча соатлик шиддатли жанглар натижасида жасур набира душманнинг сўл қанотига ҳам қаттиқ шикаст етказди.

Амир Темури захирада турган Амир Оллоҳдод ва Шайх Нуриддин қўшинларини жангга ташлашга буйруқ берди. Захира қўшин қўмондонларидан Оллоҳдод баронгор томондан ва Шайх Нуриддин эса Соҳибқирон кўрсатмаси билан душман орқа томонидан айланиб ўтиб, Шоҳ Мансур қўшинига зарба бердилар. Шу билан турли томондан ўраб олин-

ган Шоҳ Мансур қўшини ҳалокати муқаррар бўла бошлади. Шоҳрух Мирзо ҳам ёвга қарши бор қўшини билан лашкарини ҳужумга ташлади. Амир Мубашшир захира қўшини ҳужумига қўшилиб, душман аҳволини янада танг қилди. Тўрт томондан ёпирилиб берилган зарбалардан сўнг Шоҳ Мансур қўшини нақ ҳалокат жари ёқасига келиб қолди. Натижада Шоҳ Мансурнинг сафлари бузилиб, қўшинни бошқариши издан чиқди. Энди ким қандай қилиб жонини асраб қолса, шу томондан қуршов ҳалқасининг заиф томонини қидириб, шу тараф сари от қўйдилар. Шу алпозда ит эгасини танимаган ҳолатга туширган ғанимга дунё тобора торайиб, қуршов ҳалқаси аждаҳо, илон ўз ўлжасини сиқувга олгандек торайиб бораётган чоғда ўлганнинг устига тепгандек қабалида форс ҳукмдори Шоҳ Мансурнинг отига бир эмас бир неча ўқ ва найза отилди. Оти бу оғриқ зарбидан қаттиқ кишнаганича ағдарилди ва эгасини ҳам босиб қолди. Шу пайт Амир Соҳибқирон баҳодирларидан бири оти тагидан чиқишга жон ҳолатда уринаётган Шоҳ Мансурга зарб билан тиф тортди. Унинг боши сапчадек узилиб тушди. Бу ишни амалга оширган Лоим баҳодир Қавчин эди. У Шоҳ Мансурнинг бошини хуржунига солди-да, Амир Темури Қароргоҳига олиб бориб яқунланаётган жангни диққат билан кузатиб турган Соҳибқирон пойига хуржунидаги совғани чиқариб қўйди. Амир Темури Қавчин баҳодирга эътироз билдирди: „Яхши иш бўлмабди. Мен унинг билан алоҳида суҳбат қурмоқчи эдим. Агар унинг тиригини олиб келганингда, бу менга энг яхши совға бўларди. Негаки, ўз кучини тўғри баҳоламаган, халқини мураса-мадора билан сақлаб қолиш ўрнига уларни фалокатга судрайдиган ҳукмдорларга сабоқ бериб тарбият қилиш менинг вазифам. Инсонлар хато қилади, кимдир уларни шу хатоларидан тўғри йўл топишига ёрдам беради, эҳ аттанг! Бироқ унинг жасоратомуз, то сўнгги нафасгача кураши таҳсинга лойиқ. Ҳақиқий жангчи ана шундай бўлиши керак“, дея Соҳибқирон ғаними мардлигига қойил қолади.



ФОРС ЎЛКАСИНИНГ ЗАБТ ЭТИЛИШИ

Шоҳ Мансур¹ тор-мор этилгач, Амир Темур Шерозга қараб юрди. 1393 йил 30 мартда Шероз камал қилинди.

Шаҳар ҳокими ва катталарига шаҳар ҳокими хазинасини Амир Темур ҳузурига келтиришни буюрди. Хазина олиб келингач, голиб қўшинга бўлиб берилди. Аҳоли моли омон солиғи тўлаши лозим эди. Шаҳар аҳолиси уни ҳам тўлади. Энди Форс ўлкасининг бошқарув калити нақ Амир Темурнинг қўлига ўтган эди.

Музаффарийларнинг қочиб жон сақлаб юрганлари ҳам охир-оқибат сарсон-саргардон юрганларидан кўра Соҳибқирон хизматига киришни афзал кўрдилар. Шоҳ Яҳё фарзандлари Язддан, Султон Аҳмад² Кирмондан етиб келиб, Соҳибқиронга тобелик изҳор қилдилар.

Шундан кейин Соҳибқирон кенгаш чақириб Форс масаласини қатъий ҳал қилиш учун ҳокимиятни бу юртда яна музаффарийларга қолдириш ва қолдирмасликни кўриб чиқиб, улар ҳокимиятини ниҳоят мутлақ тугатиб юбориш ва Форс мамлакатини амирзода Умаршайх ҳукмига топшириш тўғрисида Фармони олий берди.

Соҳибқирон Форсни тарк этиб кетиш олдидан Шоҳ Мансурдан озор ва зулм чеккан собиқ амалдорларга ғамхўрлик қилиб, мусодара қилинган мол-мулкларини қайтариб берди. Айримларига иқтоъ мулклар инъом этди. Амир Темур турли тарафларга сургун қилинган оилаларни рўйхат қилдириб, ҳар бир оилани ўзлари туғилиб ўсган қишлоқ ва вилоятларига қайтарди. Айниқса, минглаб оилалар Лурдан кўчириб юборилган эди. Соҳибқирон адо-

латни тиклаб, бу юрт аҳолиси орасида ҳурматга сазовор ҳукмдор сифатида яхши ном ва хотира қолдирди. Жабр-зулмга учраганларнинг инсоний, мулкий ҳуқуқларини қайта тиклади.

Амир Темур Форсда ўз ҳолича ижод қилиб юрган олиму фозил ва ҳунар, касбининг машҳур вакиллари, меъморлар, санъаткорларни рўйхат қилдириб, уларни ҳомийликка олиш кафолати билан Самарқандга жўнатди. Уларга яратилган бу ердаги шароитни шунга қадар Соҳибқирондан ўзга ҳеч бир ҳукмдор яратиб беролмаган эди. Улар оилалари билан моддий фаровон ҳаёт кечирар экан, иқтидорли фарзандлари ҳам Олий мадрасаларда таҳсил олиб Амир Темур ва темурийлар даври фан, маданияти ва санъати, меъморчилиги равнақиға ўзларининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Улар ўз ҳолича, ҳар бирлари ўз вилоятларида яшаб ижод қилганларида, бундай етук ижод вакиллари даражасига асло кўтарила олмасдилар. Чунки бу даврда салтанат пойтахти Самарқанд дунёнинг фан-маданияти, меъморчилиги, санъатининг гуллаб яшнашини таъминлашга қодир илму ҳунар, меъморчилик каби соҳаларнинг пешво уламо, фозиллари тўпланган маданият ўчоғига айланиб бўлган ва довуғи оламга таралиб кетган азим шаҳар даражасига кўтарилган эди.

Шу билан Соҳибқирон Форс масаласини ҳал қилиб, Исфаҳонга қараб отланди. Қўшин ва Ўрда 1393 йил 13 майда шаҳар остонасига келиб тушди.

...Шаҳар аҳолиси ва ҳокимлари аллақачон Форсда эришилган Соҳибқирон ғалабаларидан хабардор эди. Шаҳар акобирлари Соҳибқирон Амир

¹ Шоҳ Мансур музаффарийлар сулоласидан Ироқ ва Форс ҳукмдори (1393 йил 26 март) Шероз остонасидаги жангда ўлдирилди. Музаффарийлар сулоласининг сўнгги вакили. Шу билан бу сулола барҳам топди.

² Султон Аҳмад — жалойирийлар сулоласидан. 1336—1410 йилларга қадар Ироқ, Курдистон ва Озарбайжоннинг бир қисмида ҳукмронлик қилган. Султон Аҳмад (1382—1410) собиқ иттифоқчиси Қорақуюнли туркманлар сардори Қора Юсуф билан 1410 йилда бўлган жангда ўлдирилган.

Темурни тантана билан кутиб олиб, уни шаҳарнинг энг гўзал гўшаси „Нақши Жаҳонаро“ боғига жойлаштирадilar. Амир Темур ва унинг яқин одамлари, таниқли саркардаларига нимаики иззат-хурмат қилиниши лозим бўлса, ортиғи билан амалга оширилди. Беш кундан кейин Соҳибқирон Исфохон ҳокимига қатъий кўрсатмалар бериб, шаҳарни тарк этди. 1393 йилнинг 10 июнь куни қўшини билан Ҳамадон шаҳрига етиб келдилар.

Сароймулкхоним ва Туман оқа Ҳамадонда Соҳибқирон ғалабаларига атаб катта тўй берди. Тўйдан кейин Мироншоҳ Мирзони салтанатнинг ғарбий ҳудудлар бўйича ноиби қилиб тайинланганлик фармони эълон қилинди. Ғарб мамлакатлари билан ташқи дипломатик алоқаларни юритиш, элчиларни қабул қилиб, сўнгра уларни Самарқанд сари жўнатиб юбориш ҳам Мироншоҳ Қароргоҳида ҳал этиларди.

Ҳамадондаги тантаналар ва Мироншоҳга юклатилган вазифалар қиёмига етгач, шундан ўн икки кун ўтиб, 1393 йилнинг 23 июнида қўшин ва Ўрду Ҳамадонни тарк этди. Йўл ва сафар асносида шикорга қулай ҳудудларга етиб келинган пайтларда бу машғулотлар ҳам қатъий тартиб ва уюшқоқлик билан ўтказилди. Тадбирлар ниҳояланиб, йўлга отланиш арафасида Амир Темур хабаргирлари Сариқ Усмон сардор бошчилигида туркманлар йирик лашкарий кучларни тоғ дараси икки тарафида пистирма қўйиб, кутиб ётганлиги хабарини етказди. Амир Темур Оқбулоқда тўхтаб, уларни яксон қилишнинг пухта режасини ишлаб чиқди.

Ҳамма иш режа асосида бажарилди. Сариқ Усмон қўшини пистирмаси қўйилган жойга тоғ селикдек икки тарафдан зарба берилди. Бундай ҳужумни асло кутмаган Сариқ Усмон катта қурбонлар бериб зўрға қочиб қутулди. Оила, бола-чақа, хотин-халаж, сурув-сурув қўй, йилқи — барчасини ташлаб қочдилар.

Форс ўлкасини забт этиш учун катта жангу жадаллар олиб борилаётгани ва Соҳибқироннинг

ғалаба кетидан ғалабаларни қўлга киритаётганлиги ҳақидаги бир-биридан ваҳимали хабарлар аллақачон, бундан бир ярим-икки ой олдин Бағдодга етиб борган эди. Эндиги навбат Бағдодга келаркан, қабалидаги шов-шувлар унинг ҳукмдори жалойирийлар сулоласи вакили Султон Аҳмадни ғоят ташвишга солди. Бу ваҳима ва бир-биридан ташвишли хабарларга бардош беролмай тинкаси қуриган Султон Аҳмад Жалойир ўз элчисини Амир Темур ҳузурига жўнатишга мажбур бўлди. Элчи 1393 йил 12 август куни Оқбулоқда турган Соҳибқирон томонидан қабул қилинди. Элчи ислом оламида танилган уламо Бағдод шайхулисломи Нуриддин Абдурахмон ал-Исфароиний бўлиб, уни Амир Темур зўр тантана билан кутиб олди. Амир Темур суҳбат чоғида элчининг диққатини қуйидагиларга қаратди: „Бизку барлос ва жалойирлар қавмлари узоқ даврлардан бери Туронзаминда биродар бўлиб, ҳатто аждодларимиз қуда-анда тутиниб, қариндошчилик ришталари билан бу муносабатларни мустаҳкамлаб келишган. Барлос қавмига ким душман бўлса, бу жалойирлар қавми душмани, дея қаралиб, аждодларимиз уларга қарши биргаликда курашиб келганлар. Аммо элчи жаноблари, мавлоно шайхулислом, Сиз шарият тарафда туриб фақат ҳақиқатни эътироф этиб, масалани адолат посангисида ечувчи зотсиз. Вазифангиз фақат одиллик ва ҳақиқатни ҳар қандай шароитда ҳимоя қилишдан иборат. Шундай экан, менинг ҳам вазифам ҳукмдор сифатида фуқаролар, мўмин-мусулмонларни золимлар чангали, қароқчи ва йўлтўсарлардан ҳимоялаш, уларнинг тинчлиги, осойишта ва фаровон ҳаёт кечиршини таъминлашдан иборат. Одил ҳукмдорлар шу йўлни тутганлар. Аммо Сиз адолат ҳукми томонда турувчи шайхулисломсиз, бироқ шоҳингиз қароқчи, йўлтўсарларни қўллаб-қувватлаб турса, Сиз ҳам уни қўллаб-қувватлайсизми? Мўминлар ҳукмдорлари барчаси халқни қон қақшатиб юрган ўғри-қароқчи ва йўлтўсарларни йўқ қилиш йўлида кучларини бирлаштириб ҳаракат қилишлари керак эмасми, ахир!

Темурни тантана билан кутиб олиб, уни шаҳарнинг энг гўзал гўшаси „Нақши Жаҳонаро“ боғига жойлаштирадilar. Амир Темур ва унинг яқин одамлари, таниқли саркардаларига нимаики иззат-хурмат қилиниши лозим бўлса, ортиғи билан амалга оширилди. Беш кундан кейин Соҳибқирон Исфархон ҳокимига қатъий кўрсатмалар бериб, шаҳарни тарк этди. 1393 йилнинг 10 июнь куни қўшини билан Ҳамадон шаҳрига етиб келдилар.

Сароймулкхоним ва Туман оқа Ҳамадонда Соҳибқирон ғалабаларига атаб катта тўй берди. Тўйдан кейин Мироншоҳ Мирзони салтанатнинг фарбий ҳудудлар бўйича ноиби қилиб тайинланганлик фармони эълон қилинди. Фарб мамлакатлари билан ташқи дипломатик алоқаларни юритиш, элчиларни қабул қилиб, сўнгра уларни Самарқанд сари жўнатиб юбориш ҳам Мироншоҳ Қароргоҳида ҳал этиларди.

Ҳамадондаги тантаналар ва Мироншоҳга юклатилган вазифалар қиёмига етгач, шундан ўн икки кун ўтиб, 1393 йилнинг 23 июнида қўшин ва Ўрду Ҳамадонни тарк этди. Йўл ва сафар асносида шикорга қулай ҳудудларга етиб келинган пайтларда бу машғулотлар ҳам қатъий тартиб ва уюшқоқлик билан ўтказилди. Тадбирлар ниҳояланиб, йўлга отланиш арафасида Амир Темур хабаргирлари Сариқ Усмон сардор бошчилигида туркманлар йирик лашкарий кучларни тоғ дараси икки тарафида пистирма қўйиб, кутиб ётганлиги хабарини етказди. Амир Темур Оқбулоқда тўхтаб, уларни яксон қилишнинг пухта режасини ишлаб чиқди.

Ҳамма иш режа асосида бажарилди. Сариқ Усмон қўшини пистирмаси қўйилган жойга тоғ селикдек икки тарафдан зарба берилди. Бундай ҳужумни асло кутмаган Сариқ Усмон катта қурбонлар бериб зўрға қочиб қутулди. Оила, бола-чақа, хотинхалаж, сурув-сурув қўй, йилқи — барчасини ташлаб қочдилар.

Форс ўлкасини забт этиш учун катта жангу жадаллар олиб борилаётгани ва Соҳибқироннинг

ғалаба кетидан ғалабаларни қўлга киритаётганлиги ҳақидаги бир-бирдан ваҳимали хабарлар алақачон, бундан бир ярим-икки ой олдин Бағдодга етиб борган эди. Эндиги навбат Бағдодга келаркан, қабиладаги шов-шувлар унинг ҳукмдори жалойирийлар сулоласи вакили Султон Аҳмадни гоят ташвишга солди. Бу ваҳима ва бир-бирдан ташвишли хабарларга бардош беролмай тинкаси қуриган Султон Аҳмад Жалойир ўз элчисини Амир Темур ҳузурига жўнатишга мажбур бўлди. Элчи 1393 йил 12 август куни Оқбулоқда турган Соҳибқирон томонидан қабул қилинди. Элчи ислом оламида танилган уламо Бағдод шайхулисоми Нуриддин Абдурахмон ал-Исфарионий бўлиб, уни Амир Темур зўр тантана билан кутиб олди. Амир Темур суҳбат чоғида элчининг диққатини қўйидагиларга қаратди: „Бизку барлос ва жалойирлар қавмлари узоқ даврлардан бери Туронзаминда биродар бўлиб, ҳатто аждодларимиз қуда-анда тутиниб, қариндошчилик ришталари билан бу муносабатларни мустаҳкамлаб келишган. Барлос қавмига ким душман бўлса, бу жалойирлар қавми душмани, дея қаралиб, аждодларимиз уларга қарши биргаликда курашиб келганлар. Аммо элчи жаноблари, мавлоно шайхулислом, Сиз шарият тарафда туриб фақат ҳақиқатни эътироф этиб, масалани адолат посангисида ечувчи зотсиз. Вазифангиз фақат одиллик ва ҳақиқатни ҳар қандай шароитда ҳимоя қилишдан иборат. Шундай экан, менинг ҳам вазифам ҳукмдор сифатида фуқаролар, мўмин-мусулмонларни золимлар чангали, қароқчи ва йўлтўсарлардан ҳимоялаш, уларнинг тинчлиги, осойишта ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдан иборат. Одил ҳукмдорлар шу йўлни тутганлар. Аммо Сиз адолат ҳукми томонда турувчи шайхулисломсиз, бироқ шохингиз қароқчи, йўлтўсарларни қўллаб-қувватлаб турса, Сиз ҳам уни қўллаб-қувватлайсизми? Мўминлар ҳукмдорлари барчаси халқни қон қақшатиб юрган ўғри-қароқчи ва йўлтўсарларни йўқ қилиш йўлида кучларини бирлаштириб ҳаракат қилишлари керак эмасми, ахир!



Энди жаноби шайхулислом, қулоғим Сизда, мен мактубда асосий очилмай қолиб кетган масалага диққатингизни тортдим, шу масалага Сизнинг муносабатингиз қандай эканини аниқ билмоқчи эдик". Султон Аҳмад элчиси Нуриддин Абдурахмон ал-Исфарионий Амир Темурнинг рад этиб бўлмас ҳаққоний талаб ва фикрлари олдида жавоб топишга қийналиб қолди, бир нима деб жавоб беришдан ожиз қолиб, вазиятдан чиқишга уринади: „Мен ўз ҳукмдоримнинг Қора Юсуфдек қароқчи билан махфий алоқалари тўғрисидаги маълумотларга эга эмасдим, буни олампахо ҳукмдор, ҳозир Сиздан эшитиб турибман, бундай воқеалардан хабарим йўқ“. Шунда Амир Темур Султон Аҳмад элчисига муурожаат қилиб: „Ҳукмдорингиз Султон Аҳмаднинг мактубидаги охири битиклар ҳам ҳар қандай одамда шубҳа туғдирадиган ҳолатдадир. Худди „кел, Бағдоддек мустаҳкам шаҳарни кучинг етса олақол“, каби шама сўзларининг ҳиди анқиб турибди. Агар мен берган саволларга элчи жаноблари жавоб беролмас экан, бизнинг душманларимиз билан махфий иттифоқликда ҳукмдорингиз муносабат юри-таётган экан, бу масалага яқин орада Бағдодга бо-риб, барча саволларга ҳукмдорингиз Султон Аҳмад-

нинг ўз оғзидан жавоб олишга ҳаракат қиламиз. Ўшанда бунга ўзингиз гувоҳ бўлиб, ким ҳақу ким ноҳақ эканлигини айнан билиб оласиз. Шунини ҳукмдорингизга етказиб қўйинг, элчи жаноблари, энди кетсангизлар йўлларингиз беҳатар бўлсин“. Шу тариқа элчиларга Бағдодга кетишларига рухсат берилди.

Элчилар жўнаб кетиши билан Амир Темур кенгаш чақириб, Бағдод масаласини кун тартибига қўйди. Кенгаш қарорига кўра, Бағдод ва Анқара ҳукмдорлари ўзаро Соҳибқирон Амир Темурга қарши сиёсий-ҳарбий иттифоқ тузмасдан Бағдодни тез эгаллаш лозим, деган хулосага келинди. Шу боис қўшин шимоли-шарқ сари бораётган йўлини ўзгартириб, бирданига жануби-ғарб ҳудуди тарафга илдам юриши тўғрисида ҳукм фармони эълон қилинди. Навбатдаги ҳисоб-китоб Бағдод билан бўладиган бўлди. Бу Фармони олий Бағдод элчилари жўнаб кетганидан раппа-расо ўн кун ўтгач кучга кирди. Амир Темурнинг музаффар қўшини 1393 йил 22 августда тоғ кўчкисидек ҳаракатга келди. Юриш арафасида Шоҳрух Мирзога Ўғрикни ҳимоя қилиб, Султонияга йўл олиш вазифаси топширилди.

МУЗАФФАР ҚЎШИН БАҒДОД САРИ ОТЛАНДИ

1393 йил 1 сентябрда Амир Темурнинг илғор қисми Бағдод остоналарига етиб келди.

Бағдодни синчиклаб текширган айғоқчилар Султон Аҳмад ўз қўшинлари ва оила аъзолари билан Дажлани кечиб ўтиб, қаёққадир жўнаб кетганлигининг хабарини етказдилар. Соҳибқирон Султон Аҳмадни ҳар қандай шароитда қўлга олиш ва унинг қўшинини тор-мор қилинмагунча, таъқиб этишга кўрсатма берди, Соҳибқирон ўзи бошчилик қилаётган қўшини билан Дажлани кечиб ўтди. Дарёдан кечиб ўтилгач, жуда катта чўлу биёбонга дуч келинди. Султон Аҳмадни топиш учун кўз илғамас бепоён саҳронинг қайси томонига йўл олиш

маъқул? Устига-устак Амир Темурнинг бир оз тоби қочиб, агар бу ваҳимали саҳро ичига кириб кетилса, аҳволи оғирлашиш эҳтимоли вазиятни янада мураккаблаштирарди. Соппа-соғ одамлар ҳам бундай чўлдан ўтсалар ҳолдан тойиб, касалга ўхшаб қолиши ҳеч гап эмас. Таниқли амирлар Амир Темурнинг табиби мавлоно Шамсуддин Табризийни чўл юришида қатнашмасдан, Дажланинг Бағдод соҳили тарафидаги соя-салқин гўшага жойлаштиришга кўндирдилар. Соҳибқирон Султон Аҳмадни таъқиб этишни шу ердан туриб бошқарадиган бўлди. Бу ерда Соҳибқирон улўғ аждодларимиздан Ал-Хоразмий, Ал-Фарғонийлар илмий фаолият юрит-

ган, жаҳон фан-маданиятига буюк ҳиссаларини қўшган табаррук „Байт ул-ҳикма“ бинолари қолдиқларини зиёрат қилиб, уларнинг руҳлари шод бўлишларига бағишлаб дуолар ўқиди. Ана энди орадан беш асрдан ортиқроқ вақт ўтиб, аждодлари илму урфоннинг буюк кашфиётларини кашф этган Бағдод шаҳри атрофларида улар қадами теккан жойларни Амир Темури лашкарлари зиёрат қилиб юрибди. Аммо у пайтда илм-фан равнақига катта ҳисса қўшиб улур алломаларимизга ҳомийлик қилган халифа Маъмун ўз номини тарих зарварақларига битиб кетган эди. Бироқ бу пайтга келиб Бағдод Маъмун давридаги шукуҳини йўқотиб, Султон Аҳмаддек халқ ғамини емайдиган, ўз маишати, манфаатини устун қўйиб, адолатдан чекиниб, жабр-зулм билан ҳокимиятни бошқарувчи ҳукмдор ва уларнинг зулмкор мулозимлари қўлига ўтган эди.

Бир вақтлар Ислом оламига ахлоқ, имон-эътиқодда пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг йўриқларини ёйиш ва тарғиб қилиш Бағдод халифаларининг зиммасида эди. Бироқ шу кунларга келиб Султон Аҳмад каби адолатсиз ҳукмдорлар қўлига ўтиб қолгани, энди унинг ҳоким ва амалдорларини қайта тарбиялаш заруратга айланганлиги боис даврнинг ўзи ислом ҳомийлиги, адолат ва ҳақиқат ҳимоячиси бўлишдек масъулиятни Соҳибқирон зиммасига юклаган эди. Қамал арафасида Соҳибқирон Қароргоҳи Бағдоднинг ал-Мансурия деб аталган мавзеида тикилди. Бу қаср Бағдод халифаларининг оромгоҳи ҳисобланарди. Орадан бир ҳафта-лар ўтиб, айғоқчилар бошлиғи Амир Темурига Султон Аҳмаднинг изини топганлиги, у Карбало тарафга қараб кетаётганлигининг хабарини олиб келди. Амир Темури амирзода Муҳаммад Султонга барча қўшинларга бош бўлиб, Карбало тарафга кечаю кундуз чақиндек йўл босиб, Султон Аҳмадни қўлга олишга шошилиш хабар йўллади. Иккинчи бир қисм фавж лашкарий кучларга Мироншоҳ Мирзони масъул қилиб, Басрага йўл олиш тўғрисида Фармони олий берди.

Сўнгра Бағдод шаҳрида шариатга зид турмуш тарзи давом этаётганлиги, эркаклар Қуръони Каримда тақиқланган ичкилик ва гиёҳвандлик, зарарли ўйинларга берилганлиги тўғрисидаги олган маълумотларнинг қанчалик тўғри-нотўғрилигини текшириб кўриш учун Амир Темури тафтиш ҳайъати тузиб шаҳарнинг ҳар бир мавзе, кўча ва дўконларини маҳалларини текширишга махсус гуруҳ жўнатди. Ҳукмдорнинг қатъий кўрсатмасини ба-жарган тафтиш ҳайъати Бағдод шаҳрида шариатга зид хатти-ҳаракатлар кучайганлиги, исломий ахлоққа путур етадиган салбий ҳолатлар мавжудлиги, кўпчилик оилаларда маънавий-ахлоқий мезонлар бўшашиб кетганлиги исботини топди. Шундан кейин Соҳибқирон сархуш қилувчи ичимликлар дўконларини беркитиш, уларни тарқатувчиларни жазолаш тўғрисида Фармони олий чиқарди. Амир Темури чиқарган бу фармон ўзининг тезда ижобий ва амалий натижасини берди. Бағдоддаги маънавий ҳаёт соғломлашиш тарафга юз бура бошлади. Бозор ва кўча ҳамда жамоат жойларида ҳаёт тарзи одамлар ҳавас қиладиган томонга ўзгара бошлади. Шароб ва кайф берувчи ичимликлар сотувчи дўконлар буздириб ташланди.

Муҳаммад Султон чўлнинг дўзах оловидек ёндиришига қарамай Карбалода Султон Аҳмад қўшинларига етиб олди. Жанг қисқа, аммо шиддатли бўлди. Жанг майдонида пароканда бўлган қўшинини ўз ҳолига ташлаб Султон Аҳмад қочишга муваффақ бўлди.

Энди Амир Темури қўшинлари яна олға юришда давом этса, Миср ва Шом бирлашган қўшинларига тўқнаш келарди. Қўшин узоқ сафар ва тўқнашувлар боис чарчаган эди. Қўшиннинг жанговар, қудратли ҳолатини қайта тиклаб олиш учун узоқроқ муддатли дам олиш имконини бериш зарур. Яхши дам келгуси зафарга ҳамдам ва пойдевордир. Кун тартибида Миср билан сиёсий муносабатларни тинчлик билан юритиш учун Миср Султониға мактуб йўллаш маъқул топилди. Соҳибқи-



рон Қароргоҳ муншійсини чақиртирди ва хат битилди. Миср Султониға битилаётган мактуб матни саҳифаларда қуйидагича намоён бўла бошлади: „Қўп замонлар Соҳибқирони аъзам, Чингизхони муаззам авлоди бўлмиш Олтин Ўрда ва Элхонийлар давлати ҳукмдорлари бирлан Мисру Шом подшоҳлари ўртасида дўстона алоқалар давом этган. Шу бирлан бирга, ёвлашиш ва келишмовчилик ҳоллари ҳам бўлгон. Шу боис Шом ва ўша томонларнинг халқига қўп ташвиш ва заҳматлар етишган. Бахтиёр подшоҳ Абу Саид Баҳодирхон, Тангри таолонинг турбати нурлантисин, ҳаққи раҳматға етишгонларидин сўнг соҳиб шавкат, нофаз фаржом подшоҳ Эронзаминда боқий қолмади. Мулуки тавиф бош кўтарди. Бунинг оқибатида олам аҳли ва жумлаи мўмин ур-йўқитлар гирдобида қолди.

Шу кунларда Тангри таолонинг чексиз инояти бирлан Эронзамин бизнинг фатҳу зафар асарлик илгимизға кирди. Шу қаторда Ироқи ажам бирлан Ироқ арабининг бир қисми ҳам бизнинг зафар туғлик қўшинларимизнинг тасғир қабзасига киритилди.

Бундан бу ёғига олам ва жаҳон халқлари, балки жумлаи мўминнинг эмну омонлигини муҳофаза қилиш, карвон йўлларини йўлтўсар ва талончилардан тозалаш ва аларни қўриқлаш, мўмин-мусулмонлар ҳаж зиёратини хавф-хатарсиз ва ташвиш чекмай адо этишларини таъмин этиш айни шу кунларда Сиз бирлан бизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи лозим, вассалом“.

Шу орада Бағдоднинг халқаро майдон бўйлаб савдо қилувчи бир гуруҳ карвонбошилари Амир Темурга мурожаат қилиб, Тикрит қалъасида ўрнашиб олган қароқчи-йўлтўсарлар Маккаю Мукарама ва Мадинаи Мунаввара зиёратига борувчи мусулмону мўминларни талон қилиб уларнинг қонини тўкиб, гуноҳи азим ишлар билан шуғулланаётганлигидан шикоят қилиб келдилар. Шу кунгача ҳеч бир ҳукмдорлар ўша қароқчи-йўлтўсарларга бас келолмаганлиги, ҳатто Султон Аҳмадга ҳам бир

неча бор мурожаат қилсалар-да, бирор чора қўрмаганлигини ҳам таъкидладилар.

Сўнгра карвонбошилар умид кўзларини жумлаи жаҳон мусулмонларининг одил ҳукмдорига айланиб бораётган Соҳибқирон Амир Темурга тикканлигини, барча тожир — савдо аҳли унга узоқ умр тилаб, золимлар устидан зафар қучишларини Аллоҳдан сўраб ҳар куни дуо қилаётганликларини ҳам билдиришди.

Амир Темур халқларнинг ҳаёти фаровон бўлишида савдо аҳли — тожирларнинг хизматлари катта эканини айтиб, йўлтўсар ин қурган қалъани ер билан яксон қилиб ташлашга ваъда берди. Тожирлар Соҳибқирондан бароят хурсанд бўлиб, унинг ҳузуридан чиқдилар. Ҳақиқатан ҳам Амир Темур қаерда, қай юртда бўлмасин бутун ғазабини йўлтўсар қароқчиларни йўқ қилишга сочарди. Карвонлар, уларнинг бошлиқлари тобора хоҳ мағриб, хоҳ машриқзамин сарбонлари бўлсин, Амир Темурнинг қароқчи-йўлтўсарларни йўқ қилишдаги хизматларини юқори баҳоладилар. Қароқчиларни йўқ қилиш тадбири амалга оширилаётган кунларнинг бирида Қоҳирадан нохуш хабар келди. Бу Мисрға жўнатилган Соҳибқирон элчиси Султон Сайфуддин Барқуқ томонидан қамоққа олиниб, зиндонга ташланганлиги ҳақидаги хабар эди.

1393 йил 2 ноябрда қўшин йўлга чиқди. Йўл-йўлакай декабрь ойи бошларида мустаҳкам Тикрит қалъаси эгалланди. Шоҳрух Мирзо манғлай қўшинга қўмондон қилиб тайинланди.

Оқ ва Қора Қўюнли жангари туркман қавмлари эчилари жўнаб кетиши билан Амир Темурда Диёрбакрни ўз тобелигига киритиш фикри туғилди.

1394 йил Амир Темур лашкари Мордун ва Диёрбакрни ўз тобелигига киритди. Ғалабалар кетидан ғалабаларга эришилаётган бир пайтда Амир Темур Қароргоҳига мудҳиш хабар келди. Хабарни Соҳибқиронга етказиш энг яқин одамлари учун ҳам жуда оғир кечди. Бу Умаршайх Мирзо, яъни Соҳибқирон Амир Темурнинг иккинчи фарзанди-

нинг фожиали ўлими ҳақидаги хабар эди. Не иложки, ҳар қандай ҳолатда ҳам уни узоқ пинҳон тутиб бўлмас эди. Уни билдиришни амирлар Соҳибқироннинг ёшликдан жанговар дўсти бўлган Ҳожи Сайфуддинга топширдилар. Аммо қанчалик яқин бўлмасин, Ҳожи Сайфуддин ҳам бу фожиани қандай етказишнинг уддасидан чиқолмай, руҳий қаттиқ азобланди. Аввал кўзларини Амир Темурдан яшириб мунгли йиғлади, сўнгра ўзини тутолмай хўнграб-хўнграб, юракларни эзиб йиғлади. Амир Темур ҳам энди ҳис қилдики, гоят оғир воқеа юз берган. Унинг ўй-фикри Дажла юқори оқимидаги қалъаларни забт этишга киришган амирзода Мироншоҳ Мирзо ёхуд Муҳаммад Султон набирасига кетади: „Мироншоҳ Мирзога нима бўлди“ сўрайди бўзлаб-бўзлаб йиғлаётган Ҳожи Сайфуддиннинг елкасига титраётган кўлларини кўйиб, Соҳибқирон. „Хукмдорим, Мироншоҳ Мирзо саломатлар“. „Муҳаммад Султонми?“ „Йўқ, йўқ! Умаршайх жигарбандингиз“.

УРУШМИ ЁКИ ТИНЧЛИК?

Умаршайх Мирзонинг Ҳурмату қалъасида ўлдирилиши Амир Темурга жуда ёмон руҳий таъсир қилди. Тўрт ўғилдан иккиси — Жаҳонгир Мирзо ва Умаршайх Мирзо оламдан ўтдилар. Энди ўғил фарзандларидан Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳрух Мирзолар қолган эди. Инсон бошига кулфат тушганида хаёллар ва фикрлар қарама-қаршилиги гирдобида қолади. Албатта, Амир Темур ҳам ички ботиний туйғулар қарама-қаршилигидан четда туролмас эди. Мотамсаро хаёллар денгизи Соҳибқиронни ўз домига тортар экан, босиб ўтаётган йўлининг курашлардан иборат бўлаётган даврини таҳлил қилди. Агар Мовароуннаҳр ва Хуросонда хукмдорлигини мустаҳкам тутиб, ўша ҳудудлар сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиётини таъминлаб ўтираверганида Жаҳонгир Мирзо ва Умаршайх Мирзо жигарбандларидан ажралмасдан, тўрт ўғли ҳам ўз атрофида таянч устунлар бўлиб турарди-ку.

Амир Темур Ҳожи Сайфуддин сирдош дўстига суянганча қарахт бўлиб ҳайкалдек қотди. Сайфуддин ва ҳасрат билан дод солиб йиғлашга тушган Шоҳ Малик иккаласи Амир Темурни ўриндигига ўтқаздилар. Шундан кейин Қароргоҳдаги амиру саркарда ва мулозимлар йиғиси, дод-фарёди оламини тутди. Ҳа, бу фожиа қудратли хукмдор жаҳонгир даражасига кўтарилиб бораётган Амир Темурни йиғлатди, бўзлатди. У „Болам“, деб йиғларди. Жаҳон хукмдорини бу даҳшатли қисмат ўзининг оғир синовларидан ўтказди. Энг мард ва арслондай шиддатли, белининг қуввати, кўзининг нури, падарига борган жойида фақат ғалабаларни ҳадея этувчи фарзанди энди дорулбақо — абадият дунёси мулкининг бир қисмига айланди. Не илож, ота-ўғил учрашуви энди фақат маҳшарга қолди. Худонинг амрига бўйин эгиш бандасининг бурчи, бу тақдир қисматига норози бўлиш эса шаккоклик. Соҳибқирон буни яхши биларди.

Уларнинг гулдек ёш ҳаётлари хазон бўлди. Фарзандлари эса ота дийдорига тўймадилар. *Нега доим урушлар олиб бориб, қонлар тўкилишига сабабчи бўлишим керак? Қолган икки ўғлимни келажакда қандай тақдир кутмоқда, жангларнинг олдинги сафида ўлим билан доимо ёнма-ён юрган фарзандларим тирик қолишига ҳеч ким кафолат бермайди. Ўзим ҳам бундан мустасно эмасман. Уруш, талашларга чек қўйиб, қирғин жангу жадалларни тўхта-тиб Самарқандга бутунлай қайтдим дейлик, кейинчи? Мен мамлакатимда тинчлик байроғини кўтариб ҳам қўяй, ўша ўрнатилган тинчликни сақлаб қолиш кафолати бўладими? Бунга аниқ жавоб керак. Менинг салтанатим ва халқимнинг тинч яшашига ғанимлар имкон берадиларми? Саволларга ҳаққоний жавоб топиш учун масъулият тўла елкасида бўлган Соҳибқирон Амир Темур Мордун қалъаси яқинида қурилган Қароргоҳида неча кун*



ва неча тун мижджа қоқмасдан тонгни қаршилади. У мантиқий кучи ва Худо берган ақлий тафаккури, узоқни кўра олувчи сиёсатчи даҳо қобилиятига таяниб, юқорида ўзи берган саволларга ҳаётий ва ҳаққоний жавоблар топишга киришди. „Аввало, мен Самарқанддаги тожу тахтимда тинчгина ҳукм фармо қилиб ўтирсам, мени атрофимдаги узоқ-яқин давлатлар тинч қўядими? Дастлаб шимоли-шарққа назаримни қаратай.

Муғулистон. Муғуллар ва муғул ҳукмдорлари Мовароуннаҳрнинг илигини қоқиб узоқ давр зулукдек сўриб келди. „Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас“ деганларидек бизнинг юртдан ажралиб қолишни истамай қўшин тортгани-тортган. Ҳали ҳам куч тўплаб босиб келишга тайёр. Бу томондан хавф-хатар булути тарқалмаган. Навбатдаги шимоли-ғарбдаги қўшнимиз Дашти Қипчоқ, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон Қундузча (1391 йил, июнь) жангидан кейин ҳам ақли кирмай, менинг салтанатимни йўқ қилиб, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонни эгаллашдан воз кечмаган. Маълумотларга қараганда, аввалгидан-да кўп куч тўплаган Тўхтамишхон менга яқин вақтлар ичида яна уруш эълон қилиш учун сўнги тарадудларни кўришга киришган. У Қора Қўюнли ва Оқ Қўюнли туркманлар сардори Қора Юсуф, Қора Аҳмад, Литва Буюк Князи Витовт, шунингдек, энг қудратли ҳукмдор Йилдирим Боязид билан иттифоқ тузган. Бу юришда Тўхтамишхон Русь князларининг барчасини менга қарши қайтадан урушда иштирок этишга мажбурий қўндирган.

Кичик Осиё Султони Йилдирим Боязид жаҳонгирлик даъвосини бошлаб, Европани дастлаб тиз чўқтирди. Сўнгра менинг салтанатимни йўқ қилиб, жаҳонга ҳукмронлигини таъминламоқчи. Шарқда эса Осмон подшоҳи Чин императори ҳам менинг салтанатимни йўқ қилиб, ўзининг вассалига айлантириш пайида режа тузишни бошлаган. Де-

мак, салтанатимнинг тўрт тарафида ҳам қудратли душманлар ёвуз режа тузиш ва уни амалга оширишга киришганлар. Салтанатим доирасимон ғанимларим қуршовида. Шундай экан, менинг Самарқанд тахтида тинч мамлакатни идора қилишим неча ой, неча кун давом этади? Ватаним, халқим яна қулик, жабр-зулм ва эрксизлик кишанларини кийиб, бу ҳудудда ҳуқуқсизлик, кўз ёш ва қашшоқлик ҳукмрон бўладими? Яна ор-номус, ҳақиқат ва адолат бу юрт, бу элдан бош олиб қайларгадир тентираб боши оққан томонга йўл олиб, юртим эрлари боши эгик, бели букчайган, аёлу қизлари чўриларга айлантириладими? Йўқ, асло! Худо кўрсатмасин, мен халқимни, Ватанимни чор-атрофдаги оч бўрилар ғажиб ташлашларига асло йўл қўймайман. Турону Хуросонзамин озод яшаши лозим. Кураш давом этади:

Эркин-озод яшашга ҳақли бу эл,
Ўз ҳақин олиб яшашга ҳақли бу эл.
Ўз меҳнатин самарасин тотишга ҳақли бу эл.
Майли Барлос қавми туғилмаган

бошда тож билан,¹

Аммо мен уни ҳимоя қилурман
адолат қиличим билан.
Музаффар ол байроғим мағрур кўтариб
Улуғ жанг қиламиз жанги беомон
Ва сўнгра яшармиз тинчликда омон,

Амир Темур Муҳаммад Тарағай баҳодир ўғли
шу сўзим сўздир, вассалом!

Дунёнинг ҳеч бир салтанатига Туронзаминни талаш, босқин қилишга йўл ва имкон бермагайман. Аксинча, жаҳон жилови Туронзамин ва унинг пойтахти Самарқанд тахтим измида бўлғай. Мен дунё халқларининг насибасини бурнини қонатиб, хорзор қилиб, бойлигини тортиб олиб, уни маишат, айш-ишратга сарфлаб, ўзгалар меҳнатини зулукдек сўрмоқ учун жаҳонгирлик майдонига от суриб чиққан қонхўр

¹ Соҳибқирон Амир Темур бу билан ўзининг барлос аждодлар қавми шоҳлар сулоласидан эканлигини назарда тутмоқда.

хукмдорларнинг йўлини тўсаман, қўлидан қиличини уриб тушираман. Токи Самарқанддан чиққан фармоним дунёнинг ҳамма ҳудудларида фақат тинч-тотув яшашни, эркин ва фаровон ҳаётни ҳимоя қилсин, таъминласин, жаҳоннинг бирор мамлакати бири иккинчисига ғаним кўзи билан қарамайдиган, кучли давлатлар кучсиз ва заиф мамлакатларга жабр-зулм ўтказмайдиган бўлсин. Мамлакат ичида ҳеч бир жойда тожу тахт учун ўзаро юртни хонавайрон қилувчи ички низолар бўлмасин. Аксинча, унинг ўрнига мамлакатлар, давлатлар ва халқлар бир-бирлари билан ўзаро савдо алоқаларини кучайтириб, иқтисодий фаровонликка эришмоқ учун тожирларга яхши имкониятлар яратиб берсинки, дунёнинг ободлиги савдо-сотиқ ривожига боғлиқ. Олиму уламо, фузало илму ҳикмат, деҳқону чўпонлар, ҳунар аҳлига дастурхон бутунлиги, юрт фаровон бахт-иқболига хизмат қилиш буюрилганки, уларга фақат шу ишларига рағбат бериш учун тинчлик, осойишталик зарур. Менинг жаҳонгирликка давоим зўравонларга барҳам бериб, бутун жаҳонда тинчлик, осойишталик шароитини яратиш, дунё мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлиги орқали тараққиётини таъминлаш шарт-шароитларини яратиб бериш, дунё тожирларининг барча ҳудудларда хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Бу вазифани шу кунга қадар жаҳоннинг ҳеч бир хукмдорлари ўз зиммаларига олмади. Ўз ҳудудларида қарвонларнинг мол-мул-

кени талон-тарож этиб, қароқчиларнинг савдо ва тожир аҳлининг жонига қасд қилиш каби жиноятларга барҳам бера олмади. Қароқчи, йўлтўсарларни тугата олмади, кучлари ҳам етмади. Энди бу вазифа қанчалик оғир бўлса-да, уни мен зиммамга оламан. Босқинчиликни касб қилиб дунёга даъвогарлик қилувчи жаҳонгирлардан менинг асосий фарқим шудир. Мен олиб борадиган уруш дунё халқларининг тинчлиги, осойишталиги, эрки, озодлиги, жамияки инсоний ҳақ-ҳуқуқларига қарши тажовузкор босқинчилик урушлари олиб боровчиларга барҳам бериш йўлидаги адолатли уруш бўлади. Мен ёвузлик ва адолатсизликка қарши адолатли, муқаддас уруш олиб бориш учун яратилган хукмдорман. Мен Парвардигори оламнинг ердаги адолат қиличи бўлиб зolimлардан мазлумларнинг ҳақини олувчи хукмдор бўлиб салтанат сиёсатини юритаман“.

Амир Темур дунёнинг ҳеч қачон ечимини топмаган оғир сиёсий муаммосини ҳал қилишни зиммасига олди. Бу эзгу иш йўлида ўзининг қолган икки фарзанди ва навниҳол барча невараларининг ҳам ҳаётини гаровга тикишга аҳд қилди. Бу бемисл мардлик ва олижанобликнинг бетакрор намунаси ва манзараси эди. Бу борлигини Ватан, эл-улус бахтию фаровонлигига бағишлаган, шу йўлда азиз фарзандлари ва ўз жонини ҳам шу улўф мақсадга тиккан бемисл ва бетакрор мард хукмдорнинг олижаноб мақсади эди.

СОХТА СУЛҲ ОРҚАЛИ ИШЛАТИЛГАН НАЙРАНГ

Амир Темур Тўхтамишхон билан сулҳ тузиб бўлмаслигини яхши биларди. Унинг Қундузча жангидан кейин Олтин Ўрда бўйлаб яна қайтадан ялпи сафарбарлик ўтказиб катта қўшин тузганлиги ва қасос жангига қаттиқ тайёргарлик кўраётганлигидан хабардор эди. Нафақат ички томондан давлатини мустаҳкам тиклаб қолмай, яна Русь князларини итоатга келтириб, ташқи дипломатия муносабатларида ҳам қудратли иттифоқчилар орттириб

улгурган эди. Жумладан, Литва буюк қироли Витовт, Польша қироли Ягайло, туркманлар сардори Қора Юсуф, Миср султони аз-Зоҳир Барқуқ ва усмонийлар султони Йилдирим Боязидларнинг барчаси Амир Темурни ҳар томондан бўғма илон ўлжасини сиқиб, ҳалок қилганидек қуршов ҳалқасига ўраб олаётган эдилар. Соҳибқирон Амир Темур олдида бу қуршов ҳалқасининг бирлашувига йўл қўймасдан уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида



тор-мор келтиришдек жуда оғир сиёсий-ҳарбий вазифа кўндаланг турарди.

Акс ҳолда ўттиз йиллик эришилган галабаю шу йўлда олиб борилган жанг натижалари барбод бўлиб, жаҳон яна юқорида тилга олинган қудратли қироллар, султонлар ўртасида қайтадан тақсимланадиган кети кўринмас қирғин урушларга тортилиб қанча ҳудудлар вайронага айланиб, тинч аҳоли қонлари дарё бўлиб оқарди. Амир Темур ҳосил бўлаётган қуршов доирасининг қудратли шимоли-ғарб ҳалқасини узиб, синдириб ташлашни навбатдаги муҳим вазифалар қаторига киритди. Тинимсиз жангу жадалларда чарчаган қўшинининг жанговар ҳолатини тиклаб олиш учун тажовузкор Тўхтамишхон билан бўладиган даҳшатли жангни мумкин қадар орқага суриб туриш, озиқ-овқат тўплаш, қўшин ўртасида жанговар ҳарбий машқлар ўтказиб олиш учун вақтдан ақалли бир-бир ярим ой ютиш зарур эди. Бунинг бирдан-бир йўли фақат элчи жўнатиб музокарани чўзишдан иборатдир.

Қароргоҳ кенгаши элчи жўнатишга қарор қилди. Бу фикр дастлаб Имом Абдулжаббор Хоразмийдан чиқди: „Ҳар ҳолда Тўхтамишхон билан ота-ўғил тутинган эдингизлар¹, зора Тўхтамишхон инсофга келиб қолса, қон тўкилмасмиди. Қолаверса, Қуръони Каримда ҳам иложи бўлса инсонлар, Худонинг бандалари масалани мурсою мадора, келишув билан ҳал этишларига даъват этилади. Яна бир имконият, Самарқандда исломий илмлардан мендан ҳам, Шамсуддин Олмалиқийдан ҳам анчамунча сабоқ олган. Сизга ўғил тутинган бўлса, бизга шогирд ҳисоби“. Ниҳоят, Тўхтамишхон ҳузурига элчи бўлиб мавлоно Шамсуддин Олмалиқий жўнатиладиган бўлди.

Бу пайтда Тўхтамишхон Самур дарёси бўйидаги Кавказнинг гўзал гўшаларидан Оби туркда Қароргоҳини тикиб, Олтин Ўрданинг шарқий чек-

каларидаги ва Русь князларининг келишувга кўра юбориши мажбурий бўлган полкларининг асосий қўшинига келиб қўшилишини кутар, улар етиб келиши билан Амир Темурга қақшатқич зарба бериб, Озарбайжон, Форс, Хуросон орқали Туронзаминни Олтин Ўрда таркибига киритиб юборишдек ёвуз мақсад билан сўнгги тайёргарликни ниҳоясига етказмоқда эди. Мавлоно Шамсуддин Олмалиқий Амир Темурнинг „Ҳамма гина-кудуратларни унутиб, Дашти Қипчоқ ва Туронзамин халқлари дўст-биродар, ўзаро савдо алоқаларида яқин қўшничилик муносабатларида бўлиб, тинч-тотув яшаш ҳар икки салтанат соҳиблари учун ғоят фойдалидир. Урушда қанча одамлар нобуд бўлиб, майиб-мажруҳликлар ундан ҳам кўп бўлади, марлуб томон талон-тарожликка учраши муқаррар, волиб томоннинг шундан ўзга нима машғулотни бўлиши мумкин? Кел, сулҳ тузайлик, мен сулҳга бағримни кенг очиш учун улуғимиз мавлоно Шамсуддин Олмалиқийни сенинг ҳузурингга жўнатыпман, у киши ҳар ҳолда Самарқандга келган вақтларда сенга илм бериб бир ҳарф ўргатган бўлса ҳам барибир устоз ҳисобланади. Уни яхши қабул қилиб сулҳ эшигини очарсан, деган умидимиз бор“, — тарзидаги мазмун билан мактубини олиб борди.

Мавлоно Шамсуддин Тўхтамишхон Қароргоҳига етиб бориб, Амир Темурнинг қимматбаҳо совгалари билан мактубни ҳам биргаликда топширди. Аммо Тўхтамишхон буларни беписандлик билан истар-истамас олди. Самарқанддаги мавлоно Шамсуддин берган сабоқни ҳатто эсламади ҳам. Амир Темур тўғрисида бирор илиқ гап айтмасди, аксинча. Тўхтамишхон Амир Темур элчисига манмансираб, „Чингизхоннинг ҳақиқий вориси бу кунларда менман. Амир Темурнинг ҳукмдор бўлишга ҳаққи йўқ, аксинча, боболарим Чингизхон ва унинг чингизий авлодларига қарашли ерлар, жумладан, Мовароун-

¹ Бу билан Абдулжаббор Хоразмий Тўхтамишхонни Оқ Ўрда хони Ўрусхон таъқибидан қочиб Самарқандга келиб тутинган ота-ўғил бўлганлигини Соҳибқиронга эслатган эди.

наҳр ҳам менга қарашли бобомерос ҳудудлар“, дея мавлоно Шамсуддинни гапиришга қўймади. Ўзини босиқ тутишга интилган элчи жиғи-бийронлиги тутган Олтин Ўрда хони ўзи сўзлаб, ўзи тингунча сукут сақлаб турди. Орада жимликдан фойдаланган элчи:

— Мавлоно Шамсуддин, Чингизхон бобонгиздан гап очдингиз ҳукмдор, — дейди Тўхтамишхонга мурожаат қилиб, — сизнинг ота-бобонгиз Соҳибқирон Амир Темур боболарининг қандай даражали қариндош-биродари бўлганидан хабарингиз борми? Тўхтамишхон:

— Эшитганим бор, аммо фақат менинг боболарим хоқонлик ва хонлик Олий мансабига ҳақ-ҳуқуқли бўлган.

— Аммо, — дейди элчи Шамсуддин, — сиз бу икки сулоланинг тинчлик ва тотувликда яшаши ҳақида қайси тарихий китобларни ўқиганингиз бор?

— Мен ундай китобларни ўқимаганман, — дейди Тўхтамишхон.

— Унда уларнинг тинчлик аҳдномасини эслаб бутун шу узилган ришталарни янгидан мустаҳкам боғласак ҳам аждодларимиз руҳлари шод бўлур эди, ҳам қон тўкилишига сабаб бўлувчи гиналар йўлини беркитиб, дўст-биродарлик кўпригини қуриб, ўтиб бўлмас жарликдан халос бўлган бўлур эдик. Мен „Муъизз ул-ансоб“ ва „Тарихи Жаҳонгушой“ китобларида сизлар ҳар икки ҳукмдорлар аждодлари биродарлигини эслатай: „Сизларнинг энг катта бобокалонингиз Туманакхондир. Унинг эгизак икки фарзанди бўлган, биринчиси Қочули баҳодир, иккинчиси эса Қобилхон.

Қочули баҳодир болалигида туш кўради. Тушида укаси Қобилхон авлодларидан бири ёрқин юлдузга ўхшаб ердан осмонга кўтарилиб, қуёшдек порлаб оламни ёритиб юборади. Ана шу муносабат билан ака-укалар ҳеч қачон низолашмасликка аҳду паймон қилишибдилар. Туманакхон ўғли Қочули баҳодир тушини таъбир қилдирганида Қобилхоннинг учинчи авлодидан жаҳонгир туғилиши каромат қилинган. Қобилхоннинг эвараси Темучин, яъни

Чингизхон Ясуғай баҳодирнинг ўғли эди. Чингизхон ўғли Чигатойнинг қизини Қорачар нўён, яъни Қочули баҳодирнинг эварасига хотинликка бериб, Қорачар нўённи иним деб атади. Барлослар, жумладан, Амир Темур Қорачар нўён авлодидандирки, сизлар яқин қариндошсизлар.

Чингизхон ўшанда Амир Темурнинг улўф бобоси Қорачар нўён авлодлари улўф хонлар қўшини Бош қўмондони лавозимини доимо эгаллаб туришлари ҳақида пўлат тахтага ўйиб битик қилдирган. Мана сизларнинг қариндошчилик тарихингиз“.

— Ундай бўлса, Амир Темур ўзини ҳукмдор дейишга нима ҳаққи бор?

Мавлоно элчи Шамсуддин:

— Соҳибқирон шунинг учун ўзини хон дея эълон қилмади. У Амир унвони ва „Кўрагон“ даражасидадир. Хонимиз эса Чингизхон авлодидан Султон Маҳмуд Суюрғатмишхон ўғлидир.

— Ундай бўлса, мен қонуний хон ва хон авлодиданман. У Амир, шунинг учун Амир Темур Самур дарёси бўйига келсин, бафуржа сулҳ шартларини келишиб олурмиз. Бу сўзларни совуққина ва истаристамас айтиб, мактуб жавобини эртага олурсиз, — деди Тўхтамишхон.

Тўхтамишхон Қароргоҳидан қайтиб келган мавлоно Шамсуддин дарҳол Амир Темур Қароргоҳида қабул қилинди ва Олтин Ўрда ҳукмдорининг жавоб мактубини Соҳибқиронга топширди. Қароргоҳ муншийсидан мактубни овоз чиқариб ўқишни сўради: „Мовароуннаҳр амири Темурбекка. Биз ким Дашти Қипчоқ, Булғор, Буртос, Русь, Черказ, Қрим ва Ибир (Сибирь) ерларининг олий ҳукмдори хоқон ибн хоқон Тўхтамишхондурмизким, Сизнинг сулҳ сўраб юборғон мактубингиз ва элчингиз қутлуғ соатда Олий остонамизга етишди. Раият ва эл-юрт тинчлигини ўйлаб қилғон таклифингизга розимиз. Гапнинг индаллосини айтатурғон бўлсак, биз ҳам шул фикрни кўнгилдан ўтказиб ўлтурғон эрдик. Худога шукур, ниятимиз бир ердан чиқди. Лекин сулҳ шартларини муҳокама қилмоқ



ва анга имзо чекмоқ учун ўзимиз бирон ерда, яхшиси Самурнинг баҳаво сўлим соҳилида учрашсак, айни муддао бўлур эди. Шу ерда дийдор кўришуб, бор гапни бафуржа сўзлашиб олур эрдик. Ота-боболаримиз бир-бирлари билан тоат ва инқиёд мақомида турур эрдилар. Сиз билан биз эрсак, улуғ Чингизхоннинг тўра ва ясоси йўлидан ихрож бўлуб, бир-биримиздан борган сари йироқлашиб кетмоқдамиз. Маълумки, ота-боболаримиз орасида амалда бўлгон битишувға биноан, хонлик маснади менинг ота-боболарим изнида, амир ул-умаролик мансаби сизнинг жаддингиз ихтиёрида бўлгон. Шу ҳақда қасам бирлан мустаҳкамланиб тузилган шартнома мавжуд. У биринчи марта менинг бобокалоним Қобилхон бирлан сизнинг бобокалонингиз Қочули баҳодир тарафларидан имзолангондур. Шартнома кейинчалик менинг улуғ бобом Чингизхон бирлан сизнинг улуғ бобонгиз Қорачар нўён тарафларидан қайтадан янгилангон. Сиз эрсангиз буни билатуриб, аҳднома доирасидин чиқмоқчи бўлиб Соҳибқирони муаззам Чингизхоннинг тож-тахтига

даъвогарлик қилаётирсиз. Келинг, яхшиси аҳли фасод ва фитначилар туфайли пок қалбларға ўлтирғон гина-кудуратни унут қилиб, аввалғи хизматкорлик ва дўстлик риштасини мустаҳкамлайлик. Вассалом“.

Мактубда совуққина сулҳ тузишга мойиллик бордек кўрингани билан ундан уруш, қон тўкишга ташналик ҳиди шундоқ анқиб турарди. Мактуб қийматсиз бир парча қоғоз ўрнида, ичи тўла ғараз. Демак, уруш, уруш бўлгандаям энг даҳшатли қирғин-қиймат уруш шамоли Кавказ узра эсиб турарди. Энди бу урушдан қочиб бўлмайди. Чингизхон ва Жалолиддин Мангуберди ўртасидаги урушдан кейин бундай кенг кўламли ва қирғинли уруш бирон-бир давлатлар ўртасида содир бўлмаган эди. Амир Темур ўз қўшинини беаёв ва ҳал қилувчи жангга Шимолий Кавказ сари шиддат билан олға бошлади. Демак қонли урушнинг даҳшатли шарпаси Шимолий Кавказ узра кеза бошлаган эди. Бу қирғин-барот жангдан ҳар икки салтанат ҳукмдорини нари-бериси билан бор-йўғи фақат икки ҳафта вақт масофасигина ажратиб турарди.

ЖАНГ ОЛДИДАН СИНОВ ЎРНИДАГИ ЖАНГ

Тўхтамишхон Тобол ва Тура ҳамда Руснинг чекка князликларидан вассал ўлкалари қўшинлари етиб келгунча Самур дарёси бўйида Амир Темур қўшинлари йўлини тўсиб қолиш учун Қозончи баҳодир қўшинларини мустаҳкам мудрофаа истехкомлари қуриб, асосий қўшинлари томонга Соҳибқирон лашкарини ўтказмасликни буюрди ва уларга бир қадам ҳам чекинмай охирги нафасгача олишиб, ганим қўшинини ҳолдан тойдириш кўрсатмасини берди. Шунингдек, бу жанг Амир Темур қўшинининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш учун ҳам Тўхтамишхонга жуда зарур эди.

Қозончи баҳодир Самур дарёси ўтган йўл бўйлаб Амир Темур қўшинини тўхтатиб қолиш учун қулай маррада ўрнашиб, атрофига чуқур хандақлар қаздирди. Дарахт, шох-шабба ва бошқа тўсиқлар ўрнатиш мумкин бўлган барча воситаларни ишга солди.

Пиёда аскарларнинг бутун танасини ҳимоя қиладиган бўйи баланд қалқон, тура ва чирлар билан мустаҳкам девор ясади. Шундай қилинганда отликлар бу истехкомга яқинлаша олмас, ўқ-ёйчиларнинг ҳам уларга шикаст етказиши амри маҳол эди.

... Шиддат билан йўл босиб келаётган Амир Темур олға юриш лозим бўлган йўли мустаҳкам тўсилганлигини кўрди. Истехком ва тўсиқлар мустаҳкамланган, ишончли муҳофазаланган маррада Қозончи баҳодирнинг катта лашкари Соҳибқирон қўшинининг янада яқинроқ келишини кутиб, жангга шай турган эди. Отлиқ жангчилар ўта олмаслиги учун ҳимоя истехкомлари ичкари тарафидан аравалар ҳам бир неча қатор доирасимон қилиб бир-бирига маҳкам боғланган. Амир Темур Қозончи баҳодир ҳосил қилган истехкомлар муҳофаза ва мудрофаа тизимини ўрганиб чиққач, манжанақ ва




нефть ёндириб отувчи махсус жанговар қурилмалар билан ғаним мудофаа тўсиқларига қақшатқич зарба берилди. Нефть кам бўлгани учун ўрнига ғўлалардан фойдаланиш лозим қўрилди. Аскарлар дарахт кесишга жалб этилди. Минглаб ғўлалар тайёрланиб, нефть қуйиб ёндириб, душман истехкоми томон отилди. Икки-уч соат ичида мўғуллар истехкоми дўзахга айланиб, душман зич жойлашган истехком ичидагилар нафаси бўғилиб, чидаб бўлмас дим ҳаво ва тутун, ёнғин ичида қолдилар. Қозончи баҳодир ҳали юзма-юз жангчилар олишуви бошланмай катта талафот кўрди. Олов тафтига чидамаган отлар эса бир вақтда чарсиллаган олов оташидан ҳуркиб, турли тарафларга чопиб, тартибсизлик ҳолатини содир этдилар. Натижада мўғуллар ҳарбий интизоми бузилди. Ғанимларнинг Амир Темур қўшини йўлини тўсиши ўзларининг бошига фалокат балоси бўлиб ёғилишига сабаб бўлди.

Энди Амир Темур учун пиёда ва отлиқларни бемалол жангга соладиган вақт етиб келган эди. Қозончи баҳодирнинг қўшини устига қоровул ва манғлай қисмларини жангга ташлади. Сўнгра уларга ёрдам учун яна уч-тўрт фавжни жўнатди. Шундоқ ҳам манжанақ зарбаларидан ўзларини ўнглаб олмаган мўғуллар қўшини кетма-кет қилинган ҳужумга бардош беролмай тўзғиб кетди. Ғанимларнинг отлари бўйсунмай оловдан кўрқиб, турли тарафга тарқалиб кетиб, суворийлар ҳам уловсиз қолишган эди. Яёв қочаётган мўғулларни таъқиб қилиш навбатини Соҳибқирон ўз суворийларига берди. Йўллар ва унинг икки томонида ҳалок бўлган мўғуллар жасадлари ётарди. Қозончи баҳодир лашкаридан ном-нишон қолмай барчаси ҳалок бўлди. Бу фожиа-


ни эшитган Тўхтамишхон йирик лашкарий қисми фалокатидан қаттиқ азобланиб, кўнгли вайрон бўлди. Амир Темур у ўйлагандек чарчаб, узоқ жанглардан талафотлар кўриб заифлашган қўшин билан эмас, ҳар қандай даҳшатли ғаним билан олишувга шай турган қўшин билан юзма-юз келганига ишонч ҳосил қилди. Таниқли шарқшунос олим Ҳерман Вамбери ўзининг „Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи“ асарида шундай фикрларни келтирган эди: „Тўхтамишхоннинг тағин янги куч билан Дарбанд ёнида Кавказга тажовуз ила таҳдид этгани ҳақида хабар келди. Қўлидаги кўпikli косалар ўрнига янгидан қўлга қурол олинди. Амир Темур сабр билан душманнинг янада яқинроқ келишини ва урушни ўзи бошлашини кутиб турди. У шундай дер эди: „Ов қопқонга ўзи келиб тушгани яхши. Уни излаб юрсанг, овлаш фурсати узоққа чўзилади. Қари товук қарчиғайдан кўрқмайди. Агар чигирткада қизил қанот ўсса, у ҳар қадамда ўзини қаргадан ҳимоя қилади“.

Амир Темурнинг бу нақлни келтиришида асос бор эди. 1391 йилда Амир Темур Тўхтамишхонни излаб салкам олти ой оворан-сарсон бўлиб, минглаб чақирим чўлу биёбонларда йўл босиб машаққатлар билан унинг йўлини Чистополь ва Самара орасидаги Қандурчада (Қундузча) тўсиб жанг қилишга мажбур қилган эди. Энди эса эчкининг калтак егиси келса чўпон таёғига келиб суйкаланади“ мақоли Тўхтамишхон мисолида содир бўлиб турган эди. У Кавказга айнан Амир Темурни излаб йўл босиб келган. Мана энди ниятига етибгина қолмай, Кавказ тоғларидаги илк тўқнашувда катта жанг олдиданоқ йирик қўшини Соҳибқирон томонидан тор-мор қилиб ташланди.





ОЛТИН ЎРДА САЛТАНАТИ ТАНАЗЗУЛИ



КАВКАЗ ВА ШАРҚИЙ ЕВРОПАНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН ТЕРЕК ЖАНГИ

Ҳар икки салтанат ўртасидаги асосий жанг 1395 йилнинг 15 апрелида эрталаб бошланди. Амир Темур Терек дарёси соҳилидаги текисликнинг қулай майдонига қўшинини сафлади. Жанг бошлангунча хуфиялар Тўхтамишхоннинг жанг олиб бориш режасидан Соҳибқиронни тўла хабардор қилдилар. Идику саркарда ва Қутлуғ Темур Тўхтамишхондан юз ўтириб, Соҳибқирон ишончига аллақачон кириб бўлган эдилар. Идику Тўхтамишхон томонда жангга киришга тайёр турган укаси Исабек ва укасининг жанговар ҳамдўст саркардаларидан Оқтой ўғлон, Ёрлиқ ўғлон ва Тоштемир ўғлон саркардаларни қўшини билан бирга жанг бошланиб, айни қизғин паллада Тўхтамишхон қўшини сафини ташлаб, жанг майдонини тарк этишга ундади. Идику (Эдиқуд) ўз одамларига „Амир Темур енгилмас саркарда, унга қарши курашиш бошга бало орттиришдан ўзга фалокат келтирмайди. Амир Темурнинг истеъдоди ҳам, инсоний бағрикенглиги ҳам ҳар жиҳатдан Тўхтамишхондан ўн чандон юқори туради. Озгина бўлса-да нафи теккан одамнинг қадрига етади. Аммо Тўхтамишхонда бундай сифатлардан заррача йўқ. Шунинг учун жанг бошланишидаёқ талатўпдан фойдаланиб жанг майдонини ташлаб чиқиб кетинглар. Менинг акалик маслаҳатим шу, кейин эса кеч бўлади“, деди.

Жанг энди бошланиб қизғин паллага кирганда йирик амирлардан Исабек, Оқтой, Ёрлиқ ва Тоштемир ўғлонлар бошчилигидаги лашкарий кучларнинг жангдан воз кечиб, майдонни тарк этиши Тўхтамишхон қўшинидаги руҳий ҳолатга жуда ёмон таъсир қилди. Аммо Тўхтамишхон бундан асло тушқунликка берилмай, барча саркардаларини жангга шиддат билан давом эттиришга ундади: „Агар Амир Темур қўшинларини тор-мор келтирсак, дунёнинг хўжайини биз бўламиз. Олинган ўлжалардан ташқари Амир Темур юрти билан қўшиб эгалла-

ган барча мамлакатлар мулкларини сизларга тақсимлаб, ўзим хонлар хони — хоқон, сизларга эса хон мақомини бериб, Чингизхон бобом услубидаги бошқарувни жорий қилиб, мавқеларингизни юксаклик поғоналарига кўтараман. Бунинг учун Сиз саркардаю жангчиларим, менга фақат ғалабани таъминлаб беринглар. Фақат ғалаба керак. Олингу олдирманглар, сизларга ғалаба ёр бўлсин, ҳужумга!“

Шу билан ҳужум ташаббуси Тўхтамишхоннинг устунлигида бошланди. Олтин Ўрда ҳукмдори асосий зарбани Амир Темурнинг ўнг қанотига беришдан бошлади. Тўхтамишхон ушбу қиёмат жанг ҳар икки ҳукмдордан бирининг ҳалокати билан тугашини яхши биларди. Шунга кўра, Қундузча жангидаги хатоларни асло такрорламасдан, ҳар қандай шароитда Амир Темурни мағлуб этишга белни маҳкам боғлаб ғоят катта қудратли қўшин ва захиралар тўплаган эди. Тўхтамишхон қасос олишни истаётган эди. Шунга кўра бу қонли урушга Амир Темурдан кўра унинг ўзи қаттиқ хайрихоҳлик билдирди.

Тўхтамишхон тутинган отаси Амир Темурга қилган онкўрлиги, Мовароуннаҳр халқи устига босқин уюштириб қилган жабру жафолари барчасининг ҳақини шу жангда, албатта, ортиғи билан тўлаши лозим эди. Оқибат адолат қарор топиб, Амир Темур ғазабига яратган Парвардигор нафрати қўшилиб, унинг тақдирига даҳшатли фалокат муҳри босилган эди. Ёвузликни нафақат бандалари, балки Арши аъло эгаси ҳам кечирмайди. Шундай жазони Тўхтамишхон Шимолий Кавказ тоғида болаб олди. Бу зарбалардан ҳатто ҳайбатли тоғлар силкинди. Айнан шундай оғир ҳолат ва шароитда қайси услуб билан бу даҳшатли ҳужумни тўхтатиш мумкин? Амир Темур чанг-тўзонни кўтариб, Терек дарёси ёқасидаги заминни ларзага кел-



тириб, момақалдироқ янглиф инсонлар қалбини титратиб келаётган Тўхтамишхоннинг юз минглик чап қанот қўшинининг зарбдор кучларини қай бир ҳарбий усулда тўхтатиш устида бош қотирар экан, ўзидан олдин ўтган буюк лашкарбошининг айнан шундай қалтис ҳолатда қўллаган ҳарб санъатини кўз олдига келтирди. Бу Чингизхоннинг Жалолиддин Мангуберди қўшинини бир зарба билан қириб ташлаш учун Нилабдаги 1221 йил кузида содир бўлган қиёмат жангида хоқон асосий ва зарбдор суворийларнинг йирик кучларини худди Тўхтамишхон қўшини сингари ўз ғаними устига тўфон янглиф йўналтирган эди. Ўшанда Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангуберди Чингизхоннинг суворийларига қарши мудофаа жангининг ҳарбий санъат тарихида жаҳонда биринчи марта Синд дарёси бўйида қирқ беш минглик ёяндоз қўшинини отдан тушириб сафни зич олган пиёда қўшинга айлантирган, яримдоирасимон ҳолатга келтириб, Чингизхоннинг қаҳрли, уч-тўрт баробар устун кучларининг ҳужумларини бартараф этибгина қолмай, ғанимга катта талафот ҳам етказган эди. Жалолиддин Мангуберди шундай қилиб жаҳон ҳарбий санъатига оз сонли кучлар билан ўзидан бир неча ўн баробар устун душманлари кучига муваффақиятли тарзда жанг қилиш, яъни ёяндоз ҳарб усулини янгилик сифатида киритган эди.

Амир Темур Нилаб жангидаги бу ҳарбий усулни тарихнавислари Ҳофизи Абрў, Низомиддин Шомийдан кўп бора эшитган, Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердини даврнинг буюк саркардаси, дея унга бўлган ҳурмати ғоят баланд эди. Шунинг учун улў саркарда ҳарбий усулларига Терек дарёсидаги жангдан кейин Деҳли ва Гуржиларнинг жуда мустаҳкам қалъаларини олишда ҳам Жалолиддин Мангуберди ҳарбий усулидан бир неча бор фойдаланган эди.

Амир Темур ўнг қанотда унинг билан ёнма-ён турган лашкарбоши, амирларига қатъий буйруқ берди: „Барча суворий жангчилари ўнбоши, юзбо-

ши ва мингбоши ҳамда туманбошиларга зудлик билан етказилсин, бутун ўнг қанот қўшиним суворийлари отдан тушиб пиёда қўшин ҳолатига ўтиб сафни зич олиб яримёй шаклида жойлашсинлар. Барча сипоҳийлар садоғида ўқ тугагунча ёйдан ғаним устига ажал ёмғирини тинимсиз ёрдирсинлар. Бу ишни тура ва чир (қўшин мудофаада туриб жанг қилиш олдидан махсус четан, ёй ўқи ва ажал ёғдирилаётган тошлардан ҳимоя қиладиган пиёда жангчининг бутун гавдасини тўсиб ҳимоя қилувчи қалқон) панасида туриб амалга оширсинлар!“

Соҳибқирон буйруғи сониялар ичида ўнг қанот қўшинга етказилди. Жуда катта тезликда келаётган Тўхтамишхоннинг чап қанот суворийлари Амир Темурнинг тўла пиёдага айлантирилган ўнг қанот қўшин суворийлари томонидан тинимсиз ўққа тутилиб, тутдек тўкилди. Осмону фалакни тутган ўн минглаб ёй ўқлари ғаним суворийларини аёвсиз қулатди. Ёяндоз усулини қўллаб, Амир Темурнинг ўнг қанот қўшини шу тариқа катта талафот кўришдан аъло даражада ҳимояланди. Тўхтамишхоннинг отлик қўшини Амир Темур қўшинига юзма-юз ҳолатда етиб келгунча минглаб ўлик ва ярадорлар майдонни тўлдирди. Бундан ғазаби қайнаб тошган Тўхтамишхон Амир Темур ўнг қанотини шу куннинг ўзидаёқ синдириш ва қириб ташлаш учун ён томонидан зарба бериш мақсадида ўзининг ўнг қанот баронғор қўшинларидан ўн минглик лашкаридан бирданига беш туман, яъни эллик-олтмиш минг кишилик лашкарий кучларини Амир Темур рақиб қўшинига қарши жўнатди. Тўхтамишхоннинг шу тўлғама усулини қўллаши мумкинлигини эҳтимол тутган Амир Темур ўша тарафга қўйилган пистирма қўшинини дарҳол огоҳлантирди. Пистирма қўшин тўлғама қилиб келаётган ғаним қўшинини жангга тўла тайёр ҳолда кутиб олди. Босартусарини билмай Амир Темур ўнг қанотига ён тарафдан кутилмаган зарба бериш топширигини олган Тўхтамишхон қўшини тузоққа тушди. Пис-

тирмадан хабарсиз ғаним қўшини бу ерда ҳам қаттиқ ўқ ёмғири остида қолди. Бу ердаги тўсатдан берилган зарбадан душман ғафлатда қолиб, ўзини ўнглаб олиши анча қийин кечди. Ниҳоят, бу икки қўшин тўқнашуви бир-бири билан аралашиб, жанг найзабозлик ва қиличбозлик жангига айланиб кетди. Оқибат ғанимнинг ён тарафдан бермоқчи бўлган зарбаси чиппакка чиқиб, катта талафот бериб, яна келган йўли бўйлаб орқага чекинишдан ўзга чораси қолмади. Тўхтамишхоннинг асосий қўшинлари Амир Темурнинг ўнг қанотини тор-мор этиш учун марказ қўшинларидан бир қисмини олиб Соҳибқирон қўшинига қарши ташлаганидан фойдаланган Соҳибқироннинг чап ва марказ томонда жанг қилаётган саркардаларидан амирзода Муҳаммад Султон, Шайх Нуриддин, Оллоҳдод, Худойдод, Ҳожи Сайфуддин ва амирзода Рустам Мирзо Тўхтамишхоннинг марказ қўшинларига қарши сабот ва матонат билан жанг олиб бордилар.

Шу билан биринчи кунги — 15 апрелдаги бошланган жанг ниҳоясига етиб, томонлар ғазаб билан ўз дам олиш чодирлари томон ажралиб, навбатни тун ҳукмронлигига бўшатиб бердилар. Шу тариқа қиёмат-қирғин жангнинг энг даҳшатли қисми кейинги кунга қолдирилди. Тўхтамишхоннинг дастлабки кундаги кутган режаси шу кунги жангда амалга ошмай қолди.

Тўхтамишхон ушбу кунги ҳужумларидан кўп натижаларни кутган эди. Бироқ устунликка эришгандай бўлиб кўринган ҳужум барбод бўлганидан фигони фалакка кўтарилди. Аслида ушбу жангни ҳам бой берадиган бўлса, шу кундан эътиборан унинг ҳукмдорлик ва салтанат қуёши ботарди: „Йўқ, мағлубият тўғрисида эмас, эртанги жангни нима қилиб бўлса-да, ғалаба билан тугаллаш тўғрисида бош қотириш керак. Шунинг учун эртанги жангда ҳар қандай шароитда ғалабани қўлга киритишим керак, акс ҳолда барча орзу-умидларим сароб бўлиб, Терек дарёси сувига қўшилиб оқиб кетиши муқаррар. Бунинг учун жанг авж палласида захира

қўшинни бутунлай жангга киритиб, ташаббусни Амир Темурдан тортиб олишим ва унинг лашкарларига мағлублик муҳрини босиб, бутун жаҳонга бу ғалабам довруғини маълум қилишим шарт. Ҳар қандай шароитда ҳам фақат ғалаба! Амир Темурни сиёсат майдонидан бутунлай азл этишим зарур. Тўхтамишхон майсара ва қанот қўшинлари қўмондонлари Кунча ўғлон, Бекёруқ ўғлон ва куёви Довуд Сўфи саркардаларни Қароргоҳига чақириб, Амир Темурнинг маймана қисмини ҳар қандай шароитда тор-мор этиб, қириб ташлашни топширди. Улар ҳукмдорини ҳатто жонимизни тикиб бўлса-да, ғанимга қақшатқич зарба берамиз, дея ишонтириб қасам ичишди. Тўхтамишхон: „Бу буюк ғалабангиз ҳақини қандай ўрнига қўйишни, Амир Темур мағлуб қилингандан кейин кўрасизлар, дея уларни руҳлантирди ва мағрурлантирди.

Бир овоздан учала йирик саркардалари Амир Темурнинг ё ўлиги, ё тириги Қароргоҳингиз оstonасида бўлғай, улуғ ҳукмдор, дея пешаналарини пойига қўйиб таъзимга ётдилар.

... Амир Темур эса эртанги жангда етти қўл ҳарб усулини қўллаб жангга киришларини қўшин саркарда ва қўмондонларига маълум қилди. Ҳар бир саркардасининг жанг майдонидаги ўрнини қатъий белгилаб берди. Шунингдек, жангнинг бориш вазиятини ҳисобга олиб, ҳар бир саркардага бундай пайтда мураккаб ҳолатдан чиқиш учун ўз ақли билан қўшинини бошқаришга ҳам эркинлик берди: „Султон Жалолиддин Мангубердиннинг „ёяндоз“ усули жангнинг биринчи кунда ўзини тўла оқлади. Биз душманнинг қутуриб қилган ҳужумларини муваффақиятли тарзда қайтаришга эришдик. Унинг мўғулларга қарши бошлаган мустақиллик курашини биз давом эттирмоқдамиз“, деб саркарда номини яхши хотиралар билан тилга олди, Соҳибқирон.

Эрта саҳардан икки қарама-қарши тарафлар ҳарбий-музиқий дасталар чорлаётган гумбур-гумбур ногораю карнай, сурнай садолари остида саф олишга



киришдилар. Бу 16 апрель тонги жанголди сурони эди. Бу бошланаётган иккинчи кунги жанг — жангнинг энг оғир, ҳал қилувчи куни эди.

Амир Темур атайлаб Тўхтамишхон қўшинига бугун ҳам биринчи бўлиб ҳужум қилиш имкониятини берди. Ўз қўшинларига етти қўл ҳарб усули, яъни ясол тартиби бўйича мудофаада туришга қарор қилди. Чунки, Тўхтамишхон эртанги ҳужум тактикасини ўзгартириб, бошқа бирон усулни қўллашини Соҳибқирон эҳтимол тутди.

Амир Темур Тўхтамишхоннинг режасини мантиқий фикр тарозисига тортиб, тўғри топганлиги иккинчи кунги қирғин-барот жангида ўз исботини топди. Тўхтамишхон Кунча ўғлон, Бекёруқ ўғлон ва Довуд Сўфи йирик саркардаларини майсара қўшин ҳолатига бирлаштириб, уларни оғир зирх кийимлар (жиба) ва оғир қуроллар: гурзи, узун найзалар билан таъминлаб Амир Темурнинг қўшинларига қарши қуюндек ёпирилиб ҳужумга ташлади. Шу билан XIV асрнинг жаҳон тарихида мислсиз ва ақл бовар қилмас жанги бошланиб кетди. Оғир қуролланган лашкарий қисмлар пўлат оқимидек олдида учраган нарсани шамолга совуриб ташлайдиган важоҳатда ҳужум бошлади. Амир Темурнинг чап ёнидан айланиб ва тиккасига ҳужум билан жавонғор қўшинни қуршаб олиш учун катта майдонни зир титратиб келаётган Тўхтамишхон қўшини бирданига иккига ажралди. Биринчи йирик лашкарий кучлари Соҳибқирон маймана қўшинига юзма-юз келаётган бўлса, иккинчиси чап тарафга бурилиб, узоқроқ масофадан айланиб ўтиб, Соҳибқироннинг марказ қўшинини ноқулай ҳолатга солишни режалаштиргани аён бўлди.

Ғаним қўшинини тўхтатиб қолиш учун Амир Темур чиговул ва ғул қисмни олти қатор сафга тизди. Ҳар биридан уч саф фавж қўшинни олиб, майсара қўшинни мадад кучлар билан таъминлади. Учлик сафнинг иккинчи фавжига эса Оллоҳдодни қўмондон қилиб тайинлади.

Марказни ҳимоя қилаётган амирзода Муҳам-

мад Султон бобоси ҳимоясини янада кучайтириш учун майсара қўшинга бақамти қизғин жанглар олиб бориб, Соҳибқирон Қароргоҳи муҳофазасини янада кучайтиришга бор кучи билан ташланди ва тилларда дoston бўларлик қаҳрамонликлар кўрсатди. Шу жангдаги мардлиги, қўшинни оқилона бошқарганлиги, ҳарбий истеъдодини намоён этганлиги боис буюк саркардалар сафидан ўрин олишга эришди. Амир Темурнинг ўнг тарафидан бирон-бир ўпирилиш юз бермаслиги учун амирзода Муҳаммад Султон Шайх Нуриддин қўмондонлигида жанг қилаётган саркардаларни ҳам ҳар жиҳатдан огоҳ қилиб, Амир Темур Қароргоҳига ёриб кириш учун гоҳ ўнг, гоҳ чап томондан Тўхтамишхоннинг ҳужумкор лашкар кучларини назоратдан қочирмади. Агар унга қилинадиган таҳдид кучайиб аҳвол жиддий тус олса, улар ҳам қўшинининг тенг ярмини Амир Темур ҳимоясига жўнатиш кўрсатмаси берилди ва қатъий огоҳлантирилди. Бу ҳам Муҳаммад Султоннинг жанг майдонини тўла назорат қилиш ва узоқни кўра олиш қобилиятини кўрсатувчи яққол далилдир.

Шу тариқа жанг олови тобора чарсиллаб ҳар икки томон талафотлари ошгандан-ошиб, майдон ўлик ва ярадорларга тўлди. Қора ер алвон рангга бўялди. Урҳо-ур овозлари борлиқни тутди. Қиличларнинг ҳавода айланишидан қанча бошлар ерга думалади. Найзаларнинг ўткир тиглари жангчиларнинг жигар-бағрини тешиб таналардан дарчалар очди. Гурзилар зарбидан инсонларнинг калла суяклари худди тариқдек парчаланиб қиёмат-қойим манзара ҳосил бўлди. Инсон ақл-идроки бовар қилмаган қонли жанг Терек дарёси бўйида шу тарзда давом этарди. Ниҳоят, Тўхтамишхон жанг тақдирини ўз фойдасига ҳал қилиш учун захирасини ишга солди. Олтин Ўрда хони асаблари дош беролмай, шундай қилишга мажбур бўлди. Унинг бу кучлари Амир Темурнинг Қароргоҳини бутун қўшини билан яксон қилиш буйруғини олди. Кутилмаганда катта захира кучларнинг ҳужумга ўтиши

Соҳибқирон қўшинида ўпирилиш содир бўлишига олиб келди. Натижада устунлик шу лаҳзаларда Олтин Ўрда хони тарафга оғиб кетди. Дард устига чипқон деганларидек, шу вақтда яна бир нохуш воқеа содир бўлди. Ўрусхоннинг ўғли Кунжа ўғлон Оқ Ўрда билан бўлган жангда асир олинган, уни Соҳибқирон қатл қилмасдан ўрил ўрнида тарбиялаб, ҳатто ўн минг қўшин қўмондони лавозимига кўтарган эди. Тўхтамишхон захираси жангга киргач, Кунжа ўғлонда бадгумонлик пайдо бўлиб, Соҳибқирон аҳволи оғирлашиб бораётганлигини кўргач, Тўхтамишхон қўшини тарафга ўтиб кетиш васвасасига тушди. Бунда Тўхтамишхон жўнатган хуфиялар таъсири ҳам катта бўлди. Кунжа ўғлон ўн минглик лашкари билан Тўхтамишхон тарафга ўтиб кетди ва ғоят оғир вазият рўй берган пайтда баттар аҳволни оғирлаштирди.

Тўхтамишхоннинг зарбдор кучлари билан захира кучлари бирлашиб ҳаракат бошлагач, Амир Темур ва унинг Қароргоҳини ҳимоя қилиб турган қўшинлар аҳволи бирданига ёмонлашди. Шиддатли ҳужум туфайли Тўхтамишхон Соҳибқиронни муҳофаза қилаётган қўшинга қаттиқ зарба бериб, катта талафот етказди. Натижада Мовароуннаҳр қўшинларини жавонғор ва баронғоридан ажратиб ташлаб Соҳибқиронни ҳимоя қилаётган қўшинга қирон келтириб, Қароргоҳни уч томонидан ўраб ола бошлади. Амир Темур ҳаёти энди қил устида турарди. Амир Темур Қароргоҳ хабаргирларига сўнги буйруқни бериб улгурди: „Ҳар бир саркарда ўз ақли ва идроки билан саросимага тушмай ҳаракатини қилсинлар, ҳар бир жангчи, ўнбоши, юзбоши ва мингбошилар ҳам „Тузуқлар“даги бурчи ва вазифасини охиригача адо қилиб, қиличини мардона чексинлар, вассалом!“ Хабаргирлар қуршов беркилиш арафасида ҳалқадан зўрға чиқиб улгуриб, Соҳибқироннинг жанг асносидаги сўнги фармонини лашкарий қисмларга лаҳзалар ичидигина зўр-базўр етказиб, улгуриб қолдилар. Шу билан Қароргоҳ ва ўнг, чап ва захира қўшинлар

ўртасида алоқа узилди. Натижада жангнинг оқибати бу ёрига ҳар бир жангчи ва қўмондонларининг сабот ва матонат билан жангни олиб боришлари, мустақил тарзда ақл-фаросат билан ўз қисмларини бошқариш, шундай мураккаб вазиятда ҳам саросимага тушмай курашни давом эттиришларига боғлиқ бўлиб қолди.

Бу ҳукм фармонини олган ҳар бир жангчидан тортиб саркардаларгача барча қаттиқ интизом ва ирода билан жанг қилди, Тўхтамишхон ҳосил қилган қуршов ҳалқасини узиб ҳукмдорини халос қилиш сари ўлимни писанд қилмай, қадам-бақадам қон кечиб, жон олиб, жон бериб олдинга ташландилар, олдинга интилиб йиқилдилар, душман ҳалқумини кесдилар, ўзлари ҳам шу тақдирга дучор бўлдилар. Қирғин кучайгандан-кучайиб, шафқатсиз майл жанг майдонида тўла ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Ғоят мураккаб вазият вужудга келди.

Шайх Нуриддин ўша жанг оловида Сабуқа нуён бошчилигидаги мўғуллар зарбдор суворийларининг бўрондек ёпирилиб қилган ҳужумларини тўхтатиш учун ўз қўшини олдида илгарилаб бораётиб, бирданига тулпори жilовини тортди. Отидан сакраб тушиб қиличини паҳлавонлар учун ясалган махсус ўқ-ёйи билан алмаштириб, энг олдинги сафларда шиддат билан келаётган ёв суворийларини ер тишлатишга киришди. Бунини кўрган унинг суворий лашкарлари ўз қўмондони ўнг ва чап тарафидан сафни зич олиб лаҳзалар ичида пиёда қисмга айландилар. Шу тахлит ёяндоз қўшин ҳолатига ўтдилар. Шайх Нуриддин қўшини шу билан тактикада Соҳибқироннинг „мустақил фикр юритиб, вазиятни ақл-идрок билан баҳолаб, жангни давом эттиринг“, деган буйруғига ижодий ёндашиб, тушдан кейинги жангда яна Жалолиддин Мангуберди ҳарбий усулини қўллаб, душманни тутдек тўқдилар.

Унга яқинроқ масофада жанг қилаётган саркарда Муҳаммад Озод ва унинг укаси Алишоҳ ҳам қуршовнинг заиф ҳалқасини топиб ёриб кириб,



Амир Темур Қароргоҳи муҳофазасини анча мустаҳкамлашга эришди. Араваларда ҳарбий муҳандислар ясаган ўтсочар қуроолар илк бор ишга солинди. Душман лашкари бундан анча саросимага тушди.

Шу тариқа пиёдага айланган қўшин иккинчи кунги тушдан кейинги ҳал қилувчи офир дамларда фалокат рўй беришидан сақлаб, ғаним отличлари ҳужумини тўхтатиб қолишнинг энг ишончли усулини ишга солдилар. Амир Худойдод Хусайний ўзлари билан икки кунгина олдин бир дастурхондан нон-туз ейишиб оқибат хоинлик қилиб, Тўхтамишхон тарафга ўтган Кунжа ўғлоннинг қўшини унинг фавжи томон мўр-малаҳдай ёпирилиб келаётганини кўрди... Худойдод қўшинига буйруқ бериб, у ҳам ёяндоз услубига ўтишга киришди. Кунжа ўғлоннинг ўн минглик суворий қўшини тирборонга учратилиб, ўқ ёмғири остига олинди. Хоин лашкари катта талафот кўрди.

Шундай вазиятларнинг бирида асосий қўшинини Шайх Нуриддин ва Ҳожи Сайфуддин саркардаларига қолдириб шердек ҳайқириб етиб келган Муҳаммад Султон паҳлавон ва баҳодирлардан ташкил этилган гуруҳи билан бобоси Амир Темурни бўғма илондек зич қуршовга олган мўғул қўшини ҳалқасига ташланди. Уни ёриб ўтиб Соҳибқиронга яқинлашиб турган ўлим таҳдидини Амир Темурдан анча узоқлаштиришга эришди. Бироқ бу билан ҳам ҳали офир вазият ўнгланиб кетмаган эди. Фақат бир оз кечроқ бўлса-да, Амир Темур саркардаси Амир Жаҳоншоҳ баҳодир ва Амир Темурнинг набираси амирзода Рустам Мирзолар қўшини билан етиб келиб жангга киргандан кейингина хавф-хатар бир оз орқароққа чекинди. Шу билан Амир Темур боши устига келиб сония-ма-сония таҳдид солиб турган ҳалокат чоҳи ундан анча узоқлашди.

Шундан кейин амирзода Муҳаммад Султон, Ҳожи Сайфуддин, Шайх Нуриддин ва амирзода Рустам Мирзога Амир Темур буйруқ бериб, бу-

тун вужуд, бор куч билан сафни зич олиб, уларни қарши ҳужумга йўллади. Душман қўшини ҳам бўш келмади. Ҳужумга қарши ҳужум билан жавоб қайтаришга уринди. Бироқ бу қилинган қарши ҳужум муваффақиятли чиқмади. Шундай офир вазият вужудга келишига қарамасдан, Амир Темур қўшинидаги оддий жангчидан тортиб баҳодир, паҳлавон диловарлар, ўнбоши, юзбоши ва мингбошилар шижоат ва жасорат намуналарини кўрсатиб, метин ирода ва мустаҳкам руҳий кўтаринкиликда оёқларини заминга маҳкам тираб жанг олиб бордилар. Қўшиннинг пароканда бўлиб кетишига йўл қўймадилар. Амир Темир „Тузуклар“идаги ҳарб қонун-қоидаларига амал қилмай ваҳимага берилганларида борми, ҳар бир жангчи, сипоҳий ва саркардалар жанг санъати ва майдонидаги ўз ўрни ва бурчини яхши эгалламаганида Тўхтамишхон иккинчи кунги жангнинг ўзидаёқ ғалабани нақд қилиб қўйган, Соҳибқирон қўшинлари бўронга учраган дарахт новдаси ва баргларидек сочилиб кетган, ва, албатта, мағлубиятга учраган бўларди. Шунингдек, вазиятни тез англаб, фақат етти қўл қўшин тартиби усулида жанг давом эттирилганида ҳам аҳвол бутунлай салбий тарафга ўзгариб кетган бўларди. Шунинг учун биринчи ва иккинчи кунги жанг авж палласида Жалолиддин Мангубердиннинг ёяндоз ҳарбий санъат усули ўз вақтида қўлланилиб, фалокатнинг олди олинди, ғаним ҳужуми тўхтатиб қолинишига эришилди. Вазиятга қараб гоҳ етти қўл, гоҳ ёяндоз ҳарбий санъат тактикаси муваффақиятли қўлланиб, Тўхтамишхон қўшинининг тобора тинкаси қуритилди. Иккинчи кунги жанг шу тариқа томонларнинг нисбатан тенглигига эришиб, ниҳоясига етди.

Учинчи кунги бошланажак жанг ҳал қилувчи жанг бўлиб, қайсидир ҳукмдордан бирининг бутунлай тожу тахт ва сиёсату ҳарб майдонидан бир умрга хайр-маъзур қиладиган куни эди. Томонлар жангчилари кечки овқатларини апил-та-



пил истеъмол қилар-қилмас ўтирган жойларидаёқ тош қотдилар. Кавказ тоғларидаги сукунатни фақат оғир ярадор жангчиларнинг оҳ-воҳларию қон ҳидини олган йиртқичларнинг овозларигина бузарди.

МУҒУЛ БАҲОДИРИНИНГ ҲАЛОКАТИ

Учинчи кунги эрталабки жанг томонлар баҳодирларининг яккама-якка олишуви билан бошланадиган бўлди. Бу таклиф Тўхтамишхондан чиққан эди. Муғул ҳукмдорининг Ёғлибек ўғлон деган мингбошиси бор эди. Унинг бу баҳодир мингбошисига жанговар қуроллардан моҳирона фойдаланиш, айниқса, қилич чопиш ва найзабозлик жангида тенг келадиган суворий камдан-кам топилган. Тўхтамишхон эрталабки жангни кўтаринки кайфиятда бошлаш учун Ёғлибек ўғлон баҳодир саркардасининг куч-қудрати ва шамширни маҳоратда тенгсиз ўйнатишига ишонар эди. Шу орқали Олтин Ўрда хони ўз қўшинларининг руҳини кўтариб, якуний жангни паҳлавонларнинг яккама-якка жанги билан бошлашга жазм этди.

Ҳар икки тараф ясол олиб қўшинларини сафга тизиб бўлгач, муғуллар тарафдан бир суворий оқ байроқни ҳилпиратиб, оқ тулпорини ўйнатганича Амир Темурнинг марказ қўшини томон елиб келди-да: „Бизнинг ҳукмдоримиз жангни баҳодир паҳлавонлар бошлаб беришини сўрадилар, у баҳодиримиз жангга шай турур, фақат сизлар томонингизнинг розилиги қолган холос. Менга ҳа ёки йўқ жавобингизни билдиринглар“, деди.

Шайх Нуриддин: „Амирим, менинг мингбошим Усмон баҳодир худди шер ва арслоннинг ўзи, шу икки кунлик жангнинг ўзидаёқ Тўхтамишхоннинг ўнлаб баҳодирларини у дунёга равона қилди“, деди. „Ҳа, — дея маъқуллади Соҳибқирон, мен Усмон баҳодирни яхши танийман, ҳақиқий жанг майдони диловари, айтинг, жангга тайёрлансин, фақат жуда бақувват ва чайир тулпор беринглар“.

Бирпасгина мизғишга улгурган ҳар икки тараф жангчилари эрта тонгдан мусиқий дасталарнинг жангга чорловчи овозларидан уйғониб, яна саваш майдонига чопишиб, ҳар бир фавж қўшин гуруҳлари сафланишга киришдилар.

Муғул чопарига эса Шайх Нуриддин: „Жангчингиз чиқаверсин, бизнинг баҳодир ҳам тайёр“, жавобини берди. Муғул чопари қандай тезликда келган бўлса, тулпори жilовини орқага буриб, шу тарзда орқасига қайтди. Зум ўтар-ўтмас, асов отини елдирганча муғул баҳодир, мингбоши Ёғлибек ўғлон майдоннинг қоқ марказига келиб тўхтади. Бу тарафдан Усмон баҳодир қўшиннинг унга галаба тилаган дуолари остида Ёғлибек томон от сурди. Амир Темур ва барча саркардалар, жангчиларнинг: „Аллоҳ мадакоринг бўлсин, мингбоши, зафар билан қайт, олу олдирма, бек! Омин, Аллоҳу акбар!“ деган ҳайқириқларидан осмону фалак акс садо берди. Шу тариқа яккама-якка паҳлавон баҳодирлар олишуви бошланди. Икки томондан салкам уч юз элик минг жангчилар нигоҳи икки паҳлавон олишувига қаратилди. Иккала баҳодир дастлаб қиличбозлик жангини афзал кўриб, бир-бирларига шердек ташландилар. Қай бири бир оз хатога йўл қўйса бас, ўша баҳодирнинг куни битади. Салгина бепарволик ёки хушёрликни қўлдан бой бериши у дунёга равона бўлиш демакдир. Буни ҳар иккала баҳодир ҳаммадан яхши билади. Айниқса иккисидан бириси ҳаёт билан видолашадиган шу дақиқалардаги руҳий зўриқиш мустаҳкам иродани талаб қилади. Жанг давомида ҳар икки тараф баҳодир бири-бирига муносиб эканлиги яққол кўриниб турарди. Энг оғири, жангларда кучларнинг тенг ҳолатда давом этиши, унинг узоққа чўзилишидан дарак берарди. Нафақат жисмоний, балки руҳий-асабий зўриқиш ҳам кучли кечади. Жанг давомида Усмон баҳодир тўсатдан тулпори аччиқ қамчи урди-да,



рақибни Ёғлибек паҳлавондан анча масофа узоқлашиб, бирданига оти жиловини орқага буриб, сўнгра тезлик билан бориб фанимининг оти қорнига ёнлаб тулпорининг гавдаси билан урди. Шундан кўринадики, ушбу тулпор жангда катта тажриба орттирган бўлиб, ўз хўжаси Усмонбек баҳодирга жангларда қандай ёрдам бериш йўлини эгаллаган жангари от сирасидан бўлган. Ёғлибек баҳодир оти ўз мувозанатини йўқотиб, эгаси билан ерга ағдарилди. Бундан хурсанд бўлган Амир Темур қўшини жангчилари „Баракалла ота ўғил, бек, бопла уни, таъзирини бер мўғул баҳодирининг“, деган ҳайқирдиқ олқишлари Эльбрус чўққисида акс садо берди. Апил-тапил ўрнидан туриб жангни давом эттирмоқчи бўлган Ёғлибекнинг аввалги важоҳатидан асар ҳам қолмаганлиги сезилиб турарди. Унинг елкаси ва оёғидан лат егани маълум бўлди. Энди Усмонбек баҳодирнинг мўғул паҳлавон мингбошиси Ёғлибек ўғлон устидан галабаси аниқ бўлиб, у Мовароуннаҳр паҳлавони қиличи зарбаларидан зўрға ҳимояланарди. Ўз мингбошисининг ўлими муқаррар яқин қолганини сезган мўғул суворийлари яккама-якка олишув қоидаларига риоя қилмай, қўмондонини қутқариш учун яшин тезлигида майдонга от солдилар. Қарама-қарши томон, яъни Усмонбек мингбоши суворийлари ҳам эгаллаб турган жойидан шитоб билан олға интилиб, мўғул минглик лашкарларига қарши шиддат билан от солдилар. Шу лаҳзаларда Усмонбек мингбоши рақибини ер тишлатиб улгурди. Натижада яккама-якка жанг ҳар икки томон лашкарларининг даҳшатли қасоскорона минглик қисмлар жангига айланиб кетди. Шу минглик лашкарлар жанги бир ёқлик бўлгунча ҳар икки тарафнинг асосий қўшинидан ҳеч бири жангга кирмай бу жанг оқибатини кузатиб турдилар. Бу майдон қоқ марказида шу тариқа икки томондан икки минг кишилиқ мингбошилар лашкарининг ўзаро аёвсиз жанги бошланиб кетди. Ниҳоят икки минг кишилиқ суворийлар олишуви ниҳоясига етди. Усмонбек мингбоши суворийлари душманнинг сийраклашиб қолган қўшинини тўлиқ қириб ташлади. Усмонбек мингбошининг икки

юздан ортиқроқ жангчиси бу жангда тирик қолди. Уларнинг анчаси ярадор бўлган эди. Амир Темур амир ул-умаро (Бош қўмондони)га уларнинг барчасининг номларини қаҳрамон дея зафар тантаналари чоғида эълон қилишни топширди. Шунингдек, мўғул мингбошиси Ёғлибек ўғлон жасадини топиб, гарчи фаним жангчиси бўлса-да, мардлиги, бемисл жасорат билан жанг қилганлиги учун ўз қаҳрамон жангчилари жасадлари билан ёнма-ён дафн этиш тўғрисида ҳам кўрсатма берди. Амир Темур, гарчи фаним жангчиси бўлса-да, мард ва жасоратли инсонларга тан берарди. Ёғлибекни ҳам шулар қаторига киритди. Бу ҳам бетакрор мардлик кўриниши ва фаним баҳодирига Соҳибқироннинг бемисл ҳурмати ифодаси эди.

Бор ҳақиқат шуки, жангнинг ақл бовар қилмас даҳшатли манзарасини очишнинг уддасидан чиқа олмаслигимизни ошкор этиб, жанг ҳодисаси майдонидаги қиёмат воқеаларнинг умумий ҳолатини очиш ва тасвирлашга қурбимиз етганича уриниш билан чекландик, холос. Ҳазрат Амир Темур ва унинг амиру саркардалари, қаҳрамон жангчи баҳодирларининг жасорат, мардлик ва шеру арслонсифат олишувларини бор бўйи билан халқимизга етказмаганлигимиз учун биз муаррихлар миллатимиз, Ватанимиз олдида қарздор эканлигимизни эътироф этамиз. Негаки, шу жангда халқ ва Ватан деб жангга кирганлар арвоҳи, жангдан қайтмаганлар руҳлари, улар жасорати, бемисл қаҳрамонликларини хотирамизда абадул-абад сақлашга бурчлимиз:

*Сизни деб, бизни деб, авлодини деб,
Аждодлар жанг қилди, жанги беомон.
Она юрт ҳуснига беролмасдан зеб,
Армон билан кетдилар миллионлаб инсон.*

Қаҳрамон аждодлар хотираси олий қадрият. Уларга муносиб ворислар бўлиш эса Мустақил Ватан олдидаги ҳар биримизнинг виждоний бурчимиздир. Кимки Ватан, эл-улус дея жангга кирган экан, улар хотираларини дуоларга қўшиб ҳар куни эслашга қарзормиз.

ТЕРЕК БЎЙИДАГИ БУЮК ҒАЛАБА

1395 йил 17 апрель куни эрталаб нафақат Кавказ тоғлари, балки Европа, Осиё ва Африка қитъаларида катта акс садо берган даҳшатли яқуний жанг бошланди. Бу жангда ким ғалаба қилса, ўша салтанатнинг қуёши порлар, мағлубиятга учрагани сиёсат ва ҳарб майдонини бутунлай тарк этиб, тарих саҳифасига мағлублик муҳри босилганча кетарди. Шунга кўра, бу жанг оқибати Евросиё сиёсий харитасини тубдан ўзгартириб юбориши муқаррар бўлган ҳодисаларни келтириб чиқарар эди. Буни Амир Темуր ҳам, Тўхтамишхон ҳам яхши англаб турардилар. Ниҳоят, ўша кун ҳам етиб келди.

Кавказнинг ҳар икки — жануб ва шимолидаги барча халқлар уйқуда. Эрта саҳардаги чалинган икки салтанатнинг ҳарбий-муסיқий дасталарининг гумбур-гумбури бирданига Эльбрус чўққиларида акс садо бериб, ундан, аввало, юз минглаб қўшин оёққа турди. Шу тариқа ҳар икки томоннинг денгиздек чайқалган қўшинларидаги суворию пиёда жангчилари уйқуга тўймаган кўзларини очар-очмас, жон ҳолатда жанговар қуроллари ни шошапиша олганича Терек дарёси соҳилида сўнги бор саф тортиб ясолга киришдилар. Ҳар бир лашкарий қисм жангчилари нечанчи қатор бўлиб жанг майдонининг қаерида сафга туришни яхши биларди. Неча бор жангу жадалларни кўрган бу жангчилар ўлим билан юзма-юз келиб дийдалари қотган, эрталабданоқ дўзах олови пуркаб турган ўлим майдонида уларни ажал ҳар сонияда таъқиб қиладди. Бугун бошланадиган қирғин-барот тўқнашув ҳам неча минглаб жангчиларнинг ҳаётини юлиб олади ва абадият дунёси мулкига айлантиради.

... Амир Темуր икки кунлик аёвсиз ва гоят шиддатли жанг давомида мудофаа жангини олиб борди. Натижа шу бўлдики, Тўхтамишхон шу икки кун давомидаги жангда Соҳибқирон бошига кулфат келтиришига бир баҳя қолди. Ҳатто ғалабани нишонлашга шубҳа ҳам қилмай, мағрурона: „Энди

кунинг битди Темурубек, мағлуб бўлганингга иқроор бўлавер“, дея Қароргоҳидан туриб жон-жаҳди билан Соҳибқироннинг аҳволи танглашаётганлигига ишонч ҳосил қилиб, бир неча бор: „Ғалаба-ғалаба“, дея ҳайқирган эди ҳам. Вазият ҳақиқатан ҳам шунга яқин турарди. Аммо ногора барибир тўйдан олдин чалинмайди.

„Қундузчадаги ғалабангни бугунги ғалабам билан оғзи бурнингдан қора қонингни келтириб қайтариб оламан, Темурубек. Сенинг шармандали мағлубиятингга Кавказнинг Эльбрус чўққиси ва чўққилари кўз ёшлари сел бўлиб оқсин“, дея сал бўлмаса тўйдан аввал ногорани қоқиб, ғалабани нишонлашига оз қолган эди. Йўқ, бўлмади. Аксинча, Соҳибқироннинг марду майдон баҳодир жангчилари оғир харсанг тошдек ўз мудофаа марраларида охирги нафасларига қадар туриб бердилар.

Учинчи кунги жанг услуби тамомила ўзгарди. Тўхтамишхон захираларини кечаги жангда ишга солгач, энди захирасиз қолганлиги учун мудофаа жангини маъқул кўришдан ўзга иложи йўқ эди. Аксинча, Амир Темури икки кунлик жангда ҳаёти қил устида турганлигига қарамай, захирасини жангга киритмай, жангчиларининг, саркардаларининг чексиз марду майдонлигига таяниб, Тўхтамишхон лашкарининг неча бор қутуриб қилган ҳужумларини тўхтатди. Шу йўл билан ғаним қўшинининг тинкасини қуритишга эришди ва ғаним қўшинини ҳолдан тойдирди. Шу билан ғалаба стратегиясини таъминлашга муваффақ бўлди. Бу Амир Темурининг буюк саркардалик маҳоратининг доҳиёна бир кўриниши бўлди. Амир Темури қўшинидан ўзга бирон қўшин Тўхтамишхон лашкарининг денгизда кўтарилган тўфондек ҳужумини тўхтатиб қола олмас эди. Олтин Ўрда қўшини икки кунлик жангда батамом ҳолдан тойдириб тинкасини қуритгач, учинчи кунги жангда қарши зарба бериш навбатини Амир Темури ўз қўлига олди.



Соҳибқирон ясол олиб бўлган қўшинига ялпи ҳужум тўғрисидаги фармонини бериши ҳамано, биринчи бўлиб амирзода ва улуғ саркарда Муҳаммад Султон марказ (ғул)дан туриб асосий қўшини билан ҳужумга ўтди. Тўхтамишхон эса энг машҳур саркардаси ва куёви Довуд Сўфига унинг ҳужумини тўхтатиб, қарши ҳужумга ўтиш вазифасини юклади! Бу вақтда эса амирзода Мироншоҳ Мирзони Соҳибқирон ўнг қанотдан ҳужумга йўллади. Унга қарши Тўхтамишхон Кунжа ўғлонни чап қанотдан жангга жўнатди. Шайх Нуриддинга эса ишониб чап қанот топширилди, Уни Ҳожи Сайфуддин суворийлари ҳимоя қиладиган бўлди. Шайх Нуриддин ва Ҳожи Сайфуддинга Тўхтамишхоннинг ўнг қанот йирик лашкарий кучларини тор-мор этиш вазифаси юклатилди. Соҳибқироннинг таниқли саркардаси Амир Шоҳ Малик эса Амир Темур захирасини бошқаришга қолдирилди. Соҳибқироннинг катта ютуғи, бу ҳал қилувчи жангнинг учинчи кунига захира қўшинини асраб тургани бўлди. Қачонки буйруқ берилмагунча, жангларнинг боришини кузатиб туриш, Қароргоҳ хавфсизлигини таъминлаш унинг зиммасида эди. Оллоҳдод, Худойдод, Темурхўжа, Оқбуғо ва амирзода Рустам Мирзолар ҳар куни асосий йўналишдаги марказ, ўнг ва чап қанотлардан қайси бирининг аҳволи жанг асносида оғир аҳволга тушиб қолгудек бўлса, иккинчи ва учинчи қатор ҳимоя ҳалқасини ҳосил қилиб, оёқларини заминга маҳкам тираб, жасорат намуналарини кўрсатиб жанг қилишлари уқтирилди. Улар ҳам ўз даврининг таниқли ва ғоят тажрибали саркардалари эдилар.

Ана шу тартибда ясол олган икки томон қўшинлари сўнгги яқунловчи жангни бошлаб юбордилар. Гарчи Амир Темур жангни Қароргоҳдан туриб бошқараётган бўлса-да, Тўхтамишхоннинг нажотни шу кунги жангдан қидираётганлигини яққол сезиб турарди. Тўхтамишхоннинг учинчи кунги ҳолатини яраланган шерга ўхшатилса бўларди. Тушгача олиб борилган жанг томонларнинг ўзаро бир-бирига

ҳамла қилишдаги мувозанати тенглашиб турган ҳолатда ўтди. Амир Темурнинг марказ, ўнг ва сўл қанотларининг қуюндек ёпирилишини тўхтатишга Тўхтамишхоннинг йирик саркардаларидан Кунжа ўғлон, Бекёруқ ўғлон ва Довуд Сўфи қўмондонлигидаги лашкарий кучлар катта талафотлар эвазига Соҳибқирон қўшинлари ҳужумларини бир оз муддат сусайтиришга эришдилар. Ҳар икки томоннинг машҳур паҳлавон ва баҳодирлари ўзларининг жисмоний кучлари нималарга қодирлиги, маҳорат бобида тенгсиз қиличбоз ва найзабоз эканликларини барала намойиш этдилар. Майдон ўлик ва ярадорларга тўлиб кетгач, жанг давомида қарама-қарши томонлар курашни тўхтатмаган ҳолда очироқ майдон сари мажбурий тарзда силжидилар. Негаки, бирининг устига бири йиқилган, қават-қават ҳолатдаги жасадларни топтаб, устларидан юриб жанг қилиш ўликларга нисбатан беҳурматлик ҳамда гуноҳи азим бўлардики, жанг қилиб турган ҳар бир жангчиларнинг ўзлари ҳам лаҳзада жасадга айланмаслигига Яратгандан ўзга ҳеч ким кафолат беролмасди. Ўликлар ҳукмронлиги тирикларга нисбатан орта бориб, оқибат қирғин хунрезликка айланди.

Дастлаб биринчи бўлиб ҳужумга отланган амирзода Муҳаммад Султон Тўхтамишхон қўшинларининг Довуд Сўфи бошчилигида мўғулларнинг ғул лашкари билан шиддатли кураш олиб борар экан, уларнинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Шу пайтда Тўхтамишхон марказ қўшинига мадад бериш учун ўнг қанотидаги икки туманини Довуд Сўфига мадад бериш учун жўнатди. Бирданига йигирма минг, яъни икки туман мўғул лашкарларининг ёрдамга келиши ганим ғул лашкарларининг руҳини кўтариб юборди. Энди Муҳаммад Султон қўшини мардлик ва жасоратнинг ҳали очилмаган саҳифаларини очиб, ганим ҳужумини тўхтатиш учун мудофаага ўтишга мажбур бўлди. Муҳаммад Султон суворийларига зудлик билан отдан тушиб отларнинг жилловини белларига боғлаб яна ёяндоз усулига ўтишга маж-

бур бўлдилар. Акс ҳолда, шамолдек учиб келаётган суворийлар қатта куч бўлиб Муҳаммад Султон қўшинини тўзғитиб юбориши муқаррар эди. Шунинг учун тўрт қатор зич саф олиб дастлаб ёйдан тинимсиз ўққа тутиш билан Довуд Сўфи суворийлар ҳужумини қаттиқ қийинчилик билан тўхтатишга эришдилар. Елдек келаётган ғаним тулпорлари зич девор ҳосил қилинган ва пиёдага айлантирилган қўшин сафини бузиб ўтолмадилар. Бу пайтда мўғулларнинг ўнг қаноти йигирма минг суворий жангчилари марказ тарафга олиб ташлангач, уларнинг баронфори қаноти заифлашиб қолган эди. Буни пайқаган Амир Темур ғанимнинг заифлашган ўнг қанотини синдириш имкониятини қўлдан бой бермаслик учун уч кундан бери жангталаб бўлиб буйруқ кутиб турган Амир Шоҳ Маликнинг захирадаги зарбдор махсус тузилган қўшинига буйруқ берди. Захирадаги олтмиш минг суворийдан ўттиз минг, яъни тенг ярмини Муҳаммад Султоннинг мудофаада турган лашкарини ҳимоя қилиб жанг қилаётган таниқли саркарда Ҳожи Сайфуддин ихтиёрига жўнатилди. Ҳожи Сайфуддин Амир Темурнинг ниятини дарҳол англади. Улар Соҳибқирон билан ёшлиқдан жангу жадалларда доимий жанговар сафда бирга бўлиб, бир-бирларининг фикрини имо-ишоралари ва кўз қарашлариданоқ тез англаб ҳаракат қилар эдилар. Саркарда Ҳожи Сайфуддин янги куч билан тўлдирилган қўшинини яшиндек чақнатиб, мўғулларнинг заифлашган Бекёруқ ўғлон бошқараётган ўнг қаноти устига ёпирилди. Тўхтамишхон Қароргоҳини ўнг томондан ҳимоя қилаётган қўшин қўмондони Бекёруқ ўғлонни тамомила мағлуб этиш учун Амир Темур захирада жангталаб бўлиб турган яна уч туманни Амир Сайфуддин қўшинлари ҳужумларини кучайтиришга ташлади. Бу вақтда эса Соҳибқирон Амир Шоҳ Малик ихтиёрида қолган захира қўшинларининг барчасини захирадан олиб Тўхтамишхон қўшинининг орқа томонига айланиб ўтиб, тўғри унинг Қароргоҳига ҳужум қилишига кўрсатма берди.

Захира кучларнинг жангга кириши ғаним учун ўнглаб бўлмас фалокатлар эшигини ланг очиб юборди. Энди қўшин Тўхтамишхоннинг чекинмаслик буйруғини инобатга олмай чекиниб борар экан, бир оз муддат ўтгач эса чекиниш қочишга айланиб кетди. Тўхтамишхон бор овози билан уларни тўхтатишга беҳуда кучини сарфлаётган лаҳзаларда унинг хабаргири янги хабар, яъни Амир Темур қўшини орқа томондан чиқиб, тўғри Қароргоҳга томон шиддат билан бостириб келаётганлиги ҳақидаги шум хабарни маълум қилди. Бу хабар, Тўхтамишхонга ғоят овир зарба бўлди. Ёнидаги мулозимлар уни қуршов ҳосил бўлмасдан тезда Қароргоҳни ташлаб чиқиб олишга ундадилар. Акс ҳолда, даҳшатли фожиа рўй беришидан уни огоҳлантирдилар. У қўшинини бошқариш назоратини шу тариқа буткул қўлдан чиқарди. Энди ташаббус тамомила Амир Темур томонга ўтган эди.

Амир Темурнинг барча саркардалари ҳужумга ташландилар. Душман канбулини тор-мор этган Жаҳоншоҳ баҳодир, Темурхўжа ва Оқбуғо саркардалар амирзода Муҳаммад Султоннинг ҳужумини қўлаб юборишга киришдилар. Бундан ярим соатларча олдин улар қочаётган мўғулларнинг ўнг қанотини қирғинга учратган эдилар. Амирзода Муҳаммад Султон бу саркардаларга чап тарафдан асосий қўшинни ҳимоя қилиб, сўнгра ҳужумни душман Қароргоҳига томон буришни топширди. Шу тариқа ҳужум ҳужумга уланиб, ғанимнинг ҳар бир жангчиси пала-партиш жанг ҳолатига ўтиб, сўнгра ҳар ким ўз жонини асраш учун қайси тарафдан қуршовдан қутулиб чиқиш мумкин бўлса, ўша тарафга от қўйдилар. Тўхтамишхон Қароргоҳини йиғиштиришга улгурмаёқ ҳаётини сақлаб қолиш учун Русия даштлари сари от сурди. Жони ширинлик қилиб қўшинини ўз ҳолига қолдириб кетди. Унинг учун бир ҳовуч қоровул лашкарий гуруҳи ва энг яқин мулозимлари билан Русь дашт ва ўрмонларида кечани кеча, кундузни кундуз демай тентирашлар даври бошланди. Қарийб уч юз минглик қўшини,



беҳисоб хазинаси, жамики хонумонидан Мосуво бўлди. Шарқий Европа ва Осиёнинг шимоли-ғарбидаги бепоён ҳудудларни қамровида тутган Олтин Ўрда салтанати тахтидан ажралди. Қақшатқич мағлубият майини симириб-симириб ичди. Қочиш ва қувилиш азоб-уқубатлари, таъқиб кучайган сари бу „қудратли“ Олтин Ўрда хонини кўпчилик мулозим ва саркардалари ташлаб, жонларини омон сақлаш йўлида ундан юз ўтирдилар. Шу тариқа унинг ҳаётида хору зорлик даври бошланди. Тўхтамишхон шундай буюклик чўққисидан инқирозга юз тутдики, энди унга бундай имконият ҳеч қачон қайтмас эди. Унинг қайғу-алами чек-чегара билмасди.

Амир Темурнинг Шимолий Кавказдаги эришган ғалабаси ҳарбий-сиёсий аҳамиятига кўра тенгсиз ғалаба эди. Бу ғалаба унга бемисл сиёсий ва ҳарбий обрў келтирди. Қолаверса, дунёда истеъдод ва ҳарбий салоҳият бобида тенги йўқ саркарда етишиб чиққанлигига жаҳон халқлари гувоҳ бўлдилар. Мовароуннаҳрни дунё қайтадан айнан Амир Темур ҳарбий даҳоси орқали кашф этди.

Бу ғалаба шарқий Европа географик-сиёсий харитаси чегараларига катта ўзгаришлар киритадиган бўлди. Энди Амир Темур салтанатини эътироф қилиш мақсадида дунёнинг турли мамлакатлари ҳукмдорлари қимматбаҳо совға-саломларни Самарқанд сари жўната бошладилар. Бу ғалаба боис дунёдаги икки қитъа нажот кўзларини Туронзаминга тикди. Бу эътироф, эътироф бўлганда ҳам чинакамига, холисанлилло эътироф эди.

Ғалабадан кейинги энг муҳим ишлардан бири Олтин Ўрда хонлиги ўлжаларини қаҳрамон жангчи ва амирлар ўртасида тақсимлаш бўлди. Мислсиз қаҳрамонлик кўрсатган оддий жангчи, баҳодирлар, саркардалар учун алоҳида мурувват кўрсатилиб, номларига офаринлар ўқилиб, ҳар бирлари алоҳида-алоҳида тақдирландилар. Ҳали бу тақдирланишнинг бошланиши эди. Тўхтамишхоннинг Олтин Ўрда хонлиги, шунингдек, Русь князликларидан йиққан беш йиллик тўпланган бойлиги Сарой

Берка ва йирик шаҳарларда сақланарди. Даладашнинг бепоён кенгликларида Тўхтамишхоннинг ҳисобсиз йилки, қўй, моллари ҳамда саркарда ва сарой амалдорларига тегишли саноқсиз сурувлар боқиларди. Улар ҳам ғолибларнинг келишини кутарди. Ўрта асрлар даврининг асосий қонуни бу — ғолиб томонга мағлуб томон ана шундай товон тўларди. Мағлублик бу йиққан-терган хазина ва бойликларнинг барчасини ғолиб томонга мажбурий топширишдан иборат тарихий анъана эди. Мағлуб томон оиласию фарзандларигача ғолиб учун мукофот ўрнида ўтарди. Мағлуб томон учун энг аламли жиҳати шу эдики, нафақат мол-мулкдан, балки тожу тахтидан, ҳатто ҳаётидан ҳам ажралардилар.

Тўхтамишхон ўт-олов гирдобидан бир амаллаб қутулиб қочар экан, ўзининг ҳашаматли ва Шарқий Европа ва Шимоли-ғарбий Осиёни титратган маҳобатли Қароргоҳининг чарсиллаб ёнаётганлигини узоқдан кўрди. Бу Қароргоҳ хитой ҳунармандчилиги маҳоратининг барча санъаткорона гўзаллиги билан безатилган эдики, кўрган ҳар қандай инсоннинг завқини келтирувчи бир санъат асари эди. Унинг билан Олтин Ўрда хони Тўхтамишхоннинг қалби ҳам қўшилиб ёнарди. Яхшиликни билмаган, яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтарган нонкўр Тўхтамишхондан Амир Темур ана шундай қасос олган эди. Ахир Соҳибқирон уни забардаст саркарда қилиб тарбиялади, неча бор ўлимдан сақлаб қолди. Аммо у барчасига фақат ёмонлик билан жавоб қайтарди. Бўрининг боласи қанча тарбия берилса-да, барибир бўрилигича қолади.

Қароргоҳидан кейин унинг бутун лашкаргоҳига ҳам ўт кетди. Кавказ тоғлари тепасидан чиққан бу оташ олови энг олислардан ҳам катта фалокат дарақчиси сифатида ёлқинланиб, кўрган ва эшитганларни ваҳимага солди. Унинг Амир Темурга қилган нонкўрликлари олдида бу ҳам камлик қиларди. Тўхтамишхон Амир Темур хизматлари олдида умрбод қарздор эди. Аммо жаҳонга ҳукмдорлик



васвасаси унинг қулоғини кар, кўзини сўқир қилди. Охир-оқибат бор-будидан ажралди.

Амир Темурнинг қўшини Волга Булғори, ўрмон-зору дала-даштларини элақдан ўтказиб, Тўхтамишхонни ахтарди. У яшириниши эҳтимол бўлган барча гўшалар йўқотилган нинани қидирилгандек титиги чиқарилиб ахтарилди. Аммо Тўхтамишхоннинг на тириги, на ўлигидан дарак бўлмади. Амир Темурнинг қилни қирқ ёрувчи энг тажрибали айғоқчилар гуруҳи ҳам унинг изини топишга ожизлик қилдилар. Сўнгра Рязань князлиги ҳудудлари бўйлаб Соҳибқирон қўшини кенг дарё мисол ёйлиб кетди.

... Амир Темур Рязань ва унинг атроф ҳудудларидан Тўхтамишхон дарагини топмагач, Москва, Укак томонга қараб йўл олди. У ерлардан ҳам Олтин Ўрда ҳукмдори топилмагач, Бекёруқ ўғлон, Оқтой ўғлон ва Темур ўғлонларга Тўхтамишхон томонидан Олтин Ўрда хонлиги ҳудудларини кенгайтириш, рус князларини тор-мор этишдаги хизматлари учун ажратиб берилган, Руснинг жанубий тарафларидаги мулклари — Днепрнинг юқори, ўрта ва қуйи соҳилларидан қидирилди. Қўшин оёғи етган жойлар жиддий талафот кўрди. Амир Темур икки юз мингга яқин¹ лашкарий кучларини Руснинг адоқсиз ҳудудларидан гоҳ Шимол, гоҳ Шарқ ва бирданига Жануб вилоятлари сари ҳаракатлантирар экан, уларнинг моддий, маънавий-руҳий эҳтиёжларини қондиришнинг ўзи бўлмасди. Қўшинни озиқ-овқат, иссиқ кийим-бош билан таъминлаш ўша ҳудудлар аҳолиси зиммасига тушар эди.

Днепр томон Амир Темурнинг йўл олганлигини эшитган Бекёруқ ўғлон, Оқтой ўғлон ва Темур ўғлон (бу ўғлонлар Тўхтамишхоннинг машҳур саркардалари эди)лар Усмонли турк ҳукмдори Боя-

зид ҳузурига қочдилар. Бекёруқ ўғлоннинг фарзандлари бутун оила аъзолари билан асир олинди. Амир Темур бир оз вақт уларни Қароргоҳи ёнида ушлаб тургач, Бекёруқ ўғлоннинг жасур ва мардлик сифатларини ҳисобга олиб, уларни эркинликка қўйиб юборди.

Тўхтамишхонни таъқиб этиш авж палласига кўтарилган бир вақтда Амир Темурга Қора Юсуф Форс ва Озарбайжонни босиб олиш ҳаракатига тушганлигини хабар қилдилар. Натижада Амир Темур амирзода Пирмуҳаммадни беш минг суворий лашкарга бош қилиб Озарбайжон тарафга жўнатди. Ҳар эҳтимолга қарши Самарқанд муҳофазасини кучайтиришни ҳам кўнглига туккан Соҳибқирон Амир Шамсуддин Аббос ва Гиёсиддин Тархонни уч минг лашкарий қисм билан таъминлаб пойтахтга жўнатди.

Амир Темур Тўхтамишхоннинг дараги Идилнинг ўнг соҳиллари ҳудудидан топилганлиги маълумотини олгач, қўшинини дарҳол ўша томонга бурди. Таъқиб жараёнида аввалда Олтин Ўрда хонлигига қарашли ҳудудларни бўйсундиришга киришди. Унинг таянч шаҳарларидан бўлган Манкерманни забт этди. Қаршилиқ қилган ва Тўхтамишхонга садоқатини билдирган ўзбек уруғларини² оилалари билан Туркистон тарафга кўчириб юборишга Фармони олий берди. Шу билан Олтин Ўрда ҳукмдорини таянч ижтимоий гуруҳлар мададидан маҳрум қилган Соҳибқирон ғоят узоқни кўзлаб сиёсат юритди. Бу ерларда ҳам Тўхтамишхонни топиб бўлмагач, Шарқдан Амир Темур қўшинлари Руснинг жанубига йўналди. Дон чўллари ва даштларидан бирор жой, пана-пастқам қолдирилмай назоратдан ўтказилди. Сўнгра Елецга қараб юрилди. Бирортаси қаршилиқ қилишга ожиз эди-

¹ Бу пайтга келиб Амир Темур қўшини жангдаги йўқотишлар ўрнини тўлдириш учун Тўхтамишхон қўшинидан асир тушган аскарлардан ихтиёрий хизматга киришни истаган жангчиларни ўз қўшини сафига қабул қилган эди.

² Ўзбек уруғларини ўзбек халқи билан аралаштирмаслик лозим. Ўзбек уруғлари Дашти Қипчоқда ўрнашган мўғуллар бўлиб, улар Ботухон давридан буён ўша ҳудудларда истиқомат қилардилар.



лар. Ҳатто энг қудратли князлик ҳисобланган Москва аҳли Бош майдонида архиепископ ва митрополит руҳонийлари бошчилигида эртадан-кечгача Исо пайғамбарга сифиниб, Соҳибқироннинг йўли Москвага тушмаслигини сўраб ёлворишган, илтижо қилиб чўқинишган.

Амир Темур айғоқчилар гуруҳини Москва шаҳрига жўнатганида бутун шаҳар мотам ҳолатида йиғлашиб, чўқинаётганлигининг хабарини келтирдилар. Амир Темур: „Мен йиғлаб Худодан илтижо қилаётган аҳоли устига юриш қилмайман“, дея Москва остонасидан қўшинини орқасига қайтарди. Ҳолбуки, Ворска дарёси бўйидаги 1399 йилги жангда Русь князларининг қўшинларини Амир Темурнинг қолдириб кетган бор-йўғи икки саркардаси — Қутлуғ Темур ва Амир Идику қақшатқич мағлубиятга учратган эди. Амир Темурда бундай саркардаларнинг сони уч юз ўн учта эканлигини ҳисобга олсак, дунёда унинг ҳарбий куч-қудратига тенг келадиган бирорта ҳам куч йўқлигини кўра-миз.

... Тўхтамишхонни қидириш Азов ва Қримгача давом этади. Қўшиннинг йирик бир қисми черкаслар юртига жўнатилди. Бу қўшинга Муҳаммад Султон ва Мироншоҳ Мирзолар қўмондонлик қилдилар. Сўнгра Кубандан Эльбрусгача ҳудудлар ғалвирдан ўтказилди. Тўхтамишхонни еру кўкдан қидиришлар наф бермади. Кавказдаги баъзи бир мағрур тоғликлар қалъаларининг мустаҳкамлигига ишониб, Амир Темурга бўйсунини истамадилар, аммо бургутлар қўна олмайдиган баланд қалъаларни ҳам забт этиб, Шимолий Кавказда таслим бўлмаган ҳудуд қолмади, барчаси эгалланди.

Ниҳоят, навбат Идилнинг қуйи оқими этагидаги Ҳожи Тархон, ҳозирда Астрахань шаҳрига келди. Бироқ Амир Темур қўшини ҳужумларини на табиат қаҳри, на мустаҳкам истехкомли қалъалар қайтара олди. Соҳибқирон бу шаҳарни вайрон қилишни истамай, тинчлик элчисини жўнатди. Элчи бўлиб келган Амир Умар Тобон Ҳожи

Тархон (Астрахань) шаҳри ҳокимига Амир Темур мактубини топширади. Шаҳар ҳокими Амир Муҳаммад кескин рад жавобини берди ва шаҳарни мудофаа жангига тайёрлашга барча аҳолини сафарбар қилди.

Асосий қўшинни Амир Темур Ҳожи Тархон қамалига ташлагандан кейин мудофаачилар аҳволи ғоят оғирлашиб, қўшин шаҳарга ёпирилиб кирди. Қўлида қуроли борлар тигдан ўтказилди. Кўп қон тўкишга сабабчи бўлган ва тинчлик сулҳини рад қилган шаҳар ҳокими асир олиниб, музлаган Идил дарёсига чўктириб юборилди. У таслим бўлганида ўзини яна ҳоким қилиб ўрнида қолдириш таклиф этилганди. Аммо у вазиятни тўғри баҳоламай, қайсарлик қилди. Натижада ҳоким муз парчасига айланиб, йўқликка юз тутди. Ҳожи Тархон шаҳрининг Буюк ипак йўлидаги муҳим аҳамияти ҳисобга олиниб, у вайрон этилмади, аммо жангчиларга унинг мол-мулк дунёсидан тўла баҳраманд бўлиб, ҳиссаларини олишларига рухсат этилди.

Сарой Берка шаҳри Европа ва Осиёнинг энг бой шаҳри эди. Тўхтамишхон ва унинг саркарда ҳамда сарой амалдорларининг йигирма йиллик босқинчилик оқибатида тўплаган хазина ва барча моддий бойликлари шу ерда тўпланган эди. Амир Темур бу бойликларнинг бир қисмини хазинасига ажратиб, қолган барчасини саркарда ва жангчилари ўртасида тақсимлаб берди. Шу билан Олтин Ўрданинг шуқуҳи тўла синди. Натижада Амир Темур Осиёнинг шимоли-ғарби ва Шарқий Европани қамровига олган Олтин Ўрданинг доимий таҳдидидан тамомила қутулди ва бу бепоён ҳудуд тарафлардан доимий таҳдид батамом барҳам топди. Шу жиҳатдан бу эришилган ғалабанинг аҳамияти Амир Темур ва унинг салтанати учун беқиёс бўлди. Туронзамин аҳлининг шимоли-ғарбдан тамомила осойишта ҳаёти таъминланди.

Шу билан бирга Олтин Ўрданинг синдирилиши Руснинг озод бўлишига шарт-шароит ҳозирлади. Шу тариқа Амир Темур Русь князликлари ва



Шарқий Европа халқларини муғул-татарлар зулмидан халос бўлишдек тарихий хизматни адо қилди. Навбат Олтин Ҳўрданинг пойтахти Сарой Беркага келди.

Амир Темурдан қочган Тўхтамишхон анча вақт ўтиб дараги чиқди, ниҳоят у Литва буюк князи Витовт саройидан бошпана топганлиги маълум бўлди. Энди бу ёрига унинг кимнинг эшигига бош уриб тентираб боришининг Соҳибқирон учун заррача аҳамияти йўқ эди. Амир Темур шуни билардики, Тўхтамишхон бундан кейин ҳеч қачон аввалги қудратли Тўхтамишхон бўла олмайди, Олтин Ҳўрда эса на унинг салтанатига, на Осиё, на Шарқий Европага даҳшат сола олмайди. Унинг умуртқа поғонаси уриб синдирилган, майиб ва мажруҳ келажаги ҳалокат қисматига гирифторман этилган эди.

Амир Темур энг хавфли рақиб — Олтин Ҳўрда хони Тўхтамишхонни тўла ва узил-кесил тормор этгач, ундан-да даҳшатли салтанат ҳарб ва сиёсат майдонига кириб келмоқда эди. Бу тепасида Йилдирим Боязид турган Усманийлар салтанати эди. У ҳам жаҳон ҳукмдорлигига даъвогарлардан бири эди. Айниқса, турк султони Боязид 1396 йил Дунай дарёси соҳилидаги Никополь яқинида Венгрия қироли Сигизмунд бошчилигидаги Ғарбий Европа қиролларининг бир юз эллик минглик бирлашган рицарлар қўшинларига қақшатқич зарба бергандан кейин Ғарбий Европа ундан зир титра-

ди. Ана шундан кейин Йилдирим Боязид ўзини дунёнинг тенгсиз салтанат ҳукмдори, бемисл саркардаси ўрнида кўриб Амир Темурдек улуғ ҳукмдорга ҳам беписандларча муносабатда бўла бошлади. Юборган мактубларида Соҳибқирон шаънига ҳақоратомуз сўзларни йўллашда давом этди. Аввалда Амир Темур унинг бу ҳаволанишларига унчалик эътибор қаратмади. Бир кунмас бир кун ҳовуридан тушар деб, унинг бундай салбий ҳаракатларини кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олди. Салтанатини мустаҳкамлаш чораларини кўришда давом этди. Тўхтамишхон билан жанг бошланиши сабабидан ташқи сиёсат соҳасидаги тугалланмаган анча муҳим ишларини яқунлаш каби муаммоларни ҳал қилишга киришди. Буларни яқунлаш салтанат учун жуда муҳим эди. Бунинг яна бир жиҳати бор эдики, Тўхтамишхон билан жанг жадалларда гарчи ғалаба қилинган бўлса-да, Амир Темурнинг ҳарбий кучлари ҳам катта талафот кўриб, қўшиннинг жанговар ҳолатини ҳар томонлама қайта тиклаш, баҳодир жангчиларни тарбиялаш, сўнгра гуржилар, арманлар, араблар ҳамда ҳиндларга таллуқли ташқи сиёсат ва ҳарбий юришлар масалалари билан шуғулланди. Мамлакатнинг ички иқтисодий ва маърифий-маънавий муаммолари ҳам бундан истисно бўлмади. Халқнинг иқтисодий фаровонлигини кўтариш ва турмуш даражасини яхшилашга жиддий эътибор ҳам шулар жумласидан бўлди.

ВАТАН СОҒИНЧИ

1396 йил март ойи бошлари эди. Кавказ тоғлари чўққиларида оппоқ қор ҳукмронлиги давом этишига қарамай баҳорнинг илк ойида фасллар алмашинуви кўзга ташланиб, табиат уйғониши яққол сезила бошлади. Узлуксиз жанг жадалда чарчаган жангчилару тулпорлар, қўйингки, қурт-қумурсқагача интиқ кутган баҳор нафаси ҳамманинг яшаш ва ҳаракат қилишга бўлган завқини ошириб, янги орзу-умидлар сари ундаган фасл ҳам кириб келди.

Амир Темур елкасида бир ўзигагина дахлдор муаммо эмас, у жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиёти, унинг билан боғлиқ муаммолар ақл доирасида айланиб, унинг ечимига жавоб топиш устида бош қотирарди. Тақдир уни шунга муносиб даҳо тафаккур билан яратган. Кавказнинг энг виқорли Эльбрус чўққисига узоқ тикилиб ўйга чўмган Соҳибқиронни энг хавфли рақибга айланаётган Кичик Осиёнинг ҳукмдори Йилди-



рим Боязиднинг кун-бақун кучга тўлаётган шердек доврўқлашиб, номи уч қитъага ёйилиб бориши тобора ташвишга солаётган эди.

„Бош омон бўлса, унинг билан ҳам учрашиб қолармиз“ деди-да, 1396 йил мартнинг учинчи ҳафтаси охирида қўшинга кўч-қўронни йиғиштириб, Самарқандга жўнашга фармон берди. Ҳали Йилдирим Боязид билан ҳисоб-китобни амалга оширгунча салтанатнинг ички ва ташқи сиёсатига оид ишлар бисёр. Ватанига йўл олаётган Амир Темур ва қўшини Дарбандга яқинлашиб қолганида нохуш хабар етиб келди. Форс ва Яздда галамис исёнчилар бош кўтарган. Уларни тинчитиш учун тегишли қўшин ва адолат қозилари гуруҳини жўнатиб, жангдан чарчаган қўшинини ободончиликка жалб этиш фикри туғилди.

Соҳибқирон қўшини Озарбайжон Дарбандидан ўтиб тўхтади. Бу ерга агар ҳафсала қилиниб сув келтирилса, шу ерлик аҳоли моддий ҳаёти фаровон бўлиб, боғу роғларга бурканишини ўйлади. Қўшинни ва узоқ-яқинда юрган одамларни тўплаб барчани меҳнат жабҳасига жалб этди. 30—40 минг киши анҳор қазишга, қолган яна шунча одам айни баҳор палласи бўлгач, кўчат ва мевали дарахтлар экиш, ер текислашга сафарбар этилди. Шу ерга агар аҳоли ажнабий ғаним ҳужумига учраса, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мустаҳкам қалъа барпо қилдирди. Тинчлик пайтлари бу қалъа маҳаллий маъмур ва мансабдорлар учун бошқарув идораси ўрнида фойдаланиш ҳамда савдо-сотик, ҳунармандчилик ишлари фаолият кўрсатишига мўлжалланди. Яхшидан боғ қолади деганларидек, Соҳибқирон қўшини бир нафас тўхтаб ўтган жой орадан бир-икки йил ўтгач, ҳаёт қайнаган ҳудудга айланади. Дарбанд орқали Шимолий Кавказ ёки Русь ерларидан Жанубий Кавказ ва Форсга ўтган карвон ва сайёҳлар Дарбанд яқинидаги бу яримчўл даражасидаги қақроқ ернинг катта майдонлари жаннатнинг бир қисмига айлангандек ям-яшил боғроғлар, ястаниб ётган буғдойзор ва полиз экинлари

ҳамда маҳобатли ва гавжум қалъа бозорларини кўриб ўзларини бошқа бир оламга кириб қолгандек ҳис қилганлар. Бу ҳам Соҳибқироннинг яратувчилик ва бунёдкорлик ишларининг юздан бир кўринишларидан бири эди. Сўнгра қўшин яна оёққа туриб Октомга етиб келди. Амир Темур шу ерда ўзини ёмон ҳис қилиб, ётиб қолди. Табиблар бор маҳоратини ишга солдилар. Натижада Соҳибқирон ўн кунга етмай оёққа турди.

Ободончилик ишлари якунланган дамларда Форс ва Яздга жўнатилган қўшин ва қозилар гуруҳи бирин-кетин етиб кела бошлаб, у ерда ишлар ижобий якунлангани туғрисида Соҳибқирон Амир Темурга ҳисобот бердилар.

Халқни оғир аҳволга туширганлар Ҳақ жазосини олди. Улар аҳолининг кўзи олдида қатл этилдилар. Эўрлаб олинган мол-мулклар эгаларига қайтарилди. Амир Темурнинг бундай адолатли ҳукмидан халқ хурсанд ва шод бўлди. Исён бошида Амир Темур амалдан туширган собиқ мансабпарастлар турганлиги аниқланди. Улар ўрнига ҳоким ва раис вазифаларига халқ ўзи танлаган одил инсонларни тайинлади.

Бу маълумотдан Соҳибқирон бағоят хурсанд бўлди ва Ҳамадонга қараб отланди. Ҳамадонда вақт топиб улўф инсонлар мазоротларини зиёрат қилди. Шундан ўз ватандоши Маҳмуд Ғазнавий таъқибидан қочиб, 1017 йилда Ҳамадонни макон қилиб, ҳам тиббий, ҳам илмий ижодини давом эттириб, шу шаҳарда абадий қўним топган буюк олим Абу Али ибн Сино қабри бошида бу улўф инсон хотираси ҳақларига дуои такбир қилди. Буюк мутафаккирнинг илмий мероси билан қизиқиб, улардан айрим намуналарни топиб келтиришларини сўради. Соҳибқирон Амир Темурнинг шахсий табиби ҳукмдорнинг мазалари қочди дегунча, қўлидаги асосий қўлланма — „Ал-Қонун фит-тиб“ асарига мурожаат қиларди.


Амир Темур урушда бир неча бор жароҳат олганлиги ва тез-тез касалликка мойиллик аломат-

**1395 ЙИЛ 15 АПРЕЛИДА БОШЛАНГАН ТЕРЕК ДАРЁСИ СОҲИЛИДАГИ ЖАНГ.**

Жанг Шимолий Кавказда бўлиб ўтди.


Амир Темур қўшинининг ясол тартиби:

Амир Темурнинг жами пиёда ва суворий қўшини 250 мингга яқин эди.





Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон лашкарининг ясол тартиби:
 Тўхтамишхоннинг жами пидеа ва суворий қўшини 300 мингга яқин эди.



лари (асосан, бу дардлар эски оғир жароҳат натижаси эди) содир бўлиб турганлиги, оила аъзоларидан ёш фарзанди, маликалар, қариндошлар, дўстлари орасидаги бевақт ўлим ҳодисалари, айниқса, доимий жангу жадал ва урушларда ўн минглаб жангчиларнинг ярадор бўлишлари оқибатида, майибмажруҳ бўлиб қолишлари табибларга ва, айниқса, ар-Розий, Ибн Сино ҳамда шу каби буюк зотлар асарларига доимий эҳтиёжини кучайтирган эди. У Ибн Синодек тиббиёт илми даҳоси ўз юртидан чиққанлигидан фахрланди, гурурланди ҳам, унга ўхшаш фан мутафаккирларидан қанчаларини Ватани тарбиялаб берган. Шунинг учун яна Ватандан дунёга танилган илму ҳикмат соҳиблари қайтадан етишиб чиқсин, деб турли шаҳарларда олий мадрасалар қурдириб, уларга даврнинг атоқли олимларини жалб этди. Ҳар бир мадрасада кутубхоналар ташкил этилишига ҳомийлик қилди.

Бир кун келиб ўзининг ҳам жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссасини, ҳарб илми, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги сиёсий хизматларини нафақат Ватани, балки дунё эслаб, яхши хотиралар билан тилга олишига ишонди. Демак, инсон қобилияти, тафаккури Худо берган ақли билан дунё халқлари яхши ном билан эслайдиган улуғ ишларни амалга ошириш лозим. Соҳибқироннинг улуғ инсон Абу Али ибн Сино зиёратидан чиқарган хулосаси шу бўлдики, кимки эзгу амални ният қилиб, шу йўлда жидду жаҳд қилса, уни яратган Парвардигор ҳам қўллайди. Соҳибқирон жаҳон миқёсидаги эътироф этиладиган ишларни амалга оширишга қатъий азму қарор қилганлиги ҳам эҳтимол шундандир.

Амир Темур Ҳамадонда туриб исёнларни бар-тараф қилиб ҳаётни ўз ўзанига туширгач, амирлар, саркардаларга Форс ва Афғон вилоятлари шаҳарларини бошқариш ва у ерда амалга ошириладиган муҳим вазифалар юзасидан топшириқлар берди, ишончли одамларини масъул ишларга тайинлади. Шулардан Муҳаммад Султон, Амир Ҳожи Сайфуддин, Амир Ҳамид, Арғуншоҳларни қўшинлари

билан Ҳўрмузга жўнатди. Пирмуҳаммадга Қундузга кетишга изн берди.

Амир Темур бу тадбирларини тугатиб қўнгли таскин топгач, асосий қўшини билан Ҳамадонни тарк этди. Амирзода Рустам ҳам йўлда бобоси дийдорига етди. Уни ҳам Муҳаммад Султон ҳузурига жўнатди.

Ниҳоят, Амир Темур ва унинг ғолиб қўшини Жайхундан ўтиб, ўз Ватани ҳудудига қадам қўйди. Йўл-йўлакай Ҳаким ва Исо Термизийларнинг мазоротларини зиёрат қилиб ўтди. Соҳибқиронни Гузорда Сароймулкхоним бошчилигида оила аъзолари кутиб олишди. Бу узоқ кутилган дийдорлашув шодиёналиги эди. „Ўз элим ёхуд ўз уйим ўлан тўшагим“ нақли нақадар топиб айтилган ҳақиқат. Амир Темур оиласи қуршовида она юрти Шаҳрисабзга кириб келди. Бутун Шаҳрисабз аҳолиси ғолиб саркарда ва ҳукмдорини қувонч билан кутиб олди. Шаҳар ва унинг атрофи аҳолиси ғолибларни қутлаб, устларидан гуллар сочдилар. Бир неча кун Шаҳрисабз байрамона руҳият таъсирида яшади. Мовароуннаҳрдан бундан беш йил олдин чиқиб кетган қўшин Кавказоша Дашти Қипчоқ, Идил дарёси ўрта, юқори, қуйи оқимларидан, яъни Шимол-шарқий ва Жанубий Русь ерларидан то Қримгача бўлган неча ўн минглаб чақирим масофаларни босиб ўтиб, уларнинг ҳар босган қадамлари, жасорат ва мардлик тафсилотлари ёзилса жилд-жилд китобларга сифмайдиган даражада эди. Амир Темурнинг мислсизлиги мўғуллар даврида эзиб ташланган Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразм аҳолисидан мағлубият нималигини билмайдиган қўшин туза олганлигида эди. Соҳибқироннинг музаффар байроғи шу тариқа Шарқий ва Жанубий Европа ҳамда Осиёнинг бепоён ҳудудларидан ўтиб, шитоб билан Самарқандга яқинлашиб қолди.

Амир Темур Буюк ипак йўлида тинчлик ва тартиб ўрнатиб, ўз она юрти Кеш (Шаҳрисабз)га йўл олди. Дастлаб пирлари ва ота-оналари мазоротларини зиёрат қилди. Улар ётган қабристон-



Шоҳизинда мажмуасининг бош равоқ кириш эшиги устида араб хати билан «**Бисмиллаҳир раҳмани-р-раҳим**» калимаси ёзилган.

Хаттот —
Ҳабибуллоҳ Солиҳ.

Бош равоқ кириш қисми.

Шоҳизинда мажмуаси.

Самарқанд.



**Шоҳизинда меъморий мажмуасининг
умумий кўриниши.**

Самарқанд.







Зинапоя ва иккинчи чортоқ.

Шоҳизинда мажмуаси.

Самарқанд.





Икки гумбазли мақбара.

Шоҳизинда мажмуаси.

Самарқанд.





Туғлу Текин мақбараси.

Амир Темур саркардаларидан
бири Амир Ҳусайннинг онаси
Туғлу Текин дафн этилган.
XIV аср.

Шоҳизинда мажмуаси.

Самарқанд.





Амирзода мақбараси.
XIV аср.

•
Шоҳизинда мажмуаси.

Самарқанд.





**Шодимулк Ўлжой оқа
мақбараси.**

Амир Темурнинг опаси
Туркон оқанинг вафот этган
қизи Шодимулк шарафига
атаб қурилган.
Кейинчалик Туркон оқа ҳам
шу ерга дафн этилган.

Шоҳизинда мажмуаси.

Самарқанд.





Ширинбека мақбараси.

• Соҳибқироннинг синглисига атаб қурдирилган.

• Шоҳизинда мажмуаси.

Самарқанд.



ҚУСАМ ИБН АББОС (ШОҲИЗИНДА)

Маълум бўлсинки, Ҳазрати рисолатпаноҳ Муҳаммад саллоллоҳи алайҳи васалламнинг муаттар ва мунаввар мазорларидан сўнг, ҳеч бир бузург мазор шаҳзода Қусам ибн Аббос (Шоҳизинда) розиаллоҳу анҳу мазорларидек бузург эмасдур. Зероки, ул киши пайғамбаримизнинг амакизодалари бўлиб, Хожалар Оламнинг (пайғамбарнинг) муборак юзларини кўрган охириги киши ҳам Қусам ибн Аббосдир. Ҳазрати Шоҳизинда (Қусам ибн Аббос) Самарқанд аҳлига одоб-ахлоқ, намозу рўза ва закотдан таълим берганлар.

Пайғамбар алайҳиссалом:

„Инсонлардан Қусам ибн Аббос тузилиш ва хулқи жиҳатидан менга энг кўп ўхшайди“, деганлар.

Қандия

(„Самарқанднинг олим ва авлиёлари тарихи“ китобидан)

Абу Хафс Нажмиддин Умар ан-Насафий ас-Самарқандий.

Амир Темур ҳазратлари юриш ва сафарлардан ота юрти Шаҳрисабзга қайтар чоғларида пирларини, падари бузруквори ва волидасининг қабрларини зиёрат қилиб Самарқандга кириб келар эканлар, Шоҳизинда, яъни Қусам ибн Аббоснинг муқаддас қабрларини ҳам шу зайлда зиёрат қилганлар.

Ушбу улғу зот тарихи билан боғлиқ қандай ривоят хикоятлар ёки ёзилган китоблар бўлса дарҳол олдириб келишга фармон берган. Шоҳизинда мажмуасининг тўла мужассам якунига етишуви йўлида катта маблағ ажратган. Бу ишни ул зотнинг вафотларидан сўнг суюкли набираси Мирзо Улғубек давом эттирган.



Қусам ибн Аббос сағанаси.

Туман оқа масжиди.

Шоҳизинда мажмуаси.

Самарқанд.









Хожа Аҳмад мақбараси.
XIV аср.

Ўнг тарафда 1360–1361 йилларда
қурилган мақбара.

Чап тарафда Туман оқа
мақбараси.

Шоҳизинда мажмуаси.

Самарқанд.







ДОНИЁР ПАЙҒАМБАРНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Самарқанддаги Дониёр пайғамбар зиёратгоҳи камдан-кам учрайдиган, яъни уч дин — исломий, насроний ва яҳудийлар томонидан зиёрат қилинадиган улўф масканлардан биридир.

Дониёр пайғамбар (христиан ва яҳудийларда Даниал) Қуддусда дунёга келган, машҳур яҳудийлар авлодидандир. Бобил давлати подшоси Новохудоносор томонидан мил. авв. 606 йилда Исроил давлати босиб олинганда ёш Даниал ҳам асирга олинади. Жисмонан бақувват, ақлли ва соғлом бўлган ёшлар подшоҳ саройига олиб кетилиб, подшоҳга хизмат қилиш учун уларга махсус таълим берилган. Даниал сарой мактабида дўстлари Анания, Мисаил ва Азария билан бирга таҳсил олади. Ўқиш муддати тугаб, Даниал шоҳ Новохудоносор саройида ҳамда унинг беш вориси ҳукмронлиги даврида ҳам мулозим вазифасида сидқидилдан ва ҳалол хизмат қилади.

Тангри Даниалга башоратчилик ва кароматгўйлик қобилиятини ато қилган эди. Даниалнинг шоҳ Новохудоносорни безовта қилган туши таъбирини изоҳлаб бериши унинг саройда обрўси кўтарилишига сабаб бўлади. Шундан сўнг Даниал ҳукмдорнинг ишончли кишиларидан бирига айланади. Бу унинг ганимларини қаттиқ безовта қилади ва нима қилиб бўлса-да, Даниални йўқ қилишга қасд қиладилар. Ниҳоят, ганимлар Новохудоносор билан Даниал муносабатларини бузишга эришадилар. Тухматлар боис Даниалдан гоят нафратланган подшо уни оч шерларга ем қилиш мақсадида, бир гуруҳ шерлар сақланаётган ерости чоҳига ташлашга амр қилади.

Аммо шерлар унга ҳужум қилиб гажиб ташлаш ўрнига уни тавоф қилиб, итоатгўйликда ҳаракат қила бошлайдилар.

Новохудоносор бундан хабар топгач, Даниални бошқа бир оч шерлар жойлаштирилган чоҳга ташлашга фармон беради. Сўнгра яна хабар олсалар, Даниал шерларнинг энг катта ва бақувватини миниб юрганлигининг гувоҳи бўладилар.

Бу ҳақдаги хабардан таъсирланган Новохудоносор бунда бир илоҳий сир-синаот борлигини англайди. У дарҳол Даниални шерлар чоҳидан чиқариб олади ва тухматчиларни ўзлари қазиган чоҳга ташлаб, шерларга ем қилади. Шундан эътиборан Новохудоносор Даниални пайғамбар деб эълон қилдиради.

Бобил давлатининг бир неча вилоят ҳудудларини унинг ихтиёрига топшириб, ҳоким қилиб тайинлайди. Айрим манбаларнинг гувоҳлик беришича, Даниал пайғамбар 90 йил умр кўрганлиги ҳақида маълумотлар бор. Унинг қабри Суза шаҳридадир. Бундан ташқари Даниал пайғамбарнинг қабрлари Исроил, Туркия ва Самарқандда мавжуд.



Ҳожи Дониёр мақбарасининг
умумий кўриниши.

•
Ҳожи Дониёр сағанаси.

•
Самарқанд.





САМАРҚАНДАГИ ДОНИЁР ПАЙҒАМБАР МАҚБАРАСИ ТАРИХИДАН

Амир Темури Кичик Осиёдаги ҳарбий юришлари чоғида Дониёр пайғамбар тарихи ва у ҳақидаги ривоятлардан хабар топади. Мосул шаҳрида унинг қабрини зиёрат қилар экан, Дониёр пайғамбар хокидан олиб Ватанига қайтади. Амир Темури пайғамбар хоки ётган макон доимо балои офатлардан холи бўлиши афсоналаридан хабардор бўлгач, ўз салтанати пойтахтида ҳам бу улў инсонга мақбара қурдириб, зиёратгоҳ барпо этишга жазм қилади. Мақбара қад кўтаргач, мискин, бева-бечора ва турли табақа вакилларига ош тортилиб Қуръон оятларидан тиловат қилинади. Шундан буён бу қадамжо муқаддас маскан сифатида катта зиёратгоҳга айланиб, турли ҳудудлардан келган зиёратчилар сафи узилмайди.

Турли сабабларга кўра Амир Темури қурдирган мақбара таъмирталаб бўлганлиги учун XX аср бошларида қабр устига янги мақбара тикланади. Унинг эни — 5,77 метр, узунлиги — 21,20 метр, баландлиги эса — 4,80 метр бўлиб, чўзинчоқ тарҳли, беш гумбазли хонадан иборат.

Мақбара ёнида Эроннинг pista дарахти ўсмоқда. Ривоятларга кўра pista дарахти 650 ёшда барглари тўкилиб, қурий бошлаган. Дарахт мустақиллик даврида яна қайта жонланган.

Мустақиллик йилларида олиб борилган ободонлаштириш тадбирлари натижасида Ҳожи Дониёр зиёратгоҳи ва унинг теваарак-атрофи майдони бутунлай ўзгача чирой ҳамда кўриниш олди. Таъмирлаш ва ободонлаштириш ташаббускори Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Исломи Каримов бўлди. Тошкент ва самарқандлик моҳир усталар томонидан XIX асрда қурилиб, Шўро тузумининг қатағонлик сиёсати йиллари даврида (20—30-йиллар) вайрона ҳолатга келган айвон тубдан янгиланиб, муҳташам айвон барпо этилди.

Абул Ҳаким Самарқандийнинг „Қандия“ асарида келтирилишича: „Расулуллоҳ алайҳиссалом айтмишлар: „Самарқандда бир чашма борким, жаннат чашмаларидандур“. Машойихлар айтишларича, ушбу сув Дониёр пайғамбар қабрлари ёнидан ўтади ва мазкур чашма шифо — саломатлик сабабчисидур ва бу сувдан бир пораси боғи майдон томон оқар ва Обираҳматга қўшилури“.


Ҳозирги кунда ушбу чашманинг суви алоҳида ёпиқ гумбаз остида зиёратчилар учун гоят қулай фойдаланиладиган ҳолатга келтирилгандир.

Чашма.

Pista дарахти.

Ҳожи Дониёр
мақбараси.

Самарқанд.





ларни ободонлаштиришга маблағлар ажратди. Камбағал, етим-есирларга хайр-эҳсонлар қилди. Камбағал ва ёрдамга муҳтож оилаларни рўйхат қилдириб, уларни моддий жиҳатдан қадларини тиклаб олгунга қадар солиқ олмасликка Фармони олий берди. Ҳокимларга берилган кўрсатмага биноан, уларга омов, улов, уруғлик ва шу кабилар билан ёрдам бериш топширилди. Халқ пешаналарига нақадар адолатли, халқпарвар ҳукмдор битганлиги учун Яратганга ҳамду сано айтиб, Соҳибқироннинг умрлари узоқ бўлишини тилаб дуо қилдилар. Эндиги навбат буюк галабани нишонлашга келди. Мамлакатнинг бошқаруви, маънавий-маърифий соҳаси бўлсин, дини уламолари, барча — катта-кичик мансабдорлар галаба ўлжасидан тушган бойликда ҳақлари бор, деб топилди. Дунё дунё бўлиб халққа қилинган бундай мурувватни ҳеч бир ҳукмдордан кўрмаган эди. Бу халқпарварликнинг ажойиб-ғаройиб кўриниши эди. Шу уч йил ичида салтанат аҳли орасида камбағал ва қашшоқлик барҳам топиб, улар ўртаҳол меҳнаткаш аҳли қаторига қўшилдилар. Бу ҳам мисли кўрилмаган ҳодиса эди.

Куз фаслини Кешда ўтказган Амир Темури 1396 йилнинг қиши бошларида пойтахти Самарқанд шаҳри сари отланди. Ҳарбий юришлар давомидаги беш йилга яқин вақт мобайнида Олий бошқарув тизимидаги аркони давлат амалдорларининг давлат мансабидаги фаолиятлари, ҳалоллиги, адолатга қанчалик риоя қилиб, давлат манфаатига қандай бурч ва масъулият билан ёндашганлиги, солиқларни қандай тартибда ундиргани, қонун-қоидаларга амал қилиш доираси каби муҳим масалалар юзасидан тафтиш гуруҳини тузди. Тафтиш гуруҳига Амир Харос бош бўлди. Унинг зиммасига ҳукмдорнинг хавфсизлиги, молия, солиқ девони ишларини ҳукмдор топшириғи билан текшириб туриш, хазина назорати каби вазифалар юклатилган эди. Қалтис жинойий ишлар иштирокчиларини тергов ва унинг натижаларини қозикалонга ошириш каби ишлар юзасидан Амир Харос ҳукмдорга ҳисоб берарди. Тафтиш ишлари-

нинг жиддий олиб борилиши боис мамлакат ва раият ишлари Муҳаммад Довуд ва мудофаа, яъни сипоҳ ишларини юритувчи ва уларга хизматлари юзасидан улүфа маошлари тарқатувчи вазир Муҳаммад Желда иш фаолиятида каттагина ишқал, қўли эгрилик қилганлиги тасдиқланди. Соҳибқирон Амир Харосдан ушбу маълумотларни олгач, мансабларини суиистеъмол қилиб, меҳнаткаш халқнинг пешана тери билан топаётган бойлигига ва салтанат ҳамда Ватан озодлиги, мустаҳкамлиги, хавфсизлиги йўлида жонини фидо қилишга тайёр турган сипоҳийлар улүфаларига хиёнат қилиб ҳаром мол-дунё орттиришга киришган мансабдорлари фаолиятидан қаҳру ғазабга келди. Давлат ва Ватан қудратини оширадиган асосий куч раият ва сипоҳлар-ку! Ахир улар норози бўлса, ҳукмдор кимга суянади? Соҳибқирон амалдорларига неча бор узоқ сафарлари олдидан халқни ҳимоя қилиш, улар ҳақиқага хиёнат қилмасликни ўқтирган эди. Яна энг юқори мансабдорлари, ишонган одамлари давлат қонунларига зид иш қилиб халқни, сипоҳни ҳукмдорга қарши қилиб қўядиган гуноҳи азимга қўл урсалар. Ахир уларнинг маошлари болачақаси тугул эвараларига ҳам етиб ортади-ку? Эҳ, хом сут эмган, нафс балосига йўлиққан бандалар, ўз оёқларига ўзлари болта урсалар.

Соҳибқирон сарой бегига жиноятга қўл урган вазирларни ўз амалидан олдиришни буюрди. Ҳар икки вазир зудлик билан олиб келинди. Амир Темури биринчи бўлиб олиб келинган Муҳаммад Довудга савол берди: „Хазинада катта камомад аниқланди, уни нимага ишлатганингизни далиллаб бера оласизми?“

Бу савол жавобсиз қолди. Сўнгра навбат Муҳаммад Желдага келди: „Уч йиллик хирож раиятидан бир йўла йиғиб олишни мен қачон Сизга топширганман ва сипоҳийлар улүфасини маълум муддат тўхтатишга ким томонидан кўрсатма берилдики, бундай номаъқулчиликни Сиз амалга оширгансиз? Асосий салтанатим қонунлари мажмуаси „Тузуқлар“имнинг қаерида солиқни халқдан шундай ун-

дириш ёзилган?” Бу савол ҳам жавобсиз қолди.

Амир Темур саройбонига уларни олиб чиқишни буюрди. Шундан кейин уларни ҳеч қаерда кўрган-билган одамлар бўлмади. Улар даҳшатли жазога лойиқ жиноят қилган эдилар. „Қонун шоҳга ҳам, гадога ҳам тенг,— дерди Соҳибқирон, — менинг салтанатимда ким бўлишидан қатъи назар жазога лойиқ одамга жазо мустаҳқиқдир, мукофотга лойиқ одам албатта мукофотсиз қолмайди. Давлат

БОҒУ БЎСТОН ЯРАТИШГА ОШУФТА КЎНГИЛ

Амир Темурга Парвардигор кўпчилик ҳокиму ҳукмдорларга раво кўрмаган ажойиб хислатларни бисёр қилиб берган, иноят қўлларини очган эдики, бу сифатлар боис Соҳибқирон жаҳоннинг энг буюк, бетакрор давлат арбоби ва улуғ саркардаси даражасига кўтарилди. Худди шу сифатлари билан у дунё эътирофига сазовор бўлди. Салтанатда обрў-эътиборлари тобора оша борди, юксалди.

Амир Темур ҳарбий юришлардан қўли бўшади дегунча, жангдаги шиддаткорлик руҳини яратувчилик ва боғу роғлар яратиш, маҳобатли ва улуғвор бинолар яратишга қаратар эди. Соҳибқирон тинчлик шароитларида, бир қаралса, эл-юртни боғу бўстонга айлантириш завқ-шавқи билан ёнган мамлакат бош борбоини, бир қаралса меъморлар пешвоси қиёфасида намоён бўларди. Ушбу жабҳаларда ҳам Соҳибқирондек ҳукмдорни топиш амри маҳол эди. Амир Темур қобилиятли ва ўта синчков меъмор бўлиши билан у буюк табиатшунос, табиат шайдоси, она юртини жаҳоннинг жаннатмакон гўшасига, пойтахти Самарқандни рўйи замин сайқалига айлантиришга, Бухоро, Шаҳрисабз, Тошкент, Қарши ва бошқа шаҳарларни дунёнинг савдо, маърифат ва маданият ўчоғига айлантиришга азму қарор қилган эди. Шу билан ўз халқининг истеъдоди, лаёқати, меҳнатсеварлиги, шижоати, нималарга қодирлигини дунёга кўз-кўз қилиш иштиёқи унга тинчлик бермасди. Ватани ҳамма соҳада — сиёсатда ҳам, жангда

ва унинг ҳукмдорининг асосий қуроли ҳамда тошу тарозиси адолат, уни амалда қарор топтиришдан иборат. Менинг шиорим „Куч — адолатдадир!“ . Шунга амал қилган салтанат таназулдан йироқ турур, акси бўлса, йиқилур“. Амир Темур ва унинг салтанати куч-қудрати ҳам айнан шу сиёсатга доимий оғишмай қатъий амал қилди. Унинг салтанати куч-қудратининг асосий манбаи ҳам одил сиёсатга қатъий амал қилганлигида эди.

ҳам, фан-маданиятда ҳам, савдо ва иқтисод ҳамда касб-ҳунарларда ҳам фақат олдинги ўринда бўлишини истарди. Бу инсоний ва миллий ғурур шиддати, қолаверса Яратган ато этган беназир истеъдод ва салоҳият эди.

Амир Темур беш йиллик ҳарбий юришларини тугатиб қайтар экан, Қарши, Кеш, Самарқанд, Тошкент шаҳарларида истиқомат қилиб, келажак авлодга моддий-маънавий мерос ва ёдгор бўлиб қоладиган, айримлари эса Шарқ дурдонасига айланадиган меъморий обидалар қурилишига ўзи бош бўлди. Машҳур қурувчи меъморларга тарҳ лойиҳаларини тайёрлашга кўрсатмалар берди. Лойиҳа тарҳларида шахсан ўзи катта ўзгаришлар киритди, камчиликларини тузатиб, унда бирон нуқсон бўлмаслигида меъморларнинг диққатини қаратди. Негаки, бу гўзал ва бетакрор обидалар узоқ давр халққа хизмат қилсин, келажак авлод бу ютуқлардан ҳам ибрат, ҳам тарбиявий сабоқ, ҳам завқ олсин. Фахрлансинлар ҳам.

Амир Темур қалби нозиклиги шундан эдики, у бинога оддий инсон кўзи билан эмас, салтанат маҳобати, куч-қудратини ўзгаларга намоёйиш этувчи восита деб ҳам қарарди. Шунинг учун Оқсарой пештоқида: „Бизнинг кучимиз, қудратимизга шубҳа қилганлар, биз қурдирган биноларга боқсин!“ сўзларини битдириши бежиз эмасди. Амир Темурда ғурур, ор-номус, Ватан, юрт шаънини юксак



тутиш, шу орқали халқи гурури ва иродасини тарбиялаш ғояси ниҳоятда кучли эди. Гурурли, орномусли инсон ёки халқ ҳеч кимга ҳуқуқи, озодлиги ва қадриятларини камситиб топташларига имкон бермайди. Могу жонини тикиб бўлса-да, сўнгги нафасигача курашади, Ватанини мардона ҳимоя қилади.

Шу билан бирга Соҳибқирон улуғвор бино яратадими ёхуд боғу роғми уни санъат ва гўзаллик рамзи даражасига кўтаришни мақсад қиларди. Инсонлар уни кўриб баҳри дили очилсин, боғ-роғларни кезиб завқ-шавққа тўлсин. Амир Темурнинг тафаккур олами, қалб дунёси ва унинг бу хислатларининг қамрови чегара билмасди. Унда зеҳн, дид ва фаросат ҳамда кузатувчанлик ғоят кучли эди. Уруш, талашнинг турли табиий шароитларда бўлсин ёки қайси мамлакатда бўлмасин кўзига гўзал кўринган мрамор, гранит, нефрит ва шу каби тошларни дарҳол ҳарбий қисмдан гуруҳ ажратиб, Самарқанд, Шаҳрисабз, Қарши ва мамлакатининг бошқа йирик шаҳарларига жўнаттирарди. Масофалар неча минг чақирим йироқдалигининг Соҳибқирон учун аҳамияти йўқ эди. Манзарали дарахт ва турфа олам гуллари ҳам шу тарзда юбориларди. Шунинг учун Амир Темур қурдирган бинолар, яратган боғларнинг ҳар бири бир олам, гўзалликнинг тенгсиз намунаси даражасига кўтарилар эди. У яратган ранго-ранг гулларга бурканган боғлар ва дунёнинг тенг ярмидан келтирилган ноёб турли дарахтлар мужассаами боис пойтахти Самарқанд Боғи Беҳишт — Боғи Эрам қиёфасида намоён бўлиб, турли қитъа ва мамлакатдан келувчи сайёҳлар, карвонлар ва элчилар ҳайратдан ёқа ушлаганлар. Бу ўша давр сайёҳ, тарихчи ва элчиларининг битиклари, хотира ва эсдаликларида кўплаб таъкидлангандир.

1397 йил Амир Темур шундай гўзал боғлардан бирданга иккитасини — бири пойтахти ши-

молида „Боғи Шамол“, иккинчиси эса Кониғилда „Боғи Дилкушо“ ни барпо қилдиришга киришди. Даврнинг атоқли муҳандис меъморлари „Боғи Шамол“ да қаср тарҳини чизишга киришдилар. Бу қасрни қуриш ғояси Соҳибқироннинг ўзидан чиқди. Қурилажак қасрнинг умумий манзараси, безатилиши нималарни ўз ичига олиши — барча-барчаси бош муҳандис меъморга уқтирилди. Мармартош тарашловчиларга ҳам кўрсатмани Соҳибқироннинг ўзи берди. Қасрнинг ҳар бир хонаси, кошинларни зарҳал билан қоплашларигача Соҳибқирон назарида бўлди. Боғ ва унинг ичидаги қаср битгач, Мироншоҳнинг қизи — суюкли набираси Бекаса Султоннинг туғилган кунига ҳадя қилади. Боғ қуриб битказилиши муносабати билан катта тўй берилади. Ана шу тўй якунида Хуросон юрти ва Форснинг бир қисми, яъни Сейстондан Райгача ҳудудлар Шоҳрух ҳукмига улус қилиб берилди. Унга улус мудофааси, хавфсизлиги, шунингдек, солиқ, бож йиғиш ишларида ёрдам бериш учун истеъдодли ва тажрибали саркардалар, ишбилармон сарой амирларидан амалдорлар жўнатилади. Амирлардан Сулаймоншоҳ, Музроб, Жоку Барлос, Саидхўжа Шайх Али баҳодир, Абдусмад, Хожа Сайфуддин, Ҳасан Жондор, Пирмуҳаммад Тархон, Фиёсиддин Тархонлар ўз қўшинлари билан Шоҳрух ихтиёрига берилади. Улус пойтахти қилиб Ҳирот шаҳри танланди. Ана шундан бошлаб Шоҳрух Мирзо Ҳиротни Самарқанддан кейинги иккинчи йирик маданий марказга айлантиришга киришди. Бу ерда илм-маърифат гулхани аланга олдирилди. Илм, маърифат ва санъат, ҳунар эгалари Шоҳрух ҳамда фарзанди Бойсунқур Мирзо, маликалар ва унинг амалдорлари ҳомийлиги билан катта ижодга кенг йўл очилди. Бу ҳазрат Алишер Навоийдек ва унинг атрофида тўпланган улуғ ижодкорларнинг вояга етишида мустаҳкам пойдевор яратилишига замин бўлди.

ҲИНД САРИ ЮРИШ ТАРАДДУДИ

Қадимий Ҳинд замини кенг Осиёнинг энг чекка жанубида жойлашган бир катта мамлакат бўлиб, уч томондан уммон қамровида эди. Оқсоч мозийдан ўтган кўплаб жаҳонгирлар шу юртнинг афсонавий бойликлари тўлиб-тошиб ётганлигини эшитиб, ҳаловатларини йўқотганлар. Унга эга бўлишга интилиб, уйқулари қочган, охир-оқибат тулпор жиловини қўлга олиб, сон-саноқсиз лашкари билан Ҳинд юртига отланган. Узоқ йўл босиб жангу жадал билан Ҳиндистонга етиб келиб, уни забт этган илк жаҳонгир бу Искандар Зулқарнайн бўлди. Шу билан жаҳонгирлик байроғини Ҳинд заминига тикиб, жаҳон фотиҳи номига Искандар Мақдуний сазовор бўлди. Сўнгра туркийларнинг қадимий аждодлари Кушон салтанатини тузиб, милод аввалида Канишка ва унинг авлодлари бу юртни қайтадан забт этди. XI асрнинг биринчи чорагида Маҳмуд Фазнавий бир неча бор Ҳинд хазинасидан баҳраманд бўлди. Унга буюк мутафаккир Абу Райҳон Берунийни ҳам гувоҳликка ўтказди. Сафар баҳонасида улуг олим ўзининг дунёга машҳур қомусий илмлар мажмуи „Ҳиндистон“ асарини битиб, дунё халқларининг ҳинд юртига бўлган қизиқишини янада ошириб юборди. Сўнгра навбат Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердига етиб келди. У ўзи истамаган ҳолда Чингизхон билан жангда чекиниб, Шимолий Ҳиндистонни забт этиб унинг ҳукмдори бўлди. Демак, аксарият Ҳинд юртини эгаллаганлар бизнинг аждодларимиз бўлиб чиқадик, бунинг давоми ва исботини Амир Темур ва темурийлар сулоласидан қидирамиз. Ҳиндистонни забт этган темурий-бобурийлар бу мамлакатда энг узоқ — салкам уч ярим асрга яқин ҳукмронлик қилди. Бу сулоланинг Ҳиндистонни эгаллаши саҳифасини очиш ҳам Амир Темур номи билан боғлиқдир.

Шуни таъкидлаш керакки, Хитойдан махфий жўнатилаётган маълумотларга қараганда ушбу Чин

мамлакати императори ва унинг маслақдош амалдору саркардалари тобора куч-қудратга тўлиб бораётган Амир Темур салтанатини ҳар қандай шароитда инқирозга учратиб, уни тобе мамлакатга айлантиришнинг махфий режаларини тузишга киришган эдилар. Мин сулоласи императори Ҳиндистондан то Мисргача бўлган мамлакатлар султону ҳукмдорлари билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузиш йўлларини қидириб ўз элчиларини жўнатаётган эдилар. Бундан ўз вақтида хабар топган Амир Темур Хитой-Ҳинд иттифоқи тузилмаслиги чорасини кўришга мажбур бўлди. Бундай иттифоқ тузилса, Амир Темур салтанатига жануби-шарқ тарафдан катта хавф туғиларди. Шунинг учун Хитойнинг тазйиқ сиёсати авж олмасдан аввал, отни ундан олдинроқ қамчилаб, улардан олдин Хитойни мағлуб қилиш, Соҳибқирон ташқи сиёсатининг долзарб муаммосига айланган эди. Аввало, бу масалани Амир Темур сарой доираларидан ҳам анча сир тутди. Бу масаланинг қўйилиши биратўла пишиб етилмаган бўлиб, ундан ҳукмдорнинг бармоқ билан санарли энг яқин амалдорларигина хабардор эдилар. Шунга кўра, амирзода Муҳаммад Султонга Хитой юриши учун зимдан топшириқ берилиб, катта миқдорда озиқ-овқат ва суворий қўшин учун етарли миқдорда ем-хашак захирасини тўплашга кўрсатма берилганлиги тўғрисида темурийлар тарихчиси Шарафуддин Али Яздий ишончли далилларга таяниб маълумот беради.

Бироқ, Хитойга юриш хусусида чақирилган Кенгашда саркардалар, амирларнинг жуда кўпчилиги аввал Ҳиндистонни забт этиш зарур, деган фикрни илгари сурадилар. Бунинг сабабларини ҳам далилладилар. Ҳинд ҳукмдори Ферузшоҳ вафот этиб, ундан ўғил ворис қолмаган. Натижада Ҳинд юртида парокандалик бошланган. Бу ҳақда Ибн Арабшоҳ анча аниқ маълумотлар беради: „Кейин Амир Темурга Ҳинд султони Ферузшоҳнинг бу



дунё заҳматидан Худо раҳматига ўтгани хабари бориб етди. Унинг вафоти ҳукми муносабати натижасида бўш қолган ушбу вазифани эгаллаш учун Амир Темур майл кўрсатди. Ҳинд соҳиби вафот этганида одамлар орасида парокандалик бошланди. Ҳиндистон ишининг денгизи мавжланди ва ҳар бир кимса давлат иши ҳавзасида шунғий бошлади. Натижада, баъзи кишилар хор бўлди. Кейин одамлар Маллу исми бир кишини вазирлик ҳукмига сайлашга иттифоқ қилдилар. У одамларнинг тарқалган ишини тартибга солиб, мартабасини кўтаришга сазоворларнинг мартабасини кўтарди, ноҳақ юқори кўтарилганларни қуйи мартабага туширди. Кейин унинг биродари Мултон шаҳри ҳокими Сорангхон унга қарши исён кўтарди. Улар ўртасида ихтилоф воқеъ бўлиб, Ҳинд тўдалари турли гуруҳ ва тоифаларга тўзиб кетди. Натижада улар орасидаги ихтилоф Амир Темур учун энг яхши мададкор, зўр таянч ва қувват бўлди. Мен дедим: „Душманлар фикрларининг тарқоқлиги дўстлар фикрларининг жам бўлишига сабабдир“. Маллу Сорангхон исёнини бостириб, Ҳиндистоннинг ҳукмдорига айланди.

Ҳинд ҳукмдори Маллу Амир Темурнинг Ҳиндистон сари қўшин тортиб келаётганини эшитиб, тиш-тирноғигача қуролланиб, ҳатто юзлаб жанговар филларни ҳам жангга шай қилиб қўйди.

Амир Темурнинг Ҳиндга юришининг иккинчи сабаби эса Кобул ва Ғазна орқали Ҳиндистонга ўтадиган тоғ йўлларида Ҳиндистондаги беқарор оғир сиёсий вазиятдан фойдаланган жангари қавмлар қароқчилик қилиб, Буюк ипак йўли карвонларини талашни кучайтириб юборган эдилар. Шу ваздан Хитойга қилинадиган юриш Ҳиндистон забти билан алмаштирилди. Натижада Хитой мамлакати Амир Темур юришидан қутулиб қолди. Амир Темур қўшинларининг асосий қисмига Термиз яқинида Жайхун соҳилидаги кечувда тўпланишга фармон берди. Шу тариқа 1398 йил март охирида қўшин Жайхун кечуви бўйида тўпланди. Амир Темур кемаларни занжир билан бир-бирига боғ-

лаб, жушқин ва пўртана бўлиб оқаётган дарёнинг нариги тараф соҳилига ўтишга буйруқ берди. Асосий қўшин икки кун давомидаги саъй-ҳаракатлар натижасида дарёдан ўтиб бўлди. Ана шу вақтда Соҳибқироннинг ўғли Шоҳроҳ Мирзо Ҳиротдан етиб келиб, у ҳам лашкари билан юришда иштирок этишга рухсат сўради“.

Амир Темур ҳарбий юришларининг қай бирида бўлмасин, пирларидан бирини ва юриш қилинаётган ҳудуд, мамлакатлар тарихи ҳамда географияси, табиати, иқлими, чўлу биёбонлари, даштлари тўғрисида чуқур билимларга эга олимлардан бир нечасини сафарларига ҳамроҳ қилиб оларди.

Бу гал Ҳинд сафарига ҳиротлик тарихчи Шаҳобиддин Абдуллоҳ ибн Лутфуллоҳ ибн Абдурашид Ҳаравий (Ҳавофий), фанда Ҳофизи Абрў тахаллуси билан машҳур бўлган темурийлар даврининг забардаст тарихчиси Ҳиндистонга юришда иштирок этиш учун танланди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди. Ҳофизи Абрў Амир Темур саройида ҳам котиб, ҳам тарихнавис эди. Тарих илмидан ташқари география ва геодезия илмини, жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг „Ҳиндистон“, география ва геодезия илмига бағишланган асарларини мукаммал билар, ҳар бир ҳудуд ва маконлар этнографиясига оид илмлар билан чуқур қуролланган эди. Бу Ҳинд юришида Амир Темур учун амалий ёрдам олишда Ҳофизи Абрў тирик қомус эди.

Бундан ташқари, бошқа бир муҳим жиҳати ҳам бор эдики, Ҳофизи Абрў Чингизхон ва Хоразмшоҳлар, шунингдек, Султон Жалолиддин тарихининг зўр билимдони бўлиб, айни дамда эса Амир Темур саройи котиби ва муаррихи сифатида Амир Темурнинг етти бобоси нарёғи, яъни сулоласининг илдизи ибтидосидан бошланган мукаммал тарихини ёзишга киришган эди. Ҳофизи Абрўнинг тарихчи сифатидаги бахти шунда эдики, Амир Темур ҳарбий-сиёсий воқеаларидан кўпчилигининг шахсан иштирокчиси ва иштирок этмаган жойларда эса шунга дахлдор Фармони олий ҳужжатлари ва

манбалар хазинаси ҳам сарой котиби ихтиёрида эди. Бу эса унинг Амир Темур ва темурийлар бўйича таниқли тарихчи-олим дея эътироф этилишида ва асарларининг энг ишончли бўлишида асосий омил бўлди.

... 1398 йил 20 август. Кобулдан қўшинини олиб Ҳинд юришига отланган Амир Темур бир ойдан ортиқроқ йўл босиб Синд дарёсига етиб келди. 24 сентябрь куни айнан Синд бўйидаги Нилаб майдонига келиб қисқа вақтга тўхтаб, қўшинига дам олишга рухсат берди. Соҳибқирон нега шу манзилни танлади? Афғон юртидан то Синд дарёси бўйигача юришда ҳам Амир Темур учун алоҳида рамзий маъно — тақдирлар ўхшашлиги бор эди. Амир Темур мозий хотираларига берилиб, сўнгра котиби ва муаррихи Ҳофиз Абрўни ҳузурига чорлади. Муаррих дарров Соҳибқирон ҳузуринида ҳозир бўлди. Одатда, сафар чоғи бош сипоҳсолар, йирик саркардалар ва котиб чодирлари ҳукмдорнинг кўчма Қароргоҳи атрофига яқин тикиларди. Муаррих Ҳофиз Абрўдан кейин йирик саркардалар ҳам, жумладан, Шайх Нуриддин, Оллоҳдод, Шоҳ Малик, амирзода Пирмуҳаммад, Халил Султон, Али Султон, Пир Али, амирзода Рустам, Шайх Али, Давлатшоҳ, Амир Жаҳоншоҳ ва бошқа амирлар ҳам Қароргоҳга чақирилдилар. Барча машҳур амир ва саркардалар Амир Темур кўчма Қароргоҳида жам бўлишгач, ҳукмдор йиғилганларга қараб мурожаат қилди: „Менинг суянган амир ва сарҳангарим, мозийга қайтиб иш кўрмоқ, айниқса, ўтмиш аждодларимизнинг мардлиги ва жасоратини эсламоқ, уларнинг айнан ворислари бўлмиш биз учун ҳам қарз, ҳам инсоний бурчимиздир. Муаррихимиз Ҳофиз Абрў жаноблари таъкидлашича, бундан раппа-расо 177 йил илгари худди шу ерда ватандошларимиз Чингизхон бошчилигидаги мўғулларнинг сон-саноксиз қўшинига қарши Султон Жалолиддин Мангуберди бошчилигида қирғин-барот урушларнинг энг аёвсиз жанги биз

турган мана шу жой, айнан Нилабда бўлган эди. Чингизхондек дунёни ларзага солган хоқон Хоразмшоҳ Жалолиддиннинг бемисл мардлиги ва жасоратига ҳам ана шу ерда тан бериб, ҳайратдан ёқа ушлаган. Ана шу ерда мислсиз қаҳрамонлик ва мардлик кўрсатган Султон Жалолиддин ва унинг баҳодир жангчилари, паҳлавон юртдошларимиз хотирасини эъзозлаб, уларнинг номларини ёд, руҳларини шод этмоқ учун мен сизларни улар босиб ўтган жангу жадал йўллари бўйлаб шу ерга олиб келдим. Ҳозир жасур аждодларимиз ўз ворисларининг шу ерда тўпланиб, уларнинг руҳлари нақадар шод бўлаётганлигига Яратган ҳам, қолаверса ўзимиз ҳам шоҳид бўлиб турибмиз. Жангда буюк саркарда Хоразмшоҳ Жалолиддин қўллаган ҳарб усуллари, бемисл жасоратлари ҳақида ҳамда Чингизхон ва Жалолиддин Хоразмшоҳ ўртасидаги жанглари мукамал ўрганган давримизнинг йирик муаррихи Ҳофиз Абрў жанобларидан эшитамиз. Бу аллома бизга Нилаб қирғини қандай содир этилганлиги тарихини батафсил ҳикоя қилади. Бу ҳиндлар билан бўладиган жангда буюк аждодимиз қўллаган ҳарб услуби, албатта, бизга асқатади. Шунингдек, унинг бемисл баҳодирлари, айниқса, Султон Жалолиддиннинг тилларда дoston бўлган шердек олишувлари ҳаммамизнинг руҳимизни кўтаради. Баҳодир аждодларимиз марду майдон жанглари қайта такрорлаш арафасига биз ҳам жуда яқин турибмиз“.

Амир Темур Синдни кечиб ўтиб, қўшинини дарёнинг чап томонидаги Жору чўли томон бошлади. Чўлга бурилиши боиси Жалолиддин Хоразмшоҳ 45 минг қўшинидан жангдан омон қолган тўрт минг жангчисини шу ерда қайтадан бирлаштириб, Шимолий Ҳиндистонни бўйсундиришга отланган эди. Шундан кейин Жору чўлининг номи Чўли Жалолий номи билан атала бошланган.

Амир Темурнинг зиёрат қилиш мумкин бўлган авлиёлар, пирлар, улуғ инсонлар мазоротлари, табар-



рук қадамжо жойларни ҳеч қачон четлаб ўтмай, улар томон талпинганлиги қўлаб илмий адабиётларда, шунингдек, ўзининг „Тузуқлар“ида ҳам қайд этиб борилади. Шундан биз „Амир Темур жаҳон тарихида“ асаридан қуйидаги воқеага китобхон диққатини қаратишни лозим топамиз: „Амир Темур Ҳиндистонга ўтишдан аввал Афғонистон шимолида Ҳиндикуш тоғларидаги эски Кофиристон (ҳозирги Нуристон) кофирлари билан бир неча ой жанг қилади. Сўнгра 1398 йилнинг августида Андароб орқали Кобулга келади. Шу ойнинг ўртасида Шоҳрух Мирзони Ҳиротга ва Мирзо Улуғбек билан Сароймулкхонимни Самарқандга қайтариб, ўзи 2 август куни Кобулдан чиқиб, Ҳиндистон сари йўл олади.

Дастлаб Амир Темур Чўли Жалолий атрофларидаги жангари қавмларни ва шу атрофдан ўтган кетганларни қон қақшатган қароқчи тўдаларни мағлуб этишга киришди ва уларни таъқиб этишни бошлаб юборди. Амирзода Пирмуҳаммадни ўз қўшини ва яна ёрдамчи кучлар билан таъминлаб Мўлтон тарафга жўнатди.

1398 йилнинг 26 сентябрида Амир Темур асосий қўшини билан Жамна соҳилига келиб тушди. Ана шу ерда ҳар бир йирик саркардаларига Ҳиндистон ҳудудларини забт этишга доир қатъий кўрсатмалар берди. Биринчи навбатда, ғанимларнинг пистирмадан туриб зарба беришларидан сақланишни, бунинг учун катта қўшин бошлиқлари: амирлар, сарҳанглар хабаргирларнинг аниқ маълумотларига таяниб, олдиндан эҳтиёткорлик чораларини кўрган ҳолда юриш зарурлигига уларнинг диққатини қаратди. Бундай дейишининг яна бир боиси, Ҳиндистондаги йирик саркардалардан бири Шаҳобиддин Ферузшоҳ аввал таслим бўлишга сўз бериб, аммо сўзида турмай пистирма жанглар олиб бориб, Амир Темур қўшинига қаттиқ қаршилиқ кўрсата бошлаган эди. Ҳатто чекинаётиб, қутилмаганда, тунги ҳужумлар уюштириб, амирзода Пир-

муҳаммад ва Шайх Нуриддин лашкарий кучларига анча талафот етказган эди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг асосий қўшини дастлаб Шайх Нуриддин ва амирзода Пирмуҳаммад қўшини кетидан илгари силжиб бориб, Чанов дарёсининг Жамнага қўйилиш жойидаги мустаҳкам иттифоқ қалъаси рўпарасидан чиқдилар. Қўшиннинг қудратини кўрган қалъадагилар қон тўқмасдан таслим бўлишни афзал билдилар. Бу қалъанинг 1398 йил октябрь бошларида таслим бўлиши, ён-атрофдаги узоқ-яқин бир неча қалъаларнинг таслим бўлишини тезлаштирди ва осонлаштирди. Натижада октябрь ойининг ўзида Жонжон, Ожудан, Шаҳнавоз ва Тиламчи қалъалари девори узрак байроқлар ҳилпиради. Соҳибқирон ҳарбий юришларда қайси мамлакат ва юртларда бўлмасин, аҳолига жабр-зулм ўтказишни мақсад қилиб қўймаган. Биринчи навбатда, мураса-мадора қуроли, яъни тинч йўл билан сиёсий музокаралар дипломатиясини ишга солган. Юриш қилган ҳудудларни вайрон қилиш, очликка гирифтор этиш фикри ва амалиётидан ҳам йироқ бўлган. Уни қаҳрли бўлишга ғаним ва рақибларнинг ўзлари мажбур қилишган. Ё тиштирноғи билан курашган, ёхуд тинчлик сулҳларини бузиб, фириб берганлар. Амир Темурни бундайларга нисбатан шафқатсиз ва қаттиққўл бўлишига шароит ҳамда вазиятнинг ўзи мажбур қилган.

Шу ўринда, сўзимиз исботи учун Соҳибқирон ҳарбий юришларини Ҳиндистон сари йўналтиришдаги сабабларига баҳо берган хорижий шарқшунос олимларнинг ҳолис баҳоларига мурожаат қилишни лозим топамиз. Токи, илгари сурган фикр ва қарашларимиз Амир Темурга берилган бирёқлама баҳо, ёхуд ойнинг фақат олд томонидан кўринишида эмас, балки уни ён ва орқа томондан атрофлича таҳлил этиш талабларига мос келсинки, ана шундагина қаҳрамонимиз ҳаракатлари ва юришларининг ҳамда унинг сиёсий манзараси, феъл-атворидаги ижобий ва салбий хусусиятлар адолат мезонида ўз

ижобий ечимини топади. Француз олими Л. Лянгле „Темур ҳаёти“ номли асарида шундай дейди: „Амир Темурнинг Ҳиндистон юриши пайтидаги асосий ташвиши — мамлакатни изғиб юрган сон-саноксиз қароқчилардан тозалаш бўлди“. Биз бу фикрга қўшилганимиз ҳолда айни ҳақиқат илмий фикрни илгари суриб, Соҳибқироннинг Ҳинд юришига тарих ҳақиқати томонида туриб баҳо берган француз шарқшунос ва темуршунос олимини қўллаб-қувватлаймиз.

Амир Темурнинг Ҳиндистонга қилган юриши давом этиб, 1398 йил 8 ноябрда Битнир қалъаси эгалланди. Шундан кейин Амир Темур қўшини шиддат билан ҳарбий юришини давом эттириб, Фатҳобод, Сомон, Мунк, Қитил қалъа ва вилоятларни эгаллади. 4 декабрь Деҳли остонасидаги Панипат майдонига етиб келди ва шу ерда асосий жанг режасини тузиш учун Олий Ўрду — Соҳибқирон Қароргоҳи тикилди. Унинг атрофида лашкарий қисмлар ўз чодирларини тиклашга киришдилар. Жангнинг энг оғири шу ерда бўлиши муқаррар эди. Деҳли Ҳиндистоннинг бош шаҳри — пойтахти, унинг қўлдан кетиши бутун мамлакатнинг Амир Темур томонидан қўлга киритилишининг гарови бўлур эди.

1398 йил 5 декабрь Амир Темур саркарда ва амирларини йиғиб, ҳар доимгидек жанг олдидан сарҳангу қўмондонларидан жангчиларнинг кайфияти ва жанговарлик ҳолатларини суриштирди. Улар Соҳибқиронга турли қўшин — пиёдаю суворийлар барчаси катта жангга тайёрлигини билдиргач, Деҳлини тиккасига олмаслигини маълум қилди. Амир Темур галабанинг стратегик жиҳатларини чуқур мулоҳаза қилиб, аввало, пойтахтга ёрдам бериши мумкин бўлган, атрофидаги узоқ-яқинда жойлашган қалъалар ўртасидаги алоқаларни тамомила узиб ташлаб, шаҳарни ҳеч қаердан мадад ололмайдиган вазиятга келтиришни режалаштирди. Ана шунда қўшин Деҳлини олиш чоғида кам талафот кўрарди.

Ҳиндистон қўшини қўмондони Амир Темурдек катта жангларни ўтказиб келаётган машҳур саркарда билан кураш олиб бориши албатта қийин эди. Шу боис Маллухон ўн мингдан ортиқ қўшинини қоровул қўшинлар қўмондони Суюнчи баҳодир лашкарларига қарши ҳужум билан бошлади. Бу саркарда гўё ўзини Маллухон қўшини ҳужумига бардош беролмаган қилиб кўрсатиб, атайлаб чекиниб, асосий қўшин турган жойгача бошлаб келди. Шундай усулни қўллаб, атайлаб чекиниш тўғрисида Амир Темур амири Суюнчи баҳодирга олдиндан кўрсатма берган эди. Саркарда бу буйруқни аниқ бажарди. Ана шу вақтдан эътиборан Ҳиндистонликлар лашкари худди тимсоҳ оғзига тушган ўлжадек оғир аҳволда қолди. Маллухоннинг қўшини бир зумда ўнгу сўл, орқа-олд тарафдан селдек келаётган Соҳибқирон қўшини ўртасида қолди. Шундан кейингина ганим тараф атайлаб тузоқ майдонига киритилганлигини тушуниб қолишди. Энди бу мушкул вазиятдан чиқишни удалаш керак, акс ҳолда, бу фалокатдан ҳеч ким омон чиқиб кетолмайди. Маллухон барча тирик қолган Ҳинд паҳлавон ва баҳодирларига зичлашиб, бор маҳоратини ишга солиб, Деҳли бош дарвозаси тарафга ёриб ўтишга буйруқ берди. Ниҳоят жуда катта талафот эвазига Маллухон қуршовни зўр-базўр ёриб ўтиб, Деҳли қалъасига киришга эришди. Ўн мингдан ортиқ Ҳинд қўшинидан фақат беш юздан ортиқ жангчи қалъа ичига кириб жонларини сақлашга зўр-базўргина эришдилар, холос. Маллухон ўзининг галабасига ишониб, босар-тусарни билмай амалга оширган ҳужуми ана шундай фалокат билан интиҳо топди. Шундагина Ҳинд қўмондони Амир Темур қўшини қандай даҳшатли куч, уни қандай моҳир ва баҳодир қўмондонлар бошқаришини ўз кўзи билан кўрди. Дастлабки зарбани ўз бошида ва қўшинида синая кўрди. Бу унинг жанг майдонларида биринчи йирик мағлубияти бўлди.



ЖАНГОВАР ФИЛЛАР ҲИНДИСТОН ҚЎШИНИНИНГ АСОСИЙ ҲИМОЯ ҚЎРҒОНИ

Ҳиндлар ер юзидаги энг баҳайбат филларни нафақат оғир юкларни кўтаришда, балки улардан душманларга қарши жангда жанговар ва даҳшатли куч сифатида фойдаланишни биринчи бўлиб қўллаган халқ эди. Бу халқ орасидан чиққан ҳунар эгаларига қойил қолиш керакки, нафақат ҳайвонлар, балки ҳатто заҳарли кобра илонларни ўз мусиқасига ўргатиб, рақсга туширадиганлар ҳам шулардир. Айниқса, филларни жангга ўргатиш нақадар қийин. Уларнинг энг қўрқинчли қозиқ тишларига бир-бир ярим метрли ўткир ва узун қилич ўрнатиб, бу махлуқ ўнг ва чап тарафга буралиб зарба берганида ғаним жангчиларидан қаторасига нечтасини қиймалаб ташлашини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунингдек, бу жониворга ўқ ўтмас, қилич чопмас пўлат ҳалқали, темир зирҳли жанговар либос кийдирилгандан кейинги ҳолатидан ҳатто девлар ҳам ваҳимага тушиши тайин. Энди унинг жанговарлик хусусиятидан учинчиси янада хавfli ва таҳдидлидир. Бу жонивор устига кунгурали тахт ўрнатиб, унинг ичидаги хонада ўнтага яқин мерган ёйчи ва узун найзали баҳодир жангчи ғаним пиёда ва отлиқ жангчиларга ёйдан аёвсиз ўқ ёғдирганлар. Бундай қуролланган ва даҳшатли тарзда зич сафланган филларни, агар таққослаш лозим бўлса, ҳозирги замон қўшинидаги танклар ва ўзиюар артиллерия полкидан ҳечам фарқи йўқ эканлигини муболағасиз кўрамиз.

Ҳиндистон ҳукмдори Султон Маҳмудхон Деҳлини ҳимоя қилиш учун тиш-тирноғигача қуролланган, зирҳли кийим билан жиҳозланган бир юз эликка яқин жанговар филларни жангга ҳозирлади. Улар ҳар қандай кучли душманнинг саф-саф бўлиб келаётган қудратли қўшинини пайҳон қилишга қодир нақ офатнинг ўзи эди. Энди бу филларнинг қанча паҳлавон ва баҳодир жангчиларни писанд

қилмай, мажақлаб ташлай олиш қудратини кўз олдига келтирган Султон Маҳмудхон ва Маллухонлар ўзларининг ҳал қилувчи Деҳли жангида ғалабага қанчалик ишонганликларини ҳис этиш қийин эмасди. Чунки, улар бир юз эликка яқин тоғ кўчкисидек даҳшатли филлар, улар кетидан эса ўн минг отлиқ, қирқ минг пиёда аскарлар бирданига бўрон каби ҳаракатга келса, улар ҳужуми ва юришидан жанг майдони зир титрайди, ларзага келади. Бунинг устига-устак, ҳужум олдидан филларга қандайдир сирли дори ҳам ҳидлатилганки, шундан кейин улар қутуриб, майдонни ларзага солиб ўқиришиб, шитоб билан олдинга ташланиб, ғаним қўшинини ваҳимага солган ва аввалда қайси ғаним билан жанг қилмасин уларни янчиб ташлаганлар. Айниқса, дори ҳидлатилгандан сўнг бу жониворларнинг бўқириб, ғаним томон шиддат билан келиши суворийлару пиёда қўшин жангчилари орасида қаттиқ ваҳима туғдирар эди.

1398 йилнинг 15 декабрида Амир Темур қўшини Жавун дарёсини кечиб ўтиб, ҳиндистонликлар билан жанг қиладиган майдонни танлашга киришди. Бу асосий ишлардан бири бўлиб, унга Соҳибқирон катта эътибор берарди. Жанг майдони атрофи ҳудудлари географиясини ҳам Соҳибқирон шахсан ўзи кўздан кечирарди. Майдонда душман лашкарининг ҳаракат қилиш имкониятларини чамалаб, аввал фикран икки томон тўқнашувлари, мудофаада туриш ёки ҳужумга ўтиш, ёки душманнинг кўзини шамғалат қилиб ғаним қўшинини қуршовга олиш, сўнгра якуний зарба бериб, пировардида, ғалабани таъминлашга қаратилган жанг ҳаракатларини аввалда тафаккурида пишитарди.

Жанг майдонини, тўла назорат қилиб туриш учун ҳар томонлама қулай Пуштайи Баҳами тепалигини танлади. Шу тепалиқдан жанг майдони-

нинг барча тарафлари кафтдай кўриниб турарди. Шу ерга зудлик билан Бош Қароргоҳ чодири тикилди. Шу пайтда Султон Маҳмудхоннинг асосий кўшинлари ҳам майдонни ларзага келтириб, жанг ҳозирлигини кўришга киришди. Ҳиндлар кўшинида ясол олишда энг даҳшатли ҳолат жонивор — филларнинг саф олдирилиши бўлди. Амир Темур кўшини бундай ваҳимали жониворлар билан илк бор жангга кириши бўларди. Соҳибқирон жангчилари қанчалик довюрак бўлмасин, филларнинг залварли тепаликмисол туриши барибир юракларга қўрқув ва ҳадик солар эди. Кўшиндаги бу ҳолатни Амир Темур ва саркардалари ҳам руҳан сезиб турардилар.

Амир Темур учун 1391 йилги Қундузча ва 1395 йил Терекдаги Тўхтамишхон билан бўлган даврнинг энг қирғинли жанглари бундан кейин кўшинни бошқа жангларга ҳозирлашда катта ҳаёт синови бўлган эди. Лашкарнинг ўнг, яъни баронгориға амирзода Пирмуҳаммад билан Амир Сулаймоншоҳни масъул қилди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам шерюрак саркарда эдилар. Уларнинг йирик кўшини таркибида жанг диловарлари, довюрак ва баҳодир жангчилар, мингбоши ва юзбошилар бор эдики, улар ҳайқириб жанг майдонига кирганларида ҳар қандай ғаним юрагига ғулғула солар эдилар. Кўшиннинг жавонғор, яъни сўл қаноти Султон Ҳусайн ва ёш саркарда Халил Султонга ишониб топширилди. Султон Ҳусайн Амир Темурнинг севимли қизи Ўғи бегимнинг Амир Мусо ўғли Муҳаммадбек никоҳидан бўлган ягона ўғли эди. Султон Ҳусайн қўрқмас, мард саркарда эди. Халил Султон эса Амир Темурнинг хоразмлик келини Хонзода бегимдан туғилган бўлиб, отаси Мироншоҳ Мирзо эди. Забардаст саркарда ўлимни доғда қолдирувчи баҳодир суворий жангчилигини айнан биринчи марта Деҳли остонасидаги жангда исботлади. Амир Темур ўн беш ёшга энди қадам қўяётган бу набирасини жангнинг энг оғир ва масъулиятли жойига тайинлади. Халил Султоннинг катта

жангга биринчи марта кираётганлигини ҳисобга олиб, унинг кўшини ҳимоясига тажрибали саркардалардан бири Жаҳоншоҳ қўмондонлигидаги ўн минглик лашкарни жўнатди. Жаҳоншоҳ Тўхтамишхон билан олиб борилган жангларда қўмондон ва жасоратга тўлган жангчи саркарда эканлигини кўрсатиб, Амир Темур олқишига сазовор бўлган эди. Кўшиннинг қалби (марказ) Рустам Мирзо (Умаршайх Мирзонинг ўғли), Шайх Нуриддин, Амир Шоҳ Малик ва Амир Оллоҳодлар томонидан ҳимоя қилинадиган бўлди. Бу саркардаларнинг барчаси уруш майдонининг шер ва арслонлари эдилар. Бу қўмондонларидан Амир Темур қай бир даҳшатли жангларда бўлмасин, кўнгли тўқ ва муҳорабанинг барча сир-синоатлари бу саркардаларга маълум эди.

Амир Темур кўшини қарама-қаршисида Султон Маҳмудхоннинг ўн минг отлиқ, қирқ минг пиёда ва жанговар филлардан иборат махсус кўшини жанг тадоригига сафлана бошлади. Султон Маҳмудхоннинг энг ишончли ва суянган тоғи жанговар филлари эди.

Амир Темур саркардалари орқали сипоҳлар ва суворийларга ҳеч бир жангчи ўзини йўқотиб ваҳимага тушмасликларини, ўқ-ёйчилар филларнинг тиззаларини нишонга олиб ўқ узишларини, қиличбозлар эса уларнинг хартуминини кесиб ташлашларини қатъий уқтирди.

Аммо филларни даф этиш тўғрисида сипоҳийларга қанчалик маълумотлар берилмасин, жанг бошланган куни — 17 декабрда Султон Маҳмуднинг жанговар филлар қисми унинг ишончини оқлагандай бўлди ва дастлаб Амир Темурнинг марказ кўшинига катта талафот етказди. Марказ лашкарлари қисмлари, айниқса, отлар филлар важоҳатидан ҳуркиб чекинишга тушди. Суворийлар қанчалик жilовини олдинга бурмасинлар, отлар орқага тисарилиб, эгасига бўйсунмай, жанг майдонидан чиқиб кетишга шошилдилар. Сафлар бузилиши панд бериб, талафотларга йўл очилишига сабаб бўлди. Бир



вақтда ўнг қанот қисмида ҳам шундай ўпирилиш юзага келди. Филларнинг Амир Темур қўшинлари сафини бузишга эришувидан ғаним отлиқ ва пиёда қўшинларининг руҳлари кўтарилиб, саросималикдан фойдаланиб, ҳал қилувчи зарба бериш учун ҳужумга ташландилар. Амир Темур қўшини офир аҳволда қола бошлади. Хавф тобора кучая бошлагач, Соҳибқирон Қароргоҳи мудофааси ва муҳофазасини кучайтириш учун захира кучлар ва аравалар билан ўраб олишга тўғри келди. Шу кунги жанг ҳиндистонликлар фойдасига ҳал бўлганлиги аниқ. Талафот кутилганидан ҳам анча катта бўлди. Бу Амир Темур кайфиятига ёмон таъсир қилди. Биринчи кунги жанг тугагач, Қароргоҳига тарихчиси Ҳофиз Абрўни чақириб, унга: „Шимолий Ҳиндистонни эгаллаган Жалолиддин Мангуберди филлар ҳужумини қандай қайтарганлиги хусусида саволлар берди, шу ҳақда жанг тарихидан маълумотлар беришни сўради. Чингизхон ва Жалолиддин Мангуберди ўртасидаги жанглар, шунингдек, Султон Жалолиддиннинг Шимолий Ҳиндистондаги ҳарбий ҳаракатлари тарихининг билимдонни Ҳофиз Абрў бу ҳақда Амир Темурни офир аҳволдан қутқарадиган мисолларни бисёр келтирдик, Соҳибқирон Жалолиддин Мангубердининг ҳарб усулига яна қойил қолди. Ҳофиз Абрў Султон Жалолиддин Ҳиндистонда уларнинг қудратли ҳукмдори билан жанг олиб боргани, уларда 300 та фил, яъни Амир Темурнинг қўшинларига қарши ташланган филлардан ҳам сон жиҳатдан икки баробар ортиқ қутурган жанговар филлар бўлгани ҳақида ҳикоя қилди. Ҳофиз Абрў ан-Насафий ва тарихчи Ота Малик Жувайнийнинг „Тарихи Жаҳонгушой“ тарихий манбаларига таяниб, Соҳибқиронга қуйидаги маълумотларни берди: „Султон Жалолиддин Мангуберди ҳинд рожасини дастлабки жангда мағлуб қилгач, Синд, Учча, Мултон, Лоҳур ва Пешовар ҳокими Носириддин Кубача, ноиб Қамариддин Кирмоний ҳамда Кубачанинг ҳукмидаги ҳудудларга шиддатли юришлар уюш-

тирди. Уларнинг ҳар иккисини жангу жадалларда мағлуб қилиб, Ҳиндистоннинг энг қудратли ҳукмдори Шамсуддин Элтутмиш ал-Муъиззий (1211–1236) ва ражпутлар сулоласи Суморон уруғининг ўн биринчи вакили Малик Синонид (Хаттисор ҳокими) билан Садусон шаҳри яқинида жангга тайёргарлик кўради. Ана шу жанг олдидан ғанимлар 300 жанговар филни, 100 минг пиёда, 30 минг суворийни саф олдида жойлаштиради. Даҳшатли махлуқлар ҳақида ва уларнинг қутуриб ғанимларини яксон қилиши ҳақида хабардор бўлган Султон Жалолиддин Гужарот вилояти пойтахти Анҳарвалда ва бошқа бозорларда қанча бўлса, шунча туяларни сотиб олиш учун маблағ ажратиб, бозорларда учраган туяларнинг барчасини сотиб олиш учун Амир Хосхон саркардасини шошилишч жўнатади. Хосхон тезда Хоразмшоҳ буйруғини бажариб, ажратилган ҳарбий гуруҳлари билан туялар подасини ҳайдаб келади. Эрта тонгда жанг олдидан туялар устига шох-шабба, қуруқ хашакларни баланд қилиб юклайдилар.

Ҳинд қўмондонлари биринчи бўлиб ҳужум навбатини қутурган филларга беради. Шу пайтда Хоразмшоҳ Жалолиддин туялар устидаги баланд қилиб юкланган шох-шаббаларга ўт қўйишни буюради. Ўт қўйишдан аввал хашак ва шох-шаббаларга нефть мойи қўйилади. Нефть мойи шох-шаббаларга қўшилиб ёнар экан, даҳшатли олов тўғони ҳосил бўлади. Олов дўзахи тоғ кўчкисидек филлар томон ҳайдалади. Яғрини олов тафтидан қуяётган туялар бор овози билан бўкириб олға ташланади. Натижада олов қуюнидан ўлгудек қўрққан филлар орқасига қайрилиб ҳиндларнинг отлиқ ва пиёда қўшинини яксон қилиб ташлайди. Шу жангдаги ғалабаси Жалолиддин Мангубердига Шимолий Ҳиндистонда ҳукмдорликни қўлга киритиш калитини тутқазган эди“.

Ҳофиз Абрўнинг ҳикоясини диққат билан тинглаган Амир Темур буюк саркарда султон Жалолиддин Мангубердининг ҳарбий санъати ва топ-

қирлигига тасаннолар айтади. Эртага бўладиган жангда худди шу усулни қўллашга бор диққатини қаратиб, атрофда туя, сигир ва эшак ҳайвонлари бўлса, барчасини йиғиб келиш учун бир ярим минг жангчисини қишлоқлар сари шу туннинг ўзидаёқ жўнатди. Шунингдек, ҳунармандларига темир тиканлар ясашни буюрди. Эрта тонгда темир тиканлар филлар ҳужум қиладиган майдонга кўмиб чиқилди. Жалолиддин Мангуберди ҳарб усули бўйича ҳайдаб келинган ҳайвонлар устига баланд қилиб сомон, хашак, шох-шаббалар юкланиб боғланди ва нефть қўйиб пишитилди. Энди қутурган филлар Амир Темур қўшини учун қўрқинчли эмасди. Улар ҳужумини даф қиладиган воситалар жанг олдидан тахт ва тайёр эди.

Кечаги филлар билан эришилган устунликдан димоғлари чоғ, руҳиятида кўтаринкилик иштиёқида, галабага умидвор бўлган ҳиндистонликлар ҳукмдори Султон Маҳмудхон ихтиёридаги барча кучлар билан ҳужум бошладилар. Филлар одатдагидек, даҳшатли тарзда ўкириб-бўкириб шитоб билан олға ташланиб келарди. Темир тиканлар кўмилган майдонга кириб келишлари билан анчаси тўхтаб орқага қайта бошладилар. Темир тиканларга дуч келмаганлари шиддатли ҳужумларини давом эттирдилар. Ана шундан кейин туя ва ҳўкизлар устидаги нефть мойи шимдирилган шох-шаббаларга ўт қўйилди. Улар олға қўйиб юборилди. Орқасидан пиёда ва отлиқ қўшин ҳаракатга келди. Яғринлари олов оташида куя бошлаган туя ва ҳўкизлар бўкиришиб майдонни ларзага келтириб, душман томон елдилар. Қанча чопган сари олов янада кучайиб, кўкка туташиб, жаҳаннам кўчкисини ҳосил қилди. Буни кўрган филлар ва отлар устидаги бошқарувчи суворийларини ағдариб, босиб-янчиб орқасига бурилганича қўшинларини яксон қилиб ташладилар. Шу вақтда яғринлари ёна бошлаган туялар оламни қиёмат қўпгандек жон аччиғида ҳинд қўшинига келиб урилдилар. Султон Маҳмудхон қўшинлари олов пўртанаси ичида қолди. Филлар, ҳўкизлар, туя-

лар ва ҳинд қўшини аралаш-қуралаш бўлиб, тирик қолганлар олов дўзахидан тезроқ чиқиб олиш учун орқага — пойтахт бош дарвозаси томон жон-жаҳдлари билан тартибсиз қочишга тушдилар. Уларнинг кўпчилиги Амир Темур жангчиларининг ўқиға нишон бўлди. Овчилар қочаётган оҳуларни овлагандек голиблар мағлубларни қувладилар, ёй зарбидан йиқитдилар, қилич билан қулатиб чопдилар. Султон Маҳмудхон ва Маллухон ўз ҳимоячи қоровул қисми билан биринчилардан бўлиб Деҳли дарвозасига етиб келиб, қалъага кириб олишди. Минглаб қочаётган одамлар дарвозага келиб тиқин ҳосил қилдилар. Ана шу дарвоза олдидаги зичликда ҳинд жангчилари хунрезона қирғинга учради. Султон Маҳмудхон дарвозани беркитишга буйруқ берди. Ташқарида қолган ҳинд жангчиларидан кўпчилиги дарвоза остонасида ўлим топдилар. Асирлар эса улардан ҳам кўп бўлди. Шу кечаси тунда Султон Маҳмудхон, Маллухон ва Тўғонхонлар Деҳлини Амир Темур қўшинлари ҳужумидан сақлаб бўлмаслигига кўзлари етиб, мамлакат жанубидаги мустаҳкам қалъалардан бирига кириб жон сақлашдан ўзга илож ва паноҳ тополмадилар.

1398 йил 18 декабрда Амир Темур Қароргоҳини Ийдгоҳ манзилига кўчиртиради. Деҳли катта ва гавжум шаҳар бўлгани учун уни вайрон қилмай, қон тўкмай тинч аҳоли талафот кўрмаслиги учун тинчлик сулҳи тузиш йўли мақбул дея топилди. Шаҳар казолари, кадхудо, зодагон ва руҳонийлар вакиллари билан музокарага киришилди. Уламолар, шайхлар ва саййидлардан сулҳ тузиш учун гуруҳ тузилиб, унга Маллухоннинг вазири Фазлуллоҳ Балхий бошчилик қилади. Улар Амир Темур Қароргоҳига таслим бўлганлик байроғини кўтарганча кириб келадилар. Амир Темур шаҳар талон-тарож қилинмаслиги, аммо айtilган хирож ундириб берилишини, шунингдек, Султон Маҳмудхон хазинаси бутунлай топширилишини талаб этади. Шаҳарда исён кўтарилмаслиги шарти улар зиммасига юклатилади. Шундан кейин Деҳли жоме мас-



жидида қози аскар (ҳарбий суд) Мавлоно Носириддин Умар бошчилигида Соҳибқирон Амир Темур номига хутба ўқилди. Бу Деҳлигача бўлган барча ҳудудлар Соҳибқирон тобелигини тан олганлигининг эътирофи эди.

Деҳлининг эгалланиши билан Ҳиндистонга юриш тўхтамади. Шимолдан жанубга, шарқдан ғарбга томон чўзилиб кетган тоғли, чўлли чангалзорларда ва таянч қалъаларда Амир Темур қўшинига қарши курашишга бел боғлаган жангари қавмлар, қароқчи йўлтўсарлар ҳар бир табиий тўсиқ марралардан фойдаланиб, кутилмаганда Соҳибқирон қўшинига талафот етказувчилар бу юртда бисёр эди.

Шу тариқа Амир Темур жануби-ғарбий вилотларидаги кўплаб қалъа ва шаҳарларни муроса ва мадора йўли билан, қаршилиқ қилганларни қилич билан ўзига тобе қилди.

Ҳиндистонни эгаллашнинг аҳамияти қуйидагичадир:

Биринчидан, Хитой билан Ҳиндистоннинг Амир Темурга қарши тузиладиган ҳарбий-сиёсий иттифоқи барбод бўлди.

Иккинчидан, жануби-шарқ томондан Ҳиндистон ва Афғонистондан ўтадиган узоқ йиллар қароқчи йўлтўсарлар томонидан издан чиққан Буюк ипак йўли қайта тикланди. Шунингдек, мана шу йўл орқали Ҳаж сафарига ўтадиган мусулмонлар учун хавfli бўлган ҳолатга ҳам барҳам берилди.

Амир Темур бутун қўшини ва Қароргоҳини ҳам кўчирган ҳолда Суволиқ тоғи яқинига бориб ўрнашди. Тоғнинг пана-пастқамларида беркиниб пистирма қурган ҳинд қўшинлари ҳам тор-мор этилди. 1399 йил февраль охирига қадар Жинова дарёсига қадар зафарли юриш қилинди. Шу билан Ҳинд юришига якун ясалди.

Шундай қилиб, Ҳиндистон Соҳибқирон тобелигига ўтгач, қўшин Самарқанд сари юзланди.

Термиз кечуви кўпригида Амир Темур ва унинг музаффар қўшинини суюкли малика Сароймулкхо-

ним, Мирзо Улуғбек ҳамда шаҳар ҳокимлари, уламою саййидлар, зодагонлардан иборат машҳур кишилар кутиб турарди. Бу салкам бир йиллик сафардан кейинги учрашув дунё шодлигига тенг хурсандчилик тантаналарининг то Самарқандга қадар зафар тўйларига уланиб кетишини таъминлади.

1399 йил 28 апрелда Соҳибқирон ва унинг музаффар қўшини ғолиблик байроғини ҳилпиратганича салтанат пойтахти Самарқанд остонасига етиб келдилар. Қўшин Самарқандга кирмай „Жаҳоннамо боғи“ остонасида тўхтатилди. Бу ер узоқ ҳарбий сафарда чарчаган қўшиннинг дам олиши учун жуда қулай жой эди. Амир Темур эса энг яқин қўмондон ва аркони давлат вазиру вузаролари ҳамкорлигида ўзи хуш кўриб ном берган жаннатмисол „Боғи Дилкушо“ни дам олиш учун танлади. Энг гўзал, энг дид билан безатилган, ранго-ранг гуллар маскани бу боғ энг ёш малика ҳамда соҳибжамол Тўкал хонимга атаб барпо этилган эди.

Амир Темур „Боғи Дилкушо“да оламга доврўқ таратувчи тўй беришга жазм қилди. Самарқанддан Ҳиндистон сари отланган пайтидаёқ Соҳибқирон ғалаба шарафига катта тўй бериш ва авлодларга катта ёдгорлик бўлиб қолувчи улкан қурилишлардан бирини амалга оширишни мақсад қилган эди.

Зафар тантанаси уч кун давом этди. Унда иштирок этган ва дунёнинг турли мамлакатларидан келган элчилар умри бино бўлиб, бирор мамлакат подшоҳлигида бунақасини учратмаганликларига иқрор бўлдилар. Эсдаликларида шуни таъкидлаганлар. Тўй якунлангач, Амир Темур оқида маликаси Туман оқа шарафига улуғвор Олий жоме масжиди қурилишини бошлашга фармон берди.


Унинг бош лойиҳачиси, асосан, Соҳибқироннинг ўзи бўлди. Бу масжид ўз даврининг йирик меъморий обидаси эди.

Амир Темур Ҳиндистон юришидан қайтиб, Самарқандда бунёдкорлик ва мамлакатнинг ички ишларига дахлдор масалаларни ҳал қилишга ки-

1398 ЙИЛ 17 ЯНВАРЬ.


Деҳли остонасидаги жанг.

Амир Темур қўшинининг жанголди ясол тартиби:






Султон Маҳмудхон ва Маллухон бошчилигидаги ҳинд лашкарининг ясол тартиби:




Жанг Деҳли (Ҳиндистон) остонасида бўлиб ўтди.

Амир Темури қўшинининг Деҳли остонасидаги жангда яқунловчи босқичидаги ясал тартиби.





Султон Маҳмудхон ва Маллухон бошчилигидаги ҳинд лашкарининг ясол тартиби





ришган бир пайтда нохуш воқеа ҳақида хабар етказишди.

Бошга кулфат тушса нафақат гадо, балки подшоҳлар ҳам йиғлайди. Дунёга ҳукмронлик қилиш жиловини қўлга олиш арафасида турган Соҳибқиронни ҳам бундай тақдир четлаб ўтмади. Амир Темур Самарқандда тўй устига тўй, зафар тантаналарию улугвор қурилишлар таъсирида „Боғи Дилкушо“ да кунларни ғоят бахтиёрлик билан ўтказарди.

Темурийлар шажараси бўйича тадқиқотчи устоз, таниқли тарихчи олим Турғун Файзиев ғоят ишончли манбаларни синчиклаб ўрганар экан, Мироншоҳ сўнгги пайтларда ҳушёрликни унутиб, давлат ишларини кейинги ўринга суриб, аста-секин маишатбозликка берилганлигини шундай баён этади:

„Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, кейинги вақтларда Мироншоҳ айшу ишратга берилиб кетиб, давлат ишларига қарамай қўяди. У шаръий ва ношаръий хотинлар олишни кўпайтиради.

Мироншоҳ ўз ҳарамидоғи хотинларига ҳам ҳар хил тухмат ва бўҳтонлар қилиб, жабр-зулмни ҳаддан оширади. Ниҳоят, 1399 йилда Мироншоҳнинг катта хотини Хонзодабегим эридан яширинча Самарқандга — қайнотаси Амир Темур ҳузурига бориб, эрининг кирдикорларидан шикоят қилади. Амир Темур суюкли келинидан бу аҳволни эшитиб, қаттиқ изтиробга тушади. Ўша давр тарихчиларининг ёзишича, Амир Темур бир ҳафта давомида мунгли йиғлаб, ҳеч кимга кўриниш бермаган. Ниҳоят, Амир Темур машҳур етти йиллик юришга бел боғлаб, йўл-йўлакай, қўққисдан Озарбайжонга етиб келади. Амир Темур Султонияга киргач, Бош қозиси раҳбарлигида Мироншоҳ саройидаги вазир ва

йирик амалдорларининг фаолияти ва давлат хазинасини тафтиш қилдирди. Тафтиш натижасида Хонзодабегимнинг шикояти тасдиқланди. Аниқланишича, хазина талон-тарож қилиниб, амалдорларнинг Мироншоҳни номақбул хатти-ҳаракатларга тортганлиги маълум бўлди. Шу сабаб Амир Темур дарҳол Мироншоҳ ва унинг ҳамтовоқлари аркони давлатини тутдириб зиндонга ташлатади.

Эртаси шаҳар фуқароларини катта майдонга йиғиб, Мироншоҳ бошлиқ унинг барча амир ва амалдорларини қўллари боғлиқ ҳолда зиндондан чиқариб, шаҳар майдонига олиб келадилар. Майдон ўртасида турган жаллод Амир Темурнинг сўнгги буйруғини кутарди. Ниҳоят, Амир Темур қатлини бошлашга ижозат беради. Жаллод Мироншоҳнинг ўнга яқин бек ва амалдорларини бирин-кетин қатл қилгач, навбат Мироншоҳга келади. Шу аснода Саййид Барака бошлиқ барча амир ва беклар ҳамда шаҳзодалар ўртага тушиб, Мироншоҳнинг гуноҳидан ўтишни Амир Темурдан илтижо қилиб ёлборадилар. Шундан сўнггина Мироншоҳ банддан озод қилиниб, гуноҳи кечирилади. Қатл қилинган амалдорларнинг тўплаган жамики мол-мулки мусодара қилиниб, хазинага қайтарилади.

Мироншоҳнинг ҳарамидоғи хотинлари ва канизакларидан фақат болаларинигина қолдириб, боласизлари эса ҳарамдан чиқариб юборилади“. Ўлим жазоси халойиқ олдида сазои қилиш жазоси билан алмаштирилди ва Мироншоҳ Мирзо ғарбий ҳудудлар ноиблиги вазифасидан озод қилинди. Келини Хонзодабегимга эса салтанатининг ғарбий ҳудудларини мустаҳкамлашдаги хизматлари учун алоҳида миннатдорлигини изҳор қилди. Бу Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги адолатли сиёсатининг бир кўриниши эди.





**ВАТАНДАН ЙИРОҚДАГИ
ЖАНГУ ЖАДАЛЛАР**



АРАБЛАР ВА ГУРЖИЛАР ТАРАФГА ҚИЛИНГАН ҲАРБИЙ ЮРИШЛАР

Амир Темури Озарбайжонга отланиш олдиан Гуржистон, Араб дунёси мамлакатлари: Миср султонлиги ва Кичик Осиёда ҳукм сураётган давлат ҳукмдорлари ташқи сиёсатда барчаси Соҳибқирон салтанатига ғанимлик жабҳасида қизгин фаолият бошлаб юборганларига амин бўлди. Улар Амир Темури салтанати учун ҳақиқатан ҳам қудратли куч, хавфли ғаним ҳисобланар эди. Улар нафақат Жануби-ғарбий чегараларни хавф остида қолдириши, балки салтанатни мағлуб этиш ва давлат сифатида уни йўқ қилиш йўлида бирлашаётган эдилар. Пировардида, Амир Темури мўлжаллаётган Хитой юришидан яна воз кечиб туришга мажбур бўлди. Гуржилар ҳукмдори Мироншоҳнинг давлат ишларидан сушлашиб, айш-ишратга берилганидан фойдаланиб, Озарбайжон ва Ғарбий Форс шаҳар ва қишлоқларига вайроналик юришларини бошлаб юборган эди. Мироншоҳнинг давлат бошқарувини бу ҳудудларда издан чиқариш даражасига келтириши унинг назоратидаги кучли қўшинга ҳам салбий таъсирини ўтказиб, гуржилар ҳужумларини тўхтатиш у ёқда турсин, қаторасига ғанимдан мағлубиятга учрашдек аччиқ аламини ҳам тотди.

Шунингдек, Ғарбий Европага Никополь жангидан кейин даҳшат сола бошлаган Йилдирим Боязид энди Амир Темурига ҳам беписандларча муносабатини ошкор эта бошлаган эди. Унинг бу сиёсатини қўллаб-қувватлашга ўтган Шимоли-шарқий Африкада энг қудратли давлатга айланган Миср султонлиги ва унинг таъсирида бўлган араб давлатлари Йилдирим Боязид иттифоқчисига айланиб бўлган эди. Бунинг устига қўлга тушмас қасоскор қора қўюнлик Қора Юсуф ҳам Амир Темури учун анча йиллардан бери ашаддий ғанимлардан бири

ҳисобланар эди. У Амир Темури оёғига қадалган темир тикан эди. Демак Ғарб оламидаги зиддиятли ва таҳдидли, хавф-хатарга тўла бу воқеаларга чек қўйиб, уларни сув сепгандай ўчириш, ғанимлар қуролини зарарсизлантириш учун Амир Темури Буюк ипак йўлини тиклашга мўлжалланган юришини бошлашга мажбур бўлди.

Иккинчидан, Мовароуннаҳр, Эрон, Ироқ, Шош ва Кичик Осиёдан Шимоли-шарқий Африкага қадар тўхтаб қолган Буюк ипак йўлини қайта тиклашдек катта вазифани шу юришида ижобий ҳал этиши лозим эди.

1400 йил 22 августда барча лашкарбоши ва саркардалар ҳамда Амир Темури таниқли амалдорларини Тоғли Қорабоққа тўплаб, вужудга келган ҳарбий-сиёсий масалаларни атрофлича муҳокама қилиш учун Қурултой чақирди. Қўпчилик гуржиларнинг мусулмонлар устига юришлари ҳаддидан ошиб кетганлиги учун улар масаласини бир ёқлик қилиш, иккинчи навбатда, Ироқ ва Курдистон ҳукмдори Султон Аҳмад Жалойирнинг таъзирини беришни ёқлаб чиқди. Амир Темури ҳам худди шу фикрда эди. Қурултой қатнашчилари ҳукмдорнинг фикрларини ўқий олган эдилар. Қурултойда шу юзасидан амир ва саркардалар яқдил қарорга келдилар.

Гуржилар тоғлик мағрур халқ бўлиб, ҳар бир қалъа ва вилоятлари Амир Темурига қаттиқ қаршилик кўрсатарди¹. Соҳибқироннинг ўзи Гуржистон юришига қандай жидду жаҳд билан отланганлигини „Тузуқлар“ида шундай баён қилган эди: „Ҳиндистондан зафар қозониб қайтганимдан кейин, ҳали сафар чарчоғи чиқмай туриб, икки Ироқ ҳокимларидан менга арзнома келди. Ёзишларича, Гуржис-

¹ Амир Темури гуржилар юртига жами беш марта юриш қилди. (1386–87, 1392, 1394, 1399–1400, 1402 йиллар фатҳ этилди.) 1404 йил декабрда Гуржистон қироли Георгий VII тобелик изҳор қилади.



тон кофирлари ҳаддиларидан ошиб, чегарани бузган эмишлар“.

Амир Темур ҳар икки томонни катта талафотлардан асраш ва оддий халққа урушда кўп зиён-заҳмат етмаслигини назарда тутиб, гуржилар подшоси Георгий VII га сулҳ таклиф қилади. Негаки, ҳукмдорлар ўртасидаги жангу жадалда оддий халқ ҳам жабр кўришдан четда қолмайди. Шунинг учун енгил шартлар асосида тинчлик сулҳи тузилса, халқ ҳаёти аввалгидек осойишта давом этаверади. Аммо Георгий VII Амир Темурнинг Хиндистон юришларидан фойдаланиб, баландлигидан бургутлар етиб боролмайдиган тоғ тепаликларида қадимдан қурилган қалъалар мудофаасини янада кучайтириш учун аҳоли ва қўшинини қалъалар тош деворларини метиидек мустаҳкам қилишга сафарбар этган эди. Бу қалъаларни тош отувчи ҳарбий муҳандислик қуроллари билан ҳам олиб бўлмасди.

Ҳазрат Соҳибқирон асл мақсадларини баён этиб, гуржилар подшоси ҳузурига элчилар жўнатди. Аммо Георгий VII элчиларни ҳақоратлаб, орқасига қайтариб юборди.

Натижада Амир Темур гуржилар қиролини ҳарбий юриш воситасида ўз тобелигига олди. Шу билан бирга Жанубий Кавказ Соҳибқирон салтанати таркибига кирди. Эндиликда Амир Темур дипломатия ва ҳарбий масаладаги бутун диққат-эътиборини Ироқ, Сурия ва Мисрни эгаллашга қаратди. Айниқса, Сурияни тобеликка олиб, Миср билан Йилдирим Боязид ҳарбий-сиёсий иттифоқини издан чиқармаса, ганимларнинг бирлашуви унинг Фарбдаги олиб борадиган муваффақиятли ташқи сиёсатини боши берк кўчага олиб кирарди. Айниқса, Фарбий Европадаги қудратли қироликлар ҳам жаҳоннинг буюк ҳукмдори сифатида унинг салтанатини тан олмаслиги мумкин эди. Ҳолбуки, Амир Темурнинг жаҳонгирликка даъвогарлик сиёсатининг муваффақияти ҳам айна дамда Фарбдаги ғалабаларга дахлдор бўлиб қолди. Энг асосийси, Йилдирим Боязид устидан ғалаба қилиш долзарб ўринга

чиқаётган эди. Европа қироллари шу воқеани интиқ бўлиб кутарди.

Қўлга киритилган Жанубий Кавказдаги ғалабалар шарафига зафар тантанаси бошланди. Катта зафар тантаналари Манқўлда ўтказилди. Тўй тантаналари авж пардасига етган паллада Фарб оламидан фаранг элчиси Никола етиб келиб, Фарангистон қиролининг қимматбаҳо совға-саломлари билан унинг номидан битилган мактубни Соҳибқиронга топширди. Элчилар худди аввал келишиб қўйгандек, Фарангистон элчиси қабули тугар-туғамас, Йилдирим Боязиднинг элчиси ҳам қабул қилишини сўраётганлигининг хабарини етказдилар. Гарчи ганимлик зиддиятлари тобора кучайиб бораётганига қарамасдан, Соҳибқирон Рум элчисининг ҳурмат-иззатини жойига қўйди. Амир Темурни Рум ҳукмдори жўнатган қимматбаҳо совғалардан кўра ўзининг номига йўллаган хати мазмуни кўпроқ қизиқтирди. Мактуб бутунлай мақтанчоқлик ва шама, кинояомуз сатрлар тизгинидан иборат эди: „Қўшинимнинг сонини аниқлашга ал-Хоразмий асос солган миқдорлар ҳақидаги „Алжабр“ илмининг ҳам кучи етмайди, салтанатим чегаралари Африканинг шимоли-шарқидаги Миср, Осиёнинг катта қисми ва Фарбий Европанинг жанубий ҳудудлари билан чегаралари тутшиб, бундай бепоён ҳудудларни қамровига олган салтанат дунёда йўқ, қўплаб мамлакатлар менинг салтанатимдан зир титраб яшаяпти. Жўнатаётган божларини Анқара хазинасида жойлаштиришнинг ўзи амри маҳол бўляпти. Ҳозирча қисқа бир фурсатда босиб олган вилоятларим рўйхати мактубга илова қилинди. Европа қироллари менинг оёғимга йиқилишига оз фурсат қолди. Шунингдек, Мунташир, Гармиён, Қарамон, Малатия, Сивос ва Халабни эгаллаб, имкониятларни янада кенгайтириб олганлигим, хуллас, дунёнинг забт этувчиси ўзим эканлигим, менга бас келадиган куч дунёда йўқлигининг исботидир“. Соҳибқирон мактубни ўқир экан, „Дунёдаги давлатлар қатори сен ҳам менга тобе бўлиб бож-хи-

рож жўнатишинг керак“, қабилдаги шама, йўқ, шама эмас, балки дўқ-пўписалар ётганлигини илғади. Ҳақиқатан мактубни ўқиган ҳар қандай одам ундан шу маънони тушуниб олиши турган гап эди. Дунёнинг энг оғир жангу жадалларию ҳаёт синовларини бошидан кечириб келаётган Амир Темур Қароргоҳ котибини чақириб, Йилдирим Боязидга жўнатиладиган мактубнинг жавобини ёзишни топширди. Амир Темур Йилдирим Боязиднинг феъл-атворини анча яхши ўрганган эди. Амир Темур бу сафар ҳам сабр-тоқат отига миниб, унинг билан бўладиган урушни яна орқага суришни энг мақбул сиёсат деган тўхтамга келди. Ҳаддан ташқари ҳаволаниб кетган Йилдирим Боязид Амир Темурнинг тинчликсеварлик таклифини унинг элчиларидан ҳатто эшитишни ҳам истамай, уларга қуйидагича терс жавобни берди: „Кўп вақтлардан бери Амир Темур ҳукмдорингиз билан беллашиш ва жанг қилишга орзумандмиз. Унга қарши от суриб, катта лашкар билан юриш қилмоқчимиз. Агар Амир Темур биз томонларга босиб келишга журъат қилмаса, майли унда унинг ўзи қулай деб билган Табризми, Султониями ёхуд пойтахти Самарқандми, қайси бир жойни ўзига маъқул деб топса, бизни ўша ерда кутсин, биз ўша ерга чақмоқдек етиб боргаймиз. Ўшанда кўрурмиз, сипеҳр гардуни бизга, ё унга нени кўргузур экан?“ Ҳаддан ташқари мағрурликка берилиб айтилган Йилдирим Боязиднинг элчиларга „Шу сўзларимни ҳукмдорингизга етказинг“, дегани элчиларни тугул, Соҳибқиронни ҳам қаттиқ ташвишга солди. Унинг тинчликсеварликка йўналтирилган сиёсатини Йилдирим Боязид кўрқоқликка йўйди. Шундай бўлишига қарамай, Қароргоҳ котиби ва муншийси мавлоно Шамсуддин Олмалиқийга Йилдирим Боязидни икки тарафни даҳшатли урушга тортувчи йўлдан қайтариш ва насиҳат оҳанги уфуриб турган мактубни тайёрлашга буюрди. Мавлоно Шамсуддин бор маҳоратини ишга солиб, Соҳибқирон таъкидлаган мазмундаги мактубини тайёрлаб, Амир

Темур ҳукмига ҳавола қилди. Соҳибқирон мактуб матнини маъқуллагач, элчилар яна Анқара томон жўнаб кетдилар.

Мактуб қуйидагиларни ўз камровига олган эди: „Худой ул бандага раҳмат қилурким, ўзининг кадр мартабасини билгай. Ва ўз ҳаддин аёғини узолмагай.

Бу кун биҳамди Аллоҳ таоло рубъи маскун мамолики бизнинг тахти тасарруфимизда турур. Ва оламнинг салотинлари бизга мутиъ турурлар. Ва офоқнинг сардорлари бизнинг амру наҳийимизда кириб турурлар. Ва жаҳоннинг гарданкашлари барча бизнинг бўсағамизда бош қўйиб турурлар.

Назм:

*Ки ер юзи барча сипоҳим эрур,
Кўк устидаги ҳур кулоҳим эрур.
Жаҳон шоҳлари бандаи фармон менга,
Камина қулидур бу даврон менга.*

Ва сенинг наслу насабинг кемачи туркмонларга етар ва бизга равшан турур, муҳтожи баён эрмас. Фурурни бошингдин чиқорғил. Бу чоққачаким сенинг вилоятингга таъарруз қилмадук, жиҳати бу эрдиким, эшитур эрдукким, сен фаранг кофирлари била ғазотга машғулсен. Ва агар биз ул сори борсак, мусулмонлар ташвишда бўлурлар ва кофирлар шодмон бўлғайлар. Зинҳор-зинҳор ким атоларингнинг тариқаларини сақлагил ва аёғингни ўз ҳаддингдан узатмағил, ўзунгга мағрур бўлмағил. Вассалом“. Мактубни ўқиган Йилдирим Боязид тутатиқиб кетиб, қизиб турган ёғга сув қуйилгандек чарсиллади. Оғзига келган ҳақоратларни Амир Темур шаънига ёмғирдек ёғдирди: „Амир Темурни бу дунёга келганига минг пушаймон қилдирмасам, Йилдирим Боязид деган номим ҳаром бўлсин. Мен Никополь жангида қатнашган Ғарбий Европа қирол ва саркардаларининг кунидан баттарини унинг бошига соламан. Ҳолига маймунлар йиғласинки, темурийлар авлоди силсиласини илдири билан су-



гуриб, сулоласини бу дунё саҳифасидан бутунлай ўчириб ташлайман. Унинг суюкли маликаларини гўзал маликам Оливера¹нинг канизакларига айлантираман.

Эй, Анқара саройимдаги ҳарбу зарб ва вазир у вузаро, қозию қуззот, аркони давлат ва аркони дин арбобларим, эшитинглар, бу сўзларим шунчаки ҳавойи эмас, қасам ўрнидаги сўзим турур!“ У мисоли тўй қозонидаги сувдек қайнади, тошди. Амир Темур элчиларини саройидан ҳайдаб чиқарди ҳисоб.

Амир Темур эса унинг ҳолатини эшитиб ғазабланди, бироқ ғазаб билан қилинган иш ижобий натижа бермайди. Соҳибқирон ўзини тез қўлга олди. Аввало, Йилдирим Боязидни ҳаволантириб турган қанотларига шикаст етказиш, уни пойтахти Анқара маркази билан боғлаб турган муҳим стратегик йўл ва қалъаларни у жиғи-бийрон ҳолатида турган пайтида бир зарб билан эгаллаш режасини тузди, уни амалга оширадиган қўшин ажратиб уларга сарҳанглар белгилади. Шу билан Амир Темур Йилдирим Боязидга дастлабки зарба беришни мўлжаллади. Бу ёғига бошқа йўл қолмаган,

тинчлик сўзини Йилдирим Боязид асло эшитгиси келмади, уруш қилиш иштиёқи кун-бақун кучайгандан кучаяверди. Соҳибқирон Амир Темур икки туркий салтанат ўртасида катта уруш чиқмаслиги учун бор имкониятларнинг барчасини ишга soldi. Аммо қайсар Йилдирим Боязид Амир Темурнинг тинчликсеварлик сиёсатини „андишанинг отини қўрқоқ“ қабилига йўйиб, ўзига бино қўйган ҳолда тобора уруш байроғини баланд кўтараверди. Охир-оқибат Амир Темурнинг қиличинини филофидан чиқаришга мажбур қилди. Шунинг билан икки салтанат ўртасида бўлиши муқаррар бўлган қиргин-барот урушнинг бош сабабчиси Йилдирим Боязид бўлди.

Халқ оғзаки ижодининг турган-битгани доғиш фалсафа. Яъни: „Эчки калтак егиси келса, чўпон таёғига келиб суйкалади“, ёхуд „Сичқоннинг ўлгиси келса, мушук билан ўйнашади“.

Йилдирим Боязиднинг хатти-ҳаракатлари бундан-да ошиб тушди. Икки салтанат ўртасида уруш муқаррар эканлигини англаган Амир Темур бир зарб билан Йилдирим Боязидга қарашли икки вилоятни забт этди ва ўз тобелигига киритди.

ШОМ ВА МИСР САЛТАНАТ ТОБЕЛИГИДА

1400 йилнинг 21 сентябрида Соҳибқирон Амир Темур фармонига кўра қўшин шиддат билан Шом² ва Миср томон юришини бошлади. Шомнинг энг мустаҳкам қалъаларидан ҳисобланган Халабга илғор қўшин жўнатилди. Шомда Амир Темурнинг қўшини бир неча йўналишда денгиз тўқини мисол ҳайбат билан қалъалар томон оқиб келмоқда экан, деган ваҳима тарқалди. Уларни тўхтатадиган ҳеч қандай куч йўқ. Уруш бошланганлиги ҳақида мамлакат бўйлаб хабарлар ёйила бошлади. Шаҳар ҳокими Амир Темурнинг қўшини Халабга келаёт-

ганлигини эшитиб, Шом пойтахти Дамашққа қараб елдек учди. У бу нохуш хабарни Соҳибқирон қўшини илғори Баҳастига етиб келганда эшитган эди. Шом ҳукмдорини Халаб ҳокими Темиртош юз берган аҳволдан хабардор қиларди. Амир Темурга бас келиб бўлмаслигини, ҳозиргача унинг томонидан эгалланган мамлакатлар йигирмадан ортиб кетганини айтди. Қаршилик қилган мамлакатлар аҳолиси жабр тортиб, аксинча, унинг билан сулҳпарварлик йўлини тутганларнинг мол-жони омонлик топганликларини билдирди. Унга тобелик изҳор қилиб,

¹ Оливера машҳур Серб қиролининг қизи бўлиб, уни Йилдирим Боязид никоҳига киритганида 14–15 ёшларда эди.

² Бу пайтда Шом (Сурия) тўла Миср тобелигида бўлиб, Шомга қилинган юриш бу Мисрга эълон қилинган уруш эди.

эл-юртни вайроналик ва талон-тарожликдан сақлаб қолиш лозимлигини ҳукмдорига ҳар тарафлама англаймоқчи бўлди. Аммо Шом ноибни Сайди Судун Халаб ҳокимини таслимчилик йўлидан қайтариб, жидду жаҳд билан қарши курашга даъват этди. Темиртош ҳокимни Халаб қалъасидек мустаҳкам қалъа дунёнинг бирор мамлакатига йўқлигига ишонтирди. Натижада ҳоким зудлик билан орқасига қайтиб, жанг ҳозирлигини кўрди. Қурол кўтариш мумкин бўлган барчани мудофаа учун сафарбар этди. Халабликлар жангга қанчалик қаттиқ тайёргарлик кўрмасинлар, Темиртош Амир Темурнинг қўшинига бас келиб бўлмаслигини англаб, унинг билан махфий алоқа ўрнатди. Қалъа ичидаги ҳолаҳволдан уни аниқ хабардор қилиб турди.

Миср султони Носириддин Фараж Халабни нима қилиб бўлса-да, сақлаб қолиш учун барча чораларни кўрди. Турли томонлардан ўша фармонга биноан тўпланган қўшин жангга қизғин тайёргарлик кўрди. Қўшин амир ва саркардалари қандай жанг қилиш режаларини тузиш учун катта ҳарбий кенгаш чақирдилар. Кенгашда Халаб қалъасини бор имкониятлари билан мудофаа қилишга қарор қилинган эди. Бироқ Амир Темурнинг кучларига бас кела олмасдан сулҳ тузишга мажбур бўдилар. Оғир вазиятнинг қандай содир этилганлигини аниқ тасаввур қилиш учун тарихий манбаларга мурожаат қиламиз.

1400 йилнинг 20 декабрида Амир Темурнинг қўшини Дамашққа етиб келди. Соҳибқирон асосий қўшин ва Қароргоҳи билан ўз илғор қисми кетидан жўнаш арафасида Араб дунёсини фатҳ этганлигини келажак авлодларга тарих қилиб қолдириш учун Ҳамодаги жомеи Нурийнинг қибла тараф деворига форсий тилда битик ёздирди. Битик шундай мазмун билан бошланади: „Ушбу сатрларнинг суратга солиниши сабаблари шуки, Тангри таоло бизга мамлакатларни фатҳ қилишни муяссар кўрди, ҳатто биз Ироқ ва Бағдодгача ҳамма ерларни батамом эгалладик. Шу билан биз Миср султониға қўшни

бўлдик ва унга мактуб ёздик ҳамда турли-туман ҳадялар билан унга чопарларимизни жўнатдик. У бўлса, ҳеч бир заруратсиз чопарларимизни ўлдирди. Элчи жўнатишимиздан мақсадимиз, икки томон орасида дўстлик ипини боғлаш, икки тараф ўртасида садоқат борлигини таъкидлаш эди. Сўнгра, бундан бир оз муддат кейин баъзи туркмонлар бизнинг томонимиздаги кишилардан айримларини тутиб олиб, уларни Миср султониға юбордилар. Султон уларни зиндонга солиб жабрлади. Мана шунга биноан мухолифларимиз чангалидан ўз фуқароларимизни халос қилиш мақсадида биз йўлга чиқдик. Шу сабабли бизнинг Ҳамода манзил тутишимиз ҳижрий 803 йил раббиулохир ойининг йигирмалари (8 декабрь, 1400 йил) га тўғри келди“.

Амир Темур қўшини тез ҳаракат қилиб, Нуҳ пайғамбар қабри яқинида тўхтади ва қўшинига Аллоҳнинг энг суюкли элчиларининг, шунингдек, авлиё, анбиёлар руҳларини ёд ва шод этишга даъват этди.

Ҳарбий сафарларда Амир Темур кўп ҳолларда бирга олиб юрадиган уламолар султони Абдулжаббор ибн Нуъмон ал-Хоразмийдан улуғлар ҳақиға Қуръони Карим оятидан тиловат қилишни сўради. Инсоният ва жамики жонзотлар наслини Тўфон даҳшатидан омонлик дунёсига элтган зот шарафига ғоят ёқимли оҳангда тиловат ирод этган хоразмлик улуғ олимни ва унинг ўғлини ҳам дуодан кейин Соҳибқирон алқадикки, у улуғ инсон билан Амир Темур доимо фахрланар эди. Негаки бу олимнинг илму ҳикмати уммон янглиғ эди. У хоразмийлар ота-ўғил уламолар бўлиб, нафақат Соҳибқирон саройида, балки Шарқ оламида ҳам уларнинг номи маълум эди. Шу боис қайси шаҳар ёхуд мамлакатни Амир Темур забт этгач, ўша мамлакатнинг машҳур олимлари билан Абдулжаббор ибн Нуъмон ал-Хоразмий билан илмий баҳс ва мунозара қилдирар эди. Соҳибқироннинг ўзи ҳам бу баҳсларда фаол иштирок этарди.



СОҲИБҚИРОНГА СУИҚАСД ВА УНИ ОҲ ТОРТТИРГАН ХИЁНАТ

Дамашқ учун жанг бошланганда Амир Темур Бош Қароргоҳида жангнинг боришини назорат қилиб турган эди. Худди шу пайтда Миср шахзодаси Абдулазиз ўзи тузган қабиҳ режани амалга оширишга киришди. Ўлимни нақ бўйнига олган фидойилардан бир нечасини танлаб, сохта элчи гуруҳини тузди. Улар заҳарланган ханжар билан қуроллантирилди. Ханжар уларнинг этиги қўнжигача яширилиб, бу ҳукмдорга таъзим қилиб эгилганда олиб уришга қулай жой эди. Террорчи элчиларга ўзларини фош қилиб қўймасликлари учун ҳар жиҳатдан ўзини тутиш, шубҳа уйғотмаслик йўл-йўриқлари ўргатилди. Улар Амир Темурга бериладиган қимматбаҳо совға-саломлар билан таъминланиб, йўлга равона бўлишди. Маълумки, Амир Темур Дамашқ ноиб ва Миср султони қон тўкмасдан ишни мурсою мадора билан ҳал этиш учун бир неча бор элчиларини жўнатганида, айрим элчилар қатл этилиб, баъзилари зиндонга ташланиб азоб берилган эди. Миср элчилари келганлигини Қароргоҳ қутволи маълум қилиши ҳамано Соҳибқирон уларни қабул қилди. Сохта бош элчи Амир Темурга таъзим бажо келтириб, иккинчиси туҳфаларни топширишга тайёрланади. Таъзим бажо келтираётган „фидойи“¹ сўнгги бор таъзим бергандай ҳолатга ўтиб, қўнжидаги заҳарланган ханжарга бор вужуди билан ташланади. Буни олдиндан сезган Соҳибқирон террорист элчининг кўкрагини нишонга олиб, бор кучи билан тепади. Қўлига чала илинган ханжар бир томонга учиб тушиб, ўзи иккинчи тарафга ағанади. Шу дақиқаларда Қароргоҳ соқчилари ва ходимлар тез ҳаракат қилиб, уларни қуролсизлантирдилар. Амир Темур буйруғига кўра улар ўлдирилмайди. Бир неча кун ҳибсда сақланиб, ушлаб турилади. Аммо Қароргоҳнинг қўриқчилари Соҳибқирон ҳаёти ва хавфсизлигига

масъул бўлганлари учун Соҳибқиронга билдирмасдан суиқасдчиларга ит азобини бериб қийнайдилар. Иккинчи марта шу тарздаги ишга ўзларининг оғирлигича тилло берса ҳам қайта журъат қилмайдиган афтода ҳолга келтирадилар. Ҳибснинг учинчи кун улар ҳибсдан бўшатилиб, Амир Темур олдига олиб келинади. Соҳибқирон қўриқчилари бошлиғига танбех беради ва уларнинг қоринларини тўйғазиб, сўнгра ҳар бирини эшакка тескари ўтқизиб, эшак жilовини бўйинларига осганича оёққўллари эгарга маҳкам боғланган, яримьяланғоч ҳолда Дамашқ қалъаси томон жўнатилади.

Шахзода Абдулазиз ва Миср султони совға ўрнида сохта элчиларнинг чўнтагига бўлиб ўтган воқеалар ҳақида битилган хат солиб жўнатилади. Шу тариқа бир гуруҳ эшакка терс ўгирилиб ўтқизилган „элчилар“ таниб бўлмайдиган тарзда Дамашққа кириб келадилар. Буни кўрган Миср ва Шом казо-казолари ўз ишларидан халқ олдида юзлари шувут бўлиб, бошлари қуйи эгилдилар. Бу худди уларга ҳарбий жиҳатдан қақшатқич мағлубиятнинг илк хабарчилари бўлди ҳисоб. Бу пайтда Амир Темур дамашқлик ва шомликлар ҳамда уларнинг иттифоқчиларига бир неча бор гангитувчи зарбалар бериб ҳам улгурдики, фанимлар аҳволи бу ҳужумлардан танг ҳолатга тушдилар.

Дамашқ остонасидаги жанг Амир Темурнинг ғалабаси билан тугади. Дамашқ эгаллангунга қадар Амир Темурнинг набираси Султон Ҳусайннинг сотқинлик қилиб, фаним қўшини тарафига жанг асносида ўтиб кетганини ҳеч ким билмас эди. Амир Темур бу нохуш фожиали хабарни эшитиб, даҳшатдан лол қолди ва бошини чангаллаганича ғамандуҳга ботди. Анча пайт энг яқин амирлари ҳам уни бу ҳолатдан юпатишга ожиз қолдилар, кўнглини кўтаришга ҳам ботина олмадилар. Соҳибқирон

¹ Бу ерда „фидойи“ сўзининг маъноси ҳукмдори топширган ишга бориб, ихтиёрий ўлимга рози бўлган киши.

суюкли қизи Ўғи бегим ва унинг ёлғизгина ўғли Султон Хусайнни еру кўкка ишонмасди. Айниқса, Ўғи бегим ёш жувон пайтида вафот этгач, қизига бўлган бор меҳрини ёш амирзода набираси Султон Хусайнга қаратган эди. Уни ҳар кўрганида қизини хотирлар, шу ёдгор набирани буюк саркарда даражасида кўришни орзу қиларди. Султон Хусайннинг ҳар бир жангдаги жасоратларини ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан тақдирлаб борар, барчага намуна қилиб кўрсатарди. Тўғри, Амир Темур ҳукмдор сифатида жаҳоншумул зафарлар қозониб борар экан, оғир ҳаёт зарбаларига ҳам дуч келди. Илк бор онаси Такина Моҳ бегимдан ёш етим қолиш зарбасини олди. Истеъдод соҳиби жасур Жаҳонгир Мирзо дилбандини 20 ёшида, иккинчи фарзанди Умаршайх Мирзони эса 40 ёшида, валиаҳд набираси Муҳаммад Султонни 29 ёшида тупроққа топширди. Бу фожиали рўйхатни бошқа қариндош жигарлари ва ёшликда ўсган жанговар яқин дўстлари мисолида яна давом эттириш мумкин. Соҳибқирон бу айрилиқларда юрак-бағри қон, кўзлари гирён бўлиб йиғлади. Аммо мана бу сафарги Султон Хусайннинг хиёнатидан на йиғлади, на бўзлади, фақат қарахтлик ҳукмида бўлди. Боши-

ни кўтариб амирлари, саркардалари ва қўшинига қараб буйруқ беришдан ожиз қолди. Айниқса, жигари хиёнат ва сотқинлик йўлига кириб кетса, бошқалардан нимани кутиш мумкин? Бу унинг учун ўлимдан ҳам оғир воқеа эди. Жазо бериб оқ қилай деса, қизининг руҳи чирқираб, Соҳибқиронга тинчлик бермаса, қонун ҳаммага барабар, дея бонг урса-ю, бу кечирилмас хиёнатга муносиб жазо берилмаса, эл-улус ва қўшиндан қандай қилиб тартиб-қоида ни талаб қилиб сақлаш мумкин? Бу саволларнинг залварли юки уни тоғмисол эзарди. Дунё ҳарб ва сиёсатига йўл топаётган Амир Темур набираси Султон Хусайннинг сотқинлиги тубига етолмасди. Хоҳ подшоҳ бўлсин, хоҳ оддий инсон, эр йигитнинг боши ор-номусдан эгилмасин экан. Амир Темур ўғилларини, набирасини Парвардигор ихтиёрига топширганда ота-бобо сифатида ошқора йиғлаган эди. Бу сафар жаҳоний салтанат ҳукмдори ичидан мунгли йиғлади. Орадан бир неча кун ўтиб, Султон Хусайн асир олиниб, Қароргоҳга олиб келинганда Соҳибқирон нафрат билан: „Уни кўзимга кўрсатманглар“, дейди. Шу билан Амир Темур набирасига нисбатан меҳр учқунидан асар ҳам қолмаганлигини билдирган эди.

ҲАРБИЙ ЮРИШ НАВБАТИ БАҒДОДГА

Шом учун олиб борилган жангу жадаллар 1401 йилнинг 20 мартада якунига етди. Унинг барча қалъа ва шаҳарлари Амир Темур салтанати таркибига кирди. Амир Темур учун Бағдод муаммоси энди асосий масалага айланди. Аммо Ироқ хусусида битта Бағдодни эгаллаш билан иш битмасди. Гуржиларнинг айрим вилоят ва қалъалари туркманлар билан иттифоқлашиб Соҳибқиронга қарши туриш мақсадида кучларини бирлаштираётганлиги тўғрисида нохуш хабарлар Амир Темур Қароргоҳига етказилди. Шунинг учун Амир Темур Бағдодгача, ундан гуржиларнинг бўйсунмаётган қалъаларини, шунингдек, бебош ва исёнчи туркманларни

жазолаш ва бўйсундириш мақсадида 1401 йилнинг 20 мартада қўшинларига Бағдод юришига фармон берди. Шу тариқа қўшин Дамашқдан кўчиб, Бағдод сари отланди. Ғута деган манзилда дам олиш учун Соҳибқирон Ўрдугоҳи чодирини тикишга кўрсатма берди. Қароргоҳ амирига Амир Темур кўрсатма бериб, суюкли набираси ва Сароймулкхоним номига мактуб битишни топширди. Самарқанд муҳофазаси учун Муҳаммад Султон ихтиёрига каттагина қўшин берилиб, у ерда қолдирилган эди. Амирзода Муҳаммад Султонга ўз ихтиёридаги қўшини билан Ўрдугоҳга тез етиб келиш топширилди. Бир вақтда Сароймулкхоним Султония-



дан чақирилди. Уларнинг шошилинич чақирилиши бежиз эмасди. Соҳибқирон катта воқеаларга ула-ниб кетадиган режа тузганлиги аниқ.

Ғуғада қисқа танаффусли дам олгач, қўшин Қўмис йўлига тушди. Соҳибқирон бу ерда олдин жўнатилган хабаргирлар гуруҳлари бошлиқларидан Тадмор, Онадўли ва Фрот бўйларида Соҳибқирон қўшинларининг келаётганлигидан хабар топган ўша ҳудуд қалъа ва вилоятлар ноиблари табиий тўсиқлар мавжуд жойларга пистирмалар қўйиб, жангга тайёрланаётганлиги тўғрисида маълумот олди.

Демак, у ҳудудларга каттагина кучларни сафарбар этиш лозим бўлади. Амир Темур учала амирзодалар Халил султон, Абубақр ва Султон Хусайнларга салкам ўттиз минглик суворийлар лашкарларини бириктириб, исёнчи туркманларни тор-мор этиш учун Фрот дарёси соҳилига жўнатди. Амирзодалар дарё соҳилида туркманларнинг анча йирик лашкарларига етиб олиб жангга кирдилар. Туркманлар қаттиқ қаршилиқ кўрсатишига қарамай, амирзодалар қўшинларининг ҳужумига дош бера олмадилар. Уларнинг бир қисми дарёнинг нариги соҳилига сузиб жонларини сақлаб қолди. Асосий кўпчилиги қириб ташланди. Жанг тугаб, амирзодалар ўлжаларни йиғиштираётган паллада Амир Темур ўз қўшини билан етиб келди.

Амир Темур Фротнинг нариги соҳилига қўшинни ўтказишга кўрсатма берди. Шу тариқа Фрот дарёсидан қўшин нариги соҳилга кемаларда ўтиб олди. Шунини таъкидлаш лозимки, агар Қора Юсуф атрофига бирлашган туркман сардорлари Соҳибқиронга тиш-тирноғича қуролланиб қарши чиққан бўлсалар, Қора Усмон бошчилигидаги туркман сардорлари Амир Темурга содиқлигини билдирдилар. Худди шу кечувда сардор Қора Усмон қимматбаҳо совға-саломлар билан Амир Темурни кутиб олиб, садоқатини яна бир бор намойиш этди. Амир Темур Қора Усмонга содиқлиги учун ўз миннатдорчилигини билдирди ва ўзи бошқараётган вилоятни унинг ихтиёрида қолдирди.

Қўшиннинг Шомда узоқ жанглари олиб бориб чарчаганлигини ҳисобга олиб, катта шикор уюштирилди. Шикор тугагач, қўшин Рухо остонасига келиб тушди. Соҳибқирон шаҳарнинг ҳолатини билиш учун бир оз кутди. Дарвозалар очилмаса, демак шаҳар қамал билан олинади. Йўқ, узоқ кутишга тўғри келмади. Шаҳар кадхудолари ва аёнлари совға-саломлар билан Амир Темур ҳузурига бош уриб келдилар, тобелик изҳор қилдилар. Соҳибқирон шаҳар аҳлига омонлик берди. Қўшин Рухони ортда қолдириб, Мордун сари йўналди. Мордун сари юриш Амир Темурга хурсандчилик келтирди. Суюкли ва гўзалликда тенгсиз Тўкал хоним ва Туман оқа бегимлар мулозимлар ҳамроҳлигида Амир Темур билан шу ерда юз кўришишга муваффақ бўлдилар. Хурсандчилик хурсандчиликка уланиб, Сароймулкхоним ҳам Мирзо Улуғбек билан Султониядан етиб келдилар. Улар шодликларининг чеки йўқ эди. Узоқ айрилиқ ва соғинч ўз ўрнини дийдор ва висол оқшомидаги қувонч онларига бўшатиб берди. Бу дамларни маликалар ҳукмдори васлига етмоқлари учун чўлу биёбон ва тоғу тошлар ошиб ва неча тонгларни бедор оттириб келишган эдилар.

Илончиқ қалъаси калитлари Амир Темурга топширилаётган пайтда қўшин яна бир зафар қучганлиги, яъни Авник қайта тобелик камарини боғлаганлиги хушxabари етиб келди. Зафар зафарларга уланди. Туркманларнинг гуржилар қироли Георгий VII ни Амир Темурга бўйсунмасликка ундаган сардорлари тор-мор қилинди. Шундан сўнг гуржилар қироли аввал тузилган сулҳ шартларига қатъий амал қилишини билдириб, Соҳибқирон саркарда ва амирлари олдига қимматбаҳо туҳфалар билан чиқди.

Энди энг асосий долзарб масала Бағдодни эгаллаш кун тартибида турарди. 1401 йил июннинг иккинчи ҳафтаси охирида ёппасига шаҳарни қамал қилишга киришилди. Орадан уч-тўрт кун ўтиб нақбчилар ерости йўлакчасини ков-



лаб, деворга яқинлашиб қолдилар. Улар дарвозалар ва деворларнинг бир неча жойларига портловчи моддалар жойлаб портлатдилар. Барча қамал қуроллари ишга солинди. Қалъадагилар ҳам талафотлар кўпайишига қарамай, жангни давом эттирдилар. Шунга Амир Темур: „Мен шаҳарни олишга қасд қилдим, уни ҳар қандай шароитда ишғол қиламан, шаҳар аҳли қирилиб кетмаслиги учун яхшиликча тобелик камарини боғлаб, қуролларингизни сулҳ розилигига алмаштиринг. Агар бу талабим бажарилмаса, мен уни қаҳр кучига ҳавола қиламан. Унда қанчадан-қанча оддий аҳоли, бола-чақа, аҳли аёллар бегуноҳ жабр тортади“, деди. Аммо шаҳар мудофаачиларига Султон Аҳмаднинг „Шаҳарни топширманглар, уни ҳимоя қилиш учун ҳамма шароитлар — озиқ-овқат, қўшин, қурол-яроғ захираларига эгамиз“, деган сўзларидан илҳомланиб, курашни давом эттирдилар. Таслим бўлишни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Ана шундан кейин Амир Темур яна бир бор омонлик сўраб шаҳар ташқарисига чиққанларга жабр-зулм қилинмаслигини эълон қилди. Ташқи дунёга чиққанлар чиқиб қолди. Икки бора таслим бўлиш талаби рад қилинган, Амир Темур қўшиннинг барчасини ёппасига ҳужумга ташлади. Бағдод жангчилари матонат билан уларга қарши турдилар, на-

тижада Амир Темурнинг қўшинлари анчагина талафот кўрди. Шунда Амир Темур беҳад ғазабланиб, ўз пиёдаю отлиқлари билан шаҳар қалъаси устига ёппасига ҳамла қилиб, қалъани эгаллади. Шундан кейин аҳоли қатлиом этилганлиги ўша давр муаррихи томонидан афсус ва надомат билан тилга олинади. Амир Темур буйруғи билан шаҳар мудофаа деворлари бутунлай буздирилиб, фақат масжид, мадраса ва хонақоҳ ҳамда бозорларга зиён етказилмаслиги қатъий топширилди. Шу тариқа Бағдод шаҳри ҳам забт этилди. Сўнгра йўл-йўлакай қарийб жангсиз Хулла ва Восит шаҳарлари ҳам эгалланди.

Шу билан Араб мамлакатлари забти якунланди, деб ҳисоблаган Амир Темур музаффар қўшинини Султониядаги Қароргоҳи томон бошлади. У ерда Сароймулкхоним, суюкли келини Хонзодабегим ва набираси Улуғбек Мирзолар Соҳибқироннинг келишини интиқ бўлиб кутиб турган эдилар.

1401 йилнинг ноябрь ойи охирларида Амир Темур қўшини билан Қорабоққа келиб тушди. Ҳукмдор билан Султонияда учрашган маликалар ва Улуғбек Мирзо ҳам бирга келган эдилар. Қаттиқ жанглардан кейин чарчаган қўшинни яна оёққа туриб олишини таъминлайдиган зафар шодиёналари уюштирилди.





**КИЧИК ОСИЁ КАТТА
УРУШ БЎСАҒАСИДА**



ҚИРОЛЛАРНИ ЛАРЗАГА СОЛГАН ЧАҚИН ЁХУД ЕВРОПА ҚИРОЛЛАРИ ТАЛВАСА ГИРДОБИДА

Усманийлар салтанати Йилдирим Боязид даврига келиб, бамисоли аждаҳо уйқусидан уйғонганидек Жануби-ғарбий Европани ларзага солиб уйғонди. Келажакда уч қитъани куч-қудратда зир титратишга қодир куч Кичик Осиёда сиёсий ва ҳарбий куч сифатида ўсиб етилишини ҳеч бир мамлакат ҳали хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бу вақтда ҳатто Европанинг қатор қироллари ҳам ўзларини енгилмас куч дея ҳаволанарди. Улар ўзларининг бўлажак кушандаси ҳам кичик осийлик сулола вакиллари бўлишини, усманийлар деганда совуқ нафасларини ичларига ютиб, титроқ босишларини ҳали билмасдилар. Усманийлар шундай даҳшатли куч сифатида сиёсат саҳнасига кириб келдилар. Улар аввало Кичик Осиё ҳудудини қамровига олиб, сўнгра шиддат билан момақалдиروқ чақини янглиғ Африка, Ғарбий Осиё ва Ғарбий Европа ҳудудларини салтанат сифатида зир титратди. Амир Темур шундай балои азим кучига юзма-юз келиб турарди.

Йилдирим Боязид Европа осмонида даҳшатли момақалдироқ бўлиб гумбурлади, қироллар ўтакасини ёрди. Битта савол бу ёғига қитъа қиролларининг барчаси учун асосий муаммо бўлди. Бу Кичик Осиё ҳукмдорини ким ҳам тўхтатиши, ким бас кела олиши мумкин? Унга жавоб зарбаси берадиган куч Европада йўқлигига барча императорлар иқрор бўлдилар. Ниҳоят, фикрларини қайта-қайта ақл тарозисидан тортган қироллар фақат сайёҳ, карвонбошилар томонидан: „Туронзамин ҳудудидан тенгсиз ҳукмдор сиёсат ва ҳарб майдонига чиққанмиш, унинг номи Амир Темур эмишки, унинг елкаси ҳозиргача бирон марта ерга тегмаган лашкарбошилиқ қоби-

лиятига эга эмиш“, қабилида тарқатган миш-мишларидан ҳақиқат ва нажот қидиришга тушдилар. Юртининг машҳур географларидан, элчиларидан Амир Темур салтанати чегаралари ва Соҳибқироннинг таржимаи ҳоли, ҳозиргача Осиё ва Шарқий Европада эришган ғалабалари, қўшинининг куч-қудратини ўрганиш ва унинг пойтахти тўғрисида маълумотлар тўплашга кўрсатмалар берилди. Демак, Европа қироллари барчаси оёққа туриб, ниҳоят Амир Темурнинг уларга яқинроқ ҳудудларда жойлашган Қароргоҳи ҳақида дастлабки маълумотларга эга бўлдилар. Бу йўлда Амир Темур билан алоқани боғлашда француз қироли Шарл VI ташаббусни қўлга олди. Элчисига Европа нажоткорини топиб, албатта, дипломатик алоқаларни тезроқ ўрнатишга Фармони олий берди. Шу тариқа Европа бор диққатини Амир Темурга қаратди. Улар саройида Самарқанд, Амир Темур ва унинг Ғарб ишлари бўйича ноиби Мироншоҳ номлари тез-тез тилга олинадиган бўлди. Шу пайтгача Осиё ва Ғарбий Европа дунёси билан қарийб сиёсий ҳамкорлик бўлмаган эди. Амир Темур ва унинг салтанат пойтахти Самарқанд бундай жаҳон алоқалари мавқеида жиловдорлик, йўлбошчиликни қўлга олди. Шунингдек, Самарқанд дунё тақдирига жавобгарлик масъулиятини елкасига олган сиёсий марказга ҳам айлана бошлади. Турли тилларда мулоқот қилувчи жаҳоннинг турли давлатлари элчилари ва сайёҳлари, Ғарбдан Шарққа Амир Темур салтанати пойтахтини сўроқлаб, Туронзамин сари йўл олувчилар тобора кўпайиб борди. Жаҳон бозорининг иқтисодий маркази ҳам Самарқандга кўчиб ўтаётган эди.

ХРИСТИАН РУҲОНИЙСИ БИЛАН ИЗТИРОБЛИ СУҲБАТ

Ғарбий Европа қироллари орасида усманий турк султони куч-қудратидан хавфсираш Косово жангидаги Болқон мамлакатлари қўшинлари мағлубияти

воқеаларидан бошланган эди. Никополда солибчилар бирлашган кучларининг қақшатқич тор-мор этилиши эса қитъани зир титратди. Йилдирим Бо-



язиднинг сиёсий-ҳарбий обрўси ошиб, бу галаба унга катта шон-шухрат келтирди. Айниқса, Султон Боязид қудратли флотга эга бўлгач, бундан, биринчи навбатда, Франция қироли Шарл VI нинг ташвиши ғоят кучайди. Шундай пайтларнинг бирида у учун Амир Темур ҳақида Ғарбда анча маълумотларга эга папанинг Византиядаги вакили, архиепископ Иоаннинг Парижга ташрифидан хабар топиши айтиш мумкин бўлди. Негаки, у Амир Темур ҳақида тўлақонли маълумот олишни жуда-жуда истар ва шундай одамни кутарди. У ўзининг масъул амалдори (камергери) га Рим папасининг вакилини топиб келишни буюрди. Иоанн Рим папаси ва Константинополь номидан элчи бўлиб Мироншоҳ ва Амир Темурнинг Қорабоғдаги Қароргоҳида бир неча бор ҳукмдор билан учрашиш шарафига муяссар бўлган эди. У Йилдирим Боязиднинг режаларини яхши ўрганган ҳолда Амир Темур муваффақиятлари ва куч-қудрати ҳақида ҳам анчагина аниқтаниқ маълумотларга эга эди.

Қирол Олий руҳоний папа вакиллари қабул қилиши биланоқ, элчини саволлар ёмғири билан сийлов қилди. У архиепископ Иоанндан аввал Йилдирим Боязиднинг бундан кейинги ҳарбий юришлари агар денгиз тарафдан авж олдирилса, Франциянинг жанубий денгиз соҳилига таҳдид қаратилиши эҳтимоли бўлиши мумкинми ёки йўқ? Йилдирим Боязидга энг сўнгги дамларда таслим бўлган Европа ҳудудлари ва мамлакатлар вилоятлари ҳақидаги сўнгги янгиликларни бутун вужуди ва ҳадик остида тинглади. У усмоний султоннинг кейинги ҳарбий-сиёсий режалари барчасини билгиси келди.

Шунда архиепископ Иоанн Франция қиролини ташвишга солаётган ҳодисаларга аниқлик киритиб, Йилдирим Боязиднинг Европа қитъасида олиб бораётган ва яна давом қилдириши эҳтимолдан узоқ бўлмаган ҳарб ва дипломатик тазйиқи ташқи сиёсати ҳақида анча маълумотлар берди: „Ҳозир, — деди руҳоний ота қиролга, — Византия энг

оғир кунларни бошидан кечирмоқда. Султон қўшинлари шу кунларда унинг пойтахти Константинополь остоналарида турибди. Суворийлари отларига аччиқ бир қамчи урса бас, улар Византия бош шаҳри дарвозалари олдида пайдо бўлади. Қарийб шаҳар денгиз тарафдан ҳам, қуруқлик тарафдан ҳам узилиб қамал ҳолатида қолган. Уни барча Ғарб мамлакатлари ҳимояга олмаса, куни битди деяверинг. Сиз, қирол жаноби олийлари, ўзингиз бош бўлиб мадад бериш ташаббусини биринчилардан бўлиб қўлга олсангиз. Зора бошқа қироллар Сиздан намуна олиб, Византия ҳалокат домидан сақлаб қолинса. Ҳозир Византия христиан Европасининг жанубидаги мустаҳкам девор вазифасини ўтамоқда. Унинг қўлдан кетиши Европани ҳалокатга яқинлаштириши аниқ деганидир. Шундан кейин Франция қироли маршал Бусикони флоти таркибидаги ўн етти кемага озиқ-овқат, қурол-яроғ ва Франция қуроли кучларининг жанговар рицарлар полкини жўнатишга тайёрланаётганлигини элчига маълум қилди.

Сўнгра Иоанн турк усмонийларининг олға силжиб бораётган кучлари ҳақидаги янгиликлардан хабардор қилишга ўтди: „Валахия забт этилгандан сўнг Ёқубпошшо (бу қўмондон Йилдирим Боязиднинг яничарлар йирик қисмларини бошқарарди) ва Эвренусбей қўмондонлигида зарбдор турк қўшини Мореяга бостириб кириб, илғор қисмлари эса Штиринга яқинлашиб қолди“, дея маълум қилди.

Бир оз сукунатдан сўнг қирол авлиё ота Иоанни яна саволга тутиб: „Сиз дунё кезган инсонсиз, сиёсатни ҳам яхши тушунасиз, энг мақбули Йилдирим Боязид режалари ва, шунингдек, Амир Темур ҳақида ишончли маълумотга эга экансиз. Нима қилсак Султон Боязиддан бутун Европани сақлаб қолса бўлади, шахсан ўзингизнинг фикрингизни билмоқчиман“, деди. „Бунинг битта йўли бор, у ҳам бўлса, Йилдирим Боязид билан Амир Темурни тўқнаштириб, улар ўртасида бошланадиган урушни тезроқ амалга ошириш зарур.“ „Сиз унинг кучига юқори

баҳо бериб юбормаяписизми, авлиё ота? Сизнингча икки буюк турк ҳукмдорларини урушга тортишга бутун кучимиз, сиёсатимизни ишга солишимиз керакми, Сизни шундай тушунганим тўғрими?” „Мен Амир Темурнинг шахсий сифатларини яхши билман, ҳатто Кавказда Тўхтамишхон билан тўқнашув арафасида (1395 йил апрель) унинг қабулида бўлганман“. „Ё алҳазар! Амир Темур қабулида-я?“ „Ҳа, жаноби олийлари, бўлганман. Унинг қўшини жуда ҳам жанговар, қўшинида ҳарбий тартиб-қоида, интизом жуда кучли, бунақасини мен ҳеч қаерда кўрмаганман. Муғулларнинг доврўқли хони (Олтин Ўрда) Тўхтамишхонга қарши жанголди кўрик ўтказганида, шундай қўшинни тарбиялаган ҳукмдорга қойил қолиб, тан берганман. Ҳар бир саркарда ва қўмондонларининг ўзи бемалол бир мамлакат қўшини Бош қўмондони бўлишга лойиқ. Амир Темур жуда жасур ва адолатпеша ҳукмдор. Фикри ожизимча, Йилдирим Боязиддан Темурбек деганлари ҳарбий тафаккурда ва сиёсатда ҳар томонлама устун, иродаси кучли, мулоҳазаси жуда кенг, фикрлари қиличдек ўткир“.

„Уни жуда мақтаб юборганингиз йўқми, авлиё ота?“ „Йўқ, мен бор гапни ўзим кўрган ва эшитганларимга таяниб айтдим, Амир Темур менинг мақтовларимга муҳтож ҳукмдор сирасидан эмас. Менинг ўрнимда ўзингиз бўлганингизда ҳам шундай фикрда бўлардингиз, жаноби олийлари“. Сўнгра қирол авлиё ота фикрларидан қониқиш ҳосил қилиб, Амир Темурнинг оиласи, фарзандларини суриштиришга тушди. Қиролнинг Амир Темур оиласи хусусидаги саволларига Иоанн элчи ушбу маълумотларни берди. „Унинг Озарбайжон ва Ироқда ҳукмдор ноиби ва айнан Фарб ишлари билан шуғулланадиган ўғли бор, у билан ҳам танишганман. Европача айтганда Миаха Мирасса (Мироншоҳ Мирзо) қирқ ёшларни қоралаган, мусулмон бўлса-да, христиан элчилари, бошқа дин вакилларини ғоят ҳурмат қилади, бағрикенг, саховатли инсон. Унинг ҳузурда бўлган бир қанча элчилар ҳам менинг фикримни тасдиқлайдилар“.

Қирол Амир Темур тўғрисида мукаммал маълумот олар экан, уни Йилдирим Боязиддан Европани озодликда сақлаб қолишга қодир ягона қудратли ҳукмдор, қитъанинг ҳақиқий халоскори деган қарорга келди. Энг таниқли арбобларини Амир Темур ҳузурига элчи қилиб юборишга шошилишч киришди. Бу ишларни амалга оширишни камергерига қатъий топширди.

Европа таҳлика остида турган бир пайтда Йилдирим Боязид Амир Темурдан мактуб олди. Унда асосий шарт Султон Аҳмад ва Қора Юсуфни топшириш талаб этилган эди: „Агар Сиз бизнинг шартимизни бажармасангиз, устингизга қаҳримиз доираси ёпирилади“, дея мактуб тугалланган эди.

Бу мактубни олиб, мазмуни билан танишгач, Йилдирим Боязид газабдан қайнаб-тошиб, Амир Темурга ҳақоратли мактуб жўнатди. Унда шундай сўзлар бор эди: „Агар сен биз томонга келмасанг, сенинг хотинларинг учталоқ бўлсин. Агар сен менинг юртимга келсангу, мен сенга қарши қатъий уруш қилмай қочсам, у вақтда менинг хотинларим узил-кесил учталоқ бўлсин“.

Амир Темур унинг изтиробли жавобидан воқиф бўлгач: „Усмон мажнун ва аҳмоқ“, деди. Чунки у азиятли ҳолда ҳақорат қилган эди. Амир Темур унинг жавобидан хотинларининг зикр қилинган жойини ўқиб, хотима қилди. Чунки, хотинларга тил теккизиш Мовароуннаҳр ва Хуросон аҳли орасида катта айб саналиб, ғоят гуноҳ ҳисобланарди. Ҳатто, улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қилмай, уларнинг ҳар бирини бошқа бир ибора билан чақирардилар. Агар улардан биронтасининг хотини қиз тугса, унда уни „пардали бола“ ёки „зийнат соҳиби“, ёки „мастура“ ёхуд шунга ўхшаш иборалар билан атайдилар. Бу билан муаррих Амир Темур оиласи, сарой амалдорлари ва, қолаверса, бутун Туронзамин ҳудудида хотин-қизларга муносабат, уларни эъзозлаш нақадар юқори мавқеда эканлигини эътироф этади. Йилдирим Боязид сиёсий муносабатлар доирасига аёлларни аралаштириб, ўз



мактубига киритганлиги учун Амир Темурнинг жаҳли чиқиб, Султон Боязидни „мажнун ва аҳмоқ“ сўзлари билан тилга олиши, Соҳибқироннинг аёллар, умуман хотин-қизларга ҳурмати ғоят баланд эканлигини кўрсатиб турибди. Ушбу мактубдан, Йилдирим Боязид сиёсий муаммоларни тинчлик йўли билан эмас, қирғин, жангу жадал воситасида ҳал қилишга иштиёқи баланд эканлиги кундек равшан бўлди.

Амир Темур Йилдирим Боязид мактубининг маликалар хусусига дахлдор қисмини ўқитаётган жойида котибини тўхтатди ва: „Бизнинг учталоқ қиладиган маликамиз йўқ, у сўнгги сўзни қиличга қолдирган экан, на илож, биз ҳам астойдил уруш истаганларни куттириб қўядиган тоифадан эмасмиз. Қилич кўтарганга қилич билан жавоб беришдан ўзга чора йўқ“, деди ва 1402 йилнинг февралда бутун салтанат шаҳар, вилоятлар ва ноибликлардаги қўшинларнинг Арзинжон қалъаси яқинидаги яланглик майдонида жамланиши тўғрисида фармон берди. Бутун салтанат ҳудудидаги қўшинлар фармонга биноан Арзинжон яқинига тўплана бошлади. Қўшинлар тўпланишига икки ойдан ортиқ вақт кетди. Бу ерга ҳамма томонлардан келаётган қўшин фавжларининг кети кўринмасди. Бу қўшин ўз важоҳатига кўра дунёни забт этишга чинакамига қодир эди. Арзинжон Турк султонлигининг Камоҳ қалъасига яқинроқ, яъни чегара яқинидаги манзилда жойлашган эди.

Қўшни Сивос билан Камоҳ қалъаси оралигидаги манзилда чодирларини тикишга кириша бошлаган кунларда Йилдирим Боязиднинг элчилари Амир Темур Қароргоҳини излаб келдилар ва унинг қабулига кириш истагини Қароргоҳ амирига маълум қилдилар. Қароргоҳ амири эса шу дақиқаларда Соҳибқирон ҳазратлари Византия ва Трапезунд элчиларини қабул қилиб, музокаралар юритаётганлигини билдирди. Йилдирим Боязид элчилари англадики, улар Амир Темурдан нажот ва паноҳ истаб, Султон Боязид таҳдидидан ҳимоя қилишни

сўраб келганлар. Чунки, Йилдирим Боязид қўшинлари бу вақтда Византия пойтахти Константинополни қамалга олиб, уни ташқи дунёдан узиб ташлаган эди. Навбат Трапезундга келган эди. Амир Темурнинг Сивос яқинида Қароргоҳини тикканлигини эшитиши билан нафақат Византия ва Трапезунд ҳукмдорлари, балки бутун Ғарбий Европа императорлари Амир Темурни ўзларига Парвардигор йўллаган халоскор ўрнида кўрдилар. Улар Соҳибқирон ҳар қандай шартлар қўйса-да, уни қабул қилиб, Йилдирим Боязиддан ҳимоя қилиш розилигини олишга шошилдилар. Улар учун Соҳибқирон охириги умид, охириги нажот ва Исо Масиҳга қилган илтижоларининг ижобат қилиниши, дея ҳисобладилар.

Ниҳоят, Амир Темур Йилдирим Боязид элчиларини қабул қилишга розилик берди. Соҳибқирон элчиларга Йилдирим Боязиднинг қилган фирромликларини ноҳўя хатти-ҳаракатларини қилмади. У дунё ҳукмдорлари азалдан амал қилиб келаётган элчиларга яхши муносабатда бўлиш қоидаларига оғишмай қатъий амал қилди. Элчига биринчи саволи: „Менинг ашаддий ғанимим Қора Юсуф туркман сардор нега ё ҳибс қилинмай, ёхуд менинг ихтиёримга юборилмасдан Султонингиз билан бир дастурхон атрофида ўтиришига имкон берилган? Нима учун уни шунчалик ҳимояга олган, бунинг боиси недур? У тутиб берилмас экан, мен Султонингиз билан мураса-мадора қила олмайман“.

Шунда элчи: „Султонимиз Сизга овда асқатадиган энг зўр лочин ва чайир ҳамда ғоят уққур зотдор тулпорларни совға қилиб бериб юборди, шу омонатни Сизга топширишга рухсат беринг“, дейди вазиятни юмшатиш учун. „Совға учун катта раҳмат, бизнинг лочинларимиз ҳам, тулпорларимиз ҳам дунёда энг яхши наслардандир. Қора Юсуф ва менинг бошқа ғанимларимга Султонингиз ҳузуридан бошпана бериб, дастурхонига ҳамтовоқ қилган экан, мен бу совғаларни ололмайман. Қолаверса, ора-миздаги муносабатлар қанчалик совуқ иқлим та-

рафга оғиб кетса-да, Султонингиз оламга даъвогар бўлса-да, сарой ишларини сиёсат ишларимизга аралаштирмасин. Унинг бу қилиғи, хатти-ҳаракати ҳукмдорнинг эмас, кўчадаги енгил-елпи одамларнинг ғийбат гапларидан бошқа нарса эмас, деган фикр уйғотди, менинг назаримда“, деди Соҳибқирон. Иккинчидан, эса маънавияти юксак ҳукмдор маликаларини асло сиёсат бозорига солмайди. Уларнинг тақдирини аслида муносабатларимиз боши берк кўчага кириб сўнгсўз шамшир зарбига қолса, Парвардигор ўзи хоҳлаган кишисини ғолиб қилар экан, маликалар тақдири ҳам ғолиб ҳукмдор ихтиёрида қолажак. Бунинг қандай тақдир ва қисмат билан тугагини келажак кўрсатади. Шунча йўл босиб келибсизлар, эртага эрталаб мен билан ёнма-ён туриб жамики лашкарларимни кўриқдан ўтказиш маросимини томоша қилиб, сўнгра йўлга тушасизлар. Бу менинг шахсан таклифимдир“. Элчилар бу таклифни бажонидил қабул қилдилар.

Йилдирим Боязид элчилари Амир Темур қўшинини кўриқдан ўтказишидаги тадбирларини Қароргоҳ амирлари билан ёнма-ён туриб кузатдилар.

СУЛТОН БОЯЗИДНИ ҚАҚШАТГАН ЯСОЛ ТАРТИБИ

Йилдирим Боязид ўз пойтахти Анқарадан анча узоқда турганда Амир Темур яшин тезлигида шаҳар остонасига етиб келди. У Анқара яқинидаги майдонга етиб келиб етти қўл ҳарбий усули бўйича энг такомиллига етган ясол олиб бўлган эди. Йўлда илгарилаб Анқара томон илдам юрар экан, Соҳибқирон Султон Хусайнни икки минг аскар билан Анқарада қолдирди. Унга Йилдирим Боязид асосий қўшинларининг ҳаракатланиш йўллари ҳақида маълумотлар бериш тўғрисида кўрсатма берди. Анқарага яқин танлаган жанг майдони Чибиқобод текислиги деб номланарди. Унинг барча географик ҳолатини яхши ўрганган Амир Темур музаффар қўшинни ҳар томонлама қулай майдоннинг шимол-шарқий тарафини ясол олиш учун танлади. Майдоннинг ўнқир-чўнқир, нотекис жойини Йилдирим

Қўшин важоҳатини кўрган элчиларнинг ваҳимага тушганлиги уларнинг юз ифодаларидан яққол кўришиб турарди. Амир Темур уларнинг афт-ангориданоқ тушкун кайфиятларини англади. Агар боши ва охири кўринмаган бу қўшин бирор-бир мамлакат ҳудудига кирса борми, ушбу мамлакат ва юрт бошига қандай офатлар келиши фақат Яратганга аён, бандасининг фикр доирасига сигмаслиги кундай равшан. Бунда Амир Темурнинг айби йўқ, Соҳибқироннинг жиғига теккан ҳукмдорларнинг ўзлари айбдор. Элчи ва унинг ҳамроҳлари қанча сиёсат ва ҳарб майдонларида юриб, оламини титратишга қодир бундай қўшинни биринчи марта кўриб турган эдилар. Битта Қора Юсуф туркман сардор деб, шу тўфон Кичик Осиёга йўналадиган бўлса, бундай Қора Юсуфларнинг минг, ўн мингтасидан кечиб юборилгани юз бора афзал, деган фикр ўтганлиги аниқ эди. Шундай бўлса-да, Соҳибқирон элчиларнинг ҳурмат-иззатини ўрнига қўйиб, уларни жўнатиб юборишга кўрсатма берди. Шундан кейин Амир Темур барча лашкарий кучларини Камоҳ қалъасини эгаллаш учун оёққа турғазди.

Боязид қўшини ясоли учун қолдирди. Қўшинларни тўлақонли жангга олиб киришга Султон Боязид учун унга қолдирилган жанг майдонининг табиий ҳолати жавоб бера олмасди. Ана шу ҳолатни кўриб, ғаним тараф уни чув туширганини англаб етди. Султон Боязид қаерда бўлмасин, Болқон ярим оролими ёхуд Византия ва Жанубий Европада олиб борган жангу жадалларида ғанимларига қарши курашга тайёрланар экан, жанг олиб бориш имкониятини ўзи танлаб, ташаббусни жангдан олдиноқ қўлга олиб, душманини доимо ноқулай вазиятда жанг қилишга мажбур қиларди. Бу гал барчаси тескари бўлиб чиқди. Бунинг устига йўлда юқорида қайд этилган сарсонгарчиликлар боис ҳолдан тойган қўшин дам олмасдан йўл юриб, майдоннинг жануби-ғарб томонига етиб келганда тонг ёриша



бошлаган эди. Бу вақтда Амир Темурнинг жанг-талаб бўлиб турган кўргондек мустаҳкам, сон-саноқсиз, аммо мукаммал сафланган қўшинига кўзи тушди. Буни кўрган Йилдирим Боязид фурсат бой берилганлигини дарҳол англади. Нима қилсин, узоқ йўл юриб, қўшин ҳолдан тойиб чарчаган, бунинг устига у турган тарафда бир қултум сув йўқ, мавжуд қудуқлар Амир Темур буйруғи билан кўмиб ташланган. Жангчилар эртадан кечгача овқатсиз қилич серпаши ва найзабозлик қилишга чидаши мумкин, аммо жазирама иссиқда сувсизликка чидаб бўлмайди. Фурсатни Амир Темур фойдасига бундай бой берилишининг сабабчиси деб жосуслар бошлиғи (разведка амира) Усмон Човушни айблади.

1402 йил 19 июлнинг тонг саҳарида Амир Темур жанголда тузган етти қўл ясол тартиби алақачон қуйидаги ҳолатда жангга тайёр турарди. Соҳибқирон ясол олишни бу сафар жавонғор (чап қанот) дан бошлаган эди. Сабр-тоқатли, ҳар қандай офир дамларда ўзини йўқотмай йирик қўшинни бошқаришни „Тузуқлар“даги ҳарб интизомига қатъий риоя қилиб, олдига қўйилган вазифани жасорат билан уддалайдиган ўғли Шоҳрух Мирзони жавонғор қўшин Бош қўмондонлигига тайинлади. Унинг хировулига жасур саркарда ва амирлардан амирзода Халил Султонни тайинлади. Халил Султоннинг хировули ҳимоясига Амир Сулаймоншоҳни масъул қилди. Халил Султон ва Сулаймоншоҳнинг ҳимоясига эса Ёдгор Андхудий, Рустам Тоғай Буқо, Суюнчиқ баҳодир ва Давлат Темур саркардалар қўйилди. Уларнинг қўшини бир-бирига жуда зич жойлаштирилди. Шоҳрух Мирзонинг канбулига, яъни жавонғор қўшинни уч тарафдан — ўнги, сўли ва орқа тарафдан мустаҳкам муҳофаза қилиб борувчи қўшин саркардалари қилиб амирзода Султон Хусайн (унга шу бугунги жангда Шом жангидаги хиёнатини қон билан ювиш муҳлати берилди) ва Амир Тойбуғо белгиланди. Шундан сўнг баронғор — ўнг қанот лашкарий қисмлари ясол олишга киришдилар. Унга бириктирилган саркар-

да ва амирлар ҳам жанг майдонининг шерсифат баҳодир қўмондонлари эдилар. Ўнг қанот Бош қўмондони амирзода Мироншоҳ Мирзони ўнг ва чап тараф, яъни ҳировулдан ҳимоя қилиш учун улур амирлардан Шайх Нуриддин, Бурундук Барлос, Али Қавчин, Амир Мубашшир, Ҳожи Абдулла Аббос баҳодир, Султон Санжар, Ҳожи Сайфуддин, Умар Тобон, Ширвон Шайх Иброҳим, Арзинжон ҳокими Таҳамтан каби жанг майдонининг диловар саркардалари тайин этилди. Шунингдек, Мироншоҳ Мирзони канбулдан муҳофаза қилиб бориш ҳам жуда мустаҳкам яримҳалқа тарзда ташкил қилинди. Унинг канбулига тайинланган саркардалари ҳам катта уруш ва жанг оловларида ҳар томонлама тобланган, муҳораба майдонида ақлу фаросат ва жасорат билан жангни бошқариш ҳадисини олган саркарда ва қўмондонлар эдилар. Бу масъулиятли канбулда туриб ҳаракат қилиш амирзода Абу Бакр Мирзо, амирлардан Жаҳоншоҳ, Қора Усмон Туркмоний, Таваккал Барлос, Пир Али Сулдуз зиммасига юклатилди. Қўшин орасида ушбу қайд этилган саркарда ва қўмондон номлари марду майдонликда катта ҳурматга лойиқ, ҳар қандай ғанимни мағлуб этиш мактабини ўтаган лашкарбошилар сирасидан эдилар.

Ниҳоят, баронғору жавонғор қўшин қоқ марказ (қалб) лашкарий қисм ва унинг хировул ва канбул қисмлари шакллантирилди. Марказнинг ўнг қанотини ҳимоя қилиш Тоштемур ўғлон, амирзода Аҳмад Умаршайх, Амир Жалол бовурчи баҳодир, Юсуф Мўғул, Искандар Ҳинду Буғо, Ҳожи Али Аперди, Давлат Темур ва яна бир қанча амирларга юклатилди. Марказ қисмини сўл қанот тарафидан муҳофаза қилиб бориш Жалол-ул Ислом баҳодир, Таваккал Қарқара, Хожа Муҳаммад Халил, Луқмон Тавочи, Сейстон ноиби Иброҳим Қумий каби атоқли амир ва лашкарбошилар зиммасига тушди.

Соҳибқирон Амир Темур гул лашкарий қисмини суюкли набираси амирзода Муҳаммад Султонга ишониб топширди. У даврининг келажаги пор-

лоқ, мардликда ва шижоатда замин у фалакни титратиб, ғаним юрагига қўрқув солувчи лашкарбоши сифатида машҳур эди. Шу боис Соҳибқирон ҳеч иккиланмай уни валиаҳд шахзода дея эълон қилдириб қўйган эди. Муҳаммад Султон қайси жангда бўлмасин, ғаним қўшинларини биринчилардан бўлиб синдирар эди. Бобоси Амир Темур унинг бемисл жасорат ва мардликларини юксак даражада қадрлар эди. У жанг майдонида бўлса, Амир Темурнинг кўнгли хотиржам бўлар эди. Ғаним қўшинларига пона сингари ёриб кириб, уларни пароканда қилаётганидан мағрурланиб, завқ оларди. Уни ўғли Жаҳонгир Мирзодан қолган ёдгорим дея суйиб, жангдан омон чиқишини тилаб, Яратганга илтижолар қиларди.

Ғулнинг қоровул қисмида амирзода Пирмуҳаммад, манғлай (хировул)ида Искандар Мирзо, канбулида машҳур Амир Шоҳ Малик ва Хожи Али баҳодирлар жой олишди. Жанг давомида ўпирилишлар юз бериши эҳтимоли ҳисобга олиниб, олти миш минг баҳодирлардан иборат паҳлавонсифат жангчилар захирада (изофа) Амир Темур Қароргоҳи ҳузурда Соҳибқирон буйруғини ҳар дақиқада огоҳлик билан кутиб турдилар. Амир Темур Қароргоҳи жуда қулай баландликда жойлашган бўлиб, нафақат ўз қўшини ҳаракатларини кузатар, ҳатто Йилдирим Боязид қўшинлари ҳаракатларини ҳам бемалол кузата олар эди. Шунингдек, жанг асносида ўз баронғор ва жавонғор, марказ қисмларида барча саркарда, амирлар, қўмондонлар билан ҳар қандай оғир жанглар кетаётган паллада улар билан хабаргирлар орқали бемалол боғлана оларди, уларга йўриқ ва кўрсатмалар бериш аниқ йўлга

қўйилган эди. Қўшинда ҳамма нарса ғалабани таъминлашга йўналтирилди.

Султон Боязиднинг жанголди ясол тартиби эса қўйидагича ҳолатда эди. Катта қўшин ҳимоясида ғулда Йилдирим Боязиднинг ўзи жойлашди. Бунда у тўппа-тўғри амирзода Муҳаммад Султон билан юзма-юз келарди. Демак, икки қарама-қарши тараф ғул қўшини жанг майдонининг жаҳаннамига айланган марказида жанг олиб борадилар. Йилдирим Боязид лашкарнинг жавонғорига ғоят жасур қўмондони, (серб ғўзал маликаси Оливеранинг укаси) қайин иниси Стефан Лазаревични тайинлади. Маймана канбулига эса рицарлардан иборат йирик лашкарий қисм қўмондони қайноғаси Лос Ифранжийни қўйди. Степан Лазаревич қўшини ҳам, маймана рицарлар қўшини ҳам бошдан-оёқ зирҳга ўралган, қилич ва найза ўтмас даражада ваҳимали жанговар кийимлар билан мукамал муҳофазаланган эдилар. Йилдирим Боязиднинг хировули ва чағдовулини унинг ўғиллари — жасур саркардалар Исо, Мусо, Мустафо ва Чалабийлар ҳар бири ўттиз-қирқ минг қўшини билан отасининг уч тарафидан ҳимоя чизигини ташкил қилдилар.

Қолган яна ўн минглаб жангчилар Йилдирим Боязидга ажратилган тор майдонга жойлаша олмасдан саф ола олмадилар. Уларнинг қайси қанот лашкарий кучларга мадад бериши ноаниқ қолди, бунга имкон ҳам берилмади. Кейинчалик шу маълум бўлдики, Йилдирим Боязид қалб қўшини шикаст топганда, улар ҳам оломонсифат чекиниш азобини биринчилардан бўлиб бошлаб бердилар ва тартибсиз тарзда қочишга юз тутган эдилар. Ғаним томонларнинг жанголди саф олиш ҳолати ана шу тарзда эди.

АНҚАРА ОСТОНАСИДА КЎТАРИЛГАН ТЎФОН

Жанг 1402 йилнинг 19 июлида эрта тонгда Амир Темур буйруғига биноан Мироншоҳ Мирзонинг баронғор қўшинининг ҳужуми, яъни ғаним жавонғорига зарба бериши билан бошланди. Со-

ҳибқироннинг ҳарбий-муסיқий дастаси руҳий-маънавий жиҳатдан жангчиларни қўллаш учун майдонни ларзага келтирувчи гумбур-гумбурлар, суворий жангчилар отлари дупури, жангчиларнинг ҳай-



кириқлари билан қўшилиб қирғин-барот жанг бошланганидан дарак берди. Хужумни бошлаган баронғор қўмондони Мироншоҳ Мирзо майдонда ғанимнинг жавонғордаги жойлашган серб рицарларидан иборат Степан Лазаревичнинг ўттиз минглик сараланган қўшинига найзаддек санчилди. Серб жангчилари ҳам қўмондони бошчилигида Мироншоҳ Мирзо қўшинига қарши шундай мардона жанг қилдиларки, бу ердаги бошланган жанг ҳолати мувозанатлашиб, улар бир-бирларига муносиб жангчилар экани маълум бўлди. Қаршилиқ шундай кучли бўлдики, серблар лашкарий қисми қаҳрамонлигига Соҳибқирон ҳам қойил қолди. Жанг давомида томонларнинг гоҳ бу тараф қўли, гоҳ у тараф қўли баланд келиб турди. Бу жанг ҳақиқий баҳодирлар жанги эди. Жанг шиддати зўрлигидан эгаллаб турилган марралар қўлдан-қўлга бир неча бор ўтиб турди. Талафотлар ҳар икки томондан ортгандан ортиб борди.

Мироншоҳнинг қўмондонлиги таркибига кирувчи баронғор канбули ҳимоясидаги саркарда Абу Бақр Мирзо, Амир Жаҳоншоҳ ва Қора Усмон туркмоний фавжларига Соҳибқирон Қароргоҳидан Йилдирим Боязидни чап тарафдан ҳимоя қилаётган Султоннинг ўғиллари саркарда Мусо қўшинларига хужум қилиш буйруғи етказилди. Бир вақтда Муҳаммад Султон қалб қўшини (марказ) билан Йилдирим Боязид қўмондонлик қилаётган марказ қўшини устига тўфондек ёпирилди. Худди шу лаҳзаларда Умаршайх Мирзо қўмондонлигидаги жавонғор қўшини билан Йилдирим Боязиднинг баронғор қўшини ўртасида ҳам аёвсиз жанг бошланиб кетди. Ярим миллиондан ортиқ жангчилар ва юз минглаб суворийлар ҳаракатидан Анқара майдони зир титради.

...Шу билан жанг майдони қоқ марказида томонларнинг асосий қўшинлари даҳшатли тарзда тўқнашдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, Амир Темур Муҳаммад Султон бошқараётган марказий қисм туман ва фавж лашкарий кучларини

атайлаб Йилдирим Боязид қўл остидаги сон-саноксиз тарзда тўпланган жангчиларига нисбатан кам сонли қилиб жангга йўллади. Бу нотенглик қалб қисмлари жангининг дастлабки босқичида Муҳаммад Султон марказ қўшинига нисбатан Султон Боязиднинг қўлини анча устун қилиб қўярди. Амирзоданинг қўшини унинг зарба тўлқини сиқуви остида чекиниш эҳтимолини Соҳибқирон олдиндан билди, аммо унинг жасур саркардалари, марду майдон жангчилари гарчи чекинсалар-да, метин иродасини ишга солиб, тартибни тўла сақлаган ҳолда муҳим бир ҳарбий тактикани амалга ошириши режада бор эди. У ҳам бўлса жанг асносида ғаним марказ кучларини Муҳаммад Султон ўзига жалб қилиб, уларни ҳолдан тойдириб сўнгра қарши хужум мавриди келгунча (Амир Темур Муҳаммад Султонга бундай вазият рўй беришини олдиндан уқтириб қўйган эди) чекинишдан мудофаага ўтиб, олдиндан ўйланган жанг қилиш тактикасини қўллашдан иборат эди. У бор лашкарбошилиқ истеъдоди ва ҳарбий лаёқатини Анқарадаги қирғин жангида тўла очди ва сафарбар этди. У денгиз тўфонидек ёпирилган Йилдирим Боязиднинг асосий қўшинини ўзига тўла жалб қилиб, оғир аҳволдалигига қарамай, бир вақтда эса жавонғорда жон олиб жон бераётган Шоҳрух Мирзо ва Халил Султон қўшинларини ҳам қўллаб-қувватлади. Марказ билан ўнг қанот ҳамда чап қанот орасидан душманнинг ёриб ўтишига йўл қўймади. Агар ғаним қўшини учта йирик лашкарий қисмнинг бирортасидан ёриб ўтишга эришганида, ўша пайтдан бошлаб ташаббус унинг тарафига оғиб кетган бўлур эди. Жанг асносида Муҳаммад Султон ҳар лаҳзада шундай ҳолат содир бўлмаслиги учун мардлик ва баҳодирликнинг очилмаган саҳифаларини очди. Буни жангнинг бориши давомида тушуниб етган Йилдирим Боязид Муҳаммад Султон марказини бутунлай қириб ташлаш учун унга якуний зарба бериш мақсадида захира қўшинини ҳам сафарбар қилиб, ялпи хужумга ўтди. Марказ жанг майдони икки тарафдан катта

талафотга учради. Инсонларнинг беҳисоб тўкилаётган қони шундай лавҳаларни ижод қилмоқда эдики, ўрта асрларда Чингизхон ва Султон Жалолиддиннинг Нилаб қирғинидан сўнг бундай даҳшатли жангни ҳали жаҳон аҳли кўрмаган эди. Чунки бу жанг уч қитъа — Осиё, Европа ва Африка халқларининг сиёсий-географик, иқтисодий тақдирига даҳлдор жанг эди.

Кутилганидек, Муҳаммад Султоннинг қўшинига Йилдирим Боязид қалб қўшини томонидан берилган зарба туфайли Муҳаммад Султон эгаллаб олган таянч тепалик оғир жанглардан кейин ниҳоят ганим қўлига ўтди. Султон Боязид ўша тепаликда мустаҳкам ўрнашиб олишга интилди. Шунда ўзининг Дамашқ жангида „хиёнатимнинг гуноҳини жангларда фақат қоним билан юваман“, дея бобоси Амир Темурга қасам ичиб илтижо қилган амирзода Султон Ҳусайн жавонғор канбулидан шундай бир жанг қилиб олға босдики, унинг фавжи душманни лол қолдирди. Бобосига берган қасамни ҳам, ваъдасини ҳам оқлади. Унинг қасосга ташна шамшири ганимнинг боши устида айланиб, душманга бемисл даҳшат солди. Унинг қилич ўйнатишини кўрганлар жанг майдонига Рустами Достон кириб келгандек тассавур қилдилар, гўё. У қўшинини шу тахлит ҳужумга бошлар экан, Муҳаммад Султон қалб қўшинига чап тарафидан бақамти келиб яқинлашди. Амирзода Султон Ҳусайннинг бу ҳаракати Соҳибқиронни бағоят мамнун қилди. Жанг асносида энди икки амирзодалар пўлат ҳалқадек бир-бирларини ёнма-ён туриб қўллашлари мумкин бўлди. Томонлар бугунги жангни бир-бирига нафратларини бор бўйи билан сочганларича, қасос қиличларини филофига кийдириб, ўз чодирлари томон қайтдилар.

Ниҳоят қаттиқ уйқудаги жангчиларни 20 июль тонгида навбатдаги қиёмат жангга чорловчи ҳарбий-музиқий дасталарнинг чалган даранг-дурунги ва жарчиларнинг чодирлар бўйлаб: „Жанговар сафга, жанговар сафга“, деб чорловчи қийқириқлари уй-

ғотди. Апил-тапил оёққа турган жангчилар совутларию дубулғаларини кийганича қилич, найза, қалқон ва гурзиларини олиб белгиланган марра сари чопдилар. Бу жангга ҳар икки тараф алоҳида тайёргарлик кўрганлиги аниқ. Ё ҳаёт, ё мамот, ё ғалаба, ёхуд аччиқ ва аламли мағлубият. Унинг кимга сийлов қилиниши Аллоҳ ҳукмига ҳавола.

Соҳибқирон жанг олдидан саркардаю амирларига ҳал қилувчи жангу жадал топшириқларини берди. Амир Темур жангнинг ҳал қилувчи куни Парвардигор ато қилган заминни титратувчи қудратли овозида барчага мурожаат қилди: „Турону Хуросон эл-улус лочин ва баҳодирларим! Бизни Ватанимиз, оиламиз, дўсту қариндошларимиз ганим устидан музаффар байроғимизни мағрурона ҳилпиратиб, ғалаба қилган ҳолда қайтишимизни интиқлик билан кутмоқда. Сизларни шу улўф жангда Аллоҳ паноҳига топширдим. Ғалаба тўйини ҳаммамизга биргаликда ўтказишни яратган Эгамнинг ўзи насиб айласин. Ватан шаъни, оила ва баҳодирлик шаънини устун қўйиб, жанг қилиш бизга бобо мерос, Худо ёр бўлсин! Қалб қўшиним, олға! Баронғор ва жавонғор шунқорларим ҳужумга, ҳужумга, олингу олдирманглар, Аллоҳу акбар, зафар ёр бўлсин!“

Ҳукмдорининг бу чақириғидан икки юз мингга яқин қўшин (захираларга ҳали ҳам ҳужумга қўшилишга рухсат йўқ эди) Нуҳ даврида уммонда кўтарилган туффон қуюнидек душман томон олға ташландилар. Шу билан Анқара остонасида ақл бовар қилмас жангнинг иккинчи куни ҳам бошланди. Бу майдонда раҳм, шафқатга асло ўрин йўқ эди. Урушнинг асосий қонуни — ўлдир! Сен ўлдирмасанг, сени ўлдирдилар. Тинчлик даврларида ҳатто чумолига ҳам озор бермаган одамлар бу майдонда қон тўкишга мажбур. Жанг майдонининг бош талаби шудир.

Амир Темур жангда ғалаба қилишнинг бирор-бир жиҳатини назардан қочирмаган эди. Унинг хабаргирлари бўлинмасига Камоҳ қалъаси ишғол



қилиниши арафасида Султон Йилдирим Боязид қўшини ва унинг куч-қудрати ҳақида аниқ маълумотлар тўплаш топширилган эди. Хабаргирлар Йилдирим Боязид қўшин тўплаш учун барча имкониятларни ишга солишга киришганлиги, Қрим татарларининг йирик кучларини Амир Темур билан бўлажак урушда иттифоқчи сифатида ўзи томонга оғдириб олганлиги тўғрисида аниқ далилларга эга бўлдилар. Сўнгра Қрим татарларининг лашкарий қисмлари Йилдирим Боязид қўшини билан бирлашиш учун йўлга отланганлиги хабарини етказдилар.

Соҳибқирон „Чиқмаган жондан умид“ ёхуд „Карнайчидан пуф кетди“ каби маталсифат ҳикматларга амал қилиб татарларни бўлажак урушда Йилдирим Боязид тарафида қатнашмасликка даъват этувчи мактуб жўнатди.

Айнан жанг қизиган паллада татарлар худди Амир Темур мактубда таъкидлаганидек, қулай пайт келиши билан Йилдирим Боязид қўшинини тарк этдилар. Улар эгаллаб турган жой — мудофаа майдони очилиб, ана шу ерда ўпирилиш юз берди. Бундан фойдаланган Шоҳрух Мирзо жавонғори ўша ўпирилиш жойига қараб шиддат билан от қўйиб, ҳужумга ўтди. Шоҳрух Мирзо жавонғорини ҳимоя қилувчи саркардалардан амирзода Халил Султон, Сулаймоншоҳ, Ёдгор Андхудий, Тоғай Буға Суюнчиқ баҳодирлар амирзода Шоҳрух Мирзо ҳужумини қўллаб, ғаним майманасига қаттиқ шикаст етказди. Бир вақтда амирзода Мироншоҳ Мирзо ҳам баронғори лашкари ҳамда уни ўнг ва чапдан ҳимоя қилаётган саркардаларидан улуғ Амир Шайх Нуриддин, Бурундуқ Барлос, Али Қавчин, Ҳожи Абдулла Аббос, Султон Санжар, Ҳожи Сайфуддинлар барчаси ҳамнафас бўлиб, Йилдирим Боязид майсара қўшинининг қоровул қисмига қаттиқ зарба бердилар. Сўнгра ҳужумни янада авж олдириб, жавонғор қўшини устига ёпирилдилар. Натижада жангда қаттиқ лат еб, катта талафот кўра бошлаган душман қўшинининг ўнг ва чап қаноти

Йилдирим Боязид эгаллаб турган тепалик томондаги марказ қўшини томонга қараб силжиди. Султон Боязид қалб қўшинига қўшилишга ва натижада ғаним қўшини билан тепалик ва унинг атрофида мустаҳкам мудофаага ўтиб курашни давом эттиришга қасд қилганлиги аён бўлди. Шу вақтда Муҳаммад Султон қалб қўшини ва унинг ўнг ва чап тарафини ҳимоя қилиш зиммасига юкланган жанг диловарлари, йирик саркардалардан ўнта қўшин қўмондонлари ёппасига ҳужумни авж олдириб, Йилдирим Боязиднинг қалб қўшини ҳолини танг қилди. Кечаги жангда чекиниб тепаликни Султон Боязидга қолдирган бу саркарданинг бугунги важоҳатини кўрган ғанимнинг гул лашкари жангчилари ҳайрон бўлдигина эмас, балки қалбларини даҳшатли кўрқув қамраб олди. У оҳулар подасига ёриб кирган арслондай наъра тортиб Султонни ҳимояга олган зирҳли кийимдаги Степан Лазаревич қўмондонлигидаги рицарлар қўшинига ташланди. Шунчалик моҳир ва машҳур, бошдан-оёқ пулат совут кийган бу суворийларни на зирҳ кийимлари, на ўзларининг жасурликлари қутқара олди. Бу жангда Муҳаммад Султон шундай қилич серпадики, ўзларини қиличбозликнинг тенгсиз баҳодирлари қаторида санаб юрган рицарлар паҳлавонларининг қанчалари унинг билан юзма-юз жангда ҳаёт билан абадулабад видолашдилар. Амирзода Муҳаммад Султон қўшинида қиличдан ўт чақнатадиган қоплонсифат жасур паҳлавонлар кўп эди. Улар ҳам зирҳли рицарларни қириб ташлашда қўмондонни атрофида шердек олишиб, ғаним аҳволини танг қилдилар. Энди нафақат Йилдирим Боязиднинг, балки унинг чап ва ўнг қанотлари аҳволи дақиқама-дақиқа танглаша бошлади. Султон Боязид қўшинларининг тобора сафлари бузилиб, ўнг қаноти билан чап қаноти ўзаро аралашиб кетди. Қўмондон ва саркардалари қўшинни бошқариш назоратини қўлдан чиқара бошладилар. Аксинча, Амир Темурнинг етти қўл қўшинидаги уч юз ўн уч қўмондон, фавж ва туманбоши саркарда ҳамда амирлари

„Тузуқлар“ да кўрсатилган ҳарб қоидаларига қатъий амал қилганларича, бир-бирларини тушуниб, пўлат ҳалқалардек жипслашдилар. Оқибат Йилдирим Боязид қўшини уч тарафдан қуршов домига олинди. Амир Темур ушбу вазиятни кузатар экан, Қароргоҳ ҳимояси захирасидаги 60 минглик жангталаб бўлиб турган суворийлар қўшинини ўттиз мингликдан икки қисмга ажратди. Ўнг ва чап тарафдан доиравий ҳаракат қилиб, душманнинг орқа томонига айланиб ўтиб, қуршов ҳалқасини узил-кесил ёпишни буюрди. Суворий қисмлар шамолдек ҳаракатланиб, Соҳибқирон буйруғини амалга оширишга киришдилар. Ҳалқа ҳосил бўлгач, Йилдирим Боязид қўшини аҳволи кескин ёмонлашди. Амир Темур аҳволи танглашган Йилдирим Боязид жангчиларига ўзини ўнглаб ололмайдиган зарба бериш учун ўттиз минг мерган ёйчиларни яримдоирасимон саф қилиб, ажал ўқлари билан „сийлов“ қилишга кўрсатма берди. Қуёш юзини тўсган ўқ-ёйлар осмонда тўфон ҳайдаган булутдек сузди. Камончилар садоқларидаги ўқларни бўшатиб бўлганларида Йилдирим Боязид лашкари бири устига иккинчиси йиқилиб, оқибат қисқа вақтда жасадлар тепаликлари ҳосил бўлди. Шу хунрезлик пайти қуёш ҳам бу воқеалардан тез узоқлашишни истагандек, Мағрибзамин орқасига ўтиб ғойиб бўлди. Бундан фойдаланиб, жонини сақлашга уринган Йилдирим Боязид тун кўмагида жон ҳолатда катта талафот кўриб бўлса-да, қуршов қозонидан бир амаллаб қутулиб чиқишга зўр-базўр муваффақ бўлди. Амир Темур „ҳар қандай шароитда уни тириклайин тутиб олдимга келтиринглар“, дея Фармони олий бергач, уни тутиш учун нафасни ростлашга имкон бермай таъқибчи қўшин жўнатди. Дам олишда турган отлар чарчаган отлар билан алмаштирилиб, Султон Боязид узлуксиз таъқиб этилди. Уч яшарлигидан от устида ўсиб улғайган, суворийларга қўмондон қилиб тайинланган Султон Маҳмудхон таъқибчи лашкарларга масъул этиб тайинланди. Унга ўта тажрибали изтопарлар қўшиб берилди. Улар Боя-

зиднинг изи қишлоқлардан бири томон кетаётганлигини аниқладилар. Оти, ўзи қочиш-қувилиш азобида ниҳоят толиқиб, бир лаҳзагина тўхтаб дам олмоқчи бўлганида Султон Маҳмудхоннинг чапдаст суворийлари кутилмаганда пайдо бўлиб, унга ташландилар ва оёқ-қўлини боғлаб, Соҳибқирон ҳузурига келтирдилар.

Дунёнинг бири ғолиб, бири мағлуб. Ашаддий ғаним бўлган икки буюк ҳукмдор шу тариқа бир-бирига юзма-юз келдилар. Йилдирим Боязид Амир Темурга нафрат ва ғазаб билан тикилар экан, Амир Темур, аксинча, Боязидга ачиниш билан қарайди. Бироқ Йилдирим Боязид бу бағрикенглик, мурувватни „мени ҳақоратомуз қарши олиб, устимдан кулмоқда“, қабилида қабул қилди. Амир Темурнинг кулимсираган кўзларида дунё сиёсатининг фалсафий мушоҳадаси кечаётганлигини Султон Боязид қаердан билсин. Мағлубиятнинг аччиқ ва фожиали алами, ғазаб отидан тушмаган Султон Боязид Амир Темурнинг дунё ўйинлари устидан кулаётганлигини қандай мулоҳаза қилсин, ахир. Европани зир титратган Йилдирим Боязид бўлиб, гумбурлаб Фарб қиролларининг ўтақасини ёрган чақмоқ бирданига сўндирилса, бундай бўлишини ким ҳам ўйлабди, дейсиз?

Амир Темур Султон Йилдирим Боязидга разм солди. У ҳам буюк бир салтанат барпо эта олган, насроний Европа оламини тавбасига таянтира олган эди. Эндиликда эса чорасиз банди инсонга айланиб турганига ишонгиси келмади. Неча йиллар дунёнинг энг йирик хазинаси измида бўлиб, фармонлари ўн минглаб чақирим масофаларда амалда бўлган, дунёни ларзага солган икки юз мингдан ортиқ қўшини, қанча мамлакатларни мағлуб этган Фарбий Европа ҳукмдору қироллари оёғи остига бош уриб келган. Бир имо-ишораси билан уларнинг тақдирини ҳал қилиб турган Султон ҳолатига қалби дарё Амир Темур нега ачинмасин? Унга ўхшаган ҳукмдор ғанимлардан, жумладан, тузлуғига тупурган Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ўз қасам-



ларидан неча бор тонганида ҳам, унинг гуноҳидан ўтиб юборган эди-да. Соҳибқироннинг Боязидга илк муурожаати: „Соғмисиз, омонмисиз Султон Боязидхон“, деган сўзлари бўлди.

Йилдирим Боязид бу мулозамат юмшоқлигини Соҳибқироннинг қатлолди кинояомуз шумлиги, дея ўйлади. Унинг ўйлаганида жон бордек эди. Фаним ҳукмдорлар жангдан кейин ҳеч бири мағлуб томон ҳукмдорига шафқат кўрсатиб, аҳволини сўраб-суриштириб ўтирмаган. Мағлуб томон ҳукмдорининг оиласини бешиқдаги боласига қадар аёвсиз қиличдан ўтказиб, ўша мақтулнинг шажарасига бир йўла нуқта қўя қолган. Йилдирим Боязид ўзининг аччиқ тақдири ҳам шундай яқун топади, деган фикрда эди. У Соҳибқироннинг саволини жавобсиз қолдирди.

Амир Темур унинг бу ҳолатини ўзига оғир олмай, ҳамма нарса — борлиги, тожу тахт, хазина барча-барчасидан мосуво бўлган, дунёдан, ҳаётдан умидини узган одамнинг тушкунлик ҳолати ўрнида қабул қилди. Соҳибқирон унинг орқасига қайириб боғланган қўлларини ечишни Қароргоҳи қутволига буюрар экан, уни бундай аҳволга солиб келтирганларни койиган бўлиб: „Улуғ ҳукмдорни бундай ҳолатга солиш одобдан эмас“лигини билдирди. Сўнгра султонларга хос ва мос бежирим чакмон келтириб, Йилдирим Боязиднинг отдан қулаб тушганда йиртилган кийимини алмаштиришни қутволига тайинлайди. Бу ишлар тез ва жўнгина бажарилди. Шундан сўнг уни ёнига ўтиришга таклиф қилди. У қимирламагач, Соҳибқироннинг котиби Шамсуддин Олмалиқий уни кўрсатилган жойга ўтиришга ёрдамлашиб юборди. Орадан бир оз сукунат лаҳзалари ўтгач, Амир Темур унинг кўнгли шундоқ ҳам вайрон бўлиб турганлигини инобатга олган ҳолда, жуда огоҳ ва сезгирлик билан муомала қилди. Ундан фақат бир оз хафа бўлган одам сифатида узоқ йиллардан бери Султон Боязиднинг шахсий айби билан ашаддий ғанимликка айланган муносабатларни эслади. Унга ҳам эслатиб, чиндан ҳам

афсусланган бўлди. „Икки мусулмон салтанати ўрта-сида қирғин уруш бўлишини мен асло истамаганман. Аксинча, дўст, иноқ, қондош ва диндошлик муносабатларига кенг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни йўлга қўйиб, Буюк ипак йўлини изга солиб, халқларимиз тинчлиги ва фаровонлигига хизмат қилдиришни ният қилган эдим. Лекин мен кутган нарса бўлмади, барчаси тескари айланиб кетди, минг афсус! Оқибат воқеалар даҳшатли тус олиб, ҳар икки томон мусулмон аскарларимиз шаҳид кетдилар. Уларнинг оилалари олдида Сиз билан мен гуноҳкор бўлдик, Боязидхон!“ Сўнгра Шамсуддин Олмалиқийга юзланиб: „Шаҳидлар ҳақиқа аввало дуо қилиб, Қуръони Каримдан тиловат адо қилайлик, дейди. Ана шу Қуръони Карим тиловатидан кейин илоҳий ҳикматлар шарофати ила ўртадаги ғанимлик деворини олиб ташлаб, бўлиб ўтган воқеаларни тўғри, ғаразсиз мушоҳада қилишга зора йўл очсак. Ана шундагина биз ҳеч бўлмаса жанг давомидаги, жаҳл келганда ақл заифлашиши жараёнидаги нафратомуз жоҳиллигимиз таъсиридан қутулиб, тўғри йўл топишимиз учун, шу ердаги сокин Қароргоҳда ўзаро тил топишармиз, деган умидим бор“, дейди Амир Темур ғоят мулоим ва босиқлик билан. Бу муносабатларни темурийлар даврининг машҳур муаррихи, аллома Низомиддин Шомий ўзининг „Зафарнома“ асарида қуйидагича таърифлаб, келажак авлодларни икки буюк ҳукмдор суҳбатидан баҳраманд қилишни ният қилган эди. Унда Султон Боязидга Амир Темурнинг ўпқаланган (аммо танбеҳона тарзда эмас) ҳолатда айтган сўзлари ўз баёнини топгандир:

„Оламнинг аҳволи Парвардигорнинг қудрат ва иродасига боғлиқ. Бунга бошқа ҳеч ким аралаша олмайди. Лекин инсоф ва ростлик юзасидан шуни айтиш керакки, Сиз ўзингизга ўзингиз қилдингиз, кўп бор ҳаддингиздан ошдингиз ва бизни гинакудурат тутиш ва ҳатто интиқом қўйишга киришимизга мажбур этдингиз. Бу диёрда кофирларнинг фитна-фасоди ортиб кетди, лекин бунга сабр-тоқат

1402 ЙИЛ 19 ИЮЛЬ. АНҚАРА ЖАНГИ.


Ҳар икки тарафдан қатнашган қўшинлар сони 500 мингдан ортиқ.

Амир Темур қўшинининг жанголдди ясол тартиби:





Турк султони Йилдирим Боязид қўшинининг жаиголди ясол тартиби:



*Йилдирим Боязид Европанинг босиб олинган ҳудудларидан ва Никополь жангида асир олинганларни қайта тарбиялаб ўзига содиқ Яничарлар пиёда қўшинини тузган. Европаликлардан ташкил этилган қўшин Фаранглар номини олган.

қилдик ва сиз билан мусулмонлик ва хушандишалик мақомида туриб, муросаи мадорага бордик. Ўйладикки, насиҳатларимизни қабул қилиб, тобелик ва бўйсунуш эшикларини очарсиз. Шунда молдунёгами ёки лашкаргами эҳтиёж сезгансиз, ёрдам бермоқчи бўлдик, токи жиҳод тиғи бирлан ислом мамлакатлари ичида ва теварагингиздаги ширк ва бединларни тугатгайсиз. Ва яна илтимос қилдикки, Кимоҳ ва Таҳартанга тегишли ерларни қайтариб берсангиз ва Қора Юсуф туркманни мамлакатдан чиқариб юборсангиз, деб. Ишончли одамларингизни юборсангиз, токи орамизни аҳду паймон билан келиштирсалар, деб. Бироқ бунга ҳам йўл бермадингиз ва итоат ҳамда бўйсунушдан бўйин товладингиз. Натижада икки ўртада келишмовчилик пайдо бўлди. Агар бунинг акси бўлганда эди, яратган Эгам бизга берган шавкат ва қудрат сизнинг илкингизда бўлур эди. Лашкаримиз айни шу пайтда мамлакатингизда турибдур, лекин хотирингиз жам бўлсинким, фуқароларингизга яхшиликдан бошқа ҳеч нарса қилмайдурлар.“

Боязид Йилдирим қилиб қўйган ишидан пушаймон бўлди ва хижолат чекиб деди:

— Бу йўлда хато қилдим, ҳазрат Соҳибқироннинг сўзларига кирмаганимнинг жазосини тортиб турубмен. Агар афв этсалар, гуноҳимдан ўтсалар, ўзимиз ва фарзандларимиз то тирик эканмиз, тобелик ва хизматкорлик чизифидан чиқмагаймиз.

Қайсарнинг бу жавобидан ҳазрат Соҳибқирон хурсанд бўлди. Уни султонлик либоси билан сийлади ва унга подшоҳона навозишлар кўрсатди. Қайсар унинг яхши хулқи ҳориқ одатини мушоҳада этиб, таажжуб бармоғини тишлади. Сўнг дуойи фотиҳадан кейин ундан илтимос қилди:

— Фарзандларимиз Мусо бирлан Мустафо уруш пайтида биз бирлан бирга эдилар. Алардин хавотирдамиз. Буюрсангиз, аларни суриштирсалар, агар тирик бўлсалар, банданинг ҳузурига олиб келинса...

Ҳазрат Соҳибқирон амр қилдилар, тавочилар

ўша заҳотиёқ қидиришга тутиндилар ва бир-икки кундан сўнг Мусони топиб, ҳазрат Соҳибқироннинг ҳузурига келтирдилар. Амир Темур унга подшоҳона марҳамат кўрсатиб, хос чопон билан сийладилар ва отасининг олдига жўнатиб юбордилар. Ва яна унинг ўзига Ҳумоюн Ўрду қаршисида алоҳида подшоҳона чодир тикиб беришларини буюрдилар ва Ҳасан Барлос бирлан Боязид Чимёнийга „унинг ҳол-аҳволдан хабар олиб турунглар“, дедилар.

Боязид Йилдирим ўғли билан бир неча кун Ҳумоюн Ўрдуда меҳмон бўлиб турди. Сўнг ҳазрат Соҳибқирон Рум мамлакатини Султон Боязидхоннинг инон-ихтиёрига топшириб, жўнатиб юборди. Лекин у, Шарафуддин Али Яздий айтганидай, астойдил қилмишларига пушаймон еб, тавба-тазарру қилмади. Бир умр бировга бош эгмаган, аксинча, манаман деган подшоҳу ҳукмдорларни тиз чўктириб, оёқлариини ўптирган бу мутакаббир одамдан буни кутиш амри маҳол, албатта. У фақат қисматидан нолиди, ачинди ва алами ичида қолди. Амир Темур эса олижаноблик қилиб, уни қўйиб юборди.

У бўлса: „Омон бўлсак кўрурмиз сенинг ҳам ҳолингни“ деди ичида. Амир Темур уни Бурсага бориб пойтахтида мамлакатни идора қилишга киришувини маъқуллади. Аммо у бундай қилмади. Оқ шаҳарга бориб у ерда яшай бошлади. Унинг пирининг қабри ўша ерда эди. У бу ерда кундан-кун ўзини ёмон ҳис қила бошлади.

Йилдирим Боязид руҳий-асабий синиб адо бўлиб борарди. Аввалги осмону фалакка туташган сиёсий обрў, барчанинг эгилиб-букилиб унинг фармонини кутишлари энди туш каби ўтиб кетган эди. Отдан тушса-да, узангидан тушгиси келмасди-ю, у ҳам энди хаёлий орзу ва сароб. Йилдирим Боязид бераҳм ва шафқатсиз дунёнинг тўфони ичра ушбу бўрон учирган хасдек воқеалар, фожиалар гирдобида қарахт ва гаранг эди.

Дунёда тожу тахтда қўр тўкиб ўтирган ҳукмдорнинг оддий одам қаторига тушишидан оғир ҳолат бўлмаса керак? Арши аъло баландлигидан сал бе-



рироқда, тахту тож сармастлиги муҳитида шаклланган тождор тўсатдан пастга туширилса, уни ўлимдан ҳам оғир ҳодиса деб қарайди. Шунинг учун Йилдирим Боязид тахтдан тушгач, тўққиз ой умр кўрди. Ана шу давр ичида афсоналарда айтилган

МОТАМДАН МОТАМГА УЛАНГАН ТАЪЗИЯЛИ КУНЛАР

Ҳар икки ғолиб ва мағлуб ҳукмдорлар ҳаётида фожиали кунлар бошланди. Йилдирим Боязид билан Амир Темурнинг суюкли валиаҳд набираси бирин-кетин бу фоний дунёдан абадият дунёсига кетишнинг сўнги тадоригини кўриб, жон талашиб ётардилар. Ажал фариштаси Арши аъло кенглигидан замин сари отланиб, Парвардигори олам ҳукми ижросини қойилмақом таъминлаш, Йилдирим Боязид ва Муҳаммад Султон ҳаётларига нуқта қўйиш мақсадида Кичик Осиё ҳудудига чақмоқдан-да тез учардилар.

Мағлубиятдан куйиб адо бўлган Йилдирим Боязиднинг юраги 1403 йилнинг 8 мартада уришдан тўхтади. Шу билан унинг азобланган танаси муздек жасадга айланиб, бу дунёнинг ғалваларидан оройиш топди. У қирқ учинчи баҳорни қаршилаётган айни баҳорнинг илк ҳафтасида омонат жонини Яратганнинг ихтиёрига топширди.

Султон Боязидхоннинг вафоти ҳақида ҳазрат Амир Темурга хабар етказдилар. У дарҳол отланиб дунёнинг буюк ҳукмдорларидан бири Султоннинг мотам таъзиясига етиб борди. Шошилич кетаётган Соҳибқиронга Қора шаҳарда бетоб ётган суюкли валиаҳд набираси шахзода Муҳаммад Султоннинг аҳволи оғирлашганлигининг хабарини етказиш учун Амир Доноҳўжа ҳам йўлга отланиб чиққан эди. Соҳибқирон Оқ шаҳарга яқинлашганда Амир Доноҳўжа Амир Темур орқасидан етиб келди. У Муҳаммад Султоннинг яқин мулозимларидан бири эди. Шу кунларда набираси соғлиғидан ташвишланиб юрган Соҳибқирон, шунинг учун уни энг баҳаво табиатли гўшаларда дам олиб қишни

кўзга кўринмас бир махлуқ уни аста-секин, аввал жигари, энг охирида эса юрагини еб адо қилди. Аслида у аввало руҳий, сўнгра эса жисмоний ўзини ўзи ўлимга маҳкум этди. Бунинг учун у ўзини тўққиз ой ўлим ҳолатига қатъий тайёрлади.

ўтказсин, дея ўша томонга жўнатган эди. Амир Доноҳўжанинг юз-кўзидаги хафалик, гоят ташвишли ҳолатни дарҳол сезган Амир Темур биринчи бўлиб набирасининг аҳволини сўради. Аччиқ ҳақиқат айтилди. Табиб мавлоно Фарруҳ бошчилигида сарой табиблари қанчалик даволашга ҳаракат қилмасин, умид қолмаётганини билдирдилар. Амир Темур бу хабардан икки ўт орасида қолди. Мотам таъзия бошида турсинми ёхуд тезда амири билан Қора шаҳарга от қўйсинми? Йўқ! Маърака бошида бўлиб, Султон Боязид тобутини кўтариб, уни сўнги йўлга кузатиб, сўнгра йўлга отланишни маъқул топди ва Амир Доноҳўжани орқасига қайтариб юборди.

Амир Темур Йилдирим Боязид оиласига чуқур таъзия билдириб, дафн маросимида бош бўлди. Маросимнинг барча харажатларини ҳазрат Соҳибқирон ўзи кўтарди. Кўзларига ёш олиб, марҳумнинг жойи жаннатда бўлишини тилаб дуога қўл очди. Сўнгра салтанат инон-ихтиёри Султон Боязиднинг ўғли Мусога берилганлиги маросим қатнашчилари олдида эълон этилиб, Олий ҳужжат Соҳибқирон муҳри билан тасдиқланиб, фармон Мусога топширилди. Мусога подшоҳлик либослари ҳадя қилинди. Сўнгра Соҳибқирон Қароргоҳини Оқ шаҳарда қолдириб, набираси касал ётган Қора шаҳарга қараб от солди. Минг афсуски, Соҳибқиронга суюкли набира билан сўнги бор дийдорлашиш насиб этмади. Амир Доноҳўжа оғир касаллик хабарини олиб йўлга чиққанидан бир оз ўтгач, Муҳаммад Султон ҳам Йилдирим Боязиддан бир кун аввал, ҳаётининг йигирма тўққизинчи

бахори гуллаётган чоғида абадий уйқуга кетган эди. Жаҳонгир Мирзодан ягона ёдгор ўғил ҳам ҳаёт билан видолашди. Ҳам набира, ҳам Соҳибқироннинг тожу тахт вориси ва забардаст қўшин қўмондони Муҳаммад Султоннинг ҳаёти шу тариқа 1403 йилнинг 12 мартида сўнди.

Дунё сиёсатини елкасида кўтариб юрган, жаҳон муаммоларига ечим топиб келаётган Амир Темури бу фожиага чора топа олмади. Унинг дарду ҳасратини ҳеч ким — улуғ амирлар, ҳатто пири Саййид Барака ҳам юмшата олмади. Мунгли йиғи билан ошқора йиғи навбат билан алмашилиб тургани боис, унинг махсус чодирига киришга ҳеч ким журъат қилолмади.

Турғун Файзиев Муҳаммад Султон Мирзонинг вафоти хабарини эшитган Амир Темурининг ўта ғамгин ва қарахт ҳолатга тушганлигини шундай тасвирлаган эди: „Муҳаммад Султон Мирзонинг вафоти Ўрдугоҳни ларзага келтиради. Амир Темури суюкли набираси вафотидан қаттиқ қайғуради. Барча қўшинлар қора ва кўк либосга бурканади. Мотам кунлари ҳатто қўшинда оқ от миниш ман этилади. Ҳар куни тонг саҳарда йиғи бошланиб, кечқурун яна йиғи билан хотималанарди. Ушбу тартиб бир неча кун давом этади. Лашкарбошиларнинг тасалли беришлари воситасида, бир неча кундан сўнг Соҳибқирон ниҳоят таъзияни тўхтатади.

Муҳаммад Султон Мирзонинг жасади солинган тобут Оқ шаҳарга (бу ерда Соҳибқирон Ўрдуси жойлашган эди) келтирилиб, тахтиравонга қўйилди. Сўнгра 200 отлиқ аскар муҳофазасида Орзирум вилоятига жўнатилади. У ерда жасадни арчадан ясалган янги тобутга солиб, муваққат дафн этиш учун Султонияга жўнатилади. Эски тобут Авник шаҳарчасида қолдирилди. Амир Темури Авника келгач, валиаҳд шаҳзодага қайтадан таъзия очилди. Бу таъзияга Султониядан, Табриз, Қазвин ва бошқа шаҳарлардан, маликалар, саййидлар ва уламолар келдилар. Марҳум шаҳзоданинг онаси Хонзодабегим (Севинбека) ҳам Султониядан етиб келди. Барча

иштирокчилар тобут атрофида нола-фигон қилдилар. Ҳамма қайтадан қора ва кўк либосга бурканди. Таъзия майдонида марҳум шаҳзоданинг катта ноғорасини олиб келдилар. Шу аснода барча шаҳзодалар, маликалар, беклар ва жангчилар овоз чиқариб, дод солиб йиғладилар. Шундан сўнг марҳум ноғораси тилимлаб кесиб, майда-майда бўлақларга бўлиб ташланди. Таъзия тугагач, қора кийимларни ечишга ижозат берилди.

Марҳум Муҳаммад Султон Мирзо вафотининг бир йиллиги маросими 1404 йил март ойида Аракс дарёси яқинидаги Қорабоғда ўтказилди. Чунки бу пайтда Амир Темури Қорабоғда эди. Бу ерга марҳум шаҳзоданинг хотираси учун барча шаҳзодалар, маликалар, беклар, уламолар йиғилдилар. Бу сафар таъзияда йиғи-сиғи қилинмади, келганларга ош-сув берилгач, хатми Қуръон билан маросим тугади. Марҳум шаҳзоданинг онаси — Хонзодабегимга Султонияга бориб, Муҳаммад Султон Мирзонинг жасадини муваққат даҳмадан олиб Самарқандга кўчиришга ижозат берилди.

Ўша давр муаррихининг ёзишича, Муҳаммад Султон Мирзо олим, фозилларга ўта хайрихоҳ бўлган.

Шарафуддин Али Яздийнинг берган маълумотида кўра, Муҳаммад Султон Мирзонинг жасади мадрасаси ёнидаги мақбарага дафн қилинган.

Муҳаммад Султон Мирзодан уч ўғил ва бир қиз қолган эди. Ўғиллари Муҳаммад Жаҳонгир Мирзо, Саъд Ваққос Мирзо ва Яҳё Мирзолар эди. Қизининг номи Ўғи беги эди.

Амир Темурининг Муҳаммад Султондан умиди катта эди. У бобосининг ҳар қандай топшириқларини хоҳ жангу жадалда бўлсин, хоҳ тинчлик даврида бўлсин, бекаму кўст, Соҳибқирон кўнглидагидан ҳам зиёда бажара оларди. У ганим учун чинакам офат эди. Уни тарихчилар кўпинча жангда ўз ўлжасини ғажиб ташлашга тайёр турган шерга ўхшатганлар. Муҳаммад Султоннинг вафоти Амир Темурининг келажакда амалга оширадиган катта сиёсий ва ҳарбий режаларига ўзининг таъсирини кўрсатмай қол-



мади. Унинг ўрнига муносиб шаҳзода валиаҳд танлашга қаттиқ бош қотиришга тўғри келди. Ўғиллари Шоҳрух Мирзо ва Мироншоҳ Мирзоларда Муҳаммад Султондаги ҳар томонлама салтанатни мустаҳкам ушлайдиган ва ўзидан кейин ер юзини бошқаришга қодир истеъдодни топа олмади. Амир Темурнинг дунёни ўзи асос солган сулола идора қилишини истаган қатъий мақсади бор эди. Бу масалада Муҳаммад Султон сиймоси айнан узукка кўз қўйгандек муносиб валиаҳд эди, аммо Соҳибқироннинг бу умиди валиаҳд вафоти боис унга монелик қилди. Бу фожиа Амир Темурга бир умрга армон бўлди.

Умри бино бўлиб, Амир Темурдек қалби уммон каби кенг, инсонийлик фалсафаси кўз илғамас ҳудуд-

ларга туташган инсонга дуч келмаган Султон Боязид ўлими олдидан учта васият қолдирди. Биринчиси, татарларни Кичик Осиё ҳудудида қолдирмасдан кўчириб юбориши, чунки уларни насронийлардан ҳам хавфли дея таъкидлади. Иккинчиси, усмоний ўғилларимни сиёсат майдонидан юлиб ташламаслик.

Учинчиси эса усмонийлар сулоалари мустаҳкам қилиб қурган мудофаа қалъаларини буздирмаслик. Негаки, улар христиан салибчилари ҳужумларини Ислоом оламига ўтказмай тўсиб қолувчи истеҳкомлар эканлигини Амир Темурга уқтирган. Соҳибқирон Йилдирим Боязиднинг учала васиятини тўла бажарди. Бу унинг улўф инсонлигини кўрсатадиган далиллардан биридир.

ЭГЕЙ, МАРМАР ВА ШАРҚИЙ ЎРТАЕР ДЕНГИЗЛАРИ ҚАДАР ҲИЛПИРАГАН МУЗАФФАР БАЙРОҚ

Анқарада мағлубиятга учраган Султон Боязиднинг ўғиллари Чалабий ва Сулаймонлар Эгей, Ўртаер ва Қора денгиз тарафларга қочиб, қўшин тўплаш умидида бўлдилар. Аммо бу ҳаракатлардан ҳеч қандай наф бўлмади. Уларнинг ишонган мустаҳкам қалъаларидан бири Измир шаҳар қалъаси эди. Уни Йилдирим Боязид ўн йилга яқин қамал қилганида ҳам рицарлардан тортиб ололмаган эди. Аммо Амир Темур қўшини ҳар қандай мустаҳкам қалъаларни узоқ йиллар эмас, бир неча ой ичида ишғол эта оларди. Унга бирваракайига ҳам ер остидан, ҳам ер устидан зарба берадиган махсус ҳарбий қисмлар (ҳаводан зарба беришда олов ирғитиш, нафтандоз жанговар қурооллар, тош отиш қуроолари) бор эдики, бундай қисмлар ҳаракатини йўқ қилишга ҳеч қандай ганимнинг кучи етмасди. Бундан ташқари, Соҳибқирон душман истеҳкомлари, деворларини портлатадиган кучли портловчи ашё ва ўтсочар қурооларни қўшин амалиётида қўллашни ҳам эгаллаб олган қисмларни тузган эдики, бу Амир Темурнинг қўшини энг замонавий қурооллар билан ислоҳ қилиб, таъминлаб борилганлигини кўрсатади.

Амир Темур ўзи мўлжаллаган йўналишлар бўйлаб қўшинни жўнатгач, ўз Қароргоҳини Кутаҳия томон кўчирди. Шу ердан туриб денгиз соҳиллари томон жўнатган қўшинларини бошқаришда давом этди. Бир вақтда Византия қиролига белгиланган бож-хирож молларини ҳузурига жўнатиш учун Константинополга ўз элчиларини жўнатди. Шунингдек, тобе бўлишдан қочиб, Фракияда жон сақламоқчи бўлган Чалабий (Султон ўғли) га таслим бўлишни талаб қилиб, унинг кетидан ўз одамини юборди. Агарда айтганлари рад этилса, дунёнинг қайси бурчагидан бўлса-да, топажаги, унда оқибати яхшилик билан тугамаслиги мактубда алоҳида таъкидланган. Элчиларнинг ҳар иккиси ижобий натижаларни қўлга киритиб, ундан Соҳибқиронни хабардор қилдилар. Бу воқеалар ҳақида Шарафуддин Али Яздий қуйидаги маълумотларни ёзиб қолдирган эди: „Бу маҳалда Истанбулга борган элчилар келдилар. Ва Тақуралар билан кишисини қўшуб йибариб эрди. Сўзи буким, „Ҳар неким ҳазрат Соҳибқирон деб турурлар, миннат жонимга хизматда турубмен. Молу бож йибарурмен.“ Ва элчилар кўп қизил тангалар

била кумошлар ва отлар юбориб эрди. Соҳибқирон анга муқаррар бўлгон жузъяни қабул қилдилар. Соҳибқирон аларга тўнлар кийдируб, ижозат берди. Соҳибқирон Булақ мавзеига етконда Мусулмонга боргон элчилар қайтдилар. Ва ул Шайх Рада Садр ва Қози эрди ва вазир ҳам бўлиб эрди, ҳазрат қошига йибарди. Кўп пешкашлар билан жониворлар ва қизил тангалар ва рахту кумош келтуруб тортдилар. Ва сўзи бу эди: „Мен бир камина хизматкорларингиздин мен. Ул ҳазрат отамни бағишлаб, ўз суҳбатида ўлтурғузуб, лутфу карам қилурлар. Мен не учун хизматда тақсир қилгаймен. Ҳар маҳалким ишорати алайҳи бўлғай, таваққуф қилмай хизматда келгум турур: Соҳибқирон анинг сўзларидан хушҳол бўлиб, анга хат битди; „Ҳар неким воқий бўлуб эрди, бўлди. Биз барчадин кечдук. Энди керакким, ҳеч андиша қилмай бот келгайсан, то ародин шармандалик кетгай. Ва инояту шафқатимиздан баҳраманд бўлгайсан.“ Шайх Рамазонни олгун камар ва зарбоф тўн била роз қилиб, ижозат бериб мусулмонга йибарди“.

Измир қалъаси эгаллангунга қадар, яъни 1402 йилнинг декабр ойи бошларигача бирин-кетин Султон Боязиднинг фарзандлари Соҳибқиронга таслим бўлиб, тобелик изҳор қиладилар.

Шу воқеалар поёнига етаётган пайтда Бруссага жўнатилган қўшин хабаргирлари қалъанинг ишғол этилганлиги хабарини етказдилар. Энди энг мустаҳкам Измир шаҳри қолган эди. Бу шаҳар Европа муҳандислик истеҳком усулида ғаним ололмайдиган мудофаа тизими асосида барпо этилган эди. Усмонли турклар уни қуруқлик ва денгиздан узлуксиз ўн йил қамал қилганларида ҳам ололмаганлигининг боиси шунда эди. Измирлик моҳир ҳарбий денгизчилар ва қуруқлик жангчиларининг жасур ва мардликда тенгсиз рицарлари ўз шаҳарларини бирор ғаним тиз чўктира олмаслиги билан фахрланар ҳамда мақтанишарди. Амир Темур бу шаҳарга денгиздан ҳужум қилиш режасини тузиб берар экан, у қуруқлик қўшинлари буюк лашкарбошиси эмас, энди давр-

нинг денгиз жанги машҳур адмиралига айланиб, мураккаб шароитларда ҳам хоҳ қуруқлик бўлсин, хоҳ денгиз бўлсин ҳаракат қилганига барча гувоҳ бўлди. Соҳибқирон Амир Темурга Венеция, Генуя ва грецияликлар ҳамда Ғарбий Европа қироллари қанча кемалар зарур бўлса, уни беришга тайёрлигини билдирган эдилар. Измирнинг ҳокиму комендантлари уни яна сунъий тўсиқ ва мудофаа деворлари билан муҳофаза қилгани боис душманнинг ҳеч бир дўқпўписаларидан заррача қўрқмас, шаҳарни ҳар қандай ғаним ололмаслигига ишонган эдилар. Афсуски, Амир Темур қўшинлари бу қайсар ва бўйсунмас истеҳком шаҳарни яқсон қилиб ташлашига бир баҳя қолди. Яхшиямки, у ғазаб отидан тушиб бу шаҳарнинг яшаб қолишига изн берди. Унинг бу ҳолатини ўша давр муаррихининг асаридан далилий мисол келтириб, воқеалар қамалини ўз кўзи билан кўрган Измирнинг жуғрофий жойлашувини билган ва қамал иштирокчилари воқеанавислигига таяниб баён этиладики, уни аслича ҳавола қиламиз: „... Амир Темур Измир қалъасини ҳам ҳисор этди. Қалъа денгиз ўртасидаги бир қўрғон, уни олиш амри маҳол эди... Ҳақиқатан ҳам бу қалъа денгизлар орасида ўралган бўлиб, миноати ва исёнкорлиги билан ўз жазманининг қалбида ўт ёқарди. У жабал қалъаларидан кўра ҳам бўйсунмайдиганроқ бўлиб, от ёки одам ёрдамида қўлга киритишдан йироқ эди. Амир Темур уни олиш учун хилма-хил муҳосара усулларини қўллади ва 1403 йил 5 январда бу қалъани қўлга киритди“.

Бироқ Соҳибқирон Амир Темур бу жангу жадалларда жуда кўп бойликларни ўлжа олар экан, катта йўқотишларни ҳам бошидан кечирди. Суюкли фарзандлар, набира, сафдош дўстлар, устозлар каби қалбга яқин инсонлардан ҳам ажралди. Забардаст саркардалардан Амир Аббос баҳодир, Амир Сайфуддин ва шунга ўхшаш жанг майдони шерларидан жудо бўлди. Ҳар бирини йўқотганида юрагининг бир парчаси узилгандек мотамда қолди. Ўзини ҳам ўлим неча бор доимий таъқиб қилди. Соҳибқирон



қиргин-барот жангу жадалларда қўрқинч ва даҳшат рамзи ўлим билан ёнма-ён, сояма-соя юрди. Суюкли набираси Муҳаммад Султондан, пири Саййид Ба-

рака, машҳур саркардаси Хожа Сайфуддин Абдулжаббор Нуъмониддин ал-Хоразмий каби устозларидан шу сафарларда абадиятга ажралди.

МАҒРИБЗАМИНДА ТУГАЛЛАНГАН ЖАНГУ ЖАДАЛЛАР. НИШОНГА ОЛИНГАН ЧИН-МОЧИН

Измаир ва унинг атрофидаги солибчилар қалъалари тиз чуқтирилиб таслим қилинган, Соҳибқирон янги стратегик режага қўл урди. Жаҳонгир Амир Темурнинг Фарб оламида амалга оширадиган ҳарбий юришларига бундан кейин эҳтиёж қолмаган эди. Африка қитъасидаги буюк давлат ҳисобланмиш Миср султонлиги тобелик камарини боғлаб, унга ўз элчиларини жўнатди. Хутба намозида Қоҳира жоме масжиди бош имомига Турон ҳукмдорига юртнинг бўйсунганлигини эълон қилиш топширилди. Энг асосийси Европани зир қақшатган усмонийлар ҳукмдори Йилдирим Боязид мазкур қитъа майдонидан юлиб ташланди, даҳшатли момақалди роқ чақини сўнди. Қитъа озод, унинг ҳам халоскори Амир Темур бўлди. Уни мозий ўз тарихига олтин саҳифа қилиб битди. Ушбу қитъа қироллари бир овоздан бу ҳодисани даврнинг буюк воқеаси сифатида эътироф қилдилар. Миннатдор Европа Амир Темурни жаҳон ҳукмдори тарзида тан олди. Шубҳасиз, Амир Темур ҳақли равишда буюклик шоҳсупасига кўтарилдики, бунда заррача муболага йўқдир. Бундай улуғлик сарҳадини эгаллаш манаман деган ўрта асрлар даври сиёсат ва ҳарб арбобларига асло насиб қилмаган. Бир юз эллик йил ичида Ватанимиз икки буюк мустақиллик учун кураш яловбардорларини дунёга келтирди. Мўғуллар босқинига қарши жанг яловини мард Жалолиддин Мангуберди кўтарди. Уни Амир Темур муваффақиятли тарзда яқунлади. Ҳар иккисининг номи жаҳон тарихига олтин ҳарфлар билан битилди.

Амир Темур Буюк ипак йўлини бутунлай тиклашни Дашти Қипчоқ, яъни Олтин Ўрда ва Ҳиндистонни забт этгандан сўнг, Хитойда давом эттирмоқ-

чи эди. Аммо Озарбайжон, Гуржистон, Ироқ, Сурия ва Кичик Осиёдаги мураккаб сиёсий воқеалар ривожини Мағриб олами сари отланишга мажбур қилади. Бу ҳудудларни эгаллашга у етти йил вақт сарфлади. Фарб дунёси Амир Темурга тобелик камарини боғлади. У Фарбий Европанинг барча қиролларига нисбатан, „Эгилган бошни қилич кесмас“ қабилидаги ҳикматга таяниб, отининг жиловини у тарафга қараб бурмади. Европа қироллари: „Биз хизматингизга тайёрмиз, савдо қарвони жўнатасизми, уларнинг батамом хавфсизлиги бизнинг зиммамизда бўлсин. Элчиларингиз хусусида ҳам шундай. Соҳибқирон ташаббуслари билан Буюк ипак йўли уч қитъа савдо муносабатлари қайта тикланди. Қарвон йўллари беҳатарлиги таъминланди. Жаҳон қайтадан ўз ўрнида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар майдонига беҳавотир тортилди. Бу умумбашарий манфаатларга мос ва хос жаҳон аҳамиятига молик тарихий воқеа бўлди. Энди жаҳон ҳудудларининг шимолий, жанубий ва фарбий минтақалари долзарб муаммоларидан қутулган. Фарбда Султон Боязид Амир Темур сиёсати йўлида гов бўлган бўлса, Шарқда эса Чин-Мочин, яъни Хитой императори анча йиллардан буён Соҳибқиронни тан олгиси келмай, уни ўзига тобе юрт ҳукмдори деб, ҳаволанарди.

Амир Темур етти йиллик ҳарбий юришлари тугар-тугамас фикр-зикрини навбатдаги долзарб сиёсий муаммо — ташқи сиёсатда Хитой масаласига қаратди.

Ҳали Анқара жанги бошланмасдан аввалроқ, Амир Темур жангларда синалган амири, машҳур саркарда Оллоҳдодни ҳузурига чорлаб, унга юклатиладиган вазифаларни бирма-бир белгилаб берди.



қирғин-барот жангу жадалларда қўрқинч ва даҳшат рамзи ўлим билан ёнма-ён, сояма-соя юрди. Суюкли набираси Муҳаммад Султондан, пири Саййид Ба-

рака, машҳур саркардаси Хожа Сайфуддин Абдулжаббор Нуъмониддин ал-Хоразмий каби устозларидан шу сафарларда абадиятга ажралди.

МАҒРИБЗАМИНДА ТУГАЛЛАНГАН ЖАНГУ ЖАДАЛЛАР. НИШОНГА ОЛИНГАН ЧИН-МОЧИН

Измир ва унинг атрофидаги салибчилар қалъалари тиз чўктирилиб таслим қилинган, Соҳибқирон янги стратегик режага қўл урди. Жаҳонгир Амир Темурнинг Ғарб оламида амалга оширадиган ҳарбий юришларига бундан кейин эҳтиёж қолмаган эди. Африка қитъасидаги буюк давлат ҳисобланмиш Миср султонлиги тобелик камарини боғлаб, унга ўз элчиларини жўнатди. Хутба намозида Қоҳира жоме масжиди бош имомига Турон ҳукмдорига юртнинг бўйсунганлигини эълон қилиш топширилди. Энг асосийси Европани зир қақшатган усмонийлар ҳукмдори Йилдирим Боязид мазкур қитъа майдонидан юлиб ташланди, даҳшатли момақалди-роқ чақини сўнди. Қитъа озод, унинг ҳам халоскори Амир Темур бўлди. Уни мозий ўз тарихига олтин саҳифа қилиб битди. Ушбу қитъа қироллари бир овоздан бу ҳодисани даврнинг буюк воқеаси сифатида эътироф қилдилар. Миннатдор Европа Амир Темурни жаҳон ҳукмдори тарзида тан олди. Шубҳасиз, Амир Темур ҳақли равишда буюклик шоҳсупасига кўтарилдики, бунда заррача муболага йўқдир. Бундай улуғлик сарҳадини эгаллаш манаман деган ўрта асрлар даври сиёсат ва ҳарб арбобларига асло насиб қилмаган. Бир юз эллик йил ичида Ватанимиз икки буюк мустақиллик учун кураш яловбардорларини дунёга келтирди. Мўғуллар босқинига қарши жанг яловини мард Жалолиддин Мангуберди кўтарди. Уни Амир Темур муваффақиятли тарзда яқунлади. Ҳар иккисининг номи жаҳон тарихига олтин ҳарфлар билан битилди.

Амир Темур Буюк ипак йўлини бутунлай тиклашни Дашти Қипчоқ, яъни Олтин Ўрда ва Ҳиндистонни забт этгандан сўнг, Хитойда давом эттирмоқ-

чи эди. Аммо Озарбайжон, Гуржистон, Ироқ, Сурия ва Кичик Осиёдаги мураккаб сиёсий воқеалар ривожини Мағриб олами сари отланишга мажбур қилди. Бу ҳудудларни эгаллашга у етти йил вақт сарфлади. Ғарб дунёси Амир Темурга тобелик камарини боғлади. У Ғарбий Европанинг барча қиролларига нисбатан, „Эгилган бошни қилич кесмас“ қабилидаги ҳикматга таяниб, отининг жиловини у тарафга қараб бурмади. Европа қироллари: „Биз хизматингизга тайёрмиз, савдо қарвони жўнатасизми, уларнинг батамом хавфсизлиги бизнинг зиммамизда бўлсин. Элчиларингиз хусусида ҳам шундай. Соҳибқирон ташаббуслари билан Буюк ипак йўли уч қитъа савдо муносабатлари қайта тикланди. Қарвон йўллари беҳатарлиги таъминланди. Жаҳон қайтадан ўз ўрнида сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар майдонига беҳавотир тортилди. Бу умумбашарий манфаатларга мос ва хос жаҳон аҳамиятига молик тарихий воқеа бўлди. Энди жаҳон ҳудудларининг шимолий, жанубий ва ғарбий минтақалари долзарб муаммоларидан қутулган. Ғарбда Султон Боязид Амир Темур сиёсати йўлида ғов бўлган бўлса, Шарқда эса Чин-Мочин, яъни Хитой императори анча йиллардан буён Соҳибқиронни тан олгиси келмай, уни ўзига тобе юрт ҳукмдори деб, ҳаволанарди.

Амир Темур етти йиллик ҳарбий юришлари тугар-тугамас фикр-зикрини навбатдаги долзарб сиёсий муаммо — ташқи сиёсатда Хитой масаласига қаратди.

Ҳали Анқара жанги бошланмасдан аввалроқ, Амир Темур жангларда синалган амири, машҳур саркарда Оллоҳдодни ҳузурига чорлаб, унга юклатиладиган вазифаларни бирма-бир белгилаб берди.



Бу ҳақдаги суҳбат сири улар иккиси ўртасида қолди. Суҳбат алламаҳалгача давом этиб, гап Хитой тақдирини хусусида борарди. Айнан Оллоҳдодга ўта махфий вазифаларни ишониб топширишининг боиси у Соҳибқироннинг болалиқдан „уруш-уруш“ ўйини ўйнаб ўсган дўсти эди. Бу дўстлик жанглардан жанглар сари жанг олов-оташларида янада мустаҳкам тобланиб, садоқат рамзи даражасига етган эди.

... Амир Темурнинг Мординда жойлашган бежирим боргоҳ — катта чодирда ярим тунгача чироқ ўчмади. Суҳбат тобора жиддий тус олди. Марказий ўринда Хитой муаммоси турди.

Соҳибқирон Амир Темурдан Мордун чодирда махфий топшириқ олган Оллоҳдод ўзига бириктирилган лашкарий фавжларини олиб мағрибдан шошилишч машриқзамин сари жўнаб кетди. У Самарқандда бир неча кун қўшинига дам бергач, Ашпара сари йўл олди. Бу ердан туриб Амир Темур томонидан берилган махфий топшириқларни амалга ошириш жуда қулай эди.


Оллоҳдод Қароргоҳидан Олий Ўрду — Соҳибқирон Қароргоҳи ва ундан яна Ашпара Қароргоҳига Хитой ҳақидаги ўта муҳим маълумотлар, Амир Темур томонидан эса янги топшириқлар шамолдек учган хабаргиру чопарлар томонидан етказиб турилди. Соҳибқирон Хитой салтанатига дахлдор ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий маълумотлар эҳтиёжини тез қондириш мақсадида салтанатнинг у чеккасида бу чеккасига қадар етиб борадиган жаҳонда энг илғор почта хизматини жорий қилишга эришган эди. Бу ҳам Амир Темур истеъдодининг бир қирраси эди. Алоқани минглаб чақирим масофаларро уч қитъа орасида йўлга қўйиш ҳали Соҳибқирондан бўлак бирон мамлакат қирол ва султонларига насиб қилмаган эди. Энг зарур маълумотларга шошилишч эга бўлиш Амир Темурга тез ва қатъий қарорлар қабул қилиш имконини берар эди. Шунга кўра хабарчилар босиб ўтиши зарур бўлган йўللарда хоҳ чўл, тоғ, дала, даштлар бўлсин, ҳар йўл бекатларида уларнинг дам олишлари, хавфсизлиги,

озик-овқат, улов каби чопарларга барча шароитлар яратиб берилган эди.


Узоқ-узоқларга назар ташлаб, ҳукмий хулосалар чиқарадиган Амир Темур ғалабалар калити ҳисобланмиш Хитойнинг ўша даврдаги умумий манзараси, яъни табиий-географик, иқтисодий, тарихий, ҳарбий ва иқлимий жиҳатларига оид маълумотларга Кичик Осиёда турган пайтиданоқ эга бўлишга киришди. Тулақонли ва ҳақиқий маънодаги жаҳонгирлик тожини кийиши, то жаҳонгирлик тахтига чиқиш учун у Хитойни забт этиши зарур. Пухта режа тузиш учун Оллоҳдод жўнатган махфий маълумотлар Хитой ҳарбий юришида сув ва ҳаводек асқатарди.

Минг биринчи имкониятни ҳам қўллай биладиган, икки тош орасидан бутун чиқадиган уддабурон ва чапдаст хабаргирлар шахсан Оллоҳдод кўрсатмасига қатъий амал қилиб, Хитой чегараларидан ўтиб кўрсатилган қалъа ва шаҳарлар ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, муҳофаа ҳолатини ўрганиш сари йўл олдилар. Амир Темур Хитой юриши ва урушига анча эрта тайёргарлик бошлаган эди.

Ниҳоят Соҳибқирон Фарбий Осиёдаги кўзда тутилган режаларини катта зафарлар билан яқунлаб, юртига қайтди. Дастлаб Кешга етиб келгач, Оқсаройга, у ердан пири Шайх Шамсуддин Кулол, сўнгра падари бузруги Муҳаммад Тарафай баҳодир, онаси Такина Моҳ бегим, ўғли Жаҳонгир Мирзо ва бошқа қариндош-уруғлари, Мовароуннаҳр ва Хуросон учун жангларда шаҳид кетган сафдош дўстлари мазорларини зиёрат қилиб, улар ҳақида тиловат ва дуолар қилдилар. Ундан сўнг яна йўлга отланиб, йўл-йўлакай қисқа дам олишлардан сўнг музаффар қўшини билан 1404 йил 10 июль куни салтанат пойтахти Самарқандга кириб келди ва „Боғи Чинор“га келиб тушдилар. Байрам байрамларга, тантаналар тантаналарга уланди. Зафар шодиёналарини Самарқанд аҳли оз эмас, кўп эмас етти йил сабр-тоқат билан кутган эди. Бу Ватан тарихида муҳрланиб қоладиган энг унутилмас кунлар эди.



**САЛТАНАТ ИЧКИ ВА ТАШҚИ
СИЁСАТИНИНГ ДОЛЗАРБ
МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДА**



САЛТАНАТ ВА ХАЛҚ ҒАМИДА ЎТГАН ТАШВИШЛИ КУНЛАР

Самарқандга етиб келган Амир Темур узоқ ва оғир давом этган жангу жадаллар, устига-устак ўн минглаб чақирим масофани босиб ўтиш жараёнидаги машаққатли кечмишлар ғоят чарчатишига қарамай қизғин сиёсий фаолиятга киришди. Энди маълум вақт қилич ва жанговар совутларни ечиб, тўпланган кўплаб ички сиёсий муаммоларга ечим топиш тожу тахт соҳиби зиммасига янада катта масъулият юклади. Ташқи сиёсатда кутилган ишлар кўнгилдагидек натижалар билан ҳал этилди. Шимол, Жануб ва Мағриб оламидаги ғанимлар мағлуб этилди. Энди навбатдаги масала салтанат ички масалалари, иқтисод, солиқларни халқ манфаатларини кўзлаб янада тартибга солиш. Халқ фаровонлиги, илм-фан, маданият, қурилиш каби муҳим соҳаларга асосий диққат-эътиборни қаратиш, мамлакатни жаҳон савдо алоқалари билан мустаҳкам боғлаш, фан, санъат, ҳунар эгаларига аввалгисидан кўра яхшироқ шароит ҳозирлаш. Уларга ҳомийликни кучайтириш зарур эди. Бу масалалар Самарқандга келган Амир Темурнинг доимий диққат марказида турди. Бир йўла бу масалаларнинг барчасини ҳал қилишга куч ҳам, имкон ҳам топа билди. Олий Девон ва барча вазирлар, йирик амалдорларнинг фаолиятини тафтиш этди, уларнинг ҳисоботларини қиёсий таҳлил ҳамда текширувдан ўтказиш лозим эди. Барчасига улгуриш, ўз бурчини сиёсий талаблар даражасида виждонан ҳалол адо этганларни мукофотга сазовор кўрди. Нафс балосига учраган амалдорларни, кимлигидан қатъи назар, жазога мустаҳиқ қилди. Салтанат қонуни олдида подшоҳ ҳам, оддий инсонлар ҳам тенглигини таъминлаш Соҳибқироннинг асосий талаби ва дастури эди. Амир Темур бирин-кетин юқорида қайд этилган ички ишларга дахлдор масалалар билан шуғулланишга бел боғлади. Фақат адолат тамойилига қатъий амал қилди. Бирор фуқаронинг ноҳақ ва адолатсиз жазоланишига асло йўл қўймади.

„Боғи Чинор“да Сароймулкхоним билан сал-

танат ва райъият хусусида, маликалар аҳволи ҳақида маълумотлар олган Соҳибқирон бир ҳафтадан сўнг, „Боғи Шамол“, сўнгра „Боғи Баланд“, унда бир оз ҳордиқ чиқаргач эса суюкли набираси Муҳаммад Султон мадрасасига кўчиб ўтди. Бу ерга Соҳибқироннинг кўчиб ўтиши бежиз эмасди. Амир Темур кўнглида улуғ бунёдкорлик режаси туғилди. Унинг қуёш нурида товланган рангин гумбази Самарқанднинг тиниқ ва мовий осмони билан мужассамлашиб кетсин, узоқлардан Самарқанд сари йўл олган сайёҳу карвонларга, маърифату ирфон истаб келувчиларга маёқ вазифасини бажарсин. Орзулари ушалмаган ота ва ўғил — Жаҳонгир Мирзо билан, Муҳаммад Султон Мирзога абадий ёдгорлик ҳамда марсия қўшиғи бўлсин. Бино маҳобати улар буюклигининг ифодаси, қудратининг эса рамзи бўлсин. Самарқанддагина эмас, балки дунё сайқали мақомида қад ростласин. Унинг ички ранг жилоси еру коинот турфа олам рангларини ўзида мужассам этсин. Биллурдек пок қалбли инсонлар кўнглига ҳамоҳанг бўлсин. Бу ёдгорлик хотираси бир қараганда улуғликни, инсонлар ақлининг муъжизалар яратишга қодирлигини, иккинчи тарафдан ушалмаган орзу-армонларни куйлаётган мунгли абадий қўшиқ, шунингдек, буюк аждодлардан келажак авлодларга қолдирилган муқаддас зиёратгоҳ бўлсин. Ҳазрат Соҳибқирон Олий бинонинг умумий режадаги улуғвор тарҳини исфаҳонлик ва хоразмлик машҳур меъморларга қарийб тайёр қилиб қўйган эди. Амир Темур буюк ҳукмдор бўлиш билан бирга забардаст меъмор ҳам эди. Унда истеъдоднинг Парвардигор ато қилган турли қирралари бисёр эди. Бу қирраларда Соҳибқирон ўзини тез намоён эта олди. Тахтда одил ҳукмдор, жангу жадалда улуғ ва енгилмас саркарда, қурилиш майдонида меъмор, боғ яратишда машҳур, тажрибали боғбон, дашт ва чўлларни обод қилиш ташаббускорлигида синчков ва доно мироб, оилада маликаларни эъзозлаш



ва ҳурмат-иззатини ўрнига қўйишда олижаноб оила султони, фарзанд ва набираларни севиш, қариндош-уруғларга ўзини яқин тутишда бағрикенг, қалби дарё, дўстлик ва инсонийликни қадрлаш садоқатида тенгсиз инсон эди.

Амир Темур катта сиёсат ва ҳарб майдонида банд бўлар экан, ҳеч қачон оддий ва ўрта табақа фуқаролар ҳаёти, турмуши ва аҳволини унутмади. Нафақат тинч давр, балки узоқ сафарлар чоғида ҳам раъият ҳол-аҳволини доимо сўраб-суриштириб турди. Одатдагидек, етти йиллик ҳарбий юришлардан қайтар экан, биринчилардан бўлиб хосу авом, фуқаролар, улар билан ноиб ва ҳокимларнинг ўзаро муносабатларини назоратсиз қолдирмади.

Хазинани эгри қўллардан ҳимоя қилишга ва уни давлат ва халқ манфаати йўлида ишлатилишига қаттиқ эътибор берди. Соҳибқироннинг етти йиллик урушдан ғалаба билан қайтишидан хабар топган вазири хожа Маҳмуд Довуд унинг шарофига маҳобатли жоме масжиди қуришга қарор қилади. Хазинадан катта маблағ ажратиб, унга кўплаб гишт терувчи усталар, меъмор ҳамда мардикорлар ёллади. Аммо меъморлар, усталарни танлашда жиддий хатога йўл қўйди. Оқибат масъулиятсизлик натижасида қурилиш ашёлари сифатсиз тайёрланди, сарфланган маблағ ўзини оқламади. Жоме масжиди қурилишида бир қарашдаёқ нуқсонлар яққол кўзга ташланиб турадиган бўлди. Амир Темур ҳали масжид яқинига келмасданоқ, унинг паст қурилгани, бурчакларидаги ноқис ҳолатларни англади. Маҳмуд Довуд, унинг котиби Муҳаммад Жалдни ҳамда уста ва меъморни ўлимга буюрди. Масжидни бутунлай буздириб, янгидан бошлашга кўрсатма берди. Негаки, улар давлат хазинасидан қурилишга катта маблағ сарфлаган эдилар.

Масжид қурилишини шахсан ўзи кузатиб туришга қулай бўлиши учун Амир Темур Сароймулк-хоним мадрасасига кўчиб ўтди. Бир вақтда ермулк, солиқ, доҳилия, хазина девонларини тафтиш ишларини бошлаб юборди. Нафсига салгина бўлсада, эрк берган катта амалдор ёки вазир бўлсин ҳеч бир таниш-билиш уларни ҳимоя қилиб ўртага туша олмасди. Чунки таниш-билишчилик жамиятда қанча илдиз отса, қонун ва тартибларнинг амал қилиши шунча бўшашади, заифлашади. Бундан фойдаланган қонунбузар жиноятчилар навбатдаги катта жиноятларга қўл уради. Бу салбий ҳолатлар давлат ва жамиятни ҳар куни заифлаштириб, емириб, оқибат таназзулга олиб келишини яхши билган Амир Темур ҳатто валиаҳдликка номзод амирзода Пирмуҳаммадга ҳам бир марта йўл қўйган хатоси учун қилмишига яраша жазо берган эди. Адолат ва қонунга қаттиқ амал қилган Соҳибқирон шу тариқа фақат салтанат ичидагина эмас, жаҳон қироллари, султонлар, хонлар орасида эътироф этилган жаҳон ҳукмдори мавқеига кўтарилди, одиллиги, халқпарварлиги билан ном қозонди. Энг муҳими ўрта асрларда ҳеч бир ҳукмдор амалга ошира олмаган иш, яъни ҳолдан тойган халқ, йўқликка юз тутган миллий давлатчиликни қайта тиклабгина қолмай, давлат ва жамиятни дадиллик билан ислоҳ қилди. Унинг сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий тараққиёт эшикларини ланг очиб юборди. Натижада йиқитилган Ватан оёққа турди. Дунёда бемисл салтанат вужудга келди. Мўғуллар вайронгарчилиги оқибатида дунёда энг охириги ўринларда, яъни жаҳон тараққиётидан тамомила узилиб қолган юрт Амир Темур даврига келиб дунёнинг энг қудратли давлатига айланди. Унинг бемисл ва жаҳоншумул хизмати ҳам шундадир.

СЎНГИ ҚАБУЛ

Етти йиллик урушдан қайтиб келган Амир Темур мамлакатнинг ички ҳаётига дахлдор муаммоларни ҳал этиш ишларига қизғин киришди. Бироқ,

бу масалалар билангина чекланиб қолмади. Йилдирим Боязид устидан эришилган буюк ғалаба Амир Темурга жаҳон мамлакатлари ва қиролу ҳукм-

дорлари олдида катта обрў ва шон-шараф келтирди. Унинг оламшумул ғалабасини қутлаш ва табриклаш учун дунёнинг турли мамлакатларидан Самарқанд сари элчилар оқими тўхтамай келиб турди. Бундай табрик ва қутловларни ўзига эп кўрмаган ва ғалаба аҳамиятини билиб-билмасликка олган бу Хитой императори бўлди. У юборган элчилар Мин салтанати императорининг топшириғига кўра табрик ўрнига дағдаға ва талаб билан келдилар. Бу талаб Амир Темурнинг нафсониятига тегди. Соҳибқирон Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ва Кичик Осиё Султони Йилдирим Боязиднинг ҳаволанишларию ҳақоратсифат мактублари ва улар элчиларининг замзамаларига тишини тишига қўйиб, сабр-тоқат отига миниб чидаган эди. Энди Хитой ҳукмдори жўнатган элчиларнинг совуқ муносабатлари, беписандларча хатти-ҳаракатлари Соҳибқироннинг сабр қосасини тўлдирди. Чин императори элчиларини жўнатар экан, у Амир Темурга ва унинг сарой амалдорларига атайлаб қўпол муомалада бўлиб, муносабатларни кескинлаштириб келиш, агар Хитой элчилари дўқларидан Соҳибқирон қўрқиб дипломатик курашларда таслим бўлиб бож тўлайдиган бўлса, янада яхши, мабодо булар кор қилмайдиган бўлса, Амир Темур ва унинг салтанатини қилич билан тиз чўктириш императорнинг охириги чораси эканлигини уқтирди.

Хитой элчилари Амир Темурни дипломатик мулоқот ва муносабатлар чоғида таслим қилиб, императорнинг олқиши ва қимматли мукофотларига сазовор бўлишни астойдил истардилар.

Амир Темурга қолса, у Хитой билан доимий савдо-сотиқ ва яхши қўшничилик алоқаларини кучайтиришга жуда хайрихоҳ эди. Чунки Хитойда ҳунармандчиликнинг турли тармоқлари қадимдан ривожланиб, гуллаб яшнаганлиги етти иқлимга маълум. Дунёни иқтисодий алоқаларга тортишда Буюк ипак йўли Хитойдан бошланиб, шу номни олгани ҳам ҳақиқат. Бу жиҳатдан барча мамлакатлар орасида Хитойнинг ўз ўрни бор.

1368 йилда Хитойда муғуллар ҳукмронлиги

тугатилиб, қудратли марказлашган салтанат вужудга келди. Унинг тепасида Мин сулоласи ҳукмронлик қила бошлади. Бироқ, бу салтанат императори Соҳибқирон билан ташқи сиёсатда дўстлик муносабатларини ҳар томонлама кучайтириш ва рағбат бериш ўрнига тобора ғанимлик йўлини афзал кўрди, муносабатларни чигаллаштиришга мойил бўлаверди. Амир Темур эса дўстона қўшничилик эшигини очишга интилиб, ўз элчилари орқали Хитой императорига қимматбаҳо тилла зебу зийнат буюмлари юбориб турди. Хитой императори туркий халқларнинг миллий удум ва қадриятларини билмагани учун, Амир Темур бу бойликларни менга хирож ўрнида жўнатмоқда, дея фикр юритди. Айниқса, Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон, шунингдек, Хинд ҳукмдори Султон Маҳмудхон ва Йилдирим Боязид тор-мор этилгач, уларнинг бор бойлиги Соҳибқирон хазинаси ихтиёрига ўтган эди. Бундан хабар топган Хитой императори Амир Темурни жаҳон мамлакатлари солиқларини ундириб берувчи бож-хирож йиғувчи ижрочисига айлантирмоқчи бўлди ва мактубида шу юзасидан бир қанча талабларни қўйди: „Сен ҳаммани ўзинга бўйсундирдинг, аммо буларни Осмон подшоҳи (ер юзининг ҳақиқий хўжайини менман демоқчи) учун қилдинг. Энди сен бўйсундирган мамлакатларининг бож-хирожларини менга аниқ ҳисоб-китоб қилиб топширининг талаб қиламан. Биласанки, бу оламда менинг куч-қудратимга тенг келадиган бирор ҳукмдор йўқ, борлари эса менинг вассаларим ва ноибларим даражасидадир, асло ундан юқори эмас. Улар орасида сенгина улардан юқорироқдасанки, шунинг учун ҳам сени ўзимга содиқ хизмат қилувчи ва катта ишонч, яъни хирожларни ундириб берувчи амалдорим қабилада кўрмоқдаман. Сирасини айтганда, сен ўғлим ўрнидасан. Бу ҳам сенга нисбатан катта ишонч. Бундай ишончдан фақат хурсанд бўлишинг керак. Менинг элчиларим қолган гапларни тушунтириб беради. Уларнинг мумкин қадар ҳурмат ва иззатини ўрнига қўй, чунки улар Осмон подшоҳи элчилари ҳисобланадилар. Уларга қилган



муносабатинг айнан менга қилган муносабатинг ҳисобланади. Яна бир гапни айтишим лозим, юбораётган совғаларим ҳам тарбиявий-сиёсий аҳамиятга эга, ўғлим ўрнида бўлганинг учун уларни тушунтириб бериш ота зиммасида бўлади. Отанинг сўзини ўғил асло икки қилмаслиги Шарқда қатъий амал қилиниши шарт бўлган удум ва анъанадир. Уни бажармаган ўғилни эса ота қаттиқ жазолашга ҳақлидир, буни унутма. Хирожларни иложи бўлса элчиларим билан қўшиб жўнатиб юборсанг, мени янада хурсанд қилган бўлардинг. Агар монелик қилинса, унда муносабатларимиз мутлақо сенинг учун оғир бўладиган томонга ўзгаради. Мен ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади, деган фикрдаман. Ундан ўзгасидан Худонинг ўзи асрасин, вассалом! Ҳар ҳолда мен Осмон подшоҳиман ахир. Буларни ўз вақтида эслатиб қўйиш оталик вазифамдир“.

... Амир Темур Хитой элчиларини расман қабул қилишни кейинга сурди. Улар турли мамлакат элчилари қаторида қабулга кирган бўлсалар-да, уларни охирги қаторга ўтиришга мажбур қилиб, улар билан алоҳида яккама-якка мулоқот қилишини билдирди. Хитой императорининг элчиларини олдинги сафдан турғазиб, Соҳибқирон барча мамлакатлардан келган элчилар кўзи ўнгида орқага ўтиб ўтиришларига кўрсатма берганлигини Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўзининг „Темур саройига саёҳат кундалиги“ да ҳам келтириб ўтади. Уларнинг совға топширишларига ҳам изн бермай тўғри иш қилган эди. Ўша воқеалардан бир ҳафта ўтиб, Соҳибқирон Хитой элчиларини ўз ҳузурига чорлади. Элчилар билан мулоқот ҳеч қовушмади, аксинча, вазият Соҳибқироннинг кайфиятини тушириб юборди. Айниқса, Хитой императорининг мактубидан кейин совғаларни унинг номидан элчилар топширганларида, Амир Темур қанчалик ўзини босишга ҳаракат қилмасин, бўлмади. Оқибат Соҳибқироннинг ғазаби қайнади. Хитой элчиси императори Соҳибқиронга атаб бериб юборган совғаларни топширишга изн сўрайди. Император жўнатган совғалар Амир Темурнинг нафсониятига тегадиган

даражада беписандлик кўринишида эди. Дастлаб Хитой шойисига катта қилиб ўралган ипак мато ўрами очилди. Гўё бу ўрам ичида жуда ноёб совға бордек, унинг ўрами очилар экан, у болалар сўргичи бўлиб чиқди. Шундан сўнг иккинчи совғани очиш бошланди. У Хитой ҳунармандлари бежирим қилиб ясаган аслзодалар овга чиққанларида фойдаландиган қамчи бўлиб чиқди. Сўнгра Хитой ҳунармандлари бор маҳоратларини ишлатиб ясаган сандиқча очилиб, унинг ичидан Хитой ипагидан тўқилган нафис халтача олинди. Халтачадан жундан тўқилган коптокча олиниб, гилам устига қўйилди. Элчилар яна совғамизнинг давоми бор, уни сарой эшикоғаси хонаси ёнида қолдириб келдик, дейишди. Совғамизнинг униси анча оғир ва анча катта. Сарой ходимларига уни ҳам олиб киришга рухсат этилди. Соҳибқирон ўзини босиб сабр-тоқат қилганича, „императорингиз бериб юборган совғаларига изоҳ берсангиз, шундан сўнг мен ўз фикримни билдираман“, дейди.

Шунда элчилар бошлиғи Фу Ань бир оз ҳаяжонланиб: „Хукмдор, бу совғалар императоримизнинг фарзандларга гамхўрлигининг рамзи, сўргич бу оиладаги фарзандлар тинч, осойишта ўсиб улғайишининг ифодаси, қамчи эса Шарқдаги урф бўйича фарзанд ота деганига юрмай, ўйинқароқлик қилиб гапга қулоқ солмаса, уни жисмоний тартибга чақириб, жазо берилади. Мактубда ўғлим ўрнида кўраман, деганда императоримиз шуни назарда тутиб оталик мавқеидалиги учун Сизни тарбиялашга ҳуқуқи борлигидан огоҳлантирмоқчи бўлган. Копток эса чавгон ўйнаганингизда императоримизни эслаб туришингиз учун энг яхши совға сифатида берилди“.

„Бўлмасам, сирли сандиғингизни очинг-чи, — дейди Соҳибқирон элчиларга киноя қилиб, — бизни хурсанд қилиш учун император яна нималарни ҳады қилмоқчи экан?“ Сандиқ очилганда унинг ичи қум аралаш тозаланмаган олтин заррачалари билан тўла эди. „Бу нимани билдиради“, дея сўрайди Амир Темур элчилардан. Фу Ань: „Олий хукмдор,

бу императоримизнинг бойлиги ҳам, шунингдек, қўшини ҳам сон-саноксизлигининг ифодаси бўлиб, унга ҳеч бир мамлакат ва давлатлар қўшини бас келолмагай. Буни сизга тобе барча мамлакатлар султону, подшоҳлари, шунингдек, ўзингиз ҳам билиб қўйишингиз лозим. Биз Сизга буни дўқ-пўписа учун айтмадик, бор ҳақиқатни англадик, холос“. Амир Темур „Элчига ўлим йўқ“ деган қоидага амал қилиб, айб уларда эмас, уларни жўнатган императорда эканлиги учун нафрат ва ғазаб оловини уларга сочишдан фойда йўқлигини яхши англаб турарди.

Элчиларга Соҳибқирон шундай дейди: „Императорингиз совғаларни шу мақсадни кўзлаб тушунтириш изоҳини берар экан, анчайин янглишибди. Бизнинг туркий халқимиз соддадил ва самимий, шунингдек, сабр-бардошли халқ. Сал нарасага кўпикдек тошавермаймиз ҳамда ҳовлиқмаймиз ҳам. Кенг феълли халқимиз, улусимиз донолари айтмишлар: „Қўрққан олдин мушт кўтарар“, янада аниқроғи „Ким ўзгага чоҳ қазиса, ўзи тушади“, дегандек менинг яхши муносабатларимга нисбатан шундай беписандлик қилиб яхши иш қилмабди бу император деганларингиз. Қайтар дунё деганларидек, шарҳлаб берган биринчи ва иккинчи совғаларингизни то ҳукмдорингиз билан юзма-юз келгунимизга қадар ўзимда сақлаб турурман. Вақт-соати етган кун, уни императорингизга ўз қўлим билан қайтарурман. Копток масаласига келсак, айнан бизнинг улуғ аждод алломай замон бобокалонларимиз: Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний ва Абу Райҳон Беруний ер шар шаклида эканини биринчи бўлиб айтган, унинг шу ҳолатдаги тасвирини берган. Осмон подшоҳингиз ҳаволаниб оёғи ердан узилмасинким, заминга бу оламда Аллоҳ кимга жаҳонгирлик қисматини ёзганлигини олам аҳлига ўзи кўрсатади. Бунга бир неча ойдан сўнг ўзларингиз айнан гувоҳ бўлурсизлар. Тангрининг иродасидан четга чиқиб катта гапириш шаккокликдир. Ернинг шар шаклида эканини биринчи бўлиб юртимиз алломаси кашф

этган экан, бугунги авлодларидан чиққан вакили ер юзини идора қилса не ажаб. Бунга ишора қилгандай императорингиз: „Сиз ер юзининг ҳукмдорисиз“, дея Парвардигор кўнглига солиб коптокни, ўша копток рамзий маъносида ернинг кичик шакли тасвирини унинг ҳақиқий эгаси, яъни менга атаб юборгандир, балки. Мен буни шу маънода қабул қилганим бўлсин. Бу тортишувларда ким голибу ким мағлуб, бу ҳукмий хулосани айтиш ҳам Тангрининг измидадирки, ғалаба қисмати нишонини кимга топширишни унинг ўзи билади. „Энди жаноб элчилар катта сандиқдан жой олган кум аралаш тилла сочма зарралари хусусидаги масалага келсак, биз туркийларда Ватаннинг бир сиқим тупроғи муқаддас ҳисобланади. Узоқ ҳаж сафарига кетувчилар ёки узоқ сафарга йўл олган карвондагилар, мабодо Парвардигор сафарда уларнинг қай биринингдир жонини Азроилга рўбарў қилишни маъқул кўрса, ўлим ҳақ, дея ёнида авайлаб олиб кетган бир сиқим тупроқни уни ерга қўювчи сафдошлари кафанлари устидан сепганлар. Шу билан руҳлари таскин топиб, ўзларини Ватан қучоғида абадий ётгандек ҳис қилганлар. Сизлар эса бойлигингиз билан тупроғингизни келтирибсиз, бунинг маъно-маҳзанига на императорингиз, на унинг ишончли элчилари, яъни сизларнинг фаҳм-фаросатларингиз етмабдики, мен уни яқин кунларда ҳукмдорингизга ўзининг саройида яхшилаб тушунтириб қўяман“, деб жавоб беради Амир Темур. Бу билан Соҳибқирон ҳазратлари барча еростию ерусти жамаки бойликларингизни ўз ихтиёрингиз билан менга топширгани, шунингдек, ҳатто тобелигингизни ҳам изҳор қилгани келибсизлар. Уни яратган Эгам кўнглингизга солибди-ю, аммо қалбингизга қулоқ солмай ҳаволанибсизлар, афсус“ дея ўз қутволига юзланди ва сарой оғасига элчиларнинг ҳурматини ўрнига қўйиб, ўзлари истиқомат қилиб турган жойга жойлаштиришни топширди. Ундан кейин ташқи ишлар Девони котибини чақиртириб турли баҳоналар билан Хитой элчиларининг ўз Ватанларига ке-



тишларига йўл қўймасдан, Хитойга қарши ҳарбий юриш бошлангунча ушлаб қолишларига қатъий кўрсатма берди. Агар тарихий манбаларга таянилса, ўзи гувоҳ бўлган Испания элчиси Клавихо кундалигида ва Шарафуддин Али Яздийнинг „Зафарнома“ асарида ҳам Хитой элчилари ушлаб қолинганлиги, юртига қўйиб юборилмаганлиги қайд этилади. Шунингдек, Хитой императорлари Мин сулоласи солномасининг „Мин ши“ қайднома ҳужжатларида ҳам Амир Темурнинг Хитой элчиларини ушлаб қолганлиги аниқ тарзда айтилади. Амир Темур номига император бериб юборган мактубда Хитой ҳукмдори муҳри билан тасдиқланганлиги ҳам айтилади. Мактуб ҳақиқатан элчи Фу Андан бериб юборилганлиги ҳам „Мин ши“ солномасида келтирилиши унинг асл ҳужжатлигининг далилидир.

Ўлпон талаб этилганида Амир Темур қаттиқ ғазабланганлиги ўша давр тарихчилари асарлари-

да очиқ тилга олинади. Ҳатто ғазабланиш жараёнини Шарафуддин Али Яздий „Зафарнома“ асарида ҳам келтириб ўтади. Албатта, ҳар қандай ҳукмдор ҳам Амир Темур ўрнида бўлганида босим бериш тарзидаги дипломатик тазйиқни эшитгач, ғазаб учқуни чарсиллаши аниқ эди.

Ана шундан бошлаб Амир Темур Хитойга ҳарбий юриш мақсадини ҳарбий амалиёт кун тартибига қатъий қўйди. Буни ташқи сиёсат фаолиятининг асосий долзарб муаммоси даражасига қўтарди. Салтанат яна катта уруш бўсағасига яқинлашиб қолган эди. Бу юриши туфайли Амир Темур Тинч океани уммони соҳилларигача етиб бориши лозим эди. Шу билан жаҳонгирнинг мақсадидаги сўнги юриши яқунланган ҳисобланарди.

Бу юриш ғалаба билан яқунланганида аслида Хитой ҳудудларидан бошланган Буюк ипак йўлининг назорати тамомила Амир Темур салтанати назоратига ўтган ҳисобланарди.

ДИПЛОМАТИК МУНОСАБАТЛАР ОРҚАЛИ ЕЧИМИНИ ТОПМАГАН МУРАККАБ ТУГУН

1271 йилдан буён Хитойда ҳукм суриб келаётган мўғулларнинг Юан сулоласи ағдарилиб, ўрнига 1368 йилда Мин сулоласи салтанат тепасига келди. Орадан икки йил ўтгач эса Мовароуннаҳрда Амир Темур марказлашган қудратли давлатга асос солди ва мўғулларнинг жабр-зулми асосига қурилган мустамлакачилик бошқаруви йўқ қилинди. Шу тариқа жаҳон сиёсатида катта таъсирга эга бўладиган жаҳоний салтанатнинг тамал тоши қўйилди. Ана шундан бошлаб салтанат пойтахти Самарқанд номи ҳам Соҳибқирон Амир Темур номи билан синонимлашиб, дунё мамлакатлари ҳукмдорларини қироллар, хонлар, султонлар Олий даргоҳларида элчилар, сайёҳлар ва олимлар томонидан тез-тез тилга олиниб, бора-бора улар қудрат тимсолига айланиб улгурдилар. Овозаси мағрибу машриқда жаранглаб эшитила бошлади ҳам. Бундай шовшувли воқеа ҳодисасига, ғарб томондан куч-қудрат-

га тўлиб келаётган шундоқ унинг биқинида жойлашган Амир Темур салтанатига ўзини еру Осмон ҳукмдори дея эълон қилган Хитой императори Мин сулоласи асосчиси Ченцзу асло бефарқ бўла олмасди. Ҳеч бир давлат қадим-қадимданоқ нақ қўшни бўлган давлатининг кучайиб кетишини асло истамаган. Бундай чегарадош қудратли давлатни ўзи учун таҳдид манбаи дея қараган. Бу ўша давр сиёсий ҳаёти учун оддий ҳол эди. Чунончи, ўтмишга хос тарихий манбалар, жумладан „Ёднома“, „Солнома“, „Култегин битиклари“ Хитой императорларининг турли йўллар билан „Паркан“ ва Турк хоқонлиги каби салтанатларни изчил тарзда заифлаштириб бориш сиёсатини юритганларини тасдиқлайди.

Уларнинг бу каби қалтис ҳаракатларини туркий қавм ва қабилалар, айниқса, Турк хоқонлиги ҳукмдорлари билиб қолиб, ўз вақтида хитойликлар-

нинг қавм ва қабилаларни ички низолар чиқариш орқали заифлаштириш сиёсатидан воқиф бўлишгач, ўз навбатида, ўзларидан кейинда қоладиган ворисларига табғачларнинг ширин сўзига учмаслик, гўзал матолари билан ўзларига қаратиб олишларига алданмаслик, алданган пайтларда эса „Малика бўладиган қизларинг чўри, бек бўладиган ўғилларинг эса қуллик сиртмоғига тушиб, эрк ва озодлигиндан айрилдинг, хўрландинг, ўлдинг“ каби фожеавий сабоқларни тошларга ўйиб, тошбитик қилиб қолдириб кетишга мажбур бўлганлар.

Ана шу тарихлардан яхшигина хабардор бўлиб сабоқ чиқарган Соҳибқирон табғачлар императори писиб ҳаракат қилиб, уни чув тушириш учун шохид юрса, Амир Темур „Гар огоҳсен, шохсен сен“ туркий мақол ҳикматларига амал қилиб, тамғач (Хитой) императорининг ғанимлик сиёсатини уларни „дарахт баргида туриб“ синчковлик билан кузатиб борди. Яъни ташқи сиёсатдаги жиловни уларга бериб қўймасдан, ўз қўлида нафақат Фарб олами, балки Шарқ оламида ҳам мустаҳкам ушлаб турди.

Натижада Соҳибқирон Амир Темур Осиё, Европа ва Африка қитъасидаги йирик ғаним салтанатлар билан беш йиллик, етти йиллик урушлар жангу жадалларини шиддат билан олиб бораётган таҳликага тўлиб-тошган даврларда¹ ҳам салтанатнинг дахлсизлигини, хавфсизлигини ишончли тарзда сақлаб туришга қодир, шу чегара ҳудуддаги душманнинг ҳар қандай ҳужумларини даф қиладиган ҳарбий кучларини озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамда етарли миқдорда қурол-яроғ захиралари билан таъминлашнинг уддасидан уддабуронлик билан чиқа олди. Бу Амир Темурнинг нафақат ҳарбий, балки ташқи сиёсат дипломатияси стратегиясининг нақадар пухта узоқни кўзлаб олиб борилганлиги далилидир.

Шарқдаги чегара қўшинлари ҳам қудратли куч бўлиб бир вақтда жангу жадалларда ҳар томонлама чиниққан ва жасур, ғоят тажрибали ҳамда ҳар қандай оғир жангларни сабот билан ғалабага элта оладиган лашкарбошилар, саркардалар ва жангчи баҳодирлар билан таъминланган эди. Ана шундай амирлар жумласига Шарқий чегаралар қўшинлар қўмондони Оллоҳдод ва унинг ёрдамчиси Бердибекларни киритиш мумкин. Шунингдек, уларга захира сифатида шахзода Умаршайх Мирзо ўғлини ҳам Соҳибқирон Фарғона водийси ҳудудлари муҳофазасига масъул қилиб жўнатган эди. Демак, хулоса шуки, вазиятни тўғри баҳолаб идрок қилган Амир Темур Мин сулоласининг қудратли куч сифатида Шарқдан қилиши мумкин бўлган таҳдидни аниқ баҳолай олди ва уни даф этишнинг тўғри тадбирини ўз вақтида ишлаб чиқди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида Мин сулоласи императори билан сиёсий ва иқтисодий савдо алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш юзасидан манфаатдорликни кўзлаб ўн мартадан ортиқ ўз элчиларини Пекинга жўнатди. Ўз вақтида эса Хитойдан элчиларнинг, савдогар ҳамда сайёҳларнинг Самарқанд сари келишлари ҳар қачонгидан кучайди. Аммо Амир Темурнинг хавфсизлик муҳофазаси Девони тўплаган маълумотларга кўра уларнинг жосуслик хусусияти устувор эканлиги маълум бўлгач, икки салтанат ўртасида муносабатлар XIV аср охирларига келиб тобора совий бошлади. Айниқса, 1395 йилда Хитой элчиларининг Самарқандга келиб турли талабларни илгари суриши Соҳибқирон Амир Темурдек қудратли ҳукмдорнинг нафсониятига тегмасдан қолмади. Натижада Амир Темур бу элчиларни юртларига боришларига рухсат бермай турди. Элчилар ўн йилдан ортиқ салтанат ҳудуди ич-

¹ Бу юришлар босқинчилик мақсадида эмас, балки уч қитъада Чингизхон ва чингизий сулолалар босқинчилик ҳужумлари боис узилиб, тўхтаб қолган Буюк ипак йўлини тиклаш, шунингдек, ўша ҳудудлардаги йўлтўсар, қароқчиларни йўқ қилиш, қолаверса, халққа жабр-зулм қилган ҳоким, ҳукмдорларга барҳам бериб, халқни ўз золимларидан қутқариш йўлидаги кураш, адолатни тиклаш, қарор топтириш учун олиб борилган юришлар эди.



карисида туриб қолдилар. Фақат Амир Темурнинг ўлиmidан кейин бир оз ўтибгина элчиларга кетишларига рухсат этилган эди.

Ҳар икки қўшни давлатнинг куч-қудратга тўлиб бориши бири иккинчисидан хавфсирашининг тобора кучайишига сабаб бўлди. Салкам ўттиз давлат орасида жаҳонда энг қудратли ҳисобланмиш Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ва Йилдирим Боязиддек йирик салтанатлар ҳукмдорларини мағлуб қилиб тобелигига олган Соҳибқирон Амир Темурга Мин сулоласи императорининг дағдағали тарзда элчилари орқали ҳаволаниб мактублар йўллашлари, албатта, Осмон ҳукмдорининг жиловини тортиб қўйишни тақозо қиларди. Амир Темур ўрта асрлар даврининг ислом дини ҳомийси сифатида ўша даврда ҳам аҳоли сони жиҳатидан дунёнинг олдинги ўринларида турган Чин-Мочиннинг аҳолисини ислом динидан насибадор қилиш режаси тарихий манбаларда ҳам қайд этилган¹. Бу билан Соҳибқирон Амир Темур ислом дини нуфузини жуда узоқни кўзлаб амалга ошириб, унинг мавқеини ҳар томонлама янада мустаҳкамлашни мақсад қилганлиги маълум бўлади. Инсон имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, ахлоқни поклашда исломнинг илоҳий-руҳий таъсир куч-қувватларини яхши англаган Соҳибқирон мазкур диннинг имкониятларидан салтанатнинг маънавий-мафкуравий асосларини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини „Тузуқлар“ида бир неча бор қайд этганлиги бежиз эмас эди.

Хитой императори, даставвал, Амир Темурни сиёсий-дипломатик элчилик мактублари алмашуви йўли билан таслим қилиш йўлини афзал кўради ва, натижада, Амир Темур салтанатини доимий божхирож тўловчисига айлантириш тазйиқига урғу ва зўр беради. Бу ҳам Соҳибқирон Амир Темурнинг Олтин Ўрда ва Кичик Осиё ҳукмдорларига ҳеч қачон ўзини ўнглаб ололмайдиган зарбалар берганлиги кучининг нақадар залварлигини улардек

Мин сулоласи императорининг бундай зарбани ўз бошида синаб кўрмаганлиги туфайли эди. Амир Темурнинг Самарқанд саройига келиб Мин сулоласи императори элчиларининг бир ёқлама қўйган шарт ва талаблари Амир Темурни Хитойга нисбатан кескин чоралар кўриш ва Хитойга юриш қилиб бу машмашали совуқ муносабатларга чек қўйиб, Шарқдаги юришни бутунлай якунига етказиш режасини сиёсий долзарб муаммосининг етакчи мавқеига кўтарилишини таъминлади. Икки буюк салтанат Фарбда Амир Темур ва Шарқда Мин салтанати шу тариқа боши берк кўчага кирган дипломатик зиддият ечимини ҳал қилишни оқибат қиличга қолдирдилар.

Амир Темур қанчалик зўр шиддат билан жангларга тайёргарлик кўрса, Хитой императори ҳам бу урушда ютиб чиқиш учун ташқи дунёдан, Осиё ва Шимоли-шарқий Африка қитъалари йирик давлатларидан ўзига ҳарбий-сиёсий иттифоқчилар қидиришга киришди. Узоқ муддат ва масофаларга сузадиган ҳарбий флот қуришга катта маблағ ажратди. Уни қисқа муддатларда вужудга келтирди ҳам.

Бу ҳарбий флотга денгиз жанглари ва илмининг билимдони, тажрибали моҳир денгизчи, адмирал Чжэн Хэни Бош қўмондон қилиб тайинлади. Бир вақтда эса Ҳиндистон ҳукмдори билан Амир Темурга қарши иттифоқ тузиш учун Хитой императори Деҳлига бирин-кетин ўз элчиларини жўната бошлагач, Соҳибқирон Амир Темур бу икки давлат бирлашиб катта кучга айланмасданоқ Ҳиндистонга шиддат билан ҳарбий юриш қилган эди. Қисқа вақтда Маллухон ҳарбий кучларини мағлубиятга учратиб, Хитой императорининг мақсадларини йўққа чиқарди. Ҳиндистон Соҳибқирон тобелигига ўтди ва Хитой императорининг режаси бу ҳудудда барбод бўлди. Хитой императорининг Амир Темурга қарши Ҳиндистон билан мўлжаллаб қилган ҳаракатлари ҳақида Хитой тарихчи-

¹ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Темурийлар тарихи давлат музейи. Амир Темур ва темурийлар даври ренессанси хорижий тадқиқотларда. Тошкент. Академнашр. 2016. 69-бет.

ларидан Сян Да ва Шан Юэлар ўз тадқиқотларида таъкидлаб ўтганлар¹. Шунингдек, тайвандлик олим Сюй Юйху ўзининг „Чжен Хэ таржимаи ҳоли“ номли асарида адмирал Чжен Хэни Хитой императори Хинд океани орқали то Форс қўлтиғи, ундан Қизил денгиз соҳилларигача император фармонига кўра экспедиция уюштирганлигини ва ундан кутилган асосий мақсад Амир Темурга қарши соҳилбўйи давлатлари билан ҳарбий-сиёсий иттифоқ тузишдан иборат бўлганлигини адмирал экспедициясига бағишланган асарида хитойлик ҳариккала муаррихлар ҳар томонлама ишончли далиллар билан ёритиб берганларки, Хитой императори Амир Темурга қарши фаол ташқи сиёсат олиб боришга қаттиқ киришган. Аммо у экспедиция ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни амалга ошира олмаганлиги табиий бир ҳолдир. Негаки экспедиция кўзда тутган, яъни Хитой билан иттифоқ бўлиши мумкин бўлган йирик давлатлар то Хиндистондан тортиб Эрон, Туркия, Миср, Ироқ, Сурия, Кавказорти ҳудудларигача барчаси Соҳибқирон Амир Темурга тобелик камарини боғлаб, салтанат ҳудудига киритилиб бўлинган эди. Натижада Хитойда ҳукмдорлик қилувчи Мин сулоласи Осиё қитъасидаги қамалда қолган қалъани эслатарди. Императорнинг кучли иттифоқчига эга бўлиш мақсади сароб бўлиб чиқди. Натижада ҳарбий юришдан воз кечиб мутлақ мудофаага тайёргарлик кўришга мажбур бўлди. Бу пайтга келиб Амир Темур салтанатига Мисргача бўлган ҳудудлардан божу хирож келиб турганлигидан бемисл иқтисодий захиралари ҳам бисёр эди.

Амир Темур ғарбий ҳудудлар юришини муваффақиятли тугатгач, энди Хитой билан ҳисобкитобни охирига етказиши қолган эди. Бу юриш сири ўта махфий тутилди. Хитой элчилари билан мулоқотдан сўнг Амир Темур бутун диққат-эъти-

борини, асосан, Хитой юришига қаратиб, тайёргарликни бутун салтанат миқёсида, аммо ими-жимидида овозасиз олиб бориш устида жиддий бош қотирди. Бунинг устига-устак хитойлик савдогарлар салтанатининг йирик шаҳарлари бўйлаб карвонлари ҳар қачонгидан серқатнов бўлиб қолганлиги Соҳибқирон хуфия одамларида янада шубҳа туғдирди. Ушбу ишга масъул ходимлар Амир Темурга хабар бера бошлаган эди. Шусиз ҳам Амир Темур Хитой томонидан келаётган хоҳ савдогар, хоҳ саёҳатчи бўлсин, улардан тобора гумони ошиб борарди. Бу хабарлар Соҳибқиронни янада сергак торттирди. Шу боис Амир Темур махфий хабаргирлари бошлиғига Хитой элчилари ва Хитойдан келаётган карвон хоҳ сайёҳ бўлсин, хоҳ савдогар бўлсин уларни кўздан қочирмай огоҳ бўлиш, ҳар бир ҳаракатларини узлуксиз кузатишни топширди.

Хавотирга тезда асос ҳам топилди. Хитой элчилари Самарқандга етиб келган Чин карвонидаги савдогарлар билан пана-пастқам жойларга ўтиб, сирли мулоқотда бўлдилар. Амир Темур элчилар билан суҳбатда бўлган савдогарларни ҳам карвондан ажратиб, ташқи олам мулоқотидан маҳрум қилишга буйруқ берди. Сўнгра энг ишончли амир ва йирик лашкарий кучлар қўмондонлари, амирзодаларни йиғиб, махфий кенгаш ўтказди. Кенгаш аъзоларидан бунинг мутлақо сир сақлашни қатъий талаб қилди. Салтанатдаги ноибликлар, ҳокимлар ва қўмондонларга Қароргоҳнинг ишончли одамларини жўнатиб, аҳолининг диққатини тортмаган ҳолда иқтисодий, жанговар тайёргарликлар бошлаш, ҳарбий захираларни вужудга келтиришга доир кечиктириб бўлмайдиган тарздаги кўрсатмалар берди. Хитойнинг Мин сулоласи императори ҳақиқатан ҳам ҳаволанганича бор эди. Чунки уларда қудратли марказлашган давлат тузилган бўлиб, унинг яхши қуролланган ва сараланган қўшини

¹ Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Темурийлар тарихи давлат музейи. Амир Темур ва темурийлар даври ренессанси хорижий тадқиқотларда. Тошкент. Академнашр. 2016. 64-бет.



мавжуд эди. Бундан ташқари, Хитой ҳарбий муҳандислари портловчи ва ёндирувчи артиллерия қуроллари қўшин ва мудофаа тизимларига етказиб беришни бошлаган, деворбузар қуроллари янада такомил босқичига етказётган эди. Қўшинда Чингизхон ўрнатган ҳарбий жанговар тартибқоидалардан ҳам кўра қаттиқ ҳарбий интизом ўрнатилган эди.

Амир Темур уларнинг барча жанговар, ҳарбий тайёргарлигидан мукамал ташкил этилган махфий хизмати орқали яхши хабардор бўлиб турди. Аммо Амир Темур ғоят довурак, жасур саркарда сифатида Мин сулоласи императорининг бу тадбирларидан ҳадиксираб ўтирадиган саркарда сирасидан эмасди. Аввало, Хитой салтанатини синдиришга қодир кучларни сафарбар қила олишига қаттиқ ишонарди. Шунга яраша ҳарбий ва иқтисодий захира қувватларини тезда тайёрлаш имкониятлари ҳам ҳар томонлама мавжуд эди. Тажрибали, жанг майдонининг арслонсифат ғанимга қарши амир ва қўмондонлари Соҳибқироннинг таянчи эдилар. Тоғ этаклари ва чўл, дашт ҳудудларида суворий ва пиёда қўшиннинг мужассам ҳужум машқлари яна бир бора мукамал пишитилса, Турону Хуросон ва Хоразмнинг баҳодир, паҳлавон жангчилари Шарқ курашининг турли жанговар усуллари эгаллаган Чин-Мочиннинг қўшини паҳлавонларини хоҳ қиличбозлик, хоҳ найзобозлик ёки юзма-юз якка курашларда бўлсин, мағлуб қилиши муқаррар. Буларнинг барчасини миридан-сиригача ҳисобга олган Амир Темур паҳлавон ва баҳодир ҳамда ғоят эпчил асл жангчилардан алоҳида махсус фавж (полк ва дивизия)лар тузди. Уларга уззукун жанговар кураш, яккама-якка жанг, Шарқ курашининг турли кўринишларини мукамал ўзлаштиришга иштиёқманд йигитлар жалб этилди. Бундай забардаст йигитлар мабодо қилич, найза каби қуроллари тасодифан синиб, жанг майдонида қуролсиз қолганларида ҳам ғаним жангчиси қуролини тортиб олиб, яна жангни давом қилдира олар эдилар. Соҳибқирон

шу жанговар мактабга асос солиши билан ўзбек жанг санъати мактабига ҳам мустаҳкам пойдевор қўйдики, Мустақиллик шарофати билан ўзбекнинг баҳодир йигитлари Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур каби буюкларимиз руҳларини шод этиб, ўз аجدодлари жасоратларини халқаро майдондаги якка кураш жанг санъати мусобақаларида қайта такрорлаб, таҳсинга сазовор бўлмоқдалар. Демак, аждодлар ва авлодларнинг жасорат, довураклик бобидаги ворисийлик анъаналари янги аср ибтидосида яна ўзини намоён эта бошлаганидан далолатдир.

Хитой чегарасига яқин вилоятлар, шунингдек, Тошкент вилояти, водийдаги лалми экинлар етиштирувчи ҳудудларга бугдой, арпа, бошоқли экинлар ҳамда ем-хашак, хашакбоп экинлар экишни кўпайтириш тўғрисида алоҳида кўрсатмалар берилди. Уни назоратга олувчи назоратчилар дориссалтанадан жўнатилди. Натижада бутун салтанат ҳудудлари қўшинни хоҳ ҳарбий, хоҳ иқтисодий таъминлайдиган таянчлардан бирини бажаришга масъул бўлди. Шу тариқа салтанат ҳарбий ҳолат шароитига ўтиб олди. Бунини Хитой ҳукмдорларидан махфий сақлаш мақсадида салтанатни мутлақо тинч меҳнат билан банддек кўрсатиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Айниқса, салтанат пойтахти Самарқандда шундай муҳит содир этилдики, Амир Темурнинг ҳали балоғат ёшига етмаган амирзода невараларининг никоҳ тўйларини тантанавор қилиб ўтказиш учун қовун сайллари ўтказиш, кўп жойларда катта қурилишлар, боғроғлар барпо этишга киришилди. Бу фақат ғанимни чалғитишдан иборат бўлмай, бир ўқ билан икки ўлжага, бири ҳарб жабҳаси бўлса, иккинчиси эса тинч меҳнат соҳасидаги буюк ўзгаришларни амалга ошириш, натижада салтанатнинг турли йўналиш соҳаларида улкан ютуқларга эришиб, дунёга Туронзамин куч-қудратини намойиш этишдан иборат эди. Бу яратувчилик ишларига бош бўлган Амир Темур ва унинг салтанатини яқин орада

бирор мамлакатга ҳарбий юриш бошлашини ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмасди.

Буюк аждодларимизнинг босиб ўтган жасоратга тўла ҳаёти ҳам тарих, ҳам сабоқдир.

ҲУКМДОР ЧАҚИРГАН МАХФИЙ ҲАРБИЙ КЕНГАШ

Амир Темури 1404 йил ноябрнинг қоқ ярим тунида йирик қўшинлар қўмондонлари, туманбоши, саркардалар, тавочилар, махфий хизмат бошлиқларини Сароймулкхоним мадрасасининг кенг хоналаридан бирида тўлаб, махфий кенгаш ўтказди. Қўмондонларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида ўрнидан турғизиб, қўшинининг жанговар ҳолати ҳақида саволлар берди. Жавоблар эса жуда аниқ бўлишини талаб этди. Қўшин қўмондонларига берилган саволлар қуйидагича бўлди. Қўшиннинг миқдори, пиёда аскарларда зирҳли аскарлар сони, ҳар бир жангчининг қуролланиш даражаси, қўшин таркибида махсус тайёргарликдан ўтганлар сони, паҳлавон ва баҳодирлардан тузилган алоҳида жанговар қисмлар ҳолати, ғоят қувватли, яъни зотдор отлар билан таъминланган суворий қисмлар, қалъа деворларини бузувчи муҳандислик лашкарий бўлинмалар ҳолати, тоғларда тез ҳаракатланувчи қисмлар, хабаргир ва жосуслик бўлинмаларининг шу кунлардаги фаолиятига доир саволлар эди. Булар ҳақида маълумот олгач, Соҳибқирон Хитой юришидан гап очди: „Амирларим ва қўмондонлар! Сизларнинг бемисл садоқатингизни мен доимо юксак даражада қадрлайман. Негаки, Сизлар салтанат довуғини оламга ёйиш учун ҳал қилувчи муҳорабаларда жонингизни гаровга қўйиб, ўлимни доғда қолдириб, музаффар байроғимизнинг мағрур ҳилпирашини таъминлаб келмоқдасизлар. Менга отилган найза ва ўқларга кўкрагингизни қалқон қилиб келдингизлар. Бундан-да ортиқ садоқат бўлмас. Ҳозирга қадар Мин сулоласи императорининг жўнатилган элчилари фақат дўқ-пўписа ва таҳдид қилиб ҳаддидан ошмоқда, қолаверса, салтанатимизга

*Дарахт илдиэсиз отмагай томир,
Инсон ўз тарихисиз топмагай қадр.
Тарих илми билан ошно бўлибсан,
Ватан ғурурини дилга солибсан.*

нисбатан камситувчилик сиёсатини намойиш этмоқдалар. Императорнинг бизга йўллаган мактублари мазмунига кўра биз шу пайтгача жаҳон халқларидан йиққан солиқларимизни Хитой императорининг ижрочилари сифатида саройга олиб бориб, тиз букиб таъзим қилганимизча божу хирож ўрнида топширишимиз лозим эмиш. Агар ундан бош тортсак, Турон бошига Чингизхон солган балои қазодан беш баттар ғурбат ва жабрзулмни солмоқчи эмиш. Энди „Осмон подшоҳи — Хитой императори шунчалар ҳаволанган, оёғи ҳақиқатан ҳам ердан узилиб ўзига бино қўйган экан, начора унинг ердан узилган оёғини заминга маҳкамлаб қўйишимизга тўғри келади. Бизга қанча қўшинини сафарбар қилади, бунинг фарқи йўқдир. Турону Хуросон, Хоразм баҳодирлари кўпикдай тошган салтанатларни синдириб, попугини пасайтирдик. Яна бир нарсани айтиб қўяй, тарихий манбаларнинг хабар беришича Чин салтанати Турк хоқонлигини, яъни, аждодларимиз қурган салтанатни очиқ жангда енга олмай уни алдов, муғамбирлик, туркий қавмлар, уруғ ва қабилалар ўртасига низолар уруғини сочиш йўли билан мағлуб этган. Биз ўша аждодларимиз қасосини олиб, улар руҳларини шод қиладиган чорраҳага етиб келдик. Эндиги тақдир жанги Шарқда содир бўлади.“

Олдимизда энг оғир жангу жадал майдони бизни кутиб турибди. Биз энг катта, энг қирғин уруш арафасида турибмиз. Хитой кучли ва қудратли салтанат. Уни тан олишимиз керак. Шу боис унинг билан бўладиган тўқнашув осон бўлмайди. Ҳозирда дунёнинг энг йирик икки салтанати бири-бирига юзма-юз турибди. Бу ўзингиз билан бир-



галикда жон олиб, жон бериб вужудга келтирган бизнинг салтанат бўлса, иккинчиси Мин сулоласи императори ташкил қилган Чин-Мочин салтанатидир. Хитой қадимдан қудратли салтанатлар барпо эта олган юрт. Худди шунингдек, бизнинг туркий боболар ҳам.

Бизнинг туркий салтанат тузган аجدодларимиз роят мард бўлишган, аммо соддадил бўлганлар, ишонувчанлигидан фойдаланган Хитой императорлари турли найранглар ишлатиб уларни ички низолар майдонига айлантирган, боболаримиз яратган салтанатларни заифлаштириб, сўнгра инқирозга учратишган. Ҳозир ҳам ана шундай сиёсат юритиб бизни оқибат ўзларига қарам юрт, қарам халққа айлантириш учун тажовузона сиёсатни бошлаб юбордилар. Мен бунга асло йўл қўймайман. Балки ўтмишдаги аجدодларимизни алдов ва ифволар йўли билан чув туширганлигининг албатта қасосини оламан.

Яна бир мақсадим шулки, мен пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. нинг Ислом динига янада ривож бериш мақсадида Хитой аҳлини Яратганнинг охириги динига ўтказиш ниятим ҳам йўқ эмас. Ўшанда дунёнинг тақдири бизнинг қўлимизда бўлиб, уруш, қон тўкишлар тўхтаб, жаҳонда чинакам тинчлик, осойишталик ўрнатилади. Уруш ўрнига бир-бири билан дўстона муносабатда бўлиб, Узоқ Шарқий худудлардан бошланган Буюк ипак йўлини тўлақонли тиклаб, уни жаҳон халқларининг тинчлиги, иқтисодий тараққиёти ва маданий алоқалари ривожланишига шарт-шароитлар яратамиз. Дунёда тинчлик ҳукм сурса, иқтисодий, фан, маданият тараққиёти юз беради. Мен ўйлайманки, биз учун Чин салтанатига қилинган бу юришимиз сўнги ҳарбий юриш бўлажак. Биз шундай жанг қилайликки, улф амирларим, бу жанг жанги беомон ва сўнгра яшармиз тинчликда омон. Шунинг учун доимий ер юзида тинч-тотув яшамоқ учун жангга кирсак, мени шу йўлда қўллагайсизларми, доим бўлганидек садоқатингизни яна сўнги бор намоён қиласизларми?

Шуни билмоқчиман“. Йиғилган барча саркарда ва амири лашкар қўмондонлар: „Олампахо, биз сизнинг отган ўқингизмиз. Ватан, эл-юрт қудрати сизнинг тимсолингизда намоён. Азиз жонларимизни адолат учун, эрк учун, юрт мустақиллиги учун тикишга доимо тайёрмиз, доим тайёрмиз!“ деган ҳайқириқлар билан Соҳибқирон сўровига жавоб қайтардилар. Шундан сўнг Амир Темур топшириғи билан амир ул-умаро (Бош қўмондон) Хитой ҳарбий сафари учун олиб юрилиши шарт бўлган жанговар ашёлар рўйхатини қўмондонлар ва амиру саркардаларга айтиб ёздирди.

Бу, асосан, Амир Темур „Тузуқлар“ идаги қўшин Низомида қайд этилган ҳарбий сафарда ҳар бир жангчи ва зобитларга қўйиладиган мажбурий талаблардан иборат эди. Ҳар бир жангчи, ўнлик, юзлик ва мингликларга ҳарбий сафарда олиб юриладиган жанговар ашёлар қўйидагилардан иборат қилиб белгиланди. Бунда Хитой юришининг турли оғир табиий-географик шароитларда амалга оширилиши алоҳида ҳисобга олинди. Ҳарбий-жанговар иқтисодий захиралар ҳарбий юришга тайёр қилинди.

Соҳибқирон кенгаш охирида хавфсизлик хизмати бўлимлари бошлиқларига, то қўшин Хитой чегарасидан ўтгунча, хитойлик элчиларни турли баҳона ва сабаблар билан ушлаб қолишни, шунингдек, Хитойда фаолият кўрсатаётган хабаргирлар Хитой қалъалари ва шаҳар ҳамда пойтахти, қўшинига доир махфий маълумотларни жадал йиғишга доир кўрсатма ҳам берди.

Шу тариқа 1404 йилнинг 20 ноябрида тавочи ва салтанат Бош қўмондони Амир Темурга даврнинг энг қудратли қўшини тўла жанговар ҳолга келгани ва „Тузуқлар“ даги ҳарбий интизом талаб этилган даражадаги ҳолатга ўтиб, фақат сафарни Хитой сари бошлашга мунтазир турганлигини билдирдилар. Амир Темур бу иккала амалдорнинг ҳар қандай буйруқ ва кўрсатмаларни сидқидилдан бажаришини яхши биларди: „Ҳарбий сафар куни ва соатини тезда маълум қиламан, яна бир бора

сафар тадоригига мустаҳкам тайёргарлик кўрилганлигини кўздан кечиринглар“, дея топшириқ берди Соҳибқирон. Шу тариқа ҳарбий юриш ҳар томонлама пухта ташкил этилишига асосий диққат-эътибор қаратилди.

Эртаси куни 21 ноябрда йирик лашкарбоши ва саркардалардан кимлар қўшиннинг қайси қисмларини бошқариши ҳамда жангга олиб кириши белгилаб олинди. Қўшиннинг ўнг қаноти (баронгор)га Халил Султон, унга ёрдамчи қўмондонлар қилиб Сиди Аҳмад, Амир Худойдод Хусайний, Шамсуддин Аббос тайинланадилар. Чап қанот (жавонгор)га амирзода Султон Хусайн қўмондон қилиб тайинланди. Соҳибқирон Амир Темур эса марказ ва изофани бошқаришни ўз зиммасида қолдирди. Унга амирзода ва шаҳзода неваралар ёрдамчи амирлар қилиб берилди. Қишлоқ жойлари қилиб эса Шоҳрухия, Тошкент, Сайрам ҳамда Ясси деб белгиланди. Қиш ўтгунча қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини кучайтириш мақсадида қиличбозлик, найзобозлик ва ёйдан нишонни аниқ олиш жанговар машқларини шиддатли тарзда олиб бориш топшириқлари берилди. Ҳарбий юриш узоққа чўзилиши ҳисобга олиниб, Тошкентдан Хитой чегараларигача бўлган ҳудудларда буғдой, арпа каби донли экинлар экишни кўпайтириш ва суворийларнинг отлари учун ем-хашакбоп экинлар экиб кўпайтириш кўрсатмалари берилди. Ҳатто Мўғулистон хони (Амир Темурнинг қайнотаси) Хизрхўжага (Тўқал хонимнинг отаси) ҳам озиқ-овқат, от-улов, ем-хашак кабилар билан ёрдам бериши сўралди. У Амир Темур қўллови билан

Мўғулистон тахтига чиққан тобе хон эди. Шу тариқа қўшинни таъминлаш ва боқишнинг узоққа мўлжалланган иқтисодий режалари мустаҳкам ишлаб чиқилди. Қўшинлар орқасида минглаб арава озиқ-овқат захиралари изма-из бориши тайинланди. Ўрта асрлар муаррихлари таъкидлашича ҳеч бир ҳукмдор Амир Темурдек ҳарбий юришга бунчалик пухта, узоқни кўзлаб тайёргарлик кўрмаган. Соҳибқирон ҳарбий юришнинг барча жиҳатларини миридан-сиригача ҳисобга олди, қўшинни ҳар томонлама аъло даражада, яъни фақат галаба билан Самарқандга музаффар байроғини ҳилпиратиб кириб келадиган чораларнинг барчасини кўриб қўйди. Ҳеч бир нарса назардан четда қолмади. Бироқ Хитой юришига қизгин тайёргарлик авж олдирган бир паллада Амир Темурга даҳмаза бўлган бир воқеа газак олдики, бу охир-оқибат салтанатни заифлаштиришга қодир кучга айланди. Бу Халил Султон ва Шодимулк ўртасидаги хайрсиз ишқий муносабатларнинг аланга олиши билан боғлиқ воқеалар эди. Шунчалик мураккаб ҳарбий-сиёсий ички ва ташқи муаммолар ечимини топган Амир Темур салтанат танасига касаллик бўлиб ёпишган ҳодисотни бартараф этишга илож тополмади. Соҳибқирон умрини сарфлаб неча бор ўлимлар билан юзма-юз келиб вужудга келтирган салтанат биниси айнан Халил Султон ва Шодимулк муносабатлари боис оқибат заифликка юз тутиб, эришилган барча соҳадаги ютуқлар қўлдан бой берилди бошланди. Ички низоларга йўл очилди.

Натижада халқнинг иқтисодий аҳволи кундан-кунга пасая бошлади.

ХОСИЯТСИЗ ИШҚИЙ МОЖАРО

Кўпгина салтанатлар шоҳлар, қироллар ёхуд шаҳзодалар ўртасидаги малика ва гўзал аёллар билан боғлиқ ишқий муносабатлар ота билан ўғил, ака ёки ука шаҳзодалар, баъзан дўстлар ўрталарини бузиб, уларни ашаддий душманларга айлантирган ҳолатлар тарихда талайгина. Бундай воқеалар-

дан Қадимги Рим салтанати, Византия империяси, Русь, Австрия—Венгрия, Хитой, Ҳиндистон салтанатлари ҳам четда қолмаган. Ҳатто бундай ишқий муносабатлардан ўт-олов чиқиб айрим салтанатлар гоҳ ичдан, гоҳ ташқаридан уруш гирдобига тортилиб, бунинг оқибати қиргин ва вайроналикларга



сабаб бўлишига кекса мозий гувоҳ бўлган. Шунга яқин оқибати хунук ҳодисалар, яъни салтанатни емириш ва таназзул эшигини очган ёхуд шунга яқинлаштирган воқеалар Амир Темур ва бобурийлар салтанатини ҳам четлаб ўтмади. Бу тарихий ҳақиқатдир.

Амир Темур бор истеъдоди, ақли ва ҳарбий даҳолик тафаккурини Шарқ, яъни Чин-Мочин ташқи сиёсатига қаратиб турган бир пайтда, кеча-кундуз диққатини шу мақсадни муваффақиятли амалга оширишга жидду жаҳд билан киришган бир паллада набираси, йирик саркарда Халил Султон ишқий муносабатларнинг авж палласи эшигини ланг очиб, Амир Сайфуддин (Сайфуддин Амир Темурнинг ёшлиқдан ўйнаб ўсган жанговар сафдоши, йирик ва ишончли қўмондони эди. У Боязид устидан ғалаба қилгач, вафот этганди)нинг канизагига кўнгил қўйди. Кўнгил қўйди-ю, борлигини унутди, оқибат ишқ йўлида мажнунсифат ҳолатга кира бошлади. Шу билан келажаги порлоқ, буюк саркарда бўлиб тарихга муҳрланиб қолиш палласига яқин турган Халил Султон Шодимулкка боғланиб, Темур „Тузуклар“идаги ҳарбий Низом қоидалари ҳам унинг учун аҳамиятини йўқота борди. Натижада бобо билан суюкли набира зиддиятларининг эшиги ланг очилиб кетди. Канизак ҳақиқатан гўзал, ғоят латофатли, чиройда у ўн беш кунлик ойнинг ҳам рашкини келтириш жозибасига эга эди. Халил Султон Шодимулкнинг ишқий можаросига тортилгач, ҳарбий саркардалик бурчини ҳам, ҳатто никоҳидаги Амир Темурнинг жияни, яъни Соҳибқирон синглисининг набираси Жаҳон Султонни ҳам унутди.

Амир Темур ўз синглиси Ширинбеканинг ўғли, яъни жияни Али Муайяднинг қизи Жаҳон Султонни набираси Халил Султонга катта тўй қилиб олиб берган эди. Халил Султон ва Жаҳон Султон никоҳларидан бир йил ўтиб ўғил фарзанд кўрадилар. Унга Соҳибқирон ўзининг катта бобосининг исмини, яъни Барқул деб исм қўйган эди.

Халил Султон ва Шодимулк ўртасидаги му-

носабатлар, аввало, яширин кечади. Амир Сайфуддин вафотидан кейин эса ишқий муносабатлар аста-секин сарой орасида „миш-миш“ сифатида ошқор бўла бошлайди. Бир вақтда ўз никоҳидаги аёли билан совушиб, ҳатто ўртадаги ўғил фарзанди ҳам кўзига кўринмай, бутун фикр-зикри Шодимулкка телбаларча боғланиб қолади. Жангларда мислсиз жасоратлар кўрсатиб, ҳарбий саркардалик поғонасига кўтарилган бир пайтда ҳарбий касби олдидаги бурчларига масъулиятсиз қараш ҳолатлари содир бўла бошлайди. Ҳолбуки, Хитой юриши олдидан унга бобоси Соҳибқирон ҳарбий сафарга отланиш кўрсатмасини бериб, масъул вазифага тайинлаган эди. Муҳаббатнинг кўзи кўр деганлари шу бўлса керакки, салтанатда ҳарбий ҳолат эълон қилинган чоғда Халил Султон қўшинни жанговар ҳолга келтириб, ҳарбий юришга бобоси кетидан жадал отланиш ўрнига ишқий можаро оловига ёғ қуйиб, ҳукмдор бобосига Хитой муаммосидан асло кам бўлмаган даҳмазани кўндаланг қилиб қўйди. Бу можара оқибат оғир сиёсий муаммога айланиб, Амир Темур умрини бағишлаб вужудга келтирган буюк салтанатни инқирозга етакловчи омилга айланди.

Халил Султон Амир Темурнинг ҳарбий сафарга жўнаб кетганидан фойдаланиб, Шодимулкни хотин қилиб олганини сарой аҳлига маълум қилди. Натижада рашк оловида қуйган Жаҳон Султон ҳазрат Амир Темурга ушбу нохуш хабарни етказиш учун чопар жўнатди. Мактубдаги нохуш хабардан Амир Темур қаттиқ эзилди.

Бир томонда Жаҳон Султон тоғасидан нажот ва адолатли қарор кутиб юборган чопарининг қандай хабар келтиришини интиқлик билан кутиб турса-ю, бошқа бир томондан ишонган набираси Халил Султон таянч қўшин Бош қўмондони сифатида бундай ўйин кўрсатиб турса. Амир Темур икки ўт ўртасида қолди. Ниҳоят, ўйлай-ўйлай муҳим қарорга келди: „Шодимулкни ер остидан бўлса ҳам, менинг ҳузуримга етказинглар“, дея ғазабнок буйруқ берди.

„Бошга тушганни кўз кўрар“ қабилида таваккалига иш тутишга ўтган Халил Султон Шодимулкни бобоси жўнатган изтопарлар тополмайдиган узоқ Шаҳрисабз тарафдаги хилватгоҳ жойлардан бирига яширади. Бобосига қарши бундай иши билан Халил Султон ўртадаги бобо-набира муносабатларини баттар зиддиятлар майдонига олиб чиқади. Ишқ-муҳаббат эҳтирослари наҳот олий қонунлар доирасига ҳам сифмаса ёки подшоҳ ҳукмидан ҳам устун келса. Бу қандай қудратли куч ўзи. Бу туйғу замирида катта воқеа ва ҳодисалар содир бўлаверади. Бир кутбда бонг уришга чоғланиб дунё тақдирини ҳал қиладиган Хитой билан бошланадиган жанг арафасида турилса-ю, иккинчи тарафда ошиқ-маъшуклар Олий фармонга қарши ишқий уруш эълон қилса.

Демак, муҳаббат исёни кенглик маконлари ҳадсиз ва ўлчовсиздир. Унда яширинган сир-синоатлар мисоли уммоннинг энг чуқурликлари кабидир. Уни очиш калити фақат қалбда жойлашган, ҳар қандай кучли қалам соҳиби ҳам унинг нозик жиҳатларини очишга қодир эмас. Ҳатто ўлим билан кўрқитилганда ҳам севгига садоқат кўпинча ғолиб келган. Шунинг учун халқлар оғзаки ижоди бадиий даҳолари унинг сир-синоатларини очиш учун „Фарҳод ва Ширин“, „Лайли ва Мажнун“, „Шоҳсанам ва Ғариб“ каби ўнлаб дostonлар яратсаларда, унинг туб-тубигача очиб беришга қийналганлар. Ишқ-муҳаббат осмондан тушган фаришталарни ҳам ерга тушганларида ўз йўриғига юритгани рост. Бу тўғрида далиллар диний ва дунёвий китобларда ҳам етарлидир.

... Халил Султон Олий фармонга зид бўлса-да, суюклиси Шодимулк ҳаётини сақлашнинг минг хил йўлларини қидириб топишдан чарчамади. Уни амалга оширишга интилгани сари бобоси Соҳибқирон вазаби қайнашига сабаб бўлаверди. Шу йўсинда ким кимнинг устидан ғолиб чиқади бу ўйинда, олий ҳукмдорми ёки набира қўмондон?

Халил Султон муаммонинг шохи сари тармаша

бошлади. Ҳукмдор бобо унинг келишини баргида туриб пойлади. Халил Султон маҳбубаси Шодимулк висолдан ажралишни истамай, уни Қароргоҳига ярим тундан кейин олиб келди. Қўшин соқчиларидан бошқа барча уйқуга кетган. Шодимулкнинг эркакча аскар кийимида олиб келинганини унинг иккита хос ва ишончли одамларидан ўзга ҳеч ким билмайди. Гўё Шодимулк Қароргоҳининг янги ходими қабилида хизматга олинган зобит кийимида, ҳамма нарса ўз ўрнида ҳеч кимда шубҳа-гумон йўқ.

Ниҳоят ер остида илон қимирласа сезадиган изтопар жосуслар Шодимулк дарагини топди. Унга ўлим жазоси фармони чиқарилган эди.

Шу орада Халил Султон ҳам бўш келмай севгилисининг ўлим жазосини бекор қилдириш йўлларини изларди. Саройда валиаҳд шаҳзода Пирмуҳаммаддан ҳам кўра бобоси Соҳибқиронга яна ким ҳам сўзини ўтказа олади? Бундай бирдан-бир инсон Сароймулкхоним эди. Амир Темурнинг шахсан ўзи Халил Султонни уч яшарлигидан тарбиялашни онаси Хонзодабегимга эмас, Сароймулкхоним ихтиёрига берган эди. Шу боис Сароймулкхоним билан Халил Султон иккисининг она-боладан фарқлари йўқ эди, ҳисоб. Сўнги нажот ҳақиқий онадек тарбиялаган Сароймулкхонимдан эди. Унинг билан боғланиш ўз самарасини берди. Саройда жуда катта обрўга эга бўлган Сароймулкхонимни Соҳибқирон Хитой сафарига ҳам энг суюкли ёстиқдош малика ва энг оқила маслаҳатчи сифатида бирга олиб чиққан эди. Сароймулкхоним Соҳибқироннинг жаҳли ва ғазаби бўрондек тошган дамларда ҳам уни ўзига келтиришнинг уддасидан чиқадиган бирдан-бир маликаси эдики, у ҳозирда ҳам зиддиятлар тугунини ечишга қаттиқ киришди.

Сароймулкхоним имкон топиб, Шодимулк ва Халил Султон хусусида сўз очди, бор маҳоратини ишга солиб: „Улуғ Амирим, истеъдодли набирангиз энди йигирма баҳорни кўрди. Қолаверса, шажарангиз бир илдизи энди Шодимулкка туташмоқда“.



Амир Темур сўрайди: „Шажарамизга Шодимулк канизакнинг нима дахли бор, унинг бунга алоқаси йўқ-ку?“ „Улуғ амирим! Албатта бор, Халил Султон набирангиз Шодимулкдан фарзанд кутмоқда экан, у Сизнинг эварангиздир“. „Демак канизак ундан ҳомиладор денг, катта хоним“, бу янгиликдан на хурсандлигини, на нафратини билдира олмаган ҳолатда таъкидлаб сўрайди Амир Темур Сароймулкхонимдан.

„Дунё юзини кўришга иштиёқманд энди туғилажак эварангизда нима айб, ҳукмдорим, келажакда у ҳам салтанатингизнинг ёруғ юлдузларидан бири бўлиб етишса не ажаб“. Энди бу хабардан муаммо майдони яна кучайиб, ҳомила онасига ўлим жазоси берилган, ҳақиқатан ҳам энди туғилажак эварада не гуноҳ? Оҳ тортди Соҳибқирон. Ҳаёт мураккабликлари нақадар оғир, нақадар зиддиятли, ҳатто вақт-вақтида унинг муаммолари ҳукмдорларнинг ҳам бошини чангаллатишга қодир.

Шунда Амир Темур бир оз давом этган сукунатни бузиб: „Мени ишонтирдигиз, заковатда тенгсиз маликам. Эварам онасиз ўсмаслиги керак, унинг не гуноҳи бор. Эртагаёқ фармонни ўзгартиришга буйруқ бераман. Жияним Жаҳон Султонга иккимиз номимиздан мактуб битиб, уни овунтириш йўлини қилинг. Шодимулкка чиқарилган ўлим жазосини бекор қилдираман. Аммо Халил Султон билан уни ҳеч қачон кўриша олмайдиган, уй қамоғи шароитида, ташқи оламдан узилган ҳолатда яшашга ҳукм қиламан. Сен голиб чиқдинг маликам, менинг бахтим ҳам ҳаётда сендек доно ва фаросатли маликага тақдирдош қилганида“, дея суюкли маликасини қучди Амир Темур. „Илоҳим шу тилга олган голиб сўзингиз ўзингизга насиб қилсин. Хитой устидан зафар қучганингизда яна шундай табриклаб туришларни Яратганнинг ўзи ижобат ва иноят қилсин“, деди ғоят хурсанд бўлган Сароймулкхоним. Минг афсуски, Шодимулк ана шу яхшиликларни заррача билмади, Сароймулкхонимга уни ўлимдан сақлагани учун ўз халоско-

ри ҳамда кичик хоним, яъни Тўкал хонимни ва уларга ҳамфикр бўлганларни ҳам орадан бир неча йил ўтар-ўтмас икки дунё қарздор бўлиш ўрнига заҳарлаб ўлдирди ва мудҳиш қотилликка қўл урди. Шундай юртпарвар, халқпарвар ва оқила инсонларни йўқ қилувчиларнинг қалби шунчалар тошмехолигини тасаввур қилишнинг ўзи жуда мушкулдир. Яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтарувчилар ҳам оз эмас, бу фоний дунёда. Дунё бевафо деганлари ҳам айнан шундай фожиалар учун айтилгандир, балки. Халқимизда: „Ёмонга қилсанг яхшилик на айтадур, на қайтадур, яхшига қилсанг яхшилик, ҳам айтадур, ҳам қайтадур“ матали шундайлар учун тўқилгандир.

Халил Султон тентакнамо ва мажнунсифат тарзда севиб қолган суюклисидан айрилиб, ҳеч ўзига кела олмади. Унга жуда катта йўқотиш бўлди, бир неча кун туз ҳам тотмади, қўшини ҳол-аҳволини ҳам суриштирмади. Худди қаттиқ маст бўлган одамдек ҳафсаласиз, гарангсиган аҳволга тушди. Энди ўз ёғига ўзи қовурилиш навбати набира Халил Султонга етиб келган эди. Соҳибқирон унинг ҳолатини пинҳоний одам юбортириб билиб турди. Шуни таъкидлаш керакки, Халил Султон Шодимулк устидан чиқарилган ўлим ҳукми бекор қилинганлигидан хабар топар экан, хурсандчилигининг чеки бўлмади. Худди унинг ўзи дорнинг остидан омон чиққандек ҳис қилди ўзини. Бу иши учун бобосидан миннатдор бўлди, аммо қалби тўрида эса гина-кудуратни сақлади. Нима учун дерсиз, албатта. Бобосининг улар бир-бирини ҳеч қачон кўрмасин, бир-бирининг дийдорига зор бўлиб ўтсинлар, қабалидаги фармони учун ишқдан кўзи сўқир бўлган Халил Султон бу гинакудурат аждаҳо мисол уйғониб, салтанатни зириллатадиган куч бўлиб майдонга чиқишидан қаттиқ умидвор эди. Шундай кунлар келишини кутди, қасоскорлик туйғусини пинҳон тутди. Бобосидан норозилигини ичидан ташига бирор жойда миқ этиб чиқармади. Ана шундай кунлар келганда кимлар-

дан қасос олишини режасига киритиб, пинҳон сақлади. Аввалда Хитой юришига жон-дилдан иштиёқманд бўлиб, унинг тезроқ содир бўлишини интиқ бўлиб кутган Халил Султон бу юришга ҳам бифарқ ва ҳафсаласиз бўлиб қолди. Ундаги авваллардаги арслонянглиг шиддат ўрнини воқеаларга лоқайдона муносабатда бўлиш эгаллади. Бу ҳам яхшилик аломати эмасди. Гиналар вужудида захарли илондек хавfli тус олиб борди. Бу захар кўп инсонлар ёстиғини қуритишга етарди. Халил Султон ва Шодимулк ишқ-муҳаббати эзгуликка эмас, Ватан, халқ гамидан тобора йироқлашиш воситасига айлана борди. Бу салбий ҳаракатлардан ҳалол ва адолатпеша инсонлар кўп жабр кўрди. Яхшилар йиғлаб-бўзлаб, ёмонлар яйраб қоладиган кунлар яқин қолаётган эди. Амир Темур даврида инсонлар учун адолат макони, мезони бўлган Самарқанддаги сарой ғурбат маконига айланиб, унга Халил Султон даврида ҳадик ва қўрқув билан боқадиган даргоҳга айланиб борарди. Халил Султоннинг ёвуз ниятлари қаҳрли келган қиш билан мужассамлашди.

1404 йилнинг 27 ноябрида Хитой юриши бошланишидан сал ўтиб-ўтмай мисли кўрилмаган қаҳрли қишга рўбарў келдилар. Қўшин чодирлари тикилган ён-атрофдаги аҳоли кексалари бундай мисли кўрилмаган қаҳратоннинг ўз умрлари давомида ҳали гувоҳи бўлмагани, балки ота-боболаридан эшитганларини билдирганлар. Икки юз эллик минг аскарни қайси вилоят ёки шаҳар қиш эшиги тор пайтда бошпана бериб жойлаштира олади? Жавоб қисқа, ҳеч ким! Юришга тайёргарлик қанчалик мислсиз бўлишига қарамай, бунақа қишга бардош бериш асло мумкин эмасди. Дастлаб отлар совуқдан музлаб ўла бошлаган. Бу эса суворий қўшин ҳали уруш бошланмаёқ катта талафот кўра бошлади, демак эди. Энди навбат одамларнинг ўзларига келди, уларнинг қўл-оёқлари музлаб, қулоқ-бурунлари узилиб туша бошлади. Аммо аксига олиб, Амир Темур газаби билан ўчакишгандай табиат ҳам ўз кучини намойиш этиб, қаҳратон қиш ўз забтини янада

оширарди. Натижада Сайхун (Сирдарё) дарёси суви ўша давр муаррихлари ёзиб қолдиришича 1,5 метрча музлаб, сувни чодирларга ташиб келтириш ҳам мураккаб ишга айланади. Шунинг учун қўшиннинг бир қисмини Тошкентда, Сайрам, Ясси, Дашти Қипчоқ, Ашпара каби қалъа вилоят, шаҳарларида қишлашга қолдириш мақсадга мувофиқ деб топилди. Шундай қилмаса, Хитой билан уруш муваффақиятсиз чиқиши кўзга аниқ ташланиб қолган эди. Агар тарихчи Мирза Хайдарнинг маълумотларига таянилса, Хитойни забт этишга ҳам етти йил ажратилганлигига шохид бўламиз. Қишда уч ой қишлаб қолиш бу захираларнинг кўп қисмидан ажралишни ҳам билдирар эди. Ётиб еганга турумтоғ ҳам чидамайди, деганларидек, икки юз эллик минг қўшин уч ойда сарф қиладиган маҳсулот: озиқ-овқатларни кўз олдимизга келтирсак, ҳар қандай захиранинг таги кўриниб қолиши аниқ. Бунинг устига-устак ем-хашак ҳам ўзига хос муаммо бўлди.

Муаррих Мирза Хайдар Амир Темур қўшинида озиқ-овқат ва ем-хашак муаммоси гоят мураккаб вазиятга етганлигини тарихий асариде алоҳида қайд этган эди. Вазият тобора жиддий тус олаётганлиги боис Амир Темур ҳар эҳтимолга қарши кичик малика — Туқал хонимнинг отаси, ўзининг эса қайнотаси бўлмиш Муғулистон хони Хизрхўжани ҳам огоҳлантириб қўйишни лозим топди. Унга Хитой юриши муносабати билан озиқ-овқат хусусида қўлдан келган даражада, имкониятга қараб қўллаб юбориш таклифини берди.

1405 йил 14 январда Амир Темур бошчилигидаги қўшин Ўтрорга етиб келди. Салкам икки ойда 250 чақирим йўл босиб ўтилган эди. Бу пайтда қор бўрони бошланиб, бу ёғига йўл топишнинг ўзи мумкин бўлмай, қор қалинлиги отларнинг кўкрак баландлиги билан тенглашган. Энди ҳар қандай шароитда баҳор келишини кутишдан ўзга чора қолмаган эди. Табиий шароитнинг энг машаққатли онлари энди бошланарди. Камида тўрт минг чақиримли йўлни босиб ўтилганда Хитойнинг экин-



тикин қилинадиган, озиқ-овқатга мўл вилоятларига етиб бориларди. Шунгача бўлган масофа кимсасиз сахро, адоқсиз чўлу биёбон ва тоғу тошлардан иборат эди. Амир Темурнинг Ўтрорга келиб амалга оширган иши озиқ-овқат ва унинг таъминоти устидан қаттиқ назорат ўрнатиши бўлиб, ҳар бир мингбоши ва туманбоши ёнига таъминот юзасидан махсус одамларини жўнатди. Улар озиқ-овқатнинг белгиланган тартибдаги тақсимоли юзасидан Соҳибқиронга ҳисоб бериб турардилар. Шу тариқа озиқ-овқат масаласи ҳаёт-мамонт масаласига айланди. Унинг назоратига жавобгарлик қози аскар зиммасига юклатилди. Вазият кун-бакун ёмон томонга оғиб борарди. Қўшин орасида ваҳима аломатлари яққол кўзга ташланмоқда эди.

1404 йилнинг 14 январида Соҳибқирон Амир Темурнинг Ўтрорга яқинлашганлигидан хабар топган ҳоким Бердибек уни шаҳар ташқарисида пешвоз чиқиб тўғри ўз саройига таклиф этади.

Амир Темур Бердибек уйида меҳмон бўлади. Орадан икки-уч кунлар ўтиб, унга Тўхтамишхондан элчи келганлигини маълум қилишди. Амир Темур билан катта қирғинли жангларда уч марта мағлуб бўлган Тўхтамишхон Олтин Ўрда тоғу тахтидан ажраб қайси князлар саройига бош уриб бормади дейсиз? Литва Буюк князи Витовт саройига бориб тиз чўкиб ёлворди. Қўшин билан ёрдам беришни сўради.

Буюк князь номини олган Витовт ҳам раҳми келиб Олтин Ўрда хонлик тожини олиб берсам Шарқ тарафда қудратли вассалимга эга бўламан, деб рицарлик қўшинини олиб Тўхтамишхонни тождор қилиш мақсадида Русь ерлари орқали Дашти Қипчоққа юриш қилишни режалаштирди.

1399 йилда Олтин Ўрта ҳукмдори Идику ва унинг лашкарбошиси Қутлуғ Темурхон Ворскла дарёси бўйида Витовт ва Тўхтамишхон қўшинини кутиб олди. Қизғин жанг Витовт ва Тўхтамишхон ҳамда Русь князлари қўшинлари тўла мағлубияти билан тугади. Шундан бошлаб Тўхтамишхоннинг яна дарбадарона кунлари бошланди. Тожу тахт-

дан ажралишдек фожиа унинг тинка-мадорини қуришиб борар, аммо ҳеч қачон тахт унга қайта насиб қилмаслигига ўзини кўниктира олмасди.

Дарбадарликдан адо бўлган Тўхтамишхон минг илтижолар билан ўз элчисини Соҳибқирон Қароргоҳига жўнатди.

Амир Темур инсоний феъл-атвори жиҳатидан ҳам мислсиз эди. У ашаддий душмани элчисининг ҳурмат-иззатини юксак даражада ўрнига қўяди. Амир Темурнинг оёғига ўн йиллар мобайнида темир тикан бўлиб санчилган Тўхтамишхоннинг элчиси аслида бундай ҳурматга асло лойиқ эмасди.

...Совуқ борган сари кучая бергач, қаттиқ ўрнатилган ҳарбий тартиблар ва чекловларни бир оз бўшаштириб, жангчиларни кўнгилочар тадбирлар, турли хил жанговар мусобақа, томошаларга жалб этилди. Бу тадбирларга лашкарбошилар Соҳибқироннинг розилигини сўрайдилар. Амир Темур вазиятни ҳисобга олиб, мусобақалар ҳар бир минглик, ўн минглик лашкарий қисмларда ўтказилиб, голибларга Соҳибқирон Қароргоҳининг қимматбаҳо совгалари берилишини эълон қилади. Ҳар бир қисмининг паҳлавонлари, баҳодирлари, қиличбозу найзабоз ва мерган ёй отувчилар ўз маҳоратларини ушбу тадбир мусобақасида намойиш этиши топширилади. Ов мусобақалари ҳам киритилиб, ўлжа йиртқич шер, қоплон, айиқ, бўри кабиларни тирик ушлаб келган баҳодирларга алоҳида совринлар белгиланади. Бу тадбирдаги энг жасоратли ҳаракат дея баҳоланди. Амир Темур қўшиндаги энг ботир ва баҳодир шерюрак жангчиларни ана шу йиртқич ҳайвонлар билан яккама-якка жангга чорлаб, кураш голибига энг зўр соврин ажратишини эълон қилди. Бу олишувлар мусобақа тадбирининг авж палласи бўлди. Довюраклар довюраги шу курашга рози бўлиб, „Майдонга чиққан мард манглайини қашламас“ ҳикматидан руҳий мадад олиб рўйхатга ёзилардилар. Булар туркий дунёнинг ҳақиқий шерлари эдилар. Бу мусобақа орқали Амир Темур қўшинидаги жангчилар орасидан янгидан марду майдонларни кашф этмоқчи бўлди. Туроннинг



кўплаб баҳодир шерлари Осиё чўлу биёбон, тоғу тошлари, тўқайзорлари йиртқичлари билан олишувга тайёрлигини билдириб, мусобақа котибидан рўйхатга киритишни сўрадилар. Амир Темури бу мард баҳодирларининг навбат билан курашувчилар сафини тобора тўлдириб, кўпайиб бораётганлигидан боши осмонга етди. „Бундай жангчилари бўлган Ватан улар билан ҳар қанча фахрланса арзийди, бундай паҳлавон жангчилари бўлган қўшинга фақат ғалаба ёр бўлади“, дея Соҳибқирон Шайх Нуриддин, Шоҳ Малик, Худойдод ва бошқа йирик лашкарбошиларига мурожаат қилди, воят руҳланиб. Қўмондонлар бир овоздан: „Худди шундай улур амиримиз!“ дея ҳукмдорининг сўзларини маъқуладилар.

Ўтрорга келгандан бери Соҳибқиронни ҳеч ким бугундагидек хурсанд ҳолда учратмаган, уни қиш билан боғлиқ лашкар ташвиши тобора ғамга ботираётган эди. Шунингдек, унинг уч юздан ортиқ амир, лашкарбошилари, саркардалари ва жамики жангчиларининг тушкун ва ҳадик кайфиятларида ҳам кўтаринки руҳият яққол кўзга ташланди.

Қўшиннинг кайфиятини янада кўтариш учун Соҳибқирон шахсий жасорат кўрсатиб, саркарда ва жангчиларнинг руҳини кўтармоқчи бўлди. Музни ёриб, қаҳрли қишни писанд қилмасдан, сувга тушиб чўмилди, сўнгра юпқа кийинган ҳолда соч-соқолини олдиришга киришди.

Аммо бу кўтаринки ҳолат узоққа чўзилмади. 1405 йил 11 февраль куни қувонч кесилди. Амир Темури ўзини шу куни ёмон ҳис қила бошлади.

Сўнгра жисми жони қизиби, ҳарорати кўтарилди. Амир Темури бу касалликнинг аввалдаги чалинган касалликларидан бошқача тарзда жисмига қаттиқ ёпишаётганини дарҳол англайди. Начора, инсон ҳаёти ғаму шодликдан иборат. Ибтидоси бор бўлганидек бу ҳаётнинг бир кун келиб интиҳоси ҳам муқаррардир. Бу хусусда шоҳ ҳам, гадо ҳам тенгдир.

Туғилиш ва ўлиш бу жонзотлар олами учун қонуният ҳамда қисматдирки, инсон дунёга йиғлаб келади ва абадият дунёсига кетар экан, унинг кетидан йиғлаб қоладилар. Тақдири азал ёзиғи шундай. Бу қадимий тош битикларда ҳам ёзиб қўйилган: „Инсон болалари ўладиган қилиб яратилган“.

Етти иқлим ҳукмдори Амир Темурига ажратилган нон-туз ва емиш хирмонининг ҳам сўнги, бир неча кунга етгулик мисқоли қолган эди. Бу охираат дунёсига йўл олиш тайёргарлигига кифоя қиларди, холос. Буни сезган Соҳибқирон худди улур ва даҳшатли жанг олдидан мардона белни боғлагани каби умр поёнига етаётганини англаб, охираат дунёсига ҳам худди шу тарзда тайёргарлигини кўришга киришади. Мард жангчи учун ўлим кўрқинчи эмас. Бир донишманд айтганидек, кўрқоқ ва номардлар юз бора тирилиб, юз бора ўладилар, мардлар эса бир марта ўлади, аммо ўлаётиб ҳам мағрурона ўладилар. Амир Темури шундай ўлимга тайёр эди. Ҳаётининг сўнги кун ва дақиқаларидаги Соҳибқироннинг ўзини тутиши ва энг яқинлари, саройнинг атоқли арбоблари, йирик саркардаларига охириги нафасигача зарурий кўрсатмаларни дадил тарзда бериши бунинг яққол исботидир.





ВИДОЛАШУВ ВА ЗИЛ КЕТГАН ҚАСАМ



ФОЙДА БЕРМАГАН МУОЛАЖА

Соҳибқирон муолажасига Шарқнинг машҳур табиби мавлоно Фазлуллоҳ Табризий ва унинг энг иқтидорли шогирдлари ҳамнафасликда киришдилар. Мавлоно Амир Темурнинг шахсий табиби бўлиб, ҳарбий сафарлар ва хоҳ тинчлик даври бўлсин, ҳукмдор ёнида доимо ҳозир нозир эди. „Зафарнома“да таъкидланганидек, мавлоно Табризий олдига тушадиган ҳозиқ табиб дунёнинг ҳеч қаерида бўлмаган. У табобат отаси Гиппократ, Ибн Сино ва ар-Розийлардан кейинги мавқедаги табиблар сирасидан бўлган.

Мавлоно Фазлуллоҳ бор илми ва иқтидорини ишга солиб, Соҳибқиронни даволашга бутун вужуди билан киришди. Аммо ижобий ўзгариш ўрнига касаллик хуружи тобора кучая бошлади. Мавлоно Фазлуллоҳдек забардаст табиб ҳам чора тополмай, қаттиқ изтиробда қолиб сиқилади. Энг кучли дорилар ҳам фойда бермайди. Ҳақиқий табиб учун энг оғир дамлар, бу ўз ҳаракатининг зое кетиб, бемор аҳволининг оғирлашиб боришини кузатишдир. Касаллик билан шундай шароитда олишаётган Амир Темурнинг ақли, ҳуши ва онги ўзида бўлиб, фикрларини аниқ-тиниқ ифода қилган. Аҳволи жиддий бўлишига қарамай йирик лашкарбошилардан қўшиннинг иқтисодий ва жанговарлик ҳолатларини навбат билан қабул қилиб, бирин-кетин қисқа, аммо лўнда ҳамда аниқ ҳисоботларини олган, тегишли кўрсатмалар берган. Бу умрини зафарли ҳамда тенгсиз қўшин барпо этишга бағишлаган ҳарбий даҳо инсоннинг — буюк саркарданинг ўз лашкарбошиларига берган энг сўнги топшириги ва улардан олган сўнги ҳисоботи эди. Жаҳонда бундай ҳарбий даҳо арбоблар барча даврларда ҳам бўлавермайди. Ундай инсонларни Худо ёрлақан миллатга айрим даврларда илоҳий назар билан ато қилади. Ана шундай зот тўшакда михланиб ётган чоғида ҳам ҳатто келаётган ажални ҳам ўйламай, ўттиз беш йил давомида енгилмас қилиб тар-

биялаган, худди фарзандимисол ардоқлаган енгилмас қўшини гамини еб, унинг келажақ тақдирини ўйлаб ётарди. У бу қўшини билан Хитойни эгаллаб, сўнгра пойтахти Самарқандда буюк зафар тўйини бермоқчи эди, афсус. Яна бир сир унинг қалби тўрида яширин турарди. Бу ислом оламини Хитой аҳли нуфузи эвазига дунёда энг етакчи динга айлантириб, яратган Парвардигор ва олам аҳли сарвари Муҳаммад с.а.в. ҳузурига янада ёруғ юз билан боришдек улуғ мақсади эди. Ана шундай буюк мақсадларни қалбида жойлаштирган Соҳибқирон юраги тобора уришдан сусайиб борар, даврнинг улуғ табиби эса чорасиз, ўзини қўярга жой тополмас эди. Бу вақтда ўлим фариштаси Азроил ҳам Арши аълода макон қурган оламлар яратувчисидан заминнинг Ўтрор қалъасидаги жаҳонгир Қароргоҳига кириш тўғрисидаги кўрсатмасини олишга тайёрланар эди. Унинг тайёргарлиги Соҳибқироннинг оиласи ва энг ишончли вазирларидан Шайх Нуриддин ва Шоҳ Маликлар билан видолашув вақтига тўғри келди. Бу Арши аъло билан Амир Темурнинг илоҳий-руҳоний боғланаётганлигининг даракчиси ҳам бўлди. Негаки, Азроил Арши аълода кўрсатма олаётганида Соҳибқирон омонат жонини топшириш тайёргарлигига киришаётган эди. Бундан атиги бир кун аввал Соҳибқирон туш кўриб (шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темур бўлажак ҳодисаларни кўпинча тушида аён бўлишини „Тузуклар“ида бир неча бор қайд этиб ўтади), уни эрталабоқ суюкли маликаси Сароймулкхонимга маълум қилган эди. Аслида бу видолашувнинг бошланиши эди. Шу туш воқеасидан Амир Темур ўз умри поёнига етганлигини англаган эди. Бу улуғ ҳукмдор ҳаёти якунига етиб борар экан, Чин-Мочин императори билан сўнги ҳисоб-китобни амалга ошира олмай кетаётганлигидан армонда эди, минг афсус. Илоҳдан ўлим фариштаси жон олишга келса, уни қайтаргувчи куч йўқ.



Соҳибқирон аҳволи оғирлашаётган кечада туш кўради. Тушида отаси Муҳаммад Тарағай баҳодирни кўради. Ўзи севган тулпорини миниб, қалин қамишзордан ўтаётиб, отини ҳам тез юришга қистанг қилса-да, негадир тулпори шу сафар унинг деганига юрмай, ҳечам тезлигини оширишни истамайди. Аччиқ қамчи уриб, уни илдам юришга ҳарчанд уринса ҳам, ҳатто йўрғалашга ҳам ҳафсаласи бўлмайди. Ана шу пайтда қалин қамишзорлар орасидаги йўлнинг чап тарафидан падари бузруквори унинг йўлини тўсиб чиқиб, отининг жиловидан ушлаганича яна келган томонига қаратиб тулпорини ҳайдаб солади. Орқасига шундоқ қараса падари Муҳаммад Тарағай баҳодир бирданига қамишзордан ғойиб бўлади. „Ота, отажоним!“ дея бир неча бор қичқирса ҳам жавоб бермайди. Ўзининг қичқирганидан Соҳибқирон уйғониб кетади. Неча соатлаб мижжа қоқмаган Сароймулкхоним ҳам бу пайтда пинакка кетган эди. Соҳибқироннинг алаҳсираб қичқирганидан уйғониб кетган Сароймулкхоним: „Улуғ ҳукмдорим алаҳсирадингиз, шекилли, узр қаттиқ ухлаб қолибман“, дейди. Амир Темур: „Шундоқ ҳам неча кундан бери мени деб мижжа қоқмадингиз маликам, бир оз бўлсаям мизғиб олиб яхши қилибсиз. Энди гапни жон қулоғингиз билан мендан эшитинг, имконим борида айтиб қолай, маликам. Ҳаммаси тугади“. „Нега унақа дейсиз, улуғ ҳукмдорим. Худодан ҳали умидим борки, Сиз билан узоқ яшаб, салтанатингизнинг ундан-да қудратли чўққисига чиқиб, унинг роҳатини бирга кўрурмиз, ҳазратим. Хитойга ғолибона юришларингизнинг музаффарият тўйларини дорис-салтанатингиз Самарқандда халқингиз билан бирга нишонлаймиз. Нега умидсизликка тушасиз, ҳукмдорим!“ „Қанийди шундай бўлса, катта хоним, таянчим менинг“. „Барибир, ҳар бир нарсани яхшиликка йўйинг-да, нега мени шунчалик қўрқитасиз, ахир!“ „Барибир маликам ҳақиқатга тик боқишимиз керак, яширишдан не фойда. Сизнинг ақлу фаросатингиз менга доим куч бағишлаган. Кўз ёши қилмай бу ёғини эшитинг“, дея кўрган тушини суюкли маликасига айтиб берди, Соҳибқирон.

Малика Сароймулкхоним улуғ амирининг бу сўзларидан аввал мунгли йиғлади, сўнгра гўзал ва ойга қиёс юзлари кўзларидан оққан шашқатор ёшлардан ювилди, сўнги бор Султонининг юзларига юзларини босганича йиғлаб бўзлади. Негаки, ўлим уларни бир-биридан шафқатсизларча ажратмоқда эди. „Бу ёғига энди маҳкам бўлинг маликам. Сиз шу аҳволда турсангиз мен қийналаман, бошингизни кўтаринг“, деди Амир Темур тақдир аста-секин уларни абадиятга ажратаётганлигини билгандек. Ҳақиқатан ҳам 1370 йилнинг айни баҳорида „энди бизни ўлим ажратади“, дея қилинган аҳду паймондан сўнг ўтган ўттиз беш йил худди бир лаҳзада ўтгандек. Бу пайтда эса ўлим эшик қоқиб турарди.

Малика Сароймулкхоним, „Мен ҳозир мавлоно табибингизни чақирурмен, улуғ амирим“, деганида, Соҳибқирон: „Йўқ маликам, мавлоно Фазлуллоҳ ўз бурчини бажариб бўлди, фойдаси йўқ. Ўлим ҳақ бўлиб ёқадан олганида ҳозиқ табиб ҳам ночор қолган, энди у кишини қийнаманг. Сиз маликам, мен айтган одамларни чақиринг, фурсат ганимат, айтганимни тезроқ қилинг, акс ҳолда... кеч қоламиз бўлинг, вақт оз қолди, маликам“, илтижолли оҳангда деди Соҳибқирон. Ўша лаҳзаларда Ўтрор ва Қароргоҳ даҳшатли фожиавий воқеа бўсағасига яқин турарди.

Амир Темурнинг ҳаёти хирмонига ажратилган ноз-неъматлар насибаси якунига етай деб, абадият дунёси ҳудудига ўтиб олишларига озгина масофа қолган эди. Буни ботинан ва руҳан сезиб турган Амир Темур дунёвий муаммоларга даҳлдор масалалардаги васиятомуз сўзларини оиласи, шахзодалар ва энг содиқ амирларига айтиб қолиш илнжида Сароймулкхонимни шоширмоқда эди. Акс ҳолда ҳаяллаб қолинса, бу айтилиши шарт бўлган салтанат хусуси ва унинг кейинги тақдирига даҳлдор муҳим гаплар, Худо кўрсатмасин бирдан жон фарғарага келса, бир оғиз сўз тилга ё келгай ё келмагай. Шундан Соҳибқирон қаттиқ хавотирга тушаётган эди.

КЎРМАГАНЛАРГА КЎРИШМОҚ ҚИЁМАТГА ҚОЛДИ

14 февраль етти иқлим ҳукмдори Соҳибқирон бир оз ўзига келади. Гап-сўзлари анча тиниқ чиқади. 1405 йил 15—16 февраль кунлари Амир Темурнинг иссиғи яна кўтарилади. Ҳеч қандай дори-дармон ижобий таъсир қилмайди. Сароймулк-хонимга номма-ном айтилган вазирлардан Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик, Қароргоҳидаги энг йирик лашкарбошилардан икки-учтаси, шахсий қўриқчилар бошлиғи ҳамда улуг беклардан энг ишончлиларини ҳузурига чорлади. Шу йиғилганларга Соҳибқирон сўнгги васиятини ирод этди. Бу видолашув эди:

„Яхши билурманки, — дейди Амир Темур, — жон қуши тан қафасидан Арши аъло сари учмоққа шайдур. Муқарраким, Аллоҳ паноҳидан жой топғумдир. Сизларнинг ҳаммангизни унинг паноҳида қолдираман. Истайманки, бу оламини тарк этганимдан сўнг, ун чекиб, йиғлашга тутинмангиз, бу мутлақо фойдасиздир. Аллоҳдан мен учун марғират сўраб, Қуръон ўқиб, руҳимни унинг калималари тиловатидан мунаввар ва шод этингизлар. Ўзига шукроналарким, бугун Эрону Туронда бизга қарши чиқадиганлар йўқ. Аллоҳ таолодан умидим шулки, гуноҳларим кўп бўлишига қарамай, у менга раҳмшафқат қилгай, чунки мен золимлар қўли мазлумларга етмасин учун, улар қўлини калта қилдим. Ўз давримда зўрларнинг ожизларни хўрлашларига йўл қўймадим. Бу дунёда садоқат ва доимийлик йўқ, у менга вафо қилмадим, сизларга ҳам шу йўлни тутади. Осойиш ишларига (тинчлик ишлари) эътиборсиз бўлманг, сабаби хавф-хатарлар кучаяди, бузғунчилар бу ҳолатдан фойдаланиб қолишга интилади ва бундан мусулмонлар азият чекадилар. Қиёмат кунида бу ҳақда қаттиқ сўралади.

Энди эса Пирмуҳаммад Жаҳонгирни валиаҳд қилиб тайинлайман, менинг ўрнимга ҳукмдор у бўлади. Мамлакат пойтахти Самарқанд ҳам униқидир.

У мустақил ва кучли ҳукм суриши, ҳамиша давлат ишлари, қўшин ва аҳолининг аҳволидан огоҳ бўлиши лозим. Барчаларингиз унга итоат этишларингиз, бамаслаҳат у топширган ишларни бажаришларингиз керак, шунда салтанат пароканда бўлмайди, шунда мусулмондан хавфу хатар, зиён-заҳмат узоқ бўлади. Шунда менинг кўп йиллик меҳнатларим зое кетмайди. Шундай бўлсинки, ораларингиздаги ҳамжиҳатликни билсинлар ва кўрсинлар, бирортада исён қилишга ёхуд қаршилик кўрсатишга куч қолмасин.“

Соҳибқирон ўз васиятини ирод этиб бўлгач: „Амиру беклар, саркардалар йиғилсинлар ва васиятимда нима деган бўлсам, ҳеч бир ўзгаришсиз уларни сўзсиз бажаришга қасамёд қилсинлар. Бу ерда ҳозир бўлмаган бошқа беклар ва қўшин қўмондонлари ҳам худди шу кўрсатмамга қатъий амал қилган ҳолда иш тутсинлар“, деган амри хоҳишини билдирди. Соҳибқирон ҳузурида ҳозир бўлиб, унинг сўзини эшитиб турганлар жуда оғир аҳволга тушиб, бирин-кетин йиғлай бошлайдилар. Амир Темур билан барча оғир ва енгил дамларда унинг ёнида узоқ йиллар хизматда бел боғлаган, шундай садоқатлари учун таянч вазирлик лавозимларига кўтарилган Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик бўзлаб турган ҳолатда, Сизнинг жонингизни олгунча Парвардигор бизникини олсин эди, минг жонимиз бўлса барчаси Сизга садқа бўлсин“, дея пешаналарини гиламгача теккизиб хўнграб йиғлайдилар. Уларга қўшилиб видолашувда иштирок этувчилар барчаси янада оҳ тортиб уввос йиғлайдилар. Бу пайтда Соҳибқирон гоҳ ўзига келиб, гоҳ ўзидан кетаётган ҳолатни бошидан кечирарди. Ана шундай лаҳзаларнинг бирида етти иқлим ҳукмдори зўр-базўр, гоят ҳолсизланаётган ҳолатда: „Энди бефойда, кетмоқ муқаррар, сизлар ўз ишларингизда мардона бўлинглар“, деди. Шу сўзига жавобан унинг ҳузу-



ридагилар ўз қасамларини бир неча бор такрорлаб айтадилар. Афсуски, фарзанд ва набираларининг аксарият кўпчилиги бу қасамёд ва видолашувда йўқ эдилар, қўшинни қишдан чиқариш учун турли вилоятларга, то Тошкентдан тортиб Хитой чегарасигача бўлган қалъа ва шаҳарларга бўлиб юборилган эдилар. Уларнинг ҳар бирлари ана шу бўлиб юборилган қўшинга қўмондон қилиб тайинланган эдилар. Амир Темури ҳушига келган лаҳзалардан бирида яна қасам такрорланди.

„Улуғ амиримиз, то тирик эканмиз, Сизнинг васиятингизга содиқ қоламиз, бунга қасамёд этамиз, мабодо, бирор-бир Аллоҳнинг қули раҳнамомиз иродасидан четга чиқиб оғишадиган бўлса, ҳеч бир ишда ундайлар қўллаб-қувватланмағай. Биз ҳозирга қадар хизматда бўлиб келган қуллари, хизматдан ўзгасини билмадик. Васиятингизга сўнгги нафасимизгача содиқ қоламиз ва қасамёд этамиз. То тирик эканмиз, шундайлигимизча қоламиз, иншооллоҳ!“, дедилар.

Амир Темурининг жони танани тарк этиш учун рамоққа шошарди. Жон билан тана ўртасида қизгин кураш борарди. Тана етмиш йил жон билан руҳ воситачилигида иттифоқлашиб осуда яшаб келдилар. Энди яна бир неча дақиқа ўтиб, бири, яъни руҳ осмон кенглиklarининг етгинчи қавати Арши аълода макон қурса, тана жасадга айланиб ерости мулкига қўшилади. Ана шу лаҳзалар жуда яқин қолганлигини ҳис қилган Амир Темури ҳузуридагилар билан сўнгги бор мулоқотга киришди. Шайх Нуриддин ва Шоҳ Малик Соҳибқиронга мурожаат қилдилар: „Тошкентда турган Халил Султон ва яқин шу атрофдаги беклар, саркардалар ҳам шу ерга келишса ва ўз оғзингиздан шу муборак сўзларингизни ўз қулоқлари билан эшитсалар жуда яхши бўларди. Биз васиятларингизни уларга етказурмиз“, дедилар.

Ҳукмдор уларга, „Вақт жуда оз, ортиқ куч йўқ. Бу ерда ҳозир бўлмаганлар ва келолмайдиганлар

билан қиёмат кунида дийдор кўришамиз. Улар билан кўришмоқ энди қиёматга қолди. Мен сизларга яна бир бор айтаман, Аллоҳга шукурлар бўлсинки, бу ёруғ оламда амалга ошира олмаган бирорта орзуим қолмади. Фақат ўғлим Шоҳрухни ҳозир бир кўрсам, дегандим“, дейди. Шу онларда яна жон ҳалқумга яқинлашиб, яна бир нафасгина тин олиб мулоқотни яқунлашга имкон яратиб берди. Ўлим фариштаси Азроил ушбу мулоқот бутун бир улуғ миллат, буюк салтанат тақдирига дахлдорлиги учун яна бир оз шароит яратиб, сўнгра ўн саккиз минг оламини яратган Олий ҳукмдорим ҳузурига жонни олиб бориб топширсам, менга нега кечикдинг демас ахир, тарзида иш тутадиган бўлди.

Натижада мулоқот қўйидагича интиҳо топди: „Охирги сўзларимни эшитинглар: нимаики қилган ва айтган бўлсам мамлакат, юрт ободонлиги, тинчлигини ўйлаб қилдим. Яхши эсда тутинглар, камбағаллар ва ожизларнинг ҳолидан хабардор бўлиб туришни унутманглар. Қўлда қилишни маҳкам тутинг, ана шунда Сиз ҳам мен каби салтанатни идора этасиз. Эрон ва Туронни унинг душманларидан қутқарурсиз. Мен адолат ва яхшилик билан оламини обод қилдим, агар Сизлар мен айтган васиятим асосида иш кўрсангизлар ва адолат билан ҳукм сурсангизлар, унда узоқ йиллар ҳокимият ва мамлакат Сизларнинг қўлингизда бўлади. Бордию, ораларингизда ихтилоф юз берса, бу яхшиликка олиб бормади“.

Шу сўзларни айтиб бўлиши билан Соҳибқироннинг аҳволи ҳар қачонгидан оғирлашди. Барчани бирлик, якдиллик ва аҳилликка чорлаши Соҳибқироннинг охирги сўзи бўлди. „Ла илаҳа иллаллаҳ“ калимасини бир неча бор такрорлаганча ҳушидан кетди ва шу билан қайта ўзига келмади. Ана шу жараёнда қаср ҳовлисида мавлоно Убайдуллоҳнинг ўғли Қуръон тиловатини ўқиб ўтирар экан, ичкарига таклиф этилди ва Амир Темурининг

имонини уюриб туришга киришди. Шу тариқа Соҳибқироннинг дунёвий ишлари билан Аллоҳ ҳузурига борадиган йўлига Илоҳий робита ҳосил қилинди. Тиловат жоннинг танадан ортиқча қийинчиликсиз чиқиб кетишига руҳий мададкор бўлиши лозим эди. Шом ва хуфтон намозлари оралиғида „Ла илаҳа иллаллаҳ“ калималари ҳамоҳанглигида руҳ ўз вазифасини бажариб, омонат танани тарк этганлигидан Арши аъло эгасини бохабар қилди: „Эй Яратгучи, мен сизнинг бир бўлагингиз ва хусусиятингизнинг бир қисми эдим, ҳузурингизга буюрганингиздек қайтдим“. Бу пайтда Амир Темур ҳазратлари Қароргоҳида оламни тутувчи, юракларни эзувчи фарёд йиғиси — мотам ҳукмронлиги бошланганидан дарак берарди. Бу ғоят қайғули ҳодиса 1405 йил 18 февраль куни шом ва хуфтон намози оралиғида Соҳибқироннинг саодат дунёсига абадий кетган куни сифатида тарих қилиб битилди.

Аламли йиғи фарёдлари Ўтрордан бошланиб, Самарқандда ўзининг авж палласига етди. Шу кунга қадар дунё дунё бўлиб Соҳибқирондек ҳукмдорни кўрмаган эди.

Хитойнинг Мин сулоласи салтанатига қарши ҳужум бошланиши арафасида Ўтрорда Соҳибқирон Амир Темурнинг танасига кирган бедаво касаллик туфайли бу юрт тасодифан омон қолди. Соҳибқирон Амир Темур эса бу амалга ошмаган қарори ва армонини ўзи билан мангуликнинг борса келмас абадият оламига олиб кетди. Буюк саркардасиз ҳамда унинг доимий ғалабаларига мойил бўлиб қолган музаффар қўшин эса жанговарлик кийимларини ечиб, мотам либосига бурканди. Оғир қайғу ва ҳасрат билан Соҳибқироннинг ҳеч қачон эгилмаган ва мағрур ҳилпираган байроғини эгиб, орқасига — Самарқанд томон қайтишдан ўзга илож топмади. Шу билан Соҳибқирон Амир Темурнинг ўттиз олти йиллик тождорлик ва зафарлардан-зафарларга уланган жанговар ҳаракатлардан иборат

фаолият саҳифаси ҳам ёпилди. Халқимизда кимга тўй, кимга аза деганларидек, Хитой омонлик соҳида қолди. Салтанат ва унинг юраги бўлмиш Самарқанд эса оғир мусибат сукунатига чўмди. Бу юрт учун буюк фожеавий бир йўқотиш бўлди.

Синчков муаррихлар Соҳибқирон Амир Темурнинг 36 йил ҳукмронлик қилиб, унинг фарзанд ва набиралари ҳам ўттиз олтига бўлганлигини келтирадилар.

1405 йил 18 февралга ўтар кечасидан Ўтрор ҳокими Бердибек саройида бутун салтанатни ларзага келтирадиган оғир мотам ҳукмронлиги бошланди. Буюк салтанат таянчи Соҳибқирон энди ерости дунёси мулкига айланди. Ҳамма, яъни унинг оиласи ва Қароргоҳи аъзолари йирик лашкарбоши ва вазирлари барчаси қарийб қарахт ҳолга тушган эдилар. Сабаби аниқ, энди йирик салтанат тақдирини маъна бўлади, қабилдаги савол уни дафн этишдан кўра юз чандон оғир ва мураккаб муаммога айланди. Эндиликда жаҳонгирга хос истеъдод ва ташкилотчиликни Пирмуҳаммад шаҳзода уддасидан чиқиб амалга ошира оладими? Валиаҳд сарой аҳлининг бошини қовуштириб туришнинг уддасидан чиқа олармикин? Шунингдек, Амир Темур ўғилларидан Шоҳрух ва Мироншоҳлардан ҳеч бирини тожу тахтга муносиб кўрмай, Жаҳонгир Мирзо ўғли Пирмуҳаммад шаҳзода уни ўз вориси қилиб васият этди. Буни Соҳибқирон ўғиллари қандай қабул қилади? Ишқилиб ўғил ва набиралар бир-бири билан тожу тахт талашиб салтанатнинг емирилишига олиб келмасайди? Қароргоҳда шундай шубҳа, гумонлар йўқ эмасди. Қароргоҳдаги йирик лашкарбошилар ва Амир Темурнинг вафоти чоғида воқеа бошида турган оила аъзолари оқибат васият хусусида бир қарорга келиш ҳамда тобутни Самарқандга элтиб, жасадни дафн этиш маросими каби масалаларни келишиб олишга қарор қилдилар.

19 февраль тонгида Ҳиндушоҳ хазиначи, Амир Шоҳ Малик, Шайх Нуриддин, Хожа Юсуф руҳ-



сати билан жасадни ювиш исломий шариат асосида амалга оширилди. Шу жараёнда Амир Темурнинг васиятини мавлоно Қутбиддин мотам иштирокчиларига эшиттириб такрорлаб турди. Унинг орасида галма-гал Қуръони Карим оятлари ҳам ўқиб турилди.

Юқорида номлари тилга олинган амиру вазирлари Амир Темур васиятини сўнгги нафасгача амалга оширишга содиқ эканлигини яна бир бор билдириб, шу хусусда доимо яқдилликларини эълон қилдилар. Улар Амир Темурнинг энг йирик амир ва вазирлари эдилар. Улар Хитой юришини давом эттириб, Соҳибқирон руҳини шод қилишга ҳам келишиб олдилар. Кенгашда Амир Темур ўлимини сир сақлашга қарор қилинди. Шу боис хотин-халажларга йиғи ҳам ман этилди. Чунки бундан ғанимлар, айниқса, Хитой императори хабар топишидан хавотирда бўлишди. Саройдаги юз берадиган саросималик ҳам бундан мустасно эмасди. Хитой юришига буйруқ кутиб турган Тошкентга қадар қишлоқ чодирини тиккан лашкарбоши ва амирлардан Халил Султон ва Султон Хусайнларга чопар жўнатилди. Уларнинг ҳар иккисидан йирик қўшин мавжуд эди. Аммо уларга юборилган чопарларга Соҳибқиронни вафот этди деб эмас, оғир касал деб айтиш топширилди. Хизр Қавчин шамол тезлигида йўл босиб Тошкентга, Халил Султон Қароргоҳига йўл олди.

Худди шундай хабар Фазнага мактуб билан жўнатилиб Пирмуҳаммаднинг тез етиб келиши, унинг валиаҳд қилиб тайинланиб, тожу тахтни қабул қилиши лозимлиги айтилди. Шундай хабарни Соҳибқироннинг Ҳиротдаги ноиб — ўғли Шоҳрух Мирзога етказиш учун Темур Қавчин жўнатилди. Амир Темур ташкил қилган пойга мусобақаларнинг бир неча бор ғолиби Али Дарвеш (у моҳир суворий

жангчи эди) Табризга Умар Мирзо ҳузурига Ора Темур Бағдодга, Мироншоҳ ва Абу Бакр Мирзоларни хабардор қилишга жўнатилди. Салтанатнинг турли ноибликларига шу тариқа шамол тезлигида хабаргирлар йўл олдилар.

Тобутни безаш ишлари эса Сароймулкхоним бошчилигидаги маликаларга топширилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темурнинг нафақат оилавий, ҳарбий ва сиёсий фаолиятини, балки касаллиги билан ўлим жараёнигача бўлган воқеаларни сохталаштириш ва уйдирмалардан иборат тарих битишга жаҳд қилувчилар топилди. Бу сохталаштирувчилар битган битиклар Амир Темурга ёмонотлиқ тамғасини босишдан манфаатдор бўлган шовинистик мафкура салтанатининг ҳукмдорлигига сиёсий қурол бўлди. Собиқ мустамлакачилик тузуми нега шундай буюқ инсон узоқ давр ўзларида туғилмай, унинг мустамлака ўлкасида туғилганлигидан жоҳилларча жиғибийрон бўлиб, унга туҳмат, қора чаплашдан ҳеч чарчамадилар. Охир-оқибат буларнинг 150 йил туҳмат тошларини ота-ота чарчаган чакаklarини тарих ҳукмига кўра Мустақиллик муҳри қиздириб босилгачгина маҳкам ёпиб ўчирилди. Бир ярим аср Ватанидан қувғин қилинган халқ ва миллатнинг буюқ қаҳрамонлари жангу жадалларда қандай шиддат билан олға босган бўлсалар, Мустақил она заминига шундай кўтаринки руҳ ва шодлик қувончлари билан Жалолиддин Мангуберди ҳамда Амир Темур гижинглаган тулпорларида кириб келдилар. Уларнинг отлари дупурини эшитиш халқимизга нақадар қувонч келтирди. Миллий ўзликни англашда муҳим омил бўлди. Негаки, миллатнинг обрў-эътибори баланд бўлишида буюқ аجدодларининг оламшумул хизматлари боис жаҳонда юлдуздай чақнаб туриши муҳим аҳамият касб этади.

ҚАСАМХЎРЛИКМИ ЁКИ ХИЁНАТКОРЛИК БОТҚОҒИ

*То ҳирс ва ҳавас хирмони шамолга соврилмас экан,
То нафс ва ҳаволаниш қасри йиқитилмас экан,
То зулму ситам бош олиб кетмас экан,
Эл шод, мамлакат обод ўлмас ҳеч қачон.*

АЛИШЕР НАВОИЙ

Соҳибқирон Амир Темур „Тузуқлар“ида инсонларнинг инсонийлигини юқори мавқега кўтарувчи мардлик, шижоат, баҳодирлик ва жасорат, адолат ва ҳақиқатпарварликка йўғрилган туйғулар имонийлик қалъаси ва посбони сифатида эъюзланади. Бундай ҳаракат жабҳасида турувчилар Соҳибқирон ва унинг салтанатида гоят қадрланган, бундайларнинг иззату ҳурмати баланд тутилган. Салтанат миқёсида бундай инсонлар ибрат қилиб кўрсатилади. Аксинча эса сотқинлик, халққа жабр-зулм қилувчи амалдорлар, қароқчи ва йўлтўсарлик, фирромлик, лаганбардорлик ҳамда ёлғон, тухмат, чақимчилик каби иллатлар қаттиқ қораланади, нафрат билан тилга олиниб қолмай, бундай шахсларга нисбатан жазо чоралари қўлланилиши ҳам таъкидланади.

Демак, Амир Темур жамият ва давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган ҳар қандай салбий кўриниш ва ҳаракатларга аёвсиз курашган, атрофидаги амалдорларини ҳам шунга ундаган, даъват этган. Салтанат ва жамиятнинг гуллаб яшнашига хизмат қиладиган омишларга эшикларни ланг очган, ҳомийлик ва ғамхўрлик кўрсатган.

Амир Темур сиёсий кураш майдонига кирган давр билан тахтдаги ҳукмронлик даври фаолиятини қўшиб ҳисоблаганда салкам эллик йиллик даври сиёсий кураш, ҳукмдорлик, дунёнинг энг йирик салтанатини барпо этиш остида ўтди. Бундай салтанат барпо қилган ҳукмдор бу ишларнинг ибтидоси бўлганидек бир кун келиб интиҳоси бўлишини ҳам бир мўмин инсон сифатида яхши англади. Буни ўзининг ўлимолди васиятларида энг яқин инсонлари — маликалари, набиралари, вазир, девонларию

йирик саркардаларига ҳам қайта-қайта таъкидлаган. Айниқса ўзининг Қароргоҳида фаолият юритувчи аркони давлат ва аркони дин улўғларига қарата: „Шундай бўлсинки, ораларингиздаги ҳамжиҳатликни дўсту душман кўрсинлар, билсинлар, ана шунда исён қилишга ёхуд қаршилик кўрсатишга мойиллик билдирувчиларнинг ҳафсаласи пир бўлиб, шайтоний васвасага тушишга ўрин қолмагай. Шунда менинг кўп йиллик меҳнатларим зое кетмайди. Сизлар мен айтган васиятим асосида иш кўрсангизлар ва адолат билан ҳукм сурсангизлар, унда узоқ йиллар ҳокимият ва мамлакат Сизларнинг қўлингизда бўлади. Борди-ю, ораларингизда ихтилоф юз берса, бу яхшиликка олиб бормади“, дейди.

Соҳибқирон бу сўзларни урғу бериб, таъкидлаб айтиши бежиз эмасди. Амир Темур ўздан олдин минг йилликларда ўтган салтанатлар, сулолалар тарихини яхши биларди. Буни ўрта асрлар даврининг йирик файласуфи ва тарихчиси Ибн Халдун ва Соҳибқирон билан баҳс, мунозараларда қатнашган замондош тарихчи олимлар ҳам эътироф этган эдилар.

Аҳоманийлар, Бобил, Вавилон, Қадимги Миср тарихларидан ғазнавийлар, сомонийлар ва хоразмшоҳлардаги ички низолар қандай фалокату оқибатларга олиб келганлиги Соҳибқиронга яхшигина аён эди. Ана шу тарихлардан сабоқ олиб тегишли хулоса чиқарган Амир Темур ҳаётининг сўнгги даврида фарзанд ва набираларининг мардлигу шижоати, жанглардаги баҳодирликларидан тортиб ҳар биридаги нуқсонларигача яхши биларди. Гарчи набиралар тарбиясини Сароймулкхоним, Туман оқа,



Тукал хоним сингари оқила маликалари тарбиясига берган бўлишига қарамай, бу набираларнинг ҳар бири жанг майдонининг баҳодир ва шерлари эди. Аммо ҳар бирининг ўзига хос феъл-атворларида давлат, жамият, қариндошчилик, ҳокимлик, ноиблик масалаларида дунёқараш, фақат ўзларигагина маълум бўлган кўнгил тўридаги пинҳоний, фақат вақт деб аталмиш ҳакамгина назорат қила оладиган жиҳатлари мавжуд эди. Бу яширин жиҳатлар Амир Темур даврида ҳали улар ёш бўлганлари учун яхши пишиб етилмаган эди. Улар ўсиб ҳаракатга келиш, тулпор жilовини ўз мақсадлари сари бемалол қўйиб юборишлари учун тарихий вазият шароити етилишини кутарди. Бундай шароитни таъминлаган асосий омил буюк қудрат эгаси бўлган Амир Темур бобосининг бу дунёни тарк этиб, абадият дунёсига кетиши бўлди. Энди орзулар, истаклар бемалол қўзланган мақсад сари парвоз қилса бўлаверарди. Салтанатнинг бўшаб қолган тахти битта, аммо фарзандлару набиралар сони салкам қирқта. Демак битта тахт учун камида унга тўрт-бешта даъвогар исён ва кураш байроғини кўтарганларида ҳам Соҳибқирон Амир Темурдан уларга қолган икки юз элик минг қўшин камида тўрт-беш ғаним гуруҳларга айланади демакдир. Агар уларга тарафкашлик қилувчи Соҳибқирон амир ва саркардаларининг саъй-ҳаракатларини қўшадиган бўлинса, салтанатнинг турли вилоят ва ноибликлари олов ҳосил қилувчи қарама-қарши кучларга дангал ажралиши муқаррарлиги яққол кўзга ташланиб туради.

Амир Темурнинг ўлимолди ташвишланиши беҳуда эмаслиги Соҳибқироннинг жасади Самарқандга бориб дафн қилинар-қилинмас ўзининг исботини топди. Тоғу тахт васвасаси феълда анчагина қусурлар билан ўсиб-улғаяётган набира Султон Хусайннинг қалбида жазава уйғотди. У бобосининг вафоти қулоғига чалиниши биланоқ, Хитой сафарига отлантирилган тулпори жilовини ихтиёрида қўшини билан дарҳол Самарқанд сари бурди. Бобоси Соҳибқирон қизининг фар-

занди бўлган набирасини жуда яхши кўрарди. Бироқ бу суюкли набира Дамашқ учун жанг авж палласида ҳеч қутилмаган хиёнат сари қадам ташлаб, қўшин ва амирлари, эл-юрти олдида Соҳибқиронни иснодга қолдириб, боши эгилишига сабабчи бўлган эди. Бу гуноҳини ювиш учун Султон Хусайн Тўхтамишхон билан бўлган Шимоллий Кавказдаги Терек қонли жанги ва „Анқара қирғини“ номини олган жангларда ўлим билан юзма-юз турди. Энди бобоси вафот этганда биринчилардан бўлиб белни боғлаб Соҳибқиронни сўнгги йўлга йиғлаб-бўзлаб кузатиш ўрнига у борлиғи билан тоғу тахт эгаси бўлиш учун қиличини исён сари кўтарди. Бобоси Амир Темур руҳини биринчи бўлиб чирқиратиб, хиёнат сари иккинчи марта гумроҳлик содир этди. Сўнгра тоғу тахт учун курашиш касали амирзода Халил Султонга юқди. Унинг номзоди валиаҳдликдан четда ёхуд тилга олинмаганлигига қарамай, у ҳам Султон Хусайннинг қилиқларини такрорлаб, элик мингдан ортиқ зарбдор суворий қўшинини Тошкентдан қайтара солиб, сурон билан Самарқанд томон бурди. Шу тариқа тоғу тахт учун кураш пойғасини дастлаб икки набира бошлаб бериб исёнкорлик оловининг ўт олдирувчиларига айландилар. Уларнинг бу қилиқларию тоғу тахт даъвогарларига қарши қонуний валиаҳд Пирмуҳаммад Жаҳонгир Мирзо ўғли ва Амир Темурнинг кенжа фарзанди аржуманди Шоҳрух Мирзо бири Қобул, иккинчиси эса Ҳирот тарафдан Жайхун соҳили томон шиддат билан юришни бошладилар. Шу тариқа темурийзодалар бир-бирларига қарши қутблашув ҳудудига бўлиниб, ғанимлик байроғини муҳораба майдонига тикдилар.

Соҳибқирон Амир Темур тарбиялаган жанговар қўшин ва унинг забардаст донг таратган амиру саркардалари, авваллари қўлни қўлга бериб, ўзаро елкама-елка бир ёқадан бош чиқариб ёвларга даҳшат солган Ватан, эл-юрт баҳодирлари замон ғаддорликлари, бевафо дунё ўйинлари боис ғаним



гуруҳларга ажралдилар. Бу ҳам эл-юрт учун қора кунлар саҳифаси сифатида Ватан тарихидан ўрин олди. Амир Темур бу салтанатни барқарор қилиш учун баъзан неча тунлар ухламай суворий жангчи бўлиб жанг яловини мағрур кўтарган эди-ю, унинг кетида қолувчи набиралар қилаётган ҳирс ва ҳавас амалиёти уларни қандай фалокатлар гирдобига етаклаб борарди. Кўпчилик ҳавас, ғанимлар эса ҳасад қилган дунёнинг буюк салтанатида исён чўғи қаттиқ пуфланиб, олов ҳосил қилиниб бўлган эди. Бу олов атрофида кўплаб одамларни жасадга айлантиришга қодир бўлган ўлим фаришталарининг яйраб-яйраб, қизишгандан-қизишиб рақсга тушиб, сўнгра бу мақтулларнинг руҳларини Арши аъло маконига эргаштириб кетишга муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бу ҳодиса салтанатга офат, таназзул олиб келувчи сабаблардан бири эди. Бу олов билан ўйнашувчилар оқибат ўзларини ҳам домига бир кунмас бир кун тортишини билмасдилар. Ҳозирча эса уларнинг кўзига ғоят гўзал ва жозибали қилиб безанган тахт, унга келиб ўтириш олдидан киядиган ғоят жимжимадор жавоҳир, гавҳар ва бриллиант каби жилвагар тошлар билан зеб берилган шоҳлик тожию унинг кетидан бошланадиган базму жамшидона маишатбозлик тадбирларидан бошқа ҳеч нарса кўринмасди. Тожу тахтга ҳирс қўйиш темурий набиралардан анчасини сўқирга айлантириб, сароб майдонига етакларди. Шу тариқа ёвуз мақсадни кўзлаганлар оқил ва донолар устидан вақтинча бўлса-да ғолиб келиб, салтанат пойтахтида ҳукмронлик васвасасини таъминлашга имкон ва шароит

яратиб бердилар. Шу орқали буюк салтанатга инқироз эшиклари ҳам очилган эди. Унинг ҳеч бўлмаганда негизларини сақлаб қолиш учун ота-ўғил темурийзодалардан Шоҳроҳ Мирзо ва Мирзо Улуғбеклар қирқ йил гоҳ ҳарбий, гоҳ дипломатия усул ва муносабатларини ишга солиб, Амир Темур яратган салтанат бардавомлиги йўлида кураш олиб бордилар ва падар руҳини шод қилиш учун тер тўкдилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Шоҳроҳ Мирзони айрим тарихчилар шахсий сифатларига баҳо берганларида уни мутаассибликда айблашга мойиллик билдирадилар. У ҳам темурийзодалар орасида маърифатпарварлиги, олиму фозил, илм, санъат аҳллари ва ҳунар эгаларига ҳомийлиги жиҳатидан, шунингдек, етим-есир, бева-бечораларга эҳсонлар тортиқ қилиш каби инсоний сифатлари билан падари Амир Темурга ўхшаш жиҳатлари кўп бўлган. Бундан ташқари, отаси Соҳибқирон вужудга келтирган салтанатни жануби-шарқий ҳудудлар доирасида ҳам, қолаверса, Туркистонда сақланиб қолишида беқиёс хизматлар қилди. Бу фаолияти унинг ҳар қанча таҳсинга лойиқ жиҳатларидандир. Амир Темурда бўлган сифатларнинг барчасини улардан талаб қилиб, ўша ўлчов билан баҳолаш ҳам адолатдан эмас. Амир Темурдагидек ҳарбий, сиёсий, шунингдек, инсоний қобилияту сифатлар, битмас-туганмас ғайрат, айниқса, фавқулодда истеъдодли шахсларнинг минг йилларда бир келиши тарихий ноёб ҳодисагина эмас, унда илоҳийлик билан боғлиқ жиҳатлар борлигини назардан қочирмаслигимиз даркор.





„ТУЗУКЛАР“ – САЛТАНАТНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ





„ТУЗУКЛАР“ САЛТАНАТ КОНСТИТУЦИЯСИ МАҚОМИДА

„Амир Темур чиқарган қонунлар, аввало, барча табақаларнинг тинчлиги, фаровонлиги, энг муҳими, ҳар бир инсоннинг ташаббус ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши билан аҳамиятли эди“.

ЖОНН ЛОКК

Дунё маданий-маърифий оламида ҳозиргача Конституция сиёсий атамасини Франция буржуа инқилоби ва, қолаверса, Америка Қўшма Штатларида мустақиллик учун олиб борилган урушнинг якунидаги Олий Қомусий ҳужжат дея тарғиб қилиш тарихий адабиёт ва дарсликлардан мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда. Аммо бунга мантиқан назар ташлаб, бу атаманинг тарихий илдизларини таҳлил қилсак, Конституция айнан Фарб дунёсида эмас, Шарқда, унга яна зийракроқ маърифий кўз билан қарасак, бизнинг Ватанимизда пайдо бўлганлигини пайқаб оламиз. Фақат давлатни бошқариш асосий қонуни айнан Конституция дея номланмасдан, „Авесто“да ўзгармас қонунлар ёки қатъий қонунлар, Амир Темур давлатида эса қонунлар мажмуаси — „Тузуқлар“ соф туркий атама номи билан юритилган. Унда жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий — барча-барча йўналишларини бошқариш, ривожлантириш, салтанатнинг ички ва ташқи сиёсатини юритишга доир ечимлар ўз мужассамини аниқ топгандир.

Конституциянинг илк бор ибтидоси юртимиз ҳудудида шаклланганлигига раппа-расо 2700 йил, яъни йигирма етти асрдан ошди. Ана шунга таяниб Конституциянинг илк ижодкори ҳам бизнинг аجدодларимиз, унинг илк тамал тоши ҳам бизда қўйилган дейишимизга тўла асос бор. Негаки, қайси бир халқ ёки миллатнинг давлатчилик, маданият тамаддуни мозийнинг чуқур илдизларига бориб тақалса, ўша халқнинг миллий қадриятлари, қонунчилик асослари, ахлоқи ва урф-одатлари ҳам шунча қадимийлик заминига эга бўлади. Бу эса мазкур миллатнинг жаҳон халқлари цивилизациясидаги ўрни ва мавқеини белгнлайди.

„Авесто“нинг асл маъно-маҳзани „Қатъий қонунлар“ экан, давлатни бошқаришда ҳукмдорлар

ана шу қонун-қоидаларга таяниб ҳукмлар чиқаришган, фармонлар қабул қилишган.

Зардуштийлик таълимоти ғоялари тамомила гуманизм — инсонпарварлик мафқураси билан суғорилган буюк таълимот эди. Ана шу далилга таянадиган бўлсак, зардуштийлик ғоялари ва таълимоти жаҳон халқларига сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий, давлатчилик, қонунчилик тараққиётига катта таъсир кўрсатиб, умумбашарият учун инсонпарварлик, эзгу ҳаёт, тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат, оилани муқаддас билиш, комил инсон — солиҳ ва солиҳа фарзандлар тарбияси, эркин, ҳалол меҳнатга асосланган жамият қуришнинг порлоқ йўлини кўрсатишдек буюк миссияни бажарди. Негаки, „Авесто“ таълимотига қадар жаҳонда мавжуд бўлган давлатлар ва жамиятлар ўртасида барча қонун-қоидалар инсонларни бир-бирига ашаддий синфий душман ва ёвлашган икки қарама-қарши гуруҳ ҳамда синфларга бўлиб ташлаган ва уни синфий қонунлар билан ҳимоя қилган эди. „Авесто“ қонунлари давлат бошқарувининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ҳарбий, маданий-маърифий ҳамда ахлоқий жиҳатларини ўзида мужассамлаштириб, давлатни идора қилишда тамомила адолат тамойилига қатъий амал қилган. Бу хусусдаги хулосамиз шундан иборатки, „Қатъий қонунлар“ бу Конституциянинг Ватанимизда яратилган илк намунасидир. Амир Темур давлатида қонунчилик ва унга қатъий амал қилиш янада ўзининг такомил босқичига кўтарилди. Амир Темур „Тузуқлар“ини синчиклаб ўқиган ҳар бир зиёли бу ҳуқуқий қонун-қоидалар мажмуасини ўрта асрлар даври салтанатининг чинакам конституциявий мақомдаги ҳужжати эканлигига шубҳа қилмайди. Унда ўрта асрлар давлатчилигида камёб ҳодиса — Парламентчилик фаолияти ва унинг ҳуқуқий



негизлари ҳам ўз ифодасини топганлиги, шунингдек, бу ташкилотнинг шу йўсини тамомила сўз эркинлиги, давлат, жамиятнинг барча соҳаларига дахлдор масалалар Олий кенгаш муҳокамасида турли табақа ва ижтимоий гуруҳлар вакиллари иштирокида обдан ва атрофлича таҳлил этилгандан кейин қарор чиқарилганлиги янада ҳайратомуздир.

Амир Темурнинг сиёсат фалсафаси, аввало, Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф ҳикматлари, қолаверса, қалбда Худо, қўл эса меҳнатда бўлишини илгари сурган Нақшбандия таълимотидан озиқа олди. Амир Темур давлатининг мафкуравий асослари Хожа Аҳмад Яссавий ва Баҳоуддин Нақшбанд тасаввуфий ғояларига таянади.

Маънавий-ахлоқий феъл-атвори исломий ахлоқий ва маънавийлик асосида тарбия топган Соҳибқирон Қуръони Каримдаги сиёсий адолат тамойилига оид оятларини давлат, жамият ва Ватан куч-қудрати, унинг ҳар томонлама равнақига йўналтирар экан, бу билан IX — XII аср Шарқ уйғонишининг ундан кейинги, яъни XIV — XV асрлардаги иккинчи босқичини таъминлашга эришди. Бу жаҳон майдонидаги катта воқеа ҳисобланади. Бу ўрта аср сукунатидан воз кечиб тараққиёт йўлини танлаш демак эди. Амир Темур Конституциявий мақомга эга бўлган Бош қонунлар мажмуаси билан ўрта асрлар заиф жамиятини амалдаги тараққиёт, бунёдкорлик, маданий юксалиш кенгликларига олиб чиқди.

Тарихий-фалсафий, исломий-фалсафий илғор ғоялардан доимо баҳрамандлик ва фалсафий тафаккурини илм ҳамда ҳаёт тажрибалари билан уйғунлаштириш Амир Темурга улкан салтанатни бошқариш калитини берди. Унинг мустаҳкам қонун-қоидалари мажмуи — „Тузуқлар“ни яратиш ва давлат, жамият ҳаётига татбиқ этиш имкониятини яратди. Амир Темур „Тузуқлар“ асосига қурилган қонунлар салтанатнинг сиёсий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларини муштарак асосларда ривожлантиришга қодирлигини, оғир синовлардан муваффақиятли ўтишини исботлай олди. Натижада „Тузуқ-

лар“ Амир Темур заковати ва сиёсий тафаккурининг юқори чуққиси, шунингдек, даҳоси бўлганлигини ўрта аср муаррих алломай замон олимларидан тортиб, ҳозирги даврда яшаб келаётган шарқшунослар, давлат арбоблари, шунингдек, халқаро нуфузли ташкилотларгача барча эътироф қилдилар.

Буни ҳаётнинг барча оғир синовларига бардош берибгина қолмай, „Тузуқлар“га асосан фаолият кўрсатган ва унга тўла амал қилиб, жаҳон сиёсати, иқтисоди ва фан-маданияти равнақига самарали ижобий таъсирини кўрсата олган Амир Темур салтанатининг жаҳон мавқеидаги ўрни ва аҳамиятидан ҳам кўриш мумкин. Амир Темур „Тузуқлар“и (Конституцияси)нинг истаган бошқа бир Конституцияга асосланган давлатлар, мамлакатларга нисбатан мавқеи, аҳамияти тор доирада қолмай, жаҳон тамаддунига беқиёс ҳисса қўша олган. Дастурий ҳужжат, бугунга келиб эса, бебаҳо маънавий-маданий меросимизнинг таркибий қисмига айланганлигини кўриш мароқлидир. Шунингдек, „Тузуқлар“ шундай ҳикматлар хазинасидирки, унда ҳаётнинг бугунги муаммоларини ҳам ечишга доир кўплаб дониш фикрлар ўз мужассамини топгандир. Қатъий фикримиз шуки, „Тузуқлар“ ўрта асрлар ҳаётини тараққиёт, ривожланишнинг юксак босқичларига кўтарилишини таъминлаган қонунлар мажмуаси бўлиб, Ғарбий Европа ва АҚШ конституцияларининг пайдо бўлиши ва Ғарбда бозор муносабатларига асосланган янги жамият барпо этишда асосий омил вазифасини ўтади. Шарқда бу атама „Тузуқлар“ номи билан юритилиб, Амир Темур салтанати бошқарилган бўлса, Ғарбий Европада бу сиёсий атама Конституция номи билан сиёсий ҳаёт учун пойдевор, қонунлар мажмуаси ёки қонунлар яратишда бош — ўзгармас қонунлар номини олди.

Аслида, бу сиёсий атаманинг мазмун-моҳиятига ёндашилса, иккаласи ҳам бир хил мазмундаги туншунчадир. Демак „Тузуқлар“, яъни Конституциянинг асосчиси ҳам бизнинг аجدодимиз Соҳибқирон Амир Темурдир, дейишимиз мумкин.

ОЛИЙ МАЖЛИС ФАОЛИЯТИ ВА ЭРКИН ФИКР УСТУВОРЛИГИ

„Амир Темура амалга оширган буюк ишлардан бири эркин ва цивилизация институти сифатидаги давлатчилик ғоясини ҳимоя қилиш ва тараққий қилдиришдан иборат бўлди. Бу дегани, шахс эркинлиги таъминланиб, давлат ва жамиятнинг мувозанатли тараққиётига асос солинди, деганидир“.

ТАНИҚЛИ ҲИНД ТАРИХЧИСИ
САТИШ ЧАНДРА

Амир Темурнинг истеъдоди ва бемисл ташкилотчилик қобилияти у ташкил қилган салтанат тақдирига дахлдор Қурултой, Кенгаш ва Машваратларни чақириш ҳамда ғоят ҳаётий қарорлар қабул қилишда аниқ намоён бўлди. Бу қабул қилинган қарорлар салтанатнинг муҳим сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, фан-маданият, шунингдек, фуқаролар ҳаёти, фаровонлик, тинчлик ва осойишталигига дахлдор бўлар эди. Бундай давлат аҳамиятига молик Олий кенгаш ва Қурултойларни чақиришдан асосий мақсад турли гуруҳ ва табақаларнинг етилган муаммолари ва эҳтиёжларини билиш, шунга қараб ҳукмий хулосалар чиқариш эди. Натижада бу Олий йиғинларда қабул қилинган қарорлар ҳаётда ўзини ҳар жиҳатдан муносиб тарзда оқлар эди.

Кенгашлар икки хил — Катта кенгаш ва Кичик кенгашлардан иборат бўлган. Катта кенгашда иштирок этувчилар салтанат турли табақаларининг атоқли вакиллари (буни ҳозирги кунларда депутатлар шаклида ифодаланади) салтанатнинг ғоят долзарб муаммоларини ечишда чуқур баҳс-мунозаралар йўли билан ўз фикрларини эркин ва хоҳлаганча ифода қилганлар. Ҳеч кимга, сенинг фикринг хато ёки нотўғри, дея қайириб ташланмаган, дакки ҳам берилмаган. Соҳибқирон „Тузуқлар“ида кенгаш минбарига кўтарилган ҳар бир табақа вакилини диққат ва сабр-қаноат билан тинглаганлигини, Олий кенгашнинг мажлисида охириги сўзга чиқувчининг фикрини эшитиб, сўнгра қатъий ҳукмий қарорга келганлигини таъкидлайди.

Кичик кенгашда Амир Темурнинг ўғиллари, набиралари ва қариндошлари иштирок этиб, унда

оилавий, қуда-андачилик, ворис шахзодаларга мулк, суюрғол ва тархонлик инъом этиш, уларга келин танлаш кабилар (бу масала ҳам Соҳибқирон саройида давлат сиёсати даражасига кўтарилган масалалардан бири бўлган) муҳокама қилинган.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатини бошқаришда Олий кенгаш (Парламент) мавқеининг нақадар катта бўлганлигини ҳукмдорнинг ўзи муаллифлигида битилган қонун-қоидалар мажмуи — „Тузуқлар“ида яққол кўриш мумкин: „Салтанат ишларининг тўққиз улуши Машварат (Парламент), тадбир ва кенгаш, қолган бир улушини эса қилич билан бажо келтиришни англадим“.

Амир Темур Машварат ва Кенгашнинг салтанатни бошқаришдаги ғоят муҳим ўрнини пирикомил устози ўғит қилганини ёзади: „Абдулмансур Темур, салтанат йўлларида тўрт нарсага амал қилгил, яъни: 1) кенгаш; 2) машварату маслаҳат; 3) қатъий қарор, тадбиркорлик ва ҳушёрлик; 4) эҳтиёткорлик. Чунки кенгаш ва машваратсиз салтанатнинг қилган барча ишларини айтилган гаплари нотўғри бўлган жоҳил одамга қиёс қилиш мумкин, унинг айтган сўзлари ва қилган ишлари бошга пушаймонлик ва надомат келтирган. Шундай экан, салтанатни бошқаришда машварату маслаҳат ва тадбиркорлик билан иш юргизгин, токи оқибатда надомат чекиб, пушаймон бўлмағайсан. Шуни ҳам билишинг керакким, салтанат ишларининг бир қисми сабру тоқат билан бўлғай, яна бир қисми эса билиб-билмасликка, кўриб-кўрмасликка солиш билан битур. Хуллас, бажарилиши шарт бўлган тадбирларнинг таърифидан ва зикридан сўнг шуни таъ-



кидлаш лозимки, қатъийлик, сабр, чидамлилик, соғлиғу сергаклик, эҳтиёкорлик ва шижоат билан барча ишлар амалга оширилуру. Вассалом“.

Соҳибқирон Амир Темур пири комил ҳикматларининг давлат бошқаруви ва Олий Мажлисларда нақадар катта аҳамиятга эга бўлганлигини „Мактубда ёзилмиш сўзлар эса салтанат ишларида мен учун энг тўғри йўлбошчи бўлган эди“, дея „Тузуклар“нинг „Тадбирлар ва кенгашлар“ мавзуда таъкидлайди.

Соҳибқирон пири комилнинг сўзлари нақадар тўғрилигини ўтмишда ўтган аҳли дониш уламо ва фозиллар фикрларига жуда мос ҳамда ҳамоҳанг келишини қайд этар экан, уни „Тузуклар“да шундай баён этади: „Донишмандлар демишларким, ўз ўрнида қилинган тадбир билан саноқсиз лашкар қиличи ожизлик қилган ҳар қандай мамлакат дарвозасини очиб, беҳисоб лашкарни енгиб бўлур“.

Соҳибқирон пир ва донишмандларнинг ҳикматлари ҳамда маслаҳатларининг ўз амалий фаолияти қандай ижобий аҳамиятга эга бўлишини ўз ҳаётий тажрибалари орқали синовлардан ўтказиб борганлигини „Қонунлар“ мажмуасида қуйидагича таъкидлайди: „Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, ташаббускор, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради“.

Амир Темур ҳали ҳокимиятга келмасдан анча олдин мустаҳкам Қарши қалъасини эгаллаш арафасида икки юз қирқ уч нафар ҳаётнинг машаққатларини бошидан кечирган кишилар билан кенгаш ва тадбирлар юритганлигини, сўнгра қатъий қарорга келиб ҳаракат бошлаганлигини айтади.

Соҳибқирон Кенгаш ва Машварат ҳамда Олий Мажлисларга турли табақа, шунингдек, гуруҳлар вакиллари тўплар ва уларни эшитар экан, қайси бири юзаки, қай бири масалага жиддий ёндашаётганлигини сабр ва диққат билан тинглаган. Кейинги кенгашларида ақлли, узоқни кўзлаб ва масалага жидду жаҳд билан ёндашганларини жалб қилган. Биз „Ту-

зуклар“ни диққат билан кўздан кечирар эканмиз, бунга иқроор бўлмай илож йўқ: „Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, аввало, ундан қутулиб чиқиш йўларини мўлжаллаб кўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий жазм, чинлик-чидамлилик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоқни кўриб, ортини ўйлаган ҳолда охирига етказардим.“

Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш эгалари бирлик, иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари шартдир. Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири тил учида айтилгани, иккинчиси юракдан чиққани. Тил учида айтилгани шунчаки эшитардим“.

Бу шундан далолат берадики, Амир Темур Олий кенгаш аъзолари (ваколатли вакиллари — депутатлар)ни танлар экан, ҳаёт тажрибасига эга, зукко, дониш, ҳалол, обрў-эътиборли кишиларни Машваратда иштирок этишларини таъминлаган. „Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлар эдим“. Биз Соҳибқироннинг ушбу фикрлари орқали ундаги огоҳлик ва зийраклик ҳамда давлат бошқарувидаги ҳушёрлик доимий диққат марказида турганлигини кўрамиз. Донишмандлар демишлар: „Гар огоҳсен, шоҳсен сен“. Демак огоҳлик ва ҳушёрлик қўлдан кетса, бу давлат таназзули ибтидоси ва саройдаги бошбошдоқликка йўл очилишидир.

Соҳибқирон метин иродали, мард ва жасур инсон бўлишига қарамай давлат бошқаруви ғоят оғир, мураккаб ҳамда тинкани қуритувчи фаолият эканини ўз бошидан кечирар экан, бунини қуйидагича ифодалаган: „Салтанат тўни (шоҳлик тожи ва либослари)ни кийгач, тинчлиғу соғлиғим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ва ҳузур-ҳаловатдан воз кечдим“.

Амир Темур ҳукмдор билан раъйият ўртасида мувозанатни таъминлашнинг нақадар муҳим аҳамиятини англаб, кенгаш ва мажлисларда уни доимо асосий диққат-эътиборда сақлади. Халқини ўзидан рози-ризо қилиш йўлини қатъий тутди.

САЛТАНАТНИНГ ЎН ИККИ ТАЯНЧ УСТУНЛАРИ

Қайси бир жамият бўлмасин, табақа ва ижтимоий гуруҳлар мавжуд экан, аввало, улар ўртасидаги муносабатларнинг қарама-қаршилик ва зиддиятларсиз амалга ошувини таъминлаш асосий ўринда туради. Бунда мавжуд бошқарув тизимларининг табақалар, гуруҳларнинг жамиятдаги ўрнини ҳаётий талабларга кўра тўғри белгилаб бериши катта аҳамиятга эга. Ана шундагина мазкур жамият тинч, осойишта ички исён ва салбий ҳодисалардан холи яшайди. Аксинча бўлса, жамият тараққиёт ўрнига ички курашлар, ўзаро ишончсизлик муҳитида яшайди. Хоҳлаган дамларда бу учқун мамлакатни олов гирдобига тортиш таҳликаси, таҳдид остида яшашга мажбур қилади. Шунга кўра ички тотувлик, осойишталик тараққиётнинг барча даврлари учун кафолат ҳисобланади. Халқимизнинг: „Бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака юз ўтиради“ деган ҳикмати мамлакатлар ички аҳволига ҳам дахлдордир. Ички низо Ватанини кучсиз, нотавон ҳолга келтиради. Аксинча, халқ бир ёқадан бош чиқариб бир мушт бўлиб бирлашар экан, дунёда унга бас келувчи куч топилмайди. Амир Темур табақа ва гуруҳларни бир ота-она фарзандларидек бирлаштиришга умрини сарфлади ва мақсадига эришди. Унинг истеъдод қирралари мамлакат яхлитлигини таъминлашда намоён бўлди.

Амир Темур Қуръони Каримда раъиятнинг раҳбарлардаги ҳақ-ҳуқуқлари, аввало, уларга адолат мезонида муомала қилиш, тўғри ва одил сиёсат юритиш, халқ ҳаёти учун дастлаб осойишталик ва тинчликни сақлаш, ҳаётий ва зарурий шарт-шароит яратиб бериш кабилар ҳукмдор ва давлатнинг асосий вазифаси ҳамда бурчи эканлигига оид илоҳий оятлар олтин калитига эга бўлди. Мамлакат ичида адолатли сиёсат юритилмаса, халқ билан бошқарувчи олий табақа ўртасидаги ижтимоий мувозанат бузилади, жамият ичида қуйи бўғин табақалар норозилиги рўй беради. Бу жамиятда бирлик, ўзаро яқинлик тушунчаси шикаст топиб, оқибат жарлик юзага кела-

ди. Натижада бу норозилик турли ва кутилмаган салбий воқеа-ҳодисаларнинг келиб чиқишига замин яратади. Агар мамлакат ва жамият ичида илғор мафкурага таяниб адолатли сиёсат юритилса, халқ билан юқори ва ўрта бўғин бошқарув тизимлари ўртасида ўзаро ишонч муносабатлари, табақалар бирдамлиги ҳукм суради. Самимият ва ўзаро ҳурмат муносабатлари икки томонлама, яъни қарс икки қўлдан қабилида бўлиши лозим бўлган муҳит юзага келади. Чунончи, ҳокимият тизимида фаолият кўрсатувчи амалдорлар ўз халқи, миллати ва Ватанини чинакамига севсалар, шу халқ бўлмаса мен кимларга бош бўлур эдим, деган туйғу билан яшаб халқи олдида пешвоз чиқсалар, халқ ҳам уларга ҳурмат ва садоқатини самимият билан қайтаради.

Қуръони Карим мафкураси сиёсат йўналишида қатъий ўз сўзини оятда шундай ифодалаган: „Эй, мўминлар, Аллоҳ таолога, пайғамбарларга ва ўларингиздан чиққан ҳукмдорлар ва раҳбарлик эгаларига итоат қилингиз“.

Амир Темурнинг ўз халқи ва тобелikka олган халқларни ишонч ва адолат билан ўз атрофига жипслаштирганлигини ҳамда ижтимоий гуруҳ ва табақаларнинг қўллаб-қувватловига эришганлигини қуйидагиларда кўрамиз:

* Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлур. Бунинг исботи сифатида Буюк ипак йўли ишга тушиб, у дунё ободлигига хизмат қила бошлади.

* Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим. Натижада зулм, қароқчилик, йўлтўсарлик, ўғирлик барҳам топди.

* Адоват эмас, адолат енгади. Ҳамиша ҳақиқат ва адолат этагидан маҳкам тутдим. Шу боис мамлакатда қонун устуворлиги қарор топди, мамлакат ичидаги табақалар зиддияти тугатилди.

* Салтанатимни бошқаришда ҳар қандай воқеа ва ишни „Тузуқлар“ асосида бажардим. Натижада барча қонун олдида тенг ва давлат ҳимоясида бўлди.

Амир Темур ўн икки таянч қоидага таяниб иш



кўрганлигини қуйидагича ифодалайди: „Энди менинг номдор бахтиёр фарзандларим ва мамлакатларни забт этувчи иқтидорли набираларимга йўл-йўригим шулки, мен ўн икки нарсани ўзимга шиор қилиб олдим, салтанат мартабасига эришдим. Шу ўн икки тамойил ёрдамида мамлакатларни забт этиб, салтанатимни бошқардим ва салтанат тахтига зебу зийнат бердим. Улар ҳам ушбу тузукка амал қилсинлар. Давлату салтанатимни ва ўзларини эҳтиёт қилсинлар“.

„Биринчиси, давлат ва салтанатимга боғланган менинг биринчи тузугим — Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим“. Шу боис Амир Темур „ислом ҳомийси“ шарафига эга бўлди.

„Иккинчиси шулким, ўн икки табақа ва тоифадаги кишилар билан мамлакатларни забт этдим, уларни идора қилдим. Давлат, салтанат устунларини ўшалар билан қувватлантириб, мажлисларимни шулар билан зийнатладим“. Бу Амир Темур ташкил қилган Парламентнинг (Олий Мажлис ёки Олий Кенгаш) эркин ва демократик асосларда фаолият юритганлигининг далилидир.

„Учинчиси шулдирки, маслаҳат, кенгаш, тадбиркорлик, фаоллик ва хушёрлик, эҳтиёткорлик билан фаним қўшинларини енгиб, мамлакатларни ўзимга бўйсундирдим. Салтанатим ишларини муросаю мадора, мурувват ва сабр-тоқат билан юргиздим. Кўп нарсани билиб турсам ҳам ўзимни билмасликка олдим. Дўсту душман билан муросаю мадора қилдим“. Бу унинг юксак дипломат, ўта зийрак инсон ва бир вақтда кучли руҳшунос бўлганидан далолат беради.

„Тўртинчиси — давлат ишларини салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра¹ ва „Тузуқлар“ (Конституция)га таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни сақлаб турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ (қўшин) раъият ҳар бири

ўз лавозим ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмади“. Бу шундан далолат берадики, ҳеч ким мансаб талашиб Амир Темур саройида ўз ақл-идроки даражасидан юқори мансабга интилмаган. Мансаб ва амалдорликка ҳеч ким сунъий ёки фирромлик билан чиқишга ҳаракат қилмаган, қобилиятли инсонларга ҳеч ким тош отиши, ғаламислик қилишига ўрин қолдирилмаган. Чунки Амир Темур бундай одамларнинг сарой ёки ноиблик девонларига суқилиб кириб, ҳаром бойлик тўплашларига умуман имкон қолдирмаган эди. Бу жиҳатдан Амир Темурнинг мансабдорлар ва амалдорлар тизимини шакллантириш услуби ва санъати ҳозиргача ҳам исталган давлатларда ибрат ва сабоқ бўлишга арзийдиган ноёб ҳодисадир. Бу эса Амир Темурнинг давлат бошқарув санъатини нақадар юксак даражада эгаллаганлигининг яққол далилидир. Бу хислатлар унинг бешинчи тамойилида ўзини янада тўлароқ намоён этган.

„Амирларим ва сипоҳийларимни мартаба ва унвонлар, зару зеварлар билан хушнуд этдим. Базмларда уларга ўз ёнимдан ўрин бердим, шунинг учун жангларда улар жонларини фидо қилдилар. Дирҳам ва динорларни улардан дариф тутмадим. Уларнинг юмушларини енгиллаштириш учун меҳнату машаққатларини ўзимга юкладим ва тарбият қилдим“.

„Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлигим кетди“. Бу ибораси билан Амир Темур халқ дарди билан кеча-кундуз улар ғамини еб, тинчлигини ўйлаб, мижжа қоқмай ўтказган дамларини, лашкар йиғишда чеккан дарду аламларининг чеки бўлмаганлигини қайд этади.

„Амирлар ва сипоҳийларнинг исёнларини кўрдим, улардан аччиқ сўзлар эшитдим. Лекин сабру бардош билан ўзимни эшитмаган-кўрмаганга солиб, уларни тинчитдим. Қилич кўтариб жанг майдонига отилдим ва шу тариқа дунёда ном чиқардим“.

¹ Тўра — ўша даврда шаклланган ахлоқ-одобнинг махсус қоидалари.

Олтинчи тамойилда эса Соҳибқирон Амир Темурнинг одиллиги, халқпарварлиги, қонун-қоидаларга ўзи ҳам, бошқаларни ҳам итоат қилдириш бурчини англагани, инсоф доирасидан чиқмай иш кўргани, шунингдек, жиноят қилганларнинг айбига яраша жазо беришда шариат тартибларига кўра ҳукм қилинганлигини таъкидлайди.

Амир Темурнинг еттинчи тамойил ва таянчи чуқур мантиқ ва фалсафий донишмандлик билан лиммо-лим тўлади. Ҳар бир сўзи денгиз тубидан олинган маржон ва жавоҳир бойлигидан устун турувчи дурлар хазинасидирки, унинг ҳар бир сўз қатори алоҳида ҳикматлар занжирини ташкил қилади. Айримлари шарҳи бир китоб қамровига монанддир. Бунда Тангри таоло улуғлаган инсонларга Амир Темурнинг муносабатлари таъкидланади: „Саййидлар, уламою машойихлар, оқилу донолар, муҳаддислар (ҳадис йиғувчи исломшунослар), хабарчилар (тарихчилар)ни танилган, эътиборли одамлар ҳисоблаб, иззату ҳурматларини жойига қўйдим. Шижоатли кишиларни дўст тутардим, чунки Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди. Уламо билан суҳбатда бўлдим ва пок ниятли, тоза қалбли кишиларга талпиндим. Буларнинг ҳимматларидан улуш тиланиб, муборак нафаслари билан дуои фотиҳа беришларини илтимос қилдим. Дарвеш ва фақирларни, мискинларни ўзимга яқин тутдим. Уларнинг кўнгилларини оғритмадим ва бирон талабларини рад этмадим. Бузуқи ва оғзи шалоқ ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага туҳмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим“.

Саккизинчи тамойил ҳам юқоридаги билдирилган фикрларимизни яна бир бора тасдиқлайди.

„Аэму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки деган бўлсам, унга амал қилдим. Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомала қилмадим ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин ва ишимни бузиб, ҳолимни танг айламасин деб“.

Давлат бошқарувининг тўққизинчи тамойили Амир Темурнинг мутлақ халқ ҳимоячиси, унинг манфаат ва эҳтиёжларини барча нарсадан устун кўювчи, одил ва инсонпарвар ҳукмдор эканлигини яққол кўрсатади:

„Раъият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оғакаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим“.

Дунёда мозий давомида не-не ҳукмдорлар ўтди, давру даврон сурди. Аммо ўз халқини ўзига жуда яқин олган ҳукмдорлар тарихда кўпчилик эди, дейиш ҳақиқатдан чекиниш бўлур эди. Бу жиҳатдан Амир Темур ўз халқининг ор-номуси ва ғурурини ҳимоя қилишда Жалолиддин Мангубердидан бир ярим аср ўтиб, халқини эркин ва озод кўриш мақсадида адолат байроғини даст кўтарди, озодлик ҳаракатининг давомчиси бўлди, жабр-зулм дунёсига қарши муқаддас уруш эълон қилди. Халқи, Ватани озодлиги, мустақиллиги ва уни муҳофаза қилиш учун ўттиз беш йил от сурди. Ватанининг дахлсизлигини, халқининг тинч, фаровон ҳаётини бирор ғанимнинг бузишига йўл қўймади. Чегарага туташ ва ҳатто ундан узоқда бўлсин, Ватанини босиб олишга қасд қилган ёвуз режа тузганларни, йиртқич, бадқирдор ғанимларни ўз уяси ва ҳудудидида янчиб ташлади.

Тўққизинчи тамойилнинг ҳар қатори Соҳибқироннинг тафаккур ва ақл уммони нақадар бемислигига далилдир. Унинг замирида дунё аҳамиятига молик сиёсат ва иккинчи тарафдан ўз халқи ва фуқаросига бўлган инсонпарварлик ғоялари, уларга нисбатан бағрикенглиги ўзини тўла намоён қила боради.

Ўнинчи тамойилда Амир Темурнинг шахсий ҳаёти бўлсин ва ёхуд давлат сиёсати бобидаги фаолияти бўлсин, қасд олишдан узоқда бўлиш, аксинча, кечиримлилик, бағрикенглик орқали ҳатто ўз душманларини ҳам жангсиз қуролсизлантириб, уларнинг истеъдоди, жангда эса қилич кучидан давлати манфаатлари йўлида фойдаланиш орқали ўз хизматига тортганлиги ифодасини топгандир. Демак, Соҳибқирон кўп ҳолларда ўзи таъкидлаганидек душман ёки ғаним билан қилич қайрашмай, унинг



қалбига йўл топиб, уларни зарарсизлантиришнинг сулҳпарварлик, қон тўкишни четлаб, ёмонлик қуролини ишга солмоқчи бўлганларнинг ғазаб, нафрат оловини яхшилик, одамийлик устуворлиги қуроли билан ўчириб, оқибат ўзига яқинлаштирганлиги таърифланади. Бу эзгулик қуроли Амир Темурга қудратли, ноёб қобилиятли, аммо ғанимлик жабҳасини эгаллаб, Соҳибқиронга қарши қилич кўтарган жасур амирларнинг ўзи томонга ўтиб садоқатли саркардаларига айланишини таъминлаган эди.

Ўн биринчи тамойилда Амир Темур қариндошлар, фарзандлар, ошна-оғайни, қўни-қўшнилар билан меҳр-оқибат асосига қурилган муносабатлар ҳамда уларнинг феъл-атворини ўрганиб, ҳар бирининг ўзига яраша мулоқот йўлини танлаб, яхши жиҳатларидан сабоқ олиб ўз тажрибасини оширганлиги, бошқа тоифа вакиллари хатти-ҳаракатларини доимо кузатиб, уларга ишончсизлик назари билан қарамай, муросою мадора йўлини маъқул кўриб иш тутганлигини таъкидлаган эди.

Ўн иккинчи тамойил бу сипоҳийларга дахлдор муносабатларни ўз қамровига олади: „Дўст-душманлигига қарамай, ҳар жойда сипоҳийларни хурмат қилдим, чунки улар боқий мато бўлган жонларини фоний дунё моли учун сотадилар. Ўзларини маърака майдони ҳалокатига отиб, жонларини қурбон қиладилар. Агар ғаним сипоҳларидан бирор одам ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб, уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундай одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим. Қошимга паноҳ истаб келганда, уни қадрлаб, ишончини қозондим, вафодорлиги ва ҳақиқат билан хизмат қилишига ишондим“.

Гарчи, Амир Темур ғаним лашкарининг мардлик ва жасоратли жиҳатларини эътироф этса-да, аксинча, айнан жанг вақтида ўз ҳукмдорининг тузига хиёнат қилиб, ғаним лашкари тарафига ўтиб кетгудай бўлса, ундайларни асло кечирмас, жазосиз қолдирмасди. Хоин ва сотқинларга нисбатан нафрати чексиз эди.

БОШҚАРУВНИНГ МАФКУРАВИЙ ВА ҒОЯВИЙ АСОСЛАРИ

Яна тажрибамда кўриб билдимки, давлат агар дину ойин асосида қурилмас экан, тўра тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса ундан назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб-чиқадиган томсиз, эшиги, тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР

Амир Темур даври учун энг ишончли мафкураравий ва ғоявий қурол бу ислом дини ҳамда шу таянчга қурилган шариат ҳуқуқи эди: „Шунинг учун ҳам, — дейди Амир Темур, — мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатимни бошқаришимда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим“. Амир Темур ёшлигиданоқ Қуръони Каримни хотирасига мустаҳкам жо қилиб, унинг оятларидаги ҳикматларини ўзининг ҳар олган нафаслари ва босган қадамлари, шунингдек, қила-

ётган ишлари ижобий натижаларида қалбан ҳис қилди. Шунга кўра эришган барча ютуқлари, ғалабаларининг сир-синоатларини илоҳий илмлар моҳиятидан қидирди. Натижада сиёсатда ва қирғинбарот жангларда ғалабага эришиш, адолат ва ҳақиқатни топиш, ҳаётда уни амалга ошириш умидини илоҳий илм мўъжизаларидан қидирди. Истаганидан ортиқ натижаларга эришди ҳам. Шу боис Ислом даврининг ғояларини ва унинг имон-этиқодга йўналтирувчи илмий ҳикматлар сирларини ўзидан кўра чуқур эгаллаган исломшунос, фақиҳ-

шунос, алломай замон тасаввуфий алломаларнинг барчасини ўзига пир тутди. Уларнинг ислом оламидаги хизматларини қадрлади. Абадият оламига кетган улуғларнинг хотирасини эъзозлади, ҳеч бирига беътибор бўлмади. Ғалабаларининг барчасида уларнинг руҳлари қўллаб-қувватлаб турганлигини ҳис қилдигина эмас, доимо эътироф этди ҳам. Шунинг учун Амир Темурнинг ўз фаолиятида Қуръони Карим ва Ҳадиси Шариф ҳамда унинг даҳо билимдонлари қилган хизматларига доимо юксак оҳангларда баҳо берди, ҳар нафасда руҳий мададкор бўлиб турганига доимо иқрор бўлди. Шу боис Соҳибқирон „Тузуқлар“ида дин ва шариатнинг салтанатини мустаҳкам асосларда қуришда муҳим ғоявий-мафкуравий жанговар қурол бўлганлигини кўп бора эсга олди. Уни Соҳибқироннинг қуйидаги фикрларида яққол кўриш мумкин: „Дилимнинг машриқи (кунчиқар, нур таралиб турган тарафи) дан кўтарилган биринчи тузук шундан иборат бўлдики, Ислом динини ёйиб, Муҳаммад (унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин) шариатини қувватлантирдим. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, катта ва кичик шаҳарларида ислом динини ва одамларнинг энг хайрлиси (Ҳазрати Муҳаммад)нинг тўғри йўлларини тарғиб этдим. Ўз салтанатимни шариат билан безадим.

Равшан динга ривож беришда қўллаган биринчи тузугим шу бўлдики, саййидлар орасидан лаёқатли биттасини аҳли исломга садр (бошлиқ ёки раис) этиб тайинладим. Тамоми вақфларни бошқариш ва назорат қилиш учун мутаваллий¹ тайинлашни, ҳар бир шаҳар ва вилоятда қози, муфтий², мухтасиб³ тайинлашни унинг ўзига ҳавола этдим. У саййидлар, уламо, шайхлар ва бошқа диний арбобларга суюрғол (давлат олдидаги хизматлари учун ҳарбийлар, сарой амалдорлари, сарой шоирлари ва

диний арбобларга бериладиган мол-мулк, ер-сув каби инъомлар) белгилаб ҳар бирининг вазифасини тайин қилсин, дедим.

...Лашкар учун махсус қози аскар (ҳарбий суд ва тергов ходимлари) бўлиб, улар қўшиндаги жиний ишлар юзасидан иш олиб борганлар) ва раъият учун алоҳида қози (аҳоли ва фуқаролик ишлари юзасидан судья ва терговчи ҳуқуқшунослар) тайинладим. Ҳар мамлакатга шайх ул-ислом (мусулмон жамоаси бошлиғи) юбордимки, токи мусулмонларни гуноҳ ишлардан қайтариб уларни яхши ва савоб ишларга ундасин.

Ҳар бир шаҳарда масжид, мадраса, хонақоҳлар (ғарибхона) қуришни, йўловчи мусофирлар учун йўл устига работлар (карвонсарой) бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир (Қуръони Карим оятларининг маъноларини шарҳ ёки изоҳлар бериш), ҳадис (пайғамбарнинг сўз ҳикматлари, қилган амаллари), фикҳ (мусулмон ҳуқуқшунослиги) дан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олим ва мударрислар (мадраса домлалари) тайин қилдим. Турли мамлакатлардаги садрлар ва қозиларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётганлиги хусусида менга хабар қилиб туришини буюрдим. Шунга ўхшаш ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раъият орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида менга маълумот бериб турсин деб, адолат амирини тайинладим.

Шу тариқа ислом динини ривожлантириб, шариатни мусулмон мамлакатларига ёйдим. Ислом динини ёйиб, унга равнақ берганим ҳақидаги овозалар каттаю кичик аҳли мўминнинг қулоғига етгандан кейин, ислом олимлари: „Тангри таоло ҳар

¹ Мутаваллий — вақф мулки ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи диний мансабдор.

² Муфтий — диний масалаларда фатво бериб, қарор чиқарувчи диний мансабдор.

³ Мухтасиб — ислом диний маросимлари, урф-одатлари ва шариат қонунларининг бажарилиши устидан назорат қилувчи мансабдор.



юз йилда Муҳаммад (унга Тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин) динига ривож бериш ва янгилаш учун бир кишини ислом динининг ёйувчиси ва янгиловчиси сифатида ихтиёр этади. Бу саккизинчи юз йилликда (XIV аср) Амир Соҳибқирон ислом динини жаҳон аҳлига тарқатди. Шунинг учун бу юз йилликда Муҳаммад динининг янгиловчиси шу киши бўлмай, деб фатво (қарор, ҳукм) бердилар.

Дину шарият ишлари тузугини тартибга келтирганидан сўнг, салтанатим корхонасининг тузугини тузишга киришдим“.

Ҳазрат Амир Темурнинг ушбу фикрларига диққатимизни қаратсак, у, аввало, давлати, салтанатининг мафкуравий-диний ва ғоявий асосларини пухта ишлаб чиқиб, сўнгра давлат бошқарувининг сиёсий ва ҳарбий, иқтисодий, фуқаровий ҳамда ма-

даний-маърифий соҳаларига доир қонун-қоидалар мажмуини яратишга киришганлигини кўрамиз. Соҳибқирон салтанат ва фуқаро бир бутунлиги ҳамда турли тоифалар кучини ягона мақсад — Ватан қудратини оширишда дини ислом кучидан жуда оқилона, ғоят самарали фойдаланишнинг уддасидан чиқа олган. Шу билан Соҳибқирон мафкуравий, ғоявий кучни уддабуронлик билан салтанат мустақамлиги учун тўла унинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда тараққиётга хизмат қилдира олди. Бу Амир Темурнинг буюк салтанат қуришда эришган улкан ютуғи эди. Натижада ислом дини Амир Темур замонида жамият, давлат ҳаёти ва сиёсатга тўғри татбиқ этилганлиги учун барча соҳалар раванқига йўл очиб, оқибат Шарқ тамаддунининг иккинчи тараққиёт — Ренессанс босқичининг бошланишини таъминлашга ҳуқуқий асос яратилди.

„ТУЗУКЛАР“ — ҒАЛАБАЛАР КАЛИТИ

Амир Темур, аввало, салтанатида қўшинни сақлаб туриш тартиб-қоидаларига қатъий амал қила олди.

Чунончи, сипоҳ сақлаш тартиб-қоидалари бўйича қайд этилганлардан энг муҳимларини келтириб ўтамиз:

— агар жангу жадалда суяги қотган ўнта жангчидан тўққизтаси ўзига ўнбоши сайламоқчи бўлсалар энг шижоатли, ботир жангчини танласинлар;

— ўн нафар ўнбоши тўпланиб, энг тажрибали биттасини юзбоши қилиб кўтарсинлар.

Мингбошига қўйилган талаб янада масъулиятли бўлиб, ақлли, шижоатли жангчилардан сайланиши, ўн юзбоши йиғилиб ўзларининг орасидан мингбоши танлаши лозим бўлган. Уни амири ҳазора дея улуғлаши таъкидланади.

Юқоридан қуйи томон — мингбоши буйруғини юзбошилар, юзбошиларникини эса ўнбошилар бажаришлари шарт бўлган. Унга бўйсунмаганлар қози аскар (ҳарбий суд тергови)га топширилган.

Соҳибқирон қўшинида сипоҳга маош бериш тартибига қатъий амал қилинган. Чунки ҳар бир

жангчи оиласининг моддий таъминоти ўз вақтида олиб туриладиган маошга боғлиқ эди.

Оддий жангчининг маоши агар „Тузуқлар“даги бурчи ва вазифаларини огоҳлантиришсиз бажариб, хизматига ҳалол ёндашса, ўзи минган от нархининг тўрттаси миқдоригача оширилиб, рағбатлантирилган. Ўнбошилар қўл остидаги оддий жангчилардан ўн баробар, юзбошилар ўнбошиларга қараганда икки баробар, мингбошилар эса юзбошилардан уч баробар кўп маош олган. Йирик қўмондонлар янада катта маош олишган. Ясовул, чоповул (ғанимга тунда ҳужум қилувчи жангчилар) кўрсатган ишлари, ютуқларига қараб ўн минг тангагача маош олишган.

Қандай хизматчи ходим бўлмасин, давлат ишидаги қилган хизмати қанча юқори бўлса, шунга яраша маош олган. Амир Темур даврида давлат хизматини ўтовчиларга жуда адолатли маош тўланган. Ҳар бир хизмати, малакаси, тажрибаси ҳисобга олинган, давлат манфаати билан шахсий манфаатдорлик уйғунлаштирилган эди.

Қўшиндаги маош тартиби шундай қаттиқ назоратда ушланиб борилганки, бу масалада бирор чалкашлик қилишга йўл қўйилмаган, бу хусусда норозилик чиқмаган. Оғир ва узоқ жангларга кетишдан олдин олдиндан ярим йиллик, баъзида эса бир йиллик маошлар бир йўла тарқатилган.

Амир Темур „Тузуклар“ида Соҳибқирон ўз ўғиллари ва набираларига маош бериш тартибларини белгилаб қўйганлигининг гувоҳи бўламиз:

„Амр қилдимки, тўнғич ўғлим Муҳаммад Жаҳонгир валиаҳдим бўлсин. У вилоят ҳокими бўлиб, ўн икки минг отлик аскарга улуфа олсин.

Иккинчи ўғлим — Умаршайх ўн минг отлик аскарга улуфа ва бир вилоят олсин.

Учинчи ўғлим — Мироншоҳ тўққиз минг отлик аскарга улуфа олиб, бир вилоятни тасарруф қилсин.

Тўртинчи ўғлим — Шоҳрух етти минг отлик аскарга улуфа олиб, бир вилоятга эга бўлсин.

Набиралар эса ҳар қайсиси истеъдодига яраша уч мингдан етти минг отликқача улуфа олиб, бир вилоятга эгалик қилсинлар“.

Соҳибқирон Амир Темур салтанатнинг асосий таянчи бўлган қўшин ва унинг саркарда ҳамда Олий қўмондонлик таркибини шакллантирди. Уларга ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини синдириш билан уларни ўзига қарши турган ғаним қўшинини тор-мор келтириш каби замонавий тактик ва стратегик ҳарбий санъат илми билан мукамал қуроллантирди. Натижада Соҳибқирон отлик йирик қўшин билан пиёда жангчиларининг қўмондон ва амирлари жангнинг энг оғир ҳал қилувчи дамларида бирлашиб, бир-бирини қандай ҳимоя қилиш, ҳужумда ҳам бири иккинчи туман фавжларини қўллаган ҳолда ғаним қўшинига ўзини ўнглаб олиш имконини бермади. Ғанимни танг аҳволга соладиган, қўшинни бошқариш санъатини мукамал эгаллаган қўмондонларни етиштиришни доимий диққат марказида тутди. Натижада Амир Темурнинг бу меҳнатлари, тер тўкишлари ўз мевасини берди. Икки

юз эллик, уч юз минглик улкан қўшинни жасорат ва шиддат билан бошқарадиган ўн минглик, ўттиз минглик ва 45—50 минглик қўшинни матонат намуналарини кўрсатиб, темир ирода билан ўлимни писанд қилмай, фавқулодда баҳодирлик билан ғанимга даҳшат сола оладиган олий мақомдаги жанг майдонининг диловар қўмондонлари етишиб чиқди. Булар билан Амир Темур дунёнинг ҳар қандай қудратли салтанатлари қўшинларини қақшатқич мағлуб қила оларди. Амир Темурнинг дунёда энг қудратли қўшин қўмондонларини қандай тарбиялаб вояга етказганлиги „Тузуклар“да шундай баён этилади: „Хос ул-хос¹ навкарларимдан уч юз ўн уч кишига амирлик мансаби беришни буюрдим, чунки улар асли тоза, пок насли, ақл-фаросатли, баҳодир, довюрак, тадбиркор, сергак, эҳтиёткор, олди ва орқасини ўйлаб иш тутадиган кишилар эди. Уларнинг ҳар бирига ўринбосар тайинладим. Агар амирлардан биронтаси вафот этса, у ҳолда ўринбосари унинг ўрнига ўтиради ва уни амирликка номзод (мунтазир ул-аморат) деб атайдилар. Менинг уч юз ўн уч амирларимнинг бариси ақл-ҳуш эгалари, базму разм шерлари, маҳоратли саркарда, ғаним лашкарлари тўпини бузиб, уни мағлуб этувчи кишилар эди.

Тажрибамдан синаб билдимки, жангнинг сирасорини, ғаним аскарларини синдириш йўлини билган, уруш қизиганда ўзини йўқотмасдан, қўлоёғи бўшашмасдан лашкар фавжларини жангга бошлай оладиган, агар қўшин сафига рахна тушса, уни тезда тузата оладиган кишигина амирлик ва ҳукмронликка лойиқ ҳисобланади.

Шундай киши амир ул-умаро бўла оладикки, мен йўғимда базму размда ўринбосарим бўлиб, шон-шавкат ва маҳобат билан бутун сипоҳга буйруқ бериб, унга қаршилиқ қилганларни жазолай оладиган бўлсин.

Уч юз ўн уч кишидан тўрт нафарини бекларбегги этиб, бир кишини амир ул-умаро қилиб тайинлашни буюрдимки, унинг ҳукми юришларда, урушларда амирлар ва бутун сипоҳ томонидан сўзсиз

¹ Олий ҳукмдорга энг яқин ва таянч бўлган йирик лашкарбошиларнинг умумий номи.



ижро этилсин. У ўзим боримда йўлдошим, йўримда эса ўринбосаримдир.

Ғайратли, ор-номусли бўлган яна ўн икки кишига ушбу тартибда амирлик даражасини бердим:

Биринчи амирга минг кишига буйруқ бериш ҳуқуқини бериб, уни амир қилиб тайинладим.

Иккинчи амирга икки минг кишига буйруқ бериш ҳуқуқини бериб, мазкур икки минг аскарга амир этиб қўйдим. Шунга ўхшаш учинчи амирни уч минг, тўртинчисини тўрт минг, бешинчисини беш минг ва шу тартибда ўн иккинчи амиргача кўпайтириб бориб, олти мингдан ўн икки минггача аскарга амир этиб белгиладим.

Амирлик тартибига қараб, бирини иккинчисига ноиб этдим.

Масалан, биринчи амирни иккинчи амирнинг ноиби, иккинчи амирни учинчи амирнинг ноиби, шу тартибда ўн биринчи амирни ўн иккинчи амирнинг ноиби қилиб белгиладим. Ўн иккинчи амир эса амир ул-умаронинг ноиби бўлди. Амир ул-умаро эса менинг ноибим ҳисобланади. Қайси бир амирга бирор кор-ҳол бўлса, ўрнига ноиби ўтирсин“.

Жанг пайтида ва ҳарбий сафарларда юқоридан қуйига томон буйруқ бериш ҳуқуқи ҳамда юқори мансабдор ёки даражали қўмондонларнинг жанговар топшириқларини сўзсиз бажариш қатъий қоидага айлантирилган эди.

Амир Темур ҳарбий санъат илмини шундай юксаклик даражасига кўтара олдики, натижада ҳар қандай қирғин-қиёмат жангларда Соҳибқироннинг музаффар байроғи ғолибона жанг майдонида ҳилпираб, еру осмон унинг зафарига шерик бўлди. Унинг бошчилигида жангга кирган оддий жангчидан Олий мавқедаги қўмондону саркардалар Соҳибқирон ҳарбий санъат илми тафаккурининг енгилмаслигига қатъий ишониб оёғини заминга маҳкам қўйганича ва мардона тақдир жангига кирса, салтанат фуқаролари барча табақалари ҳам Амир Темур ҳазратнинг пойтахти Самарқандга ғолиблик туғини мағрур кўтарганча кириб келишига ўрганган эди. Уни ҳар бир қишлоқ ва кентлар шоду хуррамлик ҳамда эришил-

ган ғалаба билан муборакбод қилиб, олқишларга кўмиб ташлардилар. Ҳар бир эришилган ғалаба Самарқанддан бошлаб бошқа шаҳарлар бўйлаб зафар тантаналарига уланиб, бир неча кеча-кундузлар халқнинг катта шодиёнасига айланиб кетарди. Халққа таянган, унинг қудратидан куч-қувват олган ҳукмдор, унинг улўф саркардаси ва енгилмас қўшин жаҳоншумул ғалабаларини шон-шараф ва тантаналар билан нишонлашга ҳақли эди.

Амир Темур оддий жангчилардан то олий мартабагача кўтариш мумкин бўлган ҳарбий тартиб қоидаларининг қатъий тизимини яратди. Асосий эътиборни жасур, мард, шижоатли ва баҳодир жангчиларни тарбиялашга қаратди.

Уруш чоғи кимки юраги дов бермай орқага тисарилса, ёвнинг важоҳатидан қўрқиб қочишни ихтиёр этса ва жангдан юз ўгирса, ундай аскарни уйига жўнатиб юборишлари лозим эди. Қайси бир сипоҳий мардона қилич чопиб ярадор бўлса, унга инъом бериш, тезда унинг оёққа туриши чораларини кўриш белгилаб қўйилган эди.

„Тузуқлар“да сипоҳий қариллик ёшига етаркан, уни улўфадан маҳрум этмаслик ва мартабасидан туширмаслик кераклиги, негаки, улар давлат хизматида бўлиб, боқий ҳаётларини фоний дунё нақди учун аямаганликларининг ўзигина инъомга ва моддий таъминотда бўлишга ҳақли ва лойиқлиги алоҳида таъкидланди. „Ёши улўф сипоҳийларни ҳурматлаб, азиз тутсинлар, — дейилади улар ҳақида, — улардан фойдали маслаҳатлар олсинлар, чунки улар айтадиган гаплар ўз тажрибаларидан кўриб билганларидир“.

Амир Темур уруш чоғи асир олинган ғаним жангчиларига жисмоний жабр-зулм қилмаслик ва ўлдирмасликка даъват этади, ундайларга ихтиёр берилсин, агар навкарликни қабул қилса, навкар қилсинлар, йўқ эса, уни озод қилиб қўйиб юборсинлар. Бу Амир Темурнинг инсонийлик сифатларининг бир кўриниши эди.

„Тузуқлар“да жангда мардлик ва баҳодирлик намуналарини кўрсатиб, душманга даҳшат солганларни то юқори мартабагача кўтаришнинг йўллари

ланг очиб қўйилдики, ҳеч бир жангчининг ҳарб хизмати эътибордан умуман четда қолмади. Ҳар қандай жасурлик ва мардликка йўғрилган ҳаракатлар ҳамда фаолиятлар салтанат назарида бўлди, рағбатлантирилди.

Бу эса қўшин қудратини сақлаб ва кучайтириб боришга гаров бўлди.

Қўшиннинг Ҳарбий Низоми бўлган „Тузуқлар“ да амирлар, вазирлар, сипоҳ ҳамда раиятни хизмат кўрсатган ишларининг кўлами ва аҳамиятига қараб инъом ва совғалар, мукофотлар миқдорлари аниқ белгилаб қўйилган.

Жанглarda қаҳрамонлик кўрсатган баҳодир жангчи ёки саркардаларга тархон ва суюрғол мулклар инъом этилар эди. Тархон мулк инъом этилган ходим ёки сипоҳ ёхуд саркарда суд қилинмаган бўлиши керак ва мулкидан солиқ олиш мумкин эмасди. Тархон эгаси давлат олдидаги хизматлари учун солиқ тўлашдан озод этилган. Амир ва саркардаларга туман ва вилоятлар суюрғол тарзида берилган. Улар маълум миқдорда олган даромадларидан давлат хазинасига солиқ тўлаганлар.

Бундай ваколатни олганларнинг номлари зафар тантаналарида эълон қилиниб, уларга мукофотлар, махсус ёрлиқлар берилган.

„Тузуқлар“ да ўн икки амир ёки саркарданинг қўшиндаги мавқеи алоҳида бандларда белгилаб қўйилар эди. Белгиланган тартибда уларнинг ҳар бирига битта байроқ ва бир ноғора тақдим этиларди. Шу байроқ рангасвирига қараб унинг қўшини майдоннинг қаерида ва қандай ҳолатда, жангу жадалдаги иштироки аниқлаб олинарди. Амир улумароларнинг ҳар бирининг байроғи, ноғораси, туғи

ва чортуғи алоҳида бўлган. Мингбошига бир туғ ва бир карнай берилган. Ўнбоши ва юзбошига биттадан ноғора (табал) берилган.

Маълумки, Соҳибқирон қўшинида туркий-муғул уруғлари, қабилалардан юзга яқин сардорлар хизмат қилган. Ҳар бири ўз қавмининг жанговар йигитларига бош бўлиб, ҳарбий юришларда қатнашганлар. Уларнинг хизмат жараёнидаги фаолиятларига қараб, байроқ, туғ ва ноғора берилган.

„Тузуқлар“ да ҳарбий қисм ва фавж таркибига кирган ҳар бир жангчидан то қўмондонларгача қандай қуролларга эга бўлиши, чўл, дала-дашт, тоғ ва ҳоказо табиий тўсиқ ва дарёлардан ўтишда қандай асбоб-анжомлар, ҳарбий жанговар қуроллардан тортиб нина ва ипларгача шай бўлиши қаттиқ талаб этилган. Ҳарбий ҳаракатлар, тоққа кўтарилишда асқатувчи воситалар, қамалда зарур бўладиган жамики жиҳозлар, ҳар бир қисмларнинг қурол-аслаҳа ва ёрдамчи зарурий буюмлари тайёр ҳолатда туриши шарт эди.

Белгиланган тартибдаги жанговар жиҳозларни текшириш пайти ёки кўрик чоғида камчилик сезилса, унутилган нарса аҳамиятига қараб улўфа улуши камайтирилган. Ҳар бир жангчи ва қўмондон ўз масъулияти ва бурчини чуқур англаб, шунга яраша ҳаракат қилган. Жаҳондаги бирор мамлакат қўшини Соҳибқирон Амир Темур қўшини эга бўлган темир интизомга эга эмасди. Қўшинни тўлдириш чоғидаги сафарбарлик, жойларда аниқ бир вақтда тўпланиш ва бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, кўчиш жараёнидаги қатъий тартиб-интизом „Тузуқлар“ да белгилаб қўйилган қатъий қоидалар асосида олиб борилган. Унга риоя қилмаганлар иши қози аскар, яъни ҳарбий судга оширилган.

УРУШ ВА ТИНЧЛИК ДАВРИДА ҲАРБИЙЛАРНИНГ БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

Амир Темур қўшинида хоҳ кеча, хоҳ кундуз бўлсин, душманнинг ҳар бир хатти-ҳаракатидан хабардор бўлиб туриш, қўшин маълум фурсат дам олиши ёки овқатланиши, айниқса, тунги уйқудаги ҳолатларда

лашкар муҳофазаси, хавфсизлигини таъминлаш энг асосий ўринга кўтарилади. Амир Темур бу масалада ҳокимиятга келгунча ҳарбий ҳаракатларда қатнашар экан, фанимларнинг қўққисдан берадиган тунги



зарбалари жуда катта талафотларга сабаб бўлишини, натижада ғаним устунликни қўлга киритиб, талафотлар келтирганлигининг бир неча бор гувоҳи бўлган, ушбу фожеанинг тақрорланмаслигини кўзда тутиб, қўшин муҳофазаси ва хавфсизлигини шу тариқа бош масала даражасига кўтарган эди. Бу талаблар Ҳарбий Низомда қатъий белгилаб қўйилди.

Фавқуллода ҳолатларда ҳал қилиш зарур бўлган вазифалар юзасидан шошилинич чақириладиган амирлар, саркардалар, қўмондонлар, вазир ва амир ул-умаролар ҳарбий кенгашларига жам бўлиш қоидалари ҳам „Тузуқлар“дан мустаҳкам ўрин олди.

Соқчилик тартиблари ва мажлисларда ваколатли ҳарбий амалдорлар иштироки қоидалари шахсан Амир Темурнинг ўзи томонидан қатъий интизом билан ишлаб чиқилган бўлиб, қўшин ҳаётига татбиқ этилганлиги „Тузуқлар“да бундай баён этилади: „Амр қилдимки, сипоҳийлар, амирлар, мингбошилар, юзбошилар ва ўнбошилар Девонхонада, базм мажлисларида кулоҳсиз, чакмонсиз, ханжарсиз, қиличсиз ҳозир бўлмасинлар. Ўн икки минг қилич осган аскар урушу тинчлик вақтида бутун яроғ-аслаҳалари билан қўшқда Девонхонанинг ўнг ва сўл тарафидан, орқасидан ва олдидан қуршаб турсинлар.

Шу тартибда ҳар кеча улардан минг киши соқчилик қилиш учун ҳозир бўлишсин. Ҳар юз қиличли устига бир юзбоши қўйилсин ва унга шартлашилган махфий сўзни (пароль) айтсинлар. Бу душман томон жосусларининг қўшинга кириб олиб фаолият кўрсатишига монелик қилган.

Яна амр қилдимки, уруш пайтида ўн икки амирдан ҳар бири, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ўн икки минг қуролланган отлиқ сипоҳи билан бир кеча-кундуз давомида ҳар қайсилари ўз қўмондонларини, қавмлар эса ўз хонларини қўриқлаш учун ҳозир бўлсинлар. Бу ўн икки минг лашкарни тўрт фавжга бўлиб, бир фавжини баронғорга, бошқасини жавонғорга, биттасини Ўрду (подшо ёки хоннинг Қароргоҳи, қўшин жойлашган ҳарбий лагерь)нинг олдига, бошқасини эса Ўрдунинг орқа тарафига тайинласинлар. Ушбу фавжлар навбатма-навбат Ўрду-

дан ярим фарсаҳ узоқлашиб, соқчилик қилсинлар. Ушбу тўрт сипоҳий фавж ўзлари учун ҳировул (бирон қисм, қанот қўшинлари орасида турувчи ҳарбий бўлинма) белгиласинлар, ҳировулдан эса қоровуллар тайинлансин. Улар бўлса эҳтиёткорлик ва ҳушёрликни қўлдан бермай, Ўрдуга хабар етказиб турсинлар. Бу эса қўшин ва ҳарбий қисмлараро алоқани мунтазам ўрнатиб туришга имкон берган.

Яна ҳукм қилдимки, атрофимда жойлашган лашкар ва Ўрдуга, ҳар бирида алоҳида биттадан қутвол (қалъа бошлиғи, комендант) тайинласинлар ва Ўрдунини қўриқлаш, соқчилик қилиш ишлари шулар устига юклансин, бозор аҳлidan (Ўрду атрофида савдо-сотиқ қилувчилар) солиқ олиш ҳам шулар зиммасида бўлсин. Агар Ўрду аҳлidan бирон кимсанинг нарсаси ўғирланса, улар жавобгарликка тортиладилар“.

Тартиб-интизом қаттиқлиги ва имон-эътиқод тарбияси, ҳалоллик, жангчилар ўртасида ўзаро жанговар сафдошлик туйғуси кучли бўлганлиги учун қўшинда ахлоқий-маънавий, айниқса, ватанпарварлик туйғуси устувор бўлган. Булар ҳам Соҳибқирон қўшинининг дунёдаги турли лашкарий кучлардан устун жиҳати эди. Ўрта асрлар шароитида бундай даражадаги интизомли мустаҳкам қўшинни тарбиялаб вояга етказиш Амир Темур, унинг саркарда ва қўмондонларидан қанча куч-ғайрат, қолаверса, ҳукмдорнинг пирлари Саййид Барака, Шамсуддин Кулол ва Қароргоҳ бош имоми Абдулжаббор ал-Хоразмий каби улуғ зотларнинг жонбозлик, фидойилик кўрсатиб, исломий-маърифий тарғибот ишларини юксак даражада йўлга қўйганлигининг натижаси эди. Қўшин ва фавжлар орасида тез-тез юқорида номлари тилга олинган улуғ зотлар Ватанга садоқат, имон-эътиқод устуворлиги ҳақида маърузалар ўқиб турардилар. Уларнинг маърузалари гоёят мароқли бўларди.

„Тузуқлар“да улуслар, қўшинлар ва туманларнинг амирлари маъмуриятини мансабларга тайинлаш ҳамда уларга навкарларнинг, бекнинг навкарларга муомала қилиши муносабатлари белгилаб қўйилган қоидаларга амал қилинган.



Бу масалалар ҳам қўшин ҳаётида муҳим ўрин тутарди.

Шунингдек, мулку мамлакат, сипоҳу раъият аҳволдан хабардор ва огоҳ бўлиб туриш қоидалари ҳам мукамал бир ҳолатда ундан ўрин олганки, бу Соҳибқироннинг „Тузуқлар“и салтанатни идора қилиш ва қўшинни бошқаришда асосий қонунлар мажмуаси, Олий ҳужжат мақомига эга бўлганлигини кўрсатади. Ўрта асрларда ҳам давлат, ҳам халқ манфаатини ўзида мустаҳкам ифода қилувчи одилликни ўз мазмунига сингдирган қонун-қоидалар мужассам топган ҳужжатни ўша даврда дунёнинг бирор давлатидан топиш амри маҳол эди. Булар ҳам Соҳибқирон Амир Темур сиёсий ва ҳарбий салоҳият даражасининг мазкур давр ҳукмдорлари ҳамда ўз замонидан вақт жиҳатдан илгарилаб кетган ҳукмдор эканлигидан дарак беради. Шу фаолияти билан Амир Темур ва унинг ворислари Шоҳрух Мирзо, Мирзо Улуғбек ва Ҳусайн Бойқаро ҳамда Алишер Навоийлар, шунингдек, Заҳриддин Муҳаммад Бобур Мирзоларнинг сиёсий, иқтисодий ва маданият соҳадаги бемисл саъй-ҳаракатлари боис Шарқ уйғо-

ниши жараёни мудроқ ва деспотик тузумлар, унинг мафкураси зулми остида эзилган Европани маърифат тамаддуни билан уйғонишига йўл очиб юбордики, кўп улуғ воқеалар Шарқдан бошланганини маъриб оламининг улуғ мутафаккирлари аллақачон эътироф қилиб бўлдилар. Бунда Ватанимиз сиёсий ва фан-маданият арбобларининг хизматлари халқаро майдондаги нуфузли ташкилотлар томонидан тан олиниши ҳам бунинг рад қилиб бўлмас далилидир. Давлатни, жамиятни чинакамига ўрта аср қоқоқлигидан қутқариб, уни сифат жиҳатидан янгилаш, тараққиётга, маърифатга таяниб олиб чиқишни Ғарбий Европа Амир Темур ислоҳотларини аста-секин ўзлаштириб, гуманистик ғоялар сари бурилдилар. Натижада IX—XII ва XIV—XV асрдаги буюк аждодларимиз кўтарган илм-маърифат байроғи ва жамиятни адолатли бошқариш, фуқаролар эркинлиги ғоялари оқибат Ғарбий Европа Уйғониш, яъни „Ренессанс“ буюк воқеасига йўл очди. Шундан демократия сиёсий тафаккурга илдири отди. Бу ватандош аждод бобокалонларимизнинг жаҳон халқлари олдидаги буюк хизматлари бўлди.

ШАҲМАТ ВА ҲАРБИЙ САНЪАТ НАЗАРИЯСИ

Амир Темур ижтимоий келиб чиқишига кўра ўрта даражадаги ҳарбий зобит оиласидан етишиб чиққан бўлиб, тинимсиз жангу жадалларда мардона жасорат кўрсатиб, тожу тахтгача бўлган шонли йўлни босиб ўтган ҳукмдорлар сирасидандир. Ўзининг ақли, Парвардигор ато қилган истеъдоди, узоққа назар ташлаш қобилияти, инсонларни ўзига яқинлаштиришдек инсонийлик фазилати, мардлик ва жасурлик ҳамда шерсифат шижоати каби қатор хусусиятлари туфайли ҳарбий сиёсий курашларнинг аёвсиз майдонида пўлатдек тобланди. Ҳар кунги талатўп курашлар, отининг жиловини маҳкам тутганича қилич чопишлар, найзабозлик жанглари ўша давр мард йигитлари ҳаётининг ажралмас таркибий қисмига айланган эди. Амир Темурнинг мақсади юз эмас, минг эмас, балки юз минглаб ўзи каби жасур йигитларни даҳшатли жанглар тўфонига олиб кириб, Ва-

танини, халқини асрий қуллик, мустамлакачилик азоб-уқубатларидан эркинликнинг нурафшон йўлларига олиб чиқишдек ғоят машаққатли вазифани амалга оширишга йўналтирилган эди. Шунга кўра ғалаба қўлга киргунча унинг қўли қилич серпашдан, тафаккури эса ҳарб илмини, ҳарбий санъатни такомиллаштиришдан сира-сира тўхтамасди. Бунинг учун эса ҳарбий санъат илмини мукамал ўзлаштириш ҳаётининг муҳим бир қисмига айланган эди.

Соҳибқирон ўзигача бўлган саркардалар, ҳукмдорлар ҳарбий санъати ва илми билан чекланиб қолмасди. У ғанимлари қанчалик қудратли бўлмасин, уларга бас келиш билан чекланиб қолмасдан, балки уларни тўла тор-мор этиш орқали халқ ва Ватан озодлигига эришиш ҳамда келажак хавфсизлигини сақлаб қолиш зарурлигини барчадан яхши тушунарди.



Амир Темур ҳайкали.

Тошкент.





„АМИР ТЕМУР“ ОРДЕНИ


„Амир Темур“ ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустақамлашдаги улкан хизматлари, меъморчилик, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланадилар. „Амир Темур“ ордени билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчликни ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустақамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлик учун ҳам тақдирланадилар.

„Амир Темур“ ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.


„Амир Темур“ орденини таъсис этиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган ва Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И. А. КАРИМОВ 1996 йил 26 апрелда имзолаган Ўзбекистон Республикаси Қонунидан.

Темурийлар тарихи давлат музейи.

Тошкент.








ҚОЯТОШДАГИ БИТИК

Улуғ тоғ этагидаги қоятошга эски уйғур тилида уйиб ёзилган ёзув:


„Бисмиллаҳ ар-рахман ар-рахим!“

Ҳижрий 793 йил жумодилаввал ойининг 23-кунида (1391 йил 28 апрель Турон Султони Амир Темур Кўрагон Тўхтамишхонга қарши 200 минглик лашкарлари билан бу ерлардан ўтди.




Амир Темурнинг Франция қироли Шарл VI га йўллаган мактуби.

Франция қироли Шарл VI нинг Амир Темурга юборган мактуби. 1403 йил.



Темурийлар тарихи давлат музейи.





Усмон Қуръони
(нусхаси).

Темурийлар тарихи давлат музейи.



Темур тузуклари.
XIX аср.



Амир Темур тарихи.

Аҳмад ибн Арабшоҳ.
XVII аср.



Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти
Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг совғаси.

Темурийлар тарихи давлат музейи.





Амир Темур отаси билан.

*Муаллиф
О. Мўминов.*

Темурийлар тарихи давлат музейи.

Лой жанги.

Муаллиф А. Жалолов

**Амир Темур
ҳарбий кўрикда.**

*Муаллиф
Д. Имомов.*

Амир Темур машварати.

*Муаллиф
З. Фахриддинов.*

Темурийлар тарихи
давлат музейи.





Амир Темури ҳокимият
рамзларини қабул қилмоқда.

Муаллиф
М. Нуриддинов.

•
Темурийлар тарихи давлат музейи.







**Амир Темурнинг
Тухтамишхон билан жанги.
1391 йил, июнь. Қундузча.**


*Муаллиф
А. Алиқулов.*

Амир Темур жанг олдида.

*Муаллиф
Б. Айтмуродов.*

Қорақалноғистон Республикаси
давлат делегациясидан совға.

Темурийлар тарихи
давлат музейи.



**Амир Темурнинг
шаҳарга кириб келиши.**

*Муаллиф
З. Фахриддинов.*

Самарқанд бозори.

*Муаллиф
А. Алиқулов.*

**Дарвоза олдидаги
карвон.**

*Муаллиф
С. Рахметов.*

Темурийлар тарихи
давлат музейи.





ШАЙХ ЗАЙНИДДИН КЎҲИ ОРИФОН ТОШКАНДИЙ

Шайх Зайниддин бобонинг отаси ўз даврининг машҳур инсони Шайх Шаҳобиддин Абу Ҳафс Умар Суҳравардий асли хоразмлик бўлиб (1145–1234), „Суҳравардия“ тариқатига асос солган.

Файласуф Хоразмда 25 йил яшаб, сўнгра халифалик пойтахти Бағдодга ўз илмини ошириш учун кетар экан, Шарқ оламида „Шайхлар шайхи“ мавқеига кўтарилди.

Бағдод халифаси ан-Носир (1180–1225) қайсики давлатлар билан алоқаси бузилса, моҳир дипломат ва нотик Суҳравардийни ўша юрт ҳукмдори ҳузурига элчи қилиб жўнатар эди. Суҳравардий дипломатик хизмат сафари билан Хоразмшоҳ Такаш саройига келиб музокаралар юритган. У Миср, Туркия, Эрон ва бошқа давлатлар ҳукмдорлари ҳузурларига ан-Носир номидан бориб музокаралар юритган. Суҳравардий Хоразмшоҳ Муҳаммад Султон ва Султон Жалолиддин Мангуберди билан ҳам учрашиб, дипломатик музокаралар юритиб, Араб халифалиги ва хоразмшоҳлар зиддиятларини бартараф этишда фаоллик кўрсатган.

Суҳравардий ислом ахлоқи ва фалсафаси бўйича йирик уламо ва маърифат, шунингдек, давлат арбоби сифатида чуқур из қолдирган машҳур шахслардан бири эди. У Бағдодга кетар экан, икки ўғлидан бирини юртимизда қолдириб кетади. Бу ўғил бутун ислом оламига танилган Шайх Зайниддин Кўҳи Орифон Тошкандий эди. Илдизи тарих ва замон силсилаларига бардошлилиги боис шажара чинордек бақувват ҳолда бизгача етиб келар экан, 800 йилдан ортиқ тарих саҳифасини безашда давом этиб келмоқда.


Ислом оламининг машҳур алломаларидан бири Шайх Зайниддин Кўҳи Орифон Тошкандий 1164 йилда туғилиб, 1259 йилда вафот этган. Улуғ Шайх олдиндан воқеаларни кўрувчи кароматгўй ва башорат илмини ҳам чуқур эгаллаган инсон бўлган.

Шайх Умар Боғистоний Шайх Зайниддин бобо қабрларини зиёрат қилиб, Парвардигордан ўғил беришини илтижо қилган. Орадан тўққиз ой ўтгач, унинг оиласида ўғил фарзанд туғилган. Чақалоқ Шайх Зайниддин авлиё зиёратига олиб борилиб, мақбарага етиб келганларида унинг атрофида учиб юрган кабутарлар чақалоқни кўриб „Ат-Таҳур“ дея сайрайдилар. Ана шу кароматли ҳодиса боис чақалоққа Шайх Ховандтоҳур деб ном қўядилар.

**Зайниддин бобо мақбарасининг
умумий кўриниши.**

**Шайх Зайниддин бобо
қабристони.**

Тошкент.





Сайт
Мухаммад
Бағдат
Шайх Дони
тарбияти

ШАЙХ ЗАЙНИДДИН ҲАЗРАТЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ФАОЛИЯТИ

Шайх Зайниддин бобо қабристони Тошкентнинг ғарбий қисмида салкам 9 га майдонни эгаллайди. Қабристон Шайх Зайниддин бобо вафот этгач, унинг қабри атрофида XIV асрда вужудга келган.

Амир Темур Тўхтамишхонга қарши жангга отланиш учун қўшинини 1390–1391 йилларда Турону Хуросон ҳудудларидан айна Тошкентда тўплаб, қишни шу ерда қишлайди. Соҳибқирон Тошкентда Қароргоҳини тикиб, баҳор келишини кутар экан, шу вақт орасида бир неча бор Шайх Зайниддин бобо қабрларини зиёрат қилади. Кайковус ариғидан сув чиқариб, Шайх Зайниддин Кўҳи Орифон қабрлари устига мақбара гумбаз қурдириб, етим-есир, бева-бечораларга эҳсон тарқатади, вақф мулклар ажратади. Тўхтамишхоннинг устидан ғалаба қилгач, Амир Темур яна Тошкентга қайтиб бир муддат кун ўтказар экан, Шайх Зайниддин бобо қабрларини зиёрат қилади, атрофларида ободонлаштириш ишларини амалга оширади.

Соҳибқирон Амир Темурдан кейин кўп улўф ва машҳур инсонлар Шайх Зайниддин бобо Тошкандийга катта ҳурмат изҳор этиб, олим ва шоир бўлсалар, асарлари ҳамда ижодидан ўрин берганлар. Имкон топиш билан у кишининг зиёратларига шошганлар.

Чунончи, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби улўф мутафаккирлар Шайх Зайниддин бобо Тошкандийнинг отаси Шайх Суҳравардий ва амакиси Шайх Нажмиддин Суҳравардийларни „Насойим ул-муҳаббат“ асарида тилга олиб ўтганлар.

XV аср иккинчи ярмида яшаб ўтган машҳур Шайх Хожа Аҳрор Валий Тошкентда бўлган пайтларида бошқа шайхлар қаторида Шайх Зайниддин бобо мақбарасини ҳам зиёрат қилганлар.

Амир Темур замонидаги бошланган мақбара ва унинг атрофларини ободонлаштириш мустақиллик даврига келиб яна давом эттирилди. Шайх Зайниддин бобо жоме масжиди маҳобатли қилиб қайта қурилди. Осмонўпар мезана ҳам шулар жумласидандир.





ЎДГОРЛИККА БАЌАМТИ ҚУРИЛГАН „ЧИЛЛАХОНА“

Чиллахона мақбара билан яхлит ҳолатда ягона мажмуани ташкил қилади. Чиллахона Чингизхон босқинида вайронага учрамай омон қолган Минораи Калон, Исмоил Сомоний мақбаралари қаторидадир. Чиллахона ўзига хос расадхона иншооти эканлиги илмий тадқиқотлар олиб борувчи нуфузли илмий ташкилотлар томонидан исботланди. Унинг мураккаб қурилиши ва астрономик тадқиқотлар олиб боришга мослаштирилганлиги шундан далолатдир.

Чиллахонага ўрнатилган махсус тешик қуёш соати вазифасини ўтаган. Коинот оламини кузатишга қулай қилиб ўрнатилгандир. Яъни кундуз қуёш ҳаракати, тунда эса юлдузлар олами кузатилади.

Шунга кўра Чиллахонани илмий тадқиқ қилган XX аср олимлари осмон жисмларини ўрганадиган диоптрли қурилмалардан бири, деган хулосаларга келганлар.

Чилла расадхонасининг чизмаси



Зайниддин бобо мақбарасидаги
Чилла расадхонаси (Чиллахона).

Тошкент.





ЗАНГИ ОТА МАҚБАРАСИ ҚУРИЛИШИ ТАРИХИДАН

„Занги ота“ марқадлари Тошкент шаҳри яқинидаги шу номли қишлоқда жойлашган бўлиб, зиёратгоҳлари марқад ва унга кираверишдаги кичик бир масжиддан иборатдир. Уни Амир Темур қурдирган ва Мовароуннаҳр ҳукмдори Мирзо Улуғбек 1420 йилда унинг устига ҳозирги пештоқни бино қилдирган. Мирзо Улуғбек буйруғига кўра марқад пештоқига ушбу „Ҳадиси қудсий“ ёздирилган: „Менинг заминимдаги уйларим масжидлардир. Менинг зиёратчиларим эса уни обод қилувчилардир“.

XVIII асрда буерга мадраса ва масжид қурилган, кўлаб талабалар таълим олганлар. XIX аср охирида Мирзо Рустам номли саховатли киши томонидан мавжуд мезана қурилган.


Амир Темур томонидан Занги ота мақбарасининг қурилиши ҳақида халқ орасида тилдан-тилга кўчиб ўтаётган ривоятлар мавжуд.

Нақл қилишларича, Амир Темур Дашти Қипчоқ хонига қарши жангга отланар экан, Занги ота қишлоғига тушиб, Занги ота қабрини зиёрат қилишни кўнглидан ўтказди. Ғалаба билан сафардан қайтар экан, аввалда кўнглига туккан ниятини амалга оширишга киришади. Яқин ўртада тайёр гишт бўлмагани сабабли 250 минглик аскарига Самарқанддаги хумдонидан қўлма-қўл туриб гишт узатишга Фармони олий беради.

Мақбара лойиҳасига ер устидан пойдевор ишланиб, ер сатҳидан бир газ чамаси кўтарилган. Ўша кеч овқатдан сўнг, усталар, мардикор ва ишбошилар тезда уйқуга кетадилар. Эртаси тонг чоғида уйқудан уйғониб, қурилиш майдонида юз берган ғайритабиий манзарага кўзлари тушиб, ханг-манг бўлиб қоладилар. Негаки, кечагина қад кўтарган пойдевордан асар ҳам қолмаган. Гишлар майда-майда парчаларга айланиб, бузилган ҳолатларда ётарди.

Буни Соҳибқирон Амир Темурга билдирмасдан тезлик билан қайта тиклайдилар. Аммо орадан яна бир кеча ўтгач, яна ўша аҳвол, пойдевор аввалгидек вайрона ҳолатда. Ниҳоят, Амир Темурга бўлган воқеани айтишга қарор қиладилар. Чунки пойдеворни тиклаш тобора қимматга тушиб борарди. Қоровул қўйиб аниқлашга муваффақ бўладилар. Одамлар энг ширин уйқуда маҳали бир баҳайбат қора хўкиз қуриладиган бино томон шиддат билан келиб, пишқирганича шохлари билан деворни алғов-далғов қилиб, бирпасда кўздан ғойиб бўлади.

Амир Темур бу воқеани ўз кўзи билан кўриш истагида мулозимлари билан етиб келади ва шу кечаси ўша ерда аёнлари билан тунаб қолади. Ниҳоят уйқуда туш кўради. Тушида рўйсифат бир мўйсафид чол шундай дейди: „Бўтам, мени йўқлаб келибсан, илоҳо давлатинг зиёда бўлмай. Зафарларинг зафарларга улансин. Аввало мақбарани менга эмас, менинг пири бузрукворим, ул табаррук зот Ҳазрати Хожа Яссавийга бунёд эт, ул зотнинг қабрлари Туркистондадур. Андин сўнг менга мақбара курсанг дуруст бўлур“. Ана шундан сўнг Амир Темур Занги ота учун атаб қуриладиган мақбарани вақтинча тўхтатиб, Хожа Аҳмад Яссавий ҳазратларига мақбара қуришга Фармони олий беради. Шу тариқа XIV аср охири XV аср бошларида Хожа Аҳмад Яссавий ва Занги отага атаб қурилган мақбаралар барпо этилади.







ХОЖА АҲМАД ЯССАВИЙ

Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси XIV аср охири XV аср бошларида Амир Темур фармонида биноан барпо этилган маҳобатли тарихий обидалардан биридир. Бино қурилиш лойиҳасига кўра Марказий Осиёдаги тарихий бинолар орасида ягона ҳисобланади. Мақбара ички безак хусусиятларига кўра ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Дастлаб Аҳмад Яссавийга атаб қурилган мақбара Олтин Ўрда хони Тўхтамишхоннинг 1388 йилги Мовароуннаҳрга қилинган юришларида вайрон этилиб, олтин, кумуш жиҳозлари талон-тарож қилинган. Сўнгра Амир Темур ҳозирги кўринишидаги ҳолатда қуришга буйруқ беради. Мақбара турли ўлчамдаги 34 хонадан иборат бўлиб, унинг баландлиги 39 метрни ташкил қилади. Мақбара ичида мачит, мадраса, хонақоҳ вазифаларини бажаришга мўлжалланган хоналар мавжуд. Мақбаранинг кириш — асосий эшиги ўзига хос санъат асари ўймакорликнинг етук намунаси бўлиб, унга олтин, кумушдан нақш берилган. Шунингдек, муқаддас китоблардан битиклар хаттотлик усулида эшикларнинг тепа қисмига жимжимадор қилиб ёзилган. Эшикнинг баландлиги 18 метрдир.

Мақбаранинг тарихий ашёларидан бири бир неча хил металл қотишмаларидан тайёрланган қозондир. У ўрта асрлар даври металл қуйиш ва унга ишлов беришнинг ажойиб намунаси ҳисобланади. Қозон шахсан Амир Темурнинг буйруғи билан 1399 йилда металл қуйишнинг машҳур устаси ва муҳандиси Абдулазиз ибн Шарафуддин Табризий бошчилигидаги усталар гуруҳи томонидан тайёрланган. Қозоннинг соф оғирлиги икки тонна, сув сифими 3000 литрдир. Қозоннинг баландлиги 158,3 см. Диаметри (айлана узунлиги) эса 243,4 см ни ташкил қилади. Қозондан диний байрамлар тадбирлари ўтказиладиган кунларда фойдаланилган. Унга Қуръондан 9 та сура туширилган. Бу ёзувлар олтин суви бериб ишланган.

Мақбаранинг „Хилхона“ дея аталган қисмида машҳур тасаввуфий шоир туркистонлик Шайх ул-Машойх номи билан шуҳрат қозонган „Яссавия“ тариқатининг йирик намояндаси Аҳмад Яссавийнинг қабри жойлашган. Бу муқаддас макон туркий ислом дунёсининг зиёратгоҳ маскани ҳисобланади. Бу улуғ зотнинг машҳур асари эса „Ҳикмат“ китобидир.



Қозон.

Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси.

Туркистон шаҳри.

Қозоғистон.





Амир Темур жангу жадаллардан бўшаган қисқа муддатли дам олиш чоғларида ҳарб санъати ва илмини ривожлантириш, амалиётини такомиллаштириш устида доимо ва узлуксиз бош қотирарди. Бу муаммонинг ижобий ечимини топишда шахмат тахтаси Соҳибқиронга ҳарбий назариясини бойитишда ажойиб имкониятлар яратиб берарди. У шахмат тахтасини оддий ўйин майдони эмас, балки катта жанг майдонининг нақ ўзи эканлигини аниқларди. Шахмат тахтаси нега жанг майдони бўлмасин, ахир?! Икки қарама-қарши ғаним тарафлар жанг майдонида юзма-юз учрашадилар. Учрашиш жараёнида пиёдалар ҳам, отлиқ суворийлар ҳам саф оладилар. Қўмондону, саркардалар ҳам ҳар бири худди ҳақиқий ясол тартибидегидек ўз ўринларини жанг олдида эгаллаган. Шахмат тахтаси айнан муҳораба майдонининг нақ ўзи, икки қарама-қарши қўшин барча турлари саф тортган.

Унда жангга ўргатилган филлар, суворий ва пиёдалар ҳам жанговар ҳолатда буйруқ кутади. Фарзин — қўшин бош қўмондони, Шоҳ — Олий Бош қўмондон ва ҳукмдор, улар буйруғи билан жангга қўшинларни бошлайдиган зобит (офицер) лар ҳам жангталабдир. Ясол олиш тугаган, энди томонлардан бири ҳужумни бошлаб беради. Иккинчи қарама-қарши тараф эса уни қайтариш тадоригини кўради. Шу билан шахмат тахтаси устида „жанг“ бошланиб, ҳақиқий кураш майдонига айланади. Бу ёғи Олий Бош қўмондоннинг қандай ҳарбий тактика ва ҳарбий жанг стратегия санъатини қўллаб, ғалабани ўз томонига пировардида таъминлаш ва буриб юборишдан иборат. Катта жангни бошқариш, аввало, Олий Бош қўмондон тафаккурида пишиб етилади.

Соҳибқирон Амир Темур ҳарбий жанг санъатини такомиллаштириш назариясини шахмат тахтасидаги сир-синаотлардан қидирди ва оқибат унга калит топди. Ҳар қайси мамлакатнинг шаҳар ва вилоятлардаги донгдор шахмат усталарини топтириб, саройга тўплаган эди. Ибн Арабшоҳ „Амир Темур тарихи“ асарида олимлар, машҳур ҳунар-

манд заргарлар қаторида донгдор шахмат усталари ҳақида ҳам қимматли маълумотлар беради: „Заргарлардан ал-Ҳож Али Шерозий ва Ҳож Муҳаммад Ҳофиз Шерозий ва бошқалар, сангтарошлардан катта бир гуруҳи бор бўлиб, уларнинг энг кўзга кўрингани Олтун эди. У ўз ҳунарида бир мўъжиза бўлиб, қимматбаҳо тошларга нақш солар, яшмга, ақиққа Ёқут (Ҳамавий)нинг хатидан ҳам чиройли хат билан ўйиб ёзарди.

Шатранжчилардан Муҳаммад ибн Ақил ал-Хайми, Зайн ал-Яздий ва бошқалар. Шатранжчиларнинг алломаси фикҳчи, ҳадисчи (олим) Алоуддин ат-Табризий эди. У Зайн ал-Яздийга ортиқча бир пиёда қўяр ва ундан ғолиб чиқар, ибн Ақилга эса битта от қўйиб, унинг устига миниб оларди (енгарди). Амир Темур Шарқу Ғарб иқлимларини алғов-далғовга солди. Унинг жангу жадалида ҳар бир султон ютқазиб, ҳар бир шоҳ жангда ҳам, шахмат ўйинида ҳам ундан енгилиб мот бўлди“.

Темур Алоуддинга: „Гўё мен мулк сиёсатида ягона бўлганим каби, сен ҳам шахмат оламида тенги йўқсан, (шунингдек, яна у) бизлардан, яъни мен ва мавлоно Али Шайхдан, ҳар қайсимизнинг санъатимиз кароматларга эга бўлиб, беназир кишилармиз, — деяди. Шахмат ўйинию мансубалари илмида унинг ўзига хос шарҳи бўлиб, у билан ўйинда чуқур ўйламасдан (унинг) фикри ҳаддига етишга ҳеч бирон кимса қодир эмасди. У шофиъий мазҳабдан фикҳ илмини яхши билган ҳадис олими, хайр-саховатли киши бўлиб, чиройли юзлюю ҳақ сўзчи эди. Менга ҳикоя қилишларича, у Аллоҳ юзини кароматли қилғур, амир-ул мўминийн Алини тушида кўрган. Али унга бир халтада шахмат тутқазгач, шундан кейин ҳеч бир инсон ундан ғолиб чиқмаган. Унинг ўйин пайтидаги сифатларидан бири шу эдики, ўйин вақтида у ҳеч тафаккур қилмас, фақат (унинг) рақибни узоқ ўйлаб фикрга чўмгандан кейин ўйнагач, у ҳеч бир тadbир кўрмасдан юриб қўярди. Бир вақтнинг ўзида у икки рақиб билан ғойибона ўйнарди ва ҳисоблаши натижасида ўз томонида қандай доналар ва рақиблари томонида



қандай доналар борлигини биларди. У ва Амир (Темур) катта шатранж ўйнардилар“.

Амир Темурнинг машҳур ва тенгсиз шахматчи Алоуддин ат-Табризий билан фақат катта шахмат ўйнашининг боиси Соҳибқирон ўша катта шахмат тахтасида ўз қўшини ва ғаним қўшинининг жанг-олди сафланишидан тортиб қўшин турларининг ҳаракатланиши, ҳужум ва қарши ҳужум, кези келганда зарурий ёки тактик мудофаада туриш, душман режаларини бузиш, душманга тиккасига ё ён томондан бирин-кетин зарбалар бериб, ғаним Қароргоҳи томон ёриб ўтиб, душманни бирданига ғафлатда қолдирарди ва қарши томонни мағлуб этиш тактикаларини ҳар томонлама мукамал қилиб пиштириб оларди. Шахмат Амир Темурга ғаним Бош қўмондонининг нияти ва мақсадларини унинг ўз қўшинини жангга солиш, ҳаракатларига қараб ниятларини, режаларини олдиндан билиш ва шунга қараб ғаним режаларини барбод қилиш йўлларини тез фикрлаб жанг тактикаларида чалғитувчи манёврларни қўллашга ўргатарди. Душман томонни ноқулай ҳолатда жанг қилишга мажбур этиш усулларини шахмат тахтаси майдонида мукамаллаштирарди.

Ибн Арабшоҳ Амир Темур сарой ва Қароргоҳида турадиган катта шахматнинг худди жанг майдонида ясол олиб, жангга тайёр ҳолатини (фақат Амир Темур томон қўшин ҳолатини шахмат тахтасида) бундай тасвирлаган эди. 1. Руҳ пиёдаси. 2. От пиёдаси. 3. Даббоба пиёдаси. 4. Илғор пиёдаси. 5. Жирафа пиёдаси. 6. (?). 7. Фил пиёдаси. 8. Туя пиёдаси. 9. Вазир пиёдаси. 10. Фарзин пиёдаси. 11. Пиёда пиёдаси. 12. Руҳ. 13. От. 14. Даббоба. 15. Илғор. 16. Жирафа. 17. Шоҳ пиёдаси. 18. Жирафа. 19. Илғор. 20. Даббоба. 21. От. 22. Руҳ. 23. Фил. 24. (?). 25. Туя. 26. (?). 27. Вазир. 28. Шоҳ. 29. Фарзин. 30 (?). 31. (Туя). 32. (?). 33. Фил.

Амир Темур ана шу шахмат тахтасидаги кўришни ривожлантириб, ҳеч қандай ғаним бас кела олмайдиган қўшинга эга бўлди.

...Душман томон денгиз тўққинидек даҳшатли

ҳужум уюштирган чоғларда эса, албатта, Амир Темур учун Хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангубердининг жаҳон ҳарбий санъати эътироф этган мустаҳкам ёяндоз мудофаа услуби билан ғанимнинг тинкасини қуришиб ҳолдан тойдиргач, сўнгра яна қарши ҳужум билан тинкаси қуриган душманни тормор келтирар эди. Амир Темур ёяндоз усулига ўтганида айнан бу ҳарбий тактикани ғанимнинг ёпирилиб қилган ҳужумларини даф қилишининг энг ишончли ҳарбий усули деб қарарди. Шу тариқа Амир Темур шахмат назариясини ҳарбий санъат назарияси билан мужассамлаштириб, такомиллаштириб борарди. Бирини иккинчисидан алоҳида ҳодиса деб эмас, мутлақо муштарак санъат сифатида қарарди.

Амир Темур наздида шахмат ўйини ўйин эмас, балки унинг учун ҳақиқий жанголди жанговар машқи ҳам эди. У жангдан олдин ҳарбий тафаккурни қанчалик қиличдек кескир қилинса, душман ясолини яксон қилиш ҳам шунчалик осон бўлишига ва кам талафот билан жангдан голиб бўлиб чиқишига қаттиқ ишонарди. Шунга кўра Амир Темурнинг ҳарб илми назарияси ва катта жанггоҳлардаги олиб борган амалиёти шундай мужассам уйғунлигини топган эдики, Соҳибқирон шу боис елкаси ерга тегмаган, мағлубият аламини тотмаган жаҳонда ягона буюк саркарда шарафига эришган эди. Хоҳ рус саркардаси Суворов, хоҳ буюк Наполеон Бонапарт ва XIX—XX аср жаҳон майдонидаги юлдуз саркардалар бўлсин, ўз ҳарбий илм ва жангдаги ютуқлари замирида бобокалонларимиз бўлмиш Султон Жалолиддин Хоразмшоҳнинг жаҳон ҳарбий санъатидаги ёяндоз усули ва Соҳибқирон Амир Темурнинг етти қўл ҳарбий ясолини нафақат тан оладилар, балки мемуар асарларида қайд этиб, эътироф ҳам қиладилар. Шунингдек, бугунги кунда ҳам кўпгина ривожланган давлатларнинг ҳарбий академияларида ҳар икки буюк аждодларимизнинг жаҳон эътироф этган ҳарбий санъати махсус дарсликлар режаларига киритилгандир. Бунга генарал-лейтенант Иванининг „Икки буюк саркарда“ асарида келтирган фикрлари сўзимизнинг яққол исботи бўла олади.



**БУНЁДКОРЛИК ВА ЯРАТУВЧИЛИКНИНГ
ЁРЎИН ЙЎЛИ. СОЎИБЎИРОН САЛОЎИЯТИ
ДАЎОСИДАН САЙЎАЛ ТОПГАН САМАРЎАНД**



СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР — САЛТАНАТ БОШ МЕЪМОРИ

„Амир Темур шундай гўзал иморатлар яратдики, Самарқанд жаннатга таъна қилиб, ер юзининг сайқалига ва беҳиштига айланди“.

ЎРТА АСР ТАРИХЧИСИ МУЪИНИДДИН
НАТАНЗИЙНИНГ „МУНТАХАБ УТ-ТАВОРИХ
МУЪИНИЙ“ АСАРИДАН.

*Мозийда дунёнинг сайқали экан Самарқанд,
Соҳибқирон тарихидан халқ бўлсин баҳраманд.*

Соҳибқирон Амир Темур жаҳонда тенгсиз салтанат қуришга бел боғлаб, умрини шу хайрли ишга сарф қилди. Хукмронлиги даврида ҳеч бир подшоҳ ва султонлар эриша олмаган ютуқларга эришди. Ҳокимият тепасига келиши билан ўзига дастлаб пойтахт танлашга киришди. У аввалда ўзи туғилиб ўсган ота юрти Шаҳрисабзни салтанат пойтахтига айлантириш нияти ҳам йўқ эмасди. Амир Темур дунёқараши ғоят кенг, узоқни кўзлаб иш кўрадиган инсон бўлгани учун Самарқанд билан Шаҳрисабзнинг географик жойлашуви, Буюк ипак йўлида тутган мавқеи каби барча жиҳатларини қиёсан солиштириб чиқди. Оқибат Самарқандни пойтахтга айлантиришдек яқдил қарорга келди. Самарқанд тарихан Шарқда тилга тушган Мовароуннаҳрнинг йирик шаҳарларидан эди. XIII аср бошларида ҳатто ўз Қароргоҳини Самарқандга кўчирган Муҳаммад Султон Хоразмшоҳда ҳам уни салтанати пойтахтига айлантириш режаси йўқ эмасди. Ҳатто ўз хукмдорлигининг сўнгги йилларида фаолиятини шу шаҳардаги саройида давом эттиришга киришган эди ҳам. Бироқ мўғуллар босқини уни амалга ошириш имконини бермади. Бу мақсадди барбод бўлди. Бу олий мақсадни амалга ошириш Амир Темурга насиб этди. Натижада Соҳибқирон 1370 йил апрель ойининг охирида Самарқандга кўчиб ўтди. Олий даргоҳ ва Олий девонини шакллантиришга киришди. Шу тариқа салтанат байроғи Самарқандга мустаҳкам қилиб тикилди. Ана шундан бошлаб бу байроқ шуқуҳи, аввало,

Осиё, сўнгра Европа ва Африка мамлакатлари хукмдорларининг диққатини ўзига тортди. Жаҳонда энг мағрур ҳилпираган байроққа айланди. Жаҳоншумул соҳада эришилган ютуқларнинг барчаси Соҳибқирон Амир Темурнинг салоҳият даҳоси билан содир бўлди. Улуғвор сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ислоҳот, маданий тараққиёт ва бунёдкорликка дахлдор режаларнинг барчаси Самарқандда тузилди. Жаҳоннинг қарийб тенг ярим ҳудудларидаги олиму фозиллар, машҳур меъморлар, усталар, гишт терувчию кошинпаз ҳунар аҳллари Самарқанддаги қурилишларда фаол иштирок этдилар.

Дастлаб Самарқандда қисқа фурсатларда катта миқёсли ишларни бажариш учун фуқароларни бир ёқадан бош чиқариб меҳнатга, меҳнатга бўлганда ҳам қуллик меҳнатига эмас, оиласи ва жамиятни ҳам тўкин-сочинликка, фаровонликка элтадиган эркин меҳнатга йўналтириш лозим эди. 150 йиллик мўғулларнинг қуллик меҳнати инсонларни моддий манфаатдорликдан маҳрум қилиб, уларнинг меҳнат қилишга бўлган ихлосини сўндириб бўлганди. Энди бу халқни мустақиллик мафқураси билан қуроллантириб, улар онгига озодлик ғоялари руҳини синдириш учун уларни улуғвор ишларга жалб этиб, унинг самарасини рўёбга чиқариш, ҳар кимда қандай истеъдод, қандай қобилият бўлса, шуларни хоҳ ҳунаркасбда бўлсин, хоҳ илму маърифат ёхуд санъатда бўлсин оиласи ва жамият бахт-саодатига сафарбар этишга йўл бериш бу озод ва мустақил давлатнинг дастлабки сиёсий иқтисодий тадбирларидан бири



эди. Эркин меҳнат ва тинч муҳофазаланган ҳаёт, халқ куч-қудратининг нималарга қодирлиги Амир Темур давридаги улуғвор ислоҳотларда яққол намоён бўлди.

Халқни улуғвор ва яратувчилик ишларига оммавий сафарбар этиш учун мажбурий қуллик меҳнати қонун билан йўқ қилиниб, эркин меҳнат, шахс дахлсизлиги ва тараққиёт асоси бозор иқтисодиётини муҳофаза қиладиган тартиб-қоидалар қатъий амалда бўлишини ҳаёт тақозо қиларди. Соҳибқирон ёшлигидан ғурбатда, зулм остида яшаган халқнинг афтода ва қашшоқ ҳаётини синчковлик билан кузатган эди. Бундай тузум ва зулм зўравонликка асосланган тартиб ҳамда қонунлардан нафратланган эди. Унинг ҳокимиятга келишдан асл мақсадини яна бир бор эслаш фойдадан холи бўлмас. Мозий ҳодисот ва воқеалари билимдонларидан машҳур тарихчи Муъиниддин Натанзий ўзининг „Мунтахаб ут-таворих“ номли қимматли асарида бу ҳақда шундай деган эди: „Амир Темур ғурбат ва маҳрумлик йилларида Парвардигори таоло олдида қандай аҳду паймон қилган бўлса, тўла-тўқис ушбу тарз ва қоидалар асосида Худонинг халқи билан муомала қилишни ўзига касб қилди. Энг аввал барча йўлларда ёмлар барпо этишни буюрди ва халқ ўтиб кетадиган жойлардаги харобазорларни тузатиб, обод қилдирди. „Тоза нарсани олу ифлосини қўй“ матали тақозосига кўра, мулк ишларининг яхшиланишига ва мусулмонлар ҳаётининг фаровонлигига хизмат қиладиган қоидаларнигина ўзига шиор қилиб олди. Булардан бошқаларига эътибор қилмас, балки улардан нафратланарди. Андак фурсатда Амир Соҳибқироннинг барча тобеълари ва яқинлари, аркони давлатдан тортиб то ҳазратнинг аъёнларигача жамий амирлар ва вазирлар „Одамлар подшоҳларнинг динига эътиқод қиладилар“ матали тақозосига мос хислатларга эга бўлишди. Қолган авом ҳам „инсон эҳсоннинг қулидир“ дейилганидек, итоат камарини жон белига боғлаб,

*Жон камарвор бар миён бастанд,
(Жонни камар каби белга боғлади)*

бағоят ҳамжиҳатлик билан садоқат ва хизмат бошини ихлос чизигига қўйдилар“.

Муаррих Натанзий халқ Соҳибқироннинг юртни обод ва фаровон, шунингдек, Ватанни қудратли ҳолатга келтириш чақириғига бир жону бир тан бўлиб отланганлиги, натижада қисқа вақт ичида (муаррих тили билан айтганда, андак фурсат ичида Самарқанд гўзал ва обод бўлди) мислсиз ўзгаришлар содир бўлганлигини эътироф қилади. Тарихчи Натанзий бу ҳодисот сабабини кўрсатар экан, шундай тасвирлаган эди: **„Адолат ўрнатишда Соҳибқирон шу қадар ғайрат қилдики, унинг салобатидан фил пашшага тавозеъ қиларди. Бани башар ўртасида бирдамлик расмини барқарор қилди ва адовату хусумат бутунлай орадан кўтарилди. „Бўри“ларнинг панжа ва тирноғини қисқа қилди ва кичикларини кучли ва катта қилди. Шунингдек, адолатнинг камолоти жиҳатидан барча замонлардаги одил ҳукмдорлардан устун эди“**. Инсонларнинг ҳуқуқи ва қадр-қимматию эркинликларини шу қадар мустаҳкам асосларда ўрта асрлардаёқ шундай мустаҳкам таъминлаган мамлакат ва салтанатни Амир Темур ҳазратларидан ўзга ҳеч бир ҳукмдор барпо қила олмаган эди. Натижада унинг бошқарувидаги катта ижобий ўзгаришлар мамлакатни тараққиёт сари буриб юборган улкан ислоҳотларининг самараси бўлди. Унинг ўз халқи ва фуқароларига ўрнатган эркинликлари ўз хусусиятига кўра ўрта асрлардаги ўрнатилган илк демократик кўринишдаги унсурлар мавжуд бўлган давлат эди, дейишга асос бўлади.

Мовароуннаҳр аҳолисининг мўғуллар томонидан оёқ-қўлига солинган қуллик занжири узилар экан, ниҳоят бу озод ва эркин халқ Амир Темур ҳукмронлиги замонида келиб жаҳонни лол қолдирадиган бунёдкорлик ишларига қодир халқ эканини амалда кўрсата олди.

Чингизхон босқини давридан буён мамлакатнинг хароба ҳолда бўлганлиги, Амир Темур даврига келиб эса Мовароуннаҳр ва Самарқанд ободончилик ва фаровонлик тарафга таниб бўлмас дара-

жада ўзгариб кетганлиги, тарихчи ва географ Хофиз Абрўнинг „География“ асарида қуйидагича тасвирланган эди: „Тарихдан маълум бўлишича, қадим замонлардан Мовароуннаҳрнинг пойтахти Самарқанд бўлган.

Илгаридан Самарқанд шаҳрининг улугвор қўрғони бўлиб, унинг устма-уст қурилган бир нечта борўси ва чуқур хандақи бор эди. Унинг қолдиқлари ҳозиргача мавжуд ва уни Боло-Ҳисор дейдилар. Чингизхоннинг хуружи замонида хароб бўлди. Салтанат навбати улуг Амир Соҳибқирон Амир Темурга — Аллоҳ унинг шуҳратини ёрқин этсин — етганда етти юз етмиш учинчи йили ҳозирги пайтда ҳам мавжуд шаҳробандни бунёд этди. Уни қисқа муддатда ниҳоясига етказиб, ўша йилнинг ўзидаёқ аркнинг қалъасини ҳам қурдирди. Шундан сўнг Мовароуннаҳр ўлкаси, хусусан, Самарқанднинг ободонлиги тобора ортиб борди.

Он ҳазрат қурилишларидан бири, жумладан, Самарқанднинг ўзида қурилган Жоме масжиди эрур. Тамоми рубъи маскунда унингдек иморатни кўрсата олмайдилар. Унинг асоси хоро тоши (гранит)дан, меҳробни пўлатдан; унга гаройиб шакллар, ажойиб нафисликлар, латиф ёзувлар ва нозик санъаткорликлар қилинган. Тўрт рукнида тўртта минора Айю юдузигача бўй чўзмиш. Ҳар бири ўн газ келадиган тўрт юзта мрамар устун узоқ жойдан бирданига олиб келиниб, у ерга ўрнатилган. Саҳни ва томи ҳаммаси тошдан шундай бир санъат билан териб чиқилганки, ойлар ва йиллар таъсиридан, нақшлари ўчиб кетишдан, биноси емирилишдан ҳимоялангандир.

Б а й т :

*Томига мрамар тахта ёпилган дерсан,
Саҳнига сирланган гилам тўшалган дерсан.*

Айниқса, улуг Амир ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳумоюн замони ва бахтли айёмида, Мовароуннаҳр ер юзи мамлакатларининг пойтахти бўлди. Жаҳоннинг турли жойларидан ҳунармандлар, фозиллар ва муҳандислар у ерга келиб яшай

бошладилар. У диёрнинг одамлари онҳазрат ва унинг бола-чақалари хайрихоҳлик соясида ҳамда марҳамати ҳимоясида турфа ҳодисалардан асралган ва омонликда умр кечирадилар“.

Бир ҳукмдорнинг одиллик билан қилган ҳукмдорлиги ва юрт қиёфасини ўзгартириб юборишдаги куч-ғайратига баҳо берилса шунчалик бўлар, аммо бундан ортиқ бўлмас.

Хофиз Абрўнинг „География“ асарида Мовароуннаҳр шаҳарларидан фақат Самарқандгина эмас, балки бир неча йирик шаҳарларнинг ҳам нуфузи ва эътибори машҳур бўлиб, айнан Соҳибқирон ҳукмронлиги даврида ҳар томонлама гўзал ва обод бўлганлиги эътироф этилади:

Н а з м :

*Мовароуннаҳр мамлакати бўйлаб,
Тўртта шаҳар бор, бир-биридан гўзал.
Аввал Бухоро — илм ва фазилат манбаи,
Рум ва Чин диёрларига ҳам донғи кетган.
Улуг Самарқанд шаҳри — салтанат макони,
Шуҳратидан шаҳарлар ичра узукли тож кабидир.
Ундан сўнг Термиз сахийлар ва авлиёлар маскани,
Қўркам сув бўйлари зилол дарёларнинг
рашкани келтиради.
Хўжанд шаҳри ул мамлакатда,
Кайф-сафо жойи, обод мавзе ва сўфийлар
ватани эрур.*

Амир Темур Самарқандни фирдавсмонанд до-рриссалтанага айлантиришдек улкан вазифани қўяр экан, охир-оқибат Соҳибқирон жаҳонни ўзига тобе қилганидан сўнг бу шаҳар ер юзининг пойтахти, дунё устахонаси, дунё савдо маркази ва дунё оморборхонасига айланишига асло шубҳа қилмади. Шунга кўра Самарқандни тубдан янгилаш ва ҳар бир қурилган бино шаҳарнинг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшиб, уйғун бир ҳолда манзарани ҳосил қилмоқ учун тахтга келиши билан алоҳида Қурултой чақирди. Унда иштирок этувчи турли обрў-эътиборли барча табақа вакилларига Самарқандни



дунёнинг улуввор ва тенгсиз шаҳрига айлантиришни анжуман минбариди туриб эълон қилди. Шунга кўра ўз ишини аъло даражада эгаллаган моҳир ва номдор меъмор, энг машҳур уста, фишт терувчи, кошинпаз, қурувчи муҳандис, фишт пиширувчи, тош тарашловчи, тошбитик битувчи хаттот, мироб, рассом, ҳандаса илми билимдони, машҳур дурадгор, темирчи, мискаар ва бошқа ҳунар аҳлини тўплаш ва ҳар ойлик маошини белгиланган вақтда кечиктирмасдан бериш шарти билан минглаб мардикорларни жалб этиш тўғрисида шаҳар ҳокими ва сарой амалдорлари, молия девони, хазиначи ҳамда шунга дахлдор мансабдорларга кўрсатма берди. Тайинланган бош меъмор ва устага бошланадиган қурилишнинг майдони, кенглигию унинг умумий кўриниши, маҳобати, кўрки ва пештоқларига битиладиган битикларнинг барчаси юзасидан асосий фикрларни Соҳибқироннинг шахсан ўзи кўрсатма берди. Амир Темур ҳукмронлиги даврида қурилган асосий бинолар, меъморлик обидалари Соҳибқирон кўрсатмаси, фикри ва назорати остида қурилди. Меъморчилик соҳасида шундай зеҳни ўткир ва нозиктаъб эдики, бир қарашдаёқ таниқли меъморлар, усталарнинг хато ва нуқсонларини топар, ҳатто қурилишни тўхтаттириб таг-туғи билан буздириб, бино лойиҳасини ўзи тузган пайтлари ҳам бўларди. Агар меъмор касбига нолойиқ бўлиб, жиддий камчиликлари қайта такрорланса, қатъий жазога мустаҳиқ қилганлиги ҳақида манбаларда қайд этилган. Бу билан Амир Темур авлодларга минг йиллар хизмат қиладиган муҳташам бинолар меъморларига ўз касбларига ўта масъулият билан ёндашиш бурчини аналтган эди. Пойтахт бино қурилиши ва ободончилиги доимо унинг ғамхўрлиги ҳамда қатъий назоратида бўлди. Самарқандда шоҳ ва кенг кўчалар барпо этиш, бозор майдонлари, уларга туташадиган йўллар, улар ҳар икки тарафида чиройли расталарни икки қаватли қилиб қуриш, Самарқандга карвонлар кириб келиши ва чиқиб кетишларига қулай имкониятлар яратиб бериш режаларининг барчаси Амир Темурнинг шахсан ташаббуси билан бош-

ланди. Замонавий шаҳарсозликнинг Бош меъмори ва лойиҳачиси ҳам ҳукмдор Соҳибқироннинг ўзи бўлди. Бу жиҳатдан ҳам жангда йирик қўшинни қандай моҳирликда бошқарган қўмондон бўлса, қурилиш майдонида ҳам меъморларга шундай кўрсатма ва йўриқлар бериб, уларнинг ҳақиқий эътирофларига сазовор бўлди.

Ҳокимият тепасига келишининг иккинчи йилида Самарқанд шаҳри айлана мудофаа деворини тўла тиклаб, олтита (Оҳанин, Феруза, Сўзангарон, Коризгоҳ, Бухоро, Чорраҳа дарвозаларини қурдирди. Муҳофазасини мустаҳкам ҳолга келтирди. Шубҳали шахслар текширувдан ўтказиладиган бўлди. Олтита дарвозадан турли иқлим юртларига қараб йўллар чиқарилди. Бу катта тадбирларда аҳоли жон-дили билан иштирок этарди. Чунки адолатли шоҳининг улуввор ишлари пойтахт ва салтанат тараққиётига хизмат қилишига халқ аллақачон ишонган ва эл-юрт янги уйғониш даврига қадам қўяётган давр айнан Самарқанд, яъни салтанат пойтахтида бошланаётганига ҳамма тирик гувоҳ эди. Бу оммавий ҳаракат яратувчиликнинг бошланишидан дарак берарди. Бу улув ишлар ғайрат ва шижоатга тўла ҳукмдорининг чақириғига кўра фуқароларининг қадрланган меҳнати, қадрланган инсонларнинг саъй-ҳаракатларининг илк самараси эди. Шу тариқа Амир Темур салтанат ғанимларига жанг майдонларида қўшин қандай жасоратли жанг олиб борган бўлса, пойтахт ва салтанатнинг бошқа йирик шаҳарларида йирик қурилишлар худди шу тариқа авж олдирилди. Бир вақтда катта жанглар олиб бориб мамлакат ичкарасида бундай катта ўзгариш — бунёдкорлик ишлари олиб борилиши тарихда фақат Соҳибқирон Амир Темур ҳукмронлиги даврига хос хусусият бўлди.

Самарқандни дунёнинг сайқал топган шаҳрига айлантириш жуда катта кўламли шаҳарсозлик ишларини амалга оширишни тақозо қиларди. Бунинг учун майдон ва хиёбонларни тубдан янги қиёфа — гўзал кўриниш ҳолатига келтириш лозим эди. Шунга кўра йўлсозлар, боғбонлар, лойиҳачилар барчаси

биргаликда замонавий кўриниш лойиҳалари устида ишлашлари талаб этиларди. Уларнинг барчасининг бошини қовуштириб пойтахт-шаҳарнинг умумий манзаралари лойиҳа (тарҳ)ларини ўртага ташлаган ҳам Соҳибқирон Амир Темур бўлди. Натижада бу ишлар ҳам ижобий ечимини топа бошладди. Чорсу бозорини Оҳанин дарвозаси олдидаги меъморий мажмуа билан туташтириш учун бири бири билан уйғун ва режали туташтирилган янги хиёбонлар вужудга келтирилдики, ҳали шу пайтга қадар бундай лойиҳа Шарқ шаҳарсозлигида амалга оширилмаган эди.

Мажмуа билан туташтириш учун бири бири билан уйғун ва қатъий режа асосида янги хиёбонлар вужудга келтирилди. Шундай эзгу ниятли катта қурилишлар шаҳарнинг қиёфасини кун сайин ўзгартириб юборди. Меъморчиликда сифат ўзгаришлар кўзга яққол ташланди, инсонлар кўзи қувониб, кўнгли ором, осойиш оладиган бинолар, хиёбонлар сайилгоҳлар барпо этилиши шаҳар кўркига кўрк бағишлади. Бозор майдонлари ҳам ўзининг тартибсиз, дуч келган жойда савдо қилиш ҳолатидан бозор маданиятининг талабларига тўла жавоб берадиган бўлди. Савдо расталари дид билан жойлаштирилиб, инсонлар ўзига зарур молларнинг хоҳлаган турини қийналмай топадиган бўлди. Амир Темур шаҳар маданияти ва кўринишининг бир кўзгуси бозорлар эканлигини илк бор англаб, тубдан уни ислоҳ қилишга киришди. Эски иморатлару янгиси бўлсин, бозорга олиб борадиган кенг йўллар қуриш режасига зид келса, буздириб, ҳар икки тарафига ихчам ва обод расталар қуришга фармон берди.

Ҳозирги Регистон яқинида Туман оқа бегим учун қурдирган бино атрофлари тубдан янгиланди. Қисқа вақт ичида амалга оширилган бундай кенг кўламли бунёдкорлик ишлари ўрта асрлар даврида на Шарқ ва на Ғарб дунёсида олиб борилган эди. Салтанат қудрати пойтахт Самарқандда ўз мужасами ва ифодасини топди.

Самарқандни дунёнинг энг гўзал шаҳрига айлантиришга жидду жаҳд қилган Соҳибқирон пой-

тахти Самарқандда бошланадиган мисли кўрилмаган қурилишлар бошлашга Фармони олий берди. Бу бинолар ўз гўзаллиги ва маҳобати, сержилолиги билан нафақат шу давр инсонларини, балки келгуси бани башар аҳлини ҳайратга солишини, шунингдек, жаҳон мўъжизалари қаторидан ўрин олишини ҳам ҳали ҳеч ким тасаввурига сиғдира олмасди.

Фақат ўзидан келажакка ёдгор қолдиришни асл мақсад қилган Соҳибқиронгина бу ишларининг келажак учун жаҳоний аҳамият касб этишини қалбан ҳис қиларди. Шунинг учун Амир Темур жаҳонда вайроналик, жабр-зулм билан ном чиқарган Искандар Зулқарнайн, Чингизхон ва Наполеон Бонапарт ва бошқа шу каби жаҳонгирлардан тубдан фарқ қилувчи бунёдкорлик, яратувчилик ишлари билан тарихда ном қолдириш каби эзгу ишлар йўлини тутди. Юқорида номлари зикр этилган шафқатсиз ҳукмдорлар тарафида қолишни асло истамади, боиси Соҳибқирон имон-эътиқоди мустаҳкам, айтган сўзи ва босган қадами адолат ва илму маърифатга йўғрилган, энг муҳими тарихни яхши эгаллаб, унинг сабоқлари ва қонунларига таянган ҳукмдор эди. Ҳолбуки, тарихда яхши ном қолдиришни истамай, жабр-зулм, ур-йиқит ва вайроналиклар қолдирган золим ҳукмдорларда имон-эътиқод, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғулари ўрнига маишатпарастлик, разиллик, жабр-зулмни ўзига қурол қилиш каби салбий қусурлар улар ботинига ин қуриб, халқ хотирасида ёмон из қолдиради. Шунга кўра Амир Темур золим ҳукмдорлардек тарих қарғишига эмас, балки унинг фақат олқишига сазовор инсон, султон бўлиб унинг зарварағига абадий кирди. Натижада ўзи қурдирган улуғвор бинолар каби ўзига мозийда маҳобатли ҳайкал қўйиб кетишга ҳам эришди. Мозийга қайтиб иш кўриш ғоят савоб ва хайрли иш бўлгани боис Соҳибқирон қурдирган биноларга тарихий назар билан боқиб, аجدодларимиз руҳини шод қилиш билан бирга имонимизни мустаҳкамлаб, уларга муносиб фарзандлар ва чинакам ворис бўлишга ўзимизни чоғлаймиз, тарихий он-



гимизни юксалтириб, уни мустақил Ватан қадр-қимматини мустаҳкам англаш сари йўналтирамиз. Аслида тарих сабоғи шуниси билан тарбиявий таъсирга эгадир. Ҳақиқий ворисийлик ҳам шуни тақозо этади. Амир Темур тарихини қалбан англаш ва идрок қилиш ўзликни, миллат қудратини англаш манбаи ва воситасидир. Негаки:

*Дарахт илдизсиз отмайди томир,
Инсон ўз тарихисиз топмагай қадр.*

Миллий тараққиёт ва миллий тикланиш сари отланган миллат, ўз тарихимиз — Амир Темур қайта бошлаб берган Уйғониш даври тарихимизни билишга бурчлимиз. Бойси ўзликни англаш ўз тарихини билишдан бошланади.

*Улуғ халқнинг, улуғ тарихи бордир,
Мозийларда сўнмас тарихи бордир.*

Қалбимиз ва шууримизни Амир Темурнинг салтанат пойтахти Самарқандни бемисл қурилишлар майдонига айлантириб, жаҳон аҳлининг диққатини дориссалтанага қаратганлиги тарихига қаратамиз. Ҳозирга қадар бобокалонимиз Темур қурдирган кошоналар дунё сайёҳларини оҳанрабодек ўзига тортиши бежиз эмас. Мовий гумбазлардаги инсонларни лол қолдирувчи санъат асарига айланган кошинлар, уларга имонни бутловчи ҳайратомуз нафис хаттотлик усулидаги битиклар кимларга руҳий озиқа бермайди дейсиз. Булар тарих дурдоналари ва улуғ аждодларимиз салоҳиятининг нималарга қодирлигидан дарак берувчи мозийнинг мангулик қўшиғидир. Бу тарихий-маданий обидалар бизни аждодларимиз билан боғлаб, эзгу ва бунёдкорликка чорлаб турувчи табаррук иншоотлардир. Қўли гул, қалби осмондек мусаффо, яратувчилик ва бунёдкорликка ошуфта аждодларимизнинг қурган обидалари қаршисида туриб, мозий меросидан баҳраманд бўлсак, Ватан тарихига боқиб, ҳар бир гиштидаги улар нидосини эшитсак, қалбларимиз нақадар гурурга тўлади.

Кўксарой. Мовий тиниқ осмон билан дил-

лашган улуғвор иморат. Унда Амир Темурнинг диди, қалбан нозиклик туйғулари ва аждодларимиз маҳорати, истеъдоди қирралари ўз мужассамини топган.

Амир Темур бунёд қилдирган иккинчи улкан иморат Кўксарой номи билан машҳур.

Амир Темур жоме масжиди. Бу буюк меъморий обида шахсан Соҳибқирон тасдиқлаган лойиҳа асосида бошланиб, жуда тез суръатларда (1399—1404) қурилган. Иншоот ўша даврнинг энг катта ва энг мухташам жоме масжиди бўлиши лозим эди. Худди шу тариқа қурилди. Масжиднинг сақланиб қолган қолдиқлари ҳам шундан далолат беради.

Туман оқа масжиди. Шоҳизинда мажмуаси — некрополи энг юқорисидаги ҳовлининг ғарбий томонида ўзаро боғланган икки бино — масжид ва мақбара бор.

Масжиднинг шимол томонидаги туташ мақбара ҳам малика номи билан боғлиқдир.

Туман оқа мақбараси. Мақбара муъжазгина чорси хонадан иборат.

Ўлжаойим хонақоси. Қўшгумбазли бино Шоҳизинда меъморий мажмуидаги Амир Темур даврининг ажойиб ёдгорлиғидир.

Қусам ибн Аббос меъморий мажмуаси. Шоҳизинда номи билан машҳур зиёратгоҳдир. Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом амакисининг авлоди шу манзилда шаҳид бўлган ва дафн этилган. Зеро, Амир Темур салтанат тутишдаги дастлабки шиори ҳақида: „Давлат ва салтанатимга боғланган, лекин биринчи тузугим — Тангри таолонинг дини ва Муҳаммад Мустафонинг шариатига дунёда ривож бердим. Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим“, деган эди.

Хожа Аҳмад мақбараси. Шоҳизинданинг энг юқорисидаги гумбазли чорси хонадан иборат бино. Шоҳизинда меъморий хазирасидаги (мажмуаси) бири биридан ажойиб мақбаралар Амир Темур авлодлари, хусусан, унинг опаси Қутлуғ Туркон оқа, синглиси Ширинбека оқа, малика Туркон оқа, қарин-

дошларидан Шодимулк оқа каби аёллар абадиятга осойиш топган манзиллардир.

Шоҳизинда меъморий мажмуаси Марказий Осиёнинг Амир Темур даврида меъморлик соҳасида эришилган безак намуналарининг қомусидир.

Амир Темур ва темурийлар мақбараси. Самарқанднинг Тошқўрғонида жойлашган, эл орасида Гўри Амир номи билан маълум ва машҳур бу бино катта меъморий мажмуанинг маркази ҳисобланади.

Мақбара зиёратхона асоси — чорси чортоқ устига баланд пилтавор гумбаз боғланган. Ўртада Амир Темур, унинг ўғиллари Шоҳрух, Мироншоҳ, набиралари Муҳаммад Султон, Улуғбек ва бошқаларнинг қабр тошлари.

Ҳар бир қабртош уймакор битиклар билан безатилган.

1948 йилда А. А. Семёнов Амир Темурнинг қабридаги ёзувларни ўқиб таржима қилди ва натижада нефрит тахтачага тўқ кўк нефрит тошнинг келтирилиши ҳақидаги маълумотлар ёзилганлиги маълум бўлди. Бу тош лавҳаларни ўрганиш катта аҳамият касб этди.

Соҳибқироннинг бош томонида унинг пирларидан Мир Саййид Барака осойиш топганлар. Мақбара тағхонасида ул зоти шарифнинг қабрлари жойлашган. Бу ерда ҳам қабр тошлари бор.

Руҳобод, Тошқўрғондаги Муҳаммад Султон меъморий мажмуи билан Арки Олий хиёбонга бирлаштирилган бўлиб, орасида муъжаз боғлар ҳам бор эди. Шундай боғлардан бирида XVII асрнинг 80-йилларида вафот этган Шайх Бурҳониддин Соғаржийнинг мақбараси бўлган.

Амир Темур шайхга алоҳида эҳтиром кўрсатиб қурдирган мақбара ҳозир ҳам аҳоли орасида Руҳобод номи билан муқаддас зиёратгоҳ сифатида ардоқланади.

Қутби Чаҳордаги хум. Ўн тўртинчи Қутб фахрли кунясига сазовор қароматгўй авлиё Шайх Нуриддин Басир қабри устига тикланган мақба-

ра Арки Олийнинг энг кўзга ташланадиган жойида бўлган.

Амир Темур меъморчилик соҳасида ҳам ўз салтанатининг куч-қудратини намойиш қилиб, жаҳонга уни кўз-кўз қилмоқ учун Шаҳрисабзда ўз даврининг ҳайбатли иморати Оқсаройни қуришга фармон берди. Унинг шу бинони барпо этишдан кўзлаган сиёсий мақсадини Оқсарой пештоқидаги: „Агар бизнинг қувват ва қудратимизга шубҳа қилсанг, биз қурган иморатларимизга боқ“, хитобидан ҳам яққол билиш мумкин. Бу хитоби билан Соҳибқирон юртимизга фанимлик кўзи билан қараган хоҳ элчилар бўлсин, хоҳ бу юртга жосуслик мақсадида йўл олганлар бўлсин, ундай қора фикрда келганларга дастлабки тарздаги огоҳлантириш ва маънавий-руҳий зарба бўлишини назарда тутган эди. Бундан Соҳибқирон қайси бир ишга қўл урмасин, ул зотнинг узоқни кўзлаб фаолият юритганини кўрамиз.

Дунёда ҳеч бир давлат тугата олмаган ўғрилик, порахўрлик, гадолик ва ишсизлик тугатилиши бу Амир Темур ҳукмронлик даврининг бемисл ютуғи бўлди. Бу шундай бир улуг иш бўлган эдики, шубҳасиз аҳамияти келажакда ҳам бутун инсоният ва барча мамлакатларга сабоқ ҳамда ибратдир.

Амир Темур Самарқандни дунёнинг энг йирик ва гўзал шаҳрига айлантиришга жидду жаҳд қилиш билан чекланмади. Унинг атрофи қиёфаларини ҳам ўзгартириш, шаҳар типига ҳамоҳанг ҳар томонлама ривожланган қишлоқлар барпо этишга ҳам кўрсатма берди. Бу барпо этилган йирик қишлоқларга Шарқнинг энг катта шаҳар номларини бериб, шахсан ўз ташаббуси билан амалга оширди. Жумладан, Димишқ (Дамашқ), Миср (Қоҳира), Бағдод (Ироқ), Султония, Шероз (Эрон), Фориш (Париж) ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу тадбирларда ҳам Амир Темур ташқи сиёсат соҳасида катта мақсадларни кўзлаганлигини кўриш ва бу жаҳонгирлик орзу-умидлари ифодасининг бир кўриниши эди дейиш мумкин.

Амир Темур Бухорои Шариф, Тошкент ва



Туркистонда яшаб ўтган улуф авлиёларнинг абади-ятга дахлдор мазоротлари атрофларини обод қилиш учун вақфлар белгилаб, қабрлари устига маҳобатли мақбаралар бино қилдирди.

Қулоҳий гумбази билан ажралиб турадиган муқаддас қадамжо — Чашмаи Айюб биноти ичкарасида уни 1380 йилда Амир Темур қурдиргани қайд этилган.

Қадимги намозгоҳ — шаҳар ташқарисидаги масжид ҳам Амир Темур фармонига кўра қайта таъмирланган. Бухоро чеккасидаги Сайфуддин Бохарзий ва Баёнқулихон мақбаралари ҳам Амир Темур даврида тикланиб, атрофлари обод этилган.

Амир Темурнинг кўрсатмаси билан Тошкент вилоятида Яссавия тариқатининг машҳур вакили ва намояндаси Зангиота мақбараси XIV аср охири меъморчилигининг ажойиб намуналаридан биридир. Унинг асли номи Ойхўжа Тошхўжа ўғли. Бу улуф инсон хоразмлик авлиё Ҳаким ота номи билан Шарқда машҳур бўлган маърифатпарвар шоир Сулаймон Боқирғонийнинг шогирди эди.

Амир Темур боболарнинг „яхшидан боғ қолади“ ҳикматига қатъий амал қилди.

Жанг майдони қўмондонлигидан ўзини вақтинча соқит қилиб, Бош меъморлик билан шуғулланган Амир Темур энди салтанат пойтахти Самарқандни жаннатмонанд Боғи Эрамга айлантириш масаласида жиддий бош қотиришга киришар экан, ҳазрат энди дориссалтананинг Бош боғбони ва табиатшуносига айланар эди. Унинг тафаккур олами роят кенг ва чуқур бўлиб, ҳеч қачон бир йўналишдаги фикрлаш доирасида чекланиб қолиб кетмасди. Улуғвор ғояларнинг бир неча улкан масалаларини нишонга олиб, уни ҳал этиш амалиётини қидирарди. Шулардан бири бу Самарқандни боғу бўстонга, дунёнинг энг сўлим гўшасига айлантиришдек вазифани ўз олдига қўйган эди. Унга киришишдан аввал боғларнинг қаерларда барпо этилиши мумкинлиги ҳамда уларнинг тарҳи, лойиҳаси, топонимик номланишига доир масалалар устида бош қотирди. Бу борада ўз фикр ва илм доирасини

кенгайтириш учун боғлар яратишга доир асарлар билан чуқур танишди. Айниқса, Соҳибқиронга гўзал боғ яратиш қоидалари баён этилган „Экин экиш йўриқлари“ китобидаги „Чоҳар боғ тарҳи ва унинг иморати“ сарлавҳали бобидаги чорбоғ қуриш тартиби жуда маъқул бўлди. Боғ ичида гўзал қаср қуриш йўллари, боғни илмий асосда турли мевали дарахтлар, инсонлар дилларини яйратиб юборадиган гулларни ранг-баранг ҳолатда турли шакллар ҳосил қилган тартибда уйғун ва жозибадор қилиб экиш усуллари Соҳибқиронга роят маъқул тушди. Унга амал қилинганда боғнинг таровати бемисл ортади. Чиройли манзарани кузатиш ва нафас олиш орқали турфа ранг гулларнинг энг ёқимли ҳидларидан тўйиб-тўйиниб нафас олиш ҳар қандай одамга ҳузур бағишларди, унинг ҳаётга бўлган қизиқиши ва меҳнат фаолиятини кескин ошириш имконини берарди. Соҳибқиронга чорбоғлар айнан шуниси билан аҳамиятли эди.

Эзгу режаларининг муваффақиятли чиқиши Амир Темур наздида хоҳ бинокорлик қурилишида бўлсин, хоҳ катта чорбоғлар яратишда бўлсин танланган майдонда барпо этиладиган объектнинг тарҳи ва унинг лойиҳасини пухта яратишдан иборат эди. Худди шу талабчанлик ва ўта масъулият билан қарашнинг пировард натижаси бўлиб Амир Темур ва темурийлар даври маданиятининг таркибий қисми меъморчилик тараққиётида эришилган бемисл ютуқлар жаҳон эътирофини қозонди. Ва бунинг исботи ўлароқ ҳозирги кунга қадар Самарқандга сайёҳлар оқимининг узлуксиз келиши давом этмоқда.

Амир Темур чинакамига гўзал табиат шайдоси эди. Ул зот „Яхшидан боғ қолади“ халқ мақолини эшитиб қўя қолмади. Мақолнинг амалиётга татбиқини таъминлашда барчага ибрат бўлди. Соҳибқирон дунёнинг тенг ярмини гоҳ отда, гоҳ яёв юриб ўтди. Чўл, тоғ, дала-дашт, гўзал гўшаларни кўрди. Гиёҳ кўкармай, минг йиллар қақраб ётган тақир саҳролардан ўтди. Неки обод жойларни кўрган бўлса, уларнинг барчасидан устун ва сўлим салта-

нат пойтахти Самарқанд ва унинг атрофи обод бўлишига аҳд қилди. Шу тариқа энг моҳир ва миришкор, ернинг ҳидини туйган, у билан тиллашадиган қўли қадоқ боғбонларнинг сарасини топтирди ва ҳузурига чақирди. Жаннатмонанд боғлар ҳақида ва уни Самарқандда яратиш, яратганда ҳам бири иккинчисини такрорламайдиган бетақрор боғлар яратиш ва унга қулай майдонларни танлаш тўғрисида жиддий бош қотирарди. Соҳибқирон наздида бу боғлар чинакамига гўзал санъат асари бўлиши керак эди. Шундай бўлди ҳам. Яратган иморату боғлари оқибат олимлар, адиблар, шоирлар, муаррих ва сайёҳлар асарларидан жой олди. Уларга илҳом манбаи бўлди.

Буни олдиндан яхши англаган Амир Темур ўз фуқароси, деҳқони, боғбони билан ёнма-ён туриб, Самарқандни сўлим боғларга буркайдиган хайрли ишларга ўзи бош бўлди. Қилич ва гурзи осадиган жанговар белбоғини бободеҳқон белбоғига алмаштирди. Яратилажак Чорбоғ тарҳи режаси ва ўлчамини олиш учун бош боғбон билан ишга киришадди. Унинг мўлжалидаги боғлар барпо этилиб ишга тушганда Самарқандни ё тоғ тепасидан, ё ўзи қурдирган улкан бино тепасига чиқиб томоша қиларди. Қараган инсон ўзини бу дунёнинг жаннатгўшасида эканлигини тўла ҳис қилсин, деган ўйга борарди. Шундай боғнинг дастлабкисини Чўпонотада бошлашга Фармони олий берилди. Соҳибқирон боғ тарҳининг лойиҳаси тепасига ўз муборак қўли билан номини „**Боғи Нақши Жаҳон**“ дея битиб қўйди. Уни суюкли ва ақл-фаросатда тенгсиз маликаси Сароймулкхоним шарафига барпо эттирди. Ҳокимият тепасига келгандан кейинги яратилган илк ва бемисл боғ шу бўлди. Унинг бемисл ва бетақрорлигини Ғарбий Европа элчиларидан Клавихо ўз кундалигида тасвирлаган эди.

Гўзаллигу ақл-фаросатда тенгсиз Сароймулкхоним бу боққа худди узукка кўз қўйгандек ярашарди. У „**Боғи Нақши Жаҳон**“нинг марвариди эди.

1378 йилда Амир Темур гўзал маликаларидан

яна бири Туман оқа бегимга аталган Жаннат боғи — „**Боғи Беҳишт**“ни барпо этишга Фармони олий берди.

Амир Темур навбатдаги юришларидан қайтар экан, Самарқандга кириб келиш йўлидаги бу боққа шундайинча талпинмасди. Суюкли ҳукмдорининг Жайхундан кечиб ўтганининг хабари чопар томонидан дастлаб ушбу боғ соҳибаси Туман оқа бегимга етказиларди.

Ҳарбий сафарлардан Соҳибқирон қайтгунча айрилиқ азобларида йўлларига интизор кўз тикиб, жангу жадаллардан соғу саломат қайтишини ва музаффар байровини мағрурона ҳилпиратиб салтанати пойтахтига кириб келишини Яратгандан сўраб, дуоларга қўл очган маликаларнинг бири ҳам Туман оқа бегим эди.

Амир Темурнинг қўшини билан Самарқандга яқинлашиб келганлик нишонаси ва даракчиси ҳарбий-муסיқий санъат дасталари томонидан баланд оҳангларда чалиниб келаётган карнай, сурнай, ноғора мусиқа асбобларининг овозлари қулоққа аранг эшитила бошлагач, Туман оқа бегим кўзларида қувонч ва соғинч ёшлари нур таратган, оймисол юзларини кўз ёшлари дув-дув ювганича исломий ахлоқ-иффати ва ибодати маънавияти мужассамлиги доирасида худди янги тушган келинчакмисол Амир Темур йўлларига гуллардан поёндоз тўшаб, суюкли Султонини кутишга чиқарди.

Амир Темурнинг ҳар бир маликасида бири бирини такрорламайдиган маънавий-руҳий бетақрор ва гўзал хусусиятлар бор эди. Шунга кўра аёллардаги жозиба, латофат, ақлу донолик, гўзаллик ботиндаги бой туйғулар билан мужассамлашиб, ибодати билан ихоталанган пайтда ҳатто афсоналарда тилга олинганидек, бундай фаришта-сифат аёллар қаршисида нафақат подшолар, балки девлар ҳам итоат камарини боғлаб, хизматида шай турганлар. Шу ҳақдаги ҳар қандай афсоналар бўлмасин, улар замирида маълум бир ҳақиқат яширин бўлади.

Демак ҳар қандай афсоналар тагида маълум



бир ҳақиқат ётишини ҳисобга олсак, бундай сеҳрли ижобий сифатлар Амир Темурнинг маликаларини ҳам четлаб ўтмаган эди.

Амир Темур тўртинчи ўғли Шоҳрух Мирзо шарафига ҳам 1394 йил Кавказ юришидаги галабалари муносабати билан боғ барпо қилдирган эди.

Соҳибқирон ҳазрат барпо этган энг гўзал боғлардан яна бири бу „**Боғи Дилкушо**“ эди. У Самарқанддан олти чақирим Шарқда, Ўрта Пулотчи қишлоғи яқинида, Хончорбоғ мавзесида қурилди. 1396—1398 йилларда барпо этилган бу боғ Мўғулистон хони Хизрхўжанинг қизи, Амир Темурнинг энг кичик маликаси Тўкал хоним шарафига барпо этилди.

Муаррих Шарафуддин Али Яздий „Боғи Дилкушо“нинг барпо этилиши ҳақида қимматли маълумотлар қолдирган. У ўзининг „Зафарнома“ асарида „Боғи Дилкушо“ни дилни хушнуд этувчи тарзда тасвирлаб, унинг ичига қурилган қаср ҳақида шундай ёзади: „Хижрий 799 йилнинг эрта кузида Ҳазрат Соҳибқирон Кониғил ўтлоғининг чеккасида орастали ва таровати билан Эрам боғидан кўра кўпроқ кўнғил очувчи, жаннат бўстонида зиёдароқ дилни шод этувчи бир боғ яратиш ҳақида фармон берди. Машриқдан тортиб Мағрибгача ҳар бир мамлакат ва давлатдан салтанат тахтининг Қароргоҳи Самарқандга жам бўлган соҳибхунар қурувчилар саодатли соатда ва толе юдузи кулиб боққан дамда олий ҳазратнинг ишорати билан ул жойда бир боғ бунёд этдилар. Боғ тўртбурчак шаклида бўлиб, ҳар бир томони бир ярим минг газга баробар. Тўрт томонининг ҳар бири ўртасида биттадан баланд дарвоза ўрнатилдики, уларнинг тоқи осмоннинг муқарнас шифтига юксалган. Тоқилар турфа рангли кошинлару нақш-нигорлар билан безатилган. Боғнинг тўрт томонидаги тўрт бурчакнинг ҳар бирида ат-Тоир юдузи ошиёнига етгудек кабутар буржи қад кўтарган. Буржлар кошинкорлик санъати билан бағоят нафис ва гўзал қилиб безатилган. Боғ саҳни ҳандаса услубида тўртбурчак шаклидаги ўтиш жойлари ва олтибурчагу учбурчак шаклидаги

чаманзорларга бўлинган. Ўтар йўллар четига оқ тераклар, олтибурчак ва учбурчак чаманзорлар атрофида эса турли-туман мевали дарахтлар ва гул буталар экишга фармон берилди. Боғ ниҳоятда дилкушо ва гўзал тарзда барпо этилгач, безавол иқбол тили унинг исми жисмига монанд бўлсин учун „Боғи Дилкушо“ деб атади.“

Муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг таъкидлашича, Амир Темур „Боғи Дилкушо“нинг лойиҳасини ўзи шахсан тасдиқлаган ва унинг барпо этилиши назоратини ҳам ўз зиммасида қолдирган. Натижада бу боғ ва унинг ичида қурилган қаср ўша даврдаёқ афсонага айланган.

Дилкушо кўшки Соҳибқирон Ҳазрат Амир Темур давридаги боғдорчилик санъати ва меъморчилигининг етук намунаси бўлиб, маданият равнақи қай даражада ривожланганлик даражасининг тимсоли ҳамдир.

„Боғи Дилкушо“дан бир ярим чақирим узоқликда Самарқанднинг шарқ тарафида Панжикент йўлининг ўнг томонида „**Боғи Бўлди**“ чорбоғи 1398—1400 йилларда барпо этилди.

„**Боғи Шамол**“ боғини 1397 йилда Соҳибқирон Амир Темур набираси Мироншоҳнинг қизи Бека Султонга атаб қурдиради.

Шарафуддин Али Яздий ушбу боғ ва унинг ажойиб қасри тўғрисида „Зафарнома“ тарихий асарида ҳам тўла маълумот беради: „Эрта баҳорда хуршиди жамшид қуёш буржлар фалакининг жанубий ярмидан шимолий ярмига кўчиб ўтиб, шарафу иқбол бўстонида ўрин олган ва шоҳлик саропардаси Балиқ — Ҳут буржининг думидан олиб, Барра — Ҳамал буржининг бўйнига боғланган бир пайтда, ҳазрат Соҳибқирон обод Самарқанднинг шимолий томонида барпо этилган „Боғи Шамол“ номли машҳур боққа кўчиб ўтиб, жаҳон аҳли сиққудек улкан саропарда (шоҳона чодир) қурдирди. Унинг дарвозаси олдидаги чодир (кўндалон) ҳамда подшоҳ қабулхонаси (боргоҳ) базмлар учун тикилган катта ва кичик чодирлар кўкка бўй чўзиб, ойга теккудек туюларди. Бу Эрам

боғи янглиғ ором масканини жаннатнинг базм саройи ҳасад қиладиган даражада ораста ва салобатли қилиб безатдилар. Қазодек кескин фармон содир бўлдики, ул фирдавсмонанд боғда амирзода Мироншоҳнинг қизи, олий ифбат соҳибаси Бека Султон номига атаб дилни ром этувчи баланд бир қаср ва гўзал бир ишратгоҳ қурсинлар. Форс ўлкасининг барча вилоятлари, Ироқ, Озарбайжон, Дорус-салом (Бағдод) ва бошқа мамлакатлардан дориссалтана (Самарқанд)га жам бўлган моҳир муҳандислар, равшан фикрли меъморлар қасрнинг тарҳини ўткир фаросат қалами билан маҳорат лавҳасига чиздилар. Уни Ҳазрат Соҳибқирон маъқуллағач, ёрқин раъйли мунажжимлар қаср қурилишини бошлаш учун муносиб вақтни белгилашда ҳушёрлик ва эҳтиёткорликнинг барча шартларига риоя қилган ҳолда ит йилига тўғри келган 799 сана жумодилохир ойи, мартнинг қувончли ва бахтли толеида қаср қурилишини бошладилар. Қурилиш тамом бўлгач, ул қутлуғ мақомдан фалак янглиғ ҳашаматли хоқон подшоҳона тўйлар ва хусравона базмлар ўтказди“.

Бу тўй ва базмлар шундай тантанавор ўтказилганки, унда турли мамлакатлар созанда, мусиқачи, раққос ва раққосалари, ҳофизлару машҳур санъат аҳллари салтанат пойтахти Самарқандга чақирилиб, улар ўз маҳоратларини намойиш этардилар. Энг маҳоратлилари ҳукмдор томонидан рағбатлантирилади. Сирасини айтганда, Шарқ тароналари мусиқий халқаро анжуманига Амир Темур асос солган эди, десак асло муболаға бўлмайди. Бу Соҳибқироннинг санъатни халқаро майдонда ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Мустақиллик шарофати билан Шарқ тароналари айнан қадимий ва навқирон, яъни Амир Темур салтанати пойтахтида ўтказилиши ва унинг нақ Регистон майдонида тантанали тарзда очилишида алоҳида ҳикмат ва рамзий маъно бор. Тарих ва ҳаёт ҳақиқати,

шунингдек, мустақиллик эпкини буюк аждодларимиз бошлаб берган санъат мусиқий халқаро Шарқ фестивали анъаналарига яна кенг йўл очиб юбордики, бундан ҳазрат Соҳибқирон руҳлари шод бўлиши муқаррардир.

Соҳибқирон Амир Темур фармони билан Самарқанднинг шарқ томонида Кучайн Хиёбон мавзесида „**Боғи Зағон**“, Мироншоҳ Мирзонинг иккинчи қизига атаб Чўпон мақбараси атрофида „**Боғи Баланд**“ боғларини барпо қилдирди.

Самарқанд жанубида Дарғон даштида Шовдор ариғи ўртасида „**Боғи Давлатобод**“ боғи Амир Темурнинг 1399 йили Ҳиндистон юришидан ғалаба билан қайтиши шарафига бунёд этилди.

„**Боғи Нав**“ — Самарқанднинг жануби-ғарбида Дарғон ариғига яқин, ҳозирги Хожа Кавшар қишлоғи атрофида барпо этилди.


„**Боғи Майдон**“ — Афросиёб обидасининг шимолида Чилсутин қишлоғида ташкил этилган боғларнинг биридир.

Амир Темур шу тариқа Самарқандда бетакрор, бир-биридан гўзал боғлар яратдики, дунёнинг бирор шаҳри ёки мамлакатлар пойтахтида бу каби хушманзара, табиати дилларни ром этувчи боғ-роғларга бурканган жойни топиб бўлмас эди. Амир Темур табиатшуносликка ошуфталиги ва боғ яратишдек эзгу ишга жидду жаҳд кўрсатиши орқали пойтахтининг экологик ҳолатини янада ижобий томонга ўзгартирди. Натижада бу сўлим гўша овозаси етти иқлимга таралди.

Амир Темурнинг буюк хислатларидан бири жангни қандай ақл-идрок ва шиддат билан бошқарса, бир йўла қурилиш ва боғ яратиш ишларини ҳам тинчлик даврида ўшандай ғайрат ва шижоат билан олиб борарди. У ҳар бир ишда селдек қудратли ва дарёмисол тошқин ҳамда ҳар бир ишга жўшқин руҳ завқияти билан ёндашар ва, албатта, бошлаган ишини охирига етказмасдан сира тинчимасди.



БУЮК СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА УНИНГ АВЛОДЛАРИ*



* Соҳибқирон Амир Темур шажарасини илова қилиб берганимизда халқимиз тарихининг сиёсий, ҳарбий ва маданий ҳаётида ёрқинроқ из қолдирган набира, эвара, чевараларинигина келтириб ўтиш маъқбул кўрилди.



МУҲАММАД ЖАҲОНГИР МИРЗО ИБН ТЕМУР
(1356–1376)

Муҳаммад Султон Мирзо
(1376–1403)

Пирмуҳаммад Мирзо
(1376–1407)

УМАРШАЙҲ МИРЗО ИБН ТЕМУР
(1356–1394)

**Пирмуҳаммад
Мирзо Шерозий**
(1379–1429)

Рустам Мирзо
(1381–1424)

Искандар Мирзо
(1384–1415)

Аҳмад Мирзо
(1388–1425)

**Сайди
Аҳмад Мирзо**
(1391–1429)

Бойқаро Мирзо
(1393–1423)

БОЙҚАРО МИРЗО
(1393–1423)



Музаффар Мирзо
(1409–1429)



Ғиёсиддин Мансур Мирзо
(1413–1445)

Муҳаммад Мирзо

Абулғози Султон Ҳусайн Бойқаро
(1438–1506)


Бойқаро Мирзо
(1430–1487)







АМИР ТЕМУР ВА ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР ДИПЛОМАТИЯСИ



АМИР ТЕМУРНИНГ ФРАНЦУЗ ҚИРОЛИ БИЛАН ЎЗARO МУНОСАБАТЛАРИ

Франция қироли Шарль VI нинг Амир Темурга жавоб мактуби:

Шарль Худонинг инояти билан Франция қироли, Олампаноҳ ва Музаффар ҳукмдор Темурбекка саломлар ва тинчлик тилаймиз.

Улуғ ва Олий музаффар ҳукмдор! Эътиқоди ва тиллари ўзига, ўткинчи шоҳ ва ҳукмдорлар ўртасида гаразсиз ва ўзаро тотув алоқалар ўрнатилиши, бизнингча фойдадан холи бўлмай, на қонун, на виждон ва на ҳақиқатга хилоф эмасдурким, илло бу ишлар тинчлик ва хотиржамликка олиб келгай. Улуғ ва Олий музаффар ҳукмдор, Сиз улуғ зотдан биродаримиз бутун Осие тақводори Иоанн орқали олган хатлар туфайли ана шуларга имоним комил бўлди. Бу хатлар воситасида сиз бизларга саломлар йўллаб, бизнинг салтанат ва имкониятларимизни билмоқчи бўлибсиз ва Боязид устидан қозонган зафарингиз қувончига бизни шерик қилибсиз. Маълумингизким, бу хатлар бизда қониқиш ҳосил қилди, чунки айтганингиздек, бизнинг савдогарлар ва бошқа христианларнинг биздан олдинги ҳукмдорлар давридагидек Сизнинг одамларингиз билан

савдо қила олишлари, ўз тазйиқларидан холи ҳолда мол алмашувлари, Сизнинг қўл остингиздаги ерларга бемалол боришлари Сиз улуғ зотларга манзурдир. Бунга жавобан Сизнинг таклифларингизга сидқидилдан бажонидил қўшиламиз.

Демак, бизнинг фуқароларимиз сизларга қарашли юртларга боришлари ва савдо-сотик қилишлари мумкин. Шунингдек, мухтарам тақводор ўз эшитган ва кўрганларини имконият даражасида барала сизларга етказиши мумкин.

Сиз зоти олийлари, содиқлиги ва бизнинг илтимосимизни назарда тутиб, унга тўлиқ ишонишингиз мумкин. У сизларнинг юртингизга бориш имкониятига эга бўлган ҳолда Сизга бизнинг сизлардан миннатдор эканлигимизни етказажак.

Ниҳоят, Сиз зоти олийларига кўп христианларга кўрсатган марҳамат ва дўстлигингиз учун миннатдорчилик билдирамыз. Кези келганда биз ҳам, ўз навбатимизда, Сизнинг одамларингизга бундан ортиқроқ марҳамат кўрсатишга тайёрмыз.

Ҳазрати Иусус Христос таваллудидан кейинги 1403 йилнинг 15 июнида, Парижда битилди.

АМИР ТЕМУРНИНГ ФРАНЦИЯ ҚИРОЛИ ШАРЛЬ VI ГА МАКТУБИ

„Темур Кўрагоний, сўзимиз. Олам машъали, музаффар, буюк дўстимиз, оламга жуда зарур, катта урушлар ғолиби, Олампаноҳ Франция ва кўп бошқа юртлар қиролига ўзимизнинг таъзим ва раҳматимизни йўллаймиз.

Биз Сизнинг давлатингиз доимо гуллаб яшнашини дўстона тилаб қоламыз. Сизнинг исмингиз узоқ юртларга кетганлигини ва бошқа қироллар орасида обрўйингиз баланд эканлигини, бутун Шарқ тақводори, оғамиз Иоанн бизга сўзлаб берган эди. Олдин баъзи франклар ва худди шу

йўсинда оғамиз Франсуа Сеатро 4 кишини бизга йўллаган эди.

Айтгандек, қудратингиз кўп юртларга ёйилганлигини яқинда Туркияда бўлганимизда ҳам эшитдик. Яна савдогарларнинг ва бошқаларнинг қизиқишларидан хабардор бўлдик. Саройингиз равнақи, қудрати ва тартиботи бизни кўп бахтиёр қилди. Мен билан бир қонун ва эътиқодга мансуб бўлган, лекин мен ва менинг дўстларим билан аҳдни бузган турк Боязид билан одамларингизнинг ганимликларини эшитиб, уни тор-мор этишга қарор қил-

АМИР ТЕМУРНИНГ ФРАНЦУЗ ҚИРОЛИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ

Шарль VI нинг Амир Те-
инояти билан Франция қиро-
заффар ҳукмдор Темурбекка
тилаймиз.

заффар ҳукмдор! Эътиқоди ва
шоҳ ва ҳукмдорлар ўртаси-
тотув алоқалар ўрнатилиши,
ли бўлмай, на қонун, на виж-
хилоф эмасдурким, илло бу
ржамликка олиб келгай. Улуф
мдор, Сиз улуф зотдан биро-
тақводори Иоанн орқали ол-
ана шуларга имоним комил
тасида сиз бизларга салом-
алтанат ва имкониятларимиз-
ва Боязид устидан қозонган
бизни шерик қилибсиз. Маъ-
р бизда қониқиш ҳосил қила-
дек, бизнинг савдогарлар ва
г биздан олдинги ҳукмдор-
изнинг одамларингиз билан

АМИР ТЕМУРНИНГ ФРАНЦИЯ ҚИРОЛИ ШАРЛЬ VI ГА МАКТУБИ

й, сўзимиз. Олам машъали,
миз, оламга жуда зарур, катта
ипаноҳ Франция ва кўп бош-
зимизнинг таъзим ва раҳма-
латингиз доимо гуллаб яш-
б қоламиз. Сизнинг исмин-
тганлигини ва бошқа қирол-
из баланд эканлигини, бутун
миз Иоанн бизга сўзлаб бер-
зи франклар ва худди шу

савдо қила олишлари, ўз тазйиқларидан холи ҳолда
мол алмашувлари, Сизнинг қўл остингиздаги ер-
ларга бемалол боришлари Сиз улуф зотларга ман-
зурдир. Бунга жавобан Сизнинг таклифларингиз-
га сидқидилдан бажонидил қўшиламыз.

Демак, бизнинг фуқароларимиз сизларга қарашли
юртларга боришлари ва савдо-сотик қилишлари
мумкин. Шунингдек, муҳтарам тақводор ўз эшит-
ган ва кўрганларини имконият даражасида барала
сизларга етказиши мумкин.

Сиз зоти олийлари, содиқлиги ва бизнинг илти-
мосимизни назарда тутиб, унга тўлиқ ишонишингиз
мумкин. У сизларнинг юртингизга бориш имкони-
ятига эга бўлган ҳолда Сизга бизнинг сизлардан
миннатдор эканлигимизни етказажак.

Ниҳоят, Сиз зоти олийларига кўп христианлар-
га кўрсатган марҳамат ва дўстлигингиз учун мин-
натдорчилик билдирамыз. Кези келганда биз ҳам,
ўз навбатимизда, Сизнинг одамларингизга бундан
ортиқроқ марҳамат кўрсатишга тайёرمىз.

Ҳазрати Иусус Христос таваллудидан кейинги
1403 йилнинг 15 июнида, Парижда битилди.

йўсинда оғамиз Франсуа Сеатро 4 кишини биз-
га йўллаган эди.

Айтгандек, қудратингиз кўп юртларга ёйилган-
лигини яқинда Туркияда бўлганимизда ҳам эшит-
дик. Яна савдогарларнинг ва бошқаларнинг қизи-
қишларидан хабардор бўлдик. Саройингиз рав-
нақи, қудрати ва тартиботи бизни кўп бахтиёр қилди.
Мен билан бир қонун ва эътиқодга мансуб бўлган,
лекин мен ва менинг дўстларим билан аҳдни буз-
ган турк Боязид билан одамларингизнинг ганим-
ликларини эшитиб, уни тор-мор этишга қарор қил-

дик. Биродаримиз ҳимояси ва Сизга берган ваъ-
даларимиз боис Туркиядаги умумий муҳолифимиз
Боязид устига юриш қилдик ва Аллоҳнинг мадади
билан уни ва юртини забт этдик.

Буюк шоҳлар ва дўстлар бир-бирларини катта
воқеалардан хабардор қилиб туриши одат тусига
кирганлиги боис, биз роҳиб Иоанни Сизга бизнинг
давлат ва биздаги вазият, биз томонларда Сизнинг
душманингизга қарши қилинган ишлар, Сизларга
бўлган дўстона муносабатимиз ва сизлар билан
бирдамлигимиз йўлидаги самараларимиз ҳақида
ҳикоя қилиб берсин учун Сиз улуф зотлари томон
йўлладик.

ФРАНЦИЯ ҚИРОЛИ ШАРЛЬ VI НИНГ АМИР ТЕМУРГА ЖАВОБ ХАТИ

„Франклар қироли Шарль. Тангри таолонинг
инояти билан шавкатли ва музаффар Темурбекка
тинчлик ва саломлар бўлгай! ... Подшоҳлар ва
ҳукмдорлар, гарчи тиллари ва дину эътиқоди бош-
қа-бошқа бўлган тақдирда ҳам, ўз ихтиёрлари би-
лан бир-бирларига ҳурмат, эҳтиром ва дўстлик риш-
таси ила боғланишлари лозим. Чунки бу аларнинг
талабларига тинчлик ва хотиржамлик келтиради.
Шу боис шавкатли ва музаффар подшоҳ билсин-
ларким, Шарқ мамлакатларининг архиепископи ро-
ҳиб Иоанн орқали Сизнинг, жаноби Олийлари, бизга
сиҳат-саломатлик тилаб, давлатимиз ва подшоҳлик-
ка оид ишлар билан қизиқиб ҳамда Яратганнинг
инояти билан Боязид устидан қозонилган ғалабан-
гиз ҳақидаги маълумотни ўз ичига олган макту-
бингиз катта қувонч ва ҳузур бағишлади. Биз яна
ҳам хурсанд ва мамнун бўлдикки, савдогарларимиз
ва, умуман, барча христианларнинг Сизнинг мамла-
катингизга бориб савдо-сотик ишлари билан маш-
ғул бўлиши ва табааларингиз бирлан бошқа хусус-
да келишишлари, умуман бемалол Сизга қарашли

Биз у кишини Сизнинг ва бизнинг элчи деб
ҳисоблаймиз, мамлакатимиз ўртасида борди-келди-
ни йўлга қўймоқ билан давлатларимизни зиёда
қилишларини ва савдодан яхши фойда олишлари-
ни истаймиз. Дарҳақиқат, биз томонларда савдо-
гарларингиз хавфсизлиги таъминланганлигини таъ-
кидлаш жоиз.

Бошқа соатлар, иш ва воқеаларни мазкур роҳиб
батафсил сўзлаб берар, зеро у бу томонларда узоқ
турди ва кўп нарсалардан воқиф.

Мактуб Сивасга, Муҳаммад алайҳи васаллам
таваллудидан кейин 850 йили муҳаррам ойининг
биринчисида берилди“.

мамлакатларга бориб савдо-сотик бирлан машғул
бўлишлари жаноби Олийларига мақбул бўлибдур.
Бунинг учун Сизга чексиз миннатдорчилик ва та-
шаккур изҳор қиламыз.

Шу билан бирга, Сизнинг савдогарларингиз
чўчимай бизнинг мамлакатимизга келиб савдо-сотик
бирлан машғул бўлишлари мумкин. Қолган гап-
ларни, Худо хоҳласа номи юқорида зикр этилган
архиепископнинг оғзидан эшитгаймиз. Жаноби
олийлари бу хусусда ҳам, бўлажак топшириқлар
хусусида ҳам унга ишонсинлар, чунки у ишончли ва
синалган одам ... Ва, ниҳоят, биз Сиз жаноби Олий-
ларига кўпгина христианларга кўрсатган хайри-
хоҳлигингиз ва илтифотингиз учун миннатдор экан-
лигимизни маълум қиламыз. Биз мамлакатимизга
келган одамларингизнинг манфаатларини ҳимоя
қилишга ва уларга бизнинг табааларимиз бирлан
тенг ва имконга қараб ортиқроқ ҳуқуқ беришга
тайёرمىз.

Париж шаҳрида 1403 исавий йил июнь ойи-
нинг 15-куни битилди.

АМИР ТЕМУРНИНГ КАСТИЛИЯ ҚИРОЛИ ГЕНРИХ III ГА ЙЎЛЛАГАН МАКТУБИ

„Шоҳ Темурбекдан Кастилия ва Испаниянинг шаҳар ва қишлоқлари қиролига: шон-шухрат, мартаба ва сахийликка бой умрингиз боқий бўлсин. Маълумингиз бўлсинким, Пайо ва Фернан Санчез орқали юборган дўстлик ва эзгу ният ҳисларига тўла мактубингизни бус-бутун олдик. Мактубингиздаги кейинги йиллар ичида салтанатингиз фаровонлиги, осойишталиги ва одиллигингиз ҳақидаги ҳақиқат бизда заррача шубҳа турдирмайди.

Мен Аллоҳ таолодан салтанатингизни йўлдан оғдирмасликни ва узоқ йиллар даври даврон суришингизни сўрайман. Пайғамбар номидан у кишига шон-шарафлар бўлсин!

Сизга шуни хабар қиламизки, Осмон ўғли ҳадидан ошиб, айёрлик билан фармонлар бериб, подшоликлар орасига низолар солиб, бизнинг огоҳлантиришимизга парво қилмади ва заррача чўчимади. Шунда биз Аллоҳнинг номи ила кўп сонли тифимизни у томон бурдик. Биз чиниққан қўшинимиз билан унинг жазосини бериш учун христиан подшоликлари минтақалари томон юриш қилдик. Жангу жадал билан кўп христиан шаҳар ва қалъаларини озод этдик.

У билан бизнинг ўртамизда жанг авжига чиқди ва биз уни Аллоҳнинг қудрати ва шафқати билан енгдик, илло Аллоҳдан ўзга меҳрибон йўқ, барча нарсаларнинг халоскори Аллоҳ таолодир.

Биз Осмон ўғли Боязид Йилдирым ва унинг ўғли Мустафони банди қилдик. Улар қўлимизга тушдилар, биз уларнинг аскарларини найза ва қиличдан ўтказдик ва қони билан ерни суғордик. Бизнинг одамларимиз уларнинг жасадларини йиртқичларга емиш қилдилар, тирик қолганлари саросимада, яланғоч, оёқяланг қочиб қолдилар. Биз илтифот ва Аллоҳ таолонинг раҳм-шафқати ила барча

христианларга ўз шаҳар ва қалъаларида ҳокимиятларини топширдик. Бу воқеалардан мактуб элтувчилар хабардор“.

Бу мактубларда битилган сатрларда салтанатлараро тинчлик, ўзаро ҳурмат, тенглик асосига қуриладиган сиёсий, иқтисодий муносабатларидан умумбашарият ғоят манфаатдор бўлиши каби инсонпарварлик ғоялари устуворлиги яққол кўзга ташланади.

Халқларнинг тили, дини, ирқи каби хусусиятлар ўзгачалигига қарамай, агар улар умумий мақсадни устун қўйиб ҳамкорлик қилсалар, бу жаҳон тараққиётига хизмат қилиши Амир Темур ва Европа қироллари дипломатик муносабатлари мисолида исботини топди.

Амир Темур Шарқ ва Ғарб дунёси ўртасидаги муносабатларнинг дарвозасини ланг очибгина қолмай, ўз она юртининг донғини жаҳонга танитди.

Дунё буюк бир салтанат қурган ва шунга қодир истеъдодли халқи ҳамда унинг шундай улўф йўлбошчиси борлигини кўрсата олди.

Мўғуллар асрий вайронага айлантирган Мовароуннаҳр ва Хуросонни жаҳоннинг энг тараққий қилган ҳудудига айлантирди. Жаҳонда сайёҳ борки, хоҳ дунё мамлакатлари элчилари Самарқандга талпиндилар, бу юртни тавоф қилдилар. Амир Темурнинг салоҳияти ва истеъдодига тан бердилар, тасаннолар айтишди. Шу тариқа Амир Темур обрўси — қанча узоқларга етиб борар экан, Туронзамин она юртимиз номлари ҳам шунчалик доврўқ таратиб, дунё кеза бошлади. У шундай жаҳоншумул бурилиш яшаш насиб этган бетақрор давлат арбоби бўлиб, мозий зарварағига Амир Темур ва темурийларнинг энг порлоқ шажарасини яратган буюк зот сифатида муҳрланди.



СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР МУТАФАККИР ВА ОЛИМЛАР ТАВСИФИДА

Қадим-қадимдан ижод аҳллари давлат ар-боблари, қироллар, подшоҳлар, саркардалар ёки жамиятда машҳур инсонлар ҳаёти ва фаолиятдан ташқари жисмий тана тузилиши, нотиқлиги, сурати ва сийратининг ўзгаларниқидан фарқли жиҳатларини ё рассомлик ёхуд бадиий тасвирлар, ё бўлмаса тарихий илмий асарларда ифодалаб, келажак авлодларга етказишга интиланган. Чунки буюк инсонлар ҳаёти ва фаолияти келажак авлодларга ибрат намунаси бўлиб хизмат қилади. Улар тарихий шахс сифатида ўз замонасининг илғор вакиллари, жамият, халқ тараққиётига муносиб ҳисса қўшган бўлиб, хоҳ сиёсий ёки ҳарбий ёхуд маданият соҳаси бўлсин ўша халқнинг куч-қудрати, салоҳияти ҳамда тафаккурий, истеъдод қобилиятларини дунёга кўз-кўз қила олганликлари билан ажралиб турадилар. Шунга кўра бундай улуғ шахслар ҳақида ҳали улар тирик-лигидаёқ замонасининг таниқли мутафаккирлари, муаррихлар, шоирлар ва алломалар уларнинг тарихий хизматларини ёритишга киришишлари бежиз эмасдир. Албатта, буюк шахсларнинг фаолияти қамровига кўра кўп қиррали бўлиб, улар фавқулодда қобилият ва истеъдодлари куч-қудрати билан бошқалардан ажралиб турадилар. Шунга кўра улуғ инсонларнинг бундай сифатларини очишда ижод аҳли қанчалик кучли бўлмасин, бундай инсонлар ҳаёти ва фаолияти истеъдодларидаги ранг-баранг ва кенг қамровли жиҳатларини ёритиб беришда қийинчиликка дуч келади. Ана шу каби улуғларнинг бир ижодкор ёки муаррих бир томонини очса, бошқа бири иккинчи бир хусусиятларини теранроқ очишга интилади. Биз сизга ҳавола қилмоқчи бўлганимиз Соҳибқирон Амир Темур ҳақида алломай замон ижодкорлари ва муаррихлар қалам қудрати билан зарварақларни беаган заргарона дур фикрларидан айрим намуналарни қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Аввало, сиёсий ва ҳарбий арбобда ушбу икки муҳим илму ҳикматдан кам бўлмаган учинчи бир сифат борки, албатта улар бири бирисиз яшай олмайди, бири иккинчисини тақозо қилади, бўшлиқни тўлдиради. Қилич тана ва қўлга таянч, унга руҳий қудрат берувчи, кўзга кўринмас куч бағишловчи, юракни, танани баҳодирлик майдонига шиддат билан ундовчи бу жарангдор сўзнинг бемисл кучидир. Агар жанг майдонида қилич қиличга урилиб жарангдор овоз чиқарса, қалбдан отилган сўз эса ўз жарангдорлик оҳанги билан юз минглаб жангчилар юрагини жунбишга келтиради, тақдир жанги боришини бутунлай ўзгартириб юбора олиши мозийда кўп бора исботини топган. Буни Соҳибқироннинг жанг олдидан юз минглаб жангчиларга момақалдиरोқдек жарангдор нутқ ирод этиб, лашкарни улуғ жангга йўналтиришига доир фаолиятида, шунингдек, қурултой ва кенгашларда ҳам намоён этганлигида кўриш мумкин. Шунга кўра сўз қудратли ва бемисл куч воситаси эканини жаҳоннинг барча фан-маданият арбоблари эътироф этганлар. Бунда биз Амир Темур фаолиятига буюк мутафаккирлар ва муаррихлар берган юксак баҳолари орқали янада аниқ-тиниқ тасаввурга эга бўла оламиз.

Сўз ва шеърият султони Алишер Навоийнинг Амир Темурга қисқа, аммо оламжаҳон маъно ва мазмунни қамровига оладиган ифодасидан бош-лашни лозим топдик. Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий ўзининг „Мажолис ун-нафоис“ аса-рида Амир Темурнинг нотиқлиги ҳақида эътиборга лойиқ фикрларни шундай ёзган эди:

„Амир Темур Кўрагон агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хўб маҳал ва мавқеда ўқубдурларким, анингдек бир байт ўқиғони минг яхши байт айтмоқча бор. Табаррук ҳайсиятидинким, ул ҳазратнинг муборак исми

бу мухтасарда бўлғои ва ул латойифдин бири била ихтисор қилинур“. Буюк мутафаккирнинг Соҳибқиронга берган баҳосидан кўриниб турибдики, агар Амир Темур забардаст нотиқ бўлмаганида эди, қанчадан-қанча бек, амирлар, ҳокимлар, ноиблар ва саркардалар, айниқса, ўтакетган қайсар ноиб ва қўмондонлар унга эргашмаган, унинг қурултой ва кенгашларига ҳатто ғанимлари ҳам эътироф қилиб келмаган бўлур эди. Шунинг учун Алишер Навоий Амир Темурнинг олий доирадаги иштироки чоғида хоҳ назмда бўлсин, хоҳ насрда бир байт ёки бир қатор айтган сўзи ўзгалар айтган минг сўздан ҳам маъноли, ҳикматга бойлигини таъкидлайди. Гар сўз мулкида ҳеч ким Алишер Навоийдан ўтиб кетмаган бўлса-да, Амир Темур нотиқлигининг шундай улуғ мутафаккир эътирофига тушишининг ўзиёқ Соҳибқирон нотиқлиги қай даражада эканини билдиради. Катта давраларни Соҳибқирон сеҳрли қудрат билан ўз иродасига бўйсундира олган. Бундай йиғинларда нафақат Амир Темурнинг тарафдорлари, балки ашаддий рақиблари ва қайси тарафга ўтишни билмай, тарози палласининг оғир келишини кутувчилар ҳам қатнашар эдилар. Бунинг исботи сифатида Амир Темурнинг нозик дипломатияси ва нотиқлиги ғалабаларини таъминлаганлигини ўзлари эътироф қилганидек, муваффақиятларининг ўндан тўққиз қисмини муроса-мадора сиёсатини ишга солиб, эришганлигини таъкидлайди.

Соҳибқирон Амир Темурнинг тенги йўқ нотиқлиги ўрта аср муаррихлари томонидан қайд этилади.

Низомиддин Шомийнинг таъкидлашича, „Амир Соҳибқирон раиятлар аҳволини чуқур текшириб, мазлумнинг додини золимдан олди; мамлакат ободонлигию харобалигини сўрашга илтифот кўрсатиб, фуқаро ҳуқуқига ўз марказидан жой берди (яъни, фуқаролар эркинлиги ҳақ-ҳуқуқларини қатъий қонунлар билан муҳофаза қилди); халойиқнинг ҳар бир синфини турли-туман меҳрибонликлар билан сийлади; саййидларни улуғлашу эҳтиром, амирларни чо-

пону инъом, уламоларни эъзозу икром, заифларни саховату эҳсон, раиятни одиллик билан хушнуд этди. Шунинг учун унинг номини муборак зот — Худои таолонинг лутфу иноятига сазовор қилди“.

Ўша даврнинг машҳур тарихчиларидан яна бири Муъиниддин Натанзий шундай таъриф беради: „Амир Темур илму ҳикмат аҳли ва фан арбобларига ғоятда эътиборли эди. Уларни эъзозу икром қилишда муболағалар кўрсатарди. Тарих китобларини эшитиш орқали қавмлар насабасини ва шарҳи ҳолларини, турк, араб ва ажам подшоларининг бўлган жойлари ва қилган ишларини ҳамда бу илмнинг тармоқларини жуда чуқур эгаллаган эди... Яна унинг мажлисларида илмий масалалар баҳси жуда кўп бўлиб турарди. Нозик масалаларни у яхши тушунар, аксар ҳолларда унинг фикри асосли ва тўғри бўларди. Тиб ва нужум илмларининг машҳур масалаларида кўпинча ҳозиржавоблик қиларди... Ўзининг аксар вақтини саййидлар, олимлар ва машойихлар билан суҳбатлашишга сарф қиларди“.

Ўрта аср араб тарихчиларидан Ибн Арабшохнинг таъкидлашича, у Амир Темурнинг нотиқлигига катта эътибор берар экан, „унинг овози жарангдор ва ширали...“ бўлганлигини таъкидлайди. Араб солномаларидан биридаги манбаларга асосланган шарқшунос тадқиқотчи Барбара Брей эса ўзининг „Ибн Халдун“ номли мақоласида Амир Темур нутқ сўзлаганда „... қарашлари ўтли, ёниқ, шунингдек, овозлари жарангдор ва ёқимли“ деб ёзган эди.

Шарафуддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Соҳибқирон Амир Темур Самарқандда, Қаршида, Шаҳрисабзда, Қорабоғда, Хуросон, Озарбайжон, Дашти Қипчоқда, Дамашқ, Бағдод ва бошқа жойларда кенгаш, қурултойлар ўтказган. Бу анжуманларда ўз нотиқлик санъатини намойиш этиб, сўзидаги таъсирчанлик, мантиқий ҳикмат ва ҳаётий матал ва мақолларга бойлиги, ифода қудрати кучлилиги ҳамда маънавий юксаклик қирралари, жиҳатлари билан кўпчиликни лол қолдирган. Сўзла-



ганда шижоати, нутқларидаги изчиллик, қўл ҳаракатлари, юз ифодаси нутқнинг юксак даражада чиқишига ҳамоҳанг бўлган. Қўйилган мураккаб муаммолар моҳият ва мазмунини аниқ-тиниқ далиллар билан ойдинлаштириб, ўз фикрининг қўллаб-қувватланишига эришган. Шу боис кенгаш ва қурултойларда қабул қилинган қарорлар оқибат бирортаси амалга ошмасдан қолмаган. Бу Амир Темур сўз кучининг амалиётдаги ифодаси қандай бўлганлигининг яққол далилидир. Бинобарин, ҳар қандай қарорлар, тартиб-қоидалар жамият амалий татбиқи билан аҳамиятлидир.

Амир Темурнинг мажлис, кенгаш ва қурултойларида барча табақаларнинг кўзга кўринган вакиллари, давлат арбоблари, қўмондонлар, саркардалар, руҳонийлар, олимлар, фозил кишилар, санъат ва адабиёт аҳли ҳамда муаррихлар иштирок этиб уларнинг доно фикрлари албатта инобатга олинган. Бу ҳақда Амир Темур ўз „Тузуқлар“ида ҳам неча бор таъкидлагандир.

Амир Темур илм-фаннинг машҳур арбобларини янада фаол бўлиш ва ўзи томонидан амалга ошириладиган яратувчилик, бунёдкорлик ишларида барча олимларни бир ёқадан бош чиқариб қўллаб-қувватлашга, ёрдамларини аямасликка даъват этиб Бойлакон шаҳрида (1404) барча уламоларни, маданият-фан арбобларини ҳангу манг қилувчи нутқ ирод этган эди. Унинг қисқача мазмуни шундай: „Фан ва диннинг машҳур кишилари ўз маслаҳатлари билан подшоҳларга ҳамиша ёрдам бериб келганлар. Сизлар эса менга нисбатан бундай қилмаяпсизлар. Менинг мақсадим мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаро турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириб, давлатимизни ривожлантиришдир. Мамлакатда хотиржамлик ўрнатишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш бош вазифамиздир“ қабилдаги ҳукмдорнинг эзгу ва олижаноб мақсадлари Шарафуддин Али Яздийнинг „Зафарнома“ асаридан ўрин олган.

Хулоса қилиб айтганда, Амир Темур сўзи ҳикматдан сув ичган ва (нотиқ) воизлиги билан элни ўзига қаратган инсонларни тўплаб, Самарқанд нотиқлик мактабига асос солди, десак муболаға бўлмайди. Алишер Навоийдек мутафаккир Соҳибқирон нотиқлигига, сўз санъати ифодасига тан берганлиги бежиз эмас эди.

Амир Темурнинг мажлис, кенгаш ва қурултойлари қандай тартиб ва юқори маънавий-маданий савияда ўтишларини ўша давр муаррихи гарчи Соҳибқиронга нисбатан ғанимлик руҳида унинг тарихини ёзишга интилган бўлса-да, баъзан инсоф ва адолат жабҳасига ўтиб, тарих ҳақиқатларини битиши билан Соҳибқиронга нисбатан ишлатган сохта сўзларини инкор қилиб қийналган, виждонига анча таскин беришга ҳам саҳифа ажратиши диққатга сазовордир. Ибн Арабшоҳ Амир Темурнинг шахс сифатидаги жисмий ва ботиний хусусиятларини тасвирлар экан, унинг олий даражали мажлислари юқори савияда ўтишини алоҳида қайд этади. Шунга кўра Амир Темурнинг бадоатли сифатлари, унга ато қилинган тугма хислатлари ва табиати ҳақида мардона қалам тебратишни ҳам муаррих унутмаган. Соҳибқироннинг жисмий қиёфасини мукамал таърифлаб мозийга муҳрладик, бу алоҳида таҳсинга лойиқ тавсифдир.

Шунга доир айрим далилларни келтирамиз: „Темур баланд қадли, узун бўйли, тик қоматли, гўё қадимий паҳлавонлар авлодларидан бўлиб (аслида ҳам шундай, барлосий боболари барчаси баҳодирлик мақоматига эга бўлганлар, муаллиф, Р.Ж.), кенг пешанали, катта бошли, ғоят кучли ва салобатли, ажойиб бўлалик, ранги оқу қизил юзли, лекин довсиз, бугдой ранг эмас, қўл-оёқлари бақувват, елкалари кенг, бармоқлари йўғон, пайчалари семиз, қад-қомати камолига етган, серсоқол, ўнг қўли чўлоқ ва шол (мана шу ўхшатишида бир оз ғализлик бор, гарчи ўнг қўл елка тарафидан шикастланган бўлса-да, шу қўлида ҳам қилични яхшигина серпай олган Р.Ж. — муаллиф изоҳи), икки кўзи бамисоли шам

бўлса-да, шодлиги билинмас, йўғон овозли эди. У ўлимдан кўрқмас, ёши саксонга етган бўлса-да, (бу ерда муаррих Соҳибқирон ёшини анча улуглик билан рақамлагандир) изтиробсиз, вазмин, бадани тўла ва пишиқ, худди зич (қалин) тош мисоли қаттиқ эди. У ҳазил-мазаҳни ва ёлғонни ёқтирмас, ўйингаю кўнгилхушликка майлсиз, гарчи сўзда ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса ҳамки, садоқат унга ёқар эди. У бўлиб ўтган ишга азият чекмас ва ўзига ҳосил бўладиган ютуқдан шодланмас эди.

Темур тамғасининг нақши „рости-русти“ бўлиб, бу „ҳақгўй бўлсанг нажот топасан“ демакдир. Унинг отларидаги тамға, тангаю тиллаларига зарб бериладиган асосий белги ҳам мана шундай уч ҳалқадан иборат эди. Унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳбу форат қилиш ва ҳарам ҳақиға ҳақорат гаплар бўлмасди. Темур кўрқмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчи бўлиб (бунинг учун Амир Темурда ана шундай юксак ахлоқий-маънавий сифатлар бўлиши шарт эди, акс ҳолда бундай хусусият эгалари бўлган инсонларни орқасидан эргаштириш амри маҳол эди. *Муаллиф изоҳи*), жасоратли кишиларни, довюрак ва мардларни ёқтирар эди. У улар ёрдамида даҳшатли жойлар қулфларини очиб, одамлар шерларини ўлжа қилар, улар зарбалари билан баланд тоғлар чўққиларини вайрон қиларди. У бехато нишонга урувчи фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз даражада бахтли, улугворлиги ўзига мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, бошига кулфат тушганда ҳам ҳақгўй киши эди (муаррих „қатъий азм билан сўзловчи“ иборасини қўллар экан, Амир Темурнинг кучли нотиқлигини таъкидламоқчи).

У бировдан бир гап эшитганда далил талаб қиладиган, зимдан қараш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчков ва ҳар бир ишорадан огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови яшириниб қолмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳақгўй

ва ёлғончини ажратар эди. У ўз зийраклиги, тажрибаси билан ҳақ насиҳатгўйдан сохта насиҳатгўйни ажрата биларди. Ўз фикри билан сал бўлмаса учар юлдузни тўғри йўлга бошқарар, ўз фаросати мулоҳазалари билан ҳар бир бехато сайёра ўқини ўз орқасидан эргаштирар эди. Агар у (Амир Темур) бирор нарсага аҳд қилса ёки бел боғласа, ёки бир нарсага ишорат қилса, у ундан асло қайтмас эди ёки бирор нарсага қасдланса, беқарорлик, енгилтаклик ва сусткашликка мансуб бўлмаслик учун ўз қатъияти жиловини у нарсадан сира бурмасди. Уни якунига етказарди.

Унинг лақабларини қўшганларида Темурни етти иқлим Соҳибқирони, еру сувни идора қиладиган зот, подшоҳлару султонлар жаҳонгири деб атардилар.

Ибн Арабшоҳ „Темур тарихида тақдир ажойиботлари“ асаридан.

„Амир Темур ўта ақлли, билимли, фаросатли, кўп баҳслашадиган ... эди, олимларга меҳрибон бўлиб, Саййиди Шариф зотларини ўзига яқин тутарди. Уламо ва фузалога тўла иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай кимсадан тамом муқаддам кўрарди ... Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, баҳсида инсофу ҳиммат бўларди“.

Араб файласуфи ва тарихчиси Ибн Халдун.

„Амир Темур турк ва эронийларнинг тарихини чуқур билган ва амалий жиҳатдан фойда келтирадиган ҳар қандай илмни: тиббиёт, илми нужум ва риёзиёт илмларини қадрлар эди. Аммо меъморчиликка алоҳида эътибор берган...“

Энг мураккаб қурилиш ишларини яхши тушунар ва бу иш хусусида кўп фойдали маслаҳатлар берар эди“.

Ҳофиз Абрӯ, Амир Темур замондоши ва тарихчиси.

„Соҳибқирон ахлоқининг гўзаллиги шу даражада эдики, унинг сўзлари ва рафторининг ҳусни



жами фазилатлар бобининг деб очаси бўлди. Унинг юриш-туриш тарзи табиий мезон ва одатга айланди“.

*Муъиниддин Натанзий,
XIV—XV асрлар тарихчиси.*

„Амир Темурни Чингизхон билан тенглаш-тирмоқчи бўлиб, уни ваҳший, қароқчи, жаллод деб атовчиларнинг фикрлари бир эмас, икки карра ёлғондир“.

*Херман Вамбери,
йирик венгер шарқшуноси, XIX аср.*

„Амир Темур чиқарган қонунлар, аввало, барча табақаларнинг тинчлиги, фаровонлиги, энг муҳими, ҳар бир инсоннинг ташаббус ва қобилиятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши билан аҳамиятли эди“.

Жон Локк.

„Бундан беш ярим аср муқаддам бир шахс жаҳон ҳукмдори бўлишни ният қилди ва бунга астойдил киришди. У нимага қўл урмасин, не ният қилган бўлмасин, барчасига эришди. Ниҳоят, бутун дунё ул зотни улуғ ҳукмдор дея ардоқлаб тилга оладиган бўлди“.

*Машҳур инглиз беллетрист ёзувчиси
Херолд Лэмб.*

„Замин маликаси, дилбар Самарқанд, жаҳон тақдирига эгалик қилар. Барча шаҳарлардан мағрур ва баланд, шуҳратда у билан беллаша олар. Айтинг, қайси шаҳар, айтинг қайси Кент“

На унинг тенги бор ва на бор мисли. Унинг оддий тоши дунёда энг зўр тахт учун бўлур шохсупа. Асли шаҳар ҳукмдори ким деб сўрасангиз, жавобим — Амир Темурдир. Ҳайрон лак нафар омма кўз ўнгида турар, кўрсангиз, яксон салтанатлар узра музаффар!“

*Америка романизм адабиётининг
йирик вакили, машҳур адиб Эдгар По.*

„Амир Темур амалга оширган буюк ишлардан бири эркин ва цивилизация институти сифатидаги давлатчилик ғоясини ҳимоя қилиш ва тараққий қилдиришдан иборат бўлди. Бу, шахс эркинлиги таъминланиб, давлат ва жамиятнинг мувозанатли тараққиётига асос солинди, деганидир“.

Таниқли ҳинд тарихчиси Сатиш Чандра.

„Амир Темур қандай жаҳоншумул ютуқларга эришмасин ўз истеъдоди даҳоси, ақл-идроки туфайли эришди“.

Машҳур украин тарихчиси Омелиан Прицар.

„Не бахтки, аслзодаларнинг ўрта табақасига мансуб бўлган бу инсон давлат бошлиғи — ҳукмдор даражасига кўтарила олди? Қандай қилиб у ҳатто Московни ҳам итоатда ушлаб турган Олтин Ўрда ҳукмдори Тўхтамишхонни, Оврўпода Йилдирим деб ном чиқарган Султон Боязиддек лашкарбошини тиз чўктирди? Бу не синоатки, у ҳам фуқаролар қалбига даҳшат солди, ҳам улар муҳаббатини қозонди? Уни тоғлар ошиб, дарёлар кечиб, денгизлар ёқалаб салтанати сарҳадини Оврўпо чегараларига қадар кенгайтиришга нима мажбур қилди? „Нима учун у кексайиб, кучдан қолаётганида ва айни киш палласида Хитой сари юришга чоғланди? Қатор йилномачилар томонидан „қонхўр, босқинчи, золим“ деб аталган ҳукмдорнинг шарқлик ва оврўполик мўйқалам усталари томонидан яратилган қатор сурат ва тасвирлари нега ҳамон дунёдаги энг машҳур музей ва кутубхоналарни безаб турибди? Кристофер Морлони унга атаб фожиа ёзишга, Вольтерни „Эссе“ битишга, Гётени ўз девонидан ўрин беришга, Генделни унга бағишлаб опера яратишга нима мажбур қилди экан? Франция, Италия, Испания, Англия ва Германияда шарқлик алломалар томонидан Амир Темур ҳақида ёзилган асарларнинг тиллардан-тиллarga таржима қилинишига ва ўрганилишига нималар сабаб бўлди экан?“

Ушбу саволларга жавоб излаб, Амир Темурнинг жўшқин ҳаёти ва серқирра фаолияти ҳақида

ўзбек, турк, араб, форс, француз, англиз, немис, испан, хинд, хитой ва бошқа тилларда кўпдан-кўп илмий, тарихий, оммабоп, бадий асарлар ёзилган, Париж ва Лондон саҳналарида пьеса ва опералар қўйилган. Бундай асарларнинг пайдо бўлиши тасодий эмас, балки қонунийдир. Эеро, Амир Темур шахсининг ўзи фавқулодда ва ғайриодатий ҳодиса бўлиб, ўз замондошларини ҳам, ҳозирги авлод-ни ҳам бепарқ қолдирмайди. Ҳазрати Амир Темур ҳақида нималар дейилишидан қатъи назар унинг фавқулодда шахс, буюк саркарда ва давлат арбоби бўлганлигини барча шарқшунослар эътироф этадилар. Амир Темурга тенг келадигани кам топилади, Амир Темурдан ўтадиганлар эса, топилмаса керак. Унинг номи Искандар, Доро, Цезарь, Чингизхон, Бонапартлар билан ёнма-ён туради¹. Амир Темур инсоният тарихининг буюк сиймоларидан биридир“.

*Француз шарқшуноси
Жон Поль Ру.*

„Амир Темур жаҳон тарихида энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Сабаби, у замонасида эски тузумни янгиледи, унга янги йўналиш бағишлади. Амир Темур ўрта асрни яқунлаб, Марказий Осиёда Уйғониш даврини (Темурийлар Ренессансини) бошлаб берди ва заиф бўлган Европани

турк истилосидан халос этди. Олтин Ўрда қудратини парчалаб, Россия озодлигини таъминлади, фаровонлик келтирувчи савдо йўлларига равнақ берди. Шунингдек, Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятининг юксалиши учун барча зарур шароитларни яратган буюк шахсдир“.

*Машҳур француз шарқшунос
олими Люсен Керен.*

„Амир Темур олимлар, тарихчилар, файласуфлар, илм-фан, идора ишларида истеъдодли бўлган барча соҳиби илмларга серилтифотлиликда барча ҳукмдорларга ибрат эдики, ҳатто бундай улўф инсонлар ҳурмат-иззатини ўрнига қўйиши учун тахтдан тушиб, уларни пешвоз кутиб оларди.

Француз шарқшунос олими Л. Лянгле.

Амир Темур XV аср тақдирини ҳал қилган инсон.

*Жерар Вальтер (1896–1974)
тарихчи олим (Франция).*

Амир Темур томонидан Усмонли туркларнинг Анқарада тор-мор этилиши Византиянинг ярим асрлик эркин нафас олишига имкон берди. Византия Амир Темурнинг Ғарбий Осиёдаги ғалабасидан, Москва унинг Олтин Ўрда устидан қозонган ғалабаларига тенг келадиган ютуққа эга бўлди.

¹ Жон Поль Руининг юқоридаги фикрларини қабул қилганимиз ҳолда, Соҳибқиронни Искандар Зулқарнайн, Доро, Юлий Цезарь, Чингизхон ва Бонапартлар билан ёнма-ён туради, қабалидаги фикри тарихий ҳақиқатга унчалик мос келмайди. Негаки, ушбу тенглаштирилган шахсларнинг маънавий, ахлоқий, истеъдод ва қобилияти, гуманистик, халқпарварлик, фан, маданиятга муносабати, халқ манфаатини кўзлаш, тобе халқлар устидан ўрнатган тартиб-қоидалари, инсонпарварлик жиҳатидан уларни Амир Темурга тенглаштириб бўлмайди. Юқорида номлари зикр этилган ҳукмдор ва саркардалар халқларни қириб ташлаш, зулм ўтказиш, гуллаб яшнаб турган шаҳар ва қишлоқларни хароб қилиш сиёсатини юритганлар. Соҳибқирон Амир Темур эса бундай зулмкорликдан йироқ бўлган ёки уруш ва қамалда вайрон бўлган шаҳар ва қалъаларни қайта тиклаб, дарҳол обод қилиш сиёсатини юритган. Тобе халқларга ўз фуқароларидек муносабатда бўлган. Бузиш, вайрон этиш мақсади бўлмаган. Шу сифатлари жиҳатидан Амир Темур ушбу тенглаштирилмоқчи бўлган ҳукмдорларнинг барчасидан катта масофада юксаклик мавқеини муқаррар эгаллаб туради. Айниқса, Амир Темур адолатни ҳимоя қилиши, фуқароларнинг инсоний ҳуқуқларини қонун билан муҳофазага олиши, фан, маданият арбоблари, ҳунар эгаларига ҳомийлиги, шунингдек, бунёдкорлик, яратувчилик соҳасидаги фаолияти билан барча ҳукмдору қироллар ва императорларга ибрат бўла олди. Ушбу сифатлари билан Амир Темурга тенглашадиган давлат арбоблари ва саркардалар, жумладан, тарихий шахсни топиш қийин. Соҳибқирон тарихда кам учрайдиган тарихий буюк шахсдир.



Амир Темурнинг Боязид устидан галабаси христиан оламини асраб қолди.

Рене Груссе.

Амир Темур кўп вақтини шантранж ўйини устида ўтказган. У ўз даврининг машҳур шатранжчилари билан бемалол беллаша олган.

Хилда Хукхэм.

Ўзбек халқи тарихини ўқитиш борасидаги ҳар қандай ёндашув, даставвал, Амир Темур ва унинг меросини ўқитиш билан чамбарчас алоқадордир. Бу масала фақатгина Ўзбекистон учун эмас, балки жаҳон тарихини ўз дастурларининг бир қисми сифатида ўргатувчи барча мамлакатлар учун долзарб мавзудир.

*Сигдем Балим-Хардинг,
туркшунос олима (Буюк Британия).*

Амир Темур насронийлик учун ноқулай бир вақтда Европа уфқида пайдо бўлди. Буюк парчаланиш лотин черковини путурдан кетказди, ўлат касаллигининг тарқалиши феодал князлар ўртасидаги низолар билан қоришиб кетди, дарвозалари олдида Усмонли турклар турган силласи қуриган Византия салтанати ўз тақдирининг нима бўлишини итоаткорона кутарди. Шунга қарамай, Европа учун умид чақмоқлари чақнади. Шарқдан Усмонли турклар мулки томон сон-саноксиз суворий қўшинларига бош бўлиб заковат соҳиби, моҳир шахматчи, малакали илоҳийчи, буюк қўмондон Амир Темур яқинлашиб келарди.

Хилда Хукхэм.

Амир Темур бунёдкорлик ишларида ҳеч бир тап-тайёр меъморчилик намуналаридан нусха олмаган, балки ўзининг асл меъморий ечимларини кашф этган ёхуд дунё кезиш асносида, хусусан Дамашқни бўйсундириш чоғида кўрган ва кўнглига ёққан бетакрор гумбазли муаззам биноларга монанд гузал кўшклар қурдирган.

Гарольд Лэмб.

Омад унга кулиб боқди, бу равшан, бунга, аввало, ўзининг бор қобилиятини ва инсоний эзгуликни муайян мақсад йўлида оқилона қўллай билишгина ёрдам берди. Амир Темур Доро, Искандар, Қайсар салоҳиятига тенг ёки уларнинг борини ортда қолдирувчи буюк ишни адо этиб ҳокимият тепасига келди ва кетма-кет галабага эришаверди.

Тильман Нагель, ёзувчи (Германия)

Амир Темурнинг оддий бекдан Осиё ҳукмдоригача кўтарилиши ҳақиқатан ҳайратланарлидир.

*Эдуард Гиббон, тарихчи
(Буюк Британия)*

Бир марта унинг жангга кирганини ва жанггоҳни волибона тарк этганини ўз кўзим билан кўрдим. Шундай хулосага келдимки, Темурбек ҳеч шубҳасиз, ўз даврининг энг буюк ва жасур ўғлонидир!

Султония архиепископи Иоанн.

У ўзини на қирол ва на император деб ҳисоблайди, бироқ ҳозир у жуда катта ва қудратли ҳукмдор, зеро шу пайтгача Шарқда ҳеч ким унга тенг келадиган бирорта инсонни кўрган ҳам, учратган ҳам эмас.

Султония архиепископи Иоанн.

— Жаҳон узра музаффарият байроғи кимнинг қўлида ҳилпираган десалар? Бу Соҳибқирон Амир Темурдир.

— Жаҳонда мағлубият аламини тотмаган улуг саркарда номи тилга олинса, бу ҳам ҳазрат Амир Темурдир.

— Куч — адолатда шиори билан салтанатга зеб берган ҳукмдор ким десалар, бу ҳам Соҳибқирондир.

— Камбағалу бева-бечора, меҳнат аҳлини тожу тахт ҳимояси ва соясига олган султонлар султони сўроқланса, мозийнинг адолат ва ҳақ жавоби тайиндур, бу Муҳаммад Тарағай баҳодир ўғли Темурбекдир.

Олиму уламо аҳли ҳунару санъаткор ва мўмину мўминот — барчанинг қалбига йўл топиб, бошини қовуштирган соҳиби салтанат ким десалар, эътироф яна Соҳибқиронгадир.

— Эл-улусни ўзидан розию ризолик мақоматига кўтарган ҳукмдорни мозий зарварақларидан қидирилса, қиличини фақат адолатни дея чеккан марду майдон саркардалар пешвоси изланар экан, Кеш кентидан тулпор ўйнатиб жаҳон майдонига жавлон уриб чиққан ҳам ҳазрат Соҳибқирондир.

Тарих сабоғидан илҳом ва куч-қувват олиб, исломий ахлоқдан дилни зийнатлаб, эл-улус ор-номуси, ибо ва ҳаё қалъасига бош посбону қалқон бўлган арслонлар арслони кимлигин билмоқчимисиз? Бу ҳам буюк аждодимиз Соҳибқирон Амир Темури бўладилар.

— „Тузуқлар“ қандай асар дейсизми? Ҳикматлар хазинаси, ғалабалар калити ва қонун олдида барчанинг тенглигини одиллик ҳукмига топширган қоидалар мажмуи. „Тузуқлар“ бу ҳозирги замон тилидаги Қонунлар Бош Қонуни, яъни ўрта асрлар даври Конституциясидир.

— Амир Темурининг энг муҳим инсоний хислати дейсизми? Саховатпешалик бағрикенглик, бунёдкорлик, яратувчанлик, илму маърифат аҳлига ҳомийлик, халқпарварлик.

— Соҳибқирон Амир Темури сиймоси то азалдан абад қадар барча замонларнинг буюк ва бетакрор тарихий шахси сифатида Жаҳон солномасининг биринчилик мавқеини мустаҳкам эгаллаб туришга тамомила ҳақ-ҳуқуқли бўлган улуг зотдир. Буюқлар, не-не алломай замон даҳо мутафаккирлари, шунингдек, улуг давлат арбобларию бемисл саркардаларга бешик бўлган, Темурибекни опичлаб ўстирган она-Ватан ҳам шундай эъзозга лойиқдир. Дунё халқлари олдида бу Ватан ва бу халқнинг асло қарзи йўқдир, аммо жаҳон аҳли бизнинг буюк аждодларимиз, шунингдек, даҳо мутафаккир бобоқалонларимиз тарихий хизматлари олдида абадиятга қарздордирлар.

На Ғарб, на Шарқ олами Амир Темуридек улуг давлат арбоби ва буюк саркардага дуч келмаганлигига оқсоч мозий ҳозирга қадар гувоҳлик бериб турибди. Аждодлари буюк халқ эса чинакам буюқдир.

Тарихшунос олим Жумабой Раҳимов.

БУЮКЛАРИМИЗДАН ҚИДИРИЛГАН НАЖОТ

Совет давлати пойтахти Москва 1941 йилнинг октябрь ойида даҳшатли таҳдид остида қолди. Гитлернинг арзанда саркардаси „Марказ“ деб аталмиш йирик группировкаси қўмондони генерал-фельдмаршал фон Бокнинг таркибида бир ярим миллионлик жонли кучлари ва унинг ҳужумини ҳимоя қилувчи 1700 га яқин танк (бу бронетанк қўшинга фон Гудериан қўмондонлик қиларди) ва минглаб ҳаводан зарба берувчи авиация ёрдамида Ғарбий фронтга катта талафот етказилди ва Москва уч томондан қуршов ҳалқасига олинди. Пойтахт шимоли-ғарбдан Калинин, жанубдан Тула ва ғарбдан қамал ҳолатида қолди. Москва фақат Шарқ томондангина мамлакат билан боғланган эди, холос. Ваҳима шундай кучайдики, Совет давлати пойтахти Москвадан ҳукумат

Куйбишев шаҳрига кўчирилди. Москвада фақат Давлат мудофаа комитети ва қуроли кучлар Бош штаби иш олиб борди. Улар ҳам Киров метро станциясида доимий фаолият юритадиган бўлди.

Таҳдид кучайгандан кучайиб, Гудериан танк қисмлари Кремлга ғарбдан 17—20 км масофага яқинлашиб қолган эди. Шундай таҳликали дамларда ДМК (Давлат мудофаа комитети) раиси Сталин Ғарбий фронт қўмондони Г.К.Жуковни ҳузурига чорлаб:

— Генерал фельдмаршал фон Бок ва унинг зарбдор танк армияси Москвани эгаллаш учун сўнгги ҳужумга эрта-индин тўла шай. Георгий Константинович, Москвани ҳимоя қилиш зиммангизга юкланган қўмондон сифатида айтинг-чи, пой-



тахтни сақлаб қола оламизми ёки йўқ? Менга аниқ жавобингиз керак, — дейди Сталин маршал Жуковга мурожаат қилиб. Қўмондон Жуков эса саволга савол билан жавоб беради.

— Ўртоқ Сталин, Сибирдан ва Ўрта Осиёдан захира кучлар етиб келганми? Сталин:

— Япония таҳдиди сақланиб турганлиги учун Сибирдан дивизиялар ҳали етиб келмаган, бироқ Ўрта Осиёдан етиб келган генерал Панфилов дивизияси ДМК захирасида тайёр, бундан ташқари генераллар Н.А.Белов ва Л.М.Доватор қўмондонлик қилаётган отлич корпуслар ҳам тайёр ҳолга келиб қолган. 21-отлич аскар ва 259-дивизиялар, буларнинг барчаси, асосан, ўзбекистонлик жангчилардан ташкил топган.

— Тушунарли, ўртоқ Сталин. Унда, дейди, — маршал, — дарҳол Панфилов қўмондонлигидаги дивизияни менинг ихтиёримга беринг.

— Бу дивизиялар, асосан, ўзбекистонликлардан тузилган дивизиялардир, нари борганда 4—5 та дивизия жангчилари фон Бок ва Гудерианнинг даҳшатли кучларини қайтара олишига шунчалар ишончингиз комилми?

— Агар шу кучларни менинг ихтиёримга берсангиз, Москвани сақлаб қолишнинг албатта уддасидан чиқаман, ўртоқ Сталин. Ахир улар Амир Темур ва Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардаларнинг ворислари, ахир Гудериан танкларига бу пиёда ва отлич дивизиялар қаттиқ зарба беришга қодирлар. Чунки улар ўша даврда танклар вазифасини бажарган пўлат совут кийдирилган Ҳиндистоннинг жанговар филларини ҳам мажлаб ташлаган. Бунақаси тарихда бўлмаган. Амир Темур ва Хоразмшоҳ Жалолиддин тарихини бизлар, барча саркардалар, генерал-лейтенант Иваниннинг асаридан Бош штаб академиясида чуқур ўрганганмиз. Агар мумкин бўлса, генерал Панфиловни ҳозироқ шу ерга чақирсангиз, барча муаммони биргаликда ҳал қилиб олардик.

— Сизнинг айтганингиз бўла қолсин ўртоқ маршал, — дейди Сталин.

ДМК раиси захирасида турган генерал Панфиловни Штаб бошлиғи Антонов дарҳол Сталин ҳузурига олдиради. Сўхбат қисқа бўлади. Кремль „дохийси“ генерал Панфиловдан дивизиясининг ҳолатини сўрайди. Панфилов ўз дивизиясининг таржимаи ҳолини лўнда қилиб шундай изоҳлайди.

„Мен дивизиямни, асосан, ўзбек жангчиларидан тўлдирдим ва туздим. Мен сизни ўртоқ Сталин ва маршал Жуковни ишонтириб айтаманки, Амир Темур ворислари бўлган менинг ихтиёримдаги қўшинни фон Гудериан танклари ёриб, босиб ўтолмайди. Бу жангчилар тинч меҳнатда кетмонни ҳалол ва тер тўкиб машаққат билан тортгандай, ҳарбий қуролини ҳам шундай моҳирона ишлатиб, немис фашист танкларининг додини бериб, кулини қўкка сокурадилар. Музаффар Амир Темурнинг руҳлари уларни албатта қўллайди. Мен бунга қатъий ишонаман. Ўртоқ Сталин, уларга ўз дини ва пайгамбарига эътиқод қилиб жангга киришларига руҳсат бердим. Негаки, Амир Темур бобокалони барча жанглар олдидан „зафар“ дуосини ўқиб жангга кириб, доимо фанимлар устидан ғолиб чиққан.

— Генерал Панфилов, сиз Амир Темурнинг ҳарбий жанг санъати усулларини қаердан ўргандингиз.

— Мен уни генерал-лейтенант Иваниннинг китобидан тўлиқ эгаллаб олганман, ўртоқ Сталин. Бу асарда Амир Темур ҳарбий жанг тактикаси Чингизхон ҳарбий усуллари билан қиёслаб берилган.

— Сиз шунини таклиф қилган экансиз, биз розимиз. Сиз нима дейсиз, маршал Жуков, дея мурожаат қилди Сталин.

— Мен генерал Панфиловни қўллаб-қувватлайман, ўртоқ Сталин.

— Менинг бир илтимосим шуки, дейди генерал Панфилов, — мен яқиндагина радио ва Марказий матбуотлардан Амир Темур қабри очилганлигини, ўша томонда дивизиямни тузиш жараёнида эшитдимки, Соҳибқирон жасади ҳозир Москвада экан, агар шу эшитганларим ҳақиқат бўлса, биз жона-

жон пойтахтимиз учун фашист танк қўшинларига қарши ҳаёт-мамот жанглариغا кирган пайтимизда Амир Темури жасадини унинг ворислари бўлган ўзбек жангчилари жанг қилаётган майдон осмониде авиация ёрдамида парвоз қилдиришингизни ўтиниб сўрайман, ўртоқ Сталин. Негаки уруш даҳоларининг руҳлари жуда қудратли куч деб эшитганман. Амир Темури эса жанг майдони даҳоси, шу боис ана шу илтимосимни инобатга олсангиз, бизга катта руҳий мадад берган бўлур эдингиз, ўртоқ Сталин“. Маршал Жуков: генерал Панфиловнинг илтимосини қабул қилайлик, нафақат генерал Панфилов дивизияси, балки жаҳонгир Амир Темури жасадини бутун Ғарбий фронт осмониде айлантитармиз. Амир Темури Ғарбий Европа қироллари даҳо ва халоскор саркарда дея барчаси унга миннатдорлик билдирганлар, Ҳатто Ватикан папаси ҳам бу хусусда ўрта аср қиролларини Амир Темури қўллаб-қувватлашга чақирган. Биз Бош штаб академиясида таҳсил олган пайтимизда ҳарбий тарихчи профессоримиз Амир Темури жаҳонгирлар Султони, Худонинг ердаги адолат қиличи ва уруш худоси дея таърифлаганди. Сталин улар илтимосини бажаришга ваъда бериб: „Кўнглингиз бу хусусда тўқ бўлсин, агар сизларга Амир Темури руҳи мадад бериб, Москва сақлаб қолинса, музаффар саркарда Амир Темури жасадини пойтахт осмониде қанча учирини лозим бўлса, бутун бир эскадрилья билан ҳимоя қилиб бўлса-де, уни айлантириб учирганимиз бўлсин. Мен бу ишларни ўрнига қўйишини штаб бошлиғимиз генерал Антонов ва авиация маршали Новиковнинг зиммасига юклайман.

Сталин СССР Фанлар Академияси Археология ва этнография институти раҳбарияти билан боғланиб, антрополог Герасимов ва Ошанинлар лабораториясида тадқиқот олиб борилаётган Амир Темури жасадини тайинланган кун Москва осмониде парвозга шайлаб қўйишини қароргоҳ штаби бошлиғи генерал Антоновга қатъий топшириқ қилиб

берди. Шу тариқа маршал Жуков ва генерал Панфилов илтимослари қондирилади. Натижада генерал Панфилов немисларнинг Москвага қиладиган бош ҳужумини қайтаришни тўла зиммасига олди. 1941 йил октябрь ойининг иккинчи ҳафтаси тугаб учинчи ҳафтаси бошларида Дубесоково разъезди ва Смоленск-Вязьма-Москва йўлини ҳимоя қилиб (бу йўл бош магистраль йўл бўлиб, у тўппа-тўғри Кремль майдонига олиб борарди), Генерал Панфилов Амир Темури ворислари бўлган жангчилардан иборат 316-дивизияси билан Гитлернинг даҳшатли танк қўшинларига қарши омонсиз тақдир жангига кирдилар. Айниқса, энг қиймат жанг 28 та панфиловчи жангчилар ҳимояда турган жойда бошланиб кетди (улар биринчи сафдаги жангчилар эди). Уларга бирданига элликта танк ҳужум бошлади. Қонли жанг узоқ давом этди. Сўнгра Панфилов дивизияси устига вермахт бронетанк қўшинлари қўмондони фон Гудериан танк полки ва дивизияларини ёппасига ҳужумга ташлади. Буюк аждоди Соҳибқирон Амир Темури руҳидан мадад олган ўзбек жангчилари бир неча километр масофада зич бўлиб келаётган даҳшатли танклар колоннаси билан ақл бовар қилмас жангни бошлаб юбордилар. Ҳамма ёқда фашист танклари бурқсиб ёниб ётарди. Танкка қарши отувчи ПТР¹ қуролларининг ўқлари тугагач, жангчилар граната боғламлари ва ёнилғи тўлдирилган шишалар билан қуролланиб, танклар сари бориб уларни ёндиришга киришдилар. Ўзлари ҳам катта талафот кўрдилар. Тобора кучлари камайиб, сафлари сийраклаша борди. Аммо улар бир қадам ҳам чекинмадилар, Соҳибқирон Амир Темури жангчиларининг бемисл баҳодирликларини ўзбек жангчилари қайта такрорладилар. Ўзбек қаҳрамон жангчиларининг мардликларига ҳатто фашистларнинг темир қўрғон ҳосил қилган зич ҳужумга ташланган зирҳли танклари ҳам бардош бера олмади ва улар ўзбек дивизияси

¹ Бу қурол фақат танкларни ёндириш ва ишдан чиқариши учун мўлжалланган эди.




мудофаа қилаётган ҳудуддан ёриб ўта олмадилар. Ўзбек жангчиларидан дивизия тузганлигидан фахрланган генерал Панфилов уларнинг ўз бурчларини бир неча ўн марталаб ортиғи билан бажарганлигидан ғоят миннатдор бўлди. Ўзбек жангчиларининг жангларини диққат билан кузатиб бораётган И.В.Сталин уларнинг ҳақиқий темурога майлда қаҳрамонларча жангини таҳлил қилиб, бу юртдан Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темур сингари буюк саркардалар ўз-ўзидан етишиб чиқмаганлиги, бу халқ томири мустаҳкам заминдан озиқланиб, буюклик шоҳсупасига кўтарилганлигига амин бўлди. Бу жангчилардаги бемисл қаҳрамонликни кўрган И. В. Сталин Москва ҳимоясини метиндек кучайтириш мақсадида Маршал Жуковнинг Фарбий fronti ихтиёрига яна икки-учта ўзбеклардан ташкил топган дивизияни беришга қарор қилди. Ўзбекистон жангчиларидан ташкил топган 21—44—259-отлиқ дивизиялар генерал Д. М. Доватор ва генерал Белов қўмондонлигида душман танк армиясининг орқа томонига ташланди. Бу Амир Темурнинг ғанимни тўлғама ҳарбий усул билан марлуб этиш тактикаси эди. Шунинг учун Соҳибқирондан ибрат олиб, дўппи тор келганда Кремль ҳукмдори Амир Темур отлиқлари қабалида дивизия тузиб, уни немис танклари орқа тарафига ташлади ва душман аҳволи оғирлашувини таъминлади. Натижада ўзбек отлиқ дивизиялари душманни Москва остоналарида қақшатқич мағлубиятга учратишда асосий вазифани бажарадилар.

Генерал Панфиловнинг дивизияси даҳшатли жангларда сийраклашиб қолгач, ўзбек жангчиларидан абадулабад рози эканлигини билдирган дивизия қўмондони генерал Панфилов шошилинич ва қисқа тарзда оиласига сўнги видолашув хатини ёзиб қолдирди ва граната боғламини олганича қўмондонлик қароргоҳидан чиқиб тиккасига босиб шиддат билан ҳужум қилиб келаётган немис танки сари олға қараб кетди. Ўз жангчилари қаҳрамонлигини тақрорлаб ҳалок бўлган қаҳрамон ўз жанг-

чилари ёнига қулади. Оғир яраланган генерал Панфилов жанг майдонида дўзах алангаси қошлаб ёнаётган фашист танкларини кўрди. Охири нафасини олаётиб, бор кучини йиғиб жанг майдони узрасўнги бор боқди. Олов алангаси ичида фашистларнинг юзлаб машиналари бурқсиб ёниб ётарди. Танклар ёриб ўтолмаганига ишонч ҳосил қилиб, генералнинг жони узилди. 21—44—259-отлиқ ўзбек дивизиялари генерал Белов, генерал Доваторлар қўмондонлигида панфиловчиларнинг қасосини олиш учун душманга қирон келтирдилар. Панфиловчиларни ҳимоя қилиш учун қўшимча мадад кучлари етиб келган пайтда жанг майдони дўзахга айланиб, бармоқ билан санагудек ярадор жангчилар майдонда инграб ётар, бошқалар эса ўз бурчини ортиғи билан бажариб, генералидан жангчиларига — барчаси жасадга айланиб бўлган эдилар. Олдинда эса ҳали ҳам ёниб, тутаб ётган немис фашистларнинг бронетанк машиналари кенг майдон бўйлаб танклар қабристонига айланиб бўлган эди. Шу тариқа Амир Темур руҳига сифиниб, жангга кирган юрт фарзандлари фон Гудериан, яъни Гитлер арзандаси генерали танк қўшинлари йўлига ўтиб бўлмас ғов ясаб душман зирҳли машиналари бош ҳужумини тўхтатиб, Москвани сақлаб қолишда асосий миссияни бажарадилар.

Амир Темурга Москва Кремли зарурат сезиб турган бир пайтда шу билан ёнма-ён яна бир муҳим масала, яъни жангчиларни ҳарбий ватанпарварликка чақириб, фашизм босқинидан юртни асраб қолиш асосий ўринга кўтарилди. Фашизмга қарши курашда жангчиларга тарихда ўтган қайси буюк шахснинг бемисл мардлик ва жасорати ибрат қилиб кўрсатилади, деган масалада Давлат Мудофаа Комитети раиси И.В.Сталин хонасида таниқли ёзувчилар, санъаткорлар ва машҳур маданият арбоблари йиғилишиб, намуна бўладиган қаҳрамон кимлигини танлаб, унинг номида „жасоратнома“ қўшиғи ва мусиқасини яратиш масаласи кўриб чиқилади. Бундан мақсад шу эдики, уни фронтларда



ижро қилиб, ватанпарварлик ғоясини янада кучайтириб, жангчиларни ғалаба сари илҳомлантириш лозимлиги таъкидланади. Ёзувчи ва санъаткорлар, машҳур бастакорлар вакиллари бир овоздан бунга айнан муносиб шахс мардлик, жасорат рамзи дея Жалолиддин Мангуберди номини танлайдилар. Гарчи ном Сталинга ёқмаса ҳам майли, кўпчилик жасорат бобида чинакам босқинчига аёвсиз курашган Жалолиддин Мангуберди номини кўрсатган экансизлар, қаршилигим йўқ. Лекин нима учун ҳеч бирингиз на Александр Невский, на Дмитрий Донской, на Кузьма Минин ва на Пожарский, Суворов ёки Кутузовлар номзодларидан бирортасини танламадингизлар, деганида йиғилган аҳли жамоа: „Дунёда мардлигу жасоратда Жалолиддин Мангуберди қаҳрамонлигидан ўтадиган қаҳрамонни, баҳодирни топиб бўлмайдики, унинг қаҳрамонлиги ва жасорати олдида жаҳондаги барча қаҳрамонлар мардлигу жасорати кичрайиб кетади, ўртоқ Сталин. Шунга кўра бир овоздан Султон Жалолиддин номини яқдил бўлиб танладик“ дедилар. Шундан кейин Сталин улар билан тортишиб ўтирмади. Шунингсиз ҳам фронтларнинг барчасидан хунукдан-хунук хабарлар тинимсиз келиб, Болтиқ денгизидан то Қора денгизгача оралиқдаги фронтлар мағлубиятга учраб тинимсиз равишда немис-фашистлар қўшинига катта ҳудудлар ташлаб чиқилиб, Қизил Армия мамлакат ичкараси томон изтироб ва мотамсаро ҳолатда чекиниб борарди.

Руҳи тушиб кетган жангчиларни жасоратга бошлайдиган қўшиқни тез тайёрлашга кўрсатма берилди. Шеър шоирлар орасида танловга қўйилди. Натижада сонет муаллифи О. Орловской, уни қўшиқ мадҳига айлантириб, сайқал берувчилар Н.Н.Ушаков ва М. М. Сандомирскийлар ишлари голиб деб топилди. Шу тариқа Жалолиддин Мангубердига бағишланган мардликка чорловчи „Жасоратнома“ сонети бутун фронтларда жаранглаб, жангчиларни ғалабага, жасоратга чорлади. Уни

иттифоқнинг машҳур санъаткорлари ижро қилдилар. Унинг матни қуйидагичадир:

ЖАСОРАТНОМА

*Мардлар марди Жалолиддин Мангуберди,
Зафар учун туғилгансан эй беназир зот.
Савашларда тойрилмоқ не, сира билмаган,
Голибият байроғидай нур сочиб турган,
Елканг ерга тегмаган ҳеч, ҳадик сенга ёт.
Шамширинг кучини кўп бора жанггоҳда исбот
Айлагач, ул Чингиз сенга бермаганми тан.
„Ал-қасос ул мин-ал ҳақ“ деб ҳайқирганда сен
Бўлаверди ёғий барбод устига барбод.
Зеро, сенинг қудратингдан Чингиз эди лол,
Ўшал чоғда терс айланди чоғи чарх алҳол.
Амр айлади Азроилга водариф, Аллоҳ,
Ва ул курд хужрасида Жалолиддиннинг
Бошин қўйди кундага ва тақдирга тан берароқ
Мангуликка доҳил бўлди охириги Хоразмшоҳ¹*

Бу сонет тўрт ярим йил жангчиларни бутун жанг майдонида мардлик ва жасоратга чорлади. Ниҳоят, уруш ҳам ғалаба билан якунланди. Сталин яна тўнини тескари кийиб, ҳар икки буюк аждодларимиз бўлган Жалолиддин Мангуберди ва Амир Темурдан юз ўтирди. Улар номларини қатағонлик рўйхатига ўз қўллари билан киритиб қўйди.

В. Яннинг уруш арафасида нашрга тайёр бўлган „Жасоратнома қанотларида“ дея Жалолиддин Мангубердига бағишланган китоби, „Жасоратнома“ сонети ва Мақсуд Шайхзоданинг „Жалолиддин Мангуберди“ драмаси, шунингдек, муаллифнинг ўзи ҳам қатағонликка тортилдилар.

Фақат демократия шамоллари эсиб, В. Яннинг буюк аждодларимизга бағишланган китоби „На крыльях мужества“ номи билан 1988 йил Москвада „Правда“ нашриётида босилиб чиқди. Унинг саҳифаларида Жалолиддин Мангубердига бағишланган сонет ҳам берилди.

¹ Русчадан Эркин Самандар таржимаси.



**АМИР ТЕМУР
МУСТАҚИЛЛИК КЎЗГУСИДА**



АМИР ТЕМУР ДАВРИДАГИ БУНЁДКОРЛИК ВА ҲАМКОРЛИК РУҲИ БИЗГА НАМУНА БЎЛАВЕРСИН!

Муҳтарам Федерико Майор жаноблари!
Хонимлар ва жаноблар!

Аввало, ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган „Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши“ ҳафталигини ўтказишга эътибори ва мадади учун ЮНЕСКО раҳбариятига самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсизлар.

XIV асрдаги бу буюк шахс шарафига тантаналар Парижда — Европанинг қоқ марказида, тарихнинг ўзи яққол кўриниб турган, маърифат, илм-фан, санъат, абадий гўзаллик шаҳрида бошланаётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бугун очилаётган ва Амир Темур ҳамда темурийлар даврининг улуғвор маданий ютуқларига асосланган кўргазма ўтмиш даврлардаги бебаҳо ёдгорликлар, Ўзбекистон тасвирий санъати ва халқ ижодиёти намуналари билан танишиш учун ажойиб имкониятдир.

Тарихда „Турон“, „Туркистон“ ва „Мовароуннаҳр“ номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди.

Ўзбекистон маданиятининг хилма-хиллигини қадимги даврлардан буён турли қарвон йўллари, дунёнинг турли томонларидан келадиган савдо-сотиқ, инсоний алоқалар йўллари ва албатта — халқаро алоқалар: иқтисодий алмашув, ҳунармандчилик, фан ва санъат ҳаракатларининг жонли қон томири бўлган Буюк ипак йўлининг мавжудлиги белгилаб берган.

Қадимги Суғд, Хоразм, Бақтрия, Кушон, Парфия, Эфталитлар подшоҳликлари жаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар ва меъморларни етиштириб берган диёримизнинг олтин бешигидир.

Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида

барпо этилган улкан маънавий мерос билан фахрланади.

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, Буюк Шарқ мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фароний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди.

Бир неча ойдан сўнг Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлайди.

Ўтган йиллар ёш республика учун янги давлатчиликнинг қарор топиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётининг шаклланиши йиллари бўлди.

Энг муҳими — маънавият манбаларига, миллий илдизларимизга қайтиш, тарихий хотирани, маданият ва маънавиятни қайта тиклаш йиллари бўлди.

Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия, Германия ва бошқа Ғарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди.

Бу ерда XV асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга „Европанинг халоскорига“ деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган.

Айни Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарасига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди.

Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб яшнагани Европада Уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб, фахрланамиз.

„Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн барабар фойдали-



роқдир“, деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, огоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўсқинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди.

Ўзаро ишонч, ҳамкорлик, умумий муросага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир.

Буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислоҳотчиси, савдототиқ, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темур „Қонунлар ва урф-одатларга асосланган“ давлатни барпо этди.

ЮНЕСКО Қароргоҳидаги ушбу кўргазма Амир Темурнинг „Чиндан ҳам ишларимиз бизни кўрсатиб туради!“ деган машҳур сўзларини яққол тасдиқламоқда.

Марказий Осиё маданий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда қайта тиклашга доир махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ЮНЕСКОнинг қўшган улушини Ўзбекистон юксак даражада қадрлайди.

Бу Ўзбекистон учун, айниқса, қимматлидир. Ўзбекистонда, маълумки, машъум совет даврида кўплаб маданият ёдгорликлари бузиб юборилган, ер билан яксон қилинган эди.

Шу сабабли биз амалга оширилаётган турли лойиҳаларда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги археология экспедицияларида турли мамлакатлар, шу жумладан, Япония ва Франция олимлари ҳамда мутахассисларининг иштирокини жуда қадрлаймиз.

Кўрикхона мажмуаларидаги таъмирлаш ишларида, мамлакатимизда халқаро туризм индустриясини барпо этишда катта ёрдам кўрсатилмоқда.

Хонимлар ва жаноблар! ЮНЕСКОдаги кўргазма ҳаммангиз учун Ўзбекистонга, Амир Темур Ватанига боришга ўзига хос таклифномадир. Ишончим комилки, меъморий ёдгорликлар, қадимги қўлёзмалар, Туркистон халқ усталари ясаган буюмлар асрлар оша сизларга улуғворлиги ва бадий шаклларнинг пухталиги билан, фикр ва ижод тегранлиги, маънавий софлик билан завқ бағишлайди.

Улар ақл-идрокни юксакликка кўтаради ва ҳозирги инсон Фарбдами ёки Шарқдами — қаерда яшамасин, унинг қалбига етиб боради.

Кўз олдингизда очилган кўргазма маънавий ва маданий қадриятлар бизни бир-биримизга яқинлаштирадиган, ҳамжиҳатликка эришишда ёрдам берадиган, ҳамкорликнинг янги уфқларини очадиган бойлик эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Амир Темур замонасида яққол намоён бўлган бунёдкорлик руҳи бугун бизга яхши намуна бўлиб хизмат қилаверсин.

Қадим-қадим замонларда вужудга келган Буюк ипак йўли яшайверсин, қайта тикланиб, Шарқ билан Фарб ҳамжиҳатлигига, тинч ва бунёдкорлик алоқаларига хизмат қилаверсин.

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мен ҳам қувончли пайтдан фойдаланиб, Франциянинг таниқли олими, профессор Люсьен Керэн Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, темурийлар даврининг бой маънавий қадриятларини кўп йиллар давомида самарали илмий тадқиқ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари маданиятининг яқинлашиши ва ҳамжиҳатлиги ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти — „Шуҳрат“ медали билан тақдирланганини маълум қилмоқчиман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

ЮНЕСКО Қароргоҳидаги „Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб яшнаши“ кўргазмасининг очилиш маросимида сўзланган нутқ. Ислом Каримов. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти, 1996 йил 24 апрель, Париж.

ЮНЕСКО БОШ ДИРЕКТОРИ ФЕДЕРИКО МАЙОР АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА

Оламда шундай номлар борки, улар кишини хаёлга чўмдиради, уларнинг сеҳри у номларни эшитганинг ёки ёзувини кўрганинг ҳамон дарҳол таъсир эта бошлайди. Хаёлот сари етаклайдиган номлар орасида тасаввуримизни ром этадиган бир ном бор, у ҳам бўлса Самарқанддир. Бу ном ёрқин, сержило, мушки анбар, хаёлот саройлари, карвонлар гулгуласи, бокира сас ва англамаган ҳиссиётлар гирдобидан ҳосил бўлгандек гўё...

Амир Темурнинг Самарқанддаги саройида бўлган Испания элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг эсдаликларини ўқир эканман, Марказий Осиё мазкур қисмининг XIV аср маданиятини — меъморий бойликларини, шеърят нафосатини, техник ва илмий топқирлигини, ушбу маданиятга афсона-

вий жаҳонгир Амир Темурнинг таъсири ва ҳоказоларни кашф этдим.

1995 йилда мен орзуни воқелик билан қиёслаш имконига эга бўлдим. Самарқанд бундай қиёслашдан мутлақо зиён кўрмади: нақадар гўзал. Қай бири билан — унинг улўфвор ўтмиши биланми ёки бугунги латофати биланми, кўпроқ ҳайратланишингни билмайсан.

Хўш, Самарқанд сизни хаёлотга етаклаптими? Ундай бўлса, иккиланиб ўтирмай, ўз тасаввурингизда пайдо бўлган темурийлар даври сиймолари образларига шўнфинг. Шунда сизда Ўзбекистонни, унинг тарихини, унинг маданиятини, унинг халқини янада теранроқ кашф этиш иштиёқи намоён бўлади.

Федерико Майор

ЮНЕСКОнинг 1987—1999 йиллардаги Бош директори

ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТ!

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли оқсоқоллар, муҳтарам уламолар!

Бугунги муборак жума тонгида Аллоҳ таоло барчамизни яна бир хайрли кунга етказди. Соҳибқирон бобомиз — ҳазрати Амир Темур руҳини шод қилиб, ул зот таваллудининг табаррук 660 йиллигини нишонламоқдамиз.

Биз бугун муқаддас ислом динимиз буюрган бир фарэни — ўтган аждодларимизнинг руҳларини хотирлаш ва шод этишдек эзгу бурчимизни адо этмоқдамиз.

Муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида улўф Амир Темур номи билан аталувчи гўзал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Соҳибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган муҳташам ко-

шонанинг очилиши маросимида қатнашмоқдамиз. Бугунги маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан хатми Қуръон билан бошланди, юртга ош тарқатилиб дуои такбирлар қилинди.

Кўпнинг дуоси — қўл, деган нақл бор халқимизда. Умид қиламизки, шу қутлуғ айёмда покиза ният билан қилган хайрли амалларимиз, олижаноб тилакларимиз Тангримиз даргоҳида қабул бўлғусидир.

Чунки улўф боболаримизнинг руҳларини шод этсак, уларнинг арвоҳларини рози қилсак, юртимизга файз, қут-барака ёғилади, халқимизнинг ризқи бутун, имони мустаҳкам бўлғай, иншооллоҳ.

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан доврўқ қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улўф зотлар бениҳоя кўп. Аммо



улар қаторида юлдузлараро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутати.

Ул муҳтарам инсон Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини хаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейиш мумкин.

Умрининг мазмунини „миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат“ деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улўф фарзандидир.

Муҳтарам жамоат!

Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳоният ҳомийси бўлган?!

Бугун — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:

Амир Темур — бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир.

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Азиз дўстлар!

Биз ҳазрати Темурни буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва Соҳибқирон қурган бепоён салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар Темурбек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир.

У беназир зотнинг ўсмирлик йиллари мўғул

истибдоди авжига чиққан йилларга тўғри келди. Бу пайтда Мовароуннаҳодай гуллаб яшнаган пойдор юрт тарихий номини ҳам йўқотиб, мустахлак ўлкасига — Чигатой улусига айланиб қолган эди. Масжиду мадрасалар, кутубхоналар вайрон қилинган, сурориш иншоотлари ишдан чиққан, сон-саноқсиз солиқлар, келгинди ва маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулми халқнинг силласини қуритган эди.

Бу каби чексиз адолатсизликдан ёш Темурбекнинг қанчалар изтироб чекканини бизнинг авлодимиз — сиз билан биз, айниқса, чуқур ҳис этамиз. Чунки орадан олти аср ўтиб, худди шундай кўргуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушди.

Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байроғини баланд кўтарди. Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди.

Адолат кучда эмас, куч адолатдадир, деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилиб, ахлоқий-маънавий мезонга айланди.

Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент Амир Темурнинг муқаддас қадамжоларидан биридир. Бобомиз жаннатмакон қадим Шошга алоҳида эътибор билан қараган. Шу заминда ўтган Шайх Зайниддин бобо, Занги ота сингари кўплаб мўътабар зотларнинг мақбараларини обод қилиб, уларнинг руҳларини шод этган.

Олти юз йилдан сўнг биз — Амир Темурнинг бугунги ворислари Соҳибқироннинг табаррук номларини тиклаш, руҳи покларини шод этишдек савобли ва шарафли ишга қўл уриб, шаҳри азим Тошкентнинг қоқ марказига ҳайкал ўрнатдик.

Бугун зўр шодиёналик билан очилаётган Темуррийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир.

Айтиш мумкинки, Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбеҳ ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.

Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг кучқудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг номимиздан, эл-юртимиз номидан шу олий иморатни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Қадрли ватандошлар!

Амир Темурнинг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда кенг нишонланаётгани ана шу эътирофнинг далилидир.

Шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темурдек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизни, томиримизда Амир Темур шижоати жўш ураётганини ўйласак, англасак, қалбимизни чинакам ифтихор туйғулари қамраб олади.

Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.

Соҳибқирон бобомизнинг руҳияти истиқлол ва ҳурлик, эркинлик ғоялари билан табиий ва гўзал

равишда уйғунлашиб кетган. У ҳатто умрининг сўнгги онларида ҳам зурриётларига қарата: „Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раъиятни бошқарингиз“, деб васият қилган.

Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бу васият айнан бизлар учун — буюк Соҳибқироннинг бугунги авлодлари учун айтилган.

Ҳамиша эл ғамини, юрт ғамини ўйлаб яшаган Соҳибқирон ёвлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинлар, азиз дўстлар, барчамиз якдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақл-заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қиладиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўлда бобокалонимизнинг: „Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин“, деган доно ўғитлари доимий шиоримиз бўлсин!

Муҳтарам жамоат!

Бугунги маросим ҳам ҳадемай тарих мулки бўлиб қолади. Орадан йиллар, асрлар ўтади, аммо Худонинг марҳамати билан, адолат билан тикланган улус аждодларимизнинг табаррук номлари абадий яшайди.

Шу боис менинг имоним комилки:

Соҳибқирон даҳоси йўлчи юлдуз каби чарақлаб, бизни доимо олижаноблик ва бунёдкорликка чорлайди!

Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!

Илоҳим, ҳазрати Амир Темур эъзозлаган ғоялар — шижоат ва мардлик, адолат ва қатъият ҳар биримизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Жаҳонга Амир Темурдек буюк даҳони берган халқ мангу яшасин, бахту саодати зиёда бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда Тангримизнинг ўзи мададкор бўлсин!

*Темурийлар тарихи давлат музейининг очилиши маросимида сўзланган нутқ.
Ислом Каримов. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти,
1996 йил 18 октябрь, Тошкент.*



АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли самарқандлик биродарлар!

Аввало, бугунги файзли ва тарихий бир кунда шаҳри азим Самарқандда, барча вилоят аҳлига беқийёс ҳурматимни, фарзандлик меҳримни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Аждодларни хотирлаш, уларнинг руҳини шод этиш халқимизнинг азалий удумидир. Бу муқаддас анъана авлодларни эзгуликка, ўтганлар олдидаги ворислик бурчини адо этишга чорлайди.

Бугун сиз билан шундай қутлуғ дақиқаларда учрашиб турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, имон-этиқодли фахрийларимизга, Самарқанд аҳлига, улут бобокалонимиз Амир Темуру руҳини шод этиш учун йиғилган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Қачонки, биз Амир Темуру ҳазратларини ёд этар эканмиз, Соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз.

Чунки Амир Темуру ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довуғини бутун дунёга таратган, минг-минг йиллик тарихга эга илоҳий масканимиздир.

Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир.

Самарқанднинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига беқийёс ҳисса қўшган зот бобомиз Амир Темурудир.

XIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд босқинчилар зулми туфайли харобаликка юз тутган, қалъалар, масжидлар, мадрасалар қаровсиз қолган эди. Ўша замонда юртимизга келган бир араб сайёҳининг шоҳидлик беришича, Самарқанд шундай хувуллаб ётардики, аввалги аҳолисининг чо-

рак қисми қолган, меъморий обидалар вайронага айланган, ариқлар кўмилиб кетган, шаҳар сувсиз, боғлар қуриб битган эди. Соҳибқирон бобомиз ана шундай мураккаб бир даврда тахт тепасига келди.

У Самарқанднинг гуллаб яшнаши учун бутун умрини сарф этди.

Бобокалонимиз Самарқандни жаҳондаги энг катта ва қудратли давлатнинг пойтахти сифатида буюк нуфуз касб этишини, мислсиз гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққий топишини орзу қилган эди. Бу эзгу ният Самарқанд қиёфасида ўз ифодасини топди.

Ҳазрати Темуру бутун дунёдан ва ўз юртимиздан моҳир меъморларни, қўли гул ҳунармандларни ўз пойтахтини барпо этишга жалб қилди, уларни ана шу олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди. Уларнинг салоҳият ва ақл-заковатини сафарбар этиб, ижодларига илҳом бағишлаб, оламда тенги ва ўхшаши бўлмаган меъморий мўъжизаларни бунёд қилди.

Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди.

Бугун биз Амир Темуру бобомиз буюк бунёдкорлик режаларини ноёб обидаларда бекаму кўст мужассам этиб, Самарқандни ер юзининг мўъжизасига айлантирган Бадриддин ибн Шамсуддин, уста Али Насафий, Олим Насафий, мавлоно Убайдуллоҳ, Пирмуҳаммад Боғишамолий, мавлоно Жунайс сингари юзлаб-минглаб меъмору муҳандис аждодларимизни, ҳунарманд усталаримизни ҳам эслаб, уларнинг санъатига тасаннолар айтаемиз.

Соҳибқирон бобомиз даҳосининг шарофати билан шаҳри азим Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди.

Бу олий унвон шунчаки айтилган чиройли гап эмас. Темурийлар салтанатининг маркази, темурийлар қудратининг тимсоли бўлмиш бу табаррук маскан оламнинг етти иқлимида маълуму машҳур бўлди.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупроғини тавоф этиб, азиз-авлиёларнинг хоки покларини зиёрат қилишни ўзлари учун улуғ шараф деб билганлар. Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илмталаб, маърифатгалаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди.

Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намояндаларининг изланишлари Соҳибқирон давридаги ўта оламшумул ишларнинг узлуксиз давомидир. Буларнинг барчаси Самарқанднинг шуҳратига шуҳрат қўшапти, десак, асло муболаға бўлмайди.

Самарқанд нафақат муқаддас обидалари ва бетакрор тарихий мўъжизалари, балки замонвий ишлаб чиқариш салоҳияти билан, энг қимматли бойлиги — бағри кенг, қалби гўзал меҳнаткашлари билан бутун дунёда машҳур.

Азиз биродарлар!

Бугун Амир Темур тўйини нишонлашимизнинг, унга ҳайкаллар тиклашимизнинг, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб обод этишимизнинг, ул зоти шарифга бўлган эҳтиром ва муҳаббатимизнинг сабаби битта:

Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Муҳтарам юртдошлар!

Самарқанд — азалий буюклик ва даҳолик қудрати мужассам бўлган, Аллоҳ назари тушган маскан. Унинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси, сиз — муҳтарам шаҳар аҳлининг кўп асрлик маънавий меросимизни асраб-авайлаб келаётганингиз ва мустақил Ўзбекистон шон-шавкати оширишдаги ғоят катта хизматларингиз учун Самарқанд шаҳри „Амир Темур“ ордени билан тақдирланган эди.

Бугун мен учун беҳад шарафли вазифани адо этиш — қадрдон ва азиз шахримиз байроғига ана шу орденни қадаб қўйиш насиб этди.

Бу қувончли воқеа Амир Темур бобомизнинг муборак таваллуд кунларини нишонлаш пайтида, ул зотнинг муҳташам ҳайкали файз бағишлаб турган шу гўзал майдонда содир бўлмоқда. Бу, албатта, теран маъно ва мазмунга эга.

Қадрли Самарқанд аҳли!

Ана шу олий мукофот билан барчангизни чин қалбимдан муборакбод этаман!

Соҳибқирон бобомизнинг сиймоси Самарқанд осмонида юлдуз каби нур сочаверсин!

Миллатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Самарқанд ҳам, ҳазрати Амир Темурнинг табаррук номлари ҳам, она Ўзбекистонимиз ҳам дунё тургунча турсин!

Буюк Амир Темур ва азиз аждодларимизнинг руҳи поклари бизни қўллаб-қувватласин, юртимизга тинчлик ва осойишталик, халқимизга фаровонлик ва бахту саодат ато этсин!

*Самарқанд шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзланган нутқ.
Ислом Каримов. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти,*

1996 йил 18 октябрь.



СОҲИБҚИРОН КАМОЛГА ЕТГАН ЮРТ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Темурбек бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танги, ҳалол ва шижоатли, орияти баланд, имони бутун инсонлар юртида туриб, авваламбор, гўзал Шаҳрисабз аҳлига, бутун қашқадарёликларга эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намояндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Дехлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топганлар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонга машҳур этган, донғини таратган зот, шубҳасиз, Соҳибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ҳазрати Амир Темурнинг бутун суронли умри, унинг бунёдкорлик билан йўғрилган фаолияти салкам етти асрким, халқимиз, миллатимиз номини оламга ёйиб келмоқда. Бу номни мустабид тузум қанчалик топташга уринмасин дунёнинг пок ниятли кишилари улуғ аждодимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўзларига шараф деб билганлар.

Муборак истиқлол бобомизнинг номини қайтиб берди, унинг руҳини шод этди.

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон — табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир. Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу мўътабар юртдан бошланган.

Соҳибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. Бу макон Амир Темур ҳазратларининг наинки ота-боболари, балки пиру устозлари ва фарзанларининг ҳам хоки поклари билан муқаррам бўлган. Буюк бобомизнинг туйғич ўғли Жаҳонгир Мирзо худди шу ерда мангу уйқуда ётибди.

Ҳазрати Темур ўз олдига улуғвор мақсадлар-

ни қўйганида, аввало ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азиз-авлиёларнинг қадамжоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган.

Ҳурматли биродарлар!

Буюк бобомиз ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида „Илму адаб куббаси“ дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйини ўтказётган шу кунларда энг аввал бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига ва табаррук заминга таъзим қиламиз.

Катта ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари — Темурбекнинг набиралари ўз қалбларида улуғ бобосига хос гўзал фазилатларни асраб-авайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар.

Азиз дўстлар!

Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, ифтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита Соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам „илмий тадқиқотлар“ ниқоби остида талон-тарож этилди, топталди.

Лекин халқимиз улуғ аждодини ҳеч қачон унутмади. Унинг хотирасини ҳамиша юрагида сақлади.

Қадрли Шаҳрисабз аҳли!

Мана шу қаршимизда турган Оқсарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлигидир. Бу улуғ бино ҳам мустамлакачилар тажовузининг қурбони бўлганини яхши биласиз.

Соҳибқироннинг улугвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос чуқур рамзий маъноси бор.

Амир Темур бобомиз бу жаннатмакон кошона пештоқига шундай бир ҳикматни нақш этиб кетганлар. Унинг мазмуни сизларга маълум: „Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин“.

Бу кўҳна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. У муборак зот айтганларки: „Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат экдирдим“.

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: „Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим“.

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир.

Муҳтарам дўстлар!

Қарами улуғ Аллоҳ халқимизга, Ватанимизга шу қадар марҳамат қилибдики, миллатимизга Амир Темурдек буюк Соҳибқиронни берибди. Бунинг учун Яратганга ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Инсоният янги асрга қадам қўяётган бугунги

кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолғусидир.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Бугунги қутлуғ кунда Амир Темур бобомиз баланд кўтарган ва асримиз охирига келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур ҳилпираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуг шодиёна билан муборакбод этаман.

Маълумки, Шаҳрисабз аҳлининг темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб, Шаҳрисабз шаҳри „Амир Темур“ ордени билан мукофотланган эди.

Бугун шу юксак мукофотни сизларга топширишдан ниҳоятда хурсандман.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Буюк Соҳибқироннинг мўътабар номи билан аталувчи орден сизларга муборак бўлсин!

Бу олий нишон улуғ бобомизни вояга етказган мўътабар бешикка тумор бўлсин!

Илоё, ҳаммамизни Соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас руҳлари ҳамиша қўлласин ва барча ишимизда мададкор бўлсин!

*Шаҳрисабз шаҳрида Амир Темур ҳайкалининг очилиш маросимида сўзланган нутқ.
Ислом Каримов. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти,
1996 йил 18 октябрь.*



АМИР ТЕМУР — ФАХРИМИЗ, ФУРУРИМИЗ

Хонимлар ва жаноблар!

Конференциянинг мухтарам иштирокчилари!
Азиз дўстлар!

Барчангизни ўзбек заминида қутлашга ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналардаги иштирокингиз учун миннатдорчилик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Халқимиз номидан Амир Темур ва теурийлар даврига юксак эҳтиром кўрсатаётган барча давлат ва жамоат арбобларига, олимларга, санъат ва маданият намояндаларига, хориждаги юртдошларимизга самимий миннатдорчилик билдирамиз.

Қадрли конференция қатнашчилари!

Мен бугун Амир Темур даври ва бу буюк тарихий шахс маънавий меросининг ҳозирги замондаги аҳамияти хусусида баъзи фикрларимни сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Авваламбор, шуни таъкидлашимиз керакки, Амир Темурдек тарихий шахсларни, саркарда ва соҳибқиронларни тарих тақозоси, шу замон талаблари, керак бўлса, замон эҳтиёжи ҳаётга олиб келади ва ул зотларнинг фазилат-хусусиятларини намоён қилишга замин яратади. Бундай қонуниятни кўплаб мисолларда тасдиқлаш мумкин. Шунинг учун ҳам Амир Темур шахси ва фаолияти ҳақида гапирар эканмиз, дастлаб шу даврдаги, шу асрдаги тарихий вазият ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз лозим.

Амир Темур сиёсий саҳнага қадам қўйганда эндигина 24 ёшга кирган эди. Мамлакатда бошбошдоқлик, маҳаллий сиёсий кучларнинг ўзаро қарма-қаршилиги авжига чиққанди. Бу ҳам камдек асосий қудрати тарихий Мўғулистонда мужассамлашган чингизийлар тез-тез Мовароуннаҳрга зугум қилиб турардилар.

Бир ярим асрга яқин давом этган бу муддат қарамлик жафосини ҳар томонлама чекиб келган оддий фуқаролардан тортиб, кўпчилик йирик сиёсий арбоблару дин пешволаригача барча-барча учун

ниҳоятда оғир давр бўлган. Жамият озодлик ва тараққиётга бўлган манфаатларини ўзида мужассам этган халоскорга, етакчига муштоқ эди.

Тақдир тақозоси билан Амир Темур ана шундай халоскор ва етакчи сифатида майдонга чиқди.

Иккинчи хулоса аслида биринчи фикрнинг мантикий давомидир. Кимки Амир Темур қадимий Туркистон заминида тасодифан пайдо бўлган деса, хато қилади. Нега деганда ҳеч нарса тўсатдан пайдо бўлмайди. Ҳамма нарсанинг ўз қонунияти бор.

Ал-Хоразмий, Улуғбек, Беруний, Навоий, Бобур ва бошқа ўнлаб-юзлаб даҳоларимиз ҳам тўсатдан, яйдоқ бир жойда пайдо бўлгани йўқ. Улар ана шу заминда юзага келган муҳитнинг ҳосили сифатида пайдо бўлган. Маълумки, ҳосил пайдо бўлиши учун заминни озиқлантириш керак. Тупроқни ўғитлаб, парвариш қилиб, шундан сўнггина дарахт экиш керак.

Яъни, мен бу билан демоқчиманки, бу замин — қадимий Турон ва Туркистон замини азалдан маънавий озиқланган, маданий қатламга эга бўлган. Ўзбек давлатчилигининг тарихий асослари қарор топганига Амир Темур замонасида икки минг йилдан ошган эди.

Яна таъкидлаб ўтаман: юртимизга Амир Темур бош бўлган йилларда сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда қўлга киритилган ютуқлар бўм-бўш, ҳувуллаган жойда юзага келмаган. Балки шу маконда қадимдан ривожланиб, шаклланиб келган тарихий-маданий анъаналар асосида қарор топган.

Янада аниқроқ айтсак, Амир Темур ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихий равнақида тасодифий шахс, умуман теурийлар давридаги юксалиш эса шунчаки бехосдан юз бериб қолган ҳодиса эмас! У бир неча минг йиллик тарихий тажриба, буюк анъана, том маънода шаклланган маданий-маънавий жараён маҳсулидир!

Учинчи мулоҳаза ҳам билдирилган биринчи ва иккинчи хулоса билан узлуксиз боғланган. Жаҳон



маданий ва маънавий жамоатчилиги ўрта асрларда Амир Темур тузган давлат ва унинг бутун дунё эътиборини ўзига жалб қилган оламшумул фаолияти, умумбашарият хазинасига қўшган ҳиссаси билан танишар экан, уни ўстирган юртга ва мана шу ҳудудда ундан кўп аср олдин ўтган буюк алломаларнинг ижодий меросини, уларнинг табаррук номларини ҳам яна бир бор кашф этиши ва кенг миқёсда ўрганишига замин ва шароит туғилди.

Шу маънода IX асрдаёқ европаликлар кейинчалик „Алгебра“ деб атаган фанга асос солган буюк ватандошимиз Ал-Хоразмийнинг, Христофор Колумбдан қарийб беш аср олдин океан ортида қуруқлик, яъни кейинчалик Америка деб ном олган қитъа борлигини башорат қилиб, илмий асослаб берган қомусий билим соҳибни Абу Райҳон Берунийнинг, „Тиб қонунлари“ номли машҳур асарининг ўзиёқ лотин тилида 30 мартадан зиёд нашр этилиб, ўрта асрларда бутун дунё, шу жумладан, Европа тиббиёт институтларида қўлланма сифатида ўқитилган улуғ аждодимиз Ибн Сино каби кўплаб алломаларнинг номлари ва илмий ишлари билан дунё аҳли айнан Амир Темур замонида қайтадан ва чуқурроқ танишган, деб айтсак, менимча, муболаға бўлмайди.

Қисқача айтганда, Амир Темурдек мислсиз ёрқин шахс тарих саҳнасида пайдо бўлиб, ўзини тарбиялаган, ўзига ҳаётбахш маънавий озиқа берган, уни буюк ишларга чорлаган эл-юртнинг номига ва маданиятига жаҳон миқёсида катта қизиқиш уйғотгани яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман.

Тўртинчи фикр. Биз Амир Темур тарихини ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз ва тадқиқ қилишимиз керак. Бугунги анжуман ана шу йўлдаги муҳим қадамдир. Сир эмаски, коммунистик мафкура ҳукмрон бўлган совет жамиятида тарих фани ҳам улуғ давлатчилик, улуғ миллатчилик ғояларининг қурбони бўлган эди. Шу сабабли бу даврда собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида яратилган тарихий асарларда Амир Темур шахси ва фаолиятига

адолатсизлик билан бирёқлама баҳо берилди. Бу ғоя ер юзининг олтидан бир қисмини эгаллаган улкан ҳудудда яшаган икки юз эллик миллион халққа зўрлаб сингдирилди. Ана шундай нотўғри ва ғайриилмий қарашларга танқидий баҳо бериб, Амир Темурга нисбатан тарихий адолатни қарор топтириш бугунги темуршуносликнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Бешинчи фикр. Минг афсуски, биз бошимиздан ўтказган мустабид тузум туфайли шундай бир аҳволга тушиб қолган эдикки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, башарият ривожига қўшган ҳиссасини бугунги кунда хорижда — АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британияда, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда бизнинг ўзимиздан кўра кўпроқ билишади. Бизлар, яъни Амир Темурнинг Ватани бўлмиш шу заминда ўсган одамлар унинг фаолиятини жуда оз билемиз. Айтинглар, азиз дўстлар, бундан ҳам ортиқроқ адолатсизлик, ноинсофлик бўлиши мумкинми?!

Бу ҳолат бизнинг мустамлака зулмида яшаганимизнинг исботи, бизни буюк тарихимиздан бутунлай жудо қилишга бўлган интилишларнинг оқибати эмасми?

Бутун дунёнинг қарийб 50 мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида кўплаб китоблар нашр этилмоқда.

Дунё илмий жамоатчилигининг Амир Темур шахсига бўлган юксак эътиборини ҳисобга олиб, ЮНЕСКО ташкилотининг бугунги муътабар санага бевосита ҳомийлик қилаётгани ҳам, бизнинг фикримизча, ғоят адолатли бир иш бўлди.

Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 900 га яқинни ташкил этади.

Буюк бобомизга бўлган бу қадар юксак эътиқод ва эҳтиромингиз учун мен мана шу минбардан туриб Сизларга ва Сизлар орқали Амир Темурга



иззат-икром кўрсатган барча инсонларга, Сизлардан олдин йиллар давомида, асрлар мобайнида бизнинг улўф аждодимизнинг меросини холисона ўрганган ва унинг номини абадийлаштирган фидойи олимларга, илмий даргоҳларга яна бир бор ташаккур билдираман. Бу олижаноб ишга хориждаги тарихчиларни ҳеч ким даъват этган эмас. Бу ишлар улар учун катта бойлик ва нуфуз орттириш манбаи ҳам бўлмаган. Аммо бу олимларнинг илмий виждони, керак бўлса, инсоний виждони шуни тақозо қилган. Биз бундай одамларга, мана шу залда ўтирган узоқ ва яқин қўшни давлатларнинг вакилларига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Бизнинг бугунги асосий вазифамиз шундан иборатки, асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатларида Амир Темур меросига бағишлаб йирик илмий марказларда ҳақиқатгўй олимлар томонидан яратилган тадқиқотларни чуқур ўрганишимиз, Сизларнинг китобларингизни таржима қилишимиз, халқимизга, келгуси авлодимизга тарихни холис ва ҳаққоний ўргатувчи дарсликлар сифатида, бизнинг фахру ифтихоримиз сифатида тақдим қилишимиз керак. Ишончим комилки, Сизлар ва Сизлардан олдин ўтган темуршунос дўстларимизнинг илмий жасорати, машаққатли меҳнати бугун биз учун энг катта бойликдир.

Муҳтарам конференция иштирокчилари!

Яна бир муҳим масалага тўхталиб ўтмоқчиман.

Озод ва обод Ўзбекистон учун бугун Амир Темур шахсияти ва мероси нима учун керак?

Буюк аждодимизнинг қайси фазилати биз учун азиз?

Биринчидан, Амир Темур, аввало, қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетақрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди.

Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкам-

лаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Амир Темур ўз давлатини фақат кучга суяниб бошқаргани йўқ. Афсуски, баъзи манбалар ва тадқиқотларда шундай фикрлар баён қилинади. Шахсан мен бу нуқтаи назарга қаршиман. Агар бу давлат фақатгина кучга таянган ҳолда тузилган бўлса эди, авваламбор, бунчалик узоқ давр туролмасди.

Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган десак, адолатдан бўлади.

Унинг „Давлат ишларининг тўққиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим“, деган сўзлари бунинг ёрқин далилидир.

Иккинчидан, Амир Темур бундан 600 йил аввалроқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро алоқа тузмасдан, яъни бугунги тил билан айтганда ҳамкорликсиз истиқболи бўлмаслигини теран ва яхши англаган. Шу сабабли, Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, бир томондан — Франция ва Англия, яна бир томондан — Рум, Испания, Италия, Миср ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга уринган.

Амир Темур фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ.

Амир Темур Испания қироли Генрих III, Франция ҳукмдори Карл VI¹, Англия қироли Генрих IV

¹ Айрим илмий ва бадий асарларда Франция қироли Амир Темур билан дипломатик ёзишмаларида Франция қиролини Карл VI тарзида берадилар. Ўрта аср даврининг асл манбаларида эса Шарль VI тарзида берилган.



саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, англиялик, хитойлик ва бошқа қатор хорижий элчиларни ўз салтанатида қабул қилган.

Соҳибқироннинг Франция қироли Карл VI га ёзган хатидаги қуйидаги фикри диққатга сазовордир: „Сиз ўз савдогарларингизни менинг салтанатимга юборинг. Биз уларни илиқ қарши олиб, иззат-икром кўрсатамиз. Биз ҳам ўз савдогарларимизни Сизинг юртингизга йўллаймиз. Сиз ҳам уларга ҳурмат кўрсатинг, уларга ортиқча тазйиқлар қилинишига йўл қўйманг. Сизга бундан бўлак талабим йўқ. Зеро, дунё савдо аҳли ила обод бўлажак“.

Қаранг, қандай оддий ва аниқ фикр: дунё савдо аҳли ила обод бўлажак! Демак Амир Темур ташқи сиёсатида халқаро иқтисодий савдо алоқаларини кенг миқёсда йўлга қўйиш, ундан барчани, авваламбор, ўзининг халқини баҳраманд этиш бош гоё бўлиб хизмат қилган.

XXI аср бўсағасида Сиз билан биз халқаро миқёсда адолатли тарзда яратмоқчи бўлган интеграция макони ҳақида Амир Темур бундан 600 йил бурун бош қотирган ва шу йўлда сиёсат юритган. У барпо этган ягона иқтисодий савдо майдонида бугунги кун учун ҳам, бугунги замон учун ҳам ибратли бўлган вазият мавжуд эди. Амир Темурнинг мана бу сўзлари бунга далилдир:

„... Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим“.

Учинчидан, Соҳибқироннинг бунёдкорлик соҳасидаги тарихий хизматлари ундан ҳам беқиёс. Амир Темур ва унинг авлодлари саъй-ҳаракатлари билан қурилган мадрасалар, масжидлар, хонақоҳлар, саройлар, бозорлар, кўприклар, йўллар, бекатлар, ҳаммомлар, каналлар, қалъалар ва бошқа қатор иморату иншоотларнинг сон-саногии йўқ.

Амир Темурнинг бевосита раҳнамолигида бунёд этилган Бибиҳоним жоме масжиди, Гўри Амир

ва Аҳмад Яссавий, Занги ота мақбаралари, Оқсарой ва Шоҳизиндадаги меъморий мўъжизалар, Боғи Чинор, Боғи Дилкушо, Боғи Беҳишт, Боғи Баланд сингари гўзал сарой-боғлар ва бошқа иншоотлар шулар жумласига киради. Бу обидалар, ҳеч шубҳасиз, инсон тафаккури ва ақл-заковатининг буюк тимсолларидир.

Тарихчи Шарафуддин Али Яздийнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур „ободончиликка ярайдиган бирон қарич ернинг ҳам зое бўлишини раво кўрмасди“.

Тарих бу кўҳна дунёда ўтган кўп жаҳонгирларни билади. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган.

Унинг „Қай бир жойдан бир гишт олсам, ўрнига ўн гишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим“, деган сўзлари фикримизнинг далилидир.

Энг муҳими, мазкур қурилишлар географияси биргина Туркистон билан чегараланиб қолган эмас. Бунинг исботи сифатида Соҳибқирон қадами етган жойлардаги тарихий обидаларни эслашнинг ўзи кифоя.

Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг шаҳар ва қишлоқларида, ҳатто Жанубий Озарбайжон ва Кобул каби узоқ ерларда ҳам ободонлик ишларини олиб борган, суғориш иншоотларини қурдирган.

Шу маънода мен буюк бобомиздан қолган ҳар бир тарихий ёдгорликни, у қаерда жойлашган бўлмасин, халқларни бир-бирига боғлаб турувчи беқиёс восита деб биламан.

Бир ўйлаб қарайлик. Аҳмад Яссавий мақбараси қурилганига олти аср бўлди. Шу вақт ичида бу маскан дунёнинг турли бурчакларидан келган минглаб-миллионлаб зиёратчиларни маънавий жиҳатдан бирлаштириб, эзгуликка даъват этиб келмоқда.

„Агар бизнинг қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, қурган биноларимизга боқинг“, деганда Амир



Темур, энг аввало, ўз халқига, келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янглишмаган бўламиз.

Тўртинчидан, ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган Соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин, Амир Темур, энг аввало, ўша ерлик олим-фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қурар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморлик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат Соҳибқироннинг авлодлари, айниқса, Мирзо Улуғбекка ўтгани шубҳасиз. Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда буюк олим даражасига етишишида бобоси Амир Темурнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. У Улуғбекдаги ноёб истеъдодни бошдан оқ пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Бешинчидан, Амир Темур ўз миллати ва эл-юртининг тақдири ҳақида кўп ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак сари хизмат қилган.

Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти ўз маишати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Бироқ миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир.

Унинг инсоний фазилатларига бир ёрқин мисол: 1404 йилда Бибихоним жоме масжиди қурилишини ниҳоясига етказаетганида унинг умридан бир йил қолган эди, холос.

Кексайиб қолган бир одамга, ўзи аввал барпо этган ўнлаб ва юзлаб иншоотлар ёнига яна бир бинони қўшиш шарт эдими? Унинг шону шуҳрати шусиз ҳам етарли эди-ку?

Бу мисол ҳам Амир Темурнинг доимо узоқ келажакни, авлодлари иқболини ўйлаб яшаганидан, умр бўйи улугвор режалар ва ғоялар уни асло тарк этмаганидан далолат беради.

Олтинчидан, Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаган — жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, имон керак, ишонч керак. У ўз „Тузуқлар“ида шундай дейди: „Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим“.

Амир Темурнинг Қуръони Каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, имону диёна-ти қанчалар пок ва мукамал эканини билдиради.

Маълумки, диний таълимот ва тарбиянинг жамият ҳаётидаги ўрни ва хизмати ниҳоятда катта.

Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатдаги энг муҳим қирра бу — мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, имон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида ислом дини равнақ топди, юксалди.

Шу билан бирга халқ дунёқараши, тафаккур тарзи ҳам анча ривожланди. Аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда мутаносиб тус олди.

Буюк жаҳонгир Амир Темур Соҳибқирон ўлими олдидан авлодларига шундай васият қилган:

„... Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб туринглар, қатъиятли ва мардонавор бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинглар...“

Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шаф-



Темур, энг аввало, ўз халқига, келажак авлодларига мурожаат қилган, десак янглишмаган бўламиз.

Тўртинчидан, ҳар қандай жамият тараққиётини илм-маърифатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Буни теран англаган Соҳибқирон ҳокимиятга келиши билан чиқарган дастлабки фармонларини мадрасалар барпо этиш, илм толибларига нафақалар тайинлаш билан боғлаган. Қайси бир шаҳарга ташриф буюрмасин, Амир Темур, энг аввало, ўша ерлик олим-фозиллар билан учрашар, улар билан суҳбат қураар, турли мавзуларда баҳслашар эди.

Тарих, тиббиёт, математика, астрономия, меъморлик соҳаларида юксак салоҳиятга эга Амир Темур учун бу табиий ҳол эди. Мазкур фазилат Соҳибқироннинг авлодлари, айниқса, Мирзо Улуғбекка ўтгани шубҳасиз. Мирзо Улуғбекнинг давлат арбоби бўлиш билан бир қаторда буюк олим даражасига етишишида бобоси Амир Темурнинг таъсири бениҳоя катта бўлган. У Улуғбекдаги ноёб истеъдодни бошдан оқ пайқаб, сафарларда ҳам ёнида олиб юриб, дунёнинг машҳур олимлари тарбиясидан баҳраманд этган.

Бешинчидан, Амир Темур ўз миллати ва эл-юртининг тақдири ҳақида кўп ўйлаган. У қўйган ҳар бир қадам нафақат ўша давр учун, балки келажак сари хизмат қилган.

Тарихда ҳукмдорлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти ўз маишати ва айшу ишратидан нарига ўтмаганлиги маълум. Уларни бугун биров эсламайди ҳам. Бироқ миллат ғамида ёнган, унинг истиқболи йўлида фидокорлик кўрсатиб яшаган арбобни келажак ва тарих ҳеч қачон унутмайди. Амир Темур ана шундай тарихий ва унутилмас шахсдир.

Унинг инсоний фазилатларига бир ёрқин мисол: 1404 йилда Бибихоним жоме масжиди қурилишини ниҳоясига етказётганида унинг умридан бир йил қолган эди, холос.

Кексайиб қолган бир одамга, ўзи аввал барпо этган ўнлаб ва юзлаб иншоотлар ёнига яна бир бинони қўшиш шарт эдими? Унинг шону шуҳрати шусиз ҳам етарли эди-ку?

Бу мисол ҳам Амир Темурнинг доимо узоқ келажакни, авлодлари иқболини ўйлаб яшаганидан, умр бўйи улғввор режалар ва роялар уни асло тарк этмаганидан далолат беради.

Олтинчидан, Амир Темур бир ҳақиқатни яхши англаган — жамият эътиқодсиз яшай олмайди. Одамларга дин керак, имон керак, ишонч керак. У ўз „Тузуқлар“ида шундай дейди: „Ҳар ерда ва ҳар вақт ислом динини қувватладим“.

Амир Темурнинг Қуръони Каримни ёд билгани, диний баҳсларда йирик уламолар билан баробар сўз юритгани унинг маънавияти, имону диёнати қанчалар пок ва мукамал эканини билдиради.

Маълумки, диний таълимот ва тарбиянинг жамият ҳаётидаги ўрни ва хизмати ниҳоятда катта.

Амир Темурнинг ислом динига бўлган муносабатдаги энг муҳим қирра бу — мусулмончилик ақидаларининг жамият осойишталиги, равнақи, ижтимоий адолат, имон бутунлиги, маънавий поклик учун хизмат қилдиришга сафарбар этилишидир.

Унинг эътиқодига кўра, давлат давлатлигини, дин эса динлигини қилиши керак. Бу ғоя бугунги замонда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Худди шу туфайли ҳам Амир Темур даврида ислом дини равнақ топди, юксалди.

Шу билан бирга халқ дунёқароши, тафаккур тарзи ҳам анча ривожланди. Аҳоли ва давлат ўртасидаги муносабатлар ўзига хос тарзда мутаносиб тус олди.

Буюк жаҳонгир Амир Темур Соҳибқирон ўлими олдидан авлодларига шундай васият қилган:

„... Мен шундан таскин топаманким, подшоҳлик давримда кучлиларнинг ожизларга озор беришларига йўл қўймадим. Халқлар осойишталиги борасида қарам фуқаролардан хабардор бўлиб туринглар, қатъиятли ва мардонавор бўлинглар. Улкан давлатни мендай узоқ йиллар давомида бошқариш учун қўлларингдаги шамширни шараф ва номус билан маҳкам тутинглар...“

Агар, сизлар менинг васиятларимга амал қилсаларингиз ва бошқа ишларингизда адолатга, шаф-

қатга кўра иш тутсаларингиз, тинчлик-осудалик Турон заминида узоқ вақт сақланади.

Агарда ўзаро низоларга йўл қўйсаларингиз, душманлар тўполон ва тартибсизликларни бошлайдиларки, уларни жиловлашнинг иложи қолмайди. Сизлар бир жон, бир тан бўлсаларингиз, ҳеч ким менинг сўнгги васиятларимни бажаришларингизга монелик қила олмайди“.

Бу доно васиятлар асрлар оша бизнинг давримизга қадар етиб келди. Ундан худди ҳозирги даврининг нафаси сезилиб тургандай. Улуғ бобокалонимиз бизни адолатга, содиқликка, бирликка чорламоқда. Ўзаро низо, адоватлардан холи бўлинглар, деб инсоф, шафқат ва ҳалолликка ундамоқда.

Муҳтарам конференция қатнашчилари!

Сизларда шундай бир савол турғилиши мумкин: нима учун бутун Ўзбекистонда Амир Темур сиймосига бундай юксак эҳтиром, иззат-иқром кўрсатилмоқда?

Албатта, бунинг сабаблари бор.

Агарки дарахтнинг илдизи қанчалар чуқур бўлса, у шунчалик баланд, бақувват, осмонўпар бўлади. Ёки замонавий тил билан айтадиган бўлсак, бино қанчалик баланд бўлса, унинг пойдеворини ҳам шунчалик чуқур ва мустаҳкам қуриш керак.

Биз бугун мустақил, адолатли, ҳуқуқий давлат қурмоқдамиз. Ўйлайманки, бизнинг бу борадаги принципларимиз — беш тамойилимиз ҳақида бу залда ўтирган кўпчиликнинг хабари бор. Бинобарин, уларни такрорлаб ўтиришнинг зарурати йўқ. Лекин мен иккита нуқтага сизларнинг эътиборингизни қаратмоқчиман:

— биринчидан, биз ўз миллатимиз, ўз халқимиз хусусиятларига, ўз миллий қадриятларимизга асосланиб;

— иккинчидан, тараққий топган давлатларнинг тажрибаларига ва умумбашарий ақидаларга таяниб мустақил давлатимизни қурмоқдамиз ва шу асосда жаҳон ҳамжамиятидан ўз муносиб ўрнимизни эгаллаб олмоқчимиз.

Хулоса шуки, бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуғ сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган бугунги муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам мана шу минбардан туриб, бутун Ўзбекистон халқига, қолаверса, бутун жаҳон аҳлига қарата: „Амир Темур бизнинг фахримиз, ифтихоримиз, ғуруримиз!“ деб айтсам, ўйлайманки, хато қилмаган бўламан.

Хонимлар ва жаноблар!

Замонамизнинг кўплаб долзарб муаммолари инсониятнинг ўтмишдаги тажрибасини чуқурроқ тушунишни тақозо этади. Худди шу нарсани бугунги конференциямизнинг муҳим вазифа ва мақсадларидан бири деб билмоқ керак.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ўзбек халқининг кўп асрли тарихи ҳам ана шундай тажриба манбаидир.

Ишончим комилки, сизнинг маъруза ва ахборотларингиз, конференция давомида бўлажак баҳс ва мунозаралар Амир Темур ва темурийлар даври сабоқларини чуқурроқ англаб етишга, бугунги кун олдимизга қўяётган долзарб саволларга жавоб излашга салмоқли ҳисса қўшади.

Конференция ишига муваффақият, барчангизга саломатлик ва бахту саодат тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

*Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференциядаги маъруза.
Ислом Каримов. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти,
1996 йил 24 октябрь, Тошкент.*



ИҚТИБОСЛАР

Олис ўтмишдаги ўзаро муносабатларимизнинг кўпгина шонли саҳифалари тарихда сақланиб қолган. Сизлар Тамерлан деб атайдиган буюк бобомиз Амир Темур билан XIV — XV асрдаёқ мамлакатимиз ўртасида мустаҳкам сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни ўрнатиш зарур деб ҳисоблаган Франция қироли Карл VI нинг ёзишмаларини эслатишнинг ўзи кифоядир.

* * *

Буюк давлат пойдеворини қуриш, дунёда ўзимизга муносиб ўринни эгаллашда Ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Хожа Баҳроуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қиладди, халқимизнинг кучига куч, ғайратига ғайрат, ишончига ишонч қўшади.

* * *

Сўзимнинг охирида эътиборингизни буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг ушбу ҳикматларига қаратишни истар эдим. У киши „салтанат ишларида тўрт нарсага амал қилиш лозим“ деб айтган эканлар:

- кенгаш;
- маслаҳату машварат;
- қатъий қарор;
- тадбиркорлик, ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик.

Бу тўрт омил, яъни — кенгаш, маслаҳату машварат, қатъият ва тадбиркорлик кейинчалик оқибатда надомат чекишдан сақлайди ва пушаймон бўлишнинг олдини олади, деб уқтиради Соҳибқирон бобомиз.

* * *

Олий зобитларни тайёрлашда Марказий Осиё минтақасининг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниши лозим. Биз буюк бобомиз Амир Темурнинг

саркардалик истеъдоди ва ҳарбий стратегияси асрлар давомида Шарқ ва Ғарб давлатлари учун намуна бўлиб хизмат қилганини ҳамиша ёдда тутишимиз ва ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

* * *

Шонли тарихимизда буюк давлатчиликка асос солган Соҳибқирон Амир Темур ўз „Тузуқлар“ида: „Тажрибамда кўрилганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига буюради“, деб ёзган эди.

* * *

Қадимий Насаф ва Шаҳрисабз, Китоб ва Яқкабоғ Марказий Осиё халқлари маданияти тараққиётида алоҳида ўрин тутди. Буюк Амир Темур таваллуд топган бу қутлуғ замин аҳли бугунги кунда улуғ бобокалонимизнинг 660 йиллик шонли тўйига бутун мамлакат халқи қаторида зўр тайёргарлик кўрмоқда.

Амир Темур юбилеи бутунлай янги, миллий давлатчилигимиз шаклланиб, тубдан ислоҳ этилаётган тарихий бир даврда ўтиши диққатга сазовордир.

* * *

Соҳибқирон юбилеи дунёнинг маданият ўчоқларидан бири — Парижда бошлангани, нуфузли халқаро ташкилот — ЮНЕСКО бу ҳақда махсус қарор қабул қилгани ҳар бир юрдошимиз қалбида фахр ва ифтихор туйғуларини уйғотади, албатта. Истиқлол шарофати билан маънавият булоқларининг кўзи очилди, биз бу булоқларнинг зилол сувларидан баҳраманд бўла бошладик. Шўро даврида унутилган қадриятларимиз, номи қораланган бобокалонларимизнинг дурдона сўзларини биз оби кавсардек кўзимизга суртмоқдамиз. Ўйлайманки, биз нимага эришган бўлсак, ана шу савобли ишларимиз



учун Аллоҳнинг бизга инъом этган марҳаматидандир.

Амир Темури юбилейи муносабати билан қурилган иншоотлардан бири — Темурийлар тарихи давлат музейидир. Миллий меъморлик анъаналаридан фойдаланиб бунёд этилган мазкур бино кўзни қувонтиради. Гўзаллиги, салобати билан ғуруризмизга ғурур қўшади. Иншооллоҳ, бу музейни биз буюк бобомизнинг тўйи арафасида, муборак жума куни очамиз. Бу маросим миллий анъаналаримизнинг намойиши бўлади. Унда маданиятимиз ар-боблари, дин вакиллари, тарихимизни муқаддас ҳисоблаган барча кишилар иштирок этади. Эсимда, бундан уч йил бурун Тошкентнинг марказида Амир Темури ҳайкалини очганимизда, унинг юзида илоҳий нур зоҳир бўлгандай, у биз томонга қараб таралгандай туюлганди. Балким Имом ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ат-Термизий каби муборак зотларнинг номини асрлар чангидан тозарттириб, ҳурматларини жойига қўйганимиз ана шу ғайритабий ҳолатнинг боиси бўлгандир. Бу билан Яратганимиз бизга куч-қудрат ато этган, ҳар хил офату балолардан, ёмон кўзлардан асрағайдир.

* * *

Амир Темури юбилейининг байрам қилиниши ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Ўтган йиллар мобайнида „босқинчи“ Темури, „вайрон қилувчи“ Темури ҳақида ўқиган ва эшитган вақтимизда неча бор ўзимизга ўзимиз: „Қандай қилиб унинг даврида она заминимизда маданият ва иқтисодиёт бу қадар равнақ топган экан?“ дея савол берар эдик. Мустақилликка эришганимиздан кейингина биз буюк аждодимизнинг ҳурматини ўрнига қўя олдик. Бизнинг бу интилишларимизни Марказий Осиёдаги қўшниларимиз, маданий халқаро ҳамжамият қўллаб-қувватлади. Бу ҳол тасодифий эмас — Соҳибқирон Амир Темури шахси унинг аждодлари бўлмиш фақат бизнинг эмас, балки минтақамиздаги барча халқларнинг, бутун маърифий инсониятнинг бойлигидир.

* * *

Биз ўзбекларни улўф, бунёдкор халқ деб дунёга тараннум этияпмиз ва аслида ҳам шундай. ЮНЕСКОнинг Париждаги Қароргоҳида Амир Темури бобомизнинг тўйларини ўтказишдан мақсад нима эди? Комил бу инсоннинг, энг аввало, буюк давлат асосчиси, буюк бунёдкор, ижодкор шахс бўлганини, фан, маданиятга ҳомийлик қилиб, жаҳон цивилизацияси тараққиётига беқиёс ҳисса қўшганини олам аҳлига билдириш эди.

Суриштириб кўрилса, Парижда ва умуман, Европада ҳам Соҳибқирон бобомизнинг обрўсини тўқишга уринишлар бўлган. Буюк саркардалигини тан олган ҳолда, уни, айтишга тил ҳам бормади, ёвузликда айбашган. Бунга ҳеч қандай мантиқий асос йўқлигини исботлаб бериш қийин эмас. Инсон бир пайтнинг ўзида ҳам бунёдкор, ҳам ёвуз бўлиши мумкин эмас. Не-не мадрасаю масжидлар, олий кошоналарни қурган, не-не олиму фузалоларнинг бошини силаган, Қуръони Каримни ёд билган инсон ёвуз бўлмайди. Қонхўр одам „Куч — адолатда“ дейиши мумкинми?!

* * *

Баъзи тарихчилар бизни Чингизхоннинг авлоди, ҳатто, Амир Темурида ҳам Чингиз қони бор, у мўғул қавмидан, демоқчи бўлади. Ўйлаб кўрайлик, Амир Темури бобомиз қайси миллатга мансуб?

Яна совет даври китобларида Амир Темури аскарлари Москва атрофларига етиб боргани хусусида „мўғул-татар қўшинлари Москвани қамал қилдилар“, деб ёзишган. Ҳолбуки, Соҳибқироннинг аскарлари Тўхтамишхонни тор-мор қилиб, Русияни мўғул истилосидан озод этганидан кейингина Москва атрофида пайдо бўлган. Афсуски, бу ҳақиқат Россия матбуотида 1995 йилдагина ёзилди. Бизнинг тарихчиларимизнинг заифлиги шу даражадаки, шу пайтгача биронтаси чиқиб, йўқ, тарихий ҳақиқат бундай, деб айтмаган. Йўқса, Амир Темури қаёқда-ю, мўғуллар қаёқда! Қани бу ерда фидойилик, ватанпарварлик? Қани миллий ғурури, миллий ифтихор?!



Демоқчиманки, ҳар бир халқ ўз тарихини ҳар хил таъсир ва тажовузлардан асраши керак. Бе-парво бўлсангиз турли сохта ҳомийлар, кучлар борки, улар тарихни бузиб кўрсатадиган китобларни чиқараверади. Ҳатто, чет элда ҳам чиқариши мумкин.

Дунёда дўст бор экан, ганимлар ҳам бўлади. Биргина мисол. Биз 1996 йили Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 660 йиллик тўйини ўтказдик. Шунини ҳам турлича талқин қилувчилар бўлди.

Авваламбор, биз бирор аждодимизнинг тўйини ўтказсак, бунга унинг миллатимиз равнақи учун қилган ишлари, тарихимизда тутган ўрни сабаб бўлади. Шу нуқтаи назардан ёндашсак, Амир Темур ким эди? У, биринчи навбатда, улўф бунёдкор шахс эди. Самарқанддаги обидаларни, Шаҳрисабздаги ёдгорликларни ким қурди? Туркистондаги Яссавий мақбарасини ким тиклади? Амир Темур ва унинг авлодлари замониди Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ҳудудларида амалга оширилган ободончилик, меъморилик ишларини айтмайсизми? Ким „Куч — адолатдадир“ деган оламшумул, теран ҳикматни ўз фаолиятига асосий тамойил қилиб олди?

Яқин-яқингача давлат бошқаруви санъати ҳақида сўз кетса, кўпчилик гапни ё марксчи-ленинчиларнинг давлат ҳақидаги сохта назарияси, ё бўлмаса XVI асрда яшаган Макиавелли қарашларидан бошларди. Қўйиб берсангиз, бу эски одатни бугун ҳам давом эттиришади. Давлат, салтанат, жамият бошқарувига оид мумтоз асар — „Тузуқлар“ни ёзган ким? Умуман, кишилик тарихида ана шундай йўналишда асар битиб қолдирган бошқа ҳукмдор борми ўзи?

* * *

Бу кўҳна заминнинг буюк ўғлонлари ҳақида узоқ гапириш мумкин, лекин улар орасида бир зот борки, у халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратимиз рамзидир.

Бу зот мана шу заминда таваллуд топган, шу заминда униб-ўсган, камолга етган Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидир.

Тарихда машҳур шахслар кўп ўтган, лекин... дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темур бобомиздек буюк саркарда, буюк давлат арбоби, илм-фан ва маънавият ҳомийси бўлган?

Бу улўф зотнинг халқимиз тарихидаги ўлмас хизматларини қадрлаб, уни вояга етказган заминга ҳурмат-эҳтиромимизнинг ифодаси сифатида Шаҳрисабз шаҳри Амир Темур ордени билан мукофотланди. Бу ерда Соҳибқироннинг муаззам ҳайкали ўрнатилгани ана шу эҳтиромнинг яна бир тимсолидир, десам хато бўлмайди.

* * *

Кўп асрлик тарихимиз шундан далолат берадики, энг мураккаб даврларда ҳам халқимизнинг мушкул синовлардан ўтиши, ҳаётнинг турли тўфон ва бўронларига мардона бардош бериб, қад-қоматини тик тутиб яшашига катта мадад бахш этадиган куч — юксак маънавият ва адолатга интилиш туйғуси бўлган.

Бамисоли қушнинг парвози учун қўш қанот қанчалик зарур бўлса, инсониятнинг ҳаёти ва тараққиёти учун мана шу икки буюк тамойил ҳамшиша таянч ва суянч бўлиб келади.

Буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўлини, илмий меросини ўрганар эканмиз, ана шу ҳақиқат улар фаолиятининг бош мезони бўлиб келганига ишонч ҳосил қиламиз.

Шубҳа йўқки, „Куч — адолатдадир“ деган ғояни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган Амир Темур бобомиздек улўф аждодларимизнинг камол топишида ҳам „Ҳидоя“ сингари қомусий асарларнинг таъсири ва аҳамияти беқиёс бўлган.

Шу маънода, бизнинг адолатли жамият барпо этиш йўлида амалга ошираётган ишларимиз чуқур тарихий илдишларга эга, десак, янглишмаган бўламиз.



**„АМИР ТЕМУР“ ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
1996 йил 26 апрель
ҚОНУНИ**

**(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси,
1996 йил, 5—6- сон, 63- модда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. „Амир Темур“ ордени таъсис этилсин.
2. „Амир Темур“ ордени тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
3. „Амир Темур“ орденининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
4. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган „Давлат мукофотлари тўғрисида“ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, 12- сон, 266- модда) 11- моддасининг „Мустақиллик ордени“ деган сўзларидан кейин „Амир Темур ордени“ деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

**Ўзбекистон Республикасининг
„АМИР ТЕМУР“
ордени**

„Амир Темур“ ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлатчиликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари, меъморчиликни, илм-фан, адабиёт ва санъатни, шу жумладан, ҳарбий маҳоратни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотландилар. „Амир Темур“ ордени билан давлатлараро ҳамкорликни, тинчлик ҳамда халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига алоҳида ҳисса қўшганлик учун ҳам тақдирландилар.

„Амир Темур“ ордени билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

„Амир Темур“ орденини таъсис этиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарор қабул қилган ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 1996 йил 26 апрелда имзолаган.

Ўзбекистон Республикаси Қонунидан



ХУЛОСА

Ватан ва эл-улус озодлиги, шунингдек, мустақиллиги йўлида жонини ҳар дақиқада гаровга қўйиб жангу жадал оловларига ўзини урган инсонлар тарихнинг турли долғали даврларида фаолият кўрсатганлар. Улар халқ орасида яшаётган марду майдон баҳодирларни тўплаб ҳаёт-мамонт курашига отлантирган эдилар. Тарихнинг кескин ва ғоят мураккаб даврларидан бири XIV асрнинг 60—70-йилларида марказлашган давлат тузиш учун тақдир жангига отланиш Муҳаммад Тарағай баҳодир ўғли Темурбек зиммасига тушди. Қисмат уни мозийнинг энг машаққатли юки, яъни 150 йиллик узоқ давом этган муғуллар зулмига барҳам бериб, пароканда бўлган юртни таназзул ботқоғидан чиқариб омонлик соҳилига олиб ўтишдек ўта мураккаб жабҳасига ташлади. Нуҳ пайғамбар тўфондан инсоният ва жонзотларни сақлаб қолганидек, Турон ва Хуросон заминни офат балоси — таназзул гирдобидан сақлаб қолишдек сиёсий-иқтисодий ғоят оғир юкни елкасига олиш каби залварли тарихий ҳодиса буюк бир инсонни кутарди. Бу буюк ҳодисанинг ечими оқибат Амир Темур номи билан боғланди. Бундай инсонлар нафақат Ватан, балки ўзларининг бемисл хизматлари туфайли жаҳон тарихи зарварағидан муносиб ўрин олишига тамомила ҳақлидирлар. Шу боис жаҳон сиёсий, иқтисодий тараққиёти равнақига ҳиссасини қўшган арбобларни башарият барча даврлар хотирасида сақлаб, эъзозлаб келади. Бундай улуғ тарихий шахсларнинг ҳаёти дунё халқлари ва келажак авлодлар учун сабоқ ҳамда ҳаёт мактаби ва ибратдир. Соҳибқирон Амир Темурнинг мислсиз кураш йўли бунинг яққол далилидир.

Шубҳасиз, Амир Темур — жаҳон тарихининг буюк шахсларидан бири. Бироқ жаҳон эътирофидан бўлган бу шахсга қаҳри қаттиқ Шўро тузуми ўз жамиятидан ўрин беришга қаттиқ қизғанди, бу номни мутлақ сифиштирмадигина эмас, унга тухмат тошла-

рини отишдан чарчамади ҳам. Негаки, Соҳибқирон Амир Темур Шўро тузуми „даҳолари“ амалга ошира олмайдиган дунё эътироф этган жаҳоншумул ишларнинг уддасидан чиқиб улгурган эди. Бу тузум тарих ҳақиқатига қарама-қарши бориб, юлдуздек порлаб турган Соҳибқирон шаънига тухмат ва уйдирмалардан иборат тўқималар тўрини тўқиб-бичишдан сира чекинмади ва чарчамади ҳам. Аммо тарих ҳақиқати мисоли қуёшдек порлоқ хилқат, ёлғонлар ва тухматларни симоб янглиғ эритиб юборишга қодир бемисл куч эканлигини ҳаётнинг ўзи мутлақ исботлади.

Тарих ўзининг қатъий қонунларини ҳаётга татиқ қилиб Шўро тузумини ҳалокат гирдобига итқитиб ташлади. Мустақиллик буюк аждодини ўз бағрига чорлади. Ўз Ватанидан „бадарға“ қилинган Соҳибқирон Амир Темурдек буюк аждодини узоқ вақт соғиниб-соғиниб кутган халқимиз истиқлол шарофати боис улуғ бобокалон арбобларимиз қаторида она юрт бағрига қайтарди. Бу Ватан ва халқимиз ҳаётидаги ўзига хос тарихий буюк ҳодисадир. Миллат Жалолиддин Мангуберди ва Соҳибқирон Амир Темур каби улуғ аждодларимизнинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги ҳайқириғи ҳамда улар тулпорларининг майдонни титратган дупуридан уйғонди, карахтликдан қутулди. Амир Темур шубҳасиз буюк инсон. У ўзининг даҳшатли ғаним салтанатлари ҳукмдорлари ҳужумларини қандай мардоналик билан қайтарган бўлса, XXI асргача мафкуравий ғанимлари отган тошларга ҳам мардона ва бағрикенглик билан бардош берди.

Жаҳон мамлакатлари ўртасида иқтисодий савдо, маданий ва сиёсий соҳада узилиб қолган алоқаларни қайта тиклаб хавф-хатарсиз муносабатлар равнақига қитъалараро кўприк ясаб, дунё иқтисодий интеграциясига қайта ҳаёт бағишлаб, Буюк ипақ йўлини ишга туширган Амир Темурдан бутун ба-

шариат аҳли миннатдордир. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуди муносабати билан ўтказилган жаҳон тўйи ЮНЕСКО доирасида ўтказилиши буюк инсон Амир Темур хотирасига ҳурмат ва, қолаверса, бир инсонга кўрсатилган иззату ҳурмат ва эъзоз бўлса шунчалик бўлар, бундан асло ортиқ бўлмас.

Ҳурматли ва азиз китобхон. Шу билан буюк аждодимизга бағишланган асаримиз ҳам якунига етди. Бу узоқ йиллар давомидаги изланишлар маҳсулидир. Ушбу асаримизни ёзиш жараёнида фақат ўрта аср муаррихларининг асл манбалари ва мустақиллик даврида чоп этилган асарлардан унумли фойдаланилди. Ушбу китобимиз тарихий-публицистик адабиёт тамойили асосида ёзилдики, асар тарихимизга қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланди. Амир Темурга бағишланган мазкур асар халқ қаҳрамони, буюк давлат арбоби ва улуг саркарда мўғулларга қарши шиддатли кураш олиб борган Хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангубердининг жасоратга тўлиб-тошган курашига бағишланган „Ватаннинг шерюрак баҳодир“ китобимизнинг тадрижий ва солномавий давомидир. Негаки, мўғулларга қарши озодлик ва мустақиллик курашининг жанг яловини Хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангуберди кўтарган эди. Мустақиллик ва озодлик ҳаракатининг иккинчи босқичида орадан бир ярим аср ўтиб Соҳибқирон мўғуллар истибодини Ватанимиздан туб илдизи билан суғуриб ташлаб, дунёда бемисл салтанат кошонасини бино қилди. Бу Ватанимиз тарихидагина эмас, балки жаҳон тарихидаги буюк ҳодиса сифатида мозийда муҳрланди.

Шунга кўра буюк аждодимиз Амир Темурга бағишланган асаримизга „Амир Темур. Адолат ва қудрат тимсоли“ дея ном бердик. Бу ҳар икки китобимиз тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг қамровига олинган даври — она-Ватан тарихининг ҳам фожеали, ҳам шонли даври босқичларидан ҳикоя қилади. Воқеалар ва ҳодисалар ривожига фақат

тарих ҳақиқатигина асос қилиб олинди ва асл манбаларга таянилди. Амир Темурнинг бетакрор қиёфаси, фаолияти, инсонийлиги ҳам фақат биринчи даражали манбалар билан безантирилди ва таянилди. Агар асар ёзилиши жараёнида айрим камчилик ёки нуқсон бўлса, китобхонларимиздан уэр сўраймиз, ўринли ва фойдали маслаҳатларини қабул қиламиз. Қолаверса, ушбу китобимизни ёзишга ундаган, шунингдек, мазкур асаримизнинг пишиқ ва жозибали ўқишли бўлишига ҳамда халқимизга узоқ йиллар хизмат қилишини таъминлашдек эзгу мақсад йўлида профессионалик маҳорати, истеъдодини зўр ғайрат билан сафарбар этиб, китобга заргарона ишлов берган, Амир Темур ҳазратларининг руҳлари шод бўлишига сидқидилдан чўнг улушини қўшган забардаст қалам соҳиблари: ижодий гуруҳимиз раҳбари Рустам Мирзаев ва Покизахон Аъзамовага алоҳида ташаккуримизни изҳор қиламиз. Шунингдек, манбашунос-темурушунос олимларимиздан Омонулла Бўриев, Хуршид Файзиев ва устозимиз — жаҳон таниган тарихшунос профессор олим Мирсодиқ Исҳоқовга энг яхши тилакларимизни билдирамыз. Айниқса, бизни Соҳибқирон Амир Темур даври тарихини мукамал тарзда чидам ва қунт билан ўрганишга йўллаган марҳум устозимиз, улкан темурушунос олим, Мустақиллик берган имконият туйфайли миллатимизга илк бора „Соҳибқирон ҳазратнинг шажаравий силсиласи“ ва „Темурий маликалар“ номли ажойиб асарларини тухфа этган (марҳум устозимизнинг абадият дунёси обод бўлиб, жойларини Яратган нурга тўлдирсин) Турғун Файзиевга алоҳида миннатдорчилигимизни билдириб қоламыз.

Шунингдек, китобнинг масъул муҳаррири Абдумажид Мадраимовга ва ушбу асаримизни ноёб архив ҳужжатлари ҳамда тарихий фотоманбалар билан таъминлашдаги катта ёрдами учун Темурийлар тарихи давлат музейи маъмуриятига алоҳида миннатдорчилигимизни билдирамыз.



Китоб-альбомнинг чинакамига бадиий юксак даражада эстетик завқли безанишида бегараз ёрдами ни аямаган Самарқанд ва Қашқадарё вилояти ҳамда Шаҳрисабз ҳокимликлари ва музейлар маъмурияти ҳамда илмий ходимларига ҳамда дўст-биродарларимиз орасида шундай инсоний фазилатлари билан алоҳида ҳурмат қозонган, тарихимиз ва миллий маданиятимиз жонкуяри, саҳий қалб эгаси ва маърифат ҳомийси ажойиб инсон Тилолмурод Умаров оғамизга ҳам алоҳида самимий миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз. Ушбу китобимизнинг ёзилиши жараёнидан то нашрдан чиққунга қадар бўлган даврда менга жуда қулай шарт-шароитлар яратиб берган Руслан Қурбонов, Темур Худойберганов, Жўрабек Матёқубов ва Ойбек Абдуллаевларга энг яхши тилакларимизни билдирар эканмиз, уларнинг кейинги ишларига ҳам зафарлар тилаймиз.

Амир Темур бобокалонимиз бошлаб берган Мустақиллигимиз ғоялари она-Ватан — Ўзбекистонимиз осмонидан тонг юлдузи мисол то абад чақнаб руҳлари қўллаб турсин.

Мустақиллигимиз, она-Ватан ва унинг халқини, аввало, Парвардигор доимо қўлласин. Жалолиддин

Мангуберди, Амир Темур ва уларни улуғ жангга йўллаган пири комил улуғлари, шунингдек, буюк саркардаларининг шонли жангларда улар билан елкама-елка турган, баҳодир аجدодларимиз руҳлари шод бўлсин. Ушбу илтижомиз Яратганга етиб боради деган умид ва ишонч билан айнан Хотира ва қадрлаш куни буюк тарихий аждодимизга аталган асаримиз ўз ниҳоясига етди. Эл-юрт, Ватан дея суронли жангу жадалларда адолат қиличини чекиб, Мустақиллик яловини кўтариб, баҳодир фарзандларни ва уларни улуғ жангга бошлаб эрк учун курашган йўлбошчиларини миллат асло унутмайди. Улар руҳлари доимо шод этилажак, номлари эса доимо ёд этилажак. Ватан ва халқ учун, улар эрки ва озодлиги учун курашган эл-юрт баҳодирларининг бемисл жасоратлари миллат қалбида, Ватан солномасида абадиятга қадар сақланажак, шубҳасиз! Зеро шундай даҳо зотларни тарбиялаб, оқ ювиб, оқ тараб жаҳон майдонига олиб чиққан, Парвардигор назари тушган она юрт ҳам, унинг халқи ҳам то абад завол билмай бахтли ҳаёт сурури билан яшашга ҳақлидир, иншооллоҳ!



АМИР ТЕМУРНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, ҲАРБИЙ ВА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ФАОЛИЯТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭНГ МУҲИМ ТАРИХИЙ САНАЛАР

1. XIV аср биринчи ярми. Чиватойхонлар даврида Мовароуннаҳрда ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий оғир вазият.
2. 1336 йил 9 апрель — Амир Муҳаммад Тарағай ўғли Темурбекнинг таваллуди.
3. 1346—1358 йиллар Мовароуннаҳрда Амир Қазаған ҳукмронлиги.
4. 1365 йил Чиноз яқинидаги „Лой жанги“да Илёсхўжа томонидан Амир Темур ва Амир Хусайннинг мағлубиятга учраши.
5. 1370 йил 9 апрель Амир Темурнинг Балхга юриши. Амир Темур Мовароуннаҳр ва Хуросон ҳукмдори.
6. 1371 йил баҳор ва куз. Амир Темурнинг жетеликлар (Муғулистон) устига биринчи ва иккинчи юриши.
7. 1380 йил Кешда Оқсарой қурилиши.
8. 1387 йил Эрон, Озарбайжон, Ироқ, Жанубий Кавказ ҳудудлари сари уч йиллик ҳарбий юриш бошланди.
9. 1388 йил Хоразмга бешинчи юриш ва Хоразмнинг Амир Темур давлати таркибига кириши. Султон Маҳмуд (сохта хон) ҳукмронлиги (1388—1402 йиллар).
10. 1391 йил Амир Темурнинг Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонга қарши ҳарбий юриши.
11. 1395 йил 15 апрель. Терек (Шимолий Кавказ) дарёси бўйида Амир Темур ва Тўхтамишхон қўшини ўртасидаги жанг. Буюк Галаба.
12. 1398 йил май. Амир Темур Ҳиндистон юришини бошлади. 18 декабрь. Деҳли султони Султон Маҳмуд ва Амир Темур қўшини ўртасида шиддатли жанг бўлиб ўтди. 1399 йил баҳоригача Шимолий Ҳиндистон вилоятлари эгалланди. 10 сентябрь Соҳибқирон етти йиллик ҳарбий юришини бошлади.
13. 1402 йил июлида Анқара жанги.
14. 1403 йил мартнинг иккинчи ҳафтаси оралиғида Йилдирим Боязид ва Муҳаммад Султон вафот этдилар. 7 апрель Шоҳрух Мирзонинг ўғли Муҳаммад Жўги таваллуди. Июнда гуржиларнинг бўйсунмаган Картли қалъаси эгалланди. Абхазлар юртига юриш қилинди. Аракс дарёси яқинида Бойлақон шаҳри барпо этилди. Июль ойида Ферузқўҳ қалъаси забт этилди ва шу билан етти йиллик ҳарбий юриш ўз ниҳоясига етди (1404 йил). Амир Темур қўшини билан Самарқандга қайтди. Август ойи охирларидан турли мамлакатлар элчиларини қабул қилишни бошлади.
15. 1404 йил август, сентябрь, октябрь ва ноябрь ойининг охиригача Амир Темур салтанатнинг ички ва ташқи сиёсат, ободончилик, бунёдкорлик ишлари билан қизғин шуғулланади. Шу давр оралиғида Хитой юришига ҳам жадал тайёргарлик кўрди.
16. 1404 йил ноябрда Амир Темур Хитой сари ҳарбий юришга отланди.
17. 1405 йил 18 февралда Амир Темур вафот этди.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. *И. А. Каримов.* Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том, Т., „Ўзбекистон“, 1996.
2. *И. А. Каримов.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том, Т., „Ўзбекистон“, 1996.
3. *И. А. Каримов.* Бунёдкорлик йўлидан. 4-том, Т., „Ўзбекистон“, 1996.
4. *И. А. Каримов.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. 5-том, Т., „Ўзбекистон“, 1997.
5. *И. А. Каримов.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т., „Шарқ“, 1998.
6. *И. А. Каримов.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том, Т., „Ўзбекистон“, 1998.
7. *И. А. Каримов.* Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том, Т., „Ўзбекистон“. 1999.
8. *И. А. Каримов.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том, Т., „Ўзбекистон“, 2000.
9. *И. А. Каримов.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Т., „Ўзбекистон“, 2001.
10. Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари. Т., „Адолат“, 2001.
11. *И. А. Каримов.* Юксак маънавият — енгилмас куч. Т., „Маънавият“, 2008.

Ёзма манбалар

1. *Шарафуддин Али Яздий.* Зафарнома. Нашрга тайёрлаш, сўз боши, изоҳ ва кўрсаткичлар А. Ўринбоевники. Масъул муҳаррир А.К.Арендс. Т., „Фан“. 1972.
2. *Низомиддин Шомий.* Зафарнома. Форс тилидан Юнусхон Ҳакимжонов таржимаси. Таржимани қайта ишлаб нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир: Асомиддин Ўринбоев. Изоҳлар ва луғатларни тузувчи Ҳабибулло Кароматов (географик номлар изоҳи Омонулла Бўриевники) Т., „Ўзбекистон“. 1996.
3. *Муъиниддин Натанзий.* Мунтахаб ут-тавориҳи Муъиний. Форс тилидан таржима, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Фулом Каримий. Масъул муҳаррир: Асомиддин Ўринбоев.
4. *Абдураззоқ Самарқандий.* Матлаъи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. Форс-тожик тилидан таржима. Кириш сўз ва изоҳли луғатлар т.ф.д. Асомиддин Ўринбоевники. Т., 2008.
5. *Амир Темур Кўрагон.* Зафарнома. (Таржимаи ҳол.) Т., „Нур“. 1992.
6. *Ибн Арабшоҳ.* Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни филология фанлари номзоди У. Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. I—II китоб. Т., „Меҳнат“. 1992.
7. *Мирзо Улугбек.* Тўрт улус тарихи. Форс тилидан Б. Аҳмедов, Н. Норқулов, М. Ҳасанийлар таржимаси. Тошкент „Чўлпон“. 1994.
8. *Мирзо Муҳаммад Ҳайдар.* Тарихи Рашидий. Ўз ФА ШИ қўлёзмаси, №1430. В. 85 а.

9. Мирза Мухаммад Хайдар. Тарихи Рашиди. Введение, перевод с персидского А.Урунбаева, Р.П. Джалиловой, Л.М. Епифановой. — Т., „Фан“, 1996.
10. *Шильтбергер Иван*. Путешествие Ивана Шильтбергера по Европе, Азии и Африке с 1394 г. по 1427 г. Пер. с нем. и набдил примеч. ф. Бун II записи имп. Новороссийского университета. Вып. 1–2. Одесса, 1867.
11. *Фасих Хавофи*. Мужмали Фасихи. Перевод, предисловие, примечания и указатели Д. Юсуповой. Т., 1980.
12. *Руи Гонсалес де Клавихо*. Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406 йиллар). Русчадан О.Тоғаев таржимаси. „Санъат“. 1989. №9, 1990, № 10.
13. *Салоҳиддин Тошкандий*. Темурнома. Тошкент. 1990.
14. *Заҳриддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. / П. Шамсиев, С. Мирзаева ва Э. Мано нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи С. Ҳасанов. Т., 2002.
15. *Мулфузоти Темурий* (Қиссаи Темур). Тошкент. Масъул муҳаррир т.ф.д. Ҳайдарбек Бобобеков, илмий муҳаррир ю.ф.д. Ҳалимбой Бобоев. Араб алифбосидан кирилл алифбосига ўгириш, сўз боши, луғат ва изоҳ муаллифлари Ҳ. Бобобеков, А. Қурбонбеков. Т., 2000.
16. *Гиясиддин Али*. Дневник похода Тимура в Индию. Москва. Издательство восточной литературы. 1958.
17. *Ҳофиз Таниш ал-Бухорий*. Абдуллонома (Шарафномаи Шоҳий). Биринчи китоб. Форс тилидан Содиқ Мирзаев таржимаси. Илмий муҳаррир, нашрга тайёрловчи, сўз боши, изоҳлар муаллифи академик Бўрибой Аҳмедов. Т., „Шарқ“. 1999.
18. Амир Темур ва темурийлар даврига оид халқаро ва республика миқёсида ўтган илм-фан, бунёдкорлик мавзуларига доир илмий конференция материаллари тўплами. „Академнашр“. Т., 1996 – 2016. 1–8- китоблар.
19. Амир Темур сабоқлари туркумида жами 5 та китоб. Т., „Шарқ“ ва „Академнашр“. 1999–2016.
20. Амир Темур жаҳон тарихида, Т., „Шарқ“. 2006.
21. Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида. Илмий-оммабоп нашр. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти Т., 1997.
22. *А.Раҳматуллаева*. Амир Темур салтанати тарихнавислиги „Фан ва технология“ нашриёти, Т., 2010.
23. *Н.Н.Ҳабибуллаев, Д.А.Қурбонова*. Темурийларга оид дурдоналарнинг дунё бўйлаб тарқалиши. „Академнашр“. 2016.
24. *Т.Файзиев*. Темурийлар шажараси. Т., „Ёзувчи“, „Хазина“. 1995.
25. *Т.Файзиев*. Темурий маликалар. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994.



26. *М.И.Иванин*. Икки буюк саркарда: Чингизхон ва Амир Темур / А. Маҳкамов таржимаси. „Фан“, 1994.
27. *Ҳ. Дадабоев*. Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати . Т., „Ёзувчи“. 1996.
28. *А.Бердимуродов*. Амир Темур мақбараси 1941 йилнинг 16— 24 июнь кунларида. Т., „Янги аср авлоди“. 2010.
29. Амир Темур ўғитлари. Тўплаб нашрга тайёрловчи Ўз ФА академиги. Б. Аҳмедов ва ёзувчи Акром Аминов. Т., „Наврўз“. 1992.
30. Темур тузуклари / Т., „Ўзбекистон“. 2011.
31. Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида / ЎзФА академиги Б.Аҳмедов илмий таҳрири остида. Т., „Ўқитувчи“ нашриёти. 1996.
32. *Амир Темур Кўрагон*. Зафарнома (таржимаи ҳол). Т., „Нур“. 1992.
33. *Ҳерман Вамбери*. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. Т., Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1990.
34. *Б. Аҳмедов*. Амир Темур. Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1995.
35. *Муҳаммад Али*. Улуғ салтанат (тетралогия 1—4-китоб). „Шарқ“ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти“ Т., 2011—2014.



МУНДАРИЖА

Сўз боши..... 7

МУЎҒУЛЛАР ИСТИБДОДИНИНГ ТАНАЗЗУЛИ ВА БУЮК САЛТАНАТНИНГ БАРПО ЭТИЛИШИ

(XIV асрнинг 2-ярми — XV асрнинг бошлари)

Озодлик ва эркинликка зор юрт фарёди.....	15
Ҳаётнинг энг оғир ва машаққатли синовлари.....	57
Мустақиллик учун кураш.....	85
Соҳибқирон ва маликалар.....	111
Самарқандда қўйилган буюк салтанат пойдевори.....	117
Шимоли-шарқ ва шимоли-ғарбдан йўналган таҳдид.....	121
Марказлашган давлатдан буюк салтанат сари.....	129
Уфқлари узоқларга ёйилаётган салтанат.....	143
Жаҳонгирликка даъвогарликдан чиққан олов.....	151
Буюк ипак йўлини тиклаш йўлида жанговар ҳаракатлар.....	187
Олтин Ўрда салтанати таназзули.....	205
Ватандан йироқдаги жангу жадаллар.....	243
Кичик Осиё катта уруш бўсағасида.....	253
Салтанат ички ва ташқи сиёсатининг долзарб муаммоларини ҳал этиш йўлида.....	275
Видолашув ва зил кетган қасам.....	295
„Тузуқлар“ — салтанатнинг асосий қонуни.....	305
Бунёдкорлик ва яратувчиликнинг ёрқин йўли. Соҳибқирон салоҳияти даҳосидан сайқал топган Самарқанд.....	323
Амир Темур ва халқаро алоқалар дипломатияси.....	339
Амир Темур мустақиллик кўзгусида.....	355
Хулоса.....	375
Фойдаланилган адабиётлар.....	379

МУАЛЛИФНИНГ ИЛМИЙ-ИЖТИМОЙ ФАОЛИЯТИГА ОИД ҚИСҚАЧА МАЪЛУМОТ


Тарихшунос олим Жумабой Раҳимов 1949 йил 14 июнда Хоразм вилоятининг Гурлан тумани Ширинлар қишлоғида таваллуд топди. 1966 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1969 йилда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга қабул қилинди. 1974 йилда уни имтиёзли тамомлаб, илмий-педагогик фаолият юритди.

Ж. Раҳимов 1996 йилда фан номзоди илмий даражасига эга бўлди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият бошқаруви академияси Янги Тарих марказида етакчи мутахассис, 2000 йилдан эса Тошкент Давлат юридик университетининг ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти лавозимида фаолият юритди.

Ж. Раҳимовнинг Халқ таълими ва Олий таълим тизимлари учун ўнга яқин дарслик, ўқув қўлланмалари чоп этилди, Ватан тарихи, маънавият, маънавий меросларимизга оид 100 га яқин илмий мақолалари эълон қилинди.

Айниқса, „Ватаннинг шерюрак баҳодир“, „Гуроннинг шерюрак баҳодир“, „Ўзбекистон тарихи дарсларида архив манбаларидан фойдаланиш“ каби альбом китоблари, тарихий-публицистик асарлари илмий жамоатчилик ҳамда халқимиз томонидан илиқ кутиб олинди ва тарихимизнинг бўшлиқларини тўлдиришга хизмат қилганлиги эътироф этилди.

Заҳматқаш олим Жумабой Раҳимов шу кунларда юлдуздек чақнаган буюк тарихий алломуларимизга бағишланган асарлар устида қизғин иш олиб бормоқда. Бу ишларининг муваффақиятли тугалланишида муаллиф нодир ўрта аср ман-



баларидан ташқари, махсус архивларда сақланаётган ноёб ҳужжатларни тилга киритишга имкон топиб, халқимиз учун маълумотлар сирли сандиғини очади. Буларнинг барчаси мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва уни кўз қорачиғидек асраш учун хизмат қилади.

Зеро, тарих ҳақиқат чироғи, улуғ муаллимдир, тарих манбалари эса тарихий онгни ёритувчи нурдир. Ватан тарихи билан уйғонган халқни асло мағлуб қилиб бўлмайди.

Муаллифимизнинг тарихга қараши айнан шундай, асарларининг асл гоёси ҳам шу мақсадга йўналтирилган.



84(5Ў)7
P29

Раҳимов, Жумабой.

Адолат ва қудрат тимсоли (Амир Темур): [Матн]/Ж. Раҳимов. —
Тошкент: „О‘қитувчи“ NMIU, 2017. — 384 б.
ISBN 978-9943-22-048-5

УЎК: 355/359(092)(575.1)
КБК 84(5Ў)7

ЖУМАБОЙ РАҲИМОВ

АДОЛАТ ВА ҚУДРАТ ТИМСОЛИ

(Амир Темур)

*„О‘қитувчи“ нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2017*

Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон халқлари тарихи давлат музейи (Тошкент ш.),
Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейи (Самарқанд ш.), Амир Темур номли моддий-маданият
тарихи музейи (Шаҳрисабз ш.) архив манбаларидан ва рассомлар:

*Б. Айтмуродов, А. Алиқулов, А. Жалолов, Д. Имомов, О. Мўминов, М. Нуриддинов, С. Раҳметов,
З. Фаҳриддинов, Т. Болтабоев, И. Валихўжаев, Д. Жўраев, Ф. Камолов, Т. Намозов, У. Неъматов,
Н. Пирназаров, В. Прошена, С. Раҳимов, А. Сатторов, Й. Сатторов, Ф. Ҳайдаров
асарларидан фойдаланилди.*

Муҳаррирлар: *Покиза Аъзамова, Рустам Мирзаев*

Бадий муҳаррир *Баҳодир Ибрагимов*

Техник муҳаррир *Сурайё Набиева*

Мусахҳих *Зулфия Фуломова*

Компьютерда саҳифаловчи *Шоира Юлдашева*

Нашриёт лицензияси АІ №291.04.11.2016. Оригинал макетдан босишга рухсат этилди 01.05.2017.
Бичими 60×100 1/8. Кегли 14, 12 шпонли. Академ ҳарфида терилиб, офсет босма усулида чоп этилди. Офсет қорғоши.
Шартли б. т. 53,28+8,88 рангли вкл.+0,6 форзац. Ҳисоб-нашриёт т. 28,23+7,2 рангли вкл.+3,2 форзац.
Адади 20 000 нусха. Биринчи завод 5 000 нусхада босилди. Буюртма №50—17.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „О‘қитувчи“ нашриёт-матбаа-ижодий уйи. Тошкент,
Юнусобод тумани, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй. Шартнома №07—58—16.

AMIR TEMUR

ADOLAT VA QUDRAT TIMSOLI



© „O'qituvchi“ NMIU
100206, Toshkent sh., Yangishahar ko'chasi, 1.
Tel.: (+99871) 224-04-12
info@oqituvchi.uz, www.oqituvchi.uz

ISBN 978-9943-22-048-5



9 789943 220485